АҲАТ АНДИЖОН

ТУРКИСТОН УЧУН КУРАШ



1

Аҳат АНДИЖОН

ТУРКИСТОН УЧУН КУРАШ

Биричи жилд

Туркчадан **Тоҳир ҚАҲҲОР** таржимаси
Тақризчи: Сирожиддин **АҲМАД**

“Тафаккур” нашриёти, Тошкент 2017

Туркистон дунё маданиятининг бешиги, бу ўлкадаги инсонларнинг она ватани, шу боис ҳам мустақиллик даврининг илк йилларидаёқ Туркистон умумий уйимиз шиори жаранглади. Ўтган аср бўйи жадидлар, ватанпарварлар Туркистон истиқлоли учун кураш олиб борган. Натижада Туркистон мухторияти, Бухоро халқ жумҳурияти каби миллий давлатлар қурилган. Улар шўролар томонидан ағдарилган бўлса ҳам, ҳурриятга интилиш юртимизда сўнмаган. Туркистон озодлиги учун кураш давом этган. Бу қутлуғ ишга ўтган асрда турли сабаблар билан хорижга чиқиб кетган юртдошларимиз ҳам қатнашган. Аҳат Андижоннинг Туркияда ва Оврупода босилган ‘‘Cedidizm`den Bağımsızlığa Hariçte Türkistan Mücadelesi’’ (Истанбул, 2003, 2008, инглизчада “Turkestan Struggle Abroad From jadidism to Independence” (2007, Haarlem) номли китобида 1900 йиллардан мустақилликкача бўлган даврдаги ватанпарварлик ҳаракатлари акс этган. Китобда ўзбек, рус, турк, инглиз, француз, форс, озарбайжон, татар, гуржи, украин, поляк ва бошқа тиллардаги манбалардан, айниқса, Мустафо Чўқай, Усмон Хўжа, Закий Валидий ва бошқа тарихий шахсларнинг мактубларидан, китобларидан, журналларидан, архивлардан муаллиф жуда унумли фойдаланган. Асар тарихимизни, ўтмишдаги ижтимоий ҳаётимизни ўрганишда, ёшларнинг ватанпарвар ва миллатпарвар бўлиб етишувларида хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Тоҳир ҚАҲҲОР

Бу асардан фойдаланиш, асардаги архив ҳужжатлари, хатлар, расмлардан кўчирма олиш учун муаллифлик қонунларига кўра асарнинг ва муаллифнинг манба кўстарлиши керак

Туркистон истиқлоли учун курашган инсонларга,
отам ҳожи Йўлдош ва онам биби Ҳожира
хотираларига эхтиром ила бағишлайман.

Муаллиф



А. Аҳат Андижон
(Туркиялиқ шифокор олим, тарихчи, сиёсатчи, давлат арбоби ва ижодкор)

1951 Йилда Афғонистонинг қундуз шахрида, Андижондан кўчиб борган Ўзбек оиласида туғилган. У бир ёшда зкан, оиласи Туркияга хижрат килади.

Аҳат Андижон, оқшахарда бошланғич ва ўрта мактабни битириб 1968-1974 йилларда Истанбул университетининг тиб факулътетида таълим олади. Ҳарбий хизматни ўтаб келиб, яна тиб бўлимида шифокорлик ва илмий фоалиятини давом эттиради. Англняда тиб йўналишида ишлаб, тажриба орттириб кайтади (1979). Тадқиқотлари ва илмий фоалияти натижасида доцент (1984), профессор (1991) унвонларига эришади.

бу даврда Аҳат Андижон тиббиёт фоалияти билан бир қаторда Истанбул университетининг тарих факулътетини тамомлаган ва тарихчи унванини олган

1984 йилдан бошлаб у Истанбулда жойлашган Туркистонликлар ёрдамлашма жамиятининг раиси сифатида кенг ва жадал фоалият юритди. 1988 йилдан “Туркистон” журналининг бош мухаррири сифатида, бир неча йил давомида Турк дунёсидаги хаётни, шунингдек, Туркиядаги туркистонликлар турмушнин ёритишда, Турки ўлкаларнинг мухим масалаларниниг Туркияга танитилншида хизмат қилди. Оқибатда Туркиянинг таниқли сиёсатчиларидан бирига айланди.

1995-2002 йилларда АНАП партнясидан, 2018-2023 йилларда IYI партнясидан Истанбулдан депутат қилиб сайлаиди. 1997-1999 йилларда Туркия давлат вазири вазифасини бажарди.

1991 йилда Ўзбекистонга қелган, ота юрти билан якиндан танишган. “Туркистон” журналидаги юртиминзга бағлиқ асарлари ва фоалияти учун унга Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси таргибот марқазининг йиллик Чўлпон мукофоти берилди (1992)

Туркистон ва Туркий дунё мавзусидаги неча юзлаб мақолалари турли тилларда жахон матбуотинда босилган.

Нашр қилинган илмий-оммабоп асарлари:

1. Değişim Sürecinde Türk Dünyası (ўзгаришлар даврида туркий дунё) (1996)
2. Türk Cumhuriyetleri ve Türkiye İlişkileri İçin Ekonomik Model Arayışı (Туркий давлатлар ва Туркия ўртасидаги муносабатларнинг иқтисодий моделини излаш) (1998)
3. Cedidizmden Bağımsızlığa Hariçte Türkistan Mücadelesi (2003)

Бу асар 2007 йилда инглнз тилида (Turkestan Struggle Abroad) ва 2017 йилда Ўзбек тилида (Туркистон Учун Кураш) босилган.

4. Osmanlı’dan Günümüze Türkiye ve Orta Asya (Усмонли империясидаи хозиргн кунгача Туркия ва Ўрта Осиё) (2009)
5. Emir Timur: Tarih, Siyaset, Miras (Амир Темур: Тарих, Сиёсат, Мерос (2019)
6. Baymırza Hayit: Türkistan Kavramını Yaşatan Adam (Туркистон консепсиясини сақлаб қолган инсон: Баймирза Хаит (2023)

СЎЗБОШИ

Йигирманчи аср урушлар ва кўплаб инқилобу ихтилоллар давридир. Икки жаҳон уруши ва ундан кейинги совуқ саваш йилларида милйўнларча киши қурбон бўлди ва милйўнларча инсон она юртини мажбуран ташлаб кетди. Айниқса, советларнинг коммунистик мафкураси бўйинтуруғига боғлиқ миллатлар башарият тарихининг энг мудҳиш фожиасини бошдан кечирди. Келажакни дея бугунги турмушни қулликка айлантирган шафқатсиз хаёлпарастларга жимгина бўйсунганларгина яшай олди, қарши чиққанлар турли йўллар билан маҳв этилди.

Бу ғайриинсоний мафкурага қарши курашмоқ ва ўлкаларини истиқлолга эриштирмоқ умидида ҳижрат қилган муҳожирлар эса, дунё мувозанатини белгиловчи катта кучларнинг тўқнашув майдонларида “пиёда” бўлмоқ фожиасига дуч келдилар.

Бошқа юртларда бошларига тушган сон-саноқсиз қийинчиликларга қарамай, муҳожирлар толесизликларга тик боқдилар. Улар умид ва ишонч, ҳатто ўжарлик билан ҳуррият мужодаласини давом эттиришлари керак эди. Шундай қилдилар ҳам. Қанчалар оғир шароитда яшасалар ҳам, қаршиларидаги душман қанчалар кучли бўлса ҳам, чорасизлик ичида имкон борича, қўлдан келган ишни бажардилар ва ҳаётларининг сўнгига қадар кураш йўлидан бордилар.

Қўлингиздаги китоб ҳур Туркистон ғояси билан ўз юртларидан чиқиб, дунёнинг турли ўлкаларига тарқалиб кетган ва етмиш йил бўйича мустамлакачиларга, шўрога қарши истиқлол мужодаласини давом эттирган туркистонликлар ҳикоясини, қисқаси, хориждаги Туркистон мужодаласини англатишга бағишланган.

Афғонистондан Оврупога қадар кенг бир жуғрофий муҳитга ёйилган ва ҳарқалай етмиш йил орасида юз берган бу сиёсий фаолиятнинг, хусусан, унинг маълум бир йиллардаги йўналишини шакллантирган бир шахс сифатида, хориждаги Туркистон мужодаласи тарихнинг унутилиш даҳлизларида қолиб кетмаслиги керак, дея ўйлаб юрардим. Яхши ва ёмон тарафлари, тўғри ва нотўғри йўналишлари билан бу мужодала обьектив ёритилиши ва замон ҳукмига ҳавола қилиниши лозим эди. Истанбулда “Туркистон” журналини чиқарганим 90-йиллар арафасидаёқ бу ишга киришиб, манбаларни йиға бошладим.

Бу ишда дуч келганим илк катта қийинчилик шуки, Туркистон ҳаракатининг шаклланиши ва иш юритиши асосан яширин равишда юз бергани боис, асл ҳужжатларни топиш, кўриш деярли имконсиз эди. Бошқа бир муаммо эса, сал кам юз йил орасида кечган бу ишлар дунёнинг

бир-биридан узоқ ва турли-турли сиёсий муҳитга боғлиқ ўлкаларида юз берган эди. Шунинг учун шарқ ва ғарбдаги бир неча давлатларда изланишлар олиб боришга, керакли манбаларни ахтаришга мажбур эдим. Асл ҳужжатларни топишга, ҳаракатнинг тарихий шаклланишига оид манбаларни ўрганишга ва ҳар бир даврнинг муҳим одамлари билан учрашиб, уларнинг фикрини, хотираларини, тавсияларини олишга ўн йилча вақтим кетди. Чекилган бу заҳматлар натижасида, менимча, тарихий ҳужжатлар ва обьектив манбаларга асосланган, бутунлай янги бир асар майдонга келди.

XX аср аввалидаёқ бошланган жадидчилик ҳаракатидан истиқлол давригача юз берган Туркистон миллий мужодаласи бир неча авлод тарафидан юритилган бир кураш жараёнидир.

Туркистон ҳудудларида шўро ҳокимияти ўрнатилгач, яна мустамлакага айланган ватан озодлиги йўлидаги мужодаланинг хориждаги маркази Афғонистонда шаклланди. Туркистонлик ватансевар зиёлилар, босмачилик ҳаракати қатнашчилари ва қўрбошилар, собиқ Бухоро амири бу ҳаракат вакиллари эди.

1920 йил ўрталарига келиб бу сиёсий ҳаракат маркази аввал Олмония, Франсия, Пўлшага кўчди, сўнгроқ баъзи Оврупо ўлкаларига ҳам тарқалиб, охири Туркиядан асосий қўним жойини топди. Туркистон миллий бирлиги жамияти вакиллари Пўлшага сиғинган Совет иттифоқидаги асир миллатларнинг тамсилчилари билан биргаликда Прометей жабҳасини ташкил этдилар. Уларнинг умумий душманга қарши 1940 йилгача баъзи фаолиятларни олиб боришди.

Иккинчи жаҳон уруши бошларида шўро қўшинлари сафида курашга кирган юз мингларча туркистонликларнинг немис фашистларига асир тушиб қолгани, улардан Туркистон легиони ташкил этилгани Туркистон мужодаласини янгидан оловлантиргандай бўлди. Аммо ўша юз мингларча туркистонликлар, афсуски, Оврупонинг уларга ҳеч бир алоқасиз бу уруши тугагунгача шахмат тахтасидаги пиёда ролини ўйнадилар, ҳар икки тарафнинг жанг майдонларида қурбон бўлдилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр ҳаёти мафкуравий кутблашмалар курашига боғлиқ бўлиб қолди. АҚШ ва Совет иттифоқи раҳбарлари ўртасидаги совуқ уруш жараёнида Туркистон миллий ҳаракати Оврупо, Туркия, Ўрташарқ ва Афғонистон минтақаларида янгидан шаклланди ва ҳур Туркистон ғояси доирасида мужодалани давом эттирдилар.

1980-йилардаги шўронинг Афғонистонни ишғол қилишидан кейин бошланган янги даврда босмачиларнинг неваралари яна эски ёв босқинига дучор бўлдилар. Жанубий Афғонистондаги туркий халқлар ва туркистонликлар тағин уруш ва ҳижрат жабрини чекдилар.

Горбачев тарафидан бошланган ошкоралик ва қайта қуриш сиёсати, қарангки, советлар империясининг чўкиш ва тарқалиш муждасини берди. 1990-йилларга келиб, чорликдан бери мустамлака бўла келаётган Туркистон харитасида янги бешта мустақил республика майдонга чиқди. Шундай қилиб, етмиш йилдир давом этган хориждаги ҳур Туркистон мужодаласи ҳам поёнига етди.

Эндиликда бир савол кўндаланг турарди: Россия ва Чин давлатлари ўртасида жойлашган бу янги туркий жумҳуриятларнинг тақдири бундан кейин нима бўлади? Уларнинг ҳар бири ўз-ўзича яшагани ҳолда қўшни кучли салтанатлар таъсирида ўралашиб қоладими ёки биргаликда иш юритиш йўлидан бориб Туркистон Федератив Республикалари ўлароқ, Овруосиёдаги катта давлатлардан, сиёсий кучлардан бирига айлана оладими?

XXI асрда бобомерос Туркистон ўлкаси инсонларининг, хорижда она юрт ҳуррияти учун мужодала қилаётганларнинг биргаликда ҳал қилиши керак бўлган муаммо будир. Тарихнинг шу саволга берадиган жавоби эса Туркистон мужодаласи келажагини белгилаб беради деб ўйлайман.

Шу ўринда ўтмишдаги мустамлакачиликка оид муҳим бир нуқтани ҳам эслаб ўтишимиз даркор. Маълумки, яқин мозийда Улуғ Туркистон жуғрофий жиҳатдан иккига бўлинганди – чорлик босиб олган Ғарбий Туркистон ва чин ишғоли остидаги Шарқий Туркистон. Бу китоб мавзуси Ғарбий Туркистондан хорижга чиққан кишиларнинг юритган сиёсий фаолиятларини кўрсатиш билан чегараланмоқда. Шарқий Туркистон учун тарихий курашлар Исо Юсуф Алптекин, Муҳаммадамин Буғро ва бошқа атоқли шахсларнинг китобларида кенг ёритилган. Шарқий Туркистон ҳамон ишғол остидадир ва унинг мустақиллик мужодаласи давом этмоқда.

Бу асарнинг майдонга келишида бир қанча кишиларнинг холисона кўмакларидан фойдаландимки, уларнинг ҳар бирига миннатдорлик билдириш бурчимдир деб ўйлайман. Хусусан, Туркистон Миллий Бирлиги (ТМБ) ҳаракатларига алоқадор ва бугунгача ҳеч ерда босилмаган айрим архив ҳужжатларига эга бўлишимда ёрдам берган марҳума Саида Ўқтой хонимдан жуда миннатдорман.

Китоб устида ишларканман, устоз Боймирза Ҳайит, Вали Қаюмхон каби бир неча атоқли, ҳурматли кишилар қимматли вақтларини аямай мен билан суҳбатлашдилар, айрим хужатлар, эсдаликлари биан ўртоқлашдилар. Бундайин сўзли ва ёзувли кўмаклари учун барчаларига раҳмат дейман. Шунингдек, олмонча манбалар таъминида ёрдамини аямаган Хумбўлдт университети ходими Анка Бентзинга, араб ҳарфида битилган мактублар ва нашрларнинг ўқилишида кўрсатган ёрдами учун

Собир Сайхонга, қадрли ижодкоримиз Умар Хоқон Ўзалпга ташаккуримни билдираман.

Бу ерда отларини тилга олишим керак бўлган яна икки киши бор. Бири азиз дўстим ва сиёсий фаолятимдаги йўлдошиим Али Тўғон. Бошқи бири эса, китобга исмининг ёзилишини истамаган эски қадрдоним, камтарин дўстим. Китобнинг босилишида улушларини қўшган бу дўстларимга чин дилдан меҳримни ва ташаккуримни изҳор этаман.

Шунингдек, Умар Дулгар, Сами Челик каби ношир дўстларимимга, узун муддатли иш жараёнида доим мени қўллаб турган меҳрибон рафиқам доктор Гулнур Андижонга, кўнгилдош ўғилларим Ойбек ва Элбекка ҳам миннатдорлик билдираман.

Аҳат АНДИЖОН,

2003 й. феврал, Отакўй, Истанбул


БИРИНЧИ БЎЛИМ

ҲАРАКАТНИНГ ТАМАЛИ

Туркистон ўлкаси устига ярим асрдан бери ёпирилган душман балосидан, истилосидан қутулмоқ, ҳуррият ва истиқлолга эришмоқ барчамизнинг кўнглимизда яшаган энг теран истак эканига ҳеч шубҳа йўқдир. Энди бу истакни амалга ошириш пайти келди. Қўлида қуроли бор юртдошларимни, ўқ отишга қодир барча Туркистон аҳлини бу шарафли бурчни бажаришга чақираман. Яшасин ҳуррият ва истиқлол!...

1921 йил 10. XII

Бухоро Халқ Жумҳурияти раиси Усмон Ҳўжаўғли тарқатган баённомадан



Харита 1. XX аср бошларидаги Туркистон.

ҲАРАКАТНИНГ ТАМАЛИ

Хориждаги Туркистон ҳаракати ва унинг фикрий тамаллари асосан йигирманчи асрнинг илк чорагида шакллангандир. 1900-1924 йиллар орасида ўртага чиққан жадидлик ҳаракати Туркистондаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг йўналишига, тараққийсига йўл очди. Чор Русиясида 1905 йилда юз берган намойиш тўлқинлари, Асосий Қонундаги ўзгаришлар, сўз ва матбуот эркинлигининг амалга ошуви натижасида майдонга чиққан сиёсий оқимлар, янги қурилган партиялар, Дума[1]даги тараққийпарвар йўналишлар Русия империяси ичидаги мусулмон туркий халқларга ҳам катта таъсир қилди. Бу муҳитда маърифий ва сиёсий бирикишлар, қурилишлар куртак ёзди, шаклланди. 1917 йилдаги бўлшевикларнинг давлат тўнтариши эса туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Чор босқинчилари Қўқон хонлигини ишғол этиб, Русияга қарам Туркистон волийлигини ташкил қилгандилар. Эндиликда Туркистоннинг бошқа бир қисмида юз йиллардан бери ҳукм сураётган Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳам йиқитилди. Ўрнида шўролар назоратидаги Бухоро, Хива халқ жумҳуриятлари яратилди. Вазият жуда нозик эди: империядаги катта тўнтаришдан сўнгра юзага чиққан бошбошдоқлик, уруш, очлик, муҳтожликдан фойдаланиб, чорлик бўйинтуруғидан қутилган барча мусулмон туркий халқлар учун ўз юртларида мустақил давлатлар қуриш имкони яралганди. Туркистондаги баъзи гуруҳлар ва уларнинг раҳбарларида фақат бўлшевиклар билан биргагина мақсадга эришиш мумкин деган фикр ҳукмрон эди. Бошқа айрим миллий ва диний гуруҳлар эса, бўлшавизмни истиқлол қаршисидаги энг катта тўсиқ деб биларди ва улар шўроларга қарши ҳам сиёсий, ҳам қуролли курашни бошлаб юборганди. Натижа шунга олиб келдики, 1917 йилдан кейинги даврда туркий ўлкаларда бир неча мустақил ҳукуматлар қурилди, бир муддат фаолият ҳам юритди, аммо улар бўлшевиклар томонидан шафқатсизларча маҳв этилди. 1920-йиллардан бошлаб советлар ҳокимиятларини мустаҳкамлаб олдилар. 1924-йилга келиб эса, қадимги Улуғ Туркистоннинг бир бўлаги бўлган Ғарбий Туркистонда бир неча совет республикалари ташкил қилинди.

[1] Дума – руслар ҳукумати парламенти.

Бутун бу давр бўйича Русия ичидаги туркий халқлар қарашларига ўзига хос, бир-бирларидан фарқли тушунчалардаги сиёсий-ижтимоий ходимлар етишиб чиқди ва тарихий жараённинг шаклланишида алоҳида рол ўйнадилар. Уларнинг бир қисми коммунистик мафкурани маъқул топган ва коммунизм қурилишида хизмат қилган. Бўлшевикларга қарши турган эса маҳв этилган, қочиб қутулганлари бошқа ўлкалардан паноҳ топишган. Улар ўзларига хос дунёқарашларини, фикрдошликларини ва ҳатто келишмовчиликларини ҳам ёт юртларга олиб келишган. Мана шу сабабларга кўра, етмиш йилга яқин бир даврда турли ўлкаларда юз берган ҳур Туркистон мужодаласини тўғри баҳолаш лозим. Бунинг учун эса, бизнингча, уларнинг қайси муҳитда, қайси тарихий воқеалар ва вазиятлар, қайси сиёсий ҳолатлар таъсирида она юртдан чиққанини, бунга нималар мажбур қилганини аниқ-тиниқ билиш ниҳоятда муҳимдир.

Бу даврни шакллантирган, йўналтирган воқелар ва кучлар ҳақида бу ерда батафсил сўзлаш имкони тор, албатта. Шу боис асосан хориждаги Туркистон мужодаласига бевосита алоқадор омилларга тўхталганимиз мантиқлидир. Бу омиллар жадидлик ҳаракати, чор Русиясидаги сиёсий ҳаракатлар, 1917 йилдаги ҳукумат тўнтаришлари (Керенский ва бўлшевиклар ихтилоли), Туркистондаги амирлик ва хонликнинг тугатилиши, бу даврда Туркистон туркийлари қурган мустақил миллий ҳукуматлар, уларнинг Усмонли салтанати билан алоқалари, Ўрта Осиё миллий-авомий ихтилол жамиятларининг ташкил қилиниши, босмачилик ҳаракати, Туркистондан ташқи оламга кўчишлар каби мавзулардан иборатдир.

Ж А Д И Д Л И К

Машҳур турк маърифатпарвар олими Исмоилбек Ғаспралининг Қиримда илк бор очган усули жадид[2] мактаблари кейинги даврларда чорлик ишғолидаги барча мусулмон турклар яшаётган ўлкаларга кенг тарқалган. Ўрта асрлардаги мадраса тизимига янги нафас олиб кирган бу маърифатпарварлик ҳаракати қатнашчилари жадидлар дейилган. Таълим-тарбия ишларида арабча ўрнига туркчанинг қўлланилиши, диний билимлар билан бирга математика, тарих, жўғрофия каби дунёвий фанларнинг мактабларда ўқитилиши омма ўртасидаги тушунчанинг ўзгаришига, сиёсий онгнинг ўсишига олиб борди.

[2] Янги усул, янги метод.



Туркистон жадидларининг йўлбошчиси Мунаввар қори оила аъзолари билан.
Тошкент 1917 й.

Шунинг учун ҳам жадид, жадидлик, жадидизм сўзлари Русия мусулмонлари ўртасида ижтимоий реформаларни, халқнинг талабларини англатган атамаларга айланди. Шундай қилиб, Исмоилбек Ғаспралининг "Тилда, фикрда, ишда бирлик" шиори билан бирга жадидизм ҳаракати ҳам панславизм қаршисида ўзлигини муҳофаза қилишга, оммага турк дунёси бирлиги фикрини тарқатишга киришди, муштарак мақсадларда бирлашишни кўзлаган сиёсий бир оқимга айланди. Бу тараққийчи сафга ёндош ўлароқ анъанавий, эски мактаб- мадраса таълими тарафдори бўлган гуруҳлар ҳам ўзига хос фаолият юритдилар.[3] Ўз даврида қадимчилик атамаси шариат асосларига таянган ижтимоий онг ва тушунчани қўллаб-қувватловчи, ҳар қанақа оммавий янгиликка қарши чиқувчи гуруҳ ва кимсаларни англатувчи сўзга айланди. Қисқаси, 1910-йилларга келганда, жадидлар қадимчиларни қолоқлик ва фанатизмда айбласалар, қадимчилар жадидларни динсизлик ва кофирликда ёзғирар эдилар. Туркистонлардаги* бу қутблашма ва зиддият Усмонлилар империясида, бутун турк дунёсида кенг тарқалган ва катта ижтимоий келишмовчилик ва олишувларга замин тайёрламоқда эди.

Янги усулдаги мактаблар очиш 1900 йилларда Туркистонга ҳам кириб келди. 1901 йилда Мунавварқори Абдурашидхоновнинг Тошкентда очган илк усули жадид мактаби ортидан бундайин таълим масканлари сони бутун ўлка бўйлаб жадал кўпайди. Айни ўша маҳалда ерли халқ тилида хусусий газета ва журналларнинг, дарс китобларининг чиқарилиши ҳам Туркистонда оммавий онгнинг ўсишига, маърифатпарвар ва халқпарвар оқимларнинг шаклланишига йўл очди.[4]

---

[3] Эски ўқитув тизими 5-7 йиллик мактаб ва 7 йиллик мадраса таълимидан иборат эди. Мактаблар ё масжидда, ё маҳалладаги бирор бойнинг, ё мулланинг уйида жойлашган бўларди. Дарсларни имомлар, муллалар олиб борарди. Қизлар мактабида имом ё мулланинг хотини, ёки саводли бир хотин, отин ойи дарс берарди. Дарсликлар орасида тўрт китобдан иборат чахорнома ("Номи ҳақ", "Куллиёт", "Муҳиммот ал муслимин", "Пандномайи Аттор"), ҳафтияк, ахлоқнома каби китоблар ва баъзи шоирларнинг девонлари бор эди. Мактабда асосан исломий таълим-тарбия берилар, ибодат ва Қуръон ўқиш ўргатиларди. Тарих, математика, жуғрофия каби дарслар йўқ эди. Бу мавзуга оид кенгроқ тушунча олмоқ учун қаранг: Ahmet Salih Bıcakçı. Bukharan Madrassahs: Usul-i Kadim, Reform Movements and Revolutions in Türkistan: 1900-1924. Ed. Timur Kocaoğlu: SOTA: Haarlem 2001: s.135-149.

* Ғарбий Туркистон, Шарқий Туркистон, Шимолий Туркистон, Жанубий Туркистон (тарж.).

[4] Туркистонда жадидлар тарафидан жуда кўп газета ва журнал чиқарилган. Жадидлар ҳаракатининг бошланғичидан Биринчи жаҳон урушигача бўлган даврда босилган нашрлар қуйидагилардир: "Тараққий", 1906 й. Тошкент, 20 та сони чиқарилган (Мунавварқори ва бошқ.); "Хуршид", 1906 й. 20 та сони (Мунаварқори); "Шуҳрат", 1907 й. Тошкент, 10 та сони (Абдулла Авлоний); "Осиё", 1908 й.Тошкент, 6 та сони (Мунавварқори ва б.); "Бухорои шариф", 1912 й. Бухоро, форсча, 153 та сони (Мирза Жалол); "Турон", 1912 й. Бухоро, 49 та сони (Ғиёс махдум Ҳусний); "Самарқанд", 1913 й. Самарқанд, 45 та сони (Маҳмудхўжа Беҳбудий); "Садои Туркистон", 1914 й. Тошкент, 67 та сони (Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев); "Садои Фарғона", 1914 й. Қўқон, 123 та сони (Обиджон Маҳмудов); "Қозоқ", 1913 й. Ўрунбург (Мустафо Ўрозбойўғли, Аҳмад Бойтурсун); "Тирик сўз", 1915 й. Қўқон (Обиджон Маҳмудов). Бу мақзуда кенгроқ маълумот учун қаранг: Timur Kocaoğlu,

1906 йилда Туркистон туркчасида босилган “Хуршид” газетасида ношир Мунавварқорининг, шунингдек, таниқли зиёли руҳонийлардан Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳам чорлик бошқарувига, ҳам унинг тарафдорларига қарши мақолалари босилган. Беҳбудий туркистонлик жадидлар учун фаолият тузуги-программасини тавсия этиб, барча мусулмонларнинг бирлашиши кераклигини таъкидлаган. Ҳукумат бундайин фикрлар учун нашрларни беркитса ҳам, уларнинг ўрнини янги-янги газета-журналлар эгаллайверди. Жадидларнинг энг фаол иш юритган жойларидан бири Бухоро амирлиги эди. Бу минтақада Абдурауф Фитрат бошчилигидаги янгиликчилар мактаб, таълим-тарбия соҳасида бўлгани каби, сиёсат жабҳасида ҳам анча-мунча иш қилиб улгуришганди.


№38 Вторникъ 4 -го Декабря 1912г. 1-й годъ(Изданія)

بخارای شریف..نك علاوه‌سی هفته‌ده اوچ دفعه طبع‌بولاجقدر.

توران

یکی بخاراده

توران

Адресъ:
Н.-Бухара
Редакція Газеты „ТУРАНЪ“

آبونه قیمتی

بخارای شریف ده و شعبه

یللیك ... الی ایلیق

بخارای شریف‌ده ایلان برابر

خارج ولایتلرکا هر ایکیسی بیر

„ТУРАНЪ“

بخاراده بر نسخه‌سی ۴ تین

سایر شهرلرده „ТУРАНЪ“ بر نسخه‌سی ۵ تین

هر تورلی علمی، ادبی، فنی، سلام‌عالمه نفع یراتورغان مقاله‌لراوچون غزته‌مز تنك صحیفه‌لری آچوقدر.

“توران„نك ۱۹۱۳ سنه‌سی‌اوچون آبونه‌دفتری آچیلدی

توران: همیشه‌دوچ دفعه منتظم نشر بولادر. توران: تورانیلارنك ترقی و سعادتیگا خدمت قیلادر. توران: تورك ثبلنده اسلام غزته‌سی بولوب منافع اسلامیه‌کا عائد مقاله و مصاحبه‌لاو بارادر. توران: علمی، ادبی، فنی، تجاری، اقتصادی و نقیدی بر غزته ملیادر. توران: توران زمینده‌اعلوم و معارفنك ترقید و ترقی‌سی اوچون خدمتا قیلادر. توران: هر گون آدرمیکا کیلگان مخصوص مراسلات ایلان شرق و عربده بولگان واقعه و محاربه‌لاردن فارغلاوینی کوی کوبیگا عائد نیرلیك اعلان معلومات‌دار قیلادر. توران: عالم سلامتك مرکز و پای‌تختلارنده مخصوص محبرلار توبوب صحیح خبرلار آلادر. توران: اوروپا و آمریقانتك تجارت مرکز و بازارلاردن نرخ و بیرژا لارندن تلغراف خبرلاری بارادر. توران: بورکندنك احوال و اخباریگا اهمیت بیرادر. توران: عجوبات و غرابات عالمدن و آثار مدلیه‌دن بحث قیلا تورکان شئونلاری بارادر. توران: رسمی، منظم بر شرکت کتابیه طرفیدن نشر بولادر. توران: نور یلارنك رغبه ایلان اولومالارینی آرزو قیلادر. توران: بنك فرحی و قمتی شوندادر:

تنك «توران» ۱۲ آیلغی ۵ صوم، ۶ آیلغی ۳ صوم، ۳ آیلغی ۱ صوم ۸۰ تین

« بخاری شریف » ایلان برابر. ۱۲ آیلغی ۸ صوم، ۶ آیلغی ۵ صوم، ۳ آیلغی ۳ صوم. آدریس

Н. Бухара Ред. газ. „ТУРАНЪ“

Бухорода чиқарилган “Турон” газетаси, 1912 й. 4 декабр, №38.

Туркистондаги жадид гуруҳлари ўлкада таълим-тарбия ва матбуот ишлари билан чекланиб қолмадилар. Улар турли маърифий ва кўмак жамиятлари қуриб, ёш юртдошларни Туркия, Миср, Оврупо ўлкаларига ўқишга юбориб, келажакда турли соҳаларда етук инсонларнинг

‘‘Yaş Türkistan`ın Türkistan Basın Tarihindeki Yeri’’. Yaş Türkistan dergisinin tıpkı basımı. Ayaz-Tahir Türkistan-İdil-Ural Vakfı yayını, İstanbul, 1997, s.13-30.

яралишига замин ҳозирладилар. 1908 йилда Бухорода “Тарбияи атфол” (болалар тарбияси) номида яширин бир жамият қурилганди.[5] Жамият аъзоларидан Абдураф Фитрат, Усмон Хўжаўғли, ғулжалик Абдулазиз, Содиқ Ашурўғли ва бошқалар; улар бир муддат ўтиб, 1909 йилда яширинча Истанбулга бориб, у ерда “Бухоро таъмими маъориф жамияти хайрияси” номи билан бир жамият очдилар. Бу ташкилот икки йил мобайнида 25 талаба олиб келишди. Шунга ўхшаш яна бир қурилиш “Турон нашри маориф жамияти”дир.[6] Бу жамиятнинг аъзолари Истанбулдаги фаолиятлари асносида Усмонли салтанати бошкентидаги зиёлилар билан, хусусан ёш турклар (Jön Türk) ҳаракати, “Иттиҳод ва тараққий” оқимлари билан танишдилар. Улар кейинроқ туркистонга қайтиб келгач, Истанбулдаги ўша муҳит таъсиридан бўлса керак, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги маҳаллий зулмга қарши ҳаракатларида “Ёш хиваликлар” ва “Ёш бухороликлар”[7] каби ташкилотларга бирлашиб ҳаракат этдилар.

Бу жамиятларнинг чет элларга юборилган талабаларидан озгинагина қисми Туркистонга қайта олдилар. Катта бир қисми эса, Биринчи жаҳон уруши туфайли ва ундан кейин бошланган бўлшевиклар тўнтариши сабабли Туркияда қолиб кетдилар. Туркияда қолганлар, Биринчи жаҳон урушида турклар билан бирга жанг майдонларида ёвга қарши курашда қатнашдилар; кейинроқ Анадўлунинг турли вилоятларига тарқалиб, Усмонли салтанатининг овруполиклар томонидан ишғол этилишига қарши курашдилар; сўнгра ёш Туркия республикасининг ташкил топишида хизмат қилдилар. Истанбулда қолган бир гуруҳ 1920-йил ўрталаридан бошлаб Туркистон билан боғлиқ маданий ва сиёсий фаолиятларини шакллантиришга киришдилар.

ЧОР РУСИЯСИДАГИ СИЁСИЙ ҲАРАКАТЛАР ВА УНИНГ ТУРКИСТОНГА ТАЪСИРИ

Чор Русиясида сиёсий партиялар 1880-йиллардан эътиборан майдонга чиқа бошлаган. Мустабид тузумнинг жабру зулми туфайли яширинчи иш юритган бу партияларнинг илки Плеханов тарафидан қурилган социал-демократ партиясидир. “Искра” номли газета атрофида жипслашган бу гуруҳ асосан ишчилар синфи манфаати учун ҳаракат

[5] Жамият қурувчилари Усмон Хўжаўғли, Аҳмаджон махдум, Садриддин Айний, Абдулвоҳид Рафий, Абдулқодир махдумдир.

[6] Бу жамиятнинг қурувчилари Муқимиддин Бекжон, Абдурауф Фитрат, ғулжалик Абдулазиз, Аҳмаджон махдум ва Олимжон Идрисийдир. Бу жамиятларга оид кенгроқ маълумот учун қаранг: Timur Kocaoğlu. *‘‘Türkistanlı Göçmenlerin Siyasi Faaliyetleri Tarihine Bir Bakış.’’* Dr. Baymırza Hayit`e Armağan. Turan Kültür Vakfı, İstanbul, 1999, s. 159. Abdullah Recep Baysun. *‘‘Türkistan Milli Hareketleri.’’* İstanbul 1945. Ahmet Zeki Velidi Togan. *‘‘Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi’’.* Enderun Kitabevi, İstanbul 1981.

[7] Туркистонча ёш сўзи Туркия туркчасида ганж англамидадир.

қилди. Социал-демократларнинг 1903 йилда Оврупода ўтказилган қурултойида партия Ленин бошчилигидаги бўлшевиклар (кўпчилик) ва Мартов раҳбарлигидаги меншевиклар (озчилик) шаклида иккига бўлинди. Бундан ташқари, қишлоқ аҳолиси манфаатлари учун курашаётган социал-революционерлар (эсэрлар) эса, чор ҳукумати бошқарувига қарши террор кураши олиб бормоқда эди.

Буржуазия, яъни ўрта синф талабларини ўртага қўйган конституцион-демократлар эса, Асосий Қонунга, сайловга таяниб, парламентли бошқарувни ташкил этиш мақсадида ҳаракат қилмоқда эди. Улар қисқача кадет дея танилишганди.

1905 йилдаги рус-япон урушидаги мағлубият ва унинг орқасидан бошланган исёнлар мамлакатни ост-уст қилиб юборди. Натижада чорлик подшоси Иккинчи Николай бир баённома эълон қилиб, конституцияга, сайловга асосланган парламент(дума)нинг иш юритишига рухсат этганини билдирмоққа мажбур бўлди. Шундай қилиб, партияларнинг очиқ фаолият кўрсатишига, бутун ўлка бўйлаб сайловлар ўтказилишига эришилди. Кўп партияли парламентнинг ишлаш жараёни чорлик Русиясига қарам мусулмон турк халқлари орасида етишган илғор гуруҳларни ҳаракатга келтирди. Улар, бир томондан, ўз ўлкаларида сиёсий ташкилотларга бирлашарканлар, иккинчи томондан, бутун Русия турк мусулмонларининг қурултойларини ҳам ўтказдилар. Уларнинг сиёсий ҳаракатлари, баённомалари, талаблари Русиядаги бошқа партияларнинг программаларига уйғун эди ва барча соҳада либерализмга, муроса ва келишув сиёсатига таянмоқда эди. Ўз партиялари номидан ёки эркин ўлароқ думага сайланган мусулмон турк депутатлари ўз сиёсий талабларини қўйиш билан баробар программалари ўзлариникига ўхшаш бошқа рус партияларини ҳам қўллаб-қувватлардилар. Бази вакилллар ҳатто тўғридан-тўғри рус партиялари ичида фаолият юритмоқда эди. Шубҳасиз, орадаги бу яқинлашув, бир-бирини қўллаш партияларнинг миллий масалаларга қарашидаги яқинликка бориб тақаларди.

Миллатлар масаласига муносабат жиҳатидан социалист-революционерлар (эсэр) партиясига эътимод катта эди, бошқалар уларнинг фикрига мойил эди. Чунончи, эсэрлар партияси программасига кўра, Русия империяси ичидаги қарам миллатларнинг миллий ҳақ-ҳуқуқлари тўла берилиши керак, барча миллатлар битта федератив давлат ичида яшай оламиз, деган ғоя мустамлакадаги халқларнинг сиёсий вакилларини ҳам ўзига ром этганди. Эсэрлар партиясининг 1905 йилдаги қурултойида ҳам империя ичидаги мустамлака миллатларга ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имкони берилиши ҳақида баёнотини билдирди. Сўнгра бу қарашини бир оз ўзгартириб, ҳар бир ўлка учун алоҳида қарор ва келишув қабул қилиш мумкин деган фикрни ўртага ташлади. Аммо буни амалга ошириш йўллари ҳамон мужмал ҳолда эди. Рус либераллари қурган кадетлар партияси (конституцион демократик партия) эса

Русиянинг миллатларга кўра бўлиниб, федератив давлат бўлишига қарши эди. Уларнинг программасига кўра, Русия империяси ягона марказга боғлиқ “бутун бир Русия” бўлиши керак, Пўлшадан бошқа давлатлар, миллатлар ва халқларнинг бирортасига сиёсий автономия бермаслик керак эди. Шунга қарамай, Русия империясини ташкил этган миллатларга маданий ҳақ-ҳуқуқлари, ўз тилларида маориф тизимини



№ 7. صداى نومر ۷ توركستان

۴ نجى مايى ۱۹۱۴ نجى سنه — (جمعه) — ۲۰ نجى جمادى الاخرى ۱۳۳۲ نجى سنه

جريده بهاسى
روسيه ده: يل لك ۴ صوم آلتى ايلك ۲ صوم ۵۰ تين
اوچ آيلك ۱ صوم ۵۰ تين
خارجيه ده: يل لك ٦ صوم آلتى آيلك ۳ صوم ۵۰ تين
بر نسخه سى ۵ تين

اعلان بهاسى
اوللغى بيت ده هر سطره اوچون ۲۰ تين
آخرغى بيت ده ۱۰ تين
ЦѢНА ОБЪЯВЛЕНІЙ:
На первой страницѣ—20 к. за строку петита.
„ последней „ 10 к. „ „ „

اغراض شخصيه دن خالى هر تورلى مكتوب ومقاله لر اوچون جريده صحيفه سى آچلدى. امضاسز مكتوبلر باسلماس. ماركه سز خطلر آتلماس. باسلماغان مكتوبلر ايكاسيگه قايتارلماس.

مكتوب ومقاله لرنگ تصحيحى اداره اختيارنده در. ادريس آلشتورماق اوچون ۲۱ تين ليك ماركه لازمدر. محل اداره: راماناوفسكى كوچه ده ۱۶ نجى نومروك حويلده. تيليفون نومرى ۵۳۶. مراجعت اوچون ادريس:

Адресъ: Ташкентъ, Романовская 16, редакція „САДАЙ ТУРКЕСТАНЪ“.
Телефонъ № 536.

۲۱ نجى جمادى الاولى ده چقا باشلادى — ۱۳۳۲ — ۱۹۱۴ — ۴ نجى ايريلده

حاضرده هفته ده ايكى مرتبه چقادرگان ادبى، اقتصادى، فنى ومغيشى تورگجه جريده در.

بوتون تورگستان ده يرلن بر مكمل كتبخانه تاشكنده

تورگستان كتبخانه سى

اولغ كتبخانه لرده موجود هر تورلى ايسكى وياڭى كاتبه وكيچك عربچه، تورگچه، فارسيچه، تاتارچه، روسچه مهم اثرلر، مكتب وياڭز اسبابلرى كيتابلر صو نده موجوددر.

تورگستان مكتبلرينه، اوقوچيلرغه، بولغان ياڭى كتاب ورساله لرنگ ايلك كوز اوز نشريانمزدن بولغانلغى اوچون بزده باشقه كتبخانه لرده تاپيلمايدان درجه ده ارزان در. بنا عليه محترم معلم افندىلردن مكتب كتابلرى راسبابلرى اوچون توغرى تورگستان كتبخانه سيغه مراجعت قيلمالرينى رجا قيلورمز. خارجدن سورا وچيلر بر آز زيادهنگ بولسه لر تيزلك ايله يتكازوب بيرهگه مكن قدر سعى وحركت قيلورمز.

زيادهنگ مز مال بولسه لر ادريس:
Спар. Ташкентъ «ТУРКЕСТАНЪ».

دلال (كامسيونير)

بير وجودى آلدوروغان ياكه ساتدوروغان ياكه بولرى گراو قويوب پل آلدوروغان كشيلرغه واسطه چيلق قيلامن

يورييمى نيكالايوويچ گلينه نوف
از پس آبوطرسلى كوچه ده، نومر ۱۳
Обуховская ул. № 13. 8—4

مسلمان اداره روحانيه لرى حقنده كينگاش مجلسلرى

معلومدركه برنچه وقتدن بيرى جريده لرده مسلمان اداره روحانيه لرن اصلاح واداره روحانيه بولغان يرلرده (مثلا تورگستانده قاضى لك منصبلرين برهم بيروب) اداره روحانيه آچو مسئله لرى يازلمقده، اوقولمقده وايشتيلمكده در.

مسلمانلر اوچون استقباله حيات يا خود ممات درجه سنده مهم اولان بو مسئله خصوصنده ايچكى وسيعه قاقغار وسير يامسلمانلرى آراسنده خيلى مشورتلر، يغيلشلرو حكومت دائره لرينه عريضه وتيليغرامار واسطه سيله مراجعت واوتيجار بولوب اوتدى. هم بولمقده در.

قاقغاز وقازان غربه لرى بو خصوصده اوزون ـ اوزون مقاله لر يازوب مسئله نى تفصيلا تيله اوز قاريه لرينه توشوندرديلر هم توشوندرمكده لر. اما بر تورگستان مسلمان. لرى آنا يابادن قالغان: «بالطه گيلگونجه كونده دم آلار» باشكه گيلسه گوزگورار» مقاللرى موجبنجه همان اوزيمزنگ ايسكى اميد وخيالارمز ايله عمر اوتكارمكده مز. بابلريمز پلاتوز، توى وعمارتلردن، علما ومشايخ لريمز توپلرگه يوروب چايان گيبودن خبر لريمز ايسه فلندر، مداح وتوپچى لرغه هجوم قيلما كدن بوشى آلميلر. منه خاطرگى كونده باشگه بالطه هم گيلوب يتدى. باشكه گيلگانلرنى كوز كورار وقتى يقينلاشدى. مسلمان اداره روحانيه لرى خصوصنده لايحه ياساب دومغه گرتمك

اوچون داخليه مينسترلگنده ياسالاجق گينگاش مجلسى نگ ۲۹ نجى ايريلده آچيلماق خبرى تيليغرامارى دن آڭلاشلدى. مجلسكه مسلمانلردن قاقغايف ايله بايزيدنى چاقرديلر. بو ذاتلر مسلمانلر آراسنده فايده لى خدمتلرى ايله تانلمغان ذاتلر اولديغندن جريده لر طرفيدن كوگللرى قارشو آلندىلر. مسلمانلرنگ احوال ديننيه ومعيشيه لرى ايله دريت آچنا يوباغان برنچه مأمورلر ايله حاضرگى ترقيات غه آچقدن آچق قارشولغلرى ايله شهرت چقارگان بو ايكى ملا طرفيدن ياسالاجق لايحه طبيعى؛ عموم مسلمانلرنگ تيلاك وآرزو. لرينه موافق بولوب چقميدر.

بنا عليه هر طرفده مسلمانلر اوز فكر وآرزو لرينى باشقه يول لر ايله حكومتمكه ايشتدرمك حركتينه توشديلر. اوفا مسلمان. لرى تاك ۴۳ نجى آپريلده حكومت رخصتيله اولغ بر مجلس ياساب، قرار يورلگان مقصد وآرزو لرينى تيليغرام واسطه سيله داخليه ناظرينه وبارچه عزله اداره لرينه يوباركان. لگدى «طورمش» جريده سيده كورلدى.

جريده مزنگ داخلى خبرلر قسمنده "وقت" دن كوچورلگان تلغرافغه قراگانده مسلمان ديپوتاتلرمزدن محترم تقليف جناب باري پتربورغده بوخصوصده بركينگاش مجلسى ياساتمكته حكومتمز رخصت آلمشلر.

دينمك حاضرده بزم قارشو مزده ايكى كينگاش مجلسى بار. ايكيسى هم بز اوچون اينك مقدس سانالگان محكمهٔ شرعيه لريمز واداره روحانيه لريمز خصوصنده در تيزدن بو مجلسلرده ياسالگان لايحه لرغه. دوما مذاكره سينه قويلور. آنده بزگه اولسون تورگستان مسلمانلرينتك احوال وآرزو لرينى خبردار وكيل يوقگه بزم طرفى. مزدن مدافعه ده بولونسه.

درست مسلمان قراقيسه سى اعضالرى حاضرغه چه تورگستانلى دينداشلرينى خاطردن چيقارماديلر. بو مسئله ده هم البته بزم فايده مزلى قول لريمن كينگونجه كوزاتمك فدن گيرو تورياسلر. فقط اوز طرفيمزدن آنلرغه ياردم بولمالغان حالده سوز لرينى كوب اوتكاره آلميلر.

آنلرغه بزم ياردميمز ايسه اداره روحانيه خصوصنده غى اوز فكر وتيلاكلرمزنى بيان ايتوب هر شهرمزن لايحه لر ياساب پويارمك وآنلرنتك تاوشلرينه اوز تاوشيمزنى قوشوب تورمكدر.

شايد بو خصوصده محترم علما واغيان لريمز بى پروالك قيلماسدن اوز وظيفهٔ دينيه وملّيه لرينى ادا قيلسه لر.

قرائت خانه غه هوسلو

جريده مزنتك ۵ نجى نومريده (قرائت خانه لازمدر) عنوانى ايله يازلمش مقاله نى اوقوچيلر تاشكند ياشلارى آراسيده بو خصوصده جدّى بر حركت ياشلاندى. لكن بو حركت وآرزولر فقط اداره غه مكتوب يازوب، قرائت خانه نيز آچلسه ايدى اگر. ده قرائت خانه آچلسه من فولدن كيلگونچه يارد گم حاضرمن. اگرده قرائت خانه آچلسه من برنچه جزء. آلوب بيرورمن. يا خود فلان مبلغ لك كتابلرنى هديه قيلورمن. كبى جدى هوس ووعده لردن عبارتدر.

نمونه اوچون بو خصوصده آلدبغدر مكتوب يازدن بر نيچه جمله لرنى قارئين كرامغه عرض ايتامز: ابوالقاسم تاشمحمدى جنابلرى اول مقاله نى يازوچى سيد حبيب الله افندى نتك فكريغه قوشولغانلغين بيان ايتكاندن صونك مكتوبينى بوسوزلر ايله تمام قيلادر: (بيتار ايندى غفلتمز! بز هم بافقه ملتلر دن عبرت آلوب برلكده اهل كوروپ اوزبزنتك اوسمز د. تورگان مل مسئله لريمزنى تيزلك ايله فعليت غه چيقارمكه حركت قيلايلرك. ايشلايلرك. بوخصوصده هر قانيمه لازم اولسه اعانه غه حاضرمن)

تورسون بو نمز مجدى افندى اوزوگنه بر مقاله يازوب قرائت خانه نتك لزومينى اثبات ايتكاندن صونك يازادر كه: (حاضرده خاقمز فى تورلاندرمق اوچون اينك بر چوق وظيفه مز بر طى قرائت خانه نى فعليت غه چيقارمق ده. بوتكا مادى ومعنوى يادم بيرمكدر. افكار عامه نى شول مسئله غه اهميت بيرمكلرينى رجا ايدوب ختم كلام قيلورمن.)

محترم كرم بك وكامل بك نازيك اوغلى لرى بو مسئله نى ميدانغه قويغان كشيفه تشكر ايتكانلرينى صرنكره اگرده مل قرائت خانه آچيلماسه اينك مهم اثرلردن ۷۵ صوم ۷۵ تين لك كتاب هديه ايده جكلرينى بيان ايدوب اول كتابلرنتك اسملرينى هم يازوب تقديم قيلادر. (اوردن آزلغين اسما كتب درج ايتيلمادى.) منه بو سوزلردن باشقه مكتوبلردن آنگلاشيلادركه العدد بو يزده هم كتاب ومطالعه هوسلولرى آرتمش، علم ومعرفت غه رغبت فقرلرى اوغلانمشدر. بوندن بر ـ ايكى يل مقدم "قرائت آچيلسه بزدن كريب اوتوچيلر تاپيلارموكين؟" ملاناصرالدين زورناليده رسمى كورساتكان ,, مسلمان قرائت خانه سى" كبى استاده گى جريده ومجموعه لر اوستنده سوهتان اورنياپ پورماسه بضى ايدى,, ديب قورقوب قورار ايدوك. حاضرده ايسه اول خيال وقورقولرى بوتونلاى تاشلامك كامل غيبت واجتهاد ايله بر خيرلى اشكه كرشيلك وقتى بيتوشكانلغه اوخشيدر. بوندای اهللرگه حكومت هم ياردم بيورور. شهر دوماسى هم مادى ومعنوى اعانه لرده بولنور. فقط باشلرينزدن قورت ييش فقرلرى بر چاپ بر قانون نامه ياساب گوبرناطور جنابلريدن اجازت آلمق لرى لازمدر. بونكا حركت قيلوچيلر تابلسه قانون نامه لرينى وعريضه لرينى ياساب بيرمك كبى خدمت لرغه لايق كورسه لر بزهم حاضر ايكانلگمزنى عرض ايتمك ايله برابر بو اشكه ممكن قدر تيزلك ايله كرشمك لرينى محترم باشلرينزدن استدعا قيلورمز.

پول خاطره لرى

III

۸ نجى آپريلده ايرته لاب ساعت ۹ ده اوشدن ايديجانغه سفر قيلدوك. اوفى معتبر انيدن محترم قدرت الله حاجينتك بر عرب سائق لرى ايله بريكه قبول قيلغانلرى سبلى خانه لريده تينتو ياسالغانلغى وبنو واسطه ايله استراحتى آشغال لك منصبينى تكلماتغه مجبور ايتكانلكلرى خاطريغه توشكانده آچينوب ـ آچينوب افسوس قيلسه لرهم ياشقه شهرلرنتك علما وعملداراريى ترقى ومعارفكه قارشو تورغانلرى حالده. اوه نتك قاضى، منكباشى وياشقه خيل علما وعملدار لرينتك مكتب اوچون قيلغان سعى وحركتلرين اوياپ اوزيمنى شادلغنه مالاردم. بوندای تأثر وخيالار ايله اوش شهريدن چوپ بنه ارتگى دبك سير صحراغه مشغول بولدوك.

بو دفعه سفريمز تنهراق هم گونكليراق بولدى. چونكه اوگيدبك آغاسى يل تنك تاپر توقر تاوشلرى ايت وآتلرنتك خوف وهجولرى بوق. بولد. اوچراغانلرنتك نظرلرى هم حيرت ايله ايماسى طبيعى حالده ايدى.

بولدلرهم عبد القيار باى افندى هم آچق فكرلى باى سوداگرلردن اولديغيچون صحبتمز اوش واندجان مسلمانلرينتك مكتب، معارف، زراعت وتجارتلرى خصوصنده اوزون ـ اوزون مذاكره لردن عبارت ايدى. ساعت ۱۱ لرده خواجه آباد قشلاقيغه توشوب توغلاندوك.

Тошкентда чиқарилган “Садои Туркистон” газетаси, 2 май 1914 й.

(1 бети, унда “ҳафтада икки мартаба чиқадирган адабий, иқтисодий, фанний ва маиший туркча жарида”дея билдирилган –тарж.)

ишга имкон берилиши ҳам таъкидланганди. Бошқа бир тарафдан эса, бўлшевиклар ва меншевиклар партияси сиёсий автономиянинг табиий натижаси бўлган федерализмга ҳам, умумий бир ҳақ-ҳуқуқлар доирасида бериладиган маданий мухториятга ҳам қарши эдилар. Бу партияларнинг фикрича, федерализм империяни кўпмарказли бир вазиятга олиб бориши жиҳатидан хавфли эди. Маданий мухторият берилиши эса, турли-турли миллатларнинг ишчи синфлари (пролетарлари) манфаатларига зид эди ва бу миллатларнинг шаклланишида буржуазия таъсирининг ортишига олиб борарди. Шунинг учун ҳам бу тушунча рад этилиши керак эди. Бўлшевикларнинг фикрича, капитализмнинг хоссаларидан бири бўлган миллиятчилик барча йўналишлари билан ўрта синфга мос ва социализмга зид эди.[8]

Юқоридаги фикрларнинг барчаси турк мусулмон вакилларининг бошланишида нима учун кадетлар ва ёки эсэрлар билан ҳамкорлик қилганликларини, мустамлакаларда шаклланган партияларнинг тузуклари нима учун бошқа рус партияларининг дастурларига ўхшаш ва уларга уйғун бўлганини англашда қулайлик туғдиради деб ўйлаймиз. Бўлшевиклар партиясининг миллатлар масаласидаги қарашлари мусулмон турк гуруҳлари вакилларини, бошқа зиёлиларни, 1917 йилда улар тўнтариш ясаб, ҳукуматни эгаллаган даврларигача ўртада маълум масофа сақлашга мажбур этди.

1917 йилдаги давлат тўнтаришидан сўнг бутун Русия мусулмонларининг 900 та вакил қатнашган илк қурултойи ана шундай мажҳул, мураккаб вазиятда бўлиб ўтди. Бу қурултойда Эдил-Ўрол турклари орасидаги бир гуруҳ “чор империяси замонида бошқа миллатларга берилган тупроқсиз (ҳудудсиз) маданиий мухториятни сақлаб қолиш” фикрини илгари сурди. Туркистон, Озарбайжон ва Бошқирдистон делегатлари орасидаги бир гуруҳ эса, тупроқли (ҳудудий) автономия, яъни федератив бир Русия ичида автоном ўлкалар бўлиши кераклиги таклифини ўртага қўйдилар. Татар делегатлари, Фуод Тўхтаровдан ташқари, барчаси бир овоздан “Бутун Русия мусулмонларининг марказдан бошқариладиган сиёсий, маданий бир автономияси”ни талаб қилиб чиқдилар.[9] Ана шундай ягона марказдан бошқариладиган сиёсий ҳокимият қуриладиган бўлса, ўтмишдаги каби яна келажакда ҳам қўлларидан бир нарса келмай, ночор аҳволда қолишларини англаган бошқа гуруҳлар эса бу тезисга шиддат билан норозилик билдиришди. Шу тарзда қарама-қарши бўлиб қолган унийўнистлар[10] ва федералистлар муросага келишолмади. Аммо бу қурултойда ўртага чиққан бу келишмовчилик ва зиддият, афсуски, советлар иттифоқидан муҳожир бўлиб ташқи ўлкаларга тарқалган

[8] Pipes. *The Formation of Soviet Union*, s. 33.
[9] Zenkowski. *Rusyada Pantürkizm ve Müslümanlık*, s. 12
[10] Ünionist – бир марказдан бошқариладиган ягона Русия ҳукуматини истаганлар; яъни унитарист.

шахслар ва гуруҳлар орасида ҳам давом этди. Чет эллардаги муҳожирлар ўртасидаги фикрий зиддиятларда, бир-бирини қоралашларда, гуруҳвозлик олишувларида энг таъсирли омил ўлароқ қўлланилди.

Бўлшевиклар ҳокимиятларини бутунлай мустаҳкамлаб олгач, меншевиклар партияси йўлбошчиси ва муваққат ҳукумат раиси Керенский, кадетлар партияси раиси Милюков, эсэрлар партияси бошлиғи Виктор Чернов каби бўлшевикларга мухолиф лидерлар асосан Франсияга ва Оврупонинг турли давлатларига муҳожир бўлиб жойлашдилар. “Оқлар, оқ руслар” деб аталган бу сиёсий ходимлар турли нашрлар атрофида тўпланишиб, бўлшевизимга қарши сиёсий фаолиятларини давом эттирдилар. Ана шу оқ рус муҳожирлари билан ўтмишда ёки кейинчалик бўлиб ўтган муносабатлар, тортишувлар, зиддиятлар бир ўлчак-мезон ўлароқ чет элларга сиғинган туркий лидерлар, Туркистон истиқлоли учун сиёсий курашда қатнашганлар фаолиятига, ҳаётига ҳам катта таъсир кўрсатган.

БЎЛШЕВИКЛАРНИНГ МИЛЛАТЛАР СИЁСАТИ

Туркистонда ва Эдил, Ўрол ўлкаларида ташкил этилган автоном республикаларнинг барчаси 1917 йилги бўлшевиклар тўнтаришидан кейинги йилларда майдонга чиққандир. Аслида бу мухтор жумҳуриятларнинг тарихи, кенгроқ қаралса, асосан социализм, ислом ва милиятчилик нуқтаи назаридан шакллантирилгани маълум бўлади. Туркистонлик маҳаллий бошқарувчилар ва бўлшевизм орасидаги муносабатлар, чорлик Русиясида яшаган бошқа ғайрирус миллатлар тақдирида кўрилганидек, анчагина мураккаб, тўлқинли ва тўқнашувли кечганини айтишимиз лозим. Зеро, Тукистон зиёлиларининг ҳеч бири, аслида, марксизм ва ленинизм соҳасида етарли тушунчага эга эмасди. Шу боис ҳам бўлшевизм шоввозларининг ҳукуматни қайси йўллар билан қандай бошқаришини ҳеч ким олдиндан тахмин қилолмасди. Бўлшевикларнинг ҳақиқий башараси кейин маълум бўлди, аммо бу Туркистон зиёлиларига жуда қимматга тушди: ўлка ёндирилди, йиқитилди, таланди, қуролсиз халқ қирилди. Шубҳасиз, бундайин адашув фожиаси фақат Туркистон зиёлиларининг эмас, балки Эдил-Ўрол, Бошқирд ўлкаларининг, деярли барча турк халқларининг бошига тушганди.

Бу тарихий фожианинг келиб чиқишини ўрганмоқ учун, аслида, Лениннинг 1913 йилда ёзган миллий масалага оид асарларига қараш ўринлидир. Миллий масала, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш принциплари, автономия ва маданий мухторият масалаларига унинг қандай ёндошгани таҳлил қилинса, Лениннинг ва бўлшевикларнинг яширин мақсадини билиб олиш мумкин. Зеро бу мавзу

ўша 1913 йилларда ва ундан кейин ҳам кўп тортишилган. Масалан, ишчилар доҳийси миллий ҳуррият масаласини қуйидагича баён қилади:

> “Бир улусга миллий ҳуррият берилиши масаласи бир давлат ичидаги бўлинишга олиб борадиган бўлса, унга умуман олганда демократия нуқтаи назаридан, хусусан қаралганда эса, пролетариатнинг синфий кураши манфаати ва талабларига мувофиқатан изин берилмаслигидадир... Бошқа-бошқа халқлар ягона бир давлат ичида яшаган муддатларича милйўнларча, милярдларча иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий боғлар билан бир-бирларига боғлиқдирлар. Маориф ва таълим тизимини бу боғланишдан қандай қилиб айириш мумкин?.. Маорифни давлатнинг таъсир доирасидан ташқарига чиқариб бўладими? Агар ягона бир давлат ҳудуди ичида яшаган турли маҳаллий халқлар ва элатлар иқтисодий жиҳатдан бир-бирларига боғлиқ эканлар, у улусларни маданий соҳаларда ва хусусан маориф тизимида ажратиб, айириб қўйиш палапартишлик ва қолоқликдан бошқа нарса эмас. Аксинча, мактаб ва маорифнинг эртага, келажакка хизмат қилишини ҳисобга оларканмиз, халқлар ва элатларни маориф ишларида бирлаштиришга интилиш керак.”[11]

Муаллиф миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши (self determinasyon) ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисидаги қарашларида кейинчалик уларни ҳаётга қандай тадбиқ этажагига оид асл мақсаднинг яширинганини англаш мумкин. Бу мавзуни тадқиқ қилган Ричард Пипес Лениннинг гизли ниятини муаллифнинг ўз фикри билан очиб беради:

> “Программамиздаги халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳақларини фақат сиёсий ҳуқуқлар маъносида тушунмаслик керак. Бу асли ажралмоқ ва мустақил давлат қурмоқ демакдир... Салтанат ичида бир элат ё халқ сифатида яшаган бир миллатнинг фақат ва фақат биргина ҳаққи бордир. Русиядан ажралиб чиқиб, мустақил давлат қурмоқ... Бу ҳақ-ҳуқуқдан фойдаланишни истамаган бир халқнинг давлатдан федератив муносабатларда бўлмоқни, ер-тупроқдан ташқари маданий мухторият берилишини талаб қилишга ҳаққи йўқдир...”[12]

Ана шундай қилиб, Русиядан айрилмаган, тўғрисини айтганда, айрила олмаган миллатларнинг шум келажаги қалин ҳарфлар билан олдиндан белгилаб қўйилганди. Бу миллатлар ўз ихтиёрлари билан буюк (!) рус миллати ичида эриб-битиб кетишга маҳкум этилганди.

Хўш, ажралишни истаган халқлар нима қила оларди? Лениннинг кадет партияси вакилларининг саволи боис айтган сўзларида юқоридаги сўровнинг жавоби бордир. У шундай деган:

> “Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳақи бошқа бир нарсадир, ўз тақдирини ўзи тайинлаш ҳуқуқидан фойдаланиш, яъни бир улуснинг маълум бир шарт-шароитда айрилишининг уйғун бўлиб-бўлмаслиги бошқа нарсадир.[13]

---

[11] Lenin, *Ulusal Sorun ve Ulusal Kurtuluş Savaşları*. Sol yay. İstanbul 1979, s. 13
[12] Pipes, *The Formation of Soviet Union*, Harvard University Press, Cambridge, 1954, s.43
[13] Lenin, *Ulusal Sorun ve Ulusal Kurtuluş Savaşları*, s. 120

> Партия бу муаммони ҳар қандай алоҳида ҳодисага кўра бир бутун ўлароқ, ижтимоий тараққийнинг ва пролетариатнинг социализм йўлидаги синфий кураши талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда баҳо ва қарор бериши керакдир".[14]
>
> "Биз миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқини... иқтисодий бўлиниш ва парчаланиш, кичик давлатлар пайдо қилиш нуқтаи назаридан рад этамиз... Аксинча, биз буюк давлатлар бўлишини истаймиз. Аммо бу иш тамоман демократик ва байналмилал бир тамал асосида амалга ошиши керак. Бу нарса айрилиш ҳуқуқисиз юзага чиқмайди... Айрилиш бизнинг режамизга кирмайди. Биз ҳеч қачон айрилишни мақсад қилиб қўймадик.".[15]

Маълум бўлмоқдаки, Лениннинг қарашларига кўра, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ҳал этиш ҳуқуқи Русиядан ажралиб чиқиш маъносини англатаётгани йўқ. Бу ерда пролетариатнинг халқаро миқёсдаги синфий курашини бўлиб қўймаслик шартига амал қилибгина Русиядан айрилиб чиқиш имкони бор дейилмоқда. Аммо буни қандай амалга оширишга кимсанинг ақли етмасди. Қисқаси, Ленин руслардан бошқа миллатларга икки йўлни тавсия қилмоқда. Биринчиси, тадбиқ этилиши мумкин бўлмаган, ўзи ҳам қўшилмаётган "Русиядан айрилиб мустақил давлат қурмоқ" йўли. Иккинчиси эса, "рус миллати ичида уларга қўшилиб, эриб-битиб кетмоқ" йўли. Бу иккининг орасида ёки бу икки йўлдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Биринчиси бутунлай назарий ва қоғозда қолиб кетишга маҳкум тушунчадан бошқа нарса эмас. Ленин ва сафдошларининг фикрича, бошқа миллатларнинг мажбуран қабул қиладиган йўл иккинчиси эди. Яъни, рус миллати билан бирлашиб, бутунлашиб, сингиб, йўқ бўлиб кетиш. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, Лениннинг бу тезисларини таг маъноларигача теран англай оладиган мусулмон турк зиёлилари сони бармоқ билан санарли даражада оз эди.

Октябр тўнтариши пайтида бўлшевиклар миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқи масаласидан рақибларига, ғайри рус халқларга қарши энг таъсирли қурол сифатида фойдаланишди. Ленин ва Сталин имзо чеккан, 1917 йил 15 ноябрда чиққан "Русиядаги халқлар ва элатларнинг ҳақлари тўғрисида"ги баённома ҳали коммунистлар ва коммунизмни етарлича англамаган миллатларнинг зиёлиларини тўлқинлантириб юборганди. Унда инқилобчи бўлшевик ҳукуматининг миллатлар сиёсатида таянган тўрт тамал нуқта билдирилган эди. Яъни, баённомада таъкидланишича, Русиядаги барча халқлар ва элатлар тенг ва эркиндир; айрилиш ва мустақил давлат қуришга, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Миллий ва диний ҳар қанақа чеклаш ва

[14] Ўша асар, 110 б.
[15] Pipes, *The Formation of Soviet Union*, s. 103

айримчиликлар таъқиқланади. Шунингдек, майда миллатлар ва элатларнинг эркин шаклланиши таъминланади.[16]

Бу эълондан беш кун ўтиб, ҳукумат яна бир баённома чиқарди. У тўғридан-тўғри мусулмон халқларга қаратилган, уларнинг диний ва миллий туйғу-тушунчаларини имкон қадар қарам қилиб, эзишга йўл очган бир баённома эди. Бу билдиришда атеизм ёки интернационализм хусусида индалмаган, "чорлик Русияси давридаги бутун зулм ва таъқиқлардан барча мусулмон халқлар энди озод этилади, диний ва миллий ҳаётларини истаганлари тарзда қура оладилар" дея урғу берилган ҳамда бўлшевикларни қўллаб-қувватлашлари сўралмоқда эди.[17] Келиб чиқиши гуржи бўлган Сталин октябр инқилобидан кейиноқ бошланган ички фуқаролар урушида ғалаба қозониш ва коммунистик ғояларни Русияда ҳукмрон қилиш учун, хусусан, рус бўлмаган халқлардан етишган маҳаллий тарафдорлар лозимлигини жуда яхши биларди. Уларнинг буржуазия вакили эканлиги ёки кучли миллий қарашга эгалиги шарт эмасди. Энг муҳими, маҳаллий ходимлар ва лидерлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, уларни коммунистик тушунча тарафга оғдириб олиш эди. Бу эҳтиёж боис бир ой ўтмасдан, ноябрда Миллатлар комиссарлиги (наркомнац)[18] ташкил эттирган Сталин уни бевосита ўзи бошқарди. Бу комиссарлик совет ҳукумати ва рус бўлмаган миллатлар орасидаги алоқаларни йўлга қўйиши, ўртада кўприк вазифасини бажариши керак эди. Бош комиссарликка боғлиқ ҳолда, яҳудийлар ҳам қўшилгани тарзда, рус бўлмаган барча миллатларга оид маҳаллий комиссарликлар ташкил килинди. Наркомнацнинг энг катта ва энг эътиборли бўлими Мусулмонларнинг марказий комиссарлиги, яъни Муском эди. У мамлакат ичидаги барча мусулмон халқларнинг масалалари билан шуғулланарди. Муском бошқарувига бўлшевиклар йўлини маъқул топган учта турк, яъни бошқирд Шариф Манатов билан Қозон татарларидан Мулланур Воҳидов ва Ғалимжон Иброҳимов киритилганди. Бир оз вақт ўтиб, Наркомнац рус бўлмаган миллатларнинг идоравий, молиявий ва ҳарбий масалаларини, бутун муаммоларини ўз назоратига олган, ҳал қиладиган, бошқарадиган кучли бир ташкилотга айланди. Қисқасини айтганда, ҳукумат ичида бир ҳукумат лаёқатини қозонган бу ташкилотдан Лениндан кейин лидерлик курашига кирган Сталин энг муҳим қурол сифатида жуда унумли фойдаланди.

Мусулмон турк халқлари маҳаллий бошқарувчиларидан айримларини бўлшевикларга йўналтирган жуда муҳим сабаблардан бири қизилларга қарши курашаётган оқларнинг, хусусан оқ генералларининг монархиячи эканлигидир. Бу генераллар, агарда қизилларни енгсалар, яна эски чорлик Русиясини, мутлоқ яккаҳокимликни тиклаш, ҳеч қурса, рус

[16] Lenin, *Ulusal Sorun ve Ulusal Kurtuluş Savaşları*, s. 342
[17] Zenkowski. Rusya'da Pantürkizm ve Müslümanlık, s. 140
[18] Народный комиссариат по делам национальностей. Комиссарлик коммунистлар бошқарувида министрлик вазифасини бажарган.

шовинизмига таянган бир сиёсий ҳукумат қуриш ниятида эдилар. Империяга қарам бўлган бошқа халқларнинг, миллий кучларнинг мустакиллик ёки мухторият талабларига кескин қарши эдилар. Оловланган ички урушда оқларнинг зафарга эришуви тақдирда мустамлакада ҳеч нарса ўзгармаслигини тушуниб қолган маҳаллий бошқарувдаги айрим гуруҳлар, юқорида таъкидланган сабабларга кўра, қизиллар билан ҳамкорлик қилишни авло билдилар.

Октябр тўнтариши юз бериши биланоқ чор империясининг ичкари ўлкаларидаги бутун мусулмон турк халқлари орасида истиқлол ҳаракатлари бошланганди. Бошқирдлар 1917 йил 15 ноябрда мухториятларини эълон қилишди. 27 ноябрда[19] эса Туркистонда Қўқон мухторияти қурилди. Йилнинг охирги ойида Туркистоннинг қозоқлар бўлгасида Алаш ўрда ҳукумати эълон қилинди. Буларнинг ортидан кетма-кет Эдил-Ўрол ўлкасида, Озарбайжонда, Қиримда миллий ҳукуматлар майдонга чиқди. Энг қисқа яшаган Қўқон миллий ҳукуматидан ташқари, қолган барча миллий мухториятлар ва миллий жумҳуриятлар анчагина фаолият кўрсата олдилар. Аммо совет ҳокимияти бошқарувчилари, айниқса, Сталин бутун бу ўлкаларда пайдо бўлган бу миллий ҳукуматларни марказдан ажралишга интилган буржуа автономия гуруҳлари ўлароқ кескин айблади ва бундайин ишларга асло изн берилмаслигини таъкидларди. Аммо ишчи ва деҳқонлар ҳукуматни бошқарсалар, уларга изн берилиши ҳам уқтирилмофда эди. Бундайин мухторият эса, тамоман коммунист партияси назоратидаги совет типи бир автономиядан бошқа нарса эмасди. Бу фикрлар ва ҳаракатлар 1918 йил майида юзага чиққанига қарамай, анча кейин амалга оширилди. Чунки у даврда Русияда ички уруш давом этарди, советлар эса, ўзларини қувватлайдиган ҳар қанақа куч билан иттифоқчи бўлишга мажбур ҳолатда эди. Шу туфайли коммунист лидерлар Сталиннинг “буржуа автономиялари” дея қоралаган ўша ҳукуматларни дарҳол йўқ қилишга имкон ва куч тополмагач, уларни мумкин қадар болшевиклаштиришга уриниш билан чекландилар. Болшевизмга совуқ қараганларга қарши бошида илиқ муносабатда бўлишга интилиб, бир муддат бу сиёсатни давом эттирдилар.

ТЎНТАРИШ ЙИЛЛАРИДА ВАКЕЙИНГИ ДАВРДА ТУРКИСТОН

ХХ асрга кириш арафасида Туркистон тупроқларининг катта бир қисмини чор Русияси ишғол қилиб бўлганди.[20] Улуғ Туркистоннинг энг муҳим қисмини ташкил қилган Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги эса,

[19] Эски ҳисобга кўра 13 декабр.
[20] Қаранг: харита 1.

ички ишларида эркин бўлсалар ҳам, ташқи ишлари ва фаолиятларида русия империиясига қарам вассал давлатларга айланиб қолганди. Руслар қўлга киритилган ерларини ўз бошқарувларига мослаб Туркистон Бош волийлиги ва Степ Бош волийлиги дея аталган икки катта идорий қисмга ажратганди.[21]

Туркистон Бош волийлиги Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Семиречи-Еттисув ва Транскаспий-Хазар бўлгасидан Семипалатинск вилоятигача чўзилган ерларни қамраб олганди. Степ Бош волийлиги эса Оқмўлла (Акмолинск) ва Семипалатинск вилоятларидан иборат эди. Тошкент шаҳри иккала губерниянинг ҳам маркази эди.

Қадимдан Улуғ Туркистон мулки бўлган ишғолдаги Тўрғай ва Ўрол-Ёйиқ вилоятлари эса, Степ губернаси ташқарисида қолдирилиб, тўғридан-тўғри Русия ички ишлар идорасига боғланганди. Мустамлака Туркистондаги ана шу бошқарув тизими 1917 йилдаги бўлшевиклар тўнтаришигача ҳукмрон бўлди. Совет ҳукумати ўлкани бутунлай қўлга киритганидан, Бухоро ва Хива давлатларини ҳам ишғол этганидан кейин қадимги Улуғ Туркистон мулки янгидан бир неча жумҳуриятларга бўлинди ва харитадаги ўша жуғрофий кўриниш бугунгача сақланиб келмоқда.[22]

Кадетлар, эсэрлар, социал-демократларнинг иштирокида, Керенский раҳбарлигида амалга оширилган 1917 йилдаги феврал тўнтаришини барча миллатлар бўлажак буюк ўзгаришларнинг муждаси ўлароқ севинч билан қарши олди. Империянинг ҳар ёғида юз йиллардир давом этган чорлик зулмининг, хўрлигу ҳақоратларнинг тугаши кутилмоқда эди. Давлат тўнтариши хабари Тошкентга етиб келиши биланоқ Туркистон волийси генерал Куропаткин бутун ҳарбий қувватлари билан Керенский ҳукуматининг амрида эканлигини, ўлкада чиқадиган ҳар қандай исённи шиддат-ла бостиражагини эълон этди. Ҳукумат март ойида чиқарган бир қарорида чорлик давридаги ҳокимиятни бекор қилди, волийликлар ўрнига муваққат бошқарув комитетларини тузди. Бу янги тузилма ҳақидаги қарорга кўра, Туркистон ўлкасининг бошқарув идораси Шчепкин раҳбарлигидаги 9 аъзоли бир комитетга берилди. Степ-дала вилояти эса тўғридан тўғри марказий ҳукуматга боғлаб қўйилди. [23] Ишчи-деҳқонлар шўросининг апрел ойида ўтказилган илк йиғилишида Шчепкин ишдан олинди ва ўрнига Наливкин тайинланди.

Февралдаги давлат тўнтаришидан кейин пайдо бўлган қисмий ҳуррият ҳавосидан тўлқинланган туркистонликлар орасидаги сиёсий

[21] Туркестанская губерния; Степ губерния, саҳро, дала вилояти.
[22] Қаранг: харита 4.
[23] Шчепкин раҳбарлигида муваққат комитет аъзолари Преображанский, Липовский, Шкапский, Елпатевский, генерал Давлетшин, Садри Мақсудий, Муҳаммаджон Тинишбоев ва Алихон Бўкайхон ўғли эди.

ҳаракатлар янади жонланиб, қайнади. Ўлка зиёлилари Туркистондаги сиёсий ва ижтимоий вазиятни мувофиқ бошқариш ниятида март ойида тўпланишиб, асосий қисми жадидлардан иборат шўрои ислом жамиятини ташкил этишди. Унга Туркистон жадидлари йўлбошчиларидан Мунаварқори Абдурашидхон раҳбарлик қилмоқда эди. Шўро ҳеч кечиктирмасдан Туркистон миқёсида дарҳол қурултой ўтказишга қарор берди. 1917 йилнинг 17 апрелида Тошкентда 440 та делегат йиғилди ва қурултой иш бошлади. Унда бир неча масалалар, жумладан, “Русиянинг келажакдаги бошқарув тарзи ва бу жараёнда Туркистоннинг ўрни қандай бўлади”, “Русиядан кўчиб келганларнинг вазияти” каби мавзуларда баҳслар юритилди. Анжуман қатнашчиларининг бари ҳам жадидлардан эмасди. Улар орасида шариат тарафдорлари ҳам бор эди.



Убайдуллахўжа Асадуллахўжа, 1920 йиллар

Шу боис тортишувлар оқибатида фикран келишолмаган бир неча гуруҳлар пайдо бўлди. Туркистондаги бутун оқимлар ва гуруҳларнинг бир ғоя атрофида бирлашувининг нақадар ҳаётий қимматга эгалиги ва муҳимлигини яхши билган Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ташаббус кўрсатиб, шўрои исломдаги жадидлар ва ҳануз бир орада шаклланолмаган шариатчи гуруҳни муросага, бирлашувга олиб бориш мақсадида, Туркистон учун алоҳида бир миллий марказ қуриш кераклигини таклиф этди. Бу фикрни қурултой аҳли маъқуллади ва қабул қилди. Мустафо Чўқай раҳбарлигида Туркистон муслмонлари марказий шўроси ташкил бўлди. Шўрода Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдуллахўжа Асадуллахўжа, Обиджон Маҳмуд, Шоаҳмад Шоислом, Миродил, муфти Садриддинхон каби Туркистоннинг таниқли сиймолари бор эди. Сал кейинроқ тарих майдонига чиқадиган Бошқирдистон мухтор республикаси ҳукуматининг бўлажак раиси Аҳмад Закий Валидий ҳам бу шўрода котиблик ишини бажармоқда эди. Туркистон муслмонлари марказий шўроси қурилиб, иш бошлаши биланоқ халқ орасида миллий марказ дея донг қозонди.[24]

Афсуски, Керенскийнинг муваққат ҳукумати ўзига билдирилган ишончни пучга чиқарди, Русия империясининг улкан тупроқларида барқарорликни сақлай олмади, бошқарув иши бўшашиб кетди. Бутун мамлакатда бошбошдоқлик, жиддий бир тартибсизлик ҳукм сурарди. Бу ҳам етмагандек, руслардан бошқа миллат ва элатларнинг ўз юртларида маҳаллий бошқарувдан ўрин олмасликлари уларни умидсизликка туширганди. Туркистонни бошқарув учун тайинланган муваққат ҳукумат комитетида эса қаттиқ келишмовчилик ва ғавғочилик давом этарди. Хусусан, Тошкентда қурилган ишчи-аскар-деҳқон совети ҳокимиятни алоҳида бошқаришни талаб қилиб, муваққат ҳукумат комитети билан олишиб ётганди. Бошқа бир тарафда эса, Миллий марказдан етарлича ўрин ва мавқе ололмаганини иддао қилган Туркистон шариат муҳофазакорлари июн ойида тўпланишиб, Шерали Лапин бошчилигида уламо жамиятини қурдилар.

Шундай қилиб, 1917 йил ёз ойларига келганда, Туркистонда марказий ҳукуматни вакили сифатида Муваққат Бошқарув Комитети, рус ишчилар ва ҳарбийлари томонидан қурилган Ишчи-аскар-деҳқон совети, Туркистон жадидлари тарафидан ташкил этилган шўрои ислом ва шариат тарафдорлари тўпланган Уламо Жамияти ўлароқ тўртта сиёсий куч фаолият юритмоқда эди. Шу билан бирга, жадидлар ва

[24]Аъзолари: Убайдуллахўжа Асадуллахўжа, Обиджон Маҳмуд, Миродил, Шоаҳмад Шоислом, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва муфти Садриддинхон. Миллий марказнинг бошқа вилоятларда бўлимларини очиш ва ишларини ташкил қилинишида қуйидаги аъзолар фаолият кўрсатган: Фарғонада Носирхон Тўра, Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Хазарорти бўлгасида Ўраз сардор, Сирдарё бўлгасида Шоислом, Еттисув вилоятида Тинишбоев.

муҳофазакорларнинг биргаликда ҳаракат этаётган миллий марказ ҳам бор эди. 1917 йил августда Тошкентда шаҳар совети учун ўтказилган маҳаллий сайловларда Туркистон сиёсий гуруҳлари орасидаги фарқларни оппа-очиқ ўртага қўйди. Уламо жамияти рус муваққат ҳукуматининг ўнг қанот вакиллари билан ҳамкорликни ўрнатиб, сайловда ютиб чиқди. Уламо жамиятидан Ликошин шаҳар советига раис бўлди. Сайловда эсэрлар 25, жадидлар 10 фоиз овоз олганди. Бу натижа Туркистондаги либерал кучларнинг жиддий мағлубияти эди.

Сентябр ойида Туркистон мусулмонларининг иккинчи қурултойи бўлди. Русияда чор ҳукумати йиқитилганига, тузум ўзгарганига қарамай, русларнинг Туркистонда ҳокимиятни ҳамон тутиб тургани, Керенский ҳукуматининг бу вазиятни қўллаб-қувватлаётгани ерли халқнинг русларга бўлган умид-ишончини пучга чиқарганди ва зиёлилар онгида “Туркистон масаласини ҳал қилиш учун Русия ташқарисидан имкон ахтариш керак” деган фикрни уйғотганди. Ўлканинг илғор кишилари Туркистонда мухтор жумҳурият қуриш ва бу юртда мустамлакачи русларнинг қонунларини рад этиш мавзуларида баҳс юрита бошлаганди. Бу жараёнда муҳофазакор гуруҳларнинг қўли баланд эди, янги қуриладиган мухтор жумҳуриятда сиёсий ва ҳуқуқий тизим шариат қонун-қоидаларига мувофиқ шаклланиши, шариат маҳкамаларига бўйсуниш лозимлиги уқтирилмоқда эди. Энг муҳими, ўлка иқтисоди Русияга қарамликдан қутқарилиши, пахта билан бирга Туркистон эҳтиёжини қоплайдиган даражада буғдой ҳам экилиши керак, деган катта фикр майдонга чиқарилган эди.[25] Мана шу қурултойда Туркистон вакиллари учун 35та ўрин берилишига оид талаб марказий ҳукумат тарафидан маъқулланди, Туркистон бўйича сайлов ўтказишга қарор берилди. Қурултой Туркистон халқи ва сиёсий кучларнинг истаклари ва талабларини муваққат ҳукумат раҳбари Керенскийга етказиш вазифасини Мустафо Чўқай, Норбўтабек, Пўлатжон ва Шоисломдан иборат ҳайъатга топширди. Ҳайъат вақт ўтказмасдан Русияга қараб йўлга тушди. Петербургда Керенский туркистонликлар ҳайъатини қабул килди ва уларга қаттиқ жавоб берди:

> “Туркистонда Русияга қарши бирор исён чиқишига ишонмайман. Бундайин оёқланма содир бўлса, шафқатсиз бостирилади”. [26]

Бу орада Туркистондаги ҳокимиятни ўзаро талашаётган руслар ўртасидаги муносабатлар ҳам таранглашганди. Сентябр ойида рус бўлшевиклари Тошкентдаги Наливкин бошчилидаги Муваққат ҳукуматга қарши исён кўтардилар, лекин бир натижага эришолмадилар. Аммо Петербургда бўлшевиклар октябр тўнтаришида ғалаба қозонгач,

[25] Биринчи жаҳон уруши даврида пахтага эҳтиёж жуда ортган ва Туркистон даларининг асосий қисмини бу ўсимлик эгаллаганди.
[26] Carrere d`Encausse, *The Fall of The Czarist Empire* (Central Asia. 120 Years of Russian Rule ed. E. A. Allworth) s. 220

Тошкентдаги бўлшевикларга бу катта мадад бўлди, улар яна ишонч билан ҳаракатга киришдилар. Тошкентдаги рус ҳарбий горнизони янги ҳукумат тарафига ўтганини билдирди. Бўлшевиклар тўрт кун давом этган жанглар оқибатида, 11 ноябр куни муваққат ҳукумат биносини ишғол этдилар. Колесов, Тоболин ва Успенский бошчилигида қурилган инқилоб комитети Тошкентдаги ҳукуматни эгаллашди. Бироқ уларда ўз ҳокимиятларини сақлай олишга куч ва имкон етишмасди. Шуни ҳисобга олиб, улар ашаддий рақиблари социал демократлар, яъни меншевиклар ва эсэрлар билан иттифоқликда ҳокимиятни бошқаришга рози бўлдидар. Ноябр ойи ўрталарида ўтказилган қурултой йиғинида Туркистонда совет ҳукумати ўрнатилгани эълон этилди. Қурултой қарорига кўра 21 комиссардан иборат Туркистон халқ комиссарлари совети ташкил бўлди.[27] Комиссарлардан 5 таси коммунист, 2 таси социал-демократ ва 8 таси социал-революционер эди. Афсуски, қурултойда бошқарув ҳокимиятига маҳаллий халқдан[28] вакил олинмаслигига қарор берилганди.

Бу ҳолат Туркистон аҳолиси ва сиёсийлари орасида жуда катта норозилик уйғотди. Шерали Лапин раҳбарлигидаги уламо жамияти Тошкентда 515 делегат қатнашган мусулмонлар қурултойини ўтказди. Қурултой янги ҳукуматдан ҳокимиятни туркистонликларга топширишни талаб қилди. Лапин советларнинг лидерларига руслар ва мусулмонлар тенг қатнашадиган ўртоқ ҳукумат ташкил қилишни таклиф этди. Колесов “маҳаллий халқ орасида пролетариат синфи йўқлиги боис улар ҳукуматга қатнаша олмайди” дея бу таклифни инобатга олмади. Тошкент советининг бундайин рад жавобидан кейин Туркистон жадидлари ва шариатчи муҳофазакорлари орасида мажбурий келишув ва иттифоқ тузилди. Миллий марказ ва уламо жамияти бирлашиб, Қўқонда Туркистон мухтор жумҳуриятини эълон қилишга олиб борган фаолиятни бошлаб юбордилар.

МИЛЛИЙ МУХТОР ҲУКУМАТЛАР: ҚЎҚОН МУХТОРИЯТИ

Тошкентдаги ҳокимиятга қатнашиш имкони пучга чиққан уламо жамияти эндиги вазиятда Мустафо Чўқайғўли раҳбарлигидаги миллий марказ томон бормоққа мажбур бўлди. Икки ташкилотнинг бирлашган анжуманида бир овоздан Қўқонда Ўрта Осиё мусулмонларининг тўртинчи қурултойини ўтказишга қарор бердилар. 1917 йилнинг 25 ноябрида, 208 та делегат тўпланган қурултойда бир фикрга келиниб, 36 та мусулмон ва 18 та рус аъзодан иборат кенгаш тузилди ва унинг кетидан

[27] Турксовнарком.
[28] Туркистон халқлари вакиллари кўзда тутилган.

12 кишилик муваққат ҳукумат қурилиб, 27 ноябр куни Туркистон мухториятини эълон қилинди.

Ўша куни тарқатилган мухторият баённомасида, жумладан, Русия жумҳуриятининг федератив ҳукумат тузумига ҳурмат билдирилгани ҳолда, Туркистон учун территория бутунлигини таъминловчи автономия талаб қилинганди. Мухториятни амалга ошириш ҳуқуқи Туркистон мухторияти кенгашига берилганди. Шунингдек, баённомада Туркистонда яшайдиган майда халқлар ҳақ- ҳуқуқларининг сақланиши алоҳида таъкидланганди. Мухторият ҳукумати раҳбари этиб туркистонлик қозоқлардан Муҳаммаджон Тинишбоев сайланди. [29]

Бу ишлар қизилларга ҳечам ёқмади, улар жазавага тушди. Чунки Қўқон мухториятининг келажакда муваффақиятли одим отиб бориши Туркистондаги совет ҳокимиятига кўлка ташлаб, унга катта хавф соларди. Шу сабабли бу мухтор ҳукумат дарҳол йўқотилиши шарт эди.

Лекин Тошкент советининг қўлида рақиб ҳукуматни маҳв этишга ҳарбий куч йўқ эди. Москва ва Тошкент орасидаги йўллар рус казакларининг лидери атаман Дутов таъсири остида эди. Айни вақтда Қўқондаги миллий ҳукуматни қутлаб-қувватлашлар Туркистоннинг ҳар ёнидан ёғилмоқдайди. Қўқондаги мухтор ҳукумат Москвадаги марказга хабар йўллаб, ўзини Туркистон ўлкасидаги ягона қонуний ҳокимият эканлигини қабул этилишини истади. Сталиннинг жавобида “халқ тарафидан сайланган совет идоралари ягона қонуний ҳокимиятдир ва ундан ташқари барча ташкилотлар қабул қилинмаслиги” таъкидланганди. Ана шундан кейин мухторият ҳукумати 1918 йил январида умумий сайлов ўтказилишини ва сайланадиган бошқарув кенгашидаги ўриннинг учдан бири ғайримуслимларга ажратилишини эълон қилди. Айни пайтда ҳукумат пул-маблағ, қурол-аслаҳа топиш имконларини излашга киришиб кетди. Ана шу масалалаларни ҳал қилиш мақсадида ҳукуматнинг ташқи ишлар вазири Мустафо Чўқай оқларнинг генерали Дутов билан алоқа ўрнатди, қизилларга қарши курашда ҳамкорликни таклиф қилди, аммо Дутов “фақат рус казаклари бошқарувида қуриладиган ҳукуматнигина қўллаб-қувватлаймиз” дегани туфайли қўли бўш қайтди. Бухоро амири Саид Олимхон эса, энг ашаддий душмани ҳисобланган жадидлар билан ҳеч қандайин муносабатда бўлишни истамасди. Шу боис унга бу мавзуда мурожаат қилинганида кескин рад этди. Туркистоннинг қозоқлар яшайдиган қисмида қурилган Алаш ўрда ҳукумати ҳам у ёқда ана шундай

[29] Мухторият баённомасининг асл матни билан танишиш учун китобнинг ҳужжатлар бўлимига қаранг.

Қўқондаги мухторият ҳукумати аъзолари қуйидагилардан иборат эди: давлат бошлиғи ва ички ишлар вазири Муҳаммаджон Тинишбоев, давлат бошлиғи ўринбосари Шоаҳмад Шоислом, миллий мудофаа ва муҳофаза вазири Убайдуллахўжа Асадуллахўжаўғли (кейинроқ ҳукумат бошлиғи ўринбосари), қишлоқ хўжалиги вазири Ҳидоят Йурқулоға, соғлиқ ишлари вазири Миродил, маориф вазири Носирхон Тўра, таъминот вазири Обиджон Маҳмуд, молия вазири Саломон Ҳерзфелд (кейинроқ Шоислом), ташқи ишлар вазири Мустафо Чўқай.

имконсизликлар домида ўз ёғига ўзи қовурилиб ётарди. Мухториятнинг маблағ ва қуролга бўлган эҳтиёжини етарли даражада қоплай олмаслик кўп раҳбарларнинг руҳини тушириб юборди. Ҳукумат бошлиғи Муҳаммаджон Тинишбоев 1918 йилнинг 17 январида ўз вазифасидан истеъфо етди ва ўрнига Мустафо Чўқай тайин қилинди.[30]

Январ ойи ичида қизил қўшинлар Ўринбург бўлгасини идора қилаётган генерал Дутов ўрдулари устидан зафар қозонди ва Москва билан Тошкент ўртасидаги йўлларни очди. Бу ҳодиса кетидан Тошкент совети 31 январда дарҳол қурултой чақириб, Қўқондаги мухтор ҳукуматни "контрреволюционер-буржуа ҳукумати" дея қоралади ва уни зудлик билан тарқатиш керак, дея қарор чиқарди. Қизил аскарлар маҳаллий армани дашнақлари ва Австрия-Можаристонлик ҳарбий асирлар ёрдамида 1918 йилнинг 14 февралида Қўқон шаҳрига ҳужум уюштирди. Тўрт кун чўзилган қонли жанглар натижасида 18 январда мухторият ҳукумати ағдарилди. Қизил аскарлар ва армани дашнақлар шаҳарда ваҳшиёна қатлиом уюштирдилар.[31] Ўта қисқа умрли бўлишига қарамасдан, бу ҳукумат Туркистон ўлкасида ўртага чиққан "илк сиёсий мухторият талабининг тимсоли" сифатида жуда муҳим ва аҳамиятлидир.

Ҳукумат бошлиғи Мустафо Чўқай ўзини душман қўлидан қутқариш учун олдинига қозоқлар, сўнгра бошқирдлар юртига қочди. Бошқирдистонда қурилаётган миллий мухторият фаолиятларига қатнашди. Советлар бу томонларда ҳам ҳокимиятни истило этгач, Гуржистонга бориб жойлашди ва у ерда нашр ишлари билан шуғулланди. Тифлис ҳам қизиллар қўлига ўтган ойларда бу ерни тарк этиб, аввал Туркияга ўтди, кейин Парижга бориб ўрнашди ҳамда Овруподаги Туркистон мужодаласини бошлади.


Мухториятнинг биринчи раиси бўлган Тинишбоев ҳам Қўқондан кетиб, Қозоғистондаги Алаш ўрда ҳукуматининг ички ишлар вазири вазифасида ишлади.

Қўқон мухториятининг ағдарилиши ва шаҳарнинг яксон қилинишидан сўнгра, шаҳарни ва ҳукуматни қўриқлаш вазифаси юклатилган Эргаш қўрбоши қўл остидаги қуролли бўлинмалар билан тоғларга чекинди ва қизилларга қарши ҳаракатни бошлаб юборди. Кейинчалик босмачилик деб номланган бу мустамлакачиларга қаршилик ҳаракати бутун Туркистон бўйлаб жуда тез ёйилди ва икки йил давомида ўлканинг катта бир қисми босмачилар таъсири остида қолди. Шундай

[30] Тинишбоевнинг истеъфосидан сўнгра давлат бошлиғи вазифасини бажариш халқ шўроси тарафидан адвокат Убайдуллахўжа Асадуллахўжаўғлига таклиф этилди. Аммо у бу таклифга кўнмади ва ўрнига Мустафо Чўқайни тавсия қилди ва ўзи унга ёрдамчи бўлди. B. Hayit. Türkistan Rusya ile Çin Arasında, s. 249.

[31] Кенгроқ маълумот учун қаранг: B. Hayit, *Türkistan Rusya ile Çin Arasında*; Z. V. Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*; S. Zenkowski, *Rusya`da Pantürkizm ve Müslümanlık*; E. Allworth. *Central Asia*, 120 Years of Russian Rule.

қилиб, Туркистон мухториятининг ағдарилиши ўлкада босмачилик ҳаракатининг бошланғичи бўлди ва бу шаклда қабул этилмоқда.



Қўқон шаҳрида қурилган Туркистон миллий мухтор ҳукуматини қувватлаб Тошкентда ўтказилган митингдан кўриниш. 1917 й. 13 декабр



Туркистон мухториятини қутлаб ўтказилган намойишдан кўриниш. Тошкент, 1917 й. 13 декабр

ТУРКИСТОН АВТОНОМИЯСИ

Қўқон шаҳрида қурилган мухтор жумҳуриятнинг бўлшевиклар тарафидан шафқатсизларча йўқ қилиниши қизиллар ва Туркистон аҳолиси ўртасидаги зиддият ва душманликни янада кучайтирди. Бу фожиали, қурбон тўла вазият туркистонлик илғор кишиларнинг ақлини киритди ва улар етарлича шаклланган қуролли кучларга эга бўлмагунгача ўз ватанларида ҳукм юритолмасликларини англашди. Бу даврда бир гуруҳ туркистонлик тараққийпарварлар бўлшевиклар билан ҳамкорликда бошқарувда иш юритиб, баъзи эътиборли мақомларга ҳам кўтарила бошладилар. Қизиллар июл ойида Тошкентда коммунистлар қурултойини ўтказишди. Унда Туркистондаги 1500 тача коммунистларнинг вакили ўлароқ 43 делегат қатнашди. Мажлисда рус коммунист партиясига боғлиқ Туркистон коммунистлар партиясини тузишга қарор берилди. Бу орада Тошкент шаҳри шарқ ўлкалари коммунистик партияларининг марказига айлана бошлади. Эронликларнинг “Адолат”, Туркиядан Мустафо Субҳийнинг турк коммунист партияси, ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар орасидаги бўлшевик тарафдори бўлган гуруҳлар, Ҳинд ихтилолчилари, Чин коммунистлари бу шаҳарда йиғилишиб, шарқ коммунистик ҳаракатини бошлаб юборишганди.[32]Айни пайтда Фарғона водийсида бошланган босмачилик ҳаракати Туркистон ўлкасининг ҳар ёғига оловдай тез тарқалиб бормоқда эди. Иккинчи томонда эса, оқлар 1918 йил ўрталарида Қозонни ишғол қилган, Москва ва Тошкент ўртасидаги муҳим марказларни эгаллаб бўлганди. Ўрта Осиё ва Москва орасидаги йўллар кесилганди. Шу билан бир қаторда, Москвадан Туркистонга чўзилган улкан жуғрофий муҳитда биринма-кетин Эдил-Ўрол, Бошқирдистон ва Алаш ўрда ўз автономияларини эълон қилишганди. Адмирал Колчак қўмондонлигидаги оқлар, атаман Дутовнинг рус казакларидан иборат қўшинлари, бўлшевизм душмани социалистлар, юқорида тилга олинган автоном ҳукуматларнинг ҳарбий кучлари – барчаси, тарқоқ бир жабҳа

[32] Бу йилларда Тошкент шаҳри асосан Эрон ва Ҳиндистон коммунистларининг, шунингдек, бир қатор шарқ давлатлари коммунистларининг маркази ҳолига келганди. Эрон коммунистлар партияси “Байроғи адолат”, Ҳиндистон коммунистлари эса “Заминдор” номли газеталарини шу шаҳарда нашр этишарди. Туркия коммунистлар партияси бошчиси Мустафо Субҳий эса, Деникин ва Врангел қўшинларининг Украина ва Қафқазни эгаллаши муносабати билан Анадўлуга қайта олмай, Туркистонга келиб, кейин Хазар денгизи орқали Туркияга етиб олишни ўйлаганди. Аммо унинг бу нияти амалга ошмагач, гуржи коммунисти Элиаванинг таклифига кўра иш тутиб, анча вақт Тошкентда қолди. Бу даврда у турк коммунистларининг бош нашри “Янги дунё” (Yeni Dünya) ни чиқарди, Тошкентга келиб жойлашган Усмонли давлатининг биринчи жаҳон урушида руслар қўлига тушган асирлари орасида, уларнинг эгасиз қолганини англаб, коммунистик фикрни тарқатишга тиришди; шарқ ўлкалари коммунист ташкилотларининг ҳамкорликда иш олиб борадиган Байналмилал шарқ таблиғот шўросининининг шаклланишида қатнашди. Бу мавзуда кенгроқ маълумот учун қаранг: Yavuz Aslan, *Türkiye Komünist Fırkasının Kuruluşu ve Mustafa Suphi*, TTK yay. 1997, s.76.

ҳолида қизилларга қарши кураш бошлаганди. Москвадаги совет раҳбарлари вазиятни муҳокама қилгач, маҳаллий вакилларнинг партия ишига қатнашуви билангина коммунистлар тузуми ва халқ орасида кўприк қуриш мумкин, деган қарорга келди. Марказ Тошкентдаги рус бўлшевикларига йўриқнома юбориб, асосий қисми эски жадидлардан бўлган Туркистон зиёлиларини партия ишига жалб этилишини, Туркистон коммунистик партияси сафларини кенгайтиршни уқтирди ва бунинг бажаралишини талаб этди. Бу сиёсат муваффақиятли натижага олиб борди. 1918 йил декабрида коммунистлар иккинчи қурултойларини ўтказишди. Унда 900 та Туркистон вакили аъзо сифатида қатнашди.[33] Анжуман қарорига кўра, партиянинг Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-маиший ва сиёсий ўзига хос мухитида муваффақиятли иш олиб бориши учун мусулмонлар бюроси (мусбюро) ташкил қилинди. Мусулмон бюроси илк мажлисини 1919 йил май ойида ўтказди ва бошқарув кенгашини тасдиқлади.[34] Мусулмон бюросининг илк йиғилишидаёқ рус коммунистларининг ўлка аҳолисига нисбатан тутаётган сиёсатларидаги махаллий халққа қул деб қаралиши қаттиқ қораланди.

Бу вазият Москвадаги раҳбарларни безовта қилди ва улар янада мувофиқроқ тадбир қўллашга мажбур бўлдилар. Натижада Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятининг мустаҳкамланиши учун хизмат қиладиган алоҳида кенгаш, яъни Туркистон комиссияси (Турккомиссия) қурилгани эълон этилди. Генерал Фрунзе бошчилигидаги бу Турккомиссия аъзолари орасида Куйбишев, Рудзутак каби таниқли рус коммунистлари қатори Турар Рисқуловга ўхшаган Мусбюро лидерлари ҳам бор эди. Турккомиссия Русия бўлшевиклар партиясининг Ўрта Осиёдаги энг ишонган вакили ва бу минтақадаги марказий бошқарувчиси бўлиши керак эди. Бу ташкилотнинг вазифаси фақат Туркистон ўлкаси билан чегараланмасди, балки қўшни давлатларга ҳам бўлшевизм курашининг ёйилишини ташкил ва таъмин этиш каби муҳим халқаро ишни ҳам олиб бориш унга юклатилганди.

Турккомиссиянинг 1919 йил сентябрда Москвада ўтказилган йиғилишида қабул қилинган қарорлар советларнинг ўша даврдаги туб мақсад ва ғояларини яққол кўрсатиши билан диққат чекувчидир; иккита мисол келтирамиз:

1- Туркистон ва унга қўшни ўлкалардаги сиёсатимизнинг икки энг муҳим нуқтаси, мақсади бўлиши шарт. Биринчи вазифа шуки, Туркистон атрофидаги Осиё мамлакатларида инқилобий ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш керак. Иккинчи вазифа эса, Туркистондан иқтисодий манба сифатида фойдаланиш лозим.

[33] Hayit. *Türkistan Rusya ve Çin Arasında*, s. 239.

[34] Туркистон коммунист партияси мусулмон бюроси кенгаши бошқарувида илк ўлароқ қуйидаги кишилар ўрин олганди: Турар Рисқулов, Аббос Алиев, Афандиев, Н. Хўжаев, Турсунхўжаев, Фахриддинов, Абдурашидов, Муҳиддинов, Исаев.

2- Ҳиндистон ва Эрондаги инқилоб ва ихтилол ҳаракатлари совет Русияси учун ўта аҳамиятлидир. Бу мамлакатларда ана шундай оёқланмалар чиқса, қўшни ҳукуматлар ўз-ўзи билан овора бўлиб, иттифоқчи қўшинларини бизнинг чегараларимиздан нари олиб кетишга мажбур бўлади. Шу билан бирга, қўшни юртлардаги бундайин ҳаракатлар жаҳон миқёсида инқилобга замин тайёрлайди. [35]



Турар Рисқулов

Бу мақсадларнинг амалга ошувига чин юракдан ишонган Фрунзе, Бухоро амирлигини ишғол қилиш режасини тузаётган пайтларидаёқ марказга таклифлар йўллаб, уруш оловини Бухородан нарироқ юртларга, жумладан Афғонистон кўчириш кераклигини уқтирмоқда эди. Ҳатто Туркомиссия бошлиғининг вакили сифатида Куйбишев Афғонистон коммунистик партиясини қуриш режасини тайёрлаган ва бу партияга "Афғонистондаги мустабид тузумни ағдариш ва ўрнига Афғонистон совет халқ республикаси ташкил этиш" вазифасини ҳам назарий жиҳатдан юклаб бўлганди.

Аммо совет раҳбарларининг бундайин фитнакорона режалари амалга ошмади, қизилларнинг ишғол ҳаракатлари Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ерларидан нарига ўта олмади.

[35] Abdullayev Kemal, *Central Asian Emigres in Afghanistan*, *First Wave 1920-1931*. Part 1. Central Asia Monitor (1994) №4, s.31

Бу орада коммунистик партия сафларидаги маҳаллий ходимлар сони ва мавқеи ҳам мусулмон бюросининг қўллаб-қувватлаши натижасида анчагина ортди. Мусбюро коммунистик партиянинг маркази томонидан ўзига юклатилган газета чиқариш, тарғиботчи-ташвиқотчи етиштириш, бўлшевистик асарларни таржима қилиш каби ишларни бир четга суриб қўйиб, Туркистон келажаги йўлида ўйлайдиган, ишлайдиган ўтюраклар тўпланадиган марказга айлана бошлади. Турк халқлари яшаётган қўшни ўлкалардаги муҳитга мос, баробар ўлароқ бу ерда ҳам социалист-миллий Туркистон мавзуси ва мақсади энг муҳим масала бўлиб қолганди. Москвадаги ҳукумат эса бундан норози ва безовта эди. Аммо мамлакат бўйлаб давом этаётган ички уруш, оғир иқтисодий аҳвол уларни кескин чоралар кўришдан тийиб турарди.

1920 йил бошларида Мусулмонлар бюроси келажакдаги мақсадлари ва Туркистонга оид юритажак тамал сиёсатини оппа-очиқ ўртага қўйди. 12-18 январда бирин-кетин ўтказилган мусбюронинг учинчи ва Туркистон коммунистик партиясининг бешинчи қурултойларида Турар Рисқулов “Миллий масалалар ва миллий коммунист шўбалар” мавзусида маъруза қилди. Ана шундан кейин Турар Рисқулов ва сиёсий сафдошлари Туркистон автоном совет социалистик республикаси атамасини ўзгартириб, Турк жумҳурияти деб аташни ва Туркистон коммунистик партияси номини турк коммнистик партияси деб ўзгартиришни таклиф қилишди. Қуриладиган Турк жумҳуриятининг Асосий Қонуни, иқтисодий, молиявий, ҳарбий соҳаларда, ташқи сиёсатда мустақил бўлиши шарт эди. Энг муҳими, мусулмон турк қўшини ташкил этиш зарурлиги кўтарилганди. Мусулмон бўлмаган ҳарбий тузилмаларнинг Туркистондан чиқиб кетиши талаби қўйилганди. Бу таклифлар иккала қурултойда ҳам кўпчилик овоз билан қабул этилди.[36] Қурултойда қабул қилинган муҳим қарорлардан яна бири шуки, эски Русия мустамлакасида яшаган барча турк халқари Ўрта Осиёда қурилажак янги Турк жумҳурияти атрофида бирлашишга, жипслашишга чақирилмоқда эди. Туркистонлик коммунистларнинг анжуманда кўпчилик овоз билан Улуғ Туркистон республикаси қуриш режалари ва бунга киришганлари Москвани қаттиқ чўчитди ва ғазаблантирди. Совет ҳукумати Туркистон фронти бош қўмондони генерал Фрунзенинг таклифига кўра, Туркистон коммунистлар партияси қурултойида олинган қарорларни рад этди. Москва, хусусан, Туркистон коммунистик партияси рус компартиясига боғлиқ бир вилоят ташкилоти эканлигини ва ундан мустақил ҳолда қарор чиқара олмаслигини таъкидлади.

1920 йилнинг июн ойига бориб, совет ҳукуматини қийнаётган кўп муаммолар ечимини топгандай бўлди. Украинадаги генерал Деникин ва Сибирдаги генерал Колчак масалалари ҳал этилган, Москва-Ўрта Осиё ўртасидаги йўллар кенг очилган эди. Қизил қўшинларнинг Сибирдаги

[36] Hayit, *Türkistan Rusya ile Çin Arasında*, s. 295

катта муваффақиятларидан сўнгра, совет ҳукуматининг барча ҳарбий ишларини бошқараётган комиссар Троцийнинг кўзлари эндиликда Туркистонга ва жанубдаги қўшни ўлкаларга қадалди. Троцкийга кўра, мавжуд халқаро вазиятда советлар учун Париж ва Лондонга борадиган йўл Афғонистон, Ҳиндистон ва Бенгалистондан ўтади, уни очишга эришмоқ керак. Бунинг учун аввало Туркистондаги босмачилик ҳаракатини тугатиш, кейин Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини ағдариб, ҳокимиятни қўлга олиш лозим эди. Шунда Афғонистонга ва Ҳиндистонга йўллар очиларди. Ана шу улкан вазифани бажаришни Троцкий генерал Фрунзега топширди, уни Туркистон жабҳасига [37] Бош қўмондон этиб тайинлади ва унга жуда катта ҳуқуқлар берди. Фрунзе жаҳон инқилоби хаёлларига учмаган, қатъиятли коммунист ҳарбий эди. У руслардан бошқа миллатлардан тузиладиган қўшиннинг муваффақият қозонишига ишонмасди. Фрунзе, жумладан, маҳаллий аҳолининг сиёсийлари ва ҳарбийларига эҳтиёж йўқ, бу ўлкаларда инқилоб ва ўзгаришни фақат рус аскарлари воситасидагина амалга ошириш мумкин, деган фикрда эди.

Мусулмонлар комитетидаги бу тўлқинли фаолиятлар, Улуғ Туркистон жумҳурияти қуриш ҳаракати Фрунзенинг руслардан бошқа миллатларга ишончисизлигини янада қатъийлаштирганди. Унингча, энди бу Улуғ Туркистонни яратмоқчи бўлганлар устига қақшатқич ҳужум уюштириш ва янчиб ташлаш замони етилганди. Бу қарорни марказга билдирди. Тез орада Русия коммунист партияси мараказий комитети Турккомиссияда бирорта ҳам мусулмонлар вакили бўлмаслиги кераклигига оид қарор чиқарди ва бошқарувга янги аъзоларни тайинлади. Каганович, Георгий Сафаров, Якоб Петерс каби таниқли коммунистлардан иборат бу янги аъзоларинг вазифаси партияни қизиллар наздидаги номақбул кишилардан тозалаш ва уларни йўқотиш эди. Дарҳол Турар Рисқулов ва Низомиддин Хўжаев каби лидерлар Туркистон коммунист партиясидан четлаштирилди.

Бу ҳам етмагандай, улар Туркистон ҳукумати ижроия комитетидаги лавозимларидан ҳам ҳайдалишди. [38] Улардан бўшаган ўринларга эса саводсиз ва тажрибасиз маҳаллий коммунистлар қўққайтириб қўйилди. Туркистон ижроия комитети бошлиқлигига ҳатто ўқиш-ёзишни ҳам билмайдиган Раҳимбоев деганни тайинлашди. Бошқарувдаги рус коммунистлар янги мартабаларга миндирилган маҳаллий коммунистларни “ўзбек ва қозоқ пролетариатининг ҳақиқий вакиллари” дея бонг уришди. Мана шундай қилиб, миллатпарвар коммунистларнинг ўлкада миллий Улуғ Туркистон давлатини қуриш билан боғлиқ барча орзу-амаллари чилпарчин бўлди.

[37] Туркфронт.
[38] Туркестанский центральный исполнительный комитет.

АЛАШ ЎРДА МУХТОР ҲУКУМАТИ

Алаш 1905 йилда Туркистонда мустамалакачиликка қарши қозоқлар ташкил этган илк сиёсий ҳаракатдир, аммо вазиятнинг оғирлиги туфайли доим яширин иш олиб боришга мажбур бўлган, фақат 1917 йилга келибгина очиқ фаолият юритишга эришган. !917 йил июлида ўтказилган қурултойда қозоқ тараққийпарварлари Қозоғистонга автономия берилишини, қозоқ ерларига рус кўчманчилари оқимини тўхтатишни, қозоқ ёшларини урушга ва урушорти ишларига ишчи сифатида юборилишига чек қўйилишини талаб этишди, яна шу каби кўп ижтимоий муаммоларни ўртага қўйишди. Шу орада октябр тўнтариши, у билан баробар бутун мамлакатда бошбошдоқлик бошланди. Шимолдаги Ўмск вилояти қизилларга қарши курашаётган оқларга, генерал Колчак қўшини ихтиёрига ўтди. Жанубда эса Тошкент совети билан Қўқон мухторияти ўртасида ҳокимият учун кураш оловланганди.

Ана шу олатасир даврда, 1917 йил декабр ойида учинчи қозоқ қурултойи тўпланди. Қозоқ автономияси – Алаш ўрда мухтор ҳукумати эълон қилинди ва уни бошқарадиган 15 аъзо сайланди. Алихон Букайхон ҳукумат бошлиғи бўлди. Яқинда руслар тарафидан йиқитилган Қўқон мухторият давлатининг собиқ илк бошлиғи Муҳаммаджон Тинишбоевга бу ҳукуматнинг ички ишлар вазири мақоми берилди. Қозоғистон ерлари жуда кенг бўлгани туфайли, бошқарувни қулайлаштириш мақсадида, шарқий ва ғарбий қисмга бўлиб, икки миллий марказ ташкил қилинди. Кунботардаги Ўрол вилоятигача чўзилган минтақани қамраб олган ерлар Ғарбий Алаш ўрда аталди ва уни ака-ука Жаҳоншоҳ ва Халил Дўстмуҳаммад ўғиллари бошқармоқда эди. Алаш ўрда ҳукумати жуда тезлик билан ҳарбий соҳада тузанли қўшин яратмоққа киришди. Ўринбург, Тўрғай, Қустанай, Семипалатинск тарафларда халқдан аскар олиниб, миллий қўшиннинг тамали отилди.

Шу вақтда Бошқирдистон мухторият ҳукумати ҳам марказни Ўринбургга кўчирди. Натижада икки қардош миллий мухторият ҳукумати ўртасида жиддий ҳамкорлик бошланди.

Алаш ўрда ҳукумати вакиллари қизилларга қарши курашда иттифоқчи ахтариб, оқларнинг Сибирни ишғолда тутиб турган қўмондони адмирал Колчак ва рус казакларининг йўлбошчиси атаман Дутов билан кўришдилар. Қурол-аслаҳа, техника борасида ёрдам истадилар. Афсуски, адмирал Колчак қозоқларга қурол беришни хоҳламади, аксинча, ўз қўшини эҳтиёжини қоплаш мақсадида улардан ақча берилишини талаб қилди. Бу ҳам етмагандай, 1918 йил ўрталарига бориб, адмирал Колчак талабларини тажовузкорона ҳаддан оширди Сўнгра Алаш ўрда ва Бошқирдистоннинг миллий қўшинларини тарқатиш, бу мухтор ҳукуматларни ағдариб, яксон этиш курашини


бошлаб юборди. Аммо Колчакнинг бу хуружлари узоққа чўзилмади. 1919 йил бошларида Фрунзе қўмондонлигидаги қизил қўшинлар аввал Ўролни, сўнгра Ўринбургни ишғол этди. Бу вазият қаршисида Алаш ўрда ва Бошқирдистон мухтор ҳукуматлари биргаликда маслаҳат ва ҳаракат қилиб, советлар билан муросага боришга мажбур бўлди. 1919 йилнинг 16 февралида Бошқирдистон ҳукумати номидан Закий Валидий, Алаш ўрда ҳукуматидан Аҳмад Бойтурсун Москвага бориб, совет ҳукумати билан келишув аҳдномасини имзолашди.[39] Бироқ бунга қарамай ўртадаги бир-бирига ишончсизлик давом этаверди. Ниҳоят 1919 йил ноябрда советларнинг ҳарбий инқилобий комитети тарафидан Алаш ўрда ҳукумати ва бошқарувчилар учун авф қарори чиқарилди. Айни йилнинг декабри ойида Фрунзе билан Ўринбургда ўтказилган икки ҳафталик музокаралардан сўнгра, Алаш ўрданинг оқлар билан алоқаларининг мутлақо узилгани билдирилди ва ўрданинг барча ҳарбий кучлари қизилларга келиб қўшилди.[40]

Аслида Москва Алаш ўрда билан бошланган ҳамкорликнинг узоққа чўзилмаслигини яхши биларди. Шу боис вазиятдан келиб чиқиб иш тутди, Алаш ўрда билан бирга Қозоғистон ҳокимиятини бошқариш асносида мезонни бузмасдан, ўрта йўлдан бориб, пайти келиши билан бу миллий ҳукуматни ағдариб, йўқотиш режасига биноан ҳаракат қила бошлади. Асосан советлар таъсирини оширишга, шу йўлда хизмат қиладиган ўзларига тарафкаш қозоқ коммунистларни раҳбариятда кўпайтиришга уринди. Масалан, насронийликни қабул қилган қозоқ Алибой Жонгелдин қозоқ вилоятининг фавқулодда комиссари мансабига, бошқа бир қозоқ коммунисти Муҳаммад Тунгачин эса, миллатлар масаласи бўйича халқ комиссари рутбасига кўтарилди. 1919 йил ўрталарида Ленин буйруғи билан қозоқ саҳроларини бошқариш учун махсус ўлка инқилобий комитети (крайревком) ташкил қилинди. Пестровский раҳбарлигида иш бошлаган бу комитетда Алибой Жонгелдин ва Миндашўғли каби қозоқларга ҳам мансаб берилди. Бу ташкилотнинг келажакда совет қозоқ ҳукуматининг асосига айланиши режалаштирилганди. Айни пайтда, ўша декабр ойидаги келишувга қарамай, Алаш ўрда қўшинларининг айрим қисмлари баъзи вилоятларда советларга қўшилишдан бош тортаётган эди.

Ўлка инқилобий комитети бу бошбошдоқликдан қутулиш учун керакли тадбир олди ва 1920 йил 11 январда катта йиғилиш ўтказиб, Алаш ўрданинг Қирғиз (Қозоқ)[41] инқилобий комитети билан бирлаштирилгани эълон қилинди. Алаш ўрда ҳукумати расман шу йўсинда тугатилди ва унинг чиқарган барча қарорлари, ҳақ-ҳуқуқлари бекор бўлди. Унинг

[39] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s. 376
[40] Ollcott, *The Kazakhs*, s.154
[41] Ўша 20-йилларда ҳали Қозоғистон, Ўзбекистон деган атамалар йўқ эди, бугунги Қозоғистон вилоятлар “қирғиз”, бугунги Қирғизистон ерлари эса “қора қирғиз” вилоятлари деб аталарди.

ихтиёридаги бутун ерлар, вилоятлар, ҳокимият ўлка инқилобий комитети қўлига ўтди. Ўлка инқилобий комитети дарҳол чақириқ фармони тарқатиб, қизилларга қўшилишни истамаган Алаш ўрда аскарларининг жуда қисқа вақтда қуролларини топширишга ва таслим бўлишга ундади. Бўлшевиклар янада устача сиёсат юритиб, қозоқларга автономия берилишига умид ва ишонч уйғотиш учун Алаш ўрда лидерларидан Аҳмад Бойтурсунни ўлка инқилобий комитетига аъзо, Алихон Букайхоновни Тўрғай вилояти комиссари, Муҳаммаджон Тинишбоевни Семиречи вилояти комиссари этиб тайинладилар.



Алаш ўрда автоном ҳукумати раиси Аҳмад Бойтурсун

1920 йил коммунистлар учун совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда алоҳида муваффақиятли сана бўлди. Илк ойларда қизиллар чексиз қозоқ чўлларидаги барча миллий кучларга зарба ёғдирди. Генерал Дутов шарқий Туркистонга қочди. Қозоғистон ичидаги масалаларни ҳал этгач, генерал Фрунзе энди қуйига, жанубга йўналиб, Туркистон босмачилари билан қақшатқич жанга киришди. Йил бўйи қозоқ шаҳарларининг ҳар бирида қурултойлар уюштирган бўлшевик раҳбарлари апрел ойига келиб, рус бўлшевик партиясининг қирғиз(қозоқ) бюроси ташкил қилинганини эълон этди. Қозоғистон коммунистларининг асос ўчоғи ўлароқ қурилган

бу бюро шу пайтгача ҳукумат ишларини юритган ўлка инқилоб комитети ўрнини эгаллади ва кайрревком тарихга кўмилди. Шундай қилиб, 1920 йил 4 октябрда Қирғиз (Қозоқ) автоном совет социалистик республикаси ташкил этилгани халққа эълон қилинди. Ана шу тарзда қозоқлар ўлкасида шўро давлати расман қурилган бўлди.

Бўлшевикларларнинг устакорларча чиқарган бундайин чалкашликлар мухитида ўзини йўқотмаган Алаш ўрда ҳукумати миллий бошқарувни пайсалламай амалга ошираверди. Қозоғистон манфаати учун анча ишлар қилди. Орадан беш йилча ўтиб, ўша ички уруш йиллари ҳақида Турар Рисқулов шундай деган: “Алаш ўрда бошида тараққийпарвар ва инқилобчи бўлиб майдонга тушганди”. [42] Шўро даврида босилган “Қозоқ совет энциклопедияси”да эса, бу фикрларга инкоран “Алаш партиясининг программаси пантуркизм ва панисломизм ғоялари билан суғорилганди. Улар Қозоғистонга буржуа мухторияти берилишини талаб этишди. Қозоғистоннинг ички ишларига аралашмасин дея марказий ҳукуматни рад этди. Вилоятларда ўз бўлимларини очди ва ўз газеталарини чиқарди” [43] тарзида танқидий ёндошилган. Аммо шу танқидий фикрда ҳам Алаш ўрда мухтор ҳукуматининг ўз ўлкаси учун бажарган муваффақиятли ишлари билиниб турибди.

БОШҚИРДИСТОН АВТОНОМИЯСИ

1917 йил октябрида юз берган давлат тўнтаришидан кейин бошқирдлар ўлкасида ҳам истиқлол умиди тўлқинланди ва мавжуд тарихий вазиятни муҳокама қилиш учун 29 ноябрда чақирилган анжуманда тараққийпарварларнинг Бошқирд шўроси мухторият эълонига қарор берди.[44] Йиғилишда мухторият эълони қарори билан бирга, жумладан, ҳуқуқчи Юнус Беков бошчилигида Миллий Бошқирд ҳукумати қурилди. Ички ишлар вазири ва ҳарбия вазири рутбаси тарихчи Аҳмад Закий Валидийга юклатилди. Ҳукумат дарҳол бошқирд ҳарбий вазирлиги ташкил этиб, миллий қўшин тузиш билан баробар солиқ тўплашга киришди. Бу орада Украина билан алоқа ўрнатиб, у давлатга ўз элчиларини жўнатди. Мухторият эълон қилинган вилоят бошқирдлар нуфусининг энг кўп, тиқилинч яшайдиган қисми бўлиб, ҳукумат маркази Ўринбургда жойлашди. Қозоқлар юртида эълон қилинган Алаш ўрда миллий мухтор давлати ҳам мана шу Ўринбург шаҳрида ўрнашганди. 1918 йилнинг январида совет ўрдуси Ўринбургни ишғол айлади ва бошқирд ҳукумати тарқатилди, Аҳмад Закий Валидий ва бошқа барча ҳукумат аъзолари қўлга олинди. Апрел ойида оқ рус казаклари ва

[42] Юқоридаги асар, 140 б.
[43] Қозоқ совет энциклопедияси, 242 б., Олмаота 1967.
[44] Эски тақвимга кўра 17 ноябр куни.

маҳаллий бошқирд аскарлари советларга ҳужум уюштириб, асирга тушган бошқирд ҳукумати раҳбарларини қутқаришди. Ана шу ойларда Челябинскда чех ёлланма аскарларининг совет ҳокимиятига қарши исёни ва муваффақияти туфайли шўролар бошқирдлар юртидан чекинди, натижада Бошқирд автоном давлати июн ойидан яна фаолиятини давом эттиришга эришди. Ўлкада зудлик билан оммавий сафарбарлик эълон қилинди, чех ёлланма аскарларидан олинган қурол-яроғ воситасида қисқа вақтда икки пиёда тумани ёвга қарши отланди. Тайёрланган миллий қўшин оқлар ва чех ёлланма ҳарбийлари билан биргаликда советларга қарши майдонга тушди. Зарбага дош беролмаган қизиллар июл ойида Уфани ва Ўринбургни ташлаб чиқиб кетди. Бу ғалабадан кейин Бошқирдистон миллий ҳукумати маркази Челябинскдан Ўринбургга кўчиб келди. Бошқирд халқининг ўз миллий ҳукуматини қуриши ва мустаҳкамлаши жараёнида Туркистон миллий ҳукумати аъзоларидан Убайдуллахўжа Асадуллахўжа, машҳур шоир Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, кейинчалик Бухоро халқ жумҳуриятининг бўлажак мудофаа вазири Абдулҳамид Орипов ва Тошкент зиёлиларидан Мирмуҳсин каби нечалаб тараққийпарварлар дарҳол ўлкага етиб келишди, ҳукумат ишларида фаол қатнашишди. [45]

Айни чоғда бу ўлкадаги сиёсий ва ҳарбий вазият Бошқирдистон миллий мухтор ҳокимияти ва Алаш ўрда мухтор ҳукумати манфаати нуқтаи назаридан анча маъқул эди. Самарада демократия тарафдори социал-демократ эсэрлар ҳукм сурар, ўз ҳокимиятни ўрнатган эди. Сибирда оқ руслардан адмирал Колчак, Ўринбургда эса атаман Дутов бошчилигидаги рус казаклари қизиллар билан уруш олиб борарди. Шу орада Бошқирдистон ҳукумати Бухоро амирлиги билан муносабатга киришди, айни турумда Ўрта Осиё-Москва ўртасидаги темир йўлни кесишни ва бу йўл билан мустамлакачиларга қарши курашда ҳамкорликни таклиф этди. Бухоро амири кўнмади, Москвада ким ҳоким бўлса, уни Русиянинг қонуний ҳукумати ўлароқ тан олишини, Русия билан тузган аҳдга содиқ қолишини, ҳеч қанақа исён ҳаракатларига қўшилмаслигини билдирди ва бу таклифни рад қилди. Бошқирдистон миллий ҳукумати аъзолари ғайрат кўрсатиб, иккинчи томонда Алаш ўрда мухторияти билан дарҳол муносабат ўрнатиб, ҳамкорликда қўшин тузишга келишиб олишди. Икки мухтор давлатнинг бирлашган қўшинига эски чор ўрдуси субайларидан Эшбулатов қўмондон этиб тайинланди. Ана шу тарзда мустамлакадаги турк халқларининг миллий кучлари бир мақсад йўлида жипслаша бошлади. 30 август – 7 сентябр орасида Ўринбургда Бошқирдистон, Қозоғистон ва Қўқон мухторияти ҳукуматларининг раҳбарлари биргаликда кенгашиб, маслаҳатлашиб, Жанубий-Шарқ Мусулмон Ўлкалари Федерацион давлатининг қурилишига қарор беришди.[46] Сибир ва Самарадаги ҳукуматлар ва рус

[45] Togan. Hatıralar, s.220.
[46] Қаранг: харита 3.

казаклари ҳам бу федерацияга қўшилиши кутилаётганди, агар бу амалга ошса, унда шарқий Русия федератив давлати майдонга чиқиши мумкин эди. [47]

Бу орада Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, бухоролик Абдулҳамид Орипов, Низомхўжа, бошқирдлардан Илёс Олқин, Аҳмад Закий Валидий, қозоқлардан эса Алихон Букайхонов каби таниқли сиёсатчилар иштирокида алоҳида турк социалист партияси қурилиши ишлари бошланганди. Миллий социализм ғояси асосида иш юритиши режалаштирилган бу партия бутун шарқ туркларининг умумий партияси мақомига эришуви керак, барча ҳаракат шунга қаратилиши лозим эди. Партиянинг қурувчилари илк амалий ишни Бошқирдистонда йўлга қўйишди ва ғояларига мувофиқ ер-сув қонунини чиқаришди. Бу ҳукумат Самарадаги социалист эсэрлар ҳокимияти билан аҳил ҳамкорлик қилмоқда ва қизилларга қарши курашда ҳам катта натижага эришмоқда эди.

Русияда чўзилиб ётган ички уруш фақат эски чорлик мустамлакаси ҳудудларидаги миллатлар тақдирига таъсир этибгина қолмай, балки халқаро миқёсдаги ҳарбий ҳаракатларга боғланиб кетганди. Коммунистлар тузумига қарши жанг қилаётган оқ рус генераллари эски Русиянинг иттифоқчилари бўлган Англия ва Франция тарафидан, шунингдек, Сибирнинг бир қисмига кириб келган Япония томонидан қўллаб-қувватланмоқда эди. Оқларнинг адмирали Колчак қўмондонлигидаги учта ўрду Ўрол жабҳасида уруш олиб борарди. Тахминан ўттиз минг кишилик Сибир қўшини эса асосан чех ёлланма ҳарбийларидан тузилганди ва Екатеринабург шаҳрида қўр тўккан бу ўрдуга чех генерали Гайда қўмондон эди. Эллик минг кишилик ғарбий қўшинга рус генерали Ханжин, рус казакларидан иборат жанубий оқлар ўрдусига эса атаман Дутов бошчилик қилмоқда эди. Айни пайтда социалист гуруҳлар Самарани эгаллаб, ўз ҳокимиятларини таклашди. Уни директуарлар гуруҳи бошқаришга киришганди.

1918 йил ўрталаригача муваффақиятли жанг олиб борган оқлар бу пайтга келиб қизилларга нисбатан анча усутунликка эришдилар. Шу боис оқларнинг бўлшевиклар ҳокимиятини ағдариб, тағин Русияга янгидан ҳоким бўлишлари борасида гап-сўзлар тарқала бошлади. Айни йилнинг кузида Франция, Англия, Америка ва Япония давлатларининг ҳарбий ҳайъатлари Ўмск шаҳрига келишди. Бу ерда ўтган йиғилишда ғарб давлатларининг вакиллари ўзаро келишиб, социалист кучлар қурган ҳокимиятга эмас, балки оқ рус генераллари қатнашган ҳукуматларни қўллаб-қувватлашларини, бошқа демократик гуруҳларнинг тарқатилиши

[47] Тўғон, юқоридаги асар, 229 б. Бу анжуманга Алаш ўрдадан Алихон Букайхонов, Аҳмад Бойтурсунов, Мирёқуб Давлат, Қўқон мухторият ҳукуматидан Мустафо Чўқай, Муҳаммаджон Тинишбоев, Убайдуллахўжа, Бошқирдистон мухтор ҳукуматидан Аҳмад Закий Валидий ва бошқа ҳукумат аъзолари иштирок этганди.

кераклигини билдирдилар. Чет эл вакилларининг бундайин муносабатидан қаттиқ таъсирланган адмирал Колчак анчайин ҳавойи фармонлар чиқарди, жумладан, 18 ноябрда ўзини “Бутун Русиянинг олий ҳукмдори” [48] дея эълон қилди. Бу ҳам етмагандай, бир муддат ўтиб, советлар билан фақат мен урушаман дегандай, қизилларга қарши курашаётган ўзининг аскарларидан бошқа барча антибўлшевик қўшинларни тарқатишга киришиб кетди. Биринчи бўлиб эсэрлар ва уларнинг ҳокимиятига зарба берди, ағдарди, ҳукуматнинг социалист аъзоларини қаматтирди. Бу воқеадан уч кун ўтгач, Алаш ўрда ва Бошқирдистон ҳукуматларининг бекор қилинганини, бошқирд-қозоқ аскарларининг ҳам таслим бўлганини эълон этди. Ўзининг қўмондонлиги остида ҳамкорликда уруш олиб бораётган учинчи бошқирд полкини қуролсизлантириб, тарқатиб юборди. Бу ҳолатлар бошқирд ва қозоқ ҳукуматларини қаттиқ ғазаблантирди ва оғир аҳволга солиб қўйди. Шу кунларда Бошқирдистон ҳукумати Ўринбургда ваҳма сочиб турган оқ русларнинг Дутов қўмондонлигидаги қўшинларини тор-мор этишга чоғланиб ҳужум уюштирди, бироқ кутилган натижага эришолмади. Зотан қурол-яроғ масаласи чатоқ, ўқ-дори етишмасди. Ёвларининг бундайин бошбошдоқлик ичида танг ҳолатга тушиб қолганидан фойдаланган қизиллар Самара ва Уфа шаҳарларини қайтадан қўлга киритдилар. Душман қаршисида тағин заифлигини сезган Бошқирдистон ҳукумати марказини Ўринбургдан шарқий бошқирд вилоятидаги Тимас қасабасига кўчирди.

1919 йилнинг бошларида бутун Русиядаги ижтимоий ва сиёсий ҳолатни остин-устун қилиб юборган бир ҳодиса юз берди. Чор Русияси билан биринчи жаҳон урушида иттифоқчилик қилган давлатлар 23 январда бўлшевик ҳукуматини расман тан олганини эълон қилдилар. Иттифоқчи давлатлар билан совет ҳукумати ўртасидаги музокаралар 15 февралга белгиланди. Бу ўзгаришлар совет ҳукумати раҳбарларига катта куч ва руҳ берди, зотан улар учун энди чексиз имконлар эшиги ланг очиқ эди. Москвага қарши истиқлол кураши олиб борган миллатлар учун эса бу ҳодиса тубсиз бир жар бўлди, кураш йўллари беркилди. Мухторият мужодаласида қатнашган Алаш ўрда ва Бошқирдистон ҳукуматлари учун эндиликда Москва билан ҳамкорлик қилишдан бошқа чора қолмаганди.

Бошқирдистон ҳукумати советлар билан ҳамкорлик шартлари сифатида ички ишларда, иқтисодда том мухторият берилишини, миллий бошқирд ҳарбий кучларининг совет қўмондонлигига боғлиқ, аммо ичкарида эркин бўлишини, коммуниистик мафкурага бўйсуниш каби талабларни қўйди. Бошқирдистон ҳарбий вазири ва миллий қўшинлар қўмондони Закий Валидий эса бошқирд ўрдусуни Туркистонга юборилиши масаласини қўйганди. Совет ҳукумати бу талабларга рози эканлигини билдиргач, 18 феврал куни бошқирд олой(полк)лари

[48] Верховный правитель.

шўроларнинг биринчи қўшини сафига қўшилди. Шундан кейин қозоқлар йўлбошчиси Аҳмад Бойтурсун ва бошқирд йўлбошчи Аҳмад Закий Валидий раҳбарлигидаги икки ҳайъат Москвага боришди ва шўро улуғлари билан музокара бошлашди. 23 март куни Бошқирдистон иқтисоди ва бошқирд миллий қўшинига боғлиқ 20 моддалик аҳднома қабул қилинди, Ленин ва Сталин томонидан имзоланди, рус газеталарида эълон этилди.

Айни чоғда, 21 февралда, бошқирд миллий ҳукумати жойлашган Тимас қасабасида Бошқирдистон умумий қурултойи ўтказилди, кўплаб миллиётчи лидерлар аъзолигидаги инқилоб комитети[49] тузилди. Ана энди, худди шу тарзда бўлшевиклар билан бирга давом этажак ҳаётнинг шарт ва талабларини бажаришга киришилганди. Ҳукумат бошлиғи Қулаев истеъфо бергач, унинг ўрнига Харис Йумақулов тайинланди. Закий Валидий ҳамон ҳарбия вазири ўлароқ вазифасини бажармоқда эди. Валидий қанча уриниб-истамасин, бошқирд миллий қўшини Туркистон жабҳасига эмас, генерал Деникин бошчилигидаги оқ русларга қарши жанг олиб бораётган Украина фронтига жўнатилди.

Шунга қарамасдан, Валидий ва сафдошлари бўлшевик раҳбарлар диққатини икки муҳим масалага қаратишга уринишди. Биринчи катта масала – қозоқ ва бошқирд вилоятларини ягона сиёсий идорага бирлаштириш ва мухтор ўлка дея эълон қилиш режаси. Буни ниҳоятда совуқ қарши олган совет раҳбарлари Ўринбургда алоҳида рус ҳокимияти ташкил қилиш билан Қозоғистон ва Бошқирдистон орасини мутлақо ажратиб ташлашга қарор берди. Ана шу йўсинда Валидий ва ғоядошларининг Ўринбург марказли ягона Қозоқ-Бошқирд автоном ўлкаси борасидаги ҳаракатлари ҳам чиппакка чиқди. Иккинчи масала – шарқдаги мусулмон турк ўлкаларидаги социалист партияларнинг ҳамкорлигини уюштириб, улар бошчилигида ягона бир сиёсий ҳокимиятни қуриш эди. Бу лойиҳага кўра, Туркистон ўлкасидаги Тўда партияси, Қозоғистондаги Учжуз партияси билан Валидий ва сафдошлари қурган Эрк партиялари ягона мақсадга йўналган ҳолда бирлашиб, Эрк социалист партияси номи билан ишлаши, аммо рус коммунистлар партиясидан мустақил равишда Коминтернга[50] аъзо бўлиши керак эди. Мусулмон турк сиёсий ходимларни рус коммунист партиясига рақобатчилик қила оладиган бундайин ташкилот қуришларига ва фаолият юритишларига, албатта, совет ҳукумати йўл қўймасди ва бундайин режаю таклифни асло қабул қилолмасди. Шу боис кескин рад этилди. Бу зарбали ҳолатдан сўнгра Валидий ва сафдошлари

[49] Ревком.

[50] Коммунистический интернационал – жаҳон коммунист партияларининг умумий ўртоқ ташкилоти.

коммунистик партияга мажбуран аъзо бўлдилар ва ишларини давом эттирдилар.[51]

Бошқирдистон ҳукумати билан муносабатини бузмай келаётган Москвадаги совет раҳбариятининг мақсади вақтдан ютиш, Русияда тинчлик ўрнатилиши биланоқ масалани ўз фойдасига ҳал қилиш эди. Бу орада советлар Бошқирдистондаги коммунистлар воситасида миллий ҳукуматга мувофиқ ишлайдиган ўз сиёсий ҳокимиятларини жонлантиришга уринишарди. Бошқирд ҳукумати раҳбарлари ҳам бўлшевиклар билан тузилган аҳдноманинг вақтинча эканлигини, тактик сабабларга кўра мажбуран имзоланганини яхши билишарди. Закий Валидий Тўғон хотираларида Лениннинг ўша музокарадан икки кун кейин ўтказилган бўлшевиклар конгрессида Бухарингa жавобан: "Тактик мулоҳазалар юзасидан буржуа миллиятчилари билан аҳдномалар тузиш керак бўлади. Финландияда ишчиларни қатл эттирган буржуа миллатчиси Свинхавуд билан учрашганда, башарасига кулиб туриб, келишувга борилмадими? Кечагина ҳам Бошқирдистон ҳукумати ҳайъати билан ҳам ўтказилган музокараларда айнан шундай қилинмадими?" деган сўзларини эсларкан, мазкур ҳодисаларни қуйидагича изоҳламоқда:

> "Ўша кунлардаёқ Ленин ва сафдошларининг биз билан хўжакўрсинга ҳамкорлик қилаётганини, ўртада тузилаётган сулҳ аҳдномаси ҳам вақтинчалик бир чора эканини сезиб қолдик. Советлар ўз ҳокимиятини ўрнашиб олгач, Туркистондаги ўзбек мулла ва имомларини, Финландиядаги буржуа капиталистларни қандайин ёт унсур атаб четлаштирган бўлсалар, бизнинг бошимизга ҳам шундайин қора кун келишини англагандик. Буларнинг нияти бизнинг ичимиздан коммунистларни етиштириб, уларни ҳокимиятга қўймоқ эди. Лениннинг нутқидан ана шу шум ниятни илғасак-да, бу хусусда ҳеч нарса демадик."[52]

Чиндан ҳам, советлар бошқа халқларга дўст-ҳамкор кўриниб, фасодли тактикани қўлламоқда эди. Шўролар бутун мамлакат бўйлаб назоратни ўз қўлларига олгандан кейин, коммунист ходимлар бошқарадиган совет автономияларини қуриб, шакллантириб, ана ундан кейин ўз рақибларини, яъни бўлшевизмдан миллий ишларида фойдаланмоққа тиришган, миллий ҳукуматларини қуришга чоғланган барча маҳаллий кишиларни қириб ташлашни режалаштирганди. 1920 йилнинг апрелида Сталин бошқирд миллий қўшинларига оид масалани гаплашиш учун Закий Валидийни Москвага чақиради. Ҳукумат даражасидаги учрашувда Ленин Валидийга "вилоятларга боғлиқ майда-чуйда муаммоларни қўйиб, умум Русиянинг улкан масалалари билан шуғулланинг" дея тавсия қилади. Мақсади Валидийни Бошқирдистондан узоқлаштириш эди. Шу фикрнинг амалга ошириш бўлса керакки, тез орада Валидий генерал Деникинга қарши жанглар бораётган Украина

[51] Togan, *Hatıralar*, s.286
[52] Togan, ўша асар, 254 б.

жабҳасига йўлланди ва унга алоҳида татар-бошқирд ҳарбий қисмларини тартибга солиш вазифаси юклатилди. Ана шу ойларда қўзғолган Султон Ғалиев билан боғлиқ жараъёнларни изчил кузатаётган Валидий, ниҳоят, коммунистлар тез орада бутун мусулмон турк лидерларга қарши ҳужум бошлашини тушуниб етди. 29 июн тонгидаёқ Москвадан қочди ва ғойиб бўлди.

Айни ўша куни Туркистонда Турар Рисқулов ва сафдошларини коммунист партиясидан ўчиришди ва юксак мансаблардан ҳайдашди, демак, бу ҳам Валидийнинг вазиятни нақадар тўғри илғаганини ва тўғри тадбир олганини билдирмоқда. Валидий бир муддат ўтиб, Бокуга боради ва у ердан Туркистонга келиб, бу ердаги миллий курашга қатнаша бошлайди. [53]

ЭДИЛ-ЎРОЛ МУХТОРИЯТИ

Русия империясининг пойтахти Петербургда яна бир давлат тўнтариши қилингани ва ҳукумат бўлшевикларга ўтгани хабари Эдил-Ўрол ўлкасига етиб борганида, афсуски, бу гаплар халқ ичида Керенскийнинг февралдаги ихтилоли каби севинч ва тўлқин уйғотмади. Муҳитни оммавий гарангсиш, шубҳа ва қўрқув босганди. Татар зиёлилари дарҳол ўзларини қўлга олиб, халқни идора қилиш мақсадида Миллий мажлис-парламент ташкил этишга қарор беришди. Анжуман ички Русия ва Сибирия мусулмонлари қурултойи деб аталадиган, ҳамма Уфа шаҳрида тўпланадиган бўлди. Йиғин 30 ноябр куни, 120 аъзонинг иштирокида ўз ишини бошлади. Делегатларнинг кўпчилиги аниқ бир партиянинг аъзоси эмасди, бу сабабли барчани фикрда бирлаштирадиган асосли бир сиёсий программанинг бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Анжуман бошланаркан, бир муддат ўтиб, айни йилнинг март ойидаги Бутун Русия мусулмонлари қурултойида кўтарилган энг катта баҳсли масала – тупроқли (ҳудудли) мухториятми ёки тупроқсиз (ҳудудсиз) мухторият талаб қилиш муаммоси яна кун тартибидан ўрин олди. Қурултой аъзоларининг ярмиси Русия федератив давлати ичида тупроқлари ва чегаралари аниқ бир Эдил-Ўрол автономияси қурилишини қўллаб-қувватлаб чиқди ва улар “тупроқчилар” деб аталди. Худудлари белгиланган мухтор давлатлар тузиш Русия мамлакати ичида яшайдиган бошқа турк эллари ва элатларининг бўлиниб, ажралиб қолишига олиб боради, шу учун бундай автонимиянинг кераги йўқ, деган қарашдаги иккинчи гуруҳ эса, маркази бир бўлган руслар ҳокимияти ичида мусулмон турклар учун маданий ва диний мухторият талаб қилиб чиқди. Бу иккинчи гуруҳ “туркчилар” деб ном олди. Қозон университети

[53] Тўғон, ўша асар, 402 б.

талабаларидан Олимжон Шараф бўлажак Эдил-Ўрол давлати харитасини тузиб, татар ва бошқирд аҳолисининг кўпчиликни ташкил этган маконларни алоҳида кўрсатилган ҳолда тайёрлаб, қурултой аҳлига ҳавола қилди. [54] Миллий мажлис-парламент йиғинлари бир ойча давом этди. Бўлшевиклар бу жараённи жиддий, диққат билан кузатмоқда, татар миллиятчилари билан муносабат ўрнатишга уринмоқда эди. Анжуманнинг сўнгги кунларидан бирида Сталин томонидан маъқулланган "Мусулмонлар масалалари билан шуғулланадиган марказий комиссарлик қуриш"[55] таклифи илгари сурилса ҳам, бироқ буни делегатлар рад этишди. Ниҳоят, қурултой аҳли Эдил-Ўрол автономияси тузиш қарорини қабул қилди. Маориф вазирлиги, молия вазирлиги, диния вазирлиги каби уч вазирликни қамраган миллий ҳокимият қурилишига қарор берилди. Бу миллий ҳокимиятга Садри Мақсудий бошлиқ этиб тайинланди.

Аммо, у бир тарафда, татарларнинг бир қисми бошқача иш тутмоқда эди. Сталиннинг қурултойда рад қилинган коммунистлар партиясига боғлиқ мусулмонлар комиссарлиги яратиш таклифи Қозон социалист партияси раҳбари Мулланур Воҳидов томонидан қабул этилганди. Шу тарзда Воҳидов, яна бир татар зиёлиси Ғалимжон Иброҳимов ва бошқирд Шариф Манатовлар биргаликда мускомни, яъни мусулмонлар комиссарлигини бошқариш учун марказда йиғилишди. Халқ комиссарлар советининг 1918 йил 17 январдаги қарорига биноан ташкил топган муском бевосита Сталин назорати остида, Миллатлар халқ комиссарлигига[56] боғлиқ ҳолда ишларди. Бу ҳодисалар татарларнинг миллий ҳаракатидаги жиддий бўлинишга сабаб бўлди.

Шу орада миллий мажлис бутун Русия мусулмонлари қурултойи пайтида ўртага чиққан ҳарбий кенгаш билан бирга маслаҳатлашиб, ҳарбий қўшин тузиш масаласида дарҳол анжуман чақиришга қарор берди. Бу қарорга кўра кўпчилиги татар ва бошқирдлардан иборат 150 делегат 21 январда Қозон шаҳрида тўпланишди. Яна Эдил-Ўрол мухтор давлати қуриш ҳақидаги қарорларини бош масала ўлароқ ўртага қўйишди. Йиғинда қатнашаётган бўлшевик делегатлар анжуманни тарк этиб, бу қарорга қаршиликларини билдирдилар. Ана шунинг баробарида, Қозон совети бу ишларга аралашиб, Эдил-Ўрол мухториятига тўсиқ қўйиш мақсадида, 26 февралда олий инқилобий-ҳарбий қўмондонликни тузди. Шеикман бошчилигидаги бу қўмондонликка татарлардан Ёқубов ва Султон Ғалиев аъзо эди. Икки кун ўтиб, Қозон совети ўлкада фавқулодда вазият эълон қилди ва ҳарбий кенгашнинг барча аъзоларини ҳибсга олди. Сўнгра, шартга биноан, улар ўз тиллари билан советларга боғлиқ эканларини ва Эдил-Ўрол автономиясини рад қилганларидан кейин, озод

[54] Taymas, *Rus İhtilalinden Hatıralar*, s.92
[55] Муском.
[56] Наркомнац.

бўлдилар. Саид Гирай ва ака-ука Илёс Олқинлар, Тўқимбетов ва Музаффаровдан иборат ҳарбий кенгаш аъзолари бир амаллаб бўлшевиклар қўлидан қутулишди. Кейин Қозон шаҳридаги Булоқ дарёсининг нариги ёнига ўтиб, яна ўз фикрларида қолдилар, ўша ерда Эдил-Ўрол мухторияти байроғини кўтаришди.[57] Бироқ бўлшевиклар бу ҳодисани чиппакка чиқариш учун дарҳол сиёсий бир ўйинни амалга оширишди. 23 март куни "Правда" газетасида Сталин билан бирга Мулланур Воҳидов ва бошқа муском аъзолари имзоси қўйилган жанубий Ўрол ва ўрта Эдил ҳавзаларини қамраган жуғрофий минтақада, Русия федератив давлатига боғлиқ бир Татаристон-Бошқирдистон совет жумҳурияти қурилгани эълон қилинди. Ана шу ҳодисадан беш кун сўнгра қизиллар Қозонни эгаллаб, шаҳардаги Булоқ дарёсининг нариги қирғоғида жойлашган Миллий мажлисни, ҳукумат марказини қўлга олди. Сўнгра советлар Эдил-Ўрол Миллий мажлиси ва ҳарбий кенгашининг бекор қилингани тўғрисидаги билдиришни нашр эттирди.[58] Миллий мажлиснинг қизиллардан қутула олган аъзолари Бошқирдистон томонларга ва Сибирдаги адмирал Колчак қўшинларига қарашли Ўмск шаҳрига кўчди. Эдил-Ўрол ҳукумати бундан кейинги фаолиятини ана шу шаҳарда юритмоққа киришди.

Бу орада оқлар кучайиб, бўлшевикларнинг иши орқага кета бошлади, ниҳоятда танг аҳволда қолган қизиллар энди ҳар қандай имкондан фойдаланиш йўлига ўтди. Совет ҳукумати мусулмон турк ишчи-деҳқонларидан, қишлоқ аҳлидан аскар тўплаш ниятида, Муском бошлиғи Мулланур Воҳидов бошчилигида Мусулмонларнинг марказий ҳарбий идорасини ташкил этишга қарор берди. Бу идора, бир томондан, ҳарбий ташкилотлар ва қисмларни ташкил этиши ва иккинчи томондан, йиғилган аскарлар орасида ҳарбий ва ғоявий йўналишда ўқиш-ўқитиш ишларини олиб бориши керак эди. Бироқ бу режа амалга ошмади, чунки оқлар Қозонни ишғол қиларкан, Мулланур Воҳидов урушда ўқ еб, фидо бўлди. Қизиллар яна жанг қилиб, Қозонни қайта эгаллагач, сентябр ойи ҳам ўтиб, ҳалиги режани амалга ошириш вазифаси Мирсаид Султон Ғалиевга топширилди. Шу билан бирга. Ғалиев Муском бошлиғи этиб тайинланди.

Султон Ғалиев ва ўртоқлари Татаристон-Бошқирдистон жумҳурияти лойиҳасини амалга ошириш пайида эди. 1919 йилнинг кузида ўтказилган Шарқ халқларининг бутун Русия коммунист ташкилотлари қурултойида улар бу масалани яна ўртага қўйдилар. Қурултой аҳли, барча делегатлар бу таклифни қабул қилди. Аммо Москванинг шундоққина биқинида, Русиянинг марказида улкан бир турк давлатини яратиш тушунчасини, ҳаракатини бўлшевиклар асло қабул

[57] Советлар бу ҳодисаларни менсимасдан, Эдил-Ўрол давлати ўрнига "Трансбулоқ республикаси" иборасини қўллаган.
[58] Rorlich, *The Volga Tatars*, s. 133

қилолмасди. Шунинг учун ҳам 13 декабрда, Ленин бошчилигида тўпланган рус коммунист партияси сиёсий бюроси қурултой қабул қилган бу таклифни кескин рад этди ва бу режага оид барча ишларнинг тўхтатилишига қарор берди. Бироқ, бу ҳодисаларга қарамай, ҳали давом этаётган Шарқ халқлари коммунист ташкилотлари қурултойининг марказий бюроси ғайрат кўрсатиб, бу муаммони яна мажлиснинг бош масаласи сифатида ўртага қўйди. Бу ишни қўллаган каби, айни ўша кунлари Султон Ғалиевнинг сафдоши, яқин дўстларидан бири, Қозон вилояти коммунист партияси раҳбари Бурундуқов сиёсий бюронинг қарорини тан олмаслигини билдирди. Афсуски, бўлшевикларнинг тутумига жавобан қилинган бу ҳаракатлардан бир натижа чиқмади. 1919 йилнинг 23 мартида автоном Бошқирд совет социалистик республикасининг қурилгани расман эълон этилди. Ана шу тарзда Эдил дарёси атрофида тарих бўйича ёнма-ён яшаган татар ва бошқирдларни бирлаштирадиган битта турк жумҳурияти – Эдил-Ўрол ҳукуматини қуриш орзу-хаёллари чилпарчин бўлди. Ўринбургда рус совет ҳокимиятини тиклаб, Қозоғистон ва Бошқирдистон орасини айириб қўйган шўро ҳукумати шунга ўхшаш фитнани энди Эдил дарёси теварагида амалга оширганди.



Султон Ғалиев

Руслар сохта чегаралар воситасида турк қавмларини яна бир бор бири-биридан ажратиб ташлаганди. Империалист кучларнинг бутун ўтмиш давомида қўллаб келган “бўл ва ҳукм сур” тадбири ҳеч ўзгармаганди. Ўша воқеалардан кейин бир йилча ўтиб, 1920 йилнинг 27 майида, коммунистларнинг сиёсий бюроси Эдил-Ўрол жумҳурияти лойиҳасида кўрсатилган тарихий ўлканинг учдан бир қисмида, Татаристон автоном совет социалистик республикаси қурилишини қабул қилди. Янги ташкил этилган бу давлат ичидаги аҳолининг фақат ярмисигина татарлар эди. Татарларнинг кўпроқ қисми эса бу мухтор республиканинг ташқарисидаги вилоятларда қолиб кетганди.

Ғалиевнинг Татаристондаги тадбирлари жуда муваффаққият қозонганди. У маҳаллий кадрларнинг ўқитилиши ва сиёсий даражасининг оширилиши жараёнида уларга ҳарбий таълим берилишининг аҳамияти улканлигини жуда яхши биларди ва шу боис бу ишга асосий диққатни қаратганди.[59] Мусулмон аскарлардан тузиладиган миллий қизил қўшинлар Ғалиевнинг “шарқ коммунизми” стратегиясининг муҳим бир қисми саналарди. Султон Ғалиев Мусулмонларнинг ҳарбий идораси бошлиғи этиб тайинланган 1918 йилнинг ёзида қизил армия ичидаги татар-бошқирд аскарлари сони эллик минг атрофида эди. Бир йил сўнгра, 1919 йил бошларида, шарқ жабҳасини ташкил қилган 6-қизил армиядаги мусулмон аскарлар сони 250 минга етган ва уларнинг барчаси мусулмон субайлар бошқаруви остида эди. [60]

Султон Ғалиев муском ва мусулмонларнинг ҳарбий идораси бошлиғи вазифаларини бажариши билан бир қаторда “Жизнь националностей” (“Миллатлар ҳаёти”) газетасининг Бош муҳаррири ҳам эди. Шунингдек, Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетида[61] ҳам дарс берарди. 1920 йилда очилган бу дорилфунун Осиё ва Африка ўлкаларидан келган коммунист ходимлар ўқитиладиган илм маскани эди. Ҳиндистондан Мўбендра Натх Рўй, Эрондан Султонзода, Индонезиядан Тан Малака каби коммунист ўқитувчилар ҳам бу ерда таълим беришарди. Бундайин муҳитда ишлаш Султон Ғалиевда янгидан-янги тушунча ва ғоялар уйғотди, жумладан, у кейинчалик ижтимоий ҳаётга олиб кирган Учинчи дунё социализми йўналишининг туғилишига ҳам шу муҳит сабаб бўлди. “Мустамлакалар интернационали” ва “шарқ коммунизми” каби ғоя ва тушунчаларини замоннинг муҳим масаласи ўлароқ майдонга қўя билган Мирсултон Ғалиев, ҳақиқатан ҳам, ўз даврининг миллий мутафаккир сиёсатчиси

[59] Худди шунга ўхшаш иш кейинчалик Мао Тсе Тунг тарафидан Чинда қўллаб кўрилди ва катта муваффақиятга эришилди.
[60] Benningsen, Wimbush, *Muslim National Communism in The Soviet Union*, s. 64
[61] КУТВ – Коммунистический университет трудяшихся востока.

сифатида омма ва айниқса, шарқ мусулмон турклари орасида борган сайин ҳурмати ортиб, атоқли шахсга айланиб бормоқда эди.

Шарқдан чиққан бир мусулмон туркнинг бўлшевиклар ҳукуматида социалистик назария ва амалиётда бунчалар донг қозониб, таъсирли шахсга айланиши барча инқилоб йўлбошчилари ва фаоллари, хусусан, шахсан Сталин томонидан ҳам ижирғаниб кузатиб келинмоқда эди. Тўғриси, Ғалиевнинг илгари сурган тушунчалари ва ғоялари марксизмни янгидан шарҳлаш эҳтиёжини туғдирмоқдайди, айниқса, "инқилобнинг энг муҳим унсури рус ишчи синфи" эканига шубҳа уйғотиб қўйганди. Шу учун 1920 йил августида уни "марказга кераксиз" дея Москвага чақиришди. Мусулмон аскарларнинг ўқитилиши учун Қозонда очилган малака ошириш курслари, мусулмон ҳарбий идораси билан биргаликда Султон Ғалиев Москвага кўчиб борди. Унга ўринбосар бўлиб ишлаётган Шомил Усмонов эса, "аскарлар орасида миллатчиликни ташвиқ қилган"ликда айбланиб, Туркистонга сургун қилинди.

Қизиллар мамлакатдаги ички урушда устунликка эришгач, коммунистлар Русиядаги ҳокимиятларининг мустаҳкам ўрнашганига ишонч ҳосил қилдилар, ана энди ҳақиқий башараларини кўрсатиб, иложсизликдан яшириб келган ниятларини амалга оширмоққа киришдилар. Ҳозиргача бирга ишлаган ҳамкорларига нисбатан олдин кўрсатилган бағрикенглик ўрнини шафқатсизлик эгаллади. Ўз қарашлари ва фикрларидан бошқачароқ тушунчадагиларни "инқилоб душмани" дея тамғалай бошлашди. Миллиятчи коммунист кадрларни йўқ қилиш жараёни 1923 йилда Султон Ғалиевнинг қамалиши билан бошланди. Партиянинг апрел ойида ўтказилган конгрессида Султон Ғалиев миллатчи унсур дея дўмбира қилинди ва барча вазифаларидан бўшатилди. Бир ойча ҳибс этилди, кейин чиқариб юборилди.

Бу орада советлар иттифоқи федерал давлат сифатида расман шакллантирилди ва бу федерал ҳокимият мамлакатдаги миллатлар муаммоси ҳал қилинди деб ҳисоблагани учун Миллатлар комиссарлигини тугатди.[62]

Кейинги йил рус коммунистик партиясининг 4-конгрессида нутқ сўзлаган Сталин Султон Ғалиев ва ғалиевчилик ҳақида узоқ тўхталди. Анжуман охирида Ғалиевга янгидан лаънатлар ёғдирилди ва коммунистик партия аъзолигидан чиқарилди. Бунинг таъсирида, у кейинчалик яна қамалди ва партиядан ҳайдалган бошқа миллиятчи коммунист сафдошлари қаторида Сталин террорининг қурбонига айланди.[63]

[62] Carrere D`encausse, *Lenin*, s. 337.

[63] Бу мавзуда кенгроқ маълумот учун қаранг: A. Benningsen, C.L. Ouelquejay. *Sultan Galiyev: Üçüncü Dünyacı Devrimin Babası*; A. Benningsen, C.L. Ouelquejay. *Sultan Galiyev ve Sovyet Müslümanları*; A. Benningsen, S.E. Wimbush, *Muslim National Communism in the Soviet Union*.

Татар зиёлиларининг бўлшевикларга қўшилмаганлари ўша даврда ё ўлдирилди, ёки юртдан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Қозонни бўлшевиклар ишғол қилганидан кейин оқ руслар адмирали Колчак қўл остидаги вилоятга сиғинган Миллий мажлис ҳам, оқлар тамоман мағлубиятга учрагунга қадар фаолиятини бу ерда давом эттирди ва сўнгра тарқатилди. Татарларнинг бу парламенти 1919 йилнинг баҳорида бир йиғин ўтказиб, Парижда бўлаётган халқаро тинчлик конгрессига Эдил-Ўрол ва Сибир туркларининг масалаларини тушунтириш учун бир ҳайъат юборишга қарор қилганди. Ўшанда Миллий идора бошлиғи Садри Мақсудий, муҳаррир Аёз Исҳоқий ва Мажлис кенгаши аъзоси Фуод Тўхтаровдан иборат ҳайъат аъзолари узун ва можароли сафар сўнгида Парижга етиб боришган. Аммо шўролар ўлкасидаги алғов-далғовлар туфайли бу ҳайъат аъзолари ватанга қайта олмадилар. Аёз Исҳоқий Оврупода қолиб, бўлшевиклар зулми ва исканжасидан қочиб-қутулган татар миллатпарварлари билан биргаликда хориждаги Эдил-Ўрол миллий мужодаласини юритишда узоқ йиллар лидер сифатида катта хизмат қилди.

ТУРКИСТОН ХОНЛИКЛАРИНИНГ ТУГАТИЛИШИ ВА ХАЛҚ ЖУМҲУРИЯТЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИ

XIV асрда қурилган буюк Темур империяси 150 йил ҳукм сургандан кейин, бўлинишлар натижасида, эски салтанатнинг катта бир қисмида Шайбоний ўзбеклар сулоласи ҳокимлик қилди. Сафавийлар билан бўлган урушларда шайбонийлар енгилда ва уларнинг сатанати ҳам давр оша парчаланиб, бир неча хонликлар майдонга чиқди. XVII аср охирларида ўзбекларнинг манғит уруғи бошчилигида Бухорода, XIX аср ўрталарида эса қўнғирот уруғлари раҳбарлигида Хоразм ўлкасида хонлик ташкил этилди. XIX аср ўрталарида Бухоро хонлигида исён чиқарган ўзбекларнинг минг уруғи муваффақиятга эришиб, Фарғона водийсида Қўқон хонлигини яратишди. [64] XIX асрда ўлкада янги бир ишғолчи куч – чорлик Русияси пайдо бўлди. Руслар 1868 йилда Самарқандни босиб олди, бир қисм еридан ажралган Бухоро ҳукумати мажбуран Русия ҳимоясига кирганини тан олди. Рус босқинчилари сўнгра Хива хонлигига тинимсиз ҳужум уюштирда ва оқибатда 1873 йилда Хива хонлиги ҳам Русия ҳимоясига сиғинди. Қўқон хонлиги эса русларнинг қақшатқич босқинлари натижасида 1876 йилда батамом енгилди. Ағдарилган Қўқон хонлиги тупроқларида чор Русиясига қарашли вилоят мақомидаги Туркистон бош волийлиги ташкил қилинди. Йигирманчи аср бошланаркан, Туркистон жуғрофиясида ички ишларида қисман мустақил,

[64] Бу ҳақда кенгроқ маълумот учун қаранг: Jean Paul Roux, *Orta Asya: Tarih ve Uygarlık*. Kabalcı yay. İstanbul 2001

аммо ташқи ишларида тамоман Русияга боғлиқ икки давлат қолганди. Бухоро амирлик аталарди ва 200.000 кв.км. ери, 2 милйўнча аҳолиси бор эди. Хива хонлиги ундан анчагина кичик, 55.000 кв.км тупроқ соҳиби эди. Иккала давлат ҳам Туркистон бош волийлиги томонидан назорат қилинарди.[65]

ХИВА ХОНЛИГИ

Хива хонлиги 1912 йилдан бошлаб ички емирилишга, парчаланишга юз тутди. Ҳукуматнинг ер солиғини ошириб юбориши сабабли кўп келишмовчиликлар туғилди ва ёвмут туркманлари исён кўтарди. Оёқланмага бошчилик қилган Муҳаммад Қурбон сардор ёвмут уруғлари тарафидан хон дея эълон этилди ва у Жунайдхон деб аталди. Жунайдхон 1916 йил бошларида Хивани эгаллади, бош вазирни ўлдиртирди, Хива хони Исфандиёрни ўзига қарам қилиб қўйди. Хива ҳукуматининг Жунайдхон каби кучли шахснинг қўлига ўтгани Русияга ёқмасди, албатта. Шу боис Хива ҳукуматидаги бошқарувни ўзгартириш учун тиш-тирноғи билан курашга киришди. Русия империясининг босқини ва босимига чидай олмаган Жунайдхон мажбуран Хивани тарк этиб, Эронга ўтиб кетди. Хива хонлигидаги бундайин ички кураш ва келишмовчилик жараёни Паҳлавон Ниёз Юсуф бошчилигида ёш хиваликлар ҳаракатининг жонланишига таъсир қилди. Ёш хиваликлар ҳаракати ҳам жадидлик оқимининг бир маҳсули эди.

1917 йил февралидаги давлат тўнтаришидан кейин ёш хиваликлар реформалар талабини яна ўртага қўйдилар, хонга қарши қаттиқ сиёсий мужодала бошладилар. Исфандиёрхон 1917 йилнинг 5 апрелида баённома чиқариб, конституцион бошқарувга ўтишга, парламент ташкил этилишига розилигини билдирди. Ёш хиваликлар гуруҳидан ва ер-мулк соҳиби бойлардан иборат 32 кишилик парламент қурилди. Жадид ҳаракати илғорларидан Бобоохун парламент бошлиғи, Матмурод эса бош вазир этиб тайинланди. Жадидлар иштирокида майдонга чиққан бу ҳукумат маҳаллийчи уруғ бошлиқлари ва катта мол-мулк эгаларига ёқмасди, албатта. Айни чоғда Жунайдхон Эрондан юртга қайтди. Вазиятни кўриб, ёш хиваликларни, ҳукуматини йўқотасан, деб Исфандиёрхонни қисти-бастига олди. Ниҳоят, Хива хони июн ойида ёш хиваликлар ҳукуматини тарқатди, бир гуруҳ парламент аъзоларини қаматтирди. Зулмдан қутулиб қолганлар яширин фаолият юритиш йўлига ўтишди.

1917 йил октябр ойида бўлшевиклар тўнтариши эса хонликдаги бошбошдоқликни янада орттирди. Нива горнизонидаги рус аскарлари

[65] Қаранг: харита 1.

бўлшевиклар тарафига ўтиб кетди. Ёш хиваликлар рус ҳарбийлари билан келишиб, ҳамкорликда хон ҳокимиятига қарши курашиш пайида эди. Жунайдхон эса, ҳам Хива хонига, ҳам рус бўлшевикларига қарши курашни бошлаб юборганди. 1918 йил сентябр ойида Жунайдхоннинг ўғли Эшимхон Исфандиёрхонни ўлдирди. Исфандиёрхоннинг укаси Саид Абдулла Хива хони дея эълон қилинди. Эндиликда хонлик бошқаруви аслида Жунайдхон қўлига ўтганди. Иккинчи ёқда эса, ёш хиваликлар Урганчда ўрнашиб олиб, қизиллар билан алоқани мустаҳкамламоқда эди. 1918 йилнинг июнида ёш хиваликлар ва қизиллар биргаликда йиғилиш ўтказиб, Хива инқилоб комитетини ташкил этишди.



Хива хонлиги аъёнларидан бир гуруҳи. Марв, 1897 (Аҳат Андижон архиви)

1919 йилнинг декабрида Туркистон фронти инқилобий ҳарбий кенгаши ва совет ҳукуматининг Туркомиссияси Хива хонлигига қарши уруш очишга қарор берди. Бу қарор оммага “Жунайдхоннинг ва тарафдорларининг қонли диктатурасидан Хива меҳнаткашларини қутқариш мақсадида уруш очилди” тарзида билдирилди.[66] Қизиллар Тўрткўл орқали Хива тупроқларига бостириб кириб борди. Бир ойча чўзилган жанглар оқибатида 1920 йилнинг 25 январида Хива шаҳрини совет қўшинлари ишғол қилди. Қизил аскарлар билан бирга шаҳарга бостириб кирган Хива инқилоб комитети 1920 йилнинг 1 февралида дарҳол халқ қурултойини чақиришди. Қурултой қарорига биноан хонлик тузуми бекор қилинди ва Хоразм халқ жумҳурияти эълон этилди. Ана шу

[66] Hayit, *Türkistan, Rusya ile Çin Arasında*, s. 272

тарзда ёш хиваликлар яна бир бор ҳокимиятни эгаллашди. Жунайдхон эса, янги ҳукуматга ва бўлшевикларга қарши курашни давом эттириш мақсадида Хива атрофидаги саҳрога чекинди.[67] Айни чоғда Хива хони Саид Абдулла тахтдан воз кечганини билдирди. У руслар тарафидан Москвага олиб кетилди ва ўша ерда хор-зорликда ўлди.

БУХОРО АМИРЛИГИ

Бухоро амирлиги Туркистон хонликлари ичида энг қадимги ва энг кучлиси эди. Русларнинг Туркистонни ишғоли даврида у бир неча шаҳару қишлоқларидан айрилди ва ниҳоят 1873 йилда амир Саид Музаффар билан Туркистон бош волийси фон Кауфман ўртасида имзоланган аҳдномага мувофиқ Бухоро амирлиги Русия империясига боғлиқ бир вассал давлатга айланди. Сулҳ аҳдига кўра, Самарқанд русларга берилди, ташқи сиёсатда империя назоратига кирилди, амирлик ҳудудларида чор фуқароларининг эркин савдо қилишига йўл очди, Бухорода рус сиёсий идорасининг фаолият юритишини маъқуллади. Ана шу тарзда русларга қарам бўлабораётган Бухоро 1885 йилгача сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан Тошкентдаги Туркистон бош волийси томонидан назорат этилди. 1885 йилда кутилмагандаги қарорга кўра Бухоро шаҳри яқинида, Когонда рус ҳукуматининг ваколатхонаси очилди. Бу даврда амир Музаффар, ундан кейин тахтга ўтирган амир АбдулАҳат Русия билан муроса сиёсатига таяниб иш юритдилар. Охирги Бухоро ҳукмрони амир Саид Олимхон 1911 йилда тахтни эгаллади. У 13 ёшда экан, отаси томонидан Петербургга юборилган, 3 йил ҳарбий ва сиёсий таълим олган эди. Олимхон Бухорога қайтгач, олдин Насафда, сўнгра Карманада беклик мартабасида ҳокимиятни бошқаришда тажриба орттирди. Шуниси ҳам борки, Олимхон тахтга ўтирмасдан бир оз аввал, 1910 йилнинг январида Бухорода суннийлар ва шиалар ўртасида жуда катта қонли тўқнашув юз бериб, мамлакатнинг ички вазияти ост-уст бўлиб кетганди. Ана шундай фожиа яна қайтарилмаслиги учун Олимхон ҳам бошқарувда отаси каби қаттиққўлликни одат қилди. Ўша даврда Бухоро амирлигида 3000 қадар катта-кичик мансабдор ва 10 минг кишилик ҳарбий қўшин бор эди. Ташқи ишлар ва халқаро вазият ҳақида амир умуман ўйламас, ўзини “отлиқ қўшинлар генерали”, “чор подшонинг бош ёвари” каби юксак унвонлар билан сийлаган Русия подшосига бу соҳани ишониб топшириб қўйганди. Олимхон ҳатто “Ҳеч қанақа қўшинга эҳтиёжимиз йўқ, Бухоронинг бутунлигига Русия кафил ва масъул, ўзимиз аскар ўқитсак, бу бизга ортиқча чиқим” дейишгача бориб етган, ғафлатга ботган ҳукмдор эди.[68] Худди шу пайтда империянинг пойтахти Петербургда чор маъмурлари

[67] Ҳайит, ўша асар, 170 б.
[68] Olufsen, *The Emir of Bokhara and his Country*. Londra, 1911, s. 599.

кенгашиб, Бухоро амирлигини расман, зўрлаб қўшиб олиш масаласини ҳал этаётганди.[69] Аммо орада биринчи жаҳон урушининг бошланиб қолиши, унда мустабид Русиянинг енгилиши, сўнгра юз берган давлат тўнтаришлари Бухоро амирлигига яна бир муддат яшаб туриш имконини яратди.

Бухоро бир неча юз йиллардан бери ислом дунёсининг маданият ва маърифат ўчоғи сифатида донг қозонганди. Айниқса, Баҳоуддин Нақшбандий тарафидан қурилган нақшбандийлик тариқатининг ҳам маркази ўлароқ бутун шарқда Бухорои шариф дея улуғланарди. Ана шу тарихий ва ижтимоий муҳит мадраса ва масжидларда фаолият юритган домла ва имомларнинг халқ олдида обрўсини оширган, умуман Бухоро аҳлининг анъанага берилган, қадимчи тушунчасидаги оммага айланишига омил бўлганди. Бошқа бир томондан эса, Бухоро олиму уламо шаҳри, ўлкадаги жадидлик оқимининг ҳам муҳим марказларидан бири ҳисобланарди. Туркистон жадидизмининг раҳнамоларидан бири Абдурауф Фитрат мадрасани битириб, юксак таълим олмоқ учун Истанбулга борган, у ерда ўқиб юриб ёш турклар билан яқиндан танишган. Фитратнинг илк асари “Мунозара”да[70] бухоролик жадидлар, ёш бухороликларнинг янгича фикрлари ва қадимчиларнинг эскирган тушунчалари ёнма-ён қўйилиб, баҳс жараёнида таҳлил этилади. Асарда илгари сурилган фикрлар ҳаёт билан боғлиқдир. Масалан, ёш бухороликларнинг лидерларидан Усмон Хўжаўғли1908 йили дўсти Ҳамидхўжа билан бирга Истанбулга келган, бу ерда фақат ёш турклар оқими билан танишибгина қолмай, балки айни замонда иттиҳод ва тараққий фирқасининг раҳбарлари билан ҳам кўришиб, суҳбатлар қилган, сиёсий онгини анча шакллантирган. Ана шу пайтда орттирган тушунча ва тажрибалари келажакдаги сиёсий-ижтимоий фаолиятида, хусусан Туркистон истиқлоли учун олиб борган мужодалаларида Усмонхўжага асқотгани шубҳасиздир.[71]

Жадидлар Бухорода реформалар ўтказиш зарурлигига оид талабларини ҳукмдорга етказишди, аммо у биринчи жаҳон урушининг бошланиб қолганидан фойдаланиб, бу талабни рад этди. Анчадан буён усули жадид мактабларини ёптиришга уринаётган дин ходимларининг истакларини маъқуллаган амир янгича мактабларни бекиттирди ва бу борадаги ҳар қанақа мустақил ҳаракатни таъқиқлади. Бироқ амир 1917 йил февралдаги давлат тўнтаришидан кейин, Керенский ҳукуматининг

[69] Hayit, *Türkistan Rusya ile Çin Arasında*, s. 174

[70] 1911 йилда Истанбулга ўқигани келган Фитрат ўша пайтда “Мунозара”ни ёзди. Форсча битилган бу асарда Бухородан ҳажга бораётган бир мударрис билан унинг Ҳиндистонда танишиб қолгани бир овруполик олим ўртасидаги суҳбат-мунозара акс эттирилган. Ўша замонда расм бўлаётган усули жадид мактаблари масаласи ва Бухородаги маориф тизимида реформалар керакми-керакмасми деган муаммо бу асарнинг бош мавзусидир. Қисса якунида исломий ва замонавий илмининг теранлиги боис овруполик олим бухоролик мударрисни маорифда реформалар зарур деган фикрга ишонтиради.

[71] Öktem, A. Naim, *Osman Kocaoğlu`nun Ardından*. Milli Türkistan dergisi, 1968, sayı 125 A, s.18

зўрлаши оқибатида, ҳеч истамагани ҳолда, бир ҳуррият баённомаси эълон эттирди. Лекин бу баённомада билдирилган ҳақ-ҳуқуқларнинг бирортасини амалга оширишга изн бермади. Амир ҳокимиятига қарши Абдурауф Фитратнинг ғоявий раҳбарлигида иш юритиб келаётган жадидлар, хусусан ҳуррият баённомасидаги қарорлар ва ваъдаларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши учун апрел ойида жуда катта намойиш уюштирдилар. Ҳуррият юриши амирнинг аскарлари тарафидан шафқатсиз бостирилди ва тарқатилди. Жадидлардан 40 таси ушланди ва зиндонбанд қилинди, қолганлар русларга қарашли Когон тарафга қочдилар.[72]

1917 йилдаги бўлшевиклар тўнтаришидан кейин Бухоро амири мумкин қадар сиёсатга, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга аралашмасликка тиришди ва Туркистондаги мустақиллик ҳаракатларига ҳеч қандайин муносабат кўрсатмади. 1918 йил бошларида Қўқон мухториятини ағдариб, қонга ботирган қизиллар, бу зафардан дадилланган бўлшевикларнинг Тошкент совети энди кўзини Бухорога тикканди. Тошкент совети раҳбари Колесов қўл остидаги қўшинлар билан йилдирим тезлигида ёпирилиб келди. Айни чоғда Когонда ўрнашган ёш бухороликлар марказий комитети ҳам рус қўшинлари билан ҳамкорлик ўрнатиб, Бухородаги ҳокимиятни биргаликда идора қилиш учун инқилобий комитет ташкил этганди.[73] Бироқ советларнинг ҳужуми мағлубиятга учради. Бу ғалаба амирни рухлантириб юборди, советларни пистириб қўйгач, хужумни ёш бухороликларга қаратди. Марказий комитет бошлиғи Файзулла Хўжаев Москвага, сафдошларининг баъзилари Самарқандга, айримлари эса Тошкентга қочди. 1919 йилда ёш бухороликлар орасида ғоявий бўлиниш содир бўлди. Ҳаракат фаолларидан бир қисми Туркистонни бошқариш учун Москва томонидан ташкил этилган Турккомиссияга ишга олинди.

Турккомиссиядаги ана шу бир қисм ва бўлшевиклар мафкурасини тан олиб, уларга қўшилган бошқа жадидлар июн ойида Бухоро коммунистлар партиясини тузишди. Усмонхўжа Пўлатхўжа, Файзулла Хўжаев ва бошқа бўлшевиклар партиясига қўшилмаганлар эса, ёш бухороликлар ҳаракатини партия сифатида шакллантириш ва расмийлашитиришга уринмоқда эди.

1920 йилга келиб Русиядаги сиёсий муҳитга асосан ҳоким бўлиб олган бўлшевиклар Хива ва Бухорога йўналган босқинчилик ишларини яна авж олдиришди. Ички келишмовчилик сабабли анчагина заифлашган

---

[72] Бу мавзуда тўлароқ билиш учун қаранг: Allworth E.A. *A Conversation with Ahmad Naim Nasratullah Bek*, Bukharan Jadid (Reform Movements and Revolutions in Turkistan. Ed. Timur Kocaoğlu), SOTA Harlem, 2001, s. 77-108. Бу ерда Бухородаги ана шу ҳаракатларга шахсан қатнашган Аҳмад Наим (Ўктам) ўз кўрган кечирганларига таянган ҳолда, ўша йилларга оид жуда қимматли маълумот бермоқда.

[73] Hayit, *Türkistan Rusya ile Çin Arasında*, s.262. Инқилобий комитетга ёш бухороликлардан Фитрат, Отахўжа, Файзулла Хўжаев, М. Бурҳон ва Фазлиддин махсум аъзо эди.

Хива ҳукуматини Фрунзе қўмондонлигидаги қизиллар унчалик қийналмасдан забт этди ва хонлик советлар қўлига ўтди. 1920 йилнинг майида Фрунзе қўшини Бухоро амирлиги чегараларида тўплана бошлади. Айни чоғда, август ойида, Бухородан юз километр жанубда жойлашган Чоржўй шаҳрида ёш бухороликлар навбатдаги йиғилишини ўтказишди. Анжуманда ҳаракат ичидаги икки оқим ўзига хос қарашлари билан бир-биридан фарқли экани аён бўлди. Файзулла Хўжаев ва сафдошлари миллиятчи-инқилобчилар сафини ташкил этди. Бўлшевизмга мойил гуруҳлар эса иштирокиюнчилар деб аталди; Мирза Абдулқодир Муҳиддин ўғли ва қозонлик Нажиб Ҳусайн бу гуруҳнинг раҳбарларидан саналарди.[74]

Қарашлардаги бу фарқ Бухоро амирига нисбатан муносабатда ҳам таъсирини кўрсатди. Миллиятчи-инқилобчи гуруҳнинг кўпчилиги бир зарба билан амирни ағдаришни ва қизилларнинг бу ишларга аралашмаслигини истамоқда эди. Иштирокиюн гуруҳи эса, бунга қарама-қарши ўлароқ, қизиллар билан биргаликда ҳарбий ҳаракатда қатнашиш фикрини қўллаб-қувватламоқда эди. Бир неча ой илгари Хива хонлигига қарши қизилларнинг ҳужуми ва муваффақияти натижасида ёш хиваликлар иштирокида қурилган Хоразм халқ жумҳурияти мисоли ҳам уларни бу тушунчага йўналтирганди. Қисқаси, жадидлар орасида тобора орта бораётган бўлшевик тарафдорлари баҳсларда ғолиб келди ва қизиллар билан ҳамкорликда амирга қарши кураш фикри қабул қилинди. Мажлис охиридаги қарорга кўра, қизиллар Бухорога даъват этилди. Генерал Фрунзе қўмондонлигидаги рус ҳарбийлари Бухорога бостириб кирди. Амирнинг қўшинлари сон жиҳатдан оз ва яхши таълим кўрмаганди. [75] Унинг замонавий яроғ-аслаҳа билан қуролланган қизилларга қарши туриши ҳам мумкин эмасди. Шунга қарамасдан, қаттиқ ва қонли жанглар беш кунга чўзилди. Ниҳоят, энди ортиқ қаршилик кўрсатолмаслигини англаб етган амир, 1920 йилнинг 1 сентябрида шаҳарни бўшатиб, ташлаб чиқиб кетиш ҳақида фармон берди, ўзи қолган-қутган аскари билан шарқий Бухорога қочди. Бу енгилишдан кейин шаҳарни эгаллаган қизиллар ва бу ерда тўпланган ёш бухороликлар инқилобий қўмитаси Бухоро халқ жумҳурияти тузилганини эълон қилди. [76]

Бу орада амир атрофидаги яқинлари, жумладан, Афғонистон элчиси Абдушукурхон, хос вакил Муҳаммад Асламхон, ўрдусининг қолдиқ аскари ва бир бўлак хизматчилари билан шарқий Бухоронинг маркази ҳисобланадиган Хисор шаҳрига етиб келди. Бу ерда теваракдаги босмачи

[74] Baysun, *Türkistan Milli Hareketleri*, s. 41

[75] 1918-1919 йилларда Туркистонда бўлган инглиз субайи Фредерик Бейли (Frederick Bailey) нинг таъкидлашича, Бухоро қўшинининг ярмиси керак пайтда чақириладиган ёлланма аскардан ва 50 минг кишилик мунтазам ўрдудан иборат эди. Қаранг: Bailey. Mission To Tashkent, s. 301

[76] Pipes, *The Formation of Soviet Union*, s.184

тўдаларини тўплаб, ёвга қарши бир жабҳа яратишга интилди. Муҳаммад Саидбек парвоначи, Абдулҳафиз парвоначи ва Иброҳимбек лақай унинг таниқли қўмондонлари эди. Амир Олимхон бу ишлар орасида ташқи дунё билан алоқа юритиб, ёрдам олишга уринди. Хисор шаҳрида турган чоғида, масалан, 1920 йилнинг 12 октябрида Англия қироли Бешинчи Георг (George) хазратларига хитобан бир мактуб ёзди ва ундан кўмак тилади. Хатни ўн беш кишилик бир элчилик ҳайъати билан Англиянинг Қашқардаги консуллик ваколатхонасига жўнатди. Ҳайъат у ерга бориши, консулликка учраб, унинг тавсиясига кўра Ҳиндистонга йўл олиши ва у ердаги Англиянинг Бош волийсига амирнинг мактубини тақдим этиши mкерак эди. Саид Олимхон мактубида биринчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги дунё тузилишига оид Вилсўн моддаларидан ва ҳар бир давлатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақида фикр юритиб, Англия қиролидан кўмак беришини ўтиниб, шундай деган экан:



Бухоро амири Саид Олимхон

“Инонаманки, Онҳазратлари айни мададга муҳтож чоғимизда биздан ёрдамларини аямагайлар. Давлат қарзи ўлароқ бизга 100.000 пунд акча, ўқ-дорилари билан биргаликда 20 минг қурол, 30 пулемёт, учувчилари билан биргаликда 10 та учоқ бериш воситаси-ла ёрдамсеварлигингизни кўрсатасиз деган умиддаман. Бу нарсаларнинг биз юборган одамларга берилиши мени бахтиёр этгай. Руслар билан қандай уруш қилинишини сиз кўп яхши биладирсиз, ўшанга муносиб қуролланган 2000 ёрдамчи аскарингизни Қоратегин йўли орқали жўнатсангиз, ниҳоятда

қувонгайман. Бу орамиздаги дўстлик ва ҳамкорликни кучайтириши шубҳасиздир."[77]

Мактуб аслида бир давлатнинг бошқа бир давлатга мурожаати эди. Англия ҳукумати истаса, ана шу расмий даъватга аосланиб, Бухорога ёрдам қилиши мумкин эди. Аммо Англиянинг Қашқардаги консуллиги амир тарафидан юборилган ҳайъатнинг Ҳиндистонга ўтишига изн бермади. Амирнинг хатини эса инглизчага ўгиртириб, Деҳлига жўнатди. Аслида-ку, амир Олимхон мактубининг қиролга етиб боргунгача Деҳлидаги ва Whitehall даги аъёнлар томонидан ўқилишини, изоҳ этилишини тахмин қилиши мумкин эди. Бироқ ўлка ноиби Д.Т. Мўнтеатҳнинг изоҳи мактуби билан бирга ҳар ерга етказилганини, унга қўшимча ўлароқ битилган шарҳ барчага хатдан кўра муҳимроқ кўринганини амир тасаввур ҳам қилолмасди. Мўнтеатҳнинг изоҳи қуйидагича эди:

"Ҳамкорлик ҳеч бир шаклда қабул қилинмайди. Русияга боғлиқ давлатлардан бирига бериладиган бундайин ёрдам Casus Belli[78] ҳисобланади".

Ўша замондаги шароитга, инглиз маъмурларининг тушунчаларига кўра, Бухоро амирлиги Русия империясининг табиий бир парчаси ҳисобланарди. Шу сабабли Саид Олимхон советларга қарши бир исёнчи сифатида баҳоланмоқда эди. Инглизларнинг советларга қарашли ерлардаги ҳодисаларга аралашиш ва ёки Туркистон ўлкасида янги давлатлар қурилишига ёрдам бериш каби бир нияти йўқ эди.[79] Хулоса шуки, Англия амир Олимхоннинг ёрдам сўраб ёзган даъват мактубига ҳатто жавоб ҳам бермади.

Айни пайтда Туркистондаги русларнинг ҳарбий ҳокимияти Москвадан келаётган мадад кучлари билан янада қувватини ошириб, амирга қарши ҳаракатини тобора орттирмоқда эди. 1921 йилнинг февралида қизиллар Хисорга яқинлашиб қолганида, амир жанг ҳам қилмасдан, Кўлоб тарафга чекинишга мажбур бўлди. Кўлобда ёв билан ўн кун урушди ва мағлубиятга учраб, Афғонистонга ўтиб кетишга қарор берди.[80] Саид Олимхон ўша кунларни ўз хотираларида шундай эсламоқда:

"Жанглар бошланганида, уруш ишлари бўйича ёрдамчим, тоғам Муҳаммад Саидбек парвоначи, шунингдек, урушни бошқариб бораётган

---

[77] *İndia Office Library and Records* (IOR: L/P. S/ 10/950, P: 743). Abdullayev, *"Central Asian Emigres in Afghanistan*" номли мақоладан айнан олинди.

[78] Уруш сабаби. .

[79] Fraser, *Alim Khan and the Fall of the Bukharan Emirate in 1920*. Central Asian Survey (1988), Vol: 7, № 4, s.54.

[80] Инглиз Бейленинг таъкидлашича, амир олдинига Қалъаи Вомар ва Жилгит орқали Ҳиндистонга ўтиб кетишни ўйлаган. Бироқ Ҳарўг тарафларга бўлшевиклар юборга аскарлар Помир йўлини тўсиб қўйгач, Афғонистонга қараб қочишга мажбур бўлган. Қаранг: Bailey. *Mission To Tashkent*, s. 299.

қўмондон Абдулҳафиз парвоначи ва Иброҳимбек лашкарбоши ҳам доим ёнимда эдилар. Ана шундай қилиб, олти ой давом этган жанглар оқибатида, бўлшевиклар бизга бас келолмаслигини англаб қолди. Сўнгра улар Московдан жуда кўп аскар ва аслаҳа келтиришди. Қизиллар ана шу ёрдамдан кейин кучайиб, ислом лашкарига қарши ҳужумга ўтди. Мусулмонларда лашкар ва аслаҳа оз эди, ўн кунча бир амаллаб жанг қилдик. Шу орада мен бандаи ожиз ҳам қўшимча лашкар таъмин этмоқ мақсадида чет ўлкаларга мурожаат қилдим. Танг ҳолда қолиб, Хисордан Кўлоб шаҳрига ўтдим. Бунда Муҳаммад Иброҳим девонбеги ва Давлатманд девонбегиким, булар Бухоро шарқидаги ўзбеклардан, мамлакатга содиқ кишилардан эдилар, анчагина лаёқатли хизматлар кўрсатдилар. Ана шу лойиқ ишлари юзасидан уларни ўрдунинг бошига қўмондон тайин эттим ва ҳузуримга чақиртириб, уларга шуларни сўйладим: “Бул бандаи ожиз салтанатимиз қапуси Кобулга кетиб, кўмак истамакка киришайин. Бу ердан у тарафлара бориб, сизларга ёрдам уюштиргунимга қадар сизлар лашкарларингиз билан баробар ёвни тўсиб турингиз. Шу чоғда душман ҳужуми кўп зиёдадир. Агар уни тўхтата олмасак, фақиру фуқарони қўрқув босадир. Мен қайтиб келгунимга қадар халқ хузур ичида турса яхши бўладир.

Амирий фармон чиқариб, уни мувофиқ ерларга жўнатдим. Муҳаммад Иброҳимбек ва Давлатмандбекларга менинг рухсатим билан иш тутмоқни ва душман йўлини тўсмоқни буюрдим. Ўзим эса, Кўлоб вилояти устидан юриб, 1921 йил жумадуссонийсининг йигирма биринчи чоршанба куни Амударёнинг кечувидан кечиб, Афғонистон тупроғига қадам урдим.”[81]

Ана шундай қилиб, Саид Олимхон 1921 йил мартида, ёнида 300 қадар аскари билан Афғонистонга ўтди. У Афғонистондан ва бошқа давлатдардан ёрдам уюштиражагини яқинларига билдирган, Иброҳимбек лақай[82] ва Давлатмандбек каби босмачи лашкарбошиларига ўз номидан ёвга қарши курашни давом этириб туришни тайинлаган эди.[83] Афсуски, унинг орзулари амалга ошмади ва у ҳеч қачон ўз юртига қайтолмади.

ХОРАЗМ ХАЛҚ ЖУМҲУРИЯТИ

Қизил аскарлар ёрдамида Хива инқилоб комитети Хоразм халқ республикасини қурганидан қисқа вақт ўтиб, апрел ойида халқ қурултойини ўтказди. Қурултойда халқ ёш хиваликларнинг йўлбошчиси

[81] Alim Han, *Buhara Halkının Hasret-i Tarihi*.

[82] Лақай Иброҳимбек 1889 йилда туғилган. Амирликдаги ўзбекларнинг лақай уруғлари яшайдиган жойларда мансабдор эди: аввал Ҳисор беги, кейин Қоракўл беги ўлароқ хизмат қилди. Бухоро амири тарафидан бек, тўпчибоши ва ниҳоят лашкарбоши – бутун қўшин қўмондони этиб тайинланди. Бухоро амири Саид Олимхон мамлакатини тарк қилиб, хорижга чиқиб кетгандан кейин, 1926 йилгача унинг номидан Шарқий Бухорода қизилларга қарши кураш олиб борди.

[83] Ўша асар, 52 б.

Паҳлавонниёз Ҳожиюсуф давлат бошлиғи, ёш хиваликларнинг раҳбари Бобоохун Салимбой эса бош вазир этиб сайландилар. Хива инқилоб комитети бошлиғи Жуманиёз Султонмурод ички ишлар вазири бўлди. Шўро ҳукумати Русияда ҳали тўхтамаган ички уруш, Туркистонда тобора оловланиб бораётган босмачилик ҳаракати, Хива томонларда коммунистларнинг етарлича шаклланмагани боис ва яқин келажакда ишғоли мўлжалланган Бухоро амирлигида ҳам ўз таъсири остидаги, худди Хивадагига ўхшаш бир ҳукумат қурилишини режалаштиргани учун Хоразм халқ республикасини майдонга чиқарган ва унинг бир муддат ҳукм суришига изн берганди. Ана шу вазиятдан келиб чиқиб, 1920 йилнинг 13 сентябрида Русия совет ҳукумати ва Хоразм халқ жумҳурияти ўртасида 24 моддали ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Хоразм ҳукумати бу халқ жумҳуриятини имкон борича мустақил қилишга, миллий йўналишга солишга интилаётган эди. Аммо шўро давлати бу ҳукуматга муносабатан олдиндан режалаштирган хоинона режасини одим-одим амалга ошириш йўлидан қатъий бормоқда эди. Жумладан, жумҳурият эълон қилиниши биланоқ дарҳол Хоразм коммунистик партияси ташкил этилди. Москванинг режаси ва кўмаги билан ўртага чиқарилган Қўчқоруғли бошчилигидаги бу партия тез орада куч ва эътибор қозонди ва 1921 йилнинг кўкламида исён кўтарди. Давлат бошлиғи Паҳлавонниёз ва бошқа ҳукумат аъзоларини тутиб қаматтирди. 1921 йил майида ўтган иккинчи халқ қурултойи Отамахсум бошчилигидаги янги бир ҳукуматни сайлади. Бироқ бу ҳукумат ҳам узоқ яшамади. Бу сафар шўро давлатининг Хоразм халқ жумҳуриятидаги вакили Бик янги ҳукуматни бекор қилди ва аъзоларини ҳибс эттирди. Юз берган бу ҳодисаларга қарамай, хивалик жадидлар шўроларнинг бу ўлкадаги ҳукмронлик сиёсатларига қарши ҳаракатларини тўхтатмадилар.

Хоразм халқ жумҳурияти қурилганидан кейин Қорақум саҳросига чекинган Жунайдхон янги тузумга қарши курашини изчил давом эттирмоқда эди. Бу орада шўро зулмига учраган Ҳожиниёз ва Отаҳожи лар, қамоқдан қочиб қутула олган бошқа барча ҳукумат аъзолари ҳам Жунайдхон сафига келиб қўшилди. 1924 йилнинг январида бу миллий кучлар Хивадаги шўро ҳокимиятига қарши катта исён кўтарди. Жунайдхон қўшини ҳам шаҳарга ҳужум қилди. Бироқ феврал ойи бошларида ўлкага шитобан етиб келган қизилларнинг қўшимча бўликлари ва уларнинг зафаридан кейин шўро яна назоратни ўз қўлига олди. 1924 йил 29 сентябрида қизил қўшин ўраб турган бинода ўтказилган бешинчи халқ қурултойи Хоразм халқ жумҳуриятининг бекор қилинишига қарор берди. Ана шу тарзда Лениннинг сўзлари “тўғрилиги” яна бир бор исботланди: рус бўлмаган халқлардан бири ўз хоҳишига кўра (!) ўзи қурган ҳукуматини бекор қилиб, шўро Русиясига қўшилмоқда эди. Бу жараёндан сўнгра ёш хиваликлар ҳаракати мансуби баъзи зиёлилар шўро ҳокимияти билан муроса йўлини тутиб, биргаликда иш юритишга киришди. Келиша олмаганлар эса, ё босмачиларга қўшилиб кетди, ё Эрон

тасарруфидаги Туркман саҳрога, Хуросонга йўналиб, мажбуран ватандан айрилди. 1924 йил охирларига бориб, Хоразм халқ жумҳуриятига оид ерлар янги ташкил бўлган Туркманистон ва Ўзбекистон ҳудудларига бириктирилди.[84]

БУХОРО ХАЛҚ ЖУМҲУРИЯТИ

1920 йилнинг 6 октябрида ўтказилган биринчи халқ қурултойида Бухоро халқ жумҳурияти ташкил топгани эълон этилди. Мирза Абдулқодир Муҳиддин жумҳурият раиси, Файзулла Хўжаев вазирлар шўроси раиси, Абдулҳамид Ориф ҳарбия вазири, Усмон Хўжаўғлимолия вазири этиб сайландилар. Кейинги йилларда муҳожиротдаги Туркистон ҳаракати лидерлардан бири бўлган Усмон Хўжаўғли ўша пайтда шарқий Бухоро (бугунги Тожикистон жумҳурияти) бошқарувига ҳам масъул эди. У йилларда шарқий Бухоро босмачилик ҳаракатининг энг муҳим марказларидан бири саналарди. Янги қурилган ёш бухороликлар ҳукумати учун бу ўлкадаги вазиятни назорат қилиш ва тинчликни сақлаш жуда катта аҳамиятга эга эди. Ҳукумат советлар режасига кўра қурилган ва янги тўпланган Бухоро коммунистлар партиясига боғлиқ эди. Партия иши асосан Когонда[85] жойлашган Русия сиёсий идораси томонидан юритиларди. Шунингдек, ҳукуматнинг 40 кишидан иборат парламенти ҳам фаолият кўрсатарди.

Шўро давлати тактик сабаблар юзасидан жадидлар бошқарувидаги бир халқ жумҳуриятининг қурилишига изн берган бўлса ҳам, аслида, ҳалиям Бухоро мамлакатини зўравонлик билан Русияга қўшиб олиш қароридан воз кечмаганди. Айни замонда, яъни 1921 йилнинг 4 мартида Русия давлати билан Бухоро халқ жумҳурияти ўртасида иттифоқ битими тузилди. Бу битимга кўра, Москвадаги совет ҳукумати Бухоро халқ жумҳуриятини мустақил давлат сифатида таниганди. Аммо бошқа бир томондан қараганда, битим тузилганидан кейинроқ ўртада муаммолар пайдо бўлганди. Зотан, давлат бошлиғи Абдулқодир Муҳиддиннинг Бухорода бошланган советлаштириш сиёсатига қаршилик кўрсатиши русларни безовта қилиб қўйганди. Шунинг учунми, бир йил кейин ўтказилган халқ вакилларининг иккинчи қурултойида ҳукумат раҳбарлари бир оз ўзгартирилди ва Усмон Хўжаўғли жумҳурият раиси этиб сайланди. Файзулла Хўжаев эса, вазирлар шўроси раиси вазифасида ишини давом эттирди.[86]

---

[84] Қаранг: харита 4.

[85] Когон Бухоро шаҳридан 12 км ташқарида жойлашган ер, амирликнинг Русияга боғланган кунидан бошлаб (1873) мамлакатни назоратида тутган чорлик вакили турган маскан. Хазарга боғланган темир йўлнинг бу ердан ўтиши ҳам Когон эътиборини орттирганди.

[86] Бухоро халқ жумҳурияти ҳукуматининг бошқа аъзолари қуйидагилар эди: ҳарбия вазири Орифўғли Абдулҳамид, адлия вазири Мирза Абдулраҳим, ички ишлар вазири Отахўжа,

Бухоро халқ жумҳурияти ҳукумати, унинг миллатпарвар аъзолари, ҳақиқатан ҳам, айни вазиятдаги жуда ҳам оғир шароитга, ишғолчи русларнинг ҳар томонлама қаршиликларига қарамасдан, одилона ва оқилона бошқарувни йўлга қўйишга тиришганлари таҳсинга сазовордир. Ёш бухороликлар ўз ҳокимиятларини кучлантирганлари сари мустаҳкамкамланиб, Русиядан мустақил бўлишларига, ҳеч қурса автономия олинишига ишонишарди. Ана шу ишонч ва бу йўлдаги қатъий тушунчалари боис коммунистик партияга аъзо бўлишган эди. Аммо уларнинг фаолиятига Москвадаги раҳбарлар кўз қири билан қарарди ва уларни чин коммунист дея ҳисобламагани боис шунчаки муносабатда эди. Москва тарафидан Бухоро бўйича расмий вакил этиб тайинланган Куйбишевнинг янги ташкил топган Бухоро халқ жумҳурияти ҳақидаги қуйидаги фикри ҳам буни кўрсатиб турибди:

> “Коммунистлар Бухорода инқилоб қилишди. Бироқ бунинг учун ҳануз иқтисодий ва маънавий шарт-шароит етилмаганидан ва муҳитдаги муайян ҳаётий сабаблар туфайли “социалистик” деб бўлмайдиган бир тузум ўрнатилди”.[87]

Жадидлар тарафидан Бухоро халқ жумҳурияти қурилиши биланоқ, биринчи жаҳон урушида русларга асир тушган ва Сибирдаги сургундан қочиб Туркистонга келиб қолган усмонли-турк субайларидан фойдаланишга киришилди. Улар Бухоро ҳукумати томонидан мудофаа ишлари ва ҳарбий таълим соҳаларига жалб қилинди. Масалан, Али Ризо бейга Бухоро ҳукумати ҳарбий вазирининг ўринбосари вазифаси юклатилди. Айни пайтда Бухоро халқ жумҳурияти қўшинларининг тўғридан-тўғри советларнинг маркази, Тошкентда жойлашган Туркфронтга, қизиллар бошқарувига боғлаб қўйилишига қаршилик муаммоси ўртага чиққанди. Шарқий Бухорода эса, амир тарафдори қўрбошилар Бухоро халқ жумҳуриятига қарши бош кўтарганди. Болчивонда Давлатмандбий, Кўлобда Ашурбек, Қоратегинда Фузайл махдум, Қоратоғ бўлгасида Абдураҳмон беклар ўз лашкарлари билан жангга ҳозир эди.[88] Бухоро халқ жумҳуриятининг шарқий Бухоро бўйича масъул вазири ўлароқ Усмон Хўжаўғли бу минтақага келиб, исёнчилар билан музокаралар олиб борди. Усмон Хўжаўғли ҳукумат бошлиғи бўлгач, унинг туғишгани Отахўжа бу вазифага тайинланди ва у ҳам қўрбошилар билан кўп бор учрашди, натижада Давлатманд бий ва яна баъзи беклар билан муросага борилди.

Ёш бухороликлар ҳокимиятга келар-келмас, Мунавварқори, Саъдуллахўжа ва Убайдуллахўжа каби жадид раҳнамоларини Тошкентдан Бухорога чақириб, уларни турли мансабларга тайинлашди. Зотан келажакда фаолият юритадиган лойиқ ходимларни тайёрлаш

маориф ишлари вазири Қори Йўлдош, зироат вазири Аширўғли Халим, соғлиқ вазири Абдулвоҳид, иқтисод вазири Абдулқодир Муҳиддин.

[87] Hayit, *Türkistan, Rusya ile Çin Arasında*, s.264

[88] Baysun, *Türkistan Milli Hareketleri*, s. 48

ҳукумат олдидаги энг долзарб муаммолардан бирийди. Ёш бухороликлар ҳаракатининг ғоявий йўлбошчиси Фитрат маориф соҳасига масъул бир вазир эди. Туркча[89] расмий давлат тили дея эълон этилди. Туркияга ва бир неча Оврупо ўлкаларига талабалар юбориб ўқитиш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шўро вакилларининг бу ишларга қаршиликларига қарамай, 1921-1922 йил бўйича Бухоро жумҳуриятидан Олмонияга 70 талаба жўнатилди. Шунингдек, Туркия, Озарбайжон, Гуржистон каби ўлкаларга ҳам расмий ё нарасмий тарзда жуда кўп талаба юборилди.[90] Бухородаги бу маориф ҳаракатларига эш ўлароқ Туркистон автоном совет социалистик республикасида ҳам шунга ўхшаш фаолият юритилган, жадидлар тарафидан ташкил қилинган "Кўмак" жамияти орқали бир қанча туркистонлик талабалар Олмонияга йўлланган.[91]

Бўлшевиклар Туркистондаги советлаштириш ишларини тамомлаши биланоқ Олмониядаги талабардан бир қисмини қайтариб келтирди. Бир бўлак талабар эса қизиллар зулмига учрамаслик учун қайтишмади. Кейинчалик ана шу чет элларда қолганлар, тарихий жараённинг тақозосига кўра, Оврупода ва Туркияда майдонга чиққан Туркистон истиқлоли мужодаласининг фаолларига айландилар. Ёш бухороликлар ҳукумати ўз даврининг имконлари доирасида ташқи сиёсатни ҳам йўлга қўйди, Москва, Боку ва Кобулга элчилар юборди. Ҳукумат қурилган илк кунларда ташқи ишлар вазири бўлган Хошим Шоиқ кейинчалик Афғонистон давлатига элчи қилиб жўнатилди.

ТУРКИЯГА ЁРДАМ

Бухоро жумҳурияти қурилган илк кунлардан бошлаб Анқара ҳукумати билан яқин муносабатлар ўрнатишга интилган. Ҳукумат

---

[89] Туркистон туркчаси; туркий; усмонлиларда чиғатой туркчаси ҳам дейилади.

[90] Жадидизм ҳаракатининг бошланиши ва усули жадид мактабларининг очилиши натижасида фикран уйғонган Туркистон ёшларининг баъзилари Усмонли давлатида ўқиш мақсадида, асосан ўз имконларига таяниб, Истанбулга келиб, таълим олишган. Давлат томонидан расман бу ишга киришиш, гуруҳлар ҳолида талабалар йўллаш фақат Бухоро халқ жумҳурияти ва Туркистон АССР қурилганидан кейин амалга ошди. Туркистонликларнинг Туркияда таълим олишлари борасида Аҳмад Наим Ўктамнинг хотираларида шуларни ўқиймиз: "Кейин яна Бухородан Туркияга 50 тача талаба юборишди. Улар орасида менинг укам ҳам бор эди... Бухоро ҳукумати кўп миқдорда қоракўл териси ҳам жўнатди. Расмий бир ҳайъат ҳам Туркияга келди, Анқара ҳукумати уларни қабул қилди". (Қаранг: Allworth E.A. *A Conversation with Ahmad Naim Nasratullah Bek, Bukharan Jadid* (Reform Movements and Revolutions in Turkistan. Ed. Timur Kocaoğlu), SOTA Harlem, 2001, s. 100

Туркистондаги жадид мактабларида кўп йиллар ўқитувчилик қилган Рожий Чақирўзнинг хотираларида таъкидланишича, 1922 йилда бир гуруҳ талабалар Олмонияга, бошқа бир гуруҳи эса Туркияга жўнатилган. Анадўлуга йўлланган туркистонлик ўқувчилар Самсун ва Қастамўнуда таълим олганлар. Қаранг: Raci Çakıröz, *Türkistan'da Türk Subayları 1914-1923*, (yazan Timur Kocaoğlu) Türk Dünyası Tarih Dergisi, sayı 10, 1987 y., s. 43

[91] Кенгроқ маълумот олиш учун шу китобнинг "Туркистон-Берлин йўналиши ва атрофидаги ҳодисалар" бўлимига қаранг.s

парламенти Бухоро амирлигининг ағдарилиши жараёнида Москвага олиб кетилган давлат хазинасининг бир қисмини Анқара ҳукуматига ёрдам тариқасида жўнатилишига оид қарор қабул қилди. Бу мавзуда туркча ва русча манбаларда етарлича маълумот бўлишига қарамай, Туркистон сиёсатчилари томонидан бу ҳодисага боғлиқ айрим баҳсли қарашлар доим билдириб келинган. Бухоро жумҳуриятининг жумҳурраиси Усмон Хўжаўғли хотираларида эслашича, у Файзулла Хўжаев билан биргаликда Москвада Ленин билан учрашиб, айрим масалалаларда музокара қилишганида, Туркияга ёрдам масаласи устида тўхталингани, бу ишни Бухоро ҳукумати бажара олишини айтгани билдирилмоқда. Ана шундан кейин чорлик давридаги Бухоро амирлиги хазинасида қолган 100 милйўн рус рубли қийматидаги олтин Туркияга кўмак сифатида жўнатилиш учун советларга берилгани таъкидланмоқда. Усмон Хўжаўғли кейинги воқеаларни шундай эслайди:

> “Ленин билан ана шулар ҳақида келишиб олгач, биз Бухорога қайтдик. Парламент раиси Абдулқодир Мирзаўғли билан учрашиб, бу масалани мажлисга қўйдик. Мен халққа, парламент аъзоларига қариндошларимиз ва иркдошларимизнинг оғир аҳволда эканини, юнонлар тарафидан зулму тазйиқ остида эзилаётганини, қардошларимизга ёрдам кўрсатиш лозимлигини ҳаяжон ва самимият билан яхшилаб тушунтирдим. Ўша пайтда парламентда бизнинг тўрт партиямиздан аъзолар иштирок этарди. Улардан “Миллий бирлик”, “Қутулиш”, “Аҳрор” партиялари туркларга кўмак кўрсатилишини ёқлашди. Аммо коммунистлар партияси раиси, авомдан чиққан, асли татар Нажиб Ҳусайнўғли ёрдам масаласига қарши чиқди, бу ақлга сиғмайдиган иш дея провакация қилди, халққа қарата эса: “Бунақа ёрдам керакмас. Биз бу ақчани инглизлар билан кенгашиб, ўзаро келишган Усмонли султонларига бермоқчимиз. Ахир улар империалистлар билан келишган султонлар-ку,” дея сувни роса лойқалатди. Бунинг устига, бизнинг фикримизни рад этган Туркфронт ҳам омма ичида ёрдам кўрсатилишига қарши ташвиқот юритди. Биз ҳам жим турмадик, Туркияга ёрдам кўрсатилишига қарши халқни қайраган Нажиб Ҳусайнўғли ҳукумат қарорига кўра Бухоро ҳудудидан ташқарига ҳайдаб юборилди... Хуллас, Бухоро жумҳурияти парламенти Туркияга 100 милйўн рубллик олтин ёрдам қилинишини бирорта рад товуши чиқмасдан, барча бир овоздан, олқишлар жўрлигида қабул этди. Парламентнинг бу қароридан кейин, эртаси куниёқ қарорни бажаришга киришдик, Анқара ҳукуматига етказиши учун бу ёрдам пулини русларнинг хазинасига топширдик.” [92]

Юқоридаги фикрларни бухоролик жадидлардан яна бири Аҳмад Наим ҳам тасдиқламоқда. Аҳмад Наим билан қилинган бир суҳбатда у шундай деган:

---

[92] Mehmet Saray, *Millî Mücadele Yıllarında Buhara Cumhuriyeti`nin Türkiye`ye Yardımı ve Cumhurbaşkanı Osman Hoca* (Reform Movements and Revolutions in Turkistan. Ed. Timur Kocaoğlu), SOTA Haarlem, 2001, s. 342-344

> “Бухорода давлат тўнтариши юз берган пайтда аркда амирликнинг хазинаси сақланарди. Ёш бухороликлар билан ҳамкорикда ҳаракат қилаётган руслар амир саройига бўмба ёғдирдилар... Ундан кейин Бухоро хазинасини араваларга юкладилар ва Мўскўвга ташидилар... Ленин Туркияга ёрдам беришни айтганди. Аммо қайси пул эвазига бундай қиларди... Ленин Усмонхўжани Мўскўвга чақиртирди ва унга, сизлар турклар билан бир иркдансиз, бу пулларни уларга жўнатамиз, деди. Шундан кейин Бухоро Мажлиси Мўскўвда турган хазинани Туркияга ёрдам тариқасида юборилишига оид қарор чиқарди. Аммо ўша ақчанинг қанчаси берилди?.. Агарда хазина 200 милйўн бўлган бўлса, унинг фақат 50 милйўни берилган... ўша ёрдам Туркияга юборилган.”[93]

Бухоро амирлигининг ағдарилишини ўз кўзи билан кўрган туркистонлик муҳожирлар орасида энг кўп айтиладиган гаплардан бири амир хазиналарининг поездда Моквага ташилганидир. 1918-1919 йилларда Туркистонда махфий вазифани бажарган инглиз субайи Фредерик Бейли кейинчалик босилиб чиққан хотираларида Бухоро амири хазинасига оид шу сўзларни ёзмоқда:

> “Учоқлар ва зирхли поездлар, аскарлари билан ҳужум уюштирган Фрунзе 1920 йилнинг сентябр ойида шаҳарни ишғол этди. Хазинадан 3 вагон тўла олтин ва қимматли тошлар ташиб кетилди.”[94]

Бизнингча, бу мавзуда айтилган гаплардан Аҳмад Наим Ўктам ёзган сўзлар ҳақиқатга яқинроқдир. Бухоро жумҳурияти Мажлисининг Туркияга ёрдам қарорини маҳқуллаган совет ҳукумати раҳбарлари, аслида, сўздагина омонат ўлароқ Москвада сақланаётган, аммо аслида аллақачон ўзлаштириб бўлинган олтинларга боғлиқ келажакда чиқадиган мулкият муаммосини ҳам шу маъқуллаш йўли билан ҳал қилиб қўя қолишганди. Зотан, Бухоро жумҳурияти ҳукумати ҳам аллақачон қўлдан кетган мамлакат хазинасини энди қайтиб олиш имконсизлигини англай туриб, ўша пулларнинг Туркияга ёрдам сифатида жўнатилишига қарор бериб, буни бўлшевиклар билан келишиб, шу тариқа иркдошларига бир кўмак кўрсатишни орзулаган бўлишлари ҳам мумкин, деб ўйлаймиз. Қарорлаштирилган миқдорнинг 100 милйўн олтин рубл каби жуда катта рақамдан иборатлиги ҳам эҳтимол шу сабабдандир. Бироқ руслар бу 100 милйўннинг фақат 11 милйўнини Туркияга юборишган холос.[95]

Туркияга ёрдам воқеаси ҳақида ўша даврда Сибирдаги асирлик зиндонларидан Туркистонга қочиб келиб, Тошкент ва Бухоро

---

[93] Allworth E.A, *A Conversation with Ahmad Naim Nasratullah Bek, Bukharan Jadid* (Reform Movements and Revolutions in Turkistan. Ed. Timur Kocaoğlu), SOTA Harlem, 2001, s. 100

[94] Bailey, *Mission To Tashkent*, s. 299

[95] Туркия марказий банкининг қиёсий ҳисоботига кўра, Туркияга ёрдам қилинган ўша пайтда русларнинг 1 олтин қийматидаги рубли 0,59 турк лирасига тенг бўлган. Шундан келиб чиқиб саналса, Бухоро жумҳуриятининг Туркияга жўнатилишини истаган 100 милйўн олтинли рубл турк лирасида 59 милйўнни ташкил этмоқда. Совет ҳукумати бу ақчанинг фақат 11 милйўнини, яъни 6,4 милйўн лирасини юборган холос. (Қаранг: Karakoç, *Atatürk`ün Dış Türkler Politikası*, s. 46)

шаҳарларида йилларча ўқитувчилик қилган турк субайи Рожий Чақирўзнинг хотираларида ҳам муҳим фикрлар айтилган. “Турк дунёси тарих журнали”да босилган эсдаликларда, жумладан, шуларни ўқиш мумкин:

> “Тошкентда ишлаб юрганимда, янги қурилган муваққат Бухоро ҳукуматининг Анадўлуда истиқлол жанглари олиб бораётган Анқара ҳукуматига молиявий ёрдам берганидан хабар топдим. Афсуски, бу кўмак тарихимизда “русларнинг ақча ёрдами” шаклида талқин этилмоқда. Яхшиямки, кейинги пайтда масъул кишилар бу ҳодисанинг асли қандай эканидан оммани воқиф қилишди. Масалан, Отатуркнинг ташқи ишлар вазири Юсуф Камол Тангиршанк “Оқшом” газетасида босилган эсдаликларида (1970 йил 4 май сони) тарихимизда янглиш ўлароқ “рус ёрдами” дея ёзилаётган ҳодисанинг аслида қардош Бухоро турк ҳукумати тарафидан берилган ёрдам эканини таъкидлаган... Хуллас, мен анча кейин, Туркияга қайтганимдан сўнгра суриштириб билганимга кўра, Бухоро ҳукуматининг 100 милйўнлик олтин ёрдамидан фақат 10 милйўнлик бир бўлаги Анқарага етиб келган холос. Бу ишда орачилик ишини бажарган Москва, демак, ташиш хизмати учун 90 милйўнлик олтинни ўз хазинасига уриб қолган. Мана сизга тарихимиздаги рус ёрдамининг асли, авра-астари...”[96]

Ростдан ҳам, Тангиршанкнинг “Оқшом” газетасида босилган хотираларидаги бу мавзуга оид фикрлари жуда муҳим ва оппа-очиқдир:

> “Шу ерда бугун ҳар ким ҳам билавермайдиган бир ҳақиқатни айтиб ўтайин. Ҳуррият уруши даврида руслар берган олтинлардан юқорида сўзлагандим. Руслар бизга шундай ёрдам қилди, тўғри, аммо бу ақчани уларга берган Бухоро туркларидир. Руслар восита бўлдилар холос.”[97]

Шундай қилиб, тарихимизда совет ёрдами сифатида тилга олинган ҳодиса, аслида қардош Туркистон турклари тарафидан берилган кўмак экани расман, илк бор Юсуф Камол Тангиршанк томонидан барчага билдирилмишди. Ёш Туркия республикасининг қурилиш йилларида аввал иқтисод вазири, сўнгра ташқи ишлар вазири бўлган, Советлар иттифоқи ва Туркия ўртасида 1921 йилнинг 16 мартида Москвада тузилган тарихий битимни имзолаган ҳайъатга раислик қилган Тангиршанк ўша йиллардаги ижтимоий ҳаётнинг юксак мақомдаги иштирокчиси, даврининг сиёсий ҳодисаларини теран биладиган шахс эди.[98] Афсуски, ана шундайин тузатишлар, эслатишларга қарамай,

---

[96] Raci Çakıröz, *Türkistan`da Türk Subayları*. Türk Dünyası Tarih Dergisi, sayı 8, 1987 y., s.47

[97] Akşam Gazetesi, 4 Mayıs 1970. *Atatürk`ün Dışişleri Bakanı Yusuf Kemal Tengirşenk`in Anıları* (yazan İhsan Ilgar).

[98] Юсуф Камол Тангиршанк Оврупо босқинчилари Истанбулни ишғол этганидан кейин Анқарага борган ва Қастамўну вилоятидан маъбус-депутат сифатида сайланиб, Туркия Буюк Миллат Мажлисида фаолият юритган. Иқтисод вазири (1920-1921), ташқи ишлар вазири (1921-1922) сифатида хизмат қилган. Москвада 1920 йил 16 мартда Туркия ва совет ҳукумати ўртасида тузилган битимни, Анқарада 1922 йил 20 октябрда Франция билан тузилган битимни имзолаган турк ҳайъатларининг раиси эди.

Туркистон-Туркия муносабатлари нуқтаи назаридан жуда муҳим ҳисобланган бу воқеа ўтмишнинг қоронғи денгизига чўкиб, ғойиб бўлиб кетди.

АНАДЎЛУ ҲУКУМАТИНИНГ ТУРКИСТОН СИЁСАТИ

Туркиянинг ўтлар ичидан ўтган ўша йилларда ҳам, вазиятнинг нақадар оғир эканига қарамасдан, Мустафо Камол пошо Ўрта Осиёдаги жараённи доимо яқиндан кузатиб борди. 1920 йилда Эскишаҳарда учратиб қолгани Саид Ҳамза деган бир туркистонлик инсонга топшириқ бериб, "Туркистонга бор, у ердаги ҳаётдан мени хабардор қил" деган. Саид Ҳамзанинг 1921 йил 16 октябрида Мустафо Камол пошога юборган хатида ўлкага оид баъзи муҳим маълумотлар ва айрим огоҳлантиришлар мавжуд.[99] Туркия Буюк Миллат Мажлиси ҳукуматининг ташқи ишлар соҳасидаги илк битимларидан бири, 1921 йил 1 мартда Москвада имзоланган Туркия-Афғонистон иттифоқи аҳдномасидаги иккинчи модда жуда муҳимдир, унда "Ҳар икки ўлка Хива ва Бухоро давлатлари мустақиллигини маъқуллайди" дея таъкидланган.[100]

1921 йилнинг феврал ойида ТБММ ҳукумати тарафидан Москвага элчи қилиб юборилган Али Фуод пошо (Жебесўй) бошлиқ ҳайъатда сўзда расман Туркия коммунист партияси аъзоси ҳисобланган тўртта депутат

---

[99] Мактуб матнида, жумладан, шу фикрлар баён қилинган: "Ўтган йили асирликдан қутулиб келиб, Эскишаҳарда сиз зоти олийлари билан кўрушмакка мушарраф бўлгандан сўнгра, Анқарада берилган амрга биноан ватани аслим Туркистонга азимат этмиштим. У томонларда кезинмак

асносинда Хива ва Бухоро ҳукумати миллияларига мансуб макону масканлардаги аҳолининг ҳолу руҳиясиндан воқиф бўлиб, шуларни билдирмакчиман: Хива, Бухоро, Тошкентга биттадан элчи юборилишига, қозоқлар учун алоҳида бир консуллик, Туркистон учун айри бир консуллик очилишига иноят буюрулдиғи суратда ундаги аҳоли ҳар турли фидокорликни ихтиёр этажагини ваъд айларман. Ва уч ой муддат-ла ожизларини бунга йўллаганлари ҳолда, олти ойдан бери интизорлик чекканимни арз айларкан, қишнинг шиддати яқинлашганини ҳисобга олиб, Ҳукумати миллияга энг катта фидокорлик кўрсатажак Осиёи Кабир туркларига тилагу талабларини манфаати умумия номига тавозе ила билдирмишдим. Ва уч ой мухлатга келганим ҳолда олти ойдирки бу ерларда қолганим боис анча-мунча муҳим сарф-харжларга дуч келганимни ва яна баъзи аҳамиятлик харжламалар учун тайин буюрилажак замонга мунтазир эканимни арз айларман, фармон 16 ташриниаввал 337 (октябр,1921). Афғонистон буюк элчилигида Туркистон ашрафиндан Саид Ҳамза" (Қаранг: Bilal Şimşir. Atatürk İle Yazışmalar. Cilt 1, s. 146. – Мактуб усмонличада битилган, мувофиқ таржима қилишга тиришилди – тарж.)

[100] 1921 йил 1 мартда Москвада, Туркия тарафидан иқтисод вазири Юсуф Камол бей ва маориф вазири доктор Ризо Нур бей, Афғонистон томонидан эса фавқулодда элчи, генерал Муҳаммад Валихон имзолаган битимнинг иккинчи моддаси қуйидагичадир: "Аҳд тузаётган ҳар икки олий тараф бутун шарқ миллатларининг озодлик, комил ҳуррият ва истиқлол ҳақ-ҳуқуқига молик эканини, булардан ҳар бир миллатнинг ўзи орзу қилган ҳар қандай усул ва тарзда идора этиладиган ҳукумат ва ҳокимиятни қуришда, ўз-ўзини идора этишда эркинлигини, жумладан. Бухоро ва Хива давлатларининг истиқлолини тасдиқ этарлар." Қаранг: *Atatürk`ün Milli Dış Politikası*. *Belgeler*. Kültür Bakanlığı yay. s. 533

ҳам бор эди. Доктор Тавфиқ Рушду (Арас), Фуод (Жарим), Босим (Аталай) ва Исмоил Субҳий бейлардан иборат бу тўрт кишилик тадқиқот ҳайъатининг вазифаси янги тузумни ўрганиш эди.[101]

Бу ҳайъат аъзоларидан Сўйсалўғли Исмоил Субҳий 1921 йилнинг июл ойида Туркистонга жўнатилган ва шундай қилиб, икки ўлка орасида норасмий бўлса-да бир алоқа йўналиши тикланган.

Рожий Чақирўзнинг хотираларида таъкидланганидек, Сўйсалўғли Туркистонда бир сайёҳ бўлибгина қолмади, балки у бир қанча ишларни амалга оширди. Бу хусусда Чақирўз шундай дейди:

> "Туркия Буюк Миллат Мажлисига Бурдур элидан маъбус (депутат) этиб сайланган Сўйсалўғли Исмоил Субҳий бей тадқиқоти илмия ҳайъатининг мансуби ўлароқ Анқарадан Москва йўли орқали 1921 йили Тошкентга келди.[102] Туркистонга Сибирдан келиб қолган турк ҳарбий асирларининг, барчамизнинг юртга қайтишимизга ёрдам кўрсатишини сўраб унга мурожаат этдик. Бироқ Исмоил Субҳий бей бизнинг Тошкентдаги ишларимиз билан танишгач, хизматларимизнинг жуда жойида эканлигини ва бунда яна бир муддат қолишимизнинг янада хайрли бўлишини изоҳлаб, бизга шундай деди: "Азиз дўстлар! Туркистонда қолиб, бу ердаги иркдошларимизга кўмак кўрсатиш ҳам Туркиядаги хизматлар қадар улуғдир. Анқарага борганимда, Буюк Миллат Мажлисида сизларнинг фаолиятингиз тўғрисида албатта сўзлайман. Бу ерларда ишлаётганингиз Туркияда хизмат қилгандай давлат томонидан расман қабул қилинишини таъминлашга сўз бераман. Ҳатто қайтишда Москвага борганимда бизнинг буюк элчимиз Али Фуод пошога бу ердаги вазиятни тушунтираман ва сизларга маош тўлашини ҳал қиламан".
>
> Исмоил Субҳий бейнинг бу сўзлари биз туркиялик турк субайларининг кўнглимизни кўтарди, маънавий қувват бўлди, Туркистонда яна бир муддат қолишга ташвиқ этди. Ана шундан бир оз ўтиб, Москвадаги Туркия элчихонасидан бизларга пул юборишди."[103]

Исмоил Субҳий Сўйсалўғли Туркистонда турган пайтда махаллий зиёлилар томонидан Туркистон Миллий Бирлик ташкилотининг тузилишида ҳам таъсирли рол ўйнаган.[104]

Усмонхўжанинг Бухоро халқ жумҳурияти раиси бўлиб турган пайтда Туркияда ўқиб қайтган Ражаб бек билан Назирий ва Садриддинлардан иборат уч кишилик ҳайъат Анқарага юборилган. 1921 йил 31 декабрда Анқарага етиб келган ҳайъат аъзоларини Мустафо Камол пошо қабул қилган. Бу учрашувда Мустафо Камол пошога

---

[101] Cebesoy, *Moskova Hatıraları*, s. 132

[102] Чақирўзнинг хотираларида 1920 йил шаклида ёзилса ҳам, бунинг тўғри бўлиши мумкин эмас. Чунки Али Фуод бей ва ҳайъатининг Туркиядан Москвага кетиши 19 феврал 1921 йил. Балки хотираларда нашриёт хатоси билан шундай босилгандир.

[103] Raci Çakıröz, *Türkistan`da Türk Subayları*. Türk Dünyası Tarih Dergisi, sayı 8, 1987 y., s.49

[104] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s.415

Туркистоннинг айни пайтдаги вазияти ҳақида маълумот берилган. Бухорога элчилик ҳайъати юборилиши кераклигига оид талаб пошога билдирилди ва Бухоро халқ жумҳурияти тарафидан жўнатилган ҳадялар тақдим этилди. Мустафо Камол пошо туркистонликлар ҳайъати билан бўлган учрашув сўнгида шундай деган:

> "Мухтарам дўстлар, туркистонлик қардошларимиз! Сақаря зафари муносабати билан бизга 3 қилич ва бир Қуръони Карим жўнатибдирлар, турк миллати номидан барчаларига ташаккурлар айтаман. Бу муқаддас китобни турк миллатига тортиқ қиладирман. Бу уч қиличдан бирини мен олдим. Иккинчисини ғарб жабҳаси қўмондони Исмат пошога бердим. Учинчи қилич эса, ишғолдаги Измирга илк кирган қўмондоннинг белига тақилажакдир."[105]

Бухоро ҳайъати Туркияда турган муддат бўйича худди элчилик ҳайъати даражасида қабул қилинди, дипломатик йиғинларга чақирилди.[106]

Ана шу воқеалардан бир муддат ўтиб, Туркия ҳукумати Бухоро халқ жумҳуриятига элчилик ҳайъати юборишга қарор беради. Унга биноан расмий ҳозирликлар кўрила бошлайди. Мустафо Камол пошо 1922 йил 1 мартда нишонланган Мажлис қурилганининг иккинчи йили қутламасида сўзлаган нутқида Бухорога йўлланадиган элчилар хусусида, жумладан, шундай деган:

> "Бухоро халқ совет жумҳурияти Анқарага ўз вакилларини юбориб, мавжуд ёрдамлашиш алоқаларининг шакланишини орзу қилибдирлар ва бу орзунинг амалга оширилиши тарафимиздан уйғун кўрилмишдир... Бухорога бугунларда эътиборли аъёнларимиздан бир зотнинг раҳбарияти остида бир элчилик ҳайъатимиз йўлга чиқай деб турибдир."

Буюк элчи вазифасига Ғолиб пошо, унинг ўринбосари этиб Равшан Ашраф (Унойдин) тайинланди. Шунингдек, Ҳамидуллоҳ Субҳий Тангриўвар ҳам ҳайъатга киритилиб, Туркистонни ўрганиш вазифаси унга топширилди. [107]

---

[105] Отатуркка тортиқ этилган қўлда ёзилган Қуръони Карим бугунда Мажлис (парламент) кутубхонасида сақланмоқдадир. Олтин қиличлардан иккитасини Отатурк ва Исмат пошо тақиб юришган. 1922 йил 26 августда буюк ҳужумга тайёрланилаётганда Қўжатепада олинган машҳур расмдаги Отатурк ва Исмат Инўнунинг белларига тақилган қиличлар ўша ҳадя қиличлардир. Учинчи қилич эса Измирга юнон ишғолини илк ёриб кирган отлиқлар зобити Шараф бейга шахсан Отатурк тарафидан тақдим этилган. Бу ҳақда кенгроқ маълумот учун қаранг: Prof. Dr. Mehmet Saray, *Atatürk`ün Sovyet Politikası*, İstanbul 1990; *Atatürk`ün Milli Dış Politikası 1919-1923*, Ankara 1981

[106] 1922 йил 3 мартда Афғонистон элчихонасида ўтказилан мустақиллик куни қутлов анжуманида Бухоро ҳайъати аъзолари ҳам қатнашган. Ҳайъат бошлиғи Назирий "Шарқ шарқликларникидир" шиори асосида нутк сўзлаган. Қаранг: Zeki Sarıhan, *Kurtuluş Savaşımızda Türk-Afgan İlişkileri*, Kaynak yay. 2002, s.182

[107] Жамол пошо бир йилча олдин Тошкентдан Мустафо Камол пошога ёзган хатида Ҳамидуллоҳ Субҳий билан кенгашиб, Равшан Ашраф бейни ҳам қўшиб бир элчилик

1922 йил 9 март куни Озарбайжон элчиси Абилов, Туркиянинг Афғонистондаги элчихонасига тайинланган Фахриддин пошо ва Бухорога элчи қилиб юборилаётган Ғолиб пошо шарафига берилган бир анжуман ва зиёфат ўтказилди. Унда рус ва афғон элчилари билан бирга Бухородан Анқарага келган ҳайъат ҳам қатнашди.[108]

Афсуски, Анқарада Бухорога элчилар юборилиши Анвар пошонинг Бухоро худудига ўтган пайтига тўғри келиб қолди ва Анвар пошо босмачиларга қўшилган сираларда эса, ҳайъат эндигина йўлга отланганди. Анқара ҳукумати билан Москва орасидаги яқин муносабатларга қарамасдан, Бухоро жумҳурияти заминида тобора кучая бораётган босмачилик ҳаракати туфайли, советлар турк элчилик ҳайъатининг Ботумидан берига ўтишига йўл қўймадилар. Ҳеч шубҳасиз, Бухоро ҳукумати билан Анқара ўртасида сиёсий муносабатлар ўрнатилиши Москва учун исталмаган ҳолат ҳисобланарди. Шу боис элчи Ғолиб пошо Трабзўнда кутиб ўтиришга мажбур бўлди. Орадан олти ойлик узун муддат ўтганига қарамай, элчининг тайинланган ўлкага бориш имкони топилмади, ТБММ қарори билан ҳайъат аъзоларига юкланган топшириқлар бекор қилинди ва эски иш жойларига қайтишлари таъкидланди. Ғолиб пошо хасталангани боис буюк элчилик вазифасидан истеъфо этди.[109]

БУХОРО ЖУМҲУРИЯТИНИНГ ТУГАТИЛИШИ

1921 йилнинг октябри Бухоро жумҳурияти учун ҳам, Туркистондаги босмачилар тарихи учун ҳам мухим бир ўзгариш ойи

ҳайъатини Тошкентга жўнатиш маъқул иш бўлишини таъкидлаганди. Бухорога юборилаётган ҳайъатнинг Жамол пошо айтган кишилардан шакллантирилгани ғозий Мустафо Камол пошонинг ўша тавсияларни ҳисобга олганини кўрсатмоқда. Қаранг: Kazım Karabekir, *İstiklal Harbimizde Enver Paşa*, s.78. Шу асарда берилган 1920 й. 14 августда ёзилган хат. Мустафо Камол пошонинг нутқи учун қаранг: *Atatürk`ün Türkiye Büyük Millet Meclisi Konuşmaları ve Nedenleri*, s.435-436.

[108] Sarıhan, *Kurtuluş Savaşımızda Türk-Afgan İlişkileri*, s.182.

[109] Ташқи ишлар вазирлиги вакили доктор Ризо Нурнинг Бурдур маъбуси Исмоил Субҳий Сўйсалнинг саволига жавоби. Қаранг: *TBMM Gizli Celse Zabıtları*. *Dr. Rıza Nur`un Moskova-Sakarya Hatıraları*, s.289

Аҳмад Наим Ўктам хотираларида бу мавзудаги фикрларини шундай баён қилган: “Истанбулдан Туркистонга қайтишда Ботумга бордим. У ердаги турк консули Иброҳим Толий бейга учрадим. Бир вақт ёнимиздаги хонадан Ҳамидуллоҳ Субҳий бей чиқиб келди. У одам “Турк ўчоқлари”нинг раиси эди. У менга шундай деди: “Наим, ўғлим, қаёқдан келиб қолдинг. Бу мўскўвлар бизни Туркистонга қўйишмаяпти. Анқара ҳукуматимиз Туркистонга элчилар тайинлади. Буюк элчи Трабзўнда кутиб ётибди. Виза бермаганлари боис Трабзўндан Ботумга келолмаяпти. Мана сенга Туркия–Русия дўстлиги...” Қаранг: Allworth E.A. *A Conversation with Ahmad Naim Nasratullah Bek, Bukharan Jadid* (Reform Movements and Revolutions in Turkistan. Ed. Timur Kocaoğlu), SOTA Harlem, 2001, s. 103

бўлди. Анвар пошо, ёнида Қушчизода Салим Сомий (ҳожи Сомий) ва истъефодаги зобит Муҳиддин бей билан биргаликда Бухорога келди. 21 кун бу ерда қолиб, Бухоро ҳукуматининг катталари билан кўришди, умумий вазият билан яқиндан танишди. Бу орада руслар Анвар пошонинг ўз сафларида бўлмаслигининг фарқига боришди. Шундан келиб чиқиб пошога муносабатларини ўзгартиришди. Буни илғаган Анвар пошо ҳам ҳушёр тортди. Афғонистондан Москвага кетаркан, у билан кўришмоқ учунгина йўлусти Туркистонда тўхтаган Жамол пошо билан учрашувга тўсқинлик қилингани эса Анвар пошони анча ўйлантириб қўйди. Ниҳоят, 8 ноябрда пошо ёнидаги турк субайлари, бир бўлак аскарлар билан бирга Бухоро шаҳрини яширинча тарк этди. Оз ўтмай, совет Русияси ҳукуматига қарши бир баённома эълон қилиб, қўрбошилар ҳаракатига қўшилди.

Айни чоғда Душанбада Бухоро жумҳурраиси Усмонхўжа билан босмачилар ҳаракати вакиллари учрашдилар. Аммо бу музокарадан кейинги хотиржамлик узоққа бормади, Бухоро халқ жумҳурияти билан шарқий Бухородаги қўрбошилар ўртасидаги келишув бузилиб, босмачилик уруши тағин оловланди. Оғир аҳвол билан яқиндан танишиш, керакли чоралар кўриш учун шахсан давлат бошлиғи Усмонхўжанинг ўзи, ёнига маслаҳатчиси Али Ризо бейни, бир бўлак лашкарни олиб, шарқий Бухорога боришга мажбур бўлди. Бироқ Душанбадаги бир рус горнизонидаги йиғилиш пайтида рус ҳарбий бошлиқлари билан жиддий келишмовчилик юз берди ва бу иш жанжалга, тўқнашувга айланди. Усмон Хўжаўғли давлат бошлиғи сифатида рус горнизонига ҳар қандайин ҳаракатни таъқиқлади. Атрофдан ёпирилиб келган рус аскарларининг Душанбага ҳужуми кучайгач, Усмон Хўжаўғли халқни мудофаага чақирди, бир баённома тарқатиб, советларга қарши курашни бошлаб юборди.[110] Руслар жуда кўп аскар йиғаркан, танг қолган Усмон Хўжаўғли Душанбадан чекинди. 1921 йил бошларида эса, Али Ризо бей билан бирга мажбуран Афғонистонга ўтиб кетди.

Ана шу воқеалардан кейин Бухоро ҳукумати ичида бўлинишлар пайдо бўлди. Душанбадаги ҳодисалардан жаҳли чиққан Бухородаги рус элчиси Юренев Бухоро ҳукуматига норозилик ультиматуми берди, унда Усмонхўжани “хоин” деб эълон қилишни, Бухоро давлати қўшинларини Тошкент советига боғлиқ Туркфронт ихтиёрига ўтказишни талаб қилди.

[110] Баённоманинг мазмуни шу: “Туркистон ўлкасини ярим асрдан ортиқ еб ётган душман истилосидан қутулиб, ҳуррият ва истиқлолга эришмоқ барчамизнинг кўнглимизда яшаган энг теран тилак эканига шубҳа йўқ. Энди ана шу амалга эришмоқ замони келди. Қўлида қуроли бор ва қурол тутишга қодир ҳар бир туркистонликни бу шарафли вазифани бажаришга чақираман. Яшасин ҳуррият ва истиқлол!” Қаранг: Baysun, *Türkistan Milli Hareketleri*, s. 65



Бухоро халқ жумҳурияти вазирлар шўроси раиси Файзулла Хўжаев

Файзулла Хўжаев раҳбарлигида ўтказилган ҳукумат мажлисида, жумладан, айбсизлиги исботланган тақдирда бекор қилиниши шарти билан жумҳурраис Усмонхўжани “хоин” деб эълон этди. Ҳодисани текшириш учун собиқ молия вазири Носир махдум бошчилигида гуруҳ тузилди. Ёш бухороликлар сафдошларидан бири, хусусан ўз жумҳурраисларини мажбуран қораланаётганидан, русларнинг бу зўравонлиги олдида ожизона рози туришларидан безовта эдилар. Бир чора йўлини излашарди. Носир махдум бошчилигидаги текшириш гуруҳи Усмонхўжани айбсиз деб қарор чиқарди. Энди орқага қайтиш йўқ, бўлар иш бўлган эди, қарор ҳам ўзгартирилмади. Носир махдум русларнинг истагига қарши олинган бу қарор айниқса ўзига катта зарар келтиришини билгани учун орадан ғойиб бўлди. Олдинига Бокуга, Озарбайжондаги Бухоро ҳукуматининг элчиси, туғишгани Муҳиддин махдумнинг ёнига борди. Сўнгра Бокудан Туркияга кетди ва у ерда Туркистон Миллий Бирлигининг аъзоси сифатида фаолиятини юритди.[111]

[111] Юқоридаги асар, 85 б.

Бошқа бир томонда эса, бир маҳал Бошқирдистондан яширинча чиқиб кетган Закий Валидий айни чоғда Хоразм халқ жумҳурияти ҳудудида пайдо бўлди. У октябр ойи бошларида Бухорога келди ва Анвар пошо билан кўришди. Бухоро жумҳуриятидаги мавжуд вазият билан яқиндан танишган Закий Валидий ҳам алоҳида сиёсий ташкилотга бирлашиб, қуролли кураш бошлаш фикрида эди. Унинг Файзулла Хўжаев билан учрашувига оид хотираларида ёзганлари ўша олатасир замонда Туркистон зиёлилари ва йўлбошчиларининг нақадар бошбошдоқлик ичида ҳаракат қилганини кўрсатиши жиҳатидан эътиборлидир. Валидий хотираларида шундай дейди :

> “Анвар ҳам, сен ҳам босмачилар томонига ўтсанглар, унда очиқ жанг бошлаймиз. Сизга мансуб шубҳали одамларни ичимиздан чиқарамиз. Зотан Орифовни ҳарбий вазирликдан бўшатишимни руслар кўпдан бери кутиб юришибди. Буларни билиб ол. Яъни, балки бундан кейин кўришмасмиз. Муҳаққақки, энди қаттиқ ҳаракатга киришамиз. Нима бўлгандаям Султонов вазифасида қолади. Унинг воситасида хабарлашиб турамиз.” Файзулла шу гапларни менга айтиб бўлди-да, чорасиз қолганидан, аламидан йиғлаб юборди.”[112]


Чунончи, Файзулла Хўжаев Душанба ҳодисалари бошланиши биланоқ, Бухоро жумҳуриятининг жумҳурраиси ва қариндоши Усмонхўжага махфий одам йўллаб, сиёсий вазиятнинг таҳликалик эканини билдирган, қайтиб келмасликни тавсия этган.[113] Агарда Усмон Хўжаўғли Бухорога қайтса, албатта қамаларди.

Бу орада руслар анчадан бери интилаётган мақсадларига эришди, Бухоро давлати қўшинлари қўмондонлиги Тошкент совети бошқарувидаги Туркфронтга олиб берилди. Бу қарор чиқиши биланоқ Бухоро ҳукуматини қурганларидан бери миллий ўрду тузишга тиришиб ётган ҳарбий вазир Абдулҳамид Орифов ҳам босмачиларга қўшилишга аҳд қилди ва 1921 йил 23 мартда Анвар пошонинг ёнига кетди.

Ўша пайтдаги умумий вазият бўлшевикларнинг бошидан бери ўйлаб келаётгани Бухоро халқ жумҳуриятини советлаштириш режасига мос ва мувофиқ эди. Шўролар дарҳол ишга киришди. Когондаги Русия вакили марказга ўз фикрини билдириб, шундай ёзди:

> “Файзулла гуруҳи учун коммунизм идеали мавжуд эмас. Барча хўжаевларга коммунизм қалқони ўз мансабу мартабаларини қўриқлаш учун керак холос”.

[112] Togan, *Hatıralar*, s. 393
[113] Hayit, *Basmaçılar*, s. 202



Харита 2. Туркистонннинг 1922 йиллардаги сиёсий харитаси

Русиядаги давлат тўнтаришининг лидерларидан бири Оржоникидзе 1921 йил 18 майда Бухорода сўзлаган нутқида, жумладан: “Вазирлар кенгаши раисининг бир бухоролик бўлишига қарши эмасман. Марказий ижро қўмитасининг бошлиғи ҳам бир бухорлик бўлиши мумкин. Фақат коммунистик партия секретарининг миллий жиҳатдан мустақил бўлиши шарт. Вазирларнинг ҳам миллий томонига қарамаслик керак. Шубҳасиз, бухорлик бўлгани албатта яхши. Бироқ бир рус ёки гуржи бўлиши

Орифовдан [114]кўра тағин ҳам яхшидир," деркан, у маълум бир маънода, советларнинг келажакда бу ўлкаларда амалга оширажак идора тизимининг қандай бўлишидан ҳам дарак бермоқда эди.[115]

Ана шу ҳодисалардан қисқа бир вақт ўтиб, Бухоро халқ жумҳурияти ҳукумати аъзоларининг барчаси тутиб қаматилди. Бухоронинг советлаштирилишини маъқуллаган, бўлшевикларнинг эндиги талабларига ҳам кўнганлар озод этилиб, вазифасига тикланди. 1923 йил бўйича Бухоро жумҳурятининг советлаштирилишига қаршилик кўрсатишга интилган Абдурауф Фитрат, Наимжон Ёқубзода, Саттор Хўжаев ва шунга ўхшаш мухолифлар ҳокимиятдан узоқлаштирилди ёки маҳв этилди. Ниҳоят, 1924 йил 19 сентябрда Бухоро халқ жумҳурияти социалистик республика деб эълон қилинди. Шундан бир кун ўтиб тўпланган халқ вакилларининг бешинчи қурултойида Бухоро социалиистик республикасини тугатишга қарор берилди.

Қисқа бир муддатдан сўнг эса, Туркистон ўлкасида янги совет жумҳуриятлари қурилди ва Сталиннинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланган "Туркистон тушунчасини тарихдан ўчириб ташлаш ва уруғ-элатлардан миллат яратиш" режаси амалга оша бошлади.[116]

УСМОНЛИ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТАЪСИРЛАРИ

Усмонли империяси тарих бўйича Туркистонда қурилган давлатлару хонликларга билвосита ёки бевосита, турли-турли жиҳатлардан таъсир қилган. Биз бу ерда узоқ ўтмишга эмас, асосан 1920 йиллардан кейин хорижда юз берган Туркистон мужодаласига боғлиқ нуқталарга, унинг пайдо бўлиши ва шаклланишига оид йўналишлару таъсирларга эътиборни қаратмоқчимиз. Бу таъсирларни икки тамал доирада ифодалаш мумкин. Илк таъсир биринчи жаҳон урушида Қафқаз жабҳасида тутқунликка тушган, Сибирга ва Русия империясининг турли ўлкаларига сургун этилган турк ҳарбий асирлари, шунингдек, ҳар хил йўллар орқали Туркистонга бориб қолган кўнгиллилар билан боғлиқдир. Уруш тугагандан сўнг ўша асирларнинг бир бўлаги Туркистоннинг айрим минтақаларига жўнатилган. Улар миллий истиқлол курашида жадидлар ва қўрбошилар билан бир сафда туриб фидокорлик кўрсатганлар. Иккинчи муҳим таъсир иттиҳод ва тараққий ҳаракатидир. Бу ҳаракат жадидлик оқими билан биргаликда Туркистоннинг барча ўлкаларида етишган зиёлилар ва сиёсийларнинг фикрлаш ва ташкилотланиш жиҳатидан ўсишларига жуда катта таъсир қилган. Истиқлол кураши

[114] Бр муддат олдин босмачиларга қўшилибкетган ҳукуматнинг ҳарбий вазири Абдулҳамид Орифов кўзда тутилмоқда.
[115] Hayit, *Türkistan, Rusya ile Çin Arasında*, s. 265
[116] Қаранг: харита 4.

давомида, жумладан, Жамол пошо, Анвар пошо ва ҳожи Сомий каби иттиходчилар ўлкадаги жараъёнларга шахсан қўшилиб, Туркистон ичидаги ва ташқарисидаги мужодаланинг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатишди. Қуролли жанглар тугагандан кейин ҳам Туркистон истиқлолчилари ва итиҳод ва тараққийнинг эски аъзолари ўртасдаги алоқалар узилмади. Шу боис бу мавзуни алоҳида ўрганиш лозимдир.

ҲАРБИЙ АСИРЛАР ВА КЎНГИЛЛИЛАР

Биринчи жаҳон уруши пайтида Қафқаз жабҳасида урушган мингларча турк субайи ва аскари русларга асир тушган. Бу тутқунларнинг умумий сони русча ва туркча манбаларда 60-65 минг атрофида дея таъкидланмоқда. Айниқса, урушнинг бошидаёқ, фалокатли якунланган Сариқамиш жангида, хусусан 9-ўрду қўмондони Эҳсон пошонинг ўзи, 300 қадар зобити ва 15.000 аскари чор қўшинлари томонидан қўлга олинди. Ўшандан кейин русларнинг Арзирумга ва Трабзўнга ҳужумлари, шунингдек, туркларнинг 2-ўрдусининг 1916 йилдаги русларга ҳужуми натижасида ҳам мингларча турклар асир тушган. Тутқунлар фақатгина қўшин мансубларидан иборат эмасди. Биринчи жаҳон уруши бошланишидан аввалги даврда Қора денгиз минтақасидан чор Русиясига турли ишлар билан ўтиб қолган минг-минглаб турклар эндиликда Новороссийск, Одесса каби шаҳарларда янамоқда ва тижорат билан шуғулланмоқда эди. Уруш бошланиши биланоқ бу инсонлар ҳам тутқунлар қамоғига жўнатилганди. Руслар ишғол қилган Ардахан, Қарс, Ботум элларида ҳам мусулмон аҳолининг маълум бир қисми шубҳали ҳисобланиб, асир қилиниб, чор ўлкасидаги турмаларга юборилган. Буларнинг ёнида, ана шу тутқун гуруҳларга қўшимча ўлароқ, аввал иттиҳод ва тараққийчиларга қарши курашиб, ночорликдан Русияга сиғинган қочқинлар, мухолифлар ҳам бор эди. Бу асирларнинг барчаси Ўмск, Тўмск, Иркутск, Ўрол, Самара, Қозон, Нижний Новгород, Харкўв, Боку каби шаҳарлардаги махсус асир қамоқхоналарида сақланмоқда эди. Турк асирларининг катта бир қисми турган ерларидаги фабрика-заводларда, қурилишларда ёки далаларда ишламоқда эди. [117]

Ҳарбий асирларнинг қаерда экани ҳақида бошида ҳеч қандай маълумот бўлмаган. Вақт ўтиб, бу асирларнинг Боку атрофидаги Норгин оролига, Иркутск ва Сибирдаги бир қатор шаҳарлардаги қамоқларга, Туркистондаги Еттисув турмаларига жўнатилгани аста-секин аён бўлди. Айниқса, турк субайлари, қочишининг олди олиниб, Сибирдаги энг узоқ қамоқларга ташланган. Шунга қарамай, биринчи жаҳон уруши давом этаркан, қамоқхоналар атрофида яшаган Русия империясига қарам туркий халқлар вакиллари турмалардаги туркиялик асирлар ҳаётини

[117] Aslan, *Türkiye Komünist Fırkasının Kuruluşu ve Mustafa Suphi*, s. 43

енгиллатишга интилишган, имкони топилса, қочишларига ёрдам беришган. Зотан, Эҳсон пошо билан бирга қамалган бир неча субайнинг тутқунлар лагеридан қочиб, Чинга ўтиб кетишида Қозон татарлари кўмак кўрсатишган.

Бўлшевикларнинг давлат тўнтаришидан бир ой сўнгра Русия ва Олмония орасида бошланган яраш музокаралари март ойида якунланди ва 1918 йил 3 мартда Брест-Литовск битими имзоланди. Лиқиллаб қолган чор тахти бўлшевиклар исёни боис ост-уст бўларкан, Русия ана шу битим баҳонасида урушдан чекинди. Рус қўшинлари Пўлша ва Болтиқбўйидаги ўлкаларни ташлаб чиқди. Бу битим Олмония билан урушда бир жабҳада қатнашган Усмонли империяси учун ҳам айрим имконлар яратди. Битимдаги шартларга кўра, чор Русияси тарафидан ишғол қилинган Қарс, Ардахан, Ботум эллари Усмонли салтанатига қайтиб берилди.[118] Ўша битим шартларида тарафларнинг ҳарбий асирларни ўз ватанларига қайтиришлари таъкидланганди. Бироқ совет Русиясида бошланган ички уруш бу шартни амалга оширишни анчагина оғирлаштириб қўйди.

1917 йилнинг ноябр ойида “Турк юрти” (Türk Yurdu) журналини чиқаргани учун бутун турк дунёсида яхши танилган Қозон туркларидан Юсуф Оқчўра бек “Хилоли ахмар” жамияти тарафидан Копенгагенга жўнатилди. Талъат пошонинг кўрсатмасига биноан, Оқчўра Брест-Литовск музокарасида “Хилоли ахмар”нинг вакили сифатида иштирок этди. Битим имзолангандан кейин Оқчўра, бўлшевиклар ҳукуматининг розилиги билан, Испания элчихонасига боғлиқ “Хилоли ахмар”нинг вакили сифатида Русияда қолди.

Усмонли давлати Олмониянинг асирлар билан шуғулланувчи ҳайъатига қўшиб алоҳида ҳайъат тузди, унга Рамзи пошони бошлиқ этиб тайинлади. Молия вазирлигида ишлаган ҳуқуқчи Али Ҳайдар бей ҳам асирлар тўғрисида билги тўплаш учун Москвага йўлланганди. Айни шу чоғда Москва, Қозон, Петроград, Уфа, Ўринбург каби шаҳарларда Русия турк халқлари тарафидан туркиялик ҳарбий асирларга ёрдам бериш мақсадида комитетлар тузиш бошланиб кетганди.

Юсуф Оқчўра 1918 йил 14 мартда Москвага келди ва Русиядаги Усмонли ҳарбий асирларига очиқ хатини нашр эттирди. Бу хат Русиядаги кўплаб туркий халқлар матбуотида ҳам чоп қилинди. Оқчўра бу хатида, жумладан, Сибириядаги каби узоқ ерларда жойлашган қамоқхоналардан хабар ола билмаганларини таъкидлаб, усмонли турк асирларига энди нима қилишлари кераклиги ҳақида тавсиялар берганди. Москвадаги олмон асирлар комитети билан биргаликда ишлаган турклар ҳайъати ҳам бу даврда жуда кўплаб ҳарбий тутқунларнинг юртга қайтишини ташкил қилиб берди.

[118] Armaoğlu, *20.Yüzyıl Siyasi Tarihi*, s.140

Юсуф Оқчўра 1919 йил охирларида Истанбулга қайтди. У 2 октябрда “Сабоҳ” газетасида, сўнгра “Турк дунёси” журналида босилган “Русиядаги асирларимиз” сарлавҳали мақоласида Русияда қолган турк ҳарбий асирларига оид муҳим маълумотларни берган. Оқчўранинг айтишича, Москвадаги совет ҳукуматига қарашли ерларда 400, оқлар қўлидаги Сибирияда 6000, шимолий Қафқазда 2000. Украинада 1800 ва Туркистонда 300 турк асири мавжуд.[119]

Русияда бўлшевиклар давлат тўнтаришини бошлаганидаёқ иттиҳод ва тараққий раҳбарлари Озарбайжон ва Туркистон каби ўлкаларда Усмонли давлатининг таъсирини орттириш ва мумкин бўлса, уларни Туркияга қўшилишини уюштириш ва у жараёнда турк ҳарбий асирларидан фойдаланиш борасида баҳсга киришгандилар. Брест-Литовск битимидан кейин Русия билан Туркия ҳукуматлари ташкил этган бир ҳайъатда ишлаган Ғолиб Камолий бек 1918 йил 21 январда Петроградцан Истанбулга ёзган хатида бу мавзу борасидаги фикрларини шундай ифодалаган:

> “Русияда тутқунликда бўлган зобитони Усмониядан баъзиларини турли ишларга жалб этиб, улардан фойдаланиш мақсадида уларни Қирим, Қафқаз, хусусан Туркистонда қолдириш хотири ожизонамга келмишдир. Бунинг не даражага қадар мумкин ва мужиб ва муяссар ўлабилажагининг тайин ва тақдири ҳукумати олиянинг қарори вуқуфкоронасига боғликдир.” [120]

Бу пайтларда Сибирда адмирал Колчак, жанубий Русияда эса генерал Деникин ва Врангел қўмондонлигидаги чорлик тарафдори бўлган қўшинлар қизилларга қарши жанглар олиб бормоқда эди. Сибирия ва Ўрта Осиёда ўз ҳолига ташлаб қўйилган олмон, чех, австриялик ва ёки пўлшалик аскарлар ички урушнинг турли жабҳаларида, баъзилари оқлар, айримлари эса қизиллар сафида жанг қилмоқда эди.

Русияда марказий ҳокимиятнинг ағдарилиши оқибатида мамлакатда бошбошдоқлик бошланди ва бу қамоқлардаги аҳволни янада ёмонлаштирди. Озиқ-овқат тансиқлиги ҳаддан ошди. Озарбайжон ва Татаристон ўлкаларидаги турмаларга халқ тарафидан уюштирилган исломий хайрия жамиятларининг анчагина кўмаги тегди. Окябрдаги давлат тўнтаришидан кейин бўлшевикларнинг ташвиқотчилари турмаларгача кириб борди. Совет ҳукумати асир аскарлардан байналмилал қисмлар тузиб, улардан урушда фойдаланмоқчи эди. Ана шу

[119] Бу мавзуда кенгроқ маълумот учун қаранг: Nimet Akdes Kurat, *Türkiye ve Rusya*. Kültür Bakanlığı yay. Ankara, 1990

[120] DVP I., vesika 319, ss 443/4. (Kurat, *Türkiye ve Rusya*, s. 551.)

жараёнда бир бўлак турк асирларининг ҳам коммунистик ташвиқотга учиб, қизиллар билан бир сафда жанг жанг қилгани маълумдир.[121]

Қамоқлардаги турк асирларининг аҳволига оид энг аниқ ҳужжат 1920 йили 26 апрелда Бошқирдистон жумҳурияти мудофа ишлари комиссари Закий Валидий (Тўғон) тарафидан Ленин ва Троцкийга юборилган телеграммадир. Унда ҳарбий асирларнинг қизил қўшинга бирикуви борасидаги режа ҳам англатилган. Шунингдек, бу ҳужжат Русиядаги турк халқлари лидерларининг туркиялик ҳарбий асирлар тақдирига нақадар жонкуярлик билан қараганлари жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Телеграммада шундай дейилган:

"Ўртоқ Ленинга, ўртоқ Троцкийга.

Сибирияда 12.500 турк ҳарбий асири бор эди. Кўпи очликдан, хасталикдан вафот этди ёки отиб ўлдирилди. Қолган 2500 кишининг аксари энди Красноярск, Ўмск ва Юқори Удинск шаҳарларида турибди. Улар орасида меҳнатга лаёқатлилари анчагина. Сўнгги икки ой ичида Бошқирдистонга уларнинг тўрт ҳайъати келди ва она ватанларига қайтишларига ёрдам беришимизни илтимос қилишмоқда. Кўпчилиги касал. Ораларида аскарликка ярайдиганлари жуда оз. Уларни Семипалатинскда тўплаб, Верний орқали Тошкентга, у ердан Эрон йўли билан ўлкаларига жўнатсак бўладими?

Истаганлари аскар сифатида турк қизил бўлинмаларига қўшилиши мумкин. Бу бирлик Фрунзе қўмондонлигида, турк коммунистлари Лутфи Умар ва Мустафо Субҳий томонидан Тошкентда тузилмоқда. Одесса йўлининг ёмонлиги боис у томондан қайтишларини истамаймиз. Яна айни пайтда совет Бошқирдистонида яшашни хоҳлаган докторлар ва бошқа мутахассиларнинг ҳам Сибириядан Стерлитамақ шаҳрига келишларига изн беришингиз керак. Бу кишиларнинг Сибирдан Тошкентга кетишлари учун йўл харжи берилишини илтимос қиламан. Чунки улар оч, ҳатто баъзиларининг кийими ҳам йўқ. Уларни ўлимдан қутқаришингизни ўтиниб сўрайман.

[121] 1919 йили Астрахан шаҳрини оқлардан ҳимоя қилишда қатнашган байналмилал аскарлар орасида юзбоши Ёқуб бошчилигидаги турк кўнгилли бўлинмаси ҳам бўлган. Шунга ўхшаш ишлардан бири, масалан, француз ишғолчилари сафидаги мусулмон аскарлар орасида олиб борилган тарғиботу ташвиқотлар Одесса инқилоб комитетига боғлиқ турк ҳарбий асирлари томонидан бажарилган. Турк коммунист партияси бошлиғи Мустафо Субҳий учинчи байналмилалнинг илк қурултойида сўзлаган нутқида "Бугунда Русиянинг бир қатор жабҳаларида совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш учун мингларча турк қизил муҳофизи жангларда фаол қатнашмоқда" деган. Бир оз кейинроқ турк коммунистлар партиясининг ташаббуси билан Бокуда турк қизил аскарлар олойи (полки) тузилган. Мустафо Субҳий ва йўлдошларининг ўлимидан сўнгра ўша олой Туркияга олиб келинган. Ана шундай қилиб, 1920 йил бошларида қизил қўшин сафларида турк аскари қолмаган. Бу мавзуда кенгроқ маълумот учун қаранг: Yavuz Aslan. Türkiye Kommünist Fırkasının Kuruluşu ve Mustafa Suphi. Türk Tarih Kurumu yay. Ankara 1997.

Стерлитамақ шаҳри, Бошқирдистон жумҳурияти ҳарбия халқ комиссари Валидов’’[122]

Кўриниб турибдики, Брест-Литовск битимидан икки йил ўтганига қарамасдан, турк ҳарбий асирларининг бир қисми ҳануз ватанларига қайтолмай, сарсон вазиятда қолган. Бўлшевикларнинг давлат тўнтариши ва Брест-Литовск музокарасидан кейинги бошбошдоқлик муҳитида Сибирдаги турмалардан жанубга қараб кета олган турк асирлари Туркистонга ва Қафқазга кела олгани эса, Боку орқали Туркияга йўналмоқда эди. [123]

1918 йилда мустақил Озарбайжон республикасининг тузилишидан сўнгра, айниқса, собиқ усмонли турк субайлари учун бу ўлка оханрабо бир марказга айланди. Кейинги даврда иттиҳодчилар, Жамол пошонинг Афғонистонда инглизларга қарши алоҳида бир жабҳа очиш режасига мувофиқ, усмонли ҳарбий асирларини Туркистонга ва у ердан Афғонистонга жўнатиш устида иш олиб бормоқда эди.

Ёш бухороликлар томонидан қурилган Бухоро халқ жумҳуриятида мудофаа вазири вакили сифатида ишлаётган юзбоши Али Ризо бейнинг Халил пошога ёзган бир хати ўша вақтдаги вазиятни оппа-очиқ ифодалаши жиҳатидан мухимдир. Мактуб 1921 йил 23 августида битилган. Унда, жумладан, шундай дейилган:

“Мухтарам Пошо хазратлари,

Бандангиз боғлиқ бўлганим ҳукуматдан ҳеч бир изн олмасдан, фақат ташаббуси шахсиям натижасида Сибирияда қолган асир турк қардошларимни қутқаришга ҳаракат қилдим ва муваффақ ҳам бўлдим. Бугунга қадар Сибириядан бу ерга келтирган дўстларим сони 985 тадир. Охирги марта ўзим билан бирга Самарага олиб келганим икки юз ўттиз етти кишилик карвоннинг саксонтаси Бокуга, қолгани Тошкентга юборилганди. Самарада Жамол пошо хазратлари билан тасодифан кўришиб қолдим. Зоти олийга етказишим учун хазратнинг менга берган расмий хати бу мактубга илова қилинмоқда. Тошкентга етиб келган дўстлардан бир қисми Жамол пошо билан бирга Афғонистонда фаолият юритишмоқда. Бир қисми Хива халқ жумҳуриятига, мингбоши Усмон бей қўмондонлигида иш олиб бориш учун у ёққа жўнатиладир. Бошқа бир гуруҳ ўртоқлар ҳам бугун Бокуга қараб йўлга тушдилар... боқий эхтиромимни арз этурман...

Юзбоши Али Ризо”[124]

---

[122] Cenk, Sabolev. *Belgelerle Osmanlı Rus İlişkileri*. Milliyet Gazetesi, 16 Haziran 1993

[123] Сибириядаги турк ҳарбий асирлари ва уларнинг Туркистонга ўтишлари билан боғлиқ мавзуда кенгроқ маълумот учун қаранг: Tahsin İybar, *Sibirya`dan Serendib`e*. Ulus Basımevi: Ankara, 1950; Raci Çakıröz, *Türkistan`da Türk Subayları 1914-1923*. (Timur Kocaoğlu), Türk Dünyası Tarih Dergisi, sayı 1-11, 1987; Halil Ataman, *Esaret Yılları*. Kardeşler matbaası, İstanbul, 1990.

[124] Karabekir, *İstiklal Harbimizde Enver Paşa ve İttihat Terakki* Erkanı, s. 311



Турк зобитлари ва туркистонлик жадидлар: олдинда ётганлар (чапдан ўнгга): 1.Абдулвоҳид. 2.Баширилло. Иккинчи қатор: 1.Толибжон. 2.Мусахон Мажид оқсоқол ўғли. 3.Отахон. Учинчи қатор: 1.Кабир Бакир. 2.Сулаймон Сомий бей. 3.Миён Бузрук. 4.Қаймақом Юсуф Зиё бей. 5.Мунаввар қори. 6.Юзбоши Ғолиб. 7. Юзбоши ... 8.Исроилжон.Тик турганлар: Эшон хўжа, Ҳайдар бей, Зоҳиржон, Абдулқодир, Юсуфжон Аҳмаджон ўғли.

Расм 1920 йилнинг баҳорида Тошкентда олинган. (Аҳат Андижон архиви)

Ҳақиқатан ҳам, юзбоши Али Ризо Сибирнинг Краноярск шаҳридаги қамоқдан кўпчилигини субайлар ташкил этган юзларча ҳарбий асирларни қутқариб, бир бўлагини Туркистонга, бир қисмини эса Туркияга жўната олган. Бу орада Бухоро жумҳуриятидан Бокуга келган вакил ҳам Озарбайжондаги усмонли субайларини ва маориф соҳасида ишлаш учун кўнгилли зиёлиларни Туркистонга юбораётган эди. Натижада, руслар қанчалик қаршилик кўрсатмасинлар, Бухоро ва Хивада қурилган халқ жумҳуриятларининг ҳарбий жиҳатдан шаклланишларида асосан усмонли субайлари бошчилик қилдилар. Усмонли ҳарбий асирларининг, хусусан субайларнинг бу фаолиятлари Анвар пошонинг Бухорога келиб, қўрбошиларга қўшилиб кетганига қадар жадал суратда давом этди. Турк субайларининг баъзилари Анвар пошо билан бирга эди, бир бўлаги эса, кейинги пайтда босмачилар тарафига ўтиб кетганди. Босмачиларга қўшилмаган субайлар эса, совет маъмурлари томонидан бир ерга тўплаб, Туркияга жўнатилганди.[125]

Асир усмонли зобитларининг Туркистондаги энг муҳим ишларидан бири уларнинг маориф соҳасида кўрсатган хизматларидир. Жадидлик ҳаракати кенгайиб боргани сайин унга тенгма-тенг янги мактаблар сони ҳам ўса борди. Ана ўша мактабларда усмонли турклари (ҳарбий асирлар ва оддий зиёлилар) ўқитувчи бўлиб ишладилар. Жадид мактабларида узоқ йиллар дарс берган Рожий Чақирўзнинг хотираларида бу мавзуга оид нодир маълумотлар учрайди. Жумладан, у ўша йилларни шундай эслайди:

> “1918 йилнинг январ ойида Тошкентга келдик... Янги-янги очила бошлаган мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлашимизни сўраб роса илтимос қилишгач, Тошкентда бир муддат қолишга қарор бердик. Демак, Анадўлумиздан минг-мингларча километр узоқдаги бир турк ўлкасида ўқитувчилик қилиш тақдирда бор экан-да. Зотан, биздан аввал бу юртга келган турк субайлари ҳам муаллим бўлиб ишламоқда эдилар.
>
> Бу дўстлардан Ҳайдар Шавқий биринчи “Намуна” мактаби ўқитувчиси ва “Темир” тўдасининг бошқарувчиси эди. Ғолиб олтинчи “Турон” мактабида, юзбоши Шукрий иккинчи “Мухторият” мактабида (“Турон кучи” тўдасининг раҳбари), Саид Аҳрорий ўн иккинчи “Турон” мактабида (“Изчи” тўдаси раҳбари), Истанбулда ўқиб қайтган Абдурраҳмон ўнинчи “Ирфон” мактабида ҳамда “Тараққий дернаги” тўдасининг бошқарувчиси бўлиб хизмат қилишарди. Мени олтинчи “Турон” мактабига йўллашди. Ўша мактабда фаолият кўрсатаркан, “Турк кучи” тўдасини тузиб, миллий-тарбиявий ишлар ҳам олиб бордим. Хуллас, бу беш синфли бошланғич мактабларда туркистонлик

[125] Çakıröz. Türkistanda Türk Subayları 1914-1923. Türk Dünyası Tarih Dergisi, sayı 10, 1987, s.41.

муаллимлар билан биргаликда биз, Анадўлудан келиб қолган асир турк субайлари ҳам дарс бера бошлагандик.

Тўда деб аталган изчи ташкилотлари ўсмир ёшлар дернаги-жамияти шаклида қурилганди. Бу тўдаларда ёшлар бадантарбия ва спорт машғулотлари билан шуғулланарди... Биз келган пайтда жадид турк мактаблари сони 72 тага етганди (Тошкент шаҳри бўйича). Бирин-кетин очилган бу мактабларга ўқитувчи топиш оғир муаммога айланганди. Бу масалани ҳал этиш учун рус-тузем мактабларида ўқиган юқори синф ўқувчиларидан баъзиларини ўша бошланғич мактабларга ўқитувчиликка олина бошланди. Бундан ташқари, ўқитувчиларни кўпайтириш мақсадида уч ва олти ойлик малака ошириш курслари ҳам очилди."[126]

Туркистонни советлаштириш даврида бу инсонларнинг деярли барчаси Туркияга қайтишга мажбур бўлишди. Бир қисми эса, Туркистон истиқлоли учун бошланган миллий курашга қўшилиб кетди. Бухоро ҳукуматининг тафтиш ҳайъати 1922 йил февралида бир билдириш эълон қилди, унда Бухоро жумҳурияти ҳудудларида турган ва Усмонли давлати паспорти бўлган кишилар, барча ўқитувчилар ва савдогарларнинг энг қисқа пайтда бу ўлкадан чиқиб кетиши кераклиги таъкидланганди. Ўқитувчилар бу билдиришга қарамай, ишлашда давом этавердилар. Шу орада Усмонли империяси ватандошларидан 7 хотин ва 24 эркак ўқитувчи ушланиб, Москвага жўнатилди. Бу ҳодиса шуни кўрсатмоқдаки, совет ҳукуматининг зулму босқиси энг кучайган йилларда ҳам идеалист, кўнгилли ўқитувчилар азим ишонч ва чидам билан ўз вазифаларини бажаравергандар.

Жадид мактабларида ўқитувчилк қилган усмонли зобитлари ва туркистонлик жадидлар. Биринчи қатор, ерда ўтирганлар (чапдан ўнгга): 1. Отахон Низомхон. 2.Усттегман Атиф. 3.Муҳаммадамин Афандизода. 4.Султонхўжанинг ўғли. 5.Рожий Чақирўз. 6.Карим Норбўтабек. 7.Шоисхоқ қори. Иккинчи қатор: 1.Козим бей. 2.Талат бей. 3.Аҳмад Рифат бей. 4.Мунаввар қори. 5. Нури бей. 6.Саъдуллахўжа Турсунхўжаев. 7... 8.Юзбоши Жамол. 9.Юзбоши Шукри бей. Учинчи қатор: 1. ... 2.Алиев. 3.Саид Икром. 4.Усттегман Зиё. 5. ... 6.Юзбоши Лутфи. 7.Миён Бузрук. 8.Абдулғани. Тўртинчи қатор: 1.Мухтор бей. 2.Юзбоши Ғолиб бей. 3. Ҳайдар Шавқий. 4.Султонхўжа Сиддиқхўжаев. 5.Юсуф Зиё бей. 6.Тошпўлат Норбўтабеков. 7.Абдулкарим бей. 8.... 9. ... 10. ... Расм 1920 йил 14 апрелда Тошкентда, Туркистон жадидларидан Султонхўжанинг боғида олинган.

(Аҳат Андижон архиви)

[126] Ўша асар, 4-сон, 42-44 б.

ИТТИҲОД ВА ТАРАҚҚИЙ ТАШКИЛОТИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАР

Туркистон жадидларининг Туркиядаги иттиҳод ва тараққий оқими билан танишувлари баъзи аъзоларнинг ўша Истанбулга келиб, ўқиб юрган пайтларидан бошланган. У йилларда султон иккинчи Абдулҳамидни четга суриб, Усмонли империяси ҳукуматини эгаллаган иттиҳод ва тараққий партияси айни кучга тўлган чоғийди. Ўқиши битиб ёки биринчи жаҳон уруши туфайли юртига қайтган туркистонлик жадидлар Усмонли давлатига мухолиф бўлган Jön Türk –ёш турклар атамасидан ва уларнинг янгиликчи фаолиятидан илҳомланиб, Бухоро ва Хива ҳукуматидаги қолоқликларга қарши курашувчи ёш бухорликлар ва ёш хиваликлар дейилган сиёсий ташкилотларини қурдилар. Бошқа бир тарафдан қаралганда, гарчи улар иттиҳод ва тараққийчилар билан қалин алоқа юритган бўлсалар ҳам, Туркистонда иттиҳодчиларнинг бўлимларини очишмаган.

Иттиҳод ва тараққий ташкилотининг Туркистон ўлкасига йўналтирилган илк ҳаракати Талъат пошонинг амри билан Родослик Ҳабибзода Аҳмад Камол (Элқул)нинг 1914 йил 16 февралда шарқий Туркистонга юборилишидир. Қашқарга етиб борган Аҳмад Камол у ерда дорулмуаллимини иттиҳод номли мактаб очган.

Ўша йили Анвар пошонинг тавсиясига кўра, Усмонли империясининг хавфсизлик хизмати – ташкилоти махсусанинг иккинчи мавқедаги одами Қушчибоши Ашраф бей томонидан янги бир гуруҳ тайёрланди. Бу гуруҳга берилган махфий топшириқ Туркистонга бориб, у ерлардаги туркларни уйғонтириш, ташкилотлантириш ва чор Русиясига қарши исёнга йўналтиришдан иборат эди. Ашраф бей туғишгани ҳожи Сомий бей ва унга яна тўрт кишини қўшиб бир гуруҳ тузди, ҳужжатни тасдиқлатиш учун Анвар пошога етказди.[127] Истанбулдан йўлга чиққан бу тўп Ҳиндистондан ўтиб, Қашқарга эсон-омон етиб борган. Аммо Афғонистон йўлида руслар қўлига асир тушган, Туркистоннинг узоқ бурчакларига сургун қилинган. Ўн беш йилга яқин муддатда турмаларда эзилган гуруҳ ниҳоятда қочишга эришади. Қирғиз-қозоқларнинг Еттисувдаги исёнига қатнашадилар. Оёқланиш бостирилгач, у ерлардан ҳам қочиб, Такламакон чўлларидан ошиб, Шанхайга етиб боришади. 1920 йил апрелида ҳожи Салим Сомий ва Иброҳим бейлар Манчжурия орқали Русияга ўтишди ва ўша пайтларда Москвада бўлган Анвар пошо гуруҳига қўшилишди. Гуруҳнинг бошқа

[127] Бу гуруҳ Салим Сомий бей, Ҳусайн Амруллоҳ (Баркан), Одил Ҳикмат, силистралик Татар Ҳусайн, бурсалик Иброҳим Ҳаққийдан иборат эди .

аъзолари эса, узоқ ва можароли йўлларни босиб, охири Туркияга етиб келишди.[128]

1917 йилдаги Русияда юз берган давлат тўнтаришлари натижасида пайдо бўлган бошбошдоқлик иттиҳод ва тараққий ҳукумати йўлбошчилари онгидаги мустамлакадаги турк юртларига бориб, у ўлкаларда мустақил давлатлар қуриш ва у ўлкалар билан яқиндан муносабат ўрнатиш тушунчаларини яна оловлантирди. Бу мавзуни ўртага қўйган иттиҳод ва тараққий партиясининг марказий ташкилоти, вазиятни таҳлил қилиб, Қафқазда партиянинг бир бўлимини очишга қарор берди. Ҳасан Равшаний ўша бўлимга бошлиқ этиб тайинланди. Бўлшевиклар инқилобидан кейиноқ Бокуга етиб келган Ҳасан Равшаний, бир ёқда Озарбайжонда иттиҳод ва тараққий партияси бўлимини тузиш билан бир қаторда, иккинчи ёқда, Туркистонда ҳам партиянинг бўлимини очиш мақсадида, бу ишга киришган ҳолда, Муҳаммадамин Афандизодани Тошкентга йўллади.

Аслида, бундан анча аввал, 1917 йилда, бўлшевикларнинг давлат тўнтаришидан ҳам олдинроқ, усмонли субайлари "Иттиҳод ва тараққийпарвар" номи билан бу ерда ташкилот қурган эдилар. Туркистон жадидчилигининг раҳнамоларидан бири Мунаввар қорининг хотираларида бу мавзуга оид шундай аҳамиятли фикрлар мавжуд:

> "Мен октябрь инқилоби арафасида ташкил топган "Иттиҳоди тараққий" (тараққийпарварлар уюшмаси) ҳақида ёдимда қолганларини олдин ёзиб берган эдим. Жамият дастурини Усмонбек билан Ҳайдар афандилар тузган. Мен уни *(туркчадан-С.Х.)* ўзбек тилига ағдарганман. 1917 йил августининг охирларида бўлса керак, менинг уйимда тараққийпарварларнинг Усмонбек раислигида бўлиб ўтган йиғилишида бу дастур қабул қилинди. Йиғилишда уч кишидан иборат раёсат ҳам сайланди. Унга раис қилиб Усмонбек афанди, раҳбар бўлиб эса Ҳайдар афанди сайланди. Учинчиси маҳаллий кишилардан бўлиши керак эди. Уни танлаш Усмонбек билан Ҳайдар афандининг ўзларига топширилди... Жамият аъзолари, дастурда кўрсатилганидек, бизнинг манфаатларимизга қарши бўлмайдиган ҳамма фирқаларга кириш ҳуқуқига эга эди. Шунинг учун баъзи бировлар болшевойлар, бошқалар эса эсэр фирқаларига киради. Мен ҳам бирор фирқага кириш истагида Ҳайдар афанди орқали раёсатдан ижозат сўрадим. Раёсат менга ҳали ҳукумат мустаҳкам эмаслиги ва унинг яшаб қолиш-қолмаслиги даргумон бўлиб турганлигини баҳона қилиб, бироз сабр қилишни маслаҳат қилди."[129]

---

[128] Бу мавзуда кенгроқ маълумот учун қаранг: Adil Hikmet Bey, *Asya`da Beş Türk*; Ahmet Kemal İlkul, *Çin-Türkistan Hatıraları*.

[129] Мунаввар Қори. Хотираларим. (Сотимжон Холбоев нашрга тай.) "Турон тарихи" журнали, Тошкент 1992, №1, 17 б.



Туркистон иттиҳод ва тараққий ташкилоти аъзоси Обиджон Маҳмуд бекнинг (ўнгда ўтирган соқолли, қалпоқли шахс) иттиҳод ва тараққий жамиятининг вакили Ҳасан Равшаний билан Бокуда расмий муносабатлар ўрнатган пайтда олинган расм. Чапда ўтирган Муҳаммадамин Афандизода. Туркистондан борган Зоҳиджон (қалпоқли, ўнгда тик турган) ва ёнида бир усмонли зобити. Боку 1918 йил 10 январ.

(Аҳат Андижон архиви)

1918 йил бошларида Туркистон иттиҳод ва тараққийпарвар жамияти бир хат бериб, аъзоларидан Обиджон Маҳмудовни Ҳасан Равшанийнинг олдига жўнатди. Обиджон Маҳмудов, Муҳаммадамин Афандизода ва Зоҳиджонлар биргаликда Озарбайжонга юборилди. Бу ҳайъат томнидан иттиҳод ва тараққий партиясининг Қафқаз бўлимига топширилган, 1918 йилнинг 9 январида битилган хатда миллий кучлар ташкил қилиниши учун тажрибали одамлар талаб этилганди. Унда, жумладан, шундай ёзилганди:

“Туркия намояндаси Ҳасан Равшаний бейга.

Туркистонда ички ишларнинг тузатилиши ва бир миллий куч ҳосил қилиниши учун Туркиянинг шу ишга қодир одамларига жуда катта эҳтиёжимиз бор. Тарафи олийларидан Туркистонга йўлланган Муҳаммадамин афандининг далолати билан зоти олийингиздан таълимот ва одам олмоқ учун Туркистон намоянда си сифати-ла бандангиз туркистонлик миллатдошларимиз томонидан Бокуга келдим. Лутфан буюк халифалик, Усмонлилар салтанати сиёсати ва миллатимиз манфаатига мувофиқ программа ва бутун ишларимизни йўлга соладиган одамлар беришингизни илтимос қиламан, афандим.

9 январ 1918 йил”

Ҳасан Равшаний бей бу мактубни ва Туркистон миллиятчиларининг талабларини Истанбулдаги иттиҳод ва тараққий партиясининг бош марказига дарҳол жўнатди ва бу мавзуда кенгашувлари натижасида Обиджон Маҳмуд бекка қуйидаги мазмунда жавоб хати ёзди:

“Туркистонда ички ишларнинг тузатилиши ва бир миллий куч ҳосил қилиниши учун Туркия аъёнларидан ва зобитларидан бир неча афандини Туркистонга йўлланишига оид буюк халифаликнинг сиёсатига мувофиқ дастурингиз мамнуният-ла ўқилди. Зоти олийлари ила мухтарам туркистонлик қардошларимизнинг бу порлоқ ташаббуси қалбимда улкан умидлар ва теран қувончлар уйғотди. Давлатим ва миллатим номидан сизни табрик этаман ва муваффақиятингизни жаноби Ҳақдан тилаб қоламан.

Орзуларингизни амалга ошириш учун, давлати олиянинг Бокуда фаолият юритаётган энг қийматли аъёнларидан собиқ Байбурт тумани ҳокими ЮсуФ Зиё бей бутун Туркистоннинг идорий ишларини тартибга солинишида масъул этилди ва у қайтишингизда зоти олийингизга йўлдош бўлажакдир. Буюк халифаликнинг, давлати олияи Усмониянинг орзусига ва сиёсатига мувофиқ бир программа ва таълимотнома ила бир сиёсий протокол ва бир эътимоднома намунаси Зиё бейга берилди.

Бу программага кўра, Қафқазда амалга оширилганидек, Зиё бейнинг ёрдами билан Туркистонда ҳам бир иттиҳод ва тараққий партияси ташкил этиладир ва у Туркистоннинг Усмонли давлатига боғланишига ва қўшилишига хизмат қиладир. Айни замонда, партияни ташкил этиш билан бир вақтда, Туркистоннинг Усмонли давлатига қўшилиш орзусини

муқаддас халифамизга расман айтиш ва Туркистоннинг эҳтиёжларини қоплаш, уни тиклаш учун бутун Туркистон номидан намоянда вакиллар тайинланиб, мазкур протокол ҳужжатларини тўлдириб, эътимоднома билан бирга Истанбулга юбориладир. Вакилларингизнинг Бокудан эътиборан бешикаст Истанбулга етиб боришларини бандангиз таъмин этадир.

Бундан ташқари, Туркистонда зобит етиштирмоқ мақсадида бир ҳарбий мактаб очиш, ҳарбий ташкилот қуриш ва миллий олой (полк)лар тузиш учун қуйида исмлари саналган зобитлар ҳам юборилди... Зобит афандилар ҳам қайдсиз-шартсиз иттиҳод ва тараққий партиясига итоат қиладир ва фақат ҳарбий ишлар билан шуғулланадир. Ана шу тартибда иш юритилгани тақдирда катта муваффақиятларга восил бўлишингиздан умидворман ва Туркиянинг ҳар соҳада Туркистонли қардошларимизга ёрдам этажагига ваъда бераман, Афандим.

25 раб.II. 1336 (8 март 1918) Туркия намояндаси Ҳ. Равшаний."[130]

Иттиҳод ва тарақий партияси маркази тасдиқлаган бу мактубдан, бизнингча, уларнинг Туркистон сиёсатини икки тамал нуқта устига қуриш режаси сезилиб турибди. Аввалига миллий ҳарбий кучларни ташкил қилиш учун ўлкага Усмонли зобитлари юборилади ва имкони топилса, ҳарбий мактаб очилади. Шунингдек, Туркистондан бир ҳайъат Истанбулга боради, улар Усмонли султонига Туркистоннинг ўз истаги билан Усмонли давлатига қўшилиш тилагини ўз оғизлари билан айтади ва ёрдам сўрайдилар. Шундай қилиб, бу сиёсат тезда ҳаётга тадбиқ этилди. Ҳасан Равшаний иттиҳод ва тараққий фирқасининг Туркистон вакили этиб Юсуф Зиёни тайинлади. У 1916 йил бошларида Байбурт туманида русларга асир тушганидан кейин Наргин оролидаги ҳарбий асирлар турмасига ташланган, 1918 йил бошларида қамоқдан қочиб Бокуга бориб қолган Байбурт туманининг собиқ ҳокими эди. Хуллас, Обиджон Маҳмуд бек ва Юсуф Зиё бей вақт ўтказмасдан, йигирматача Усмонли зобитлари билан бирга Туркистонга қараб йўлга чиқишди.

Юсуф Зиё бей ва дўстлари Туркистонда ҳеч кутилмаган манзарага дуч келишди. Тошкентда бўлшевик ҳукумати қурилаётганди. Самарқандга етиб боришганида эса, Қўқон шаҳрида эълон қилинган Туркистон мухторият ҳукумати қизиллар томонидан ваҳшийларча қонга ботирилгани ва ағдарилганини эшитдилар. Юсуф Зиё бей 1918 йил 16 июнда Москвадаги Туркия элчиси Ғолиб Камолий бейга ёзган хатида ўша ҳодисаларни шундай англатмоқда:

"Олти ой муқаддам Наргин оролидаги асирлар қароргоҳидан қочиб қутулгандим. Бир муддат Бокуда қолганимдан кейин, бу шаҳарда махсус вазифани бажараётган Равшаний бейнинг таклиф ва тавсиясига кўра, йигирматача зобит билан бирга Туркистон тарафларга келдим.

[130] *Türkistan Siyasetine Ait Vesikalar*. Dışişleri Bakanlığı, H.U. Karton №506 (Kurat, Türkiye ve Rusya, s.674`ten naklen).

Самарқандга етар-етмас Қўқон ҳодисаи фожиаси рўй берди. Ундан кейин қизиллар Бухоро ва Ашхободга, Хивага ҳужумлар уюштирди. Бирин-кетин юзага чиққан уруш-жанжаллардан бизнинг режаларимиз ҳам ост-уст бўлиб кетди, минг мушкулот ила зобитларни Бокуга қайтариб юбордим. Бир ярим ойча Самарқандда, бир ой Бухорода ва бир ярим ой Ашхобод атрофларида сарсону саргардон, оч-наҳор ҳаёт кечирганимдан кейин, бу ерлардаги хор-зорликдан қутулиш умидида Ўринбургга қараб йўл олдим. Ўринбургга етиб бормасимдан олдин қозоқлар билан бўлшевиклар ўртасида кўтарилган зиддият ва олишувлар туфайли поезд йўлларида ҳаракат тўхтаб қолди. Ночорликдан орқага қайтиб, Тошкентга йўналдим. Тошкентда қуйида исмлари зикр этилган зотлар томонидан тузилган жамиятга аъзо бўлдим. Мазкур ёзувимиз мутолаасидан аён бўлғувси ва англашилғувси бу фирқа тарафидан Боби олийга *(Истанбулга-тарж.)* боражак бир ҳайъат сайланди ва жўнатилди. Бандангиз ҳам бу ҳайъатга йўлдош бўлмоқ ва Мўскўвга етиб, сизга Туркистон ҳаққинда арзи маълумот айламак фикринда эдим. Минг афсуски, йўлларда янгидан зуҳур этган қаршиликлар моне бўлди.

Ҳайъат Мўскўв йўли бирлан Туркияга кетгувсидир. Қўлларинда Байбурт тумани собиқ ҳокими Юсуф Зиё бей имзоси қўйилган хатча бор.Зоти давлатмандларига мурожаатларинда илова ёзувни уларнинг ўзларига қайтиб берилишини ва йўлларида қулайликлар яратилишини сўраб арз ва эхтиром айларман."[131]

Юсуф Зиё бей мактубининг қолган қисмида Туркистон аҳолисининг аҳволи, инглизлар ва эронликларнинг ўлкадаги фаолиятлари, ўзининг яна бир мунча вақт бу ерларда қолиши лозимлиги тўғрисида ёзган. Шунингдек, хатда агарда Усмонли давлати ишғол фикрида бўлса, буни ҳеч кечиктирмасдан бошлаши кераклиги уқтирилган. Мактуб иловасида Туркистондан ундан аввал иттиҳод ва тараққийпарвар жаамиятини қурган икки Усмонли зобитининг исмини билдирган. Улар мулозими аввал, самсунлик Ҳайдар Азмий бин Шавқий (саҳро тўпчи олойи 4, табур 2, к 8) ва мулозим Сулаймон Сомий бин Тавфиқ (олой 88, табур 1-ёвари) эдилар.

Юсуф Зиё бей Туркистондаги вазиятнинг 20 тача зобит билан тузалиб қолмаслигини, ўта оғир эканини билгани учун ҳам уларни дарҳол Бокуга қайтариб юборган. Ўзи эса, иттиҳод ва тараққий жамиятининг вакили сифатида Туркистондаги фаолиятини давом эттиришга қарор берган.

Шундай қилиб, Юсуф Зиё бейнинг келишидан аввал қурулган жамият янгидан шаклланди ва тузугига ҳам керакли ўзгартиришлар киритди. Бу пайтдаги ҳодисаларни тўлароқ ангалашимизда замонанинг атоқли кишиларидан Мунаввар қори ва муфти Садриддинхонларнинг

[131] *Türkistan Siyasetine Ait Vesikalar*. Dışişleri Bakanlığı Arşivi, Karton №506 (Kurat. Türkiye ve Rusya, s.675`ten naklen).

хотиралари ёрдам бериши мумкин. Баъзи ўзгаришлар борасида Мунаввар қори эсдаликларида шуларни ёзмоқда:

> “Боку турклар томонидан босиб олинганидан кейин бизнинг “иттиҳоди тараққийпарвар” жамиятимиз “иттиҳоди тараққий” деб номланди. Охирги “парвар” сўзи олиб ташланди... чунки жамият номига олдин ҳам “парвар” сўзи қўшилиб айтилиши керак бўлса-да, “иттиҳоди тараққий” деб номланар эди. Мен бу ўзгаришнинг сабабини сўраганимда, Ҳайдар афанди шундай деб тушунтирди: “Бокуни “иттиҳоди тараққий” жамиятини бошқуарувчи турклар эгаллади. Шунинг учун, алоқа қилиш осон бўлишини назарда тутиб, жамиятни “итиҳоди тараққий” деб номладик.” У яна олдинги раис Усмонбек кетиб қолганлигини, унинг ўрнига “иттиҳоди тараққий” тарафдори бўлган Зиябек келганлигини ҳам айтди.”[132]

Жадидчилик ҳаракатини қўллаб-қувватлаган дин арбобларидан муфти Садриддинхоннинг хотиралари ҳам бу даврга оид маълумотимизни янада тўкисроқ бўлишига хизмат қилади. Садриддинхон Қўқон мухторияти ишларида қатнашган, кейинроқ Мунаввар қори тарафидан Тошкентга чақирилган ва миллий фаолиятларини бу ерда давом эттирган. У ўз эсдаликларида Юсуф Зиё бейнинг Тошкентга келганидан сўнгра бажарилган ишлар ва Истанбулга юборилган ҳайъат тўғрисида шуларни эслайди:

> “Собиқ Байбурт тумани ҳокими Юсуф Зиё бей махфий иттиҳод ва тараққий жамиятига олинганидан кейин жамиятнинг тузугига ўзгартиришлар киритилди. Туркия аскарлари Бокуга йўналган бир замонда, жамиятимиз ичидан бир ҳайъат тартиблаб, уни Туркистондаги вазиятни, Тошкентдаги иттиҳод ва тараққий жамиятининг ишларини миллатнинг ўз тилидан арз этмаги учун Истанбулга юборишга қарор қилдик. Ҳайъат аъзолари Обиджон Маҳмуд, Миродил ва Мираҳмад Фарғонадан, Убайдуллахўжа ва мен Тошкентдан, Саидносир Миржалил Туркистон шаҳридан эди. 1918 йил Усмонли давлатининг Мўскўвдаги элчиси орқали ҳужжатларимиз Туркияга жўнатилди. Обиджон Маҳмуд ва Убайдуллахўжа Мўскўвда қолдилар. Биз Истанбулга келдик. Талъат пошо ва Анвар пошолар билан, ташқи ишлар вазири Насим бей, иттиҳод ва тараққий жамияти марказининг баъзи аъзолари билан учрашдик... Менга Туркия паспорти берилди, Туркистондаги вазиятни Оврупога билдириш учун қози Абдурашид, Фуод Кўприли бейлар билан бирга Швейцарияга юборилдик. Аммо манзилга етолмадик, Австрияда инқилоб юз бергани боис кемамиз Одессага қайтди... Истанбулда иттиҳод ва тараққий аъзоларидан Ғолиб Камол бей ила кўришдим.”[133]

Туркистондаги иттиҳод ва тараққий аъзоларидан тузилган ҳайъат Анвар пошо ҳузурида қабул қилинганида, унга уч бўлимдан иборат саккиз саҳифалик маълумот сунулгани маълум. Унда Туркистоннинг тарихий, жуғрофий ва иқтисодий аҳволи англатилгандан кейин, хусусан,

---

[132] Мунаввар Қори. Хотираларим. “Турон тарихи” журнали, Тошкент 1992, №1, 17-18 б.
[133] Baysun, *Türkistan Milli Hareketleri*, s. 29-34

охирги пайтлардаги сиёсий вазият атрофлича изоҳланмоқда ва руслар қилаётган ишлардан норозиликлари билдирилмоқда. Бу маълумот-рапортнинг тилаклар бўлимида, жумладан, шу истак таъкидланган:

> "Энди бизнинг қалбимиз тамомийла буюк Туркияга қўшилиш иштиёқи ила урмоқда. Бутун туркларнинг бирлашиши бизнинг олий мақсадларимизга уйғун йўлдир. Борики орзу-амалимиз будир. Бу юксак амал барча катта-кичик халқлар ва табақаларнинг қутлуғ ғоясидир."[134]

Усмонли қўшинларининг Озарбайжонни эгаллашидан кейин руҳи тўлқинланиб турган Анвар пошога бундай сўзлар битилган тарихий маълумот билан мурожаат қилиниши, шубҳасиз, унинг келажакда Туркистонга кетишга қарор беришида муҳим таъсир кўрсатганини айтиш жуда ўринлидир деб ўйлаймиз.

Иттиҳод ва тараққий раҳбарларидаги Туркистонга оид фикрларнинг шаклланишида яна бошқа бир фактор, хусусан, Туркиянинг Москвадаги элчиси Ғолиб Камолий бей томонидан Истанбулга йўлланган ҳисоботларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Туркистонга жўнатилган Али Ризо бей ва у ерда бўлган бошқа Усмонли зобитлардан келган хабарлар ва уни Москвада зиёрат этган Туркистон миллиятчиларидан эшитган ва ўрганган фикрларни ҳам шошилинч Истанбулга етказиб турган Камолий бей, айниқса, Бокунинг эгалланишидан сўнгра, Туркистоннинг ҳам (бошқа ёвларга ем қилмасдан) осонгина қўлга киритилишига ишончи комил эди. Бош вазир Талъат пошога йўллаган ҳисоботларида, жумладан, Боку шаҳрининг ишғолидан сўнгра, ҳеч вақт ўтказмасдан, Красноводск орқали Туркистонга миллий ташкилот қуриш ва у ерларни инглизларнинг босиб олишига қарши тура оладиган 5-10 зобит ва етарли миқдорда қурол-аслаҳа, ўқ-дори жўнатиш лозимлигини билдирмоқда ва у минтақада кучсиз эканлиги айтилаётган бўлшевикларни йўқотиб, мухторият эълон қилиш мумкинлигини ёзмоқда.[135]

Худди ўша пайтда, 1918 йилнинг 20 июнида Анвар пошонинг ўгай қардоши Нурий пошо бошчилигидаги ислом қўшинлари Ганжани ўз назоратига олди, бу шаҳарда Озарбайжон милли ҳукумати қурилди. Анча чўзилган жанглардан кейин, 1918 йилнинг 15 сентябрида Нурий пошо ва Халил пошолар қўмондонлигидаги Туркия ўрдулари Бокуни эгаллади. Ганжадаги Озарбайжон миллий ҳукумати ҳам Бокуга кўчирилди. Озарбайжондан Доғистонга йўналган турк ўрдуси 6 октябрда Дарбанд шаҳрини қизиллардан олиб қўйди ва 13 октябрда Шимолий Қафқаз жумҳурияти эълон қилинди.

Туркия қўшинларининг Қафқаздаги бундайин зафарлари ва муваффақиятлари Туркистондаги мустамлакачилардан қутулиш умидини

---

[134] Aydemir, *Makedonya`dan Orta Asya`ya Enver Paşa*. Cilt III, s. 433

[135] Ғолиб Камолий бейдан ташқи ишлар вазири Аҳмад Тасимий бейга юборилган 19 июл 1918 йилдаги умумий сони 329, хусусий сони 131 хат (DİA karton 124. Kurat, *Türkiye ve Rusya*, s.515`ten naklen)

орттирган, турк ўрдуларининг қисқа замонда Туркистон ҳудудларига ҳам кириб келиши овозаси кенг ёйила бошлаган эди.

Афсуски, бу музаффар ва жўшқин кунлар узоқ давом этмади.

Қафқаздаги бу ғолибиятларга қармасдан, Усмонли империяси ва иттифоқчиси Олмония биринчи жаҳон урушида енгилган эди. 1918 йил 30 октябрда имзоланган Мўндрўс битимидаги шартларга мувофиқ Туркия қўшинлари Доғистон ва Озарбайжонни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Бу машъум ҳодисалар Туркистондаги умидларни ҳам сўндирди. Иттиҳод ва тараққийнинг Усмонли давлати бошқарувидаги ҳокимиятини йўқотишидан сўнг Туркистондаги иттиҳод ва тараққий жамияти ҳам фаолият йўналишини ўзгартирди. Бунга оид ҳодисалар муфти Садриддинхон эсдаликларида шундай баён этилган:

> “1919 йил февралида Тошкентга келдим. Жамият йиғилишида сафаримиз тўғрисида маълумот бердим. Жамиятимиз номи миллий иттиҳод дея ўзгартирилди... 1919 йилда Тошкентда бўлган Жамол пошо билан кўришиб, жамият ишлари хусусида суҳбатлашдим. Пошо бир неча кундан сўнгра Афғонистонга кетди. Халил пошо ва ҳожи Сомий бей ҳам Тошкентдан жўнаб кетдилар...
>
> 1920 йилда Бухородаги жамиятимиз маркази қарорига кўра, Ориф Каримий ва Юсуф бейлар Англия ва Япония ҳукуматларига Туркистондаги вазиятни билдириш мақсадида йўлга чиқишди, бироқ Авлиёота шаҳрида барча ҳужжатлари билан русларнинг ЧКаси қўлига тушиб қолдилар. Мен ҳам қизиллардан қочиб атрофда юрган Раҳмонқул қўрбошининг ёнига қочдим. Аммо жамиятимиз аъзоси бўлган Фарғона ҳарбий қисми мудири Ҳамдам ҳожи нинг хиёнати туфайли тутилдим ва бўлшевикларга топширилдим... Ёнимдан чиққан ҳужжатларни уйдирма, ёлғондакам ёзувлар дея бундайин жамият борлигини инкор этдим. Барибир мени ўлимга ҳукм қилдилар... Жамол пошонинг Туркистон умумий ЧКаси раиси Петерсга мурожаати натижасида ўлим жазоси ўрнига беш йил қамоққа ҳукм этилдим.”

Биринчи жаҳон урушидан Усмонли давлатининг енгилиб чиқиши сабабли иттиҳод ва тараққийнинг Туркистон бўлими миллий иттиҳод дея ўзгартирилди. Барча ишлар шу ерда қолган Усмонли субайлари ва Туркистондаги миллиятчилар билан биргаликда юритилди. Зотан, Анвар пошонинг амакиси Халил пошо (Қут) хотираларида тасдиқлашича, руслар Шарқий Туркистоннинг мустақилликка чиқиши таклифини маъқуллаганидан сўнгра, у 1921 йилда Москвадан Туркистонга келади ва Тошкентда турк қавмлари учун итиҳод ва тараққий ихтилол (тўнтариш) жамияти тузугини тузиб, шундай махфий жамият қуради. Халил пошо кўплаб оташин ва закий ёшларнинг иттиҳод ва тараққийга кирганини, жамият низомномасини турк қавмлари лахжаларида тайёрлаб, яширин тарқатилганини ҳам эслайди. Бу ишларнинг барчасини у Тошкентга

келибоқ танишгани турк ҳарбий асирларидан Ҳайдар бей (Тошхон) кўмагида бажарганини таъкидларкан, Тошкентда танишгани инсонлардан Ҳафиз қори, Тожиддин бек, мулла Садриддинларни тилга олмоқда. Анвар пошонинг истаги билан Москвага қайтган пайтда ҳам Халил пошо Ўрта Осиё иттиҳод ва тараққий жамиятининг кўплаб шаҳарларда марказларини қуриб, жадал шаклланганини тўғрисида сўзламоқда.[136]

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, зотан, Халил пошо Тошкентга келганида бу ташкилот фаолият юритаётган эди. Тахминимизча, Халил пошо Тошкентдаги ташкилот аъзолари билан танишган, маълум бир муддат жамиятда улар билан бирга ишлагандан кейин, вазиятга мувофиқ ўлароқ жамиятни янгидан ташкил этган бўлиши мумкин.

1920 йил бошига келиб, Туркистонда совет ҳокимиятининг мустаҳкам ўрнатилишига шубҳа қолмагандай бир вазият ҳукмрон эди. Бу аҳволда Усмонлилардаги иттиҳод ва тараққийнинг бўлими тарзида шаклланган Туркистон миллий иттиҳод жамиятининг фаолият юритиш имконлари озайган ва бу махфий ташкилот тарқалиш ҳолига келиб қолганди. Мунаввар қори хотираларида бу турум шундай эсланган:

> "...шўро ҳукуматининг мустаҳкамланиши ва яшаб қолишига тўла ишонч ҳосил бўлгач, жамият ҳаёти ва унинг келажакда иш олиб бориш-бормаслиги бизларни қизиқтирмай қўйди. Бунга зарурият ҳам йўқ эди. Мен болшевиклар фирқасига киришга қарор қилдим. Жамият раёсати бунга қаршилик қилмади, аксинча, қуйидаги мазмунда қарор қабул қилди: "Шўро ҳукуматининг яшаб қолишига шубҳа барҳам топиши муносабати ҳамда жамиятнинг ғояларини ҳукумат билан иттифоқда амалга ошириш осон ва мақсадга мувофиқ эканлиги туфайли у тугатилсин, унингг аъзолари, Мунаввар қори ва бошқаларга бошланган ишни давом эттириш учун болшевойлар фирқасига киришга рухсат этилсин."[137]

Мунаввар қори жамиятнинг тарқалиш сабабларини Туркиянинг биринчи жаҳон урушида енгилиши билан иттиҳод ва тараққийчиларнинг ҳокимиятдан кетиши, аъзолар орасида бошқарувдагиларга ишонч озайгани, моддий имконларнинг йўқлиги каби нуқталарга боғламоқда.

Бу борадаги фикрларни шу шаклда якунлаш мумкин: Туркистонда иттиҳод ва тараққийнинг ташкил қилиниши бу ўлкага келган туркиялик ҳарбий асирларга боғлиқдир. 1917 йил октябрдаги давлат тўнтаришидан аввал бу субайлар иттиҳод ва тараққийпарвар жамиятини қурганлар, Туркистоннинг турли шаҳарларида унинг бўлимларини очганлар. Озарбайжонга Туркия қўшинларининг кириши муносабати билан жамиятнинг номи иттиҳод ва тараққий дея ўзгартирилди. Усмонли империясининг урушда енгилишидан сўнгра иттиҳодчиларнинг

[136] Halil Paşa, *İttihat ve Terakki`den Cumhuriyet`e: Bitmeyen Savaş*, s.341-345
[137] Мунаввар Қори. Хотираларим. "Турон тарихи" журнали, Тошкент 1992, №1, 18 б.

ҳокимияти ҳам, ўзлари ҳам тарқатилган пайтда ташкилот миллий иттиҳод деб аталди. Жамият, айниқса, 1917-1921 йиллар орасида таъсирли фаолият юритган. Шунинг учун ҳам Мунаввар қори эсдаликларида “жамиятнинг аъзолари кўп эмасди, аммо унинг таъсир кучи катта эди” демоқда. Анвар пошо ва Жамол пошоларнинг Туркистон ва Афғонистондаги фаолиятлар пайтида жамият аъзолари фаол ишлаган бўлса ҳам, бу икки сиёсий арбобнинг тарих саҳнасидан узоқлашуви иттиҳодчи субайларнинг ҳам тарқалишига, сиёсий майдонда эса, иттиҳод ва тараққий рухи ва таъсирининг йўқолишига йўл очди. Буларга қарамасдан, Туркистон миллиятчиларининг иттиҳодчиларга дўстлиги ва йўлдошлиги давом этди. Чет эллардаги Туркистон учун мужодала йилларида, хусусан, Нурий пошо, Халил пошо ва Маҳмуд Шавкат Эсандал каби эски иттиҳодчи шахслар билан муносабат ҳеч узилмаган.

ЖАМОЛ ПОШО АФҒОНИСТОНДА

Усмонли империяси биринчи жаҳон урушида иттифоқчиси Олмония билан бирга мағлубиятга учраганидан кейин, 1920 йил май ойининг сўнги кунларида Жамол пошо Москвага келди ва Русия ҳукуматига махфий таклифини топширди. Режасига кўра, у Афғонистонга бориб, инглизларга қарши ҳаракат уюштирмоқчи, Ҳиндистонда эса исён чиқармоқчи эди. Бу йўлда хизмат қиладиган кучлар Жамол пошо раҳбарлигидаги Усмонли субайлари, Туркистонда русларга қарши курашаётган босмачилар, Афғонистонда пошо тарафидан ташкил қилинадиган ҳинд ихтилолчилар гуруҳи, Афғонистон-Ҳиндистон чегараларидаги мустақил паштун қабилалари эди ва имкони топилса, Афғонистон ҳукумати ҳам бу ҳаракатга қўшилиши кўзда тутилганди. Ҳаракатни йўналтирадиган тамал фикр иттиҳоди ислом, яъни ислом бирлиги тушунчаси эди. Шунингдек, кераклi жойларда империализмга қарши социализм шиоридан ҳам фойдаланиш ўйланганди. Мақсад, биринчи навбатда Ҳиндистон ва сўнгра бутун шарқ халқларини империалист Англия бўйинтуруғидан қутқариш эди. Афғонистон амири Омонуллохоннинг инглизлар билан уруш ҳолатида экани бу режага уйғун замин тайёрламоқда эди.

Ҳар қанақа ҳолатда ҳам амалга ошиши амри маҳол ҳисобланган бу режани, барча хом-хатала жиҳатларига қарамасдан, Москва қабул қилди. Зеро, ҳақиқатан ҳам ислом ҳамкорлигини ўртага чиқариш фойдалироқ эди, агарда маркази Афғонистонда бўладиган бу ҳаракат амалга ошиб, муваффақият қозона олса, руслар бир ўқ билан бир неча қуённи урган бўлишарди. Аввало бу ҳаракат Англиянинг бошига бало келтирарди. Иккинчидан, бу ишларга Афғонистон қўшилган тақдирда, янада яхши бўларди, чунки бу жараёнда Афғонистон албатта ташқи ёрдамга

муҳтожликдан қийналарди ва бундайин кўмакни фақат советлар бера оларди. Воқеалар ана шу тариқа шакллана борса, шубҳасиз, Афғонистон совет Русияси таъсири остида қоларди. Яна бир муҳим жиҳат шуки, Туркистонда руслар учун энг оғир муаммога айланган босмачилик ҳаракатининг зарбаси Англияга қарши йўналарди ва бу ҳолат советларга эркин нафас олишга имкон яратарди. Бу режа қисман амалга ошганда ҳам бу руслар учун фойдалийди, чунки босмачилик ҳаракати кучсизланарди. Мободо, режа амалга ошмай қолган тақдирда ҳам, Русия жараёнга тўғридан-тўғри аралашмагани боис, советлар ҳеч нарса ютқазмасди.

Русия ҳукумати воситачилик қилаётгани учун Афғонистон ҳукуматининг ўзини яхши кутиб олишига Жамол пошонинг ишончи комил эди. Зотан Афғонистон амири Омонуллохон инглизларга қарши кураш натижасида дунё жаҳонгирларининг ўлкаси бошига солган зулму сиқувлардан қутулмоққа эришган ва мустақил ташқи алоқалар ўрнатиш ҳақ-ҳуқуқини қўлга киритганди. У талабларини Англия ҳукуматига қабул қилдира олган ва айни замонда инглизлар ёмон кўрадиган ҳукмдор ҳисобланарди. Бошқа бир томондан эса, ислом дунёси халифасининг шаҳри аталган Истанбулни инглизлар бошчилигида чет эл босқинчиларининг ишғол этиши бутун жаҳон мусулмонларини ғалаёнга келтирганди. Машҳур мавлавий Муҳаммад Али раҳнамолигидаги халифалик жамияти “Усмонли салтанати ҳақ-ҳуқуқлари том маънода ҳимоялланган бўлгунга қадар Ҳинд мусулмонларининг жиҳодда ва курашда давом этишлари лозим ва бунинг учун улар мусулмон бир ўлкага ҳижрат айламакка мажбурлар” деган фатвоси кенг тарқалганди. Бу жараён оқибатида юз мингдан ошиқ ҳиндистонлик аҳли ислом Афғонистонга кўчганди. Руслар бу улкан оломонни, ҳинд ихтилолчиларини қуроллантириб, бу кучдан ўзлари фойдаланмоқчи бўлишди ва бир элчилик ҳайъати тайёрлаб, унга бир ҳинд коммунист лидерни қўшиб, Кобулга юборишди. Бироқ Афғонистон ҳукумати русларнинг таклифини рад этди ва элчилар ҳайъатини ҳалиги ҳиндистонлик коммунист лидер билан бирга ўз ҳудудидан ҳайдаб чиқарди. Бу ҳодисаларга қарамасдан, Жамол пошо русларга берилмаган изну имконга эга бўлишдан ҳамон умидвор эди ва Афғонистондаги ҳинд мусулмонларини фақат ўзининг қўмондонлигида инглизларга қарши ҳаракат бошлаши мумкинлигига ишонарди.

Жамол пошо 1920 йилнинг август ойида тўғри Тошкентга келди. У бу ерда Туркистон ўлкаси қўшинлари қўмондони генерал Фрунзе томонидан ҳарбий тантана билан қарши олинди. Жамол пошони кутиб олганлар орасида Тошкентдаги мактабларда ўқитувчилик қилаётган 10 та турк ҳарбий асирлари ва 70 таси Сибирдаги қамоқлардан янги келган ва умуман 80 та турк зобити ҳам бор эди. Жамол пошо икки ярим ой Тошкентда қолди. Бу орада Туркистон жадидлари билан яқиндан танишди, иттиҳод ва тараққий жамияти аъзолари ва ўлкадаги туркиялик ҳарбий асирлар билан учрашувлар ўтказди. Ана шу пайтда ўзи билан

бирга Афғонистонга олиб ўтиб кетиш учун 15 та турк субайини танлади. Шунингдек, 15 та турк зобитининг Хивада янги ташкил бўлган Хоразм халқ жумҳуриятида ҳарбий, маъмурий ва маориф соҳаларида хизмат қилишга юбориш учун Фрунзедан рухсат олди. Август ойи охирларида Афғонистон сафари учун лозим бўлган барча ишлар битирилди ва Жамол пошо ёнида 15 турк зобити, 9 туркистонлик аскар, ҳинд ихтилолчиларидан Мавлавий Баракатуллоҳ билан бирга йўлга чиқди.[138]

Жамол пошо Тошкентдан жўнаб кетганидан кўп ўтмай, Бухорода амирлик ҳокимияти ағдарилди ва ўрнига ёш бухороликлар тарафидан Бухоро халқ жумҳурияти қурилганди. Шу туфайли Хоразм халқ жумҳуриятига йўлланиши мўлжалланган турк субайларининг 9 таси Бухорога, қолган 6 таси Хоразмга юборилганди.[139] Ана шу икки жумҳуриятга ишлашга жўнатилган турк ҳарбий асирларидан ташқари зобитларнинг бир қисми Тошкентда, бир бўлаги Фарғонада қолди ва бир гуруҳи Бокуга равона бўлди. Ўша субайлардан бири Рожий Чақирўз хотираларида Жамол пошо билан кўришганларида унинг икки саҳифали бир режаси бўлганини эслайди:

> “Жамол пошо Афғонистон қўшинларини замонавийлаштириш ва Ҳиндистонда инглиз мустамлакачилигига қарши бир исён жабҳаси уюштириш учун Афғонистонга йўл олди. Бу Москва томонидан жуда катта умид ва мамнуният билан қўллаб-қувватланган режа эди. Аммо Жамол пошонинг руслар билмаган иккинчи режаси ҳам бор эдики, унга кўра, Ҳиндистонда қўзғолган исёнлар муваффақиятга эришса, бу оёқланиш оловини Жамол пошо шимолга, яъни Туркистонга қараб ёйилиши учун курашади, ана шундай қилиб, Туркистоннинг турли ерларида, хусусан, Фарғона водийсида совет ҳокимиятига қарши жанг қилаётган қўрбошиларга юз минг кишилик ҳинд ихтилолчилари ҳам келиб қўшилади ва натижада босмачилик ҳаракати янада улкан кучга айланади...
>
> Жамол пошо ўзининг Москвадагилар билмайдиган ана шу режасини келажакда юзага чиқариш мақсадига боғлиқ ўлароқ Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Фарғона водийсига турк зобитларини юбориб, у ерларда бу ишларга ҳозир туриш кераклигини уқтирди. Шундан кейин ўзаро келишиб, ўша тарафларга кетадиган сафдошларимизни ичимиздагилардан бир-бир танлаб-сайладик.
>
> Ўша танлаш пайтида уч йўналишга тарқаладирган турк зобитларининг имкон қадар айри-айри ишларни бажарувчи (тўпчи, истиҳкомчи-ҳарбий техник) бўлишига ҳам эътибор бердик. Ана шу тариқа ҳар тарафга

[138] Karabekir, *İstiklal Harbimizde Enver Paşa ve İttihat Terakki Erkanı* (Жамол пошонинг Мустафо Камол пошога 20 августда ёзган тарихий мактуби) s. 85; Yamauchi, *Hoşnut Olmamış Adam: Enver Paşa* (Жамол пошонинг Мустафо Камол пошога 2 октябр 1920 йилда ёзган тарихий мактуби).

[139] Yamauchi, *Hoşnut Olmamış Adam: Enver Paşa* (Усмон Авний бейнинг Анвар пошога битган мактуби) s. 176

кетадиган гуруҳдаги турк зобитлари ўзларига белгиланган ерда ҳарбий кучларни ташкил қила олиш Кобулиятига эга бўлиши керак эди.[140]

Жамол пошо Кобул йўлида анчадан бери Афғонистон ҳукумати хизматида бўлиб, энди Туркияга қайтаётган икки турк зобити – Зиё ва Рифъат бейлар билан учрашиб қолди. Бу субайлар воситасида Мустафо Камол пошога мактуб йўллади. Жамол пошонинг ўша хатда ёзишича, Афғонистон амири мамлакатида мунтазам қўшин яратмоқ учун Мустафо Камол пошодан ёрдам беришини ва субайлар жўнатишини талаб қилмоқда эди. [141]

Мустафо Камол пошо чет эл босқинчиларига қарши курашнинг оғир даврини бошдан кечираётганига, имконсизликларга қарамасдан, бу масалага жиддий муносабат кўрсатди. Бош штаб Фавзи пошога Афғонистон мунтазам қўшинини яратиш учун жўнатиладиган алоҳида бир ҳайъат тузишни топширди. Отатурк ўз қўли билан ёзган амрномада бу ҳайъатнинг Афғонистонга бориб иш юритаркан, инглизларни машғул қилиши ва бунинг натижасида Анадўлудаги инглизлар босқини сурати бир оз сусайиши мумкинлигини таъкидламоқда. Шунингдек, Афғонистонга борадиган ҳайъатнинг афғон ҳукумати хизматида бўлган даврида Туркия ўрдуси ҳисобида туриши, маоши ва бошқа эҳтиёжлари таъминланишини ҳам буйруққа киритган.[142]

---

[140] Çakıröz, *Türkistan`da Türk Subayları 1914-1923* (Timur Kocaoğlu), Türk Dünyası Tarih Dergisi, sayı 7, 1987, s.43-44

Бу турк зобитлари орасида Бухорога юборилган мингбоши Усмон бей (Харпутдан) раҳбарлигида юзбоши Амин бей, устеғман (катта лейтенант) Маҳмат Содиқ (Самсундан), теғман-лейтенант Козим (Байкал), устеғман Нофий (Монастрдан), заҳирадаги зобитлар Маҳмат Айашли, Халил (Бартиндан), Тўфакчи Ориф ва Саид Жамол (мусиқа ўқитувчиси) бор эди.

[141] Karabekir*, İstiklal Harbimizde Enver Paşa ve İttihat Terakki Erkanı*, s. 89 (14 сентябрда ёзилган мактуб).

[142] Отатуркнинг 1920 йил 21 декабрда ўз қўли билан ёзган, Фавзи пошога етказилган амрнома, айниқса, турк халқининг Оврупо босқинчиларига қарши олиб бораётган қутулиш курашининг оғир кунларида берилган буйруқ бўлиши билан бирга, улуғ йўлбошчининг Афғонистон ва Туркистон минтақаларидаги сиёсий жараёнларга, турк ва ислом оламидаги ҳодисаларга ўта жиддий муносабат кўрсатганини англаш жиҳатидан катта аҳамиятга моликдир. Фармондаги мазмунга кўра, Мустафо Камол пошо Жамол пошонинг бу минтақадаги ишларини маъқуллаган ва қўллаб-қувватлаб турган. Турк зобитлари томонидан ташкил қилинадиган қаршилик ҳаракатининг бу ўлкалардаги муҳим таъсирини, турклик ва Туркия учун кўп фойдали эканинини яхши билган. Амрномада, жумладан, шулар таъкидланган:

> “Мудофаа ва молиямизга ҳар жиҳатдан мувофиқ бўлгани тақдирда, Афғон мунтазам қўшинини тартибга солиш учун бир зобитлар ҳайъатининг юборилишини аҳамиятлик ва кераклик кўрмакдаман.
>
> Жамол пошонинг мавзуга алоқали мактубида зикр этилгани важҳи-ла, хусусан истиқболда бунинг Анадўлу устига ёпирилган нохушликларни енгиллатишимизга ярашини ва келажакни ўйлаб иш тутиш мақсади-ла, Ўрта Осиёда амримизга омода ҳарбий қўшинларга молик бўлмоғимиз жиҳати-ла ва булар таъмин этиларкан, керакли пайтда ҳар замон она ватанни ҳарбий ғавғолардан қўриқламоқ учун, узоқ-узоқларда ҳам инглизларга қарши курашмақ воситасини қўлга киритган бўлурмиз.

Жамол пошо Афғонистонга борибоқ амир Омонуллохон билан кўришган ва режасини унга баён этган. Учрашув пайтида амир Афғонистон билан Русия ўртасида имзоланган, аммо ҳануз тадбиқи маъқулланмаган аҳднома, бундан ташқари, инглизлар билан тузилган илк протокол саҳифаларини Жамол пошонинг қўлига бериб, биргаликда муҳокама қилган. Балки амир бундайин муносабати билан Жамол пошога бўлган ишончини билдиришни истагандир. Ана шу суҳбатдан кейин Омонуллохон Ҳиндистондаги инглизлар ҳокимиятига қарши ўз ўлкасида ҳинд ихтилолчиларидан қўшин тузилишига ва ҳарбий таълим берилишига кўнди. Афғонистон ҳукумати ана шу тарзда бу мужодалада қатнашадиган бўлди. Хуллас, Афғонистон амири юз минг кишилик афғон қўшинининг тузилиши ва қуроллантирилишини, инглизларга қарши уюштириладиган иқтисодий таъқиқларни таъмини учун ҳар йили 20 милйўн рублалик моддий ёрдам талаб этди. Жамол пошо бу ақча масаласини маслаҳатлашиш ва ҳал қилиш учун Бадри бейни Москвага жўнатди. Бадри бей Москвада Қорахон, Чичерин ва Сталин билан учрашиб, Жамол пошо юборган ҳисоботни топширди ва бу масалага оид фикрларни билдирди. Шубҳасизки, Москвадаги раҳбарлар шундоққина чегаралар нарисида юз минглик қуролли қўшинларнинг тузилишига, истаган пайтда ўзларига зарба берадиган бундайин балонинг юзага чиқишига ўз қўли билан ақча узатадиган даражада содда эмасди. Шунинг учун ҳам советларнинг олий аъёнлари бу таклифни тинглаш билан кифояланиб, ўйлаб кўриш керак, деган жавобни бердилар. Жамол пошо бир оз муддат кутганидан кейин, совет Русиясидан умидини узди, қуролли ёрдам масаласини ҳал қилиш учун Олмонияга боришга қарор берди.[143]

Фикри ожизимча, бу ҳайъатга киритиладиган зобитларни танлашда ва уларга бериладиган таълимотда қуйидаги нуқталар назари эътиборга олиниши керак.

Биринчидан, бу ҳайъат аъзолари сиёсатга қатъиян аралашмасликлари, фақат ҳарбий ва аскарлик вазифаларини бажаришлари лозим; Афғонистон ё Туркистонда, ёки Бухорода бўлсин, аҳоли ва аскарлар меҳрини қозонишлари даркор.

Иккинчидан, у ёққа кетган зобитларнинг зоҳиран афғон ҳукуматининг одамларидай кўринишлари билан баробар, доимо, ҳар ҳолукорда турк ҳукуматига тобе, ахлоқ ва матонатда ўрнак бўлишлари ва буларга мувофиқ вазифаларида давом этиб, Афғонистонда хизматда қолганлари муддатча рутба ва мақомлари хусусотинда расман Туркия ўрдуси ичида ҳисобланишлари лозим.

Учинчидан, мазкур ҳайъат билан симли ё симсиз телеграф воситасида алоқани йўлга қўйиш даркор.

Тўртинчидан, уларнинг ислом ва турклик манфаатларидан ўзга бир ишга тайёргарлиги ва ё киришганлари тақдирда, Афғонистон ташқи ишлар вазирлиги ёрдамида, ҳайъатимизнинг бундайин ҳаракатига монелик қила оладиган, ислом ва турк манфаатига хизмат қиладиган бир афғон ташкилотини майдонга чиқариш керак бўлади.” Atatürk`ün Milli Dış Politikası. Cilt 1, s. 218-219, Belge №36.

[143] Yamauchi, *Hoşnut Olmamış Adam: Enver Paşa* (Бадри бейнинг Анвар пошога 1921 йил 10 февралда битган мактуби) s. 143.

Орада кечган кунларда Жамол ва пошо ва ёнидаги Усмонли зобитлари афғон қўшинининг қайта тузилиши ва таълим олиши борасидаги ишларни бошлаб юборишди. Ҳар бирига бир турк зобити бошчилик қиладиган намуна бўлинмалар тузилди. Шунинг баробарида, турк субайлари афғон ҳарбия талабаларига ва ҳинд ихтилолчиларига ҳам таълим беришмоқда эди. Туркистондан Афғонистонга ўтиб жойлашган босмачилар йўлбошчиси Шермуҳаммад бекнинг талабига кўра афғон ҳукумати тарафидан Хонободда очилган қўрбошилар мактабига ҳам Жамол пошо турк субай ўқитувчиларидан жўнатди. Бундан ташқари, Жамол пошо Фарғона ва Помир томонларда руслар билан урушган босмачиларни ҳам инглизларга қарши курашда қатнаштириш ниятида Ҳиндистонга жўнатиш фикрида эди. Ёнидаги зобитлардан Роғиб бей ва Комил қорини босмачилар билан маслаҳатлашиш учун Тошкентга йўллади. Ҳайъатнинг Жамол пошо номидан “қуролингиз ва ташкилотингизни муҳофаза этилиши шарти билан сулҳ тузинг” деган тавсияси босмачиларнинг жаҳлини чиқарди. Босмачилик ҳаракатини сиёсий асосда бошқаришни бўйнига олган Ўрта Осиё миллий авомий ихтилоллар жамияти маркази Жамол пошога бир мактуб юбориб, “бу ўлкада юритилган сиёсат Туркистон келажагини йўқ қилиш ва ислом оламини парчалашни ният қилган кучларга хизмат қилмаслиги” борасида огоҳлантирмоққа мажбур бўлди.[144]

Хуллас, Жамол пошонинг советлардан кутган умидлари юзага чиқмади. Шундан кейин у бутун умиди ва фикри-зикрини Олмонияга қаратди. У Анвар пошонинг олмон ҳарбий аъёнлари билан бўлган қалин муносабатидан фойдаланишни кўзда тутганди. 1921 йил 29 апрелда Кобулдан Анвар пошога ёзган хати бу ҳақда анчагина маълумот бермоқда.[145] Мактубда айтилишича, афғон амири қурол-аслаҳа таъмини учун 400 минг инглиз олтини талаб қилган ва Бадри бей бу ишни бажаришга йўлланган. Агарда бу ишлар маваффақиятли чиқса, унда Афғонистоннинг русларга ҳам, инглизларга ҳам ҳеч қандай муҳтожлиги қолмагани исботланади. Бу орзунинг амалга ошиши учун Анвар пошонинг Олмониядаги яқин танишлари, хусусан, генерал фон Сежкт (Von Seeckt) ва генерал Крес (Krees) билан алоқа боғланарди. Афсуски, Версал шартномасига мувофиқ, урушда енгилган олмонлар ҳам бошқа ўлкаларга қурол-яроғ таъмини билан шуғулланишдан маҳрум эди. Мободо аслаҳани сотиб олинишида кўмак кўрсатганида ҳам, бу қуроллар совет Русияси ҳудудидан олиб ўтилиши керак эди, албатта, шўро бунга йўл қўймасди. Қисқаси, бу борада ҳеч бир натижага эришилмади ва Жамол пошо режасига оид барча иш барбод бўлди.

Бу пайт орасида, 1921 йил 28 февралда совет-афғон битими имзоланди. Унга кўра Ғазна ва Қандахор шаҳарларида рус консулликлари

[144] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s.430
[145] Yamauchi, *Hoşnut Olmamış Adam: Enver Paşa*, s. 197

очилиши (5-модда), Бухоро ва Хива жумҳуриятларининг мустақиллиги муҳофаза этилиши (8-модда), ўтган асрда Афғонистондан олиб қўйилган бир қисм ерлар қайтиб берилиши ва рус ҳокимияти Афғонистонга молиявий ёрдам кўрсатиши керак эди.[146] Аммо бу битимнинг баъзи моддалари устида ҳар икки тарафда ҳам ҳали-ҳануз тушунмовчиликлар ва баҳсли ўринлар мавжуд эди. Афғонистон ўз ҳудудида рус консулликларининг очилишига, советлар эса, чегарадаги ерларнинг қайтиб берилишига ҳечам истакли эмасди. Бундан ташқари, турк коммунисти Мустафо Субҳий томонидан Ҳиндистонга қарши ҳаракатни уюштириш мақсадида Афғонистонга юборилган совет ташвиқотчиларидан афғон ҳукумати норози эди. Шунинг учун ҳам афғон ҳукумати Абдурраб бошчилигидаги ташвиқот гуруҳини мамлакатдан ҳайдаб чиқаришга мажбур бўлди.

Бу вазият Афғонистон раҳбариятини ўйлантириб қўйди ва натижада улар сиёсий йўналишларини Англия тарафга қаратишди. Зотан Афғонистон давлати ташқи ишлар вазири Маҳмуд Тарзий ва ички ишлар вазири Шужоуддавла советлар билан ҳамкорлик қилишга қаршийдилар ва Англия билан битим тузишни исташарди. Ҳатто бу борада Маҳмуд Тарзий ва Жамол пошо қаттиқ тортишиб ҳам қолишганди. Пошо Тарзийга, сиз юритаётган сиёсат янглиш, чунки руслар билан дўстлик алоқаларини узиб, Англия билан ҳамкорлик қилиш Мустафо Камол пошо, Анвар пошо ва бошқа ислом мужоҳидларига қарши турмоқ ва ислом оламини сотмоқ демакдир, дея дакки бермоққа уринади. Жамол пошонинг бу сўзларига Афғонистон ташқи ишлар вазири Маҳмуд Тарзий[147] шундай жавоб берган:

> “Биз ҳар нарсадан аввал Афғонистон манфаатини ўйлашга мажбурмиз. Русларнинг мусулмонларга ўтказган зулмлари майдонда экан, улар билан ҳамкорлик қилиш бизга зарардир. Аммо сиз Анадўлуни ўйлаб, унинг манфаати учун ишлаётганингиз учун бизни ўша сиёсат томонга тортмоқдасиз. Бизнингча, Туркия ҳукумати тамом бўлган. Анадўлунинг тартиб-низоми ҳам, ҳеч бирқиймати ҳам қолмаган. Биз Анадўлу дея ўзимизни таҳликага отолмаймиз. Ҳамда сизга ҳам шуни тавсия этаманки, шу русларни ўз ҳолига ташлаб, инглизлар билан дўстлик қуринг, сиз ҳам қутулиб кетасиз, вассалом.”[148]

Бу ҳодисалардан кейин Жамол пошо, шу кетишда, агарда Афғонистонга советлар ёрдам кўрсатмаса, Англия-Афғонистон

---

[146] Bayur, *XX.Yüzyıllarda Türklüğün tarih ve Acun Siyasası Üzerindeki Etkileri*, s. 343

[147] Маҳмудхон Тарзий Афғонистонда Абдураҳмонхоннинг амирлиги пайтида (1881-1901) жадидчилик қарашлари боис мамлакатдан қочиб Усмонли салтанатига сиғинган ва унга қарашли Шомга жойлашиб, ўша ерда уйланган, яшаган бир сиёсатчи эди. 1901 йилда Ҳабибуллохон амир бўлгач, у мамлакатга қайтади ва янги ҳукмдорнинг маслаҳатчиси бўлиб ишлайди. Қизи Сурайёни амирга беради ва Ҳабибуллохоннинг қайнотасига айланади. Ташқи ишлар вазири, маориф вазири мақомларида хизмат қилади. 1928 йилда Бачайи Сақо исёни пайтида яна Афғонистонни тарк этиб, Туркиядан паноҳ топди.

ҳамкорлигига йўл очилишини англайди ва дарҳол совет ҳукумати раҳбарияти билан учрашиш, бу хусусдаги фикрларига уларни ишонтириш учун Москвага боришга қарор қилади. Лозим бўлса, ўша ердан Олмонияга ўтади ва қурол-яроғ масаласини ҳал этади. Анвар пошо 1921 йил октябрида Бухорога келганди, Жамол пошо у билан кўришмоқ ниятида Тошкент йўли билан боришига руслардан изн сўрайди. Аммо икки иттиҳодчи пошонинг учрашувини советлар истамайдилар. Жамол пошо тўғри Москвага жўнайди, ҳеч бир натижа чиқмагач, у ердан Оврупога йўналади. Бу орада Мустафо Камол пошо билан ҳам муносабати узилиш ҳолига етганди.

Аслида, Анқара ҳукумати шу пайтгача унинг Анвар пошо билан алоқасини тўхтатган ва Афғонистондаги ишларини маъқул йўлда давом эттирган тақдирдагина унга ёрдам берилишини таъкидлаб келарди. Мустафо Камол пошонинг Туркиянинг Москвадаги элчиси Али Фуод пошога йўллаган махфий телеграммасида, хусусан ўша чоғда Анқара ҳукуматининг Афғонистондаги ишларни қўллаб тургани англашилмоқда. Телеграммада шундай дейилган:

> “Телеграммангизни 1921 йил 8 ташринуссоний (ноябр)да, йигирма икки кунда олдим. Жамол пошо ҳозиргача бўлганидек тўғри ҳаракатини давом эттирса, биз ҳам уни қўллаб-қувватлаймиз. Ҳарҳолда Анвар пошо ва унга ўхшаганлар билан алоқасини узиши керак. Буларни менинг номимдан ўзига очиқ айтинг. Мадина муҳофизи Фахриддин пошони Афғонистонга элчи этиб тайинладик. Жамол пошонинг Афғонистондаги фаолиятини аста-секин халққа тушунтириб, унинг мавқеини кўтарамиз. Ҳозиргача қилган ишлари ва фикрларини яхши ният-ла қаршиладим ва мумкин қадар амалга тадбиқ этдим. Унинг телеграмма юборишига ва сизнинг ҳам қимматли фикрларингизга мунтазирман... Мустафо Камол.”[149]

Аммо бу эски исёнчининг Анқарани ўзига боғлиқ кўриши ва руслар билан учрашувларида Анқара ҳукумати номидан иш тутавериши охири Мустафо Камол пошонинг жаҳлини чиқарганди. Юқоридаги телеграммадан бир ой ўтиб, у мажбуран Жамол пошо билан алоқани узишга қарор беради. Мустафо Камол пошонинг Москвадаги элчи Али Фуод пошога ёзган махфий хати буни очиқча ифода этмоқда:

> “Охири Анқарага етиб келган Украина ҳайъати раиси ўртоқ Фрунзе билан Жамол пошонинг бизга йўллаган мактубини берди. Унда улар бизнинг аҳволимиз ва фикрларимизни ўзларича таҳлил этиб, тавсияларини билдирадиларки, барида ҳақиқатдан узоқ эски зеҳниятлари сезилиб турибди ва биз Туркия Буюк Миллат Мажлиси ҳукуматига бундайин юзаки қараш ва муносабатни қабул қилолмаймиз. Мен миллатимизни иттиҳод ва тараққийчилар байроғи остига даъват этолмайман. Жамол пошога, хусусан

[149] Cebesoy, *Moskova Hatıraları*. Mustafa Kemal Paşa`nın 26 Kasım 1921 tarihli mektubu, s. 390.

Анқарага насиҳат эмас, балки хизмат қилиш кераклигини уқтиришингизни, Анқаранинг нуқтаи назари ва таълимоти асосида ҳаракат қилсагина бизга фойдали бўлишини ва биноаналайҳ, фикрларини ўзгартирмагунча унинг билан муносабатда маъзур эканимизни англатмоғингизни илтимос қиламан."[150]

Шундай қилиб, Анадўлу йўллари Жамол пошо учун тақа-тақ беркилди.

Анвар пошонинг босмачиларга қўшилиши русларни оғир аҳволга солиб қўйганди. Бошқа бир тарафдан қаралганда, Русиядаги ички уруш, Англия томонидан русларга қарши давом эттирилаётган иқтисодий сиқувлар натижасида Русиянинг Афғонистондан Ҳиндистонга қарата ҳаракат режалари ҳам чиппакка чиққанди. Энг муҳими, Анадўлудаги Мустафо Камол ҳукуматининг собит ва муқимлиги аён бўлганди. Қисқаси, эндиликда русларнинг келажакдаги тутадиган ишлари ва режаларига боғлиқ иттиҳод ва тараққийчиларнинг ҳеч бир қиммати қолмаганди.

Шундай қилиб, Жамол пошо Москвада бир муддат қоларкан, Афғонистон учун исталган нарсаларни ундиришга тиришиб кўрса-да, ҳеч нега эришолмади. Ўша пайтда машҳур журналист, "Танин" газетасининг бош муҳаррири Ҳусайн Жоҳид билан қилган бир суҳбатида, жумладан, ғоясига кўра Ҳиндистонда инглизларга қарши катта исён тайёрлашга киришганини, бу ишнинг муваффақиятли чиқишидан умидворлигини, Анвар пошонинг Туркистондаги ҳаракатлари ниҳоятда хато эканини, ўзининг яна Афғонистонга қайтиб, фаолиятини давом эттиришини ва Анвар пошони ҳам Афғонистонга жалб қилишини айтган. Жамол пошо Ҳусайн Жоҳид Ёлчинга ёзган ва кейинчалик "Танин"да босилган бир хатида эса, жумладан, шундай демоқда:

"Анварнинг бу хатоси туфайли Ҳиндистон исёни йўлида икки йилдан бери қилган бутун ҳаракатларим расво бўлди. Энди руслар билан ишламоққа имкон қолмади. Энди Русияни тамоман тарк этаман. Ҳарҳолда Афғонистонга қайтаман. Олдин Тифлисга бориб, у ерда телеграф аппарати воситасида Мустафо Камол пошо билан гаплашиб, биргаликдаги ҳаракат режасини ҳал қилиб, Эрон йўли орқали Афғонистонга ўтиб кетмоқчиман. Бу гапларни ва ҳар не бўлса бўлсин, Ҳиндистон исёни фикридан воз кечолмаслигимни, ҳар қандай вазиятда ҳам Афғонистонга кетишимни Қорахонга очиқ айтдим. Афғонистонга бориб, Анвар билан алоқа боғлагунимгача рус қўшинлари ҳаракатини тўхтатиб туришини сўрасам ҳам, у кўнмади. Мен ўз мамлакатим ва бутун шарқ давлатлари учун ҳам бирдан-бир фойдали йўл Афғонистон эканини яхши биламан. Ҳиндистондаги режалар амалга ошгач, Афғонистондаги ишларга ва у ердаги қўшинни шакллантиришга аҳамият бераман."[151]

[150] Cebesoy, *Moskova Hatıraları*, s. 391.
[151] Tanin Gazetesi, 2 ilkteşrin 1924. Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s. 455

Анвар пошонинг босмачилар сафига қўшилиши билан баробар совет раҳбариятининг иттиҳод ва тараққийга боғлиқ фикру тушунчалари ҳам тамоман ўзгарди. Жамол пошонинг советларни алдашга уринган, Афғонистонга борар-бормас, у ердаги сафдошлари билан биргаликда Анвар пошога қўшилмоқчи экани ва ёки унга ёрдам бермоқчи бўлгани тахмин қилинмоқда эди. Шунинг учун ҳам Жамол пошонинг Афғонистонга кетишига тўсқинлик қилинганди. Айни чоғда Чичерин ҳам, ўша пайтда Москвада турган Халил пошони қабулхонасига чақиртириб, унга иттиҳод ва тараққий лидерларининг Русияда юришлари ҳукуматни ҳузурсиз қилаётганини, бироқ бўйсунишлари шарт бўлган олий мақомдан келган фармонга мувофиқ улар Русияни тарк этишлари лозимлигини айтган. Халил пошо бу олий мақомнинг Анқара ҳукумати эканига Чичерин ишора этганини ҳам хотираларида билдирган.[152]

Тарих тасодифларга тўладир. Агарда Жамол пошо ҳам Афғонистонга кетаман дея ўжарлик қилмасдан, Халил пошога ўхшаб Оврупонинг исталган бир давлатига кетсайди, эҳтимол бевақт ўлимдан қутулиб қолармиди. Халил пошонинг ёзишича, совет ҳукумати марказий комитетида ишлаган яқин бир таниши унинг олдига келиб, шўро марказий комитети Жамол пошонинг ўлдирилишига қарор берганини, фақат у Москвада ўлдирилмаслигини, балки Тифлисда ўлдирилишини, суиқасдни арманилар амалга оширгани эълон қилинишини билдиради.[153]

Халил пошо бу муҳим гапни Жамол пошога айтади, фақат у пошонинг сўзларини эътиборга олмасдан, Тифлисга жўнайди. Бир оз шу ерда қолиб, режасига кўра, Анқара билан алоқа ўрнатмоқни ўйлаганди. Кейин эса, Афғонистонга қайтиб, аввал Ҳиндистонни, сўнгра Туркистонни асоратдан қутқармоқчи эди. Минг афсуски, тақдир орзу-ўйларини юзага чиқаришига изн бермади. 1922 йилнинг 21 июл куни, Тифлиснинг катта кўчаларидан бирида бораркан, рус махфий хизмати томонидан юборилган армани каллакесарларнинг ҳужумига учради ва шаҳид бўлди. У билан бирга ёварлари Нусрат ва Сурайё бейлар ҳам шаҳид этилдилар.

АНВАР ПОШОНИНГ ФАОЛИЯТЛАРИ

1920 йилнинг ёзида, Москвада собиқ иттиҳод ва тараққий ҳукуматининг Туркиядан мажбуран чиқиб кетган лидерлари бир йиғилиш уюштирдилар. 15 августда Анвар пошо Москвага келди. У, бир томондан, Олмония ва совет давлати ўртасидаги муносабатларда воситачилик қилмоқда ва бошқа бир томонда эса, “Шарқдаги мусулмон халқларни инглиз мустамлакачилигига қарши қўзғолони” йўналишидаги режасига

[152] Halil Paşa (Kut), *Bitmeyen Savaş*, s. 367
[153] Halil Paşa (Kut), *Bitmeyen Savaş*, s. 368

қўшиладиган ва қувватлайдиган сиёсий кучларни ахтармоқда эди. У пайтда совет ҳукумати раҳбарияти ҳали-ҳануз Мустафо Камол пошо ҳаракатининг Анадўлудаги келажаги тўғрисида аниқ бир тўхтамга келолмаганди. Шу боис Анвар пошо билан ҳам ҳар эҳтимолга қарши алоқани узмаганди. Зотан, Анвар пошо Усмонли империясининг ҳукмдори ҳазрат халифа султоннинг куёви ва яқин ўтмишда ҳукумат тўнтариши ясаб, ҳокимиятни эгаллаган ва салтанат йиқилишида рол ўйнаган бир шахс эди. Хусусан, унинг шуҳрати мусулмон мамлакатларга кенг тарқалган ва истиқболда бундан фойдаланиш мумкин эди. Шу туфайли, Зиновев ва Радек каби бўлшевик раҳбарлар воситасида, унинг Бокуда ўтказилган Шарқ халқлари қурултойига қатнашишига изн берилди. Анвар пошо қурултойда ўзини Фас, Жазойир, Тунус, Траблусғарб, Миср, Арабистон ва Ҳиндистон ислом жамиятлари иттиҳодининг вакили дея таништирди. Бироқ анжуман қатнашчиларининг эътирозига кўра унга сўз берилмади. Натижада маърузасини бошқа бир киши ўқиди.[154] Аммо ана шу барча терсликларга қарамасдан, қурултойда қатнашгани Анвар пошога жуда кўп мусулмон мамлакатлари вакиллари билан танишиш имконини яратди. Шундай қилиб, иттиҳодчи лидерлар анча вақтдан бери ўйлаб юрган фикр, яъни шарқдаги мусулмон ўлкаларнинг ихтилолчи гуруҳларини ягона тушунча ва ғоя атрофида бирлаштириб, бир сиёсий жабҳа уюштириш қарори қурултой чоғида тамоман пишиб етилди.

Иттиҳод ва тараққийчилар 1921 йил бошларида халқаро ислом ихтилол жамиятлари иттифоқи ташкилотини яратишди. Анвар пошо жамиятга раис бўлди.[155] Ҳар бир ислом давлатидан алоҳида вакиллар тайинланди. Халил пошо ва ҳожи Сомий бей Шарқий Туркистон, Азмий бей Афғонистон, Жамол пошо эса Ҳиндистон бўйича масъул эдилар. Кичик Талъат бей ва Ноил бей Анадўлуда иш юритадиган бўлди. Зотан, шуни ҳам айтишмиз керакки, бу кунларда Жамол пошо ва Азмий бей Афғонистонда юрганди ва аллақачондан бери Ҳиндистон масаласи билан шуғулланишаётганди. Халил пошо эса, Шарқий Туркистонга умуман одим ҳам отмаган.[156]

Бу ташкилотнинг қурилиш мақсадидан тортиб сиёсий жараёндаги фаолияти ҳам зиддиятларга тўла эди. Миллиятчи бўлшевизм ва халқаро ислом иттиҳоди тушунчалари ёки подшоҳлик ва халифалик ҳукмронлигини давом эттирадиган бир тузум шакллантириш борасида қарашлар турлича эди. Анвар пошо 1921 йил 4 мартда Мустафо пошога йўллаган мактубида бу хусусда шундай деган:


---

[154] Кенгроқ маълумот учун қаранг: Baku 1920, Birinci Doğu Halkları Kurultayı Belgeleri. Koral yay. İstanbul, 1975.

[155] Зиё бей (ўринбосар), Иброҳим Толе бей (котиб), Халил пошо, Сомий бей, Азмий бей ва Сайфи бейлар Бош марказ аъзолари этиб сайланганди.

[156] Ташкилот баённомаси учун қаранг: Yamauchi. Hoşnut Olmamış Adam: Enver Paşa, s. 47.

“Мен ислом ихтилол жамиятлари иттифоқи раиси сифатида, аввало Англия мустамлакачилигига ва сўнгра бутун Оврупо империализмига ва бизни тўғридан-тўғри эзишга уринаётган капитализмга қарши курашимни давом эттираман. Табиийки, бу ишнинг Туркияга ҳам таъсири бўлиши мумкин. Бу жараёнда Туркия ҳукумати балки менга қарши ҳам чиқар. Балки мен билан ҳеч бир ҳисоб-китоби йўқлигини ҳам айтар... Туркияда ана шу йўлда ишлайдиган бир фирқа қурилиши керак... Ислом ихтилол жамияти иттифоқи коммунист эмас, аммо интилаётган мўлжалу мақсад бир бўлгани боис, жаҳон коммунистлари бирлигига уйғун ҳаракат қила олади.”[157]



Анвар пошо, Туркиянинг Афғонистондаги элчиси Фахри пошо (ўртада), иттиҳод ва тараққий марказий комитетидан доктор Нозим бей, Ризо бей ва Усмон Бадри бейлар (ўнгда, бошда) билан бирга. Москва, 1921 (Аҳат Андижон архиви)

Анвар пошо бир ёқдан Анадўлуда кураш олиб бораётган Мустафо Камолга ёрдам беришини айтмоқда, бошқа бир ёқдан эса, Анадўлуга қайтиш ва ҳокимиятни эгаллаш йўлида иш ҳам юритаётганди. Унинг Анадўлуда қурдирган иттиҳод ва тараққийга боғлиқ халқ шўролари фирқаси бунинг бир кўриниши эди. [158]

[157] Karabekir, *İstiklal Harbimizde Enver Paşa ve İttihat Terakki Erkanı*, s.135
[158] Фирқа тузуги учун қаранг: Karabekir, *İstiklal Harbimizde Enver Paşa ve İttihat Terakki Erkanı*, s.103

Бу партия қурилиб-қурилмасдан, Туркия Буюк Миллат Мажлисидаги парламентнинг сўл қаноти ҳамда Камол пошога қарши кучлар билан алоқа ўрнатишга киришди. Шу билан бирга, Анвар пошо турк коммунист партиясига мактуб йўллаб, учинчи байналмилал билан муносабатларини тузатишда воситачилик таклифини билдирганди.[159]

Ислом ихтилол жамияти иттифоқининг иккинчи қурултойи 1921 йил 27 июнда Москвада бўлиб ўтди. Жуда оз сонли вакиллар қатнашган бу анжуманнинг энг муҳим натижаси шунда кўринмоқдаки, бу йиғинда араб делегатлар билан бошқалар ўртасидаги мавжуд фикрий айримлик ўртага чиқди. Араб ўлкаларидан келган тамсилчилар эски иттиҳодчилар назоратидаги бундайин ҳаракатга бутунлай қарши эдилар. Улар ҳам бошқарувда ўрин олмоқни ва қарорлар олинишида қатнашмоқчи эдилар. Бундан ташқари, Англия мустамлакачилигига қарши қаратилган бир ислом иттифоқи ҳаракатининг пайдо бўлишини ҳам хоҳламасдилар. Ана шу вазият Анвар пошо олдига келажакка қаратилган орзу хаёллари ва режаларини яна бир бор кўздан кечириш ва янгидан тузиш мажбуриятини қўйди. Эндиликда араб ўлкалари билан ҳамкорликда бир марказдан юритиладиган ҳаракатни уюштириш имкони йўқолгани аён эди. Унинг учун фаолият юритадиган биргина йўл қолганди: фақат Туркия ва бошқа турк юртлари.

Айни пайтда Анадўлудаги чет эл босқинчиларига қарши қутулиш уруши авжига чиққанди. Инўнудаги жанглардан кейин турк қўшинлари мамлакатнинг янада ичкарисига чекинишга мажбур бўлди. Мустафо Камол пошо ва сафдошлари оғир кунларни бошдан кечирарди. Эчкига жон қайғи, қассобга ёғ қайғи дегандай, бу вазиятдан ўзича эски ҳокимиятни тиклашда фойдаланишга умидланган Анвар пошо советларга мурожаат этиб, мусулмон қўшинлари билан чагараларда тайёр туриш лозимлигини уқтира бошлади. У Анадўлуда аҳвол ёмонлашса, ўша қўшинлар билан мамлакатга кириб, курашга

---

[159] Анвар пошо бу хатида ғарб империализмига қарши курашнинг мақсад ва моҳиятини тушунтирганидан кейин, Анқара ҳукуматига зарарли таклифларни ҳам ўртага қўймоқда эди. Жумладан, шу фикрлари унинг асл мақсадини англатмоқда:

> "...Оврупо капитализми ва иериализмига қарши курашда собит қолиб, бу борада сиёсат юритишга аҳд этдим. Бу нуқтаи назардан қаралса, орамизда (иттиҳодчилар ва коммунистлар демоқчи – тарж.) ҳеч бир фарқ йўқ демакдир. Шунинг учун ҳам ҳар ишингизга эхтиромимни билдириб, ҳарҳолда, Москвада Тавфиқ Рушдий бей ва бошқа дўстлар ишининг яхшиланишига, учинчи интернационал билан тил топишига ғайрат қилишимизни арз айларман. Ва Ноилнинг сўзларини эшитгандан кейин шу фикрга келдимки, Туркиядаги икки фирқа ҳамкорликда фаолиятга киришиб, халқнинг истагу талабларини тушунтиришда ва уларни эзилишдан қутултиришда битта жабҳада туришига моне қолмаяжакдир... "
>
> Қаранг: 4 феврал 1921 й. ёзилган хат. Karabekir, *İstiklal Harbimizde Enver Paşa ve İttihat Terakki Erkanı*, s.133.

қўшилмоқни ўйлаганди. Анвар пошонинг амакиси Халил пошога ёзган хати бу фикримизни янада равшанлатади деб ўйлаймиз:

> “Амаки,
>
> шўролар билан қалин муносабатда эканингни биламан. Мен томонимдан уларга қуйидаги таклифларни билдир: Озарбайжон, Доғистон, Бошқирдистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Туркистон каби турклик минтақаларидан танлаб олинган отлиқ аскарлар бирлиги ташкил этилган тақдирда, бу ўрду билан Анадўлуга ўтиш ва юнонлар ҳеч кутмаган замонда зарба бериб, миллий кураш жабҳасида фавқулодда ютуқларга эришиш, юнон қўшинларини довдиратиб қўйиб, денгизгача суриб бориб, чўктириб юбориш мумкинлигини тушунтир.”[160]

Агарда бу режа амалга ошса, Анвар пошо Анадўлудаги ҳаракат раҳбарлигини Мустафо Камол пошодан олган, янгидан миллий қаҳрамонлик шуҳратини қўлга киритган бўларди. Бироқ совет раҳбарияти Анвар пошо таклифларига кўз қири билан боқар, Мустафо Камол бошқараётган ҳукумат билан муносабат олиб боришни авло биларди. Шўролар Анвар пошони пайти келганда фойдаланиладиган “қирол қарға” сифатида ушлаб туришар, асл ният вақтдан ютиш эди. Шу боисдан Қорахон. Чичерин каби аъёнлар воситасида Анвар пошо ва сафдошларига вақтинча кулиб қараб, айрим моддий ёрдамлар ҳам кўрсатиб, маълум бир доирадагина фаолият юритишларига изн бериб қўйганди.

Бошқа бир томондан қараганда ҳам иттиҳодчиларнинг куни битганди. Яъни, иттиҳодчиларнинг Анадўлуга қаратилган шум ҳаракатларидан безор бўлган Мустафо Камол пошо уларга нисбатан қатъий ва шафқатсиз муносабат кўрсатишга қарор берганди. Шарқ жабҳаси қўмондони Козим Қорабакир пошога, Фавзи пошо қўмондонлигидаги шарқ ва ғарб ўрдуларига Мустафо Камол пошонинг йўллаган буйруқлари Анадўлу ҳукуматининг бу борадаги жиддий ёндашувларини очиқ кўрсатиб турибди.[161] Анвар пошо Анадўлуга қайси йўлдан кирса ҳам, дарҳол қўлга олиниши тўғрисида фармон чиқарилган. Апрел ойи ўрталаридан Анвар пошога алоқадор сиёсатчиларни куткилаш ва қоралаш бошланган. Анвар пошога тарафдор бўлиши эҳтимол қилинган зобитлар назорат остига олинган. Анадўлуда қўшин уюштиришга юборилган Кичик Талъат бей ушланиб, юртдан ташқарига ҳайдаб юборилган. Нурий пошо Арзирумда қамалган, Халил пошо эса, Қафқазга жўнашга мажбур бўлган. [162]

Сақарядаги ҳаёт-мамот жангларида эришилган ғалаба фақат Анадўлу ҳукуматининг эмас, балки иттиҳодчиларнинг тақдирини ҳам ҳал қилди. Энди Анадўлудаги Камол пошо ҳукуматининг доимийлиги

---

[160] Halil Paşa (Kut), *Bitmeyen Savaş*, s. 350

[161] Karabekir, *İstiklal Harbimizde Enver Paşa ve İttihat Terakki Erkanı*, s.138-150 (бетлардаги шифрли хатлар).

[162] Yamauchi, *Hoşnut Olmamış Adam: Enver Paşa*, s. 54.

равшан эди, совет ҳукумати раҳбариятининг кимлар билан муносабатни давом эттириши ҳам аён эди. Сақаря зафаридан кейин Анвар пошо ва сафдошларининг руслар орасида ортиқ эътибори қолмаганди. Иттиҳодчилар бошига умидсизлик ёпирилганди. Иттиҳод ва тараққийчилар томонидан қурилган халқ шўролар фирқасининг Анадўлунинг келажагини белгилаш мақсадида 5-8 сентябрда Ботумда ўтказилган қурултойи ҳам ана шу даврга тўғри келди. Қурултойнинг энг муҳим қарорларидан бири сургундаги иттиҳодчиларни Анадўлуга қайтишлари кераклигига оид эди, у Мустафо Камол пошо ҳукуматига юборилди.[163]

Анадўлудан умид узган Анвар пошо қаршисида икки йўл қолганди. Ё Оврупога қайтиб, жондан суйган хотини Ножия султон билан тинчгина ҳаётни давом эттириш ва ёки Хазарнинг у ёғига ўтиб, номаълум келажакдан иқбол излаш. Ҳожи Сомий унга Ўрта Осиёда уларни қўллаб-қувватлайдиган бир муҳит борлигини ва Туркистон халқининг Анвар пошо каби бир раҳнамога муҳтожлигини айтганди. Жамол пошо ҳам анчадан бери Афғонистонда иш юритмоқда. Бундан ташқари, сиёсий умрини давом эттириш учун Анвар пошо янги бир муваффақиятга муҳтож эди. Ниҳоят, у Хазарнинг нариги тарафига, яъни Туркистонга жўнашга қарор қилди. 1921 йил 28 сентябрда Ботумдан чиқиб кетди ва октябр ойи ўрталарида Бухорога етиб борди.

АНВАР ПОШО ТУРКИСТОНДА

Анвар пошонинг келиши Бухоро жумҳурият учун ва Туркистондаги босмачилик ҳаракати тарихи нуқтаи назаридан жуда аҳамиятли эди. Анвар пошо ёнида Қушчизода Салим Сомий (ҳожи Сомий) ва заҳирадаги зобит Муҳиддин бейлар билан бирга келганди. Бу ерда у Бухоро ҳукуматининг аъёнлари билан кўришиб суҳбатлашди. Бу учрашувлардан кейин мавжуд муҳитда уч йўналишдаги фикр борлиги маълум бўлди. Бухоролик жадидларнинг бир қисми пошонинг Бухоро жумҳурияти билан совет ҳукумати ўртасида воситачилик қилиши ва Бухоронинг қувватли давлат бўлишига ёрдам беришини исташарди. Усмон Хўжаўғли ва Абдуҳамид Орифов каби лидерлар эса, Анвар пошонинг босмачиларга қўшилишини ва уларга қўмондонлик қилиб, Туркистонни рус асоратидан қутултиришини хоҳлардилар. Закий Валидий бошида турган учинчи бир гуруҳ эса, агарда Анвар пошо тўғридан-тўғри урушда қатнашаркан, советлар бор кучи билан бу ўлкага

[163] Халил пошонинг хотираларида таъкидланишича, аслидла Ботумда қурултой ўтказилмаган. Анвар пошо ёзган бир баённомани, уни ранжитиб қўймаслик учун, Кичик Талъат билан Халил пошо имзолаб, Анқарадаги ҳукуматга юборишган. Қаранг: Halil Paşa (Kut), *Bitmeyen Savaş*, s. 361

ёпирилишини, Туркистондаги бу курашга кўмак кўрсатиши мумкин бўлган аввало инглизлар ва бошқа ташқи давлатларнинг айни мужодалага аралашмаслик эҳтимоли кучлилиги ва яна бир муҳим томони, Туркистондаги бу урушнинг минтақавий доирадан чиқиб, халқаро йўналишдаги пантуркизм ва панисломизм моҳиятига эга бўлишини илгари сурмоқда эди.

Ана шу жиҳатларни кўзда тутиб, Анвар пошонинг Афғонистонга ўтгани ва у ердан туриб Туркистондаги курашга қатнашгани маъқулроқ кўринарди. Анвар пошо билан биргаликда Бухорога келган ҳожи Сомий эса, қайсарлик билан Туркистон халқининг портлашга тайёр турганлигини ва фақат бир нарсанинг, Анвар пошо каби кучли бир йўлбошчининг етишмаётганини таъкидларди.

Бухорога келиши биланоқ Анвар пошонинг Русия советлар халқ комиссарлигига ёзган бир хати унинг ҳануз аниқ бир тўхтамга келмаганини, бошида турли фикру хаёл ғужғон ўйнаётганини англатмоқда. Бу мактубда пошо шуларни таъкидламоқда:

> “Совет Русиясининг инқилобчи йўлбошчилигидаги мустақил Бухоронинг ёрдами билан биз ислом Осиёсининг Британия мустамлакачилигидан қутқариш вазифамизни муваффақиятли бир суратда юзага чиқара оламиз. Шу сабабли Москва халқ комиссарлар ташкилотидан Бухоро худудларида ўзини ишғол қилинган душман заминида юргандай тутаётган қизил қўшинларнинг ортга қайтарилишини илтимос қиламан... Шарқий Бухорода исён кенг ёйилмоқда. Бу оёқланиш жумҳуриятнинг бошқа минтақаларига ҳам тарқалиши мумкин... Ёш бухороликлар орасида ҳам Москвага қарши исён руҳи ортиб бормоқда. Бу ҳодисаларнинг шарқ жабҳамиз учун таҳликали эканини айтиб, совет ҳукуматини огоҳлантиришни бурчим деб биламан. Бухоро халқига ўз тақдирини ўзи белгилаш имкони берилиши лозим. Бухоро халқининг истак-орзусига биноан, совет Русия ҳукумати билан Бухоро жумҳурияти ўртасида ўтказиладиган музокараларда Бухоро халқининг вакили бўлиб қатнашишга тайёрлигимни билдирмоқчиман.”[164]

Анвар пошо Москвадаги шўро раҳбариятига бу хатни йўллаган пайтида, татарлардан чиққан сиёсатчи Султон Ғалиев пролетар миллатлар ва учинчи жаҳон интернационализми тушунчасини ўртага қўйган ва бу ўша даврнинг долзарб масаласига айланганди. Унга кўра, шарқдаги ўзгаришларни фақат мусулмон халқлар воситасида амалга ошириш мумкин эди. Худди шунга ўхшаш, Туркистон йўлдошчиларидан бири Турар Рисқулов ҳам жанубда мустақил бир турк федератив давлатини қуриш ва бу тарзда Осиё социализмига воситачилик этиш мумкинлигини уқтирмоқда эди. Юқоридаги хатда баён этилган фикрлари билан Султон Ғалиев ва Турар Рисқулов қарашлари орасида қанчалар

[164] Çokayoğlu, *Merhum Enver Paşa Hakkında Hatıra Parçaları*, Yaş Türkistan dergisi, 1933, sayı 33, s. 9

ўхшашлик бор-йўқлигини Анвар пошо ўйлаб кўрганми-йўқми, бу бизга қоронғи, албатта. Аммо чорлик империясида давлат тўнтариши қилган бўлшевиклар руслардан бошқа халқларнинг ўз миллий манфаатлари йўлида социализмни ва инқилобни рўкач қилишларини исташмас ва бунга изн бермасликка қарор қилишганди. Уларнинг фикрича, Султон Ғалиевнинг "пролетар миллатлар"и фақат рус инқилобининг қулваччалари бўлишлари мумкин эди холос. Шу боис ҳам советлар Султон Ғалиевни ҳам. Турар Рисқуловни ҳам коммунистик партиядан ҳайдашни ўйлашмоқда эди.

Анвар пошонинг бундайин учрашувлари ва қилаётган ишларидан ҳам совет ҳукумати норози эди. Шунинг учун ҳам Афғонистондан Тошкентга келган Жамол пошо билан унинг учрашмоғига изн берилмади. Бухородаги рус элчиси Юренев эса, эндиликда Жамол пошонинг Афғонистонга ҳам, Туркистонга ҳам қайтишига рухсат йўқлигини билдирди, бу айни вақтда Анвар пошо учун бир огоҳлантириш эди. Рус элчиси, шунингдек, Анвар пошонинг юзига уни кўпдан бери кузатаётганлари ва қилмишларидан норози эканларини очиқ айтганди. Шундан кейин Анвар пошо ўзининг руслар тарафидан ушланиб қамоққа ташланиши ёки отиб ўлдирилишини ҳам англаб етганди. Эндиликда унинг қаршисида Туркистон мустақиллиги учун курашдан бошқа йўл қолмаганди. Бунга мажбурдек вазиятда эди. Хуллас, суюкли хотини Ножия султонга мактубида ёзганидек, қилич қинидан чиққан ва бутунлай муваффақиятга эришгандан кейингина орқага қайта оларди.[165]

Анвар пошо 8 ноябр куни ёнидаги зобитлар ва бир бўлак аскарлар билан биргаликда яширинча Бухородан чиқиб кетди.[166] Шарқий Бухорога етиб бораркан, жиддий муаммога дуч келди. Қўрбошилардан Иброҳим лақай унинг "ҳақиқий Анвар пошо эканлиги аниқ эмас"лиги иддаоси билан уни тутиб, қамоққа ташлади. Анвар пошонинг асирлиги унча узоққа чўзилмади, собиқ Бухоро амири Саид Олимхон ва Афғонистон амири Омонуллохоннинг аралашувлари натижасида, уч ой ўтганидан сўнг, пошо озод қилинди.

Иброҳим лақай асоратидан қутулгандан кейин Анвар пошо қўрбошиларни бир ерга чақириб, улар билан кенгашиб, барча босмачилар тўпланган жабҳа ташкил этиб, русларга қарши катта курашни бошлаб юборди. Гарангсиб қолган қизиллар дарҳол атрофдаги кучларини йиғишга киришди. Ислом қўшинлари бош қўмондони, халифа султоннинг куёви Анвар пошо идеализми, жасорати ва ҳатто хаёллари билан ёвга қарши урушни ойларча давом эттирди. Амир Омонуллохонга

[165] Hayit, *Basmacılar*, s.197.

[166] Анвар пошонинг ёнида ҳожи Сомий, Термиз горнизони қўмондони Ҳасан бей, монастрлик мулозими аввал Нофий бей ва ўттизтача милиционер бўлган. Кенгроқ маълумот учун қаранг: Ali Fuat Cebesoy, *Moskova Hatıraları*, s. 415

ёзган мактубидаги қуйидаги сўзлар унинг истиқболга қарашини ва эртадан умиди улкан эканлигини кўрсатиб турибди:

> “Ёрдамларингиз соясида Бухоро ва Туркистонда руслар ҳокимиятини тугатиб, ўз ҳукмронлигимиз остидаги шарқ ислом ҳукуматлари иттифоқини яратамиз. Ана шу тарзда, қисқа вақт ичида, худди кучли Олмония федератив давлати каби дунёни ҳуркитадиган бир мамлакат майдонга келади.”[167]

Бутунлай нотаниш бир жуғрофий муҳит ва оғир шароитда бўлишига қарамасдан, Анвар пошо урушни муваффақият билан олиб борди. Афсуски, тарих амалга ошмаган орзу-хаёлларга тўла. Ҳеч кутилмаганда, 1922 йил 4 августдаги рус қўшинларининг ногаҳоний ҳужумига учраган Анвар пошо Балчиванда[168] шаҳид тушди.[169]

ҲОЖИ СОМИЙ ВА БОШҚА ИТТИҲОДЧИЛАР

Анвар пошонинг ўлимидан сўнгра ҳожи Сомий қўмондон этиб тайинланди ва қизилларга қарши жангларда у бошчилик қилди. Бутун умри исёнчилик билан ўтган бу таптортмас иттиҳодчи босмачилар билан биргаликда бир йилча қизилларга қарши истиқлол курашини давом эттирди ва охири мажбуран Туркистондан чиқиб кетди.[170]

Хорижда Туркистон мужодаласида қатнашган иттиҳодчилардан яна бири адиб ва дипломат Маҳмуд Шавкат Эсендалдир. Иттиҳодчилар ҳаракатининг Москвада авжига кўтарилган пайтда у Туркия жумҳуриятининг Бокудаги вакили эди. У ўша ерда туриб ҳам иттиҳод ва тараққийчилар билан узлуксиз муносабат олиб борди.[171]

Бу алоқалар Анқара ҳукуматига билдирилганми-йўқми, бу номаълумдир. Эсендал ҳақида битилган асарларда унинг ана шу иттиҳодчилар билан бўлган муносабатлари ҳукуматда шубҳа уйғотгани, бу туфайли раҳбарият унга совуқ қарагани ва бунинг натижасида ҳаёти оғирлашгани очиқ айтилган. Шундай бўлса ҳам, Анқара ҳукумати уни аввал Теҳронга, кейин Афғонистонга Туркиянинг элчиси қилиб юборган.[172] Эсендал элчилик мақомида экан, Туркистон лидерлари билан

---

[167] Yamauchi, *Hoşnut Olmamış Adam: Enver Paşa*, s. 126

[168] Бугунги Тожикистондаги бир шаҳар.

[169] Унинг бу улуғ кураши ва минтақавий моҳияти китобдаги “Амударёнинг у ёғида” бўлимида акс этган.

[170] Қаранг: китобнинг “Амударёнинг у ёғида” бўлими.

[171] Қаранг: Маҳмуд Шавкат бейнинг Анвар пошога 1921 йил 1 апрел ва 4 майда ёзган хатлари. Yamauchi, *Hoşnut Olmamış Adam: Enver Paşa*, s. 173, 199

[172] Эсендал 6.10.1925 – 31.8.1930 йилларда Теҳронда ва 11.6.1933 – 31.10.1941 йилларда Кобулда буюк элчи вазифасини бажарган. Элозиқ маъбуси сифатида парламентда ҳам хизмат қилган (манба: Туркия ташқи ишлар вазирлиги архиви).

доимо яқин ва дўстча муносабатда бўлган, уларга ёрдам беришга интилган.

Анвар пошо ўлдирилганидан кейин, унинг амакиси Халил пошо ва туғишгани Нурий пошонинг Туркия жумҳурияти учун таҳлика унсури сифатида қораланган даври ҳам охирига етди. Ҳар икки иттиҳодчи ҳам кўп ўтмасдан Туркияга қайтишди ва Анқара ҳукумати билан муросали ва мувофиқ тарзда ҳаётларини давом эттиришди. Ҳар иккала шахс ҳам кейинги йилларда Туркияга муҳожир ўлароқ келган Туркистон лидерларига ва миллиятчи жадидларга самимий муносабатда бўлдилар. Масалан, Закий Валидий Тўғон хотираларида, 1924 йили Истанбулга келганида, уни Анвар пошонинг ёвари Муҳиддин бей кутиб олганини эслаган. У Францияга кетаркан, Измирда Халил пошога деч келади ва уч кун унинг меҳмони бўлади.[173] Иттиҳодчилар ва Туркистон муҳожирлари орасидаги бундайин қардошлик боғланишлари кейинги йилларда ҳам сақланиб қолди. Эски иттиҳодчилар 1920 йилларнинг иккинчи ярмисида Истанбулда юзага чиққан Туркистон Миллий Бирлиги ҳаракати ва Туркистон турк ёшлар уюшмасининг фаолиятларига ҳам ёрдам бериб, яқин муносабат кўрсатганлар.

ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ АВОМИЙ ИХТИЛОЛ ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ИТТИФОҚИ

1920 йилларда бўлшевизмни қабул қилолмаган Туркистон зиёлилари Туркистон келажагига оид ҳар борада ўз таъсир кучига эришиш кераклигини англаб, давом этаётган миллий мужодалани бошқариш ва йўналтириш учун алоҳида бир сиёсий ташкилот қуришга қарор бердилар. Аммо қандай ташкилот бўлиши ва нималар қилиниши лозимлигига боғлиқ фикрлар турлича эди. Бухоролик жадидлар ва Туркистон шўрои исломчиларининг биргаликда ўтказган бир йиғилишларида тараққийпарвар жадидлар гуруҳи ва социалистлар тўдаси[174] шаклида иккита сиёсий йўналиш майдонга чиқди. Социалистлар гуруҳининг программасида қишлоқ аҳли пролетар дея қабул қилинмоқда ва бу тарзда саноатнинг шаклланмагани боис Туркистонда маҳаллий ишчилар синфи ўрнини, бўшлиқни тўлдириш ният қилинганди. Улар қурилажак мустақил Туркистон ҳукуматининг тамал унсури бўлиши режалаштирилганди. Ер, сув ва бошқа манба ва мулклар ҳам давлатники бўлади, аҳоли коллективлаштирилади. Давлат диндан айри, республика бўлиши кўзда тутилганди. Қисқаси, эркчи социалистларнинг қурилажак давлатида ишчилар синфи ўрнини

[173] Togan, *Hatıralar*, s. 536
[174] Бу гуруҳ кейинроқ эрк фирқасига айланди.

қишлоқликлар тўлатарди, шариатчи эмас, республикачи бир ҳукумат тузиларди, миллиятчи бир социалист тузум юзага чиқарди.

Тараққийпарварлар эса, диний тарафга кўпроқ диққат қаратишмоқда эди. Бундан ташқари, улар аҳолини синфларга ажратишга қаршийдилар ва ер-сувнинг хусусий мулклигини қабул қилишганди. Бош мақсад диннинг муҳофаза қилиниши, бошқарувнинг фақат бир табақага оид бўлмаслиги, буржуазия тараққийнинг асосий чархига айланиши – бу давлат моделининг муҳим хусусиятлари эди.

Ўлканинг ҳар бир бурчагига ёйилган миллий мужодаланинг тарқоқликдан қутултириб, бирлашган сиёсий қараш атрофида жипслаштириш жуда муҳим эди. Бунинг учун гуруҳларнинг муросага келиб бирлашуви ва яширин сиёсий ташкилот қурилиши даркор эди. 1921 йил июл ойида Туркистонга келган Туркия Буюк Миллат Мажлиси аъзоси Исмоил Субҳий (Сўйсалўғли) ҳам ҳамкорликни ва бирлашувни тавсия қилганди. Бундан ташқари, айрим жадид раҳбарларнинг тилагига кўра сиёсат қоидалари, аскарлик қоидалари, маориф қоидалари, соғлиқ ва меҳнат қоидалари, иқтисод қоидалари ва умумий қоидалардан иборат 72 моддалик сиёсий ва ижтимоий илмиҳол тайёрланганди.[175] Ёш бухороликлар умумий ўлароқ тараққийпарварлар гуруҳига мансубди. Закий Валидий, Абдулҳамид Орифов ва баъзи Алаш ўрда вакиллари эса социалист гуруҳга қўшилганди. Ниҳоят, 1921 йилнинг 29 декабрида ўтказилган йиғинда 7 моддалик бир баённома қабул қилинди ва қурилган яширин ташкилотга "Ўрта Осиё миллий авомий ихтилол жамиятларининг иттифоқи" дея ном берилди. Барча гуруҳлар маъқуллаган 7 модддалик баённома шундан иборат эди:

> "1. Жамиятнинг ғояси Туркистон мустақиллигидир ва Туркистон тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини туркистонликлар ўз қўлига олишидир.
>
> 2. Мустақил Туркистоннинг идора усули демократик жумҳуриятдир.
>
> 3. Истиқлол ғояси фақат миллий қуролли кучларнинг ташкил этилиши билан боғликдир ва миллий ҳукумат фақат миллий қўшинларга таянади.
>
> 4. Туркистоннинг истиқлоли иқтисодий эркинлик билангина юзага чиқади. Туркистон иқтисодиётининг умумий чегараларини тайин этиш, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик ва бошқа экинчилик ишларини юритишда қайси соҳаларга аҳамият бериш, темир йўллари ва каналу ариқларнинг қаерларда ва қандай қуриш ва бошқа шу каби масалаларни туркистонликларнинг ихтиёрида бўлиши керак.

[175] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s. 415

5. Замонавий ва шаклланган маориф тизимини ташкил этиш, Оврупо маданиятини рус маданияти воситасида эмас, балки тўғридан-тўғри ўрганишни йўлга қўйиш.

6. Миллат масаласи билан мамлакатнинг табиий бойликларидан фойдаланиш аҳолининг сонига қараб, мансубиятига кўра ҳал қилиш.

7. Диний ишларда тўла эркинлик, давлат ва дин ишларини аралаштирмаслик.” [176]

Бу жамиятни бошқариш вазифасига, раисликка Мунаввар қори тавсия этилди. Аммо у бу мартабани қабул қилмагач, адиб Садриддин Айнийни раҳбарликка сайламоқчи бўлишди. У ҳам кўнмагач, Исмоил Субҳийнинг таклифига биноан Аҳмад Закий Валидий жамият раислигига сайланди. Жамиятнинг бошланғичда 7 моддадан тузилган баённомаси 1921 йилдаги Самарқанд қурултойида ва 1922 йилдаги Тошкент қурултойларида ҳам ўзгаришсиз қолди. Закий Валидий Тўғон Самарқанд қурултойида Туркистон миллий байроғининг тайёрлангани ва анжуманда қабул қилинганини ёзган. [177] Туркистон ичида ва ташқарисида йилларча олиб борилган истиқлол мужодаласининг асл моҳияти ва аҳамияти акс этган ана шу жамият тузуги ва ундаги моддалар фавқулодда муҳимдир.[178]

Тузукнинг биринчи моддасида бу иттифоқнинг ўзбек тараққийпарвар жадидлари, ёш бухороликлар фирқаси, ёш хиваликлар фирқаси, Қозоғистон алаш ўрда фирқаси, Бошқирдистон фирқаси, Туркистондаги қашқарликлар ва таранчилар ташкилотлари, Чоржўй туркман миллий ташкилоти, Туркистон социалист федералист турк адеми марказият фирқаси мансублари томонидан қурилгани таъкидланган. Ўша даврда Туркистонда қурилган барча ташкилотларнинг, фирқаларнинг турлича сиёсий қарашга эга бўлса ҳам, барининг мақсади мустақиллик тамалига, ягона Туркистон ғоясига суянгани боис, ана шу мақсад ва ғоя атрофида бирлаша олгани ва ҳамкорлик қилганидан ибратдир ва ҳақиқатан ҳам таҳсинга лойиқдир.

Туркистонннинг жуғрофий маънодаги моҳияти иккинчи моддада билдирилган. Яъни, Туркистон умумий волийлигига оид вилоятлар, аввалги Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига қарашли ерлар, олдинги Қозоқ саҳроси вилоятларининг умумий волийликка боғлиқ минтақалари шаклида ифода қилинган. Бу модданинг давомида Русия, Сибирия ва Ўрол билан чегарадош ерларда рус аҳоли кўпроқ майдонларни русларга, шунга бадал ўлароқ турклар кўпроқ тупроқларни Туркистон ҳудудига киритилиши маъқулланмоқда. Бундайин ёндашувга кўра, Бошқирдистон,

[176] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s. 408. Тўғоннинг мазур китобида социалистлар тўдасининг 9 моддалик, тараққийпарварларнинг 19 моддалик баённомалари ҳақида ҳам маълумот берилган.
[177] Тўғон, ўша асар, 409-421 б.
[178] Тузукнинг асл нусхаси китобнинг иловалар бўлимида берилмоқда.

Букайўрда, Буғтарма каби турк аҳоли асосий халқ ҳисобланадиган юртларнинг ҳам Туркистон ичида бўлишини тақозо этмоқда. Русларнинг маҳаллий халқдан кўпчиликни ташкил қиладиган Татаристон ва Сибирия туркларининг ўлкаларида эса, фақатгина Туркистон истиқлолига ёрдамчи ташкилотларнинг қурилиши мумкинлиги билан кифояланиш мақсадга мувофиқ топилган.

Умумий тузук бу иттифоққа қўшилган партиялар томонидан қабул қилинган 7 моддалик бир баённомада билдирилган. Марказий комитет қавмларга эмас, юртларга асосан ташқил қилиниши режалаштирилган. Туркистон истиқлолига чиндан, самимий ишонган маҳаллий яҳудий, эроний, қалмиқ, афғон, ҳинд, украин ва ҳатто руслар ҳам ташкилотга кириши мумкин (5-модда). Бу каби муносабат ташкилотнинг тамали ирқий асосга эмас, балки ҳуррият ва демократик тушунчаларга таяниб қонунлар яратилганини кўрсатмоқда. Рус мустамлакачилигига қарши истиқлол курашини олиб бораётган бир ташкилотнинг русларга бундайин муносабати – бу мужодаланинг рус миллатига эмас, балки босқинчиликка, империалист бўлшевик тузумига қарши эканини, тузук ҳам ана шу йўналишда ёзилганини таъкидламоқда. Бу ерда диққатга сазовор бир нуқта тожикларнинг туркийлардан айирмасдан қаралганида ҳам сезилади. Зотан, жамият қурилган илк анжуманда ташкилот раислигига аввал Мунаввар қори, сўнгра тожик лидерларидан Садриддин Айний таклиф қилинган; аммо иккалови ҳам махфий иш юритишга рози эмасликлари боис, бу мартабани қабул қилмаганлар. Ана ўшандан кейингина раисликка бошқирд туркларидан Закий Валидий номзоди кўрсатилган.[179]

1920 йиллардаги мана шу воқеалар Туркистон зиёлиларининг қабила ва уруғпарастлик, маҳаллийчилик каби иллатлардан холи туриб иш юрита олганларининг исботидир ва жуда муҳим тарихий ибратдир.

Мусулмон ёки турк бўлмаганларнинг ҳам жамиятга аъзо бўлиши мумкинлиги ҳам бу ташкилотнинг яратганларнинг Туркистон миллий бирлигига ва Туркистон мустақиллигига ишонган барча халқ вакилларининг, динидан ва миллатидан қатъий назар, Туркистонда яшаган барча инсонларнинг туркистонлик сифатида қабул қилинганини ҳам англатмоқдадир.

Ташкилотга аъзолик шартлари, қабул расм-русумлари худди иттиҳод ва тараққий жамиятига кириш одатларига ўхшаган.[180] Тузукнинг 7 ва 8-моддаларида жамиятга аъзо бўлиш қонун-қоидалари батафсил

[179] Togan. Hatıralar, s.375.

[180] Туркистон Миллий Бирлиги аъзоси Иброҳим Ёрқин (Орифхон) таъкидлаганидек, хорижда олиб борилган ишларда ҳам, жумладан ТМБга аъзо қабул қилинганида махсус расм-русум бажарилган. Бу одатлар иттиҳод ва тараққийчилардан олинган. Янг аъзо ташкилотга кираркан, қасамини бузса, жамият сирини сотса, ўлдирилишига розилик берган. (И. Ёрқин билан 1991 йил 10 январда, Ғозий Усмон пошо кўчасидаги суҳбатда ёзиб олинган-А.А.)


изоҳланган. Аъзоликка номзод жамият тузугини қўлига олиб, овоз чиқариб ўқийди ва уни вабул қилганидан кейин, қаршисига қўйилган қуролни (милтиқ, тўппонча ёки қилич) бир қўлига олиб, бошқа қўлида Қуръони Каримни (мусулмон бўлмаганлар миллий байроқни) тутганича қуйидаги сўзларни такрорлаб, қасам ичган:

> “Туркистон истиқлолига, ҳур ва Улуғ Туркистон ғоясига инонган туркистонликларнинг миллият ва қабила айирмасдан бир бўлиб, Туркистон миллий бирлиги йўлида ҳурриятга эришгунга қадар жоним борича хизмат қилишга бутун виждоним билан қасам ичаман. Жамият сирини сақлайман. Бу йўлда жоним фидо бўлсин. Қуролни, Қуръонни ёки миллий байроқни қўлимда тутиб жамият аъзолари қаршисида берган аҳдимга хиёнат қилсам, ўлимга розиман, қоним шу қуролга халол бўлсин!”

Бу жамиятнинг иш юритиш тарзи коммунистик партия ташкилотларидаги бўлим тартибига ўхшаган. Ҳар бир бўлимда бир неча киши гуруҳ ҳолида иш юритади. Энг қуйи бўлимдаги фақат бир кишигина юқори бўлим билан алоқа қила олади. Бу тариқа фаолият олиб борилганида, бирор аъзо қўлга тушиб қолса, бошқаларни сотиб қўйишга имкон қолдирилмайди. Тузукдаги бошқа айрим моддаларда ташкилотнинг асос қарор чиқарувчи органи қурултой экани, унинг қандай ташкил этилиши ҳам асосланган. Марказий комитет аъзолари қавмий мансубиятига эмас, балки Кобулиятига қараб белгиланиши ҳам таъкидланган. Марказий комитет сиёсий, молиявий ва маданий фаолиятларининг барчасида эркиндир (13, 14, 15-моддалар). Молиявий манбалар аъзолик бадалларидан, матбуот ва нашриёт ишларидан, бошқа баъзи солиғу киримлардан иборат бўлиши ҳам очиқ ифодасини топган.

Интизом ташкилотда ҳар нарсадан устун тутилган. Бир қарор чиқарилгунча барча фикрлар тингланиши ва ҳисобга олиниши, шунинг баробарида, бир масалада қарор қабул қилиндими, баҳсга ўрин қолдирмасдан дарҳол бажаришга киришиш таъкидланмоқда (17-модда). Мувофиқ шарт-шароитда, ташкилотнинг хорижда қуриладиган бўлими ҳам шубҳасиз марказга боғлиқ бўлади. Аммо, қандай тарзда бўлишидан қатъий назар, Туркистондаги марказ тарқалса, хориждаги марказ фаолиятга раҳбарликни ўз қўлига олади ва мустақил иш юритади (20, 21 ва 23-моддалар).[181]

[181] Тузукнинг асл нусхаси ва матни иловалар бўлимида берилган.



Харитта 3. Давлат тўнтариши йиларида Туркистон жадидлари томонидан қуришга интилинган Мусулмон Ўлкалари Федерацион Автономияси давлати харитаси *(Беннигсондан)*

Жамиятга уюшган гуруҳлар ўзаро кенгашиб, бир овоздан қабул қилган қарорларида уларнинг ягона нияту мақсадлари акс этган. Масалан, “Туркистон мустақил бўлиши керак ва ўлканинг келажаги

Туркистон аҳли томонидан белгиланиши даркор. Қурилиши режалаштирилган мустақил давлат замонавий, республика шаклида бўлади ва миллий қўшинга таянади. Давлат ўз олдига иқтисод, маориф, хўжалик ва бошқа соҳаларни кўтариш ва халқнинг даражасини юксалтиришни мақсад қилиб қўяди".

Ҳеч шубҳасизки, бу ниятларни юзага чиқариш учун аввало мустақилликка эришмоқ лозим эди. Шунинг учун жамият Фарғона, Самарқанд ва Хива томонларда жанг олиб бораётган босмачиларга ўз вакилларини юбориб, ҳамкорликда иш юритмоққа киришди. Бундан мақсад босмачилар гуруҳлари билан ҳамкорликдаги ҳаракатни уюштириб, бирлашган, бир бутун жабҳани ташкил қилиб, миллий курашни тартибли ҳолда давом эттирмоқ эди.

БОСМАЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Босмачилик ҳаракати совет ҳокимиятига қарши Туркистон миллий мужодаласининг қуролли кураш жараёнидир. Туркистон мухторияти ҳукуматининг бўлшевикларнинг Тошкент совети томонидан ағдарилиши ва тарқатилиши натижасида ўртага чиққан бу ҳаракат қисқа бир замонда бутун Туркистон ўлкасига ёйилди ва 1930 йиллар бошигача давом этди.

Туркистон мухторияти ҳукумати қурилган пайтда раҳбарият шаҳар муҳофазасини таъминлаш вазифасини Эргаш бекка топширганди. Қўқон милисаси бошлиғи бўлган Эргашга қўрбоши унвони берилганди. Туркистон мухторияти ағдарилгандан сўнгра у тоғларга чекинди ва Фарғона водийсида советларга қарши қуролли курашни бошлаб берди. Аввалига Қўқон ва атрофидаги қишлоқларни қамраган бу исён бора-бора кенгайиб, 1918 йил ўрталарига келганда бутун Фарғона водийсини эгаллади. Шундай қилиб, Туркистон мухториятининг тарқатилиши босмачилик ҳаракатининг бошланиши дея қабул қилинмоқда.

Совет ҳукумати ўз тарихида ва бутун жаҳон кўз ўнгида халқнинг бу улкан миллий озодлик ҳаракатини "босмачилик" дея кичрайтириб, сохталаштириб ифодалаган. Ана шу тарзда шўролар, бир томондан, маҳаллий халқнинг бу миллий ҳаракатни қўллаб-қувватлаганини пардалашга, салбий баҳолашга уринмоқда ва иккинчи томондан, дунёга уни жўн бир қароқчилик ҳаракати каби кўрсатиб, ўзининг мустамлакачилик, босқинчилик ишини яширишга интилмоқда. Шўроларнинг бундайин қилмишларига қарама-қарши ўлароқ, бир мунча муддат сўнгра, босмачи атамасининг англами ҳам ўзгарди, халқ тарафидан босмачи сўзи истиқлол курашчиси, мужоҳид маъноларида тушунилиб, шу тариқа талқин қилина бошланди. Аслида босмачиларнинг раҳбарлари бу ҳаракат бошланганидан эътиборан ўзларини қўрбоши, бу курашни эса қўрбошилар ҳаракати дея атаганлар.


Бироқ, афсуски, бу ҳаракат шўро тарғиботи туфайли босмачилик тарзида бутун дунёга тарқалди, сохтакор совет мафкураси бу билан ўлкадаги миллий озодлик курашини бир қароқчилик, босқинчилик шаклида танитмоққа интилди.

Босмачилик ҳаракати умуман олганда Қўқон хонлигидаги ҳарбий низому интизомга кўра шакллантирилди. Яъни ўнлик, юзлик бўлинмалар ўнбошилар ва юзбошилар томонидан бошқарилди. Беш юз кишилик гуруҳ бошида понсод турарди. Бир қўрбоши ихтиёрида камида минг кишилик қўшин мавжуд эди. Бир неча қўрбошиси бор қўмондон лашкарбоши дейилган. Босмачиларнинг лидерлари орасида халқнинг барча табақасига мансуб кишилар, масалан, эски аскарлар, руҳонийлар, эски мансабдорлар, маърифатпарвар жадидлар бор эди. Ана шу хусусиятлари билан босмачилик ҳаракати, шўро мафкурачилари айтгандек феодаллар ҳаракати эмас, аксинча, жамиятнинг барча табақаси вакиллари қатнашган миллий ҳаракатдир. Шунинг учун ҳам, айниқса, Фарғона босмачилари орасида “Туркистон туркистонликларникидир!”, “Йўқолсин совет ҳукумати!”, “Мустабидларсиз Туркистон учун” каби шиорлар ва чақириқлар пайдо бўлган. Бу ҳаракатнинг том миллий истиқлол йўналишини билдирувчи далиллардир.

Босмачилик ҳаракатининг шўролар тарафидан қандай талқин этилганини шахсан Фрунзенинг қизил қўшинга тарқатилган қуйидаги амрномасидан ҳам билиш мумкин:

> “Ўртоқлар, Туркистоннинг гавҳари ҳисобланган Фарғона, мана, икки йилдирки, қонли уруш майдонига айланган... Бу ердаги совет вакиллари, ҳокимият эгалланган илк даврлардаёқ овруполик ва маҳаллий оммани, ишчи ва деҳқонларни ўзига жалб этиш ўрнига, афсуски, барча меҳнаткаш халқни ўзидан узоқлаштириш учун қўлидан келганини қилди... Ишлаб чиқаришни миллийлаштириш ўрнига, фақат буржуазиянинг мол-мулкинигина эмас, балки ўртаҳол қишлоқ аҳлининг ҳам бор-будини талон-тарож қилди... Бу ердаги қизил қўшин, инқилобчи раҳбарларнинг баъзилари ҳам истибдод учун ишлатилди. Босмачи деган ҳаракат ана шу вазиятда майдонга келди. Босмачилар жўн қароқчилар эмас. Агар шундай бўлсайди, улар аллақчон бартараф этиларди.”

Босмачилик ҳаракати ташкилотчилари тарафидан, аввало, халқнинг иноч-эътиқодини, диний ва миллий тушунчаларининг теранлигини, элу юртига боғлиқ ҳис-туйғуларининг самимий ва жўшқинлигини ҳисобга олган ҳолда уюштирилган. Бу ҳаракатнинг энг заиф нуқтаси унда ягона сиёсий программанинг етишмаганидир. Шу туфайли ягона марказ атрофида йиғилиб, барча босмачилар амал қиладиган стратегик тузук ишлаб чиқилмаган. Ўрта Осиё миллий авомий ихтилол жамиятлари иттифоқи бир марказий ташкилот сифатида, дейликки, босмачилик ҳаракатини бошқариш учун ана шундай сиёсий программа ва тузук яратишга интилган бўлса ҳам, бунга том маънода муваффақ бўлолмаган.



Босмачилар ва совет вакиллари орасидаги яраш музокаралари. Фарғона, 1921 й. ёз

1918 йилда Фарғона водийсида бошланган босмачилик ҳаракати яшин тезлигида атрофга ёйилди ва 1919 йил ўрталарига келиб, Фарғона водийсининг қатор марказий нуқталари деярли босмачилар ихтиёрига ўтганди. Аввалида Эргаш қўрбоши раҳбарлигида бошланган ҳаракат сўнгра Мадамин бек, Шермуҳаммад бек каби машҳур қўрбошилар майдонга чиқаркан, жуда кучайиб кетди. Шўро раҳбарияти бу миллий истиқлол курашига зарба бериш учун Сафонов, Филиппов, Спасибовлар бошчилигида бир жабҳа яратди. Булар муваффақиятга эришолмагач, яна беш кишидан иборат инқилобий комитет тузиб, уларнинг бошчилигида босмачиларни йўқотишга тиришилди.

Бироқ қизил аскарларнинг жангу жадалларига қарамай, босмачилар кўпайиб, ҳаракат бутун Туркистонга тарқалмоқда эди. Шўролар босмачиларни тубдан қуритишга қарор бериб, ҳар чорага бош уриб кўришди. Охири Туркистонда совет ҳокимиятини сақлаб қолиш масаласи ўртага чиқди, буни ҳал қилиш учун 1919 йил ўрталарида Туркистон фронти очилди. Унга генерал Фрунзе бош қўмондон этиб тайинланди. Фрунзе ҳарбий ҳайъати билан 1920 йил февралида Тошкентга етиб келди ва ишга киришди.

1920 йилларда Туркистон минтақасига ёйилган босмачилик ҳаракатининг уч асосий маркази бор эди: Фарғона водийси, шарқий Бухоро ва Туркман саҳро. Қўқонда қурилган Туркистон мухторият ҳукумати йиқитилганидан кейинок Фарғона водийсида бошланган бу миллий кураш майдонларида асосан Эргаш қўрбоши, Мадамин бек, Шермуҳаммад бек ва Холхўжалар жанговарлик кўрсатди. Мадамин бекнинг тўдасида оқлардан чиққан рус зобитлари ва аскарлари ҳам бор эди.[182]


Хива хонлиги ағдарилганидан кейин, олдинига Жунайдхон, кейинроқ бошқа туркман босмачилари Хоразмнинг қумлик, қирлик тарафларига чекинишиб, ўша кенгликлардан туриб шўро ҳокимиятига қарши курашни давом эттирмоқда эди. Чоржўйда ташкил қилинган яширин туркман миллий комитети атрофда кураш олиб бораётган тарқоқ гуруҳларни бирлаштиришга интилди.

Бухоро амирлигининг шўролар тарафидан ағдарилиши, айниқса шарқий Бухорода бир неча босмачи гуруҳларининг майдонга чиқишига сабаб бўлди. Иброҳим лақай, Фузайл махдум, Давлатманд бек каби қўрбошилар минтақани қўлга олиш учун жаҳду жадални кучайтирганди. Шунингдек, Самарқанд ва Зарафшон томонларда ҳам босмачи тўдалари ортиб бормоқда эди. [183]

Баъзи қўрбошилар ўз минтақаларида қувватли бир ҳокимиятни вужудга келтиришга ҳам уриниб кўришди. Масалан, Эргаш қўрбоши

[182] Nahaylo, *Soviet Disunion*, s. 40
[183] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s.425

1919 йил 24 сентябрда эски Қўқон хонлигининг бугунги Шарқий Туркистон ҳудудларига яқин Эргаштомда муваққат Фарғона ҳукуматини эълон қилди. Бироқ қизилларнинг кетма-кет ҳужуми туфайли, беш ойлик жанглардан сўнгра, Эргаш қўрбоши мажбуран советлар билан сулҳ тузди.[184] Куйинроқ ҳам шунга ўхшаш сиёсий ҳодиса юз берди: 1920 йил 3 майда Шермуҳаммад қўрбоши Фарғона водийсида муваққат Туркистон ҳукуматини ташкил қилди. У амир ал-муслимин, яъни мусулмон қўшинларининг амири дея эълон этилди. Эски Қўқон хонлигидаги каби бир давлат тизими вужудга келтирилди. Қўшимча ўлароқ, Фарғона водийсининг атоқли кишиларидан 12 кишилик маслаҳат кенгаши ҳам сайланди. Шермуҳаммад бек туғишгани Тошмуҳаммад бекни Афғонистонга элчи қилиб юборди. Яна бир туғишгани Рўзимуҳаммад бек Қашқарга тайин этилди, аммо у тоғ йўлида бутун элчилик ҳайъати билан бирга кўчки тагида қолиб, қурбон бўлди. Шермуҳаммад бек ана шу тарзда, икки йил мобайнида Фарғона минтақасидаги шўро босқинчиларига қарши курашини давом эттирди. Охири кучсизланиб, 1921 йилнинг сентябрида Душанбага қочган амир Олимхон ёнига борди ва Афғонистонга ўтиб кетгунгача у билан бирга ўша ерда қолди.



Босмачиларнинг афсонавий қўмондони Шермуҳаммадбек ва сафдошлари: 1. Шермуҳаммадбек. 2.Укаси лашкарбоши Нурмуҳаммадбек. 3. Лашкарбоши мулла Хотам. 4. Бош котиб Назир Қабавий (1922 й.)

[184] Hayit, *Türkistan Rusya ile Çin Arasında*, s. 281

Кейинроқ, Анвар пошо босмачиларга қўшилгач, Шермуҳаммад бек укаси Нурмуҳаммад бекни пошонинг қаватига жўнатди. У Анвар пошога доимо ёрдамчилик қилди. Анвар пошонинг ўлимидан сўнгра, шароит ниҳоятда оғирлашгач, акаси Шермуҳаммад ёнига қайтди ва 1922 йил сентябрда у билан биргаликда Афғонистонга қочиб ўтишга мажбур бўлди.

1922 йил охирларига келиб, Туркистондаги босмачиларнинг умумий сони олтмиш минг, советларнинг уларга қарши бу ўлкага жўнатган қизил аскарлари юз мингдан ортиқ эди.[185] Анвар пошо босмачиларга қўшилганидан кейин Шарқий Бухоро миллий курашнинг марказига айланди, босмачилик ҳаракати ҳам халқаро аҳамият қозониб, дунё сиёсий доираларини жалб этди. Бу минтақага эътиборини қаратган барча мамалакатлар Анвар пошонинг нима қила олишига қизиқиб, кузатиб турарди. Катта ҳарбий тажрибага эга бўлган пошо қисқа вақтда бутун ўлка тизгинини қўлга киритганди. Иброҳим лақайдан ташқари барча Туркистон қўрбошилари ва лашкарбошилари унга ишонч ва умид кўзини тикканди. Фузайл махдум, эшон Султон, Давлатманд бек каби қўрбошилар Анвар пошо раҳбарлигида рус босқинчиларига қарши курашни давом эттирмоқдайди. Бу орада Анвар пошо Афғонистон амири Омонуллохон билан яхши муносабат ўрнатди. Иккинчи томонда эса, пошонинг бундайин ишлари ўзига қаршиликни орттирди. Яъни, советларнинг Туркистонга янада кўп аскар келтиришига, Анвар пошога ёрдам бера оладиган барча нуқталарга зарба беришига сабаб бўлди. Натижада, 1922 йил ўрталарига бориб, Анвар пошо теварагида жипслашган қўрбошилар яна тарқалишга юз тутди. Афғонистон амирининг пошога нисбатан муносабати ҳам совиди. Аммо буларнинг барига қарама-қарши ўлароқ, Анвар пошо тап тортмасдан курашини давом эттираверди. Афсуски, Балчиван унинг сўнг манзили бўлди. 1922 йил 4 августда у қизилларнинг кутилмагандаги ҳужумига учраб, шаҳид тушди. Анвар пошонинг ўлими босмачилик ҳаракатидаги тарқалишни янада кучайтирди. Пошонинг ўрнини эгаллаб, рус ишғолчиларга қарши босмачилик курашини давом эттираётган ҳожи Сомийнинг ғайрати ҳам босиб келаётган улкан мағлубият селини тўса олмади. Хуллас, 1923 йилдан сўнгра босмачилик ҳаракати бошдаги шиддати ва таъсирини йўқотганди.

Бу даврга келиб, шўролар давлатининг ички ва ташқи муаммоларини асосан ҳал қилишга улгурган Москвадаги раҳбарият эндиликда Туркистондаги босмачилик ҳаракатини мутлақо тўхтатишга қодир эди. 1923 йилда ўлкага жуда кўп қизил аскар жўнатилди. Шу йили совет ҳукумати қўшинларининг бош қўмондони С.С. Каменевнинг Туркистонга келиши ва босмачиларга қарши бошланган янги ҳужумларда

[185] Fraser. *Basmatchi-II.* Central Asian Survey. Vol. 6 (1987), № 3, s.7

шахсан иштирок этиши ҳам шўроларнинг бу масалага нақадар эътибор берганини кўрсатмоқда.

Яна шуни ҳам айтиш лозимки, шўро ҳокимияти босмачилар ҳаракатига берилаётган ёрдам йўлларини кесиш, беркитиш учун ҳам бир қатор тадбирлар қўллади. Эндиликда ҳукумат халқнинг диний тушунчаларини ҳам ҳисобга олиш кераклигини англаб қолганди. Шу боис рус коммунист партияси марказий комитетининг турк бюроси аввал катта норозиликни келтириб чиқарган вақф мол-мулкини тугатишга оид қарорни тузатишга ваъда берди. Шунингдек, исломий мактабу мадрасаларнинг янгидан очилишига, шариат маҳкамаларининг ишлашига изн берилишини эълон қилди. Шу билан бир қаторда, янги иқтисодий сиёсат (нэп) жараёни ҳам халқнинг бир оз тинчланишига, бўлшевикларга нисбатан норозиликнинг озайишига олиб борди.



Тиллакорий мадрасаси ҳовлисида ўтказилган совет суди. Судни биргина судя ва биргина прокурор олиб борган. Самарқанд, 1923 й.

1923 йили охирига келганда босмачи тўдаларининг кўпчилиги сийраклашиб, сўнгги нафасини оларди. Тирик қолганларнинг бир қисми қизилларга таслим бўлди. Бошқа босмачилар эса, тарқоқ ёки кичик-кичик гуруҳлар ҳолида бўлса ҳам душманга қарши курашни давом эттираверди. Шарқий Бухородаги Иброҳим лақай, Туркманистон тарафлардаги Жунайдхон бундан кейинги йилларда ҳам ҳур Туркистон мужодаласида собит қолди.



Маҳкамада ҳукм этилган босмачилар. Самарқанд, 1923 й.

Аммо кўриниб турган ҳақиқат шуки, етарли қурол-аслаҳага, иқтисодий таъминотга эга бўлмаган, ўзаро сиёсий бир бутунликни сақлай олмаган босмачи гуруҳларининг бир давлатнинг мунтазам қуролли кучлари қаршисида узоқ тик курашуви ва муваффақиятга эришуви мумкин эмасди. Унда-мунда яшириниб юрган босмачилар ҳам сўнгги йилларда асосан Афғонистонга ёки Шарқий Туркистонга ва Эронга қочиб ўтиб, жон сақлашга мажбур бўлишди. 1926 йилнинг кўкламига қадар бўлшевик русларга қарши курашган Иброҳим лақай ўша кунларни шундай хотирлаган:

> “Етарли қурол-яроғ, ўқ-дори ва урушадиган одам бўлмагани учун шўро эгаллаган ерда қолмоқнинг бир маъноси йўқ эди. Жар бошига келиб қолгандим. Бирдан-бир йўл қолганди: чегарадан Афғонистонга ўтиб олиш. Ёнимдаги 50 йигитим билан шундай қилдим.”[186]

Туркман саҳроларининг афсонавий қаҳрамони Жунайдхон ҳам 1928 йилда ўз лашкари билан бирга аввал Эронга, кейинроқ Афғонистонга ўтди. Ана шундай қилиб, Туркистонда 1918 йилдан бери шўро ишғолига қарши давом этиб келаётган қуролли миллий кураш ниҳоясига етди.[187]

---

[186] Abdullayev Kemal, *Central Asian Emigres in Afganistan: First Wave 1920-1931*. Part 1. Central Asia Monitor (1994) № 4, s.29

[187] Туркистондан хорижга чиққан босмачи лидерлар мужодаласи ҳақида “Амударёнинг у тарафида” бобига қаранг.

* *Мустафо Чўқайнинг Парижда туриб “Ёш Туркистон”ни чиқаргани ва бошқа ишлари кўзда тутилмоқда – тарж.*

ТУРКИСТОНДАН ЧЕТ ЭЛЛАРГА КЎЧИШЛАР

Ҳур Туркистон учун чет элларда юритилган сиёсий кураш асосан зиёли инсонлар тарафидан шакллантирилган. Бу кишилар юритган фаолиятлар, умуман, Туркистондан бошқа юртларга қочган (қочқин) ва кўчган (муҳожир)лар йиғилиб яшаётган ўлкаларда олиб борилган. Франциядан ташқари барча давлатлардаги Туркистон муҳожирларининг мужодаласи айни шу тартибда юз берган.* Шу маънода XX аср бошидан эътиборан Туркистондан бошқа давлатларга кўчиш оқимининг сабабларини аниқлаш ва уни баҳолаш муҳожиротда давом этган миллий мужодаланинг моҳиятини тўла тушунишда ёрдам беради деб ўйлаймиз.

1900 йиллардан эътиборан Туркистондан чет элларга кўчиш юз бериб турган ва бу кўчиш тўлқинларининг энг каттаси 1916 йилдаги чор ҳукуматига қарши исён натижасида пайдо бўлган. Иккинчи муҳим кўчиш босмачилик ҳаракатига боғлиқ ўлароқ майдонга чиқди. Учинчи бир фожиали кўчиш эса, советлар мамлакатида амалга оширилган коллективлаштириш ва мулкдорларнинг қулоқ сифатида ўз юртидан ҳайдалиши оқибатида юзага келган.

1916 йилда Туркистон аҳолисидан мардикорликка олиш ҳодисаси натижасида чор империясига қарши бошланган буюк қўзғолон бостирилгандан кейин, халқнинг бир қисми Сибирга сургун қилинди, исёнчиларнинг бир қисми Шарқий Туркистонга қочиб қутулди. Советлар давридаги барча кўчишлар асосан Афғонистонга, хусусан шимолий Афғонистонга йўналган. Туркистон муҳожирлари учун бу ўлканинг асосий интилиш нуқтасига айланишининг ўзига хос сабаблари бор.

XIV асрда бугунги Ўрта Осиё тупроқларида Темур қурган Чиғатой империяси унинг невараси Бобир даврида парчаланди. Ўзбек хонларидан Шайбонийхон билан урушган Бобир мағлубиятга учради ва бу минтақани тарк этди. Бобир Ҳинд сари юзланганидан сўнгра Шайбонийхон Амударёнинг жанубига ҳужум қилди. Бадахшон, Балх, Ҳирот, Қундуз каби шаҳар давлатларни эгаллади. Кейинроқ ғарбга йўналди ва Эронда қурилган озарбайжон сафавийлар салтанатига чангал урди. 1510 йилдаги Марв жангида енгилди ва ўлдирилди. Ўзбек Шайбонийхон бу дунёдан ўтганидан сўнгра, анчагина бошбошдоқлик юзага чиққанига қарамай, унинг қавмидан бўлган ўзбеклар Туркистонда, Амударёнинг шимолида ва жанубида бир неча хонликлар қурдилар. Жанубда, яъни бугунги шимолий Афғонистон тупроқларида яратилган ҳокимиятлар кичик шаҳар давлатлар ҳолида эди.

Худди шу пайтда, XVIII аср ўрталарида, Ҳиндикуш тоғларининг жанубида Афғонистон давлати ташкил этилди. Ҳиндикуш жанубидаги паштун (пуштун) қавмларини қарамоғига киритган Аҳмадшоҳ Дурроний қўшинлари билан 1759 йилда тоғларнинг шимолига юрди ва Балх

шаҳрини эгаллади. Аммо бу маконда афғонлар ҳокимияти узоқ давом этмади. Ўн йилдан сўнгра Бухоро хони шоҳ Аҳмад Амударёнинг жанубидан келиб, Балхни қайтариб олди. Бу ўлка тағин Бухоро хонлиги тасарруфига ўтди. Шоҳ Аҳмад вафот этгач, бу минтақада ҳокимият заифлангани боис, Қундуз, Тошқўрғон ва Саманган каби бир неча ўзбек шаҳар давлатлари майдонга чиқди. Улар ўзларини хонликдай тутар, доим келишмовчилик ва жанжал ичида яшашарди. Уларнинг бу тарқоқ ва кучсиз вазиятидан фойдаланган афғон амири Дўстмуҳаммад 1859 йилда Амударё жанубидаги ана шу кичик ўзбек хонликлари, шаҳар давлатларини йўқотиб, бутун минтақада ўз ҳокимиятини ўрнатди. Ана шундай қилиб, жанубий Туркистон ўлкаси, афғонлар ишғолига учраганидан кейин, сиёсий жиҳатдан афғон Туркистонига айланди.

1880 йилда Афғонистон қироли амир Абдураҳмонхон шимолий Афғонистонга, яъни афғон Туркистонига нисбатан маҳаллий туркий аҳолини пуштунлаштиришга қаратилган сиёсатга қўл урди. Шимолий Афғонистонга пуштун қабилаларини келтириб жойлаштириш икки йўналишда олиб борилди. Биринчиси шу: амир Абдураҳмонхон йигирма йилча чўзилган ҳукмронлиги чоғида ўзига қарши чиққан барча пуштун қавмларини ер ва мол-мулкини тортиб олиб, ўзларини шимолий Афғонистонга сургун қилди. Иккинчи йўналиш эса, пуштунларни бу ўлкага ихтиёрий кўчиб келишини рағбатлантириш ва уюштиришдан иборат эди. Афғон Туркистонига кўчишни истаган пуштунларга йўл харажати ўталган, деҳқончилик қилиш учун ер ва моддий ёрдам берилган, солиқлардан озод этилган.[188] Бу ассимиляция – миллатни эритиш сиёсати турклар ўлкасини бошқараётган келгинди раҳбарлар зулми билан қўшилиб, маҳаллий аҳоли ўртасида доим норозиликларга сабаб бўлган.

Амир Абдураҳмонхон томонидан олиб борилган бу ваҳшийларча миллатни эритиш сиёсатига қарамасдан, XX аср бошланаркан, шимолий Афғонистонни ташкил қилган Ҳирот, Маймана, Шибирғон, Мозори Шариф, Қатағон ва Бадахшон вилоятлари “Жанубий Туркистон” номига муносиб кўп сонли аҳолига эга эди. Аҳолининг асосий қисми турк қавмларидан иборат эди.

Шу боис ҳам 1916 йилда чор Русиясига қарши кўтарилган қўзғолондан сўнгра Туркистондан мажбуран Афғонистонга кўчиб борганлар бу маконда ҳеч бир мусофирлик, ётликни сезмадилар. Туркистон кўчманчиларига бу ерни энг мақбул кўчим марказига айлантирган бошқа бир жиҳат эса, бу ернинг жуғрофий ўхшашлиги, минтақавий яқинлиги эди. Зотан, Афғонистон Туркман саҳросидан бошлаб Бухоро амирлиги ва Туркистон Бош Волийлиги, яъни бутун ўрта Туркистон ҳудудларига қўшни ва чегарадош эди. Бу қўшнилик Шарқий Туркистон ўлкасига қадар туташганди. Чегара чизиқлари ғарбда Қорақум

[188] Tapper, *Abd-al Rahman`s Northuvest Frontier: The Pashtun Colonization of Afghan Turkistan*, s. 238.

чўли, ўртада Амударё ва ваҳший табиатли Помир тоғлари каби қадимий маконлардан ўтардин. Бу ҳудудларни ҳар икки тарафдаги бошқаруви ва назорати, муҳофазаси барча замонларда оғир бўлиб келган. Туркман саҳросидан ўтиб Ҳирот ва Маймана шаҳарларига, Амударёдан кечиб Мозори Шариф ва Қатағон вилоятларига ёки Помир тоғларидан ошиб, Бадаҳшон вилоятига осонгина кириб бориш мумкин эди.[189]

Туркистон муҳожирлари томонидан Афғонистоннинг мақбул топилганига яна бир сабаб у ердаги диний муҳит эди. Афғонистоннинг мустақил ислом давлати эканлиги, асосий халқнинг сунний мазҳабига мансублиги ва Туркистондаги муҳит ҳам кўп жиҳатдан айнан шундайлиги муҳожирларни бу маъвога йўналтирганди. Бошқа нуқтадан қаралса, масалан, шарқий Туркистон ишғолчи чин ҳукмронлиги остида эди. Эронда эса, шиа мазҳаби миллий мансубият қадар аҳамиятли саналарди. Шу хусусиятларни ҳисобга олганда, Туркистондан чиқиб кетишга мажбур инсонлар учун энг уйғун, биринчи даражада мақбул ўлка Афғонистон эди.

БИРИНЧИ КЎЧИШ: 1916 ЙИЛДАГИ ҚЎЗҒОЛОН ДАВРИ

Чор Русияси ҳукумати биринчи жаҳон уруши жабҳаларида ва жабҳаорти ерларда ишлатиш учун мустамлака ўлкалардан ишчи олиш қарори чиқарди. Унга кўра, Туркистон аҳолисидан ҳам мардикор олиш бошланди ва бу мажбурий одам солиғи халқнинг исёнига сабаб бўлди. Аслида узоқ йиллардан бери чор мустамлакачиларнинг ва маҳаллий золимларнинг зулмидан халқнинг сабр косаси тўлиб турганди, мажбурий жон солиғи уни тошириб юборди. Туркистон халқини норози қилган ҳодисалардан бири, хусусан қозоқ ва қирғиз саҳроларига рус аҳолисининг кўчириб келтирилишидир. Унумли тупроқларни эгаллаб олган келгинди руслар, орқаларида қувватлаб турган Русия ҳокимиятига таянган ҳолда, бу кенгликдаги юрт эгаларини эзиш, синдириш сиёсатини юритиб келдилар. Улар ўз ер-мулкларида маҳаллий оммани зўрлаб ишлатишарди, бу ҳам халқни анчагина бездириб қўйганди. 1916 йил 8 июлда Русия ҳукумати илгари ҳарбий хизматга олинмаган Туркистон аҳолисини ҳам урушнинг жабҳаорти ишларига жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Чиқарилган фармонга кўра, Туркистон Бош Волийлиги минтақасидан 250 минг, Дала (Степ) вилоятидан 234 минг киши талаб қилинмоқда эди, яъни салкам ярим милйўнлик жон солиғи солинганди. Хизматга олинадиганлар рўйхатини тузишда норозиликлар, маҳаллий аҳолининг бойлари ва йўқсиллари орасидаги келишмовчиликлар натижасида кўп жойда исён чиқди. Илк бор Хўжанд шаҳрида кўтарилган қўзғолон тезда бутун ўлкага ёйилди. Еттисув вилояти ва бошқа бир қанча вилоятлардаги

[189] Қаранг: харита 4.

қўзғолончилар рус маъмурлари ва муҳожирларига қарши жиддий кураш олиб бордилар. Генерал Куропаткин бошчилигидаги чор аскарлари 1917 йил февралидагина бу катта исённи бостира олди. Бошбошдоқлик билан ва етарли қурол-аслаҳасиз бошланган бу қўзғолон ниҳоятда фожиали якунланди. Олти ойга чўзилган оёқланма сўнгида, масалан, 5-6 минг рус ўлган бўлса, фақат Пишпак атрофида 30 минг қирғиз қириб ташланганди. Туркистон бўйича қурбонлар сони юз мингдан ортиқ эди.[190]

Исён бостирилганидан кейин 200 минг Туркистон йигитлари Сибирга сургун қилинди ва Русиянинг турли ерларидаги қамоқларига жўнатилди. Исённинг энг катта ўчоғи ҳисобланган Еттисув вилоятидаги маҳаллий аҳолининг юзда ўттиз фоизи йўқ этилди. Ана шу зулм ва жабрлар оқибатида Туркистон халқининг маълум бир қисми она юртни мажбуран ташлаб кетди. 1916 йил исёни мобайнида ярим милйўнча Туркистон аҳли Чин ҳудудига ўтиб, Шарқий Туркистонга сиғингани маълум. Чор ҳукумати бу ўлкадаги ана шу фожиали ҳолатдан ҳам унумли фойдаланди: сургунга ҳайдалган ва мажбуран чет элларга кўчиб кетган аҳолидан бўшаб қолган ерлар ва мол-мулкларни империядаги славян қавмларига тортиқ қилиб тарқатди, натижада, Туркистонга рус аҳолининг кўчиб келиши янада ортди.

ИККИНЧИ КЎЧИШ: БОСМАЧИЛИК ДАВРИ

Туркистонда советларга қарши олиб борилган қуролли курашнинг кучсизланган даврида, босмачи гуруҳлар билан бирга жуда кўп маҳаллий халқ ҳам ўз юртини ташлаб, чет элларга чиқиб кетишга мажбур бўлди. Шўро ҳукумати тарафидан 1922, 1924 ва 1926 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхати натижаларига қаралса, умум Туркистон оммаси орасида кўчиш ва ўлим билан боғлиқ ҳолда жуда катта йўқотиш ва озайиш юз бергани ўртага чиқмоқда. Босмачилик ҳаракатининг ўчоғи ҳисобланган Фарғона водийси, шарқий Бухоро ва Туркман саҳросини, ўша атрофларни кўчиш оқимининг ҳам марказлари бўлган дейиш мумкин. Бу даврдаги кўчиш жараёни иштирокчилари, масалан, шарқий Бухоро тарафлардаги кўчманчи ўзбек уруғлари (лақай, дўрмон, қатаған, қўнғирот, қорлуқ, тоз ва б.), туркман уруғлари (асосан эрсари ва сариқ) ва бу теваракда яшаган тожиклардан иборат эди.[191] Фақатгина Бухоро амирлиги ҳудудларидан

[190] Янада кенгроқ маълумот учун қаранг: Baymırza Hayit, *Türkistan, Rusya İle Çin Arasında*; Z. V. Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*; Edvard Allworth. *Central Asia: 120 years of Russian Rule*.
(Муаллиф бу изоҳда Туркия ва Овруподаги ўқувчини кўзда тутмоқда; 1916 йилги исёнлар ва мардикорлик ҳақида ўзбек тилида кўп асарлар борлиги китобхонга маълум, албатта – тарж.)
[191] Abdullayev. Central Asian Emigres in Afghanistan: Part 2. Central Asia Monitor, № 5, 1994, s.19.

хорижга кўчганларнинг сони бир милйўн атрофида эканлигини шўро манбалари ҳам тасдиқламоқда. Улар асосан ўзбеклар, тожиклардир.

Шарқий Бухоронинг чегарага яқин ерлари [192] Туркистоннинг ички вилоятларидан келган муҳожирлар учун кечиш йўли вазифасини ўтамоқда эди. Бу макон айни замонда энг катта кўчиш нуқталаридан бирийди. Бухоро амирлигининг шарқида шўролар тузган Тожикистон аҳолиси 1926 йилда 831.180 бўлган; ҳолбуки, 1917 йилги аҳоли рўйхатида бу ерларда 1. 374.685 та туркистонлик яшагани маълум. Демак, ўтган тўққиз йилда аҳоли 543.505 инсон ҳисобига озайган. Шўро манбаларида таъкидланганидек, шу даврда Сурхондарё вилоятидан 44 минг ўзбек оиласи (206.800 киши) Амударёдан нариги ёққа ўтиб кетган. 1920 йилларда Қоратегиндан Вахш водийси йўли билан Афғонистонга 1300 қирғиз оиласи (6500 киши) ўтган.

Шарқий Помир устидан Афғонистоннинг Бадахшон вилоятига кўчган қирғизлар сони 200 оила (салкам минг киши) атрофидадир. Бу даврда туркманлар Қорақум чўли орқали Эрон ҳудудидаги туркманлар вилоятига ва Афғонистон шимолига кўчиб борганлар. 1926 йилда Афғонистон шимолига кўчган туркман оилалари сони манбаларда 42.580 та тарзида кўрсатилмоқда. Агарда бир оила беш кишидан иборат дея тахмин қилинса, Афғонистонга кўчган туркманлар сони 250 минг атрофида бўлган дейиш мумкин. Эроннинг туркман вилоятига кўчганлар сони аниқ эмас.

Афғонистонга кўчган инсонларнинг этник таркибига қаралганда, биринчи ўринда, энг кўпчилик ўзбеклар экани маълум бўлади. Ундан сўнг иккинчи ва бошқа ўринларда туркманлар, тожиклар, қирғизлар ва қозоқлар туради. Босмачилик ҳаракати даврида Туркистондан кўчиш оқими асосан Афғонистонга йўналган эди. Иккинчи ва учинчи сиғиноқ ўлкалари Эрон ва Шарқий Туркистондир. Бўлшевикларнинг давлат тўнтаришидан кейин босмачилик ҳаракати ниҳоясига қадар юз берган ҳижратга алоқадор аниқ бир рақамни айтиш қийинроқ, бизнингча. Чунки манбаларда бу кўчиш оқимига оид турли рақамлар берилмоқда. Уларни кўзда тутиб, ўртачасини олганимизда, энг оз деганда, 1,5-2 милйўн инсон она юртни тарк этган, дейиш мумкин.

[192] Бугунги Тожикистон ҳудудларига тўғри келади.



Харита 4. Туркистон парчаланганидан кейинги вазият ва туркистондан чет элларга кўчишлар.

УЧИНЧИ КЎЧИШ: КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ДАВРИ

Туркистондаги босмачилик ҳаракатини бостириб, ўзини тутиб, ҳокимиятини анча мустаҳкамлаб олган совет ҳукумати эндиликда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ўз ҳукмронлигини чуқур илдиз оттиришга киришди.

Биринчи навбатда сиёсий соҳада ўзгаришлар қилди. Туркистон ўлкасидаги турли турк қавмларини бир-биридан айириб, баъзиларига алоҳида-алоҳида республикалар қуриб бериш йўли билан бир бутун Туркистонни парчалаш режаси устида иш бошлади. 1924 йил 14 октябрда Совет иттифоқи марказий ижроия комитетининг мажлиси ўтказилди ва унда 1917 йилги давлат тўнтаришидан бери яшаб келаётган Туркистон автоном совет социалистик республикаси бекор қилинсин, дея қарор чиқарилди. Зотан, Туркистон АССРни йўқотиб, ўрнида кичик республикалар яратиш лойиҳаси 4-5 ой олдиндан тайёрлана бошланганди. Ўша май ойидан бошланган парчалаш фитнаси натижасида сентябрда Бухоро ва Хоразм халқ республикалари ўз-ўзларини тарқатишга, давлат сифатида бекор қилинишига (!) қарор беришди. Ана шу улкан сиёсий воқеалардан – Бухоро, Хоразм халқ республикалари ҳамда Туркистон АССРнинг тарқатилиши кетидан уларнинг ўрнида

Ўзбекистон республикаси ва Туркманистон республикаси ўлароқ икки совет жумҳурияти қуриладиган бўлди. Шунингдек, қозоқлар кенг тарқалган минтақада Қирғизистон республикаси ва унга боғлиқ Қорақалпоқ вилояти ташкил этилди. Эски Туркистоннинг бошқа бир тарафида қурилган Қорақирғиз автоном области эса Россия федерациясига берилди. Бу мухтор вилоят 1926 йил май ойида Қирғизистон ССРга айлантирилди. Қорақалпоқ области эса аввал РСФСР (1932), кейин Ўзбекистон (1936) таркибига киритилди. Ўзбекистон ичидаги Тожикистон области ҳам 1929 йил декабрда республикага айлантирилди. Ана шундай қилиб, 1930 йилларга келиб, эски Туркистон ерларида Туркистонни эслатадиган бирор сиёсий ташкилот қолмаганди.[193]

Ижтимоий соҳада ҳам шўролар ўз манфаатига мувофиқ ўзгаришлар қилди. Бу мусулмон турклар муҳитига хос жуда муҳим уч жамиятнинг таъқиқланишида, йўқотилишида кўринади. Ўтмишда, тарих бўйича мусулмон турклар ижтимоий турмушининг тамал унсурларидан ҳисобланган вақф ташкилоти 1930 йилда таъқиқланди ва бутун вақф ерлари, мулклари давлат томонидан тортиб олинди. Босмачилар ҳаракати йилларида фаолият юритишига мажбуран изн берилган шариат маҳкамалари 1929 йил 21 сентябрда чиқарилган қарорга кўра бекор қилинди. Эндиликда барча жабҳада шўро қонунлари ҳукмрон бўлди. 1924 йилда номи чиққан, аммо вазият йўл бермаганидан иш юритолмаган оллоҳсизлар (атеистлар) жамияти фаоллашди ва ҳар ерда динни таъқиб ва тақиқ этиш кучайди. Бу орада эски араб ёзуви ўрнини славянларнинг кирил ёзуви эгаллади.

Совет ҳукумати 1928 йилда беш йиллик иқтисодий план қабул қилиб, уни амалга ошира бошлади. Натижада бутун ер-сувларнинг, ҳайвонларнинг давлатга оид эканлиги эълон этилди, хусусий мулк бекор қилинди. Деҳқончилик ва чорвачилик ишларини юритиш фақат колхозлар ва совхозлар ихтиёрига берилди. Шунингдек, аввало Ўзбекистонда ва қисман бошқа Ўрта Осиё совет республикаларидаги суғориладиган ерларга асосан пахта экиш тўғрисида фармон чиқарилди. Буларнинг бари фалокат билан якунланди. Барча соҳада маҳсулот тахчиллиги ўртага чиқди. Қишлоқ аҳли ўз чорвасини давлатга топширгандан кўра ўлдиришни афзал билди. Совет ҳукумати бу ишларга чидай олмай, қайтадан ғазабга минди. Юз мингларча одам қаматилди ва сургун қилинди. Шўро мамлакатининг ҳар тарафида, айниқса, эски Туркистон минтақасида очлик ва қаҳатлик бошланди. Унда-мунда катта-кичик исён чиқса ҳам, дарҳол шафқатсиз суратда бостирилди ва назорат кучайтирилди.

1930 йилларнинг яна бир ўзига хослиги шуки, коммунист партияси аъзоси бўлиб давлатга хизмат қилиб келган жадидлар зуғумга, хужумга

[193] Қаранг: харита 4.

учради. 1929 йилдан бошланган Сталин террори 1938ларда роса авжига кўтарилди ва милйўнларча инсон қирғин ва қатлиом қилинди.

Бундайин даҳшатли ўзгаришлар Туркистон халқидан бир қисмининг қўшни ўлкаларга кўчишга мажбур этди. Эндиги ҳижрат иштирокчилари асосан шаҳарликлар эди. Уларни она юртни ташлаб кетишга ундаган муаммо "диний анъаналарини бир мусулмон мамлакатда давом эттириш эҳтиёжи" эди. Бошқача айтганда, муҳожират масаласи, яъни, нима қилиб бўлса ҳам шўро муҳити занжиридан қутулиш эди. Шунинг учун, Афғонистонга ўтиб кетишни истаганлар, илк аввал чегарага яқин ерлардаги колхоз ва совхозларга келиб ишлай бошладилар; тевараклни яхши таниб-билиб олгандан сўнгра, фурсати келди дегунча ҳудуддан нариги ёққа ошдилар. Кичик-кичик гуруҳлар ҳолидаги бу кўчишлар пайтида, айниқса, Амударёни кечиб ўтиш чоғида жуда кўп туркистонликлар чегара соқчилари томонидан отиб ўлдирилди. Олдин ҳам айтганимиздек, муҳожирлар интилаётган ўлкалар Афғонистон, Эрон ва Шарқий Туркистон эди. Чет элларга кўчиш ортган сари мамлакат ичида ишчи кучи озайиб, бу бир ижтимоий муаммога айланди. Совет ҳукумати бу масалани ҳал қилиш учун турли тадбирларга бош урди. 1930 йиллардан эътиборан ҳудудлардаги назорат тадирижий кучайтирилиб, мустаҳкамлаб борилди ва 1938 йилга келганда чегарани ошиб ўтиш деярли имконсиз бўлиб қолди.

Амударё орқали Афғонистонга ўтган ўзбек муҳожирлари асосан Мозори Шариф ҳамда Қатаған вилоятларига ва бу маконлардаги Имомсоҳиб, Қундуз, Боғлон, Хонобод, Балх шаҳарларига жойлашдилар. Тожиклар эса Бадахшон вилояти ва унинг маркази Файзобод шаҳрида қўним топдилар. Қорақум чўлининг ўрта туманларидан ўтган туркманлар эса, Ҳирот ва Маймана вилоятларига, Қорақумнинг шарқидан келган муҳожирлар эса, Шибирғон вилоятига ва хусусан чегарага ёндош Андхўй шаҳрига туб қўйдилар.[194]

Эронга ҳижрат қилган туркистонликлар асосан Машҳад шаҳрига, Хазар денгизи қирғоғи бўйлаб чўзилган туркман юртларига жойлашдилар.

Муҳожирларнинг Шарқий Туркистондаги энг кўп йиғилган шаҳри Қашқар эди.


[194] 1964 йилгача шимолий Афғонистоннинг маъмурий бўлиниши ғарбдан шарққа қараб Ҳирот, Маймана, Шибирғон, Мозори Шариф, Қатаған, Бадахшондан иборат эди. Кейинги даврда баъзи вилоятларнинг номи ўзгарди, вилоятлар сони ортди. Бугунда шимолий Афғонистон Фарёб, Жузжон, Балх, Саманган, Қундуз, Таххар, Боғлон ва Бадахшон вилоятларини ўз ичига олади.

Иккинчи бўлим

1917-1941 ЙИЛЛАР ОРАСИДАГИ МУҲОЖИРОТ

“Туркистон истиқлолига, ҳур ва Улуғ Туркистон ғоясига инонган туркистонликларнинг миллият ва қабила айирмасдан бир бўлиб, Туркистон миллий бирлиги йўлида ҳурриятга эришгунга қадар жоним борича хизмат қилишга бутун виждоним билан қасам ичаман. Жамият сирини сақлайман. Бу йўлда жоним фидо бўлсин. Қуролни, Қуръонни ёки миллий байроқни қўлимда тутиб жамият аъзолари қаршисида берган аҳдимга хиёнат қилсам, ўлимга розиман, қоним шу қуролга халол бўлсин!”

(Туркистон Миллий Бирлик ташкилотига аъзо бўлиб кираётган фидойининг қасамидан)



Харита 5. Туркистон муҳожирларининг шимолий Афғонистондаги жойлашган маконлари.

АМУДАРЁНИНГ У ТАРАФИДА

Ҳар бир ўлканинг тақдири эгаллаган жуғрофий минтақасига ҳам чамбарчас боғлиқдир. Кичик давлатнинг улуғ салтанат билан қўшни яшаши ҳар қандай даврда ҳам таҳликалидир ва бу қўшнилик унинг тарихий шаклланишида катта аҳамиятга моликдир. Фақат нодиран, ҳар замонда бир бундайин қўшничилик наф ҳам келтиради. Зотан, катта давлатлар ўз рақиблари ё душманлари билан тўғридан-тўғри қўшни бўлишни истамайди ва жанжалга бормаслик, муносабатни сақлаш мақсадида ўртадаги кичик “бамфер” давлатлардан фойдаланади. Афғонистон ҳам катта мустамлакачи ўлкалар, яъни Англия ва Русия томонидан қурилган ана шундай кичик “бамфер” давлат ҳисобланарди.

XIX аср бўйича, бир тарафда, Осиёни тобора эгаллаб бораётган чор Русия империяси, иккинчи томонда эса, қадим ва бой Ҳиндистонни босиб олган Англия империяси атрофдаги барча ўлкаларга ўз таъсирини ўтказди. Афғонистон ҳудудлари ана шу икки босқинчи давлат томонидан белгиланган. Зотан, Афғонистоннинг давлат сифатида яшаши бу икки империянинг турли рақобатли соҳалардаги муносабату мувозанати билан боғлиқ эди. Ўн тўққизинчи асрда бу минтақада давом этган тинимсиз жанжаллару тўқнашувлар йигирманчи аср бошига келиб бир оз сокинлашгандай бўлди. Икки буюк империя бу бамфер давлатнинг эндиликда бир оз ўз ҳолига қўйишга келишдилар. 1907 йилда Англия ва чор Русияси ўртасида, Петеребургда бир битим тузилди. Унга кўра, Тибет инглизлар таъсири остида қолди ва Афғонистоннинг мустақиллиги қабул қилинди. Аммо ўша битимга биноан Афғонистонга ҳеч бир давлатнинг ҳарбий қўшини киритилмайди ва Афғонистон Англиянинг рухсатисиз бирор давлат билан ташқи алоқа юрита олмайди. Бу оғир шартлар ва мураккаб вазият Афғонистонни бошқаришда жуда кўп муаммолар яратди.

Амир Абдураҳмоннинг ўлимидан сўнгра унинг катта ўғли Ҳабибуллохон тахтга ўтирди. Биринчи жаҳон уруши тугагунгача у урушга аралашмай, ўлкасини тинч-омон бошқаришга эришди. Бироқ, иккинчи томондан қараганда, гарчи Англия бу урушда ғолиб чиққан бўлса ҳам, анча шалвираб қолган, бойликлари битган, ўн тўққизинчи асрдагидай дунёга ҳукмронлик қила оладиган кучу иқтидордан айрилган эди. Мавжуд инглиз аъёнлари мустамлаканинг қолган қисмида ҳам янги муаммолар, тўқнашувлар чиқишини истамасди. Англиянинг бу аҳволидан яхши хабардор бўлган Ҳабибуллохон фурсатдан фойдаланишга тиришди ва ташқи алоқаларда инглизлардан изн олиш мажбуриятининг бекор қилиниши учун ҳаракатга киришди. Ҳиндистондаги инглизларнинг Бош волийсидан Афғонистонга том мустақиллик берилишини талаб этди. Бироқ қисқа вақт ичида, 1919 йил феврал ойида, бир суиқасд натижасида у ўлдирилди. Унинг ўрнига тахтга

чиққан Омонуллохон ҳам айни талабни Англия ҳукумати олдига қўйди ва бу масалада ҳечам орқага чекинмади. Омонуллохон Афғонистон ва Ҳиндистон чегараларида ҳар икки тарафдаги пуштун қабилаларини инглизлар ҳукмронлигига қарши курашга чақирди ва ҳудудларда жангларни қиздириб юборди. Биринчи жаҳон урушидан музаффар ва толиқиб чиққан Англия ҳукумати янги бир ғавғодан ўзини тийди, урушга киришмади. Чунки у бир тарафда советлар Русиясида бошланган "халқаро ҳуррият ва империализмга қарши бирлашиш" шиори остидаги ҳаракат Ҳиндистонга ҳам тарқалишидан қўрқиб турарди. Афғонистон ҳукуматининг мустақиллик талаби рад этилган тақдирда, афғонлар ва русларнинг яқинлашиб, Англияга қарши бирлашуви ҳавфи ҳам йўқ эмасди. Ўшандай ҳодиса юз берса, у ҳолда, советлар ва афғонлар бир сафда тикланиб, Русия Ҳиндистон чегараларига келиб қоларди, бу қўшнилик Англия учун таҳликали эди. Бу минтақавий мезоннинг бузилиши ҳисобланарди. Англия нуқтаи назаридан Афғонистоннинг тарафсиз, кичик буфер давлатлик ҳолатининг сақлаб қолиниши уйғун ва мувофиқ эди. Ана шу аҳволдан келиб чиқиб, Равалпиндида илова моддалар кейинчалик ҳал этилиши таъкидланган, Афғонистоннинг ички ва ташқи ишларда мустақиллиги айтилган муваққат бир битим имзоланди. Муваққат эканига қарамасдан, бу битим янги амир учун жуда катта ғалаба ҳисобланарди. 1919 йил ноябрида амир Омонуллохон Афғонистоннинг мустақиллигини расман эълон қилди. Сардор Валихонга катта ҳуқуқлар бериб, хорижия назоратига тайинлади. Валихон жадал ҳамда кенг кўламда давлатнинг ташқи алоқаларини йўлга қўймоққа киришди. Афғонистон мустақиллигини тан олган илк давлат советлар Русияси бўлди.[195]

1919 йил 9 майда илк афғон элчилик ҳайъати амир Омонуллохоннинг Ленинга ёзган, "Буюк Рус давлати раиси..." деб бошланадиган мактуби билан Москвага келди.

Шўро мамлакатида ички уруш ҳали тугамаган, Англия бўлшевиклар ҳукуматини тиз чўктириш учун иқтисодий сиқув (эмбарго) сиёсатидан фойдаланмоқда эди. Шу боис совет ҳукумати ташқи давлатлар билан, қанақа бўлишидан қатъий назар, алоқа ўрнатишга жуда муҳтож эди. Тарихда уқалолиги (прагматиклиги) билан танилган Ленин, бир оз муддат ўтиши биланоқ, Афғонистон амирига қуйидаги жавобни йўллади:

> "Яшнаб очилган Афғонистон эндиликда дунёдаги ягона мустақил мусулмон давлатидир. Тақдир қардош Афғонистон халқига ана шу улуғ мақомни раво кўрибди. Бу шундай мақомки, бутун эзилган мусулмон халқларни ўз атрофига тўплаш, уларни эркинлик ва мустақиллик йўлига йўналтириш Афғонистоннинг бурчу вазифасидир."[196]

[195] Fraser – Tytler, *Afghanistan*, s. 194
[196] Marque – Riviere. J. *L. U. R. S.S. dans le monde*, Payot, Paris, 1934

Ана шу ҳодисалар Афғонистоннинг халқаро обрў-эътиборини орттирди, қўшни давлатларнинг унга муносабатини ўзгартирди. Атрофдаги ҳукуматлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб бу ўлкага боғлиқ янги режаларини тузишга киришди. Ленин ва Омонуллохон орасида дўстлик ва қардошлик алоқаларини ўрнатиш борасида тушунчалар шаклланаркан, айни чоғда Туркистон жабҳасига бош қўмондон этиб тайинланган генерал Фрунзе Бухоро амирлигига қарши бошланган урушни Афғонистоннинг ичкари вилоятларигача ёйиш режаси устида бош қотирарди. Бутун Туркистон минтақасида совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун қурилган Туркомиссиянинг иккинчи раҳбари Куйбишев эса, маркази Тошкентда фаолият юритадиган Афғонистон инқилоб партиясини аллақачон тузиб бўлганди. Мақсад аниқ: қизиллар Афғонистонга йўналиб, ишғол этаркан, бу партия мустабид Омонуллохонни тахтдан ағдариб, Афғонистон халқ совет республикасини қуриши керак эди. [197]

Аммо дунёдаги халқаро сиёсий вазият Афғонистонга қаратилган бундайин босқинчиликни амалга ошириш учун уйғун эмасди. Бундан ташқари, қизиллар Туркистондаги босмачилик ҳаракатини назорат қилишга ҳам қийналиб тураркан, ички уруш туфайли ўртага чиққан иқтисодий муаммолар ва йўқчилик советларни анча уринтириб қўйганди. Ана шу сабаблар боис шўро раҳбарияти Афғонистонда қўғирчоқ совет давлати яратиш режасидан воз кечди ва бутун кучини Туркисон ўлкасини советлаштиришга қаратди.

Орадаги узундан-узоқ чегарани қўриқлашга афғонларнинг ҳам, русларнинг ҳам чоғи келмасди, шунинг учун Банди Туркистон деб ҳам аталадиган Афғонистоннинг шимоли босмачиларнинг, Туркистон миллий жанговарлари ва муҳожирларининг табиий бир қўналғасига айланганди. Агарда Афғонистон ҳукумати Туркистонда оловланиб турган босмачилик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, ёрдам кўрсатсайди, у ҳолда вазият бутунлай бошқача тус оларди. Шу учун шўролар бунга йўл бермасликка тиришиб, афғонлар билан дўстона муносабат ўрнатишга интилаётганди.

Совет йўлбошчиларининг бош мақсадларидан, интилишларидан яна бири Ҳиндистондаги инглизлар ҳукмронлигини тугатишга қаратилганди. Бу ниятни амалга ошириш учун икки йўналишли режа белгиланганди. Биринчиси хорижда шаклланган ҳинд ихтилолчиларини қуроллантириб, қўзғолонни бошлаш. Иккинчиси, совет давлатининг ёрдами ва воситасида Ҳиндситонда исён чиқариш. Бу режага Афғонистон ҳукуматининг ҳам қўшилиши, кўмак кўрсатиши жуда муҳим эди. Чунки бу ишни фақат Афғонистон давлатигина амалга ошира оларди, бошқаларнинг қўлидан келмасди. Шундай қилиб, Бокуда ташкил этилган мусулмон халқлар қурултойида Ҳиндистон ҳайъати вакили Абани

[197] Abdullayev, *Central Asian Emigres in Afganistan: First Wave 1920-1933*. Part 1. s. 29

Мукержи тилидан Афғонистонда бир тарғибот маркази очилиши кераклиги таклиф қилинди. Аммо Афғонистон ҳукумати буни қабул этмади.

Худди ана шу пайтда Жамол пошо саҳнага чиқди. Жамол пошонинг инглиз империализмига қарши умумшарқ мужодаласи ғояси шўроларнинг мақсадига уйғун эди. У мусулмон лидер бўлгани учун ҳам мустақил мусулмон давлат Афғонистон ҳукумати тарафидан яхши қаршиланиши мумкин деган умид ҳам бор эди. Ана шу мантиққа суянган шўро аъёнлари Жамол пошога ёрдам беришни ваъда қилишди. Жамол пошонинг ҳинд ихтилолчиси Баракатуллоҳ билан бирга Афғонистонга кетишига кўмаклашдилар. Афсуски, Жамол пошонинг режалари ва хаёллари анчагина қоришиқ, бир-бирига зид ва бир-бирига боғланмайдиган нуқталарга тўла эди.[198] Жамол пошонинг режаси амалга ошсайди, Афғонистонда ҳарбий саводли, яхши қуролланган мунтазам қўшин, мустамлакачиларни ҳуркитадиган жиддий куч пайдо бўларди. Шўро раҳбарияти ўз ёрдамлари билан шаклланажак ана шу қўшиннинг ҳужуми ўзларига қаратилиши мумкинлигини ҳам кўздан қочиришмаганди, албатта. Айни чоғдаги шунга ўхшаш ҳолатларни таҳлил қилган совет аъёнлари шарқдаги мусулмон ўлкаларга, хусусан Ҳиндистонга боғлиқ бир сиёсий ишга қўл урди. Осиёдаги инқилобларни бошқариш учун Тошкентда Ўрта Осиё бюроси очилди. Бу ташкилотни қуриш, аслида, коминтерннинг иккинчи қурултойи қарорига кўра режалаштирилганди. Қурултойда “Миллатлар ва мустамлакаларга оид масалалар” мавзуси алоҳида ўрганилган, шарқ ўлкаларидаги буржуалар ва ер-мулк эгаларига қарши кураш давом этиши керак, деган қарорга келинган эди. Ана шунинг учун ўша йилнинг сентябрида Бокуда ўтказилган қурултойда таниқли бўлшевик лидерларидан Радек сўз олиб, мусулмон халқларини инглиз мустамлакачилигига қарши курашга, бошларидаги амир, султон ва хонларни улоқтиришга чақирди.[199]

Янги ташкил этилган Ўрта Осиё бюроси ҳайъати Ўрта Осиё совет қўшинлари қўмондони М. Соколников, коминтерннинг шарқ бўлими бошлиғи Георгий Сафаров, Ҳиндистон коммунистлари лидери Манабендра Натх Рўй каби шахслардан иборат эди. Рўй коминтерннинг иккинчи дунё қурултойида нутқ сўзлаб, “Оврупода инқилоб, ўзгариш қилиш овруполикларнинг Осиёдаги мустамлакаларидан оладиган фойда йўлларининг батамом тугатилиши билан, яъни Осиёдаги мустамлакаларни фақат коммунистлаштирилиши билангина мумкиндир” деган эди. Тошкентдаги Ўрта Осиё бюросининг аъзоси бўлганидан кейин Рўй ҳиндларга коммунистик таълим берадиган мактаб очди. Шу билан

[198] Қаранг: “Ҳаракатнинг тамали” бўлимида бу хусусда анча маълумот бор.
[199] Nollau, *Russia`s South Frank*, s. 4

бирга, у шўролар ёрдами билан яратилаётган “ҳуррият қўшини”ни ташкил этиш билан ҳам машғул эди.[200]

Бу минтақада энг катта сиёсий куч саналган Англия учун энг муҳими Афғонистоннинг тарафсиз ҳолда сақланиши эди. Амударё қирғоқларига қадар бостириб келган совет инқилоб селининг Ҳиндистонга тошиб кетишини олдини оладиган табиий тўсиқ Афғонистон эди. Нима бўлганда ҳам, бу ўлканинг ана шу сифатини сақлаб қолиши инглизлар учун ўта аҳамиятли эди. Ҳиндистон халифалик комитети эълон этган фатво туфайли юз мингдан ортиқ Ҳиндистон мусулмонлари Афғонистонга кириб келганди. Шу билан бирга, Ҳиндистон-Афғонистон чегараларида яшайдиган пуштун қабилалари мавжуд аҳволдан норози эдилар. Шу туфайли Англия учун совет Русияси таъсиридан холи, ҳинд ихтилолчиларининг авж олишига изн бермайдиган, юз йилдир тўлиб турган Пуштунистон муаммоси косасини тоширмайдиган, ўзича тинч Афғонистон – энг мақсадга мувофиқ Афғонистон ҳисобланарди. Ҳиндистонда мустамлакани бошқараётган бир инглизнинг қуйидаги сўзлари, бизнингча, Англиянинг ўша пайтдаги ҳоли руҳиясининг айни ифодасидир:

> “Қафқаз ва Эрондан чиқарилдик. Бағдодни ҳам бўшатиб қўйишга мажбур бўлармиз балки. Афғонистон қўлдан кетди. Энди Ҳиндистонни бой бермаслик керак.”[201]

1921 йилда юз берган ўзгаришлар бу шимол ва жануб ўлкалари минтақасидаги мувозанатни силкитиб, тебрантириб юборди. Совет мамлакатидаги ички уруш ва қашшоқлик, Англия ва бошқа ғарб давлатлари томонидан Русияга нисбатан қўлланилаётган иқтисодий сиқув тор кўчага тиқилган ҳукуматни ўйлантириб қўйди. Агарда бу иқтисодий бўғиш давом этаверса, ҳокимиятни сақлаб қолиш ҳам оғирлашуви, ҳатто давлат жиддий хавф остида қолиши мумкинлигини коммунистлар сездилар. Вазиятдан чиқиш йўли ахтарила бошланди. Ниҳоят, 1921 йил мартида совет раҳбарияти Англия билан мажбуран бир савдо битими тузди. Бу битимга кўра, шўро ҳукумати “Афғонистон ва Ҳиндистондаги инглизларга қарши қуролли курашни ва ташвиқоту тарғиботни тўхтатиш” шартини қабул этди. Советлар яна бир таҳликадан – инглизларнинг Туркиядан бошлаб Эрон ва Афғонистонга чўзиладиган ва Фарғонадаги босмачилик ҳаракати билан туташадиган бир ғавғо балосини бошлатишидан ва Русияни бўғиб ташлашидан ҳам қўрқуви бор эди. Ана шу келиш эҳтимоли мавжуд балодан қутулиш керак эди. Шу мақсадда, хусусан шўро давлати ташқи ишлар халқ комиссари Чичериннинг ташаббуси ва ҳаракатлари воситасида, 1921 йил февралида совет ҳукумати олдинига Эрон ва Афғонистон билан, сўнгра март ойида Туркия билан дўстлик ва ҳамкорлик битимларини тузди. Ана шундай

[200] Юқоридаги асар, 96 б.
[201] Fraser, *Basmatchi-II*. CAS, s.19

қилиб, совет давлати жанубий чегаралари муҳофазасини мустаҳкамлашга эришди. Эндиликда шўро ҳукумати бемалол ички муаммолари билан тинчгина шуғулланиш ва Оврупога боғлиқ масалаларини ҳал этиш имконига эга бўлди.

Айни ўша пайтда Афғонистон ва атрофдаги давлатларга оид кучларни яқиндан қизиқтирган бир воқеа юз берди. Март ойи бошларида Бухоро амири Саид Олимхон, Совет Русияси ва ёш бухороликларнинг биргаликдаги ҳужумига дош беролмай, улардан енгилиб, тахту ҳукуматини ташлаб чиқиб, Афғонистонга келиб сиғинди. Бу ҳодиса Туркистондаги мужодаланинг маълум бир қисмини расман Афғонистонга кўчгани нуқтаи назаридан аҳамиятлидир. Афғонистон ҳукумати бу аҳволга муносабатини аниқлаштиришга мажбур эди.

Бу мамлакатдаги ана шу ҳолат инглизлар эътиборини ҳам дарҳол жалб этди. Англия Афғонистонга оид алоқаларини жонлантириш лозимлигини сезди ва 1921 йил январ ойида жаноб Ҳенри Дўб (sir Henry Dobbs) бошчилигидаги бир расмий ҳайъатни Кобулга жўнатди. Орадаги узилиб кетган муносабат боисми, музокаралар деярли бир йил давом этди. Ниҳоят йил охирида бир битим тузилди. Ана шундай қилиб, Афғонистоннинг мустақиллиги икки мамлакат, икки катта сиёсий куч – шўро давлати ва инглиз ҳукумати тарафидан тан олинди.

Жаноб Дўб Кобулга келганида Жамол пошо Афғонистондайди. Афғон-инглиз ҳайъатларининг музокаралари сирасида Жамол пошо мунтазам афғон қўшинини тузиш ишлари билан машғул эди. Пошо афғон амирига, агарда қувватли қуролли кучларга эга бўлмаса, ҳеч қачон муваффақият қозонолмаслигини уқтирган ва бу мунтазам қўшинни турк зобитлари кўмагида ташкил қила олиши мумкинлигига ишонтирганди. Шундан келиб чиқиб, Афғонистон амири Омонуллохон 1921 йил 13 июлда Мустафо Камол пошога бир мактуб юбориб, Туркистон йўли орқали ўлкасига келган уч турк субайининг Афғонистонда қилган фойдали хизматларини айтиб, афғон ҳарбий кучларининг таълимли ва тартибли тарзда янгидан тузилиши учун бир ҳарбий ҳайъат юборишини сўрайди.[202]

Жамол пошо фақат бу иш билангина кифояланиб қолмаган, албатта. У айни пайтда Ҳиндистон чегараларида яшайдиган инглиз душмани пуштун қавмлари билан ҳам керакли муносабатни ўрнатиб, юз минг кишилик ҳинд ихтилолчилари билан алоқани мустаҳкамлаб, мустамлакачиларга қарши кўпсонли ўрдуни шакллантирмоқда эди. Буни

[202] Амирнинг бу хатида эсланган турк зобитлари Зиё бей, Рифат бей ва Ҳусайн Жоҳид бейлардир. Биринчи жаҳон уруши пайтида русларга асир тушган бу субайлар уруш тугагандан сўнг қамоқдан озод бўладилар ва Туркистонга келишади, у ердан Афғонистонга ўтиб, афғон ҳукуматига бир мунча пайт хизмат қилишади. Амир Омонуллохон мактубининг тўла матни учун қаранг: *Atatürk`ün Millî Dış Politikası*. Kültür Bakanlığı yay. Ankara, 1981. s.341.

кўриб-билиб турган инглизлар анча таҳликага тушиб қолганди.[203] Афғон-инглиз битимининг имзоланишидан сал аввал Жамол пошо Кобулдан Москвага жўнаб кетди. Мақсади совет ҳукумати раҳбарлари билан учрашиб, афғон қўшинини замонавийлаштириб, мунтазам ҳолга келтиришда ёрдам уюштириш эди. Йўлда бораркан, Бухорода тўхтаб, Анвар пошо билан кўришмоқни ҳам ният қилганди. Афсуски иккала мақсади ҳам амалга ошмади. Унинг Анвар пошо билан учрашувига изн берилмади. Бу ҳам етмагандай, Москвадан ҳам қўли бўм-бўш ҳолда қувилгандай бўлди. Буларнинг барчаси руслар ва инглизлар бу масалада бир фикрга келганларини, ҳамкорликда уни Афғонистондан узоқлаштирганларини тахмин қилишга йўл очмоқда эди. Афғон амири эса, ҳарҳолда, ё ўзи хоҳлаб, ё бу икки мустамлакачи ўлканинг зўрлаши туфайли Жамол пошонинг Афғонистондан Москвага кетишини маъқуллаган. Чунки Жамол пошо кетиши биланоқ турк зобитлари бошқараётган ҳарбий намуна бўликлари тарқатилган, турклар вазифаларидан бўшатилиб, уларнинг ўрнига афғонлар қўйилган, бу ҳол тахминларимизнинг тўғри эканлигини қувватламоқда. Козим Қорабакир пошо иттиҳодчилар ҳақидаги хотираларида: “Жамол пошо Афғонистон қўшинини қўлга олгач, амирни ҳам тахтдан ағдариши тўғрисида гап-сўзлар пайдо бўлганди” деган. [204]

Бу ҳодисаларнинг аслини, ҳақиқат қандай эканини билиш қийин, албатта. Жамол пошо Афғонистонга тағин қайтолмади. У Тифлисда ёлланган арманилар суиқасди натижасида шаҳид тушгач, Афғонистон ҳукумати “Жамол пошо Туркияга оид бўлгани қадар бизга ҳам мансубдир” дея Русияга мурожаат этиб, унинг қотилларини дарҳол топилиши ва жазоланишини талаб қилди. Шу билан бирга, Афғонистонда Жамол пошонинг шаҳид тушгани халққа билдирилиб, расман аъза тутилди. Амир Омонуллонинг бу муносабати ҳақиқий қайғусиданмиди ёки тимсоҳнинг кўз ёшларимиди, хўжакўрсингамиди?

Буни кимса билмайди.

Фақат бир нарса аён эди. Жамол пошо каби жиддий бир душмандан қутулиш инглизларни жудаям қувонтирганди.

АМИР ОМОНУЛЛОНИНГ ТУШЛАРИ

Афғонистон тахтига ўтириши биланоқ, мустамлакачи Англия ҳукуматига қатъий талаблар қўйиб, музокаралар олиб бориб, юртининг мустақиллигини эълон қилиши амир Омонулло номини дунёга танитиши баробарида ислом дунёсида ҳам катта шуҳрат қозонтирди. У ўзини атроф

[203] Fraser –Tytler, *Afghanistan*, s.199
[204] Karabekir, *İstiklal Harbimizde Enver Paşa ve İttihat Terakki Erkanı*, s. 354

ўлкалар ичида эътиборли ҳукмдорлардан бири деб ўйларди. Инглиз империализми зулмини чеккан мазлум мусулмон халқларнинг бир ҳомийси деб биларди. Айни чоғда Бухоро амирининг тарихий шуҳратга кўмилган мамлакатини, тахтини тарк этиб, Афғонистонга сиғиниб келиши амир Омонулло учун алоҳида бир фурсат ва имкон яратганди. У шўро асорати остида қолган мусулмон халқларнинг хомийсига айланиши мумкин эди – қаршисида ана шундай нодир тарихий имкон турарди. Бу вазифани уддалай олса, Афғонистон ҳудудини Ўрта Осиёнинг ички ўлкаларига қадар кенгайтириш мумкин бўларди. Ана шу ўй ва режалар ойдинлигида мавжуд вазиятни бошқача кўз билан кузата бошлади.

Аслида, амир Туркистондаги ҳодисаларни яқиндан билишга, муносабат билдиришга мажбур эди. Зотан, Афғонистонда шимоли, яъни Ҳиротдан то Помир тоғлари чўққиларига қадар чўзилган улкан юрт афғон халқи орасида Жанубий Туркистон дея аталарди.[205] Афғонистонни иккига бўлиб турган Ҳиндикуш тоғлари шимолидаги бу юртда ўзбеклар, туркманлар, тожиклар яшарди. Ана шу этник мансублик Амударёнинг у тарафида, яъни Туркистонда ҳам худди шундай кўринишда эди. Ҳиндикуш тоғлари туфайли пайдо бўлган оғир шароит шимолий боис Афғонистонни назорат қилиш анча мураккаб эди. Хусусан, Афғонистон ва совет, хитой давлатлари чегарадош бўлган Помирнинг юксак тоғларида бу ўлкаларни бир-биридан айирган ҳудудларни муҳофаза этиш имконсиздай туюларди.

Амир Омонуллонинг Туркистон миллий мужодаласи лидерлари билан илк муҳим учрашуви Фарғона ўлкаси қўрбошиларидан Шермуҳаммад бек билан бўлганди. Шермуҳаммад бек босмачилар курашининг энг муваффақиятли даврида Фарғонада мустақил, муваққат Туркистон ҳукуматини эълон қилган замонда акаси Тошмуҳаммад бекни 1920 йил 31 майда махсус ҳайъат билан Афғонистонга юборганди. Ҳайъат аъзолари амир Омонулло ва ҳарбия вазири Нодиршоҳ билан учрашган, уларни Туркистондаги турум билан таништириб, ёрдам истагандилар. Амир уларга кўмак ваъда этиб, доимий алоқа сақлаш мақсадида Туркистон ҳукуматининг бир вакилига Афғонистонда қолишга изн берганди. Ана шундай қилиб, Тошмуҳаммад бек босмачиларнинг вакили сифатида Афғонистонда қолди.

Амир Омонулло бу даврда босмачилик ҳаракатига бир ҳукумат ўлароқ тўғридан-тўғри ёрдам кўрсатмаган бўлса ҳам, Афғонистондан қурол-яроғ олиб ўтишда ҳеч бир муаммо чиқартирмасдан, бевосита кўмак кўрсатган эди. Алоқа йўли асосан Помир тарафлардаги Алайбек манзилидан ўтарди.

[205] Афғонистон шимолидаги шаҳарлар Ҳирот, Фарёб, Жузжон, Мозори Шариф, Самаанган, Қатағон, Таххар ва Бадахшондан иборатдир.

Амирнинг рухсати ва ёрдами билан Хонобод шаҳрида битта қўрбошилар мактаби очилганди. 1920 йил 20 июнда Фарғона водийсининг турли шаҳарларидан йиғилган 80 ўсмир ана шу мактабга юборилди. Тошмуҳаммад бекнинг ўғли Холмуҳаммад бек ўша ёшларнинг бошлиғи эди. У замондаги ҳарбия вазири Нодирхон мактабга ҳар томонлама ёрдам берган; бу шахс кейинчалик Афғонистон қироли бўлди. Ўқувчилар олти ойлик курсларда жиддий ҳарбий таълим олишган. Жамол пошо Афғонистонга келгач, унинг ёнида Туркистондан борган усмонли турк зобитлари ҳам мактабда таълим бера бошлаган.[206]

Шуни ҳам айтиш керакки, Бухоро амири Саид Олимхоннинг Афғонистонга сиғиниб бориши ўзига хос сиёсий маънога эга эди. Бухоро мамлакати жуғрофий жиҳатдан Афғонистон тупроқларининг учдан бирига тўғри келарди ва икки давлат ўртасида Амударё оқарди холос. Бухоро амирининг Афғонистонга илтижо қилиб бориши ва бу ўлкада паноҳ топиши, бир англамда, бир давлат сифатида Афғонистон қаромоғига кирганини ҳам билдирарди. Омонуллохон Бухоро амирини Кобулга чақирди, пойтахтга яқин ердан жой ажратди, ёнидаги қўриқчи аскарлар сонини бир оз озайтирган ҳолда, ўша ерда ерда яшашига рухсат берди.

Айни замонда Анвар пошо босмачиларга қўшилган, Туркистондаги миллий озодлик ҳаракати янада кучайиб, халқаро аҳамият касб этганди. Бухоро амирининг хос одамларидан Иброҳим лақайнинг Анвар пошони тутиб, қамаб қўйиши туфайли, Анвар пошо ва Омонуллохон ўртасида алоқа бошланди. Омонуллохон Бухоро амирига вазиятни тушунтирди ва унинг истагига кўра, Олимхон Иброҳим лақайга Анвар пошони озод қилишни ҳамда унинг Бухородаги босқинчиларга қарши курашида ёрдам беришини сўраб мактуб ёзди. Хат Нуруллохон деган бир афғон воситасида Иброҳим лақайга етказилди. Шунга қарамай, Иброҳимбек яна бир мунча вақт Анвар пошони қамоқда сақлаб турди.

1922 йил бошларида лақайнинг қамоғидан қутулган Анвар пошо шарқий Бухородаги босмачиларнинг бошлиқларини йиғиб, кўпчилигини бирлаштириб, қизил русларга қарши озодлик курашини бошлади. Афсуски, амир тарафдори бўлган Иброҳим лақай ва унга фикрдош бир неча қўрбоши бу мужодалага қўшилишни ҳам, ёрдам беришни ҳам истамади. Анвар пошо 1922 йил январда Бухоро амири Саид Олимхонга юборган мактубида Иброҳим лақайдан шикоят қилиб, унинг урушга қўшилмаганини билдирган.[207]

Анвар пошо битган хатларига “Бухоро амирининг вакили, мусулмонлар халифаси султоннинг куёви Саид Анвар” дея имзо қўйиши, пошонинг Бухорога қайтинг деган талабларига амирнинг ҳали замони

[206] Bademci, *Korbaşılar*, s. 335
[207] Yamauchi, *Hoşnut Olamamış Adam*, Enver Paşa, s. 149

келмади дея қаршилик қилиши, хуллас, шунга ўхшаш гаплар амир тарафдорларини жиддий шубҳаларга солиб қўйганди.[208] Аслида амир Олимхоннинг ва уни қувватлаган босмачиларнинг шубҳалари бутунлай ўринсиз эмасди. Анвар пошо ва амир Омонуллохон орасидаги ёзишмалар ўрганилганда, ҳар икковининг ҳам Бухоро амирининг даврон тизгинини тутолмаган, Кобулиятсиз, ортиқча шахс деган фикрда эканлиги маълум бўлмоқда.[209] Анвар пошо Омонуллохонга битган хатларида, жумладан, афғонлар кўмагида босқинчи русларни Бухоро ва Туркистондан ҳайдаб чиқаргандан кейин бу минтақада Олмонияга ўхшаган буюк ва кучли, Мусулмон Ўлкалар Иттифоқи мақомидаги бир давлат қуриш фикрини билдирган.[210]

Инглиз империализмига қарши мужодалада ғолиб чиқиши, яъни Афғонистонни мустақил бўлиши туфайли ўзини шарқдаги барча эзилган мусулмон давлатларнинг ҳомийси, олампаноҳи дея тасаввур этгувчи амир Омонулло бундайин фикрлардан яйраб кетарди, табиий. Анвар пошонинг босмачилар билан бирга эришаётган муваффақиятлари Омонуллохоннинг ўй-хаёлларини янада юксакларга парвоз қилдирмоқда эди. Осиё қитъасининг қоқ ўртасида қуриладиган Туркистон-Бухоро-Афғонистон Федератив давлати бошида, тахтида ўтирадиган шахс, бундоқ ўйлаб кўрилса, замонанинг Чингизхони ё амир Темури бўларди, албатта.

Амир Омонулло бошида Анвар пошо ёнига вакил сифатида биргина Аҳмадхон деганни жўнатганди. Пошо бошчилигидаги курашнинг муваффақиятли шаклланаётганини кўриб, Афзалиддинхон қўмондонлигида 300 аскардан иборат бир бўлик, қурол-яроғ ва бошқа нарсалар ҳам юборди.[211] Шунингдек, жиҳодга қўшиламан деган кўнгилли афғон ватандошларининг ҳам Анвар пошо жабҳасига боришига изн берди. Албатта, афғон ҳукумати бу инсонларга тўғридан-тўғри ёрдам кўрсатмаса ҳам, бу борада бирор муаммо чиқишига ҳам йўл қўймади. Бу ҳодисалардан анча кейин чиққан шўро манбаларига қаралса, ўша пайтда Афғонистондан Туркистон учун курашгани 140 тача кўнгилли Бухорога ўтгани англашилмоқда. [212] Улар орасида бир неча диний арбоблар ҳам бўлган. Панжширдан борган мавлавий Абдулҳайни Анвар пошо шайхулислом дея эълон қилган ва унга ўз қўмондонлигидаги лашкарлар орасида диний ишларни юритишни топширган.

Бу пайтда амир Омонулло келажакда содир бўлажак ҳолатларни кўзда тутиб, олдиндан тайёр туриш мақсадида, мамлакат ичида баъзи тадбирларни амалга оширди. Бир қисм қўшинни Бухоро амирлиги

[208] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s. 449
[209] Yamauchi, *Hoşnut Olamamış Adam, Enver Paşa*. (Анвар пошонинг Омонуллохонга 14 апрелда ёзган мактуби) s. 271
[210] Юқоридаги асар, март ва апрелда ёзилган мактублар, 268 б.
[211] Baysun, *Türkistan Milli Mücadeleleri*, s. 90
[212] Abdullayev, *Central Asian Emigres in Afganistan*, Part 2. s. 20.

чегараларига жойлаштирди. Қатағон ва Бадахшон волийси Шоҳвалихонга Анвар пошо ҳаракатини жиддий кузатиб туриш вазифасини топширди. Афғонистон шимолидаги қўшинлар қўмондонлиги эса, шахсан ҳарбия вазири Муҳаммад Нодирхон тарафидан юритилмоқда эди.[213]

1922 йил 10 апрелда Бухоро халқ жумҳурияти жумҳурраиси Усмон Хўжаўғли, Али Ризо афанди, ҳожи Сомий биргаликда Афғонистонга ўтишди. Усмон Хўжаўғли ва сафдошлари Афғонистон ҳарбия вазири Нодирхон томонидан жуда яхши қаршиланди ва улар шарафига зиёфат берилди. Кейинроқ бу ҳайъат, амир Омонуллохоннинг даъватига кўра, Мозори Шарифдан Кобулга келди. 20 апрелда Омонуллохон Усмон Хўжаўғлини қабул қилди, Усмон Хўжаўғли амирга Бухородаги вазиятга оид бир меморандумни тақдим этди.[214]

Ана шу воқеадан кейин Усмон Хўжаўғли ва ҳайъатдаги сафдошлари Афғонистонда қолиб кетишди. Улар бу ердан Бухорога қурол-яроғ ва аскар юбориш ишлари билан шуғулланишди.

Бу воеқалардан советлар яхши хабардор эди, албатта ва анча ташвишга ҳам тушиб қолганди. Ташқи ишлар халқ комиссари котиби Қорахон совет ҳукумати номидан Анвар пошога музокара таклифини йўллади. Пошо бу таклифга қисқа ва очиқ жавоб берди. Озарбайжон коммунистик партияси раиси Наримонов воситачилигида жўнатилган жавоб хатида Анвар пошо, жумладан, русларнинг Туркистон, Бухоро ва Хива тупроқларидан қўшинларини олиб чиқиб кетишини талаб этди ва фақат шундагина музокара бўлиши мумкинлигини таъкидлади.[215] Ана шундан кейин совет ҳукумати, Пўлша билан чўзилиб кетган урушдан қутулиб, бирмунча эркин нафас олгач, Туркистон ўлкасига нисбатан уч йўналишдаги ҳужум режасини амалга оширмоққа киришди. Дастлаб генерал Каменев қўмондонлигидаги катта қўшинни шарқий Бухорога ташлади. Иккинчидан, Афғонистон ҳукумати олдига баъзи сиёсий талабларни қўйди, Анвар пошога ва босмачиларга берилаётган ёрдамларни, аскар жўнатишни дарҳол тўхтатишни талаб қилди. Учинчи тарафдан эса, Анвар пошонинг Бухорода ўз ҳокимиятини ўрнатмоқчи экани ва амирнинг Бухорога қайтмаслиги борасидаги тарғибот-ташвиқотни кучайтирди. Бу тарғибот ҳақиқатан ҳам жуда таъсирли бўлди ва натижада, Бухоро амири мамлакатда қолган ўз тарафдорларига, Анвар пошо жабҳасида курашаётган ўзига боғлиқ қўрбошиларга хат ёзиб, пошо билан алоқни узишни буюрди. Ана шундан кейин баъзи қўрбошилар Анвар пошодан ажралибгина қолмай, ҳатто унга қарши кураша болади.

Советларнинг афғон ҳукуматига қўйган сиёсий талаблари ҳам яхши натижа берди. Афғонистон мустақиллигидан кейин Москвада ва айрим Оврупо давлатлари пойтахтларида Афғонистон вакили сифатида фаолият

[213] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s. 441
[214] Baysun, *Türkistan Millî Mücadeleleri*, s. 137
[215] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s. 451

юритаётган Муҳаммад Валихон афғон-совет муносабатлари бузилмаслиги керак деган фикрдайди. Шунинг учун ҳам у афғон амирига босмачилар билан барча муносабатларни тўхтатишни, уларнинг афғон Туркистонидаги ҳар қанақа ҳаракатларига изн бермасликни тавсия қилмоқдайди. Омонуллохон советларнинг ана шундай сиёсий босқиларига ортиқ қаршилик кўрсатолмай қолди ва Анвар пошо жабҳасида курашаётган афғон аскарларини ўлкасига чақириб олди.[216] Аслида-ку, афғон бўлиги 300 тача аскардан иборат эди ва унинг бор-йўқлиги ҳарбий нуқтаи назардан унчалик аҳамиятли ҳам эмасди. Бу бўликнинг қайтиб кетиши фақат афғон ҳукуматининг эндиликда Анвар пошони қўлламаслиги жиҳатидан муҳим саналарди. Айни шу пайтда совет давлати афғон ҳукуматидан чегара туманларида қўшин йиғишни тўхтатишни ва Афғонистоннинг Бухоро мамлакатидаги урушга тарафсиз эканлигини эълон қилишни талаб этди. Худди ана шу вазият ниҳоятда чигаллашган пайтда, 1922 йил август ойида Анвар пошо ҳам жангда ўлдирилди.

Анвар пошонинг ўлимидан кейин амир Омонулло Афғонистон шимолига бориб, қўмондонлари билан мавжуд аҳволни муҳокама этиб, бу ердаги фавқулодда вазиятни бекор қилиб, яна Кобулга қайтди.[217] Ундаги янги замон Чингизхони бўлиш хаёллари ҳам барҳам топди. Советларни хурсанд қилиш ниятида, сўнгги олти ойдир Анвар пошо ҳаракатининг ичида бўлган, у билан қалин муносабат ўрнатган Афғонистон ҳарбия вазири Нодирхонни ишдан бўшатди ва Парижга элчи этиб тайинлади. Бу орада, яъни Анвар пошонинг ўлимидан кейин ўлкасига қайтган шайхулислом мавлавий Абдулҳай ҳам, советларга қарши ташвиқот юритганлик айби билан Хонободда қўлга олинди ва зиндонга ташланди.[218]

БУХОРО АМИРИНИНГ СУРГУН ЙИЛЛАРИ

Янги XX аср билан ўлкага кириб келган янги фикрлар ва катта ўзгаришлар натижасида тахтидан айрилган Бухоро амири Саид Олимхон 1921 йил март ойида, ёнида 300 тача аскари билан бирга мажбуран Афғонистонга ўтиб кетди. Нияти аввало Афғонистондан, қолаверса, бошқа давлатлардан ёрдам сўраш, Бухородаги вазият тартибга тушса, агарда мумкин бўлса, яна ўлкасига қайтиш эди. Ана шу мақсадда, ҳали Бухоро тупроқларини тарк этмай туриб, айрим ишларни бошлаганди. Қашқардаги инглиз консуллиги воситасида Англия қиролига мактуб

[216] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s. 452
[217] Fraser –Tytler, *Afghanistan*, s. 203
[218] Мавлавий Абдулҳай *1927* йилда яна Туркистонга қайтади, Гарм шаҳри атрофида советларга қарши тарғибот ишлари билан шуғулланган, қуролли қўзғолон уюштирган, аммо муваффақият қозонолмаган.

юбориб, ундан ёрдам берилишини истаганди.[219] Афғонистонга ўтгандан кейинги воқеаларни амирнинг ўзи шундай хотирлайди:

> "Афғонистон чегарасидаги қўриқчилар ва уларнинг қўмондонлари бизни ғоятда яхши қаршилашди... Ҳудуддан ўтиб олганимизни Қатағон волийсига билдириб, ўша ёққа равона бўлдик. Волий ноиби Муҳаммад Акбархон ва бош қўмондон Бинбинхон ҳарбийлар йиғноғи билан тантанали кутиб олишди... Бу орада амир ҳазратлари менга тасалли бермоқ ниятида мактуб юбориб, бошимга тушган фалокатни ҳар томонлама муҳокама қилиш учун Кобулга, ҳузури олийга даъват этдилар.
>
> Бу бандаи ожиз Амударёдан Афғонистон тарафга кечиб ўтаркан, Бухоронинг энг сара уч юз аскари ҳам мен билан биргайди. Бундан ташқари, тахминан дарёнинг ўша кечиш еридаги гузаргоҳимда, ўн мингларча инсон ҳам бу тарафга ўтиб, ҳузуримда тўпланишганди. Бу халқдан тахминан беш юзтасини, янада тўғриси, улар орасида диққатимни чекканларни ўз ёнимга олдим ва қолганларини Афғонистоннинг турли вилоятларига жўнатдим. Шундай қилиб, ёнимдаги беш юз киши балан бирга Кобулга йўл олдим.
>
> Кобулда истироҳатимиз учун ажратилган Муродбеги қалъасига жойлашдик... Сўнгра Афғонистон амири энг мўътабар аъёнлари билан бирга зиёратимга келиб, мен билан қучоқлашиб кўришди ва шу тариқа тарихий учрашув амалга ошди. Шундай қилиб, Афғонистон давлатининг бир ой меҳмони бўлдим. Бир ойдан кейин ойлик ҳаражатимни қоплаш мақсадида менга 12 минг афғон рупияси миқдорида маош тайинланди."[220]

Саид Олимхон Афғонистон амири Омонуллохондан дипломатик жиҳатдан Бухорони тан олишини, ўзига тарафдор босмачи раҳбарларини қуллаб-қувватлашини ва ёрдам кўрсатишини, аввало Англия билан ва қолаверса бошқа чет давлатлар билан муносабат ўрнатишида воситачилик қилишини сўради. Амир Олимхоннинг Афғонистонга ўтиши ва у ерда ёрдам олишга уринаётганидан хабардор советлар бундан норози эди. Бухоро амирига бериладиган ҳар қанақа кўмакни йўққа чиқариш учун шўролар афғон ҳукуматига сиёсий босқини кучайтирди. Совет ҳукуматининг Афғонистондаги элчиси воситасида бошланган сиёсий бўғиш тезда ўз натижасини кўрсатди. Амир Омонулло зоҳиран ҳар турли ҳурмату эътиборни кўрсата туриб, амир Олимхон атрофидаги аскарлари сонини озайтириб, қурол-яроғини топширишга амр этди. Шу билан бирга, амирнинг Бухоро билан қилаётган алоқаларини назорат остига олди. [221] Саид Олимхон ўша пайтдаги ғайратларининг натижа бермаганини шундай хотирлайди:

---

[219] "Ҳаракатнинг тамали" бўлимига қаранг; Бухоро амирлигининг тугатилиши ва Бухоро халқ жумҳуриятининг қурилишига оид саҳифалар.

[220] Mir Said Alim Han, *Buhara Halkının Hasreti Tarihi*. Türkhaber, y.1. sayı 4-6, 2002

[221] Castagne, *Türkistan Milli Kurtuluş Hareketi*, s. 124

“Бу бандайи ожиз ўз ишимни саришта қилишга интилдим. Бинобарин, Аллоҳнинг иродасига мувофиқ тараддудларим тақдир насибасига эришмади, менга мадад ва ёрдам етиши назардан узоқ эди. Шу сабабдан тақдири илоҳийга розилик бериб, доруссалтана бўлмиш Кобулда туриб қолдим.

Ниҳоят мен бу ерда туриб қолишни ихтиёр этдим, зоти шоҳона олий ҳазрат афғон амири Кобулнинг жануб қисмидаги Фату деган боғни менга инъом этиб, менинг сарф-харажатимга бериладиган ўн икки минг рупияни ўн тўрт мингу беш юз рупия қилиб тайин этдилар”.[222]

1917 йил февралидаги Керенский давлат тўнтариши пайтида Бухоро амири Русия банкларида сақланаётган 150 милён рублни (тахминан 15 милён стерлинг) ҳисобидан олиб, Лўндўн ва Париждаги турли банкларга ўтказганди. Шу билан бирга, бир ишонган одами орқали 120 минг стерлинг қимматидаги қоракўл терини Оврупо ва Америкада сотилиши учун хорижга юборганди. Афғонистонга борганидан кейин, инглиз ва олмон банкларидаги ақчаларини олай деб ҳаракат қилди, аммо бирор натижага эришолмади. Бўлшевик ҳукумати бу пулларнинг советларга оид эканини иддао этмоқдайди. Банклар эса, бу пуллар ҳуқуқан Бухоро амирлигига боғлиқ кишига оид эканлигини, аммо эндиликда Бухоро амирлиги деган давлат йўқлигини ҳисобга олиб, амир номига пул беролмасликларини таъкидлашарди. Шу орада қоракўл териларини омонатга олган ишончли одам ҳам унга хиёнат қилди. У ҳам, банкирлар тўқиган сохта шартлардан илҳомланган шекилли, қоракўл терилар амирга эмас, Бухоро амирлиги ҳукуматига оид эканини, шу боис бу териларнинг сотилишидан келган даромадни амирга беролмаслигини айтиб, Бухорода муқим бир ҳукумат қурилгунгача кутиб теришини рўкач қилмоқда эди. Шуни ҳам айтиш керакки, амир Бухорони тарк этаркан, афсонавий хазинасини ёнида олиб чиқиб кетолмаганди.[223] Хулласи калом, Олимхон афғон амири назоратида яшай бошлаган. Амударёнинг у тарафи, яъни Бухоро билан алоқаларини тоғаси Муҳаммад Саид парвоначи орқали юритиб турган.

Анвар пошонинг босмачилар ҳаракатига қўшилиши амир Саид Олимхонда янги умидлар уйғотган, русларга қарши олиб борилаётган курашнинг муваффақият қозонишига ишончини орттирганди. Бошқа бир томонда эса, Анвар пошо ғолиб чиқса, Бухоро тахтини қайта эгаллашига изн берилиши ё берилмаслиги хусусида ҳам анчагина жиддий шубҳалари бор эди. Ана шу иштибоҳлар туфайли Иброҳим лақай воситасида Анвар

[222] Амир Саййид Олимхон. “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи”. Форсчадан Абдусодиқ Ирисов таржимаси. “Фан”, Тошкент 1991,12 б.

[223] Инглиз ва француз банкларидаги ҳисобларининг нима бўлгани маълум эмас. Эҳтимол, ўша бойликлар банк ҳисобида қолгандир. Қоракўл териларга оид даъво масаласи маҳкамада кўрилиб, даромаднинг ярми амирга, ярми эса терини ҳорижга олиб чиқиб сотган одамга берилган. Бухоро амирлиги бўлшевиклар тарафидан ишғол этилгач, дарҳол амирлик хазинасидаги 3 вагон олтин ва бошқа қиммабаҳо тошлар Москвага ташиб кетилганини Бейли ўз асарида таъкидлаган. Қаранг: Bailey, *Mission To Tashkent*, s. 299

пошони назорат қилишга тиришди. Аммо афғон амири Омонуллохон талабига кўра, Анвар пошонинг озод қилиниши борасида Иброҳимбекка хат ёзишга мажбур бўлди. Анвар пошонинг бўшатилганидан кейинги фаолиятлари амирнинг шубҳаларида жон борлигини кўрсатди. Зотан, Анвар пошо Олимхонни четга суриб қўйиб, Афғонистон амири Омонуллохон билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатиб олганди. Саид Олимхон ўз хотираларида бу ҳодисаларни қуйидагича эсга олган:

> "Иброҳимбек Бухоронинг шарқ тарафидаги фуқаролар билан кенгашиб, бу бандаи ожизнинг Бухорога қайтишига ижозат берилишини сўраб афғон амирига бир мактуб ёзган, саккиз кишидан иборат бир ҳайъат воситасида ўша тайёрланган мактубни пойтахт Кобулга юбортирган эди. Бу ҳайъат Кобулга етиб келиб, Афғон амирининг ҳузурига чиқиб, илтимосларини арз этишди. Афғон амири бу мурожаатни мамнуният ила қабул айлаб, менинг юрта қайтишимни мақбул кўрибди. Аммо Анвар пошо бу масалада эътироз билдирибди. Унингча, эндиги замонда душман истеҳком йўлининг асосий қисми Бухоронинг маркази Қўрғон эканини қабул қилиш тўғри эмасмиш. Чунки, депти Анвар пошо, қаршимиздаги душман халқаро ҳуқуқларни писанд қилмайдиган даражада кучли давлатдир. Биз ҳозирча курашни давом эттираверайлик. Оллоҳнинг изни ила бир имкон топиб, Бойсун вилоятини қўлга киритиб, назоратимизни ўрнатсак, атрофда мустаҳкам истеҳком яратамиз. Ана ўшандай вазиятга эришсак, подишоҳимизни қайтариб олиб келиш мумкин. Анвар пошонинг бундай фикридан хабардор бўлган Афғон амири ҳузурига кирган ўша ҳайъат бирор натижага эришмасдан, Кобулдан яна орқага қайтиб кетишга мажбур бўлди."[224]

Анвар пошонинг ўлими ўлкадаги вазиятни остин-устун қилиб юборди ва Бухородаги миллий мужодаланинг фалажланишига, босмачиларнинг тарқалишига сабаб бўлди. Бу орада амир Олимхон Англияга ва баъзи Оврупо ўлкаларига қарата мурожаат қилишга қарор берди. 1923 йил июнида "Тинчликни суйганларга ва адолатни ҳурмат қилганларга" сарлавҳали бир меморандум битиб, уни Миллатлар ташкилотига ва бир қатор ўлканинг давлат бошлиқларига юборди. Бу меморандум "Таймс" газетасида "Ўрта Осиёда бўлшевиклар сиёсати" номи билан босилиб чиқди. Минг афсуски, амирнинг бу мурожаатига эътибор берилмади, эркин дунёдаги ҳеч бир давлатдан жавоб келмади.

Бўлиб ўтган бу воқеалар амир Олимхоннинг ватанга қайтиш ва яна тахтни эгаллаш умидларини бутунлай чиппакка чиқарганди.

Афғонистонга ўтган Туркистон зиёлилари, миллатпарвар муҳожирлар, Туркистон Миллий Бирлиги жамияти аъзолари амирни ватан хоини деб билишарди, шу боис орада ҳеч қандай муносабат ҳам йўқ эди, амирнинг улар билан алоқа ўрнатиши ҳам амри маҳол эди.

---

[224] Mir Said Alim Han*, Buhara Halkının Hasret-i Tarihi*. Türkhaber Yıl 1, sayı 4-6, 2002

Бошқа бир томонда эса, Афғонистон-Туркистон давлатини қуриш хаёли пучга чиққандан кейин, Омонуллохон ҳам собиқ Бухоро амирини ортиқча сиёсий юк ҳисоблаб, муомаласини ўзгартирди. Менинг онам сенинг ҳам онангдир, кел, уни зиёрат қил, дея амирни Кобулга чақириб қўйиб, ойларча кўриниш бермади.[225]

Амир Олимхон Афғонистондан энди чиқиб кетиш пайти етганини англади. Бу орзусини амир Омонуллохонга билдирди ва Афғонистондаги инглиз элчиси Хумприс (Humprys)дан Ҳиндистонга виза олишида ёрдам беришини сўради. Афғонистон амири Омонуллохон уни ҳузурига чорлаб, ҳажга кетиши мумкинлигини, фақат бутун оиласи ва одамларини ҳам бирга олиб кетиши кераклигини айтди. Шу тариқа, агарда Афғонистондан ташқарига чиқса, бошқа қайтиб киришига имкон берилмаслигига ҳам ишорат қилган бўлди.

Бошқа бир томонда эса, амирнинг Лондонга етказилган виза талаби Англия бош вазири лорд Керзўн (Lord Curzon) тарафидан рад этилди. Аммо амир, бу жавобга қарамасдан, бир муддат ўтгач, яна виза истаб мурожаат қилди. Озгина Ҳиндистонда туриб, кейин ҳажга кетишини билдирди. Бу мурожаат натижасида амирга келган жавоб диққатга моликдир. Унда таъкидланишича, амирнинг Ҳиндистондан транзит йўл сифатида фойдаланишига изн берилмайди, фақат қисқа муддатли саёҳати маъқулланади. Агарда инглизлар империяси ҳудудлари ичида яшаб қолишни тиласа, у ҳолда фақат Сейлўн ваё Сейшал ороларида қолиши мумкин. Бунақа тескари муносабатларга қарамай, Олимхон тамом умид узмасдан, яна бир бор инглиз элчисига мурожаат қилди. Инглизлар бу сафар унинг барча йўллари берк эканлигини билдиришди, аммо, агарда Афғонистонга қайтиб кириши мумкинлиги тўғрисида ёзувли ҳужжат бўлса, виза изни чиқишини айтишди. Демак, бундан кейин виза рухсати сўраб фақат Афғонистон ҳукуматига мурожаат этиши кераклиги аён бўлди.[226]

Афғонистон амири Омонуллохоннинг бундай изн бермаслигини билган амир Олимхон учун энди тақдирга тан беришдан, умрини афғон ўлкасида ўтказишдан бошқа чора қолмаганди. Амир ана шу умидсизлик чорасизлик кунларида, чўкаётган хасга ёпишар дегандай, руслар билан алоқа қилиб кўрсаммикан, деган хаёлга борди. Афғонистонда Русия ҳукумати вакилларига мурожаат этиб, советлар билан сулҳ тузишга тайёр эканлигини ва фақат иккита шарти борлигини билдирди. Биринчи истаги Бухоронинг кичик бир бурчагида йўлига бир амирлик ҳокимиятининг қурилишига рухсат берилиши. Иккинчи тилаги ўзига нафақа

[225] Fraser, *Alim Khan and the Fall of the Bokharan Emirate in 1920*. CAS, s. 55.
[226] Fraser, *Alim Khan and the Fall of the Bokharan Emirate in 1920*. CAS, s. 57.

тайинланишидан иборат эди. Ўша даврга оид рус манбаларига кўра, амирнинг бу мурожаатига эътибор берилмаган.[227]

1927 йилда Туркистонда бошланган коллективлаштириш жараёни жиддий норозиликлар ва келишмовчиликлар келтириб чиқарди. Амир Олимхон ана шу вазиятдан фойдаланмоқчи бўлди ва ўша йили сентябр ойида яна бир бор омадини синаб кўрди. Ўзининг сайёр вакили, бухоролик савдогар ҳожи Юсуфбой Муқимбой воситасида Женевадаги Жаҳон Миллатлар жамиятига бир мурожаатнома юборди. Муқимбой мактубни олиб аввал Парижга келади, жаноб Кастане (Castagne)[228] билан учрашиб, унинг ёрдамида Женевага бориб, Жаҳон Миллатлар жамиятига меморандумни тақдим этади. Бу меморандум "Le Journal de Geneve" газетасининг 7 сентяр сонида "Истило қилинган Бухородан бир товуш" деган сарлавҳа остида босилиб чиқади.[229] Муқимбой инглизлар билан алоқа ўрнатишга ҳам уриниб кўради. Француз воситачиларнинг ғайратига қарамай, инглиз расмий мақомлари Бухоро амирининг вакили билан учрашувни рад этди. Англия ташқи ишлар вазирлиги ходими Кавендиш Бентинк (Cavendish Bentinck) "Бухоро совет Русияси тарафидан олинишидан олдин ҳам, эски амир халқаро бир қимматга эга эмасди" деган сўзни айтади, шу фикрнинг ўзиёқ Англия ҳукуматининг Бухоро ва амирга оид қарашини кўрсатиб турибди.[230]

Худди шу пайтда ўттиз йил Бухоро амирлигида хизмат қилган бухоро яҳудийси Мирҳайдар Бадалев Парижда яширин ташкилот қургани ва Бухорода бўлшевикларга қарши исён уюштираётганини билдириб, Англияга ҳукуматига мурожаатнома йўллади.[231] Мирҳайдар чорлик замонида Бухоро амирига ёрдамчи ўлароқ сиёсий вазифаларни бажарган бир шахс эди. Бўлшевикларнинг давлат тўнтаришидан кейин у бутунлай амир хизматига кирди. 1918 йили март ойида Тошкент совети билан Бухоро амирлиги ҳукумати орасида тузилган сулҳ битимини амир номидан ана шу Мирҳайдар Бадалев имзолаган. Инглиз ҳукумати маъмури Фредерик Бейленинг Бухорода бўлган даврида у билан яхши муносабат ўрнатган ва унинг Эронга ўтиб кетишида кўмак берган. Ана шу туфайли, Бухоро амирлиги ағдарилганидан кейин, оиласи билан

---

[227] «Эски чекист Агабековнинг хотираларидан", "Ёш Туркистон" журнали, 11-сони, 1930 й. 19 .б

Совет иттифоқининг Афғонистон-Ҳиндистон чегараларида жойлашган пуштун қабилаларига нисбатан тутилган муносабатлар бошида турган Кобулдаги совет элчиси Росколников, 1923 йилда инглизлар берган норозилик ултиматуми туфайли, вазифасидан олинади ва унинг ўрнига Леонид Старк тайинланади. Асли армани бўлган Георгий Агабеков совет махсус хизмати (ГПУ) ходими ўлароқ Старк билан биргаликда ишлаган. Кейинчалик ғарб давлатларидан бошпана сўраган, хорижга чиқиб кетган ва хотираларини нашр эттирган.

[228] Ж. Кастане 1920 йилларда Туркистонда ўқитувчилик қилган, Парижга қайтганидан кейин босмачилар ҳаракатига оид мақолалар ёзган бир геолог эди. Францияга қайтиб боргач, "Прометей" журналига муҳаррирлик ҳам қилган.

[229] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi,* s. 483

[230] Fraser, *Alim Khan and the Fall of the Bokharan Emirate in 1920*. CAS, s. 57

[231] Инглиз Бейле ўз хотираларида Бадалевнинг татар эканлигини таъкидлаган.

биргаликда Афғонистон йўли орқали Ҳиндистонга борганида, инглиз ҳукумати тарафидан илиқ кутиб олинди ва Пешовар шаҳрига жойлаштрилди. Бу шахс бир муддат ўтгач, юқоридаги иддао билан инглиз мақомларига мурожаат этди. Бу ҳодисага Бухоро амири аралашганми-йўқми, бу номаълум. Табиийки, инглиз ҳукумати маъмурлари Мирҳайдар Бадалевнинг ўша тарихийнамо мурожаатига ҳам умуман эътибор бермади.

1928-1929 йиллар Афғонистон давлатининг ички сиёсат соҳасида жиддий муаммолар ўртага чиққан саналардир. Афғонистондаги ана шу ўзгаришлар таъсирида, айни замонда амир Олимхон томонидан ва унинг номидан юритилган бир мунча ҳаракатлар ҳам юз берган. Масалан, ҳожи Юсуф Муқимбойнинг котиби ва оқ руслардан Сахаров деган шахс Париж ва Женевада расмий кишилар билан учрашиб, амир Олимхон имзоси қўйилган форсча бир баённома тарқатди. “Бухоро миллатларининг оҳи” деган сарлавҳа остида французчага ҳам таржима қилинган бу баённома Овруподаги муҳожир турклар, жумладан Туркистон муҳожирлари орасида ҳам ёйилди, афсуски, бу хат уларда катта норозилик ва нафрат уйғотди. Бу баённомада амир, жумладан, шундай фикрларни ҳам билдирганди:

> “Биз фақатгина русларни ҳам зулм остида эзаётган худосиз бўлшевикларга қарши курашяпмиз. Бизнинг сафимизда руслар ҳам бор. Руслар (чор Русияси демоқчи) бизнинг мамлакатимизни номускорона, очиқ майдонларда уруш қилиб олгандан сўнгра бизнинг ички ишларимизга аралашмаганди. Диний ишларимизга ҳурмат билан қарарди. Марҳум падарим русларни жуда яхши кўрарди. Мен ҳам рус подшоси саройида махсус полкда тарбияландим.”[232]

Бу гаплар Туркистон истиқлоли учун курашган кишилар даврасида, муҳожир зиёлилар орасида Олимхонга бўлган нафратни янада кучайтирди.

Олимхон тарафдорларидан яна бири, амирнинг ёрдамчиси мирза Муҳаммад Тақий бек Машҳаддаги инглиз консуллигига мурожаатнома берди, унда “Инглиз давлати заиф ўлкаларнинг ҳомийсидир, шу туфайли барча ўлкаларнинг мустақиллик олишида кафил бўлиши керак” деган фикрлар бор эди. Ана шу мурожаат Афғонистонга ўтган амир тарафдори бўлган босмачилар орасида “Англия билан амир битим тузди, инглиз ҳукумати амир Олимхонга ёрдам беради” тарзида тарқалиб кетди. Амир Олимхон 1929 йил май ойида, Афғонистондаги ички алғов-далғовлардан фойдаланиб, Ҳиротга келди. Бу ерда Туркистон ва Бухоро халқига хитобан форсча бир баённома нашр эттирди. Амир бу баённомада ҳам ўзини собиқ чор подшонинг содиқ тобеаси сифатида тақдим этаркан,

[232] *Odlu Yurt*, sayı 5, Temmuz 1929, s. 217

мусулмонларни буюк биродарлари оқ руслар билан биргаликда бўлшевикларга қарши курашга чақирганди.[233]

Худди шу кунларда Бухорода ҳам ана шу баённомага ўхшаш "Бутун Русия мусулмонларига даъват" тарқатила бошланган. Бу баённомаларнинг кимлар, қаерда бостириб халққа тарқатаётгани аниқ маълум бўлмаса ҳам, совет ҳукумати бу ишларда амир Олимхоннинг қўли бор дея уни қораламоқда эди. Албатта, Москва бундай даъватларни жавобсиз қолдириши мумкин эмасди.

Шундай қилиб, 1929 йил "Известия" газетасининг 16 июн сонида бир очиқ хат босилиб чиқди. Уни ёзган Шоҳмурод Бухоро амирининг 1922 йилда руслар тарафидан Москвага олиб келинган уч ўғлидан бири эди. У очиқ хатида отасини "империализмга малайлик қилиш билан бирга ўз халқига қарши курашаётган одам" сифатида қоралар экан, мактубини шундай якунлаган:

> "Агарда орзумга қарама-қарши ўлароқ бир кун кўришиб қолсак, душман сифатида учрашурмиз."[234]

Бу орада Афғонистонда бошланган тахт учун кураш ҳам ниҳоясига етди. Ҳокимиятни эгаллаган Нодиршоҳ учун собиқ Бухоро амирининг бир пақирлик аҳамияти йўқ эди. Аксинча, унинг босмачи қўрбошилардан Иброҳим лақай билан муносабати Нодиршоҳга маъқул эмасди.

Шу боисдан амир Олимхоннинг ҳаракатлари бўғилиб, ҳар ёнига тўсиқли тўрлар ташланди, назорат кучайди. Амирнинг шунча қилган интилишлари ва умидлари ҳеч бир натижа бермади. Энди унда на ўғиллари билан кўришиш имкони бор, на Бухорога қайта олади. Қаттиқ назорат остида тутилган Олимхон 1944 йилда, Кобул яқинидаги уйида вафот этди.

ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ АВОМИЙ ИХТИЛОЛ ЖАМИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ХОРИЖДАГИ ИЛК ФАОЛИЯТЛАРИ

Бухоро жумҳуриятидаги оғир сиёсий вазият туфайли, миллий ҳукумат раҳбари Усмон Хўжаўғли ва бир неча сафдошлари 1922 йил апрел ойида Афғонистонга ўтиб кетишга мажбур бўлишди. Бу пайт Афғонистон амири Омонуллохоннинг Туркистондаги босмачилар ҳаракатига хайрихоҳ қараган ва бу минтақада улкан Афғонистон-Туркистон-Бухоро давлати қуриш хаёлларига бурканган масъуд чоғлар эди. Омонуллохон Мозори Шарифда турган Усмон Хўжаўғли ва йўлдошларини пойтахт Кобулга даъват этди. Усмон Хўжаўғли, Ҳожи Сомий, Али Ризо бейлар Кобулга келишди. 20 апрел куни Омонуллохон

[233] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s. 483
[234] Fraser, *Alim Khan and the Fall of the Bokharan Emirate in 1920*. CAS, s. 60

ва собиқ Бухоро жумҳурраиси Усмон Хўжаўғли афғон ҳукуматининг ташқи ишлар вазирлиги биносида бир соат суҳбат қилишди. Усмон Хўжаўғли Бухорода юз берган ҳодисалар тўғрисида батафсил маълумот бергач, Омонуллохондан ёрдам сўради ҳамда Русия ҳукумати Бухоронинг ҳурриятини ва мустақиллигини тан олгунгача курашни давом эттиришларини билдирди. Айни чоғда амир Омонуллохон Туркистонда миллий истиқлол мужодаласига киришган Анвар пошога ва босмачиларга кўмак кўрсатмоқда эди. Шунинг учун ҳам амир Усмон Хўжаўғли ва йўлдошларига Афғонистонда бажарилиши режалаштирилган қурол-яроғ ва аскар таъминоти ишларига кимса халақит қилмаслигини, мақсадларини бемалол амалга оширишлари мумкинлигини айтди.

Июн ойи бошларида Бухоро жумҳуриятининг собиқ мудофаа вазири Абдулҳамид Ориф Анвар пошонинг Усмон Хўжаўғлига ёзган мактубини олиб Кобулга келди. Анвар пошо Абдулҳамид Орифни Берлинга, туғишгани Нурий пошонинг ёнига жўнатмоқчи экан. Мақсад Туркистондаги аҳволни Оврупога билдириш ва хусусан, Олмониядан кўмак исташ. Анвар пошо хатида, агар имкони бўлса, Усмон Хўжаўғлининг ҳам Берлинга бориши кераклигини айтганди.

Усмон Хўжаўғли ва йўлдошлари кенгашиб, вазиятни чуқур таҳлил қилгандан сўнгра, курашни давом эттириш учун яна шарқий Бухорога қайтишга қарор қилишди. Август бошида Кобулдан Бухорога йўналишди. Файзобод шаҳрига етиб келишганида, вилоят волийси Шоҳмаҳмудхон Анвар пошонинг шаҳид тушгани ҳақида хабар берди.

Анвар пошонинг ўлимидан кейин, 1922 йил август ойида, Бухоро жумҳуриятининг собиқ раиси Усмон Хўжаўғли, Али Ризо бей ва собиқ ҳарбий вазир Абдулҳамид Ориф, Бухоро жумҳуриятининг Афғонистондаги собиқ элчиси Ҳошим Шойиқ, Ҳожи Сомий ва босмачиларнинг айрим вакиллари иштирокида Кобулда бир йиғин ўтказилди. Босмачилик курашини янгидан жонлантириш мавзусидаги бу сиёсий анжуманда қилиниши керак бўлган энг муҳим ишлар белгилаб олинди, ягона ғоявий тамалга суянган ҳаракат баённомаси қабул қилинди. Мақсад Туркистон истиқлоли учун курашаётган барча босмачи тўдаларини бир жабҳага бирлаштириш эди. Миллий мужодаланинг маркази Афғонистон шимолига, тахминан Мозори Шарифга кўчирилиши режалаштирилди. Йиғинда ҳаракат бошқаруви ҳам белгиланди. Ҳожи Салим Сомийга пошо унвони берилди ва у бу ҳарбий ҳаракатнинг ягона масъул раҳбари этиб тайинланди. Анвар пошо атрофида тўпланган босмачи гуруҳлари орасида амир Олимхон тарафдорлари ҳам бор эди, шунинг учун амирнинг эски душмани ҳисобланган Усмон Хўжаўғлининг ҳаракат раҳбари ўлароқ Туркистонга қайтиб бориши тағин фикрий ва феълий ажралишларга сабаб бўларди. Шу туфайли Усмон Хўжаўғлига Афғонистонда қолиш, ҳарбий ёрдам ва таъминот ишлари билан

шуғулланиш вазифаси топширилди. Режага биноан, Миён Бузрук пул йиғиш, тарғибот ва қурол тўплаш каби ишларни юритиш учун Тошкентга борадиган, Абдулҳамид Ориф эса, Ҳиндистон йўли орқали Оврупога кетадиган ва у ерда ёрдам уюштириш билан шуғулланадиган бўлди.

Йиғилишдан кейин Ҳожи Сомий билан Али Ризо бей шарқий Бухорога, Дарвозга ўтишди. Босмачи гуруҳларининг вакиллари тўпланиб, қарор қабул қилдилар ва бешта қўрбоши томонидан имзоланган бу қарор Туркистондаги ҳаракат нуқталарига тарқатилди.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, босмачилик ҳаракатининг янги йўлбошчиси Ҳожи Сомий босмачилар орасида чиққан муаммоларни ҳал этишдаги қаттиққўллиги ва қўпол бошқаруви натижасида тез орада обрў ва ишончдан айрилди.

Фарғонадаги муваққат Туркистон давлати раҳбари Шермуҳаммадбек вазияти ниҳоятда оғирлашгач, 1922 йил сентябрида туғишгани Нурмуҳаммадбек ва тўрт юз аскари билан бирга мажбуран Афғонистонга ўтди. Шермуҳаммадбек ўз хотираларида бу ҳолат сабабини қурол-яроқ етарсизлиги, қизиллар ташвиқоти ва босмачилар орасида чиққан ўзаро келишмовчиликларда деб изоҳламоқда. Ҳожи Сомий эса, Али Ризо бейга ёзган хатида “орамизда фитна қўзғотган эшон Султонни қатл этдим. Кўр Шерматни[235] ҳам бир бўлак аскари билан Афғонистонга сиғиниб боришга мажбур қилдим” демоқда.[236] Ана шу мактубдан Шермуҳаммадбекнинг Туркистондан чиқиб кетишида Ҳожи Сомий билан орада кечган келишмовчиликнинг ҳам ҳиссаси борлиги англашилмоқда. Ҳожи Сомийнинг ўта қаттиқ ва шафқатсиз раҳбарлиги курашнинг боришига ёмон таъсир кўрсатган. Хусусан, Афғонистонга қочиб кетиши эҳтимоли бор дея Кўлоб вилояти қўмондони Ашурбекни ўлдиртириши эса босмачиларнинг сабр косасини тошириб юборган.[237]

1923 йил июнда Ўрта Осиё авомий ихтилол жамиятлари иттифоқининг раиси Закий Валидий ўртоғи Фатҳулқодир билан бирга Эрон йўли орқали Афғонистонга келди. Ана шундай қилиб, жамиятнинг сиёсий курашни жонлантиришида Афғонистондаги марказ таъсири ҳам кучайди. Жамият нуқтаи назарига кўра, Ҳожи Сомий ва сафдошларининг Бухородаги мужодаласи катта аҳамиятга молик ҳисобланарди. Зотан бу даврда Туркистоннинг турли ерларида бир неча босмачи гуруҳлари ва қўрбошилар русларга қарши уруш олиб бораётганди. Фақат уларнинг кўпчилиги маҳаллий ва диний йўналишга суянган, сиёсий бирлик фикрига совуқ қараган, мустақил ҳаракат қилишга ўрганиб қолган қўрбошлар эди. Бу жиҳатдан қараганда, Ҳожи Сомий назоратида


[235] Шермуҳаммад халқ орасида шундай аталарди.
[236] Baysun, *Türkistan Milli Hareketleri*, s.161
[237] Юқоридаги асар, 154 б.

юритилган тартибли ҳаракатни, бир маънода, жамиятнинг ҳарбий қаноти деса ҳам бўларди.

1923 йил 4 июнда ҳеч кутилмаган бир ҳодиса юз берди. Ҳожи Сомий ногоҳоний бир қарорга бориб, Афғонистон ҳудудига ўтди. Тиззасидан яралганини ва даволаниш учун Туркияга кетишини билдирган Ҳожи Сомий, маълум бўлишича, атрофидаги яқинларига “миллий мужодалани энди бир муддат тўхтатиб туриш керак” деган.

Ҳожи Сомий ва у билан бирга Афғонистонга келган ўттиз киши тантанали тарзди кутиб олинди. Барчаси Хонобод шаҳрида анча вақт меҳмон қилинди. Закий Валидий ва Усмон Хўжаўғли биргаликда Ҳожи Сомийни Афғонистонда қолишга ва курашни давом эттиришга ундасалар ҳам, уни кўндира олишмади.

Иккинчи тарафда эса, афғон ҳукумати бу уста исёнчининг Кобулга келишига изн беришни истамасди. Эҳтимол, совет ҳукумати бу хусусда афғонларга жиддий сиёсий босим ўтказган бўлиши ҳам мумкин. Ҳарҳолда, бир ойдан кейин ҳукумат уларга Афғонистондан чиқиб кетишларини расман талаб этди. Ҳожи Сомий ва сафдошлари йўлга тушиб, Мозори Шариф ва Ҳирот орқали Эронга ўтдилар. Улар билан бирга Эронга келган муфти Садриддинхон, собиқ ҳарбия вазири Абдулҳамид Ориф, қўрбоши Туроббек ва тағин бир неча киши Машҳадда қолишди.



Бухоро жумҳурияти жумҳурраиси Усмонхўжа ва йўлдошлари Кобулда, Бобиршоҳ мозори бошида. Сўлда, бошида Усмонхўжа, ёнида ҳарбий вазири Абдулҳамид Ориф; ўртада, боланинг орқасида Ҳожи Сомий. Қобил, 1922 й.

Шу чоғда Анқара ҳукумати Туркияга кириши таъқиқланган юз эллик кишининг рўйхатини эълон қилди. Ҳожи Сомий ҳам шу рўйхатда бор эди. Ана шу тарзда, Туркияга киришга имкон тополмаган Ҳожи Сомий ёнига икки дўстини олиб, Халаб йўлини тутди. Қолган ўн икки киши эса Туркияга кетишди.

1923 йил 26-28 июнда Закий Валидий ва Усмон Хўжаўғли бошчилигида Афғонистондаги барча жамият аъзолари йиғилишиб, мавжуд вазиятни муҳокама қилишди. Қуролли курашни давом эттириш имкони умуман олганда тугагандай кўринарди. Сиёсий курашни келган нуқтасидан давом эттириш учун Афғонистон ҳам эндиликда унчалик мувофиқ ўлка бўлмай қолганди.

Ҳолбуки, айни замонда Туркистон масаласини халқаро миқёсга олиб чиқиш ва аҳволдан дунёни хабардор қилиш зарурати туғилганди. Бу мақсадни фақат ана шундай ишга рухсат бериладиган ўлкалардагина амалга ошириш мумкин эди. Шунингдек, Туркистон муҳожирларининг турли давлатларга бориб жойлашгани ҳам бу борада кенг кўламли сиёсий фаолият юритишни тақозо этмоқдайди. Йиғилишда бу сиёсий жараённи бошлаш учун бир неча кишига топшириқ берилди. Абдулҳамид Ориф Кобулдаги масалалар билан шуғулланади. Афғонистон ҳукумати изн берса, Ҳошим Шойиқ Японияга юборилади. Муфти Садриддинхон ва Туроббек Машҳаддаги вазифларни бажаришади, Усмон Хўжаўғли эса, Туркиядаги ишларни тартибга келтиради. Парижда яшаётган Мустафо Чўқай Оврупо миқёсида иш юритади. Жамиятнинг хорижий йўналишини бошқарадиган Закий Валидий Берлинда ёки Истанбулда қўним топиб, бурчини ўша ерда адо этади. Вазифалар ана шу тарзда белгилангандан кейин, йиғилиш қатнашчилари Туркистон масаласини ташқи дунёда танитадиган алоҳида бир журнал чиқаришга ҳам қарор беришди.[238]

Бу анжумандан сўнгра, орадан бир неча кун ўтиб, Усмон Хўжаўғли Ҳиндистон орқали Туркияга кетмоқ учун йўлга чиқди. Закий Валидий ва баъзи дўстлари Афғонистондаги Бухоро ваколатхонасидан паспорт олиб, Бухоро фуқароси бўлдилар. Бир муддатдан сўнгра улар ҳам Туркия орқали Оврупога бориш мақсадида йўлга тушдилар. Ана шундай қилиб, 1923 йил ўрталаридан эътиборан Туркистон миллий мужодаласини халқаро миқёсга олиб чиқадиган сиёсий гуруҳ вакиллари ўз вазифаларини бажариш ва мақсадларини амалга ошириш учун дунёнинг турли ўлкаларига қараб йўлга тушдилар.

[238] Togan, *Hatıralar*, s. 494

БОСМАЧИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ АФҒОНИСТОНДАГИ ФАОЛИЯТИ

1923 йил совет ҳарбий кучларининг Туркистонга ёпирилиб келиши туфайли босмачилик ҳаракатининг кенг кўламда сусайиши, тарқалиши ва умуман таъсирини йўқотган сана бўлди. Қоратегин томонлардаги номи чиққан босмачи Фузайл махдум кейинги пайтда Хумб қалъасига чекиниб, курашни ўша ерда давом эттирмоқдайди. 1923 йил 12 августда қизиллар Қоратегинни эгаллашди. Фузайл махдум яраланди ва бошқа бир танилган босмачи Диловаршоҳ билан бирга Афғонистонга қочиб ўтишга мажбур бўлди. Фарғона қўрбошиларидан Ислом қўрбоши ва Мадумарбек ва Али Ризо бейлар биргаликда аввал Шарқий Туркистонга ўтишди, сўнгра Афғонистондан паноҳ топишди. Яна бир босмачилар бошлиғи Иброҳимбек лақай 1926 йилгача курашни давом эттирди, натижага эришолмагач, чегарадан Афғонистонга ўтиб кетди.

Иброҳимбек, Фузайл махдум ва Ҳожи Сомий каби босмачи бошлиқларининг шарқий Бухорони тарк этганига қарамай, советлар босмачиликни таг томири билан қуритишга киришганди. Шу боис ҳамон бу тарафга қизиллар ҳужумини орттиргандан орттириб борарди. Инглиз махсус хизмати маълумотларига кўра, шарқий Бухоро ва ҳудудларда тўплар, ҳарбий учоқлар ва юз мингга яқин аскар йиғилганди. Бу вазиятдан хабардор инглиз ҳукумати советларнинг Кобулга ҳужум қилишидан гумонга тушиб, қандай тадбир қўллаш кераклиги борасида ҳисоб-китоб қилишга киришди. Ана шундай шубҳа-гумонлар афғон ҳукуматининг ҳам бошини қотириб қўйганди. Советлар ўз душманлари босмачилар ва уларнинг раҳбарлари бу ўлкада қўним топганини баҳона қилиб, Афғонистонга кириб келиши ҳам мумкин эди, бу таҳлика Омонуллохонни жуда ҳуркитиб юборди. Афғон амири дарҳол барча афғон-совет ҳудудларидаги ўтиш жойларининг беркитилганини эълон қилди. Аммо Помир минтақасидаги юксак тоғ кечув йўлларининг назорати на афғонлар, на русларнинг қўлидан келарди.[239] Шунинг учун босмачилар Туркистондаги фаолиятларини тарқоқ шаклда, кичик гуруҳлар ҳолида бўлса ҳам юритавердилар ва дўппи тор келганда, тоғлардаги назоратсиз ерлардан хорижга ўтиб кетишда давом этавердилар.

Туркистоннинг Фарғона, Бухоро ва Хоразм каби мамлакатларида йилларча чўзилган босмачилик кураши натижасида юз мингларча Туркистон халқи қўшни юртларга ва чет элларга кўчиб кетишга мажбур бўлиб қолди.[240] Босмачилар ҳаракати давомида ва хусусан, 1918-1922 йиллар орасида бир милйўнга яқин туркистонлик Афғонистонга кўчиб ўтгани тахмин қилинмоқда. Шунга ўхшаш, юз мингларча туркманлар ҳам

[239] Fraser, *Basmatchi II*, GAS, s. 16

[240] Қаранг: “Ҳаракатнинг тамали”, “Туркистондан чет элларга кўчишлар”.

Эронга қарашли Хуросон тупроқларига ҳижрат этган. Афғонистонга борган босмачиларнинг бир қисми қурол-яроқларини топшириб, ўлка шимолидаги турли шаҳарларга тарқалишган. Бошқа бир қисм босмачилар эса, ҳукумат назоратидан четдаги айрим маконларда, ёнларида қурол-яроқлари, алоҳида ё гуруҳ-гуруҳ ҳолида яшамоқда эди. Булар пайтини топди дегунча чегарани босиб ўтар ва советлар тинчини бузиб турарди.

Фарғона босмачиларининг раҳбари Шермуҳаммадбек Афғонистонда кечган кунларини шундай эслайди:

> “Чегарадан ўтганимиздан бир ҳафта кейин бизни Бадахшонга олиб боришди. Омонуллохоннинг куёви ҳарбий тантана билан кутиб олди. Ўн кундан сўнгра Хонободга ўтдик... У ерда ички ишлар вазири Хайрулохон бизни зиёрат этиб, ҳаммамизга ер ажратилиши ва маош берилишини айтди. Ер тарқатилаётганда, баъзи аскарларим олишни истамади. Чунки барида қайтиб кетиш фикри кучли эди... Орадан икки ойча вақт ўтиб, Тўхтасин қўрбоши бошчилигидаги йигирма беш кишини Марғилонга, Гарбобога юбордим, у ерда туғишганларим Рўзимуҳаммад ва Тошмуҳаммадлар курашни давом эттираётганди...
>
> Омонуллохон бизни Кобулга даъват этди. Бадахшонда қолган аскарларим бошига укам Нурмуҳаммадни, Хонободдагилар тепасига мулла Хотам қўрбошини қўйиб, ўн икки киши билан бирга Кобулга бордим... У ерда Туркия элчиси Фахри пошо[241] ва Омонуллохоннинг қайнотаси Маҳмудхон Тарзи билан кўришдим... Афғонистонда Жамол пошо билан бирга келган анчагина турклар бор эди. Усмонли давлати махсус хизмати–ташкилоти махсусадан икки зот, яъни А. Нажотий бей ва Нажмиддин Нидас бейлар ҳам келганди. Бу кишилар билан кенгашиб, Бадахшонда бир дўкон очиб, ўшанинг воситасида Туркистонга қурол-яроғ жўнатиш ишини бошлаб юбордик.
>
> 1923 йилда бир неча аскарим билан бирга Ҳиндистонга бориб, инглиз ҳукуматидан ёрдам талаб этдим. Бўмбайга келганимда, советларнинг таниқли одами Чичерин ўша ерда эди. У инглиз ҳукуматига мендан шикоят қилди. Инглизлар менинг Шарқий Туркистонга ёки Машҳадга кетишимни истадилар... Бўмбайдан ташқарига чиқиб кетдим, орадан йигирма беш кун ўтгач, Помир тоғлари устидан Бадахшонга қараб йўл олдим... Бу пайтда амир Омонуллохоннинг бизга нисбатан таври ўзгарганди.”[242]

Шермуҳаммадбекка боғлиқ инглиз расмий манбаларида, жумладан, шундай фикрлар ҳам мавжуд:

> “Шермуҳаммадбек 1923 йил октябр ойида Пешоварга келди, ўзи ва 140 аскари учун баҳор ойларигача бунда қолишга изн истади. Кейинроқ

[241] Шермуҳаммадбек Туркистон миллий мужодаласи билан боғлиқ қўлидаги барча ҳужжатлар ва ёзишмаларни элчи Фахри пошога берганини айтган. Фахри пошо уларни Анқарага, Мустафо Камол пошога жўнатаман, деган. Афсуски, ўша ҳужжатлар ва ёзишмаларнинг бугунда қаерда эканлигидан ҳеч хабаримиз йўқ.

[242] Bademci, *Korbaşılar*, s. 405

Қашқар орқали Фарғонага ўтиб кетмоқчи экан. Шимолий ғарб чегара бошқарувининг таъкилашича, Шермуҳаммадбек сиёсий аҳамияти бўлмаган оддий бир ватансевардир. Бизни советларга қарши мухолифатни қувватлаяпти деб ўйламасликлари учун унинг талаб ва таклифи рад этилди. Шермуҳаммадбекка бутун йўл ҳаражатлари берилиши айтилиб, Ҳиндистондан ташқарига, истаган ерига кетиши мумкинлиги билдирилди. Бу таклифни қабул қилмай, 1924 йил 17 мартда Афғонистонга қайтибди. У ерда ўзига берилган ерда, ёнидаги ёндошларисиз яшайверишига изн берилибди. Ҳукумат унга 500 рупия маош тайинлабди. Бир йил ўтгач, Шермуҳаммадбек Фарғонадаги босмачилар учун ҳинд мусулмонларидан ёрдам тўплаш мақсадида яна мурожаат этди. Бу ҳам рад қилинди. 1927 йилда Шарқий Туркистондаги Чин ҳукуматига қарши исён ҳозирлигидаги гуруҳлар билан учрашгани маълум. Шу даврда яна кўмак талаб этди, унга инглизларнинг ёрдам бермаслиги, унга ва тарафдорларига Ҳиндистонга кириш имкони йўқлиги тағин бир бор билдирилди."[243]

Кўриниб турганидек, Англия Туркистондаги босмачилик ҳаракатини шўро давлатининг ички иши деб билган ва совет ҳукуматини норози қилмаслик учун босмачиларга ҳеч қанақа кўмак кўрсатмаган, ҳатто уларнинг ташқи олам билан алоқа ўрнатишга интилишларини жавобсиз қолдирган. Шу билан бирга, Афғонистон ҳукуматини ҳам босмачиларга нисбатан кескин муносабатда бўлиш кераклиги борасида огоҳлантиргани англашилмоқда. Шўро давлатининг қаттиқ сиёсий таъсири остида қолган Афғонистон ҳукумати босмачилик ҳаракатига хайрихоҳлигини 1923 йил охирига келиб бутунлай ўзгартирди ва чегарадаги ўтиш жойларини қўлидан келганича назоратда тутишга киришди. Афғонларнинг бу тутуми, минтақадаги энг катта сиёсий қувват эгаси инглиз ҳукуматининг босмачиларга ёрдам кўрсатмагани ва Туркистонни ишғол этган шўро давлатининг тобора кучайиб бораётгани туфайли босмачиларнинг фаолият майдони ҳам анчагина торайиб қолганди. Шундай қилиб, Афғонистонда ва бошқа кўчиб борган ўлкаларида босмачиларнинг товуши пасая-пасая ниҳоят жимликка кўмилди.

БАЧАИ САҚО ҲОДИСАСИ ВА ТУРКИСТОНЛИКЛАР

Омонуллохон ўзини Афғонистон қироли деб эълон қилганидан кейин, Италия давлатининг даъватига кўра, 1927 йил декабр ойида Оврупо сафарига чиқди. Бу катта саёҳат давомида у советлар мамлакатида ва бир неча Оврупо давлатларида ҳам бўлди. Айниқса, Туркия зиёрати чоғида Мустафо Камол Отатуркнинг ўлкасида қилган ислоҳотларидан жуда таъсирланди. Сўнгра Эронга ўтиб, Ризошоҳнинг бу

[243] Fraser, *Basmatchi* II, GAS, s. 20

мусулмон давлатда тутаётган сиёсати ва мавжуд ҳаёт билан танишди. Ҳар икки давлатда юз берган жуда катта ўзгаришларни кўрган Омонуллохон ўз ўлкасида ҳам шунга ўхшаш ислоҳотлар ўтказиш кераклигини англаб етди ва ислоҳот ўтказишни режалаштирди. Шундай қилиб, 1928 йили июл ойида юртига қайтгач, қисқа вақт ичида замонавий кийиниш, мажбурий таълим, бирхотинлик ва қизлар учун ҳам таълим мажбурийлиги хусусидаги қатор ислоҳот масалаларини ҳукумат мажлисининг кун тартибига қўйди. Аммо бу масалалар мусулмон аҳолининг маълум бир қисмида "бу ислоҳот – исломиятга, шариатга қарши ҳужумдир" деган таассурот уйғотди ва улар амирнинг рақибига айландилар. Бироқ Омонуллохон ўз режаларини зулм қилиб бўлса ҳам амалга оширишга аҳд этганди. У янгиликларни юзага чиқаришга тўсиқлик қилганларни синдириш, жазолаш йўлини тутди. Шўрбозор вилоятидаги обрўли руҳоний ҳазрат Соҳибнинг қамалиши ўша атрофда исён кўтарилишига сабаб бўлди. Ундан сўнгра Кобул яқинидаги Домон тоғи водийсида катта қўзғолон бошланди. Бу оёқланма бошлиғи Бачаи Сақо (Сужунинг ўғли деган бир тожик) эди. Бу инсон Жамол пошонинг Афғонистонда ташкил қилган ҳарбий таълим курсларида тарбияланган эди.[244] Бачаи Сақо бошчилигидаги исён тобора каттариб борди. Туркия элчихонаси ва совет элчихонаси мансублари Омонуллохонга қўзғолончиларга қақшатқич зарба бериш кераклигини уқтиришди. Бунга терс ўлароқ, инглиз ҳукумати вакиллари афғон амирини исёнчилар билан музокара қилиб, битим тузишга ундарди. Омонуллохон эса, ўз қўшинига қатъий ишончи қолмаган, боши гаранг эди. Охири у Афғонистон пойтахтини ва тахтини тарк этмоққа мажбур бўлди. Кетишидан олдин акаси Иноятиллахонни ўз ўрнига амир қилиб тайинлади.

Тез орада қўзғолончилар Кобулни эгаллади. Иноятиллахон уларнинг талабларига кўнди ва Кобулдан чиқиб кетди. Ана шундай қилиб, исёнчилар ҳокимиятни қўлга олдилар. Қўзғолон бошида турган Бачаи Сақога 1929 йил 17 январда ғозий Ҳабибуллохон номи берилди ва у Афғонистон қироли дея эълон қилинди. Шу муносабат билан Афғонистон атамаси остида қурилган бу давлатни ташкил этилгандан бери 150 йил давомида бошқарган пуштун қабиласига мансуб дурронийларнинг ҳокимияти тугади. Ҳукумат илк бор бошқа бир қавмнинг, яъни тожикларнинг қўлига ўтди.[245]

Афғонистон каби стратегик жиҳатдан ўта нозик бир ўлкада юзага чиққан бундайин ўзгариш ва ҳокимиятнинг бошқа бир қавмнинг қўлига ўтиши минтақавий ва халқаро сиёсий вазиятга ҳам ўзига хос таъсир ўтказди, албатта. Айниқса, совет ҳукумати бу ўзгаришга нисбатан муносабатини билдиришга ошиқди. Зотан, шўролар доим пуштунларни

[244] Bademci, *Korbaşılar*, s. 405
[245] Nollau, *Russia`s South Flank*, s. 104

қўллаб келарди. Шунга қарамай, НКВД[246] энди тожик қартасини қўлга олган ва Ҳабибуллохонга тарафдор бўлиш ва ёрдам қилиш фикрида эди.[247]



Ғозий Ҳабибуллохон (Бачаи Сақо). 1929 й. октябр.

[246] Ички ишлар халқ комиссарлиги.
[247] Agabekov, *OGPU, The Russian Secret Terror. Hyperion*, Londra, s. 108



Иброҳим лақай бек.1931 й.

Аммо оқибатда совет давлати ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилган фикр қабул қилинди ва сиёсий бюро[248] эски қирол Омонуллохоннинг тағин ҳокимиятни эгаллашини ташкил қилишга ва бу йўналишдаги ишни бошлашга қарор берди. Бу сиёсий ва ҳарбий жараённи шакллантириш ишига Афғонистоннинг Москвадаги элчиси Ғулом Наби ҳам жалб этилди. Омонуллохон тарафдори бўлган Ғулом Наби совет қўшинлари билан биргаликда Амударёнинг нариги томонига ўтди. Айни пайтда Патайи хисор ва Тошқўрғон шаҳарларига қизил аскарлар бўмба ёғдиришни бошлаганди. Тез орада Афғонистон шимолидаги муҳим шаҳарлардан бири Мозори Шариф советлар томонидан ишғол қилинди. Шўро ҳарбий кучларининг бундай ғалабали юришлари давом этаётган бўлса ҳам, афсуски, бошқа бир тарафда, Ғулом Наби кутганидек, омманинг бу ҳаракатни қўллаб-қувватлаши сезилмаётганди. Шимолий Афғонистон халқига Ҳабибуллохон маъқулдай кўринарди. Ўша кунлари

[248] Совет ҳукуматининг қарор берувчи юксак сиёсий ташкилоти.

эски қирол Омонуллохон ортиқча қон тўкилишининг олдини олиш мақсадида урушдан воз кечганини билдирган бир мактуб тарқатди ва Италияга жўнаб кетди. Бу ҳодиса шўролар режасига биноан бошланган ҳаракатнинг ниҳоясига етганини ҳам билдирарди, шу боис қизиллар ва Ғулом Наби орқага, шўролар мамлакатига қайтишди.[249] Бу беҳуда ҳаракатдан кейин ҳам совет раҳбарияти Афғонистондаги тожикларга бўлган хайрихоҳликдан воз кечмади. Бу бўлшевикларнинг Туркистондаги сиёсатида ҳам сезилди. 1924 йилда Ўзбекистон совет жумҳурияти ичида тожик автоном вилояти ташкил қилинганди, 1929 йил 5 октябрда унга федерал жумҳурият мақоми берилди.

Асли тожик бўлган Бачаи Сақонинг афғон ҳокимиятини эгаллаши инглизлар учун ҳам диққатга сазовор ҳодиса эди. Хусусан, Афғонистонда пуштун бўлмаган қавмларнинг, айниқса тожикларнинг ҳукуматда эътиборининг ортиши инглизларга ёқмасди. Чунки Амударёнинг у тарафида ҳам, бу томонида ҳам тожиклар давлати бўлиши советлар учун фойдали, инглизлар учун зарарли ҳисобланарди. Айни ҳолат бу минтақада советлар иттифоқининг эътиборини кучайтирарди. Шунинг учун ҳам инглизлар ҳар доим пуштунлар ҳукмронлигидаги Афғонистонни қўллаб-қувватларди. Англия Афғонистонда яна ўзига фойдали ҳокимиятни тиклашга киришди. Тахтга чиқариш учун номзод ҳам тайёр эди: собиқ ҳарбия вазири Нодирхон. У дурронийларнинг Муҳаммадзайи гуруҳидан, мусоҳибон деган эътиборли пуштун оиласидан ва ағдарилган қиролнинг ўгай акаси эди. У 1919-1924 йилларда қўшинлар қўмондони, кейин икки йил Парижда Афғонистон элчиси бўлиб хизмат қилди. У Оврупо давлатлари билан яхши таниш ва хусусан инглизлар билан мустаҳккам алоқа қурганди. Англия ҳукумати жадал ишга киришди ва Ҳабибуллохон тахтга чиққанидан икки ой ўтгач, 1929 йил мартда Нодирхонни Ҳиндистонга олиб келишди. 22 март куни жанубдаги пуштун қабилалари бошлиқлари тўпланган бир лўйа жирға, яъни қабила раислари мажлиси ўтказилди. Лўйа жирға Бачаи Сақонинг ҳокимиятни эгаллаши қонунга зид дея қарор қабул қилди. Ана шу тарзда жанубдаги барча қабилаларнинг фатвосини, айниқса, инглиз ҳукуматининг дастагини олган Нодирхоннинг тахт йўли очилди. Нодирхон ўзини қўллаётган ҳарбий кучлар билан бирга Ҳиндистондан йўлга тушиб, Ҳайбар орқали афғон тупроқларига кириб келди ва тўппа-тўғри Кобулга қараб юрди. Айни шу чоғда Кобулдаги Англия элчиси барча инглиз ҳайъати Афғонистондан чиқиб кетишини ва инглиз учоқларининг сафар учишларини тўхтатишини расман билдирди. Шундан кейин, инглизлар ортидан Франция, Олмония ва Италия элчилик мансублари ҳам Афғонистонни тарк этишди.

[249] Fraser-Tytler, *Afghanistan*, s. 218

БОСМАЧИЛАРНИНГ ҲУДУДОРТИ ЮРИШЛАРИ

Бачаи Сақонинг афғон ҳокимиятини эгаллашидан кейин анчадан бери товуши чиқмаётган амир Олимхон ва Афғонистон шимолидаги жимгина юрган босмачиларга янгидан қўзғолиш имкони яралди. Йиллардир Кобулда тек ўтирган Олимхон Ҳирот шаҳрига борди ҳамда ўша ерда Бухоро ва Туркистон халқларини бўлшевикларга қарши урушга чақирган бир баённома нашр эттириб тарқатди. У баённомада босмачиларнинг қўмондонларидан Жунайдхон ва Иброҳимбек лақайнинг ўзи билан биргалигини, афғон қироли Ҳабибуллохоннинг ҳам уларни қўллаб-қувватлаётганини айтиб, ташвиқот юритмоқдайди.[250]

Бундан ташқари, Олимхон баъзи ёрдамчилари воситасида Оврупода ҳам масаланинг тарғиботига киришганди. Шўро матбуоти жараённи кузатиб, амирнинг бу фаолиятларини батафсил ёритиб бормоқда эди. Айни чоғда босмачиларнинг совет-афғон чегараларини ёриб ўтгани ва Туркистон тупроқларида босқинчилик қилаётгани тўғрисидаги хабарлар ҳам босила бошлаганди.

Ҳақиқатан ҳам, Ҳабибуллохон тахтни қўлга киритгандан кейин Афғонистондаги босмачиларнинг янгидан ҳаракатга тушгани рост. Зотан уларнинг турган ерларидан бошқа бир жойга бориши таъқиқланган аввалги ҳукм бекор қилинганди. Эндиликда босмачиларнинг ўлка ичида истаган жойларига боришига рухсат берилганди. Ҳатто янги қиролнинг босмачилирга советлар билан курашда ҳам эркига қўйгани оғиздан-оғизга ўтиб юрарди. Омонуллохонга қарши қўзғолон пайтида Иброҳимбек лақайнинг Бачаи Сақога ёрдамчи бўлгани ва ана шу хизмати учун у Туркистон ҳудудлари муҳофазасидаги ҳарбий кучларга қўмондон этиб тайинлангани тўғрисида ҳам гап-сўзлар эшитилмоқда эди.[251] Ростдан ҳам янги қирол Иброҳимбек лақайни ҳузурига чақирган, ундан Афғонистон шимолига бориб, Туркистон муҳожирларидан бир қўшин тузишни ва ўша ўрду билан ўзига оид қўшинлар қўмондони Саид Ҳусайнга ёрдам беришини сўраган. Иброҳимбек лақай дарҳол ўша ердаги лақайлардан бир бўлик аскар ташкил қилиб, қўзғолончиларга қўшилган ва жангларга қатнашган. Қўмондон Саид Ҳусайн лақай жангариларининг миқдоридан кўнгли тўлмаган ва Иброҳимбек билан гаплашиб, ундан аскар сонини кўпайтиришни талаб қилган. Бу истакни бажариш учун Иброҳимбек шимолий Афғонистонга бориб, у ердаги қавмдошлари билан учрашиб, бир оқсоқоллар мажлиси ташкил этади ва урушга қатнашиш учун улардан фатво берилишини сўрайди. Оқсоқоллар мажлиси олдин қўзғолончилар сафига юборилган аскарларга қўшимча ўлароқ 400 туркман ва 500 ўзбекдан тузилган янги қўшинни Саид Ҳусайн амрига жўнатишга оид

[250] Fraser, *Alim Khan and the Fall of the Bokharan Emirate in 1920,* CAS, s. 21
[251] Musa Muhammed Türkistani, *Kaybolan Vatan Türkistan Faciası*. Hilal yay. İstanbul 1983, s.212

қарор чиқаради. Ўшанда Шермуҳаммадбек ҳам эски қўмондонларидан бири Юсуфжон қўрбошига Иброҳимбекка ёрдам кўрсат дея топшириқ беради. Ана шу тарзда йиғилган бу муҳожирлар қўшини совет аскарлари билан Афғонистонга кирган Ғулом Наби дасталарига қарши жанг олиб боради. Иброҳимбекка боғлиқ лашкарлар Афғонистоннинг бошқа вилоятларида ҳам урушда иштирок этган. Хусусан Деҳдоди ўрмонлари тарафлардаги хазара аскарларига қарши жангларда уларни тор-мор қилгани маълум.

Яна ҳарбий кучга эга бўлган Иброҳимбек худди Фузайл махдум каби Туркистонга ўтиб, шўрога қарши янгидан кураш бошлашни истаса ҳам, бу орзусини амалга оширолмаган. Бунинг сабабларини унинг ўзи шундай изоҳлаган:

> “Ҳабибуллохон афғон тахтини эгаллаган пайтда шўрога қарши урушиш истагим жуда кучлийди. Аммо мужоҳидларимнинг вазияти бошқачароқ эди. Улар, бир тарафдан эски Бухоро амирига хизмат қилмоқда ва иккинчи томондан, оилалари ва ўзлари жойлашган ерларни қўриқлаш билан банд эдилар. Уларга фикримни айтганимда, мужоҳидларим ёт ўлкада ўз оилаларини ҳимоясиз ташлаб кетишни хоҳламадилар ва рози бўлмадилар.”[252]

Бугунги Туркманистон тарафларда узоқ йиллар шўрога қарши курашган Жунайдхон 1928 йил июн ойида Эрон орқали Афғонистонга кирди ва одамлари билан биргаликда Ҳирот атрофида жойлашди. Афғонистонда ҳокимият учун кураш бошланиб, Бачаи Сақо қўзғолони юзага чиққан пайтда, Жунайдхон қўзғолончиларга ёрдам беришга қарор қилди ва бу хусусда Бухоро амири Саид Олимхонга бир мактуб йўллади.

Афғонистон бундайин сиёсий алғов-далғовлар ичида ўз ёғига ўзи қовириларкан, чегаранинг у тарафида, Туркистонда ҳам халқ бошига бало ёғилмоқдайди. Сталин бошчилигидаги шўролар ҳукумати бошлаган коллективлаштириш сиёсати ва колхозларнинг қурилиши омма орасида жиддий норозиликлар уйғотганди. Айниқса, анчадан буён пахтадан бошқа экинларни экиш таъқиқлаб қўйилгани элни бешбадтар қашшоқлантириб, силласини қуритганди. Ана шу тарзда маҳаллий халқдан ўз-ўзини боқиш имкони ҳам тортиб олинганди. Бу ишлар аҳолининг шўро давлатига қарши нафратини орттирган, босмачилар фаолияти учун ниҳоятда мувофиқ бир муҳит пайдо бўлган эди. Бу вазиятдан яхши хабардор бўлган Фузайл махдум фурсатни ғанимат билиб, Афғонистондаги қўзғолонлар бошланган чоғида, Кобулдан Бадахшонга қараб юрди. У ердаги лашкарларини тўплаб, 1929 йил апрелида Дарвоздан ўтиб Туркистонга кирди. Фузайл махдум ўз мужоҳидлари билан Хумб қалъаси, Тавилдара ва Гарм шаҳарларини

[252] Abdullayev, *Central Asian Emigres in Afganistan*. Part 2. s. 22

эгаллади. Атрофдаги барча совет ходимларини қатл эттирди.[253] Сўнгра Душанба шаҳрига ҳужум қилди, аммо қизиллар кучли чиқди, босмачилар мағлубиятга учради. Фузайл махдум ёнида ўнтача одами билан Афғонистонга қайтди ва Мозори Шарифдаги Бачаи Сақога ёрдам бераётган қўзғолончилар гуруҳига қўшилди.[254]

Бу чоғда Шермуҳаммадбек ҳам айрим лашкарларини тўплаб, Туркистон томонга бир юриш уюштиришга киришганди. Унга афғон ҳукумати яшаётган еридан бошқа жойга боришни таъқиқлаб қўйгани боис, барча ишларни асосан укаси Нурмуҳаммадбек бажаришга интиларди. Тузилган режага кўра, Нурмуҳаммадбек қўмондонлигидаги лашкарлар Ағонистон шимолида тўпланади, сўнгра Иброҳимбек лақай аскари билан бирлашади, ундан кейин биргаликда советлар ишғоли остидаги Туркистонга юриш қилинади. Мақсад Панж дарёси устидан бориб, Ванч қалъаси ва атрофини эгаллаш. Аммо Шермуҳаммадбек ўйлаган режа амалга ошмади, Иброҳимбек қароргоҳида у юборган лашкарларни фитна ва бало кутиб турарди. Ўртада Нурмуҳаммадбекнинг лақай Иброҳимбекни алдаб йўқотмоқчи ва лашкарларга бир ўзи қўмондонлик қилмоқчи экани ҳақидаги миш-мишлар тарқалиб, бу лақайнинг ҳам қулоғига чалинганди. Бунга чиппа-чин ишонган Иброҳимдек унинг қароргоҳига мужоҳидлари билан бирга ёрдамга келган Нурмуҳаммадбекни тутиб, оёқларига занжир уриб, бир йилча ёнида гаров сифатида олиб юрди. Буни у Шермуҳаммадбекнинг ўч олишидан сақланишга бир кафолат деб ўйларди.

Бу ҳодисалардан анча йиллар ўтиб, Нурмуҳаммадбек ўз хотираларида ўша кишанда ўтган кунларини ҳаётининг энг оғир пайтлари дея эслаган экан.[255]

---

[253] Ўрта Осиё тадқиқотчиси Ўливер Рўй китобида (Olivier Roy,*Yeni Orta Asya ya da Ulusların İmal Edilişi*, Metis yay. 2000, s. 84) Дарвоз ва Вахш томонларда эътибор топган тариқат пирларидан ва босмачилар шайхи эшон Султоннинг Фузайл махдум тарафидан 1929 йилдаги жангларда қўлга олиниб ўлдирилганини ёзган. Рўйнинг таъкидлашича, бу ҳодиса Фузайл махдумнинг гармлик бўлгани туфайли, яъни шу депарадаги кўлобликлар ва гармликлар ўртасида чиққан жанжал боис юз берган. Аммо Рўйнинг эшон Султон ҳақидаги бу ёзганлари тўғримас. Эшон Султон, аслида, қардоши билан биргаликда, Анвар пошонинг ўлимидан кейин Шарқий Бухородаги босмачилик ҳаракатининг қўмондонлигини зиммасига олган Ҳожи Сомий тарафидан, 1923 йилда ўлдирилгандир. Абдулла Ражаб Бойсун "Туркистондаги миллий ҳаракатлар" деган китобида таъкидлаганидек, эшон Султоннинг руслар билан ҳамкорлиги ва хат ёзишгани очилиб қолгач, ана шу хиёнат боис туғишгани эшон Сулаймон билан бирга эшон Султон қамалган, сўнгра Ҳожи Сомий раҳбарлигидаги оқсоқоллар мажлисида муҳокама этилиб, айблари бўйинларига қўйилгач, эртаси куни, Тавилдарадаги уйларининг қаршисида қатл қилинганлар (147 б.). Ҳожи Сомий ҳам 1923 йил июл ойи ўрталарида Али Ризо бейга ёзган хатида "Фитна ва фасод туфайли эшон Султонни қатл этдим..." дея бу ҳодисани тасдиқламоқда (Бойсун, 161 б.)

[254] Hayit, *Basmacılar*, s. 297

[255] Гланда Фрасер босмачиларга оид тадқиқотларида, жумладан, Шермуҳаммадбекнинг 1929 йилда ўзига қарашли лашкарлар билан Панж дарёсидан ўтиб, Ванч қалъасига ҳужум қилганини, бироқ қизилларнинг қарши зарбасига учраб, енгилиб, яна орқасига қайтганини ёзмоқда. Бу фикрлар тўғри эмас. Шермуҳаммадбекнинг хотираларида ҳам, укаси

Бу орада Усмонбек, Тўрақул, эшон Исо деган қўрбошилар нисбатан кичик-кичик гуруҳлар билан чегарадан ошиб ўтган бўлсалар ҳам, жиддий бир муваффақият қозонолмай, тағин орқаларига қайтиб кетишган.

Босмачиларнинг ҳудудорти юришлари фақат Афғонистон чегаралари билангина боғлиқ эмас. Жунайдхоннинг ўлимидан сўнгра мужоҳидлари билан советларга қарши курашни давом эттирган Ражабқули Эрон тупроқларидан туриб Туркманистон томонга бир неча бор босқин уюштирган.

1929 йил бошларида Кобулни эгаллаб, ўзини қирол деб эълон қилган исёнчи Ҳабибуллохон бир неча ой ичида аллақанча муаммога дуч келди. Шимолий Афғонистондаги турклар (ўзбеклар, туркманлар) ва тожиклар Ҳабибуллохон ҳукуматига хайрихоҳ эди. Аммо бунга қарама-қарши ўлароқ, жанубдаги пуштун қабилалари ва хазаралар янги қиролга қаршийди. Йил ўртасига келганида Ҳабибуллохоннинг аҳволи ниҳоятда оғирлашди: жанубда Англия ёрдам бераётган Нодирхон қўшинларига, шимолда эса, Мозори Шарифни эгаллаган Ғуломхон ва шўро аскарларига қарши курашишга мажбур бўлиб қолди. Афғонистондаги Англия элчихонаси феврал ойидаёқ Кобулни тарк этди. Бошқа давлатларнинг элчихоналари ҳам бирин-кетин фаолиятини тўхтатди. Айни кунларда қирол Омонуллохонга қарши Бачаи Сақо қўзғолонида қатнашган Гилзай қабиласи, аслан пуштунларга мансублиги туфайли, пуштунлардан бўлган Нодирхон томонга ўтиб кетди. Шундай қилиб, Бачаи Сақо ҳукуматига тарафдорлар тобора озая бошлади. Ниҳоят, 1929 йил октябр ойида Нодирхон қўшинлари Кобулни эгаллади ва Нодирхон қирол деб эълон қилинди. Янги шоҳ туғишганларидан сардор Ҳошимхонни бош вазир, сардор Шоҳмаҳмудни эса ҳарбия вазири ва бошқўмондон этиб тайинлади.

Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, Омонуллохон бошлаган ва унинг тахтидан айрилишига сабаб бўлган барча ислоҳотлар бу пайтга келиб тўхтатилганди. Бачаи Сақо эса, Даман тоғи тарафларга қочганди. Бир муддат ўтгач, янги шоҳ унинг авф этилганини билдирди, Бачаи Сақо ҳукуматга таслим бўлди. Нодир шоҳ эса сўзида турмади, 1929 йил 3 ноябрда Бачаи Сақо қатл этилди.

Нурмуҳаммадбекнинг эсдаликларида ҳам бунга ўхшаш ҳодиса тилга олинмаган. Шермуҳаммадбек Туркистонга кириш режасини тузган, лашкарларини бир ерга тўплаган, укаси Нурмуҳаммадбекка қўмондонлигини топшириб, уларни лақай Иброҳимбек қароргоҳига йўллаган. Фақат мужоҳидлар кураши амалга ошмаган, чунки Нурмуҳаммадбек бир йилча лақайнинг қўлида асоратда қолган. Бу мавзудаги воқеаларни Нурмуҳаммадбек оғзидан оила аъзолари кўп бор эшитганлар (Нурмуҳаммадбекнинг ўғли Анварбек билан шахсий суҳбатдан).

ҚЎРБОШИЛАРНИНГ ТУГАШИ

1928-1929 йилларда Афғонистонда юз берган ҳодисалар фақат афғон халқини эмас, балки мамлакат шимоли, афғон Туркистонидаги туркий хадқларни ҳам анча безовта қилганди. Хусусан, айрим босмачи бошлиқларининг, айниқса, лақай Иброҳимбекнинг тақдири ҳам ҳал этилганди.

Кобулда Нодирхонни тахтга, Бачаи Сақони дорга олиб борган воқеалар юз бераркан, лақай Иброҳимбек ўлка шимолидаги лақай қабилалари маконида қўним топганди. Лақай қабилалари вакиллари ва шу қавмга мансуб босмачилар Афғонистонга ўтганларида, шўро давлати чегараларига яқин Алибод ва Оқтепа қишлоқларига жойлашганди.[256] Иброҳимбек лақай ҳам Алиободда истиқомат қиларди. Бачаи Сақога тарафдорлик қилиб исёнга қўшилган айрим шахслар шу томонга қочиб келиб, Иброҳимбекдан паноҳ тиладилар. Худди шу чоғда Нодир шоҳ ҳукумати Иброҳимбек лақайга норозилик хати йўллаб, унинг ёнига сиғиниб борган эски қирол тарафдорларини давлатга топиширишни буюрди. Шунингдек, лақай қабиласига мансуб босмачиларнинг ҳам қурол-яроғларини давлатнинг расмий ташкилотларига элтиб берилиши талаб қилинди. Иброҳимбек ҳар икки талабни ҳам рад этди. Айни шу даврда ҳеч ким кутмаган бир ҳодиса юз берди. 1930 йил июн ойида совет қўшинлари жуда катта тезликда Амударёни кечиб ўтди ва олтмиш чақирим ичкарига қадар бостириб бориб, Алиобод ва Оқтепа қишлоқларига ҳам ҳужум уюштирди. Қизилларнинг бу босқинидан вақтида хабардор бўлган Иброҳимбек ва лашкарлари қишлоқларни ташлаб чиқиб, мувофиқ маконга чекинишганди. Шўро ишғолчилари ўша қишлоқларни талаб-ёқиб, тағин ортга қайтди.

Бу воқеа Нодир шоҳ ҳукуматини ўта ҳуркитиб юборди. Афғонистон давлати қурилгандан бери ҳеч қачон назорат этишга эришилмаган шимол минтақасида эндиликда тинчликни ва ҳокимиятни сақлаш, босмачилардан ҳам бир амаллаб қутулиш шарт ва зарур бўлиб қолди. Чунки босмачиларнинг шимолий Афғонистондаги ўчоғи сўндирилмаса ва улар чегараларда ғавғони давом эттираверсалар, советларнинг жиддий бир ҳаракатга киришиб, Афғонстонга юриш таҳликаси ҳам сезилиб турарди. Бироқ Нодир шоҳ ҳам ҳозирча бутун ўлкада ҳокимиятини мустаҳкамлай олмаган ва етарли мунтазам қўшинга ҳам эга эмасди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, у собиқ Бухоро амиридан фойдаланишга қарор берди. Амир Олимхон кўнди ва мактуб битиб, Нодир шоҳ номидан Иброҳимбекни Кобулга даъват этди. Агарда дарҳол етиб келмаса, умуман алоқани узишини таъкидлаб, қўрқитди ҳам. Пойтахтга борса, бошига нелар тушишини яхши билган Иброҳимбек

[256] Афғонистон шимолидаги туркийлар яшайдиган қишлоқлар.

таклифни рад этди ва амирга мактуб йўллаб, жумладан, қуйидаги фикрларни билдирди:

> “Менга етти йилдан бери советларга қарши курашишни буюрдингиз. Мен ўз лашкарим ва ўз маблағим билан бу урушни давом эттирдим. Менга турли-туман ёрдамлар кўрсатиш тўғрисида ваъдалар бердингиз. Минг афсуски, ҳеч бири амалга ошмади. Охири енгилдик. Энди сиздан бирор ёрдам олишим мумкинми? Йўқ. Кобулга бормайман. Агар подишоҳ ҳазратлари одамларим билан биргаликда Афғонистонда қолишимга изн берсалар, тинчгина яшардим, деҳқончилик қилардим.”[257]

Нодиршоҳ Иброҳим лақайни афв этиш ниятида эмасди. Аслида, исёнчи Бачаи Сақога кўмак кўрсатгани учун барча Туркистон муҳожирларини жазолаш кераклигини ўйларди. Бироқ мамлакатида кучли ва мунтазам қўшини бўлмагани бу фикрни амалга оширишга йўл бермасди. Ана шу сабабга кўра, у ўзи мансуб пуштун қабилаларини қуроллантириб, шимолий минтақага юбориб, вақтинча бўлса ҳам идорани қўлдан бермасликка уринди. Ҳукумат қўллаб-қувватлаётган, қуролланган пуштун гуруҳлари шимолдаги муҳожирлар жойлашган маконларга ҳужум қила бошлади. Иброҳимбек ҳам ўз лашкари билан уларга қарши курашда давом этди. Иброҳимбек ўша кунларни шундай хотирлаган экан:

> “Нодирхон урушда ўлган ё яradор бўлганларга ҳеч қандай бадал ўтамасди. Тирик қолганлар ҳар доим талон-тарож қилиш ҳуқуқига эга эди, бор-йўғи шу. Пуштун босқинчилар муҳожирлардан ғанимат олган мол-мулкларга эгалик қилишга ҳақлийдилар. Бу қуролли тўдалар бирор қонун-қоидага бўйсунмасди. Шу боис улар муҳожирларнинг ҳар нарсасини талаб, босиб, эагаллай бошлади. Шунинг учун атрфдаги барча муҳожирлар менинг тарафимда бўлдилар ва мен бу афғон қароқчиларга қарши муваффақият билан уруш қилдим.”[258]

1930 йил бўйича тинимсиз давом этган бу талончилик ва босқинлар халқни жонидан бездирди. Имомсоҳиб шаҳрида дин ходими вазифасини бажарган бир руҳонийнинг Нодиршоҳ номига ёзилган ва бугунда Афғонистон миллий архивида сақланаётган хати ўша йилдаги вазиятни жуда ўринли баён қилмоқда:

> “Инсонларнинг ҳаёти хавф остида қолди. Вазир Маъсуд ва жадран (пуштун қабилалари) тўдалари ўқ отмайди, фақат талон билан машғул. Бутун Қатаған юртида ва Бадахшоннинг ярмисида мингларча рупиялик босқинчилик қилишди. Ҳалиям тинчишмади. Оддий одамларнинг мулкларига босқин уюштириб, уйларини талаб-бузиб, мол-дунёсини олиб қўйдилар. Уларда уялиш, ор-номус, худодан қўрқиш йўқ. Қишлоқдан-қишлоққа ёпириладилар, талаб-тўздирадилар. Ўлимдан

[257] Abdullayev, *Central Asian Emigres in Afghanistan,* Part 2. s. 23
[258] Юқоридаги асар, 23 б.

қўрққан одамлар уй-жойларини ташлаб кетишга, жонини қутқаришга мажбур бўлиб қолдилар...

Тангри ёрлақасин сизни. Вазирга ва бошқа қабилаларга бу ёмонликларини қўйишларини айтинг. Улар ёмонлик ва зарар беришдан бошқа иш қилмадилар. Худо ҳаққи, уларга айтинг, ёмонликларини тўхтатишсин. Айб уларга... Ўзбеклар билан бошқалар орасида тинчлик сақланишига изн беринг."[259]

Орадан бир йил ўтгач, Нодиршоҳ мамлакатининг жанубида авжга чиққан келишмовчиликлар ва уруш-жанжаллар оловини сўндириб, шимолий Афғонистондан ташқари ўлканинг ҳар ерида назорат ўрнатиб, тизгинни қаттиқ тутди. Фурсатдан унумли фойдаланиб, ўзига боғлиқ мунтазам қўшинни ҳам жонлантириб, тикланиб олди. Энди навбат шимолий Афғонистонни мустаҳкамлаш ва Иброҳимбек лақайдан қутулишга келганди. Бу ишларни ҳал қилишни укаси, ҳарбия вазири Шоҳмаҳмудга топширди.

Бош қўмондон сардор Шоҳмаҳмуд 1931 йилнинг бошларида катта бир қўшин билан Ҳиндикуш тоғлари устидан ошиб Афғонистон шимолига ўтди. Ана шундай қилиб, афғонлар қўшини ва Иброҳимбек лақай лашкарлари ўртасидаги жанглар расман бошланиб кетди. Иброҳимбек шўрога қарши урушда фойдаланган ур-қоч усулини афғонлар билан бўлган жангларда ҳам қўллашга киришди. 2500 кишилик қўшинини юз кишилик бўликларга бўлиб, керакли ерларга жойлаштирди. Бу бўликлар ўзидан бир неча бор кўп ҳукумат қўшинларини ҳам енга бошлади. Масалан, Хазарабоғ томонда икки юз кишилик отлиқ лашкар беш юз кишилик афғон қўшинини тор-мор айлаб, қурол-яроғини ғанимат олди. Қатағон юртида бўлган урушларда Иброҳимбек фақат етмиш лашкаридан айрилди, афғонлар эса икки минг беш юз аскарини йўқотди. Зотан Қатағанда аввалдан яшаб келган маҳаллий ўзбеклар Иброҳимбек қўмондонлигидаги муҳожирлар қўшинига доим ёрдам бермоқда эди. Иброҳимбек бу ёрдамнинг сабабини уларнинг олтмиш йил олдин пуштун қавмлари билан ўзаро тўқнашувларда енгилганига ва ўчи борлигига боғлагани маълум.

Уруш майдони тобора кенгайиб, жангарилар сафи каттайиб борарди. Қўқонбек, мулла Холдор, мулла Жўралар бошлиқ гуруҳлар ҳам Иброҳимбекнинг муҳожирлар қўшинига келиб қўшилишди. Лашкарлар Янгиқалъа, Йўлча атрофини эгаллаб, Рустакдаги ҳукумат қўшинларини босиб, қурол-аслаҳасини мусодара этдилар.

Шу пайтда собиқ Дарвоз бегининг ўғли Ғулом Ҳасан Бадахшон томонда аскар тўплаб, уларни қуроллантириб, мужодалага киришди. Унинг мақсади совет давлати ва Афғонистон ўртасида бўлиниб қолган Дарвоз вилоятини бирлаштирмоқ эди. Ғулом Ҳасан лашкари билан

[259] Юқоридаги асар, 24 б.

чегарани ошиб ўтиб, шўро томонидаги Дарвозга кирди ва қизил аскарларга қарши босқинлар уюштирди. Бироқ бир оз муддатдан сўнг қизиллар уни енгиди ва лашкарини тарқатиб юборди.

Нодиршоҳ ҳукумати Иброҳимбек лақай ва унинг тарафдорларини тор-мор қилишга қаттиқ бел боғлади. Бир неча тадбирлар қўллади. Масалан, Иброҳимбекка боғлиқ ўзбек лашкарларининг кесик бошларини давлат идораларига олиб келиб топширганларга алоҳида пул мукофоти ташкил этилди. Афғон ҳукумати ва Туркистон муҳожирлар қўшини ўртасидаги қонли жанглар давомида жуда кўп гуноҳсиз омма ҳам ўлдирилди. Зеро, пуштун миршаблар қуролларини уруш пайтидаги вазиятдан фойдаланган ҳолда фақат Туркистон муҳожирларига эмас, балки минтақадаги маҳаллий ўзбек, туркман, тожикларга ҳам қарши қаратдилар, босқинлар уюштириб, қуролсиз халқни ўлдирдилар, мол-мулкини талон-тарож қилдилар.[260]

1931 йил март ойи ўрталарига борганда жанглардаги устунлик афғон ҳукумати қўшинига ўтди. Энди урушни давом эттиришга кучи етмаслигини сезган Иброҳимбек лақай ватанга қайтишга қарор берди. Шўро вакиллари билан кўришиб, фикрини айтди. Унга қурол-яроқни топшириб, таслим бўлиш шарти билан шўро чегараларидан ўтишга рухсат этилди. Олдин оилалар ўтиши режалаштирилди. 30 март тонгида Амударёдан кечиш бошланди. Мингга яқин оила (тахминан беш минг киши) шўро ҳудудига ўтиб олди. Бир қисм муҳожирлар бу жараёнда афғон соқчиларининг ўқига учди. Ватанга қайтган оилалар ГПУ[261] ходимлари томонидан назорат остига олиниб, керакли манзилларга юборилди.

Бир ҳафтадан кейин, 3 апрел куни Иброҳимбек лақай ва одамлари Амударёнинг айни ердаги кечувидан ўтишга чоғланиб қирғоққа келишди. Шўро ҳукумати берган сўзида туриш ниятида эмасди. Шунинг учун ҳам Иброҳимбек лақай ва одамлари ватанга ўтиши биланоқ уларга ҳужум уюштириб, асир олишни истадилар. Ўртада отишма бошланди, ўнтача лашкаридан айрилган Иброҳимбек лақай Туркистон ичкарисига қараб йўналди. Уч ойга яқин давр мобайнида қизиллар билан уруш қилди. Охири, 12 июн куни Оқбоштов тарафларда 4000 кишилик қизил қўшинга қарши жангга кирди. Бу урушда 974 мужоҳиди қурбон бўлди, ўзи ҳам яраланди. 23 июн куни Кофирниҳон дарёсини кечиб ўтишда Султонов бошчилигидаги ГПУ гуруҳи томонидан қўлга олинди ва Тошкентга жўнатилди. Тергов ва суд жараёни бир йилга чўзилди. Маҳкама уни ўлимга ҳукм қилди ва Иброҳимбек лақай 1932 йил 31 августида қатл этилди. Бу ўжар қўрбошининг ўлими Туркистондаги босмачилик руҳининг сўнгги титрашига ўхшарди.

---

[260] Şahrani, *Resisiting Taliban and Talibanism in Afganistan*, Perceptions, December 2000, s. 130

[261] Давлат сиёсий бошқармаси ишига боғлиқ давлат ташкилоти.



Босмачи лидерларидан Иброҳимбек лақайнинг қизилларга асир тушган пайтида чекистлар тарафидан олинган расми. Июн 1931 й.

Шермуҳаммадбек 1929 йилда укаси Нурмуҳаммадбек воситасида Туркистонга юриш қилишга уриниб кўрди. Бироқ Иброҳимбек лақайнинг халақит бериши натижасида унинг режаси амалга ошмади. Бу муваффақиятсизлик туфайли, аслида, икки ака-уканинг ҳаёти сақлаб қолинди. Зеро, ички урушда ғолиб чиқиб, Афғонистон ҳукуматини эгаллаган Нодирхон ўзича Иброҳимбек лақайнинг душмани деб билган бу ака-ука қўрбошиларга хайрихоҳларча муносабат кўрсатди, уларнинг аввалги мақомларида, яъни қўрбошилик даражасида ҳаётларини давом эттиришларига аралашмади, Шермуҳаммадбекка давлат тарафидан тайинланган 500 рупиялик маошни ҳеч пайт тўхтаттирмади. Икки ака-ука қўрбошилар Чорикор мавзесидаги ўзларига ажратилган ерда деҳқончилик билан машғул бўлиб, кун кўрдилар. Ҳаёт эса давом этарди. Дунё иккинчи жаҳон уруши жарига қараб жадал яқинлашиб бораркан, эски даврнинг унутилаёзган актёрларини эсланадиган, муҳим роллар бериладиган чоғ ҳам яқинлашаётганди. Албатта, у замон Шермуҳаммадбек ҳам, укаси Нурмуҳамадбек ҳам у жараёнда ўз зиммасига тушган вазифани бажаради ва Афғонистонда юзага чиқадиган муҳим ва махфий ишларда қатнашади.

Шермуҳаммадбекнинг таниқли қўмондонларидан бири Юсуф қўрбоши 1930 йиллар бошида Шарқий Туркистонда бошланган миллий озодлик ҳаракатига қўшилиш учун ундан изн олди ва Қашқар тарафга ўтиб кетди.

Босмачилик ҳаракати тугаркан, Фузайл махдум бошқа ном олиб, ҳаж йўлига тушди. У энди отини ўзгартириб, ҳожи Абдулкарим бўлиб

қолди. Бир муддат ўтгач, Афғонистонга қайтди ва Кобул шаҳрига жойлашди.

Собиқ ЧКа ходими Туроббек ҳам Туркистон миллий мужодаласи бошланган йилларда Ўрта Осиё миллий авомий жамиятилари иттифоқининг шўро махфий хизмати ичидаги айғоқчиси эди ва босмачиларга советларга оид муҳим гапларни етказиб турарди. У 1922 йил май ойида Маъмур Ниёзий билан бирга келиб босмачиларга қўшилди. Қисқа бир муддатда қўрбоши бўлди ва Анвар пошо билан биргаликда кўп жангларда қатнашди. Сўнгра Ҳожи Сомий гуруҳида Афғонистонда ўтди. Афғонистондан чиқиб кетишлари талаб қилинганида, Эрон тарафга, Машҳадга йўналди ва ўша ерда қолди. Муфти Садриддинхон билан бирга Эрон Хуросонида мужодала фаолиятларини юритди. Анчадан буён совет жосуслари унинг ҳам орқасидан тушганди. Шўро айғоқчилари уни тутиб, яширинча чегарадан олиб ўтиб, Тошкентга келтиришди. Тошкентда у суд қилиниб, натижада қатл этилди.[262]

Афғонистонга ўтган босмачилардан баъзилари кейинчалик Туркияга, баъзилари Ҳиндистон ёки Арабистонга қараб кетишган. Асосий қисми Афғонистонда қолган. Султонбек, Жонибек қози, ҳожи Парпи каби айрим қўрбошилар эса Шарқий Туркистон томонга ўтиб кетишди ва улар 1932 йилда бошланган Шарқий Туркистон миллий истиқлол ҳаракатида қатнашдилар. Туркияга борганлардан Маъмур Ниёзийбек, Ҳамроқулбек ва Очилбек қўрбошилар эса, 1926 йилдан сўнгра Истанбулда йўлга қўйилган Туркистон Миллий Бирлиги ҳаракатида иштирок этдилар.

Туркман бургути сифатида танилган Жунайдхон 1929 йилга қадар совет ҳукуматига қарши урушни давом эттирди. Шўролар бир натижага эришолмагач, унга сулҳ таклиф этди. Келишилган битимга кўра, Жунайдхонга ва унинг одамларига, қурол-аслаҳасига тегилмаган ҳолда, Урганч атрофидаги бир қишлоқда яшашга изн берилди. Аммо бу вазият иккала тараф учун ҳам унча мувофиқ эмасди. Кўп ўтмай, босмачилар ва шўролар ўртасида яна жанглар бошланиб кетди. Бироқ советлар устун кучга эга эди, Жунайдхон энди ёвга қаршилик кўрсатишга чоғи келмаслигини англаб етди. Оқибатда 1928 йил сентябр ойида, 1100 лашкари билан бирга Эронга илтижо этишга мажбур бўлди. Эрон ҳукумати ундан қурол-яроғини топширишни талаб этгач, ёрдамчиси Аннақули қўрбоши билан бирга Афғонистонга ўтиб кетди.[263] Аввал чор Русияси мустамлакачиларига, кейинчалик шўро ишғолчиларига қарши миллий истиқлол курашини йилларча давом эттирган бу буюк жангчи ўша пайтда саксон ёшда эди. Афғонистонга боргач, қисқа вақт ўтиб, Ҳирот яқинида жойлашган Таймана қишлоғида вафот қилди.

---

[262] Абдулла Ражаб Бойсуннинг хотираларида Туроббек эрон-совет чегарасидан Туркманистонга ўтаётганида соқчилар тарафидан отиб ўлдирилган дейилади.
[263] Baysun, *Türkistan Milli Hareketleri*, s. 94

ТУРКИСТОНЛИКЛАР ОВРУПОДА

Туркистонликларнинг Оврупо сиёсий саҳналарида илк кўзга чалинган йиллар биринчи жаҳон уруши даврига тўғри келади. 1915-1916 йилларда Туркистондан ва бошқа чор ҳукумати асоратидаги турк юртларидан Оврупога борган вакиллар ҳайъати Русия мустамлакаси бўлган турк халқларининг аҳволини, миллий масалалари ва муаммоларини бу қитъадаги давлатларга тушунтириш ишлари билан шуғулланди. Ҳайъат Туркистон вакили Муқимиддин Бекжон, Қозон вакили Юсуф Оқчўра, Озарбайжон вакили Али Ҳусайнзода ва Қирим вакили Маҳмат Асад Чалабийзодадан иборат эди. Ҳайъатнинг ривожланган Оврупо давлатларидаги илк анжумани 1915 йил январ ойида Можористонда бўлиб ўтди. Пойтахт Будапешт шаҳрида венгер ҳукуматидан бош вакил Тизса ва парламент лидерларидан Андраси билан учрашган ҳайъат аъзолари йиғилиш сўнгида уларга чор Русияси мустамлакаси остида эзилаётган турк юртлари харитаси ва бир меморандум тақдим этдилар. Бу баёнотда ҳар бир турк ўлкаси ҳақида тарихий маълумот, асоратдаги турк халқларининг сиёсий, ижтимоий ва маданий аҳволи, чор ҳукумати билан ораларидаги зиддиятлар ва муаммолар, Оврупо давлатларидан кутилаётган муносабат ҳақида фикрлар бор эди. Ҳайъат Можористондан кейин Австрия мамлакатига борди. Бошкент Венадаги йиғинда Австрия ҳукумати бош вакили Сторк ва ташқи ишлар вазирлигидан Фўргач билан учрашди. Ҳайъат аъзолари Берлинда бўлган учрашувда Олмония ташқи ишлари вазири Рагу ва ёрдамчиси Зиммерманн билан кўришдилар. Ҳайъатнинг охирги зиёрати Булғористонга тўғри келди. Туркий халқлар вакиллари ҳайъати бу ерда Булғористон бош вакили Радўславов ва баъзи булғор сиёсатчи аъёнлари билан учрашдилар, дардларини англатдилар ва меморандум тақдим этдилар.

Худди шунга ўхшаган яна бир ҳайъат 1916 йилда яна бир бор Оврупога борди ва 27-29 июнда Лўзан шаҳрида тўпланган дунё миллатларининг учинчи қурултойида қатнашди. Бу янги ҳайъатда Оврупога сафар қилган аввалги вакиллар гуруҳидаги Юсуф Оқчўра ва Муқимиддин Бекжон билан бирга қозоқ ва қирғиз юртлари вакили Сафо Аҳмадўғли, қумуқлар вакили Аҳмад Саип Асланов, Доғистон вакили Саид Тоҳир афанди, черкаслар номидан Азиз Макар иштирок этаётганди. Бу ҳайъат расман Русия мусулмон турк ва татарлар мудофаи ҳуқуқ жамияти номидан сайланганди. Ҳар бир вакил ўз халқи ва юртининг масалаю муаммоларига оид тайёрланган меморандумни қурултой бошқарувига топширди. Муқимиддин Бекжон чиғатой миллати номидан тайёрланган ва қурултойга тақдим этган уч бетли меморандумда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳамда русларга қарам Туркистоннинг бешта

вилояти халқини чиғатой миллати дея атаган. Шунингдек, чор Русияси босқинчиларининг бу ерларни қандай босиб олгани англатилган бу хатда Бухоро ва Хива давлатларининг тўла мустақиллиги талаб қилинган. Бошқа ишғолдаги Туркистон вилоятларига эса маданий мухторият берилиши исталган. Қирғиз-қозоқлар вакили Сафо Аҳмадўғлининг дунё миллатлари қурултойига тақдим этган тўрт саҳифалик меморандумда ҳам юқоридагига ўхшаш тарихий, ижтимоий, сиёсий масалалар айтилиши билан бир қаторда Қозоғистонга автономия берилиши, чор Русияси давлати ва қозоқлар ўртасидаги чегараларга Абулхайрхон даври асос қилиб олиниши кераклиги, қонун олдида руслар ва қозоқларнинг тенг бўлиши шартлиги ва бу ўлкадан олинаётган солиқларнинг айнан шу ўлкага сарфланиши лозимлиги талаб сифатида бир-бир таъкидланган.

Турк қўшинларининг Қафқаз минтақасига юриши бошланган 1917 йил ичида Усмонли давлатининг садриаъзами, яъни бош вазири Талъат пошонинг ёрдами туфайли Русия мустамлакаларидаги турк халқлари вакилларининг доимий фаолият юритиши учун мўлжалланган бир бюронинг Швецияда очилишига қарор берилганди. Бу бюрода ишлайдиган вакиллар ҳайъати асоратдаги турк ўлкалари масалаларини Оврупода халқаро сиёсий саҳнага олиб чиқиши керак эди. Бу бюро Фуод Кўприлизода бошчилигида иш юритиши лозим эди. Бу бюродаги ҳайъатга Туркистондан вакил ўлароқ муфти Садриддинхон Туркистон иттиҳод ва тараққий жамияти тарафидан Истанбулга юборилганди. [264] Ҳайъатнинг бошқа аъзолари эса қози Абдурашид афанди, Озарбайжондан Али Ҳусайнзода, Қозондан Усмон Тўқимбет, Отаулло Баҳоиддин, Ҳалим Собит эдилар. Ҳайъат аъзолари 27 октябр куни йўлга чиқишди. Варна шаҳрига етиб боришганида, Можористонда давлат тўнтариши ҳаракати бошланганди. Шу туфайли улар Одесса орқали Олмонияга етиб олишни ўйладилар. Қарашса, бу йўл ҳам беркитилибди. Охири ноябр ойида яна Истанбулга қайтиб боришга мажбур бўлдилар.

Ўша йилларда Туркистон масаласини Оврупо давлатларига билдириш йўлида ғайрат кўрсатган сиёсатчилардан бири Шерали Лапиндир. Туркистонда уламо жамиятининг раиси бўлган ва бўлшевикларнинг давлат тўнтариши даври ва ундан кейинги йилларда ҳам муҳим сиёсий мақомларда ишлаган Лапин 1918 йил октябр ойи бошларида, қўлида Туркия давлати бош вазири Талъат пошонинг хати билан Олмонияга келди. Оврупода у ўзини Туркистон мухтор ҳукумати парламенти раиси ва Ўрта Осиё уламо фирқасининг вакили дея танитди. Олмония ҳукумати ташқи ишлар вазирлигида расмий мақомлардаги аъёнлар билан кўришиб, Туркистондаги вазиятга оид бир меморандум

[264] Закий Валидий Тўғон “Бугунги Туркэли-Туркистон ва яқин тарихи” китобида (480 б.) бу ҳайъат ичида Нуриддинбек Худоёрхоновнинг ҳам Туркистондан вакил ўлароқ мавжудлигини ёзган. Бироқ расмий вакил муфти Садриддинхоннинг хотираларида бу киши ҳечам тилга олинмаган. Шунингдек, Туркистондан Истанбулга юборилган Туркистон иттиҳод ва тараққий жамияти аъзолари орасида ҳам бу инсоннинг номи йўқ.

тақдим этди. Олмонияда хасталикка чалинган Шерали Лапин 1919 йил феврал ойидагина Туркистонга қайтиб кела олди ва қисқа бир муддатдан сўнгра вафот қилди.[265]

Қўқон мухторияти ағдарилишидан сўнгра, бу ҳукумат лидерларидан бўлган Мустафо Чўқай Туркистоннинг турли бурчакларида қизиллардан беркиниб юрди, охири Гуржистонга борди ва у ерда нашр ишлари билан шуғуллана бошлади. 1919 йил 21 февралда Парижда ўтказилган Версал тинчлик қурултойига Русия мамлакати ичида яшаган халқларнинг талаб ва истаклари акс этган "Россияда демократик федератив бир республика ичида бошқа халқлар ҳам ўз истакларига кўра ҳаёт кечиришлари таъминланиши керак" деган маънода телеграмма юборди. Гуржистонни ҳам бўлшевиклар эгаллаб олгач, Чўқай Туркияга ўтда ва бу ердан Парижга қараб йўл олди. Парижда яшаркан, Русия ҳукуматининг собиқ парламент вакили сифатида турли матбуот нашрларида чиқишлар қила бошлади.

1923 йилга бориб, Туркистонда босмачилик ҳаракати асосан мағлубиятга учраган ва Афғонистонда ҳам сиёсий фаолият юритишга имкон қолмагани маълум бўлганди. 1924 йилнинг бошларида хорижда Туркистон миллий ҳаракатини елкага оладиган, йўналтира биладиган кишилар Франция, Олмония, Туркия, Эрон ва Ҳиндистон каби ўлкаларга тарқалиб кетганди. Мустафо Чўқай Парижда эди. Закий Валидий ва дўсти Фатҳулқодир биргаликда Ҳиндистон ва Туркия йўли орқали Оврупога борар эканлар, Усмон Хўжаўғли ва баъзи йўлдошлари Туркияда жойлашмоқ ниятида эди. Муфти Садриддинхон, Абдулҳамид Ориф ва Туроббек каби таниқли кишилар эса Эронда, Туркистон чегараларига энг яқин шаҳарлардан бири Машҳадда қўним топгандилар. Бухоро жумҳуриятининг Афғонистондаги вакили ўлароқ элчилик ишларини бажарган Ҳошим Шойиқ эндиликда Афғонистон ҳукумати маориф вазирлигида хизмат қилмоқда эди.

Эътиборли бир сиёсий тамалсиз хорижда Туркистон миллий мужодаласини юритиш мумкин эмасди, албатта. Шу сабабли Туркистон Миллий Бирлиги жамияти лидери Аҳмад Закий Валидий ва бошқа таниқли сиёсатчилар ана шундай сиёсий тамални қаерда ва қандай шакллантириш мумкинлигини ўйлай бошладилар. Туркистон муҳожирларининг энг кўп йиғилган ери Афғонистон ва Эрон айни пайтда Туркистонга тўғридан-тўғри чегарадош ўлкалар сифатида маълум маънода ўзига хос қимматга ва қулайликларга эга эди. Фақат ҳар иккала ўлкада ҳам сиёсий марказ қуриш ва очиқча сиёсий фаолият юритишга ҳеч бир имкон йўқ эди. Масофа ва алоқа ўрнатиш жиҳатидан бир оз бўлса-да айрим қулайликларга эга Ҳиндистонда ҳам инглиз ҳукумати маъқул ва мақбул кўрмагунча бир иш қилиб бўлмасди. Йўналиш мумкин бўлган қолган икки нуқта–Туркия ва Оврупо сиёсий муҳожирларга энг қулай ва

[265] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s. 480.

очиқ макон ҳисобланарди. Янги қурилган ёш Туркия жумҳурияти, айниқса, Туркистон қочқинлари ва муҳожирлари учун иккинчи она ватан каби эди. Туркия ҳукумати ҳам ўз ўлкасида советларга қарши бирор сиёсий мужодаланинг юритилишига хоҳишсиз эди. Қисқаси, айни вазиятда, Туркистондан жуғрофий жиҳатдан анча узоқда ва туркистонлик муҳожирлар сонининг йўқ дейилажак қадар оз бўлганига қарамай, очиқ бир сиёсий кураш олиб бормоқ ва Туркистон масаласини халқаро миқёсга олиб чиқиш учун энг уйғун ўлкалар Франция ва Олмония каби давлатлар экани аён эди. Шу туфайли Туркистон мужодаласи юритадиган сиёсий шахслар Оврупога қараб йўналди. Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва айрим араб ўлкаларида Туркистон муҳожирларининг турли-турли гуруҳлари жойлашган бўлсалар ҳам, у ерлардаги ижтимоий муҳит уларнинг очиқ сиёсий фаолият юритишларига ва шаклланишларига имкон ва изн бермагани маълумдир.



Русия мусулмонлари лидерлари: (чапдан ўнгга, олдиндагилар) Мустафо Чўқай, Аҳмад Солиҳов, Шариф Манатов; (тик турганлар) Усмон Тўқумбетов, Умар Тўрақулов,Султон Олдиев.Тифлис, 1920 (А.Андижон архиви)

СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЛАРГА БИРЛАШИШ ВА ЙЎЛБОШЧИЛАР

Дунё тарихидан маълумки, ижтимоий муҳитда пайдо бўлган ҳар қандай сиёсий ҳаракатнинг мавқеи ва муваффақияти, умуман олганда, уни тузган, шакллантирган ва йўналтирган йўлбошчиларга боғлиқдир. Туркистон муҳожир зиёлиларнинг бошқа ўлкаларда олиб борган миллий мужодала жараёни ҳам ана шу шартга мувофиқ юзага келгандир. Хориждаги Туркистон мужодаласини шакллантириш бошида буюк сиёсий арбоблар турди деб айтиш қийин, албатта. Зеро, Туркистон ичида олиб борилган миллий истиқлол курашида фаол қатнашган кишиларнинг кўпи ўша мужодала йилларида ё йўқ қилинган, ё шўро ишғоли остидаги ўлкаларда қолган эди. Олдинига бўлшевикларнинг ҳақиқий мақсади ва асл башараси билинмагани боис кўпчилик зиёлилар адашиб, социалистик тузум ичида ҳам миллий давлатларини қура олишларига ишонишган ва совет идораларида хизмат қилишган, муҳожирот хаёлларига келмаган. Қисқаси, Туркистондан ташқи дунёга чиққан ойдин кишилар орасида сиёсий йўлбошчилик қиладиган зотлар етарли даражада эмас, жуда оз эди. Бундан ташқари, борлари ҳам асосан Туркистоннинг турли вилоятларида, фарқли муҳитларда ишлаган инсонлар эди. Шунинг учун ҳам бир-бирларидан анчагина тафовутли қарашлар ва хусусиятларга эга эдилар.

Туркистондаги миллий истиқлол курашида шахсан қатнашган, бу курашнинг сиёсий маънода шаклланишига бошчилик қилган ва кейинги йилларда хорижга чиққан кишилардан уч шахс бу ўринда том тилга олишга лойиқ зотлардир. Улар Мустафо Чўқай, Закий Валидий Тўғон ва Усмон Хўжаўғлидир. Туркистондан ташқарида олиб борилган сиёсий курашнинг 1924 йилдан бошланиб, 1939 йилларгача давом этган биринчи даври асосан бу уч зот номи билан боғланган. Яъни бу даврда хорижда юритилган Туркистон мужодаласига бу уч йўлбошчи раҳбарлик қилган. Шу туфайли, Туркистон истиқлоли йўлидаги бу ўн беш йиллик сиёсий мужодала тарихини тўла ва тўғри англамоқ учун, шубҳасиз, бу уч шахснинг ўтмиши ва сиёсий салоҳиятидан хабардор бўлмоқ фойдалидир деб ўйлаймиз.

Русияда 1900 йиллардан бошланган ижтимоий ўзгаришлар, турк дунёсида юзага келган янгиланиш, жадидизм ҳаракати чорлик мустамлакалари ичидаги барча турк юртларида, жумладан Туркистонда ҳам ёш, ғайратли сиёсий кишиларни майдонга чиқарди. Ана шу алғов-далғов йилларда сиёсат саҳнасида пайдо бўлган Туркистон ёшларидан бири Мустафо Чўқайдир. Ҳали дорифунуннинг ҳуқуқ бўлими талабаси экан, чор ҳукумати парламентида, яъни думадаги мусулмонлар фракционида Туркистон Бош Волийлиги вакили ўлароқ сиёсий фаолият билан шуғулланган. Ўз замонида Гуржистон ташқи ишлар вазири бўлган Церетели Мустафо Чўқайга юксак баҳо бериб, “Усиз мусулмонлар

фракциони узоққа боролмасди” деган. Ана шу ёш йигит 1917 йил декабрида қурилган Туркистон мухторият ҳукуматининг олдинига ташқи ишлар вазири, сўнгра эса, ҳукумат бошлиғи этиб тайинланган.

1890 йилда Оқмачитда, мўътабар қозоқ оиласида туғилган Мустафобек 27 ёшида янги қурилган мустақил бир ҳукуматнинг бошига келтирилган. Аммо Туркистонни ишғол этган бўлшевиклар бу ҳукуматни ағдариб ташлагач, мажбуран ўз юртидан ҳижрат қилган. Бу сиёсий муҳожир илк аввал Тифлисдан қўним топади. Бу ерда Аҳмад Солиҳов томонидан чиқарилган “Волный горец”, яъни “Ҳур тоғлик” ва “Борба”, яъни “Кураш” каби газеталарда бир муддат ишлаб юради. Сўнгра Гуржистон ҳукумати ёрдами билан “На рубеже” (“Ҳудудда”) номли журнални нашр эттира бошлаган. Украиналик муҳожирлар ҳам қатнашган бу журналнинг фақат 6 сони чиққан холос. 1921 йил февралида бўлшевиклар Гуржистонда ҳам ўз ҳокимиятини ўрнатгандан кейин, Мустафо Чўқай бу ўлкани тарк этишга мажбур бўлди. У хотини билан аввал Истанбулга келди, сўнгра бу ердан Парижга жўнади.[266]

Мустафо Чўқайнинг бу йиллардаги тушунчасига кўра, демократик бир Русияни қуриш ва унинг ичида мухтор Туркистон ҳукуматини яратиш мумкин эди. Зотан кадет партияси мансублари ёки бу партияга фикрдош бўлган ғайрирус халқларнинг илғор вакиллари ҳам ана шундай фикрда эди. Ҳали Оврупога келмай туриб, Парижда ўтказилган дунё халқларининг тинчлик қурултойига Тифлисдан юборган телеграммасидаги қуйидаги сўзлар Чўқайнинг ўша даврдаги қарашини тушунишга ёрдам беради:


> “Туркистонда яшаётган халқларнинг ўз орзу-истакларини эркин бир тарзда амалга оширишлари учун Русияда қурилажак демократик ва федератив жумҳурият имкон бериши керак.”[267]

Шуни ҳам айтишимиз керакки, Мустафо Чўқай Қўқонда қурилган мухтор ҳукуматнинг йиқитилишидан кейиноқ ўлкадан хорижга чиқиб кетгани учун бўлшевизм турмушидан, шўролар даврида амалга оширилган сиёсатнинг асосида турган рус шовинизмидан узоқда яшагани боис, ҳамон рус социалист-демократлари тарафидан ўртага ташланган ягона ва бирлашган демократик Русия тушунчасига ишончини йўқотмаганди. Шунингдек, у ҳам ўша йиллардаги кўпчилик Туркистон сиёсатчилари каби, том мустақил бир Туркистоннинг оёққа туролмаслигига, ўша даврдаги халқаро вазият ва шартларга мувофиқ яшаб кетолмаслигига таянган бир тушунчада эди. Шунинг учун бўлса керак, Туркистондан чиқиб кетганидан кейин, яъни 1923 йилда “Orient et Occident” (“Шарқ ва ғарб”) деган француз журналида босилган “Русия

[266] Çokayoğlu M. *Eşinin Ağzından Mustafa Çokayoğlu*, s. 103
[267] Togan. *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s. 481



Усмон Хўжағўли (1931)



Закий Валидий Тўғон (1920)



Мустафо Чўқайўғли (1920)

сиёсати ва Туркистон миллий сиёсати” номли мақоласида ҳам айнан Тифлисдан Парижда ўтказилган халқаро қурултойга юборган телеграммасидаги фикрни қайтармоқда. Муаллиф каттагина мақолада Туркистоннинг турк ва ислом оламидаги ўрни, Туркистоннинг руслар томонидан ишғол этилиши, русларнинг мустамлакачилик сиёсати ва натижалари, 1917 йилдаги инқилоб, Туркистондаги бўлшевиклар, Туркистон мухторияти ҳаракати, шўро сиёсати туфайли пайдо бўлган очлик, маориф ва иқтисод соҳасидаги қолоқликлар, ниҳоят, истиқлол мавзуларидаги фикрларини ифодалаган. Айни мақола туркистонлик бир сиёсатчи тарафидан ёзилганлиги ҳамда Оврупо матбуотида босилган илк илмий-сиёсий чиқиш эканлиги билан жуда катта аҳамиятга эгадир.[268]

Ана шундай тушунчалар таъсирида бўлган Мустафо Чўқай Парижга келганидан кейин, муҳожиротда яшаётган бўлшевизм душмани рус социалист демократлари давраси билан яқиндан муносабат ўрнатди. Меншевиклар лидери Керенский чиқарган “Дни” (“Кунлар”) ва кадетлар партияси бошлиғи Милюков нашр эттирган “Последние новости” (“Сўнгги янгиликлар”) газеталарида ҳам бир муддат хизмат қилди.[269] Чўқайнинг бу йиллардаги фаолияти, қарашлари ва рус социал-демократлари давралари билан алоқаларини кейинроқ хусусан Закий Валидий томонидан жиддий танқид қилинган ва бу орада анча-мунча зиддиятлар, тортишувлар яратган. Зотан, Закий Валидий Мустафо Чўқай билан Парижда илк бор кўришганларидан кейиноқ, ўзаро суҳбатларидан хулоса чиқариб, Чўқайнинг ўша пайтда ҳам мустақил Туркистон фикрига хайрихоҳ эмаслигини, шунингдек, бошқа сиёсий муҳожирлар, масалан, қозонлик Садри Мақсудий (Арсал) ва озарбайжонлик Алимардон Тўпчибоши ҳам айни тушунчада бўлганини, худди шу туфайли улар билан келишолмаганини таъкидлаган.[270]

Аммо кўп вақт ўтмасдан, Туркистоннинг бўлшевиклар томонидан парчаланиши ва янги сиёсий муҳитнинг вужудга келиши туфайли, эндиликда демократик бир Русиянинг қурилиши ва унинг ичида ўз борлиғини қўриқлай оладиган бир Туркистон ҳукумати яратилиши борасидаги гаплар қуруқ хаёл экани маълум бўлиб қолди. Энди Мустафо Чўқай ва хориждаги бошқа муҳожир зиёлиларнинг ҳам кўзи очилган, барча мустақил Туркистон учун курашиш кераклиги тушунчасида бирлашган эди. Шунинг учун ҳам Мустафо Чўқай анча йиллар ўтиб, бу хусусдаги фикрларини шундай баён қилган:

> “1917 йил бошларида биз ҳаммамиз федерализм ва унитаризм каби умумий хасталик таъсири остида эдик. Бизга юққан бу касаллик рус инқилобининг демократик йўналишига қаттиқ ишонганимиздан пайдо бўлганди.

[268] Orient et Occident, (Mayıs 1923), sayı 16-17
[269] Çokayoğlu M. *Eşinin Ağzından Mustafa Çokayoğlu*, s. 110
[270] Togan, *Hatıralar*, s. 547.

> Агарда 1917 йил инқилоби бошлангандаёқ миллий истиқлол программасини ўртага қўйганимиз тақдирда, халқимиз орасида бунга қарши чиқмайдиган бир гуруҳ топилишига ҳеч шубҳаланмайман, яъни уни кимса қўлламасди. Биз бирданига бу фикрга, бу йўлга келмадик, албатта. Юқорида айтганимдек, биз рус социал демократизмига қаттиқ ишонгандик. Бундан ташқари, ўз кучимиз билан ўз давлатимизни қуриб, яшаб кетишга ишонмасдик. Шу боис Русия ичида қолиб, ўз ҳокимиятини қуриш ҳақини истаб, федерацион сиёсатини орзу қилдик."[271]

Ташқи дунёдаги Туркистон ҳаракатининг энг аҳамиятли бошқарувчиларидан бири ва балки бошланғич йиллардаги энг эътиборли сиймо Аҳмад Закий Валидий (Тўғон) эди. Тақдирнинг тасодифимикин, Мустафо Чўқай билан айни йилда, яъни 1890 йилда туғилган бу бошқирд турки кучли сиёсатчи бўлиши билан бирга атоқли олим сифатида ҳам машҳур ва Туркистон мужодаласида ҳар замон фаол қатнашган шахсдир. 1917 йилги давлат тўнтаришидан кейин ўтказилган мусулмонларнинг қурултойларида у "ҳудудий мустақиллик" фикрини юритганди. Унинг тушунчасига кўра, Русия ҳар бир халқнинг ўз тупроқларида, яъни ҳудудларида мухтор ҳукуматга эга бир давлатлар федерацияси бўлиши керак эди. Бу давлатлар иттифоқи бошқарувда социализмга таяниши лозим эди. Ана шу қарашлари туфайли у давлат тўнтариши йилларида мухтор бир Бошқирдистон давлатини қуриш учун кураш олиб борди.[272]

Чор империясидаги давлат тўнтаришидан кейин қурилган Бошқирд миллий ҳукумати даврида Закий Валидий Мудофа ва ички ишлар вазири вазифаларини бажарди. 1919 йилдан эса давлат бошлиғи сифати ҳукуматни бошқарди. Сўнгра ўн беш ой давомида бўлшевиклар билан бирга бир жабҳада оқ русларга қарши курашди. 1920 йил бошларида у аччиқ бир ҳақиқатни – Лениннинг ҳам, бошқа барча шўро раҳбарларининг ҳам иккиюзламачи эканини англаб қолди ва уларнинг миллатлар сиёсатидаги ўз тақдирини ўзи белгилаш борасидаги сўзлари тамоман сафсата эканини тушуниб етди. Қизиллар жабҳаларда ғалаба қозониб, ҳокимиятларини мустаҳкамлаганлари сайин ҳақиқий башараларини очиқроқ кўрсатмоқда эдилар. Рус шовинизми устига ўрнатилган коммунизм фақат русларга хизмат қилиши, бошқа миллатлар эса қарам ҳолатда яшаши кундай аён бўлганди. Умрининг Султон Ғалиевга ўхшаб тугашини сезган Закий Валидий, бўлшевик раҳбарларга мактуб ёзиб, уларни чалғитиб, секингина ғойиб бўлди. У Бошқирдистондан Туркистонга келди, бу ердаги миллий курашга қатнашди. Ўлкадаги социалистларга қўшилиб, социалистлар тўдасининг ташкил этилишида алоҳида рол ўйнади. Бу фирқа кейинчалик эрк партиясига айланди. 1920 йил охирига бориб, Туркистонда миллий

[271] Чўқай. "17 қат қум остинда қолгур ярамсиз бир ҳаракат". "Ёш Туркисон" журнали, 1935 й. феврал, 63 сон, 17 б.
[272] Китобнинг "Ҳаракат тамали" бўлимига қаранг.

курашни юритаётган барга гуруҳлар ва оқимларни бирлаштирган Ўрта Осиё мусулмонлари миллий авомий жамиятлари иттифоқига раис қилиб сайланди. Босмачилик ҳаракати тарқатилиб, аҳвол оғирлашгач, хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлди. 1923 йил сўнгларида Туркистондан Эронга ўтди ва у ўлка орқали Афғонистонга борди. Миллий авомий жамиятлар иттифоқининг баъзи аъзолари билан биргаликда Афғонистонда бир муддат иш юритди. Сўнгра Ҳиндистонга, у ердан Туркияга кетди ва ниҳоят, Оврупода қўним топди.

Закий Валидийнинг шахсан ўзи ёзган социалистлар тўдасининг 9 моддалик баённомаси, бир жиҳатдан, унинг ўша йиллардаги қарашини англатиши билан ҳам муҳимдир. Бу баённоманинг илк моддасида ер, сув, ерости ва ерусти бойликларининг давлатга оид бўлиши ва коллективлаштириш қонуниятига асосланган. Туркистонда кўзга кўринарли саноат корхоналари ва саноатлаштириш бўлмагани боис ишчилар синфи ҳам жуда оз ва аҳолининг асосий қисми деҳқонлардан, қишлоқликлардан иборат эди. Шу туфайли социалистлар тўдаси экин-тикин иши билан шуғулланган қишлоқ аҳлини, пролетар синфи яралгунга қадар, жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ўлароқ қабул қилмоқдайди. Яъни, Туркистоннинг мустақиллик қозониши ва ҳурриятга эришуви фақат ана шу синфнинг ўз ҳуқуқи учун курашмоғига боғлиқдир (модда 3). Мамлакат социализм қонуниятларига кўра бошқарилади, бу мустақил демократик жумҳуриятнинг асил вазифаси деҳқонлар синфининг ҳеч бир қаршиликсиз ишлаши ва шаклланишини юзага чиқармоқдир (модда 4). Дин ва давлат ишлари бир-биридан айри юритилади. Баённоманинг энг сўнгги моддасида Туркистон социалистлар тўдасининг эзилган синфларнинг ва мустамлака миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашга хайрихоҳ бир халқаро социалист интернационал ҳаракатга қатнаша олиши ҳам таъкидланади.[273]

Закий Валидийнинг Оврупода ҳамда сўнгроқ Туркияга қайтиб қилган ишлари ва турли сиёсий давралар билан ўрнатган муносабатлари ўша йилларда ҳам юқоридаги қарашларидан воз кечмаганини билдирмоқда. 1926 йилда Истанбулда яшаркан, бу баёноманинг моддаларини янада кенгайтириб, кучайтириб, ўша даврга, дунё шартларига мослаб, янгидан изоҳлаб, энг сўнгги шаклга келтиргани маълум.[274] Аммо шуни ҳам айтиш керакки, у, социализмнинг Русияда ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида яралган совет ҳокимиятини, қонли ва тоталитар тузумни яқиндан билган, уни Оврупо давлатларидаги тузумлар билан қиёслай олган бир олим ва сиёсатчи инсон бўлганига қарамай, ҳатто 1926 йилларда ҳам шўро муҳитига оид айрим тамал фалсафаларга хайрихоҳ эканлиги, ҳақиқатан ҳам, ажабланарли ҳолдир.

[273] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s. 410
[274] Togan, Юқоридаги асар, 418 б.

Ана шуларга суянган ҳолда айтиш мумкинки, Закий Валидий асосан социализмнинг фазилатларига ишонгани ҳолда, Русияда пайдо бўлган коммунистик тузум моделининг ёйилишига қарши бўлган. Валидийнинг фикрича, у таклиф этаётган давлат тузуми фақат Туркистонга махсусдир, уни бошқа бир ўлкага кўчириб бўлмайди, яъни унга рус бўлшевизмининг интернационалчи харакатери мос эмас. Шундай қилиб, бу тузум ҳам миллийдир, ҳам социалистикдир, шунингдек, байналмилалликдан йироқдир ва рус бўлшевизмга ҳам ўхшамайди. Унинг юқоридаги қарашлари 1917 йилда ўтган Русия мусулмонлари қурултойида Аёз Исҳоқий, Садри Мақсудий каби илғор татар миллиятчиларлари билан тўқнаштириб қўйгани ва 1920 йилларгача бўлшевик лидерлари билан бир жабҳада бўлгани, албатта, Закий Валидийнинг чет элларда яшаган ва фаолият юритган йилларида у тўғрида турли-туман гап-сўзларни келтириб чиқарган.

Хориждаги Туркистон ҳаракатида танилган учинчи муҳим муҳим шахсият Усмон Хўжаўғлидир (Туркияда ва бошқа давлатларда у Хўжаўғли, Қўжаўғли тарзида маълум). У Туркистонда 1905 йиллардан ёйила бошлаган жадидлик ҳаракатининг йўлбошчиларидан биридир. У Бухоро амирлигида жадид мактабларининг очилишида муҳим хизмат қилган, 1908 йилда эса, бир дўсти билан Туркияга бориб, Туркистон ёшларини Истанбулда ўқитишни таъминлаш мақсадида Бухоро таъмими маориф хайрия жамиятини қурган. Кейинроқ Истанбулдан Бухорога қайтган Усмон Хўжаўғли 1918 йилдан бошлаб ёш бухороликлар жамиятининг энг илғор аъзоларидан бирига айланади ва Бухоро амири Саид Олимхонга қарши курашда қатнашади. Бухоро амирининг қочишидан кейин қурилган Бухоро халқ жумҳуриятида аввал молия вазири, сўнгра эса, ҳукумат бошлиғи бўлиб хизмат қилади.

Усмон Хўжаўғли жумҳурраислиги даврида Москванинг Бухоро халқ жумҳуриятини советлаштириши сиёсатига қарши жиддий мужодала юритди. Туркиялик ҳарбий асирлар ёрдамида мунтазам миллий қўшин тузишга интилди. Бухоро амирлиги ағдарилган йили қизиллар томонидан Москвага ташилган Бухоро амирилиги хазинасининг маълум бир қисмини Анадўлу ҳукуматига ёрдам сифатида юборилишига эришди. Давлат бошлиғи сифатида Шарқий Бухорода кезиб юраркан, Душанбадаги рус горнизони мансубларини туттирди ва бир баённома нашрини тарқаттириб, Туркистон аҳлини ишғолчи русларга қарши курашга чақирди. Кейинги даврда Анвар пошо билан ҳамкорликда, босмачилик ҳаракати жабҳаларида от сурмоқ истаса ҳам, муваффақ бўлолмади. 1922 йил бошларида Афғонистонга ўтиб, бу ўлкада сиёсий ишларни юритиш ва ҳарбий таъминот маркази ташкил қилиш ишлари билан шуғулланди. 1924 йилда Ҳиндистон йўли орқали Туркияга келиб, бу ерда жойлашиб, сиёсий майдонда Туркистон мужодаласини йўлга қўйишга киришди.

1924 ЙИЛДАГИ БЕРЛИН ҚУРУЛТОЙИ: ЎРТА ОСИЁ МУСУЛМОНЛАРИ МИЛЛИЙ АВОМИЙ ИХТИЛОЛ ЖАМИЯТЛАРИДАН ТУРКИСТОН ОЗОДЛИК ЖАМИЯТИГА ЎТИШ

Русиядаги давлат тўнтаришлари пайтида ўз сиёсий фаолиятини Бошқирдистондан ташқарига, Туркистон ўлкасига қадар ёя олган бу инқилобларнинг илғорларидан бўлиб танилган Закий Валидий, кейинчалик Оврупога борган илк кунлардаёқ, ташқи оламда ҳам ғоядош инсонларнинг дарҳол ташкилот қуриб, бирлашиши кераклигини тушуниб етди. Бу мақсадни амалга ошириш учун, аввало, Туркистондан бу ерга келган зиёлиларни бир ерга тўпласа, иш бошланган бўлади. Закий Валидий ҳаракатга тушди. Хусусан Олмонияда кўпчиликни ташкил қилган Туркистон муҳожирлари билан кўришиб, суҳбатлашди. Натижада умумий бир қурултой ўтказиш фикрини барча бир овоздан маъқуллади.

Бошқа ўлкаларда ташкилот тузиш ва иш олиб боришнинг энг биринчи, энг муҳим шарти фаолият юритиш учун керакли маблағни топишдир. 1920 йилда Ўрта Осиё мусулмонлари миллий авомий ихтилол жамиятлари иттиҳоди қурилган пайтларда, жумладан, жамиятнинг бошқарув ҳайъати Мустафо Чўқайни ташкилотнинг Оврупо вакили дея қабул қилгани ҳолда, Бухоро халқ жумҳурияти хазинасидан 20 қадоқ[275] олтин жўнатишга қарор берилган. Бу олтинларни Чўқайга топшириш учун, аввало, уни иттиҳодчилар тарафидан Берлинда қурилган ихтилоли ислом жамиятининг Берлин бўлимига етказиш режалаштирилган; шунга кўра олтинлар 1922 йил мартида Кобулдаги иттиҳодчилардан Бадри бейга берилган. Афсуски, Бадри бей 1923 йилда Кобулда вафот этган ва унга омонатга берилган олтинлар Парижга юборилмаган. Анвар пошонинг қардоши Нури пошо ўша олтинлар ҳақида ҳеч нарса билмаганини маълум қилгач, бу мавзу ўрганилиб, маълумотлар текшириб чиқилган. Аён бўлишича, ўша олтинларни Афғонистон ҳукумати воситасида Оврупога юбормоқчи бўлишган, аммо Бадри бей вафот этгач ва Жамол пошо Афғонистондан чиқиб кетгач, афғон ҳукумати ўша маблағни мусодара қилиб қўяқолган.[276] Ана шу маълумотга таянган ҳолда Закий Валидий билан Мустафо Чўқай Афғонистоннинг Париждаги элчиси Маҳмудхон Тарзийга мурожаат қилиб, афғон ҳукуматининг олтинларни эгаларига қайтаришини талаб этдилар. Аммо бу ҳаракатлар ҳеч бир натижа бермади ва бир муддатдан сўнг Маҳмудхон Тарзий Франциядан кетгач, бу иш билан шуғулланадиган одам ҳам қолмади. Шундан кейин Закий Валидий

[275] Тахминан 400 грамга яқин демак. Юборилган олтиннинг оғирлиги 8 килограм бўлган.
[276] Закий Валидийнинг 1924 йил 13 майда Берлиндан Мустафо Чўқайга ёзган мактуби (А. Андижон архиви).

инглизларга бу муаммони англатишга ва ёрдам олишга уриниб кўрди, бироқ унинг мурожаатлари жавобсиз қолди.[277]

Бу орада қурултой тайёргарлиги ҳам давом этди. Ёз ойлари бўйича Афғонистон, Эрон ва Туркия каби ўлкаларда тарқоқ яшаётган жамиятнинг эски аъзолари билан керакли ёзишмалар амалга оширилди. Ниҳоят, 1924 йил 24 ноябр куни Аҳмад Закий Валидий, Мустафо Чўқай, Абдулваҳоб Муродий, Тоҳир Шокирзода, Азимбек Беримжон, Фатҳулқодир (Абдулқодир) Сулаймонўғли каби аъзолар иштирокида Ўрта Осиё мусулмонлари миллий авомий жамиятлари иттифоқининг Туркистондан ташқаридаги илк расмий йиғилиши ўтказилди.[278]

Анжуман бошланишида Туркистон истиқлол ҳаракатларининг умумий аҳволи таҳлил қилинди, бирмунча тарқоқлик юз бергани, жамият аъзолари орасида етарли даражада алоқа сақланмагани, моддий ва сиёсий жиҳатдан ҳам нуқсонлар кўплиги аниқланди. Ана шу тарқоқликдан фойдаланган рус бўлшевиклари ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаб ва кучайтириб, Туркистонни парчалаш сиёсатини амалга оширишга киришгани таъкидланди. Айни вазиятда курашни давом эттириш учун қуйидаги асослар қабул қилинди:[279]

---

[277] Закий Валидийнинг 1924 йил 14 майда Мустафо Чўқайга ёзган мактуби (А. Андижон архиви).

[278] Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг “Хотиралар” номли китобида (561 б.) бу йиғилишга Чўқайнинг Париждан, бошқирд миралай (полковник) Олимжон Тағаннинг Будапештдан келгани ва иккаловининг ҳам қасам ичиб, жамиятга аъзо бўлгани айтилган. Хусусан, Чўқайнинг жамият баённомасида “истиқлол” сўзи бўлгани учун унга киришда тараддудлангани ҳам атайин таъкидланган. Яна айни ўринда миллий байроқнинг Самарқандда қабул қилинган шаклда қолишига ва муштарак адабий тил масаласининг музокара этилгани ва қарорлар олингани ёзилмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, “Хотиралар” охирида ана шу йиғилишга оид мажлис баённомасининг асли нусхаси ва туркча таржимаси берилган. Ўша баённома билан танишгач, Закий Валидий Тўғоннинг янглиш маълумот бераётгани аён бўлмоқда. Бу янглишлик тўртта нуқтада аниқ кўринмоқда:

1. 1924 йилдаги Берлин қурултойи баённомаларида Олимжон Таған деган шахс тилга олинмаган, иштирокчилар орасида унинг исми йўқ. Кейинги йилларга оид ҳужжатларда, ТМБ аъзоларининг ёзишмаларида ҳам, ТМБ йиғинлариниг баённома ёки қарорларида ҳам униг номи учрамайди.

2. Анжуман ҳужжатларидан маълум бўлишича, жамиятнинг Берлин қурултойида адабий тил масаласи ҳақида ҳеч қанақа қарор қабул қилинмаган.

3. Закий Валидий Тўғон бу йиғилишда Самарқандда қабул қилинган байроқнинг айни нусхаси маъқул топилганини ёзмоқда. Шунингдек, Валидий “Хотиралар” китобида ҳам, хусусан 383 саҳифасида Туркистон байроғини унинг ўзи, Мунаввар қори, Жонузоқўғли уюштирган бир ҳайъат тарафидан биргаликда тайёрланганини ва ҳатто байроқнинг қабул қилинган куни миллий байрам дея нишонламоқчи бўлганларини ёзган. Аммо Берлин қурултойи ҳужжатларида Валидийнинг юқоридаги сўзларини чиппакка чиқарадиган фикрлар мавжуд. Яъни, қурултой ҳужжатларида ҳанузгача миллий байроқ бўлмагани таъкидланган, Берлиндаги бир гуруҳ томонидан байроқ мавзусидаги фикрлар жамланиб, бир таклиф сифатида жамият аъзоларига юбориш борасида қарор қабул қилинган. Зотан, Туркистон миллий бирлик жамиятининг 1927 йилдаги Истанбул қурултойи қарорларидан бирида ҳам Тўғоннинг Самарқандда тайёрлангани ва маъқулланган иддао этилаётган байроқнинг таърифи тўғрисида ва унинг қабул қилиниши ҳақида сўзлар бор. Ўша 1927 йил қурултойи

“Бўлшевиклар бўладими-йўқми, жамият ўз ишини давом эттириши шарт. Жамиятнинг 1921 йилда Бухоро қурултойида қабул қилинган низомнома бундан кейинги фаолият учун ҳам қонуний бўлиб қолаверади. Жамият бундан олдинги қурултойлар ва йиғилишдарда Ўрта Осиё мусулмонлари миллий авомий жамиятлари иттифоқи дея аталганди. Эндиликда, яъни советлар Туркистонни парчалаш сиёсатини юритиб, ўлкада бир неча жумҳуриятлар яратгани туфайли, “Туркистон” атамасининг, бу сўзнинг аҳамияти ниҳоятда ортиб кетди... Бу сўзни эндиликда душманлар пантуркизм, панисломизм каби таъқиқланган, тамға босилган сўзга айлантирадилар. Шу сабабли жамиятнинг номида Туркистон сўзи бўлишини тарихий шароит тақозо этмоқда. Ана шундай қилиб, бу ташкилотнинг номи Туркистон озодлик жамияти дея ўзгартирилди. Жамият ўлкаларга кўра номланиши, яъни Туркистон озодлик жамиятининг Ўзбекистон комитети, Қозоғистон комитети ва ҳ. тарзда бўлади... Бошқирдистон жуғрофий жиҳатдан узоқда жойлашган бўлса ҳам, иқтисодий йўлларда бир орада ҳисобланиши мумкин... То озодликка эришгунга қадар жамият яширин иш юритади... Жамиятнинг бузғунчилик қилган аъзолари йўқ қилинади... Жамиятнинг Берлиндаги аъзолари онт ичдилар, янги аъзоларнинг қасам ичиш маросими ҳам ўтказилди. Туркистон миллий байроғи тайёрланажакдир.

Жамият раиси Аҳмад Закий Валидий, истеъфо берганига қарамай, бошқа аъзолар томонидан унинг истеъфоси қабул қилинмади.”[280]

Қурултой жамиятнинг бошқарув ҳайъатини ҳам белгилади. Олинган қарорга кўра, Туркистон озодлик жамиятининг хориждаги

қабул қилган Туркистон миллий байроғининг расми Истанбулда чиқарилган “Йени Туркистан” мажмуасида босилган. Демак, ана шуларга таянган ҳолда айтишимиз мумкинки, Тўғоннинг “Бугунги Туркэли-туркистон ва яқин тарихи” ва “Хотиралар” каби китобларида тилга олган байроқнинг Самарқанд қурултойида қабул қилингани борасидаги иддаолари ҳақиқатга зиддир.

4. Берлинда ўтказилган қурултой мазбатасига оид ҳужжатларда жамиятнинг барча аъзоларига янгидан қасам ичирилиб қайта қабул қилингани ва шу йўл билан аъзолар гуруҳи тозалангани баёт қилинган. Демак, Валидий айтганидек фақат Мустафо Чўқай эмас, балки барча аъолар янгидан онт ичишган. Шунингдек, Тўғон Мустафо Чўқайнинг Туркистон озодлик жамиятига киришни истамаганини айтиб, уни бу ишга зўрлаб кўндирганларини таъкидламоқда. Бу ҳам тўғри эмас. Зотан, Тўғоннинг шахсан ўзи “Хотиралар” китобида (492 б.) Афғонистонда экан, ТМБ аъзолари билан биргаликда ўтказилган йиғинда Мустафо Чўқайни ташкилотнинг Оврупо вакили этиб тайинланганини ёзган. Афғонистондаги ўша йиғилиш 1923 йил 26 июнда, яъни Берлин қурултойидан 17 ой олдин ўтказилган. Ўша Афғонистондаги анжумандан кейин Валидийнинг Чўқайга ёзган мактубларида Мустафобекнинг бу вазифани рад қилганига оид бирор фикр ёки кичик бир ишора ҳам бўлмагани каби, устига устак, Чўқайнинг ТМБ Оврупо вакили ўлароқ жиддий ишлаганини кўрсатадиган хатлар мавжуддир. Бу борадаги ана шу нуқталар мушоҳада қилиб кўрилса, Закий Валидийнинг бу мавзуда ёзган сўзларида шахсий ҳис-туйғуларига берилиб кетгани, юқоридаги фикрлари янглиш эканлиги аён бўлади.

[279] 1924 йил қурултойи баённомаси (А. Андижон архиви).

[280] Берлинда ўтказилган 1924 йил қурултойининг асл ҳужжатлари нусхаси китобнинг иловалар бўлимида берилган.

ҳайъати марказ қўмитаси Аҳмад Закий Валидий, Мустафо Чўқай, Абдулҳамид Ориф, Садриддинхон ва Миёнбузрук доҳил беш кишидан тузилди. Жамият раиси Аҳмад Закий Валидий, ўринбосари Мустафо Чўқайдир. Жамиятнинг Машҳаддаги (Эрон) бўлимида Абдулҳамид Ориф, муфти Садриддинхон ва Туроббек хизмат қилади. Истанбул бўлимидаги ишларни Миёнбузрук ва Маҳмуджон юритади. Олмонияда эса, Закий Валидий, Тоҳир Шокир, Абдулваҳоб Муродий, Аҳмаджон Иброҳим ва Азимбек Беримжондан иборат беш киши фаолият кўрсатади. Берлин шаҳридан ташқарида ўқишини давом эттираётган Тоҳир Шокир бўлмаган пайтда мажлисларда унинг номидан ваколатан Фатҳулқодир Сулаймонўғли[281] қатнашади.

Бу қурултой хориждаги илк анжуман бўлиши жиҳатидан тарихий аҳамиятга моликдир. Қурултойда олинган қарорлар таҳлил этилганида, бўлшевикларнинг Туркистонни парчалаб, осонгина бошқариш мақсадида бу ўлкада ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз каби туркий қавмлардан алоҳида-алоҳида миллатлар яратиш сиёсатини ҳатто ўша кунларда ҳам Туркистон зиёлилари ва сиёсатчилари яхши англаб етганларини англаш мумкин.

Закий Валидий хотираларида эрк фирқасининг хорижда яшаётган 22 аъзоси маъқуллагандан кейингина бу йиғилишга қатнашганини билдирмоқда. Шунингдек, Валидийнинг эслашича, Мустафо Чўқай ва баъзи жамият аъзолари тараққийпарвар жадидлар фирқасининг вакили сифатида бу қурултойда иштирок қилган. Хуллас, Тўғоннинг айтишича, Туркистон ичкарисидаги партияларнинг вакилларидан тузилган бу жамият хорижда ҳам айни мақомда ишини давом эттирган.[282]

Берлин қурултойидан кейин хорижда Туркистон мужодаласини йўлга қўйишда шаҳдам одимлар отган туркистонлик зиёлилар Овруподаги бўлшевизмга қарши гуруҳлар ва оқимлар билан алоқаларини кучайтирдилар. Оврупо матбуотида Туркистонга оид хабар ва мақолалар чиқариш юритилаётган фаолиятнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Бироқ қурултойдан қисқа бир муддат ўтиб, Туркистон озодлик жамияти бошқаруви ичида келишмовчиликни юзага чиқарган бир ҳодиса бўлди. 1924 йилнинг 24-25 декабр кунлари Олмонияда рус бўлшевикларининг коммунистик тузумини маъқуллаган социалист партияларнинг халқаро конгресси ўтказилди. Эсэр (социалист революционер)лар партиясининг собиқ лидери Чернов бу анжуманга Туркистондан вакил сифатида Закий Валидийни таклиф этганди. Валидий конгрессга қатнашиб, “Бўлшевизмдан социализмга” деган

[281] Абдулқодир Инон; бошқирд, кейинчалик Туркияда машҳур тарихчи олим ўлароқ танилди.
[282] Togan, *Hatıralar*, s. 564.

маърузасини ўқиди. Ана шу ҳодиса туфайли Туркистон озодлик жамиятининг икки муҳим раҳбари ораси бузилди.



Туркистон озодлик жамиятининг Берлин бўлими аъзолари: Ўтирганлар (чапдан ўнга): Абдулваҳоб Муродий, Мустафо Чўқай, Аҳмаджон Иброҳим (Ўқой). Тик турганлар: Собир Туркистонли, Абдулваҳоб Исҳоқўғли (Ўқтой), Тоҳир Шокир (Чиғатой), Азимбек Беримжон.

Берлин, 1925 й. (А. Андижон архиви)

Мустафо Чўқайнинг фикрича, жамият аъзолари бундай йўналишли анжуманларга қатнашмаслиги керак ва Туркистондан вакил сифатида иштироки ҳам жамиятнинг мақсад ва ғояларига зиддир. Ўша йилларгача социалистларга хайрихоҳ бўлган ва улар билан ҳамкорлик қилган, демократ характерли Чўқай учун ихтилолчи, давлат тўнтариши билан шуғулланадиган социалистлар билан муносабат қуриш ақлга сиғмас бир иш ҳисобланарди. Чўқайнинг бу танқидий фикрларига қарши Валидий “Мен бу йиғилишда Туркистон озодлик жамиятининг аъзоси эмас, эрк партиясининг вакили сифатида маъруза қилдим. Зотан, жамиятнинг 7 моддадан иборат баённомасидан ташқаридаги барча мавзуларда ҳар бир партия аъзоси ўз истагига кўра ҳаракат қилиши мумкин” дея жавоб берди ва ўзини бу тарзда ҳимоя қилди.[283] Икки раҳбар ўртасидаги бу зиддият бошқа аъзолар воситасида юмшатилди. Аммо бу зиддият бу ерда

[283] Togan, *Hatıralar*, s. 568

тўхтагани билан, бошқа баҳоналар билан кейинчалик ҳам янада кескинроқ давом этди.

1925 йилда Туркиядаги миллиятчилик, туркчилик ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири, маориф вазири Ҳамдуллоҳ Субҳий Тангриўвар хайрли бир иш бошлади: турк дунёсининг хорижда, Оврупода яшаётган лидерларини Туркияда тўплаш мақсадида барини бу ўлкага даъват этди. Ана шу фаолият натижасида Садри Мақсудий Арсал, Аёз Исҳоқий, Фуод Тўхтаров, Абдулла Баттол Тоймас каби атоқли кишилар Туркияга келишди. Ўша пайтда Оврупода турган доктор Ризо Нурнинг Туркияга қайтгач кўрсатган ғайрати боис Закий Валидий ва Фатҳулқодир Сулаймон ҳам маориф вазирлиги тарафидан Туркияга таклиф қилинди. Ана шу ҳодисалардан сўнгра Овруподаги Туркистон озодлик жамияти аъзолари 1925 йилнинг 9 май куни яна бир йиғилишга тўпландилар. Яна Берлинда ўтказилган бу анжуман жамият марказининг Истанбулга кўчирилишига, Мустафо Чўқайнинг эса, Оврупо вакили ўлароқ ишини давом эттиришига, маблағ уюштирилган тақдирда, Туркияда жамиятнинг нашрини йўлга қўйишга қарор берди.[284] Ана шундай қилиб, Туркистон миллий ҳаракатининг маркази эндиликда Туркияга кўчадиган бўлди ва асосий фаолиятларнинг бу ўлкада олиб борилиши ойдинлашди.

[284] Togan, *Hatıralar*, s. 589

АСИР МИЛЛАТЛАР ЖАБҲАСИ: ПРОМЕТЕЙ

“Прометей жабҳасини ташкил қилган гуруҳлар ўз-ўзларича советларга қарши курашишга кучлари етмасди. Шунинг учун ҳам бу жабҳа ўз даврида, тарих тақозоси туфайли юзага чиққан бир ҳаракат эди.”

Тоҳир Чиғатой

ПРОМЕТЕЙ ҲАРАКАТИНИНГ ИЛДИЗЛАРИ

Прометей юнон мифологиясида ўт худосидир. Юнонларнинг қадимги эътиқодига кўра, худолар худоси Зевснинг таъқиқлаганига қармасдан, Прометей инсонларга ўт-оловни беради ва бу билан уларга тараққий келтиради. Аммо Зевс ундан ваҳшиёна қасос олади. Прометей жазоланади: тоғ тепасида занжирлаб қўйилади. Зевснинг хизматкори бургут ҳар куни келиб, кун бўйи Прометейнинг қорнини ёриб ейди, кўз қорачиғларини чўқиб ейди. Тун бўйи қорачиғлар ўз-ўзини тикламоқда ва Прометей ҳам ўзига келмоқда. Эртаси куни яна хизматчи бургут Прометейнинг қорни ва қўз қорачиғларини чўқиб емоқда ва бу машъум ҳодиса ҳар замон, ҳар куни давом этмоқда...

Атрофи кучли қўшни давлатлар билан ўралган Пўлўния[285] худди Прометейга ўхшарди. Бу ўлка тарих бўйича кучли қўшнилари тарафидан бир неча бор босиб олинган, парчаланган ва яна янгидан тикланган. XX асрга кириларкан, Лахистон давлати Русия, Прусия, Австрия-Можаристон давлатлари томонидан яна бир бор босиб, бўлишиб олишга маҳкум вазиятда эди. Зотан, энг сўнгги ишғолдан кейин, яъни 1864 йилда Лахистоннинг Русияга қарам қисмида бошланган исёнлар қонли шаклда бостирилган, Русия ва Прусия ўзлари мустамлака қилган минтақаларда жиддий ассимиляция сиёсатини амалга оширишга киришган эди. Бунга қарама-қарши ўлароқ Австрия-Можаристон империясига қарашли Галиция вилоятида нисбий бир мустақиллик бор эди, бу ерлардаги лахлар ўз миллий хусусиятларини, миллий турмушларини сақлаб қолишганди. 1900 йилларга келиб Русияда турли партиялар майдонга чиққани каби Лахистонда ҳам ҳар хил сиёсий гуруҳлар ва фирқалар пайдо бўла бошлаганди. Улардан энг муҳимлари Рўман Дмовский бошчилигидаги

[285] Усмонлилар империяси даврида ва Туркия жумҳуриятининг илк йилларида Лахистон дейиларди (русчада Полша –тарж.).

халқ демократик партияси, Жўзеф Пилсудский раҳбарлигидаги Пўлша социалистлар партияси ва яна социал демократлар фирқаси эди. Жўзеф Пилсудскийнинг социалистлар партияси баённомасига кўра анчагина Радекал ҳисобланарди ва улар ягона мақсадга, тўла мустақилликка интилишарди.

Пилсудскийнинг фикрича, Русия империяси парчаланиб ағдарилмагунча Пўлшанинг истиқлолга эришмоғи мумкин эмасди. У ана шу тушунчасини рус-япон уруши бошланишидан олдинги йилда Япония ҳукуматига топширган бир меморандумда ҳам ифода этганди. 1904 йил 13 июнда ёзилган ана шу меморандумда Пилсудский ўз сиёсий қарашини очиқ айтиб, Русиянинг парчаланиши учун чор империясидаги ғайриуслар, яъни мустамлака миллатлар ва Усмонли турклар билан ҳамкорлик қилиш шарт эканини таъкидлаганди.[286] Бу талаблари япон ҳукумати тарафидан қабул қилинмаган бўлса ҳам, ана шу меморандум туфайли жаноб Пилсудский прометейчилик ҳаракатининг отаси ҳисобланади.

Пилсудский Туркия-Лахистон ҳамкорлиги мавзусига ҳам жуда катта эътибор берган. Унинг ташаббуси билан 1912-1913 йилларда Краков шаҳрида Лахистон-Туркия дўстлик жамияти ташкил этилган. Жамиятни қурганлар орасида шарқ халқлари билимдони, кейинчалик Лахистон ташқи ишлар вазири мақомига кўтарилган Леўн Василевский ва Пилсудскийнинг яқин дўсти Мичел Соколниский ҳам бўлган. 1916 йилда лах халқининг ҳуррият курашчиси Пилсудский Будапешт шаҳридаги Туркия консулига Усмонли ҳукуматига мурожаати ифодаланган бир меморандумни топширди. Бу сиёсий мактубда у Лахистон, Можаристон, Булғористон ва Усмонли давлатининг Русияга қарши бир иттифоқ тузишга чақирганди. Шундай иттифоқ тузилса, Вистул дарёсидан Сувайш каналига қадар чўзилган жуда улкан бир жабҳа яратилган бўларди. Пилсудскийнинг Туркияга нисбатан ана шундай хайрихоҳлиги биринчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳам давом этди ва Усмонли салтанати ағдарилиб, ўрнида Туркия жумҳурияти қурилганида ҳам унинг раҳбарлари билан алоқа ўрнатишга интилди. Масалан, 1922 йилда, Лўзанда музокаралар давом этаркан, йарбай (подполковник) Тадеусз Сехаетзел бошчилигидаги бир Лахистон сиёсатчилари ҳайъатини Туркия ҳайъати бошлиғи Исмат Инўну билан махфий кўришиш учун Швецияга юборган.[287]

Биринчи жаҳон уруши Пўлшани Австрия ва Русия ўртасидаги курашнинг ниҳоятда муҳим бир унсурига айлантириб қўйганди. Лах аскарларидан бир қўшин ташкил этган Пилсудский уруш йилларида Австрия томонида туриб русларга қарши жанг қилди. Унга қарши бўлган

[286] Targalski, *Les plans Polonais concernant l`éclatement de l`URSS, Le mouvement ‘‘Prométhée et le Caucase*, s. 9
[287] Targalski, *Les plans Polonais concernant l`éclatement de l`URSS, Le mouvement*, s. 10

Пўлша халқ демократик комитетини тузган Дмовский ва партияси урушда Русия тарафини тутди. Биринчи жаҳон уруши қизиб бораркан, чор Русиясига қарши курашаётганлар жабҳасини кенгайтириш ва кучайтириш мақсадида Олмония ва Австрия-Можаристон иттифоқи раҳбарлари Лахистоннинг ўзлари ишғол қилган ерларида алоҳида Пўлша қироллиги қурилишини эълон этдилар. Бу қарор, бу ҳодисалар Пўлшада мустақил давлат қуриш учун курашаётган Пилсудскийга мақбул эмасди, албатта. Шундай бўлса ҳам, янги қурилган муваққат ҳукумат кенгашидаги ҳарбий ишларни бошқаришни ўз бўйнига олди. Бу вазият Пилсудскийга Олмония ёрдамига суяниб, лах аскарларидан иборат қўшин тузиб олишга имкон берганди.

Айни шу пайтда Русияда кўтарилган ғалаъёнлар ва бўлшевикларнинг давлат тўнтариши Русиянинг урушдан чекилишига олиб келди. Бу аввалдан шаклланган мувозанатни бузиб юборди. Русия билан урушнинг тугаши шарқ жабҳасида яйраб қолган Олмониянинг Пўлша сиёсатини бутунлай ўзгартиришига сабаб бўлди. Лахистон қўшинларини ўз назоратига олишни истаган Олмония ўрдуси Пилсудский лашкарларининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Шундан сўнг Олмония давлати Пилсудскийни тутиб қаматтирди ва муваққат ҳукумат кенгашини бекор қилди. Шунинг устига ғарбдаги антанта давлатлари Парижда ташкил топган Пўлша миллий комитетини расман тан олиб, уларнинг вакиллик кенгаши қуришига изн берди. Шу туфайли Олмония давлати Пилсудскийни мажбуран озод этди. Пўлша вакиллар ҳайъати яна Пилсудскийга ҳарбий ишларни бошқариш вазифасини топширди. 1918 йил ноябр ойида Пилсудский Варшавага етиб келди ва уч кун сўнгра давлат бошлиғи деб эълон қилинди. Биринчи жаҳон урушида Олмониянинг енгилиши муносабати билан Пўлшадаги олмон ҳокимияти ҳам тугади. Уруш сўнгида имзоланган Версал битимига кўра Пўлша аввалдан ўзига тегишли бўлган ерларнинг бир қисмини яна қайтиб олди. Аммо лах тупроқларининг катта бир бўлаги ҳамон Русия мустамлакалари ичида қолганди. Бу ҳолат янги Русия-Пўлша урушига сабаб бўлди. Бу уруш Пилсудскийга Русия ишғоли остидаги миллатлар билан ҳамкорликда, бир жабҳада чор мустамлакачилигига қарши кураш имконини яратди. Пўлша ҳарбий кучлари ичида алоҳида мусулмонлар қўшини тузишга қарор берилди ва дарҳол амалга оширилди. Лахистон ўрдуси Киевга кираркан, Мустафо Аҳмедов қўмондонлигидаги шимолий қафқазликлар, озарбайжонлар, татарлардан иборат қўшин ҳам улар билан бирга эди. Пўлшаликлар бу урушда ғалаба қозонди ва 1921 йил март ойида Ригада тузилган сулҳ битимига кўра ўлка сўнгги жуғрофий шаклига эришди. Мустақилликдан кейин ўтказилган сайловда Пилсудскийнинг номзоди давлат бошлиқлиғига қўйилмади, у мудофаа вазири этиб тайинланди. Аммо 1923 йилда ҳукуматда номақбул сиёсий вазиятнинг ҳокимлиги туфайли истефо берди, нафақага чиқди ва Сулежовекка жойлашди.

Пўлша мустақиллиги ҳаракатининг энг муҳим жонкуяри бўлган маршал Пилсудский охирги икки юз йил ичида ўлкасини бир неча бор босиб олган ва икки марта дунё харитасидан ўчирган Русиянинг яна ўшандай босқинчилик қилишига шубҳаланмасди. Бу машъум эҳтимолнинг йўқотилиши учун эса Русиянинг тарқатилиши талаб этиларди. Бунинг амалга ошиши русларга қарам миллатларнинг озодликка чиқиши билангина юзага келарди. Ана шу боис маршал Пилсудский Русия асоратидаги миллатларнинг масалалари билан шуғулланиш Пўлшанинг ўз муаммолари билан шуғулланишга тенгдир, деган фикрга келди

1922 йилдан Пўлша ҳокимияти бошига келган раҳбарлар даврида Пилсудскийнинг прометейчилик ҳаракатига эътибор берилмади. Бироқ прометейчилик ҳаракатига фикрдош баъзи давлат маъмурлари, ҳукумат хабарсиз бир ҳолатда, бу ғояга хайрихоҳ айрим ишларни амалга оширдилар. Масалан, 1922-1926 йиллар орасида Оврупода жойлашган бир неча халқларнинг муҳожи ротдаги лидерлари билан муносабат ўрнатиш йарбай (подполковник) Тадеусз Сехаетзел ва иккинчи бўлим[288] ходими юзбоши Сучанак, шунингдек, Пўлша давлати ташқи ишлар вазирлигининг шарқ доираси ходими Лукасиевитз воситасида олиб борилган. 1924 йилнинг куз ойларида Сехаетзел Истанбулдаги Пўлша ҳукумати элчихонасига ҳарбий маслаҳатчи қилиб тайинланди. Пилсудский уни Сулежовекдаги уйига чақирди ва унга советлар иттифоқи ичидаги қарам миллатларнинг хориждаги мустақиллик ҳаракати вакиллари билан учрашиб, улар билан алоқа ўрнатиш вазифасини топширди. Сехаетзел Украина, Гуржистон, Қафқаз, Озарбайжон, Қирим, Эдил-Ўрол ва Туркистоннинг сиёсий муҳожирлари билан учрашиб, улар билан яхши алоқа ўрнатди, улардаги мустақиллик орзу-истакларининг қайноқ ва чексизлигига, бу йўлдаги ишларига юксак баҳо берди.

ОВРУПОДА ПАНОҲ ТОПГАН ГУРУҲЛАР

1920 йилларда Овруподаги рус бўлмаган совет муҳожи рлари орасида энг эътиборлиси гуржилар гуруҳи эди. Гуржистонни советлар ишғол қилганидан кейин собиқ давлат бошлиғи социалист Нўйа Жўрданийа ва кўп сонли парламент аъзолари Парижга келиб жойлашди ва у ерда муҳожир гуржилар ҳукуматини ташкил этди. Бу ҳукумат 1930 йил бошларигача Франция тарафидан ва муваққат ўлароқ Англия ва Белгия ҳукуматлари томонидан ҳам расман тан олинди. Швеция давлати ташқи ишлар вазири Гуисеппе Мўтта ва “Journal de Cenévé”нинг бош муҳаррири Жан Мартин гуржи муҳожирларининг энг катта паноҳи ва

[288] Ҳарбий разведка ва контрразведка бўлими.

ёрдамчиси эди. Гуржилар қўлловчиси вазир Гуисеппе Мўтта айни пайтда миллатлар ташкилотида ҳам хизмат қиларди, шу боис у сургундаги гуржи ҳукуматининг халқаро майдонда расман танилиши ва тан олинишида жуда муҳим кўмак кўрсатди. Атоқли журналист бўлган Жан Мартин халқаро гуржилар комитетининг бошлиғи вазифасини бажарарди. Миллатлар ташкилотининг маркази жойлашган Женевада ҳам гуржилар гуруҳининг доимий вакили фаолият олиб борарди. Хориждаги гуржи ҳукумати Нўйа Жўрданийани қонуний давлат бошлиғи деб биларди. Жўрданийа гуруҳидан ташқари, хорижда Спиридўн Кедийа вакиллик қилаётган гуржи миллатчи демократлари гуруҳи ҳам бор эди.

1918 йилда Украина оқ руслар тарафидан босиб олингач, хорижга чиққан Украина лидери Симон Петлюра[289] кейинчалик ҳукуматни эгаллаган қизилларга қарши курашди, фақат муваффақият қозонолмади. Ана шундан кейин Пўлшага келган Петлюра маршал Пилсудский билан ҳамкорликда шўро ҳукуматига қарши курашмоқ учун бир битимни имзолади ва советларга қаратилган мужодалада доим Пўлша билан бир жабҳада турди. Пўлша ва шўро ҳукумати ўртасида имзоланган Рига битимига кўра Украина советлар ичида қолгач, Петлюра ҳам Украинанинг бошқа собиқ раҳбарлари қаторида Парижга келди. Бу ерда у Украина миллий ҳаракатини ташкил қилди, “Трисуб” номли журнални чиқара бошлади. Афсуски, 1926 йилда, Украинада ўлдирилган яҳудийларнинг ўчини олмоқчи бўлган Шалом Шавартсбард деган бир жуҳуднинг суиқасди туфайли ўлдирилди. Петлюрадан кейин Украина миллий ҳаракатини собиқ ташқи ишлар вазири Шулгин бошқарди.

Қизиллар Озарбайжонни босиб олганидан сўнгра Озарбайжон халқ миллий шўроси тарқатилди, шўро раиси Муҳаммадамин Расулзода ЧКа[290] тарафидан тутилиб, Москвага олиб кетилди. 1922 йилда Москвадаги қамоқдан қочган Расулзода Финландия орқали Туркияга етиб келди ва бу ерда хориждаги мусавот партияси аъзоларини тўплаб, Озарбайжон миллий марказини қурди. Бу озарбайжон муҳожирларидан ташқари, Парижда бир пайтлар Версал музокараларига қатнашиш учун юборилган Озарбайжон ҳайъатининг икки аъзоси, Алимардон Тўпчибоши ва Жайҳун Ҳожибейли ҳам бор эди. Ўтмишда чор Русияси ҳукуматининг парламенти (дума) аъзоси бўлган ва кейинчалик мустақил Озарбайжон халқ жумҳурияти парламентига раислик қилган Тўпчибоши муҳожирлар дунёсида анчагина танилган шахс эди.

Худди шундай ишлар Шимолий Қафқаз сиёсий муҳожирлари бошидан ҳам ўтди. Бўлшевиклар бу ўлкани ҳам ишғол этганидан кейин Шимолий Қафқаз ҳукуматини бошқарган кишилар ҳам Оврупога қочишга мажбур бўлди. Шимолий Қафқаз муҳожирлари Қафқаз

[289] Баъзи манбаларда Семен тарзида берилган.
[290] ЧКа – аксилинқилобчиларга, атайин иш ташловчилар ва бошқаларга қарши курашувчи фавқулодда комиссия.

тоғлиқлари халқ партиясининг[291] вакиллари ўлароқ фаолият юритдилар. Аввал улар ҳур Қафқаз тоғлиқлари халқ партияси[292] сифатида танилганди. Бу фирқа уч киши томонидан бошқариларди. Улар орасида энг эътиборлиси машҳур шайх Шомилнинг невараси Саид Шомил эди. Улардан ташқари, Шимолий Қафқаз ҳукуматининг собиқ вазири Ҳайдар Баммат атрофида тўпланган яна бир гуруҳ ҳам бор эди, улар Баммат тўдаси дейиларди.

Овруподаги Эдил-Ўрол татарлари хориждаги муваққат татар ҳукумати бошлиғи Аёз Исҳоқий раҳбарлигида уюшган эдилар. Эдил-Ўрол муҳожирларининг бир қисми эса, Японияга ва Узоқшарқдаги баъзи ўлкаларга тарқалиш арафасида тураради.

Қирим татарлари асосан Туркияда ҳамда Руминия, Пўлша, Литва каби давлатларда муҳожирот ташкилотларини қуриб иш юритмоқдайди. Миллий фирқа аъзолари Қирим ҳукуматининг собиқ ташқи ишлар вазири Жаъфар Саидаҳмад (Қиримэр) атрофида яна жипслашди.

Туркистонликлар эса, китобнинг биринчи бўлимида таъкидлаганимиздек, Туркистон озодлик жамиятида уюшган ҳолда фаолиятга киришганди. Жамият раиси Аҳмад Закий Валидий, Оврупо вакили Мустафо Чўқай эди.

Юқорида тилга олинган ташкилотлардан ташқари, бошқа миллатларнинг муҳожирлари томонидан қурилган жуда кўп жамиятлар ва бирлашмалар ҳам бор эди. Айниқса, Прометей ҳаракати фаоллари Пўлшада ва ташқарида иш олиб боришда бошқалардан ажралиб тутарди, улар барча истиқлолчи ва демократик муҳожир ташкилотлар билан муносабат ўрнатишга киришдилар.

ПРОМЕТЕЙ ТАШКИЛОТИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Пўлшанинг совет муҳожирлари билан алоқаси Прометей ташкилотининг қурилишидан аввалроқ бошланганди. Истанбулдаги Лахистон элчиси Артур Кнўл, ҳарбий маслаҳатчи Сехаетзел ва дипломат Хўлўвкўнинг саъйи ҳаракатлари билан 1924 йил ноябр ойи бошида Озарбайжон, Гуржистон ва Шимолий Қафқаз миллий ҳаракати вакиллари биргаликда анжуман ўтказиб, Қафқаз истиқлол қўмитасини тузишди. Қўмитага озарбайжонлардан Расулзода ва Султонов, гуржилардан Рамишвили, Мдивани ва Вачнадзе, Шимолий Қафқаздан Саид Шомил, Муродбек ва Алихон Кантемир кирганди. Бу уюшма келажакда уюштириладиган бир федерацияга томон илк одим деб ҳисобланди.[293]

[291] Народная партия горцев Кавказа.
[292] Народная партия волних горцев Кавказа.
[293] Targalski, *Les plans Polonais concernant l`éclatement de l`URSS, Le mouvement*, s. 11

Қафқаз истиқлол қўмитаси Прометей жамияти тарихи нуқтаи назаридан жуда муҳимдир ва унинг бошланғичидир. Афсуски, Прометей ташкилоти борасидаги тадқиқотларда бу мавзуга етарлича аҳамият берилмаяпти. Бунинг устига, Версал сулҳ музокаралари учун Парижга борган ва юртларини бўлшевиклар босиб олгани сабабли Францияда қолиб кетган ҳайъатларнинг фаолиятлари билан Истанбулда илк дафа яширин суратда қурилган Қафқаз истиқлол қўмитаси ва унинг ишлари қориштириб юбориляпти. Турли манбалардаги ана шундай хатолар боис Қафқаз истиқлол қўмитасининг лахлар бошлаган ишлардан анчагина аввал ва Прометейга бутунлай алоқасиз бир ҳолда қурилган деган фикр пайдо бўлмоқда. Прометей жабҳасининг шаклланиш даврини тўғри тушуниш учун Парижга борган ҳайъатлар тарафидан тузилган Қафқаз доимий кенгаши билан Истанбулда махфий қурилган Қафқаз истиқлол қўмитаси орасидаги фарқни англамоқ кўп муҳимдир.

Версал сулҳ музокараларида қатнашиш учун Парижга борган Қафқаз халқлари ҳайъатлари ўлкаларининг советлар томонидан ишғол этилгани сабабли орқага қайтолмадилар ва Францияда қолиб кетдилар. Ҳайъатларнинг раҳбарлари Алимардон Тўпчибоши (Озарбайжон), А. Агоронян (Арманистон), А. Ченкели (Гуржистон) ва А. М. Чермўй (Шимолий Қафқаз) биргаликда йиғилишиб, 1921 йилда ўлкаларининг мустақиллиги учун ҳамкорликда фаолият юритишга келишиб олдилар ва ана шу гуруҳ Қафқаз доимий кенгаши деб аталди.[294] Бу кенгаш аъзолари 1924 йил сентябр ойида Гуржистонда шўро ҳукуматига қарши кўтарилган қўзғолоннинг бостирилишини қоралаш мақсадида яна йиғилиш ўтказдилар ва советлар зулмини фош этувчи декларация қабул қилиб, уни бостириб, жамоатчиликка тарқатдилар. Бу кенгашнинг фаолияти шу билан чегараланади. 1924 йилда Қафқаз истиқлол комитети марказининг Парижга жойлашишидан анча аввалроқ, аъзоларининг тарқалиб кетгани туфайли Қафқаз доимий кенгаши ўз ишини тўхтатганлиги ва ёпилгани маълумдир.

Пўлша ташқи ишлар вазирлиги ходими, дипломат Тадеус Хўлўвкў 1925 йилда Парижга бориб, Украина ва Гуржистоннинг сиёсий лидерлари, ундан кейин эса Истанбулга келиб, бу ердаги Туркиядан ташқаридаги туркий халқларнинг муҳожиротдаги сиёсатчилари билан учрашди.[295] Мақсад бу гуруҳларнинг барчасини бир ерда тўплаб,

---

Таргалский таъкидлаган Қафқаз истиқлол қўмитасини тузганлар билан, бизнингча, бу жамият баённомасини имзолаганлар орасида фарқ бор. Вачнадзенинг ёзишича, тузилиш баённомасини озарбайжонлар номидан Хусрав Султонзода, А. Шайхулисломзода, Абдул Али Амиржон, гуржилар номидан М. Тсеретелли, А. Ассатиани ва Д. Вачнадзе, Шимолий Қафқаз номидан В. Жабаги, А. Кантемир, А. Намитўк имзолаганлар (Vaçnadze, *Hariçte Kafkasya Birliği Hareketi Tarihi*, Birleşik Kafkasya, 1953, № 3-4, s. 10)

[294] Rasulzade, *Kafkasya Meselesi*. Kafkasya 1952, №11-12, s.6.; Vaçnadze, *Hariçte Kafkasya Birliği Hareketi Tarihi,* Birleşik Kafkasya, 1953, №3-4: s.10

[295] Закий Валидий Тўғоннинг “Хотиралар” китобида (477 б.) 1924 йил июн ойида Берлинда Лахистондан келган Стемповский деган бир кишининг ўзини зиёрат қилганини, суҳбат

мустамлака вакилларининг шўрога қарши ҳамкорликдаги жабҳасини яратиш эди. 1926 йилнинг май ойи Пўлша ҳукумати ва Прометей ҳаракати учун ҳам бирдай муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Бир четдаги кузатувчидай қулай пайтни кутаётган маршал Пилсудский, фурсат келганини сезди ва ногаҳоний ҳарбий тўнтариш ясаб, ҳукуматни ағдарди. Давлат бошлиғи вазифасига ўзининг яқин дўсти профессор Игнатий Мостситскийни сайлаттирди. Пилсудскийнинг ўзи эса ҳарбий вазир ва Лахистон қуролли кучларининг бош тафтишчиси мақомида қолишни танлади. Бу янги ҳукуматда Пилсудский оддий бошқарувчилар қаторида тургандай кўринса ҳам, аслида, давлатни зимдан бошқараётган энг муҳим шахс эди, хусусан, ташқи сиёсат ва мудофаа масаласи фақат унга боғлиқ эди.[296] Эндиликда Пилсудский анчадан буён ўйлаб юрган ғоясини амалга ошириши, руслар истилоси остида қолган миллатларнинг Овруподаги вакилларини бир ерда тўплаб, жиддий бир халқаро сиёсий ташкилот тузиб, кенг кўламда фаолият юритиши мумкин эди. Зотан, унга боғлиқ лах сиёсатчилари икки йилдан бери бу йўлдаги керакли ишларни бажаришган, жамиятнинг пойдеворини яратишганди. Шундай қилиб, Прометейчилик тушунчасини оммалаштиришга, жиддий сиёсий ташкилот тузишга, халқаро бир сиёсий ҳаракатнинг бошланишига ҳеч бир тўсиқ қолмаганди.

Прометейчилик ҳаракатининг жадаллашуви билан бир қаторда, 1924 йилда Истанбулда қурилган Қафқаз истиқлол қўмитасининг маркази эндиликда Парижга кўчирилди. Қўмита аъзолари бу ҳодисанинг сабабларини янги вазиятларга, Қафқаз сиёсий муҳожирларининг асосан Парижда жойлашганига боғлашди.[297] Бу ерда очиқ айтилмаган фикр “янги вазиятлар” жумласига боғлиқ, яъни, Туркия ва совет давлати ўртасида тузилган битимга ва ундаги бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик моддасига кўра пайдо бўлган “янги вазият” шўрога қарши юритилаётган сиёсий ҳаракатларни қийинлаштиргани кўзда тутилган бўлиши керак. “Қафқаз сиёсий муҳожирларининг асосан Парижда жойлашгани” жумласини ҳам Прометей ташкилотининг қурилиш ишлари асосан Парижда бажарилганига боғлаш мумкин. Қафқаз истиқлол

давомида советлар асоратидаги миллатларнинг ўзаро бир иттифоқ қуришлари кераклиги, тузилажак Прометей ташкилоти ва нашр этилиши мўлжалланган “Прометей” журнали хусусида гап кетганини эслаган. Бироқ Стемповскийнинг номи Прометей билан алоқадор Лахистон манбаларида учрамайди. Бундан ташқари, ўша пайтда ҳатто Прометей ташкилотининг бошланғич нуқтаси ҳисобланган Қафқаз истиқлол қўмитаси ҳам тузилмаганди. Ана шуларга таяниб айтишимиз мумкинки, Стемповский деган бу одамнинг, ҳали 1924 йилнинг июни экан, Прометей номли ташкилотнинг қурилишини, унинг Парижда “Прометей” номли журнал чиқаришини, Пўлшадаги Wschod институтининг бу жамият билан ҳамкорлик қилишини билиши ҳам, айтиши ҳам мумкин эмас. Эҳтимол, профессор Тўғон советларга қарши курашда асоратдаги миллатларнинг ҳамкорлиги хусусида суҳбатлар билан 1926 йилдан шакллана бошлаган Прометейчилик ҳаракати борасидаги хотираларини қориштириб юбориб, ўқувчиларни чалғитган бўлиши мумкин.

[296] Debicki, *Foreign Policy of Poland* 1919-1939, s. 37

[297] Vaçnadze, *Hariçte Kafkasya Birliği Hareketi Tarihi*, Birleşik Kafkasya, 1953, №3-4: s.10

қўмитаси марказининг Парижга кўчирилиши билан биргаликда, 1920 йиллар бошида Қафқаз миллий ҳукуматлари ҳайъатлари бошлиқларининг ҳамкорликда тузган Қафқаз доимий кенгаши ҳам тарихий вазифасини бажарган ва тугаган ҳисобланади.

Пўлша давлатининг ёрдами ва ташкилотчилиги туфайли, орадан бир йил ўтмасдан, белоруслар ва арманилар қўшилмагани ҳолда, советлар мамлакатида яшаган барча ғайрирус миллатларнинг муҳожиротдаги сиёсий кучларини бирлаштирган Прометей жабҳаси тузилди. Ўз юрти келажагини асосан русларга боғлиқлигига ишонган арманилар Русияга қарши курашувчи бир жамиятнинг аъзоси бўлишни истамадилар.

Шунингдек, арманилар Озарбайжон, Туркистон, Эдил-Ўрол ва Қирим каби туркийлар фаолият кўрсатаётган бир жамият билан ҳамкорлик қилишни рад этдилар. Мустафо Чўқай ҳам бир мақоласида армани гуруҳларининг Қафқаз истиқлол ҳаракати жабҳасига нима учун кирмаганларининг сабабларини шундай изоҳлайди:

> “Лекин арманилар Бирлашган Қафқаз жабҳасига қўшилишлари учун бошқа Қафқаз халқларининг бирортаси ҳам қабул қилолмайдиган шартларни қўйдилар. Арманилар Қафқаз халқлари вакилларидан бутун Қафқазни босиб олган Русияга қарши эмас, балки бир қанча майда миллатлар қатори арманилар ҳам яшаётган Туркияга қарши курашишни талаб қилди...
>
> Арманиларнинг Қафқаз истиқлоли йўлида курашаётганлар сафига қўшилмаганига Озарбайжон мусовотчилари эмас, балки айнан армани дашнақларининг[298] Русияга дўстлиги ва Туркияга душманлигига боғлиқ сиёсати сабабчидир. Ана шу тушунча арманиларнинг бутун Қафқазни рус империализмидан қутқариш йўлидаги мустақиллик учун курашаётганлар билан бирга айни жабҳада бўлишига имкон бермаган.[299]

ПРОМЕТЕЙ ТАШКИЛОТИНИНГ ҚИЁФАСИ

Прометей ҳаракатини баҳоларкан, унинг тўрт оёқли ташкилотланиш модели асосида иш юритгани маълум бўлади. Яъни, сиёсий ва ижтимоий йўналишлар, матбуот ва нашр фаолиятлари, илмий тадқиқотлар ва маълумот тўплаш (айғоқчилик) ишлари билан шуғулланилган.

---

[298] Террорчи арман фирқаси.

[299] Мустафо Чўқай. “Армани масаласи (III). “Ёш Туркистон” журнали 1933 й., №42, 18-22 б. Дашнақларнинг бу муносабати иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам ўзгармаганди. Уруш пайтида Британияда жойлашган армани дашнақлар тарқатган декларацияда ҳам бу қуйидагича акс этган: “Арманилар ўз-ўзларича қарор қилишга мажбурлар ва Русиядаги барча сиёсий тузумлар ичида, хусусан совет тузумининг ҳам энг кичик ва энг кучсиз миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тан олганини кўрдилар. Шунинг учун заррача бўлсин русларга қарши ҳаракатларда қатнашмайдилар”. (Mühlen, *Gamalıhaç ile Kızılyıldız Arasında*, s. 107)

Прометей ҳаракатини бошқарган сиёсий марказ “Рус асири миллатларнинг Прометей лигаси” номи билан 1926 йилда Варшавада ташкил қилинди. У тузилаётган пайтда жамиятга қўшилган миллатларнинг вакилларидан иборат бир президиум ҳам бор эди ва у энг юксак, қарор берувчи мақом ҳисобланарди. Президиум раис этиб украиналик профессор Роман Самуел Стотский тайинланди. Салакажа, Мдивани ва Георгий Нақашидзе (1933 й.дан кейин) бошлиқ ўринбосарлари эдилар. Марказий президиумнинг бошқа аъзолари Барасби Байтуған, Муҳаммадамин Расулзода ва Конрад Имнадзе эдилар. Украиналик Базиак ва осетиялик Балў Билати котиблик вазифасини бажарарди. Шимолий Қафқаз, Гуржистон ва Озарбайжон марказлари тарафидан Қафқаздаги миллатлар орасида ҳамкорликни уюштириш мақсадида ўша 1924 йилда Истанбулда қурилган Қафқаз истиқлол қўмитаси[300] учун асос бўлган модел Прометей жамияти тузиларкан, айнан сақлаб қолинди. Қисқачаси, Қафқаз истиқлол қўмитаси деган бу уюшма элатлар ва ўлкалар ўртасида чиқадиган айрим келишмовчилик ва муаммоларларни ҳал қилиш ҳамда уларни марказдан бошқаришни ўз зиммасига олганди. Бу ташкилот воситасида Қафқаздаги барча миллатлар биргаликда Прометей ҳаракатининг қатнашчисига айланганди.


Иштирокчиларга миллати жиҳатидан қаралганда, Прометей ҳаракатининг бошқарув марказида, президиумда Пўлша, Украина ва Қафқаз (гуржилар, озарбайжонлар ва бошқа Шимолий Қафқаз халқлари) вакиллари хизмат қилган. Ана шу этник таркиб Прометей ташкилотининг тарқалиб кетганига қадар сақланиб қолган.

Туркистон, Қирим ва Эдил-Ўрол миллий ҳаракатларининг вакиллари эса, Прометей ташкилотининг умумий ҳайъатига боғлангандилар. Уларнинг нима учун ташкилот марказига олинмагани сабаби бизга номаълум. Аслида Эдил-Ўрол миллий ҳаракати лидери Аёз Исҳоқий 1927 йилнинг бошларида Пўлша ҳукуматининг даъватига кўра Истанбулдан Варшавага бориб жойлашганди. Бу шахсан Пилсудский билан учрашган, Прометей жамияти билан Эдил-Ўрол ҳаракати орасида расмий бир шартнома ҳам имзоланганди.[301] Шунга қарамасдан, Аёз Исҳоқийга Прометей бошқарув марказидан ва президиумдан ўрин берилмаган. Бундайин муносабат ва ҳолатнинг сабаби, тахминимизга кўра, шундай: Украина, Озарбайжон, Гуржистон каби ўлкалар чорлик Русиясидан советлар даврига ўтиш йилларида, қисқа муддат орасида бўлса ҳам, том мустақил давлат сифатида майдонга чиқдилар. Тўғри, Эдил-Ўрол ва Қирим ўлкаларида ҳам истиқлол ҳаракати юз берган,

[300] Комитет независимости Кавказа.

[301] Akış, *Aklımda Kalanlar*, s. 89, 94. Оқишнинг хотираларига кўра, Аёз Исҳоқий Пилсудский билан бўлган суҳбатга оид ёзувларини ва Прометей ташкилоти билан тузилган шартнома каби муҳим ҳужжатларни Варшавадаги Гасподарчи банкидаги ўзига оид махсус қутида сақлаган. Афсуски, иккинчи жаҳон уруши пайтида немислар ёғдирган бўмбалар туфайли банк портлаган, яксон бўлган ва ҳужжатлар йўқолган.

мухториятлар эълон этилган, бироқ у ерларда Москвадан ажралган ҳолда бутунлай мустақил давлатлар қурилмаган. Ана шу ҳуқуқий мақом нуқтаи назаридан қаралганда, Прометейнинг марказий бошқарувида фақат гуржи, озарбайжон, украиналик ва шимолий қафқазликларнинг вакиллари ўрин олган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, шуни ҳам айтиш керакки, Пўлша ўз муҳофаза манфаатига кўра, Украина ва Қафқаз ўлкаларини ўзига яқин тутгани ҳам маълум. Туркистон миллий бирлик ҳаракатининг (ТМБ) Прометей лигасига расман қўшилиши бошқа ўлкалардан роса бир йил кейин юз берган.



Прометей жабҳаси тарафидан чиқарилган “Москва асоратидаги миллатлар” номли харита. Париж, 1930.

Шу туфайли ТМБ вакиллари ҳам Прометей бошқарув марказидан ўрин олмаган. ТМБ-Прометей муносабатлари асосан Қафқаз истиқлол қўмитаси воситасида юритилган.[302]

[302] Бу мавзуда Шимолий Қафқазликлар билан бир қаторда бошқаларга оид манбалар ҳам бор (қаранг: M. Aydın Turan, *Promete Hareketinde Kuzey Kafkasya Mültecileri*: Kafkasya Dağlıları Halk Partisi 1926-1940. (kafkas.org.tr /bgkafkas/index.html)

Юқоридаги манбаларда Алимардон Тўпчибоши (Озарбайжон), Нўйе Жўрданйа, Акаки Ченкели (Гуржистон), Мустафо Чўқай (Туркистон), Жаъфар Саидаҳмад Қиримэр

Пўлша ҳукумати маъмурлари билан Прометей ҳаракати аъзоларининг тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишлари ташкилотнинг халқаро мавқеини шакллантириш ва сақлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланарди. Ана шу мақсадда Оврупонинг қатор пойтахт шаҳарларида Прометей клублари ташкил қилинди. Ижтимоий уюшма сифатида очилган бу клублар кенг халқ оммасига очиқ ҳолда фаолият кўрсатарди. Клуб қайси ўлкада иш бошлаган бўлса, ўша ердаги алоқадор барча муҳожирлар унга аъзо ўлароқ қайд этиларди. Аъзо талабаларга ҳар ойда бир миқдор маблағ (160 злотий) ҳам бериларди. Шу боис бу талабалар клубларнинг барча ижтимоий фаолиятларида фаол иштирок этарди. Клублар уюштирган илмий анжуманлар, давралар, ярмаркаю карнаваллар воситасида Прометей ҳаракати аъзоси бўлган муҳожирлар ва уларнинг лидерлари учун бир кўприк вазифасини ўтарди, улар ўз она юртларидаги сиёсий ва маданий муҳитни жамоатчиликка танитарди. 1927 йилда қурилган бу каби клубларда кейинчалик хотин-қизлар бўлимлари, ёшлар бўлимлари ташкил қилиниб, фаолият доираси янада кенгайтирилди.

Прометей клублари билан бир қаторда Оврупода яна шунга ўхшаш ижтимоий-маданий ишларни бажарадиган бошқа ташкилотлар ҳам юзага келди. Масалан, Парижда Туркистон, Қафқаз ва Украина дўстлик жамияти, Брнў шаҳрида чех-лах клуби қурилди. Прометей клубларида, бошқа турли дўстлик жамиятларида ўтказиладиган тадбирларга вақти-вақти билан Расулзода, Чўқай, Саид Шомил, Шулгин, Гвазава каби муҳожир лидерларни таклиф қилишарди, улар ўз суҳбатлари, нутқлари билан Оврупода асир миллатлар борасида тушунчанинг шаклланишига хизмат қилишарди. Бундайин йиғинлар ва конференциялар охирида савол-жавоблар ва баҳслар ҳам уюштириларди, натижалар сўнгра таҳлил этиларди. Ана шу тарзда Оврупо ўлкаларидаги жамоатчилик совет давлатидаги вазиятдан, у ердаги асоратдаги миллатларнинг муаммоларидан хабардор бўлишарди.

Оврупода тўғридан-тўғри Прометей ҳаракатига алоқаси бўлмаган, аммо прометейчиларнинг фаол иш юритган яна бошқа ташкилотлар ҳам бор эди. Улардан энг муҳими Франция шарқ қўмитасидир.[303] Унга Франциянинг кўпгина таниқли сиёсатчилари аъзо эди.[304] Бу ташкилот

(Қирим), Аҳмад Тсаликатти, М. Гирей Сунч, Таусултон Шакман (Шимолий Қафқаз) каби шахсларнинг ҳам Прометей бошқарувида қатнашгани, масъул вазифаларни бажаргани таъкидланмоқда. Бироқ Туркистон миллий бирлик ҳаракати раҳбарлари ва аъзолари орасидаги ёзишмаларда ҳам, ҳатто бир-икки жумла бўлса ҳам, лах манбаларида ҳам бу гапларни тасдиқлайдиган маълумотни кўрмадик. Прометей ташкилоти фаоллашган 1926-1939 йиллар орасида Прометей бошқарувидаги айрим шахслар алмашган бўлиши ҳам мумкин. Аммо Туркистон миллий бирлиги раҳбарлари, Эдил-Ўрол ҳаракати лидерлари, Қирим миллий ҳаракати бошлиқларидан бирортаси ҳам Прометей ташкилотининг Варшавадаги марказида, бошқарувида ишламагани аниқ.

[303] Comité France Orient (CFO).

[304] 1929 йилда Франция шарқ қўмитасининг раиси Паул Дўмийер айни замонда Франция сенати бошлиғи ҳам эди.

совет муҳожирларига ҳар томонлама хайрихоҳ бўлганлиги, уларнинг дардлари ва талабларини тинглагани, уларга ёрдам кўрсатганганлиги билан ажралиб туради.

“ПРОМЕТЕЙ” ЖУРНАЛИ

Прометей ҳаракатининг энг муҳим ишларидан бири нашр фаолиятларидир. У тузилган илк пайтдаёқ бу жамиятни дунёга танитадиган, фикру тушунчаларидан ва фаолиятдан жаҳонни хабардор қиладиган, барча ҳаракат аъзолари учун умумий бир нашр органи уюштирилишига қарор берилганди. Бундан ташқари, ҳаракат иштирокчилари муҳожир ташкилотлар ҳам ўз тилларида нашрларини чиқаришлари керак эди. Ана шу тарзда, бир тарафдан, ҳур дунё ўлкаларида антибўлшевик тушунча шакллантирилади, иккинчи тарафдан эса, советлар ичидаги қарам миллатлар орасида шўро мустамлакачилигига қарши оқим уюштирмоққа интилинади. Булардан мақсад шу: Пилсудский айтганидек, келажакда ғарб дунёси ва Русия ўртасида катта зиддият чиқиши шубҳасиз, шунинг учун советларга қарши ташқарида ва уларнинг ичида ҳамфикр-иттифоқчиларга эга бўлиш керак. Натижада маркази Париж ўлароқ, “Прометей”[305] номли бир журнал чиқаришга қарор қилинди. Журнал француз тилида босилади, бошқарувда ҳаракат иштирокчилари миллий гуруҳлардан биттадан вакил қатнашади.

Аслида совет асоратидаги миллатлар вакилларининг бир журнал атрофида тўпланиши, биргаликда журнал чиқариш ҳодисаси янгилик эмасди. Худди шундай иш 1919 йилда мустақил Гуржистон бошкенти Тифлисда амалга оширилганди. У йилларда Тифлис шўрога қарши шахслар ва муҳожир гуруҳлар тўпланган бир марказга айланганди. Украина ҳукумати, ҳатто 1918 йил февралида советлар босиб олганига қарамасдан, Тифлисдаги ваколатхонасини беркитмаганди. Гуржистон ҳукумати муҳожир сиёсатчиларнинг шўрога қарши фаолиятларини қўллаб-қувватламоқда эди. Рус бўлшевиклари Қўқон мухторият ҳукуматини ағдарганидан кейин мажбуран она юртдан чиқиб кетган Мустафо Чўқай ҳам Тифлисга келди. У ерда “Вольный горец”[306] ва “Борьба”[307] каби газеталарда ишлади. Бир муддат ўтгач, Гуржистон ҳукуматининг ёрдами билан Мустафо Чўқай бош муҳаррир сифатида “На рубеже”[308] журналини чиқара бошлади. Бу ҳодиса Қафқаз, Туркистон, Украина вакилларининг матбуот соҳасидаги ҳамкорлик фаолиятига бир

[305] Журналнинг асл номи французча Prometée шаклидадир.
[306] Ҳур тоғлик.
[307] Кураш.
[308] Ҳудудда.

мисолдир. Шунингдек, бу иш, бир жиҳатдан қараганда, прометейчилар учун бир тажриба, ўрнак ҳам ҳисобланарди. Чўқайнинг ҳамкорликда журнал чиқариш фаолияти мустақил Гуржистон давлатини советлар босиб олганига қадар (1921 йил 25 феврал) давом этди.

“Прометей” журналининг илк бошқарув ҳайъатига Озарбайжон муҳожирларидан Мустафо Вакилий, Шимолий Қафқаз вакили Мирёқуб Меҳдиев, Гуржистондан Георгес Гвазава, Украинадан собиқ вазир Александр Шулгинлар тайинланганди. Гвазава журналнинг бош муҳаррири эди. Туркистон мактабларида бир неча йил француз тилидан дарс берган, Ўрта Осиё масалаларини яқиндан ўрганган, русчани ва туркий тиллардан баъзиларини билган Жўзеф Кастане журналнинг бош маслаҳатчиси ва масъул адабий котиби бўлиб ишларди.[309] Журналда хизмат қилаётган муҳожир миллатларнинг вакилларига ойига минг франкдан маош ҳам бериларди.[310]

Ана шундай қилиб, 1926 йил ноябр ойида “Прометей” журналининг илк сони нашрдан чиқди. Муқовада кишанларини узиб, юксак тоғ чўққисидан пастга тушаётган Прометейнинг тимсолий расми тасвирланганди.[311] Бундан ташқари, муқовада “Қафқаз (Гуржистон, Озарбайжон, Шимолий Қафқаз) ва Украина миллий озодлик ташкилотларининг нашридир” деган ёзув ҳам бор эди. 1927 йил охирларидан, Туркистон миллий бирлик ташкилоти ҳам Прометей ҳаракатига аъзо бўлгач, журнал муқовасидаги ҳалиги ёзувга Туркистон ибораси ҳам қўшилди.[312]

Прометей ҳаракати ва бу ҳаракатга алоқадор нашр фаолиятлари фақатгина “Прометей” журнали билан чекланган эмас. Ҳаракат ичидаги барча миллий гуруҳларга ўз тилларида журналлар ва китоблар чиқаришга ёрдам берилган. Бу журналлар ўша миллий гуруҳларнинг ташкилоти қайси ўлкани ва қайси тилни истаса, ўша ўлкада ва ўша тилда босиларди. Пўлша давлатининг Москвадаги элчихонаси томонидан совет мамлакатидаги исталган марказий ва махаллий нашрлар олиниб, Варшавага юборилиб, керакли миллий ташкилотларга етказиб туриларди.[313]

---

[309] Асл нусхада стилист дейилган, биз масъул адабий котиб деб олдик (тарж.).

[310] Аҳмад Наим (Ўктам) тарафидан ТМБ марказига 1928 йил 20 мартда ёзилган мактуб (А. Андижон архиви).

[311] 1934 йил июл ойидан (92-сони) муқовадаги расм олиб ташланган, кейинги сонлар расмсиз, оппоқ муқовага Prometée ёзилган ҳолда чиқарилган.

[312] Organe de defence nationale de peuples du Caucase (Georgie, Azerbaidjan, Caucase du norde), de L`ukraine et du Turkestan.

[313] Истанбулдаги ТМБ марказидан жамиятнинг Оврупо вакили Мустафо Чўқайга юборилган баъзи мактубларда “Туркистонда босилган газеталар гоҳ-гоҳ етиб бормаган тақдирда Варшавадаги масъул идорага мурожаат қилиш керак”лиги билдирилган.



“Прометей” журнали

Ана шу тарзда муҳожиротдаги миллий ташкилотлар ҳам Варшава, ҳам Русиядаги хусусий алоқачилари воситасида ўз юртларидаги вазиятни, кундалик ўзгаришларни нашрлар орқали кузатиб бориш имконига эришганди. Керакли маълумотларни асл нашрий манбалардан ўрганиш ва фойдаланиш механизми йўлга қўйилгач, прометейчилар “Прометей” журналида ва бошқа тилларда чиқарган ўз журналларида шу қадар ҳақиқий ва адолатли, таъсирчан мақолалар нашр қилдиларки, бундан совет раҳбарларининг сочи тикка бўлди, шўро ҳукумати уларга қарши жавоблар уюштиришга киришди.

Туркистонлик муҳожирларнинг ташқи дунёдаги сиёсий маркази ҳисобланган Туркистон миллий бирлик ташкилоти (ТМБ) 1927 йилдан эътиборан Истанбулда “Йени Туркистан” (“Янги Туркистон”) журналини чиқара бошлади. Унга Берлинда нашр этиладиган “Ёш Туркистон” (1929) журнали қўшилди. Аёз Исҳоқий бошқарган Эдил-Ўрол миллий жамиятининг нашри “Янги миллий йўл” журнали ҳам Берлинда “Ёш Туркистон” билан бир босмахонада босиларди. Озарбайжон муҳожирларининг мусовот ташкилоти Берлинда “Қуртулуш”, Истанбулда “Ўдлу юрт” журналлари нашри билан машғул эди. Кейинроқ бу нашрларга “Билдириш” (1931) ҳам қўшилди. Қирим миллий ҳаракати вакиллари фаолият юритиш учун 80 мингдан ортиқ Қирим турки яшаётган Руминияда марказ очишди, Кўстанжада “Амал” журналини чиқаришди. Шимолий Қафқаз ташкилотлари нашри “Северний Кавказ” (“Шимолий Қафқаз”) журнали Варшавада босиларди. Парижда эса, “Прометей” журналидан ташқари, гуржиларнинг “Сакартвело” (ота юрти), шунингдек, сургундаги Украина ҳукуматининг “Трисуб” журнали ҳам чиқариларди. Бундан ташқари, қалмоқлар ташкилотининг “Кўвилние волни” журнали, ҳур казаклар ҳаракати[314] томонидан нашр қилинган “Волное казачесвтво” журнали ҳам бўлган.[315]

“Прометей” журнали нашр этилган даврда прометейчилик ҳаракатидан ажралиб чиққан турли гуруҳлар ёки уларга қўшилмаган бошқача қарашдаги тўдалар ҳам бир неча номда ўз нашрларини чиқарганлар. Улар орасида энг эътиборлиси Шимолий Қафқаз лидерларидан Ҳайдар Баммат бошчилигида нашр этилган “Кавказ” журналидир. Бошланғич даврида Прометей қурилишида фаоллик қилган Алихон Кантемир ҳам сўнгра ундан чиқиб, Баммат гуруҳига ўтганди. Ҳайдар Баммат асли қумуқ туркларидан эди. У ҳам прометейчилар ҳаракатидаги барча қафқазликлар каби Қафқаз федератив давлати қурилиши тарафдори эди. Бамматнинг фикрича, Туркия ва Шимолий Қафқазнинг бир-бирига ўхшаш томонлари кўп ва қуриладиган Шимолий Қафқаз федератив давлати сиёсий жиҳатдан Туркияга боғлиқ бўлиши керак эди. Бироқ Бамматнинг бу қараши ёш Туркия жумҳурияти раҳбарлари томонидан қувватланмади. Шундан кейин Баммат гуруҳи янада Радекал чизгига йўлланиб, Япония ва Олмония билан муносабат ўрнатишди. Баммат ва Саид Шомиллар Жўрданйа ва Расулзодалар каби барча прометейчиларга қарши эдилар. Бу тўданинг органи бўлган “Кавказ” журнали рус, турк, француз тилларида босиларди, сўнгги йилларда инглизча ҳам чиқарилди. Уларга Япониянинг Париждаги элчихонаси доим молиявий кўмак бергани маълум.[316]

[314] Рус казакларининг миллий ташкилоти.
[315] Hostler, *Turkestan and The Soviets*, s. 158
[316] Mühlen, *Gamalı Haç ile Kızıl Yıldız Arasında*, s. 22

ПЎЛША ВА ПРОМЕТЕЙ ҲАРАКАТИ: ИЛМИЙ ВА СИЁСИЙ КЎМАК

Прометейчилар ҳаракатига илмий тарафдан кўмак кўрсатиб турган ташкилот Варшавадаги шарқ институти эди.[317] Маршал Пилсудский даврасига мансуб сиёсатчи, сенатор Станислав Седлетский бу илм даргоҳини фахрий директор сифатида бошқарарди.[318] Пўлша ҳукуматининг институт раҳбарлигига бир сиёсатчини тайинлагани бу ишнинг давлат аҳамияти даражасида юритилганини билдиради. Институт мудири лах олими ва журналисти Владимир Бўнжўкўвский эди.[319] Бўнжўкўвский биринчи жаҳон уруши даврида бир неча йил Русияда қолган ва Сибир орқали Японияга борган эди. Ўша пайтда чор мустамлакасида яшайдиган турк халқлари ҳаёти билан яхши танишганди. Бўнжўкўвский айни замонда институти тарафидан нашр этиладиган журналлар ва китобларга муҳаррирлик ҳам қиларди. Институт бош котиби вазифасини илмий давраларда танилган профессор Ўлгиерд Гурка бажарарди. Шунингдек, профессор Пўнятўвский, профессор Заянчўвский, профессор Дўмашевич каби прометейчилик ғоясини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган олимлар институт ишларида ҳам фаоллик ва ёрдамчилик қилганлар.

Шарқ институти Русия асоратидаги миллатлар масалаларини ўрганувчи “Wychod” (шарқ) номли илмий журнал ҳам чиқарган. Бу институт вақти-вақти билан муҳожиротдаги миллий ташкилотларнинг лидерлари ва фаолларини анжуманларга, учрашувларга таклиф этиб турарди. Бундан ташқари, институтда Прометей ташкилотига аъзо бўлган баъзи муҳожир лидерларнинг китоблари лах тилига ўгирилиб, нашр ҳам қилинарди.[320] Шунингдек, бу илм даргоҳи Шимолий Қафқаз ахолиси орасидаги тил фарқлиликларини ҳисобга олиб, барчага баравар бир ўртоқ ёзув, алифбе ясаш борасида ҳам тадқиқотлар яратиб, прометейчилик ҳаракатига ўз улушини қўшганди. Пўлшалик олимлар ва мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 1935 йилгача бажарилган ишлар натижасида бу минтақадаги тиллар ва шеваларда мавжуд бир хил сўзлар аниқланган, Шимолий Қафқаз миллатлари учун битта муомала тили яратишга ҳаракат қилинган.

Прометейчилик ҳаракатининг аввало Варшавада, қолаверса Берлин, Париж, Прага, Истанбул, Техрон, Харбин (Манчжурия)

---

[317] Instytutu Wschodniego Warszawie.

[318] С. Седлетский шарқ институтини кўп йиллар фахрий директор сифатида бошқарган; Пўлша ишғол этилгач, ўз-ўзини ўлдирган.

[319] Wlodimierz Bonczkowski иккинчи жаҳон урушидан кейин бир муддат Исроилда яшаган, кейин АҚШга кўчиб кетган. Баъзи манбаларда унинг исми Baczkowski тарзида ҳам ёзилган. (Ülküsal, *Hatıralar*, s.190)

[320]Масалан, институт Муҳаммадамин Расулзоданинг Озарбайжон ҳақидаги, Жаъфар Саидаҳмаднинг Қирим ва қиримтатарларига оид китобларини лах тилига таржима қилдириб чиқарганди.

шаҳарларидаги марказларида олиб борилаётган фаолиятларни уюштириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишлари билан масъул ўлароқ Пўлша давлати ташқи ишлар вазирлигининг шарқ бўлими шуғулланарди. Бу бўлим прометейчилик ҳаракати бошланганидан буён Лукасиевич (1922-1926), Тадеус Хўлўвкў (1926-1931), Тадеус Шаятсел (1931-1935) каби зотлар ва шахсан Пилсудский тарафидан танланиб, бу вазифага тайинланган инсонлар томонидан бошқарилган. Прометей ҳаракатининг яратувчиси бўлган бу зотлар ҳаракат тамалидаги мустақиллик ғояларига ва сиёсий-фалсафий тушунчаларга жону дилдан содиқ инсонлар бўлгани боис, ташкилот жуда таъсирли ва қадрли ишларни амалга ошира олган. Прометей ҳаракатига сарфланадиган маблағлар Пилсудскийнинг шахсан ўзи ташкил қилган жамғарма тарафидан таъминланган. Шу сабабли прометейчилар ҳам, ўша маблағлардан фойдаланганлар ҳам, у даврни ўрганган турли тадқиқотчилар ҳам бу жамғармани Пилсудский фонди деб аташган.

Прометей лигаси иш бошларкан, советларга қарши бўлган муҳожир лидерлар учун Варшава шаҳри барча муаммоларини ҳал қиладиган марказга айланганди. Шу боис муҳожиротдаги жуда кўп миллий ташкилотлар ўз марказларини ва сиёсий ходимларини Варшавага олиб келди. Варшавада марказларини очиб, иш юритганлар орасида Муҳамадамин Расулзода, Аёз Исҳоқий, Саид Шомил, Қафқаз ҳаракатининг уч лидери Меҳмет Гирай Сунч, Таусултан Шакман ва Иброҳим Чулик ва бошқалар ҳам бор эди.

Юқорида таъкидланган фаолиятларга қўшимча сифатида яна шуни ҳам айтиш мумкинки, Пўлша ҳукумати мустамлакачи советлар зулмидан қочиб бу ўлкада паноҳ топган муҳожирлар учун таълим олиш программаси ҳам яратди. Пўлшанинг турли университетларида ўқиётган муҳожир талабаларга ҳукумат тарафидан стипендиялар берилди. Бу талабалар Лахистон ёшлари билан биргаликда шарқ институти доирасида ёшлар бўлимини ҳам очишди.[321]

Пўлша ҳукуматининг бу йўналишда қилган ишларидан яна бири шуки, Қафқаз ва Украинадан келган муҳожирлар ичидаги собиқ аскарлар ва бошқа ҳарбийларга шартнома асосида Лахистон давлати қўшинларида хизмат қилиш ҳуқуқи берилди. Тарихий маълумотларга қараганда, ўз ўлкаларини советларга қарши истиқлол кураши даврида мажбуран ташлаб кетган жуда кўп ҳарбийлар 1927 йилдан бошлаб Пўлша қўшинларига хизматга олинган. Пилсудский раҳбарлигида юритилган бу фаолият иккинчи жаҳон уруши бошланган йилларгача давом эттирилган.

[321] Қирим миллий ҳаракатида муҳим рол ўйнаган Эдигей Мустафо Қиримал, Абдулла Зеҳний Сўйсал, Салим Вали Ўртай, Иброҳим Ўтар каби шахслар Пўлша ҳукуматининг бу тадбиридан фойдаланиб, Лахистон дорилфунунларида ўқиганлар.

ТУРКИСТОН-БЕРЛИН ЙЎЛЛАРИДА

“Не умидлар, не орзулар билан келгандик. Бари бир саробмиди, хаёлмиди ё?..
Биз Туркистон ихтилолчилари қаердамиз ва нималар қиляпмиз ўзи?”

Талаба Аҳмад Наим, 1929

1920 йиллар Туркистонда совет ҳокимияти тобора ўрнашиб борган саналардир. Ўша йилларда шўро бошқарувчилари атрофда давом этаётган фуқаролар уруши туфайли юзга келган бошбошдоқлик ва йўқчилик, очлик ва бошқа иқтисодий муаммолар сабабли, ҳалиям маҳаллий ходимлар билан ҳамкорлик қилишга муҳтож эди. Шу боис, шароит тақозосига кўра, бу маҳаллий ходимлар кўринишда социалист, аммо ўзлари аслан миллиятчи бўлганига ҳам советлар кўз юмдилар. Хусусан, янги тузилган Бухоро жумҳуриятини бошқараётган жадид раҳбарларни ҳуркитиб юбормасликка тиришдилар, пайт келишини пойладилар. Чунки советлар мамлакатида тинчлик ўрнатилиши, ҳокимиятнинг янада мустаҳкамланиши муҳимроқ эди. Зеро, Фарғонада бошланган босмачилик ҳаракати жадал суратда бутун Туркистонга ёйилганди. Шўро раҳбарлари ўлкада бутун назоратни ўз қўлларига олгунга қадар кўриб кўрмасликка олиш сиёсатини қўллашни мақбул топдилар. Ҳатто 1921 йил 26 майда чиққан, Ленин ва Чичерин имзоси қўйилган ҳужжатда Бухоро жумҳуриятининг баъзи чет давлатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатиш ҳуқуқига эгалиги таъкидланганди. Бу имкондан фойдаланган Бухоро ҳукумати аъёнлари 1921-1922 йиллар бўйича, айниқса Олмония давлати билан иқтисодий ва маданий муносабатлар қуришга интилди.[322]

Ана шундай қилиб, бу сиёсий вазиятда ҳукуматда фаолият юритаётган маҳаллий жадид бошқарувчилар тарафидан амалга оширилган яхши ишлардан бири хорижга талаба юбориш лойиҳасига боғлиқдир. Москванинг барча қаршиликларига қарамасдан, Бухоро халқ жумҳурияти ва Туркистон АССРдан 70 тача талабани Оврупога жўнатишга тайёргарлик бошлаб юборилди. Ўқиш учун мўлжалланган давлат Олмония эди. Биринчи жаҳон урушидан енгилиб чиққанига ва ички вазияти анча оғир эканига қарамай, Олмония ҳалиям техника ва билим маркази ҳисобланарди. Версал шартномасидаги моддаларни бажаришга маҳкум капиталистик ўлкалар, аввало Англия ва бошқа

[322] Ҳасанов Мажид. Файзулла Хўжаев. “Ўзбекистон” нашриёти, Тошкент 1990, 67-68 б.

давлатларнинг ўз муаммолари етиб ортарди ва ана шу туфайли ҳам уларнинг кўпчилиги халқаро майдонда совет Русияси билан бир жабҳада бирга ҳаракатланишдан бош тортолмасди. Иккинчи томондан эса, борган сари кўпаяётган иқтисодий муаммолар, етишмовчиликлар натижасида дунё жамиятида қутблашувлар, гуруҳлашувлар юзага келганди. Социалист ҳаракатларнинг кучи, суръати ва таъсир доиралари эса тобора ортиб борарди. Шу сабабли, айниқса Ленин ва атрофидаги аллақанча бўлшевик раҳбарлар Овруподаги социалистик революциянинг илк ўлароқ айнан Олмонияда амалга ошишига ишонардилар. Охир-оқибатда, шуларни ҳисобга олган, ўзининг ички ва ташқи имконлари ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Москва Туркистонда жадид раҳбарларнинг Олмония билан алоқа ўрнатишига ва талаба юборишига ортиқча тирғалиб ўтирмади. Бухоро жумҳурияти ва Туркистон АССР ҳукумати бошлаган бу ташаббус болаларини чет элларда ўқитишни истаган омма орасида ҳам хайрихоҳлик уйғотди, кўпгина ёшлар ўз маблағлари ҳисобига таълим олиш ниятида хорижга йўл олдилар. Туркистонлик талабалар интилган чет давлатлар орасида биринчи ўринда Туркия, кейин Олмония ва бошқа ўлкалар тураради. 1922-1923 йиллардаги бу талабалар ҳаракати кейинги йилларда хорижда йўлга қўйиладиган Туркистон миллий мужодаласи жабҳасида ишлайдиган ходимлар етиштириш нуқтаи назаридан ниҳоятда катта аҳамиятга молик эди.

1922 йил бошларида Туркистонда нашр қилинган “Қизил байроқ” газетасида “Германияда ўқувчи мусулмонлар” сарлавҳали мақола босилган.[323] Олмония расмий мақомларидан олинган маълумотга таняниб ёзилган бу мақола мусулмон ўлкаларнинг таълим олиш учун Олмонияни танлаганлари ва у ўлкада ўқиган талабалар сонини аниқ кўрсатиши жиҳатидан ҳам эътиборлидир. Мақолада баён қилинишича, Олмонияда ўқиётан усмонли туркларининг кўпчилиги ўз маблағига таълим олади ва уларнинг умумий сони мингга боради. Араб ўлкаларидан тўрт юз ўқувчи бор. Айни йилларда Қозондан қирқ киши (26 таси хусусий, 12 тасини давлат юборган), Озарбайжондан етмиш битта, Қиримдан иккита, Шимолий Қафқаздан эса олтита талаба олмон юртида ўқиган. Туркистондан атиги биттагина талаба хусусий йўл билан Олмонияда ўқиётган экан. Зироат (қишлоқ хўжалиги) академиясида таълим олган ўша талаба Абдуваҳоб Муродийдир. Мақола муаллифи усмонли туркларини ва Қозон татарлари талабалари орасидагина ўқувчи қизлар борлигини, бошқа қавмлардан қиз талабалар йўқлигини алоҳида таъкидлаган. Жадидизм ҳаракати анчагина эрта бошланган Қирим, Қозон, Озарбайжон каби турк ўлкаларида ғарб дунёси билан маърифий-маданий алоқалар, таъсирланишлар, айниқса, бу оқим билан 1900 йиллардан таниша бошлаган Туркистон аҳлидан кўра юксак бўлгани шак-

[323] Сирожий. “Германияда ўқувчи мусулмонлар”, “Қизил байроқ” газетаси, 21 август 1922 й.

шубҳасиздир. Юқоридаги муаммо ҳам ана шу фарқдан келиб чиққан дейиш мумкин.

Ўша муаллифнинг Тошкентда чиқадиган “Қизил байроқ” газетасида босилган иккинчи мақоласи ҳам шу мавзуга бағишланган, унда туркий ўлкалардан Оврупога ўқишга юборилган гуруҳлар ҳақида маълумот берилган. Мақолада айтилишича, 1922 йилда Бухоро халқ жумҳуриятидан 46, Хива халқ жумҳуриятидан 5, қозоқлар юртидан 15, бошқирдлардан 10, қозон татарларидан 10 талаба жўнатилган. Туркистон АССРдан юборилган ўқувчилар асосан Тошкент шаҳридан танланган бўлиб, улар 19 кишидир.[324] Бухоро жумҳуриятидан Оврупога таълим олиш учун йўлланадиган талабаларни уюштириш ва назорат қилиш вазифаси давлатнинг ташқи ишлар бўлими бошлиғи Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунзим)га топширилган.[325]

Оврупога талаба юбориш ишига боғлиқ сафарбарлик Туркистон АССРда шахсан халқ комиссарлар совети раиси Турар Рисқулов, Бухорода эса, Бухоро халқ шўролар республикаси раиси Файзулла Хўжаев тарафидан шакллантирилгани маълумдир.

Бухоро халқ жумҳуриятида чет элларга талаба юбориш ва уларнинг таълим олишини ташкиллантириш учун татар ўқитувчи Олимжон Идрисий, Бухоро марказий ижроия қўмитаси аъзоси Бурҳонов ва элчихона ходими Кеминскийдан иборат ҳайъат тузилганди. Туркистон АССРда ҳам хорижга кетадиган ўқувчилар масаласи билан маориф вазирлигидаги алоҳида билим ҳайъати шуғулланмоқда эди. Олмонияга борадиган талабалар бу ҳайъатлар ёрдами билан 1922 йил август ойида ўзаро бирлашиб, Тошкентда “Кўмак” жамиятини қурдилар.[326] Унга талабалардан Саидали Хўжа бошлиқ этиб тайинланди.[327] Ҳар икки жумҳурият раҳбарлари томонидан бошланган бу маориф сафарбарлиги халқ орасида катта ҳаяжон ва таъсир уйғотди ва бу ҳаракат қўллаб-қувватланди. Айниқса, зиёлилар бундан жуда қувонишди, чунки улар Туркистон ёшларининг Оврупода ўқитилиши Туркистон келажагига муҳим таъсир қилишини яхши билишарди. Машҳур шоир Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон “Истиқбол учун кураш”[328] сарлавҳали мақоласида бу хусусдаги фикрларини шундай ифодалайди:

> “Биз кейинги пайтларда ёшларимизнинг узоқ мамлакатларга бориб таҳсил олишга кўп ҳавасли эканларини кўриб севинмоқдамиз. Бу

[324] Сирожий. “Германияда ўқувчи мусулмонлар 2”, “Қизил байроқ” газетаси, 31 август 1922 йил.
[325] М. Ҳасанов. “Файзулла Хўжаев”, 68 б.
[326] Муаллиф асл матнда ўзбекча “Кўмак” ёзиб, бу сўз туркчада ёрдам маъносини англатишини изоҳлаган (тарж.).
[327] Турдиев Ш. “Улар Германияда ўқиган эдилар”. “Ёш ленинчи” газетаси, 30 март 1990 й.
[328] Муаллиф матнда мақола номини ўзбекча бериб, туркча англамини “Gelecek için mücadele’’ дея изоҳлаган.

ёшларнинг ўз-ўзларича айри-айри ҳаркат қилмай, бир-бирларига кўмаклашаётганларига ҳам гувоҳмиз.

Чор ҳукумати пайтида Русия мусулмонларини христианлаштириш масаласида катта жаҳду жадал кўрсатган машҳур Илминский сиёсатининг тарғиботчиларидан бири Попеднова бир мактубида: “Маҳаллий халқ орасида биз учун энг фойдали ёки энг камида зарарсиз бўлган инсонлар рус тилида яхши гаплаша олмайдиганлар, ёзганида бир неча хато қиладиганлар, бизнинг бош волийимиздангина эмас, ҳатто энг кичик ходимимиздан ҳам қўрқадиган кишилардир,” деб ёзади. Ана шу фикрга қарши биз рус тилида эмас, ривожланган Оврупо мамлакатлари тилида жавоб берсак, балки одамдай яшашга ҳақ қозона олурмиз.” [329]

1917 йилги давлат тўнтаришидан беш йил ўтгач, 1922 йилда ёзилган бу мақолада Чўлпон ишоралар воситасида, Туркистонга маданиятни руслар келтирган, деган иддаони чорлик мустамлакаси давридагига ўхшаб давом эттираётган шўро идорасини, бошқарувини фош қилмоқда; Туркистонга кўра анча ривожланган рус фани ва техникаси ҳам Оврупо илми ва техникаси ёрдамида янгиланиб, янада тараққий қилишига умид билдирмоқда.

Хорижга юборилган ўқувчиларнинг таълим харжламаларини қоплаш ва яна янги талабаларни ҳам чет элларга жўнатиш ишида фақат давлат имконлари билан чекланиб қолинмади, турли-турли маданият, санъат, спорт йиғинлари, тадбирлари ўтказилиб, улардан тушган даромаднинг бир қисмини олиб, алоҳида жамғармалар ҳам ташкил қилинди. Масалан, “Туркистон” газетасининг 1922 йил 18 декабр сонида хабар берилишича, хорижда таълим олаётган ёшларга кўмак кўрсатиш мақсадида халқ орасида катта компания бошлангаган. Бу тадбирни уюштирганлар ичида Носир Миржалолов, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидхонов, Шокиржон Ҳамидий каби атоқли шахслар ҳам бор. 1922 йилнинг 2 декабрида эса, Тошкентда зиёлилар тарафидан бир адабий кеча ўтказилди ва тўпланган 7500 сўм[330] маблағ кўмак жамғармасига берилган.[331]

ТУРКИСТОНЛИК ТАЛАБАЛАР ОЛМОНИЯДА

Хорижга отланган талабалар 1922 йил сентябр ойида Туркистондан йўлга чиқдилар. Совет идоралари уларга турли ғовлар қўйиш эҳтимоли борлигини ҳисобга олган ҳолда, Туркистоннинг атоқли жадидларидан

[329] Чўлпон. “Истиқбол учун кураш”. (табдил эмас-тарж.) “Қизил байроқ” газетаси, 2 сенттябр 1922 й. №215.
[330] Ўша йилларда Туркистонда қўлланилган пул бирлиги.
[331] Турдиев Ш. “Германияда таълим олган туркистонлик талабалар”. “Ёшлик” журнали, 1989 й. № 7, 65 б.

Убайдуллахўжа талабалар гуруҳи билан бирга Москвага борди.[332] Хавфсиралгандай йўлда ҳеч бир тўсиқ учрамади, талабалар Петербург орқали Олмонияга етиб бордилар. Олмон тилини ўрганиш ва таълим олиш учун улар Берлин, Дрезден, Ҳайделберг, Дармштадт каби шаҳарлардаги мактабларги тарқатилдилар.

Туркистон АССРдан борган ўқувчилар асосан ўрта мактабни битирган, дорилфунунларда таълим олиш иштиёқида эди. Бухоро халқ жумҳуриятидан келганларнинг кўпчилиги эса, бошланғич мактабни тугатган ўқувчилар эди. Олимжон Идрисийга талаба гуруҳларини Олмонияда координация қилиш, олмон ҳукумати расмийлари билан алоқа ўрнатиш вазифалари юклганди. Идрисий Бухорода мадраса таълими олган Эдил-Ўрол туркларидан бирийди. У биринчи жаҳон урушида қатнашган, немисларга асир тушган, Берлинга яқин ерда қурилган Уинсторф ҳарбий асирлар қамоқхонасида имомлик қилган, қамоқхонада турли ишларда ишлаган, хуллас, Олмония билан яхши таниш инсон ҳисобланарди. Шарқ тилларидан бир нечасини, русчани мукаммал билгани учун 1916 йилдан эътиборан Прусия ҳарбия вазирлигига боғлиқ ишларни бажарди, мусулмон ҳарбий асирлардан легион тузилишида ҳам хизмат қилди.[333] Туркистонга қайтган пайтларида Бухоро халқ жумҳуриятида Олмонияга талаба юбориш ҳаракати бошланган ва Идрисий бу иш учун энг мувофиқ инсон саналарди.

Туркистон АССР ҳукумати бошлиғи Турар Рисқуловнинг сўзларига қараганда, 1923 йил охирида Олмонияда Туркистон автоном совет социалистик республикасидан 7 ўзбек, 4 қозоқ талабалари, Бухоро халқ жумҳуриятидан эса, 40 туркистонлик, 6 татар, 4 яҳудий талабалар таълим олмоқда эди. Туркистон мухтор республикасидан борган ёшларнинг тўрттаси академик техникумда, иккитаси қишлоқ хўжалик академиясида, биттаси тиб факултетида, бир ўғил бола ва бир қиз бола лицейда ўқирди.[334] Умуман олганда, Олмонияда тўрт гуруҳ ёшлар таълим олишарди. Қизлар гуруҳи асосан ўқитувчилар тайёрлайдиган таълим даргоҳларига киритилганди. Бир гуруҳ ёшлар эса, ўлкада техник ходимларга эҳтиёж катталиги боис техника билим юртларида ўқимоқдайди. Бухоро жумҳуриятидан юборилган ёш болалар мактабларга жойлаштирилганди. Бир гуруҳ талабалар дорилфунунларда ўқишга муяссар бўлганди.

---

[332] Убайдуллахўжанинг ўқувчилар билан бирга Олмонияга бориб-бормагани бизга равшан эмас. Иброҳим Орифхон (Ёрқин) Москвада қолганини айтган. Бунга қарама-қарши ўлароқ, Саида Шераҳмад қизи (Ўқтой) Убайдуллахўжанинг Берлингача келганини, қисқа бир муддат у ерда қолиб, кейин қайтиб кетганини таъкидлаган.

[333] Олимжон Идрисий 1921 йилгача ҳарбия вазирлигида хизмат қилгани учун, 1923 йилда Германия ҳукумати бошлиғи Эберт унга мактуб ёзиб, рағбатлантирган.

[334] Рисқулов Т. “Германияда ўқувчиларимиз”. “Туркистон” газетаси, 19 декабр 1923 й.



Олмонияга юборилган қиз талабалардан баъзилари Убайдулла Хўжа (чапда) ва Олимжон Идрисий (ўнгда) билан бирга: (ўртада ўтирганлар) Саида Шераҳмад қизи ва укалари Фузайл, Насриддин ва бошқалар. Москва, 1922 й.

(А. Андижон архиви)

Айни даврда давлат томонидан Туркияга ҳам талабалар юборилганди. Ўша йилларда Туркистондаги жадид мактабларида дарс берган туркиялик ҳарбий асирлардан Рожий Чақирўзнинг хотираларида эслашича, Бухоро халқ жумҳуриятидан бир гуруҳ ёшлар ҳукумат тарафидан Туркияга таълим олиш учун жўнатилган, улар асосан Қастамўну ва Самсун туманларида мактабларга жойлаштирилган.[335] Бу маълумот ўзи шахсан Бухородаги жадидлик ҳаракатида қатнашган, кейинроқ Олмонияда таълим олган Аҳмад Наим томонидан ҳам тасдиқланган.[336]

[335] Çakıröz, *Türkistan`da Türk Subayları*. Türk Dünyası Tarih Dergisi, s. 8, 1987 y.

[336] Allworth, *A Conversation With ahmad Naim Nasratullahbek, A Voung Bukharan Jadid*, s.100

Туркистондаги раҳбарлар ёшларни Олмония ва Туркияга ўқишга юбориш ишлари Москвадаги расмийларга ёқмаслигини жуда яхши билишарди. Ана шу норозиликни юмшатиш мақсадида Русияга ҳам талабалар жўнатиш лойиҳаси тайёрланди. Ўша йилларда Оврупога ва бошқа мамлакатларга юборилган талабалар билан Русияга ўқишга йўлланган ёшлар сони орасидаги фарқлар муҳитнинг сиёсий муносабатларини англашда муҳим аҳамиятга эгадир. 1923 йилда Бухоро халқ жумҳурияти ва Туркистон мухтор шўро социалистлари жумҳуриятидан, Қирғиз-қозоқ автоном совет социалистлар республикасидан Русияга 43 ўзбек, 64 қозоқ, 22 тожик, 12 уйғур, 2 туркман ёшлари, жаъми 149 талаба жўнатилган ва уларнинг таълим олиш ҳаражатларини Русия ҳукумати ўз зиммасига олган.[337]

1922 йил охирларида Бухоро халқ жумҳурияти вазирлар шўроси раиси Файзулла Хўжаев Олмонияга сафар қилди. Манбаларда бу зиёрат сабаби унинг даволаниши масаласи қилиб кўрсатилган. 1922 йилнинг 22 сентябрига қадар давом этган бу сафар асносида Хўжаев Олмониянинг турли шаҳарларида ва туманларида ўқиётган ёшлар билан кўришган. Бу учрашувлар ва сафар таасуротларини, Олмонияда таълим олаётган талабаларга оид барча тушунчаларини “Берлиндан мактублар” деган мақоласида ифодалаб, уни “Бухоро ахбори” газетасида бостирган. Унда Бухоро давлати бошлиғи, айниқса, қизларнинг Оврупода ўқиб, ватанга мутахассис бўлиб қайтишидан жуда мамнуният ва ҳаяжон билан фикр юритган. Файзулла Хўжаев ўз мақоласида қизларнинг олий таълим олиши мавзусига алоҳида эътибор қаратиб, жамиятнинг ижтимоий тараққийси учун хотин қизларнинг ўқиши ниҳоятда муҳим эканини таъкидлаган ва фахр билан Олмонияда таълим олаётган қизларнинг номини бир-бир санаб ўтган. Бу билан давлат бошлиғи туркистонликларни маърифатга чорлаган, хусусан хотин-қизларнинг ўқишига алоҳида диққат қаратиш кераклигини уқтириб, муҳим бир ташвиқотни амалга оширган.[338] Файзулла Хўжаев бу даволаниш мақсадидаги сафарида Олмония ҳукуматининг раҳбарлари билан Бухоро давлатининг бошлиғи сифатида учрашган ва бу учрашувлар натижасида талабаларнинг барчасига олмонлар ўлкасида доимий яшаш ҳуқуқи берилишини ташкил этган.[339]

Олмонияда ўқиган талабалардан Аҳмаджон Иброҳим 1923 йилнинг март ойида, Тошкентда чиқадиган “Туркистон” газетасида босилган “Кўмак уюшмасидаги ўртоқларимга”[340] сарлавҳали хатида “Кўмак” жамиятининг Берлиндаги бўлимини очишганини таъкидлаган. Бу жамиятни Берлинда очишдан мақсад Олмонияда ўқиётган туркистонлик

[337] Қамчибек. “Туркистон” газетаси, 19 декабр 1922 й.
[338] Ҳасанов М. “Файзулла Хўжаев”, 66 б.
[339] Турдиев Ш. “Германияда ўқиган ўқувчилар изидан”. “Ўқитувчилар газетаси”, 6 апрел 1991.
[340] “Туркистон” газетасининг 1923 йил 14 март сони.

ёшларга ижтимоий ва маданий жиҳатдан ёрдам кўрсатишдан иборат эди. Саидали Хўжа талабаларнинг бу уюшмасига раҳбар этиб сайланди. Берлиндаги бу ёшлар ташкилоти шу йилнинг сентябр ойида, Саидали Хўжа, Аҳмад Шакурий ва Саттор Жаббор иштирокида “Кўмак” номли журнал чиқаришди. Берлиндаги “Озод шарқ” матбаасида, араб ёзувида, ўзбекча 28 саҳифалик бу журнал туркистонликлар тарафидан хорижда нашр қилинган илк журнал сифатида жуда катта аҳамиятга эгадир.




Бухоро халқ жумҳурияти ҳукумати тарафидан ўқишга юборилган Туркистон ёшлари Берлиндаги жоми ҳовлисида тушган расм. 1922 й. (А. Андижон архиви)

Журнал бош муҳаррир Саидали Хўжанинг “Тилагимиз” номли сўзбошиси билан очилади. Сўнгра Саидали Хўжанинг “Ақл ва сезги”, Аҳмад Шакурийниг “Турк адабиётида идеализм”, Аҳмаджон Иброҳимнинг “Техника ва биз” деган мақолалар билан давом этади. Бош муҳаррирнинг “Тилагимиз” мақоласи туркистонлик ўқувчи ёшларнинг фикрларини, руҳларини акс эттириши билан диққатни тортади. Муаллиф сўзни Туркистондан Олмонияга ўқувчи ёшлар нима учун юборилганига оид фикрлари билан бошлаган. Муаллиф, жумладан, талабалар номидан қуйидаги фикрлар ва эзгу тилакларини баён этади:

> “Ёруғликға суюниб, умтилиб чиқаётган Туркистон ва шунча илмий кишисизлигига қарамасдан, келгусининг буюк умидлари учун бизни

Оврупога юборди. Чиндан-да Туркистон чалаликни истамади, бутунликни истади. Жуда яхши қилди. Биз, аммо, Оврупода йиллар қолиб ўқуғон замонимизда севикли Туркистонимизга хизмат қилувдан маҳрум бўлуб қолувни истамаймиз. Шу ерда турғон чоғимизда ҳам бу тўғрида тушунамиз... Буни биз ўйлаб чиқармадик. Ҳар бир миллатнинг олий мактаб талабалари қаерда бўлса бўлсунлар, илмий, ижтимоий йўлларда ўз миллатлари учун чолишадирлар.” [341]




Германия университетларига ўқишга кирган туркистонлик талабалардан бир гуруҳи

Олдиндагилар (*чапдан ўнгга*): Абдулваҳоб Исхоқўғли (Ўқтой), Саттор Жаббор. Иккинчи қатор: Хайринса Мажидхон қизи,Тоҳир Шокир (Чиғатой), Азимбек Беримжон, Саидали Хўжа (Анқара), Афзал Абусаид (Вансурал), Марям Султонова, Аҳмаджон Иброҳим (Ўқой). *Тик турганлар:* Султон Мадқул, Собир Туркистонли, Абдуваҳоб Муродий, домла... ?, Аҳмад Наим (Ўктам), Темирбек Қорибек ўғли, Солиҳ Муҳаммад, Абдураҳмон Муҳиббой ўғли. Берлин 18 феврал 1923 й. (А. Андижон архиви)

Яна Саидали Хўжа томонидан ёзилган “Осиёнинг оқ ўғли” деган мақолада хорижга талаба юборишга оид айрим баҳсли фикрлар ифодаланган. Жумладан, унда қуйидаги қарашлар ҳам таъкидланган:

“Хорижга талаба юборишга қарши чиқиш янглиш ва миллат учун зарарли ҳаракатдир... Советлар ҳукумати бизнинг Олмонияга келишимизга изн бериши билан эски чор тузуми олиб борган мустамлакачи шарқ сиёсатидан фарқли йўл тутган эди.”[342]

[341] “Кўмак” журнали, *(табдил этилди-тарж.)* 1923 йил 1сентябр, №1, 1 б.
[342] “Кўмак” журнали, (*табдил эмас*)1923 йил 1сентябр, №1, 5 б.



بلم آور و پاده‌در!.

يل: ١ ١ نچي سينتابر ١٩٢٣ سه‌نه سان: ١

اوزبيكچه، علمي، ادبي، اجتماعي، جوگ

كومك

ايچيده گيله‌ر:

١ ــ تيله كمز
٢ ــ عه‌قل و سيز گو
٣ ــ تورك اده‌بياتي‌ده ايديئاليزم و ريئاليزم
٤ ــ تيخنيكه و بز
٥ ــ آسيانك عاق اوغلي
٦ ــ يازوو گنا جاواب
٧ ــ چولپان چولپاندر
٨ ــ كيتكه‌نك‌ده
٩ ــ آوروپا
١٠ ــ تيله‌ك
١١ ــ حه‌يات
١٢ ــ يوراك
١٣ ــ راخه‌ت قيلا مين ديگه‌ن چاغله‌رده
١٤ ــ سورما!...
١٥ ــ توش
١٦ ــ پارچا
١٧ ــ خه‌به‌رله‌ر
١٨ ــ اوتنچ له‌ر
١٩ ــ اداره‌ده‌ن

مه‌سئول موحه‌ررري سه‌يد ئه‌لي‌حوجه

Олмонияда туркистонлик талаба ёшлар нашр эттирган “Кўмак” журналининг 1923 й. сентябрда босилган илк сони. Юқорида “Билим Оврупададир” дея ёзилган. (А. Андижон архиви)

Мақола давомида муаллиф коммунизм тушунчасининг Оврупода чиққанини, у оврупо маданиятининг маҳсули эканлигини уқтириб, Ленин қарашларининг шаклланиши Оврупода юз берганига диққатни қаратмоқда. Ана шу тарзда хорижда ўқиётган ёшларга қаратилган “буржуа унсурлари таъсири остида қолган” деган қоралашга ишорали жавоб бермоққа интилган.

“Техника ва биз”, “Чўлпон Чўлпондир” сарлавҳали мақолаларда эса, хорижда техника тараққий топган муҳит ва ривожланган ёт бир маданият билан юзма-юз қаршилашиб қолган ёшлар ўз миллий маданиятларини камситмасликка, ўз маънавий қадриятларини исботлашга тиришаётганлари сезилиб турибди. Журналда босилган барча мақолалар билан танишиб чиқилса, Туркистон ёшларининг советлар жамиятидаги ўзгаришлар ва коммунистик тушунчалардан унчалик қайғу чекмаётгани англашилади. Улар советлар тузуми ичида Туркистон ва туркистонликлар ўз ҳаётини давом эттира олишига, ўз миллий турмушларини муҳофаза қилиб, ҳеч ҳам йўқотмаслигига, ўз юртлари тақдирини ўзлари ҳал этишига ишонадилар, журнални ўқиркан, ана шу руҳ сезилади.

Талаба ёшлар яхши ният қилиб, имкони топилса журнал нашрини давом эттирмоқчи эканликларини билдиришган. Аммо, афсуски, имкон топилмаган шекилли, журналнинг иккинчи сони чиқмаган.

ХОРИЖГА ТАЛАБА ЮБОРИШНИНГ СЎНГИ

Туркистон автоном совет социалистик республикаси ва Бухоро халқ жумҳурияти томонидан юритилган ёшларни Оврупода ўқитиш сафарбарлиги Москванинг ғашига тегиб келаётганди. Лахистон билан бўлаётган урушнинг тугаши, Туркистондаги босмачилик ҳаракатининг ҳам деярли тинчигани ва назорат остига олингани туфайли бўлшевик раҳбарлар эркин нафас ола бошлади. Атрофдаги жумҳуриятларнинг маҳаллий раҳбарлари томонидан оғир пайтларда қўйилган баъзи истак ва талаблар мажбуран маъқулланганди, энди у мавзуларда қайта ўйлаб кўриш фурсати келганди. Советлар фикрича, хорижга талаба юбориш лойиҳалари дарҳол тўхталиши керак ва ёшлар орқага қайтарилиши лозим эди. Шу қараш натижасида 1923 йил ўрталаридан Туркистон матбуотида Мокванинг юқоридаги тушунчасига боғлиқ мақолалар чиқа бошлади. Масалан, “Чет мамлакатларга ўқувчи жўнатилмасин” деган мақолада қуйидаги ғаразли фикрлар ифодаланган:

> “Ички Русияга юборилган ўқувчиларимиздан бошқа Берлинда ҳам бир мунча ўқувчиларимиз борлиги маълумдир. Кейинги вақтларда Фарғонадан келган ишончли хабарларга қараганда, келгуси ўқиш мавсуми Русиядан ташқари элларга ўқувчилар юборишлик йўлларида

ҳаракатлар бошлангандир... Бу ҳаракатда бўлгучи ўртоқларимиз Русияда бугунги энг яхши йўлга қўйилган ва ҳар кимга тушунарлик ўрта ва олий мактабларни кўзлари кўрмайди, Овруподаги буржуазия оқсуяклар руҳи, буржуазия идеологияси билан тарбия қиладирган мактабларни кўрадирлар."[343]

Муаллиф мақоласида Олмонияда ўқиган талабаларнинг Русиядаги давлат тўнтариши йилларида Германияга қочган чор тузуми тарафдорлари билан алоқа қилганлари ва уларнинг зарарли сиёсий фикрлари билан заҳарлангани алоҳида таъкидлаган. Фикрларини хулосаларкан, бундан кейин Туркистондан чет элларга ўқувчи ёшларни жўнатмаслик кераклигини ва хориждаги барча талабаларни орқага қайтариш даркорлигини таъкидлаган. Аслида, совет органлари Москва ва Петербург йўли билан Германияга кетаётган талаба гуруҳларига Русияда ўқишни тавсия этганлар ва шундай қилсанглар, жуда катта имкониятларга эга бўласизлар дейишган. Аммо Бухоро жумҳурияти ва Туркистон АССР раҳбарларининг қарорлари қатъийлиги, талабаларнинг ҳам хорижда ўқиш истаклари кучлилиги боис шўро ташкилотлари уларни йўлдан қайтаролмаган.[344]

Матбуотда босилган мақолаларда хорижга ўқишга кетган талабаларгина эмас, балки уларни юборган раҳбар кишилар ҳам танқид қилина бошлади. Бу мавзуда гап-сўзлар ва баҳслар тобора ортиб бораркан, бу масалани ҳал этиш мақсадида Туркистон АССР халқ комиссарлар советининг раиси ва Русия коммунистик партияси марказий комитети Ўрта Осиё бюроси аъзоси Турар Рисқуловнинг шахсан ўзи Германияга кетди ва аҳволни ўрганиб чиқди. Ватанга қайтаркан, "Германиядаги ўқувчиларимиз" деган бир мақола ёзди. Унда, жумладан, қуйидаги фикрлар баён этилган:

"Хорижга юборилган талабаларнинг Олмонияда ўқишга киролмаганлари, туркиялик ва бошқа баъзи сиёсий қочоқларнинг таъсирига берилганлари ҳақди миш-мишлар тарқалганди. Бундан ташқари, у ердаги талабалар мактуб ёзиб, моддий кўмак сўраган эдилар. Шу сабабли у ерга бордим. Барча талабалар тил ўрганиш учун олмон оилаларига жойлаштирилган... Талабаларнинг рус сиёсий қочоқлари билан ҳеч қандай алоқалари йўқ. Шарқ сиёсий қочоқлари (турклар, татарлар ва бошқалар) билан муносабатлари бор бўлса ҳам, аммо ёшлар улардан бир зарар кўрмаган... Туркистон талабалари зиммаларидаги бурчни яхши биладилар. Дарсдан сўнгра ётоқхоналарига, турар жойларига қайтиб, ўз халқлари ва ҳукуматларига фойдали фаолиятларини давом эттирмоқдалар."[345]

---

[343] Қамчибек. "Чет мамлакатларга ўқувчи жўнатилмасин". "Фарғона" газетаси, 8 июл 1923 й.
[344] Саида Ўқтой (Шераҳмад қизи) билан шахсий суҳбат, Истанбул, июл 1990 й. (А. Андижон архиви)
[345] Рисқулов Т. "Германиядаги ўқувчиларимиз"*(табдил эмас).* "Туркистон" газетаси, 19 декабр 1923.

Юқоридаги гаплардан осонгина билиниб турибдики, советлар томонидан энг таҳликали дея қораланган икки гуруҳ, яъни, туркиялик турклар ва бўлшевизмга қарши курашган оқ рус муҳожирларидир. Аммо Туркистон халқ комиссарлар совети раиси Турар Рисқулов назарида эса, талабаларнинг турклар ва оқ рус муҳожирлари билан алоқаларидан ҳеч бир зарар йўқ. Мана шу ҳолат, бизнингча, советларнинг илк йилларида, Туркистонни бошқарган маҳаллий раҳбарлардаги туркликка хайрихоҳ муносабатни кўрсатиши билан диққатга сазовордир. Ана шундай тушунчага эга шахснинг совет ҳукуматида узоқ вақт раҳбар бўлиб қолиши мумкин эмасди, албатта.

Зотан ўшандан кўп ўтмай у Мўғилистонга сургун қилинди ва кейинроқ барча маҳаллий раҳбарлар каби йўқотилди.



Туркистон халқ комиссарлар советининг раиси Турар Рисқулов Олмонияда. 1923 йил охирлари, Берлин. (А. Андижон архиви)

1924 йилда Олмонияда ўқиётган талабалардан бири Саттор Жабборнинг ватанга ёзган мактуби “Туркистон” газетасида босилган.[346] Хат муаллиф номидан эмас, Эртакчи тахаллуси билан берилган. Саттор Жаббор мактубида ўқувчи ёшларнинг тушунчаларини шундай ифодалаган:

> “Биз 22 нчи июлнинг сўнгги кунларида Германияга келгач, аввалан тил ўрганишга бошладик. Буюк Туркистонни талаб, ёндириб, эзиб келган рус монархистлари “Сартлар[347] Оврупода нима қилади?” деган истеҳзолар билан матбуотларда (Берлинда чиқадиган рус газетасида) қичқириб ўтган эдилар. Рус миллатчиларининг бу совуқ ва қўпол қарашларига қарши германлар томонидан яхши кутиб олиндик. Яқин замондан бери Туркистон жумҳурияти ва шўролар Русиясида “Талабалар Оврупонинг бузуқ фикрлик кишилари таъсиридадирлар, уларни қайтариб олмоқ лозим. Йўқса бир кун бошимизга бало бўлур...” каби бўлмаган сўзлар тутиилганини эшўитиб, ҳайрон қолмоқдамиз. Ҳаммага маълумки, Туркистон талабалари Оврупога сиёсат билан аралашмоқ учун келмадилар. Германияга келганимизга икки йил бўлди. Шу вақтгача орамизда бирор кимса сиёсат билан шуғулланмади. Германиядаги талабалар икки гуруҳдир. Буларнинг кўпчилик ташкил қилганлар гимназия ва ўрта саноат мактаблари ўқувчиларидир. Иккинчи гуруҳ дорилфунун ва олий техника мактабларидаги ўқувчилардир... Бизлар Туркистон, Озарбайжон, Русия жумҳуриятлари талабалари, Туркиядаги ўқувчи ўртоқлар алоқа боғлаб, танишмоқдамиз.”[348]

Саттор Жаборнинг берган маълумотларига кўра, Олмонияда ўқиётган ёшлар ўзаро ташаббус кўтариб, Туркистон талабалар уюшмаси номли бир жамият тузишган. Унга Абдуваҳоб Муродий бошчилик қилган. Германия ҳукуматининг расмий мақомлари тарафидан маъқулланган бу жамият Оврупода туркистонликларнинг қурган илк расмий ташкилоти сифатида муҳим тарихий аҳамиятга моликдир.

---

[346] “Туркистон” газетаси, 2 сентябр 1924 й.

[347] Сарт сўзи Туркистоннинг қирлик тарафларида яшаганларга, шаҳарлашган ва савдо билан шуғулланадиганларга нисбатан ишлатилади. Руслар бутун Туркистон халқига нисбатан сарт атамасини қўллаган.

[348] Жаббор. “Германияда Ўрта Осиё талабаларининг иккинчи йили”. “Туркистон” газетаси, 2 сентябр, 1924 йил.

Саттор Жаббор маълумотга қараганда, бу жамият аъзолари қуйидагилардан иборат бўлган: Абдуваҳоб Муродий, Азимбек Беримжон, Солиҳ Муҳаммад, Темурбек Қорибекўғли Берлиндаги олий қишлоқ хўжалик мактабида ўқирдилар.Берлин олий техника мактабида Саидали Хўжа (кимё бўлими), Афзал Абусаид (Вансурал, меъморлик), Султон Мадқул (геология), Аҳмаджон Иброҳим (Ўқой, геология), Билол (механика бўлими), Тўлаган Мўъмин (электроника) ўқиганлар. Ваин олий қишлоқ хўжалиги мактабида Иброҳим Орифхон (Ёрқин), Дармштат олий техника мактабининг кимё бўлимида Собир Туркистоний, Дрезден олий техника мактабида эса Отаулло таълим оларди. Ижтимой фанлар соҳасида ўқиётганлар жуда оз эди. Аҳмад Шакурий Берлин университетининг фалсафа факултетида, Аҳмад Наим (Ўктам) иқтисод факултетида, Тоҳир Шокир (Чиғатой) Ҳайделберг университетининг социология бўлимида ўқишарди. Абдулваҳоб Исҳоқ ўғли (Ўқтой), Шоҳсултон хоним, Гулсум хоним ва Заҳро Қўшой эса тиб факултетида таълим олаётган ёшлардан эди.

Жамиятни қуришдан мақсад туркистонлик талабаларни бир ташкилот атрофида бирлаштириш ва Оврупо илму ирфонини Туркистонга танитишга, Туркистоннинг ижтимоий ҳаётини, саноатини замонавий илм-фан, техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда янгиланишига, Туркистон халқининг капиталистлар асоратидан қутулишига хизмат қилишдан иборат бўлган. Бу жамиятнинг яна бир вазифаси Туркистондан Оврупога келадиган талабаларнинг, қандай йўл билан келишидан қатъий назар, доим қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш эканлиги ҳам таъкидланган.

Совет ҳукуматининг маълум ташкилотларига берилган маълумотларда туркистонлик талабаларнинг таълим олишдан ташқари ҳеч қанақа фаолиятларга аралашмаганлари, хусусан Туркиянинг Олмониядаги расмий мақомлари билан алоқа қилмаганлари ёзилган бўлса ҳам, бу унчалик тўғри эмас. Ўша талабалардан бири, кейинчалик машҳур олим бўлиб етишган Иброҳим Ёрқиннинг айтишига кўра, Берлинда ўқиган туркистонлик талабалар Туркия элчихонаси билан яхши муносабат ўрнатишган. Зотан, Истанбулда ўрта мактабни тамомлаган туркистонлик Аҳмад Наим айни замонда Туркия элчихонасида таржимонлик ишларини ҳам бажарар, ҳам Берлин университетида ўқирди. Туркистонлик талабалар унинг воситасида элчихонадаги турклар билан алоқа қилиб турганлар. Айниқса, машҳур туркчи Зиё Кўкалпнинг ўлими муносабати билан Ҳайделбергда ўқиётган талабаларнинг Туркия элчихонасига юборган қисқагина мактуб туркистонлик талабаларнинг Туркиядаги муҳит ва турк миллиятчилиги ҳаракатлари билан яқиндан таниш эканликларини кўрсатиши жиҳатидан диққатга моликдир. Жўнатилган мактубга “Туркиянинг Олмониядаги буюк элчиси пошо ҳазратларига” деган сарлавҳа қўйилган.[349] Унда, жумладан, шундай дейилган:

> “Бугунги газеталардан улуғ пир Кўкалп Зиё бекнинг вафотидан, бу туфайли турк ирфони, мафкураси дунёсида улкан бўшлиқ очилганидан хабардор бўлдик. Туркчилик мафкурасининг байроқдори у улуғ Устод:
>
> Русия тарқалиб, вайрон бўладир,
> Туркия етилиб, Турон бўладир...
>
> каби порлоқ шеърлари билан, хусусан, асорат занжирларига боғланган туркларнинг сиймоларини порлоқ бир тарзда тасвирлаганлигинини ҳам яна бир бор эсларкан, у зотнинг ўлимидан оғир қайғуга чўкдик ва қалбимизни тузалмас яралар қоплади.
>
> Бу муносабат билан Жанубий Олмониядаги Туркистон талабалари, умумтурк ёшлари ва миллий ҳукуматимиз номидан таъзиямизни ҳамда бу қора кунларда сизлар билан биргалигимизни Олмониядаги Туркия элчихонасига билдирамиз.

[349] Жанубий Олмониядаги туркистонлик талабаларнинг Туркия элчихонасига мактуби (Аҳат Андижон архиви).

Жанубий Олмониядаги Туркистон талабалари, Ҳайделберг, 13 ташринуссоний 1924’’.

1924 йилнинг охирига бориб Туркистондаги аҳвол жадал ўзгарди ва майдонга келган вазият Олмониядаги талабалар тақдирини ҳам ҳал қилди. Шу йилнинг сентябр ойида, Бухоро халқ жумҳурияти ва Хива халқ жумҳурияти ағдарилганидан кейин, советлар Туркистон минтақасида янги сиёсий ўзгаришни, яъни Туркистонни парчалаш зарбасига киришди. Натижада Ўзбекистон совет социалист республикаси, Туркманистон ССР, Қирғиз(Қозоқ)истон совет социалистик республикаси ташкил қилинди. Бу тадбир туфайли Туркистон тамоман советлаштирилди, олдинги ҳокимиятда қатнашаётган туркистонлик маҳаллий раҳбарлар ва миллий ходимлар деярли тарқатилди, янги тузилган ҳукуматларга яқинлаштирилмади. Айни алғов-далғов замонда Берлинда шундай воқеа юз бердики, бу ҳол шу ердаги талабаларга ҳам, узоқлардаги бўлшевик раҳбарларга ҳам бирдай қаттиқ таъсир қилди. Яъни, Ўрта Осиё миллий авомий ихтилол жамиятлари иттифоқининг Овруподаги илк йиғилиши ўтказилди ва ташкилотнинг номи Туркистон озодлик жамияти ўлароқ ўзгартирилгани эълон этилди.[350]

Ана шу йиғилишда Туркистон озодлик жамиятининг бундан кейин хорижда юритиладиган фаолиятлари, яъни, Туркистон миллий мужодаласининг асослари ишлаб чиқилди, ишларни бажарадиган ва бошқарадиган шахслар янгидан белгиланди. Ана шу вазиятда Олмонияда ўқиётган талабаларнинг бу жамият билан муносабатлари бошқа нуқтага кўтарилиши, ҳамкорлик қилиши эҳтимоли ҳам борлиги шўро раҳбарларини ўйлантириб қўйди. Бу муаммони ўрганиб чиққан Москвадаги бўлшевиклар талабаларни орқага қайтаришга қарор берди. Бу ишни бажариш учун 1925 йилда Меерсон[351] деган бир яҳудий ўқитувчи тафтишчи сифатида Олмонияга келди.

Меерсон илк ишни Бухоро халқ жумҳуриятидан юборилган кичик ёшдаги ўқувчилардан бошлади ва уларни таълим олаётган мактабларидан чиқариб, барини тўплаб, орқага қайтариб юборди. Улардан атиги бештаси Аҳмад Наимнинг ва Варшавадаги Туркия элчихонасининг ҳаракати туфайли Ригадан яна Олмонияга қайтириб олиб келинди. Кейинроқ бу беш киши турк элчининг ёрдами билан Туркияга юборилди ва улар мактабни ўша ерда тугатишди.[352] Шу орада совет ҳукумати

[350] Китобнинг “Туркистонликлар Овруподa” бўлимига қаранг.

[351] Бу тафтишчининг исмини ўша вақтдаги талабалардан Саида Шераҳмад қизи (Ўқтой) ҳам, Иброҳим Орифхон (Ёрқин) ҳам аслида қандай ёзилиши кераклигини хотирлай олмадилар, бу ўринда талаффузига кўра олинди.

[352] Бу ўқувчилар Муқим Жўрабой, Уйғур Боқи, Солиҳ Ҳамид, Муҳаммад ва Аҳмад Наимнинг укаси эди. Улар Трабзўндаги муаллимлар мактабига жойлаштирилган. Мактабни битириб, Туркияда ўқитувчи бўлиб хизмат қилганлар. Аҳмад Темир Трабзўн муаллимлар мактабида улар бирга ўқиганини, олмончани улардан ўрганганини хотирлайди (Temir. 60 yıl Almanya. S. 156)

Бухородан келган талабалар учун бериладиган маблағлар қўйилган олмон банкларидаги ҳисоб рақамларини ёптирди. Аммо лицей ёки университетларда сўнг босқичларда ўқиётган талабалар ўз таълим даргоҳлари билан алоқани узмадилар. Энди уларга “ўз истаклари билан” советлар юртига қайтиш учун зуғум қила бошладилар. Шунинг баробарида, Олмониядаги коммунистлар учун малака ошириш курслари очилди ва уларга бу ерда қолган ўқувчи ёшлар жалб этилди. Шунингдек, совет тарафдорлари томонидан қурилган “Studkom”, “Stiçkom” деган қизил ўқувчилар ташкилотларига ҳам аъзо бўлишга зўрлай бошлашди. Талабалардан Тўлаган Мўъмин ва Султон Мадқулнинг бу курсларга қатнашгани ва коммунист ўқувчилар ташкилотига аъзо бўлганликлари маълумдир.

Бу зуғумларга чидаб, ўқишни давом эттиришни истаганларни эса, янада бездирмоқ учун, олий ўқув юртларининг фалсафа, ҳуқуқ ва иқтисод каби факултетларига киришни таъқиқлаб, агарда олдиндан бу соҳаларда ўқишаётган бўлса, бошқа факултетларга ўзгартириш талаб этилмоқда эди. Бу зуғум ва таъқиқлар натижасида, масалан, Берлин университетининг фалсафа факултетида таълим олаётган Аҳмад Шакурий мажбуран ўқишни ташлаб, Туркияга бориб, ўша ерда ўқишини тугаллаган. Хориждаги Туркистон лидерлари ёки уларнинг ташкилотлари билан алоқа қурган талабалар ҳам миллатчи дея тамғаланиб, давлат томонидан берилаётган ойлик маблағ тўхтатилган.[353]

Бу муносабатдан қийналган талабалар Ўзбекистон жумҳуриятининг Берлиндаги маориф ваколатхонасига махсус хат ёзиб, ўқишлари битмасдан орқага қайтирилишлари катта исрофга сабаб бўлишини ва бу ишнинг Туркистон келажаги учун зарарли эканлигини таъкидлаб, таълим олишни давом эттиришларига изн ва ёрдам истаганлар. Аммо бундан бир натижа чиқмаган.[354]

Бу таъқиқлар қатори, шўро мустамлакачиларининг Туркистонни парчалаб, бир неча жумҳуриятларга бўлганидан кейин пайдо бўлган янги сиёсий муҳит сабабли қурилган Туркистон талабалар уюшмасини ҳам ёпиш талаб қилинди. Бироқ бу зуғуму таъқиқларга қарама-қарши ўлароқ, Туркистон талабалар уюшмаси ва баъзи аъзолар ғайрати билан ҳар йили олмон ҳукуматининг рухсати олинди ва 1930 йилгача яширин тарзда ишларини давом эттирди.[355] Бу орада, 1926-1927 йиллардаги ёз таътилини

[353] Иброҳим Ёрқин (Орифхон) билан шахсий суҳбат. Анқара, май 1990 й. (А. Андижон архиви)

[354] Жанубий Олмониядаги Туркистон талабалари тарафидан Ўзбекистон шўро жумҳуриятининг Берлиндаги маориф ваколатхонасига ва Олмониядаги Туркистон талабалар уюшмасига мактуб, 1 август 1925 йил, Ҳайделберг (А. Андижон архиви).

[355] Аҳмад Наим томонидан ТМБга 19.04. 1929 й.да ёзилган мактуб (А. Андижон архиви).

ўтказиш учун Туркистонга борган талабаларга яна Оврупога ўқишга қайтишга рухсат берилмаган.[356]

Шундай қилиб, 1928 йилга борганда Олмониядаги олий таълим даргоҳларида ўқиётган туркистонлик талабалар сони жуда озайиб кетди. Шу сана Ўзбекистондан Олмонияга уч кишилик тафтиш ҳайъати юборилди. Кўринишдан Кёлн шаҳридаги китоб кўргазмасига қатнашишга келган бу ҳайъатга топширилган асл вазифа Олмонияда қолган талабалар ичида мафкуравий тозалаш ишларини ўтказишдан иборат эди. Хусусан, Туркистондаги қариндошлари ичида жадидлар билан алоқаси бўлганлар ёки бўлшевикларга қарши гуруҳларга алоқадор талабалар аниқланиб, ўқишдан қувдирилди.[357]

1930 йилдан эътиборан эса, совет ҳукумати ниҳоятда кескин йўл тутиб, миллий ҳаракатларга алоқаси бор-йўқлигига ҳам қарамасдан, барча талаба ёшларга берилаётган стипендиялар ва бошқа маблағларни тўхтаттирди. Ўшандан кейин ўқишни давом эттирган олий таълим даргоҳлари талабаларига олмонларнинг Вўн Ҳумбўлдт жамғармаси ёрдам бериб тургани маълум.[358]

Бундайин оғир шароит ва қаршиликларга қарамасдан, Туркистон АССР ва Бухоро халқ жумҳуриятидан давлат йўли билан Олмонияга юборилган ва ўз имконлари билан келган талабалардан 20 қадари олмон университетиларини битиришга муваффақ бўлди.

ТУРКИСТОНГА ҚАЙТГАНЛАР

Шўро ҳукуматининг 1925 йилдан хорижда ўқиётган талабаларга қарши қўллаган тадбирларидан, зуғумларидан қутулиб қололган ёшлар Олмонияда ўқишни тугатгунча ва ундан кейин ҳам оғир, мураккаб вазиятда яшашга маҳкум бўлдилар, кўпининг ҳаёти фожиали тугади. Совет ҳукумати тарафидан орқага қайтариб олиб келинган кичик ёшдаги ўқувчиларнинг кейинги қисмати нима бўлганидан хабаримиз йўқ. Аслида, уларнингг барчаси бошланғич мактаб ўқувчилари эди, ҳали ёш бола эдилар ва оз муддат Германияда яшадилар. Шуларга кўра айтиш мумкинки, эҳтимол уларнинг бошига оғир мафкуравий зарбалар ёғилмагандир. Бу ўқувчиларнинг тақдиридан хабарсиз бўлсак ҳам, лекин, университетларни битиргандан сўнгра ёхуд ўз истаклари билан ва ёки мажбуран ватанга қайтганларнинг тақдири хусусида кейинги йилларда анчагина тадқиқотлар юзага келдики, уларга таянган ҳолда фикр

[356] Солиҳ Муҳаммад, Насриддин Шераҳмад ўғли, Фузайл Шераҳмад ўғли, Хайринса Мажидхон қизи ўшалардан ҳисобланади.
[357] Баҳоиддин Аминжон, Омонулло Насрулло ўғли ўшандай ўқувчилардан эди.
[358] Турдиев Ш. “Улар Германияда ўқигандилар”. “Ёш ленинчи” газетаси, 3 апрел 1990.

билдириш ўринлидир. Хуллас, бу инсонларнинг ўз юртларига муносабати, қилган хизматлари, оғир қисматлари эндиликда маълумдир.

Олмонияда дорилфунунни битириб, Туркистонга илк қайтиб борган шахс Абдуваҳоб Муродийдир. У 1921 йилда, ўз маблағи эвазига, аввал Афғонистонга, сўнгра Олмонияга борган илк туркистонлик талаба ҳисобланади. Абдуваҳоб Муродий ўша пайтда Кобулда турган Жамол пошо билан учрашади, унинг ёрдами, иттиҳод ва тараққийчиларнинг олмонлар билан қалин муносабатлари туфайли бу ўлкада талаба бўлишга эришади. У Берлин қишлоқ хўжалиги ўқув юртига қабул қилинади. 1924 йилда Берлинда ташкил топган Туркистон талабалар уюшмасига раис қилиб сайланади. Бу йилларда муҳожиротга чиққан ва Оврупога келган Туркистоннинг сиёсий лидерлари билан муносабатга киришди. Берлинда тузилган Туркистон озодлик жамияти қурултойига қатнашган, бу яширин ташкилотга аъзоси бўлган ва жамиятнинг Берлиндаги бўлимини очиб, фаолият юритган. 1926 йилда Берлин қишлоқ хўжалик академиясини битирган Муродий Туркистонга қайтишни, ватанига хизмат қилишни истарди. Аммо, вазият таҳликали эди. Туркистон миллий бирлиги раиси Закий Валидий Тўғоннинг 1926 йил 10 декабрда Абдуваҳоб Муродийга ёзган хатидан аён бўлишича, бу пайтда Туркистонда зиёлиларга қарши қаратилган зулм ва зуғумлардан муҳожиротдаги кишилар ҳам яхши воқиф эди ва ватанга қайтганларнинг бошига оғир ишлар тушиши ҳам тахмин қилинарди. Бунга қарамасдан, бўлшевизмга қарши курашни ўлкада туриб давом эттиришни ва ўз юртининг келажагига хизмат қилишни истаган ватанпарвар идеалист инсонлар бу таҳликаларни писанд этмадилар. Валидийнинг мактубида Туркистондаги турум шундай ифодаланган:

> “Мамлакатга қайтишингизни Аҳмад Наимдан эшитдим. Сизга оқ йўл тилайман... Жамият аъзоларидан тошкентлик мулла Таваккул Абдуллазода деган бири Кобулга қочиб келди. “Янги Қафқазия” мажалласига ўз номидан Туркистондаги аҳволни англатган бир мақола юборди. Шунингдек, бу ерга келган самарқандлик мужоҳид бошлиқлардан Ҳамроқулбекнинг менга айтишича, миллатнинг руҳи жуда баланд. Жамият бор ва имкон қадар ишламоқда. Фақат ўзаро алоқа қилиш оғирлашган. Зеро ЧКанинг таъқиботи кучайган ва икки-уч киши орасидаги гап ҳам уларга етиб борётганмиш...
>
> Туркистондаги зиёлилар орасида ҳам Москвада ўқиганларни “зиёли”[359] дея, Олмония ёки Туркияда таълим олганларни “зиёнли”[360] дея таърифлаш, қоралаш бошланибди. Демак, сиз ҳам ватанга қайтгач, агарда тинч қўйсалар, ўз ишларингизни қиларсиз. Сиз ҳам хорижда ўқиганингиз ёки бошида Туркия пошолари билан алоқа қилганингиз ва Олмонияда узоқ вақт қолиб кетганингиз боис турли айбловларга дуч

[359] Ҳақиқий интелгент.
[360] Зарарли, айнан ёт фикрли маъносида.

келарсиз. Шундай бўлса ҳам, коммунистлар мафкурасига қўшилгандай кўриниб, ўз йўлимизда ишлашга мажбурмиз.”

Закий Валидий мактубининг иккинчи қисмида Муродий ватанга қайтганидан кейин қай тартиб ва усулда иш юритиши лозимлиги тўғрисидаги фикрларини баён этган, маслаҳатлар берган. Муродий жамиятнинг миллий социалистлар бўлимига, яъни эрк фирқасига мансуб эди. Валидий унга, жумладан, қуйидагиларни уқтирган:

> “Мамлакатга борар-бормас қилишингиз керак бўлган илк ишлар шулардир: ҳақиқий фидокор, ихтилолчи ва ташкилотчи дўстларингиздан бирини жудаям синчковлик билан танлайсиз-да, бутун фаолиятларни ўшанинг воситасида юритасиз. Қозоқлардан Динша, ўзбеклардан Бухорода Валижон Умархонов каби ишончли дўстлар бор, улар билан алоқа ўрнатингиз.
>
> Аммо у дўстлар билан тўғридан-тўғри ўзингиз муносабатга киришманг, кўришманг, бошқа дўстлар воситасида алоқа қуринг. Ҳатто у дўстларни сиз танимаслигингиз ҳам мумкин, зотан бунга ҳожат ҳам йўқ. Ҳар шаҳардаги одамлар билан муносабат ўрнатиб, янги бир ташкилот қуришингиз керак... Янги ташкилот ясаганингизни эски жамият аъзолари билсалар ҳам, Туркистонда нималар қилаётганингизни билмасинлар. Аъзоларингиз ҳам бир-бирларини танимаганлари мақбул. Чунки эски жамият аъзоларининг барчасини рус ЧКаси яхши билади ва эҳтимол, уларнинг ҳар бир қадами кузатилаётгандир.
>
> Ташкилот ёшлар орасида яширин қўмиталар уюштирсин, улар ёшларимизни коммунистлар мафкурасига берилиб кетишдан сақлашлари керак. Шунингдек, халқнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий аҳволи ҳақида хорижга маълумот тарқатсинлар... Имкони бўлса, ташқарига талаба ёки савдогар сифатида одамлар жўнатиб туриш керак.
>
> Хорижга мактуб, китоб ва маблағ юбориш учун Туркия, Афғонистон элчихоналаридан фойдаланиш мумкин. Мен шахсан турк элчиси Зотий бей билан учрашдим, у ёрдам қилишга сўз берди.”[361]

Абдуваҳоб Муродий 1927 йил бошларида олмон хотини ва боласи билан юртга қайтди. Қишлоқ хўжалиги институтига ишга кирди, институтнинг Тошкент яқинида жойлашган Қовунчи қишлоғидаги тажриба ер майдонида фаолиятга киришди. Аммо бу вазият узоқ давом этмади. 1929 йил ноябр ойида Туркистондаги жадид ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири Мунавварқори Абдурашидхонов ва бошқалар билан бирга қамоққа ҳукм этилди. КГБ (давлат хавфсизлик хизмати) архивларидаги ҳужжатларга кўра, “совет ҳукуматини ағдариш мақсадида иш қилганлари аниқланган” Мунавварқори ва 38 та сафдошлари дарҳол сўроққа тутилди. Бу гуруҳ ҳақида чақимчилик қилган Муҳаммад Солиҳовичнинг қуйидаги сўзлари КГБ сўроқномаларига айнан

[361] Закий Валидий Тўғон томонидан Абдуваҳоб Муродийга 10 декабр 1926 йилда ёзилган хат (А. Андижон архиви).

киритилган ва инсонларга жазо берилишида бир ҳужжат вазифасини ўтаган:

> “Жадидлар (тараққийпарварлар) Туркистонда октябр инқилобидан аввал, Русия буржуазиясига ва Туркистонда ҳукм сурган феодал қолоқликларга қарши курашганларни ҳаракатлантирувчи куч ўлароқ майдонга тушганди. Улар рус буржуазиясининг мустамлакачилик сиёсатидан норози эдилар ва унга қарши курашардилар. Шунингдек, улар маҳаллий аҳолининг эски турмуши ва қолоқлигига ва бу қолоқликнинг сабабчиси ҳисоблаганлари дин ходимларига ҳам кескин қарши эдилар. Қисқаси, жадидларнинг мақсади феодализмни ва эски турмушни бартараф этиш, янги миллий буржуазия давлатини қуриш эди. Бу ҳаракатнинг атоқли йўлбошчилари шулардир: Мунаввар қори, Муродхўжа домла, Имомхўжа Ҳалилий, Ҳасан қори, Абдулла Авлоний, Шорасул Зуннун, Шоҳид Эсон, Мир Байди, Абдуваҳоб Муродий ва Мажид Қодир.”[362]

Бу ҳужжатда октябр инқилобидан кейин жадидларнинг бўлшевиклар тузумига қарши курашни давом эттирганлари таъкидланиб, уларнинг нияти совет ҳукуматини ағдариш эканлиги ифодаланган. Булардан ташқари, Абдуваҳоб Муродий Жамол пошо билан алоқа ўрнатганланликда ҳам айбланган. Тергов жараёни тезда тугатилган ва муҳокама қилинган кишиларнинг бир қисми ўлимга ҳукм этилган, қолганлари эса, ҳар бирига турлича муддатлар белгиланиб, сургун қилинган.



Абдуваҳоб Муродийнинг КГБ қўлга олмасдан бир оз аввал, олмон хотини Марта ва қизчаси Путти билан тушган расми. Тошкент, май, 1929

[362] Coşkunaslan, *Türkistan Bağımsızlık Tarihinde Münevver Kari ve İttihat Terakki. Dr. Baymirza Hayit Armağanı,* s.119

Тергов бошланганидан бир оз муддат ўтиб, Муродий зиндонда ётаркан, унинг бир неча қариндоши ҳам қамоққа олинган. Эрининг айби нимадалигини ва қаерга ҳибс этилганини билолмаган Марта, чорасизликдан боши гангиб юра-юра, охири боласини олиб, Олмонияга жўнаб кетишга мажбур бўлди.

Қамалгандан кейин анча пайтгача Муродийдан ҳеч қандай хат-хабар чиқмаган. 1933 йилда, кутилмаганда, Туркистон миллий бирлигининг Афғонистон бўлимига ундан махфий мактуб келади. Бу мактубда Муродий қўлга тушганидан кейин бир оз вақт Тошкент қамоғида ётганини билдириб, у ердаги маҳкумлар ҳақида маълумот берган. Сургун қилинган макондан жўнатгани таъкидланган бу хатни ҳақиқатан ҳам Абдуваҳоб Муродийнинг ўзи ёзганми ёки КГБ уюштирганми, буни аниқлаш мумкин эмас. 1935 йилда Афғонистонга сиғиниб борган фарғоналик Насрулла деган киши Абдуваҳоб Муродийни Соловки деган ердаги сургун қамоғида кўрганини айтган.[363]

Олмонияда олий таҳсилини тамомлаб, 1928 йилда Туркистонга қайтган Азимбек Беримжон эса, юртига етиб келганидан бир оз сўнгра қамаб қўйилди ва кейинроқ Сибирга сургун қилинди. Зеро, шўро ҳукумати Азимбекнинг ҳали Германияга кетмасидан аввалги йилларда ҳам Туркистон ўлкасида давом этаётган миллий мужодалада фаол қатнашганини яхши биларди. Закий Валидий Тўғоннинг “Хотиралар” китобида эслашига кўра, улар миллий кураш йиллари Тошкентга келганларида, Азимбек Беримжон кутиб олган ва қозоқ педогогика институтида қолишган экан.[364] Беримжон Берлинга келмасдан олдин “Оқ чўл” деган журналда ишлаган. Закий Валидий Оврупода бўлган 1924-1925 йилларда Азимбек билан бўлган муносабатлари янада мустаҳкамангани маълум. Уларнинг бу алоқалари шўро ҳукумати одамлари тарафидан доим кузатилган. Шу боис Азимбек Беримжонга, Олмонияда олий таълим олиб юртига қайтганига қарамай, бирорта ҳам иш берилмасдан, тутилган, қамалган ва сургунга жўнатилган. Тахминимизча, 1937 йилдаги репрессия пайтида у ҳам йўқ қилинган бўлса керак.

Бошига кўп ишлар тушиб, Олмониядан мажбуран Туркистонга қайтган талабалардан бири Баҳоиддин Аминжондир. У Фрайбург университетида ўқиган. Олмониядаги талабаларнинг бирор уюшмасмига кирмаган, сиёсий ҳаракатларда қатнашмаганига қармасдан, 1928 йилда Олмонияга мафкуравий тозалаш ўтказишга келган шўро тафтишчиси томонидан дарҳол юртга қайтиши истанди. Сабаби, унинг отаси Аминжон махдум собиқ Бухоро қозикалонига[365] куёв эди ва жадидлар

[363] Мустафо Чўқайнинг Ёқуб Элбекка 1 феврал 1935 йилда ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).
[364] Togan, *Hatıralar*, s.362
[365] Бухоронинг энг катта қозиси.

билан ҳам яқин алоқа ўрнатганди. Миллий кураш йилларида жадидларни қўллаган, кўпларга, хусусан, Закий Валидийга ҳам ёрдам берганди. Унинг бу ўтмиши бўлшевикларнинг ёдидан ўчмасди, албатта. Кечмишдаги ўша ишлари учун Аминжон махдум 1928 йилда қамалди ва Бухородан Тошкентга келтирилди. Шубҳасиз, калтакнинг бир учи унинг Олмонияда ўқиган ўғлига ҳам тегди. Баҳоиддиннинг дорилфунунни битиришига ҳали уч йил бор эди, шўро маориф тафтишчиси унга дарҳол юртга қайтасан, дея зуғум қила бошлади. Энди Олмонияда қололмаслигини англаган Баҳоиддин ТМБ жамияти ёрдами билан Варшавага кетди. Аммо бу ерда ҳам ўқишини давом эттиролмай, 1929 йилда Бухорога қайтишга мажбур бўлди.

Шунга ўхшаш шум ишлар политехника соҳасида таълим олаётган яна бир бухоролик талаба Омонулло Насрулло ўғлининг ҳам бошига тушди. У Бухоро жумҳуриятининг қурилишида хизмат қилган жадидлардан Бекжоннинг қариндошийди. У ҳам мафкуравий тозалаш ҳайъатидаги тафтишчилар зуғумига учраб, ўқишини битирмасдан Туркистонга қайтишга мажбур бўлди. Бу икки талабанинг Олмониядан таълимни тамомламай юртга қайтарилиши, кўриниб турибдики, шўро ҳукуматининг уларнинг оилаларига қилган зулмига боғлангандир.

Туркистонга ўз истаги билан, аммо жуда даҳшатли драматик ҳодисалар натижасида қайтишга мажбур бўлган яна бир талаба Саттор Жаббордир. У ўқиб юрган пайтида, Берлиндаги совет идорлари билан алоқа қилиб тургани боис, тенгдошлари орасида у ҳақда “бўлшевик жосуси” деган гап тарқалганди. Аслида у хориждаги таълимнинг илк йилларидан фаол, Кобулиятли талаба ўлароқ танилганди. Форс тилини ҳам биларди, адабиётни севарди. Лицейни битирганидан кейин Берлин университетининг кимё факултетига кирди. 1927 йилда Солиҳ Муҳаммад ва Насриддин Шераҳмад деган тенгдошлари билан юртга таътилга келишди. Таътил муддати тугаб, Олмонияга фақат Саттор Жаббор қайтди, анави икки ўқувчига эса, Оврупога қайтишига изн берилмади. Бу воқеа ёшлар орасида Саттор Жабборга нисбатан турли шубҳаларнинг ёйилишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам, масалан, уни таниганлардан бири Аҳмаджон Иброҳимнинг 1927 йилда Закий Валидийга ёзган мактубида, жумладан, талабалар Саттор Жаббор олдида баъзи масалаларни гаплашмайдилар, чунки унинг “қизил” экани борасида гап тарқалган, деган фикрлар бор.[366] Бу миш-мишларга, хўрланишларга қарамасдан Саттор Жабборнинг ўқишини давом эттиргани, олмонлар билан ҳам, муҳожиротдаги таниқли шахслар билан ҳам яхши муносабатда бўлгани маълум. Масалан, у Закий Валидийнинг бир мақоласини немисчага ўгириб, “Deutsche Rundschau”журналида нашр эттирган. Мустафо Чўқайга ёзган бир мактубида эса, “Das Staat” деган газетада Бендер исмли бир дўсти ишлашини, иккиси бирликда Туркистон ҳақида

[366] Аҳмаджон Иброҳмнинг 1927 йил 2 декабрда ёзган хати (Аҳат Андижон архиви).

мақолалар ёзишаётгани, агарда Чўқай истаса, унинг ҳам мақолаларини олмончага ўгириб, нашр этишлари мумкинлигини билдирган.[367] Сатторо Жаббор ёзган мақолаларида тахаллус қўллаган. Ўзининг айтишига кўра, 1929 йилдаёқ шўро ҳукумати тарафидан унга берилаётган стипендия тўхтатилган ва ундан кейинги даврда олмон дўстларидан олган қарз- қурз ҳисобига кун курган. Унинг ана шундай оғир вазиятда, яъни, юртдошларининг душманчилиги ва йўқчилик ичида ҳам жиддий ижтимоий фаолият юритгани, хусусан, Берлиндаги советларга боғлиқ ташкилотлар билан алоқасини давом эттиргани у ҳақдаги шубҳа ва миш-мишларни янада орттирди. Чунки бошқа талабаларнинг совет расмий ташкилотлари билан муносабат даражаси энг паст савияда эди.

Худди ана шу пайтда бошқа бир талабага боғлиқ ўлароқ юз берган бир шов-шувли ҳодиса Саттор Жаббор ҳақидаги шубҳалар оловига ёғ қуйгандай бўлди. Аниқланишича, талабалардан Афзал Аусаид паспорт муддатини узайтириш баҳонасида совет элчихонасига чақирилган ва унга пул бериб, махфий равишда айғоқчилик билан шуғулланишни таклиф этишган. Абусаид бу таклифни ҳеч иккиланмай рад қилгани баробарида, элчихонадан қайтгач, бутун бўлган гапларни тенгдошларига айтиб берган. АфзалАбдусаидга боғлиқ бу ҳодиса ҳақида аввал французларнинг “Le Matın” газетасида мақола чиққан. Сал кейинроқ олмонларнинг “Das 12 Uhrblatt”, “Deutsche Zeitung”, “Kreuz Zeitung” газеталарида бу мавзуда мақолалар босилган.[368] Бу шов-шувли воқеанинг бу қадар жиддий сиёсий жанжалга айланиб бораётганидан ташвишга тушган совет ҳукумати Афзал Абусаидга жосусликни таклиф қилган элчихонадаги ЧКа ходими Михайловскийни Москвага чақириб олишга мажбур бўлган.[369]

Бу ҳодиса туфайли шубҳалари яна ҳам қайнаган тенгдошларига яқин йўлолмай қолган Саттор Жабборнинг руҳий ҳолати тобора бузилиб борарди. Унинг бу оғир кунлардаги аламли аҳволи Мустафо Чўқайга ёзган мактубларидан сезиш мумкин, Жумладан, бир мактубида у шундай дейди:

> “Тенгқурларим ҳам, сиз ҳам меникига кам келиб-кетадиган бўлиб қолдинглар. Баъзи дўстларим мени бўлшевик жосуси дея қоралаганларини яқинда билиб қолдим, дудоқларимни тишладим, кўзим қонга тўлди... Яқиндан бери ЧКа ётган азобу хўрликни тангри бошқа бир туркистонликнинг бошига солмасин... Ғариблигим етмагандай, устига устак бу туҳматлар... Берлин кутубхонасидаги бир нашрдан Олмониядаги рус муҳожирларига нисбатан “бир-бирларининг этини еган ёввойилар” деган бир нарса ўқигандим. Бир кун ҳақиқатни билган

[367] Саттор Жаббор томонидан Мустафо Чўқайга 1930 йил 11 мартда юборилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).
[368] Иброҳим Орифхон томонидан 13 феврал 1930 йил Мустафо Чўқайга ёзилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).
[369] “Ёш Туркистон” журнали, июл 1930, 7-8 сон, 56 б.

бирор туркистонлик ўртага чиқар ва у бизни бундан-да оғир сўзлар-ла таъриф этиши мумкин... Ҳақиқат бир кун юзага чиқади."[370]

Бу хатда Мустафо Чўқайга юборган "Дўстларимга" деган қуйидаги шеърида Саттор Жаббор ўзига ноҳақлиқ қилаётган тенгдошларига, адолатсиз муҳитга қарата дардини тўккани билиниб турибди:

Қардош каби суйганларим
Шубҳа ичра боқар менга.
Бахтсиз, қора шу кунларим –
Ўлим ўти, ёқар менга...

Ерсиз, ҳақсиз қораландим,
Шул уятсиз юртдошлардан
Юрак ичра яраландим
Чиркин, қуруқ туҳматлардан.[371]

Бўлар иш бўлиб бўлганди, муҳит қаршисида ёш йигит ожиз қолганди. Хуллас, Саттор Жабор 1931 йил бошларида мажбуран Туркистонга қайтди. Аввалига Ўрта Осиё давлат тиб институтининг кимё бўлимида ишлади. 1935 йилда институт директори бўлди. Орадан ўтган йилларда у Энгелснинг "Табиат диалектикаси" китобини ва баъзи олмон олимларининг кимё соҳасига оид асарларини ўзбекчага таржима қилди. У ҳам репрессия зарбасига учраб, 1937 йил 8 январда қамалди. Терговнинг илк кунларида бирор айбловни бўйнига олмаган Саттор Жаббор, йигирма бир ойга чўзилган тергов қийноқлари натижасида, 1930-1931 йилларда Тошпўлат, Арслон Субутой, Абдумаликжон деган тахаллуслар билан яширинча бешта мақола ёзганини ва уларнинг нашр қилинганини тан олди. Олмонларнинг "Deutsche Allemagne Zeitung" газетасида "Туркистон аёллари"[372] ва яна бир немис журналида чиққан "Пахта учун кураш"[373] сарлавҳали мақоласида советларга қарши фикрлар ҳам борлигини бўйнига олишга мажбур бўлди. 1938 йил 9 октябрдаги суд қарорига кўра у 10 йилга қамоққа ҳукм этилди. Аммо кейинчалик Саттор Жабборнинг тақдири нима бўлгани маълум эмас.[374]

Ўз юртларига қайтган барча талабалар ҳам бошқа туркистонлик зиёлилар каби репрессия тўпига тутилди. 1937-1938 йилларда Сталин ҳукумати томонидан уюштирилган буюк қирғин ҳаракати даврида миллат ёшларини хорижга ўқишга юборган Файзулла Хўжаев ва Турар Рисқулов каби давлат бошлиқлари ҳам қамалди ва табиийки, мустамлакачилар

[370] Саттор Жабборнинг Мустафо Чўқайга 16 сентябр 1930 йилда ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).
[371] Матнда шеър ўзбекча берилган ва изоҳда туркча англами ёзилган (тарж.).
[372] Матнда мақола номи ўзбекча ва изоҳда турк тилида берилган (тарж.).
[373] Матнда мақола номи ўзбекча ва изоҳда турк тилида берилган (тарж.).
[374] Туркдиев Ш. "Германияда ўқиганлар изидан". "Ўқитувчилар" газетаси, 6 апрел 1991 й.

зулмидан чет элларда таълим олиб қайтганлар ҳам четда қолмади, улар ҳам бирин-кетин қамоққа тушди. Штуттгарт қишлоқ хўжалик олий ўқув юртида таълим оларкан, ёзги таътилга келиб, ўқишига қайтолмаган Солиҳ Муҳаммад, тиббиёт бўлими талабаси Хайринса Мажидхон қизи, Фузайл Шераҳмад ўғли, Насриддин Шераҳмад ўғли, Зайнаб Оллошукурова, Азимбек Беримжон, Тўлаган Мўъмин, Саттор Жаббор, Темирбек Ҳожи бек ўғли, Абдураҳмон Муҳиббой ўғли, Тоҳиршоҳ Гирий, Бийтилев, Султон Мадқул каби ёшларнинг ҳаммаси Германия фойдасига жосуслик қилганликда, совет тузумига қарши курашиш ва Туркистон озодлик жамиятига аъзо бўлганликда айбланиб, терговга тортилди. Шубҳасиз, бу айбларнинг бирортаси ҳам тўғри эмасди. Туркистон миллий ҳаракатларига фаол қатнашган талабалар зотан юртга қайтмаган, бир амаллаб хорижда қўним топганди. Туркистонга қайтганлар орасида фақат икки киши, яъни Абдуваҳоб Муродий ва Азимбек Беримжон Туркистон озодлик жамиятининг аъзоси бўлган.[375] Марям Султонова ва Саттор Жаббор, КГБ архивидан олинган тергов баённомаларида ёзилишича, бу жамият номини аввал туймаганларини, фақат тергов пайтида илк бор эшитганларини айтганлар.[376] Султон Мадқул ва Тўлаган Мўъминнинг 1924-1925 йилларда рус коммунистлари тарафидан Олмонияда ташкил қилинган ўқув курсларида қатнашгани маълум эди. Бу талабалар ҳам, коммунист ёшлар ташкилоти аъзоси бўлишига қарамасдан, репрессия ҳукмидан қутилиб қололмаганлар.

Бу инсонларнинг бари узоқ давом этган тергов оқибатида, СССР олий суди ҳарбий бўлими қарорларига кўра қамоқ, сургун ёки ўлимга маҳкум этилди. Кўпининг тақдири нима бўлгани номаълум.

Ана шундай қилиб, туркистонлик ёшларнинг 1922 йилда катта умидлар ва гўзал орзу-хаёллар билан Олмонияда бошланган талабалик саргузаштлари совет қамоқларининг жаҳаннамий бурчакларида ниҳоясига етди. 1959 йилда совет раҳбари Хрушчев томонидан бошланган шахсга сиғинишни тугатиш даврида бу инсонларнинг айбсиз экани эълон қилинди ва улар оқланди. Шундай қилиб, хорижда ўқиб, ҳар қандай таҳликага қарамасдан, юртига хизмат қилиш учун қайтган бу ёшлардан дунёда қолган биргина нарса, оилаларига юборилган ўша икки энлик оқлов хатидан иборатдир.

Чет элларда таълим олиб ватанга қайтган ёшлар орасида, қамоқ ва сургун жазоларини торта-торта бир инсон, яъни Марям Султоновагина тирик қолган.

Дармштат шаҳрида ўқиган Марям Султонова 1928 йилда юртга қайтиб келганди. Бир муддат қизлар мактабида мудирлик вазифасида ишлади. Кейинчалик коммунист партиясининг расмий нашри

[375] Туркистон озодлик жамияти қурултойи ҳужжатлари (Аҳат Андижон архиви).
[376] Турдиев Ш. “Улар Германияда ўқигандилар”. “Ёш ленинчи” газетаси, 3 апрел 1990 й.

ҳисобланган “Гулистон” журналида хизматни давом эттирди. Бу орада турмуш қурди ва икки фарзанд кўрди. 1937 йил Марям Султонова фашизм тарафдори ва немис жосуси деган айблов билан қамоққа олинган. Суд қилиниб, 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган. 1947 йилда жазони ўтаб чиққач, туғилган юрти Хоразмга қайтган. Икки йилдан сўнг яна қўлга олинади ва Сибирга, Красноярск ўлкасига сургунга юборилади. Сталиннинг ўлимидан кейин, 1954 йилда бу аёл Сибирдан тирик қайтишга муваффақ бўлди. 1957 йилда қайта суд қилиниб, айбсиз эканлиги исботланди ва оқланди.[377]


ЮРТГА ҚАЙТМАГАН ТАЛАБАЛАР

1930 йилда Ўзбекистон олий суди раиси Саъдулла Қосимов ва унинг ёнида тўрт киши миллатчиларга ёрдам берганлик айби билан қаматилди. Сўнгра уларга боғлаб Мунавварқори ва яна бир гуруҳ Туркистонда танилган зиёлилар ҳибсга ташланди. Уларнинг орасида Абдуваҳоб Муродий ва Истанбул дорилфунунини битирганидан кейин ватанга ўқитувчи бўлиб қайтган Эшонбек каби ёшлар ҳам бор эди. Уларнинг бошига тушган фалокатлар Олмония ва Туркияда таълимни давом эттираётган талабаларнинг кўзини очди ва ўлкага қайтиб-қайтмаслик борасида тўғри хулоса чиқаришларида сабоқ бўлди. Зотан Олмонияда қолган ёшларнинг кўпи Оврупода фаолият кўрсатаётган Туркистон озодлик жамияти ишларига аралашгани учун шубҳа остида қолган ва аллақачон Берлиндаги совет махфий хизмати ходимлари тарафидан қора руйхатга тиркалганди. Бу талабалардан Аҳмаджон Иброҳим (Ўқой), Мажидхон Иброҳим (Ўқой), Саидали Хўжа (Анқара), Иброҳим Орифхон (Ёрқин),[378] Аҳмад Наим (Ўктам), Аҳмад Шакурий каби ёшлар 1930 йилларда Туркияга кетдилар ва фаолиятларини ўша ерда давом эттирдилар. Аҳмаджон Ўқой, Мажидхон Ўқой, Саидали Анқара ва Иброҳим Ёрқин Туркиянинг турли университетларида ишладилар ва профессор бўлдилар. Аҳмад Наим Ўктам узоқ йиллар Туркия кўчманлар федерационига раҳбарлик этди. Аҳмад Шакурий эса, турли лицейларда ўқитувчилик қилди, фалсафадан дарс берди. Абдуваҳоб Исҳоқ ўғли

[377] Турдиев Ш. “Улар Германияда ўқигандилар”. “Ёш ленинчи” газетаси, 10 апрел 1990 й.

[378] Иброҳим Ёрқин 1902 йилда Тошкентда туғилган. Илк таҳсилини усули жадид мактабида олди, сўнгра гимназияда ўқиди. 1922 йилда Туркия йўли билан Олмонияга борди, Берлин қишлоқ хўжалик олий ўқув юртига ўқишга кирди. 1929 йилдан бошлаб “Ёш Туркистон” журналини чиқаришда фаоллик кўрсатди. 1930 йилда Туркияга келди ва Анқара университети зоотехника бўлимига ишга кирди. 1951 йилдан 1972 йилгача шу дорилфунунда зоотехника бўлимини бошқарган профессор Иброҳим Ёрқин 1995 йилда Анқарада вафот этди.

(Ўқтой)[379] ва Тоҳир Шокир (Чиғатой)[380] каби талабалар 1929 йилдан Мустафо Чўқай билан биргаликда “Ёш Туркистон” мажмуасини чиқара бошладилар.[381]



Туркистонга қайтмаган талабалардан бир гуруҳи

Ўтирганлар (чапдан ўнгга): АфзалАбусаид (Венсурел), Иброҳим Орифхон (Ёрқин), Саида Шераҳмад қизи (Ўқой), Мустафо Чўқайўғли, Мажидиддин Далил, Аҳмаджон Иброҳим (Ўқой). Тик турганлар: Саидали Хўжа (Анқара), Аҳмад Наим (Ўктам), Абдуваҳоб Исҳоқўғли (Ўқтой), Собир Иброҳим (Туркистонли). Берлин, Шарлоттенбург 1930. (А.Андижон архиви)

[379] Абдуваҳоб Ўқтой 1904 йилда Тошкентда туғилган. 1917-1922 йиллар орасида Озарбайжонда ўқиди. Кейин Олмонияга кетди. Ҳайделберг университетининг тиб факултетини битирди. Дармштатда ишларкан, “Ёш Туркистон” журналини чиқаришда қатнашиш учун Берлинга кўчиб келди ва ўн йил муддатда бу журнал ишини бошқарди. 1934 йилда ўзига ўхшаб Туркистондан Олмонияга ўқишга келган талабалардан Саида Шераҳмад қизига уйланди. 1939 йилда Туркияга келди ва Хасеки касалхонасида ишлади. 1950 йилдан Тоҳир Чиғатой билан биргаликда “Ёш Туркистон” нашриёти ишини юритди. Шарқий Туркистоннинг муҳожиротдаги лидери Муҳаммадамин Буғро билан “Туркистон” жерналини чиқарди. 1968 йил 12 июнда Истанбулда вафот этди.

[380] Тоҳир Чиғатой 1902 йилда Тошкентда туғилган. Бошланғич ва ўрта таълимни Тошкентдаги усули жадид мактабида олган. Таҳсилини Уфада, сўнгра Озарбайжондаги муаллимлар тайёрлайдиган ўқув юртида давом эттирган. 1922 йилнинг кузида у ҳам Олмонияга ўқишга юборилди. Ҳайделберг университетининг фалсафа-социология бўлимини битирди. У Мустафо Чўқай бош муҳаррирлик қилган “Ёш Туркистон” журналини чиқаришда қатнашган. 1931 йилда Эдил-Ўрол миллий ҳаракати раҳбарларидан Аёз Исҳоқийнинг Олмонияда ўқиган қизи Саодат хонимга уйланди. 1939 йилда Олмониядан Туркияга кўчиб келди. Бир неча йил Туркия қишлоқ хўжалик вазирлигида мушовир вазифасида хизмат қилди. 1948 йилдан Анқара университети тил ва тарих-жуғрофия факултетида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1972 йилда социология бўлими бошлиғи этиб тайинланди. 1984 йилда Бурсада вафот этди.

[381] “Сиёсий марказ – Туркия” бобига қаранг.

Собир Иброҳим (Туркистонли) ва Абдуваҳоб Ўқтой, унинг хотини Саида Шераҳмад қизи ҳам шу гуруҳ ичида журнал фаолиятда қатнашганлар. Бу инсонлар иккинчи жаҳон уруши бошлангунгача Олмонияда яшаб, “Ёш Туркистон”нинг ҳар ойда чиқиб туришида жонбозлик кўрсатдилар. Уруш муҳитида бу ишлар тўхтаркан, Туркияга кўчиб келишган. Тоҳир Чиғатой Анқара университетида профессор ўлароқ, Абдуваҳоб Ўқтой эса, Истанбулдаги Хасаки касалхонасида хизмат қилди. Олмонияда ўқиган туркистонликлардан Заҳро Қўшой Ҳайделберг университети тиббиёт факултетини битирганидан кейин юртга қайтмаган, Штутгарт шаҳрида ишлаган. Афсуски, у ўқишини тамомлаганидан бир оз муддат ўтгач, ёмон каслликкка чалинган ва 1931 йилда Олмонияда вафот этган.

Хулоса сифатида шуларни айтиш мумкин: Туркистонга қайтмасдан Олмонияда қолган талабаларнинг деярли барчаси 1930 йилдан бошлаб Оврупони тарк этиб, Туркияга келдилар. 1922 йилда Олмонияга таҳсилга келганлардан фақат биттаси, Берлин қишлоқ хўжалик ўқув юртида таълим олган Вали Қаюмгина Германияда қолди ва иккннчи жаҳон уруши даврида, туркистонликларнинг хориждаги мужодаласида муҳим шахслардан бири ўлароқ майдонга чиқди. Бухородан Оврупога жўнатилган ўқувчиларга бошлиқ бўлиб келган ва 1922-1931 йиллар орасида совет ҳукуматининг Олмониядаги расмий ташкилотлари билан талабалар алоқасини юритган татар Олимжон Идрисий ҳам советлар мамлакатига қайтмасдан, Германияда қолиб кетганди. Олмония давлати ҳарбия вазирлигига ишга кирган Идрисий иккинчи жаҳон уруши битганидан кейин Можаристонга кетди ва ўша ерда яшаб, вафот этди.

СИЁСИЙ МАРКАЗ – ТУРКИЯ

> “...Бизга, бу сизнинг ишингиз эмас, демасинлар. Йўқ, бу бизнинг ҳам ишимиздир, миллий манфаатимиздир. Чунки Туркия миллий инқилобининг майдонга чиқарган миллий истиқлол ғояси бизнинг ҳам идеалимиздир...”
>
> Мустафо Чўқай, 1934 йил

Туркия барча тарихий даврларда дунё турклари учун бир юрт, иккинчи ватан бўлиб келган. Олти юз йилдан ортиқ ҳукм сурган усмонлилар империяси даврида ҳам, Туркия жумҳурияти йилларида ҳам турли сабаблар туфайли четга чиқиб кетган турклар ҳаёти ўз юртидагига ўхшаган, яъни, тил, дин ва маданият фарқлари бўлмаган Туркиядан қўним топишга интилган. Хусусан, 19 аср охирларида юз берган Қирим уруши ва ундан кейинги “93 ҳарби”, 20 аср бошларидаги Болқон урушлари, биринчи жаҳон уруши боис усмонлилар салтанатида яшаганларнинг учта қитъадан Туркияга кўчишлари бунинг яққол мисолидир.

Чор Русия империясининг ағдарилиши ва ўрнида совет давлатининг яратилиши пайтида эса бошқача вазият юзага келди. 1917 йилдаги бўлшевикларнинг давлат тўнтаришидан кейин ўз истиқлолини эълон қилган ва мустақил ёки мухтор ҳукуматларини қурган турк ўлкаларини шўролар бирма-бир ишғол этаркан, янги босқинчиларга қарши курашганлар ҳам оқибатда мажбуран ўз юртларини тарк этдилар. Навбати билан Озарбайжон, Шимолий Қафқаз, Қирим, Эдил-Ўрол ва Туркистондан чиқиб кетган муҳожир лидерлар ё тўғридан-тўғри, ё бошқа ўлкалардан ўтиб келиб, Туркиядан қўним топдилар. Оврупога тарқалган бир қисм сиёсий муҳожирлар ҳам миллий давлат қуришда ғайрат кўрсатаётган Туркия жумҳурияти раҳбарлари томонидан бу мамлакатга чақирилди. Натижада, 1920 йилларнинг ўрталарига борганда, Туркия ташқи дунёдан келган муҳожир турклар тарафидан қурилган миллий ташкилотлар фаолият юритадиган сиёсий марказга айлана бошлади. Туркиядан паноҳ топган муҳожир лидерларнинг деярли барчаси советлар давлатининг турли ўлкаларидан келганди ва Туркиядаги марказлари воситасида олиб борадиган сиёсий курашларидан ягона мақсад ватан озодлиги эди. Бу ҳодиса советлар давлатининг парчаланиши оқибатидагина юзага чиқиши мумкин эди.

Масаланинг нозик бир томони шунда эдики, Туркия жумҳурияти ва совет ҳукумати ўртасида 1921 йил 16 мартда имзоланган Москва битимига кўра, ҳар икки тарафнинг ҳам бир-бирига қарши юритиладиган ишларни таъқиқлаши, изн бермаслиги керак эди. Хусусан, битимнинг 8 моддаси қуйидагича эди:

> "Тарафлар ўз ҳудудлари ичида, бошқа бир мамлакатнинг тамоми ёки ҳар қандай бир ўлкасида ҳукумат қуришга интилган ҳар қанақа гуруҳларнинг ташкилот яратишига, яшашига ва фаолият кўрсатишига изн бермасликка аҳд қиладилар... Туркия ва Русия, Қафқаз жумҳуриятлари учун баравар оид бўлган бу битим моддалари келишилган асосларга суянган ҳолда қабул қилинди ва бажарилиши шартдир."

Шўро ҳукуматининг бу битимни тузишдан асосий мақсади Озарбайжон, Шимолий Қафқаз, Қирим, Эдил-Ўрол, Туркистон каби ўлкалардан Туркияга муҳожир сифатида келган сиёсий шахсларнинг фаолият юритишига йўл қўймасликдан иборат эди. Мустафо Камол пошо раҳбарлик қилаётган ёш Туркия давлатининг мақсади эса, Арманистон, Гуржистон каби совет республикалари томонидан баъзи талаблар қўйилишининг олдини олиш ва айни пайтда Туркиядан чиқиб кетган ва Москвада тўпланаётган иттиҳод ва тараққий лидерларининг зараридан қўринмоқ эди.

Туркиянинг янги бир давлат қуришга ва советларнинг ўз ҳокимиятини сақлаб қолишга интилаётган пайтда бундайин сиёсий фаолиятга қўл урилиши шароит тақозоси эканлиги билан бирга ғоят табиийдир ҳам. Аммо бу битимга уйғун иш тутилмагани тарихдан маълум. Москва битиминингг юқорида эсланган шартига қарама-қарши ўлароқ советлар иттиҳод ва тараққий йўлбошчиларига қучоқ очиб, улар билан муносабат ўрнатганлари, уларни заҳирада сақлаётгани боис, Мустафо Камол ҳукумати ҳам Туркияга келаётган сиёсий муҳожирларга юмшоқ муомала қилган.

МУҲОЖИР ТУРКИЙ ЛИДЕРЛАР ТУРКИЯДА

Туркияга сиғинган сиёсий муҳожирларнинг бу ўлкада фаолият юритиши янгилик эмасди. Иттиҳод ва тараққий ҳаракати кучайган ўша 1908 йиллардаёқ, бир неча таниқли қафқазликлар иштирокида Шимолий Қафқаз жамоалари номидан Черкас иттиҳод ва ёрдамлашиш жамияти қурилганди.[382] Бир муддат сўнгра эса, Қафқаз таолий (юксалиш) жамияти

[382] Черкас иттиҳод ва таовун (ёрдамлашиш-тарж.) жамияти қурувчилари орасида маршал Мартад Абдулла пошо, маршал Барзаг Закий пошо, ёзувчи Аҳмад Мидхат афанди, ғозий Муҳаммад Шомил пошо (имом Шомилнинг ўғли) каби атоқли кишилар бор эди. Қаранг: Sefer E. Berzeg. *Gurbetteki Kafkasya`dan Belgeler*, s. 5

майдонга чиқди ва ишлай бошлади. Бу жамиятларга яна 1914 йилда қафқазликлар нашри маориф жамияти ва 1928 йилда черказ хотин-қизлар таовун (ёрдамлашиш) жамияти, 1920 йилда Қафқаз юксалиш ташкилоти қўшилган ҳамда кенг миқёсда фаолият юритилган.[383]

Бўлшевикларнинг давлат тўнтариши ва совет ҳукуматининг қурилиши даврида Туркияга келган илк сиёсий муҳожирлардан бири 1918 йилда қурилган ва қизиллар томонидан ағдарилган мустақил Озарбайжон жумҳурияти жумҳурраиси ва мусовот партияси бошлиғи Муҳаммадамин Расулзодадир. Советлар Озарбайжонни ишғол этганидан кейин қўлга олиниб, Москвага жўнатилганди. У 1922 йилда қамоқдан қочишга муваффақ бўлади ва Финландия йўли билан Туркияга келади. Қирим турклари истиқлол ҳаракати лидери Жаъфар Саидаҳмад (Қиримэр) ҳам 1920 йил бошларида Туркиядан паноҳ топган сиёсий муҳожирлардандир. Қафқазлик истиқлолчи миллий лидерлардан Саид Шомил ва Султон Қилич Гирой эса, Шимолий Қафқазда мустамлакачи русларга қарши олиб борилган ҳаракатлари натижасиз якунлангач, мажбуран ватанни тарк этиб, Гуржистон йўли билан Туркияга бордилар.[384] Туркистонлик лидерлардан Усмон Хўжаўғли ҳам, Туркистон истиқлоли учун Афғонистонда туриб советларга қарши олиб борилган курашлар натижасиз ниҳоясига етгач, 1924 йилда Туркияга келди ва Истанбулга жойлашди. Ганжада қурилган миллий Озарбайжон ҳукуматининг ағдарилишидан кейин Жанубий Озарбайжоннинг Анзали шаҳрига (Эрон ичида) бориб, истиқлол ишларини давом эттирган Мирзабола ҳам 1927 йилда Туркияга келиб, сиёсий муҳожирлар карвонига қўшилди.

Советлар мамлакатидан мажбуран чиқиб кетган сиёсий муҳожирларнинг Туркияга йўналишида бошқа бир фактор ҳам бор. Яъни, Туркия ҳукумати раҳбарларидан Ҳамдуллоҳ Субҳий (Тангриўвар) ва Ризо Нур каби турк миллиётчиларининг, Овруподаги муҳожир турк зиёлилари ва муҳожиротдаги туркий сиёсий йўлбошчиларни Туркия давлатига чақириш сиёсати ҳам бу жараёнда муҳим рол ўйнади. Бу жараён натижасида Туркистон озодлик жамияти раиси Закий Валидий (Тўғон), Эдил-Ўрол миллий ҳаракати раҳбарлари Аёз Исҳоқий, Фуод Тўқтар ва Сарбонна университетида ўқитувчилик қилган Садри Мақсудий (Арсал) Париждан, Абдулла Баттол (Таймас) Финландиядан 1925 йилда Туркияга келдилар. Булар орасида Садри Мақсудий, Фуод Тўқтар, Абдулла Баттол Таймас каби кишилар Туркия ҳукумати тарафидан ўзларига берилган вазифаларни бажаришга киришдилар ва сиёсий фаолиятдан узоқлашдилар. Бунга қарама-қарши ўлароқ, ўтмишда ўз юртларидаги сиёсий ҳаракатларга фаол аралашган муҳим шахслардан Муҳаммадамин Расулзода, Закий Валидий, Усмон Хўжаўғли, Аёз Исҳоқий, Саид Шомил ва Жаъфар Саидаҳмад каби лидерлар сиёсий ҳаракатдан чекина

[383] Юқоридаги асар, 7 б.
[384] Baytugan, *Kuzey Kafkasya* (1917-1970), s. 24

олмадилар. Улар вақтни ўтказмасдан дарҳол ўз сиёсий ташкилотларини қуришга киришдилар.

МУҲОЖИР ТУРКЛАР ТОВУШИ – “ЯНГИ ҚАФҚАЗ”

Муҳаммадамин Расулзода раҳбарлигидаги мусовот фирқаси фаолларининг муҳожир сифатида Туркияга келиши билан бирга бутун Қафқаз муҳожирларининг ҳамкорлиги ҳам бошланди ва ягона расмий нашр атрофида бирлашиш фикри туғилди. Натижада, 1923 йил 26 сентябрда “Yeni Kafkasya” (“Янги Қафқаз”) журналининг илк сони чиқди. Қафқаз юксалиш жамияти қурувчиларидан бири, доғистонлик дин олими Саид Тоҳир ал-Ҳусайний афанди журналнинг эгаси, ноширн ва масъул муҳаррири эди. 16 бетлик бу журнал 15 кунда бир босиларди. Бошида Озарбайжон ва Шимолий Қафқаз ўлароқ бутун рус совет ҳукумати асоратидаги миллатларнинг масалалаларини ёритиш журналнинг бош мақсади ҳисобланарди. Журнал муаллифлари, уни тайёрлайдиганлар орасида мусовотчи лидер Муҳаммадамин Расулзода ва бошқа озарбайжонлик ҳамда қафқазлик муҳожирлар бор эди.

1924 йил 27 апрелда Истанбулда яширинча йиғилиш ўтказган мусовотчилар Озарбайжон миллий маркази деган бир ташкилот қурдилар. Сўнгра бу ташкилотнинг тўрт йил олдин шўролар томонидан ағдарилган мустақил Озарбайжон миллий ҳукуматининг муҳожиротдаги давом эканини эълон қилдилар.[385]

Ўша йили яна бир муҳим ҳодиса юз берди. Озарбайжонликлардан Хусрав Султонзода, А. Шайхулисломзода, Абдуали Амиржон, гуржилардан М. Церателли, Д. Вачнадзе, А. Ассатийани, Шимолий Қафқаз аҳлидан В. Жабағи, Алихон Кантемир ва А. Намитўқ каби сиёсий шахслар Истанбулда йиғилишиб, Қафқаз истиқлол қўмитасини қурдилар.[386] Қўмитанинг мажлис баённомасида қайд этилишига кўра, қафқазлик сиёсатчилар Қафқаздаги мустақиллик курашини муваффақият билан охирига етказишга, Қафқазни босқинчилардан қутқариб, бу минтақада конфедерацион бир ҳукумат қуришга азму қарорлидирлар; бу йўналишдаги фаолиятлар Қафқазга қўшни ўлка Туркияда давом эттирилиши мақсадга мувофиқдир. Яна бу баённомада таъкидланишича, Туркия қўшни давлат бўлиши билан бирга, Қафқаз халқлари билан

[385] Бу мавзуда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Sebahattin Şimşir, *Azerbaycan`ın İstiklal Mücadelesi*, IQ kültür sanat yayıncılık: İstanbul 2002.

[386] Айни пайтда Парижда Қафқаз жумҳуриятлари ҳайъатлари бошлиқларининг Қафқаз доимий кенгаши номидан, уларнинг умумий фикрини ифодалаган, Русиянинг Гуржистондаги бир ҳодисага боғлиқ ўлароқ майдонга келган зулму зуғумига қарши раддия эълон қилинганди. Аввал ҳам таъкидлаганимиздек, турли манбаларда ана шу Қафқаз доимий кенгаши ва Истанбулда қурилган Қафқаз истиқлол қўмитаси ташкилотини аралаштириб юборилмоқда.

тарихий, миллий ва диний бир бутунлиги бор, ана шу туфайли Қафқазнинг келажагини ҳал этишда муҳим рол ўйнайди.[387]

Туркия республикаси қурилган илк йиллар, хусусан, мамлакат ичида ва ташқарисидаги душманлар билан уруш кетаётган оғир саналар эди. 1924 йил ноябр ойида тараққийпарвар жумҳурият фирқаси ҳукуматга қарши мухолифат ҳаракатини бошлади. Натижада 1925 йил бошларида мамлакатнинг жанубий шарқида шайх Саид исён чиқарди.* Бу исён оқибатида ҳукумат "такрири сукун" (тинч ҳаётни сақлаш) қонунини ва фавқулодда ҳолат эълон қилди. Исёнчилар ва турк ҳукумати душманларини жазолайдиган истиқлол маҳкамалари қурилди. Давлат бошлиғига қарши уюштирилган Измир суиқасдидан кейин тараққийпарвар жумҳурият фирқаси ҳам тарқатилди ва таъқиқланди. Бу ёш турк республикаси душманлари ва исёнчилар тутилиб, суд қилиниб, қамалаётган, отилаётган, сургун этилаётган бу мураккаб даврда Туркияда қўним топган сиёсий муҳожирларнинг иши ҳам фалаж ҳолга келди. Сиёсий муҳожирлар пана-панага чекинмоққа, беркинмоққа мажбур бўлди. Айни чоғда "Янги Қафқаз" журналининг ноширн Саид Тоҳир, "шапка қонуни"га қарши чиққани баҳонасида қўлга олиниб, иши истиқлол маҳкамасига оширилди. Шу туфайли Муҳаммадамин Расулзода журналнинг ноширн ва бош муҳаррири сифатида ишга киришди. [388]

Ўша алғов-далғов замонда қафқазлик бир генералга боғлиқ шов-шув чиқарган бир ҳодиса сабабли унинг Шимолий Қафқаздан Туркияга келгани сиёсий муҳожирлар фаолиятига ёмон таъсир кўрсатди. Яъни, советлар давлат тўнтариши оқибатида ҳукуматни эгаллагач, Доғистон қуролли кучлари бошлиғи, ҳарбий вазир ва ички ишлар вазири ва ниҳоят давлат раҳбари бўлган генерал Михаил Халил, Доғистонда миллий ҳукумат ағдарилгач, 1921 йилда Туркияга келиб қўним топганди. Сиёсий ҳаётга фаол аралашмаган бўлса ҳам, у 1925 йилда яна бир асли қафқазлик ҳарбий Исо Руҳий пошо билан бирга тутилиб, истиқлол маҳкамасида судга тортилди. Улар суддан кейин қўйиб юборилган бўлсалар ҳам, бу ҳодисалар Шимолий Қафқаз сиёсий муҳожирларининг Туркияда иш юритишларига маълум маънода ғов ташлади. Ана шу терсликлар туфайли 1924 йилда Истанбулда қурилган Қафқаз истиқлол қўмитаси ҳам марказини Парижга кўчирди.[389]

"Янги Қафқаз" журнали 1927 йилгача Туркиядаги муҳожир миллатсеварларнинг эрк истаган тувуши сифатида тарихий бир вазифани бажарди. Журналнинг бешинчи йил чиқиши муносабати билан ёзилган мақолада айтилганидек, мустамлакачи руслар таҳликасига қарши

[387] Vaçnadze, *Hariçte Kafkasya Birliği Hareketi Tarihi*. Birleşik Kafkasya, 1953 y. sayı 3-4, s. 10
[388] Berzeg. *Kafkasya ve Çerkezler Bibliyografyası*. 1996 y. s. 98
[389] Vaçnadze. *Hariçte Kafkasya Birliği Hareketi Tarihi*, Birleşik Kafkasya', 1953 y. sayı 3-4, s. 10
** Исённи курд миллатчилари уюштирганди, мақсад республикани ағдариб, халифаликни тиклаш эди – тарж.*

мужодалада Туркистондан Украинагача чўзилган минтақадаги барча рус асири миллатларнинг сиёсий ҳаракатлари қўллаб-қувватланган, шунингдек ўз нашрларига эга бўлмаган туркистонликлар,[390] қиримликлар, Эдил-Ўрол муҳожирлари ҳам журналда ўз мақолалари билан иштирок этганлар. Афсуски, “Йени Кафкасйа” журнали 1927 йилнинг 29 сентябрида “зарарли асарларни босгани учун” Туркия вазирлар маҳкамасининг қарори билан ёптирилди.

ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ БИРЛИК ТАШКИЛОТИ

Закий Валидий ва Усмон Хўжаўғли каби Туркистон ҳаракатидаги таниқли шахсларнинг Туркияга келиб жойлашуви ўз-ўзидан Оврупода қурилган Туркистон озодлик жамиятининг марказий фаолияти йўналишини ҳам бу ўлкага бура бошлади. 1925-1926 йиллар бўйича жамият турли ўлкаларда яшаётган туркистонлик иёлилар ўртасида ҳамфикрлик, ҳамкорлик яратишга интилди. Ҳаракат бошидаги Зотларнинг аҳволи ҳам анча мураккаблашганди: улар, бир томондан, сиёсий ишларни юритиш учун замин тайёрлашга ва яна бир томондан, ўз шахсий турмушларини йўлга қўйишга тиришмоқда эдилар. Бироқ бошқа бир ўлкада, янги бир шароитдаги муҳитга мослашиб, иш юритиш ҳам осон эмасди. Айниқса, моддий имконларнинг торлиги, йўқчилик жамият аъзолари руҳида тушкунлик уйғотганди.

Закий Валидий доктор Ризо Нурнинг ёрдами билан Туркия маориф вазирлиги қошидаги қаламҳақи ва таржима ишлари бўлимига ишга тайинланди. Анқарада хизмат қилиши унинг Туркистон жамияти фаолияти билан шуғулланишига уйғун эмасди. Шу боисдан, бир оз муддат Анқарада ишлаганидан кейин, Истанбул дорилфунунига хизматга кириш мақсадида мурожаат этди ва қабул қилинди. Валидий давлат томонидан Истанбул университети тарих бўлимига ўқитувчи сифатида тайинланаркан, унинг илмий-ижодий ҳаёти йўлга қўйилди ва моддий етишмовчиликдан ҳам қутулди. Ана шундай омад Валидийнинг юртдоши ва қадрдони Фатҳулқодир Сулаймонга (кейинчалик Абдулқодир Инон номини олган) ҳам толе кулиб боқди, у ҳам Истанбул университетига ассистент ўлароқ ишга тайинланди. Аммо жамиятнинг ҳамма аъзоси ҳам улардай омадли эмасди. Туркистон озодлик жамияти марказий қўмитаси аъзоси Миён Бузрук Туркистонда танилган бир қаламкаш эди. Туркияга келганидан сўнгра муҳитга ҳеч мослаша олмади ва моддий етишмовчилик туфайли абгор ҳолга тушди. Охири совет мамлакатига қайтишга қарор берди. Жамиятга хиёнат қилмасликка қасам ичиб, 1927 йил бошларида Туркистонга қайтиб кетди. Унинг юртга

[390] Бу журналда Туркистон миллий ҳаракати аъзоларидан Закий Валидий Тўғон, Абдулқодир Инон, Мустафо Чўқай ва Аҳмад Наимлар мақолалари билан қатнашган.

қайтиши советлар учун тарғибот-ташвиқот ҳўраги ҳисобланарди, шу учун у яхши кутиб олинди ва дарҳол маориф соҳасида ишга тайинланди. Миён Бузрук Солиҳов Тошкент педогогика институтида тожик тилидан дарс берди. Адабиётга аралашиб, мақолалар ҳам ёзди. Аммо хорижга чиқиб қайтган, бир пайтлар Туркистон миллий мужодаласида қатнашган бир зиёлининг сталинчилар зарбасига учрамаслиги мумкин эмасди. У ҳам 1937 йилги репрессия даврида қўлга олинди, судланди, чет эллар фойдасига жосуслик қилганликда ва совет тузумига душманликда айбланиб, қамоққа маҳкум этилди. Икки йилдан кейин турмада ўлди.[391]

Туркияга келиб жойлашган туркистонлик сиёсий муҳожирларнинг муҳитга мослашиш, сиёсий фаолият юритишга замин ҳозирлаш жараёни давом этаркан, Пўлша ҳукумати ёрдами билан уюштирилган Прометей ҳаракати ҳам анча жонланиб қолганди. Лахистондаги миллий раҳбарлар Туркистон озодлик жамиятининг ҳам прометейчилар сафида бўлишини истардилар. Шу мақсадда улар жамиятнинг Парижда яшаётган Оврупо вакили Мустафо Чўқай билан муносабат ўрнатилди. Агарда жамият Прометей ташкилотига кирса, унинг барча нашрий фаолиятларига кўмак кўрсатилиши билдирилди. Прометейчилар худди шундай таклифни Эдил-Ўрол миллий ҳаракати раҳбари Аёз Исҳоқийга ҳам айтишди. Таклифни дарҳол қабул қилган Аёз Исҳоқий Пўлшанинг бошкенти Варшавага бориб жойлашди ва Эдил-Ўрол истиқлол ҳаракатининг овозига айланажак бир журнални тайёрлашга киришди. 1926 йил сентябр ойида Пўлша парламенти аъзоларидан Хўлўвкў[392] Истанбулга келди ва Туркистон озодлик жамияти раиси Закий Валидий билан бир неча бор кўришди. Валидий бу учрашувлар ҳақида Мустафо Чўқайга юборган мактубида қуйидаги фикрларни билдирган:

> “Пўлша парламенти аъзоси Халужка келганди... Бизнинг аҳволимизни, жамият ишларини сўради. Жамиятимиз иши юришиб кетса, улар ҳам қувонади... Пули бўлиб қолса, Парижда француzча бюлетен, Истанбулда бир журнал чиқаришни мўлжаллаяпмиз... Балки пулдан ёрдам берарлар... Муҳаммадамин Расулзода улар билан бирга, ҳамкорликни йўлга қўйган. Мустафо сиз билан биргами, деб сўраяптилар.”[393]

1927 йил бошларида жамиятнинг Олмониядаги аъзоларидан бири, Туркистон талабалар бирлиги бошлиғи Абдуваҳоб Муродий университетни битириб, Туркистонга қайтишга қарор қилганди.[394] Ундан кейинги йилларда ҳам хориждаги талабалар ўқишни битириб, Туркистонга қайтиши масаласи пайдо бўлганди. Ана шу муаммони

---

[391]“Меросимизнинг бир саҳифаси”“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 3 март 1989 й.

[392] Holowko, Закий Валидий Тўғон “Хотиралар”ида бу исмни Halujka тарзида ёзган. Аммо Прометей ташкилоти ишларини юритган бу парламент аъзосиниг номи Тадеусз (Tadeusz) Хўлўвкўдир.

[393] Закий Валидий Тўғон томонидан 6.8.1926 йилда юборилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).

[394] Қаранг: китобимизнинг “Туркистон-Берлин йўлларида” боби.

қандай ҳал этиш керак, келажакда қандай йўл тутиш мақбул деган саволлар жавобини ойдинлаштириш мақсадида жамиятнинг Овруподаги аъзолари феврал ойида, Ҳайделберг шаҳрида йиғилишди ва мажлис ўтказишди.[395]

Ҳайделберг шаҳридаги йиғилиш ҳужжатларини ўрганиш, бизнингча, хориждаги Туркистон зиёлилари советлар мамлакатидаги аҳволга қандай қараганлигини, келажакни қандай тасаввур этганини аниқлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга моликдир. Анжуман бошланаркан, илк сўзга чиққан Мустафо Чўқай "Совет иттифоқи ва унинг эндиликдаги ички сиёсати" мавзусида маъруза қилди. Чўқайнинг фикрича, Сталин тарафдорларининг ҳокимиятга келиши янада фойдали бўлади. Чунки бу аҳволда ишчилар синфининг ҳокимият тушунчаси бир оз бўшашади ва давлат бошқарувида қишлоқликлар табақасининг ҳиссаси кўпаяди. Бу жараён шаклланган ишчилар синфига эга бўлмаган Туркистон шароитида қишлоқ табақасининг ривожи ва аҳамиятини орттиради. Бунга қарама-қарши ўлароқ, Зиновев ва Троцкий тарафдорлари ҳокимиятни эгаллаган тақдирда, улар жаҳон революциясини амалга ошириш хаёлларига берилиб, совет Русиясини, шу жумладан, Туркистонни ҳам фалокатли кунларга элтиши мумкин. Чўқай ўз чиқишида Оврупо давлатларининг тегишли масалаларга муносабатларини ҳам очиқлашга интилди. Жумладан, Олмония ҳукуматининг совет давлатига қарши эмаслигини, Англия қарши бўлса ҳам, айни шароитда у шўрога қарши бир иш қилолмаслигини таъкидлади. Чўқай ўз маърузасини якунларкан, шу фикрларни билдирди: советлар яна бир неча йиллар ўз ҳокимиятини сақлаб қоладилар. Шуни кўзда тутган ҳолда, Туркистон ичида маҳаллий кишиларнинг бошқарувдаги иштирокини мустаҳкамлаш сиёсатини юритиш ва хорижда эса, Туркистон масаласини халқаро майдонга олиб чиқиш керак.

Анжуманда олинган қарорларга кўра, Туркистон жумҳуриятларига қайтадиган талабаларнинг вазифаси бошқарувни маҳаллийлаштириш сиёсатига мувофиқ ҳаракат қилишдир. Яъни, давлатнинг барча иш ерларида, ҳокимиятларда, саноат ва қишлоқ хўжалик бошқарувида, темирйўл соҳасида, почта ва телеграф идораларида ва энг муҳими, маорифдаги барча ташкилотларда маҳаллий кишилар ишлашини уюштириш бош мақсад бўлиши керак. Мана шу тушунчани маҳаллий коммунистларга уқтириш учун ҳам алоҳида иш олиб бориш зарурдир. Хориждан ўлкаларига қайтган талабалар ўртасидаги алоқалар давом эттирилиши даркор ва яна Украина, Гуржистон ва Озарбайжонга талаба юбориш сиёсатини долзарб ҳолда тута билиш шарт.

Туркистон озодлик жамиятининг Ҳайделберг анжуманида кўрилган масалалардан яна бири жамият органи ҳисобланадиган

[395] 5 феврал 1927 йилда Ҳайделбергда ўтказилган йиғилиш баённомаси. Матн билан тўла танишиш учун китобнинг иловалар бўлимига қаранг.

журнални ташкил этиш ва нашр қилишдир. Йиғилиш баённомасидан маълум бўлишича, Мустафо Чўқай ўз танишлари воситасида журнални бир йил чиқаришга етадиган маблағ топганини айтган, шунингдек, шароит тақазосига кўра, озарбайжон қардошлар билан биргаликда "Янги Қафқаз" журналида ҳам қатнашиб туриш мақбул эканлигини таъкидлаган. Унинг режасига кўра, ҳар икки турк юртининг истиқлол йўлидаги курашини жаҳон халқларига бир оғиздан эшиттирмоққа интилинади ва бунинг учун журнални "Йени Қафқася ва Туркистон" номи билан чиқарилади. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида Мустафо Чўқай Истанбулга борадиган бўлди.

Озарбайжон гуруҳи билан ҳамкорликда журнал чиқариш режаси моддий ёрдам қилишга сўз берган Лахистон ҳукумати одамларига оидмиди ёки Чўқай ва Расулзоданинг учрашувлари натижасида келишилган бир фикр эдими, буни аниқ билмаймиз. Нима бўлганда ҳам, бир оз муддат ўтиб, Озарбайжон ҳам, Туркистон ҳам ўз гуруҳининг алоҳида-алоҳида журналини чиқаришни мақбул топишгани маълум. Ана шу даврда келажакдаги фаолиятни тўғри, аниқ програмаммага асосан юритиш учун Туркистон озодлик жамиятининг умумий қурултойини ўтказиш кераклиги масаласи кўтарилди. Жамият раҳбарлари орасидаги ёзишмалардан кейин қурултойни Истанбулда ўтказишга қарор қилинди.

ТУРКИСТОН ОЗОДЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 1927 ЙИЛДАГИ ИСТАНБУЛ ҚУРУЛТОЙИ

Мустафо Чўқайнинг Париждан Туркияга келиши муносабати билан, 1927 йил 15 мартда, Туркистон озодлик жамияти марказий қўмитасининг мажлиси ўтказилди. Закий Валидийнинг Истанбулдаги уйида бўлган бу йиғилишда Валидий, Мустафо Чўқай, Маъмур Ниёзий, Абдулқодир Сулаймон (Инон), Мустафо Шоҳқули каби шахслар қатнашди. Йиғин очилишидан сўнгра раис Закий Валидий дунёдаги ва Туркиядаги умумий аҳвол ва Туркистон озодлик жамиятининг масалалари ҳақида қисқача сўзлагач, хусусан, Туркиянинг айни замондаги ички ва ташқи сиёсатига уйғун бўлмагани боис, жамият мажбуран яширин иш олиб борганини билдирди. Туркистондан янги келган қўрбоши Ҳамроқулбек ва Абдулла Таваккул (Бобир) каби кишилар воситасида аниқланганига кўра, жамиятнинг Туркистон ичидаги фаолияти мутлақо тўхтаганини ҳам афсус билан таъкидлади. Ана шу сабаблар туфайли, эндиликда Туркистон миллий мужодаласи йўлидаги барча фаолиятлар жамиятнинг хорижий маркази, яъни Истанбулдаги марказий қўмитаси раҳбарлигида олиб борилишини айтди.

1927 йил Истанбул қурултойининг илк кунида қабул қилинган биринчи қарорга биноан жамиятнинг номи *Туркистон миллий бирлиги*

(ТМБ) тарзида ўзгартирилди. Бу ўзгаришнинг сабаби мажлис баённомасида кўрсатилмаган, бизнингча, балки *озодлик* сўзининг Туркия туркчасида ишлатилмаслигидан шундай йўл тутилгандир. Оврупода фаолият юритаётган барча муҳожир ташкилотлар номида *миллий* сўзи борлиги туфайли у сифат ҳам жамиятнинг номига қўшилди. Раис Закий Валидий олдинги ташкилотда тараққийпарварлар гуруҳидан ва социалист эрк фирқасидан вакиллар қатнашарди, бу жамиятда ҳам улар бўлиши керак деган фикрни билдирди. Шу боис ТМБнинг Оврупо делегатлари икки кишидан иборат бўлади деган қарорга борилди. Социалистлар фирқасидан Аҳмад Наимга, тараққийпарварлар гуруҳи номидан эса Мустафо Чўқайга Оврупо вакили вазифаси юклатилди.

22 март куни ҳам йиғин давом эттирилди. Қабул қилинган қарорларда ТМБнинг тўла мустақил ва демократик Туркистон учун курашажаги, бу мақсад йўлида турли ўлкалар, ташкилотлар ва шахслар билан алоқа ўрнатилиши мумкинлиги, аммо собиқ Бухоро амири билан ҳеч қачон ҳамкорлик қилинмаслиги таъкидланган. ТМБ томонидан нашр этиладиган журнал ё китобларда Туркистондаги социалист ва буржуа назарияларига қарши муносабат билдирмасликка келишиб олинди. Қарорларда яна қуйидагилар ҳам алоҳида-алоҳида урғу бериб кўрсатилган: Радекал миллиятчи ҳаракатлар ва социалистик ҳаракатлар мавзусидаги ёзувлар ва уларни қўллаб-қувватловчи фикрлар нашр этилади. Туркистондаги ёшларнинг коммунист эканлиги ёки эмаслиги муҳим эмас, уларга баҳо берилганда, ёшларнинг рус истилосига ва миллий истиқлол ҳаракатларига қараши асосий ўлчов бўлиши керак.

Советлар билан муносабатлар мамлакат манфаатларидан келиб чиқиб ўрнатилади. Туркистонда олиб борилаётган бўлшевиклаштириш сиёсатига қаршилик кўрсатилади, шарқ ва ғарб ўлкаларида юзага келадиган инқилобий ҳаракатлар олқишланади. ТМБнинг фикрича, бўлшевикларнинг турли ўлкалардаги инқилобий ҳаракатларга бераётгани ёрдамлари самимий эмас, бу ишда кўзда тутган, яширин манфаатлари мавжуд. Тағин бир қарорда таъкидланишича, рус муҳожирлари билан ўрнатиладиган муносабатлар, албатта, истиқлол тушунчасига таяниши керак. Уларнинг барчаси империалист тамалдаги бир рус салтанатини тиклаш мақсадида бўлгани учун ТМБ бирорта муҳожир рус ташкилоти билан алоқа қилмайди. Фақат Русия федератив давлатларига кириш ё кирмаслик мавзуси Туркистонга том мустақиллик бериш фикрини қабул қилган гуруҳлар билангина муҳокама этилади.



Туркистон миллий бирлиги (ТМБ) ташкилоти раҳбарлари

Олдинги қатордагилар (чапдан ўнгга): Мустафо Чўқайўғли, Усмон Хўжаўғли, Закий Валидий (Тўғон). Тик турганлар: Фатҳулқодир Сулаймон (Абдулқодир Инон) ва Мустафо Шоҳқули. Истанбул, 31 март 1927 й. (Аҳат Андижон архиви)

Бирлашган миллатлар ташкилоти билан алоқа ўрнатишга оид қарорда эса, Англия ҳукумати билан муносабат ўрнатилишида бир шарт муҳимлиги алоҳида уқтирилган. Яъни, Англия Туркистонда исломий давлат қурилишини қўлласагина у билан алоқа қилинади. Акси тақдирда, инглизлар ҳам руслар каби душман ҳисобланади. Туркий ва исломий давлатлар билан алоқаларда пантуркизм ва панисломизни қувватловчи сиёсат юритилмайди. Чиқариладиган журналда Туркиянинг сиёсий бошқарувига оид махсус оқловчи ёки қораловчи мақолалар босилмаслиги ҳақида ҳам қарор қабул қилинган.

ТМБ тарафидан босиладиган журналда, барчанинг тушунишига осон бўлиши ва бутунликни сақлаш мақсадида, маҳаллий лахжалар қўлланилмайди, чиғатой лаҳжаси, яъни Туркистон матбуоти тилидан фойдаланилади. Маҳаллийчиликка қарши курашилади. Миллий ҳаракатнинг хон ёки амирга қарши бир жараён эмаслиги, балки Туркистоннинг мустақиллиги учун мужодала эканлиги тушунтириб борилади. Руслар томонидан қароқчилик, босқинчилик дея қораланиб тарғиб-ташвиқ этилаётган босмачиликнинг озодлик ва миллий мустақиллик ҳаракати эканлигини тушунтиришга ғайрат қилинади.

Руслар асорати остидаги бошқа миллатлар ва уларнинг муҳожиротдаги вакиллари билан яхши муносабат ўрнатилади. Йиғиннинг яна бир қарорида айтилишича, Қозоқ саҳроси бутунисича Туркистон ҳудуди ичидадир.

ТМБнинг хориждаги барча фаолияти ва нашрлари Туркистон халқига ва асосан ёшларга қаратилгандир. Мамлакат истило қилингани боис у ерда айтиб ва ёзиб бўлмайдиган ҳар қандай фикр ТМБ тарафидан халқаро майдонга олиб чиқилади.

25 мартдаги йиғинда Туркистон социалист эрк фирқасининг 9 моддалик, тараққийпарварлар фирқасининг 19 моддалик тузуклари ўқилди, иккаласини бирлаштириб, 7 моддалик янги тузук ясалди, умумий баённома қайтадан кўриб чиқилди ва маъқулланди.

26 март куни ҳам йиғин давом этди. Марказий ҳайъат аъзолари сайланди ва вазифалар, ишлар тақсимланди. Марказий қўмитадан чиқишни истаган Маъмур Ниёзийнинг истеъфоси маъқулланди. Марказий қўмита ҳайъатига уч киши, яъни Усмон Хўжаўғли, Закий Валидий, Мустафо Чўқай сайланди. ТМБнинг Оврупо вакили Мустафо Чўқай Парижда яшаши муносабати билан унинг ўрнига ваколатан Абдулқодир Инон Истанбулда иш юритадиган бўлди. ТМБ раислигига Усмон Хўжаўғли атанди. “Прометей” журналининг вакиллиги Аҳмад Наим Ўктамга берилди. Чиқариладиган журналнинг эгаси ва ноширi Усмон Хўжаўғли, ёзув ишлари мудири этиб Закий Валидий тайинланди.[396]

Ана шу қарорларни қабул қилиш билан бирга ТМБнинг 15 мартда бошланган Истанбул қурултойи 26 мартда ниҳоясига етди. Туркистон миллий бирлик жамиятини тамоман шакллантиргани ва унинг чет элларда юритилажак фаолиятини белгилаб бергани нуқтаи назаридан 1927 йил қурултойи хориждаги Туркистон мужодаласи тарихида муҳим аҳамиятга моликдир. Қурултой қабул қилган қарорлардан ҳам кўриниб турибдики, ТМБ аъзолари ўша йилларда Туркистонда ишлаётган маҳаллий коммунист ходимлар билан оралари бузилишини истамаганлар. Бу тушунарли, албатта. Аммо қабул қилинган баъзи қарорларда ноаниқликлар, ҳатто зиддиятлар ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, социалистик тушунча ва қарашларни танқид этилмаслигига оид қарорни қай тарзда амалга ошириш мумкин? Бизнингча, аслида бу ҳолат ТМБ аъзоларининг социализм тушунчаси ва коммунистлар фаолияти бошқа-бошқа нарса эканлигини яхши англаганларини билдирмоқда. Чунки социализмни бўлшевиклар ўзларича ҳаётга тадбиқ этмоқда эдилар. Яъни назария ва тушунча бошқаю амал бошқача бўлаётгани кўриниб, сезилиб турарди. Зотан, ўша даврда советлар мамлакати социализмга асосланган дунёдаги ягона давлат ҳисобланарди, энг даҳшатлиси, инсон ҳақ-

[396] 1927 йилдаги ТМБ қурултойи ҳужжатлари (Аҳат Андижон архиви).

ҳуқуқлари, миллат ва дин масалаларига боғлиқ барча ёмон ишлар социализм номидан амалга оширилаётган эди.

Қисқаси, 1927 йил қурултойи ТМБнинг 1940 йилларгача давом эттирган фаолиятни юритишга қодир бир тамалда шаклланишига хизмат қилди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ТМБ фарқли сиёсий қарашлардаги оқимларни, яъни, социалист эрк фирқаси ва тараққийпарвар жадид фирқаси вакилларини бир жамиятга бирлаштириб, ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлай олди. 1927 йилда қурултой бу йўналишни маъқуллади ва йўлга қўйди. Аслида шу соддагина асосда шакллантирилган ҳаракат ичида ҳам ўзига хос масалалар, жиддий муаммолар туғилиши мумкин эди, албатта. Ҳамкорлик қилишга келишган бу икки оқимдаги фикрий ва сиёсий фарқлардан ташқари яна бир муҳим муаммо ҳам бор эди. 1927 йил қурултойини ташкил этган, марказий ҳайъатга сайланган уч шахснинг ҳар бири ўз даврида учта ҳукуматда энг юқори савияда раҳбар бўлган, Туркистон мухтор ҳукуматини, Бухоро халқ жумҳуриятини, Бошқирд миллий ҳукуматини бошқарган кишилар эди. Бу ўзига хос инсонлар ўртасида келишмовчиликлар, зиддиятлар чиқмаслиги мумкин эмасди. Шундай бўлди ҳам. Қисқа вақт ичида бошқарувда зиддият пайдо бўлди ва ўзаро келишмовчилик, бир-бирини сиқиштириш ТМБ фаолияти жонсизланган йилларгача давом этди.

“ЯНГИ ТУРКИСТОН” ЖУРНАЛИ ВА ПРОМЕТЕЙЧИЛАРГА ҚЎШИЛИШ

1927 йилнинг июн ойида “Янги Туркистон” журналининг илк сони чоп этилди. ТМБ яширин ташкилот бўлгани учун фаолиятини ҳам махфий суратда олиб боришга мажбур эди. Шу туфайли журнал муқовасига унинг қайси ташкилот нашри эканлиги кўрсатилмаган. Журнал араб ҳарфида, Туркия туркчасида босилган. Сиёсий мақолалар, адабиёт ва хабарлар тарзида уч бўлимдан, 32 саҳифадан иборат бўлган. Муқовасига “ойда бир чиқар адабий, илмий, сиёсий, иқтисодий мажмуадир” дея ёзилган.

Биринчи соннинг илк саҳифасида кейинчалик Туркистон миллий байроғи сифатида қабул қилинажак байроқ расми берилган. Журналнинг ноширн Усмон Хўжаўғли, муҳаррири Закий Валидий эди. Илк сони 500 та босилган, кейинчалик ҳар ойда 700, сўнгроқ 1000 тадан нашр қилинган.

Мажмуанинг кириш мақоласида унинг чиқиш сабаблари ва тамал мақсадларига кенг тўхталинган. Журналнинг асосий мақсади хориждаги Туркистон аҳли бирлигини сақлаш, Туркистондаги сиёсий, иқтисодий вазиятни ёритиш, турк дунёсининг маданий бирлиги борасида тушунчалар бериш, Туркистонни мустамлака қилиб олиб, уни

кемираётган шўро ҳукуматига қарши кураш каби моддалар ўлароқ бирма-бир ифодаланган.

Журнал муаллифлари асосан ТМБ аъзоларидир. Сиёсий мавзудаги мақолаларни асосан Усмон Хўжаўғли ва Мустафо Чўқай ёзган. Закий Валидий номи очиқ қўйилган мақолалар тарих ва маданият масалаларига бағишланган. Тахминимизга кўра, Валидий университетда ишлагани сабабли, "сиёсатга аралашди" дея айбланмаслиги учун сиёсий мавзулардан чекиниб турган.

Журналдаги ҳар бир ёзув марказий қўмита аъзолари тарафидан маъқуллансагина босилган. Агарда бирор аъзо мақбул демаса, бошқа аъзолар маъқулласа ҳам, у ёзув нашр этилмаган. Бу усул, яъни ҳар бир ёзувнинг барча аъзолар томонидан маъқулланиш шарти кейинчалик муаллифлар ва журнал ҳайъати орасида зиддият яратди.

"Янги Туркистон" журналида берилган мақолаларнинг кўпчилигида советларнинг Туркистонда олиб бораётган ишлари ва Москвадаги марказий бошқарув кескин танқид қилинган. Журнал тарқала бошлагандан бир оз вақт ўтиб, шўро матбуотида "Янги Туркистон" ва уни чиқараётган шахсларга қарши оммавий тарғибот уюштирилди. Ўрта Осиё коммунистлар партияси марказ қўмитаси раиси Зелинский ва фирқанинг Ўзбекистон марказий қўмитаси раиси Иванов бошчилигида бошланган бу қарши компанияда, хусусан "Правда Востока" газетаси ва бошқа матбуот нашрлари воситасида янги туркистончилар пантуркист, панисломист, империализм жосуслари, Бухоро амирининг малайлари, буржуа ёт унсурлар дея айбланганлар.[397]

Журнал Пилсудский жамғармаси томонидан берилган маблағ ҳисобига нашр этилгани маълумдир. Биринчи сон чиқиши биланоқ Закий Валидий Мустафо Чўқайга мактуб йўллаган, унда, жумладан, шу фикрлар ҳам бор:

> "Сенга ёзганим журнал ҳисоб-китобини Медйага[398] олиб бордим. Менга таништирган одаминг экан. Ҳисоб керакмас, зеро журналнинг ўзи ҳисобдир, деди."[399]

Аён бўлаётганидек, Пилсудский жамғармасидан берилаётган кўмак фаолият натижалари билан боғланмоқда ва Прометей ташкилотиинг Истанбулдаги вакили томонидан кузатиб борилмоқда.[400]

---

[397] "Янги Туркистон" ва руслар". "Янги Туркистон" журнали, 1927 й. 5 сон.

[398] Бу шахснинг кимлиги, бу унинг исмими ёки махфий лақабими, бу бизга маълум эмас.

[399] Закий Валидийнинг Мустафо Чўқайга 1927 йил 22 июлда юборган хати (Аҳат Андижон архиви).

[400] Журнал раҳбарларининг бир-бирларига ёзган хатларидан маълум бўлишича, ношир ва идора мудирига берилган маош, мақолалар учун тўланган ҳақлар, ишхонанинг ижара ҳақи, совет ва турк газеталарининг таъминига сарфланган маблағ, босмахонага ва қоғозга берилган тўловлар барчаси ҳар ойда ўртача 200 лирани ташкил этган. Шу нуқтаи назардан ҳисоблаб,

ТМБнинг Истанбул қурултойидан сўнгра Прометей жамиятининг Варшавадаги маркази ва унинг Париждаги “Прометей” журнали билан дарҳол алоқа ўрнатилиб, муносабатларни жамиятлар аро савияга кўтаришга киришилди.

ТМБнинг Прометей лигасига кириш қароридан кейин, “Прометей” журнали бошқарув ҳайъатига Берлиндаги талаба Аҳмад Наим тайинланди. “Прометей” журнали билан алоқалар ва ТМБ вакилининг бурч ва ҳуқуқларига оид қарорларда, жумладан, шу нуқталарга эътибор қаратилган:


> “Асосий масалаларга боғлиқ мақолалар ТМБ марказидан юборилади. Вакил фақат кундалик хабарлар йўналишидаги ёзувларни ёзиши мумкин. Бу ёзувлар ТМБнинг 7 моддалик ҳамкорликдаги баённомасига уйғун бўлиши шарт... Хориждан “Прометей” журналига жўнатилган ёзувларда Туркистонга зарар берадиган нуқталар бўлса, вакил уларни бартараф қилишга мажбурдир... “Прометей” вакили (Аҳмад Наим) билан ТМБ Оврупо вакили (Мустафо Чўқай) ҳамкорликда иш юритадилар ва прометейчилар доирасида ҳамда Оврупода юзага келган воқеа ва ҳолатлардан ТМБ марказини хабардор этиб турадилар.”

“Прометей” журналига вакил юборилгандан кейиноқ иккала ташкилотнинг бир жабҳада фаолият кўрсатиши тўғрисида битим расмийлаштирилди. Бу ҳодиса “Янги Туркистон” журналининг 4 сонида босилган “Бирлашган 3” сарлавҳали мақола орқали оммага билдирилди. Унда, жумладан, шундай дейилган:

> “Рус бўйинтуруғи остида эзилган мазлум миллатларнинг нашри бўлган “Прометей” журнали сўнгги вақтларга қадар Украина ва Қафқаз муҳожирлари ташкилотлари номидан чиқариларди. Саккизинчи сонидан бошлаб у Туркистон миллий бирлигини ҳам тамсил этади ва журналнинг муқовасига “Украина, Қафқаз ва Туркистон милий бирлигининг нашри” деган ёзув ҳам қўйилди. Мажмуада Туркистон мавзусида баъзи мақолалар ҳам чоп қилинди... Бу ҳодиса икки жиҳатдан муҳимдир. Биринчиси, собиқ Русия ҳудудларида қолган миллатлар вакилларининг Оврупода ҳамкорликда фаолият юритишларини таъминламоқда. Иккинчидан, Туркистон Оврупода бир миллий ташкилот билан ҳамкорлиги воситасида майдонга чиқмоқда... Расмий номи Туркистон миллий бирлиги бўлган бу ташкилот 1923 йилда қурилган, Оврупо ваколатхонаси Парижда жойлашган... ТМБ аъзоларидан бири вакил сифатида “Прометей” идора ҳайъатида хизмат қилмоқда... “Янги Туркистон” ТМБнинг бундайин фаолиятларида муваффақиятлар тилайди ва бирлашган учларнинг умумий ғоя йўлидаги ишларининг истиқлолга қадар давом этишига ишонади.”[401]

таҳмин қилсак, Пилсудский фонди ТМБга ажратган йиллик ёрдам пули 1000 АҚШ доллари (2000 турк лираси) бўлган дейиш мумкин.

[401] “Бирлашган 3”, мақола. “Янги Туркистон” журнали, сентябр 1927 й. 3-4 сон, 1 б.



یکی

تورکستان

آیده بر دفعه ادبی علمی سیاسی اقتصادی مجموعه در .

پیل ۱ | ۱۹۲۷ - حزیران - ۵ | صایی ۱

مندرجات

افاده

قسم سیاسی :

تورکستان مسئله‌سی

أی تا کری (شعر) — قوجه اوغلی

سوویتلرك تورکستانده تطبیق ایتدکلری ملیت سیاستی — مصطفی چوقای

قازاقستان احوالی — عبدالقادر

اوزبکستان احوالی — عبدالله زاده توکل

قسم ادبی :

شایباق خانك شعرلری — احمد زکی ولیدی

تورکستان ادبیاتنك مفکوره‌وی تحوللری — قوجه اوغلی عثمانه

شئون

استانبول « قدر » مطبعه‌سی

“Янги Туркистон” (Yeni Türkistan) журналининг илк сони

“Прометей” журнали барча прометейчиларнинг овози ҳисобланарди. Журналда босилган ёзувлар билан танишилса, аъзо ташкилотлар ўртасидаги муайян бирлик ва баробарлик мавжуд бўлгани сезилади. Озарбайжон турклари, Шимолий Қафқаз вакиллари ва гуржилар тарих бўйича бир ерда, бир минтақада яшаб келган халқларга хос аҳилликни намойиш қилишарди. Аммо, бунга қарама-қарши ўлароқ, жамият туркистонликлар ва гуржилар ўртасида ана шундай аҳилликни сақлай олмади. “Прометей” журналининг босилаётганига бир йил тўлмасдан туриб юзага чиққан баъзи ҳодисалар туфайли Туркистон миллий бирлиги ва прометейчилар журналининг бошқарув ҳайъати орасида айрим муаммолар туғилди.

ТМБнинг Прометей уюшмасига қўшилгани эълон этилган чоғларда собиқ Бухоро амири Саид Олимхоннинг вакили Юсуфбой Муқимбой ўғли Парижга келганди. ТМБ душман деб ҳисоблайдиган амирнинг вакилини “Прометей” журналининг масъул ходими (аввалларитуркистонда ўқитувчилик қилган) Кастане кутиб олади ва унга Франция зиёратидаги керакли ёрдамни кўрсатади. Шу орада “Прометей” журналининг муҳаррири гуржи Гвазава собиқ амирнинг вакили шарафига расмий зиёфат уюштиради ва бу тарзда прометейчиларнинг собиқ амирни қўллаб-қувватлаётганига ўхшаш бир ҳолат юзага чиқади. Бундан ташқари, Кастане амир номидан Бирлашган миллатлар ташкилотига ёзилган меморандумни французчага таржима қилиб, Юсуфбой билан Женевага бориб, хатни халқаро жамиятга топширилишига кўмак берган.

Ана шу воқелар ТМБ аъзолари ўртасида жиддий норозилик уйғотди. Айниқса, Гвазаванинг қилган ишлари қаттиқ танқидга учради. Қафқаз қўмитасига юборилган бир хатда, жумладан, “Гвазаванинг қандай ҳақ-ҳуқуқи ёки ваколати борки, у Бухоро масаласига аралашади? Демократ бир журналнинг социал-демократ бош муҳаррири қайси тушунчага кўра мустабид ва қиролият тарафдорининг вакили билан учрашади,” каби саволлар йўлланганди.[402]

Бу нохуш ҳодисалар юз бергач, Туркистон миллий бирлиги марказий қўмитаси ўзининг Прометей ташкилотидаги вакили Аҳмад Наимга ва Оврупо вакили Мустафо Чўқайга расмий кўрсатма юбориб, амирнинг меморандумини ёки амирга тарафкашлик йўлидаги ҳар қанақа ёзувни “Прометей” журналида босилишига йўл қўймасликни таъкидлади.[403] ТМБ билан “Прометей” журнали орасида бошланган бу зиддият босилиши мўлжалланган айрим мақолаларнинг олдирилиши муносабати билан бир оз юмшади. Аммо Мустафо Чўқайнинг “Ёш Туркистон” журналида М. Қайўғли тахаллуси билан босилган бир

[402] Аҳмад Наим Ўктам томонидан ТМБга юборилган, 18 сентябр 1927 йилда ёзилган билдирги (Аҳат Андижон архиви).
[403] ТМБ марказий қўмитасининг 10 сентябр 1927 йилдаги мажлисида қабул қилинган қарор (Аҳат Андижон архиви).

мақоласининг французча таржимаси “Прометей” журналининг котиби Кастане тарафидан босишга яроқсиз дея рад қилингач, зиддият яна кучайди. Кастане Чўқайнинг мақоласида Туркистон Русиясиз яшай олмайди қабилидаги қараш ва чор даври тарафдорлигини қўмсовчи фикрлар бор, дея иддао этди. Кастаненинг бу фикрини журналнинг бош муҳаррири Гвазава ҳам тасдиқлаб, унинг ёнини олгач, келишмовчилик янада таранглашди. Гуржилар ва туркистонликлар орасидаги бу зиддият Муҳаммадамин Расулзода ва Саид Шомилнинг ўртага тушуви натижасида бир оз бўлса ҳам юмшади ва икки ташкилотнинг муносабатлари изга туша бошлади.

ТУРКИСТОН ТУРК ЁШЛАР УЮШМАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ

“Янги Туркистон” журналининг босилиши билан бирга хориждаги Туркистон миллий мужодаласи жонланиб кетди. Бу нашр воситасида ТМБ Туркистон масаласини бутун дунё афкор оммасига етказиш, муҳожиротдаги туркистонликларни бир жамият атрофида тўплаш ва туркистонлик ёшларни етиштириш каби мақсадларини амалга оширишга имкон қозонди. Бир томондан қаралганда, ТМБ махфий ташкилот бўлгани учун очиқ оммавий иш юритолмасди. Шу билан бир қаторда, Туркия ҳукумати бунга ўхшаш сиёсий йўналишдаги жамиятнинг фаолият кўрсатишига ҳеч қачон изн ҳам бермасди. Шу боисдан очиқ ишлай олмайдиган бир ташкилотнинг Туркияда яшаётган муҳожир туркистонликларга ва хусусан ёшларга таъсир ўтказиши анчагина чекланганди. Бошқача айтганда, Туркистон миллий бирлиги номидан очиқ ишлайдиган, оммага таъсир қила оладиган янги бир жамиятга эҳтиёж бор эди.

Туркистон турк ёшлар уюшмаси ана шу зарурат ва шароит тақозоси билан майдонга келди. Истанбулдаги туркистонлик талабалардан бир нечаси кенгашиб, жамият тузишга келишдилар ва бир ишчи гуруҳи томонидан тузук тайёрланди. Ҳукуматга мурожаат қилиниб, рухсат олинди ва 1927 йил 29 сентябрда Туркистон турк ёшлар уюшмаси (Türkistan Türk Gençler Birliği) ташкил этилди.[404] Тузукда жамиятнинг мақсади “Туркистон турк ёшларининг миллий ва маънавий жиҳатдан ўсишини ва аъзолар ўртасида бирликни, муҳтожларга ёрдам беришни таъминлашдир” дея ифодаланган. Тузукка кўра, Туркистон турк ёшлар уюшмаси (ТТЁУ) фаолият доираси маданиятга боғлиқ бошқа жамиятлар билан алоқа қилади, қатъий суратда сиёсат билан шуғулланмайди. Тузукдаги 8 моддада умумий хусусиятлари уйғун бўлган ҳар бир туркистонлик туркнинг уюшмага кириши мумкинлиги, шу билан бирга,

[404] Илк идора ҳайъати аъзолари шулар: раис Мажидиддин, ғазначи Ёқуб Файзий, котиб Зиё, идора мудири Зоҳид; аъзолар Темур, Абдулқодир, Яхё.

Туркистондан бўлмаган туркларнинг ҳам фақат фахрий аъзо бўла олишлари таъкидланган. Жамиятнинг биринчи қурултойида Туркистон турк ёшлар уюшмаси раиси лавозимига тиш доктори Мажидиддин Аҳмад (Далил)[405] сайланди.

ТТЁУ ўз фаолиятларини аввало "Янги Туркистон" журналининг Боби олийда жойлашган идорасида, бир хонада давом эттиришга мажбур бўлди. Бу макон жуда кичик эди, шу сабабли кенгроқ жой ахтарила бошланди.

Усмонли империяси даврида Истанбулда туркистонлик ҳожилар ва савдогарларнинг эҳтиёжини қоплаш ниятида 3 та такя қурилганди. Зеро у пайтларда ҳаж қилиш ниятида йўлга чиққанлар аввало Истанбулга келар, ислом ҳалифаси, Усмонли салтанати султони яшаётган бу шаҳарни зиёрат этар, сўнгра Арабистонга йўналар эди. Барчаси туркистонликлар тарафидан қурилган бу такялардан бири Ускударда, бири Аюб Султонда, бири Султон Аҳмад мавзесида жойлашганди. Айниқса, Ускудардаги Ўзбеклар такяси Туркиядаги ҳуррият уруши (қуртулуш саваши) даврида жуда муҳим хизмат қилган, Исмат пошо ва яна бир қанча истиқлол жангчилари ана шу такяда овруполик босқинчилардан қочиб жон сақлаган, кейинчалик Анадўлуга ўтиб, Туркияни Оврупо ишғолчиларидан қутултириш урушида қатнашганлар. Мустафо Камол Отатурк Ускудардаги Ўзбеклар такяси шайхининг бу фидокорлигини унутмаган, республикада дин ва давлат ишларини айиришга, такя ва зовияларнинг беркитилишига оид қонунлар чиқарилган замонда ҳам Ускудардаги Ўзбеклар такясига ўзига хос муносабат қилинган, шайх ва оиласи такяда яшашни давом эттирган.

Аюб Султон жомиси атрофида жойлашган Ўзбеклар такяси ҳам тарихий аҳамиятга молик эди, аммо юқоридаги қонундан сўнгра ундаги хоналар ўзлаштириб олинаётганди. Султон Аҳмаддаги такя Бухоро такяси дея аталарди, чунки у замонида Бухоро қушбегиси томонидан қурилганди. Усмонлилар давридан бошлаб сўнгги замонларга қадар ҳожиларга хизмат этган такя 1920 йиллардан бошлаб Туркияга келган туркистонлик талабаларнинг яшаш маконига айланди. Хусусан, 1920 йиллар бошларида Бухоро халқ жумҳуриятидан ва Туркистон мухтор совет социалистик республикасидан Туркияга ўқишга келган ёшларнинг бир қисми бу такяда қўним топдилар.

Ана шулардан келиб чиқиб, Султон Аҳмаддаги такя ТТЁУ маркази учун энг уйғун бино деган фикрга келинди. Фақат бинони олиш учун ҳукуматнинг рухсати керак эди. Шу мақсадда тўғридан- тўғри

[405] 1902 йилда Тошкентда туғилган. Ўрта таълим олганидан кейин, 1923 йилда Туркияга борган, 1926 йилда ўқув юртининг тиш докторлиги бўлимини битириб, шу касб билан шуғулланган.



Туркияга келган туркистонлик талабалардан бир гуруҳи. 1923 й. бошлари, Истанбул. (Аҳат Андижон архиви)

Отатуркка мурожаат қилиш лозим деган фикр маъқулланди ва талабнома Анқарага юборилди. Ҳукуматдан тезда жавоб олинди, Бош вазир ўринбосари номидан Амруллоҳ имзоси билан 12.10. 1929 й.да берилган жавобда талаб қабул этилгани билдирилиб, жумладан, шундан дейилган:

> “Раиси жумҳур ҳазратларига тақдим этганингиз талабномага жавоб.
>
> Султон Аҳмад мавзеси Меҳмет пошо нишаблигидаги Туркистонликлар такяси биносида, шайх яшаган бўлимда, маориф вазирлиги назоратида ва Турк ўчоқлари жамияти марказ ҳайъати идорасига боғлиқ ҳолда, Истанбулга ўқишга келган хориждаги турк мамлакатлари талабаларига яшаш жойи қилиб берилиши учун Вақфлар умуммудирлигидан Истанбул вақфлар мудирлигига ёзилгани мазкур умуммудирликдан билдирилмакда, афандим.
>
> Бош вазир ўринбосари номидан Амруллоҳ.”[406]

Отатуркнинг шахсан кўрсатмаси боис берилган бу рухсат Туркистон турк ёшлар уюшмасига бир бино ажратилиши билан бирга,

[406] Китобнинг иловалар бўлимига қаранг.

туркистонликларга Туркия давлат бошлиғининг алоҳида эътибори сифатида ҳам жуда муҳимдир.

Кенг ва эркин фаолият юритишга қулай бинога эга бўлган ёшлар ташкилоти режали ва тартибли равишда учрашувлар, илмий-маърифий суҳбатлар уюштира бошлади. Баъзи конференциялардаги маърузалар кейинчалик рисола тарзида нашр ҳам этилди. Уюшмада ўша замон шартларига кўра кенг бир кутубхона қурилди. Туркистонлик ёшларни турли ўқув юртларига жойлаштириш учун жиддий ғайрат кўрсатилди. Марказ биносида ўтган йиғинларда ТМБ жабҳадош бўлган бошқа турк халқларининг муҳожиротдаги миллий ташкилотлари вакиллари. Туркия ҳукумати расмийлари, ТМБ билан алоқасини узмаган эски иттиҳодчилар ва ҳатто турли чет давлатларнинг одамлари ҳам қатнашгани маълум. Масалан, 1933 йил 23 мартда ўтказилган Туркистон кечасига Туркия халқ фирқасининг Истанбул бўлими раиси, Истанбул волийсининг ёрдамчиси, ўрду қўмондони вакили, эски иттиҳодчилардан Анвар пошонинг туғишгани Нурий пошо, Зиё пошо, Япония ва Дания элчихонасидан дипломатлар, рус шўро ҳукумати асоратидаги миллатларнинг муҳожиротдаги вакиллари қатнашганлар.[407] Бундайин юксак савиядаги давлат раҳбарлари ва элчихона вакиллари иштирок этган анжуман Туркистон турк ёшлар уюшмасининг шунчаки бир ташкилот дея қаралмаганини, балки Туркистон миллий бирлик ҳаракатининг ошкора фаолият кўрсатаётган бир бўлими сифатида қабул қилинганини англатмоқда. Кейинги йилларда ҳам бу ёшлар уюшмасининг ТМБ фаолияти ичидаги, муҳитдаги эътибори тобора ортиб борди.[408]

ТТЁУ БИЛАН ОЗАРБАЙЖОН ЁШЛАР БИРЛИГИ ИТТИФОҚИ

Туркистон миллий бирлик ҳаракатининг яширин ташкилот бўлганлиги туфайли, юқорида таъкидлаганимиздек, ТТЁУ очиқ ишлайдиган бир жамият сифатида майдонга келганди. Худди шундай ҳолат Озапбайжон миллий ҳаракати ичида ҳам юз берган. 1924 йилда Озарбайжон миллий марказини қурган мусовотчилар айни санада очиқ фаолият юритадиган Озарбайжон ёшлар бирлигини ташкил этишди. Бу жамият ҳам Туркистон турк ёшлар уюшмаси каби ёшларни бирлаштириш, улардаги миллий туйғуларни янада кучайтириш ва муҳтожларига ёрдам бериш каби мақсадларни кўзда тутиб яратилган эди. Кейинроқ Туркистон турк ёшлар уюшмаси қурилгач, бу икки маслакдош ёшлар жамияти ҳамкорликда, бир-бирини қўллаб-қувватлаб иш юритгани диққатга сазовордир.

---

[407] “Ёш Туркистон” журнали, 1933 й. 42 сони, 28 б.

[408] ТТЁУнинг ишлари китобнинг “Туркистон турк ёшлар уюшмасидан Турк маданияти бирлигига юксалиш” бобида янада кенгроқ ёритилган.

1928 йилда иккала ташилотнинг раҳбарлари қатъий бир жабҳада ҳаракат қилиш ниятида йиғилиш ўтказдилар. Яширинча бир баённома тузиб, имзолаб, федерацион ташкил этдилар.[409] Қўшни ва қардош Озарбайжон ва Туркистон ўлкаларининг айни замондаги ғоя ва мақсадлари муштаракдир, дея бошланган федерацион протоколида, жумладан, федерацион органларининг қандай тузилиши ва ишлаш усуллари белгилангандан кейин, ҳар иккала жамиятнинг битта бинога эга бўлиши, ҳар икки уюшма аъзоларининг биргаликда илмий-ижодий конференциялар, бадиий кечалар тартиб этиб, аҳилликни, бир-бирини қўллаб-қувватлашни кучайтириш кераклиги таъкидланган.

Иккала жамият Туркия ичидагина эмас, балки мамлакат ташқарисида ҳам ҳамкорликда иш юритган. Масалан, 1928 йил август ойида Можор Турон жамияти тарафидан юборилган бир даъватга кўра, иккала жамиятдан икки кишидан танланиб, тўртта ёш Можористонга борган ва Турон жамиятининг меҳмони сифатида 18 кун саёҳат қилишган.[410]

Туркистон ва Озарбайжон ёшларининг бу икки жамияти ўртасида ҳамкорликдаги фаолиятлар кейин ҳам самарали давом этди.

ЧЎҚАЙ, ВАЛИДИЙ, УСМОН ХЎЖАЎҒЛИ ЎРТАСИДАГИ ЗИДДИЯТЛАР ВА ВАЛИДИЙНИНГ ЯНА РАИС БЎЛИШИ

Хориждаги Туркистон мужодаласи тарихига тамғасини урган бу уч шахс орасидаги муносабатлар, шубҳасиз, Туркистон миллий ҳаракатининг шаклланиши ва ривожига таъсир этмай қолмасди, албатта. 1927 йилдаги Истанбул қурултойида Мустафо Чўқай раҳбарлик лавозимига Усмон Хўжани тавсия қилганди. Жамият қурилганидан, илк кунлардан эътиборан раҳбар бўлиб ўрганиб қолган Закий Валидий учун қурултойда ТМБ раислигига Усмон Хўжанинг сайланиши ёқмади ва у бу ҳодисага ҳеч кўника олмади. Зотан, кўникиш енгил эмасди. Шунинг учун ҳам у, орадан бир ой ўтар-ўтмас, Мустафо Чўқайга хат ёзди ва бу борадаги фикрларини очиқ айтди. Мактубда, жумладан, шундай дейилган:

> “Истанбулдаги ишимизда икки ҳато бўлди... 1. “Янги Туркистон” мажмуасининг жамият номидан эмас, сенинг ва менинг номимдан чиқаришимиз керак эди. Шундай қилсак, журналга ҳеч ким аралаша олмас эди. 2. Усмон Хўжани раис қилиб сайламаслигимиз керак эди...

[409] Федерацион протоколи китобнинг иловалар бўлимида берилган.
[410] Мажидиддин Аҳмад. “Туркистон ёшларининг Можористон саёҳати”. “Янги Туркистон” журнали, 1928 й. 13 сони, 6 б.

Булар иккаламизнинг келишолмаганимиздан бўлди... Бу киши раисликни эплай олмайди...”[411]

Туркистон миллий бирлиги жамияти раислигини эгаллашга қарор қилган Закий Валидий яқин дўстлари бўлган бошқирд туркларидан Фатҳулқодир Сулаймон (Абдулқодир Инон) ва Мустафо Шоҳқулини ҳам ёнига олиб, Парижда ишлаб турган Мустафо Чўқайга таъсир ўтказмоққа тиришди. Кетма-кет мактуб ёзиб, босимни кучайтирди. У кейинги битган хатларининг бирида ўз ниятини очиқ ўртага қўймоқда:

“Сен кетганингдан кейин ҳеч йиғила олмадик. Усмон Хўжа раисликни эплай олмаяпти... Носир махдум менга раисликни яна ўзинг ол деяпти. Мен раис бўлсам, у ҳам жамиятга киради... Сен ҳам рози бўлсанг, ТМБга фикрингни ёз... бу ерда Абдулқодир ва Мустафо “Закий Валидий раислик қилишини истаймиз” дея ёздилар... Сен ҳам шундай ёзсанг, мен раис бўламан... Мен Бошқирдистон жумҳуриятига жумҳурраис бўлган одамман. ТМБ аъзоси сифатида бу хатони тузатишга ҳаракат қиламан.”[412]

ТМБ раислиги курашида ўз томонидаги жабҳани кенгайтиришга интилган Закий Валидий, бошқа бир тарафда ҳам ўз манфаатига уйғун иш олиб бориб, журналдаги фаолияти университетдаги вазифасини бажаришига жуда катта тўсқинлик қилаётганини ва шу туфайли, журнал бошқарувини ТМБдан ташқаридаги одамларга бериш лозимлигини талаб қила бошлади. Шу борадаги фикрларини Мустафо Чўқайга ёзган хатида шундай ифодалаган:

“Мирза Бола келди. Жаъфар Саидаҳмад ҳам бор... Буларга айтсак, балки журналнинг бош муҳаррири бўларлар. Жамиятга кирадилар, бошлиқ бўлсалар, балки жамиятни қутқара олармиз... Усмон Хўжа раислигида қолса, жамият чўкади... Бугун Жаъфар Саидаҳмад келди. Жамиятга кираман деди. Юраги касаллиги боис фақат мақолалар ёза олишини ва бошқа иш қилолмасилигини айтди... Мирза Боланинг олдига бориб, бош муҳаррирликни ол, дейман. Фақат шундай бўлсагина бизнинг журналимиз “Янги Қафқаз” журналининг бир бўлими ҳолига келади ва охири бу иш Муҳаммадамин Расулзодага қолади... Бу ишлар дорилфунундаги ишларимга жудаям ғов бўляпти.”[413]

ТМБнинг нашри ҳисобланган бу журналга, аслида, ўз жамиятларининг нашри бўлатуриб, Озарбайжон ва Қирим миллий ҳаракати раҳбарларининг гўё кўз солаётгандай бу кўриниш Чўқайни чалғитиш ва ўзига оғдириш учун Валидий тарафидан уюштирилаётган ғаразли ҳаракат эди. Туркия қонунларига кўра “Янги Туркистон” журналининг эгаси, ноширi Усмон Хўжа ҳисобланарди. Закий Валидий эса бош муҳаррир эди холос. Иккала шахснинг келишмовчилиги

[411] Закий Валидий Тўғоннинг 1927 йил 22 майда Чўқайга ёзган мактубидан (Аҳат Андижон архиви).
[412] З. Валидийнинг 29 июн 1027 йилда Чўқайга юборган хатидан (Аҳат Андижон архиви).
[413] Закий Валидий Тўғоннинг 1927 й. 22 июлда ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

журналга оид масалаларда, харжлама ишларида жиддий зиддиятларни келтириб чиқарди. Илмий давраларда танилган Валидий билим одамларидан йироқ бўлган Усмон Хўжанинг қўл остида ишлашни ёқтирмаётганди. Иккинчи тарафда эса, Бухоро жумҳуриятининг қурилишидаги тарихий хизматлари ва бу борада замонавий бурчлари бор бир шахс ўлароқ, Туркияга келганидан сўнгра моддий етишмовчиликка, фақирликка гирифтор бўлиб қолгани Усмон Хўжани ҳам оғир аҳволга солиб қўйганди. Хусусан, Закий Валидийдек танилган сиёсатчи ҳам қўшилган жамият аъзолари гуруҳини бошқармоқ ҳам енгил эмасди. Валидийнинг талаблари ва босқиларига чидай олмаган Мустафо Чўқай ҳам, охир-оқибатда, июн ойида Усмон Хўжанинг ТМБдаги раислигини маъқулламаслиги ва янги сайлов ўтказилиши кераклигига оид расмий хат юборди. 1927 йилнинг 24 июн куни жамият марказий қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлди ва Усмон Хўжа раислик лавозимидан бўшатилди. Йиғилиш баённомасида бу ҳодиса шундай ифодаланган:

> “ТМБнинг март қурултойига қатнашган аъзоларнинг мурожаатига биноан Аҳмад Закий Валидий раисликка сайланди. Марказий қўмита аъзолари бештага чиқарилди, тўртинчи аъзо қилиб Носир махдум Ҳакимзода сайланди.
>
> Изоҳ: Усмон Хўжаўғли марказий қўмита қарорини қабул қилмаслигини, бундан кейин унинг йиғинларига қатнашмаслигини ва ўзи бошқа фирқа тузишини билдириб, анжуманни тарк этди.”[414]

Ана шундай қилиб, Закий Валидий муродига етди. Олдинги раис сайланган қурултойда марказий қўмитадан бўшаган Носир махдум ҳам Валидийни қўллагани мукофотига янгидан марказий қўмитага киритилди. Закий Валидийнинг моҳирона ўйинлари боис марказий қўмита аъолари бештага чиқарилди, шу туфайли у қўмитадаги ўз мавқеи ва кучини орттирди. Зотан, у бугун ўзига овоз берган Чўқайнинг келажакда қўлламаслигини ҳам сезарди. Ана шу ишончсизлиги Валидийнинг Чўқайга ёзган мактубидаги қуйидаги фикрларидан ҳам кўриниб турибди:

> “Сенинг партияда ишламасликка ўхшаш ноКобуллигинг бор. Инсон ҳаётини партия ичида кечирса, партиянинг доктриналарига аҳамият бера бошлайди... ТМБ бир партия эмас, олдинига партия бўла олиш керак... 30.5. 1927 й.даги мактубингда “Бир-биримизга ултиматум қўймайлик. Барчамиз бир йўлда борайлик. Шундай бўлмаса, мени жамиятдан чиқди деб ҳисобланг ва мен ҳам пул юбормайман” дебсан. Буларнинг бари сен ўзингни кучли деб ўйлаётганингдан... Ташкилот аъзоси сифатида бир иш қилмаётганингдан юзага келмоқда.”

Ҳақиқатан ҳам, Мустафо Чўқай Овруподаги шахсий алоқалари, турли газета-журналларда босилган мақолалари ва бир қатор давлатларда конференцияларга қатнашгани натижасида, ТМБ доирасидан ташқарида

[414] ТМБнинг 1927 й. 24 июн қурултойи ҳужжатлари (Аҳат Андижон архиви).

ўзига хос эътибор қозонганди. Партия ва унинг қонунларига жиддий қараган Закий Валидий учун бундайин ҳолатни қабул қилиш осон эмасди. Бошқа бир томондан эса, Усмон Хўжа охирги қурултойни ташлаб чиқиб кетганига қарамай, кейинчалик яна марказий қўмита йиғинларига қатнаша бошлади. Туркистон турк ёшлар уюшмаси бошлиғи доктор Мажидиддин Далил ҳам сентябр ойида марказий қўмитага аъзоликка олинди ва умумий котибликка тайинланди.

ЧЎҚАЙНИНГ ТМБДАН ЎЧИРИЛШИ

1928 йил бошларида юз берган бир воқеа ТМБни тамоман ўз қўлига олишни қачондан бери ўйлаб юрган Валидийга кутилган фурсатни яратди. Мустафо Чўқайнинг бир мақоласи муҳожир русларнинг лидери Милюковнинг “Последние новости”[415] нашрида босилиб чиқди. Закий Валидий вақт ўтказмасдан дарҳол ишга киришди. Марказий қўмита қарори билан Чўқайга огоҳлантириш эълон қилди, қарор Парижга юборилди ва бу мавзуни ўрганишга Носир махдум, Абдулқодир Инон, Мажидиддин Далилдан иборат уч кишилик тафтиш ҳайъати тузилди. ТМБ тузугига кўра, бўлшевизмга қарши эканлигига қарамасдан, аслида марказиятчи, империяпараст бўлганлари боис, рус жамиятлари билан ТМБ аъзолари ўртасида ҳеч қанақа алоқа қурилмаслиги керак эди. Бу иш юзага келса, марказий қўмита қарори билан айбдор аъзонинг фаолияти тафтиш этиларди. Огоҳлантириш мактуби ва тафтиш ҳайъатига нисбатан Чўқай қатъий норозилик билдирди ва марказий қўмита аъзолигидан истеъфо этди. Валидий эса уни тамоман жамиятдан қуритишни истарди. Шу ниятда Закий Валидий Прометей ташкилотига, Қафқаз қўмитасига расмий хат ёзиб, Мустафо Чўқайнинг эндиликда ТМБнинг Оврупо вакили эмаслигини билдирди. Оврупо вакили лавозими “Прометей” журнали бошқарув ҳайъатидаги Аҳмад Наимга берилди. Бироқ кўп йиллардан бери Парижда яшаётган ва Овруподаги бир қатор ташкилотлар билан яхши муносабат ўрнатган Мустафо Чўқайнинг ўрнини Аҳмад Наим боса олмасди, албатта. Шунинг учун ҳам, орадан кўп вақт ўтмай, Аҳмад Наимнинг ўзи бу хусусда Туркистон миллий бирлиги марказий қўмитасига хат ёзди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

> “Нима бўлса бўлсин, беш йилдан бери Оврупода Туркистонга оид мақолалари билан танилган ва Оврупода Туркистонни танита бошлаган ва барча ишларида ўзига хос муваффақият қозонган ўқимишли бир йўлдошимизнинг орамиздан ажралишига йўл қўймаслик керак эди. Бошқа дўстларимизга нисбатан Туркистонда, омма ичида анча популяр ва бўлшевик матбуотини неча йиллардан бери машғул этиб турган Мустафо Чўқай бекнинг бу суратда орамиздан айрилиши ҳамда

[415] Сўнгги хабарлар.

истеъфосининг қабул қилиниши миллий ғоямиз йўлида баъзи зарарлар бермаслигини истардим.

Бу ерда, “Прометей” журнали ҳайъатида Туркистон вакиллиги вазифасини бажариш инсондан анчагина маълумотли бўлишини тақозо этади. Хусусан, русчани ва французчани мукаммал эгалламаган киши бу ишга йўлай олмаслиги аниқ. Туркистонга оид ҳар турли воқеа-ҳодисаларни, хабарларни кунма-кун ўрганиб, билиб, бу борада французча мақола нашр эттириш ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Мен русча билмаганим учун Туркистонга боғлиқ матбуотни ўқиб-кузатолмадим ва мақола ҳам ёзолмадим.[416]

“Прометей”га оид Туркистон вакиллиги вазифасини мендан кўра яхшироқ тахсил кўрган ва лаёқатлироқ, хусусан рус тилини биладиган бирор ўртоғимизга топширсалар, муқаддас ғоямиз учун янада мувофиқ ҳаракат қилган бўлардилар. Буни ўқиб, мени ишдан қочяпти деб ўйламанглар. Аксинча, ўз камчилигимни ифода этаркан, жабҳамиздаги фаолиятнинг таъсирли бўлишини кўзда тутиб бу хатни ёздим.”[417]

Закий Валидий учун Мустафо Чўқайнинг ТМБ марказий қўмитаси аъзолигидан истеъфо этиши етарли эмасди. Унингча Чўқай жамиятдан ҳам ўчирилиши ва бутунлай алоқасиз кимсага айлантирилиши лозим эди. Шунинг учун у ТМБ маркази томонидан Чўқай ишини текшириш топширилган уч кишилик ҳайъатга қаттиқ босим ўтказди. Натижада, жамият раиси Валидийнинг зуғуми таъсирида тайёрланган ҳайъат баённомасида Чўқайга нисбатан бир неча айблар йўналтирилган:

“Янги Туркистон” журналида босилган “Туркистонда очлик сиёсати” ва “Қўқон мухторияти тарихи” мақолаларида Чўқай мухторият тарафдорлигини такрорлаган ҳолда, бу жараёнда истиқлол талаби бўлмаганини ва бутунлай мустақилликка чиқиш мумкинлигига ишонмаганини аён этган... Туркистоннинг талаби Украинаникидан фарқли бўлиши керакмас деркан, рус демократлари билан айни йўналишда ҳаракат қилишимиз лозимлигини таъкидламоқда... Милюков гуруҳи газеталари билан муносабат ўрнатаркан, айни ҳаракати билан халқаро омма олдида ТМБнинг улар билан алоқадордай кўрсатмоқда. Бир ўзини ТМБ жамияти билан баравардай, аммо алоҳида тутмоқда.”[418]

Шубҳасиз, Мустафо Чўқай бу айбловларнинг бирортасини ҳам қабул қилмади. Шунинг учун ҳам ТМБ марказига юборган ҳимоя хатида мақолаларининг нотўғри таржима қилинганини, шу боис айби йўқлигини таъкидлади. Зеро Чўқайнинг Парижда русча ё французча ёзган маколалари Истанбулда туркчага ўгирилиб, сўнгра босиларди. Чўқай Аҳмад Наимга ёзган мактубида Закий Валидий тузган тафтиш ҳайъати ва

[416] Аҳмад Наим ўрта мактабни Туркияда битирган, Омонияда университетда ўқиган эди. Шу боис рус тилини билмасди.
[417] Аҳмад Наим тарафидан ёзилган, 1928 йил 20 майда ТМБ марказий қўмитасига юборилган билдирги (Аҳат Андижон архиви).
[418] ТМБ марказий қўмитасининг 1928 йил 7 февралдаги мажлиси баёномаси (Аҳат Андижон архиви).

унинг қарорларини қабул қилмаслигини айтиб, масаланинг холис ҳакамлар воситасида ҳал қилинишини истаган. Ўша мактубда у, жумладан, шундай деган:

> “Мен раисингиз Аҳмад Закий Валидийга 2 юлда хат ёзиб, ҳайъат қарорларига асос бўлган таржималарнинг мутлақо ёлғон эканлигини билдириб, ҳақиқатни ўртага чиқариш учун холис бир арбитраж (ҳакамлик) йўлини таклиф қилгандим. Муҳаммадамин Расулзода ёки С. Саломзода, ёхуд Закий бекнинг ўзи тавсия этган бошқа бир одам ҳакам бўлсин дегандим. Агарда ҳакамлик қилган бирор озарбайжонлик ёки қафқазлик тафтиш ҳайъати қарорини тўғри деб топса, майли, мен унда ўзимни айбдор деб тан оламан, дея ёзгандим. Раиси мухтарамингиз эса, 23 июлдаги хатида менга шуни ёзди:
>
> “ТМБ Туркистон масаласида ўзидан устун бошқа бир ташкилотни тан олмайди. Ҳар бир миллатда марказий сиёсий ташкилотнинг ўзига хос тушунчаси бор. Ўзинг ҳақингда чиқарилган қарорга бўйин суниб, рози бўлишинг лозим эди. Жамият марказининг қарорини тан олмайман дея ёзганинг ўртоқларни ранжитди... Бу жавобинг нима эканлиги кундай равшандир.”[419]

Чўқай, шунингдек, ўтмишда Закий Валидийнинг ҳам том мустақиллик тарафдори бўлмаганини ва коммунистлар билан ҳамкорлик қилганини таъкидлаб, унинг ўзига ёзилган мактубидан мисол келтирган. Ўша мактубида Валидий шуларни ёзган:

> “1917-20 йилларда сен ҳам, мен ҳам истиқлолчи эмасдик. Автономчи федералист эдик. Сен 1917 йилнинг бошида автономист ҳам эмасдинг. Энди йўлга кирдик. Энди буни очиқчасига тан олайлик. Юртимизга қайтиш пайти келганда, тутган йўлимиз очиқ билиниб туриши керак.”[420]

Валидийнинг бунча ҳаракатлари натижа берди, албатта. У Чўқайни бурчакка сиқиштирди ва икки йўлдан бирини танлашга мажбур этди. Яъни, ё айбли эканини тан олади, жамиятда оддий аъзо сифатида қолади; ёки истеъфо бериб, жамиятдан бутунлай чиқиб кетади. Оқибатда Мустафо Чўқай истеъфо этди ва ТМБни тарк қилди.

Ана шу тарзда Закий Валидий ТМБ жамиятида яккаҳукмронга айланди, энди барча ишлар унинг назорати остида юритила бошланди. Валидий ТМБ бошқаруви ичида ҳам ўзгаришлар ясади. Неча йиллардан бери дўсти бўлган Абдулқодир Инонни “Янги Туркистон” журналининг бош муҳаррири вазифасига қўйди. Айни чоғда эски рақиби Аёз Исҳоқий ва унинг раҳбарлигидаги татарлар ташкилоти билан ТМБ аъзоларининг алоқа қурмаслиги ҳақида ҳам бир қарор чиқартирди. Энди ТМБнинг

---

[419] Мустафо Чўқай томонидан Аҳмад Наимга 1.10.1928 й.да ёзилган хат (Аҳат Андижон архиви).

[420] Закий Валидий Тўғон томонидан Мустафо Чўқайга 1927 йил 2 майда ёзилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).

мутлоқ ҳокими ўлароқ Оврупо ишлари билан бемалол шуғуллана оларди. Марказий қўмитанинг 1928 йил 26 июндаги йиғилишида ТМБнинг Оврупо сиёсатини белгилаш, жамиятга маблағ топиш, Оврупога талаба юбориш борасидаги ишларни ҳал этиш учун раис Закий Валидийни Оврупога жўнатишга қарор қилинди.

ЗАКИЙ ВАЛИДИЙ ОВРУПОДА

Закий Валидийнинг Оврупо саёҳатидаги илк қўноқ Париж бўлди. Бу ерда “Прометей” журнали масъуллари билан учрашиб, анча суҳбатлашди. Журналнинг кенгаш аъзоси Мирёқуб Мехтиев орачилигида Мустафо Чўқай билан кўришмоққа уринди, бироқ ўтган гаплардан тузуккина ранжиган Чўқай буни истамади. Сўнгра Валидий Франциядан Олмонияга борди. Берлинда талабалар билан учрашди, аммо бу ердаги вазият унга ёқмади. Чунки Мустафо Чўқай бир неча йилдан бери Берлиндаги ёшлар билан яхши муносабат ўрнатган, барча талабалар уни хуш кўрарди. Шу боис ҳам Олмониядаги талабалар ТМБ билан Чўқай ўртасидаги ихтилофда Мутафо Чўқайга ҳақсизлик қилинган деган фикрда эди. Закий Валидий талабаларга ўзининг ҳақлигини уқтирмоққа тиришди, лекин бу уриниши самара бермади.

Навбатда прометейчилар лигаси ва у жамиятнинг Пўлшадаги раҳбарлари билан учрашувлар бор эди. Валидий Берлиндан тўғри Варшава йўналди. Афсуски, бу ердаги муҳит ҳам уни очиқ қаршиламади. Уни қўллаб-қувватловчилар топилмади. Зотан, Валидий бўлшевиклар тўнтариши юз берган ўша 17-йилларда Татаристон ва Бошқирдистон орасининг очилгани ва ҳудудли-ҳудудсиз мухторият масаласига боғлиқ ўлароқ жанжал чиққани туфайли Аёз Исҳоқий билан тескари бўлиб қолганди. Аёз Исҳоқий эндиликда Варшавадаги энг эътиборли муҳожир лидерлардан бири ҳисобланарди. Мустафо Чўқай билан жуда яхши алоқада бўлган Муҳаммадамин Расулзода Прометей лигаси бошқарувининг энг муҳтарам аъзоларидан бири саналарди ва у ҳам Валидийни унча хуш кўрмасди. Хуллас, Закий Валидийнинг Прометей жамияти ва уни қувватловчи давралар билан муносабат ўрнатишга интилишлари муваффақиятсизликка учради. Варшава шарқ институтига ўзи билан бир илмий учрашув ўтказиш борасида қилган мурожаатига ҳам эътибор берилмади, ҳатто жанжал чиқай деди ва Тўғоннинг талаби қатъий рад этилди. Бу ҳодислар муҳожирлар даврасида Прометей жамияти раҳбарларининг Закий Валидий билан муносабат ўрнатишни истамаганлари ва унга ҳеч қачон ёрдам бермасликларига оид тушунча туғдирди. Закий Валидий эса, бу воқеаларда Мустафо Чўқай ва Эдил-

Ўрол миллий жамияти раиси Аёз Исҳоқийнинг қўли бор, роли бор дея, уларни қоралашга киришди.[421]

Оврупода ўйлаган ниятларини амалга оширолмаган, иши орқага кетган Валидий қаттиқ хафа бўлди. Аммо у шарқ туркларининг энг оғир кунларини бошидан ўтказган ва ўша йиллардаги тарихда из қолдирган, унча-мунчага ўзини йўқотмайдиган, қатъий табиатли инсон эди. Овруподан Туркияга қайтиб келганидан бир оз муддат ўтиб, у шарқ турклари масалаларини тадқиқ этувчи бир илмий жамият қуриш ҳаракатига тушди. Натижада, 1928 йилнинг илк ойларида Туркистон ва Озарбайжонни ўрганиш жамиятини ташкил этди. Жамиятнинг 32 моддалик тузуги 1928 йил май ойида тузилди ва расмийлаштирилди. Бу жамиятнинг қурувчилари Аҳмад Закий Валидий, Аҳмад Оғаўғли, доктор Мирза Ҳожизода, Маҳмат Айит, Аҳмад Жаъфар ўғли, доктор Абдулқодир Сулаймондан иборат эди. Жамият бошлиғи вазифасига Закий Валидий, ўринбосари этиб Аҳмад Оғаўғли тайинланди. Туркистон ва Озарбайжон йўналишида фаолият юритиб, бу мавзуларда нашр ишларини амалга ошириш бу ташкилотнинг мақсади ҳисобланарди. Унинг номи Туркистон ва Озарбайжонни ўрганиш жамияти бўлса ҳам, қурувчилари орасида фақат биттагина туркистонлик бор эди холос ва у ҳам сиёсий, илмий давраларда ҳеч ким танимайдиган одам эди. Шунингдек, жамият тузугидаги бошқарув ҳайъатига сайланиш моддаси ўта ўзига хос шарт ҳолида ёзилганди. Яъни, бошқарув ҳайъатига сайланиш учун бирор халқаро илмий жамият аъзоси бўлиш шарт эди.[422] Ана шу модда туфайли бошқа ТМБ аъзолари ёки ўша даврда Истанбулда ўқиётган талабалар ва ёшларнинг жамиятга ва ҳайъатга аъзо бўлиш йўллари тамоман беркитилганди.

Шундай қилиб, Закий Валидий ТМБ воситасида сиёсий фаолиятларини, Туркистон ва Озарбайжонни ўрганиш жамияти орқали эса, илмий ишларини бемалол юритиш имконига эга бўлди. Унинг асосий мақсади турк дунёсида ва Оврупонинг илму фан оламида, ўз сўзи билан айтганда, шарқ туркларининг ягона вакилига айланиш эди. ТМБга ўзи истаганидай раислик қилиши уни бу нуқтага етказа олмасди. Зеро, бу ташкилот яширин ишлайдиган бир жамият бўлгани учун барча фаолиятларни махфий йўналтиришга мажбур эди. Очиқ ишлайдиган жамият эса Закий Валидийнинг ҳаракат майдонини ниҳоятда кенгайтириб юбориши мумкин эди. Зеро, Туркистон ва Озарбайжонни ўрганиш жамияти қурилишдан кейин тезда ишга киришиб кетилди ва қисқа вақт орасида танилиб қолди. Ҳар ойда ўтказилган илмий конференциялар, бир қатор хорижий ва маҳаллий машҳур олимлар билан учрашувлар жамият обрўсини оширди.

---

[421] Мустафо Чўқай тарафидан Закий Валидийга 1929 йил 7 августда ёзилган хат (Аҳат Андижон архиви).

[422] “Янги Туркистон” журнали, 1928 й. 16 сони, 48 б.

Бошқа бир томонда эса, бу жамиятнинг қурилиши ва ишлари айрим доираларда жиддий норозилик уйғотди. Хусусан Муҳаммадамин Расулзода раҳбарлигида ишлаётган Озарбайжон миллий ҳаракати даврасидаги фаолларни қаттиқ ғазаблантирди. ТМБнинг баъзи аъзолари Валидийнинг бу ишларини Туркистон номини ўз шахсий манфаатлари йўлида қўллаш дея баҳоладилар. Норозиликлар фақат Озарбайжон ёки Туркистон миллий жамиятлари орасидагина эмас, балки университет миқёсига ҳам ёйилган, Валидий билан дорилфунунда бирга ишлайдиган ўқитувчилар ҳам илмни сиёсатга аралаштирмаслик кераклиги борасида унда-бунда гапира бошлашган эди. Бу норозиликлар ва танқидий фикрларнинг тобора кучайиб бориши натижасида, 1929 йил охирига келиб, Туркистон ва Озарбайжонни ўрганиш жамиятининг фаолияти жонсизланди, бир-икки сана ичида умуман тўхтади.

1928 йилда Туркия республикасининг маданий ҳаётида катта бир ўзгариш бўлди: Отатурк маданий инқилобининг энг муҳимларидан бири – алифбо ўзгариши ясалди ва эски араб ёзувидан лотин ёзувига ўтилди. Бу ўзгариш Туркияга четдан келган муҳожир турклар чиқараётган журналлар ичида, айниқса, “Янги Туркистон” журналига қаттиқ таъсир қилди. Чунки Озарбайжон ва Шимолий Қафқаз миллий ҳаракатлари қатнашчилари асосан Туркияда яшамоқдайди. Аммо туркистонликларнинг кўпчилиги араб ёзуви қўлланилаётган ўлкаларга тарқалганди. Қисқаси, лотин ёзувида босилажак “Янги Туркистон” журнали муштарийси эндиликда фақат Туркиядаги туркистонликлар ва турк ўқувчилари билан чекланиб қоларди. Шу сабабли унинг таъсир доираси ниҳоятда торайиб кетарди. Араб ҳарфида босилмагани учун уни на Туркистондаги халқ, на Афғонистон, на Эрон, на араб мамлакатларидаги муҳожир туркистонликлар ўқий оларди. Бу ўлкалардаги туркистонликлар билан фикрий алоқани узмасдан давом эттиришнинг бирдан-бир чораси Туркистон шевасида, араб ёзувида янги бир нашр ташкил этиш эди. Бу масала устида бош қотирган ТМБ марказий ҳайъати “Янги Туркистон” журналини Берлинга кўчиришга ва ўша ерда араб ёзувида нашр этишга қарор берди. Журнал яна Абдулқодир Сулаймон раҳбарлигида чиқариладиган бўлди.

1929 йил бошларида ТМБ ҳаракатига жиддий таъсир қилган, кутилмаган бир ҳодиса юз берди. Ҳаракат йўлбошчилари орасидаги зиддиятлар ТМБга катта зарар келтирганини англаган ёш аъзолардан бир нечаси кенгашиб, ТМБ фаолиятини тўғри юритиш ва назорат этишни, асл ғоя доирасида йўналтиришни мақсад қилишди; натижада ТМБ ичидаги бир гуруҳга айланишди. Бу ёшлар ўзларини “хизип”, яъни кичик бир бўлик деб аташди. ТМБ котиби Мажидиддин Далил бу кичик бўлик бошчиси ҳисобланарди. Аъзолари Носир Ҳакимзода, Солиҳ Исмоил, Воси, Абдулла Таваккул, Зоҳид, Олим каби ёшлардан иборат эди. Кичик гуруҳ аъзолари ҳамкорликда ишлай бориб, ташаббус кўрсатиб, бора-бора ТМБни ўз таъсирларига олмоқни исташарди. Айни чоғда Олмониядаги

талабалар ҳам кенгашиб, бирлашиб, ўзаро “Ёш Туркистон” гуруҳини тузишганди. ТМБнинг Олмониядаги бўлими ҳисобланган бу ташкилотнинг уч кишилик бошқарув ҳайъатига Аҳмад Наим, Аҳмаджон Иброҳим ва Афзал Абусаид сайланганди.

ЗАКИЙ ВАЛИДИЙНИНГ ТМБДАН КЕТИШИ

ТМБнинг ёш аъзолари фикрича, Мустафо Чўқай масаласида раис Закий Валидий ўта қаттиқ ва жуда ноҳақ иш қилганди. Шунингдек, ёшларнинг ўйлашича, Закий Валидий ТМБда бир ўзи лидер бўлиб қолиш учун Мустафо Чўқайни атайин жамиятдан ўчиртирганди. Айниқса, Туркистон ва Озарбайжонни ўрганиш жамияти қуриларкан, ТМБ аъзолари ва туркистонлик ёшлар бу ташкилотга умуман киритилмагани Валидийга нисбатан норозилик ва қаршиликни янада орттирди. ТМБ аъзоларининг кўпчилиги Туркистон ғояси бир кишининг манфаатига хизмат қилувчи восита даражасига тушириб юборилди деган фикрда эди. Бу қарашлар натижаси ўлароқ ТМБ ичидаги кичик бўлик ҳамда Олмониядаги “Ёш Туркистон” гуруҳи бирлашиб, Закий Валидий раҳбарлигига қарши мухолифат ҳаракатини кучайтирдилар. “Ёш Туркистон”чилар Ҳайделбергда ўтказилган гуруҳ йиғилишида бир қарорга келиб, ТМБ марказига қуйидаги ултиматумни юборишди:

> “Мустафо Чўқай афанди ТМБга олиниши, аъзолиги қайтадан тасдиқланиши ва ТМБнинг Оврупо вакили вазифасида қолиши керак. Олмония бўлими бу таклифининг қабул қилинмагани тақдирда ТМБ марказий ҳайъатининг янгидан сайланиши кераклиги масаласини кун тартибига қўяди. Закий-Чўқай муаммоси айтилганидек йўл билан ҳал қилинмаса, Олмониядаги ТМБ бўлими марказдан мустақил равишда ҳаракат эта бошлайди ва ихтилоф масаласида ўз қараши ва ишларини давом эттиради.” [423]

Шунга ўхшаш воқеа Истанбулда ҳам бўлиб ўтди. ТМБнинг марказий қўмита ҳайъати мажлисида кичик бўлик номидан Мажидиддин Далил сўз олиб, масалани ўртага ташлади ва муаммонинг дарҳол ҳал қилинишини талаб этди. Мухолифатнинг бу қатъияти қаршисида валидийчилар анча юмшади ва марказий қўмита аъзолари Чўқайнинг афв этилишига, жамият аъзолигига тикланишига розилик билдиришга мажбур бўлди. Аммо бу етарли эмасди. Чунки эндиликда Закий Валидийнинг раислик курсиси лиқиллаб қолганди. Мухолиф ёшлар қаршилигига бир-икки ой чидаган Валидий охири тақдирга тан бериб, ТМБ раислигидан ва марказий қўмита аъзолигидан истеъфо этганини

[423] ТМБ Олмония бўлимининг 8 феврал 1929 й.даги йиғилиши ҳужжатлари (Аҳат Андижон архиви).

билдирди. У билан биргаликда тақдирдош дўсти Абдулқодир Сулаймон ҳам истеъфосини берди. Икки эски дўст 1929 йил 4 майда ТМБ хорижий марказ қўмитасига юборилган истеъфо мактубларида, жумладан, шуларни ёзишган:

> “Жамиятнинг собиқ аъзоси Чўқай Мустафобек шу йил 8 апрелда марказий қўмитага (котиб Мажидиддин бек номига) ёзган мактубидадан аён бўлганидек, ТМБ ташкилоти ичида қабилачилик, айримчилик яратмоқ истадилар. Чунки мактубда, ҳатто 1927 йил қурултойи ҳам, бу жиҳатдан қаралганда, гўё бошқирдлар кўпчилиги босқиси остида ўтган қурултой дея ифодаланмоқда. Шу билан бирга, Чўқайбек бир пайтлар ўзи ҳақида ТМБ маркази чиқарган ва сўнгра бекор қилган қарорни фақат ТМБ марказидаги бошқирд аъзоларнинг унга қарши хиёнати натижаси дея кўрсатмоқда. Бу қарорни айни замонда ва бундан кейин ҳам бошқирд аъзоларни айблаш ва фош этишда, хусусан уларнинг ТМБ аъзолари орасини бузаётганини исботлашда фойдаланишини айтмоқда. Шу мактубни оламизми ёки 9 мартда Абдулқодир номига ёзган хатини оламизми, Истанбулга келса, бу ердаги бошқирд вакилларга қўл бермаслигини, кўришмаслигини таъкидлаб, холисан душманча муносабатга киришганини билдирмоқда. Биз бундайин вазиятда, Ўрта Осиёда шунчалик муҳим ҳодисалар юз бериб турган масъулиятли бир замонда, унинг ташкилотни чиритишига томошабин бўлиб ўтиролмаймиз. Чўқайбекнинг ТМБ билан ҳамкорликда ишлашини муҳим деб ҳисоблаганимиз ва буни зарур деб билганимиз учун, шунингдек, бизнинг марказий қўмитада бўлишимиз бунга монелик қилиши англашилганидан, ТМБ марказий қўмитасидаги Бошқирдистон ҳайъати вазифамиздан чекиламиз ва буни керакли ерларга билдирамиз.”[424]

Мана шу истеъфо мактуби билан бирга, орадаги қисқа бир муддатни ҳисобламаганда, ТМБ қурилганидан бери давом этаётган Закий Валидий даври ниҳоясига етди. Ўтказилиши режалаштирилган фавқулодда қурултойга қадар ТМБни бошқариб туриш Усмон Хўжага топширилди. Шундан кейин марказий қўмита қарори билан Мустафо Чўқай қайта аъзоликка қабул этилди ва унга янгидан Оврупо вакили мақоми берилди.

Закий Валидий ва дўсти Абдулқодир Сулаймон, ТМБ марказий қўмитасидан чиққанларидан бир оз муддат ўтиб, алоҳида Бошқирд маркази қуриб, расман танилиш учун Қафқаз қўмитасига мурожаат қилдилар. Бу ишга оид баъзи тафсилотлар Усмон Хўжанинг Мустафо Чўқайга ёзган мактубида шундай ифодаланган:

> “Аҳмад Закий ва Абдулқодир ўзларининг Бошқирд марказини қурдилар ва мурожаат этдилар. Мажлисда ТМБга қарши иш қилмайман деб сўз бердилар, фақат, афсуски, сўзда турмадилар. Исми-жисми бўлмаган

[424] Закий Валидий ва Абдулқодир имзоли 1929 йил 4 майда ёзилган истеъфо мактуби. Хатнинг асл нусхаси иловалар бўлимида берилган.

Бошқирд маркази деб мурожаат қилдилар... Шу сабабли уларни ТМБ аъзолигидан бутунлай чиқаришга қарор қилинди. Бу ҳам Қафқаз қўмитасига билдирилади. Сизга ҳам ёзувни юборамиз.” [425]

Закий Валидийнинг Бошқирд маркази қуришга алоқадор мурожаати Қафқаз қўмитаси тарафидан қабул қилинмади. Афсуски, бу ҳодиса Закий Валидий ва ўртоқларининг фақат ТМБдангина эмас, балки барча муҳожир турк жамиятлари томонидан рад этилгани белгиси эди. Бу ҳодисалардан кейин Закий Валидий сиёсий фаолятларини тўхтатиб туришга мажбур бўлди.

Закий Валидий ТМБдан кетганидан кейин Эдил-Ўрол миллий маркази ва Туркистон миллий бирлиги орасидаги муносабатлар яна жонлана бошлади. Май ойида Мустафо Чўқай ва Аёз Исҳоқий раҳбарлигида Туркистон, Эдил-Ўрол ва Қирим вакиллари Берлинда йиғилишиб, миллий мужодалада ҳамкорлик олиб бориш тўғрисида қарор қабул қилдилар ва баённомани имзоладилар.[426]



ТМБнинг кичик бўлинма аъзолари

Ўтирганлар (чапдан ўнгга): Носир Ҳакимзода, Мажидиддин Далил, Тавакул Бобир. Тик турганлар: доктор Солиҳ Исмоил (Эркинқўл), Зоҳид (Ўзбулоқ), доктор Воси Мирзатош. Истнбул, 12 май 1930 й. (Аҳат Андижон архиви)

Бошқа бир томонда эса, ТМБ марказий бошқарувида юзага келган ўзгаришлар жуда тезлик билан фавқулодда қурултой чақиришни, мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда стратегияни, бажарилажак ишларни белгилашни тақозо қилмоқда эди. ТМБнинг Оврупо вакили Мустафо Чўқай ва Берлин бўлими аъзоларини Истанбулга чақирилиб, 1929 йил ёз

[425] Усмон Хўжаўғлининг 22 май 1929 йилда ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).
[426] 21 май 1929 йилда Эдил-Ўрол, Туркистон ва Қирим гуруҳларининг ўртоқликдаги баённомаси. Ҳужжатнинг асли иловалар бўлимида берилган.

ойларида анжуманга тўпланишга қарор берилди. Бироқ июн ойида Қафқаз қўмитасига боғлиқ кутилмаган бир ҳодиса юзага келиб, шу боис қурултой яна бир неча ойга кечиктирилди.

1929 йил июн ойида Истанбул амнияти, яъни полиция ташкилоти Озарбайжоннинг собиқ жумҳурраиси ва муҳожиротдаги Озарбайжон миллий ҳаракати лидери Муҳаммадамин Русулзода билан Шимолий Қафқаз лидери Саид Шомилнинг уйига ногоҳоний босқин уюштирди, тинтув ўтказди, барча ҳужжатлар ва ашёлар мусодара қилинди. Бу воқеа муҳожир турклар орасида бўмба каби шов-шув уйғотди. Муҳожирлар турк ҳукумати расмийларининг гоҳи-гоҳида огоҳлантириб туришлари ва ҳар замон-ҳар замонда вақтинчалик ҳудуддан чиқариб юбориш каби тадбирларига кўникиб қолишганди. Аммо уйларига босқин қилиш ва ҳужжатларни мусодара этиш илк дафа юз берганди. Туркия ҳукуматининг муҳожиротдаги турк халқлари лидерлари билан алоқалари нуқтаи назаридан жуда муҳим бўлган бу ҳодисалар Усмон Хўжаўғли тарафидан бир мактубида шундай англатилмоқда:

> “Июн ойида Расулзода Аминбек ва Саид Шомилбекнинг уйлари Истанбул полицияси биринчи бўлими тарафидан босилди ва ҳужатлар ва айрим ашёлар тортиб олинди. Жуда ёмон иш бўлди. Бунинг сабабчиси улардан ажралиб чиққан озарбайжонликлар ва доғистонликлардир. Булар ингилизларга ишлаяпти дея чақиптилар.” [427]

ТМБ аъзоларининг бир-бирларига битган хатларидан маълум бўлишича, Муҳаммадамин Расулзода билан Саид Шомилнинг ингилизларга ишлагани борасидаги иддаони тасдиқлайдиган бирорта ҳам далил топилмаган ва шу сабабли бу икки лидер ҳақида бирор расмий ҳукм чиқарилмаган. Шунга қарамай, бўлиб ўтган бу ҳодисалар иккала миллий ҳаракат лидерини ҳам анчагина бошини қотирди, улар Туркияда тинч ва хавфсиз яшай олишларига ишонмай қўйдилар. Шу туфайли Муҳаммадамин Расулзода ва Саид Шомил Туркиядан чиқиб кетдилар ва фаолиятларини эркин юритишга ишонган ўлкага, Пўлшага бордилар.[428] Улар бу тутумлари билан, эҳтимолки, Туркия ҳукумати истаётган ишни амалга оширган бўлишлари ҳам мумкин.

1929 ЙИЛДАГИ ИСТАНБУЛ ҚУРУЛТОЙИ

Закий Валидий билан Абдулқодир Сулаймоннинг жамиятдан кетишидан кейин режалаштирилган қурултой 1929 йил 13 сентябр куни

---

[427] Усмон Хўжаўғли тарафидан Мустафо Чўқайга 1929 йил 29 июнда ёзилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).

[428] Аслида Саид Шомил 1926 йилда Варшавага борган ва Прометей лигаси фаолиятларига қўшилган эди. У фақат баъзи-баъзида Туркияга келар ва айрим ишларини Истанбулда бажарар эди. Муҳамадамин Расулзода Туркиядан чиқиб кетгач, Озарбайжон миллий ҳаракатининг овозига айланган “Ўтли юрт” журналидаги бош мақолаларни Мирза Бола ёза бошлади.

уюштирилган махфий йиғин билан бошланди. ТМБ аъзолари 13 сентябр-2 ноябр орасида 11 та мажлис ўтказдилар. Қурултойнинг бу йиғилишларида Туркистон ва Афғонистондаги умумий аҳвол, босмачилик ҳаракатидаги сўнгги вазият, Закий Валидий масаласи, янги бир журнал чиқариш, тузукка ўзгартиришлар киритиш, собиқ Бухоро амири масаласи, жамият бошқарувини мустаҳқамлаш каби қатор масала ва муаммолар муҳокама этилди.

Йиғилиш баённомаларидан англашилганидек, ТМБ аъзолари Афғонистонда яшаётган босмачилар йўлбошчиси Шермуҳаммадбекни собиқ Бухоро амирининг тарафдори деб ҳисоблай бошлаганлар. Бунинг сабаби, тахминимизга кўра, ТМБга аъзо бўлган таниқли босмачилардан Туроббек ва Ҳамроқулбек қўрбошининг марказга берган маълумотларидир. Зотан, Бухоро амири монархистлар жосуси ўлароқ от чиқарганди. Шунинг учун Бухоро амири билан боғлиқ барча ҳаракатлар ТМБ тарафидан рад этилишига келишилди. ТМБ бу қарори билан фақат Афғонистондаги амирни қувватловчи туркистонлик муҳожирларнигина эмас, балки айни пайтда эски қўрбошилар ва уларнинг теварагидаги барча туркистонлик муҳожирларни ҳам амирчи қилиб қўймоқда эди. Энг муҳими, бу қурултойда Афғонистон ва Эронга муносиб вакиллар юбориш ва у ерларда расмий бўлимлар очиш тўғрисида ҳам қарорлар қабул қилинди.

Қурултойнинг олтинчи йиғилишида “Янги Туркистон” журналига қўшимча ўлароқ Оврупода “Ёш Туркистон”[429] номи билан янги мажмуа чиқариш таклифи ҳам қабул этилди. Бу журнални араб ёзувида, ўзбек тилида чиқариш режалаштирилди. Ана шу тарзда Туркистон миллий бирлик жамияти қарашлари ва ғояларини тўғридан- тўғри Туркистонга ва араб алифбоси қўлланилган Афғонистон, Ҳиндистон ва Арабистон каби ўлкаларда яшаётган туркистонлик муҳожирларга ҳам етказиш имкони янгидан яратилмоқда эди. Маъқулланган қарорга биноан, Овруподаги ТМБ бўлимидан икки киши ва Истанбулдан юбориладиган бир кишидан иборат уч кишилик бир ҳайъат бу мажмуани тайёрлаши ва чоп эттиришига келишилди.

Шунингдек, бу қурултойда Туркистон миллий байроғининг аввалги ТМБ қурултойида қабул қилинган байроқ эканлиги янгидан тасдиқланди.

Эдил-Ўрол гуруҳи томонидан кун тартибига қўйилган миллий марказларни бирлаштириш талаби эса кўпчилик томонидан маъқулланмади. Жамиятлар фақат ҳамкорликда нашр ишларини амалга оширишлари мақбул топилди ва бу фикр қарорга боғланди.

Қурултойнинг йиғилишлари, айниқса, умумий маблағ, йиллик бюджетнинг аниқ ва очиқ ўртага қўйилиши ва кирим-чиқимга оид мажлиси қизғин тортишувлар билан ўтди. Раис Усмон Хўжаўғлининг

[429] 1929-1939 йилларда Берлинда, араб ёзувида босилган журнал.

қурултой аҳлидан узр тилаб, мусоҳаба ишларидаги камчиликларни тузатишга сўз бергани боис баҳслар тўхтатилди ва янги режа маъқулланди.[430] ТМБнинг умумий котиби ва Туркистон ёшлар уюшмаси бошлиғи Мажидиддин Далил етакчилигида тузилган кичик бўликнинг ёш аъзолари ўтмишда Валидийнинг яккаҳокимлигига қарши чиққанлиги ва оқибатда у раисликдан истеъфо бергани маълум. ТМБдаги раислик мақоми туфайли уч атоқли лидер ўртасида кечган зиддиятлар ва олишувлар ёшларда нохуш таасурот қолдирганди. Шу боис улар раисликдан воз кечиб, унинг ўрнига умумий котиблик лавозимини таклиф этдилар ва бу масалани кун тартибига қўйдилар. Улар бошқарувни бундай шаклда ўзгариши муносабати билан ички тузук ҳам тайёрлашганди. Раис Усмон Хўжа, табиийки, ўз вазифасини сақлаб қолишга интилиб, бундай ўзгариш ТМБ бошқаруви эътиборини сусайтиришини айтиб, бу таклифга қарши чиқди. Бу масала қўйилган мажлисни, яъни қурултойнинг ўнинчи йиғилишини бошқараётган Мустафо Чўқай, гарчанд бошқа аъзолар қаршилик кўрсатса ҳам, раислик тартиби ҳам, Усмон Хўжанинг раҳбарлиги ҳам давом этиши лозим дея қатъий фикр билдирди. Охир-оқибатда, бошқа аъзолар ҳам Чўқайга қўшилишга мажбур бўлдилар ва раислик тартиби давом эттирилишига қарор берилди. Мустафо Чўқай ҳам ўз-ўзидан, аввалдан бажариб келган ишида, яъни жамиятнинг Оврупо вакиллигида қолди. Мажидиддин Далил марказий қўмитанинг биринчи котиби, Абдулла Таваккул Бобир ҳисобчи этиб тайинланди. Зоҳид Ўзбулоқ ва Элтар[431] марказий қўмита аъзолигига сайландилар.

Қурултойнинг яна бир қарорига кўра, ТМБнинг 7 моддалик ҳамкорликдаги жабҳа баённомасига тағин иккита модда қўшилди. Уларнинг биринчисида “Туркистон истиқлоли, мустақил ҳукумати фақат туркистонликлар қўлида бўлиши керак” дейилган. Иккинчи моддада эса, олдинги моддаларда кўрсатилган Туркистон ҳудудлари Ғарбий Туркистон ичидаги республикаларни ва Шарқий Туркистонни қамрайди, деган жумлага қўшимча қилиниб, Буюк Туркистон чегаралари янгидан белгиланган. Бу қарорлар билан бирга, янги тайёрланган тузук ҳам қабул этилди. Янга тузукка биноан марказий қўмита аъзоларининг мутлақо туркистонлик бўлиши шарт (2 модда). Марказ билан боғлиқ барча ёзишмалар умумий котиб воситасида амалга оширилади ва марказий қўмита аъзолари ҳар йили янгидан сайланади (4 модда). Шунингдек, марказда ва бўлимлардаги котибият аъзоларининг мақомлари янада кучайтирилди, уларнинг айни пайтда делегат аъзо ҳисобланишлари ҳам тасдиқланди.[432]

---

[430] Усмон Хўжаўғли тарафидан қурултойга топшрилган ҳужжатлар (Аҳат Андижон архиви).

[431] Элтар – доктор Солиҳ Эркинқўлнинг тахаллуси, яширин исми. Эркинқўл ҳарбий доктор бўлган, давлат ишида ишлаган, ТМБ яширин ташкилот бўлгани боис, у ана шу махфий исм билан фаолият кўрсатган.


[432] ТМБнинг 1929 йил қурултойи ҳужжатлари (Аҳат Андижон архиви).

1929 йилда фавқулодда қурултой ўтказилиши билан бир қаторда, ТМБнинг бошқарув тизимида ҳам тубдан ўзгаришлар қилинди. Раислик тартибини бекор этишга уринган ёшлар, бунга эриша олмаганларидан кейин, имкон қадар умумий котиблик лавозими ҳуқуқларини кенгайтиришга интилишди. Ана шу мақсадда марказий қўмита аъзолари сони орттирилди ва натижада раиснинг таъсир кучи бир мунча озайтирилди. Нима қилганда ҳам, ҳар ҳолда, Мустафо Чўқай ва Усмон Хўжа каби икки тарихий шахс ТМБда раислик тартибини сақлаб қолишга эришган бўлсалар ҳам, бизнингча, бу муваффақият уларнинг ўз эътиборини сақлашдан бошқа бир нарса келтирмагандай кўринади. Марказий қўмитада фақат туркистонликларгина ишлаши мумкинлигига оид қарор эса, бир маънода, Закий Валидий воқеасидан сабоқ чиқарилгани белгисидир. Худди шундай, Туркистон истиқлоли туркистонликларнинг қўлида бўлиши кераклиги ва Туркистон ҳудудлари янгидан белгиланаркан, Бошқирдистонни чегарадан ташқарида қолдирилишига оид моддаларда ҳам юқоридаги воқеанинг таъсири сезилиб турибди. Оврупода нашр ишларини жонлантириш йўналиши эса, сиёсий ҳаракат нишабини Оврупога қараб тўғриланганига ишоратдир. Зеро июн ойида Қафқаз қўмитаси аъзоларининг уйига Истанбул полицияси уюштирган босқин тадбири Туркиядаги муҳожир туркларнинг миллий ҳаракатига ғов ташланганини ва бундан кейин вазият оғирлашувидан дарак бермоқда эди.

“ЁШ ТУРКИСТОН” ЖУРНАЛИ

Истанбулдаги қурултойдан кейин Парижга қайтган Мустафо Чўқай дарҳол янги журнални тайёрлаш ишларига киришди. Олмониядаги ТМБнинг Берлин бўлимидаги талабалар билан октябр ойида йиғилиш ўтказиб, журналнинг тамалини қўйди. Бу йиғилиш қарорига кўра, журналнинг бош муҳаррири этиб Мустафо Чўқай тайинланди. Берлиндаги “Ёш Туркистон” гуруҳининг раҳбари Иброҳим Орифхон (Ёрқин) ва олий таҳсил кўрган Абдулваҳоб (Ўқтой) журнал ишини юритадиган аъзолар қилиб белгиланди. Истанбул қурултойи қарорига мувофиқ журнални араб ёзувида, чиғатой лаҳжасида (эски ўзбек тилида-тарж.) чиқаришга ва мажмуа номини, талабалар уюшмаси номига уйғун тарзда “Ёш Туркистон” деб аташга келишилди. Журналнинг илк сонини 1929 йил охирида чиқариш режалаштирилди. Қурултой ҳужжатларидан аён бўлишича, журналнинг барча ҳаражатлари Чўқайнинг саъй-ҳаракати туфайли Прометей жабҳаси тарафидан таъминланмоқда эди.[433]

[433] Берлиндаги “Ёш Туркистон” талабалар гуруҳининг 1929 йил 22 октябрдаги йиғилиши ҳужжатлари (Аҳат Андижон архиви).



ياش تورکستان

تورکستان ملی استقلال فکریکه خدمت ایتوچی آیلق مجموعه‌در

باش محرری: چوقای اوغلی مصطفی

ییل 1	دیکابر 1929	ساده 1

بو ساندە:

سیاسی بولم:

1 ـ بزنگ یول

2 ـ باشقارمادن

3 ـ تورکستانده پاخته اطرافنده کوره‌ش. چوقای اوغلی مصطفی

4 ـ چار مینستری قریووشه‌ین‌نك تورکستان پاخته‌چیلگیگه نظری بر تورکستانلی

5 ـ ساویت روسیه «جنتیده‌ن» آولاق. آلتای نویان

ادبی بولم: « تورکستان » ماغجان ده‌ن

« یاپراقلر » چولپان ده‌ن

تورکستان خبرله‌ری:

قازاغستانده — تورکمه‌نستانده — اوزبیکستانده

“Ёш Туркистон” журналининг илк сони

“Ёш Туркистон” мажмуасининг биринчи сони, аввалдан режалаштирлгани каби, 1929 йилнинг декабр ойида чоп этилди. Журнал муқовасига, “Ёш Туркистон” ёзуви остига “Туркистон миллий истиқлол фикрига хидмат этувчи ойлиқ мажмуадир” деган сўзлар битилган. Муқова орқасида эса нашрнинг Туркистон миллий ҳаракатининг органи, расмий нашри эканлиги француз тилида билдирилган. Хатлар учун Мустафо Чўқайнинг Парижда, Нўгент мавзесида яшаб турган уйининг манзили кўрсатилган. Журнал Берлинда босилган. Аммо журнал мудирининг кимлиги, қаерда чоп этилиши айтилмаган. Албатта, бунинг сабаблари бор. Кейинги йилларда тарқалган “Мустафо Чўқайўғли “Ёш Туркистон” журналини ТМБдан ташқарида нашр эттирди, уни фақат ўз қўлида тутиб туриш учун шундай қилди” деган миш-мишларнинг пучлигини Чўқай бир хатида англатган, яъни, ўша пайтда Берлиндаги ёшлардан бирортаси ҳам, вазият оғирлигидан, майдонга тушишни истамаган, ҳатто почтадан бир рақам олиш учун мурожаат қиладиган одам топилмаган ва шу сабабли Чўқай Париждаги уйининг манзилини ёздиришга мажбур бўлган.[434]

Журнални чоп эттириш ишлари билан асосан Абдулваҳоб Исҳоқ ўғли (Ўқтой) ва Иброҳим Орифхон шуғулланган. Исҳоқ ўғли тиб доктори эди, Дармштат шаҳрида доктор бўлиб хизмат қиларди. “Ёш Туркистон” журналида вазифа берилгач, у 1930 йил феврал ойида Берлинга кўчиб келди. У келгунга қадар ишларни Тоҳир Шокир (Чиғатой) юритмоқдайди.

Журналнинг биринчи сонидаги кириш мақоласи шундай бошланган:

> “Биз, Туркистон истиқлолчилари, элимизнинг эрки ва юртимиз Туркистоннинг қуртулиши учун курашамиз... Туркистонлиларга мундан бошқа йўл йўқ, бўлолмас ва бўлмасин. Биз бу тарафда юртимиздаги Мўсқўва совет ҳукмронлиғи зулми остинда миллий истиқлол учун отилувчи милйўнларча Туркистон ўғилларининг озғина бир тўдасимиз... Халқимизнинг миллий истиқлол талабларини, маъносини бузмасдан, кучини озалтмасдан “Ёш Туркистон” бетларинда англата билсак, бизнинг ҳаммамиз учун муқаддас бўлғон оғир, масъулиятли вазифанинг бир қисмини ўтаган бўламиз... “Ёш Туркистон” ҳажмий эътибори билан кичик бўлса ҳам, “ОЗОД ВА МУСТАҚИЛ ТУРКИСТОН” байроғини кўтариш каби вазифани устига олиш ва у йўлда хизмат этиш билан буюкдир... Бизнинг ғоямиз эса Туркистонда **шакл эътиборила-да, маъно эътиборила-да миллий давлат** тузилишидир.
>
> Чунки ёлғуз бу суратдагина халқимиз ўз юртинда ўз муқаддаротининг том ҳуқуқли эгаси бўла оладир. Биз юртимиздаги ва муҳожиротдаги

[434] Мустафо Чўқайнинг 1930 йил 24 декабрда Абдулла Таваккулга ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

ватандошларимиздан ва дўстларимиздан ОЗОД ВА МУСТАҚИЛ ТУРКИСТОН ғояси йўлиндаги бошлаған курашда қалам ва кенгашлари билан ёрдамларини умид этамиз!”[435]

Ҳақиқатан ҳам, ўн йилча узун бир муддатда “Ёш Туркистон” журнали муҳожир туркистонликларга сиёсий ҳаётини давом эттириш йўлида муҳим хизмат қилди. Ҳар сони тахминан 40 саҳифали бу мажмуа бир неча бўлимдан иборатдир. Сиёсий бўлимда асосан Мустафо Чўқайга мансуб бир бош мақола ва турли муаллифларнинг Туркистон, шўро давлати ва халқаро мавзуларга бағишланган ёзувлари босилган. Адабий бўлимда Туркистондаги машҳур шоирларнинг миллий туйғу ва фикрлар билан йўғрилган шеърлари берилган. Бундан ташқари, Туркистоннинг яқин тарихи, турк маданияти, иқтисод соҳасига оид мақолалар ва турли хабарлар ҳам чоп этилган.

Журнал билан танишаркансиз, “Ёш Туркистон” фақатгина Туркистондаги эмас, балки бутун шўро мамлакатидаги ҳаётни изчил кузатиб боргани, айниқса, Туркистон жумҳуриятларидаги шўро сиёсатини ўз пайтида, кенг кўламда танқид қила олганига гувоҳ бўласиз.[436]

1930 йиллардан бошлаб, Оврупода тобора яқинлашаётган уруш таҳликаси туфайли, журналда катта давлатлар ўртасидаги алоқалар ва халқаро сиёсатга даҳлдор мақолаларни ҳам босишга киришилган. Мажмуанинг хабарлар бўлимида Туркистон ичидан олинган дараклар, Афғонистон, Ҳиндистон, араб ўлкалари, Туркия ва Оврупода яшаган муҳожир туркистонликларга оид мавзулар ҳам ёритилган. “Ёш Туркистон” ана шундай ўзига хослиги ва кўп қирралилиги билан жаҳоннинг турли давлатларига тарқалган туркистонлик муҳожирлар орасида жуда муҳим алоқа воситасига айланди.

Маълум бўлишича, Мустафо Чўқайдан бошқа барча муаллифлар махфий номдан, рамзлардан, тахаллусдан фойдаланган.[437] Журналнинг бир йиллик баҳоси 2 дўллар, 1 донаси 20 сент ўлароқ белгиланган.

---

[435] “Бизнинг йўл.” “Ёш Туркистон” журнали 1929 й. 1 сони, 1-2 б. (Китобда туркча таржимаси берилган бу ўзбекча матн журналнинг асл нусхасидан табдил қилинди – тарж.)

[436] Мустафо Чўқай ёзган мақолаларида тилга олинган манбалар ўрганилганда, “Ёш Туркистон”чиларнинг “Правда”, “Искра” каби совет газеталари билан бир қаторда “Правда Востока”, “За партию”, “Советская степь”, “Казакистансакая правда”, “Ақ жўл”, “Энбекчи”, “Қозоқ”, “Қозоқ адабиёти”, “Қизил Ўзбекистон”, “Янги Фарғона”, “Озод Бухоро”, “Бухоро пролетариати”, “Шарқ ҳақиқати”, “Шўролар Туркманистони”, “Туркменская искра”, “Туркманистон”, “Қизил юлдуз”, “Овози тожик”, “Раҳбари дониш” каби Туркистон жумҳуриятларида босиладиган газеталарнинг деярли барчасини кузатиб боргани маълум бўлмоқда.

[437] Тоҳир Чиғатой “Ёш Туркистон”да Чиғатой, Тоҳир Шокир, Эсон Турсун, Тошболта, Темурўғли каби тахаллусларни қўллаган. Абдулваҳоб Ўқтой эса, Жоной, Тўхтамишўғли номларини ишлатган. Туркиядаги ТМБчилардан доктор Солиҳ Эркинқўл ҳам мақолаларида Элтар, Таваккул Абдуллазода Бобир эса Туйғун тахаллусини, Аҳмад Наим Ўктам “А.Н.” рамзини қўллаган.

“Ёш Туркистон” нашр фаолиятини бошларкан, иш давомида бир мунча муаммолар ҳам юзага келди. Мустафо Чўқай, Абдулваҳоб Исҳоқўғли ва Тоҳир Чиғатой учлиги янги мажмуа атрофида жуда аҳил, ажралмас ҳамкор ўлароқ жипслашдилар. Кейинроқ бу гуруҳга Собир Иброҳим ҳам қўшилди.



“Ёш Туркистон”чилар. Чапдан: Тоҳир Чиғатой, Мустафо Чўқай, Абдуваҳоб Ўқтой. 15 март 1935 йил, Берлин (Аҳат Андижонг архиви)

Буларнинг бу шаклда иш юритиши Берлиндаги “Ёш Туркистон” талабалар уюшмасининг бошқа аъзолари ичида норозилик уйғотганди. Журналга боғлиқ барча молиявий ишларни ўз қўлида тутган Чўқай, бошқалар кўзида, журналда босилаётган асарлар ва уларга оид масалаларда истаганини қилишга ўрганиб қолганди. “Ёш Туркистон” гуруҳининг бошқа аъзолари ўзларича кенгашиб, журналга оид молияий масалалар ҳам, нималар босилиши ҳам ТМБнинг Олмония бўлими томонидан назорат қилиниши керак, деган фикрни талаб сифатида кун тартибига қўйдилар, бу борада қарорлар қабул қилдилар. Шу билан бирга, Мустафо Чўқайнинг Парижда туриб олиб бораётган ёзишмалари Берлиндаги Тоҳир ва Абдулваҳоблар билан эмас, балки бевосита ТМБнинг Берлиндаги бўлими воситасида амалга ошиши лозим деган талабни ҳам билдирдилар. Аммо, афсуски, ёшларнинг бу талаб ва истаклари ҳеч бир натижа бермади. Чўқайнинг Олмония бўлими раҳбарлари билан улар истагандай алоқа қилмагани боис, бора-бора журнал ва талабаларнинг “Ёш Туркистон” гуруҳи ўртасидаги очиқлик кенгайиб борди.[438]

[438] Иброҳим Орифхон томонидан Мустафо Чўқайга 18 декабр 1929 йилда ёзилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).

ОЗАРБАЙЖОН МИЛЛИЙ ҲАРАКАТИ БИЛАН ЭДИЛ-ЎРОЛ ҲАРАКАТИ ОРАСИДАГИ ВОҚЕАЛАРНИНГ ТМБГА ТАЪСИРЛАРИ

Туркистон миллий бирлик ҳаракати ичида юз берган зиддиятлар, келишмовчиликлар ва ўзаро курашлар бошқа муҳожир турк миллий ҳаракатлари орасида ҳам юз бергани маълумдир. Муҳожиротдаги миллий ҳаракатлар ҳамкор бир жабҳа ўлароқ иш юритаётгани боис исталган бирида юзага келган зиддият, нохушлик бошқа бир ҳаракатга ҳам таъсир қилмасдан қолмасди. Зеро, шундоқ ҳам 1929 йил қурултойи муносабати билан катта ўзгаришларни бошдан кечирган ТМБ, айни пайтда бошқа жабҳадош ташкилотлар ичида пайдо бўлган муаммолар ва ғалвалардан, начораки, ўз насибини олди. Айниқса, Озарбайжон турклари ва Эдил-Ўрол турклари орасидаги масалалар ТМБ аъзолари ўртасида ҳам фарқли қарашлар ва бир-бирига зид тарафкашликларни келтириб чиқарди.

1929 йил Озарбайжон миллий ҳаракати учун муҳим бир ўзгариш санаси бўлди. Ҳаракатнинг баҳс талаб қилинмайдиган йўлбошчиси, яъни собиқ Озарбайжон миллий жумҳурияти жумҳурраиси ва Қафқаз истиқлол қўмитасининг атоқли аъзоси Муҳамммадамин Расулзодага қарши илк дафа бир мухолифат майдонга чиқди. Озарбайжон миллий ҳаракати ичида бўлиниш юзага келди. Аслида бу бўлиниш эски бир ғавғонинг давоми эди.

1917 йил аввалида Озарбайжон истиқлоли учун курашаётган мусовот фирқаси билан турк федералист фирқаси биргаликда қурултой ўтказиб, ўзаро келишган ва бирлашган эди. Муҳожирот даврида “Янги Қафқазя” журнали атрофида жипслашиб, биргаликда фаолият юритган бу гуруҳлар, пайти келиб, журналнинг Туркия ҳукумати вазирлар маҳкамаси қарори билан ёпилганидан кейин, секин-аста айрила бошлади. Муҳаммадамин Расулзодага қарши мухолифатга Шофий Рустамбейли ва Ноқий Шоҳзамонли бошчилик қилди.

“Янги Қафқазя” журнали ёпилганидан сўнгра, Муҳаммадамин Расулзода 1929 йил бошидан эътиборан “Озарий турк”, “Ўтли юрт” журналларини чиқаришга киришганди. Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, ҳеч кутилмаган бир пайтда, яъни 1929 йил июн ойида Истанбул сиёсий полицияси Муҳаммадамин Расулзода ва Саид Шомилнинг уйини бости, баъзи ашёлар ва ҳужжатлар мусодара этилди, уларга чет давлатлар фойдасига ишлаётганлик айби қўйилди. [439] Шу ҳодиса туфайли муҳожир давраларда, бу ишни Расулзоданинг мухолифлари қилди, деган гап тарқалди. Полициянинг бундайин иши, яъни ҳукуматнинг бундай муносабати натижасида иккала муҳожир лидер ҳам Туркиядан чиқиб

[439] Усмон Хўжаўғлининг 22 май 1929 йилда Мустафо Чўқайга ёзилган хати (Аҳат Андижон архиви).

кетишга мажбур бўлди. Расулзода Туркиядан ташқарида яшаётган бўлса ҳам, кейинги йилларда, унинг ўз тили билан айтганда “шофийбейчилик” дейилган мухолиф гуруҳ билан ўзаро ички курашни давом эттирди. Туркистон миллий бирлиги ва бошқа барча жабҳадош жамиятларга мурожаат этиб, бу мухолиф гуруҳга қарши биргаликда курашишни таклиф қилди. Аммо ТМБнинг баъзи аъзолари, бунақа ишларга аралашмаслик ва бошқаларнинг ихтилофига тарафсиз қараш яхшидир, деган фикрни билдиришди. Расулзода Прометей лигасида муҳим ўринда турадиган шахс эканлигини кўзда тутган бошқа бир қисм муҳожирлар эса, у билан алоқани бузмаслик лозим, деган қарашда эдилар. Мустафо Чўқай ТМБ марказига ёзган хатларида бу иккалала озарбайжонликлар гуруҳи ўртасидаги ғавғога билвосита аралашмаслик даркорлигини, зотан Прометей жабҳасидаги барча гуруҳлар билан ТМБ бир йўлда экани ва олдиндан ТМБнинг “Ўтли юрт” гуруҳи, яъни Расулзода билан бир хил қарашга эгалигини таъкидлаган.[440]

Муҳожиротдаги бошқа турк миллий жамиятлари орасида ҳам шунга ўхшаш баҳслар бўлиб турган. Улардан бири Эдил-Ўрол туркларининг “Миллий йўл” номли журналида қўлланилган турк-татар иборасига боғлиқ ўлароқ юзага келди. Аёз Исҳоқий раҳбарлигидаги Эдил-Ўрол жамияти шўролар мамлакати ичидаги турк халқларига нисбатан ўша пайтгача ишлатилган Русия турклари ўрнига турк-татар атамасини қўллашга анчадан бери тиришиб келаётганди. “Ёш Туркистон” жамияти эса бунга қарши эди ва доим бу атамага эътироз билдиришарди. Кўпчилик турк-татар иборасининг барча турк халқлари орасида бўлинишга сабаб бўлади деган фикрда эди. Бу мавзу Олмониядаги “Ёш Туркистон”чилар гуруҳи билан ТМБ ўртасидаги ёзишмаларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, бир мактубда шундай дейилган:

> “Бошқа турк қавмларининг фикри ва розилиги олинмасдан қўлланилаётган турк-татар истилоҳи туркистонликларга ҳам тааллуқлидир ва “Миллий йўл” уни умуман қабул қилинган атама каби ишлатиб келмоқда. Турк-татар атамаси қавм ва уруғ маъноларини илгари сурмоқда, хусусан татарларнинг алоҳида қавм бўлганини ифодаламоқдадир. Буни рад этамиз ва ТМБнинг ҳам бу борада қарор чиқаришини талаб қиламиз.”[441]

Зиддият ва тушунмовчилик фақат булардангина иборат эмасди. Бир пайтлар Эдил-Ўрол гуруҳи ҳар икки ҳаракатни, яъни, ТМБ билан ўзларини бирлаштириш таклифини ўртага қўйишганди. 1929 йилдаги ТМБ қурултойида бу таклиф рад этилганди. Бироқ бунга қарамасдан, Мустафо Чўқай билан Аёз Исҳоқий ўртасидаги муносабатнинг ҳаддан ташқари қалинлашиб бориши Туркистон ҳаракатининг Эдил-Ўрол таъсири остида қолиб кетиши хавфини туғдираётгани борасидаги гап-

[440] Мустафо Чўқайнинг 15 декабр 1929 йилда ТМБга ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).
[441] Берлиндаги “Ёш Туркистон” бўлимининг 30 июл 1929 йилда ТМБга ёзган хати (Аҳат Андижон архиви).

сўзларга ҳам сабаб бўлди.[442] Бутун бу тушунмовчиликларга қарамасдан, ҳар икки миллий ҳаракатнинг сиёсий фаолиятлари ҳамкорликда давом эттирилди ва икковининг ҳам расмий органи ҳисобланган журналлар Берлиндаги битта матбаада босилиб, тарқатилиб турилди.

“ЯНГИ ТУРКИСТОН”ДА РАҲБАРИЯТ ЎЗГАРИШИ ВА УСМОН ХЎЖАЎҒЛИНИНГ ЖУРНАЛДАН КЕТИШИ

“Ёш Туркистон” журналининг Оврупода нашр этила бошлаши бу пайтгача ТМБнинг ягона нашри ҳисобланган “Янги Туркистон” мажмуасининг эътиборини бир оз пасайтиргандай бўлди. Зотан, “Янги Туркистон”нинг Туркиядаги лотин ёзувига ўтиш қонунига кўра лотин ҳарфларида чиқарилиши билан бирга, айни замонда, бу журналнинг Туркия ташқарисидаги туркистонликларга таъсир доираси ҳам қолмаганини билдирмоқда эди. Чунки барча туркистонлик муҳожирлар фақат араб ёзувида ўқирдилар.

Шундай бўлса ҳам, ўша йилларда Туркияда нашр қилинган муҳожир турк журналлари сон жиҳатидан жуда озлигига қарамасдан (“Янги Туркистон”, “Ўтли юрт”, “Билдириш” бор эди холос), бу мажмуанинг умумтурк халқлари ўртасида ўзига хос эътиборга эга эканлиги диққатга сазовордир. 1930 йилларда турк дунёси билан боғлиқ Туркияда нашр этилган ягона журнал Турк ўчоқлари жамиятининг органи “Турк юрти” мажмуаси эди. Шу жиҳатдан қараганда, муҳожир турк жамиятларининг журналлари бу соҳадаги улкан бўшлиқни тўлдиришда хизмат қилмоқда эди.

Мустафо Чўқайнинг “Ёш Туркистон”да бандлиги боис “Янги Туркистон”даги бош мақолалар асосан Усмон Хўжаўғли томонидан ёзилмоқдайди. 1930 йил бошларида “Янги Туркистон” журналида босилган бир шеър янги ғавғога сабаб бўлди. Усмон Хўжаўғли ёзган ва журналнинг 27 сонида босилган мақола бошида тўрт қатор шеър бор эди. Бу тўртлик ҳам ўша пайтда Туркия матбуотида саноқсиз муаллифлар томонидан кўтарилган мавзуда эди. “Истиқбол” деган шеър ғозий Мустафо Камол мадҳига бағишланган ва унда шундай дейилган:

Қўшариз биз сана буюк истиқбол,
Бошбуғимиз Ғозий Мустафо Камол.
Байроғимиз жумҳурият, ғоямиздир халқчилик,
Боқий қолур илалабад бу идеал.

Шундоқ қараганда, ҳеч қанақа терс фикр ё туйғу уйғотмайдиган бу тўртлик ТМБ марказида жиддий тортишувларга ва танқидга йўл очди.

[442] Аёз Исҳоқий Узоқ Шарққа бораётганда, унга Мустафо Чўқай имзоси билан унинг Туркистон миллий бирлигининг ҳам вакили эканлиги ҳақидаги ҳужжат берилганди.

ТМБнинг Оврупо вакили Мустафо Чўқай бу мавзуга оид фикрларини умумий котиб Мажидиддин Далилга ёзган хатида шундай ифодалаган:

> “Абдулла Таваккулга “Янги Туркистон”нинг 27(15) инчи сонига оид раддиямни юбордим. Уни Усмон Хўжаўғлига берингиз. Мажмуанинг 26 ва 27 сонлари ТМБнинг нашри деб қабул қилиниши мумкин эмас... Аҳмад Закий Валидий “Усмон Хўжаўғли Анқарага хушомадед[443] шеърларини ёзяпти, деса ҳам мен ишонмасдим... Бизнинг Туркия билан дўстлигимиз бошқа нарсадир... Мен бу мавзудаги фикрларимни “Прометей” журналининг 28 сонида ёздим... Туркиянинг кучли-қувватли бўлиши, табиийки, жудаям муҳим. Фақат ғозийни расман лидеримиз деб ёзиш Туркистон истиқлоли ҳаракатини Туркия байроғи остига тиқиб қўйиш билан тенгки, бу тўғри эмас. Муҳаммадамин Расулзоданинг “Прометей” журналида босилган мақоласида ҳам бу фикр айтилган... Тўғрисини айтганимизда, Туркиянинг сиёсий маънода, шубҳасиз, бизнинг ғоямизга ҳеч бир алоқаси йўқдир... Бизнинг миллий истиқлол ҳаракатимиз Мустафо Камолнинг бошчилигида эмас, балки ўз миллий кучу ғайратимиз билан амалга оширилади.
>
> Туркиянинг душманлари Мустафо Камолни пантуркист тушунчалар ва бутун туркларни бир байроқ остида тўплашда айбларканлар, биз уларга қарши курашмоқдамиз. Бошқа бир томондан қаралса, ТМБнинг расмий нашрида “Истиқбол” шеъри босилгани кўзга ташланмоқда. Энди, қаранг, Туркиянинг душманлари ўз иддаоларига далил сифатида бу шеъри кўрсатсалар, биз нима деб жавоб берамиз?.. Усмон Хўжаўғли ноширн ҳисобланадиган бу журнал энди ТМБнинг органи бўлиши мумкин эмас.”[444]

Юқоридаги гаплар ўша пайтдаги муҳожир турк халқлари лидерларининг қарашларини кўрсатиши жиҳатидан аҳамиятлидир. Улар ўлкаларининг мустақиллиги учун ўзларининг курашини биринчи ўринга қўймоқда ва Туркияга ҳеч бир мажбурият юклаётгани йўқ. Улар бошқа давлатлар ва айниқса, совет ҳукумати томонидан Туркияга пантуркизм ва бошқа одатий айбловларнинг ёғдирилишини ва бу янги қурилган ёш турк республикасигагина эмас, балки ўз ғоя ва мақсадлари йўлида ҳам зарар бўлишини яхши билишган. Юқорида тилга олинган сиёсий тутум жамиятнинг бир нашр органи чиқарилиши ҳақидаги қарорида, 1927 йил қурултойидаёқ белгиланганди, нашрда Туркиянинг ички ва ташқи сиёсатига оид ёзувларнинг бўлмаслиги қатъий таъкидланганди. Аҳмад Закийнинг раҳбарлик даврида ва ундан кейинги 7 ой давомида бу қарорга уйғун тарзда иш юритилгани маълум. Журналнинг 26 сонида Туркия жумҳурияти ҳукуматининг муваффақиятли иқтисодий сиёсати туфайли турк лирасининг инглиз пулига нисбатан қадр қозонгани ҳақидаги хабар босилганди. Мустафо Чўқай 26 сонни ТМБнинг нашри сифатида қабул қилиш мумкин эмас деганида журнал йўлига зид ҳисобланадиган ана шу

[443] Хуш келдинг.
[444] Мустафо Чўқайнинг Мажидиддин Далилга 22 феврал 1930 йилда ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

хабарни кўзда тутган. 27 сонда босилган шеър эса сабр косасини тўлдирган сўнгги томчидай муҳожир сиёсатчиларни тўлқинлантирган. Журналнинг кейинги сонларида ҳам Туркияга оид хабарларнинг босилиши ТМБ ичида норозиликни кучайтирган, аммо бу норозилик сабаби хабарларнинг берилишида эмас, балки уларнинг бир томонлама ва мадҳ этувчилик руҳида бўлганидадир.

Бу ҳодисалардан ташқари, 1929 йил қурултойида журналнинг ҳисоботи тингланганда, баъзи молиявий нуқсонлар кўзга ташланди, бу журнал ноширн, расман эгаси ҳисобланган Усмон Хўжаўғлига қаратилган жиддий баҳс ва ҳужумни келтириб чиқарди. ТМБдан журналга ажратилган йиллик маблағдан кўра ортиқ пул талаб қилиниши муаммога айланди ва оқибатда, маблағ етишмаслиги боис журнал нашри тўхтаб қолди. Маълум бўлишича, Прометей ташкилоти томонидан ТМБга журналнинг нашри учун етарли маблағ ўтказилгани, бироқ маблағдан хусусий харжлар учун ҳам фойдаланилгани, бундан ортиқ ёрдам берилмаслиги билдирилган. Маблағдан нотўғри фойдаланилгани ва журнал нашрининг тўхтаб қолгани Усмон Хўжаўғлига нисбатан норозилик ва қаршиликни кучайтирди. 1929 йил қурултойидан бери журналнинг эгаси ва ноширн лавозимини сақлаб қолишга қаттиқ бел боғлаган Хўжаўғли, кейинги пайтда норозилик ва ғавғонинг тобора ортаётгани боис, ниҳоят, 1930 йил мартига келиб, “Янги Туркистон” журналининг имтиёз соҳиби ва ноширлигидан воз кечиб, истеъфо беришга мажбур бўлди. ТМБ марказий қўмитасининг кейинроқ ўтказилган йиғилишида, илк йилларда бўлганидек, журнал бошқарувини иккига бўлишга қарор қилинди. Унга биноан, журналнинг имтиёз соҳиби Носир Ҳакимзода, масъул мудир этиб доктор Мажидиддин Далил тайинланди.[445]

Марказий қўмита йиғилишида Усмон Хўжаўғлига журналнинг имтиёз соҳиблигини топшириш мажбурияти юкланганига қарамай, гарчи у бунга розилигини билдирган бўлса ҳам, ишни пайсалга солиб, қарорни бажармаётган ва фикрини ўзгартирган эди. Чўқайнинг ТМБ бош котибига ёзган мактубларида бу муаммони ҳал қилиш йўлидаги фикрлар учрайди. Масалан, у бир мактубида шундай деган:

> “Истанбулдаги дўстимизга хат ёздим. У, нима учун Усмон Хўжа масаласи менга айтилмади, дея ҳайрон бўлди. Бу бизнинг ички ишимиз, ўзи инсофга келар деб ўйладик, дедим мен.
>
> ...Гайран ҳожига бирлашиш масаласини айтибди. Мен, Усмон Хўжа раис ҳам, журналда имтиёз соҳиби ҳам бўлолмайди. Балки марказнинг Туркиядаги вакили бўлар. Бунинг шарти ТМБ бюджетига боғлиқ камомадни тўғрилаб қўйиши керак, дедим...

[445] ТМБ марказий қўмитасининг қарор дафтари, 1930 йил 23 мартдаги йиғилиш баённомаси (Аҳат Андижон архиви).

Янги чиқадиган журнал учун, худди Зиё Кўкалпнинг “Халққа тўғри” мажмуасидаги каби “Юртга тўғри” номи мувофиқдир, зотан биз ҳам истиқлол учун курашяпмиз.”[446]

Маълум бўлишича, Усмон Хўжаўғлининг журнални янги раҳбариятга топширмаётгани туфайли ТМБда бошқа мажмуа чиқариш ҳаракати бошланган. Шундай қилиб, 1930 йилнинг 10 апрелида Мажидиддин Далил Истанбул волийлигига “Юртга тўғри” журналини чиқаришга рухсат сўраб мурожаат этган. Бундан хабар топган Усмон Хўжаўғли ортиқча тиришиб ўтирмади ва кўп ўтмасдан журнал бошқарувини Носир Ҳакимзода билан Мажидиддин Далилга топширди. Муросага келинди. Бош мақолалар, олдинги сонлардаги каби Усмон Хўжаўғли томонидан ёзиладиган бўлди. Натижада, орадан саккиз ой ўтиб, “Янги Туркистон” журнали яна нашр этила бошланди, 1930 йил октябр ойида мажмуанинг навбатдаги 28 сони босилди. Бу орада мажмуа муқовасида катта бир ўзгариш ҳам қилинди: “Янги Туркистон” ёзуви остига “Туркистон миллий истиқлол фикрига хизмат қиладиган ойлик мажмуа” сўзлари қўшилди. Муқованинг орқасига эса, француз тилида “Organe de defense nationale du Turkestan”[447] дея ёзилганди. Ўша кунларгача яширин ишлаган Туркистон миллий бирлиги билан “Янги Туркистон” журналининг алоқадорлигини бу шаклда очиқча ўртага чиқарилиши бежиз эмасди, албатта. 1930 йил август ойида Отатурк кўппартияли тизимга ўтишга қарор берган ва дўсти Фахри Ўқёр бошчилигида эркин жумҳурият фирқасини туздирган эди. Фирқа қисқа вақт ичида муҳитдаги ўз ўрнини эгаллади ва октябр ойида ўтказилган маҳаллий сайловларда кутилгандан кўра кўпроқ овоз олишга эришди. Янги партиянинг ташкил этилиши билан баробар ўлкада либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида ҳам катта одимлар отилади деган умид ҳавоси пайдо бўлганди. ТМБ раҳбарияти ҳам бу жараёндан таъсирланиб, “Янги Туркистон” журнали Туркистон миллий бирлик ҳаракатининг органи эканини ошкор этишнинг замони келганини англаб, муқовада ўзгариш ясаганди.

[446] Мустафо Чўқайнинг 1930 йил 15 мартда Далилга ёзган матуби (Аҳат Андижон архиви).
[447] Туркистон миллий истиқлол ҳаракати органи.



Усмон Хўжаўғли ТМБнинг ёш аъзолари билан Чапдан: Усмон Хўжаўғли, Таваккул Бобир, доктор Солиҳ Эркинқўл, Зоҳид Ўзбулоқ, Мажидиддин Далил. Истанбул, 27 сентябр 1931 й. (А. Андижон архиви)



Доктор Солиҳ Эркинқўл ва доктор Мажидиддин Далил Туркистонда чиққан газеталар билан танишмоқда. Истанбул, 1930 й. (Аҳат андижон архиви)

1930 йилнинг ўрталарига бориб, ТМБ ичида кичик бўлик деган мухолиф ёшлар гуруҳи аъзолари бошқарувни ўз қўлларига ола бошладилар. Бу гуруҳ етакчиси Мажидиддин Далил ТМБ бош котиби бўлиши билан бирга Туркистон турк ёшлар уюшмасиниг ҳам раиси эди.

Ҳар иккала жамиятни бошқараётгани боис муҳитда эътибори кескин орта бораётганди. Қурултойда раислик мақомининг чекланиши ҳақида қарор чиқарилгандан кейин, “Янги Туркистон” мажмуаси эгаси ва ноширидеган рутбасидан ҳам айрилган Усмон Хўжаўғли бу ўзгаришлардан мамнун эмасди. Бошқарувдаги ёшлар оғир боса бошлагач, посангини тўғрилаш мақсадида у Закий Валидий билан муроса сақлашни ҳам ўйлади. Айни замонда алоҳида Бошқирд маркази қуриш ҳаракатлари муваффақиятсизликка учраб, янги тузилган Туркистон ва Озарбайжонни ўрганиш жамияти ҳам ишлай олмас ҳолга тушгач, Закий Валидий ҳам яна эски уйига, яъни ТМБга қайтиш истагида юрганди. Аммо бу икки собиқ лидерларнинг бу истаклари натижа бермади. Усмон Хўжаўғлининг Закий Валидийни янгидан ТМБга аъзоликка олиш тўғрисидаги таклифи марказий қўмита томонидан “Қанақа сабаб туфайли бўлсин, аъзоликдан чиқарилган шахс фақат қурултой қарори билан қайтиши мумкин” деган асосга таяниб рад қилинди. Ана шу тарзда Закий Валидийнинг ТМБга қайтиши билан боғлиқ бутун орзу-истаклари чилпарчин бўлди, Туркистон миллий бирлик гуруҳи билан Закий Валидий Тўғоннинг йўллари ҳеч қачон бирлашмайдиган нуқтада айрилишди.

ВАРШАВА – ИСТАНБУЛ – ТЕҲРОН ДОИРАСИДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР

Эрон ва Афғонистонда ТМБнинг расмий бўлимларини очиш, у юртларга вакил юбориш аллақачондан бери жамият раҳбариятининг фикрини банд этиб келаётган масалалардан бирийди. Ҳар иккала давлатда ҳам жуда кўп сонли туркистонлик муҳожирлар яшарди. Аслида-ку, ТМБ жиддий иш юрита бошлаган пайтдан бери бу ўлкаларда кўнгилли тарзда жамият номидан ишлаётган шахслар бор эди. Фақат буларни эндиликда расмий бир ташкилотга бирлаштириш ва тартибли иш юритишни йўлга қўйиш қолганди. ТМБ марказий қўмитаси бу масалани ўрганиб, ўша томонлардан яқинда Туркияга келган, ҳар икки ўлкада ҳам алоқалари мавжуд Абдулла Таваккулга[448] вакил вазифасини топширишга қарор қилди.[449] ТМБнинг бу ишлари Прометей ҳаракатининг Истанбулдаги бошқа вакиллари томонидан ҳам муттасил кузатиб

[448] Абдулла Таваккул Бобир, 1882 йилда Тошкентда туғилган. Мадрасани битирганидан кейин Яссавий номли мактабда дарс берган. Айрим ишлари юзасидан рус полицияси томонидан турмага қаматилган. Қамоқдан қочиб, Афғонистонга ўтади, у ердан Туркияга бориш учун йўлга чиққанида, Ҳиндистонда инглиз полицияси қўлига тушади. Ўн ой ҳибсда ётгач, Афғонистонга қайтарилади. Абдулла кейинроқ Эрон йўли билан Туркияга келган. ТМБга, жамиятнинг марказий қўмитасига аъзо бўлган, ТМБнинг шарқ вакили сифатида иш юритган. Ундан сўнгра Туркияда Қандилли расадхонасида ишлаган ва жуда кўп китобларни таржима қилган. 1976 йил 14 апрелда, 94 ёшида Истанбулда вафот этган.

[449] ТМБ марказий қўмитасининг 1930 йил 28 мартдаги йиғилиши баённомаси (Аҳат Андижон архиви).

туриларди. ТМБ марказий қўмитасининг 11 апрелдаги йиғилиши баённомасида ўша вазият қуйидагича акс этган:

> “Прометей вакили Дупчи бейнинг истагига кўра шарқ вакилимиз Таваккул Бобир бей ва Усмон бей унинг идорасига боришипти. Усмон бей бу ҳақда шуларни айтди: “Таваккул бейни шарқ мамлакатларига тайинлаганимиз боис Дупчи бей у билан шахсан учрашмоқчи бўлди, унинг ҳузурига бирга бордик... Дупчи бей Афғонистон ва Эрон ҳақида, у ерларда қилинажак ишлар тўғрисида маълумот сўради. Таваккул бей билан танишганидан ва берилган маълумотлардан кўп мамнун бўлганини айтиб, муваффақиятлар тилади ва талабимизга яқинда жавоб келишини билдириб, бизни ишонтирди. Дўстларимизнинг бу масалага кўп аҳамият бераётгани кўриниб турибди. Хулоса шуки, кўнглимиз тўқ бўлиб хайрлашдик.”[450]

Бир ойдан кейин ўтказилган бир йиғилиш ҳужжатлари ўрганилганида, энди Мажидиддин бей Дупчи бей билан учрашганидаги гап-сўзларни баён этаркан, Варшавадаги Прометей маркази ТМБ таклифини мувофиқ кўрганини, фақат бу ишлар учун алоҳида маблағ ажратиш имкони йўқлигини, шу туфайли айни фикрни амалга оширишда ТМБ имконларидан фойдаланиш маъқул кўрилганини таъкидлаган.[451] Юқорида исми тилга олинган Дупчи бейнинг Лахистон элчихонасида ишлаганини ва Прометей жабҳасининг вакили ҳисобланганини таҳмин қилиш мумкин, аммо лавозимини ва ҳақиқий номини билиш қийин. ТМБ аъзолари ўртасидаги ёзишмаларда Пўлшага боғланган турли кишиларнинг оти учрайди. Улардан бири ҳожи Гайрандир. Мустафо Чўқайнинг мактубларида шундай ёзилган:

> “Дўстлар ҳожи Гайраннинг хабари бўлмасдан ҳеч нарса қилмасликларини айтдилар. Йўлда ҳожи Гайран билан учрашиб қолдим.”[452]

> “Дўстимиз Удшишма бир автомобил ҳалокатида ўлибди. Унинг ўрнига Истанбулдаги ҳожи Гайраннинг вакили Дупчи бей тайинланибди.”[453]

Мактублардан маълум бўлишича, Прометей жабҳасининг Истанбулдаги энг юксак лавозимида ҳожи Гайран деган шахс турган. ТМБ билан ҳам, Қафқаз қўмитаси билан муносабатларни унинг одами Дупчи бей юритган. Бу кишиларнинг исми ҳақиқийми, тахаллусми ёки махфиёна отми, бу хусусда бир нарса дейолмаймиз.[454]

---

[450] ТМБ марказий қўмитасининг 1930 йил 11 апрелдаги йиғилиши баённомаси (Аҳат Андижон архиви).

[451] ТМБ марказий қўмитасининг 1930 йил 20 майдаги йиғилиши баённомаси (Аҳат Андижон архиви).

[452] Мустафо Чўқайнинг 1930 йил 6 августда ёзган хати (Аҳат Андижон архиви).

[453] Мустафо Чўқайнинг 1930 йил 1 ноябрда ёзган хати (Аҳат Андижон архиви).

[454] ТМБ аъзолари ўртасидаги ёзишмаларда исми очиқ ишлатилган бирдан-бир пўлшалик Прометей вакили Адам Кўвалсицк (Adam Kowalcyzk) эди. У 1930 йилларда Пўлшанинг Берлиндаги элчихонасида ҳарбий атташе лавозимида хизмат қилган ва айни замонда Прометей жабҳасининг Олмониядаги масъул вакили ҳам ҳисобланган.

Туркистон миллий бирлиги марказий қўмитасининг қарорига кўра, шарқ вакили этиб тайинланган шахсга махсус гувоҳнома, ТМБнинг ғоя ва мақсадлари, юритаётган сиёсати англатилган алоҳида маълумот берилди. ТМБ томонидан Эрон ва Афғонистондаги таниқли туркистонликлар билан ўзаро ёзишмалар олиб бориш учун махфий код тизими ишлаб чиқилганди. Масалан, шарқ вакили Абдулла Таваккулнинг код номи Турсун эди. Муфти Садриддинхонники Темур, Шарифхўжаники Тўйчи, Шермуҳаммадбекники Шоҳрух эди.

Янги ўзгаришлардан кейин ТМБ ичида этибори тобора ортиб бораётган Мажидиддин Далил Овруподаги айрим сиёсий давралар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишни истарди. Бу тилагини юзага чиқариш ва ТМБ томонидан тузилган лойиҳаларга ёрдам уюштириш ниятида июн ойида Оврупога жўнади. Берлинда "Ёш Туркистон" гуруҳи билан кўришиб, йиғилишлар ўтказгач, Мустафо Чўқай билан биргаликда Варшавага ўтишди. Туркияга қайтиб келганидан кейин, 26 июлда ўтказилган кичик бўлик (ҳизб) мажлисида Мажидиддин Далил Овруподаги баъзи ишлари ҳақида шундай деган:

> "Варшавада юксак мартабали шахслар билан ўтказилган учрашувлар ва суҳбатларнинг натижалари қуйидагичадир.
>
> Шарқ вакилимизнинг фаолиятлари учун ёрдам масаласи Теҳрондаги элчихонага билдирилади.
>
> "Янги Туркистон" ва "Ёш Туркистон" учун ёрдамни кўпайтириш, "Ёш Туркистон"ни ҳар ойда мунтазам чиқариш гаплашилди.
>
> Фаолиятларимиз учун жамғарма уюштириш масаласи маъқулланди, аммо ҳозирча буни амалга оширишнинг имкони йўқ.
>
> Талабаларнинг Лахистонда таълим олишини мамнуният билан қабул этдилар.
>
> Варшавада вакилимизнинг бўлиши масаласига, айрим таҳликалар борлиги туфайли эҳтиёт билан ёндошилди ва қабул қилинди."[455]

Юқоридаги гаплардан маълум бўлишича, Прометей раҳбарияти ТМБнинг Эрон ва Афғонистондаги фаолиятларига сиёсий ва молиявий кўмак кўрсатади. Аммо бу борада бир жамғарма ташкил қилинишига хайрихоҳ эмас. Шунингдек, ТМБнинг Варшавада бир вакили бўлиши ҳам маъқулланмаган. Тахмин қилишимизча, Пўлша ҳукумати мавжуд халқаро аҳвол ва ўз вазиятидан келиб чиқиб, совет давлатига қарши қилинаётган ҳаракатларнинг, бу йўналишдаги алоқаларнинг очиқча юритилишини истамаган.

[455] Хизип гуруҳининг 1930 йил 27 июлдаги мажлиси баённомаси (Аҳат Андижон архиви).

ШАРҚ ВАКИЛИНИНГ МОЖАРОСИ

ТМБ марказий қўмитаси томонидан шарқ вакили этиб тайинланган Абдулла Таваккул (Турсун) май ойи охирларида Арзирум йўли билан Туркиядан Эронга ўтди. Теҳрон ва Машҳадда турли кишилар билан учрашиб алоқалар ўрнатган Турсун марказга юборган хатларида фаолияти ҳақида хабар бериб турган. Мактубларида у, жумладан, қуйидагиларни ёзган:

> “17.6.1930 да Ҳожи Бобонинг[456] ёрдамчиси доктор билан кўришдим. Натижада, Ҳожи Бобонинг ўзи мамлакатига кетгани боис, унинг ёрдамчиси мактубларни қабул қилмади. Чорасиз қолганим учун бошқа ишончли дўст топиб, узундан-узун билдиришларимни унга бериб, Теҳрондан жўнаттириб, Машҳадга қайтдим... Машҳадда ишим ўнг келди, икки ойда бўладиган ишни бир ҳафтада битирдик. Ашхободдан келган икки киши чегарага кетди. Ичкаридан рус молларидан олиб келишлари учун қўлларига дастур, ҳужжат бериб, уларни савдо вакили сифатида юбордим. Машҳадда муфти ҳамкорлик қилмоқда, доим биргамиз. 15 августга қадар ичкарига жўнатилган одамларни кутиб тураман.”[457]

Турсуннинг Истанбулга қайтганидан сўнгра ТМБ маркази учун тайёрлаган рапорти ва юқоридаги шифрли хатлари унинг анча ишларни бажарганини билдирмоқда. Турсуннинг 1931 йил 5 февралда ТМБга топширган рапортига кўра, у Машҳадда турадиган ТМБ аъзоси муфти Садриддинхон раҳбарлигида “Шарқ юлдузи” номли бўлим ташкил этган. Бўлимнинг аъзолари қўқонлик Абдукарим мингбоши, Аннамуҳаммад, Қулариш, Берди Татўғли каби туркман муҳожирларидир. Бу бўлим чегарага яқин ердаги туркман гуруҳлари билан муносабат ўрнатган, Туркманистон ичкарисига айғоқчилар ҳам юборган. Жосусларнинг келтирган маълумотига кўра, етарли даража қурол-аслаҳа ва пул ёрдами уюштирилса, Туркманистон республикаси ичида бир исён чиқариш мумкин. Шундай қилиб, ТМБнинг янги тузилган Машҳад бўлими эрон-совет чегарасида яшайдиган туркман қабилалари ва Эронга қочишга мажбур бўлган муҳожир туркманлар орасида ўз фаолиятини йўлга қўя бошлаган эди.

Турсун бу ҳақда ёзган билдиришини ТМБ марказига ва бир нусхасини Прометей ҳаракатини бошқараётган Пўлша ташқи ишлар вазирлигига қарашли шарқ бўлимига юбориш учун тайёрлаган. Хатлардан, ҳужжатлардан маълум бўлишича, Эрондаги Прометей

[456] Ҳожи Бобо дея яширин от билан, тахминимизча, Эрондаги Прометей вакили ёки Пўлша элчиси кўзда тутилмоқда.

[457] Таваккул Бобир тарафидан Мустафо Чўқайга 15 июл 1930 й.да ёзилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).

ҳаракатининг энг катта вакилига Ҳожи Бобо лақаби берилган экан. Аммо бу шахс ўша кунларда Эронда эмас, Лахистонда юргани учун, унинг Техрондаги лах элчихонасида ишлайдиган ёрдамчиси томонидан бу билдириш қабул қилинмаган. Ёрдамчи хатни Истанбулга юборишни ҳам истамаган. Шундан кейин Турсун Туркия элчихонасида ишлайдиган Ализода воситасида рапортларни Истанбулга, ТМБ марказига жўнатган. ТМБ аъзоларининг бир-бирларига ёзган мактубларидан англашилганига кўра, бу иш Эрондаги Туркия элчихонасида ишлайдиган айрим ходимларнинг шахсий ташаббуси ва хайрихоҳлиги билан юзага чиққан, расман ҳаракат қилинмаган, бу фаолият сир тутилган, яъни ТМБнинг Эрондаги яширин ишларидан Туркия ҳукуматининг хабари йўқ эди, дейиш мумкин. Ўша йилларда ТМБнинг Машҳаддаги вакили ҳисобланган муфти Садриддин билан Техрондаги Туркия элчиси Маҳмуд Шавкат Эсандал орасида илдизи иттиҳод ва тараққий ташкилотига қадар боғланган қалин муносабат бўлган. Шу туфайли ТМБ вакиллари учун турк элчихонаси билан бемалол алоқа ўрнатиш имкони туғилган.

Шарқ вакили Турсуннинг рапортлари ТМБ тарафидан ўрганилиб, қуйидагича қарор қабул қилинган:

> “Машҳадда муфти ҳазратлари раҳбарлигида тузилган бўлим ва аъзоларини ТМБ маркази қабул ва тасдиқ этади. Фақат бошқа бўлимлардан фарқланиши учун “Машҳад бўлими” тарзида мақбулдир. Бўлимнинг ойлик бюджети 100 дўллар ўлароқ тасдиқланди.
>
> Бўлим томонидан юборилган рапортдаги “исённи бошлаш” режаси билан танишилди; бу исён замонавий аслаҳалар билан қуролланган рус қўшинларига қарши минтақавий амалга оширилиши боис кўплаб ватан авлодининг яна қурбон бўлишига олиб боради. Бу ишни фақат жабҳадошларимиз[458] билан уюшган ҳолатдагина амалга оширишимиз мумкин. Ҳозирги шароитда ТМБ бундайин ҳаракат билан шуғуллана олмайди.
>
> Почта масаласи гаплашилди, ҳозирчаликка, худду бугунгача қилинганидай иш тутилавериши, Ализода (Туркия элчихонаси) воситасида иш юритилиши қабул қилинди. Бу йўл қўлланилмаган тақдирда, унча зарур ҳисобланмаган ҳолатларда дўстлардан[459] фойдаланиш тавсия этилади.
>
> Шарқ вакилининг Афғонистонга сафари маблағ масаласи ҳал қилингунга қадар тўхтаб туради.”[460]

ТМБ томонидан Эронда олиб борилаётган ишлар халқаро Прометей ҳаракати нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга молик ҳисобланарди. Зотан, 1930 йилгача Прометей ҳаракати чизиғи Техрондан нарига

---

[458] Прометей ҳаракатидаги бошқа жабҳадош миллий жамиятлар кўзда тутилмоқда.
[459] Пўлша элчихонаси кўзда тутилмоқда.
[460] ТМБ марказий қўмитасининг 1930 йил 13 августдаги йиғилиши баённомаси (Аҳат Андижон архиви).

ўтолмаганди. Айни йилда Лахистоннинг Теҳрондаги элчиси Станислав Ҳемпел (Stanislaw Hempel) иккинчи бюро мудири полковник Пелчинскийга (Pelczynski) Туркистонга қаратилган бир режа борлиги тўғрисида хат ёзган. Пўлша-Прометей ҳаракати муносабатлари билан шуғулланган иккинчи бюрога оид маълумотда, жумладан, Истанбулдаги Туркистон миллий бирлигининг Қафқаз истиқлол қўмитаси билан биргаликда ишлагани билдирилиб, ТМБнинг Париждаги вакили Мустафо Чўқайнинг Теҳрондаги Пўлша элчихонаси билан алоқа юритадиган бир бўлими борлиги таъкидланган.[461]

Бироқ оқибат ТМБда ўйланганидай бўлиб чиқмади. Зеро, ТМБнинг шарқ вакили Турсун томонидан юборилган рапортлар Варшавада катта ғавғога сабаб бўлган. Чунки советлар ҳудудининг ичида қуролли исён чиқариш режаси ҳам Пўлша ташқи ишлар вазирлигидаги шарқ бўлими, ҳам Прометей ҳаракати маркази учун жиддий муаммо яратган ва уларни анчагина ҳуркитиб қўйганди. Бу қуролли қўзғолонга оид ҳаракат ортида Пўлша ҳукумати тургани аён бўлиб қолгач, совет ҳукумати ва Лахистон ўртасида жанжал чиқиши шубҳасиз. Шу туфайли дарҳол Мустафо Чўқай билан боғланилди ва шарқ вакилини ошиғич чақириб олиши тавсия этилди. Чўқайнинг ТМБ билан ёзишмалари ва Турсуннинг ТМБ марказига топширган сўнгги рапортидан маълум бўлишича, шарқ вакилини Эрондан чақириб олишга оид Пўлшанинг тавсияси бошланишда ТМБга ёқмаган ва бу жараёнга оид турли шубҳаларни келтириб чиқарган. Ана шу ғавғога боғланган бир мактубида Чўқай шундай ёзмоқда:

> “Турсуннинг ҳожи Гайран қариндошларига[462] юборган рапорт таржимаси келди. Турсун мактубида исён режасини жуда очиқ ёзган. Дўстлар уни чақириб олишни талаб қилмоқда. Турсуннинг бизга жўнатган рапортлари билан дўстларга юборган рапортлари фарқли. Шунингдек, юқори мансабдаги шахснинг номига юборган. Шундай қилиб, у бизнинг эмас, уларнинг хабарчисига айланган.”[463]

Иш бундайин хавфли нуқтага етганига қарамай, ТМБ маркази Эрон ва Афғонистондаги фаолиятни давом эттириш фикридан қайтмаганди. ТМБ марказининг бу тутумига Мустафо Чўқай қарши турган ва марказий қўмитага ёзган бошқа бир хатида шуларни таъкидлаган:

> “Дўстларимиз Турсунни орқага қайтсин деркан, биз бунга қулоқ солмасак, қандай қилиб улардан жамиятимизга ёрдам сўрай оламиз.”[464]

ТМБнинг бу истаксизлиги Прометей жабҳаси расмийларини янада қатъийликка ундади. Улар Мустафо Чўқайни бир оз қовуриб, Турсунни

---

[461] Targalski. *Les plans Polonais concernant l`éclatement de l`URSS, Le mouvement ‘‘Prométhée et le Caucase.* Bulletin de l`observatoire de l`asie centrale et du Caucase, s.14

[462] Пўлша ташқи ишлар вазирлидаги шарқ бўлими кўзда тутилмоқда.

[463] Мустафо Чўқайнинг 1930 йил 20 сентябрда ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

[464] Мустафо Чўқайнинг 1930 йил 25 октябрда ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

Парижга чақириб олишни талаб қилдилар. Анча тортишилгандан кейин, ТМБ маркази қуйидаги қарорни чиқариб, Афғонистонга жўнаш олдидан Теҳронда буйруқни кутиб турган Турсунга юборди:

> “Марказга келган турли мактубларни ўқиб, ўрганилганидан кейин шарқ вакилимиз Турсун ҳақида қуйидагича қарор қилинди.
>
> Шарқ вакилимизнинг ишлаш тарзи, ҳар на қадар ўзига берилган таълимотга уйғун бўлса ҳам, кейинги пайтларда юзага чиқаргани исён масаласи ва баъзи фикрларни очиқча ёзгани боис вазиятни таҳликага қўйдики, натижада, шарқ вакилимизга эътимод ва ишончимиз аввалгидай бўлиши билан баробар, бугунги ишни (ҳар на қадар муҳимлигига қарамай) бир оз тўхтатиб туришга келишилганини унга оғзаки айтиш билан бирга, дарҳол марказга қайтиши мувофиқ кўрилди. Вакил қайтганидан кейин, вазиятга кўра ҳаракат қилиниши ва пайти келганида марказнинг шарқ ишлари ҳақидаги аввалги қарорини янгидан кучга киритиш масаласи бир овоздан тасдиқланди. Бу қарор алоқадор шахсларга жуда тезлик билан етказилиши шарт.”[465]

Турсун эса, ТМБ маркази билан Прометей вакилларининг бундайин муносабати сабабини унчалик илғаб етолмай, тараддудда қолди. Истанбулга келганидан кейин ёзган билдиришида бу ҳолатини у шундай баён этган:

> “Иш билан овора бўлиб юриб, Парижга жўнашимга оид оғзаки буйруқ билан бирга ТМБ марказидан ҳам бир мактуб олдим. Нима қиларимни билмай тараддудга тушдим, дўстларимиздан бу борада изоҳ истадим ва Парижга чақирилишимнинг сабабини сўрадим. Оқибатда Арзирум йўли билан орқага қайтдим.”[466]

АГАБЕКОВ ВОҚЕАСИ

Ана шу даврда ТМБнинг шарқ ўлкаларидаги фаолиятига таъсир этган яна бир ҳодиса юз берди. Георгий Агабеков деган бир ГПУ айғоқчиси Англиядан сиёсий бошпана истаб мурожаат этди ва у берган маълумотлар туфайли, хусусан, Туркия, Эрон, Афғонистонга оид советларнинг жосуслик ишига оид анчагина сирлар очилиб қолди. Асли армани бўлган Агабеков* сал кам олти йилдир Афғонистон ва Эрондаги совет жосуслари бажарган махфий ишларда қатнашганди. Англиянинг норозилик талаби боис Москвага чақириб олинган Кобулдаги элчи Росколниковнинг ўрнига қўйилган Леонид Старк қўл остида масъул

[465] ТМБ марказий қўмитасининг 1930 йил 23 октябрдаги йиғилиш қарори (Аҳат Андижон архиви).
[466] Шарқ вакили Абдулла Таваккул (Бобир)нинг 1931 йил 5 февралда ТМБга топширган рапорти (Аҳат Андижон архиви).
* Тақризчимиз С. Аҳмад фикрига кўра, Агабековнинг асли фамилияси Артюнян, Артюнов – тарж.

ходим сифатида иш юритарди. Форсчани ва қатор туркий лахжаларни яхши билган айғоқчи бўлгани учун унга асосан афғон Туркистонидаги муҳожирлар ва босмачиларнинг катталари билан шуғулланиш топширилганди. Агабековга Шимолий Афғонистон минтақасида тўпланган туркистонлик муҳожирларнинг шўро мамлакатига қайтишини уюштириш, айниқса, туркман гуруҳлари томонидан қилинаётган қоракўл савдосини[467] тўхтатиш, собиқ босмачи тўдалари ва бошлиқлари орасига нифоқ солиб, шўро Туркистонига қарши фаолиятларига ғов ташлаш каби махфий топшириқлар берилганди.

Хотираларида айтишига қараганда, Агабеков Афғонистонда кенг кўламли жосуслик фаолияти олиб борган, советлар фойдасига муваффақиятли амалиётларни бажараган, мингларча туркистонлик муҳожирларнинг юртга қайтишини ташкил этган, муҳожир Туркистон раҳбарлари орасига нифоқ солиб, муносабатларни чалкаштирган.

Бу ишларни адо қилганидан сўнгра уни Эронга ташлашган. Бу ўлкадаги махфий вазифаси курд ва бахтиёрий қабилаларини келажакда юзага келадиган урушда Англияга қарши фойдаланишга тайёрлашдан иборат эди. Эрон-инглиз урушида бу қабилаларнинг жангарилари душманга орқадан ҳужум уюштириши, Эрондаги инглизлар томонидан ишлатиладиган нефт корхоналарини портлатиши режалаштирилганди. Агабеков Эронда ишлаган даврида Теҳрон билан Деҳли ўртасидаги расмий алоқалар жараёнини кузатиш, назорат этиш ва шўроларга билдириш тизимини қура билганди. Англия ҳукуматидан сиёсий бошпана сўраганидан кейин, Деҳлида сўроққа тутилганида, шифрли расмий хат ва ҳужжатларни қандай қилиб ўқиганини ва яна сездирмасдан конвертларни очиб, беркитганини кўрсатиб, юқоридаги иддаони исботлаган.[468]

1928 йил бошларида бир муддат Сталиннинг шахсий ёрдамчиси бўлган Борис Бажанов деган бир сиёсий бюро секретари қочиб, Туркманистон чегарасидан Эронга ўтиб, у ердаги Англия мақомларига бош урди. Бу ҳолат совет ҳукумати ташкил топганидан бери энг юксак рутбадаги мансабдорларнинг илк бор бошқа ўлкадан сиёсий бошпана тилаши ўлароқ Москва раҳбариятини ғазабга миндирди ва нима қилиб бўлса ҳам Бажановнинг ўлдирилишига қарор чиқарилди. Бу қарорни амалга ошириш Агабековга юклатилди. Агабеков ишга киришди ва суиқасдни уюштириш жараёнида, Анлиянинг Қоҳирадаги элчихонасида ишлайдиган бир котибага шайдо бўлиб қолиб, Бажановдан бир ярим йил кейин ўзи ҳам ғарбга бошпана сўраб илтижо этди.[469] Тергов тугаганидан сўнгра Англияга борган Агабеков айғоқчилик билан шуғулланган даври ҳақида “OGPU, The Russian Secret Terror” деган китоб ёзиб, нашр эттирди.

---

[467] Яширинча қоракўл териси олди-соттиси билан машғул жиноий тўдалар.
[468] Hopkirk. *Setting The East Ablaze*, s.211
[469] Юқорида асар, 209 б.

Собиқ ЧКа ходими Агабековнинг хотираларида туркистонликларга оид бўлимлар ҳам бўлган ва айниқса, машҳур босмачилардан Шермуҳаммадбек ва Фузайл махдумлар тўғрисида анча-мунча иддаолари бор. Бундан ташқари, Бухоро амири Саид Олимхонга боғлиқ фикрлари ҳам ўзига хосдир. "Ёш Туркистон" журналида босилган хотираларида Агабековнинг иддао этишига кўра, Афғонистонда хизмат (яъни, жосуслик) қилган даврида, юқорида тилга олинган шахслар билан алоқа ўрнатганини айтаркан, жумладан, шуларни ёзмоқда:

> "Маълумотимизга қарағанда, Кўршерматнинг[470] қўлинда, Фарғона босмачиларини идора этуб юрган чоғлар ўзига ёрдам бериш ҳақида Ҳиндистон ҳукумати билан қилинғон бир муоҳаданинг нусхаси бўлиши керак эди. Унинг-чун Кўршермат бизни кўп қизиқтирар эди. Унинг-ла музокарага бошладиқ ва бундай бир васиқанинг бўлмағани тезгина англашилди. Локин бу агентларни (*Фузайл махдум билан Кўршерматни-таҳрририят*) қўйуб юбормасдан, уларни Бухоро амирининг изига солиб, ишлатдик..."
>
> "Кобулда Афғон ҳарбий ишлар назоратинда хизмат этувчи собиқ турк ўрдуси зобитларидан миралай Ҳасан афандини ГПУ(ЧКа)да хизмат учун ишга тортишға муваффақ бўлдим. Миралай Ҳасанбек Анвар пошо ҳаракати чоғида унинг қўл остида ишлади. Анвар пошо шаҳид тушгандан сўнг Афғонистонга ўтуб, у ерда Афғон хизматига кирди. Туркистон босмачиларидан кўпи уни танирларди. Унинг-чун Кобулга келган замон унинг уйида қўнурларди. Босмачилардан Фузайл махдум-да унинг уйида яшар эди. Ҳасанбекнинг ёрдами билан аввал Фузайл махдумни, сўнгра-да Кўршерматни қозондиқ..."[471]

Агабековнинг айтишича, советлар Шермуҳаммадбекда сақланяпти дея тахмин қилган ўша васиқа матнидан фойдаланиб, Зиновевнинг Лондонда босилган мактубига қарши чиқиш қилишни режалаштирганди.[472]

Агабековнинг Бухоро амирига оид иддаолари янада чалкаштирувчидир. У хотираларининг "Бухоро амири билан музокара" бўлимида, жумладан, шуларни ёзади:

> "1925 инчи йил ўрталарида қўлимға икки таклиф келди: биринчиси, Бухоро амири вакилининг таклифи эди. Бу таклифда амир бизнинг билан

---

[470] Шермуҳаммадбекнинг халқ ичида кенг тарқалган лақаби.

[471] "Бурунғи чекист Оғабекуф хотираларидан". "Ёш Туркистон", 11 сон, 1930 й. 19 б. (Матн журналнинг 20-22 бетларидан табдил қилинди. Ўқувчи бу гапларни ўз хўжайини русларга ҳам хиёнат қилиб, инглизларга сотилган, асли Артюнян деган армани жосуснинг ёзганига диққат қилиши лозим, айниқса, Шермуҳаммадбек каби қаҳрамонларни ҳам "қозондиқ" деганига танқидий кўз билан қараши керак – тарж.).

[472] Коминтерн кенгаши раиси Зиновевнинг инглиз коммунистларига ёзган хати 1924 йилда Лондондаги бир инглиз газетасида босилган. Унда Зиновев инглиз коммунистларига тузумни ағдаришга оид кўрсатмалар берганди. Бу мактубнинг нашр этилиши Англиядаги илк ишчилар партияси ҳукуматининг ағдарилишига сабаб бўлди. Бу ҳодиса боис совет ҳукумати халқаро майдонда шармандаликка юз тутди.

ярашишга ҳозир бўлғонини билдирар эди. Фақат бунинг учун икки шарт қўяр эди. Бу шартнинг бириси унга тақовид маоши берилиши, иккинчиси ёлғондакам бўлса ҳам Бухоронинг кичик бир қисми устинда амир ҳокимият ҳақининг танилиши эди. Амир афғонистон ҳукуматиндан ойда 14 минг рупия маош олиб турар эди. Унингчун ман-да унинг ёлғондакам бўлса ҳам талаб эткан ҳокимият ҳақини бутунлай рад этуб, ёлғуз унга маош бериш ҳақиндагина музокара юрутдим. Иккинчи таклиф бўлса Фузайл махдумдан келган эди. Бу киши ё амирни ўлдириш, ё-да уни алдаб, совет тупроғиға ўтказиб юборишни таклиф этар эди. Ман ҳар икки таклифни-да дарҳол Мўскўваға билдирдим. Мўскўвадан келган жавобда совет ҳукуматининг Бухоро амири билан ҳеч бир турли англашувға киришмакчи бўлмағонлиғи ва амирни йўқ қилиш масаласинда бўлса, асос эътибори-ла, Мўскўванинг қаршу бўлмағонлиғи билдирилиб, бу планни ишга ошириш маним ихтиёримга берилди. Аммо бу ишда совет ҳукуматининг Кобулдаги сафирининг розилиғи билан ҳаракат қилишим шарт қўйулди. Ман бу масалани Мўскўванинг Кобул сафири Старк (Stark) билан-да музокара этдим. У ҳам асос эътиборила бу масалага қаршу бўлмағонини билдирди. Фақат амирни йўқ қилиш учун мувофиқроқ бир фурсатни кутишимни сўйлади. У бу ишнинг "Афғонистон ва бошқа баъзи ҳукуматлар билан совет ҳукуматининг ораси бузулуш эҳтимоли оз бўлғон бир онда бажарилишини лозим топди."[473]

"Ёш Туркистон" журнали бу даъволарни нашр этиш билан бирга, жосус Агабеков билан боғланиб, қўлида исботлар бор-йўқлигини ҳам сўраган. Агабеков журналга жавобида ҳеч бир далил кўрсатмасдан, яна иддаоларини такрорлаган. Журнал бу мавзудаги ўз фикрини қуйидагича ифодалаган:

"Биз ҳақиқий Туркистон миллиятчиси бўлғон Шермуҳаммадбекнинг бу чекистлар томонидан унинг устига отилмоқда бўлғон ифлос доғни тозалаб олажағиға инонамиз. Ўз қўмондаси остида юрти учун золимларға қаршу курашкан мингларча шаҳид юртдошларининг қонида Шермуҳаммадбекдан бундай ифлос доғни тозалаб ташлашни талаб этади. Юқорида Шермуҳаммадбек учун сўйлаганларимизни, табиий, Фузайл махдумга ҳам айтамиз."[474]

ТМБ раҳбарлари анчадан бери Шермуҳаммадбек Бухоро амирига ёрдам берди, деган янглиш фикрда эди. Шу боис ғарбга сиғинган армани жосус Агабековнинг муҳожир туркистонликлар орасига нифоқ солиш учун ёзган гапларига осонгина ишондилар. ТМБнинг бу ҳодисаларга муносабати, айниқса, Шермуҳаммадбек каби миллий курашчиларни доим қўллаган ва қадрлаган Афғонистон ва Ҳиндистондаги туркистонлик муҳожирлар орасида ТМБнинг обрўсини тўкди. Зотан кейинчалик юз берган жараён ТМБнинг юқоридаги муносабати янглиш бўлганини кўрсатди.

[473] Ўша асар, 19 б. (Бу парча ҳам журналнинг 22-23 бетлардан табдил қилинди – тарж.)
[474] Ўша асар, 19 б. (Бу парча ҳам журналнинг ўша сонидан, 21 б.дан табдил қилинди – тарж.)

Айғоқчи Агабеков иддаосига кўра, бу воқеалар 1925-26 йилларда юз берган. Афғонистонда Бачаи Сақо ҳукм юритган 1929-1930 йилларда Шермуҳаммадбек ҳам, Фузайл махдум ҳам шўрога қарши янги ҳаракатлар бошлагани аён. Ундан сўнгра эса, Фузайл махдум ҳожи Абдулқодир номи билан Шарқий Туркистондаги истиқлол курашида қатнашган. Уни қўлга туширган дунганлар русларга топширади, Фузайл махдум Тошкентга келтирилади ва қатл этилади. Шермуҳаммадбекнинг ҳам советларга қарши курашда бор имконлардан фойдалангани кейинги пайтда босилган инглизча манбалардан маълум бўлди.[475] Хулоса қилиб айтганда, Агабеков ёзган даъволарнинг тўғримаслиги равшанлашди. Бироқ, унинг иддаолари муҳожирлар муҳитини лойқалантирди, Туркистон миллий мужодаласини олиб бораётган айрим шахслар орасини бузди. Шубҳасиз, армани Агабековнинг нияти ва орзуси ҳам шу эди.

СОВЕТ ЖОСУСЛАРИ ИСТАНБУЛДА

1930 йилнинг декабр ойида Туркистон миллий бирлик жамияти умумий йиғилиш ўтказди. Бу анжуманда ўш кунгача қилинган ишлар бир қур кўздан кечирилиб, келажакда амалга ошириладиган режалар, фаолиятлар белгилаб олинди. Мажлис баённомасида бу хусусда, жумладан, шундай дейилан:

> “ТМБ жамият ўлароқ 1927 йилдан нашр эттирган икки журнал воситасида хорижда яшаётган Туркистон аҳли бошини қовуштира олди. Шунингдек, ички ва ташқи соҳада ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишга интилди... Бироқ ТМБ асосан фикрий йўналишдаги ишларни бажаргани ҳолда, амалий фаолиятда, айрим ниятларни юзага чиқаришда чекланиб қолди. Хусусан, Машҳад ва Берлиндаги бўлимлар йўли билан анчагина ишлар қилинди... Маълумки, ҳар қандай иш маблағ билан боғлиқдир... Керакли молиявий манбага эришилса, ТМБ туркистонлик муҳожирлар яшаётган ҳар бир ўлкада кенг кўламда жамият ишларини юритиши мумкин. Айниқса, Афғонистонда ташкилот бўлиши муҳимдир. Файзобод, Хонобод, Мозори Шариф ва Кобулда вакилларимиз бўлиши умумий фаолиятимизни кучайтириши шубҳасиз.”[476]

Хуллас, ТМБ шарқда ва ғарбда икки турли фаолият олиб борди. Ғарбдаги ишлари кўпроқ сиёсий йўналишда шаклланди, шарқдаги ҳаракати эса асосан амалий ишлардан иборат бўлди. Аммо ҳар доим маблағ масаласи фаолиятнинг жонланишига тўсқинлик қилди, бу муаммони ҳал этиш, зотан, у замонларда анча мушкул эди. Бу ҳам етмагандай, сиёсий муҳитнинг қаттиқлиги кўп ниятларни амалга

[475] Қаранг: китобнинг “Амударёнинг у тарафида” бўлими.
[476] ТМБнинг 1930 йил 11 декабрдаги йиғилиши баённомаси (Аҳат Андижон архиви).

оширишга йўл қўймасди. Шароит қанчалар мураккаб ва оғир бўлмасин, муҳожирлар имкон қадар ғайрат кўрсатишди.

Бу йилларда жамиятнинг Оврупо вакили ва “Ёш Туркистон” мажмуасининг бош муҳаррири Мустафо Чўқайнинг мақолалари бир қатор ғарб давлатларида, жумладан лах тилида (Wschod), инглизчада (Journal of the Royal Asian Society) ва турли француз журналларида босилиб турарди. Ўзи ҳам Лўндўн, Париж, Берлин, Варшава каби пойтахт шаҳарларда илмий анжуманларга қатнашиб, Туркистон масаласини Оврупога танитмоқда эди. Айниқса, унинг Женевада, Бирлашган миллатлар ташкилоти марказида ўтказилган анжумандаги чиқиши, “Туркистонда миллий масала” мавзусидаги “La Tribune de Ceneve” газетасида “La question nationale du Turkestan” сарлавҳаси билан нашр этилди. Шунингдек, Чўқайни Қуддус шаҳрида ўтказилаадиган халқаро ислом конференциясига ҳам Туркистон делегати сифатида таклиф қилишди.

ТМБнинг бунга ўхшаш фаолиятлари совет ҳукуматини жиддий ташвишга солиб қўйди. 1930 йил охирида Москва Истанбулдаги ТМБ марказига бир жосусни жойлаштириш учун фитна бошлатди. Асли хўжандлик тожиклардан бўлган Алижон Содиқўғли деган айғоқчи Истанбулга келиб, Туркистон турк ёшлар уюшмаси (ТТЁУ) маркази билан муносабат ўрнатди. Ўзининг шўрога қарши бир туркистонлик муҳожир эканлигига жамиятдагиларни ишонтирди. У ўқиган одам эди. “Ёш Туркистон” журнали учун мақолалар ҳам ёзди. Жумладан, унинг “Ўзбекистонда колхозчилик” деган мақоласи мажмуанинг 5-6 сонларида босилди ҳам. Туркияга келганидан бир оз муддат ўтгач, Истанбулдаги Туркистон муҳожирлари орасида етарлича ишонч қозондим деб ўйлаган Алижон режасининг иккинчи саҳифасини очди. Фикри-зикри ҳарбий ўқув юртига кириш эканини айтиб, ТТЁУ маркази раҳбарларидан ёрдам ва кафолат талаб қилди. Айни шу чоғда Эрондаги туркистонликлардан келган баъзи хабарлар бу шахс хусусида шубҳа уйғотирди. У билан Ботумидан бирга келган ўртоғи Али Акбарнинг исми сохта эканлиги маълум бўлгач, шубҳа янада ортди. Натижада, Истанбулдаги туркистонликларнинг шикояти туфайли Алижон Содиқўғли 1931 йил март ойида Истанбул полицияси томонидан қўлга туширилди. Алижоннинг терговда берган маълумотлари совет ҳукуматининг хориждаги туркистонликлар орасида юритган жосуслик фаолиятларини ўрганиш ва англаш жиҳатидан диққатга сазовордир.

Йигирма етти ёшли ГПУ ходими Алижон Содиқўғли 1927 йилда совет мамлакати ҳудудидан Эронга ўтган ва ўзининг шўро тузумига қарши эканлигини айтиб, у ердаги мўътабар бир туркистонликнинг уйидан паноҳ топган. Бир оз вақтдан кейин Эрон ҳукуматининг чигиртка офатига қарши кураш программаси ишларида унинг бир мутахассис сифатида қатнашуви уюштирилган. Бу вазифа Алижоннинг Эрон

Хуросонида ва Машҳадда яшаган барча туркистонлик муҳожирлар билан муносабат ўрнатишига ва осонгина айғоқчилик қилишига, маълумот йиғишига имкон яратган. Алижоннинг асл мақсади гоҳ-гоҳ Эрондан Туркманистонга ўтиб, совет корхоналарига босқин қилаётган босмачилар бошлиғи Аннақулибекни йўқотиш эди. Аммо бу топшириқни уддалай олмагач, секингина Теҳронга борди ва у ерда ишлаётган бошқа бир ГПУ ходими Маҳмуд Азизхоновга қўшилиб, ҳамкорикда фаолият юрита бошлади.

1929 йилда, авввал ҳам таъкидлаганимиздек, Эрондаги совет жосуслик тўдасининг энг муҳим раҳбарларидан бири Георгий Агабеков инглизлардан сиёсий бошпана тилаб, Англияга илтижо қилди. Шу сабабли Агабеков билан бирга ишлаган барча жосуслар дарҳол мамлакатга чақириб олинди. Улардан бири Алижон Содиқўғлини ёнида ишлатаётган Маҳмуд Азизхонов эди. Агабеков Алижонни танимаган бўлса ҳам, у аввал Табризга, қисқа вақт ўтиб Тифлис орқали Тошкентга чақириб олинди.

Орадан бир муддат кечиб, совет ГПУси Алижон Содиқўғлини Эроннинг ўрнига Туркияга юборишга қарор берди. Унгача Туркистонда ишлаб юрган Алижон Ботумига келди ва у ердан Туркияга жўнатилди. Терговда айтганига қараганда, унинг Туркиядаги вазифаси ТМБ ташкилотида ишлаганлар ва ва уларнинг Туркистон билан боғланган алоқаларига оид маълумот йиғиш, ТМБ орасига нифоқ солишдан иборат эди. Агар у Туркияда бирор ҳарбий ўқув юртига жойлаша олсайди, совет жосуси сифатида ишини яна давом эттираверарди. Агар бу амалга ошмаса, Берлинга бориб, бу ишларни ТМБнинг Берлин бўлимида бажариши режалаштирилганди. “Жумҳурият” газетасидаги хабарга кўра, Содиқўғли бир муддат қамоқда ётгач, суд қилинмасдан, Туркия ҳудудидан чиқариб юборилган.[477] Шундай қилиб, Алижон Содиқўғлининг сири очилиб, қўлга тушиб, шарманда бўлганди. Аммо бунга қарамасдан, совет ҳукумати Туркистон миллий ҳаракати ичига жосусларини тиқишдан тўхтамади, туркистонликлар орасидаги жипсликни, аҳилликни бузишга йўналтирилган ишларини давом эттираверди. Қарангки, бу ҳолат ҳам тасодифмиди-йўқми, билмаймиз, айғоқчи эканлиги неча ўн йиллардан кейин юзага чиққан Маҳмуд Ойқорли ҳам айни ўша пайтда, худди аввалги жосуслар юрган йўллар билан Машҳадга келган, муфти Садриддинхоннинг ишончини қозониб, унинг ёнидан паноҳ топган.

[477] “Янги Туркистон” журнали, 1931 й. 31 сони; “Ёш Туркистон” журнали, 1931 й. 16 сони, 1 б.

ТМБ ФАОЛИЯТЛАРИНИНГ ШЎРО МАМЛАКАТИДАГИ АКС САДОСИ

ТМБдаги уч лидер – Мустафо Чўқай, Усмон Хўжаўғли ва Закий Валидий инқилоб ва ихтилол йилларида советларга қарши иш юритган ва бу уч таниқли шахс хорижий давлатларга чиқиб кетганидан кейин, шўро матбуоти уларни “буржуа миллатчиси ва халқ душмани” сифатида қоралашни бошлаб юборганди. Сталин 1923 йил 10 июнда ўтказилган рус коммунист партияси марказий қўмитасининг тўртинчи қурултойида қилган “Миллий ўлкаларда ва жумҳуриятларда ўнг ва сўл” деган нутқида Закий Валидийни танқид қилиб, қиймалаб ташлади.[478] Худди шу йиғинда Сталин Султон Ғалиевга ҳам қаттиқ ҳужум қилди, мажлис чиқарган қарорда Ғалиев аксилинқилобчилик ва ватанга хиёнатда айбланди. Сталиннинг таъкидлашича, Султон Ғалиев Закий Валидий воситасида халқаро империализм томонидан қувватлантирилаётган босмачилик ҳаракати билан алоқа қурган, шунинг учун хоин ҳисобланади. Валидий хорижга кетганидан кейин советлар қўлга олиб, қатл эттирган Бошқирдистон мудофаа вазири миралай Авҳади Эшмурзинга қўйилган айб ҳам валидовчилик эди.[479] Бундай асоссиз айблашлар кейинчалик ҳам давом этди.

ТМБчиларнинг “Янги Туркистон” журналидан сўнгра “Ёш Туркистон” мажмуасини ҳам чиқара бошлаганлари совет раҳбариятини қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Бош муҳаррир Мустафо Чўқай Қўқон мухтор жумҳуриятининг раиси бўлгани боис, зотан, совет тарихчилари томонидан аксилинқилобчи ва совет душмани сифатида қораланиб келинарди. “Ёш Туркистон” чиқа бошлагач эса, шўро матбуотидаги унга қарши ташвиқот-тарғибот янада тўлқинланиб, Туркистон ичида юзага келган советларга зид барча ҳаракатларда ёки “тузумни ағдаришни ният қилган” зиёли ходимларнинг айбланишларида ҳам Чўқайни аралашган дея туҳмат қилиш лдат тусига кирди. Ўзбекистон коммунистик партияси раҳбари Акмал Икромов Самарқандда ўтказилган Ўзбекистон маориф ходимлари қурултойида сўзлаган нутқида, жумладан, совет мамлакатидан ташқаридаги аксилшўровий матбуот ҳақида ҳам тўхталиб, чўқайчилар масаласини кун тартибига қўйди.[480] Ана шу нутқдан кейин шўро давлати мафкурасига қарши чиққан мухолифларни чўқайчи, чўқаевчи дея айблаш расмга кирди. Мустафо Чўқай бу ҳодиса муносабати билан ёзган мақоласида мавзуга оид кўплаб мисоллар келтирган. У шундай ёзади:

> “Раҳим Инъомўғли қизил мустамлакачиларнинг ҳақиқий башарасини танигандан кейин, уларнинг Туркистондаги сиёсати мустамлакачиликка

[478] Benningsen. *Muslim National Communism in the Soviet Union,* s. 160
[479] Togan, *Hatıralar*, s.519
[480] Чўқай. “Туркистон ленинчиларига жавоб”. “Ёш Туркистон” журнали, 1930 й. 5-6 сон, 6 б.

асосланганини англаб, “Ўзбекистонда русларнинг раҳбарлик қилиши керакмас” дея очиқ айтди. Уни дарҳол “чўқайчилар” сафига қўшиб қўйдилар...

Совет раҳбариятининг муҳожирот ва мустамлакалаштириш сиёсатига қарши чиққан қозоқ комунистларига нисбатан Қозоғистон газеталарида “партия ва совет муасасаларида яширин чўқайчилар ўтирибди” дея ёздилар...

Самарқанддаги таълим-тарбия институтида ва Байрамалидаги техникумда ўқиган ўзбек ва туркман талабалари Туркистонни совет Русиясининг мустамлакасига айлантиришга қарши раддия билдиришга қарор берганлар. Шўро газеталарида бу ёшларга чўқайчилик тамғасини ёпиштирдилар.

Туркистонда Тумайлов деган бир коммунист бошчилигадаги троцкийчилар бор экан. Улар Сталиннинг аҳмоқона сиёсатига қарши чиқдилар. Шўро газеталари уларни дарҳол “чўқайчилар”га айлантирдилар.”[481]

1929 йилда босмачиларга ва миллатчиларга ёрдам берганликда айбланиб суд қилинган Ўзбекистон Олий суди раиси Саъдулла Қосимов ва бошқалар бу даъво билан тергов қилинганда ҳам ана шу бўхтончилик сиёсати давом этди, қосимовчиларга қўйилган асосий айблардан бири Мустафо Чўзқайўғли билан алоқа қилганлик, яъни чўқайчилик бўлди.[482] Бундан кейинги йилларда ҳам коммунист раҳбарлар маориф ва саноатдаги нуқсонли ишларнинг барчасида ҳорижда мужодала юритган ТМБчиларни, хусусан Чўқайни айбдор деб ташвиқот қилдилар.[483] Ана шу тарзда совет раҳбарлари 1940 йилларга қадар Туркистон ўлкасидаги жумҳуриятларда йўқотилиши исталган миллий йўлдаги коммунистлар ва бошқа ходимларга чўқаевчилик ва валидовчилик тамғасини қўйишда давом этдилар.

Совет ҳукумати бу билангина чекланиб қолмади, бошқа бир тарафда ҳам тинимсиз ишлади. ТМБ ҳаракатини бузиш, муҳожирлар ва раҳбарлари орасига нифоқ солиш, хориждаги туркистонликларнинг бирлигига путур етказиш учун махсус тайёрланган ГПУ айғоқчиларидан фойдаланди. Бу жосусларнинг баъзилари қўлга тушган бўлса ҳам, Маҳмуд Ойқорли каби ўта уста айғоқчилар туркистонлик муҳожирлар орасида жуда кўп йиллар иғволарини давом эттирди ва Туркистон миллий истиқлол ҳаракатига катта зарар етказди.

[481] Юқоридаги мақола, 6 б.
[482] “Правда Востока” газетаси, 3 май, 1930 й.
[483] Чўқай. “Душманларимиз бизнинг фаолиятимиз ҳақинда не дедилар”. “Ёш Туркистон” журнали, 1937 йил, 87 сони, 3 б.

ТУРКИЯ ИЧКИ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА “ЯНГИ ТУРКИСТОН”НИНГ ЁПИЛИШИ

1931 йил октябр ойида Туркияда кутилмаган бир ҳодиса юз берди. ТМБнинг расмий органи “Янги Туркистон” журнали билан Озарбайжон миллий ҳаракатининг “Ўтли юрт”, “Билдириш” каби мажмуалари Туркия республикаси вазирлар маҳкамаси қарори билан ёптирилди. Бу воқеалар муҳожиротдаги турклар орасига тушган бўмбадай ёмон таассурот қолдирди. Аслида олдиндан ҳам Туркия ҳукумати муҳожирлар турк журналларига хайрихоҳ эмаслиги маълум эди. Фақат бундайин қаттиқ муносабатни ҳеч ким кутмаганди. Бу ҳодиса қанчалар ёмон таасурот қолдирган бўлса ҳам, журналларнинг ёпилишига оид ҳукумат қарори Оврупода босиладиган муҳожир турк матбуотида шарҳсиз, ҳеч қандай муносабатсиз маълум қилинди. Бироқ бу нохуш ҳолат ташқи дунёда фаолият кўрсатаётган муҳожир турклар миллий раҳбарларининг Туркия билан муносабатларини янгидан кўздан кечиришга мажбур этди.

Муҳожиротдаги турк халқлари вакиллари аслида Туркияни иккинчи ватан дея қабул қилган бўлсалар ҳам, барча муҳожир турк гуруҳлари Туркияни сиёсий марказ ўлароқ танламадилар. Фақатгина Озарбайжон ва Туркистон муҳожирлари Истанбулда сиёсий марказларини қургандилар холос. Эдил-Ўрол туркларининг нашри “Миллий йўл” билан туркистонликларнинг “Ёш Туркистон”и Берлинда, Қирим туркларининг “Амал”, “Туна” журналлари эса Руминияда босилмоқда эди.

Совет ҳукумати муҳожир туркларнинг Туркиядаги фаолиятларидан норози эди ва буни Москва Туркияга гоҳ-гоҳ расман билдириб келмоқда эди. Масалан, 1925 йил бошларида советларнинг Бокуда ўтган тўртинчи қурултойида нутқ сўзлаган хорижий ишлар комиссари Чичерин шундай деган:

> “Сўнгги пайтларда мусовотчиларнинг Туркиядаги фаолиятлари кучайганини қайд этиш керак. Биз Туркия ҳукуматига дафъаларча мурожаат этиб, совет давлатига қарши юритилаётган бу ақлга сиғмайдиган фитналарни тўхтатишни талаб қилиб, раддия билдирдик.”[484]

1917 йилдаги октябр тўнтаришининг ўн йиллиги муносабати билан 1927 йилда бир турк ҳайъати Москвани зиёрат қилган пайтида, шу

[484] Mirza Bala, *Milli Azerbaycan Hareketi*, s. 175

тантана туфайли, ўша чоғда Туркияда босилаётган ягона муҳожирлар журнали “Янги Қафқаз” Туркия ҳукумати тарафидан ёптирилган эди.[485]

Бу орада Турк ўчоқларининг 1927 йилдаги қурултойида жамиятнинг фаолият ва таъсир доираси Туркия билан чегараланиши борасида тузук ва баённомаларда ўзгариш ясалди. Бу билан Турк ўчоқларининг Туркиядан ташқаридаги ўлкаларда ўз бўлимларини очиши иш юритишининг олди олинди. Бундан ташқари, Турк ўчоқларига аъзо бўлиш учун Туркиялик бўлиш шарти ҳам қўйилди. Ана шу тарзда Туркия ичида ва ташқарисидаги бошқа юртларда туғилган туркларнинг Турк ўчоқлари билан расман ҳамкорлик қилиши имкони тўхтатилди. Бу қарорлар ва йиллар бошларидаёқ катта орзу-умидлар билан Туркияга келган муҳожир турклардан жуда оз қисми бу ерда сиёсий ҳаётини давом эттира олди холос. Садри Мақсудий Арсал ва Фуод Тўқтар каби атоқли шахслар Туркиядан ташқаридаги ишлардан асосан чекиндилар ва бу ўлкада қолдилар. Аёз Исҳоқий Лахистон давлатининг даъватига кўра, 1927 йилда Туркияни тарк этиб, Пўлшага кетди ва Эдил-Ўрол маркази ишларини Варшавада туриб бошқара бошлади. Фаолиятини Туркияда юритаётган Муҳаммадамин Расулзода ва Саид Шомил каби лидерлар эса вақти-вақти билан босим остида қоларди. Масалан, 1929 йили ёзда иккаласининг ҳам уйини полиция босди, ашёлар мусодара этилди. Сўнгра Озарбайжон ва Қафқаз миллий ҳаракатларини бу икки йўлбошчиси Аёз Исҳоқий йўлини тутиб, қисқа муддат ичида Туркиядан чиқиб кетди. Ана шундайин нохуш воқеа-ҳодисалар Туркиядаги турк дунёси марказларининг аста-секин Оврупога қараб йўналиши ва кўчишига сабаб бўлди. Зотан, туркистонлик лидерларнинг бир-бирларига ёзган хатларида ҳам марказнинг Оврупога олиниши борасида тез-тез баҳслашганлари маълумдир.

Туркия вазирлар маҳкамасининг Туркиядан ташқаридаги туркларнинг бу ўлкадаги журналларини ёптириш ҳақидаги қарори, шубҳасиз, совет ҳукумати билан муносабат нуқтаи назаридан юзага келганди. Ўша пайтда Турк ўчоқлари жамиятининг ёпилиши қарори билан бошланган бу ички сиёсат, айтиш мумкинки, айнан турк-совет алоқалари тақозосига кўра пайдо бўлганди. ТМБнинг сиёсий органи “Янги Туркистон” мажмуасининг Туркиянинг ички ва ташқи сиёсатига аралашмагани, қатъий тарафсизлик чизиғида тургани аввал ҳам таъкидланганди. Бу чизиқдан бир энли четга чиқиш ҳам ТМБда жиддий муҳокама қилинарди. Бунга қарама-қарши ўлароқ, озарбайжонларнинг журналлари Туркия жумҳуриятининг ички сиёсатига оид хабар ва шарҳларни доим бериб борарди. Масалан, 1930 йил августда эълон қилинган Отатуркнинг кўп партияли тизимга ўтиш ҳақидаги кўрсатмалари юзасидан турли хабар ва шарҳлар босилди. “Ўтли юрт” журналининг бош муҳаррири Муҳаммадамин Расулзода мажмуанинг

[485] Copeaux, *Unutkan Tarih*, s. 44

1930 йил сентябр ойи сонида бу мавзуга оид фикрларини шундай ифодалаган:

> “Раисижумҳур Ғозий Пошо ҳазратларининг кўрсатмаларига кўра Фатҳий бей афанди тарафидан ташкил қилинган эркин жумҳурият фирқасининг фаолият майдонига отилиши билан баробар Туркия жумҳурияти ҳаётида янги бир давр бошланди. Парламентаризм даври...
>
> Инқилоб, бошқа бир сўз билан айтсак, аслида ички уруш демакдир. Уруш пайтида ўзига хос махсус усуллар ва қонунлар бўлади. Ички урушнинг ҳам ўзига хос истисноий қонун ва қоидалари бордир. Бир партиявийлик ана шу ички уруш даврининг махсус бир заруратидир...
>
> Янги туғилган иккинчи фирқанинг зуҳури эса, бизга Туркияда эндиликда инқилобнинг, ички урушнинг том бир музаффарият-ла тугаганини эълон қилмоқда. Ҳа, шу ондан эътиборан Туркияда жумҳурият учун жангу жадал даври битиб, жумҳурият тузуми анъаналарини яратиш ва мустаҳкамлаш чоғи бошланди.”[486]

Кўриниб турганидек, Расулзода бир партияли тузум ҳақида сўзлаб, ўтмишдаги оғир ва мураккаб аҳволни тилга оларкан, ҳақиқий демократиянинг фақат кўп партияли жамиятдагина юзага чиқишини таъкидлаб, бу гаплар билан Туркияда ҳануз чин демократиянинг йўқлигига ишора этмоқда. Бугунги кунлардаги Туркияда бундай фикрлар оддий ҳолдек туюлса ҳам, 1930 йиллар Туркиясида бу жуда жиддий танқид деб қабул қилингани шубҳасиздир. Муаллифнинг эркин жумҳурият фирқасини олқишлаган бу қараши мазкур партия ёпилгандан кейин ҳам ўзгармаган, матбуотда давом этавермаган. “Жумҳурият” газетасидаги Аҳмад Оғаўғлига қарши ёзилган баъзи чиқишларга турк миллиятчиларининг маркази – Турк ўчоғининг берган жавоби айнан “Ўтли юрт” журналида ҳам босилган.[487]

Юқоридагига ўхшаш баъзи ҳолатлар муҳожир туркларнинг Туркияда чиқараётган журналларининг ёпилишига сабаб бўлгандай кўринса ҳам, аслида булар ички сиёсатдаги қаттиқликнинг боиси ҳисобланмасди. Бу мажмуаларнинг ёпилиши, махфий ишлаётган миллий марказларга босқиларнинг бош сабабини ўша йиллардаги турк ҳукуматининг ташқи сиёсатидан изламоқ ўринлидир.

Ғозий Мустафо Камол пошо жумҳуриятнинг илк йилларида аҳолиси кўпмиллатли ва кўпдинли усмонлилар салтанатининг кулларидан қоришиқ бир миллат яратиш фикрига берилганди. Бу мақсадни амалга оширишда энг кўп қўл келадиган тушунча миллият ифодасийди. Ана шу туфайли, Туркияда усмонлилардан мерос қолган барча ташкилот ва жамиятларни ўзгартираркан, 1912 йилдан эътиборан усмонлилар императорлигидаги миллатчилик оқимларини бир мақсадга йўналтирган Турк ўчоқларига тегмади, аксинча, уни қўллаб-қўлтиқлади,

[486] “Ўтли юрт” журнали, 1930 й. 20 сони, 330 б.
[487] “Ўтли юрт” журнали, 1930 й. 24 сони, 485 б.

кўп ёрдам берди. Бу жамият атрофида йиғилган кишилар жумҳуриятнинг илк йилларида уюштирилган миллатлашмоқ жараёнида катта хизмат қилди. Шахсан Отутуркнинг қўллаши билан янада шаклланаётган Турк ўчоқлари бутун мамлакат бўйлаб ёйилди, ёш туркия жумҳуриятининг энг эътиборли ташкилотларидан бирига айланди. 1930 йилларга келиб Туркиядаги миллатлашмоқ жараёни умуман олганди поёнига етди. Энди Туркия сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ташқи дунёга очила бошлаганди. Ана шу туфайли бу даврда Туркиянинг асосий мақсади ташқи давлатлар билан алоқа ўрнатиш ва мустаҳкамлашдан иборат эди, дейиш мумкин. Айниқса, шимолдаги қўшниси совет Русияси билан алоқалари жиддий ўзгариш пайтини бошдан кечирмоқдайди ва бу ўзгаришлар унинг ички сиёсатига ҳам, албатта, таъсир кўрсатарди.

Йигирманчи йилларда, яъни ҳар икки ўлкада ҳам ғарб мустамлакачилигига қарши кураш давом этаётган паллада, душман бир бўлгани боис у билан урушда Туркия ва Русия бир жабҳада ҳамкорлик юритишга интилди. Аммо Туркияда турк коммунист партияси таъқиқлангач, икки давлат ўртасидаги муносабат том тескари йўлга кириб кетди ва 1928-1929 йиллардаги совет матбуоти Мустафо Камолни қолоқ ва золим давлат арбоби ўлароқ савалай бошлаганди.[488] Худди шу йилларда Туркияда “Янги Туркистон”, “Ўтли юрт”, “Озарий турк” каби журналларнинг босилишига рухсат берилганди. Советларга ва коммунизм идеологиясига қарши кураш бу мажмуаларнинг барчасига хос хусусият ҳисобланарди. Зотан, бу даврдаги турк матбуотида ҳам айни сиёсий йўналиш мавжудлиги кўзга ташланади.

1929 йил ўрталаридан турк-рус муносабатлари қайтадан ва жадал йўлга туша бошлади. Туркиядаги муҳожир турк лидерларига қарши сиёсий босқиларнинг кучайиши ҳам шу пайтга тўғри келади. Совет иттифоқи ташқи савдо алоқалари комиссари ёрдамчиси Қорахон 1929 йил декабр ойидаТуркияни зиёрат этди, натижада 1925 йилда тузилган турк-совет битимини яна икки йилга узайтиришга келишилди.[489] Туркия ташқи ишлар вазири Тавфиқ Рушдий Араснинг кейинги йилдаги Москва зиёрати туфайли икки ўлка орасидаги муносабаатлар савияси тағин ҳам юксалди. Шўролар билан алоқалар кучаяркан, Туркияда советларга қарши фаолият юритаётган гуруҳлар янада тишга бота бошлади. Зеро, бу даврдаги шўро матбуоти таҳлил этилса, муҳожир миллий жамиятларга тўхтовсиз ва аёвсиз ҳужум қилингани аён бўлади. Ниҳоят, 1931 йилдаги Литвиновнинг Туркияга келиши икки ўлка ўртасидаги бу чала ҳал қилинган масалага сўнг нуқтани қўйди.

Эркин жумҳурият фирқаси тузилиб тажрибадан ўтказилган йилларда жумҳурият партияси ва мавжуд ҳукумат жиддий бир мухолифат билан юзма-юз бўлиб қолганди. Бу мухолифатни назорат этишни истаган

[488] Lewis, *Modern Türkiye`nin Doğuşu*, s. 283
[489] Gürün, *Türk Sovyet İlişkileri*, s. 126.

ҳукумат 1931 йилнинг июл ойида Туркия Буюк миллат мажлисида матбуот қонунини тасдиқлатди. Унга кўра ҳукумат ўз сиёсатини танқид қилган газета-журналларни вақтинча ёки бутунлай ёпиш ҳуқуқига эришди. Матбуот қонунидаги ўша моддалар илк ўлароқ асоратдаги дунё туркларининг муҳожир вакиллари Туркияда чиқараётган нашрларга нисбатан қўлланди ва совет-турк алоқаларига зарар бергани даъвоси билан "Янги Туркистон", "Ўтли юрт", "Билдириш" журналлари ёптирилди. Бу таъқиқлар советлар тарафидан келган истак туфайли юз бердими ёки бўлмаса, турк ҳукуматининг бир "жести" ўлароқ майдонга чиқдими, аниқ бир нарса дейиш қийин. Аммо, сабаби нима бўлганда ҳам, бу ҳолат Туркия жумҳурияти ўзини маданият жиҳатидан меросчиси ҳисоблаб келаётгани турк дунёсига оид сиёсий фаолиятларга изн бермаслигини кўрсатиб қўйди. Бошқача айтганда, бу Туркиянинг эндиликда турк миллиятчилик фикрини тамоман Анадўлу билан чегараланган ҳолда қабул қилишига ишора эди.

Истанбулда чиқадиган "Янги Туркистон" мажмуасининг тўхтатилиши Берлинда босилаётган "Ёш Туркистон"да қуйидаги тарзда шарҳланмасдан билдирилган:

> "Янги Туркистон" журнали ёптирилди... "Янги Туркистон" мажмуа ўлароқ Туркистон миллий истиқлоли мафкурасини ва замонавий турклик фикрини ёйишга, Туркистон ва Анадўлу орасидаги тил ва маданий бирлик соҳасида катта хизматлар қилди."

Хабар остига илова этилган "Яшасин Туркистон миллий истиқлоли! Яшасин бутун туркларнинг маданий бирлиги!" тилаклари журналнинг ёпилиш ҳодисасига нисбатан ноширлар фикрини билдириб турибди.

ТМБ раҳбарлари ўзаро ёзишмаларида мажмуанинг беркитилиши миллий курашга зарба берганини айтиб, бу нохуш ҳодисани қораласалар ҳам, аммо Туркияга нисбатан хайрихоҳ муносабатлари ўзгармагани диққатни тортади. Масалан, Мустафо Чўқай бир мактубида шу фикрларни билдиради:

> "Шундай қилиб бизнинг бошимизга ҳам бу фалокат тушди. "Янги Туркистон"имиз ёптирилди. Душманлар суюнмоқда, дўстлар куюнмоқда... Бизнинг азалдан абадга қадар дўст билганимиз ва дўст бўлиб қоладиганимиз Туркия ҳукумати "Янги Туркистон"ни бекитадида, биз ҳатто бунга раддия ҳам билдиролмаймиз... Мажидиддин бек, мажмуамиз ёпилди дея турк ҳукуматига ёмон кўз билан боқолмаймиз. Фақат бу хабар ўқувчиларимизга жуда ёмон таъсир қилиши аниқ."[490]

[490] Мустафо Чўқайнинг 1931 йил 24 октябрда Мажидиддин Далилга ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

Мустафобек бошқа бир мактубида Туркияга боғланган орзу-умидлару ва айни пайтдаги ҳукуматнинг нохуш муносабатидан хафалигини шундай ифодалаган:

> “Туркликнинг сиёсий бир маркази йўқ. Бугунги муҳит буни истамайди. Туркиянинг сиёсий маънодаги фожиаси будир.”[491]

Туркистон ва Озарбайжон муҳожирларининг Туркияда нашр этаётган журналларининг таъқиқланиши совет ҳукумати тарафидан жуда катта мамнуният билан қаршиланди. Ўша йили Бокуда ўтказилган Озарбайжон коммунистлар партиясининг йигирманчи конференциясида нутқ сўзлаган фирқа етакчиси Оға Султонов бу хабарга боғлиқ қуйидаги фикрларни билдирган:

> “Мусовотчилар хорижий ўлкаларда бизга қарши қаттиқ кураш олиб бормоқда. Аммо уларга яқинда кучли зарба берилди. Истанбулда чиқадиган нашрларидан “Озарий турк”, “Ўтли юрт” ва “Билдириш” журналлари билан бирга Туркистон муҳожирларининг нашри “Янги Туркистон” ёптирилди.”[492]

Хулоса қилиб айтганда, журналнинг таъқиқланиши билан бирга ТМБнинг Туркиядаги овози тиндирилди. Бу вазиятда ҳам янги имкон қидирган ТМБ раҳбарлари жамиятнинг маслакдош ташкилоти Туркистон турк ёшлар уюшмаси қошида янги бир журнал очиш ҳаракатига тушдилар. Аммо ТМБнинг бош котиби ва ёшлар уюшмасининг бошлиғи Мажидиддин Далил томонидан ҳукуматга қилинган мурожаатлардан натижа чиқмади, расмий мақомлар ёзма талабларга ҳатто жавоб ҳам қайтармади.

“Янги Туркистон”, “Ўтли юрт” ва “Билдириш” журналларининг ёпилиши оқибатида муҳожир туркларнинг Туркияда чиқадиган бирорта ҳам нашри қолмади. Айни шу чоғда Закий Валидий Тўғон ва дўстлари томонидан 1928 йилда қурилган Туркистон ва Озарбайжонни ўрганиш жамияти аъзолари майдонга тушдилар. 1932 йил январ ойидан Аҳмад Жаъфарўғли масъул мудири бўлган “Озарбайжон юрт билгиси” номли янги журнал чоп қилина бошланди. Мажмуанинг илк сонида бу нашрнинг сиёсатга аралашмаслиги ва унда фақат илмий-фанний мақолалар босилиши алоҳида қайд этилган. Журналнинг илмий кенгаши профессор Фуод Кўприли, профессор Закий Валидий Тўғон, доктор Аҳмад Оғаўғли, доктор Абдулқодир Инон ва Аҳмад Жаъфарўғли каби таниқли шахслардан иборат эди. “Озарбайжон юрт билгиси” 1934 йилнинг декабр ойигача фаолиятини давом эттирган, жами 36 сони чиққан.

---

[491] Мустафо Чўқайнинг 1933 йил 13 июнда Мажидиддин Далилга ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

[492] Mirza Bala, *Azerbaycan Muhacirlik Matbuatının 30 Yıllığı*, Kafkasya Dergisi,1953: sayı 26, s. 8

“ЁШ ТУРКИСТОН” ВА “ОТСИЗ МАЖМУА” ҒАВҒОСИ

1932 йили “Ёш Туркистон” ва “Отсиз мажмуа” журналлари ўртасида жанжал чиқди ва бир неча сонда икки тараф бир-бирига тош отди. Юзаки қаралганда, ҳодиса Мустафо Чўқай ва Ниҳол Отсиз баҳсидай кўринса ҳам, аслида бу ғавғо Чўқай ва Закий Валидий Тўғонга боғлиқ эди. Уч йил олдин Тўғоннинг ТМБдан чиқиб кетиши билан тугагандай туюлган етакчилар ўртасидаги ички кураш энди икки журнал воситасида давом этмоқда эди. Жанжалнинг бошланғич нуқтаси Закий Валидий Тўғоннинг “Бугунги Туркэли Туркистон ва яқин тарихи” эди. Мисрда босилган бу китобнинг айрим нусхалари сотувга чиқмасдан аввал Мустафо Чўқайнинг қўлига етиб келганди. Бу асарда Закий Валидий Тўғон 1917 йилда Қўқонда қурилган Туркистон мухторият ҳукуматининг шаклланиш жараёнини баён этганидан кейин, мухторият фаолиятининг муваффақиятсизликка учраши сабабларини қуйидаги тарзда ифодалаган эди:

> “Бу ҳодисалар ичида шахсан ўзи қатнашган бир можор ҳарбий асири менга Будапештда шундай ҳикоя қилиб берганди: “Мусулмонлар Қўқон қалъасидаги 45 кишидан иборат бўлшевиклар горнизонини ўраб оларкан, қалъа билан темирйўл станциясини боғлаган телефон-телеграф симларини кесиб қўйолмадилар. Агар алоқа узилсайди, горнизон барбод бўларди.” Чўқай Мустафо ҳам “Қўқон крепостини 40-50 солдат қўлидан оломадик” дея эътироф этмоқдадир. Мухторият ҳукуматининг яна бир заифлиги молиявий ишларда Қўқон сармоядорларининг қўлига қараб қолганидадир. Молия вазирлиги идораси расман вазир бўлган касалванд адвокат Ислом Шоаҳмадўғлининг эмас, балки унинг ўринбосари Ҳенрих Сигал (Heinrich Siegel) деган австриялик бир яхудийнинг қўлида эди. Аввал Қўқон савдо бошқармасига раислик қилган бу зот ҳукуматда аъзолик ҳуқуқига эришгач, эътибори ортиб кетди. Аммо бу шахс молиявий соҳада ўзи ўтирган бутоққа болта уришдан бошқа бирор ишни эплагани йўқ. Ҳукумат аъзолари, хусусан зиёлилар, банкда турган ақчани мусодара қилишга журъат қилмаганлари боис, бошқаларнинг эҳсону ионасига қараб қолинди. Эҳсон борасида ҳам маҳаллий савдогарлардан Саидносир Миржалилдан бошқаси қимирлагани йўқ. Қўқон мухтор ҳукуматининг учинчи, энг ката заифлиги қатъий фикри ва программасининг бўлмаганидир. Рус-тузем мактабларида ўқиган зиёлиларнинг аксарияти бу ҳукуматга миллий мухторият ғоясидан кўра кўпроқ бўлшевикларга қўшилмаслик ва Керенский ҳукуматига садоқат кўрсатишни ўйлаб аралашган кишилар эди. Чўқай Мустафо нашр эттирган хотираларида, ҳатто Қўқон ҳукумати аъзолигига сайланган кунда ҳам мухторият эълонига тарафдор бўлмаганини; Керенский ҳукумати ағдарилганидан сўнгра ҳам, ўша ҳукуматнинг вакили сифатида ишлаганини, бироқ бирор кимсага дардини уқдиролмаганини таъкидлаган. Ҳолбуки, рус мактабида ўқимаган қўқонлик Камол қози, Обиджон ва Миродиллар ҳеч бир руснинг бу ишларга аралашмаслиги,

русларнинг ўлкадан қувилиши ва хонлик эълон этилиши керак, деган фикрни илгари сурмоқда эдилар.”[493]

Ўзи раис бўлган мухторият ҳукуматига қаратилган бундай гаплар Мустафо Чўқайни ниҳоятда хафа қилди. У Мажидиддин Далилга ёзган бир мактубида ўз норозилиги ва хафагарчилигини шундай ифодалаган:

“Закий Валидий жудаям эгоцентрик, худбинона фикрларни билдирган. Туркистон ҳаракатини ўз атрофида бўлгандай қилиб кўрсатишга уринмоқда. Қўқон мухториятини ҳам русларнинг нуқтаи назарига кўра баҳоламоқда. У айтган бу сўзлар 1929 йилда Тошкентда чиққан “Ўрта Осиёда инқилоб” деган китобдаги “Хўқанд ҳукумати сармоядорлар доирасининг таъсири остида эди” деган гапдан олинган... “Ёш Туркистон” декабр сонида бу ва бунга ўхшаш хато фикрларга жавоб беради.”[494]

Мустафо Чўқайнинг жавоби “Бир илмий ёлғонга қарши” сарлавҳаси билан “Ёш Туркистон”нинг 25 сонидан эътиборан учта сонда босилиб чиқди. Чўқай ўз жавобида Қўқон мухторияти ҳукуматининг қандай шароитда пайдо бўлганини ангалатаркан, Закий Валидий томонидан даъво қилинганидек, бу ҳукуматнинг сармоядорлар доираси таъсири остида эмас, балки бутунлай миллий кучлар тарафидан қурилган бир ҳокимият эканини тушунтириб беради.

Чўқайнинг бу мақоласига қарши 1932 йил бошларида “Отсиз мажмуа” журналида жавобга ўхшаш мақола босилди.[495] Унда “Ёш Туркистон”да Закий Валидийни танқид қилиш тўғри бўлмагани таъкидланиб, асосий танқид тиғи журналда қўлланилаётган тил холис чиғатойча эмаслигига қаратилган. Мустафо Чўқай бу фикрларга жавоб ўлароқ, Закий Валидий масаласини тилган олмасдан, журналнинг тили борасидаги алоҳида, узунроқ мақола ёзиб, “Ёш Туркистон”да чиқарди.[496] Унга муносабатан “Отсиз мажмуа”нинг 12 сонида босилган мақолада асосан Закий Валидийнинг китобидаги танқидлар такрорланганди. Хусусан, унда тортишувни жанжалга айлантирадиган баъзи шарҳу баъёнлар учрарди. Масалан:

“Дўстимиз бизга ёзган жавобида маданий бир мажмуанинг кўчманчи ўзбеклар тилида нашр этилмаслигини айтган. Зотан: биз ҳам ундан буни истаётганимиз йўқ. Фақат Туркистон истиқлоли йўлидаги бир журналнинг тили ҳам ҳарҳолда сартча[497] бўлмаслиги керак... Ҳамда дўстимиз шу фикримизга ҳам қўшилса керак деб ўйлаймизки, турк

[493] Togan, *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi*, s. 366-367
[494] Мустафо Чўқайнинг 1931 йил 5 январда ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).
[495] ‘‘*Atsız Mecmua*’’, 1932 y. sayı 9
[496] “Ёш Туркистон” журнали, 1932 й. 27 сони.
[497] Сарт – Туркистон ўлкасида шаҳарларда яшаётган ва савдо билан шуғулланадиган кишиларга кўчманчилар томонидан берилган сифат, ном. Жамиятнинг анъаналарига, қадриятларига етарлича эътибор бермаганлари учун сарт сўзида қисман ерга уриш, писандсизлик ҳам бор.

ирқининг келажагини қурадиганлар ва қўриқлайдиганлар Туркиянинг шаҳарлари ва Туркистоннинг сартлари эмас, Туркиянинг қишлоқликлари ва Туркистоннинг кўчманчиларидир."[498]

"Отсиз мажмуа"да бу мақола муаллифи аниқ кўрсатилмаган, фақат К.А. ҳарфлари қўйилган холос эди. Ёш туркистончилар К.А.ни Абдулқодир Сулаймон деб ўйладилар. Зотан, Закий Валидий Тўғон ҳам, Абдулқодир Сулаймон (Инон) ҳам "Отсиз мажмуа"нинг муаллифлари сафида эди, илк сонидан бошлаб турк маданияти, тили ва тарихи мавзусида мақолалари билан қатнашишарди. Ана шу ҳолдан келиб чиқиб, "Ёш Туркистон" навбатдаги жавобини "Отсиз мажмуа"даги К.А. ҳарфлари орқасига беркинган афандига" деб атади ва шуни айтиш керакки, мақола анча қаттиқ услубда битилганди. [499] Унда, жумладан, шу фикрлар ифодаланганди:

"12 сонда ёзган эътирозингизни ўқидим. Услубингиз қарашларингиз янглиш. На Аҳмад Закийга, на мажмуага фойдаси бор. Сизнинг сохтакорона муносабатингизга келгуси сонда жавоб бераман. Менинг Закий Валидий бекнинг илмий ёлғонларига қарши ёзган фикрларимни сизнинг шармсиз ёлғонларингиз билан беркитиб бўлмайди. Бизнинг ғавғомиз билан турк матбуотини банд қилганингиз ортиқча. Менинг французча ва туркистончада чиққан мақолаларимни оммага на қадар бузиб кўрсатганингизни келгуси сонларда исботлаб бераман."

Шубҳасиз, "Отсиз мажмуа"да қисқа вақтда бу фикрларга жавоб нашр этилди. Журналнинг 17 сонида "Чўқай Мустафо бейга сўнгги жавоб" сарлавҳаси билан босилган ёзувда К.А. Абдулқодир Сулаймон эмас, Туркият институти асиссентларидан туркиялик Ҳусайн Ниҳол Отсиз эканлиги билдирилганди. Шунингдек, Чўқайнинг русча мактублари ва баъзи муҳим васиқаларнинг журналда чиқиб кетишига Абдулқодир бейнинг қаршилик кўрсатганига ҳам алоҳида урғу берилганди.

Матбуотдаги бу жанжал тобора чуқурлашиб борарди. Отсизнинг "Ёш Туркистон"да ишлатиладиган тилни танқид қилиши, мавзуга писандсизлик билан ёндошуви ва айрим ўринларда ерга уришга интилиши туркистонликларнинг жаҳлини чиқарганди. Шу муносабат билан Истанбулдаги туркистон турк ёшлар уюшмаси бир йиғилиш ўтказди ва Ниҳол Отсизга шиддатли раддия билдирди. Шу билан бирга, "Ёш Туркистон"нинг 36 сонида ёшларнинг раддияси хабари билан бирга ТТЁУнинг янги раиси доктор Солиҳ Исмоил (Эркинқўл) имзоси қўйилган "Ҳар эчки ўз оёғидан осилур" деган бир танқид ҳам босилди. Журналнинг айни сонидан доктор Тоҳир Шокирнинг "Ниҳол бейга генерал Куропаткиннинг жавоби" деган мақоласи ҳам ўрин олганди. Унда Олмониядаги ТМБ бўлимида тўпланган ёшларнинг Ниҳол Отсиз ёзган

[498] ''*Atsız Mecmua*'', 1932 y. sayı 12.
[499] "Ёш Туркистон" журнали 1932 й. 30 сони, 23 б.

мақолаларни лаънатлаганликлари ҳам билдирилганди. Бу орада “Отсиз мажмуа” ёпиб қўйилди. Шу муносабат билан Мустафо Чўқай “Ёш Туркистон”нинг навбатдаги сонида “Марҳум “Отсиз мажмуа” мудири Ниҳол бейнинг утанмас чиқишига жавобим” деган ёзуви босилди.

Бу ҳодисалар юз бераркан, ёш туркистончилар Ниҳол Отсизнинг Закий Валидий томонидан гижгижланаётгани борасида бир фикрга келгандилар. Уларнинг ўзаро ёзишмаларида бу қарашлари яққол сезилиб туради. Масалан, Абдулваҳоб Исҳоқўғлининг бир хатида шундай дейилган:

> “Ниҳолнинг утанмас ёзуви келди. Бу ишларнинг ҳаммасининг орқасида Закий бек бор. Бундайин ҳужумлар фақат “Отсиз мажмуа”дагина босилади, турк матбуотида бундай нарсаларга ўрин берилмайди... Ниҳолга жавоб беришимиз керак... Асли унинг оғзини ишлатиб, ўз заҳрини сочган Закий Валидийни фош қилиш лозим.”[500]

Нима бўлса ҳам, бутун йил бўйи давом этган бу жанжалли баҳсга Закий Валидий тўғридан-тўғри аралашмади. Фақат Ниҳол Отсиз у ҳужумли мақолаларини ёзаётган пайтларда Тўғоннинг унга керакли манбаларни етказиб бериб тургани аёндир.[501]

Бу орада, 1932 йилнинг июлида ўтказилган Биринчи турк тарих қурутойида кун тартибига қўйилган расмий тарих дастурига профессор Закий Валидий Тўғон қарши чиқди. Бу барча илмий ва сиёсий давраларга ёқмади, барчани ижирғантирди ва Тўғонга қарши кенг миқёсда танқид компанияси бошланди. Шунинг устига, Ниҳол Отсиз Турк тарихини тадқиқ жамиятининг бош котиби Рашид Ғолибга Тўғонни ҳимоя қилган телеграммасини юборди; яна “Отсиз мажмуа”нинг 17 сонида бу мавзуга оид бир мақола ҳам чоп этди. Ниҳол Отсиз бу мақоласида дорилфунун ўқитувчиларининг кўпчилигини Тўғон билан тенглаштириб ҳам бўлмаслигини писанда қилиб, уни танқид қилганларни академик жиҳатдан чаламуллалар дея, оловга яна ёғ сепди. Бу баҳслар давом этаркан, Рашид Ғолиб Туркия миллий маориф вазирлигига ишга ўтди. Бу жараъёнлар натижасида Ниҳол Отсиз Туркият институтидан бўшатилди, “Отсиз мажмуа” ҳам ёпилди. Шундай қилиб, Ниҳол Отсизнинг қўлида рақибларига жавоб берадиган бирорта нашр ҳам, имкон ҳам қолмади. Бироқ ўжар табиатли Отсиз нима бўлса ҳам баҳсу ғавғони тўхтатмоқчи эмасди. “Ёш Туркистон” воситасида ўзига қаратилган сўнгги ҳужумга

[500] Абдулваҳоб Исҳоқўғли (Ўқтой) тарафидан Мустафо Чўқайга 1933 йил 21 январда битилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).

[501] Ана шу бир йилга чўзилган баҳсли ғавғо чоғда Чўқайнинг танқидларига қарши Абдулқодир Инон ҳам бир жавоб мақоласи ёзган, у қипчоқ қавмларига боғлиқ мавзуда бўлган. Қаранг: “Ёш Туркистон” мажмуасининг бир мақоласи муносабати-ла”, “Озарбайжон юрт билгиси”, 1 йил (1931), 353 б.

қарши Ниҳол Отсиз “Сартбошига жавоб” деган бир рисола нашр эттирди.[502]

Отсиз-Чўқай ғавғоси Туркиядаги туркчи давралар томонидан диққат билан кузатилмоқда эди. Бироқ, аслида, бу тортишувнинг энг муҳим жиҳати – унинг ТМБга таъсири масаласи эди. Зеро, бу жанжал Олмониядаги ТМБ бўлими аъзолари ўртасида олдиндан шаклланган ва давом этаётган бўлиниш ва тарафкашлик муаммосидаги айрим нуқталарнинг сув юзига қалқишига ҳам йўл очди. Юқорида бир неча бор таъкидланганидек, “Ёш Туркистон” журналини Мустафо Чўқай бошчилигида Абдулваҳоб Ўқтой ва Тоҳир Чиғатойдан иборат тор бир гуруҳ чиқармоқда эди. Олмониядаги ТМБ бўлимининг бошқа кўпчилик аъзолари ўзларини даврадан четга чиқариб ташлангандай ҳис этишарди. Ўзларини четлатилганлар дея ҳисоблаган аъзолар ТМБ марказига ҳам бу турумни билдирдилар, биргаликда бу даврани ёриб киришга интилдилар, лекин бир натижага эришмадилар. Мустафо Чўқай Тоҳир Чиғайтойнинг илмий иқтидорини ва Абдулваҳоб Ўқтойнинг мажмуанинг чиқарилишидаги ташкилотчилик салоҳиятини қадрлар ва бу туфайли фақат улар билан фаолият юритиш йўлини танлаганди. Шу боис бошқаларнинг ўз ёзувлари билан журналда қатнашишини, лекин мажмуа ишига аралашмаслигини истарди. Бошқалар эса буни онгига сингдиролмасди ва ҳар доим журнал гуруҳига ғайри кўз билан қарарди, худди ана шу вазиятда Отсиз-Чўқай ғавғоси юз берганди.

“Ёш Туркистон” мажмуасининг 36 сонида Олмониядаги ёш туркистончиларнинг “Отсиз мажмуа”да босилган бир ёзувга норозилик билдирганлари ва муаллифини лаънатлаганликлари борасида бир хабар чиққанди. Бу хабар “Ёш Туркистон”ни нашр этаётганлардан бошқа барча Берлиндаги туркистончилар тарафидан мақбул кўрилмаганди. Натижада улар Афзал Абусаид ва Саидали Хўжа имзоси билан “Ёш Туркистон”нинг бош муҳарррири Мустафо Чўқайга бир раддия битигини юбордилар. Бу маълумотда ўтказилган йиғиннинг расмий бўлмагани ва шу туфайли ТМБнинг расмий қараши ўлароқ қабул қилинмаслиги, Ниҳол Отсиз танқид этиларкан, лаънатлаш деган иборага бошқаларнинг қўшилмагани алоҳида таъкидланганди.[503] Шундай қилиб, Олмониядаги туркистонликлар ичида икки гуруҳга бўлинганлик аниқ кўриниб қолганди. Яъни, бир тарафда “Ёш Туркистон” мажмуасидаги ходимлар ва иккинчи томонда эса Туркистон миллий бирлиги жамиятининг Олмониядаги бўлими етакчилари ва бошқа аъзолари жипслашароқ икки гуруҳ пайдо бўлганди.

ТМБ марказий қўмитаси Олмония бўлимида юз берган муаммони ҳал қилишга қанчалик тиришмасин, бир иш чиқаролмади. Иккала

[502] Atsız, *Sart Başına Cevap*. 1933 y.
[503] ТМБ Берлин бўлими аъзоларининг 1932 й. 19 декабрдаги раддияси (Аҳат Андижон архиви).

тарафни ҳам яраштириб, муросага келтириб бўлмади. Натижада, 1933 йил март ойида чиқарилган ТМБ марказий қўмитасининг қарорига кўра жамиятнинг Олмония бўлими фаолияти вақтинча тўхтатилди.[504]

Аслида бу қарор "Ёш Туркистон" журнали ташқарисида қолган талабалар учун Олмониядаги истиқоматларининг сўнги каби бир нарса эди. Чунки бу ёшларнинг кўпчилиги университет таҳсилини тугатаётган эдилар ва Олмонияда ўзларига мос юмуш топмоқ, умуман ишга жойлашиш борасида чигал муаммолари бор эди. Ўйлаб қаралганда, Оврупода дипломни олиб, Туркияга бориб ишлаш бу талабалар учун энг идеал ҳолат туюлмоқда эди. Улар шундай қилдилар ҳам, яъни Туркияга йўналдилар, бу ўлкадаги университет ва бошқа илмий даргоҳларда фаолият кўрсатишга киришдилар. 1933 йилдан эътиборан Олмонияда фақат Абдулваҳоб Ўқтой ва Тоҳир Чиғатой билан уларнинг рафиқалари Саида Ўқтой ҳамда Саодат Чиғатой қолган эдилар холос.

Эдил-Ўрол туркларининг етакчиси Аёз Исҳоқийнинг қизи Саодат Исҳоқий Тоҳир Чиғатой билан турмуш қурган ва Эдил-Ўрол жамиятнинг нашри "Миллий йўл" журналини чоп эттириш ва тарқатиш ишлари билан шуғулланарди. Бу пайтда Собир Иброҳим (Туркистонли) ТМБнинг "Прометей" журналидаги вакили сифатида Парижда, Мустафо Чўқай билан бирга фолият юритмоқда эди.

Олмонияга талаба бўлиб келганидан буён бошқа ёшлар билан деярли алоқа қурмаган, ўқишини ўқиб юраверган Вали Қаюм ҳам Олмонияда қолган туркистонликлардан эди. Миллий Туркистон ҳаракати аъзоларидан энг кам танилган бу талабани 1940 йилларда сиёсат саҳнасига чиққунгача ҳеч ким билмасди. Шундай қилиб, ўттизинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб Туркистон миллий бирлигининг Оврупо фалиятлари асосан "Ёш Туркистон" гуруҳи доираси атрофида шаклланди.

БИРИНЧИ ТУРК ТАРИХ ҚУРУЛТОЙИ ВА ЗАКИЙ ВАЛИДИЙНИНГ ТУРКИЯДАН КЕТИШИ

1932 йилнинг июл ойида ўтказилган Биринчи турк тарих қурултойида ўртага қўйилган дастур ва баҳслар Туркистон масаласида энг танилган шахслардан бири Закий Валидий Тўғоннинг илмий ва сиёсий ҳаётида катта ўзгаришларга йўл очди. Бу қурултой, айниқса, Отатурк раҳбарлигидаги Туркия туркlари ва турк дунёси, Оврупо ўртасидаги муносабатларнинг маълум бир доирада ҳал қилиниши жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

[504] ТМБ марказий қўмитасининг 1933 йил 31 мартида чиқарган қарори (Аҳат Андижон архиви).

Усмонли салтанати йиқитилганидан кейин, унинг вайроналарида янги ва замонавий бир давлатни қура билган Отатурк бир миллатнинг шаклланишида тарихнинг, тил ва маданиятнинг ўрни ва аҳамиятини жуда яхши биларди. Туркия жумҳуриятининг мустаҳкамланиши ва яшаб қолиши учун, хусусан усмонлилар салтанати томонидан деярли унутилган масала – турк миллатининг энг қадимги илдизларини, Ўрта Осиё маданиятлари ва Анадўлу маданиятлари билан ўзаро алоқалари, боғланишлари ва бошқа хусусиятларини очиқ кўрсатиш, турк тили ва маниятини тадқиқ ва тарғиб этишни кучайтириш ва бу билан жамиятда миллий тарих тушунчасини шакллантириш зарур эди. Отатурк ана шуларни ҳисобга олган ҳолда Турк тарих жамияти ва Турк тили тадқиқи жамиятларинин қурдирди. Турк тарих жамияти раислигига таниқли турк миллиятчиларидан Юсуф Оқчўра атанди ва унинг раҳбарлигида, қисқа муддат ичида мактабларда ўқитишга мўлжалланган тўрт жилдлик тарих дарслиги тайёрланди. Ана шундан кейин расмий тарих дастури асосида яратилган тарих китобларини танитишга ва уларни оммалаштириш масаласига бағишланган, барча университетларнинг ва мактабларнинг тарих муаллифлари қатнашган бир қурултой ташкил этилди. 1932 йил 2-11 июл кунлари Анқарадаги Халқуйи биносида ўтказилган бу қурулойда маориф вазири Асад бей очилиш нутқини сўзлади, унда кун тартибига қўйилган расмий тарих дастурининг тамал унсурларини, жумладан, шундай ифодалади:

> “Турклар она юртлари бўлган Ўрта Осиёда тош даврини милоддан ўн икки минг йил олдин бошдан кечирганлар. Овруполиклар эса, бу даврдан беш минг йил аввал қутула олганлар... Тош давридан кейин, муз чоғи охирларида, асрий музларнинг эриши натижасида Ер табиатида юзага келган муҳим ўзгаришлар боис бир қатор турк қавмлари бошқа ўлкаларга кўчган. Ана шу жараёнда, яъни милоддан етти минг йил аввал экинчилик ва чўпонлик ривожланган, шунингдек, олтин, мис, қалай ва темир каби қазилма бойликларини кашф этган, турмушда фойдаланишни йўлга қўйган турк қавмлари Ўрта Осиёда кенг ёйилган эдилар. Кўчиш даврида турклар ўзлари борган ўлкаларга ана шу илк маданиятни ҳам тарқатдилар. Шундай қилиб, Осиёда Чин ва Ҳиндда, муқаддас Анадўлуда эти (этруск), Месопотамияда шумер, алом ва ниҳоят, Миср, Оқденгиз ва Рўмо маданиятлари асосини яратгандилар, энг муҳими, бугун биз юксак маданиятини олқишлаётганимиз ва эргашаётганимиз Оврупони ўша замонларда ғор ҳаётидан қутқаргандилар.”[505]

Қурултой аҳли ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган бу шиширилган тарих дастуридаги “нима учун турклар милоддан аввалги 7-8 асрларда Ўрта Осиёдан кўчдилар” деган саволга шундай жавоб берилганди: қадимги чоғда Ўрта Осиё марказида бир денгиз пайдо бўлган ва у кейинчалик катта-кичик кўллар ҳолига келиб қолган, ўша пайтда узоқ давом этган қаттиқ қурғоқчилик юз берган. Ҳалиги денгиз муз даврида

[505] “Birinci Türk Tarih Kongresi’’, s. 6.

улкан музликнинг эриши натижасида яралган. Ҳозирги Хазар денгизи, Орол денгизи ҳам ўша улкан денгиздан қурғоқчилик даврида ажралиб чиққан.Ўша улкан Ўрта Осиё денгизининг қисман қуриб кетишига олиб борган қурғоқчилик, Турк тарих жамиятининг бош котиби Рашид Ғолибнинг айтишича, дунё учун илк маданиятларнинг тарқалишини тезлаштириш жиҳатидан хайрли, аммо Ўрта Осиё учун қайғулик бир фалокат эди.[506] Рашид Ғолиб нуткини тугатаркан, Закий Валидий Тўғоннинг бу қарашга қўшилмаганини таъкидлаб, ўз фикрларини айтиши учун минбарга даъват этади.

Нима бўлганда ҳам, бутун маданиятлар тарихнинг илк даврларида Ўрта Осиёдан кўчган турклар тарафидан шакллантирилгани ва Анадўлу ва атрофида яратилган этруск, шумер, алом каби маданиятларни ёш Туркия республикасидаги туркларнинг оталарига оид эканлиги борасидаги бу шиширилган тарих дастурига қарши чиққан ягона олим Закий Валидий Тўғон эди. Аслида Тўғоннинг эътирози жуда жўн бир нуқтада эди. Яъни, Тўғоннинг фикрича, ўша даврлардаги Ўрта Осиёда, иддао қилинаётгани каби қурғоқчилик юз бермаган, ундан олдинги замонларда бўлгандир балки. Кўрсатилган даврларда Ўрта Осиё аҳолиси озаймаган, аксинча, жиддий миқёсда ортиб борган. Тарихдан маълум даврлардан эътиборан иқлимдаги ўзгаришлар билан бирга, жамиятдаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий сабаблар ҳам кўчишларни келтириб чиқарган. Аммо улар бу тарих дастурида айтилгани қадар бўлмаган. Туркларнинг Анадўлуга йўналган кўчишлари ҳам асосан Ўрта Осиёда мўғуллар ҳокимиятининг ҳукмронлиги йилларига, яъни ўн биринчи асрларга тўғри келади, дейиш мумкин.[507]

Закий Валидийдинг бу журъатли қарашлари расмий тарих дастурини ер билан битта қилиб юборганди. Тўғоннинг фикрлари қабул қилинган тақдирда, дунёдаги илғор маданиятнинг турклар тарафидан яратилганини ҳам, шунингдек, шумер ва этруск маданиятларининг Анадўлу туркларининг оталарига оидлигини ҳам исботлаб бўлмасди. Ҳар ҳолда, бу баҳсли қурултой икки кунга чўзилди, унда доктор Рашид Ғолиб Закий Валидийни қаттиқ танқид қилди. Ундан кейин Закий Валидийнинг эски рақибларидан Садри Мақсудий Арсал сўзга чиқиб, қурғоқчилик туфайли қумлар остида қолган шаҳарлар мавзусини кун тартибига қўйиб, Валидийга қаратилган танқидни давом эттирди. Аммо Закий Валидий ўз қарашидан бир одим ҳам ортга чекинмади, фикрларини қатъий муҳофаза қилди. Ҳукумат расмий тарих дастурининг бош ҳимоячиси мақомидаги шахс ва қурултой қатнашчилари тўла қўллаб турган доктор Рашид Ғолиб бу вазият қаршисида эсанкираб қолмади, балки баҳсни бир оз сиёсий-мафкуравий томонга буриб, бундайин фикрдаги Закий Валидийнинг

[506] Юқоридаги манба, 148 б.
[507] Юқоридаги манба, 174-175 б.

университетда дарс бериши мантиқлими, дея ҳужум қилди. Сўзининг охирида Рашид Ғолиб шундай деди:

> “Дўстлар, таассуф-ла шуни ифода этишни истардимки, Закий Валидий бей дарс берадиган дорилфунундаги бир талаба бўлмаганимга шукр қиляпман. Биз ўз болаларимизни келажак учун, буюк мамлакатимиздаги ишлар учун тайёрлар эканмиз, ҳар бирини кўз қарағимиздай асраётган бу ёшларнинг мана шунақа аслдан ва асосдан маҳрум, энг ибтидоий ҳисоб-китобу мантиқдан узоқ қарашлар билан онгларининг бузилишига, фикрларининг оқсоқланишига асло тинч қараб туролмаймиз. Туркия жумҳурияти дорилфунунидаги муаллимлик минбари бу қадар енгил-елпи гаплар ва бу қадар бузуқ усуллар билан ишғол этиладиган қийматсиз бир мақом ва мавқе эмасдир (шиддатли ва давомли олқишлар).”[508]

Закий Валидийга қаратилган танқид тўпини ўқлаган бу чиқишдан кейин сўз олган Садри Масудий Арсал ҳам ўз танқидий фикрларини юқоридаги руҳда якунлаб, жумладан, шундай деди:

> “Закий Валидий бей жойлашган ерлари маълум дея даъво қилган ўша шаҳарлардан бирортасининг ҳам асл ўрни ҳали аниқланмаган. Закий Валидий бейнинг бу борадаги барча фикрлари асоссиздир... Унинг танқидий қарашлари илмий бир масалани равшан бўлишига хизмат қилишга эмас, балки бошқа бир ғояни илгари суришга қаратилгани ошкордир.”[509]

Яна бир нотиқ, Турк тарих жамияти аъзоси Шамсиддин Кунолтой ҳам танқидни давом эттирди. Шамсиддин бей сўзида, жумладан, Закий Валидий Тўғон билан Садри Мақсудий Арсал ўртасидаги тортишмаларни тингларкан, бу икки шахс орасида баҳсда Русиядаги давлат тўнтаришидан олдинроқ ўтказилган умум Русия мусулмонлари қурултойидаги воқеалар эслганини таъкидлаб, улар ўша пайтларда ҳам турклик ғояси йўлида ишлаганларини айтди. Бу анжуманда Садри Мақсудий етакчилигидаги гуруҳлар Эдил-Ўрол татарлари учун рус империясидан тупроқсиз (ҳудудсиз) бир маданий мухторият талаб қиларкан, Закий Валидий бошлиқ гуруҳ ва дўстлари империядан тупроқли (ҳудудли) мухторият берилишини истаган эдилар. Аслида, чегаралари ва аниқ моҳияти бўлмаган бир маданий мухториятдан кўра ери ва чегараларига, бошқарув тизимига эга мухториятни талаб қилган Закий Валидий ва сафдошларининг ҳаракати ўша замон нуқтаи назаридан янада ҳаётий ва мантиқли эди. Бироқ, Шамсиддин Кунолтой ва бошқа қурултой аҳли бу ҳақиқатни англай оладиган савияда эмасди. Кунолтойнинг танқиди ҳам бир неча йиллар олдин Садри Мақсудий бошлиқ гуруҳ, Эдил-Ўрол зиёлиларининг тупроқли-ерли мухторият талаб

[508] Ўша манба, 389 б.
[509] Ўша манба, 397 б.

этган Закий Валидий тўдасига нисбатан қўйган айбларни такрорлашдан иборат бўлди. У, жумладан, қуйидаги фикрларни билдирди:

> “Фақат Закий Валидий бей Уфа қурултойида турк номи остидаги турк бирлигининг шаклланишига биринчи даражада қаршилик кўрсатганди, бошқирдларни турк жамоасидан айирганди (“уят-э”, “шармандалик” деган овозлар)... Ҳайронман, Закий Валидий бей бу қурултойда ҳам ўша ролни ўйнамоқчимилар ё?! Аммо, амин бўлсинларким, бу қурултойда тўпланганларнинг димоғларида миллият ўти ловиллаб турибди. Бу ўт қаршисида ҳар қанақа ғайрат, ҳар қанақа ташаббус эриб, йўқ бўлишга маҳкумдир (давомли ва шиддатли олқишлар).”[510]

Бу ҳодисалардан кейин Закий Валидий Тўғон учун дорилфунундаги ишини давом эттириш имкони қолмагандай кўринарди. Туркия давлатининг расмий тарих дастурига қарши чиқиши уни нафақат илмий доираларда, балки сиёсий муҳитда ҳам исталмаган одамга айлантириб қўйганди. Бунинг устига, илмий давраларда қурултойнинг баъзи мажлисларида шахсан Отатуркнинг ўзи қатнашганлиги ва Валидийнинг фикрлари унга ёқмагани ҳақидаги шов-шувлар ҳам кенг тарқалганди. Бунинг устига, ҳали қурултой тугамасдан туриб, 8 июл куни, Закий Валидий бир телеграмма юбориб, Истанбул университетидаги ишидан истеъфо этганини билдирди. Қисқа бир вақт ўтмасдан, докторлик ишини ёқлайман дея Венадаги дорилфунунга жўнаб кетди. Тўғон Венада докторлик ишини ҳимоя қилди, сўнгра Олмонияда Бўн ва Гуттингем университетларида хизмат қилди. Туркияга Отатурк вафот этганидан кейин, 1939 йилда қайтиб келди.

Орадан ўтган йиллар ичида Турк тарих жамияти тарафидан кун тартибига қўйилган расмий тарих дастури шиширилган ва ортиқча даъволарга тўла бўлганлиги сабабли секин-секин эътибордан қола бошлади ва охири ўтмишнинг унутилиш ғаладонларига ташланиб, эсдан ҳам чиқди. Замон Закий Валидийнинг ҳақли эканлигини кўрсатди. Афсуски, бир неча жиддий мақомдаги олимлар ҳам ўша пайтларда бу шиширилган расмий тарих дастурига ичларида мухолиф бўланларига қарамасдан, давр тақозосига кўра, қарши фикрларини билдириб, товушларини чиқармагандилар. Баъзилари эса, бу сафсаталарга ишонмаганлари ҳолда уни қўллаган эдилар. Масалан, улардан бири ва қурултой давомида бу расмий дастурга қарши чиқади дея умид қилинган атоқли олим Муҳаммад Фуод Кўприли ҳам, Истанбулга қайтганида, нега дастурга қарши фикрингни айтмадинг, дея сўраганларида, “Э, нима қилай, менинг уйим тошбақага ўхшаб сиртимда эмас-ку” дея жавоб берган экан.[511] Зотан, Валидийнинг талабаларидан бири, тарихчи олим Тунжэр Бойқоранинг айтишича, ўша замондаги тарихчилар Отатурк ҳузурида унга ёқадиган фикрларни эмас, балки тарихий ҳақиқатларни

[510] Ўша манба, 400 б.
[511] Baykara, *Zeki Velidi Togan*, s. 23

сўзласаларди, буюк Отатурк ҳам, албаттаки, тезда қировдай эриб кетадиган гаплар ҳам киритилган расмий дастурни маъқул кўрмаган бўларди.

ТМБНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН СИЁСАТИ ВА ЯПОНИЯ БИЛАН АЛОҚАЛАР

1930 йиллар бошлари дунё миқёсида юз берадиган катта ўзгаришларнинг бошланғич нуқталари, ишоралари ўртага чиққан саналар эди. Хусусан, 1931 йил сентябрида бошланган чин-япон уруши ва сўнгра Хитой шимолида Манчжурия давлатининг қурилиши Осиё мувозанатини бузиб юборди. Бу ҳодисалар билан баробар 1931 йил февралида Шарқий Туркистоннинг Қумул вилоятида чин мустамлакасига қарши Хўжаниёз ҳожи ва Солиҳ дарға бошчилигида қўзғолон бошланди. Исён қисқа вақт ичида атрофга кенг ёйилди ва бош волий Чин Шу-Жан (Chin Shu-Jen) бошқарув идорасини довдиратиб қўйди.[512] Шарқий Туркистоннинг чин мустамлакасидан озод бўлиши бош масалага айланганди. Шарқий туркистонликларнинг бу кураши Япония ва бошқа алоқадор дунё давлатлари томонидан ҳам диққат билан кузатилаётганди.

Япония 1900 йиллар бошларидан эътиборан Осиёдаги сиёсий мувозанатга энг кучли таъсир қиладиган давлат бўлиб қолганди. Русларнинг енгилиши билан тугаган 1904 йилдаги япон-рус уруши Русияни конституцион тузумга ўтишга элтган бўлса, Японияга жаҳоний давлат даражасига кўтарилиш йўлини очди. Бу ғалаба айни пайтда бир шарқ ўлкасининг саноатлашган катта бир ғарб давлатини енга олишининг исботи жиҳатидан ҳам жуда аҳамиятли эди. Русияда давлат тўнтариши бошланаркан, Япония Сибирга қўшин ташлади, оқ руслар билан қизиллар ўртасидаги жангларда оқларга ёрдам этди. Юз берган бу ҳодисалар руслар асоратидаги мазлум турк халқлари ичида Японияга нисбатан катта хайрихоҳлик уйғотди, уларнинг мустақиллик курашларида бошчилик қилган баъзи етакчилари японлар билан муносабат ҳам ўрнатди.

Орадан 14 йил ўтиб, Япония Манчжурияни ишғол қилиб, Чиндан ўзининг кучли эканлигини кўрсатиб қўйди. Хитой ичидаги бу ўзгаришлар Шарқий Туркистондаги мазлумларга ҳам ҳуррият умидини берди. Бир томондан қараганда, мустақил Шарқий Туркистон пайдо бўлса, бу совет мустамалакасига айланган Ғарбий Туркистон республикалари учун ҳам жиддий бир таянч саналарди. Япония ва Русия ўртасида чиқажак янги уруш эса Туркистон манфаати нуқтаи назаридан умидбахш ҳодисаларнинг бошланғичи бўларди.

[512] Alptekin, *Doğu Türkistan Davası*, s. 154

Ана шу тушунчалар ТМБ раҳбарлари фикрини банд этганди. ТМБ раиси Усмон Хўжаўғли бир мактубида Манчжуриядаги воқеаларнинг умидбахш эканлигини таъкидлагани ҳолда, агарда рус-япон уруши бошланиб қолса, нималар қилиш лозимлиги борасида ўз ўйларини айтиб, Мустафо Чўқайнинг фикрини ҳам сўраган.[513] Мустафо Чўқай унга шундай жавобни йўллаган:

> "Ўртага қўйганингиз саволлар ҳақиқатан ҳам аҳамиятлидир... Руслар билан японлар орасида уруш чиқармикин, дея сўрамоқдасиз... Менимча, японларнинг бош муаммолари Америка қўшма штатлари билан ораларида чиқиши мумкин бўлган бир урушдир... Бу вазиятда Русия қайси тарафга ўтса, ўша ғалаба қозонади. Ўйлашимча, рус-япон уруши юз бермайди... Мабодо бу уруш бошланиб қолса, унда биз нима қилишимиз керак? Биз учун бирдан бир тўғри йўл истиқлолчилар жабҳасини уюштириш ва русларга қарши жанг қилишдир."[514]

Хуллас, ТМБ аъзолари Шарқий Туркистон билан боғлиқ курашда Япониянинг ёрдамига таяниш керак, деган фикрга келиб қолишганди. Вазият ҳар тарафлама муҳокама этилиб, ниҳоят, 1932 йил октябрда ТМБ номидан бир баёнот тайёрланди ва Япония ҳукуматига юборилди. Бу меморандумда япон миллатининг фазилату ютуқлари тилга олиниб, турк-япон миллатлари орасидаги яқинлик ҳам таъкидланган. Кейин 1905 йилдаги рус-япон урушининг Туркистонга таъсири тушунтирилиб, 1917 йилдаги давлат тўнтаришидан сўнгра Туркистонда юзага келган сиёсий ҳодисалар қисқача баён этилган. Бир пайтлар, яъни 1920 йил кўкламида Туркистонда қурилган миллий ташкилотнинг Садриддинхон ва Каримўғли Орифбекларни бир ҳайъат сифатида Японiядан ёрдам олиш мақсадида Токиога юборгани, аммо бу ҳайъат чегарага етмасдан русларнинг қўлига тушиб қолгани ҳам айтилган.* Туркистондаги миллий мужодаланинг муваффақиятсиз якунланиши натижасида Туркистон миллий бирлик ҳаракатининг хорижда фаолият юритаётгани бир-бир англатилиб, ТМБнинг Шарқий Туркистон масаласида ўзига хос қарашлари ҳам очиқ айтилган. Баёнотнинг охирида ТМБнинг режалари ва истаклари ифодаланиб, жумладан, шу фикрлар ёзилган:

> "Туркистон миллий бирлиги маркази Шарқий Туркистон масаласи билан шуғулланаркан, асосан у ўлкани ўрганишга, миллий-маърифий жиҳатларини англаш хусусида иш олиб борди. Чинликларга қарши сиёсий жабҳада эса, фақат назарий ва пассив вазиятда эди. Аммо 1931 йил сентябрида Манчжурияда бошланган япон-чин уруши ва натижада ўша йили мустақил Манчу-ку номли давлатнинг қурилиши жараёни

---

[513] Усмон Хўжаўғлининг Мустафо Чўқайга 1933 йил 4 апрелда ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

[514] Мустафо Чўқайнинг Усмон Хўжаўғлига 1932 йил 14 апрелда ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

* Бу воқеа, тақризчимиз С. Аҳмадга кўра, 1921 йилда бўлган; Садриддинхон томонидан Ориф Каримий ва Юсуф Қурбон японлардан кўмак исташ учун Шарқий Туркистонга юборилган -тарж.

ТМБнинг Шарқий Туркистонга оид қарашларини ҳам ўзгартирди. ТМБнинг эндиги нуқтаи назарига кўра, Чин мамлакатидаги бугунги алғов-далғовлар ва бошбошдоқлик ҳолати таҳлил этиларкан, бу фурсатдан фойдаланиб, Шарқий Туркистонда истиқлол масаласини ўртага қўйиш, имконлар ахтариш ва мустақил бир давлат яратиш мумкин деган фикрга келинди. Фақат ўзимизнинг аччиқ тажрибаларимизга суяниб шуни айтамизки, яратиладиган мустақил давлатни сақлаб қолиш, яшатиш масаласида иттифоқчи дўст давлатларга эҳтиёж туғилади. Худди шу маънода ТМБ маркази ирқан қардош бўлган асил-асолатли Япон миллатига ва шавкатли Япон давлатига Шарқий Туркистон масаласида яқиндан алоқа кўрсатиб, ёрдам қўлини чўзишдан орқада қолмаслигини умид қилади. ТМБ маркази ўз фаолиятларини ҳозирча қуйидаги икки моддага боғлиқ ҳолда юритмоқчи:

1. Шарқий Туркистонда ҳали экилган уруғ ҳолатида бўлган миллий ва сиёсий истиқлол фикрларини ундириш, ўстириш ва шакллантириш учун бу ўлкага яқин бир ерда сиёсий газета ва брошюралар нашр этиш.

2. Шарқий Туркистоннинг шаҳар ва қасабаларига тарғиботчи ва ташкилотчи одамларни юбориб, истиқлолчи ташкилотларни вужудга келтириш.

Сиз зоти олийларига ушбу баёнот билан бирга Шарқий Туркистонга доир жуғрофий, тарихий, иқтисодий ва бугунги сиёсий вазиятига умумий бир боқиш ва қисқача хулосадан иборат рисолани ҳам Туркистон миллий бирлиги маркази номидан тақдим айларкан, шараф туйганимизни арзи ҳурмат ила изҳор этамиз.

1932 ташриниссоний (ноябр), Истанбул. Туркистон миллий бирлиги маркази раиси Усмон Хўжаўғлива котиби Мажидиддин Далил.” [515]

Япония ҳукумати бошида бу баёнотга оид ҳеч бир муносабат билдирмади. Фақат 1935 йил охирларида, Пўлшанинг ҳам бу масалага аралашуви натижасида, Япония Прометей ҳаракати ва ТМБ билан алоқа қила бошлаган.

АНГЛИЯ БИЛАН МУНОСАБАТ

ТМБ Шарқий Туркистон масаласини “Ёш Туркистон”даги мақолаларда, Туркистон турк ёшлар уюшмаси томонидан ўтказилган йиғинларда ва Мустафо Чўқайнинг маърузалари билан Лўндўнда, Париж ва Варшавада ўтказилган конференцияларда Оврупога танитишга интилди. Япония ҳукуматидан ёрдам масаласида бир жавоб келмагач, ТМБ энди умид нигоҳини Англияга қаратди. ТМБ раҳбариятининг бир-бирларига ёзган хатлари воситасида ўша йилларда бу мавзуга боғланган

[515] ТМБ тарафидан Япония ҳукуматига юборилган баёнот (Аҳат Андижон архиви).

ҳодисаларнинг қандай шаклланганини англаш мумкин деб ўйлаймиз. Бу хатлар воқеалардаги нозик нуқталарни англашда ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Туркистон миллий бирлиги раиси Усмон Хўжаўғли Мустафо Чўқайга бир мактубида шуларни ёзмоқда:

> “Икки-уч санадан бери давом этган япон-чин уруши чин мустамлакаси остида эзилган ўлкаларни ҳаракатга келтириб юборди. Манчжуриядаги манчулар, мўғуллар ва дунганларнинг[516] урушда японлар тарафида жанг қилгани маълум. Шарқий Туркистонда ҳам қимирлашлар бор... Биноаналайх, ТМБ икки-уч санадан бери Шарқий Туркистон масаласи билан шуғулланиб, энди аниқ бир фикрга келди. Шарқий Туркистонда мустақил бир давлат яратиш имконлари кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Шарқий Туркистон аҳлининг ягона умид-орзулари Ғарбий Туркистон зиёлиларидан бу йўлда фойдаланмоқдир. Ғарбий Туркистон мунавварлари демак ТМБ демакдир. ТМБ бугунда идеал Туркистоннинг муҳим йўналтирувчи мафкуравий кучи ва сиёсий ҳаракатлари эшиги бўлиб хизмат қилиш вазиятидадир...
>
> Мустафо бек,
>
> Шарқий Туркистоннинг бугун тўрт қўшниси бор... Чин Шарқий Туркистон истиқлоли устида чурик бир минорадай босиб турибди... Русиядаги вазият маълум... Афғонистонда эса, афсуски, Шарқий Туркистон масаласига алоқадор бирор куч-қувват йўқдир. Бу ёқда энди фақат Ҳиндистон-Англия қолмоқда. Унда бу ишга алоқадор куч-қудрат бор. Ҳиндистон йўлини очмоқ вазифасини, қардошим Мустафо бек, ТМБ сизнинг зиммангизга юклаган эди... Қардошимиз Мажидиддин бек Варшавага, зотан, сиз билан кўришмоқ ва ТМБ қарорларини сизга билдирмоқ учун кетди.”[517]

Шундай қилиб, ТМБ раҳбарияти Англияга мурожаат этиб, омадларини синаб кўришга қарор бергандилар. Аслида Англия ҳукумати анчадан бери Шарқий Туркистондаги вазиятни яқиндан кузатмоқда эди. Ҳатто 1860 йилларда Ёқуббек оталиқ томонидан қурилган мустақил Шарқий Туркистон давлати билан ҳам Англия ўртасида муносабат ўрнатилганди. Ўша пайтда Усмонлилар салтанати билан ҳам алоқа қилишга интилган Ёқуббек 1873 йилда Сайид Ёқубхон тўра деган бир одамини Истанбулга юборган. Сайид Ёқубхон тўра Ҳиндистондан ўтар чоғида Англия империяси билан Шарқий Туркистон ўртасида муносабатларни шакллантириш борасида керакли мақомлар билан кенгашиб кўрган. Кейинчалик Истанбулга етиб келган Сайид Ёқубхон тўра 1873 йилнинг 16 июнида Султон Абдулазиз томонидан қабул қилинди. Бу учрашувда Султон Абдулазиз Ёқуббек оталиққа қимматбаҳо тошлар билан безатилган нишони усмоний билан бирга амирлик унвони ҳақидаги туғрони юборди. Усмонлилар подшоҳи яна Шарқий Туркистон

[516] Мусулмон чинликларга берилган от.
[517] Усмон Хўжаўғлининг 1933 йил 2 майда Мустафо Чўқайга ёзган хати (Аҳат Андижон архиви).

қўшинини ўқитиш учун тўрт зобитни жўнатишга ҳам фармон берди. Бу аскарий ҳайъат бутун керакли нарсалар билан таъминланди. Бу ҳайъатга олтита тўп, бир минг икки юзта милтиқни Шарқий Туркистонга элтиш вазифаси юклатилди.[518] Сайидхон тўра Туркиядан қайтаркан, Ҳиндистондан инглиз дипломатларини ҳам ёнига олиб, Қашқарга етиб келди. Усмонли подшоҳининг туғроси ва амир унвонини олиб, Ёқуббек оталиқ ўзини султон ҳалифага боғлиқ амир деб эълон этди ва ҳалифа номидан хутба ўқиттириб, алоҳида ақча бостирди.

Шу воқеадан бир йил ўтиб, Ёқубхон ҳукумати билан Англия империяси ўртасида савдо битими имзоланди. 1876 йилдан Чин ҳукуматининг бу давлатга қарши босқиси ортаркан, Британиянинг Пекиндаги элчиси жаноб Тўмас Ваде 1877 йил 24 январда ўз ҳукуматининг Шарқий Туркистон билан Чин давлати ўртасида воситачилик қилиши мумкинлиги ҳақида таклифини берди. Афсуски, бу таклиф Ҳиндистон бош волийлиги тарафидан рад этилди. Ёқубхон ташкил этган мустақил давлатининг яшаб қолиши учун Британия давлати билан муносабат ўрнатилиши зарурлигини яхши биларди. Шу туфайли, Ҳиндистон бош волийлигининг қаршилигига ҳам қарамасдан, Ёқубхон Лўндўнга бир элчи юборишга қарор қилди. Элчиликка яна Сайид Ёқубхон тўрани тайинлади. Сайид Ёқубхон тўра 1877 йил бошларида Лўндўнга кетди. Британия қироличасига Ёқубхоннинг мактубини тақдим этди ва инглиз ҳукумати билан музокараларида Шарқий Туркистонга ёрдам масаласини ўртага қўйди.[519] Фақат айни йилнинг май ойларида Ёқубхон оталиқ вафот этиб қолди. Бу ҳодисадан бир неча ой сўнгра маркази Қашқарда бўлган бу мустақил давлатнинг умри битди ва чинликлар Шарқий Туркистонни бутунлай ишғол этдилар. Ана шу чоғда Сайид Ёқубхон тўра Овруподан Шарқий Туркистонга қайтди. Ўлкадаги алғов-далғовлар сабабли болаларини Туркияга юборди. Ўғли Ёқубхонзода Измирга жойлашди. Сайид Ёқубхон тўранинг ўзи 1900 йилда Шарқий Туркистонда вафот этди.

ТМБ етакчилари Туркиядан ана шу Сайид Ёқубхон тўранинг ўғли Ёқубхонзодани топдилар ва уни Шарқий Туркистонда бажарилиши керак бўлган ишни ўз зиммасига олишга кўндирдилар. ТМБ марказида кенгашилиб, аввал япон ҳукуматига топширилган меморандумга ўхшаш бир баёнот тайёрланди. Бундан ташқари, Ёқубхонзоданинг имзоси билан Англия қиролига юбориладиган бир мактуб ҳам битилди. Ўша хатда Ёқубхонзоданинг отаси Сайид Ёқубхон тўранинг Англия қироличаси ва Ҳиндистон императори Виктория замонида Ҳиндистон волийси билан Шарқий Туркистон ҳукмдори оталиқ Ёқуббек орасида сиёсий алоқалар боғланганини ва Виктория тарафидан қабул этилиб, унинг катта бир

[518] M. Saray, *Rus İşgali Devrinde Osmanlı Devleti İle Türkistan Hanlıkları Arasındaki Siyasi Münasebetler*, s.110
[519] Hayit, *Türkistan Rusya İle Çin Arasında*, s. 146

нишон билан тақдирлангани таъкидланмоқда. Мактубининг давомида Шарқий Туркистондаги ҳодисалар тилга олиниб, жумладан, Ёқубхонзода шу фикрларни билдирган:

> “Шарқий Туркистонда сулҳ ва тинчликнинг пойдор бўлиши бу ўлкада фақат бир марказий ҳукумат қурилсагина юзага чиқади деб ўйлайман. Шукрлар бўлсинки, ёнимда камолга етган ўғлим Низомиддин бор. Давлат соҳасида билимга эга. Мамлакатдан хорижда етишган ёшларимиз ҳам бор.
>
> Зоти олийларидан инсонгарчилик ва қўшничилик номидан арзи ҳол этиб сўрайманки, сизнинг даврингизда давлатларимиз орасидаги аввалги сиёсий яқинлигимизни жонлантирсак, Шарқий Туркистон халқига инглиз миллатининг ёрдам қўлларини чўзишига далолат ва ҳидоят айласалар деймиз. Яна бир илтимосим шуки, менинг ўғлим Низомиддиннинг ягона орзуси Шарқий Туркистонга бориб хизмат қилмоқдир, бу хусусда бизларга кўмак кўрсатишингизни ҳам алоҳида сўраб қоламан.”[520]

ТМБ марказий қўмитасида ўқилиб, маъқулланган бу мактуб олдинроқ Англияга юбориш учун тайёрланган меморандум билан бирга инглиз ҳукуматига жўнатилди. Биров бу даврга келиб Ҳиндистон чегараларида чиққан жиддий муаммоларни ҳал этишга қийналаётган Англия, дейликки, бу минтақадаги вазиятини янада оғирлаштиришга олиб борадиган ишга – Шарқий Туркистон масаласига асло қўл уролмасди. Бундай қилиши мумкин ҳам эмасди. Шу туфайли бу баёнот ва мактубга жавоб берилмади.

МАЖИДИДДИН ДАЛИЛ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДА

Шарқий Туркистонда истиқлол ҳаракатларини ташкил этиш йўналишида Япония ва Англия ҳукуматларига боғланган умидлар пучга чиққанидан кейин ТМБ яна бир бор Пўлша ҳукуматига мурожаат этди. ТМБ бош котиби Мажидиддин Далил ва жамиятнинг Оврупо вакили Мустафо Чўқай Варшавада учрашдилар, биргаликда Пўлша хорижия вазирлигининг шарқ ишлари бўлимидаги ва Прометей ҳаракати марказидаги масъул кишилар билан учрашиб суҳбатлашдилар ва ТМБнинг Шарқий Туркистонга оид режаларини уларга тушунтирдилар. Аммо Пўлша ҳукумати ва Прометей ҳаракатининг асосий мақсади советлар билан мужодала ҳисобланган боис, улар советларга

[520] Ёқубхонзода Мустафонинг 1933 йил 28 августда ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).



Мажидиддин Далил Шарқий Туркистонда. Қашқар, 1937

тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаган Шарқий Туркистон масаласига кўз учида қарашди. Қисқаси, Лахистон давлати ҳам, Прометей ҳаракати ҳам бу соҳада ТМБга ёрдам бермади. Энди бирдан-бир йўл қолганди. Хуллас, ТМБ бу масалада ўз имконларига қараб ҳаракат қилишга қарор берди. Марказий қўмитанинг бу масалага бағишланган мажлисида бош котиб Мажидиддин Далил Шарқий Туркистонга юборилсин, у ўлкада истиқлол йўналишида фаолиятга киришсин, дея қарор қабул қилинди. Келажакда, агарда вазият тақозо этса, бошқа аъзолар ҳам Шарқий Туркистонга кетиб, ҳаракатда қатнашади дея келишилди.

Мажидиддин Далил 1933 йилнинг сентябр ойида Истанбулдан Ҳиндистонга қараб йўналди. Саёҳатдан мақсадини бошқалардан беркитиш учун, Истанбулдан чиқишдан аввал, “Оқшом” газетасининг мухбири деган ҳужжат олди. Шундай қилиб, бир журналист сифатида Ҳиндистон йўлини тутди. 1934 йил бошларида Пешовар йўли орқали Шарқий Туркистонга етиб келди. Бироқ Қашқарга боргандан бир муддат ўтиб, дунганлар томонидан қўлига туширилиб, ҳибс этилди. Шарқий Туркистондаги атоқли генерал Маҳмуд Муҳитийнинг Қашқарни забт этгунига қадар қамоқда ётди. Озод бўлгач, Мажидиддин Далил уч йил давомида генерал Муҳитийнинг ёнида ишлади. Айни пайтда Қашқардаги баъзи мактабларда маорифни ривожлантириш борасида фаолият ҳам кўрсатди.

Айни чоғда Шарқий Туркистон турклари ҳам истиқлол йўлида жиддий одимлар отишга эришдилар. Хўжаниёз ҳожи раҳбарлигида тузилган қўзғолон қўмитаси ва муваққат ҳукумат бир мунча муваффақиятлар қозониб, ўлканинг бир қисмида ҳокимиятларини ўрнатишди. 1933 йилда Шарқий Туркистон турк-ислом жумҳурияти эълон этилди. Хўжаниёз ҳожи давлат бошлиғи, Собит домла бош вазир, Муҳаммад Қосим ҳожи эса ташқи ишлар вазири этиб тайинланди. Афсуски, бу ҳукумат дунганлар қўшини, Чин ҳукумати ва Русиядан иборат уч душманга қарши курашишга мажбур бўлиб қолди. Натижада, қисқа вақт мобайнида дунганлар Қашқар шаҳрини босиб олди. Бунинг устига, совет Русияси тарафидан қўллаб турилган коммунист Чин давлати волийси Шанг дунганлар билан урушиб уларни енгди ва Шарқий Туркистон ҳукуматини ағдариш учун қаттиқ жангларга киришди. Айни пайтда Шарқий Туркистон ҳукумати раиси ва аъзолари ўртасида Русия билан ҳамкорлик яхшими ёки Чин биланми, деган масалада зиддият чиқди. Охир-оқибатда ҳукумат аъзолари Чин волийси Шанг аскарлари томонидан қўлга туширилиб, қатл этилдилар. Шундай қилиб, Шарқий Туркистон турк-ислом жумҳурияти тугатилди. Аммо Шарқий Туркистон аҳли истиқлол курашидан чекинмадилар. 1937 йилда Абдиниёз раҳбарлигида яна бир қўзғолон кўтарилди. Қашқар миллий кучлар қўлига ўтиши биланоқ Қансу вилоятида ҳам катта исён бошланди ва бу икки истиқлолчи жабҳа бирлашди. Фақат совет ишғолчилари яна Шарқий Туркистон ҳаётига аралашиб, зирҳли қўшинлари билан бостириб кирди, 1938 йил охирларига бориб оёқланмалар бостирилди. Ўн мингларча туркистонлик ўлдирилди, ўн мингларчаси асир олиниб, ҳибсга отилди.[521]

Бундан кейин Шарқий Туркистон мужодаласининг муваффақиятга эришолмаслигига кўзи етган Мажидиддин Далил 1937 йил апрел ойида Ҳиндистон йўли билан Туркияга қайтиб келди.

ТУРКИЯДА МУҲОЖИР ТУРК ЖУРНАЛЛАРИНИНГ ТАЪҚИҚЛАНИШИ

1934 йили Туркияга келиб жойлашган совет муҳожирлари учун қоронғилик санасига айланди. Чунки Совет социалистик республикалар иттифоқи давлати Бирлашган миллатлар ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Бу ҳодисадан бир ойча кейин эса муҳожир туркларни довдиратиб қўйган яна бир воқеа юз берди. Туркия жумҳурияти ҳукуматининг қарорига кўра, Туркистон миллий бирлигининг органи “Ёш Туркистон”, Озарбайжон

[521] Бу мавзуда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: İsa Yusuf Alptekin. *Doğu Türkistan Davası.* Mehmet Emin Buğra. *Doğu Türkistan`ın Hürriyet Davası ve Çin Siyaseti.* Andrew Forbes. *Doğu Türkistan`da Harp Beyleri* (çev. Enver Can). Baymırza Hayit. *Türkistan Devletlerinin Millî Mücadeleleri Tarihi.*

миллий ташкилоти нашри “Истиқлол” журналларини Туркияга олиб кириш таъқиқланди.[522] “Миллият” газетасида босилган бир хабарда бу ҳодиса “Ҳукуматимиз билан совет рус ҳукуматининг муносабатларига қарши йўлдаги ёзувлар борлиги муносабати билан “Ёш Туркистон” мажмуасининг юртга киритилиши вазирлар маҳккамаси қарори билан таъқиқланади” дея ифодаланган.[523] Давлатнинг энг эътиборли расмий нашри ҳисобланган “Жумҳурият” газетасида бу хабар “Ёш Туркистон” журналининг турк-рус муносабатларига ҳалал бераётгани аниқланди ва юртга киритилиши маън этилди” тарзида босилган.

Муҳожиротдаги турк халқлари миллий марказларининг Туркияда ва бошқа шарқ ўлкаларида юритаётган сиёсий фаолиятларини умуман тўхтатиб ва фалажлантириб қўйган бу таъқиқ қарори сабабларининг энг муҳими, бизнингча, совет давлатининг Бирлашган миллатлар ташкилотига аъзо қилиб олиниши ва эндиликда советларнинг Туркияга нисбатан сиёсатида ўзгариш эҳтимолининг туғилиши бўлса керак. Бу вазиятда муҳожир турк халқларининг матбуоти сиёсатга катта таъсир кўрсатиши шубҳасиз эди.

Русия 1934 йил бошларида имзолаган Болқон битими муҳокамалари пайтида Туркияга қарши жиддий фитна-фасодлар қўзғаб, кераксиз жойда ғавғолар чиқарган ва кейин ҳам Туркияга нисбатан зуғум сиёсатини давом эттирганди. Бу битим туфайли Туркия кўнган ва ўз зиммасига олган шартлар эндиликдан Отатуркни ҳам ўйлантираётганди. Ўша кунларгача мустақил сиёсат юритган Туркия илк дафъа кўптарафлама битим тузиш тарафдори сифатида майдонга тушди.[524] Русия эса бу пайтда Туркия ҳукуматига яқин воситачилар орқали давлатнинг ғашига тегадиган баъзи мишмишларни тарқатмоқдайди. Совет аъёнларидан Қорахон бир дафа ёзувчи Фолиҳ Рифқийга ҳатто шундай деганди:

> “Туркия империалистлар билан урушда биз учун ё тўсиқ , ё қўналға вазифасини бажаради. Ҳар қанақа йўлни тутганидан қатъий назар, сўзлар, шахслар ва битимлар бизни ишонтиролмайди. Тузум бирлиги бўлгандагина Туркияга ишонишимиз мумкин.”[525]

Фахриддин пошога Отатурк томонидан Олтой фамилиясининг берилишини пантуркизм ишорати ўлароқ баҳолаган советлар Русияси, хусусан, Туркиянинг муҳожир турк халқлари вакилларига берадиган ёрдамидан қанақа жанжаллар кўтариши шундоғам маълум эди. Бошқа тарафдан қараганда, Оврупода босилаётган муҳожир турк журналлари, жумладан, ҳалиям Туркиянинг совет тузуми ва коммунизм таҳликкаси нималигини етарлича илғай олмаганини айтиб танқид қилишарди.

---

[522] Туркия жумҳурияти вазирлар маҳкамасининг 1934 йил 6 октябрдаги қарори.
[523] “Миллият” газетаси, 1934 йил 7 октябр сони.
[524] Gürün, *Türk Sovyet İlişkileri*, s. 141
[525] Юқоридаги асар, 141 б.

Журналларда босилган мақолалар воситасида русларнинг дўстлиги сохта эканлигини кўрсатишга интилишарди. Масалан, “Ёш Туркистон” журнали совет матбуотидаги Туркия ва камолизмга қаратилган нашрларни таҳлил қилиш орқали Русиянинг Туркияга қарашини мутлақо ўзгармаганини ифодаловчи мақолаларни нашр этганди. Чўқайўғлининг Русия-Туркия алоқалари жуда текис кетаётган пайтларда ёзилган бир мактубидаги қуйидаги фикрлар ҳам, бизнинча, ўша руҳни очиқча кўрсатиб турибди:

> “Менга юборилган “Жумҳурият” газеталарини олдим. Советларнинг ўн беш йиллиги муносабати билан Юнус Нодийнинг ёзганларини ўқидим. Турк қардошларимиз бўлшевизмни Русия ичкарисида қолган миллий бир ҳаракат деб ўйлашяпти ҳар ҳолда... Наҳотки турк қардошларимиз бўлшевикларнинг газета ва мажмуаларини ўқимасалар? Коминтернни билмайдиларми? Коминтерн билан совет ҳукумати ўртасидаги алоқаларни ҳам билмайдиларми?”[526]

Шўро матбуотидаги Туркияга қарши қаратилган ёзувларни ўз саҳифаларида таҳлилга тортган муҳожирларнинг журналлари Туркия ҳукумати нуқтаи назаридан нохуш саналган, раҳбарларга ёқмаган бошқа бир ҳодисани ҳам келтириб чиқараётганди. Яъни, муҳожирлар ўз мақолаларида фақат идеологик мавзуларга асосланган танқидлар билан чегараланиб қолмасдан, айни замонда турк ҳукуматининг тутган ижтимоий, иқтисодий сиёсатидаги нуқсонларни ҳам кўрсатар ва ҳатто, гоҳи-гоҳида Камол Отатурк ва камолизмни ҳам танқид қилиб турарди. Масалан, француз матбуотида Оврупо давлатларидаги айрим нашрларда Туркияни советларнинг думи сифатида талқин қилингани ва Туркиянинг ўз ташқи сиёсатини советларга кўра шакллантираётгани баён этилгани борасида “Ёш Туркистон” ўз фикрини билдираркан, бу ҳол ҳақиқатан ҳам Туркияга нисбатан ҳақсизлик эканини ва Туркиянинг доим ўз манфаатига мувофиқ сиёсат олиб бораётганини таъкидлаган.[527] Шўро давлатида босилган Туркия мавзусидаги икки китоб хусусида баҳс юритилган мақолада эса, совет муаллифларининг турк қишлоқ аҳлининг феодаллар зулми ва оғир солиқлар остида эзилган мазлумлар тарзида кўрсатилгани ва бунинг тўғри эмаслиги қайд этилган.[528] Фақат 1934 йил ичида мана шу мавзуда “Ёш Тукристон”да бешта мақола босилган. Уларнинг муҳожирлар матбуоти воситасида туркияликлар орасида тарқалиши ёки уларга оид хабар бериш 1930 йиллар Туркиясида мумкин эмасди, албатта.

Хуллас, ана шундай ташқи ҳодисалар таъсирида қолган турк ҳукумати муҳожир турк матбуотининг Туркияга киритилишини таъқиқлади ва шу тарзда ўз чегаралари ташқарисидаги турк миллиятчилиги тушунчаси ва ҳаракатлари билан алоқасини узганини

---

[526] Мустафо Чўқай томонидан Мажидиддин Далилга 1932 йил 17 ноябрда ёзилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).

[527] *Je suıs Partout Gazetesi ve Türkiye’nin siyaseti hakkında*’, Yaş Türkistan, 1934, №57, s.21-25

[528] “Туркия ҳақида бўлшевикларнинг икки китоби”. “Ёш Туркистон”, 1934 й. №55, 33-35 б.

очиқ кўрсатмоқни истади. Мустафо Чўқай “Йиқилганга юмруқ” деган мақоласида бу мавзуга боғлиқ қарашларини шундай ифодалаган:

> “Ҳеч кутилмаган бир чоғда, ҳеч умид этиб, ўйлаб-да бўлмайтурган бир ердан кучлук бир зарба еб турамиз. Туркия ҳукуматининг 6 октябр тарихли бир қарори ила “Ёш Туркистон”ни Туркия тупроғига киритмак ясақ этилди. Шубҳасиз, бу қарор-ла юрти билан ўзини боғламиш биргина воситаси “Ёш Туркистон”ни олувдан маҳрум этилган Туркияда яшавчи туркистонликларни эмас, Туркия хорижида яшаб-да Туркияни ўзи учун иккинчи ватан санаб юрган туркистонликларнинг-да юрагинда оғир, аччиқ таъсирлар қолдирмишдир... Биз ҳеч бир замон турк-рус дўстлигини совутмак, ихлол этмак мақсадина берилмадик... Биз қардош Туркияни юртимзни босиб ётган муставлилар *(истилочилар-тарж.)* ила дўст бўлувиндан суюнмадиғимизни-да ҳеч бир замон яширмадик...
>
> Биз рус бўлшевикларининг турк миллий инқилоби ва камолизмга қараши ҳаққинда ёздик. Бу ёздиқларимизда тўғри бўлмаган, ҳақиқатга уймаган бир нарса-да топилмагани каби, бўлшевик манбалари очиқ кўрсатилиб, тасбит этилмаган бир нуқтаси-да йўқтур. Биз ҳеч бир замон турк-рус дўстлуғуну ихлол этишга урунмасдан, ҳатто унга тўқунмасдан турк миллий инқилобини бўлшевик пропагандаси зарариндан қўрушга урундик...
>
> Бизга “бу иш сизнинг ишингиз эмас” демасинлар. Йўқ. У бизнинг-да ишимиз ва миллий манфаатимиздир. Чунки турк миллий инқилобининг ўртаға қўйдуғи миллий қуртулуш, миллий истиқлол ғояси бизнинг-да идеалимиздир... Чора йўқ. Бу оғир, унутилмас зарбани-да қабул этиб, унинг маънавий вужудимизда қолдирдиғи қумқуғ изини, аччиғини-да таҳаммул, сабр-ла ташияжак ва йўлимизда давом этажакмиз.” [529]

Туркия ҳукуматининг бу кутилмаган қарорига қарамасдан, ТМБ жамоатида Туркияга қарши ёмон бир муносабат юзага чиқмаган. Юқорида тилга олинган “Йиқилганга бир тепки” мақоласининг нашр этилиши эса бир қатор норозиликларга сабаб бўлган. Зеро, ТМБ аъзоларининг кўпчилиги, худди “Янги Туркистон” журналининг ёпилгани вақтдагидай индамаслик тарафдори эдилар. Ҳатто бу мақола муаллифи Мустафо Чўқай ҳам кейинчалик бу ишига пушаймон бўлганини бир мактубида шундай ифодалаган экан:

> “Йиқилганга бир тепки” мақоласини босмасак яхши бўларди деган фикрга қўшиламан... Бизнинг душманларимизга дўст бўлди дея биз Туркияга бошқа кўз билан қаролмаймиз... Аммо русларнинг ҳақиқий сиёсатларини уларга англатишда давом этишимиз керак.”[530]

“Янги Туркистон” журналининг беркитилишидан кейин “Ёш Туркистон” журналининг ҳам Туркияга киритилишининг таъқиқланиши,

---

[529] “Ёш Туркистон” журнали, 1934 йил, 60 сони, 6 б.

[530] Мустафо Чўқайнинг 1934 йил 27 ноябрда Ёқуб Элбекка ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

тўғрисини айтганда, ТМБнинг Туркиядаги фаолиятларига жуда қаттиқ таъсир қилди, ҳаракатни деярли тўхталиш нуқтасига элтиб қўйди. ТМБ марказий қўмитасининг энг эътиборли аъзоларидан бири Мажидиддин Далил бу пайтда Шарқий Туркистонда эди. 1929 йилдан буёнга хориж билан алоқалар ўрнатган ва ТМБга боғлиқ барча ишларни уюштириб-қовуштира олган бу инсоннинг ўрнини қоплайдиган одам чиқмаганди. Умумий қурултой тўплаш масаласида ҳам аъзолар ўртасида келишмовчилик мавжуд эди. ТМБнинг яна бир мўътабар аъзоси Мустафо Чўқай шўролар ҳудудидан чиқиб кетганидан кейин ҳам бошқа бирор давлатнинг фуқаролигига ўтмаганди ва Францияда ватансиз мақомида яшаб юрганди. Бундан ташқари, Туркияга киритилиши таъқиқланган бир журналнинг бош муҳаррири сифатида ҳам Туркияда ўтказиладиган қурултойда қатнашиши имконсиз эди. ТМБ раиси Усмон Хўжаўғли билан марказий қўмита орасида давом этаётган келишмовчилик натижасида, аъзолар Мустафо Чўқай қатнаша олмайдиган бир қурултойнинг ўтказилишига қарши эдилар.

Турк ҳукуматининг "Ёш Туркистон" журналига боғлиқ таъқиқ қарори Туркиядаги оддий халқнинг туркистонликлар томонидан қилинаётган ишларга қарашига ва ёрдам масалаларига ҳам манфий таъсир кўрсатди. Бу қарор чиққанидан кейин Туркистон турк ёшлар уюшмасининг бир йиллиги муносабати билан тартибланган тантаналарга, бадиий кечаларга расмий қатнашувнинг озайгани сезилган. Полиция кузатуви бор дея шубҳаланилгани боис ТМБ марказий қўмитаси йиғинлари ҳам онда-сонда ўтказилар ҳолга келди. Бу ҳодисалардан кейин ТМБнинг эндиликда Туркияда фаолият юритолмаслиги аён бўлиб қолганди.

Айни пайтда Озарбайжон миллий ҳаракати ходимлари Туркия ичида яшаётган озари турклари билан алоқа узилиб қолмаслиги учун ҳар қандай йўлга бош уриб кўрмоқда эдилар. Туркияга киритилиши таъқиқланган "Истиқлол" журнали ўрнига улар "Қуртулуш" номли янги бир мажмуа чиқара бошладилар. Бу журналнинг муқоваси ҳар янги сонида Туркия учун алоҳида, бошқа расм ва фарқли номлар билан босиларди. Чиқиши биланоқ руслар ҳар янги сонга раддия билдирарди. Аммо журналнинг ҳар янги сони яна бир бошқа ном билан чоп этилаверди. Ана шу тарзда 1935-1939 йиллар орасида озарбайжонлар тарафидан жудаям кўп номда журнал чиқарилди.[531]

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, мусовотчилар Туркияга журнал киритилишини таъқиқлаган қонунга ҳам чап бера олганлар ва

[531] Бу журналлар "Очиқ сўз", "Қутлуғ ўт", "Ойдин йўл", "Тўғри сўз", "Ҳақиқат", "Ватан саси", "Ватан тилаги", "Миллий оташ", "Миллат онти", "Ясамиз" (қонунимиз), "Илҳом булоғи", "Муқаддас ўтлар ўлкаси", "Ҳақнинг саси", "Тилак", "Ҳақ ва ҳамла" ва бошқа номлар билан нашр этилган. Кенгроқ маълумот учун қаранг: Sebahattin Şimşir. Azerbaycan`ın İstiklal Mücadelesi.

муваффақият билан миллий мужодалани давом эттириб, журналларнинг ҳар бир сонини янги номлар билан чиқариб, Туркиядаги ўқувчиларига тарқатишга эришганлар.[532]

Мана шундай фаолиятни Қафқаз миллий ташкилотлари ҳам бажардилар. “Северний Кавказ” журналининг Туркияга киритилиши таъқиқлангач, улар ҳам озарбайжонлар қўллаган тадбирдан фойдаланиб, журнални чиқаришда давом этдилар ва мажмуанинг ҳар сонини янги номлар билан, турли муаллифлар номини аралаштириб нашр қилдилар ва Туркиядаги муштарийларига етказиб турдилар. [533]

1936 йилни ТМБ ташкилотининг бўшаша бошлаган санаси дейиш мумкин. Шу йил охирларида жамият раиси Усмон Хўжаўғли бирдан Афғонистонга кетишга қарор қилди ва ҳеч кимга индамасдан кетворди. ТМБ марказий қўмитасига билдирмасдан, унинг бирор қарорига таянмасдан туриб бундай саёҳатга йўл олиши жамият ичида тағин баҳс ва зиддият уйғотди. Бу мавзуда бошқа бир бўлимда батафсил тўхталинади.

ТУРКИСТОН ТУРК ЁШЛАР УЮШМАСИДАН ТУРК МАДАНИЯТИ БИРЛИГИГА ЎТИШ

Туркистон турк ёшлар уюшмаси (ТТЁУ) ташкил топган 1927 йилдан эътиборан Туркиядаги туркистонликларнинг ижтимоий ва маданий жиҳатдан ҳамкорликларини, бир-бирларига ёрдамларини уюштириб, уларни қовуштириб, хусусан, талабаларни қўллаб келаётган эди. Энг муҳим, бу ёшлар уюшмаси муҳожиротдаги туркий халқлар ва туркистонликлар масаласини оммага кенг тарғиб этаётган жамият эди.

Айниқса, “Янги Туркистон” журналининг ёптирилиши ва “Ёш Туркистон” журналининг Туркияга киритилиши таъқиқланганидан кейин бу ташкилотнинг ўрни ва аҳамияти янада ортиб кетди. Олдин ҳам таъкидлаганимиздай, ТМБ махфий ташкилот бўлгани сабабли, барча фаолиятларини ана шу ёшлар жамияти воситасида, унинг номидан бажариб келаётганди. Бу ёшлар жамиятининг илк раиси Мажидиддин Далил кейинчалик ТМБнинг бош котиби этиб тайинланганди. ТМБнинг кейинги бошлиғи доктор Солиҳ Исмоил (Эркинқўл)[534] ва 1935 йилда

[532] M. Bala. Azerbaycan muhacirlik matbuatının 30 yıllığı, s. 9.

[533] Қафқазликлар ўз журналларини русча чиқарганлар, айрим номларини келтирамиз: “Путь свободы”, «Борьба», «Знамя народа», «Наша цель», «Будущее», «Национальная мысль», «Вперед», «Наш край», «Голос Родины», «Призыв». Кенгроқ маълумот учун қаранг: Turan. Promethee Hareketinde Kuzey Kafkasya Mültecileri. Kafkas.org.tr

[534] Солиҳ Эркинқўл 1906 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. 1926 йилда Туркияга келган. Ҳарбий тиб соҳасида таълим олган ва хизмат қилган. ТМБ аъзоси бўлган. “Янги Туркистон”га мақолалари билан қатнашган. ТТЁУга ҳам аъзо эди. 1955 йилда Туркия қўшинидаги хизматини тугатиб, нафақага чиқди. Туркистонликлар ёрдамлашма жамиятининг бошлиғи сифатида анча йиллар ишлади. 1974 йил 13 декабрда вафот этди. Ўша пайтда ҳам жамият раиси эди.

жамият раислигига сайланган доктор Аҳмаджон Иброҳим (Ўқой)[535] бир пайтда ТМБ марказий қўмитасига аъзо бўлишганди. Туркистонликларнинг ҳар икки жамиятида ҳам юксак мақомларда хизмат қилаётган бу инсонлар ТМБ ва ёшлар ўртасида гоҳ-гоҳ авж олиб, пасайиб келаётган зиддиятлардан қутулиш мақсадида ТТЁУни Туркистон ижтимоий миллий ўчоғига айлантириш йўлида ҳаракат ҳам қилишди. Аммо бу фикр қонунларга мувофиқ келмаганидан амалга ошмади. "Туркистон миллий ҳаракатлари" китобининг муаллифи Абдулла Ражаб Бойсун жамият фаолияти ҳақида шу маълумотларини беради:

> "Рус истилосига чидамасдан, ватанлари ташқарисида яшашга мажбур бўлган туркистонликлардан Туркияга сиғинган юртдошларига тавозе билан моддий ва маънавий ёрдам қилган бу жамият, хусусан Туркистон ёшларининг таълим ва тарбия олиш ишлари билан қаттиқ машғул бўлди. Бу ташкилот ўтказган ҳафталик, ойлик илмий анжуманлар, бадиий кечалар, очган ўқув курслари боис маориф ва маданият соҳасида жуда катта ғайрат кўрсатдилар... Турли соҳага оид асарларни йиғиб, икки мингдан ортиқ китобга эга бир кутубхонани вужудга келтирди."[536]

Доктор Солиҳ Эркинқўлнинг ғайрати ва ташаббуси туфайли 1933 йилда биринчи жаҳон уруши даврида Чуқурўва вилоятида душманга қарши курашда турклар билан бирга жангларда қатнашган фидойи туркистонликлар хотирасига Тарсус шаҳрида бир хотира обидаси яратилди. Туркистонли клар ва туркияликлар ўртасидаги алоқалар жиҳатидан жуда катта аҳамиятга молик бу ҳодисанинг ўз тарихи бор, албатта.

Маккада ҳаж зиёратини ўтаб, Туркия йўли билан Туркистонга қайтаётган туркистонлик ҳожилар қирқтаси Чуқурўва водийсига келганларида, биринчи жаҳон уруши бошланади ва улар юртга қайтишдан воз кечиб, бари бу ерда қолишади. Усмонлилар урушда енгилганлар сафида бўлгани учун Чуқурова тарафлар дарҳол француз қўшинлари томонидан ишғол қилинди. Халқ босқинчиларга қарши курашга киришди, Туркистонликлар ҳам туркиялик қардошлари билан бирга жанг қилишиб, ёвдан ватанни ҳимоя этишди. Туркистонликлар гуруҳи кейинроқ Қовоқлихон жабҳаси қўмондони Закий Болталига мурожаат қилдилар ва расман турк ўрдусига олиндилар. Ҳусни Суллунинг қўмондонлиги остида жангларга қатнашдилар. Уруш давомида бу туркистонликлардан, етакчилари ҳожи Йўлдош билан

---

[535] Аҳмаджон Иброҳим Ўқой 1900 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1922 йилда Тошкентдан Олмонияга ўқишга юборилган талабалардан бири. Бирлин олий инженерлик ўқув юртини битирган. Талабалик йилларидан "Ёш Туркистон" журнали гуруҳида хизмат қилган, журнал чиқарган. 1934 йилда Туркияга келди, фан факултети геология бўлимига асиссент сифатида ишга қабул қилинди. Айни йилларда ТТЁУнинг раислигига сайланди ва 1940 йилгача бу вазифани бажарди. Кейин туркистонликларнинг Турк маданияти бирлигига раислик килди. Фан факултети профессори даражасига юксалди ва нафақага чиқди. 1981 йил 8 нябрда вафот этди.

[536] Baysun, *Türkistan Milli Hareketleri*, s. 193

биргаликда 16 киши шаҳид бўлди. Урушдан кейин тирик қолганлардан бир қисми Туркистонга қайтган, бир қисми эса Туркияда яшаб қолган. Ана шу урушда қурбон бўлган туркистонликлар хотирасига тикланган Туркистон шаҳидлари обидасининг очилишида ҳукумат вакиллари ҳам қатнашган.[537]

Ана шу даврда амалга оширилган тағин бир шунга ўхшаш иш Адана, Тарсус, Жайхан ва Мерсин шаҳарларида яшайдиган туркистонликларни Туркистон турк ёшлар уюшмасига аъзо қилиб олинганидир. Чуқуруўва Усмонли давридан бери Туркияга кўчиб борган туркистонликларнинг уни ўзларига энг ёққан бир макон сифатида танлаб, жойлашиб, яшаб келаётганлари бир водийдир. Бунинг сабаби, эҳтимол, Чуқурўва табиатининг пахтачилик кенг тарқалган Туркистонга ўхшашида ва бу ерда ҳам пахта етиштирилиши бўлса керак деб ўйлаймиз. Бу водийда туркистонликлар иншо қилган тарихий бинолар ҳам бор. Фақат Тарсуснинг ўзида иккита Туркистон вақфи мавжуд. Булардан Абдулла Манжақ зовияси ҳижрий 781 да Тарсусда қурилган ва у маҳаллий халқ орасида Туркистон зовияси деб юритилади. Бу зовия Ўрта Осиёдан келган туркистонликлар кутиб олиниб, бир неча кун бу маконда меҳмон қилиниб, яна йўлга жўнатишга мўлжалланган. Вақф ҳужжатида Ўрта Осиёдаги 84 та шаҳар саналган ва улардан келган қўноқларнинг бу ерда меҳмон бўлишга ҳақлари борлиги таъкидланган.

Иккинчи вақф эса Тарсуснинг Улаш ноҳиясида, Инжир пинари (Анжир булоғи) деган ерда жойлашган, уни халқ Бейча шайх вақфияси дейди. Бу зовия ҳижрий 782 йилда водийга келиб жойлашган шайх Ас-сайид Абдулрауф деган бир туркистонлик тарафидан қурилган. Бу зовиянинг вазифаси ҳам Туркистондан келган сайёҳлар ва дарвишларни уч кун мобайнида меҳмон қилиб, кузатиб юборишдан иборат бўлган.[538] Хулоса қилиб айтганда, ТТЁУ бу водийда жойлашган туркистонликлар билан қалин муносабат ўрнатган ва уларнинг ҳам Туркияда олиб борилаётган хориждаги Туркистон миллий мужодаласида қатнашишларини уюштира олган.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу фаолиятлар жуда оз бир моддий манбаларга таяниб, оғир шароитда амалга оширилган. ТМБнинг яширин юритилган бюджет қайдларига кўра, ҳар йили маълум бир маблағ фойдаланишга ажратилган. Аммо моддий қийинчилик доим кенгроқ ҳаракат қилишга ғов бўлган. “Ёш Туркистон” журналидаги ТМБ фаолиятлари билан боғлиқ ёзувда моддий етишмовчиликлар борасида фикр юритилиб, Туркиядаги давлат ташкилотлари бу соҳада етарлича кўмак кўрсатмаётгани ҳам тилга олиниб, жумладан, шундай дейилган:

[537] Туркистонликларнинг бу даврда Туркияга кўрсатган моддий ва маънавий ёрдамлари мавзусида кенгроқ маълумот учун қаранг: Abdulvahab Kara. Türkistan Türklerinin Kurtuluş Savaşına ve Cumhuriyete Katkıları.

[538] Kunter, *Tarsus`daki Türkistan Zaviyelerinin Vakfiyeleri*. Vakıflar dergisi, 1965, sayı 6, s. 31.

“Бутун дунё мамлакатларида турли жамоат уюшмалари, марказлари бордир ва улар давлатнинг турли мавқе ва мақомдаги инсонларидан моддий ва маънавий ёрдам оладилар. Фақат Туркистон турк ёшлар уюшмаси бошқа ўлкалардагига ўхшаб бугунгача бирор ҳомийга эга бўлолмади. Бутун кўмакни жамият аъзолари бўлган ёшлар бермоқда. Бу ташкилотнинг барча ишлари туркистонлик ёшларнинг ғайрати билан амалга ошмоқда.”

Ана шу муаммони ечиш ниятида жамият раҳбарлари 1937 йил 28 августда Туркия бош вазири Исмат Инўнуга мурожаат этдилар ва ТТЁУга моддий ёрдам беришини сўрадилар. Аризага жамиятнинг ўтган йилда бажарган ишлари ва ҳаражатларини ҳам илова қилдилар. Афсуски, ёшларнинг бу мурожаати жавобсиз қолдирилди.

Туркистон турк ёшлар уюшмасининг 1937 йилдаги қурултойида бош котиб Ёқуб Элбек[539] томонидан ўқилган ҳисоботда жамиятнинг ишлари шу шаклда ифодаланган:

“Жамият ташкил бўлгандан бери, айниқса, талабалар масаласи билан доим шуғулланиб келмоқда. Мактабларда ётиб қолиб ўқийдиган талабалар учун имтиҳон олиш қонуни чиққунига қадар жамиятга мурожаат қилган ҳар бир болани ўқув даргоҳларига жойлаштирди. Илк йил мактабга жойлаштирилган 5 туркистонлик боладан 4 таси бугунда мактабни битириб, Анадўлунинг турли туманларидаги бошланғич мактабларда ўқитувчилик қилмоқда. Биттаси ҳам бу йил спорт институтини битирди. Кейинчалик мактабларга жойлаштирилган Туркистон болалари ҳам ўқишни давом эттирмоқдалар...

Ётоқли мактабларга жойлаштирилган ўқувчиларимиз моддий ёрдам ҳам олиб турибдилар. Бугунда олий ўқув юртларида икки, ўрта мактаб ва ўқитувчилар билим юртларида олти, ҳарбий ўқув юртларида етти ва бошқа мактабларда тўрт туркистонлик талаба таълим олмоқда ва тарафимиздан моддий кўмак билан таъминланмоқда. Яна бешта кундузги ўрта мактаб ва лицей талабасига, битта бошланғич мактаб ўқувчисига ҳам ёрдам бериляпти. Бундан ташқари мактабга киришга тайёрланаётган тўртта болани ҳам жамият ўз биносида ётоқ, озиқ-овқат билан таъминламоқда. Буларнинг барчаси жамиятимизнинг ўқувчи-талабалар масаласига қанчалар жиддий қараётгани ва хизмат қилаётганини билдириб турибди... Туркистон турк ёшлар уюшмаси

[539] Ёқуб Элбек 1899 йилда Тошкентда туғилган. Мунавварқорининг мактабида ўқиган, унинг талабаларидан бири. 1914 йилда Туркияга келади ва дорилмуаллиминда (ўқитувчилар билим юрти) ўқийди. 1920 йилда ўқишни битириб, Туркистонга қайтади. Аммо бир оз муддатдан сўнгра, 1923 йилда олий таълим олиш мақсадида яна Туркияга келади. Ўқитувчилар олий ўқув юртида, физика-математика бўлимида таҳсил кўради. Ўқишни битирганидан кейин Туркистонга қайтолмади. Қандилли қизлар мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади. Кейин Қандилли расадхонасига ишга ўтди. 1927 йилда ташкил этиган ТТЁУнинг қурувчиларидан бири эди. Айни пайтда у ТМБ марказий ҳайъатининг ҳам аъзоси эди. Мажидиддин Далилнинг Шарқий Туркистонда бўлган 5 йил бўйича у ТМБ бош котиблиги вазифасини бажарди. 1964 йилда Қандилли расадхонасидаги ишидан бўшаб, нафақага чиқди.1974 йил 10 январда вафот этди.

фақат ўқувчи, талабаларга эмас, балки фақир ва муҳтож юртдошларимизга ҳам мадад беришга интилмоқда. Жамият қурилганидан бери Туркистон масаласини англатиш ва кенг ёйиш мақсадида ҳар доим турли йиғилишлар, илмий конференциялар, бадиий кечалар, саёҳатлар ташкил қилиб келмоқда. Бугун унинг икки минг китобли бир кутубхонаси бор. Айниқса, биз уюштирган илмий конференциялар оммага катта таъсир кўрсатмоқда. 1935-1936 йил қишида 7 ва 1936-37 йил қишида 12 та илмий анжуман ўтказдик, уларда ўқилган маърузаларнинг кўпчилиги китоб қилиб бостирилди, юртдошларимизга тарқатилди. Ҳар йили Туркистон номли тақвим чиқарилмоқда. Туркистон расмлари ва харитаси турли шаклларда чоп эттирилмоқда. "Туркистондан эсдаликлар" деган альбом ҳам чиқарилди."[540]

Юқорида айтилганидек, ТТЁУ Туркияда ўқиётган туркистонлик талабаларга жуда катта ёрдам берган. У 1935-36 йилларда ўз маблағининг катта қисмини ёшларга ўқиш, ётоқ, йўл ва овқат пули сифатида тарқатган. 35 йилда 440 лира харжнинг 288 лираси, 36 йилда 682 лиранинг 394 лираси ўқувчиларга сарфланган.[541]



Тарсус шаҳрида Туркистон шаҳидлари обидасининг очилиши: Солиҳ Эркинқўл сўзламоқда. Тарсус, 1933 й. (А. Андижон архиви)

Жамият ташкил этган йиғилишлар ва конференциялар омма ўртасида жиддий акс садо уйғотаётганди. 1940 йилгача Усмон Хўжаўғли, Муҳаррам Файзи Тўғай, Жаъфар Саидаҳмад Қиримэр, Абдулла Зеҳний Сўйсал, доктор Иброҳим Ёркин каби муҳожир турк лидерлари жуда кўп

[540] Туркистон турк ёшлар уюшмасининг 1937 йил қурултойи ҳужжатлари (Аҳат Андижон архиви).
[541] ТТЁУнинг 1935-36 йилги ҳисоб-китоб қайдлари (Аҳат Андижон архиви).

йиғилиш ва конференцияларда қатнашдилар. 1936-1940 йиллар орасида ўтказилган анжуманлардан еттита конференцияда ўқилган маърузалар китоб шаклида нашр этилди ва Туркистон турк ёшлар уюшмаси томонидан оммага тарқатилди.[542]

Муҳожир туркларга оид ишлар асосан чеклаб қўйилган 1930 йиллар Туркиясида бундай тарздаги фаолиятлар жуда муҳим ҳисобланарди ва улар бу соҳадаги катта бўшлиқни тўлдиришга улуш қўшмоқда эди. Ўша йилларда Туркия ташқарисидан бу ўлкага келган турклар томонидан қурилган ва фаолиятини узмасдан давом эттира олган ягона ташкилот Туркистон турк ёшлар уюшмаси эди. Шу туфайли унинг ҳар бир қадамини муҳожирлар ва илмий давраларгина эмас, балки давлат ҳам диққат билан кузатмоқда эди. Иккинчи жаҳон уруши шамоллари эса бошлагач, дунё мувозанати остин-устун бўлар экан, бу жараён тўлқини 13 йиллик бу ёшлар ташкилотига ҳам келиб урилди. 1938 йилда чиқарилган Дернеклар (жамоат ташкилотлари) қонунига кўра, турк дунёсидаги ўлкалар номи қўйилган жамиятлар ўз номини ўзгартиришга мажбур бўлди. Мавжуд янги халқаро вазиятда ташкилот номи ўлароқ Туркистон атамасини қўйиш мумкин эмасди. Шундай қилиб, Туркистон турк ёшлар уюшмаси ўз жамиятларидаги Туркистон сўзини олиб ташлаб, янги ном топишлари лозим бўлиб қолди.

Зотан, уюшма ўз номини ўзгартирса ҳам масала ҳал бўлмаслигини сезган ТМБ аъзолари тараддудга тушдилар. Мустафо Чўқай бу мавзуга оид фикрларини Туркиядаги ТМБ аъзоларидан бири Ёқуб Элбекка ёзган мактубида шундай ифодалаган:

> “Жамиятнинг (ТТЁУ) ўзгартирилиши мажбурияти бор, кўниш керак, давлат истаса, мажбуран ўзгартиради ҳам. Исми ўзгарса ҳам, жисмини сақлаб қололсак, масала йўқ.”[543]

Ҳукуматнинг расмий талабига кўра, 1940 йилнинг июн ойида Туркистон турк ёшлар уюшмаси қурултой ўтказди ва унда қабул қилинган қарорга биноан эски жамият ёпилиб, Турк маданияти бирлиги номли янги ташкилот қурилди. Бу ташкилотга оид маълумотлар бевосита иккинчи жаҳон уруши даврига боғлиқ бўлгани боис келгуси бўлимда алоҳида тўхталинади.

---

[542] ТТЁУ тарафидан нашр эттирилган бир конференция брошюрасида қуйидаги маърузалар ўрин олган: 1. Туркистон (Усмон Хўжаўғли). 2. Буюк Темур (доктор Аҳмаджон Иброҳим). 3. Туркистоннинг дунё сиёсатидаги мавқеи (Муҳаррам Файзи Тўғай). 4. Мафкура ва мафкуранинг шахсга ва жамиятга таъсири (Жаъфар Саидаҳмад Қиримэр). 5. Туркистонда ҳайвон етиштириш (докор Иброҳим Ёрқин). 6. Туроний қавмлар сиёсий тарихининг бош хусусиятлари (Муҳаррам Файзи Тўғай). 7. Турк маданият тарихи (Муҳаррам Файзи Тўғай). 8. Хонлик даврида Қирим турк маданияти (доктор Абдулла Зеҳний Сўйсал). Бу каби16 бетлик ҳолида босилган рисолаларда хариталар ҳам берилган. ТТЁУ номидан нашр этилган бундай брошюралар кейинчалик, жамият Турк маданияти бирлигига айлангач, унинг номидан босилган.

[543] Мустафо Чўқайнинг 1939 йил 20 июлда ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

ШАРҚ ЎЛКАЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТЛАР

– Қаёққа кетяпсан?
– Туркистонга.
– У ерга қачон етиб бормоқчисан?
– Худо билади, борган жойимгача бораман-да.

(Инглиз дипломати билан Жанубий ва Шимолий Афғонистонни бир-бирига боғлаган Саланг йўли қурилишида ишлаган бир ишчининг суҳбатидан)

1932 йил

1910 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Туркистонда юз берган ҳодисалар натижасида Афонистон ва Эрон каби қўшни ўлкаларга оммавий кўчиш бўлгани маълум. Қадимдан Жанубий Туркистон аталиб келган минтақа, яъни Шимолий Афғонистон, шунингдек, кўпчилик аҳолиси туркманлардан иборат Эрон ичидаги Хуросон туркистонлик муҳожирлар қўним топган ўлкалардан эди.

Бу ерларда томир отолмаганлар ёки қолишни истамаганлар Ҳиндистонга, Саудия Арабистонига ва бошқа араб юртларига ёки Туркияга қараб йўналдилар. Туркистон муҳожирлари қайси юртга бормасинлар, ўша ўлкадаги мавжуд шарт-шароитга уйғун тарзда, ҳар доим маданий ва сиёсий фаолият юритишга интилишган.

БЎЛШЕВИКЛАР ДАВРИДАГИ ЭРОН

Эрон Афғонистон каби советлар билан тўғридан-тўғри чегарадош давлат бўлганлиги ва бутун чегараларида жойлашган вилоятларда фақат туркий халқлар яшагани боис Туркистон миллий мужодаласида энг муҳим ўлкалардан бири ҳисобланади. Маълумки, Афғонистон икки буюк куч – рус ва инглиз империялари орасидаги “тампон” ўлкадир. Эрон ҳам ўша пайтда шунга ўхшаш вазиятдаги мамлакат ҳисобланарди. Рус мустамлакачилари Хива хонлиги ҳудудларини ҳам (бугунги Туркманистон ерлари ҳам унинг ичида эди) ишғол этгач, 1881 йилда Русия ва Эрон ўртасида бир битим имзоланди, унга кўра жанубдаги туркманлар юрти Эрон чегаралари ичида қолди. Бу минтақа Туркманистон жанубида, яъни, Солиҳобод, Домғон, Беҳшаҳар каби шаҳарлар жойлашган, Хазар денгизига узанган бир шимолий йўналишдаги 200 минг квадрат километрлик майдонни қамраб олади. Бу

битим офатига учраб, юқоридаги тупроқлар устида қадимдан яшаб келаётган халқ, жумладан, гўклан, ёвмут қавмлари билан бирга маҳинли, гаварси, алили, мадванли, инайли каби кўплаб туркман қавмлари Эрон ҳудудлари ичида қолди. Бандартуркман, Гунбазқовус, Кумуштепа, Хўжанафас, Оққол каби маконларда ҳам жанубий туркман юртининг асосий аҳолиси ҳисобланган ёвмут туркманлар яшарди. Гўклан қавмлари эса Гургон дашти, Гургон, Бўжнурд, Гўклан каби вилоят ва шаҳарларда истиқомат қиларди.[544]

1907 йилда тузилган Петербург битимига биноан Эрон Англия билан Русия ўртасида аҳоли минтақалари ўлароқ бўлиб олинди. Чор Русияси ағдарилган пайтда эса, русларнинг таъсир кучи озайганидан фойдаланган инглизлар, ўша битимни пучга ҳисоблаб, Эронга қаттиқ зуғум уюштирдилар ва ўлканинг идоравий ва ҳарбий тизимини ўз таъсири ва назорати остига олишга муваффақ бўлди. Аммо бу борадаги расмий ҳаракатлар Эрон парламенти томонидан маъқулланмади.[545]

Бўлшевиклар ҳокимиятини мустаҳкамлаб олганидан кейин совет Русияси халқаро майдонда ҳам ўзини кўрсата бошлади. Бу ҳолат унинг қўшни ўлкаларда коммунизм тарафдорларини яратиш борасида фаол ҳаракатга киришганида ҳам яққол намоён бўлди. Масалан, Эрон Озарбайжонида советларнинг таъсири натижасида исёнлар юз берди, Табризда шайх Муҳаммад Хиёбоний Теҳрондаги бошқарувга қарши қўзғолон кўтарди. Бу алғов-далғовдан фойдаланган руслар Хазардаги совет флотини Анзали шаҳрга йўлладилар. Совет денгизчи аскарлари Теҳронга қарши қўзғолон кўтарган Кичик хон лашкари билан бирлашиб, Эрон қўшинларини енгиб, бу ўлкада мустақил Гилон жумҳуриятини қурдилар ва Анзали шаҳрини пойтахт қилдилар. Бу ҳодиса, хусусан, аввалги чор Русияси ҳудудларидан ташқаридаги бир мусулмонлар ўлкасида советларнинг ҳаракати туфайли илк бор бир давлат ташкил этилиши жиҳатидан жуда аҳамиятли ҳисобланарди. Эрон ҳукуматининг норозиликларига қарши советлар “аскарларнинг советларга оид эмаслигини, балки қўзғолончилар ва ҳур Озарбайжон қўшинига мансуб ҳарбийлар” эканлигини билдириш билан чекландилар.

1921 йилнинг феврал ойида Эрон билан совет Русияси орасида бир битим имзоланди. Унга кўра, Русия 1881 йилдаги битимга биноан кўрсатилган Эрон чегара чизиқларини қабул қилди. Бироқ, бу халқаро ҳужжатга қарамасдан, ўша 1921 йилнинг июн ойида рус аскарлари яна Анзалига кириб борди. Аслида, совет Русиясининг битимга қарама-қарши бу ҳаракатининг тагида Москвадаги раҳбарият ўртасидаги зиддият ётарди. Яъни, Сталин Эрондаги бу воқеларга тарафдор эди ва қўллаб-қўлтиқлаётганди. Совет ҳукумати ташқи ишлар комиссари Чичерин ва советларнинг Теҳрондаги элчиси Ротстейн Эронда инқилоб учун ҳали

[544] Birleşik Türkmenistan Tarihi. Türkiye Türkmenistan Derneği yay. № 2.
[545] Armaoğlu, *20.Yüzyıl Siyasi Tarihi*, s.208

шароит пишиб етилмаган деган фикрда эдилар. Ленин Эрон ва Русияга боғлиқ бу масалада Чичерин ва Ротстейннинг фикрига қўшилди, натижада Сталиннинг “Гилон жумҳурияти” ҳаракатлари тўхтатилди.

1923 йилда Эрон ҳарбия вазири Ризо хон давлат тўнтариши қилди ва бош вазирлик мансабини эгаллади. Икки йил ўтиб, Аҳмад шоҳнинг мамлакатдан ташқарида эканлигидан фойдаланиб, яна давлат тўнтариши ясаб, Эрон тахтини олди, ўзини Ризо шоҳ деб эълон қилди. Шу билан анчадан бери ўлкани идора қилаётган туркий аслли қожарлар сулоласининг ҳукмронлиги ниҳоясига етди. Ризо шоҳ ҳарбия вазири бўлган замонида юз берган Гилон жумҳурияти можаросини яхши эсларди ва коммунизм таҳликасининг нима эканлигидан ҳам хабардор эди. Шу боис тахтга ўтириши биланоқ коммунистлар ва тарафдорларига қатъий чоралар кўрди. Мустақил ишчилар ташкилотларини таъқиқлади, социализм тарафдорлари жамиятларини тарқаттирди, матбуотининг ҳам овозини ўчирди. Коммунистлар мажбуран махфий иш юритишга ўтди. Айни шу пайтда, Эроннинг Хуросон вилоятида, бир юзбоши етакчилигида туркманлар исёни бошланди. Хуросоннинг асосан Бўжнурд ва Астробод шаҳарлари ва теварагида оёқланган қўзғолончиларнинг мақсади бир туркман мухтор ҳукуматини қуриш эди. Усмон охунд раҳбарлигида бирлашган туркман уруғлари бир жумҳурият мажлиси, яъни парламент ташкил этдилар. Совет ҳукумати қувватлаб турган бу исён муваффақиятга эришганидан сўнгра ташкил топадиган мустақил Хуросон мухторият ўлкасини кейинчалик совет Туркманистони билан бирлаштириш режалаштирилганди. Эрон ҳукуматининг норозилик ва раддияларига жавобан совет давлати ўзининг бу ишларга ҳеч бир алоқаси йўқлигини билдириб, бу минтақадаги ғалаёну ғавғоларни советлар мамлакатига ўтиб яшашни истаётган туркман қавмлари чиқараётганини таъкидларди. Инглиз манбаларига кўра, Машҳаддаги ГПУ бошлиғи ва Машҳаддаги совет консуллиги исённи қўлламай қўйганларидан кейин, ниҳоят, ғалаёнар бостирилди. Қўзғолон бошида турган, Солори жанг номи билан танилган Усмон охунд ва у тузган Хуросон мухтор ўлкаси ҳукумати аъзолари советлар мамлакатига қочиб ўтдилар.[546]

Ана шундай ҳодисалар туфайли 1927 йилда советлар ва инглизлар ўртасидаги зиддият яна бир поғона кўтарилди. Англиянинг Чиндаги манфаатларига Русия зарар етказди дея инглиз ҳукумати советларга қарши иқтисодий сиқув (эмбарго) бошлатди ва 1927 йил май ойида бу давлат билан дипломатик алоқаларини тўхтатди. Англия билан муносабатнинг бу қадар бузилганидан, уруш чиқиши эҳтимоли борлигидан таҳликага тушган советлар жанубий чегараларини мустаҳкамлаш сиёсатини янада чуқурлаштирди. Советлар 1925 йил декабрда Туркия ва 1926 йил августда Афғонистон билан тузган ҳужум қилмаслик ва тарафсизлик шартномасига Эронни ҳам боғлаш ҳаракатини

[546] Nollau, *Russia`s South Front*ier, s. 65

кучайтирди. Ниҳоят, 1927 йил октябр ойида унинг бу истаги амалга ошди ва Эрон билан имзоланган битим туфайли жанубий ҳудудлари мустаҳкамланди. Совет давлати бу муваффақиятлардан қувватланиб, коммунистик тузумни жаҳонга тарқатиш йўлидаги сиёсати йўналишини аввал Чинга, ундан кейин эса Испанияга қаратди.

ТМБНИНГ ЭРОНДАГИ ФАОЛИЯТИ

1923 йил ўрталарида Ҳожи Сомий билан Туркистондан Афғонистонга ўтган ва Кобулга киришларига изн берилмасдан, бу ўлкани тарк этишлари талаб қилинган муҳожирлар 49 киши эди. Бу гуруҳ Туркистондаги босмачилик ҳаракатига қатнашган турк зобитлари ва туркистонлик мужоҳидлардан иборат эди. Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрига келганларида, бир бўлак кишилар яширинча Кобулга бориш мақсадида тўдадан айрилишди. Эронга виза олганлар эса ҳудуддаги Машҳад шаҳрига қараб кетдилар. Эронга боргандан кейин, Ҳожи Сомий ва бир неча сафдошари Теҳрон йўли билан Сурияга қараб йўналди. Ўн икки кишилик бир гуруҳ эса Туркия йўлига тушди.[547] Туркистон миллий ҳаракатининг таниқли аъзоларидан муфти Садриддинхон билан босмачи раҳбарлардан Туроббек Машҳадда қолишди. Ўша пайтда Ҳиндистонда юрган Бухоро халқ жумҳуриятининг собиқ ҳарбий вазири Абдулҳамид Ориф ҳам кейинроқ бу гуруҳга келиб қўшилди.

Муфти Садриддинхон жадидчилик ҳаракатига ёрдам берган зиёли бир диний арбоб бўлиши билан бирга фаол ташкилотчилардан ҳам эди. У Қўқондаги Туркистон мухторияти қурилиш ишларида ҳам фидокорлик кўрсатган, кейинчалик Мунаввар қори томонидан Тошкентга чақириб олинган, фаолиятини у ерда давом эттирган эди. У Тошкентга келган турк ҳарбий асирларидан бири, собиқ Байбурт ҳокими Юсуф Зиё бей билан бирга Туркиядаги иттиҳод ва тараққий жамиятининг Тошкент бўлимини очади. Ундан сўнгра ташкил этилган Ўрта Осиё миллий авомий жамиятлари иттифоқининг бошлиғи ҳам ана шу муфти Садриддинхон бўлган. Нурий пошо қўмондонлигидаги турк ўрдуси Бокуни эгаллаганда, мустамлакадан озод қилинганида, Туркистондаги умумий аҳволни Усмонли ҳукуматига билдириш ва кўмак уюштириш мақсадида Истанбулга юборилган махсус ҳайъат аъзоларидан бири ҳам муфти Садриддинхон эди. Бу ҳайъат аъзолари Истанбулда Усмонли империясининг вазирлари Талъат пошо, Анвар пошолар ва хорижия вазири Насим бей ҳамда умумий марказ улуғлари билан ҳам учрашдилар. Музокаралар натижасида Усмонли ҳукуматини бошқараётган итиҳод ва тараққий раҳбарияти Туркистондаги турумни англатиш учун Оврупога

[547] Муфти Садриддинхон томонидан 1932 йил 10 ноябрда Абдулваҳоб Ўқтойга ёзилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).

бир ҳайъат жўнатишга қарор қилди. Фуод Кўприли, қози Абдурашид, муфти Садриддинхон бу ҳайъатга аъзо ўлароқ тайинланди. Бу орада муфти Садриддинхонга Усмонли салтанатининг паспорти ҳам берилди. Бу ҳайъат Швейцарияга қараб йўлга чиқди, аммо уруш ҳаракатлари туфайли яна Туркияга қайтишга мажбур бўлди. Муфти Садриддинхон ўша ҳодисалардан кейин Туркистонга қараб йўл олди ва ўз ватанида миллий фаолиятини давом эттирди. 1920 йилда у Бухородаги марказий қўмита буйруғига кўра, Ориф Каримий ва Юсуф беклар билан бирга бир ҳайъатга киритилди, уларга Англия ва Япония ҳукуматларига Туркистондаги вазиятни тушунтириш вазифаси топширилди. Бироқ йўлда, Шарқий Туркистонга ўтишда ЧКа тарафидан қўлга тушурилди ва ўлим жазосига ҳукм қилинди. Ўша пайтларда Туркистонда юрган Жамол пошонинг ҳам ҳаракатлари туфайли ўлим жазоси қамоқ жазосига алмаштирилди, бир қанча муддат ҳибсда ётган муфти Садриддинхон қамоқдан қочишга эришди ва келиб, босмачиларга қўшилди.[548]


Аввалларии ЧКа ходими бўлиб ишлаган Туроб ўша пайтда босмачилар ва ТМБ ҳақида совет махфий хизмати идорасига маълумот бериш билан шуғулланган. 1922 йил май ойида Маъмур Ниёзий билан биргаликда босмачиларга келиб қўшилди ва қисқа бир муддатда қўрбоши Туроббек бўлди. Анвар пошо ва Ҳожи Сомийлар билан биргаликда шўро босқинчиларига қарши курашди.

Бухоро халқ жумҳуриятининг ҳарбий вазири бўлган Абдулҳамид Ориф эса Туркистон миллий ҳаракатининг энг фаол сиймоларидан бирийди. У вазирлик замонида Усмонли салатанати зобитларидан Али Ризо бейни ўзига ўринбосар қилиб олди ва Бухорода миллий қўшин тузишда жиддий фаолият кўрсатди. Шунинг учун у Бухоро ҳукумати раҳбарлари ичида русларнинг энг ёмон кўргани ва алмаштирилиши энг кўп исталган шахс ҳисобланарди. Бухоро жумҳурияти ҳукуматининг бутунлай руслар назоратига ўтган даврида Абдулҳамид Ориф улкан бир журъат билан билдириш эълон қилиб, ўз қўл остидаги қўшинлар билан босмачиларга қўшилганини очиқ баён қилди ва Туркистон душманларига қарши қуролли курашга киришди.

Туркистон истиқлоли учун миллий мужодаланинг барча соҳасида қатнашган бу мужоҳидлар юртдан ташқарига чиққандан кейин ҳам ватандан узоққа кетмасликка тиришдилар ва нима бўлганда ҳам ватанга қайтиш умидида яшадилар. ТМБ ҳаракатининг Оврупо ва Туркияда шаклланишига қадар кечган йиллар ичида, афсуски, юқорида тилга олинган гуруҳнинг Машҳаддаги фаолияти ҳақида қўлимизда бир маълумот йўқ. Аммо муҳожир босмачиларнинг Туркман саҳро минтақасида ва ҳудудларда Туркистон ичига қаратилган ҳаракатларига уларнинг ҳам қўшилиб тургани шубҳасиздир. Машҳаддаги инглиз элчихонасининг ҳарбий атташеси Томпсон Али Ризо афанди деган бир

[548] Baysun, *Türkistan Milli Hareketleri*, s. 29-34

турк бошчилигидаги беш кишилик бир гуруҳнинг туркманлар ғуж яшайдиган Кумуштепа вилоятида фаолият кўрсатгани ва чегара нариёғидаги ишларга ҳам вақти-вақти билан аралашганлари ҳақида маълумот беради.[549]



Муфти Садриддинхон. Машҳад, 1932 й. декабр (Аҳат Андижон архиви).

Бу даврда Мустафо Камол раҳбарлигидаги Туркия ҳукуматининг Эрон билан муносабатлари анчагина қалин бўлган ва хусусан туркманлар турадиган вилоятларда туркларнинг бир неча консулликлари очилган. Эрон Озарбайжонининг бош шаҳри Табризда ва туркманлар юрти Хуросонда Туркиянинг бош консулхоналари ишлаб турган. Бундан ташқари, Хазар денгизи шимолидаги Рашд шаҳрида ва Эрон-Афғонистон-Туркманистон чегаралари туташган Машҳадда ҳам бир турк консулхонаси фаолият юритарди. Мана шу далилларнинг ўзиёқ Туркия жумҳуриятининг қўшни ўлкалардаги турк халқлари тақдири ва

[549] Olson, CAS, №4, 1990, s. 76

масалалари билан яқиндан қизиққани ҳамда бунга катта аҳамият берганини кўрсатмоқда.[550] Эронга ўтиб жойлашган Туркистон миллий ҳаракати ходимлари, айниқса, Машҳадда кўнгилдагидай фаолият кўрсатишган, аввал консул Маҳмат Ноил бей билан, кейинчалик унинг ўрнига консулхонага тайинланган Ҳаққий бей (Кентли) билан ҳам мустаҳкам алоқада бўлганлар.

Айни замонда советларнинг Машҳад консулхонаси ҳам Туркманистондан бошлаб Хуросон ва Афғонистондан ўтиб то Ҳиндистонга чўзилган бир дипломатик йўлнинг боғловчиси ва балки энг муҳим ҳалқаси ҳисобланарди. Айниқса, Табриз, Ризоия, Анзали ва Машҳад консулхоналари Теҳрондаги элчихона раҳбарлигида мустаҳкам иш юритмоқда эди. Советларга қарши фаолиятларга аралашганлар, Эрондаги Туркистон муҳожирлари ёки советлар билан ҳамкорлик қилишни истаган тадбиркорлар рус совет махсус ташкилоти ходимларининг доимий кузатувидаги инсонлар ҳисобланарди.

Англиянинг ўша йиллардаги Машҳад консулхонаси консули Г. Уилер (G. Wheeler) совет махфий ташкилотларининг туркистонлик муҳожирларга қарши доим кенг кўламда, ҳар томонлама иш олиб борганини таъкидламоқда.[551] 1927 йилда Эронга ГПУ айғоқчиси сифатида юборилган ва кейинчалик сиёсий бошпана сўраб ғарбга сиғинган жосус Агабековнинг хотирларида ҳам рус изқуварларининг Эронда қандай фитнали ишларни бажаргани айтиб ўтилган.[552]

Бу орада совет махфий хизмати ўзининг собиқ ходими Туроббекнинг ҳам изига тушганди. 1927 йилда Туроббек кутилмаганда ғойиб бўлиб қолди. Олдинига ўз истагига биноан советлар мамлакатига қайтиб кетди дея ўйлашди. Аммо кейинчалик уни совет жосуслари Эрондан ўғирлаб кетгани, Туроббекни Тошкентга олиб боришгани ва суд қилиб, ўлим жазоси берилгани маълум бўлди.[553]

Абдулҳамид Ориф эса, Эрондан Туркистонга қайтишни ва миллий мужодалани давом эттиришни ўйларди. У ҳам миллий кураш йўлида қурбон бўлди: Туркманистон ҳудудидан ичкари киришга уринган пайтда, чегарачилар билан бўлган отишмада шаҳид тушди.

1930 йилларга келиб, Машҳадда ишлаб турган ТМБ аъзоларидан фақат муфти Садридинхон тирик қолганди.

---

[550] Афсуски, Хуросондаги Туркия бош консулхонаси том фаолиятга киришолмаган ва бу ерга тайинланган Сомий бей (Гўлгечен) ўз ишини ўринлатолмаган. Машҳаддаги турк консулхонаси эса, 1925 йилдан 1932 йилгача яхши ишлаган, сўнгра беркитиб қўйилган.
[551] Nollau, *Russia`s South Flank*, s. 70
[552] Бу мавзуда кенгроқ маълумот учун қаранг: George Agabekov, *OGPU The Secret Teror*.
[553] M. Türkistani, *Kaybolan Vatan*, s. 212



1.Муфти Садриддинхон. 2. Таваккул Бобир. 3. Қул Ариш. 4. Абдулкарим мингбоши. 5. Аннамуҳаммад. 6. Берди Татўғли. Машҳад, 6 июл 1930 й. (Аҳат Андижон архиви)

Истанбулдаги ТМБ марказий қўмитаси томонидан шарқ ўлкаларида жамиятнинг бўлимларини очиш учун йўлланган Абдулла Таваккул (махфий оти Турсун) Эронга келиши билан дарҳол жамиятнинг “Шарқ юлдузи” номли Машҳад бўлими очилди.[554] Бўлимни муфти Садриддинхон, жиззаҳлик Абдулкарим мингбоши, Аннамуҳаммад, Татўғли Берди ва Қул Аришдан иборат бир гуруҳ ташкил этишганди. Турсуннинг ТМБ марказига юборган маълумотларидан маълум бўлишича, бўлим очилиши биланоқ, унинг икки аъзоси Туркманистон томондаги чегаралардан Туркистон ичкарисига ўтиб, советга қарши исён тайёрлашга киришганлар. Хусусан, Абдулкарим мингбоши ҳудуд яқинидаги Латифобод шаҳрида ўрнашиб олиб, чегара ортидаги махфий фаолиятларни бошқарган.

Турсун Туркияга қайтиб келгандан кейин, Машҳадда Садриддинхон жиддий ишлар кўрсатган. Садриддинхон таниқли руҳоний ва уламо бўлгани боис муҳожирлар орасида ҳар ишни осонгина битира олиш имконига эга эди. Зотан, у Эронга келган муҳожир туркистонликлар билан энг аввал танишар ва уларга бу ўлкада жойлашишларига ёрдам берарди. Эрондаги барча туркман вилоятларига “Ёш Туркистон”

[554] Бу бўлиминг фаолиятлари аввалги бобларда (“Сиёсий марказ Туркия”) батафсил тўхталинган.

журналининг етиб боришини у ҳал этарди. Ҳатто журнални Туркистон ичига ҳам юборганини ва мажмуа совет ишғолидаги она ватанда ҳам тарқатилганини бир мактубида баён қилган.[555] Шунингдек, Садриддинхон Туркистондан Афғонистонга ўтган ва Туркияда ўқишни истаган жуда кўп ёшларга ҳам бу орзусини амалга ошишида ёрдам берган.

Эрон ҳукумати совет давлати билан имзолаган битимларга кўра, 1931 йилдан бошлаб бу юртга келган муҳожирлар устидан қаттиқ назорат ўрнатди. Шу йилнинг ўрталарида хусусан шарқ вилоятларининг волийларига ва бошқа раҳбарларга Эрон ҳудудларида паспортсиз ёки паспорти бору визасиз юрган ҳар қандай кимса дарҳол қўлга олиниб, ўлкадан ҳайдаб чиқрилсин дея буйруқ берилди. Қонунларга бўйсунмаган айрим муҳожирлар эса ушланиб, давлат элчихоналарига топширила бошланди.[556] Чегарани бузиб ўтганларнинг фақат қурол-яроғларигина эмас, балки барча нарсалари тортиб олиниб, ўзлари ҳарбий горнизонлардаги қамоққа тиқиб қўйилди. Бундан ташқари, Эрон ҳукумати эрон-совет чегаралари бўйлаб барча жойларда, туркманлар яшайдиган овулу қишлоқларда ҳудуддан ўттиз километр ичкарига аҳолини кўчириш тадбирини ўтказди. Шундай қилиб, чегарадан қонунсиз ўтиш ҳоллари тўла назорат остига олишга тиришилди. Шунингдек, Туркманистон ичкарисида босмачилик ҳаракати билан шуғулланган шахслар Эрон тупроқларига киргани тақдирда дарҳол тутилиб, Афғонистонга топшириш тўғрисида ҳам Эрон ҳукумати томонидан қарор чиқарилди.

Садриддинхоннинг мактубларидан маълум бўлишича, Эрон ҳукумати шунчалар қаттиқ тадбирлар олдики, зуғум ва зулмга чидай олмаган баъзи муҳожирлар мажбуран Машҳаддаги совет консулхонасига юртга қайтариш ҳақида мурожаат этдилар. Муҳожирларнинг қийналаётганини кўриб, Эрон ҳукуматининг бу оғир муносабатини юмшатиш мақсадида, Садриддинхон турк элчихонасига бош уриб, воситачилик қилишларини сўради. Аммо бундан ҳам бир иш чиқмади. Муфти Садриддинхоннинг яқин дўсти бўлган Туркиянинг Теҳрондаги элчиси Маҳмуд Шавкат Эсандал 1930 йил сентябр ойида Анқарага қайтди, ўрнига Хусрав Гарада тайинланди. Садриддинхон хатларида янги элчи билан қанчалик тиришмасин, яхши муносабат ўрната олмаганини билдирган. Бундан ташқари, муфти Садриддинхон Хусрав Гарадага туркистонлик муҳожирларнинг аҳволи ҳақида мактублар ёзган, алоҳида бир одам жўнатиб, туркистонликлар масаласи билан

[555] Муфти Садриддинхоннинг 1932 йил 5 майда Абдулваҳоб Исҳоқўғлига ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).
[556] “Ёш Туркистон” журнали, 1931 й. 19 сони, 33 б.

шуғулланишини талаб ҳам қилган. Бироқ бу ҳаракатлар ҳеч бир натижа бермаган.[557]

Муфти Садриддинхон ўзи ўқиган, илмли бир диний арбоб бўлгани боис, ТМБ аъзоларига ёзган хатларида алам билан, энг кўп тилга олган мавзулардан бири Эронга ўтган муҳожирлар орасида хат-саводли инсоннинг камлиги ва деярли йўқлигидир. 1932 йилнинг август ойида муфтини жуда хурсанд қилиб юборган бир ҳодиса юз берди. Баҳром Иброҳимов деган ўқимишли ва муфтининг сўзлари билан айтганда, "қўли қалам тутган бир ёш" Туркистондан қочиб чиқиб, муфти Садриддинхоннинг ёнига келди. Самарқандлик бу навқирон инсоннинг тахаллуси Йўқсул эди.[558] Муфти бу ёш туркистонликнинг ўз қўли билан ёзган эътирофномасини олиб, ТМБга йўллаган. Баҳром Иброҳимовнинг ўз қўли билан ёзган маълумотга кўра, у ижодкор эди. 1930 йилда баъзи ёзувчилар биргаликда тузган миллий истиқлол жамиятига аъзо бўлган. 1931 йилда ёзган китобининг нашр ишлари билан шуғулланиш учун Тошкентга кетади ва айни ўша пайтда миллий истиқлол жамиятидаги ўртоқларининг қамалганини эшитиб қолади ва Самарқандга қайтиб бормасдан тўғри Ашхободга жўнайди. Ашхободда чегарадан яширинча нарса олиб келиб сотадиган айрим махаллий туркманлар билан танишади ва уларнинг ёрдами билан ҳудуддан Эронга ўтади. Эътирофномада ҳодисалардаги жой ва киши номлари, ҳолатларнинг юз берган вақти кўрсатилмаган, муфтига оғзаки айтилган холос.

Садриддинхон Туркистон ичида яшаётган танишлари орқали Баҳром Иброҳимов ёзган ва айтган маълумотларни текширтириб кўради ва ёш йигитнинг барча гапи тўғри эканига қаноат ҳосил қилади.[559] Ҳақиқатан ҳам, шундай исмли ижодкор бор экан: Йўқсул тахаллуси билан битта китоби ҳам босилган, Туркистондаги яширин ташкилотлар билан ҳам алоқаси бўлган. Шундай қилиб, Йўқсул муфти Садриддинхон билан ёнма-ён ишлай бошлайди ва қисқа вақт ичида унинг барча ишларини юритадиган энг ишончли одамига айланади. У, муфти ҳам маъқуллагани учун Маҳмуд Ализода исми-шарифини қўллай бошлайди. Кейинчалик ўзи туғилган жой – Бахмалдаги Ойқор тоғи номини тахаллусга айлантириб, Маҳмуд Ойқорли бўлиб танилади.


Баҳром Иброҳимов, яъни Маҳмуд Ойқорли, аслида, махсус тайёрлаб хорижга юборилган ГПУ жосуси эди. Олдин хорижга жўнатилган айғоқчилардан Азизхоновнинг Эронда, Содиқ Алиўғлининг Истанбулда қўлга тушганидан дарс олиниб, Баҳром Иброҳимов устида қаттиқ ишланган ва унинг ўтмиши пишиқ тайёрланган эди. Шундан

[557] Муфти Садриддинхон томонидан Абдулваҳоб Ўқтойга 1934 йил 12 майда ёзилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).
[558] Муфти Садриддинхон томонидан Абдулваҳоб Ўқтойга 1932 йил 22 августда ёзилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).
[559] Муфти Садриддинхон томонидан Абдулваҳоб Ўқтойга 1932 йил 25 октябрда ёзилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).

кейингина у Машҳадга жўнатилганди. Афғонистон ва Туркиядан кўра махфий фаолият юритишга янада қулай ва чегарага яқинроқ дея ҳисобланган боис Эрон танланганди. Зеро, бу ерда фақат Садриддинхон, бир киши ишларди ва у билан боғланиш унчалик қийин эмасди. Чунки ТМБ маркази жойлашган Истанбулда ёки Туркистон миллий ҳаракатига қатнашган мингларча киши яшаётган Афғонистонда миллий жамиятлар ичига бегона одамнинг кириши жуда қийин эди. Зотан, Афғонистонда ташкилотнинг расмий бўлими йўқ эди, фақат ТМБга боғлиқ ҳолда айтилган ишларни бажарадиган кишилар бор эди холос. Хуллас, Маҳмуд Ойқорли бу ерда керакли ишончни қозонди ва Туркистон муҳожирлари ичида келгуси ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида юритажаги совет айғоқчилиги вазифасига киришди.

Муфти Садриддинхон сиёсий вазият ўзгаргани боис Эронни тарк этиб, яна мустақиллик кураши бошланган Шарқий Туркистонга кетишни режалаштирди. Машҳаддаги Туркия консули Ҳаққий бейдан турк паспортини олиб, Кашмир йўли билан Қашқарга бориш учун инглиз консулидан ҳам виза тайёрлатди. Аммо Мустафо Чўқай Эроннинг, хусусан, Машҳаднинг Туркистон миллий мужодаласида жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, муфти Садриддинхонга хат ёзиб, яна бир неча йил Эронда ишлаб туриши кераклигини уқтирди. Бу фикрга мувофиқ Садриддинхон ҳам кетаётган йўлидан қайтди. Бироқ 1932 йил ўрталаридан бошлаб сиёсий вазият ёмон тарафга қараб ўзгарди. Машҳад шаҳридаги турк консуллигининг ёпилиши қарори чиқиши биланоқ консул Ҳаққий бей Туркияга қайтди. Садриддинхон эса шу пайтгача кўмак олиб келган сиёсий таянчидан маҳрум бўлди.[560] Октябр ойида Эрон ҳукуматининг масъул идоралари Садриддинхонга зуғумни кучайтирдилар. Чунки туркистонлик муҳожирлар орасида юритган фаолиятлари, улар номидан ҳукуматнинг турли мақомларига хатлар ва талабномалар ёзиши ҳукуматнинг жиғига тегаётганди. Унга Эронда яшаб туриш вақти тугаганидан кейин виза берилмаслиги билдирилди. Паспортига кўра у Туркия атандоши ҳисобланарди, шу боис Туркияга қайтишга мажбур эди. Аммо бу паспортнинг муддати ҳам тугаётганди. Муфти Теҳрондаги Туркия элчихонасига мурожаат этиб, паспортининг муддатини узайтириб беришларини сўради. Бироқ элчихонадагилар ҳужжатларда айрим нуқсонлар борлигини рўкач қилиб, муддатни чўзиб беришмади. Садриддинхоннинг Туркия элчиси Хусрав Гарадага ёзган хатлари ҳам жавобсиз қолдирилди.

[560] Туркиянинг Машҳаддаги консуллиги 1932 йил 11 июнда ёпилган.



Шўро ҳудудидан Эронга ўтган туркманлардан бир гуруҳи. 1932 й. боши. (Аҳат Андижон архиви).

1933 йил ана шунга ўхшаш боши-кети йўқ алғов-далғов билан ўтиб кетди. Муфти Туркия элчихонанаси билан алоқа қилишга қанчалар уринмасин, бир натижага эришолмади. Анави тарафда эса, Эрон ҳукуматининг зуғуми тобора кучайиб бормоқда. Йил охирларида Садриддинхон Эрондан чиқиб кетишга қатъий қарор берди. Хуросоннинг турли шаҳарларидаги одамлари билан ТМБ ва “Ёш Туркистон” гуруҳининг алоқаси узилмаслиги чораларини кўрди. Шунчалар қаттиқ уриниб тиришдики, энди ўзи Эронни тарк этган тақдирда ҳам ТМБнинг бу ўлкадаги фаолияти давом этаверарди.[561] Бу паллада энг сўнгги туркман босмачиларидан Аннақули лашкарлари билан Эронга ўтган ва ҳукумат тарафидан чегарага яқин бир ерда назорат остига олинганди. Эрон ҳукумати Аннақулидан қурол-аслаҳасини топширишини талаб қиларди, Аннақули эса, яроқсиз ҳолда қолса, эрон-совет битимига кўра, Эрон барчасини шўрога қайтариб жўнатворишидан чўчирди. Ана шу вазиятда муфти туркманлар жонига оро кирди, у Афғонистондаги одамлари билан гаплашиб, афғон ҳукуматининг изни олиниб, Аннақули ва лашкарини Афғонистонга ўтказиб юборди. Бу ҳодиса Эрон ҳукуматининг бадтар ғашини келтирди ва муфти бошидаги зуғум янада ошди. 1934 йил май ойида агарда бундан кейин ҳам Машҳадда колса, қамалиши ҳақида муфтига хабар берилди. Бу пайтга келиб, Ҳиндистон орқали Шарқий Туркистонга кетиш режасини амалга оширишга ҳам имкон қолмаганди. Шундай қилиб Эронни тарк этиш вақти етганди. Садриддинхон 1934

[561] Муфти Садриддинхон томонидан Мустафо Чўқайга 4 июл 1934 й. ва 16 июл 1934 й.да ёзилган мактублар (Аҳат Андижон архиви).

йилнинг 8 июл куни кечаси, котиби Маҳмуд Ойқорлини ёнига олиб, яширин суратда Машҳаддан чиқиб кетди.

Яширин ташкилотларда ишлайвериб пишиб кетган Садриддинхон қачон ва қайга кетишини ҳеч кимга, ҳатто котибига ҳам айтмаган, режасидан ўзидан бошқа кимсанинг хабари йўқ эди. Бир неча туркистонлик миллий шахсларнинг совет жосуслари томонидан ўғирлаб кетилгани ва шўрога топширилгани эсланса, муфтининг бу ҳаракати, яъни оғзи маҳкамлиги, балки унинг ҳаётини сақлаб қолгандир, дейишга ҳам асос бўлади. Иковлон икки кун йўл юриб, чегарадан ўтиб, Афғонистонга кирдилар. Уларни шахсан Ҳирот волийси кутиб олди ва жуда катта ҳурмат ва эътибор кўрсатди. Муфти ва котиби йигирма кунча бу ерда меҳмон бўлдилар. Сўнг уларга бир ҳарбий йўлдош тайинланди ва биргалашиб Ҳиротдан Кобулга қараб йўлга чиқишди.

ЎТТИЗИНЧИ ЙИЛЛАР, АФҒОНИСТОНДА

Хорижда олиб борилган Туркистон миллий мужодаласи учун Афғонистон ҳам чегарадош давлат бўлгани боис, ҳам шимол минтақаларида турк халқлари яшаши туфайли ниҳоятда муҳим ўлка ҳисобланарди. Туркистонда мустақиллик учун шиддатли кураш авжга чиққан йилларда туркистонлик миллий йўлбошчилар, қўрбошилар, босмачилар ва муҳожирларга асосий қўналға вазифасини бажарган юрт ҳам Афғонистондир. Қисқагина давом этган Бачаи Сақо ҳукмронлиги даврида собиқ Бухоро амири Саид Олимхон, туркистонлик муҳожирлар ва қўрбошилар орасида янгича муносабатлар шаклланиб, бир оз силжишлар сезилса ҳам, барча уринишлар мувафақиятсизлик билан тугаганди.[562]

Бачаи Сақони ағдариб, ҳокимиятни қўлга киритган Нодиршоҳ давлатни қаттиққўллик билан бошқаришга интилди ва бутун бошқарув нуқталарига ўз ака-укаларини қўйди. Сардор Ҳошимхонни бош вазир, сардор Шоҳмаҳмудни ҳарбий вазир ва қўшин қўмондони, укаси сардор Муҳаммадазизни эса Москвага элчи этиб тайинлади. Бошқарув кенгашининг бошқа ўнта аъзоси ҳам қариндошлари орасидан танлаб олинган шахслар эди. Ташқи сиёсатда ҳар икки улуғ кучга, яъни руслар ва инглизларга бир оз масофали тарзда иш юритмоқда эди. Нодиршоҳ инглиз ва рус миссионерларининг Афғонистондаги ғаламисликларига ҳам чек қўйди, қўшиннинг ҳаво қувватлари ичида вазифа бажараётган ва ўқитувчилик қилаётган русларни ҳам ўз юртига жўнатиб юборди. Инглиз ва рус мактабларини ёптираркан, шу билан айни замонда олмон, француз ва турк мактабларини очтириб, замонавий таълимни уюштирди.

[562] Бу хусусда китобнинг “Амударёнинг у тарафида” бобида батафсил маълумот берилган.

Айни шу чоғда, 1929 йилда, бир пайтлар советлар ёрдами билан Бачаи Сақо ҳукуматига қарши ҳарбий ҳаракатлар уюштирган Афғонистоннинг Москвадаги собиқ элчиси Ғулом Наби юртига қайтиб келди. Ҳукумат назорат остига олганига қарамай, Нодиршоҳга қарши исён тайёрлашга киришди. Аммо режаси фош бўлиб, дарҳол қўлга туширилди ва ўлдирилди. Афғон ҳукуматининг тахминича, Ғулом Набининг бу қўпорувчилик ҳаракати ортида Нодиршоҳнинг советларга нисбатан тутган сиёсатидан қониқмаган Москва раҳбарияти турарди.[563] Барибир бу қўпорувчилик ҳодисаси Нодиршоҳнинг тақдирини ҳал этди: орадан бир йил ўтиб, расмий бир тантана асносинда, Ғулом Набининг бир қариндоши томонидан қилинган суиқасд натижасида Нодиршоҳ ўлдирилди. Тахтга Нодиршоҳнинг ўн тўққиз ёшли ўғли Зоҳиршоҳ ўтирди. Янги қирол ёш бўлгани боис бутун ҳокимият унинг амакиси сардор Ҳошимхон тарафидан бошқарилди. Ҳошимхон 1946 йилда ўлганига қадар ҳокимиятни бошқаришда давом этди.

Қисқа давом этганига қарамасдан, Бачаи Сақо ҳукмронлиги даври ва ундан кейин юз берган Иброҳим Лақай ҳаракати ва унинг барҳам топишига қадар бўлган воқеалар Нодиршоҳ ҳукуматини жиддий қайғуга солганди. Зотан Шимолий Афғонистондаги туркий халқлар Бачаи Сақо ҳукуматига хайрихоҳлик кўрсатиб, анчагина ёрдам берган, бу ҳам Нодиршоҳ тарафдорларини чўчитиб қўйганди. Бачаи Сақо ҳукмронлигининг тугатилиши ва Иброҳим Лақай ҳаракатига барҳам бериш жараёнида ҳам бу минтақа халқининг асосий қисми марказий ҳукумат қўшинларига кўмак бермади ва тарафсиз қолди, ҳатто Бадахшон ва Қатағон вилоятлари Лақайнинг ёнини олди.[564]

Мана шунақа ҳукуматга қарши ҳаракатларнинг тағин такрорланишидан хавфсираган Нодиршоҳ ҳокимияти Шимолий Афғонистонга нисбатан алоҳида сиёсат юритишга қарор қилди.

Аввало пойтахт Кобул билан Шимолий Афғонистон орасида йўл тўғриланиши, тузатилиши керак эди, шундагина марказ ва бу минтақа ўртасидаги муносабат ва алоқани давлат истагандай юрита оларди. Афғонистонни ўртадан бўлган юксак Ҳиндикуш тоғларида шимолга ўтадиган яқин йўл йўқлиги туфайли, улов воситасида Шимолий Афғонистонга етиш учун Қандаҳор ва Ҳирот орқали, яъни бутун ўлкани айланиб бориш лозим бўларди. Ҳиндикуш тоғлари устида баъзи табиий ўтиш ва кечув йўллари бор эди. Фақат ўта юксакликдаги бу ваҳший тоғ йўллари ниҳоятда таҳликали эди ва замонавий уловлар юра олмасди. От ё эшакда, ёки яёв юриб борилганда ҳам бу йўллар жуда машаққатли ва фалокатли эди. Бундан ташқари, узун қиш ойлари бўйича бу таҳликали ўтиш ва кечиш йўллари беркиларди, ҳарҳолда йилнинг ярмидан кўп пайти бу минтақада юриб бўлмасди. Бу табиий-жуғрофий вазият

[563] Fraser-Tytler, *Afghanistan*, s. 234

[564] “Босмачиларнинг тугатилиши” бобида бу хусусда батафсил тўхталинган.

Кобулдаги ҳукуматнинг шимолда юз бераётган ҳодисаларга вақтида чора кўришига, назоратда тутишига тўсиқлиқ қилмоқда ва марказдаги ҳокимиятни заифлатмоқда эди. Нодиршоҳ ана шу ғовни йўқотиш ва Омонуллохон замонида бошланган, аммо Бачаи Сақо қўзғолони сабабли тугалланмай, тўхтаб қолган Саланг йўли қурилиш лойиҳасини яна қўлга олди ва натижада, русларнинг ҳамкорлигида бу иш 1933 йилда охирига етказилди. Шундай қилиб жаҳонгир Александр давридан бери ўтган минг-минг йиллар давомида карвонлар қатнаган бу оғир йўл, ниҳоят, замонавий уловлар юра оладиган ҳолга келтирилди. Афғон Туркистони билан Жанубий Афғонистон ўртасида тўғридан-тўғри қатнов йўли ҳосил бўлди.

Бу воқеалардан кейин марказий ҳокимият Шимолий Афғонистонга қаратилган иккинчи бир сиёсатини амалга оширмоққа киришди. Яъни, 1890 йилларда Абдураҳмонхон томонидан бошланган пуштунлаштириш жараёнини янгидан йўлга қўйди. Жанубий Афғонистондаги пуштун қабилаларини мунтазам шаклда Шимолий Афонистонга жойлаштира бошлади. Бу минтақадаги маҳаллий аҳолининг, яъни, ўзбеклар, туркманлар ва тожиклар қўлидаги унумли ерлар мусодара этилиб, “ноқилин” дейилган пуштун кўчманчиларга тарқатилди. Бу сиёсат, айниқса, Қундуздаги маҳаллий халқни хонавайрон қилди. Маълумки. Туркистоннинг Фарғона вилоятида пахта кўп экилади, табиий иқлим шунга мувофиқ. Шимолий Афғонистоннинг Қатаған вилоятидаги иқлим ва табиий шароит ҳам шунга ўхшашлиги, яъни пахта етиштиришга мослиги билан ажралиб турарди. 1920 йилларда бу ерга келган туркистонлик муҳожирлар пахта етиштиришни бошлаган ва қисқа вақт ичида Қундуз шаҳри бу ўлканинг пахта маркази ўлароқ донг таратган эди. Советлар мамлакатида давом этаётган ички алғов-далғовлар, коллективлаштириш ва колхозлаштириш жараёни сабабли пахта етиштириш камайиб кетганди ва Қундуз пахтасини четга сотишга ҳам имкон туғилганди. Шуни кўзда тутиб, Афғонистон ҳукумати раҳбарияти ва миллий банки ташаббуси билан “Спинзар” ширкати қурилди. Бу вилоятга жойлашган туркистонлик муҳожирлар ва махаллий халқ ширкатнинг молиявий ёрдами билан ботқоқлик ерларни қуритиб, ҳайдаб, пахта етиштиришга мосладилар. 1930 йилдан эътиборан Қундуз шаҳри марказ сифатида бутун Қатаған вилояти пахтачиликда катта муваффақиятларга эриша бошлади ва унинг ютуқлари Афғонистон иқтисодининг юксалишига алоҳида улуш қўшди. Аммо Нодиршоҳ замонидаги пуштунлаштириш сиёсати даврида бу минтақадаги маҳаллий туркий аҳолининг унумдор ерлари тортиб олиниб, ҳар гектари арзимас 25 сентдан пуштунларга сотилди ва улар мулкдор ер эгаларига айланди.[565]

Пуштунлаштириш сиёсатининг яна бир ваҳшиёна натижасида Шимолий Афғонистоннинг тарихий ва маданий борлиқлари, қадриятлари

[565] Shalinsky, *Long Years of Exile. Central Asian Refugees in Afghanistan and Pakistan*, s. 28

йўқ қилинди. Бундан мақсад бу минтақада яшайдиган маҳаллий туркий халқларни ўз тарихий ўтмишидан узиб ташлаш эди. Хусусан бош волий, ўта фанатик пуштун миллатчиси генерал Вазирмуҳаммаммад Гулхон Муҳаммад бу ишларни амалга оширишда бош-қош бўлди. Унинг бош волийлик даврида вилоятдаги барча тарихий, маданий, археологик ёдгорликлар йиқитилди ва вайрон этилди. Ҳатто туркий ёки тожик тилидаги қўлёзмалар ҳам йўқ қилинди. Шунингдек, минтақанинг тарихий номи ҳисобланган Афғон Туркистони атамасини ҳам йўқотишга уринилди. Ўзбекча ва тожикча ер отлари ўзгартирилиб, ўрнига пуштунча исмлар қўйилди. Номи бир ўзбек уруғи номидан олинган Қатағон вилояти атамаси ҳам расмий қўлланишдан чиқарилди.[566] Бу минтақадаги туркийлар сонини озайтириш мақсадида туркистонлк муҳожирларни турли майда-чуйда баҳоналар билан айблаб, оилари билан биргаликда Чақнасур ва Даҳнаи Гуррий каби жанубдаги сургун ерларига қувила бошланди.

Бу тадбирлар оқибатида афғон Туркистонидаги босмачи гуруҳлари тарқатиб юборилди. Собиқ босмачилар эндиликда тирикчилик йўлида ўзларини ҳар хил ишларга уриб, кун кечиришга киришди. Туркистонлик муҳожирлар чегара яқинидаги ерлардан бошлаб Имом соҳиб (Қизил қалъа), Қундуз, Хонобод, Боғлан, Шибирған, Маймана, Андхўй, Мозори Шариф каби шаҳарларга тарқалиб яшамоқда эдилар.[567] Қундуз, Боғлан, Хонободдаги муҳожир туркистонликларнинг кўпчилиги деҳқончилик билан шуғулланарди. Боғлан шаҳрида олмонлар тарафидан шакар корхонаси қурилганди, унга маҳаллий аҳоли, жумладан муҳожир деҳқонлар ҳам қандлавлаги етказиб берарди. Қундуз шаҳри эса пахтачилик маркази ҳисобланарди. Бу жойлар туркистонли муҳожирларнинг асосий тирикчилик ўтказаётган ерларига айланганди.

Подаларини ҳам Афғонистонга олиб ўтишни эплаган туркманлар бу ўлкада чорвачилик билан машғул эди. Хусусан, қоракўл [568] териси савдоси туркман гуруҳларининг қўлида эди. Андхўй, Маймана, Шибирған каби шаҳарларга жойлашган туркман муҳожирлар эса гиламчилик билан кун кечирарди. Кобул ва Мозори Шариф каби катта шаҳарлардаги туркистонлик муҳожирлар асосан савдогарчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланарди.

Нодиршоҳнинг мустабид тузуми давридаги туркий халқларга нисбатан қилинган муносабатлар натижасида нафақат туркистонлик муҳожирлар, балки бу мамлкакатнинг шимол тарафидаги маҳаллий ўзбеклар, туркманлар ва тожиклар ҳам қаттиқ зулм чекдилар ва мажбуран индамасдан яшадилар.

---

[566] Şahrani, *Resisting The Taliban and Talibanizm in Afghanistan*, s. 132

[567] Қаранг: харита 5.

[568] Кўпроқ Бухоронинг Қоракўл вилоятида боқиладиган қўй тури; бош кийим, турли уст кийимлар қилинади; ғарбда астраган дейилади.



Афғонистондаги муҳожир туркистонликлар. Ўртада тик турган телпакли шахс қўрбоши Нурмуҳаммадбек. Кобул, 1926 (Аҳат Андижон архиви)

Иброҳим лақайга қарши афғон ҳукуматининг ҳарбий зарбалари, қатъий чораларидан сўнгра пайдо бўлган сиёсий муҳитда туркистонлик муҳожирлар ва уларнинг етакчилари ҳам оғир аҳволда қолди. Собиқ Бухоро амири Саид Олимхонга нисбатан назорат янада кучайтирилди, атрофидаги одамлари тарқатиб юборилди. У эндиликда муҳожир ватандошлари билан ҳам алоқа қилиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди. Амир Ҳиндистонга ёки ҳажга кетишга изн истади, бироқ бу талаби инобатга олинмади. У давлат томонидан яшаб туришга берилган қишлик ва ёзлик маконида, тўғрисини айтганда, уй қамоғида яшашга маҳкум бўлиб қолди. Бухоролик ўзбеклар орасида унинг вакиллиги вазифасини амакиси Саидбек иноқ калон (Тоғабек) бажарарди. Бу маҳкумлик ҳаётига ортиқ чидайолмаган амирнинг 1934 йилда жони узилди ва ҳарбий тантана билан дафн этилди.

Бу пайтда босмачиларнинг собиқ бош қўмондони Шермуҳаммадбек афғон давлати томонидан ўзига берилган Қартаи чор деган жойдаги ерида деҳқончилик қилмоқда ва ҳукуматнинг 500 рупиялик маошини олиб, яшаб келарди. Расмий идораларнинг рухсатисиз ўзига ажратилган ер теварагидаги олти километр масофадан ташқари чиқиши таъқиқланганди. Бошқа қўрбошилар ҳам тижорат, деҳқончилик ёки қўлларидан келган бир иш билан шуғулланиб, кун кўриб юришарди. Давлат ишига кирганлар жуда оз эди.

Афғонистон ҳукуматида юксак мансабларда ишлаётган муҳожирлардан бири вазирлар маҳкамасидаги маслаҳатчи ва таржимон Мубашширхон Тарозий эди. У туркистонлик муҳожирларнинг ҳукуматга боғлиқ муаммоларининг ечилишига ҳам ёрдам бериб турарди. Ўғли Насруло собиқ Бухоро амирининг қизига уйланганди, шу туфайли у амир тарафидаги гуруҳлар билан ҳам яхши муносабат ўрнатганди. Бухоро халқ жумҳурияти ҳукумати аъзоларидан бўлган ва унинг Афғонистондаги элчиси вазифасига тайинланган Ҳошим Шойиқ ўзи мансуб давлат ағдарилганидан кейин Афғонистонда қолган, маориф вазирлигида вазир ўринбосари сифатида хизмат қиларди. Афғон ҳукумати муҳожирларнинг гуруҳлашувларига ва жамият ташкил этишларига, нашр ишлари билан шуғулланишларига изн бермагани боис бу йўналишда бирор нарсага эришишга ҳеч бир имкон йўқ эди.

1935 йилларга келиб, туркистонлик муҳожирлар орасида аввалдан анъанага айланган сиёсий ташкилот қуриш ва гуруҳлашиш, ҳамкорликда иш юритиш давом этгани кўзга ташланади. Туркман муҳожирлари ўртасида сиёсий маънодаги бирор гуруҳ бўлмаган. Оз сонли қирғиз муҳожирлари Помир минтақасига жойлашгани боис бутунлай алоҳида гуруҳ ҳолида яшамоқда эдилар. Улар истиқомат этаётган ерлар жуда юксак ва тоғлиқ макон ҳисобланарди, шунинг учун йўллар йилда фақат уч ойгина очиқ бўларди. Ана шу сабабли бу ерларни марказий ҳукумат томонидан идора этишнинг деярли имкони йўқ эди.

Ўзбек муҳожирларни бу ўлкада бухоройи, фарғоначи, панидарёйи[569] деб аташарди. Сиёсий жиҳатдан улар амир тарафдорлари, эски қўрбошилар, Тарозий ва унинг атрофида йиғилган гуруҳ ва ТМБчилар ўлароқ тўрт гуруҳдан иборат эди. Собиқ Бухоро амири тарафдорлари бошчиси шаҳзода Умар ҳисобланарди.

Туркман муҳожирлари ичидаги гуруҳлардан асосийсига нақшбандий тариқати пирларидан эшон Халифа раҳнамолик қиларди.

1930 йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан дунёда мудҳиш уруш шамоли эса бошлади. Бу даврда Афғонистонда олмонлар ва японлар таъсири анча ортди. Бу икки кучнинг совет давлатига ва Англияга қарши қаратилган ҳаракатлари, шубҳасиз, Афғонистонда яшаётган муҳожир туркистонликларни ҳам бефарқ қолдирмасди, албатта.

МУФТИ САДРИДДИНХОННИНГ ЎЙИНДАН ЧИҚАРИЛИШИ

Муфти Садриддинхон ва Маҳмуд Ойқорли 1934 йил июл ойининг охирларида Кобулга етиб келишди. Муфтининг Мустафо Чўқай ва Абдулваҳоб Ўқтойга ёзган мактубларида ўша пайтдаги ўлканинг

[569] Дарёнинг нариги тарафидан келган маъносида.

вазиятига оид кўп қимматли маълумотлар учрайди. Жумладан, бир хатида у шундай деган:

> “31 июлда Кобулга келиб, эски ва янги муҳожирлар билан, энг муҳими, ўн бир йиллик ғурбатдаги дўстлар ва қадрдонлар билан учрашдик. Бир қисмининг турмуш даражаси яхшиланибди. Умуман сизларнинг хизматингиздалар. Бу ерга келганимдан мамнунман ва умидлиман...
>
> Маҳмуд Шавкат (Эсандал) бей билан кўришдим, у зот Туркия элчисидир. Шахсан суҳбат қилдим... Туркиядаги вазият бизнинг мақсадларимизга, фаолиятимизга унчалик уйғун кўринмаяпти. Бизга бир соҳада ёрдамлари тегиши мумкин, яъни у ерда таҳсил олмоқ истаган ёшларимизга имкон берилади. Мен ҳам бу афандиларимиз билан муносабатда ана шу мавзулардан четга чиқмасликкка интилдим.
>
> Ана шу ниятда бугун Йўқсулга ҳам Туркияга борамиз дея турк паспорти олдик. Йўл учун моддий имконларни ҳал этсак, Йўқсулни Машҳад тарафларга юборишни мўлжаллаб турибман. Сиздан бир тилагим моддий маблағни иложи борича тезроқ жўнатсангиз. Машҳадга борса, сизнинг маслаҳат ва тавсиянгизга кўра у ерда ишларни бажараверади... Бу ердагиларнинг кўпчилиги аввалдан боғбонлик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган боис эндиликда ҳам ўшанақа ишлар билан машғуллар.[570] Бир қисми эса ўқиш билан банд...
>
> Қашқарга ўз пайтида жуда тезлик билан ўтиб кетиш керак эди, энди эса кеч. Изн берилса, бу қишни Кобулда ўтказсам дейман. Шу ҳафта ичида бунинг ҳам натижаси чиқиб қолади. Хўжаниёз Қашқарда истиқлол фикридан воз кечиб, юзини мухториятга бурибди. Чин ҳукумати қўмондони Қашқарга кирай деб турибди... Истиқлолчи лашкарлардан бир бўлаги Помир тоғларида, Тошқўрғон тарафда мингдан ортиқ қўзғолончи бор. Бошлиғи Маҳмуд Юсуф деган зот. Аввалги пайтларда Шермуҳаммадбек қўл остидаги қўрбошилардан бўлган, ҳозирда ҳам унга ихлоси баланд... Бу тарафларга юбориладиган журналлар сонини орттириш керак, бу фойдалидир. Бизга жўнатиладиган маблағни Кобул миллий банки Туркистон ашҳами[571] воситасида олишимиз мумкин.”[572]

Бу орада Йўқсул, яъни Маҳмуд Ойқорли муфтининг барча алоқаларини ҳал қиладиган, журнал тарқатадиган ва хабарлашишни уюштирадиган одамига айланганди. У ёзган хатларидан бирида, Туркияда туркча фамилия олиш қонуни чиққани туфайли муфти Садриддиннинг Зивачи, ўзининг эса Ойқорли фамилиясини олганини таъкидлаган.[573] Бошқа бир мактубида эса, “Бундан кейин муфти афандига жўнатиладиган ақча менинг номимга юборилсин. Зеро, турк элчиси

---

[570] Эрондаги туркистонлик муҳожирлар кўзда тутилмоқда.
[571] Туркистон ҳужжатлари бўлими.
[572] Муфти Садриддин томонидан Мустафо Чўқайга 1934 й. 2 октябрда йўлланган хат (Аҳат Андижон архиви).
[573] Маҳмуд Ойқорлининг Абдулваҳоб Ўқтойга 1935 й. 19 мартда битган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

яқинда Туркияга қайтиб кетади” деб ёзган.[574] Бу гаплардан шу нарса маълум бўляптики, демак, ўтмишдаги икки иттиҳодчи, Маҳмуд Шавкат ва Садриддинхон яна ҳамкорлик қилмоқда ва Эсандал муфтига ёрдам бермоқда. Муфти ва котиби элчи Эсандалнинг кўрсатган кўмаги натижасида Туркия қонунига мос янги фамилия олиб, паспортни янгилашга эришганлар. Бундан ташқари, турк элчихонаси муфтининг ташқи давлатлар билан алоқаларида ҳам ёрдам қўлини чўзмоқда эди. ТМБнинг Оврупо вакили томонидан юборилган маблағлар ва мактублар ҳам Туркия элчихонаси воситасида Садриддинхонга етиб келарди.

Бу чоғда муфти бир тарафдан Андхўй, Ақча, Мозори Шариф ва Хонобод каби шаҳарларда ТМБ номидан иш юритадиган кишиларни танлаш ва тайёрлашни, иккинчи томондан эса, босмачилар ва раҳбарлари билан учрашиб, вазиятни, имконларни таҳлил қилишни бошлаб юборганди. Шунга қарамай, Садриддинхон Шарқий Туркистонга боғлиқ режасидан ҳам воз кечмаганди. У ерларга бориб, миллий мустақилллик курашида қатнашишни истарди. Шу сабабли у Япония элчихонаси ходимлари билан алоқа ўрнатиб, Шарқий Туркистонга боғлиқ ишлари учун замин ҳозирламоққа киришди.

Бу ёқда эса, муфти кетганидан сўнгра ТМБнинг Эрондаги фаолияти тўхтаб қолаёзди. Машҳадда ҳам, Эроннинг бошқа чегарага яқин шаҳарларида ҳам аввалдан ишлаб келган масъул кишилар эндиликда, бошқариб турувчи шахс бўлмаганидан, бўшашиб қолгандилар, ишларининг тайини йўқдай кўринарди. Бу турумдан қайғуга тушган муфти Садриддинхон бошқариш вазифасига Ойқорлини тайинлашни, у бу ишни эплаб кетишини ўйлади ва уни Машҳадга қайтариб юборишга қарор қилди. Бироқ Ойқорли муфтининг бу фикридан мамнун эмасди. Зотан, Маҳмуд Иброҳимов совет махфий хизмати режасини амалга оширган, туркистонлик муҳожирларнинг энг кўп тўпланиб яшаётган ерга, яъни Афғонистонга жойлашган ва кераклик сиёсий алоқаларни ўрнатишга эришган эди. Машҳадга қайтган тақдирда, кўпгина фаолият ва таъсир доираларидан ажралиб қоларди. Мободо, муфтиининг талабини бажармаса, ТМБ унга мутлақо ишонмай қўярди. Буларни кўзда тутиб, Маҳмуд Ойқорли аввало муфтини ўз қароридан қайтаришга уринди. Абдулваҳоб Ўқтой ва Тоҳир Чиғатой каби ёш туркистончиларга хатлар ёзиб, Машҳадга қайтгандан кўра Кобулда қолса, янада фойдалироқ бўлиши мумкинлигини англатмоққа тиришди ва буни муфтига тушунтириб қўйишларини ҳам сўради. Бироқ муфти Садриддинхон Ойқорли Эронга қайтмаса, у ердаги барча ишлар барбод бўлади, деган қатъий фикрда эди.

Эндиликда Ойқорли ва совет махфий хизмати учун биргина йўл қолганди. Муфтини бир амаллаб йўқотиш ва ўрнига Ойқорлини қўйиш.

[574] Маҳмуд Ойқорлининг Абдулваҳоб Ўқтойга 1935 й. 6 апрелда ёзган хати (Аҳат Андижон архиви).


Бу хусусдаги режани 1935 йил июн ойида амалга оширишга киришилди. Айни чоғдаги аҳволни Садриддинхон Мустафо Чўқайга ёзган хатида шундай тушунтирмоқда:

> “Кобулда туриб, ҳаттоки ичкаридан хабар олиш ҳам оғирлашиб қолгани учун, Шарқий Туркистонга ўтиб олиш ниятида 6 июнда, Афғонистон хорижия вазирлигига виза сўраб мурожаат этгандим. Вазир ҳузурига чақиртириб, совет ҳукуматининг мендан қаттиқ ғазабланганини билдириб, яхшиси инглизлардан (Ҳиндистон йўли орқали) виза олишни тавсия қилди. Эртасига инглиз элчихонасига бордим, Ҳиндистон визаси беришларини талаб этдим. Элчиликдагилар марказдан сўрашлари кераклигини айтиб, кутасан, дедилар. Шу пайтда, ҳеч кутилмаганда, 17 июн куни мени шаҳар миршабхонасига олиб бориб, хорижия вазирлигидан оғзаки кўрсатма келганлигини билдиришди ва икки кун ичида, соқчи ҳамроҳлигида чегарадан ўтказиб, Машҳадга кузатиб қўйиш борасида амр борлигини таъкидлашди. Туркия элчихонасидаги ўринбосарнинг ёрдами билан Ҳиндистон йўлига изн чиқишини кутишга рухсат олинди. Энди инглизлар элчихонасида талабимга бериладиган жавобни кутиб ўтирибман. Эронга қайтариб юборишса, шармандали иш бўлади. Худо кўрсатмасин, ишқилиб. Гўё ташкилот қуриб, совет Русиясига қарши иш қилибманмиш. Бу ҳолат менга ва Туркия элчихонсидаги ўринбосарга хорижия вазирлиги тарафидан очиқ айтилди... Узоқбойлар (японлар) билан алоқа юришиб кетса ҳам ёмон бўлмасди. Қанийди имкон топилса...
>
> Худога шукрки, Маҳмуднинг шошадиган жойи йўқ. Зотан, Маҳмуд бу ерда қолиб, бир ёрдамчиси билан хизматингизга ҳозирдир... Мухтарам Мустафо бек, бундан кейин Маҳмуд билан доим хабарлашиб туришингиз керак... Шак йўққи, эндиги совет ҳукуматига қарши иш қилиш имкони бизда қолмади. Ягона умид шуки, балки истиқболда янги бир инқилоб ёки уруш чиқиб қолар... Ўшанда миллатимизга, тайёрмисан, дейиш учун ҳозирдан чора кўриш лозим, шу фикрга келдим... Бу ҳолга қарамасдан, қўлсиз-оёқсиз бўлса ҳам ишлаб турсин дея ўрнимга бу йигитни (Маҳмудни) қўйиб кетяпман. Агар имкони топилса, сиз ҳам мени Ҳиндистонга ўтишимга ҳаракат қилсангиз эди...”[575]

ТМБ раҳбарлари ва муфти Садриддинхон орасидаги хатлардан маълум бўлишича, ўша пайтгача муфтининг фаолиятлари учун бирор марта норозилик билдирмаган Афғонистон ҳукуматининг бирданига уни юртдан чиқариб юборишга амр бериши ўйлантирувчи ҳолдир. Муфти советларга қарши иш қилган дея айбланса ҳам, унинг котиби ва ёрдамчиси Маҳмуд Ойқорлига ҳеч нима дейилмаган. Ойқорли советларга қайтганидан кейин унинг хотиралари асосида китоб ёзилган, унда

[575] Муфти Садриддинхоннинг 1934 й. 5 августда Мустафо Чўқай ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

айтилишича, муфтини йўқотиш иши афғон ҳукумати ичидаги совет дўстлари ёрдамида, хамирдан қило суғургандай осонгина бажарилган.[576]



Совет жосуси Маҳмуд Ойқорли (чапда, тик турган) босмачи раҳбарларидан Ҳамроқул қўрбоши (ўтирган) билан бирга. Кобул, 1936 йил бошлари.

(Аҳат Андижон архиви)

Муфти Садриддинхоннинг Ҳиндистон йўли орқали Шарқий Туркистонга боришга уринишлари натижа бермади. Англия элчихонасидан жавоб кутаркан, Афғонистон ҳукумати янги бир қарори билан уни яна ҳайрон қолдирди. Энди муфтининг Эронга қайтариш фикридан воз кечилган, уни Ҳиротга сургун қилиш, назорат остида сақлаш ҳақида буйруқ чиққанди. Совет жосуслари тайёрлаган фитнали режа ана шу тарзда амалга ошганди. Шўро айғоқчиси Ойқорли эндиликда ТМБнинг Кобулдаги калит одамига айланган, муфти эса ўйиндан чиқариб юборилганди. Ойқорли вазият хусусида Чўқайга шундай ёзмоқда:

> “Охирги хатида муфти ҳазратлари келгуси мактубни Пешовардан ёзамиз дегандилар. Фақат бу мумкин бўлмади. Чунки кетма-кет келган амрлар уни Кобулни тарк этишга мажбур қилди. Бўлшевик элчихонаси муфтини Кобулдан қувилиши учун ҳар ишга бош урди. Ҳиндистон ва Эрон

[576] Кенгроқ маълумот учун қаранг: Б. Пармузин, “Махсус топшириқ”, роман. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, Тошкент 1976.

элчихоналари мурожаатга жавоб бермади. Охири муфти хазратларининг Ҳиротга сургуни борасида амр келди. Оқибатда, 6 август куни миршаб назоратида Ҳиротга олиб кетилди... Бундан кейин муфти номига юбориладиган мактуб, журнал ва пул менга жўнатилса яхши бўларди."[577]

Энди майдон Ойқорлига қолганди. У Туркистон миллий бирлик ҳаракати билан боғлиқ Афғонистон, Эрон ва Шарқий Туркистон минтақаларидаги ҳар қанақа фаолиятнинг бошқарувчисига айланганди. ТМБ вакили Маҳмуд Ойқорли бундан кейин муфти Садриддинхон ва Мустафо Чўқайнинг номи ва обрўсидан унумли фойдаланиб, турк элчиси Маҳмуд Шавкат Эсандал билан ҳам муносабат ўрнатишга тайёр эди. Ўз ишининг устаси бўлган жосус Ойқорли буни уддалагач, бошқа, дипломатик доиралар билан боғланиш чўт бўлмай қоларди. Шундай қилиб, у 1936 йилдан эътиборан Япония дипломатик доираларига сирғалиб киришга эришди. Бу орада у босмачи раҳбарларидан Ҳамроқул қўрбошининг қизига уйланиб, муҳитдаги ўрнини янада мустаҳкамлаб олди. Ойқорлининг эндиги мўлжали ТМБ раҳбарларининг ишонч-эътиборини қозониш эди. Шуни ҳам айтиш керакки, Афғонистондаги баъзи муҳожир туркистонликлар гуруҳи ТМБ фаолиятларига кўнгли тўлмайроқ қарарди. Хусусан, Мубашширхон Тарозий бошлиқ тўда ТМБ сиёсати ва журнали "Ёш Туркистон"ни ҳаддан зиёд либерал деб билар ва нашрга "бисмиллосиз бошланган мажмуа" деб қарарди. Бундан ташқари, журналда айғоқчи Агабековнинг хотиралари босилгандан кейин ундаги айрим туҳматнамо гаплар Шермуҳаммадбек ҳамда баъзи қўрбошиларни хафа қилган, журналдан ва ТМБдан уларнинг хафсалалари пир бўлганди. Буларни ҳисобга олганда, ТМБнинг вакили сифатида Маҳмуд Ойқорлининг бундай турли қарашдаги гуруҳлар билан муносабат ўрнатиши осон кечмасди, албатта. Бу ҳолатни таҳлил этаркан, Ойқорли иккала гуруҳга ҳам мансуб бўлмаган таниқли шахслар билан алоқани мустаҳкамлашга қарор қилди. Шарқий Туркистондан Афғонистонга келган Қудратиллохон тўра, Қосимжон тўра каби мужоҳид етакчилар билан дўстлик ипини боғлашга киришди.

"ҲУКУМАТИ ИЛОҲИЙ" ЙЎЛИДА

Айни замонда рўй берган бир ҳодиса туфайли Афғонистон ҳукуматининг муҳожирларга нисбатан сиёсатида баъзи ўзгаришлар юзага келди. Кутилмаганда мавлоно Мансур деган ҳиндистонлик бир руҳоний шахс бошчилигида Афғонистондаги туркистонлик муҳожирларнинг яширин тарзда қўзғолонга тайёргарлик кўргани ва исённинг бошланиши ҳукуматни ларзага солди. Ҳиндистонлик бир руҳоний кишининг

[577] Маҳмуд Ойқорлининг 1935 й. 9 августда Мустафо Чўқайга ёзган хати (Аҳат Андижон архиви).

Афғонистон ва советларга қарши бундайин бир амалий ҳаракатни юзага чиқара олгани ҳайратланарли эди. Аммо масалага Совет иттифоқи-Англия манфаатлари тўқнашуви нуқтаи назаридан қаралганда, ҳар нарса равшан бўлади-қолади.

Шуниси ҳам борки, 1930 йилдан бошлаб советлар Ҳиндистон-Афғонистон чегараларида яшайдиган пуштун қабилалари орасида коммунизм ғояларини кенг миқёсда ташвиқот-тарғибот қилишга киришганди. Бу ҳудудлардаги инглизларга қарши ҳаракатларга очиқчасига ёрдам бераётганди. Бу фитналар инглиз давлатининг ғазабини қўзғади. Айниқса, Мажнун Фақир деган кимса бошчилигидаги қўзғолон борган сайин кенг ёйила бошлади. Ҳиндистондаги инглиз ҳукумати ҳинд-афғон ҳудудларидаги қўшинлар ҳаракатини кучайтирди. Шу билан бирга, Афғонистон ичида шўрога қарши турли гуруҳларни уюштиришга ҳам катта эътибор берди.

Мавлоно Мансур 1933 йилда Афғонистонга келди ва бу ердаги туркистонлик гуруҳлар билан яхши муносабат ўрнатди. Билимдон руҳоний бўлгани боис омма орасида тезда ҳурмат ва ишонч қозонди. 1934 йилдан эътиборан у асосий мақсад йўлидаги вазифаларни амалга ошира бориб, туркистонлик муҳожирлардан энг ҳурматлиларини атрофига тўплаб, омма ичида советларга ва коммунизмга қарши ташвиқотлар ва Туркистон истиқлолини кўзлаган тарғиботларни авжга чиқарди. Натижада бу ғоялар теварагида катта бир гуруҳ жипслашди. Яширинча "Ҳукумати илоҳий" ташкилоти қурилди.[578] Маркази Кобулда жойлашган бу махфий ташкилотнинг бўлимларини Афғонистоннинг бир қатор шаҳарларида ҳам уюштириш йил бўйи давом этди. 1935 йилда советларга қарши очиқ ташвиқотни бошлашга қарор қилинди. Аммо афғон полицияси бу яширин ишлардан хабар топган, мавлоно Мансур яқиндан кузатилаётган эди. Ҳиндистонда чоп этилиб, яширинча Афғонистонга олиб келинган сиёсий рисолалар қўлга туширилгач, махфий ташкилот тарқатиб юборилди. Мавлоно Мансур ва ташкилотнинг барча бўлимларидаги етакчи аъзолар қўлга олинди. Кейинчалик мавлоно Мансур Афғонистондан Ҳиндистонга қувиб чиқарилди. Афғон ҳукуматининг мавлоно Мансурни суд қилмасдан, шунчаки чегарадан ҳайдаб юборгани, тўғриси, унинг инглиз ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланган шахс эканлигини англатмоқда.

Мавлоно Мансур билан қўлга олинган туркистонлик муҳожирлар эса, турли муддатларга қамоққа ҳукм этилди. "Ҳукумати илоҳий" воқеасидан кейин Афғонистон давлати муҳожирлар масаласига чуқурроқ қараш ва уларни доим назоратда тутиш кераклигини яна бир бор ҳис этди ва ҳар бир вилояту туманда муҳожирлар вакили танлаш ва ундан

[578] Бу яширин ташкилот аъзолари ичида туркистонлик муҳожирлардан Шермуҳаммадбекнинг укаси Нурмуҳаммадбек, Усмон қори, мавлоно Аҳмадали, Абдулазиз қори ва бошқалар бор эди.

маълумот олиб туриш даркор деган фикрга келди. Шундай қилиб, афғон ҳукумати муҳожир туркистонликлар ҳаётидан хабардор бўлишга эришарди. Шунингдек, бу вакиллар муҳожирлар ва давлат орасида воситачилик вазифасини бажарарди. Кобулга Мубашширхон Тарозий вакил этиб тайинланди. Бироқ, афсуски, бу тадбир шу билан тўхтади, бошқа шаҳар ё вилоятларга вакил сайланмади.

ТМБНИНГ ЯПОНЛАР БИЛАН МУНОСАБАТ ЎРНАТИШГА УРИНИШЛАРИ

ТМБ маркази 1932 йилда Шарқий Туркистондаги миллий истиқлол ҳаракатлари бошланиши муносабати билан бир меморандум тайёрлаб, япон ҳукуматига юборганди, бироқ ҳеч бир жавоб олинмаганди. Муфти Садриддинхон Кобулга келганидан кейин японлар билан алоқа қура олган ва бу иш унинг котиби Маҳмуд Ойқорли томонидан анчагина шакллантирилган эди. Хусусан, япон ҳукумати Шарқий Туркистонга қаратилган фаолиятларга кўмак беришга рози бўлганди.

Бу ҳодисаларга уйғун ўлароқ Париждаги Мустафо Чўқай ҳам япон масъуллари билан алоқа ўрнатишга уринмоқдайди. Ойқорли билан Чўқай орасидаги ёзишмалардан бу воқеаларни янада кенгроқ ўрганиш мумкин. Ойқорли бир мактубида шундай ёзмоқда:

> “Сиздан хат олгандан кейин узоқбойлар[579] билан учрашдим, сиз айтган нуқталарни гаплашдим. Унинг айтганлари шу: “Биз Франциядаги дўстларимизнинг бизга ўхшаб самимий қалб билан муносабат қилишларини орзу айлармиз. Ҳарҳолда, совуқ кўринишларининг бир сабаби бўлса керак. Эҳтимол француз ҳукуматининг совет давлати билан тобора дўстлашиб бораётгани бизнинг вазиятимизни ҳам оғирлаштирар. Шуни айтишим керакки, бизнинг Қишлоқбой[580] Русияни ҳеч кўрмаган ва у ҳақда маълумоти йўқ. Билгани фақат Франция, унга ўргатилгани шу. Шу боис ўша масалаларга совуқроқ қараган бўлиши мумкин. Масаланинг янада яхши ўрганилиб, осонгина тушунилиши учун Мустафобек буюк элчи мусё Сатў билан учрашмоғи керак. Чунки Сатў 15 йилча Москва ва Петербургда бўлган одамдир. Икки йилча у билан Москвада бирга ишлаганман. Мен эртагаёқ бу хусусда унга ёзиб юбораман.
>
> Мустафобек Туркистон масаласига алоқдор француз ва инглизча ёзган мақолаларини бизга (Кобулга) жўнатсин. Биз уларни мамлакатимиздаги нашриётларда ва матбуотимизда чиқарамиз. Мен бунга қатъий сўз бераман. Агар Мустафобек Манчжурия, Пўлша, Финландия каби бошқа бирор давлатда бўлсайди, у тақдирда биз бошқачароқ иш юрита олардик.

[579] ТМБ аъзоларининг ёзишмаларида японлар шундай аталган.

[580] Тахминимизча, Япониянинг Франциядаги элчихонасида ишлайдиган элчининг ўринбосари ёки ҳарбий маслаҳатчи кўзда тутилмоқда.

Францияга ёзадиган мактубимга шуни ҳам илова этаман, яъни, Мустафобек ўз мактубларини бизнинг элчихонамизга берсалар, уни рад қилмагайлар.”

Мухтор элчи Китада хазратлари сўз орасида Шинкианг ишлари билан жуда жиддий шуғулланаётганларини ҳам айтиб ўтдилар... Қўлингиздан келганича бизнинг ишларга ҳам ёрдам қилинг, деганимда, бунга ҳам сўз бердилар... Яқинда касалланиб, ўлкасига қайтган бош котиб хазратлари ҳам “Мен сизларнинг масалаларингизни ёзаман, у ишларнинг амалга ошиши учун ҳаракат қиламан. Кўнглингизни тўқ тутинг, бизнинг миллат сизларни унутмайди” деганди. Қани, кўрамиз, нима бўларкин.”[581]

Ойқорли, бир тарафдан қараганда, кўринишда хориждан туриб Туркистон ва Шарқий Туркистонга қарши иш олиб борадиган ташкилотлар тузишга киришганди. Шу тарзда ҳаракат қиларкан, ҳам муҳожирларни назорат остида сақлар, ҳам совет ҳукумати таҳликали деб ҳисоблаган шахсларнинг секин-секин майдондан чиқариб юборилишига имкон яратар эди. Туркистон миллий бирлиги маркази билан юритилган ёзишмаларида бу ишлари борасида шу фикрлар ҳам баён этилган:

“Шайх Абдулкарим, Текинел ва... бирга ўтиришганда узоқбойлар билан муносабат ўрнатишга қарор беришди. Мен бу масалани бир оз кеч бўлса ҳам ҳал қилдим... Ўша ўтиришда Нуртой... тайинланган эди. Юқоридан отлари тилга олинган кишилар ҳар тарафга тарқалиб кетганидан кейин, ташкилотлар орасидаги алоқалар, Шарқий Туркистон ва ичкари (Ғарбий Туркистон)даги миллатимиз билан боғланиш ишлари бизни анчагина моддий қийинчиликка солиб қўйганди. Айни пайтда узоқбойлар бизга ёрдам қўлини чўзишга ҳозир эканларини билдирдилар.”[582]

Маҳмуд Ойқорлининг Абдулваҳоб Ўқтойга ёзган бошқа бир мактубида эса қуйидаги маълумотлар бор:

“Туркистонга кетган уч кишидан хабар йўқ. Бу ердан икки кишини Қашқарган жўнатгандим, улар ишга киришганини билдиришди. Эндиликда Ҳиндистонга бориб ўрнашиб, у ерда бир “станция” қуриш билан машғулман.”[583]

Ойқорлининг хатларида эсланган шайх Абдулкарим узоқ йиллар советларга қарши курашган қўрбоши Фузайл махдумдир. Бу имонли мужоҳид қўрбоши ТМБ вакили деб билинган Маҳмуд Ойқорли тарафидан тузилган сўзда шўрога қарши ташкилотга ҳеч иккиланмасдан қўшилган. Чинлик мустамлакачиларга қарши курашда қатнашмоқ учун Қашқарга юборилган. Кетиши биланоқ унинг кимлигини Ойқорли дунганларга ва Қашқардаги совет консулхонасига билдирган. Фузайл

[581] Маҳмуд Ойқорлининг 1936 й. 16 майда Мустафо Чўқайга жўнатган хати (Аҳат Андижон архиви).
[582] Маҳмуд Ойқорлининг 1936 й. 27 июнда Абдулваҳоб Ўқтойга юборган хати (Аҳат Андижон архиви).
[583] Маҳмуд Ойқорлининг 1936 й. 26 октябрда Абдулваҳоб Ўқтойга йўллаган хати (Аҳат Андижон архиви).

махдум Шарқий Туркистон ҳудудига ўтиши ҳамоно дунганлар уни қўлга тушириб, ўғирланган ҳолда Қашқардаги совет консулхонасига топширади. У шўро мамлакатига олиб келиб тергов қилинади ва ўлимга маҳкум этилади.[584]

Ойқорлининг мактубларида махсус рамзлар билан исмларнинг ким бўлганини билиш қийин. Бизнингча, Ойқорлининг бу усулда қанча кишини советлар қўлига топширганини фақат КГБ архивларидангина ўрганиш мумкин.[585]

УСМОН ХУЖАЎҒЛИ АФҒОНИСТОНДА

1937 йил бошларида ТМБнинг раиси Усмон Хўжаўғли ва Шарқий Туркистонда ташкил топган миллий ҳукуматнинг собиқ мудофаа вазири Султонбек Бахтиёр биргаликда Ҳиндистон йўли билан Афғонистонга келишди. Бу сафар ТМБ марказий қўмитасига билдирилмасдан амалга оширилгани туфайли ТМБ марказида жиддий баҳсга йўл очди. Кейинроқ бу сафардан Прометей ҳаракати раҳбариятининг хабардор экани маълум бўлди. Чўқай бу масалада Париждаги япон масъул кишилари ундан фикр сўраганини ва Варшавадаги Прометей марказининг бу сафарга алоқадор эканини бир мактубида баён этган.[586]

Усмон Хўжаўғли ва Султонбек, аввало, ўша пайтларда Қандахорга йўлланган муфти Садриддинхонни зиёрат этишди. ТМБнинг ички ишларида ҳам гуруҳлар бор эди ва муфти Чўқай тарафдори ҳисобланарди. Шу туфайли Усмонхўжага ва унинг йўлдошига бир оз совуқроқ муносабат кўрсатди. Сўнгра Кобулга борган Хўжаўғли ва дўсти у ердаги ТМБ вакили Маҳмуд Ойқорли билан кўришдилар. Хўжаўғли Афғонистонга сафари асносида бир неча ишларни бирваракайига битириб кетишни мўлжаллаганди. Шарқий Туркистондаги мустақиллик ҳаракатларига Япониянинг ёрдамини уюштириш биринчи масала ҳисобланарди. Афғонистондаги туркистонлик муҳожирларни бирлаштириш иккинчи бир масала эди. Агарда бу ишлар амалга ошса, Усмон Хўжаўғлининг ТМБ ичидаги обрў-эътибори мустаҳкамланарди.

Хўжаўғли ва Бахтиёр, хуллас, Маҳмуд Ойқорли воситасида Кобулдаги Япония элчихонаси билан алоқа ўрнатдилар ва Шарқий Туркистон ҳаракатига ёрдам истадилар. Улар, керакли кўмак

---

[584] Türkistani, *Kaybolan Vatan*, s. 168. Бу воқеалар совет жосуси Маҳмуд Ойқорли хотиралари асосида ёзиган “Махсус топшириқ” деган китобда ҳам айнан ифодаланган.

[585] Советлар ўлкасига қайтганидан кейин Маҳмуд Ойқорлининг хотираларига таяниб ёзилган “Махсус топшириқ” китобида жуда кўп мужоҳиднинг ана шу усулда йўқ қилингани таъкидланган.

[586] Мустафо Чўқай тарафидан 1936 йил 31 октябрда Ёқуб Элбекка ёзилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).

кўрсатилгани тақдирда, Шарқий Туркистонда жуда катта қуролли қўзғолон чиқишига ва унинг муваффақиятига амин эдилар. Султонбек Бахтиёр ўзининг бу масалага оид қатъий ишончини бир мактубида шундай изоҳлаган:

> “Қўлимизда етарли далиллар борлигини кўраркан, узоқбойлар билан алоқа ўрнатишга қарор бердик... Халқимизнинг узоқбойларга нисбатан умумий қарашида хайрихоҳлик борлигини аниқладик. Уларнинг кўмаги билан суюкли юртимизнинг мустақилликка эришувига умидимиз собит бўлганидан, бошқаларнинг таклифини рад қилиб, узоқбойларга боғландик.”[587]

Аслида, японлар ҳам Шарқий Туркистон масаласи, ҳам советлар муаммоси билан баравар шуғулланаркан, ўз манфаатидан келиб чиқиб бир иш қилиши табиий эди. Шу боис ҳам Усмон Хўжаўғли ва Султонбек Бахтиёрнинг ҳаракатлари бир натижа бермади. Чунки японлар Шарқий Туркистонда бошланадиган миллий озодлик қўзғолонига ёрдам беришни истамадилар.

ТМБ раиси Усмон Хўжаўғлининг Кобул зиёратида у билан бирга фаолият кўрсатган Маҳмуд Ойқорли, яна бир тарафдан зимдан иш юритиб, Чўқай ва Усмон Хўжаўғли гуруҳлари орасидаги зиддиятни кучайтиришга ҳам интилди. Мустафо Чўқай ва Абдулваҳоб Ўқтойга ёзган мактубларида Хўжаўғлининг улар ҳақида жуда ёмон гаплар айтиб юрганини билдириб, икковини ҳам ТМБ раисига қарши гижгижлаган. Мустафо Чўқайга ёзган хатида ТМБ раисини назорат қилиб туришда у билан бирга эканлигини таъкидлаган Ойқорли, албаттаки, Усмон Хўжаўғлида ҳам Чўқай ва гуруҳига қарши адоват уйғотмоққа тиришган. Айни замонда Ойқорли Усмон Хўжаўғлининг ТМБ раиси ўлароқ умумий тартибларни бузаётганини, жумладан, ҳали ТМБ аъзоси бўлмаган Султонбек Бахтиёрга ташкилотга оид маълумотларни берганликда, ТМБ марказига билдирмасдан у билан расмий учрашувлар ўтказганини танқид қила бошлаганди.

1937 йилда Маҳмуд Ойқорли совет жосуси дея айб қўйилиб қўлга олинди. Чунки Шермуҳаммадбекнинг Истанбулда ўқиётган ўгай ўғли Ғулом Ҳайдар Кобулга келиб, Ойқорлининг рус айғоқчиси эканлиги хусусида Афғонистон ҳукуматига арз қилганди. Ойқорли Ғулом Ҳайдар ҳали Афғонистонга келмасдан бурун Мустафо Чўқайга ёзган мактубида “Ғулом Ҳайдарнинг бу тарафларга келишини эшитдик. Мумкин қадар сафарига халақит берилса ва турган ерида қолса, яхши бўлур” дея илтимос қилган. Маҳмуд Ойқорлининг ҳаёти англатилган “Махсус топшириқ” китобида ифодаланганига кўра, Ғулом Ҳайдар уни Маҳмуд Ойқорли деб эмас, балки Маҳмуд Содиқов сифатида комсомоллар

[587] Султонбек Бахтиёр тарафидан 1937 йил 16 июнда Мустафо Чўқайга ёзилган хат (Аҳат Андижон архиви).

мактабида[588] ўқиб юрган давридан танирди. Афғонистондаги Туркия элчихонасидаги элчи Фахри пошонинг тавсияси билан Туркияга ҳарбий тахсилга юборилган Ғулом Ҳайдар шаҳодат бармоғининг етишмаслиги туфайли таҳсилни тугатолмасдан Афғонистонга қайтганди. У Туркияда таълим олаётган пайтида Маҳмуд Ойқорлининг комсомол мактаби да ўқиганини билиб олганди. Афғонистонга келар-келмас бу гапларни туркистонлик муҳожирларнинг мўътабар кишилари воситасида Афғонистон ҳукуматига етказдирди.

Маҳмуд Ойқорлининг қамалиши Афғонистондаги яширин совет жосуслик ташкилотини дарҳол оёққа турғазди. Шўроларга яқин афғон мансабдорлари ёрдамида Ойқорлини турмадан чиқаришга эришилди. Шу билан бирга, ҳукуматнинг расмий одамлари оғзидан Ойқорлининг гуноҳсиз гуноҳкор сифатида турмага тушиб қолгани ҳам айтилди. Шундай қилиб, муҳожирлар кўз ўнгида Ойқорли қандайдир даражада оқланган ва дипломатик доираларга ҳам унинг айбсизлиги тушунтирилган бўлди. Бундан ташқари, муҳожир туркистонликлар орасида унинг туркларнинг махсус одами эканлиги ва японлар билан алоқа ўрнатгани сабабли қамалгани тарзида бир ташвиқот ҳам юритилди. Натижада Ойқорли бундан кейин ҳам ўз фаолиятларини эмин-эркин давом эттириш имконига эришди.

Бундайин таъсирчан тарғиботу ташвиқотларга қарамасдан, амирга тарафдор гуруҳлар, эски босмачилар ва қўрбошилар, Тарозий атрофидаги туркистонликлар орасида Ойқорлига нисбатан шубҳалар давом этди ва у билан муносабат чекланди.

Ҳиротга юборилиб, ҳодисалардан узоқда қолган муфти Садриддинхон эса, бу ишларни Маҳмуд Ойқорлига қасддан қилинган фитна тарзида баҳолаб, унга ишончини йўқотмаганди. Энг ачинарлиси, Кобулдан жуда узоқда бўлган Берлин, Парижда яшаётган ТМБчилар, Мустафо Чўқай каби раҳбарлар ҳам, муфти Садриддинхон таъсирида қолганлари боис, Ойқорлига ишонишди ва охирига қадар унга ёрдам беришни давом эттиришди.

Шу пайтда муфти Садриддинхон Ҳиротдан Қандахор шаҳрига ўтди. Миршаблар назоратидан қутулган бўлса ҳам, Қандахордан чиқиб кетиши таъқиқланганди. Муфти бу зуғумларга ва кексайиб бораётганига қарамасдан, тағин миллий йўлда ғайрат кўрсатишга интиларди. 1939 йилда Мустафо Чўқайга юборган хатида у, жумладан, шундай деган:

> “Эрондаги дўстлар билан хабарлаша олмаяпман. У тарафдан сизнинг хабар олиб туришингизни сўрайман. Шу қадар кенг доираларда

[588] Ёш коммунистлар ўқитиладиган ер.

ишлайдиган гуруҳлар ташкил қилдик, энди улар тарқалиб кетмаса, яхши бўларди.”[589]


1930 йиллар охирига бориб жаҳон уруши шамоллари кучайди ва буюк кучлар орасидаги сафлашиш жараёни шаклланиб бўлаёзганди. Уруш миш-мишлари тарқаларкан, советлар асоратидаги миллатларнинг муҳожиротдаги вакиллари ўртасида ҳам мустақиллик хаёллари янгидан жонланиб қолди. Муҳожирлар дунёсидаги уруш туфайли майдонга келган ҳодисалар иккинчи жаҳон урушига бағишланган бўлимда батафсил ёритилади.

ҲИНДИСТОНДАГИ ТУРКИСТОНЛИКЛАР ВА ФАОЛИЯТЛАРИ

Инглиз мустамлакачилари бошқарувидаги Ҳиндистон тўғридан-тўғри Шарқий Туркистонга қўшни ва Афғонистоннинг ташқи дунёга очилган эшиги эканлиги ва яна баъзи сабабларга кўра туркистонлик муҳожирларнинг кўпроқ йўналган ўлкалари бошида келмоқда. Афғонистондан келганлар учун Пешовар, Шарқий Туркистондан ўтганлар учун эса Сринагар ва Амритсар шаҳарлари туркистонлик муҳожирларнинг қўналғалари ҳисобланарди.

Ҳиндистонда муҳожир туркистонликлар томонидан тузилган илк расмий ташкилот 1929 йилда Пешоварда очилган “Анжумани саодати Бухоро ва Туркистон” жамиятидир. Мавлавий Абдулқодир афанди ва мавлоно Умархон бошчилигда яратилган бу анжуман илк йилларда ғайрирасмий ишлагани учунми, ҳарҳолда омма ўртасида у қадар таъсирли ишларни бажара олмади. Бу сустликнинг бир сабаби амирчилар ва туркистончилар дейилган икки терс гуруҳ орасидаги зиддият эди. Собиқ Бухоро амирининг вакили сифатида Оврупога кетган ва у ерда Бирлашган миллатлар ташкилотига Бухоро амирлигига оид меморандумни топширган Юсуфбой Муқимбой Пешовардаги мўътабар муҳожирлардан ҳисобланарди, амир тарафдорлари унинг атрофида жисплашганди. Хусусан, Афғонистон ва Ҳиндистонда яшаётган туркистонлик муҳожирлар орасидаги бу зиддиятга барҳам бериш учун ТМБ раҳбарияти анча уринди. Мустафо Чўқайнинг “Ёш Туркистон” журналида босилган бош мақоласида “Туркистон ва Бухороми, йўқса тўғридан-тўғри Туркистонми” деган масала кўтарилди ва Туркистоннинг бир бутун эканлиги, Бухоро, Хива ва ҳоказо шаклида айри-айри қараш мумкин эмаслиги, бундай фикрлар парчаланишга олиб борадиган зарарли амаллар эканлиги таъкидланди.

[589] Муфти Садриддинхоннинг 1939 йил 7 августда Мустафо Чўқайга йўллаган мактуби (Аҳат Андижон архиви).



Туркистон муҳожирлар қурултойига қатнашган туркистонликлардан бир гуруҳ. Пешовар, Ҳиндистон, 20 январ 1934 йил
(Аҳат Андижон архиви)

“Анжумани саодати Бухоро ва Туркистон” жамияти учун 1933 йил бир бурилиш санаси бўлди. Ҳиндистон билан Афғонистоннинг чегара вилоятларида яшайдиган қабилалар орасида коммунизм ташвиқоти кенг ёйилди ва оқибатда инглиз мустамлакачиларига қарши ҳаракатлар авж

олди. Баъзи вилоятлардаги исёнлар ҳақида Овруподаги газеталарда ҳам хабарлар босилди. Айниқса, Мажнун Фақир деган исёнкор бошчилигидаги қўзғолон кенг ёйила бошлади. Афғонистон ва Англия ҳукумати бу исёнга қарши биргаликда курашишга қарор берди.[590] Ҳинд-инглиз раҳбарияти бу оёқланишларни бостириш учун ҳарбий кучларни ташлаш билан билан бирга, коммунистик ташвиқот нималигини яхши билан туркистонлик муҳожирлардан ҳам унумли фойдаланишга интилди. Ана шу вақтдаги ҳодисалар ҳақида жамиятнинг фаол аъзоларидан бири Саид Абдулла Тошкандий "Ёш Туркистон" журналида босилган бир ёзувида, жумладан, шундай деган:

> "Бу йил январ ойида саккиз кишилик бир ҳайъат сайланди. Ҳиндистон-Афғонистон чегараларида яшайдиган инглиз ҳокимиятига тобе 2 милйўн 750 минг кишилик қавмлар ва 850 минг кишилик мустақил қабилалар бор. Бу қабилаларнинг баъзилари бўлшевиклар ташвиқотига ишониб, янглиш йўлларга ҳам кириб, "бўлшевиклар ислом тарафдоридир ва бутун дунёдаги мусулмонларни қутқариш фақат бўлшевикларнинг қўлидадир" деган хато тушунчада юрибдилар. Бу ҳайъат турли нашрлар, далиллар ва тадбирлар воситасида ана шу адашган қабилалар ўртасидаги янглиш тушунчаларни тўғрилаш учун ҳаракат қилади."[591]


Ана шу ҳайъат аъзолари инглиз ҳокимияти остидаги қабилалар орасида тўрт ой, мустақил қавмлар ўртасида эса икки ой , жами олти ой давомида коммунизмга қарши тушунтириш ишларини олиб боришди; форс, урду ва пуштун тилида босилган китоблар ва рисолалар тарқатишди. Бу ишларга боғлиқ ҳолда қабилалар ва қавмларнинг раислари иштирокида бу масалага бағишланган анжуман ҳам ўтказилди. Шу билан бир қаторда, хусусан Ҳабибурраҳмон ал-Багарий афандининг ғайратлари билан Туркистон масаласига оид ёзувлар маҳаллий нашрларда ҳам кўрина бошлади, "Ёш Туркистон"даги айрим мақолалар урду тилига таржима қилиниб, Ҳиндистондаги оммага ҳам билдирилди.

1934 йилдаги қурултойда "Анжумани саодати Бухоро ва Туркистон" жамиятининг номи Туркистон муҳожирлар жамияти[592] ўлароқ ўзгартирилди ва бухоролик бойлардан Тўрақулбой қуриб берган бинога жойлашди. Шу қурултойда янги ташкил топган Шарқий Туркистон жумҳуриятининг вакили доктор Мустафо Алибек ҳам қатнашган, ўзи мансуб ҳукумат ҳақида маълумот берган. Жамиятнинг номи билан баробар унинг тузуги ҳам ўзгартирилди. Янги тузукда туркистонликлар орасида бирлик ва тенгликни сақлаш билан бирга, қашшоқ ва кимсасиз кишиларга ёрдам кўрсатиш каби моддалар ёнига шариат ҳукмларига уйғун ҳолда диний таълим бериш, коммунизм тушунчасига, тарғиботига ва улар натижасида пайдо бўлаётган салбий ҳодисаларга қарши курашиш ҳақидаги моддалар ҳам қўшилди. Жамиятга


---

[590] "Basiler Nachritten" газетаси, 27. 7. 1933 й.
[591] "Ёш Туркистон" журнали, 1933 й. август, №45, 32 б.
[592] Жамияти ал-муҳожирини Туркистон.

аъзолик шартлари асосан диндор, миллатпарвар муҳожир бўлишдан иборат эканлиги таъкидланди. Тузукнинг охирги моддасида жамиятнинг расмий тили Туркистон туркчаси эканлиги ва бутун ёзишмалар, йиғинлардаги сўзлашлар фақат бу тилда олиб борилиши алоҳида қайд этилган.[593] Жамият раислигига Қўқон мужоҳидларидан Норматжон тўра сайланган.



Анжумани иттиҳоди муҳожирини Бухоро ва Туркистон жамияти аъзолари. Деҳли, 31 декабр 1934 й. (Аҳат Андижон архиви)



Мисрдаги Туркистон жамияти аъзоларидан бир гуруҳ. Қоҳира, 21 ноябр 1936 й. (Аҳат Андижон архиви)

[593]"Ёш Туркистон" журнали, 1934 й. №56, 35 б.

Жамият бир бинони ижарага олиб, у ерда муҳожирлар мактабини очган. Ҳабибурраҳмон ал-Багарий афанди мактабнинг бошқарувчилигига тайинланган. Ишлаб турган туркистонликларнинг ўқитилишига мўлжалланган бу мактабда уч синф бор эди. Биринчи синфда ўқиш ва ёзиш, иккинчи синфда эса, туркча, форсча, урдуча ва инглизча ўргатиларди. Жамият ишларининг юришиб кетиши ва унинг номидаги Бухоро сўзидан воз кечилгани амир тарафдорлари орасида анчагина норозиликлар уйғотди. Жамиятнинг энг фаол раҳбарларидан бири бўлган Ҳабибурраҳмон афандига Юсуфбой Муқимбой бир ҳужум уюштирди, бироқ жамият аъзоларининг жипслиги натижасида бундайин ола чиқишларнинг олди олинди. Пешовар шаҳри Афғонистон билан Ҳиндистон оралиғидаги энг муҳим қўналға ҳисобланарди. Шу туфайли Пешовардаги жамият Афғонистондаги муҳожирлар учун ҳам марказга айланди. Бу жамият 1940 йилгача ўз ишларини фаол суратда юритишга эришди.

1930 йил охирларида Деҳли ва Бўмбайда ҳам Туркистон муҳожирлар жамияти ташкил этилди. Деҳлида тузилган “Анжумани иттиҳоди муҳожирин Бухоро ва Туркистон” жамиятининг беш юздан ортиқ аъзоси бор эди. Ҳиндистонлик илм аҳли ва олимлар билан қалин алоқа қурган жамият Туркистон масалалари ва бўлшевизмнинг зарари мавзуларида кўплаб илмий конференциялар ва йиғилишлар ўтказди. Ҳинд уламо жамияти раиси мавлоно муфти Маҳмуд Ғайратуллоҳ афанди туркистонликларнинг барча фаолиятларининг юритилишида катта ёрдам кўрсатди. Жамият Пешовардаги каби яна бир мактаб очди ва 1930 йилдан бошлаб “Садои муҳожирин”[594] номли бир журнал чиқаришга киришди. Мажмуанинг ҳар бир сони форс, урду ва турк тилларида уч алоҳида нашр сифатида босилган. Бу журнал икки йил давомида нашр этилган. Афсуски, мажмуанинг қандай шароитда ва қанча ададда босилгани хусусида қўлимизда етарли билгилар йўқ. Бу журналнинг нашри тўхтагач, 1938 йилда, Деҳлида жамият раиси Аъзам Ҳошимийнинг ғайрати билан “Таржимон” деган журнал чиқа бошлаган. Бу сафар энди аввалгига ўхшаб бир журнал сонини уч тилда босишдан воз кечилиб, айни сонда мақолаларни уч тилда ёритиш йўлидан борилган. 1939 йилнинг март ойигача мажмуанинг 11 та сони босилган ва иккинчи жаҳон урушининг бошланиши туфайли журналнинг нашри тўхтатилган.

Бўмбайдаги жамият эса, Деҳлидаги жамиятнинг бир бўлими шаклида ташкил топганди. 1934 йилда жамият “Далили муҳожирин” номли рисола нашр эттирган. Бўмбайдаги жамият “Туркистон қуёши” номли бир журнал чиқаришни режалаштирган, бироқ бу ишни амалга ошира олмаган.

[594] Муҳожирлар товуши.

УРУШ АРАФАСИДА

> "...Бизнинг, турк ўлкалари миллиятчиларининг 10-12 йилча бу дўст мамлакатда қурган янги миллий мужодала марказларимиз уруш туфайли Лахистон билан бирга ёнмоқда, йиқилмоқда. Биз ҳам энди лах аскари, лах зиёлиси каби бу ватандан айрилиб, иккинчи бор яратганимиз миллий муҳитимизни, миллий марказларимизни мажбуран тарк этиб, яна муҳожир ўлароқ ғурбату ғарибликка ва қоронғи бир мажҳулликка қараб кетмоқдамиз."
>
> *(Аёз Исҳоқий, "Лахистондан айрилиш")*

АРМАНИ МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ПРОМЕТЕЙ ЖАМИЯТИГА ТАЪСИРЛАРИ

Прометей ташкилотининг тузилиши ҳақидаги бўлимда[595] таъкидлангани каби, Оврупога жойлашган армани муҳожир гуруҳлари мустақиллик учун курашларини Русияга эмас, Туркияга қарши қаратилганини, ана шу нуқтада келишув бўлсагина бошқа муҳожиротдаги миллий марказлар билан алоқа ва ҳамкорлик қилиш мумкинлигини айтиб, Қафқаз озодлик ҳаракатига ва шу боисдан Прометей ҳаракатига ҳам расман қўшилмаган эди. Бироқ, арманилар бу иддаоларига қарамасдан, келажакда қурилиши эҳтимол қилинаётган Қафқаз федератив давлатига қўшилишларини кўзда тутиб, ўртадаги кўприкларни бутунлай бузиб ташламасдан, алоқаларни ора-сира давом эттиришга интилиб келарди. Хусусан, гуржилар армани муҳожирлари билан Прометей ҳаракати муносабатининг шаклланишига ёрдам бераётганди. Жумладан, "Прометей" журналининг раҳбарияти тарафидан Парижда ўтказилган барча йиғинларга армани гуруҳлари вакиллари ҳам доимо чақириларди. Уларнинг фаолиятлари ҳам журналда ёритиб туриларди. Турк миллий марказлари эса, Қафқаз федератив давлати нуқтаи назаридан қаралганда арманиларнинг бу ҳаракатдаги иштирокини ва унинг аҳамиятини маъқуллаган ҳолда, армани муҳожирларининг Туркияга қарши тутумидан ва буюк Арманистон хаёлига берилиб қилаётган барча ҳаракатларидан қаттиқ норози эдилар.

[595] Қаранг: "Асир миллатлар жабҳаси: Прометей" бўлими.

Айни шу пайтда Зареванднинг[596] русча нашр этилган “Туркия ва пантуронизм” деган китоби “Прометей” журнали раҳбариятидаги гуржилар билан турк гуруҳлари орасига совуқчилик солди ва жиддий бир зиддиятнинг бошланишига сабабчи бўлди. Аслида бу китоб Парижда 1926 йилда арман тилида босилганди ва анчагина шов-шув кўтарганди. 1929 йилда советлар мамлакатида Сталин томонидан қатлиом жараёнининг бошланиши турончилик мавзусини яна долзарб масалага айлантирди. Репрессия жараёнида шўро ҳукумати коммунистик партия ичидаги мухолифларини ансилинқилобчилик ва империалистларга хизмат қилиш, хусусан турк халқлари вакилларини эса, пантуркизм, пантуронизм ва Туркия жосуслиги каби сохта айблар билан йўқотиш механизмини яратган эди.

Таниқли татар коммунист раҳбари Султон Ғалиев 1929 йилда тугаган суд жараъёнларида худди ана шундай айблар билан йўқ қилинди; Туркистонда, Тошкентда шов-шув бўлган қосимовчилар судида ҳам маҳаллий зиёлилар ана шундай сохта гуноҳлар қўйилиб қатлиом этилди. Пантуркизм ва пантуронизм тушунчаларининг советлар томонидан бунчалар оммавийлаштирилган бир даврда, 1930 йил бошларида рус муҳожир лидерларидан Керенскийнинг “Дни” журнали Зареванднинг китобини русчага таржима қилидириб, “Турция и пантуранизм” номи билан нашр қилди. Китобда пантуронизм тушунчаси арманилар нуқтаи назаридан изоҳланган ва Туркиянинг ташқи сиёсати асосан пантуронизмга суяниши иддао этилган эди.

Китобда ёзилишича, Туркия дунё учун катта бир таҳлика ҳисобланган пантуронизм тушунчасини ҳаётга тадбиқ этиб, Қафқаздан бошлаб Хазар денгизининг у ёғигача, Туркистонни ҳамда бутун турк ўлкаларини ишғол қилиб, чегараларини Мўғулистонга қадар туташтиради. Бу вазиятда Қафқаз ўлкалари бу кўпиртирилган миллатчиликнинг илк қурбонлари бўлади. Дунё бу таҳликанинг олдини олиши керак, Туркиянинг пантуронизмга суянган ташқи сиёсат юритишига изн бермаслиги керак.[597]

Мавзунинг бу тарзда Оврупо матбуоти оламига олиб кирилиши, айниқса, советлар мамлакатида амалга оширилаётган репрессияларни Оврупо давлатларига англатиш учун тиришиб заҳмат ЧКа ётган турк миллий марказларини қаттиқ ғазаблантирди. Улар дарҳол бу масаладаги ўз фикрларини айтдилар. Муҳаммадамин Расулзода ва Мустафо Чўқай Зареванднинг китобига оид танқидий мақолаларини “Прометей” журналида нашр эттирдилар. Мустафо Чўқайнинг “Турон давлати масаласи”[598] сарлавҳали узун мақоласида Мустафо Камол раҳбарлигидаги Туркиянинг турончилик билан ҳеч қанақа алоқаси

[596] Зареванд - З. ва А. Налбандян исмларидан ясалган тахаллус.
[597] Zarevand, *La Turquie et le Pantouranisme*. ‘‘Dni’’, Paris, 1930
[598] Çokayoğlu, *La question d`un etat touranien*. Prometée, 1930 №38, s.9-14

йўқлигини, Қафқаздан Туркистонга қадар чўзилган турк ўлкаларининг Туркия тарафидан ишғол этилишини даъво қилмоқ тентакликдан бошқа нарса эмаслигини, пантуркизм ва пантуронизм тушунчаларини сиёсатда қўллаш рус ҳукумати тарафидан долзарб муаммога айлантирилгани, бу тушунча ва атамалар советлар томонидан турк халқлари вакилларини қирғин қилишда қурол ўлароқ ишлатилганини далиллар ва мисоллар билан исботлаб бераркан, Мустафо Камол Туркиясининг тамал сиёсатини шу сўзлар билан ифодалаган: "Ni pantouranisme, ni panturqisme, mais simplement turquisme, voila le mot d`ordre de la Turquie contemporaine".[599] Чўқай бундан ташқари, "Дни" журналига ҳам алоҳида хат ёзиб, Зареванднинг ёлғончилик ва провакация билан шуғулланаётганини фош қилган.

Муҳаммадамин Расулзода эса, Истанбулдан юборган мақоласида ҳам Зареванднинг китобини танқид қилган, ҳам "Дни" журналида арманиларга тарафкашлик қилиб нарсалар ёзаётган Керенский ва Кўндкаряннинг мақолаларини пучга чиқарган.

Арманиларнинг янглиш йўлга тушиб қолганини таъкидлаган Расулзода, агарда ақлларини бошларига йиғмасалар, у бошларга яна янгидан фалокатлар ёғилиши мумкинлигини ҳам писанда қилган. "Прометей"да босилган мақола билан чекланиб қолмаган Муҳаммадамин Расулзода бу мавзуда русча рисола ҳам ёзиб, нашр эттирган.

Энди армани жамоати билан Прометей ҳаракатидаги турк миллий марказлари ўртасида ростакамига бир кураш бошланганди. Муҳожир руслар матбуотининг энг илғор икки журнали, Керенскийнинг "Дни"си ва Милюковнинг "Последние новости" нашрлари армани муаллифларнинг қарашларини тарқатишда хизмат қилаётганди. Жумладан, "Последние новости"нинг 19 феврал сонида Хатисов деган бир муаллиф буюк Арманистон мавзусидаги мақоласини эълон қилдириб, арманиларнинг Туркиядан ер талаби масаласини кўтариб чиқди. Кондкарян деган бошқа бир муаллиф эса, Зареванднинг китобига мурожаат этгани ҳолда Прометей ҳаракати аъзоларини Туркия билан бирлашиш орзуси йўлидан бораётганликда айблаган эди. Айни пайтда бошқа арманилар ҳам "Дни" журнали саҳифаларидан фойдаланиб, Прометей ҳаракатидаги турк миллий марказларига бошқа томондан ҳужумга ўтдилар. Прометейчи турк лидерларнинг Туркиядаги курдлар масаласига ёндошувларини танқид қилиб, Муҳаммадамин Расулзода, Мустафо Чўқай ва Аёз Исҳоқийни Туркия ҳукуматига сотилган жосуслар дея аюҳаннос солдилар.

Чўқай ва Расулзода бу бўҳтонлар ва айбловларга қарши "Прометей" журнали орқали жавоб беришни истадилар. Бироқ журналнинг бош

[599] "Пантуронизм ҳам, пантуркизм ҳам эмас, фақат ягона туркизм – мана сизга замонавий Туркиянинг тузумини англатган сўз."

муҳаррири Гвазава бошчилигидаги баъзи гуржилар гуруҳи бундайин ёзувларнинг мажмуада босилиши келажакда қурилиши мўлжалланаётган Қафқаз федератив давлати тушунчаси ва ғоясига зарар келтиришини рўкач қилиб, ўртага тўсиқ қўйдилар. Гвазава эса, Прометей аъзолари тўпланган йиғинда бу мавзуда сўзлаб, бунақа мақолаларни қаттиқ қоралади ва арманиларга қарши бирор мақоланинг журналда босилишига изн бермаслигини очиқчасига таъкидлади.[600] Расулзода ва Чўқай Гвазаванинг бу муносабатига кескин раддия билдиришди. Бироқ бундайин раддиялар журналдаги гуржилар бошқарувига заррача ҳам таъсир қилмади. Зотан, "Прометей" журналининг сўнгги йиллардаги сонларида Чўқай, Расулзода каби турк миллий марказларига боғлиқ муаллифларнинг бирорта ҳам мақоласи босилмаган. Фақат 1933 йилда Мирёқуб томонидан ёзилган "Армани масаласи"[601] сарлавҳали мақоланинг бир бўлаги мажмуада чиққан, кейинги сонларда давоми босилиши таъкидланганига қарамасдан, афсуски, мақола тўла нашр этилмаган. Бироқ, бошқа бир томондан қаралса, Мустафо Чўқай, гарчи "Прометей" журналида арманилар муаммоси борасида ёзганларини нашр эттиролмаган бўлса ҳам, "Ёш Туркистон"нинг учта сонида "Армани масаласи" мақоласини кетма-кет чоп қилдириб, бу мавзудаги қарашларини ўқувчилар оммасига етказа олган.[602]

ТУРКИСТОН, ҚАФҚАЗ ВА УКРАИНА ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТУЗИЛИШИ

"Прометей" журналида ва Прометей ҳаракати марказининг Париж бўлимида гуржилар гуруҳининг катта мавқега эгалигидан, аввало Туркистон миллий бирлиги ҳаракати аъзолари ва яна бутун қардош турк миллий марказлари, қолаверса, Украина миллий маркази ҳам норози эди. Гуржиларнинг бой муҳожирлари Франция ва Швейцарияда кучли бир муҳит уюштира олганди, шу боис улар "Прометей" журналини ҳам ўз таъсир доираларига киритгандилар ва натижада гуржилар

---

[600] Мустафо Чўқай бу мавзудаги фикрларини, Гвазаванинг исмини айтмасдан, "Ёш Туркистон" журнали саҳифаларида билдирган. "Армани масаласи" сарлавҳали бир мақоласида у шундай ёзган*: "Бизга армани кадрларнинг ниҳоятда самимий эканликларини, ўз сиёсатларида Русияга кўра манфий, Туркияга нисбатан мусбат йўналишда ўзгаришлар қилганини бунга ишонган ҳолда сўзлаганлар гуржилар ва Шимол Қафқазликлар бўлди. Бу одамлар бизни яна, ҳатто, арманиларнинг миллий сиёсатидаги бу ўзгаришларнинг ҳалиям тушунарсиз бўлиб қолаётганининг сабаби Озарбайжон мусоватчиларининг сиёсатдаги тадбирлари эканига ҳам ишонтирмоққа тиришдилар."* ("Армани масаласи III". "Ёш Туркистон" журнали 1933, №42, 20 б.)

Бу мавзу ТМБ аъзоларининг ўзаро ёзилган мактубларида янада теранроқ ифода қилинган. Масалан, М. Чўқайнинг Мажидиддин Далилга 1930 й. 5 июлда ёзган хати (Аҳат Андижон архиви).

[601] "Прометей", №76, 4-7 б.

[602] Чўқай. "Армани масаласи", "Ёш Туркистон" мажмуаси, 1933 й., 40, 41, 42 сонлар.

прометейчиларнинг Париждаги фаолиятларида ҳукмрон тўдага айланганди.

Аслида-ку, мажмуадаги гуржилар бошқаруви билан Туркистон миллий бирлиги орасидаги келишмовчилик журнал чиққан йилдаёқ бошланганди. Яъни, 1927 йилда журналнинг раҳбари лавозимига қўйилган гуржи Гвазава билан мажмуанинг адабий котиби Жўзеф Кастане ва собиқ Бухоро амири ўртасидаги муносабатлари, шунингдек, ТМБ аъзоларининг айрим мақолаларини журнал босмагани Мустафо Чўқай ва бир қанча ТМБ аъзоларининг норозилигига сабаб бўлганди. Кейинги йилларда ҳам бу зиддият сусаймади, аксинча, кучайиб борди. 1931 йилда Мустафо Чўқай ТМБ бош котиби Мажидиддин Далилга шу фикрларни ёзган:

> "Прометей" мажмуаси Қафқаз гуруҳининг бошқарувига бўйсунади ва уларнинг нашр органидир. Украина ва Туркистон улар учун бир газакка айланиш вазиятидадир. Уларнинг бизга бир фойдаси тегмайдиган бўлса, сиз ҳам маъқулласангиз, мен "Прометей"дан чиқаман."[603]

Мустафо Чўқайнинг бу фикрларидан маълум бўлишича, журнал бошқарувидан фақат туркистонликларгина эмас, балки украиналиклар ҳам норози эди ва ҳақ-ҳуқуқимиз поймол қилинди деб ўйлашарди. Ўшандан бир йилча ўтиб, Мустафо Чўқай "Прометей" мажмуасига қуйидагича баҳо берган:

> "Прометей" журнали, афсуски, прометейчилар жабҳасини кўнглимиздагидек акс эттира олмаяпти.Зеро, жабҳа Русиядан ажралиб чиқиш ва мустақил давлатни қуришни истаган Украина, Қирим, Туркистон, Қафқаз ўлкалари, Эдил-Ўрол ва бошқалардан иборатдир. Журнал эса, расман Қафқаз қўмитасининг нашрий органи каби фаолият юритиб келди."[604]

Йиллар ўтаркан, вазият яхшиланишнинг ўрнига тобора ёмонлашмоқда эди. Журналдаги гуржилар бошқарувининг армани масаласи кўтарилгандаги тутуми зиддиятни янада кучайтирди ва янги бир ечим топиш фикрини пайдо қилди. Ниҳоят, 1933 йилда бу муаммони ҳал қилишга киришилди. Гуржиларнинг таъсир кучини энг пастки савияга тушириш учун янги бир ташкилот тузиладиган бўлди. Прометейчилар ҳаракати маркази тарафидан ҳам маъқулланган бу қарор 1934 йил бошларида амалга оширилди: Туркистон, Қафқаз ва Украина дўстлик жамияти тузилди. Украинадан Александр Шулгин жамият бошлиғи, Туркистондан Мустафо Чўқай раис ўринбосари, Озарбайжондан Аббос Алибейли котиб этиб тайинланди. Жамият маркази Парижда жойлашди. Марказий қўмитанинг бошқарув ҳайъати Украина, Озарбайжон,

---

[603] Мустафо Чўқайнинг Мажидиддин Далилга 1931 йил 23 апрелда ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

[604] Мустафо Чўқайнинг ТМБ марказий қўмитасига 1932 йил 4 августда ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

Шимолий Қафқаз, Туркистон миллий ҳаракатларининг 11 та вакилидан таркиб топди. Марказ томонидан тайинланган яна икки аъзо (бири Прометей жамияти раҳбарларидан) ҳам бор эди.[605]

Дўстлик жамияти тузилганидан бошлаб L`Hotel Savantes меҳмонхонаси солини(зали)да "Прометей" журналига муқобил йиғилишлар ва илмий конференциялар ўтказишга киришди. Барча миллий ҳаракатларнинг мустақиллик кунлари ёки турли байрам-у, тантаналари, тадбирлари ҳам ана шу дўстлик жамияти томонидан амалга ошириларди.

Жумладан, 1935 йил 20 майда Mutualité масканида Пўлша давлати йўлбошчиси маршал Пилсудскийнинг хотира кечаси ўтказилди, бу ҳам дўстлик жамиятининг ишларидан бири эди.

Ажабланарли бир нуқта шу эдики, Прометей ҳаракатидаги кичик бир ташкилот ҳисобланадиган бу дўстлик жамиятига Эдил-Ўрол ва Қирим миллий ҳаракатидан бирорта ҳам вакил киритилмаганди. Чўқайнинг "Ёш Туркистон" мажмуасида босилган бир мақоласидан аён бўлишича, Эдил-Ўрол ҳаракати лидери Аёз Исҳоқий ва Қирим миллий ҳаракати бошлиғи Жаъфар Саидаҳмад Қиримэр бу дўстлик қўмитасига аъзо бўлиш учун мурожаат этганлар, фақат қўмитадаги айрим аъзоларнинг қаршилиги сабабли аризалар эътиборсиз қолдирилган.[606] Бу ҳодиса Исҳоқийнинг шиддатли тепкисига сабаб бўлди, бир оз ўтиб, Эдил-Ўрол ҳаракати раиси "Янги миллий йўл" журналида бу дўстлик жамиятини анти-прометей бир ташкилот сифатида танқид қилди.[607]

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА КИРИШИ

1934 йилда советлар асорати остидаги миллатларнинг халқаро фаолиятларига ёмон таъсир кўрсатган бир ҳодиса юз берди. 18 сентябр куни Совет иттифоқи Жамияти ақвомга[608] аъзо бўлди. Бу воқеа 1917 йилдаги бўлшевикларнинг давлат тўнтаришидан бери халқаро майдонда қарши чиқилган советлар тузумининг қонунийлигини тан олиш ва унинг бардавомлилигини қабул қилиш маъносини англатмоқда эди. Шўро давлати асоратидаги миллатларнинг хориждаги миллий ходимлари учун бу жараён бир неча муҳим маънога эгалиги билан ажралиб турарди. Аввало, улардаги шўро тузумининг вақтинчалигига ва бир кун келиб йўқ

[605] Озарбайжон миллий марказидан 2, Шимолий Қафқаздан 2, Гуржистондан 2, Украинадан 2, Туркистон миллий бирлигидан 1 ва Прометей марказидан 2 аъзо, жами 11 киши.
[606] Чўқай. "Турк бирлиги атрофида чиқарилган ўрунсиз ғавғолар муносабити-ла"., "Ёш Туркистон" журнали 1939 й., №116-117, 42-43 б.
[607] Исҳоқий. "Амир жабҳаси", "Янги миллий йўл" журнали, 1939 й. №2, 5 б.
[608] Бирлашган миллатлар ташкилоти.

бўлиб кетишига бўлган ишонч устуни умуман йиқилганди. Бундан ҳам ёмонроғи, уларнинг фаолият доиралари жуда торайиб қолганди. Чунки бирорта мамлакат, агарда ўта муҳим сабаб чиқмаса, Бирлашган миллатлар ташкилотига аъзо бир давлатга қарши очиқча бир иш қилолмасди ва бундай фаолиятга йўл ҳам қўйолмасди. Бошқача айтганда, Совет иттифоқининг Бирлашган миллатлар ташкилотига кириши билан бирга хориждаги миллий ҳаракатлар ва қатнашчилари БМТга аъзо бир давлатнинг бутунлигига қарши курашаётган бўлувчи ҳаракатга ва унинг иштирокчилари ҳам бўлувчи унсурларга айланиб қолганди.

Юқорида қайд этилган вазият, айниқса Прометей ҳаракатини уюштирган барча миллий марказлар ва миллий ходимларга тааллуқли ҳисобланарди. Эндиликда Прометей ҳаракати доирасида бошланган баъзи халқаро фаолиятлар ўз таъсири ва аҳамиятини деярли йўқотганди. Масалан, ўшалардан биттаси ва энг аҳамиятлиси, 1928 йилда Парижда тузилган Қафқаз истиқлол қўмитасининг бир конфедерацияга айлантириш режаси эди. 1933 йилда лахистонлик профессор Жулиан Маковский томонидан тамалдан ишлаб чиқилган бу режа 1934 йил 14 июлда Брюсселда эълон қилинган бир декларация билан Қафқаз конфедерацияси ўлароқ ҳаётга кириб келганди.[609] Сиёсий жиҳатдан уч давлатни – Озарбайжон, Гуржистон ва Шимолий Қафқазни бирлаштирган бу конфедерацион мамлакат бир кенгаш томонидан бошқарилиши ва аъзо давлатларнинг аскарларидан тузилган ягона қўшин тарафидан қўриқланиши керак эди. Маълум муддатдан кейин арманиларнинг ҳам бу конфедерация лойиҳасига қўшилиши мўлжалланганди. Шундай қилиб, 1935 йил февралда ўтказилган анжуманда Қафқаз истиқлол қўмитаси ўрнига Қафқазия конфедерцияси шўроси тузилган бўлса ҳам, Совет иттифоқининг Бирлашган миллатлар ташкилотига кириши бу режанинг халқаро майдонда амалга ошириш имконини бутунлай йўққа чиқарди.[610]

Советларга қарши фаолиятдаги миллий марказлар ва шахсларнинг Бирлашган миллатлар ташкилотининг бу қарорига нисбатан бирор чора қўллашга қодир эмасди. Қўлларидан келган биргина ишни қилдилар: Женевадаги БМТ Бош ассамблеясига раддия меморандумини топширдилар. Унда советлар томонидан қилинган босқинчиликлар, зулумлар тушунтирилган ва совет тузумининг демократия душмани эканлиги таъкидланганди. Шунингдек, меморандумда советлар мамлакати ичидаги асоратда эзилаётган миллатларнинг сўз ҳақ-ҳуқуқи

[609] Кофедерациянинг қурилиш баёномасини Озарбайжон номидан Муҳаммадамин Расулзода ва Алимардон Тўпчибоши, Шимолий Қафқаз номидан М. Гирай Сунч, Л. Чулик, Т. Чақмоқ, Гуржистон номидан Нўе Жўрданийа ва Акакий Ченкели имзолаганди.

[610] Муҳаммадамин Расулзоданинг айтишича, иккинчи жаҳон уруши арафасида, 1940 йилда армани вакиллари ҳам бу ташкилотга аъзо бўлган (Расулзода. “Кафказия масаласи”. “Кафкася” журнали, 1952, №11-12, 7 б.).

бўлмагани ифода этилиб, сизлар Бирлашган миллатлар ташкилотига олган давлат будир, дея алоҳида қайд этилганди.[611]

МАРШАЛ ПИЛСУДСКИЙНИНГ ЎЛИМИ

Прометей ҳаракатининг маънавий отаси, унинг энг улуғ сиёсий ва моддий ёрдамчиси маршал Пилсудский 1935 йил 12 майда вафот этди. Пилсудский ҳаётининг сўнг йилларида Оврупога ажал кўлкасини солаётган немис фашизмининг келажакда Лахистон бошига ёғдирадиган фалокатларни аввалдан кўра билган ва унинг олдини олиш учун тараддуд-ла баъзи ишларни амалга оширган ҳам эди. Олмонияда фашистларнинг ҳукуматни эгаллаши ва Гитлернинг Версал шартномасини бир томонга отиб, қуролланиш мусобақасини бошлагани туфайли Пилсудский Францияга мурожаат этиб, Олмонияга қарши бир иттифоқ қуриш кераклигини илгари сурди. Франция бунга кўнди ва оқибатда Гитлер ўн йил муддат орасида бир-бирига ҳужум қилмаслик шартномасини тузишга мажбур бўлди. Пилсудский айни пайтда бошқа бир душманни ҳам унутмаганди. Унинг ташаббуси билан Пўлша ва совет давлати ўртасидаги ўзаро ҳужум қилмаслик шартномаси 1945 йилгача узайтирилди.

Бу ишларни қилишга улгурган Пилсудский, ниҳоят, вафот этди. Белведер саройига қўйилган жасадини бутун Лахистон халқи билан биргаликда муҳожир миллий марказларнинг аъзолари ҳам зиёрат этдилар, у билан видолашдилар. Қафқаз муҳожирларининг 1935 йил 14 майда Варшавада ўтказган йиғилишларида Қафқаз колониялари номидан маршалнинг тобути устига миллий байроқлар тимсоли сифатида бир кумуш гулдаста қўйиш режалаштирилди. Маршалнинг тобути 17 майда Краковга олиб олиб кетиларкан, йўлчилар сафида Прометей ҳаракати иштирокчиларининг миллий байроқлари ҳам ҳилпираб борди.[612] 20 май куни Парижда Қафқаз, Туркистон ва Украина дўстлик жамияти томонидан Пилсудскийнинг хотира кечаси ўтказилди. Уч кун кейин эса, шундай маросим Варшавадаги шарқ институтида уюштирилди.

Айни пайтда Прометей ҳаракатининг матбуотида, газета ва журналларида Пилсудскийга бағишланган жуда кўп ёзувлар нашр қилинди.[613] Бундан ташқари, “Прометей” журналининг 1935 йил май

---

[611] Бу раддия меморандуми 1934 йил 18 сентябрда 15 Ассамблея йиғини раиси жаноб Сандиерга топширилган, унга Мирёқуб Мехдиев (Озарбайжон), Ж. Чулик (Қафқаз), А. Церетели (Гуржистон), А. Шулгин (Украина), М. Чўқай (Туркистон) қўл қўйганлар. Муморандумнинг тўла матни учун қаранг: “Ёш Туркистон” журнали, 1935 й., №59 октябр, 18 б.

[612] “Маршал Пилсудскийнинг дафн маросими ва қафқазликларнинг Лахистон миллий мотамига қатнашуви”, “Северний Кавказ” журнали, Варшава 1935, №16, 4-5 б.

[613] Миллий марказлар вакилларининг Пилсудскийга оид ёзган мақолалари қуйидагилардир:

ойида босилган 102 сони бутунича Пилсудскийга бағишланди.[614] Туркистон миллий бирлигининг Оврупо вакили Мустафо Чўқайнинг "Ёш Туркистон" журналида чиқарган Пилсудский вафотига оид мақоласидаги қуйидаги фикрлар, бизнингча, шўроларга мухолиф барча муҳожир миллий ҳаракат вакилларининг туйғу ва тушунчаларини ифодалаган:

> "Чунки Пилсудский ўз халқининг қуртулуши учун кураш юрутучи мужоҳидларнинг энг порлоқ бир ўрнаги бўлуви-ла баробар у бутун дунё юзида рус империализми бўйунтуруғи остидан қуртулмак учун курашмакда бўлған халқларнинг курашларина бўлған чуқур симпатисини яширмаган биргина давлат кишиси эди. Пилсудский совет Русия ҳудуди ичинда қолган ерлар устунда ҳукумат ва ташкилот ҳолинда даъво юрутучи кучларни ўз тупроғина қўйулмаслик моддасини муоҳадага киритувни очиқ рад этган бир давлат эри (ботири, аскари-тарж.) эди."[615]

1935 йил ёзида Пилсудский хокининг фахрийлар мозорига кўчирилиши муносабати билан давлат миқёсида тантанали маросим ташкил этилди. Қафқаз муҳожирлар доираси Лахистоннинг буюк йўлбошчиси маршал Пилсудский руҳига теран ҳурматларини ифодалаш учун барча марказларнинг вакилларини Краковга чақиртирди. Озарбайжон, Шимолий Қафқаз ва Гуржистон марказларининг вакиллари ўлароқ Озартекин, Бойтўғон ва Имнадзе Қафқазя конфедерация шўроси томонидан юборилган Қафқаз тупроғини Пилсудский мақбарасига тўкдилар ва хотира қутисига қуйидаги сўзларни ёздилар:

> "Ўз ҳурриятлари йўлида интилаётган Қафқаз (Озарбайжон, Гуржистон ва Шимолий Қафқаз) авлодларидан Лахистон давлатининг қурувчиси ва йўлбошчисига..."[616]

Прометей ҳаракати вакилларининг Пилсудский билан боғлиқ хотира тадбирлари Олмония фашистларининг Лахистонни ишғол қилганига қадар давом эттирилди. Шуни ҳам айтиш керакки, Пилсудский вафотидан кейин ҳам ҳукуматни бошқарган Игнатий Мўсжижкий ва ташқи ишлар вазири полковник Бежк Пўлшанинг Прометей ташкилотига ёрдами ва қўллаб-қувватлашини аввалгидек давом эттиришди.

---

1) М. А. Расулзода. "Жўзуф Пилсудский", "Северний Кавказ" журнали, 1935 й., №14, 3 б.
2) "Миллий идеа қаҳрамони". "Знамя народа", Варшава 1935, №1, 7 б.
3) Магомед Чукуа. "Маршал Жўзеф Пилсудский". "Знамя народа", Варшава 1935, №1, 4-5 б.
4) М. Чўқай. "Маршал Жўзеф Пилсудский". "Ёш Туркистон" журнали, 1935 №67, 29-30 б.
5) Али Шурдум. "Маршал Пилсудский". "Знамя народа", Варшава 1935, №1, 3 б.

[614] "Прометей" журналининг Пилсудский вафотига бағишланган сонида маршалнинг ҳаёти ва жаноза маросими ҳақидаги ёзувлар, шунингдек, Гуржистон, Озарбайжон, Шимолий Қафқаз ва Украина миллий ҳаракатлари номидан Гвазава, Мирёқуб, Ж. Чулик, А. Шулгинларнинг мақолалари берилган.

[615] Чўқай. "Маршал Жўзеф Пилсудский". "Ёш Туркистон" журнали, 1935 й., №67, 29 б.

[616] Turan. *Kafkasya Mülteci yayınlarında Mareşal Pilsudski ve cenaze töreni.* Tarih ve Toplum, İstanbul, Temmuz 1997, №163, s. 13-16.

КОМИНТЕРННИНГ ҚАРОРЛАРИ ВА ОВРУПО СОЦИАЛИЗМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Совет давлатининг Бирлашган миллатлар жамиятига аъзо бўлишининг акс садолари тинмасдан туриб, 1935 йилда коминтерннинг[617] еттинчи конгресси ўтказилди ва анжуманда халқаро коммунистлар ташкилотининг бош мақсади фашизмнинг тор-мор этилишидир, дея эълон қилинди. Энди коммунистлар мўътадил социалистлар ва либерал доиралар билан ҳамкорликда фашизмга қарши халқ жабҳаларини уюштириш имконига эришдилар. Бу ҳодиса советларнинг ташқи сиёсатидаги ўзгариш ва кучли одим эди.

Коминтерн тузилган йиллардан бери мўътадил социалистлар коммуниз учун зарарли унсурлар деб билинарди ва партияни улардан тозалаш керак деган фикр ҳукмрон эди. Ҳатто коминтернинг олтинчи қурултойида, Сталиннинг нутқида мўътадил социалистларни ишчилар синфининг бош душмани, дея эълон қилинганди.

Ана шу қарорлар ва қарашлар туфайли Овруподаги коммунистик партиялар социалистик партияларга қарши аёвсиз мужодалага киришди. Олмонияда Веймар республикасининг ағдарилиши жараёнида ҳатто фашистлар билан ҳам ҳамкорлик қилдилар. Бироқ, фашистлар ҳокимиятни эгаллаши биланоқ коммунистлар партиясини таъқиқладилар ва комунизм бош душман дея аюҳаннос солдилар.

Коминтерннинг еттинчи конгресси қарорлари ва совет давлатининг ташқи сиёсатидаги ўзгаришлар тез орада ўз натижаларини кўрсатди. Францияда коммунистлар партияси мўътадил социалистлар билан келишиб, ҳамкорликда халқ жабҳаси ҳукуматини ташкил этдилар. Эндиликда Овруподаги демократик ўлкаларда ўша даврга қадар ҳукмронлик қилган советлар қўрқувси ва коммунизм душманлиги ўрнини фашизмга қаршилик руҳи эгаллади ва коммунистик тушунчалар фашизмдан қутулиш йўлидаги кураш жабҳасининг ажралмас бир унсурига айланди. Бу вазият умуман социал-демократ характердаги прометейчилар ҳаракатига, муҳожир миллий марказларнинг Овруподаги мавқеига ҳам қаттиқ таъсир қилди. Совет давлатининг Бирлашган миллатлар ташкилотига аъзо бўлганидан кейин улар Оврупо давлатларининг расмий кўмагидан ҳам айрилдилар, коминтерннинг қарорлари туфайли мўътадил социалист доиралар ҳам улардан юз ўгирди. Прометейчилар, хуллас, коминтерн қарорлари ва советларнинг ташқи сиёсатидаги кескин ўзгаришлар боис Овруподаги энг муҳим иттифоқчилари саналган социал-демократ гуруҳларнинг кўмагидан маҳрум бўлдилар.

[617] Коммунистик интернационал.

Юз берган бу ҳодисалар оқибатида Оврупо ўлкаларидаги коммунизмга қарши кураш майдони ўта ўнгчи унсурларнинг мулкига айлана бошлади. Ана шундай шароитда советлар ва коммунизм тарафдорларига қарши бўлган прометейчи гуруҳлар олдида Овруподаги Радекал, ўта ўнгчи унсурлар билан алоқа ўрнатишдан бошқа йўл ҳам қолмаганди. Аслида, ҳар иккала тараф ҳам чин кўнгилдан истамасдан, вазият тақозосига кўра сиёсий муносабатни мажбуран давом эттираётгани маълум эди. Ҳатто "Прометей" журналида француз ўнгчи гуруҳларининг мақолалари нашр этилганидек, шунинг баробарида, баъзи муҳожир сиёсатчиларнинг ёзувлари ҳам ўнгчиларнинг "Je suıs Partout" каби журналларида кўзга ташлана бошлади.

РУСИЯ АСИРИ ТУРК ЭЛЛАРИНИНГ ЖАБҲА БИРЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШИ


Прометейчилар ҳаракатида етарлича эътибор ва имкон тополмаганидан анчадан бери норози бўлиб юрган турк миллий марказлари вакиллари, ниҳоят, фақат турк аслли гуруҳларнинг бирлашган алоҳида ташкилотини тузиш фикрига келдилар ва бу борада маслаҳат қилдилар. Бундай ташкилот тузилса, пантуркизмда айбланишлари ва бу асосан Туркияга нисбатан душманлар қўлида қуролга айланиш хавфи борлиги таъкидланди. Айнан ана шу ёрлиқ ёпиштирилишидан чўчиб, баъзи шахслар бундайин жамиятнинг тузилишига бошланишида кўнмагандилар. Бироқ, совет давлатининг Бирлашган миллатлар ташкилотига қабул қилиниши, муҳожир миллий марказларнинг Оврупода босилаётган журналларининг Туркияга киритилиши таъқиқлангани каби баъзи кутилмаган ҳодисалар муҳожиротдаги турк халқлари миллий марказларининг умумий манфаат нуқтаи назаридан алоҳида бир жамиятга бирлашиш мажбуриятини юзага чиқарди. Бунинг бир тарихий шароит тақозоси эканлигини барча марказларнинг вакиллари англаб етдилар.

1936 йил апрел ойида марказларнинг вакиллари Парижда йиғилдилар. Анжуманда Эдил-Ўрол маркази номидан Аёз Исҳоқий, Шимолий Қафқаз жамиятидан Меҳмет Гирай ва Мирёқуб Мехдиев, Озарбайжон марказидан Муҳаммадамин Расулзода ва Мустафо Вакилий, Қирим ташкилотидан Жаъфар Саидаҳмад Қиримэр, Туркистон миллий бирлигидан Мустафо Чўқай қатнашдилар.

17 апрелдан бошланган анжуман 26 апрелгача ҳар кунги мажлислар шаклида давом этди. Натижада Русия асири турк эллари жабҳа бирлиги номи билан янги ташкилот тузишга қарор қилинди. Жаъфар Саидаҳмад Қиримэр жабҳа бошлиғи, Мустафо Чўқай бош котиб этиб тайинланди. Бу икки шахс жабҳадаги Қирим ва Туркистон вакили саналарди. Шунингдек,

Озарбайжондан Муҳаммадамин Расулзода, Шимолий Қафқаздан Меҳмет Гирай ва Эдил-Ўролдан Аёз Исҳоқий вакил ўлароқ бошқарувга киритилди.

Анжуман охирида биргаликда 6 моддали баённомани имзоладилар. Унга кўра, барча гуруҳлар бир-бирининг мустақиллигини қабул этган ва бир йўлда ишлашга, бир-бирини қувватлашга рози бўлган (модда 1). Жабҳа фаолиятига оид масалалар гуруҳлар томонидан сайланган кишилар иштирокида ўтказиладиган даврий мажлисларда ҳал қилинади. Ҳамкорлик фақат юқори доирада эмас, балки гуруҳларнинг барча бўлимларида ҳам олиб борилади. Ташкилотлар ўз фаолиятлари ва нашр органлари ҳақида маълумот бериб туради. Шунингдек, жабҳа Прометей ташкилотининг кучайиб боришига ўз улушини қўшади (м. 4). Қафқаз конфедерацияси ҳаракати, барча гуруҳлар, нашрлар қўллаб-қувватланади (м. 5). [618]



Русия асири турк эллари жабҳа бирлиги анжуманига қатнашган лидерлар: (олдинда ўтирганлар, ўнгдан) Мирёқуб Меҳдиев, жаъфар Саидаҳмад Қиримэр, Аёз Исҳоқий, Муҳаммадамин Расулзода; (тик туцрганлар) Мустафо Чўқайўғли, Меҳмет Гирай, Мустафо Вакилий. Париж, 1936 (Аҳат Андижон архиви)

[618] Русия асири турк эллари жабҳа бирлиги баённомалари (Аҳат Андижон архиви).

Бу жабҳанинг пайдо бўлиши, тарихан қаралганда, Совет иттифоқи давлати қурилгандан бери бу ҳукуматга ва коммунизм ғояларига қарши мужодала юритаётган турк ирқли гуруҳларнинг илк бор этник тамалга суяниб бир жабҳа тузишлари жиҳатидан аҳамиятлидир. Шубҳасиз, шўро раҳбарияти бу ҳодисани туйиши биланоқ аюҳаннос солиши маълум эди. Худди шунга ўхшаш, Оврупо ўлкалари ҳам бу воқеага совуқ қарашини жабҳачилар яхши англашарди. Шу сабабларга кўра бу йиғилиш ва имзоланган баённома мутлақо сир тутилди, ҳатто прометейчилар ҳаракати раҳбарларига ҳам билдирилмади.

“ПРОМЕТЕЙ” ЖУРНАЛИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

1937 йилга бориб “Прометей” журнали теварагидаги муаммолар ва у туфайли юзага чиққан зиддиятлар кучайиб, аъзоларни ўйлантириб қўйди. Юқорида тилга олинган Русия асири турк эллари жабҳа бирлиги тузилган илк анжуманда ҳам бу мавзу атрофлича муҳокама қилинганди ва “Прометей” мажмуасининг янгидан таркиб топтирилиши кераклиги борасида фикр айтилганди. Аслида, туркистонликлар ва бу журнал ўртасидаги муносабат ҳатто у чиқа бошлаган илк ойлардаёқ чигаллашган эди.

1935 йилда Мустафо Чўқайнинг норозилиги чекидан ошиб, журнал муқовасидаги Туркистон сўзининг чиқариб ташланишини талаб қилганди. Бироқ ўша пайтда ТМБ маркази бу тортишувга аралашиб, Мустафо Чўқайнинг бу муносабатини маъқулламаганди. ТМБ раиси Усмон Хўжаўғли ўз мактубида жамиятнинг Оврупо вакили Мустафо Чўқайнинг бу ҳаракатини қаттиқ танқид қилиб, жумладан, шундай ёзган:

> “24. 6. 1935 й.даги хатингизни олдим. Унда сиздан ҳеч кутмаганимиз жумлага дуч келдим, “кеча “Прометей”га мактуб ёзиб, мажмуа муқовасидаги Туркистон номини чиқаришларини талаб қилдим” депсиз. Бу ердаги ўртоқлар бунга қарата, “бир вакил ўз вазифалари ташқарисидаги бундайин фавқулоддаги ишга, марказдан буйруқ ёки таълимот олмасдан туриб, қандай қўл ура олади” дея ҳақли равишда ҳайрон бўлишди.
>
> Тақрибан икки йилдир сиз “Прометей”га мақола ёзмадингиз. Бу хусусдаги сиз кўрсатган сабабларга кўра, биз ҳам бу ерда жим ўтирдик, аралашмадик. Ҳатто баъзи масалаларда сизни ҳимоя этдик. Биз биламизки, ўртада бир айбдор бор. Фақат у айбдор мажмуа эмас. Унинг идора ҳайъатидаги бир кимсадир.[619] Маълумки, бургага аччиқ қилиб кўрпани ёқмайдилар. Бундайин қилиш тўғримас.

[619] Гвазава кўзда тутилмоқда.

Керакли ерларга мазкур мажмуанинг муқовасидан Туркистон номини олиб ташлаш хусусида ишора қилинди. Сиз ҳам ҳозирча жим туринг. Муаммони шиширириш ва унга ёпишиб олиш хатоли бўлур."[620]

"Прометей" журнали таҳририяти билан фақат туркистлонликлар эмас, балки бошқа миллий марказлар вакиллари ҳам унчалик соз эмасди. Айниқса, гуржиларнинг мажмуа ҳайъатида ҳукмрон бўлиб олишидан барча турк гуруҳлари норози эди. Шу туфайли "Прометей" журнали масаласи Русия асири турк эллари жабҳа бирлиги анжуманида кун тартибига қўйилиб, муҳокама этилганди. Чўқай анжуман ўтганидан кейин ТМБ марказига йўллаган макутубида "Прометей" мажмуаси таҳрир ҳайъатини янгидан тузиб, кейин нашр этиш кераклиги борасида Варшавадан талаб қилишини билдирган. Аммо журналдаги ўзгаришлар турк гуруҳларининг шикояти натижасида эмас, балки мажмуанинг 1937 йил феврал сонида босилган бир мақола оқибатида юз берди.

"Прометей"нинг 133 сонида нашр этилган бир мақолада Туркия ва Гуржистон давлатлари орасидаги чегараларни белгилаган Қарс битими ва унга кўра чизилган турк-гуржи сарҳадлари тилга олинган, баҳсли фикрлар билдирилган, Туркия ҳудудидаги Ардахан ва унинг атрофидаги баъзи ерларнинг Гуржистонга оидлиги даъво қилинган эди. Прометей ҳаракати ичидаги турк миллий марказлари бунга кескин раддия билдиришди. "Ёш Туркистон" журнали бу масалага, мавзуга нисбатан ўз фикрини ифодалаб, ТМБнинг "Прометей" билан алоқаларини ҳам йўққа чиқариб, жумладан, шуларни ёзди:

"Прометей"нинг декабр ойидаги 133 сонида босилган мақолани, Туркия ва Қафқаз чегараларига оид фикру қарорни ўқиган туркистонликлар томонидан "Муқовасида Туркистон номи ёзилган "Прометей" мажмуаси учун ТМБ (Туркистон миллий бирлиги) ва бошқа Туркистон аҳли масъулиятлими?" дея сўроққа тутмоқдалар. Бунга жавоб шудир:

"Прометей" журнали учун ТМБ ҳам, бирор туркистонлик ҳам масъул ё жавобгар эмас. Аслида қафқазликларнинг нашри бўлган "Прометей" мажмуасига туркистонликлар 1934 йил январ ойидан бери қатнашгани йўқ". [621]

Ҳақиқатан ҳам, "Прометей" журналида Туркистон вакилларига мансуб сўнгги ёзув Шарқий Туркистон мавзусида[622] бўлиб, Жоной имзоси билан чиққан ўша нарсадан кейин 133 сонига қадар Туркистон миллий бирлигига оид бирор сўз ҳам мажмуада босилмаган. Маршал Пилсудскийга бағишланган 102 сонда ҳам, Озарбайжон жумҳуриятининг собиқ бош вазири Алимардон Тўпчибоши вафоти муносабати билан ёзилган таъзиянома ва хотиралар жамланган 96 сонда ҳам ТМБ номидан

[620] Усмон Хўжаўғли тарафидан Мустафо Чўқайга 1935 й. 7 июлда ёзилган мактуб (Аҳат Андижон архиви).
[621] "Ёш Туркистон" журнали, 1938 й., №99 феврал, 41 б.
[622] *Les événements au Turkestan Chinois*, Promethée. №86, s. 18-21.

бирорта ёзув нашр этилмаган. Бироқ олдин чоп қилинган “Прометей”ни варақларкансиз, хусусан ҳар бир мажмуанинг ҳар ойдаги янгиликлар бериладиган энг сўнгги “Chronique” бўлимида, 1932 йилдан бошлаб Туркистонга оид хабарлар босилгани эътиборингизни тортади.

Журналда Гуржистоннинг Туркиядан ер талаби ифодаланган мақола чиқаркан, бу ҳолат Варшавадаги Прометей ҳаракати доираларига бўмба портлагандай таъсир қилди. “Прометей” каби советларга ашаддий қарши журналда шўро давлати ичидаги бир ўлканинг манфаатини ёқлаган мақоланинг босилиши катта жанжалга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, прометейчилар ҳаракатининг Пўлша давлати томонидан қўллаб келинаётгани ҳам аён эди. Шунинг учун бу ҳаракатнинг расмий органи ҳисобланган мажмуада Туркиянинг чегаралари муҳокама этилаётгани Туркия ва Лахистон ҳукуматларини қарама-қарши қилиб қўйди. Бу ҳолат, албатта, лах ҳукуматига мақбул эмасди.

Айни шу пайтда Туркистон, Озарбайжон ва Шимолий Қафқаз ташкилотлари Прометей ҳаракати марказига журналнинг бошқарув ҳайъати ва Гвазава ҳақидаги раддияни юборишди, агарда бошқарув ўзгартирилмаса, ҳаракат билан алоқани узишлари мумкинлигини билдиришди. Ғавғо кучайиб бораркан, журнал фаолияти вақтинча тўхтатилди ва мажмуага илк нашридан бери бош муҳаррирлик қилиб келаётган гуржи Гвазава ишдан бўшатилди.

Кейинроқ, 1938 йил ноябр ойидан эътиборан журнал Украина жумҳуриятининг собиқ ташқи ишлар вазири Виталий Шулгин раҳбарлигида “La revue de Promethéé” номи билан такрор нашр этила бошланди. Мажмуа бошқарув ҳайъати қайтадан тайинланди ва гуржилар ҳукмронлигига чек қўйилди. ТМБ журналнинг янги бошқарув ҳайъати ва нашридан мамнун эди. Журналнинг янгидан чиқиши тўғрисида “Ёш Туркистон” мажмуасида шундай фикр билдирилган:

> “Русия асоратидан қутулмоқ учун миллий кураш олиб бораётган ғайрирус халқларнинг миллий мақсадини ва ҳақ-ҳуқуқларини қўриқламоқ ва тарғиб этмоқ ниятида чоп қилинаётган бу французча мажмуа кўриниши ва маъно-мазмуни билан ҳар турли ўқувчига ёқадиган нашрдир... Мажмуада асосан Туркистон, Озарбайжон ва Украина ўлкалари ҳақида маълумотлар бор... “La revue de Promethéé” икки ойда бир чиқади.”[623]

Ҳақиқатан ҳам, журналнинг янги сонлари Туркистон ва Озарбайжонга оид ёзувларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Мажмуанинг илк сонида Туркистон мавзусидаги уч мақола ва икки хабар босилган. Нашрнинг кейинги сонларида ҳам Туркистонга оид мақола ва хабарларнинг мунтазам бериб борилгани ТМБ ва журнал ўртасидаги

[623] “La revue de Promethéé”. “Ёш Туркистон” журнали, 1938 й., №109, 1 б.

муносабатлар юксак савияда бўлганини кўрсатмоқда. Аслида, тўғрисини айтганда, Тоҳир Чиғатойнинг “Ёш Туркистон”да таъкидлаганидек, Прометей жабҳаси мажбурият тақозоси эди. Чунки Прометей ҳаракатига қўшилган миллий марказлар бир ўзлари советларга қарши кураша олишга ожиз эди. Шунинг учун улар мажбуран бирлашган, тарихий шароит тақозосига кўра бир жабҳани ташкил этишганди.

ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ БИРЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

1938 йил бошларида Шарқий Туркистондан Туркияга қайтган доктор Мажидиддин Далил қайтадан ТМБ бош котиби ўлароқ ишга киришди ва жамиятнинг ўзини тиклаб олиши учун кўп ғайрат кўрсатди. Кейинги йиллардаги ҳодисалар туфайли жамият анчагина кучсизланган ва тарқоқ ҳолатда эди. Ташкилот ичида икки гуруҳ шаклланган ва улар орасидаги қараш айрилиги ҳамда зиддият тобора ортиб бораётганди. Жамият раиси Усмон Хўжаўғли билан Туркистон турк ёшлар уюшмаси бошлиғи Аҳмаджон Ўқой (Иброҳим) биринчи гуруҳ етакчилари ҳисобланарди. ТМБ марказий қўмитаси асъзоларининг кўпчилиги йиғилган иккинчи гуруҳда эса, жамиятнинг Оврупо вакили Мустафо Чўқай ва ТМБнинг бош котиби Мажидиддин Далил ва бошқалар бор эди.

Бу гуруҳбозликнинг ТМБ фаолиятлари ва расмий алоқаларига ҳам катта таъсир қилгани маълум. Усмон Хўжаўғлининг ТМБга билдирмасдан, унинг тавсиясини олмасдан ўзича иш юритаётгани борасидаги даъволар кўпчили жамият аъзоларида унга нисбатан бошқача тасаввур уйғотганди. Бу ҳолатни жамият аъзоларининг бир-бирларига йўллаган хатларидан ҳам билиб олиш мумкин:

> “Мен бундан икки йилча аввал узоқбойлар[624] билан учрашиб, айни масала хусусида гаплашгандим. Кобулдаги кишилар билан ҳам муносабатга киришгандим. Фақат орадан раис билан Султонбой чиқиб қолишди. Бирининг ТМБ раиси, бирининг эса Шарқий Туркистон вакили эканлиги масалани бошқа йўналишга буриб юборди. Менинг ҳақимдаги миш-мишлари (узоқбойлардан эшитдим) туфайли у ишни орқага сурдим...
>
> Шарқий Туркистон ўз кучи билан муваффақият қозонолмаслиги аниқ. Унга ташқаридан ёрдам керак. Муҳитий бек[625] билан учрашсак яхши бўларди... Аммо мени Туркияга киритмайдилар, шунинг учун Туркиядан бошқа мамлакатда кўришганимиз маъқулдир...
>
> Раис марказнинг қарорини чиқармасдан кетавергани учун дўстлар, нега буни бизга билдирмадингиз, дедилар. Агарда мен, унақа қарор йўқ,

[624] Японлар кўзда тутилмоқда.
[625] Шарқий Туркистоннинг мустақиллик кураши раҳбарларидан генерал Маҳмуд Муҳитий.

десам, ТМБда айрилиқ бор дея жамиятнинг эътибори пасаяди. Қарор бор десам, биз билмадик-ку, дейишади.[626]

Қурултой масаласи ҳам олдимизда турибди. Сиз Истанбулдан қатнашадиганлар билан гаплашсангиз яхши бўларди... Қатнашмайдиганлар вакилларини юборсинлар... Менимча, Шарқий Туркистондан 2-3 кишининг қурултойга чақирилгани маъқулдир. Шарқий Туркистон масаласида ҳаракат йўналишини аниқлаштирамиз. Маҳмуд Муҳитий билан бирга унга яқин Хўтан амирига ўхшаган дипломатларга таниш зотлар келса янада яхши.[627]

Мен Варшавада биз ҳамда Шарқий Туркистон лидерлари қатнашадиган бир қурултой ўтказиш режасини илгари сурдим... Қабул қилинса (бу ёз охирида ёки кўкламда), сизга билдираман.[628]

МУҲОЖИР ЛИДЕРЛАРНИНГ ТУРКИЯДАН ЧИҚАРИЛИШИ

1938 йилнинг ўрталарида Туркия ҳукумати ўлкада яшаётган муҳожир турк лидерларига нисбатан сиёсатини янада оғирлаштирди. Аввалига улардан сиёсат билан қатъиян шуғулланмайман деган маънодаги ҳужжатни имзолаш талаб этилди. Озарбайжон миллий ҳаракати етакчиси Муҳаммадамин Расулзода, Мирза Бола, Шимолий Қафқаздан Саид Шомил Туркияни олдинроқ тарк қилган ва фаолиятларини Пўлшада юритмоқда эдилар.[629] Туркияда яшаётган муҳожир турк етакчиларига муносабатдаги босқи ва зуғум ёз ойларида янада кучайди. Ниҳоят, сентябр ойида Туркия жумҳурияти тарихи бўйича муҳожир гуруҳларга нисбатан шу пайтгача кўрилмаган энг қаттиқ тадбир қўлланди. Ҳукумат бир пайтлар бу ўлкага сиғиниб, бошпана топган бир гуруҳ муҳожир йўлбошчиларни Туркия фуқаролигидан ўчириб, юртдан ташқарига чиқариб юборишга қарор қилди. Ҳукуматнинг 1938 йил 24 сентябрда “Расмий газета”да эълон этилган қарорида шундай дейилганди:

“Мамлакатимизда бошқа бир давлат ҳисобига ва дўст бир давлатга қарши тарғиботчи ва ихтилолчи ташкилот қурган ва бошқа бир давлат фойдасига жосуслик ишларини бажариш ниятида юртимизни бошпана қилишга уринганлари маълум бўлган Умар ўғли Алихон Кантемир, Маҳмат ўғли Ҳалил Гунгўран, темирйўл ишлари бош мутахассисларидан Мирали, Аббос ўғли Сафарқули, Мирали Толиб ўғли Маҳмат Туғой, Туркистоннинг собиқ жумҳурраиси Усмон Хўжаўғли, Козим ўғли Аббос

[626] Мустафо Чўқайнинг 1938 й. 13 майда Мажидиддин Далилга ёзган хати (Аҳат Андижон архиви).
[627] Мустафо Чўқайнинг 1938 й. 4 июлда Мажидиддин Далилга йўллаган мактуби (Аҳат Андижон архиви).
[628] Мустафо Чўқайнинг 1938 й. 27 октябрда Мажидиддин Далилга битган хати (Аҳат Андижон архиви).
[629] Китобнинг “Сиёсий марказ Туркия” бўлимига қаранг.

ва Усмон Қупанинг Туркия ватандошлигидан чиқарилишлари ҳақида; Ички ишлар вазирлиги 5.9.1938 йилдаги ва 7746 сонли таклифига кўра 1312 сонли қонуннинг 11 моддасига биноан Ижро вакиллиги ҳайъатига 6.9.1938 йилда топширилди."[630]

Жалол Байар ҳукумати ўзга бир давлат фойдасига хизмат қилишда айбланган бу муҳожир лидерларни қаматтирмаган, суд қилдирмаган, фақат турк фуқаролигидан ўчириб, Туркиядан ташқарига чиқариб юборган. Вазирлар маҳкамаси қарорида таъкидланган "фойдаси учун хизмат" қилинган давлатлар, номи кўрсатилмаса ҳам билинганидек, Пўлша ва унинг иттифоқчиси бўлган Англиядир; қарши курашилган ўлка советлар давлатидир. Фуқароликдан ўчирилган кишиларнинг ташкилот қурган деган иддао эса тамоман уйдирмадир. Бу шахслар орасидаги муштараклик уларнинг муҳожир турклар сифатида ўз элларининг истиқлоли йўлида сиёсий ҳаракатга қатнашганларидир. Бирор давлат фойдасига махфий маълумот тўплаш хусусида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Агарда шунақа ишга киришсалар эди, албатта бирор далил топиларди ва улар қўлга олинарди, суд қилинарди. Шундай ҳолат юз бермаса ҳам, Вазирлар маҳкамасининг бир қарори билан уларнинг фуқароликдан ўчирилиши ва Туркиядан ташқарига чиқарилиши маъқулланган эди. Бу тутум, бизнингча, ҳукумат тарафидан қўйилган айбларнинг ҳеч бир далилга асосланмаганини, қарорнинг жўнгина бир сиёсий тадбир эканини кўрсатмоқда. Агар Муҳаммадамин Расулзода, Аҳмад Закий Валидий Тўғон, Аёз Исҳоқий, Жаъфар Саидаҳмад Қиримэр, Саид Шомил, Мирза Бола каби бошқа муҳожир сиёсатчи лидерлар, турли сасбабларга кўра, анчагина олдин Туркияни тарк этмаган бўлсалар эди,

---

[630] Темур Хўжа томонидан нашр қилинган "Yenilik Hareketleri ve İhtilaller Arasında Osman Носа" деган мақолада Усмон Хўжаўғлининг Туркиядан чиқарилишига оид шу сўзлар ёзилган: "Усмон Хўжанинг Туркиядан чиқарилишига оид талабларга, Москванинг пўписаларига Туркия жумҳурияти бошлиғи Мустафо Камол Отатурк парво қилмаган. Фақат Отатуркнинг ўлимидан кейин, янги жумҳурият бошлиғи Исмат Инўну даврида, Москванинг сиёсий босқилари натижасида, Усмон Хўжадан юртдан чиқиб кетиши талаб қилинган. Усмон хўжа 1939 йил бошида аввал Пўлшага, кейинроқ Эронга кетган (''Türkistan'da Yenilik Hareketleri ve İhtilaller: 1900-1924'', s. 29)

Аммо ТМБ аъзолари орасидаги ёзишмаларга ва расмий ҳужжатларга қаралганда, Темур Хўжанинг юқоридаги фикрларининг янглиш экани маълум бўлмоқда. Усмон Хўжаўғли билан бирга жуда кўп муҳожирларнинг Туркия фуқаролигидан чиқарилишига оид қарор Отатурк даврида, Ички ишлар вазири Шукру Қоянинг таклифи билан, Жалол Байар бош вазир бўлган ҳукумат томонидан 1938 йил 6 сентябрда қабул қилинган. Усмон Хўжаўғлининг Берлиндан Мустафо Чўқайга йўллаган ва Туркиядан чиқиб кетишга мажбурлигини билдирган хати эса 1938 йил 21 сентябрда ёзилган. Хуллас, ҳукумат қарори қабул қилинар-қилинмас номлари зикр этилган шахслар ўлкадан чиқарилганлар. Ҳукумат қарорномаси эса, ўша қарор қабул қилингандан 18 кун кейин, 24 сентябрда "Расмий газета"да босилган. Шубҳасиз, бу қарор қабул қилинган чоғда Отатурк хасталигининг сўнгги пайтлари эди ва у бундайин қарордан хабардормиди, йўқми, буни аниқлаш мушкул. Аммо шуниси аниқки, бу қарор Отатуркнинг республика президенти эканлиги даврига оиддир ва унга Исмат Инўнунинг ҳеч бир алоқаси йўқ. Усмон Хўжаўғлининг Туркия сарҳадларидан чиқарилиши вақти ҳам 1939 йил бошлари эмас, балки 1938 йилнинг сентябр ойидир.

эҳтимол, улар ҳам бу рўйхатга киритиларди, фуқароликдан ўчириларди ва Туркиядан ҳайдаб юбориларди.

Хулласи калом, бу тадбир натижасида ТМБ раиси Усмон Хўжаўғли қатори яна бир неча муҳожир турк лидерлари тағин бир бор Туркиядан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Айни шу пайтда, Усмон Хўжаўғли билан бирга Афғонистонда фаолият юритган Султонбек Бахтиёр ҳам Туркия ҳудудидан чиқарилиб, Арабистонга жўнатилди. Бу ҳодисалар сўнгида мажбуран Берлинга қараб йўл олган Усмон Хўжаўғли эски дўсти ва рақиби Чўқайга йўллаган мактубида шуларни ёзган:

> "Туркистон истиқлол кураши тўлқинлари судраб- судраб, ахийри Берлинга келтирмоқда. Кўпдан бери ўзимга ўзим, Оврупо марказларини зиёрат этиб, сизлар билан биззот кўришиб, узоқ йиллардан бери давом этган ҳафагарчиликка ниҳоят берайин, дердим. Мана, кураш тўлқинлари бу орзумни амалга оширишга ёрдамчи бўлди. Орзу-амалимга яқинлашяпман. Иншооллоҳ, яқин бир замонда кўришмак тилаги ила..."[631]

Мустафо Чўқайнинг бу мактубга жавоби бир оз илмоқли бўлиши билан бирга, унинг ярашишга мойиллигини англатмоқда:

> "Сизнинг Берлинга қараб мажбуран саёҳатга чиққанингизни Мажидиддин бек ёзганди. Келишингизни Тоҳир ҳам билдирди... Яшаганингиз мамлакатни* тарк эттирган сиёсий сабаблар туфайли бир-биримиз билан мунтазам суратда хабарлаша олмадик... Орадаги жуғрофий узоқлик боис орамиздаги муаммоларни чуқурлаштирмоқ истаганлар ҳам оз эмасди... Иншооллоҳ, сизнинг бу мажбурий саёҳатингиз ишларимиз учун фойдали натижалар беради. Эндиги сиёсий ҳаво бир оз ўзгарганидан кейин Берлинга бориб, сизни зиёрат этмоқ мен учун бурчдир... Ҳар турли ёрдамга тайёрман."[632]

Тақдирни қарангки, Закий Валидий Тўғон ҳам 1932 йил июл ойида ўтказилган Турк тарих қурултойида давлатнинг ўша пайтдаги расмий тарих дастурига қарши фикр билдиргани учун университетдаги ишидан айрилган ва мажбуран Туркиядан чиқиб кетганди.[633] Шундай қилиб, 1930 йиллар охирига етаркан, ТМБнинг уч етакчиси ҳам чархи кажрафторнинг бир хил зарбига учрагани, ғурбатдан ғурбатга қувилгани аён бўлди.

Бу ўзгаришлар Туркияни сиёсий марказ ўлароқ юритилган фаолиятларнинг охирига етганини, энди бу ўлкада ишлашнинг имкони қолмаганини кўрсатмоқда эди. Шу туфайли ТМБ марказий қўмитаси Истанбулда сўнгги йиғилишини ўтказди ва ташкилот марказини мумкин қадар қисқа замонда Овруподаги мувофиқ бир шаҳарга кўчиришга қарор берди. ТМБ жамиятининг энг муҳим одами ҳисобланган Мажидиддин

---

[631] Усмон Хўжаўғлининг 1938 йил 21 сентябрда Мустафо Чўқайга йўллаган хати (Аҳат Андижон архиви).

[632] Мустафо Чўқайнинг 1938 йил 24 октябрда Усмон Хўжаўғлига ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).* *Туркияни-тарж.*

[633] "Сиёсий марказ Туркия" бўлимига қаранг.

Далил 1938 йил октябр ойида Берлинга борди. У имкон қадар бу ерда қолишни режалаштирган, марказ энди Берлинда иш олиб бориши керак эди.

1939 ЙИЛДАГИ БЕРЛИН ЙИҒИЛИШИ ВА ЧЎҚАЙНИНГ РАҲБАРЛИК ДАВРИ

Айни пайтда Оврупо, жуда катта тезликда, иккинчи жаҳон уруши маҳшарига қараб елиб борарди. Фашистларнинг Австрия ва Чехословакия давлатлари билан ер масаласидаги жанжалли муносабатлари бутун Оврупо асабини таранглатганди. ТМБ раҳбарлари эса, Берлинда бир йиғилиш ўтказиш тайёргарлигига киришганди. Бу анжуманга ўша чоғда Истанбулда бўлган Шарқий Туркистон лидерларидан генерал Маҳмуд Муҳитий ҳам чақирилди. Варшавада турган Усмон Хўжаўғли эса, марказий қўмита ишончини бутунлай йўқотгани учун, ҳозирда ҳар қандай йиғилишнинг кераксизлигини айтиб, агарда қурултой чақириш лозим бўлса, бунга раис сифатида фақат у қарор бериши мумкинлигини таъкидламоқда эди. У Мустафо Чўқай ва Мажидиддин Далилнинг Варшавага келишини истамоқда, ТМБ байроғи остида биргаликда ишлаймиз, бошқа йўлларга оғишга изн бермайман, дея ўзининг рухсатисиз бирор фаолият юритилишига қарши эканлигини билдирмоқда эди.[634] Бироқ Чўқай ва Далил бир овоздан йиғилиш ўтказилишини исташмоқда ва ҳатто бу анжуманда Усмон Хўжаўғлини раисликдан улоқтиришга қарор қилишган эди. Шундай қилиб, улар Усмон Хўжаўғлининг таклифига кўнмадилар ва Варшавага бормадилар. Иккалови анжуманнинг 1939 йил баҳорида Берлинда ўтказилишига келишиб, тайёргарликни тугатиб, Хўжаўғлини Берлинга чақиришди. Хўжаўғли эса, у қатнашмаган анжуманнинг қонунга зидлигини, Чўқай ва Далилнинг унинг рухсатисиз қурултой чақиришга уринаётганини, шу туфайли бундайин йиғилишга иштирок этмаслигини билдирди.

Раис Усмон Хўжаўғлининг қатнашмаётганига қарамасдан, ТМБнинг сўнгги қурултойи 1939 йилнинг 24 мартида Берлинда ишини бошлади. Ўша палладаги шароитнинг оғирлиги сабабли анжуманга жуда оз вакил иштирок этди. Оврупо ташқарисидаги аъзолардан ваколат хатлари келди.[635] Илк мажлисда ТМБнинг умумий аҳволи кўздан кечирилди, кейин кун тартибига қўйиладиган ташкилотнинг янгидан таркиб топтириш, раис сайлови, Туркистон турк ёшлар уюшмаси, янги байроқ, Шарқий Туркистон масалалари устида турилди. 10 апрелгача

[634] Усмон Хўжаўғлининг 1939 йил 28 мартда Мажидиддин Далилга йўллаган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

[635] 1939 йил Берлин қурултойига қатнашганлар: Мустафо Чўқай, Тоҳир Чиғатой, Мажидиддин Далил, Собир Туркистонли, Абдулваҳоб Ўқтой. Туркия ва Афғонистондаги аъзолар ваколат хати юборишган.

давом этган анжуманда бешта мажлис ўтказилди ва қарорлар қабул қилинди.

Туркиядаги сиёсий муҳитнинг номувофиқлиги боис эндиликда марказ Истанбулда ишлай олмасди. Шу сабабли, вазиятдан келиб чиқиб, жамиятнинг бош маарказини Берлин ваё Парижга кўчиришга келишилди.

Собиқ раис Усмон Хўжаўғлининг иш услубидаги нуқсонлар танқид этилди, ТМБга анчагина зарар бергани таъкидланди ва уни марказий қўмита аъзолигидан чиқариш таклифи бир овоздан тасдиқланди. Қурултой қарорида айтилишича, Усмон Хўжаўғли ҳадди-ҳуқуқи бўлмагани ҳолда ташкилот номидан алоқалар ўрнатган, жамият танимаган кишиларни марказий қўмита аъзоси ўлароқ кўрсатган, сиёсий аҳамиятга молик сафарларга чиққан, энг муҳими, Қафқаз жамиятлари билан биргаликда хорижий мамлакат фойдасига хизмат қилишда айбланган.[636] Усмон Хўжаўғли билан бирга Туркиядан чиқариб юборилган бошқа шахслар бу айбловни рад этганлари ҳолда Усмон бек ҳеч бир қаршилик билдирмаган. Шу сабабларга кўра, у, ТМБда оддий аъзо сифатида қолиши учун ҳам, Туркия ҳукумати қўйган айбловга жавоб бериши шарт. Бундан кейинги даврда Усмон Хўжаўғлининг қилажак ишларига ТМБнинг масъул эмаслиги таъкидланди.

Бошқа бир мажлисда жамият аъзолари сафини янгидан кўздан кечириш лозимлиги масаласи ҳам қўйилди. Бошқарувнинг аноним тарзда юритилиши, раисга алоҳида вазиятлардагина ҳуқуқ берилиши таклифи ҳам қабул қилинди. Шундан кейин ТМБ раислигига Мустафо Чўқай сайланди.

Шарқий Туркистон масаласи кўздан кечирилган бошқа кунги мажлисда эса, иккала Туркистоннинг ҳам истиқлол курашини биргаликда олиб бориши кераклиги, Шарқий ва Ғарбий Туркистон йўлбошчиларидан иборат Туркистон умумий марказини ташкил этиш лозимлиги ҳақида қарор чиқарилди.

Истанбулдаги Туркистон турк ёшлар уюшмасининг фақат илмий ва ижтимоий йўналишда фаолият кўрсатиши, сиёсий ишларга асло аралашмаслиги ва ТМБ билан алоқаси ҳам ҳимоя тарзида юритилиши таъкидланди.

Турли-туман манбаларга таяниб кун тартибига келтирилаётган бир нозик мавзу, яъни Мустафо Чўқайнинг масон эканлиги ҳақидаги гап-сўзлар Мустафо бекнинг шахсига эмас, балки ТМБга қарши қаратилган бир провакациядир, дея қурултой тарафидан қабул қилинди.

Қурултойда Туркистон миллий байроғининг бугунги шартларга уйғун шаклда янгидан ясаш тўғрисида ҳам қарор чиқарилди. Қабул

[636] Туркия республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1938 йил 6 сентябрдаги қарори кўзда тутилмоқда.

қилинган янги байроқнинг ярмиси Темур байроғидаги каби тўқ қизил рангда, қолган ярми эса Шарқий Туркистон байроғидаги мовий тусда бўлиши ва ўртасига турклик тимсоли саналган ой ва юлдуз қўйилиши бир овоздан маъқулланди.

1939 йил қурултойининг якуний мажлисида Мустафо Чўқай, Мажидиддин Далил ва Тоҳир Чиғатойдан иборат уч кишилик муваққат бошқарув ҳайъати сайланди ҳамда унга Шарқий Туркистон ва Ғарбий Туркистон раҳбарлари билан алоқа боғлаб, энг қисқа вақтда қурултой ўтказишни ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Берлин қурултойи, бир тарафдан ТМБ ичида теран ўзгаришлар ясаркан, бошқа бир томондан анчагина мажҳуллик ва муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Усмон Хўжаўғли каби бир тарихий шахснинг жамиятдан четлантирилиши ва марказнинг Оврупога кўчирилиши Туркистон муҳожирларининг кўпчилик ҳолида тўпланиб яшаётган ўлкалар билан алоқаларининг сусайишига олиб келди. Шарқий Туркистон масаласини ҳам қамраган айрим қарорлар чиқарилганига қарамасдан, Шарқий Туркистонда кураш олиб бораётган мужоҳид раҳбарлар билан етарлича алоқа қурилмагани ҳам аёндир. ТМБ аъзолари янги қабул қилинган байроқ туфайли Шарқий ва Ғарбий Туркистонни бирлаштирган бир тимсол яратмоқни истадилар. Бор иш шу. Аммо атрофлича таҳлил қилинганда маълум бўляптики, 1939 йилдаги қурултойдан кейин ТМБ бора-бора оммадан ажралиб, озгина ходим билан чекланган кичкина бир ташкилотга айланиб қолди.

ОЛМОНИЯ-ЯПОНИЯ ЙЎНАЛИШИДАГИ СОВЕТ МУҲОЖИРЛАРИ ВА ПРОМЕТЕЙ ҲАРАКАТИ

Биринчи жаҳон урушидан кейинги йиллар, айтиш мумкинки, Олмония учун тарихнинг тўфонли даври бўлди, юз берган иқтисодий ва сиёсий бухронлар туфайли 1933 йилда фашистлар партияси (NSDAP)[637] ҳокимиятни эгаллади. Советларга қарши фаолиятларини Берлинда давом эттираётган муҳожир миллий марказлар учун бу ҳодисанинг аҳамияти жуда катта эди. Аввалги бўлимларда таъкидлаганимиздек, туркистонликларнинг “Ёш Туркистон” мажмуаси, Эдил-Ўрол туркларининг “Яна миллий йўл”, озарбайжонларнинг “Қуртулуш” ва Шимолий Қафқаздан Ҳайдар Баммат гуруҳининг “Кавказ” журналлари Берлинда босилаётганди. Фашистлар ҳокимиятга келган пайтда советларга қарши руҳдаги бу журналларга ва муҳожирларнинг миллий марказларига тарафсиз муносабат мавжуд эди, уларнинг нашрий

[637] NSDAP – Nationalsozilalitische Deutsche Arbeiterpartei (Миллий социалист олмон ишчи партияси).

сиёсатига алоқадор бирор бир зуғум ёки тавсиялар хусусида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Немис-фашистлар давлатни эгаллагандан бир оз муддат ўтиб, советлар мамлакатини махсус ўрганадиган ташкилотларга эътибор бера бошлашди. Аввало, Берлин университетига боғлиқ ҳолда 1887 йилда қурилган, шарқ тиллари ўргатиладиган Seminar für Orientalische Sprachen деган ўқув юртининг номи Ausland-Hochschule, яъни, чет элларни ўрганиш олий ўқув юрти тарзида ўзгартирилди. Бу ўқув юртига боғлиқ ўлароқ яна бир Russland Instıtute[638] ҳам ташкил этилди. Бу институтга совет давлати ва унинг ичидаги барча миллатлар ҳаётига оид илмий ва сиёсий ишлар олиб бориш вазифаси юклатилди. Институтга машҳур шарқшунос профессор фон Менде директор қилиб тайинланди. Бу илмий текшириш институтида шўро давлатидаги умумий ва маҳаллий матбуот изчил ўрганилмоқда, барча миллатлар ҳақида ижтимоий, сиёсий ва демографик тадқиқотлар олиб борилиб, ҳар ҳафта даста-даста маълумотлар тайёрланиб, керакли ерларга топширилмоқда эди.[639]

Фашистлар ҳукуматининг совет мамлакати ва унинг ичидаги миллатлар масаласи билан шуғулланган яна бир муҳим ташкилоти эса, фашист партиясининг бир бўлими ҳисобланадиган Ташқи сиёсат доираси, яъни АПА[640] эди. Розенберг бошқарган бу бўлимда шўро давлати ичидаги халқлар билан алоқадор фаолият олиб борилар, барча ишларга Розенбергнинг яқин дўсти Лейббрандт раҳбарлик қилар эди.

Бу даврдаги муҳожирлар билан тўғридан-тўғри шуғулланадиган яна бир алоҳида ташкилот Олмон махфий хизматини[641] ҳам унутмаслик керак. Бу ташкилот Олмония ичидаги муҳожир гуруҳларни назорат остида тутмоқ ва керак пайтда улардан фойдаланмоқ учун махсус Алоқа доираларини таркиб топтирганди.

Сони кўплиги сабабли рус, украин, гуржи, армани муҳожирлари билан алоқадор доиралар қурилиб, у ўлкалардан келганларнинг бир қисмини иш билан таъминлаш масалалари ҳам ҳал этилганди. Шунга қарамасдан, эҳтимолки сонларининг оз эканлиги боисми, туркистонликлар, татарлар ва озарбайжонларга боғлиқ бирорта ҳам доира ташкил этилмаганди.

Ана шу муҳожирлар билан шуғулланадиган доираларнинг яратилиши билан бир қаторда Олмониядаги ҳукумат бошқарувида советлар мамлакатини, у ердаги миллатларни, тилларини биладиган

---

[638] Русия институти.

[639] Аҳмад Темирнинг ёзишича, у 1936 йилдан бошлаб бу илм даргоҳида ишларкан, советлар мамлакатидаги турк ўлкаларидан, масалан, “Бошқирдистон” (Уфа), “Коммунист” (Боку), “Ўзбекистон” (Тошкент), “Социалистик Татаристон” (Қозон) каби газета ва журналларни ўқиб-ўрганиб, ҳафталик рапорт-маълумотлар тайёрлаган (Ahmet Temir, *60 yıl Almanya*, s.164).

[640] Aussen politisches Amt.

[641] Reichsicherheitshauptamt.

кишиларга, мутахассисларга эҳтиёж ҳам туғилганди. Бу эҳтиёжни қоплашда фақат Олмониядаги муҳожирлардан фойдаланиш мумкин эди. Шунинг учун фашистлар партиясига аъзо бўлган гуржилардан кўпи ҳукуматнинг муҳим рутбаларини эгаллади. Масалан, 1938 йилда профессор фон Менде NSDAPнинг, яъни Миллий социалист олмон ишчи партиясининг Ташқи сиёсат бўлимига ўтказилганидан кейин, унинг ўрнига гуржи муҳожирларидан профессор Михаил Аҳматали тайинланди. Михаил Аҳматалининг қариндоши, Гуржистон жумҳуриятининг Олмониядаги собиқ элчиси Ладо Аҳматали ҳам фашистлар ташкил этган Қафқаз Алоқа доирасининг раҳбари эди. Яна бир гуржи муҳожири Александр Никурадзе эса, Розенберг бошқараётган Ташқи сиёсат доирасида эътиборли мавқени ишғол қилганди.

Юқорида тилга олинган фашистларнинг янги ташкилотлари турли мавзуларда маълумотлар тайёрлаш ва таржима қилиш ишларини бажарадиган кўплаб мутахассисга муҳтож эди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, сиёсий шахс сифатида танилмаган бир қатор муҳожирлар бу иш ўринларига жалб этилди. Улар асосан фон Менде ва Лейббрандтга боғлиқ иш юритдилар. Булар орасида энг кўзга кўрингани Олимжон Идрисийдир. Туркистонда туғилиб ўсган, асли Эдил татарларидан бўлган Идрисий қисман Олмонияда таълим олган, биринчи жаҳон уруши йилларида Берлин яқинидаги ҳарбий асирлар учун қурилган Wünstorf Müslüman – мусулмонлар лагерида диний ва ижтимоий бошқарувчи ходим сифатида ишлаганди. Урушдан сўнг, Бухорога қайтиб борганидан сўнгра, Бухоро халқ жумҳурияти тарафидан Олмонияга ўқишга юборилган талабаларга раҳбар ўлароқ тағин Германияга жўнатилган эди. Шундан кейин у Берлинда яшаб қолганди.[642] Ўрта Осиё туркий тилларини, Туркия туркчасини, олмон, француз, рус, форс, араб тилларини яхши биларди. Шу боис у шарқ халқлари билан боғлиқ фашист ташкилотлари учун энг керакли мутахассисга айланганди.[643] Асли Эдил-Ўрол туркларига мансуб, Туркия фуқароси Аҳмад Темир ва туркистонлик Вали Қаюмхон баъзи шахслар, муҳожирларга мўлжалланган ишхоналарда хизмат қилмаса ҳам, фон Менде ва Лейббрандтнинг талабларига биноан ўз соҳаларига оид маълумотларни тайёрлаш билан банд эди.[644]

Немис-фашистлар ҳокимиятни эгаллаганидан эътиборан советларга қарши фаолият юритган муҳожир ташкилотларни, сиёсий

---

[642] Қаранг: “Туркистон-Берлин йўлларида”.

[643] Олимжон Идрисий Ҳитлернинг “Менинг курашим” деган китобини форсчага ўгирганди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Миллий Туркистон бирлик комитетида ишлашни истаса ҳам, Вали Қаюмхон уни яқинлаштирмаган. Уруш туггагач, у Олмониядан Саудия Арабистонига кетган ва у ерда қиролнинг хизматига кирган. Бир муддатдан кейин Олмонияга қайтган ва АҚШ ташкил қилган коммунистларга қарши ташкилотда ишлаган. Умрининг сўнгги даврини Можористонда ўтказган ва шу ўлкада вафот этган.

[644] Муҳленнинг айтишича, бир суҳбатда Лейббрандт унга “Вали Қаюм менга асосан Ўрта Осиёдаги деҳқончиликка оид маълумотларни тайёрларди” деган экан.

жабҳалашув ва ўрнатган муносабатларига қараб, икки бўлимга айириш мумкин. Биринчиси ва шубҳасиз, энг таниқлиси прометейчилар гуруҳидир. Уни таркиб топтирган муҳожирлар сиёсий васфларига кўра асосан либерал демократ ёки социалист демократ сифатига эгалиги билан ажралиб туради. Уларнинг жамиятлари Лахистон ёрдами билан тузилганлиги ва шаклланганлиги боис ҳам кўпроқ француз ва инглизларга тарафдордирлар. Чунки улар 1920 йилларда советлар зулмидан қочиб келиб, муҳожиротдаги ҳукуматларини эълон этганларида, аввало Франция, сўнгроқ Англия қисман бўлса ҳам уларни тан олган ва кўмак кўрсатганди.[645] 1935 йилда Совет иттифоқининг Бирлашган миллатлар ташкилотига аъзо бўлиб кириши бу гуруҳларни қаттиқ яраласа ҳам, уларнинг сиёсий аҳволига унчалар таъсир қилолмаган.

Бошқа тарафдан қаралганда, совет муҳожирлари Оврупода фаолият юритар эканлар, Прометейни ташкил этувчи бу гуруҳларга қарши мухолиф тўдалар ҳам юзага келди. Бу мухолифлар ё шўродан аввалги даврларда ўз ўлкаларидаги мавжуд мухолифатнинг бу қитъадаги давоми шаклида эди, ёки Овруподаги ҳаракат жараёнида ўзаро келишмаслик боис яралиб қолган ички мухолифат эди. Бундайин бўлиниш, айниқса, Қафқаз миллий жамиятларида бўртиброқ кўринарди. Нўйе Жўрдания тўдасига қарши чиққан бир қисм гуржилар миллиятчи Спиридўн Кедия атрофида бирлашганди. Гуржилар ичидаги яна бир мухолиф гуруҳ бошчиси Гуржистоннинг Берлиндаги собиқ элчиси Ладў Аҳматали эди. Шунга ўхшаб, прометейчилар ичидаги Шомил гуруҳига қарши бўлган Шимолий Қафқазликлар, шу ўлканинг собиқ вазири Ҳайдар Баммат теварагида йиғилишганди. Муҳаммадамин Расулзода раҳбарлигидаги мусовотчилар орасида ҳам парчаланиш юзага келган ва мухолифларга озарбайжонларнинг собиқ вазири Хос Маҳмат етакчи ҳисобланарди.

Олмониядаги ҳукуматни ўз қўлига олган фашистлар, аввало, Прометей ҳаракатига мансуб гуруҳларнинг сиёсий вазиятига нисбатан ўзини парвосиздай тутган, бирортаси билан ҳам расман алоқа қилмаган бўлса ҳам, кейинроқ уларнинг мухолифларини қўллай бошлади. Илк ўлароқ Ҳайдар Баммат тўдасидаги муҳолифларга кўмак кўрсатилди. Чунки, ўз ўлкаларини тарк этган муҳожиротдаги прометейчи лидерлар ватанларида совет империализмига қарши мужодала қилган ва бу курашини Оврупода ҳам давом эттираётган мужоҳид эдилар ва шунинг учун коммунизм мафкурасига ўхшаш бир ғоя йўлидаги мустамлакачи фашистлар билан ҳам алоқа ўрнатишни истамасдилар. Ҳатто кези келганда доим фашизмни танқид қилардилар.

Баммат 1934 йилдан бошлаб Олмония, Италия ва Япония давлатларидан олган ёрдамларига таяниб “Кавказ” номли журнални

[645] Гуржи социалистлари томонидан қурилган Нўйе Жўрдания бошчилигидаги муҳожир ҳукуматни 1930 йилларгача Франция, Англия ва Белгия расман тан олган.

чиқарган. “Кавказ” асосий ғояси ва фалсафий йўналиши жиҳатидан прометейчилар тушунчасига, либерализм ва демократияга қарши эди. Бу гуруҳдаги кишиларнинг қарашига кўра, дунёни анархизм ва бошбошдоқликдан қутқарадиган ягона куч миллий социализм, яъни фашизмдир. Прометейчиларни бир жабҳага бирлаштирган тушунча ва ягона нуқта советларга душманлик, унга қарши мужодала ҳисобланарди.

Фашистлар Олмонияси билан прометейчилар жамияти орасидаги зиддиятларга қарамасдан, ҳукумат прометейчиларнинг бу мамлакатда яшашига ва журналларини чиқаришиги монелик қилмади. Олмон ҳокимиятининг бу муносабати тагида, шубҳасиз, прометейчиларнинг советларга қарши эканлиги тушунчаси ётарди. Бироқ бу хайрихоҳлик узоқ давом этмади, Олмония ва Совет иттифоқи ўртасидаги келишув натижасида олдинги вазият бутунлай остин-устун бўлди.

Бошқа бир ёндан қаралса, Прометей марказий ташкилотининг ҳам Оврупода олиб борган демократия тарафдорлиги ва фашизмга қаршилик тутуми Осиёда ўзгаргани ва бу қитъада фақат совет душманлиги йўналишида ҳаракат қилингани кўзга ташланади.

Узоқ шарқдаги энг буюк куч Япония 1905 йилдаги рус-япон урушида ғолиб чиққан, Сахалин ороли жанубини қўлга киритган ва бу тарзда чор Русияси билан тўғридан-тўғри қўшни бўлиб қолганди. 1915 йилда Япония Манчжурияга ҳарбий сафар уюштириб, алоҳида имконларни қўлга киритди ва бу ишнинг ҳосили ўлароқ Русия билан бўлган чегараларини анчагина кенгайтириб олди. Бўлшевикларнинг давлат тўнтаришидан кейин бошланган фуқаролар урушида Япония чор ҳукумати тарафдори ҳисобланган оқларнинг генералларига ёрдам берди. Бу орада бўлшевикларга қарши курашиб енгилган бир қанча одамлар шўролар зулмидан қочиб Манчжурияга ўтди, уларнинг бир қисми Японияга кетди. Токиода советлардан қочиб борган жуда кўп Эдил-Ўрол турклари жойлашган, ўзларига алоҳида муҳожирлар маҳалласини қуришган эди. Япон ҳукумати уларга хайрихоҳлик билан дўстона сиёсат тутмоқдайди.

1927 йилда Варшавага бориб, Эдил-Ўрол истиқлол қўмитасини ташкил этган Аёз Исҳоқий 1933 йилда Токиога кетди. У 1934 йилда Японияда яшаётган татарларнинг биринчи кичик қурултойини ўтказди. Шу орада император Ҳирўҳитўнинг қондошларидан шаҳзода Чичибу билан учрашиб, унга Эдил-Ўрол масаласини тушунтирди. Кейинроқ Япония қарамоғидаги Манчжурияга ўтган Аёз Исҳоқий 1935 йилнинг феврал ойида Япония, Чин, Қурия ва Манчжурия ўлкаларида яшаётган 17 та татар жамиятларининг делегатлари қатнашган Узоқ Шарқ Умумтатар қурултойини ўтказди. Анжумандан кейин Мукдан шаҳрида татарларнинг миллий маданият маркази очилди ва “Миллий байроқ” номли ҳафталик газета чиқа бошлади. Япония ҳукумати Аёз Исҳоқий томонидан бажарилган бу ишларга бошиданоқ хайрихоҳлик билан қаради ва доим

ёрдам кўрсатди. Эдил-Ўрол туркларининг Японияда амалга оширган яна бир иши "Япон мухбири" номли журналнинг нашр этилишидир. 1931 йил апрелдан, араб ёзувида, туркча чиқа бошлаган у мажмуани Абдулҳай Қурбонали деган бир татар чоп қилдирган. Бу журнални ҳам япон ҳукумати ҳар тарафлама қўллаб турган.

1931 йилда Япония Манчжуриядан ўтиб, Хитойга ҳужумга қилди. Японлар Манчжурияда ҳам ўзларига тобе Манчу-Ку деган бир қўғирчоқ давлат ташкил қилди. Бу туфайли Японияга нисбатан халқаро норозилик ва босқи кучайди, натижада у БМТдан чиқиб кетди. 1937 йилга келиб, Япония Хитойнинг анчагина қисмини босиб олишга қодир ҳолатда эди. Айни шу чоғларда, яъни 1930 йиллардан Шарқий Туркистонда мустамлакачи чин бошқарувига қарши исёнлар бошланганди. Туркистон миллий бирлик ҳаракати Шарқий Туркистоннинг мустақиллиги учун ҳамкорликда душман Чинга қарши мужодалада ёрдам кўрсатади деган умидда Японияга юзланди. Аввалги бўлимларда айтилганидек,[646] Япония ҳукуматига бир меморандум тақдим этилди, Париж ва Кобулдаги япон элчихоналари воситасида японлар билан тўридан-тўғри муносабат ўрнатишга киришилди.

Афсуски, Мустафо Чўқайнинг Парижда, Усмон Хўжаўғли ва Бахтиёрнинг Кобулда қилган ҳаракатлари кутилган бир натижани бермаганди. Чунки Шарқий Туркистонда хитойларга қарши бошланган миллий озодлик курашига японларнинг тўғридан-тўғри ёрдам кўрсатгиси келмаганди.

1937 йилда японлар прометейчилар билан бевосита, расман алоқа ўрнатдилар. Пўлша давлати ташқи ишлар вазирлиги архивларида бу мавзуга оид бир неча ҳужжатлар мавжуд, улардан бирида, жумладан, шундай дейилади:

> "1937 йилда японлар, анъанавий эҳтиёткорликларини бир ёнга отиб, илк дафа, прометейчилар ҳаракати билан алоқа ўрнатишди. Шу пайтга қадар улар татар (Эдил-Ўрол) ва Туркистон миллий ҳаракатларига баъзи ёрдамларни кўрсатишганига қарамасдан, қафқазликлар билан ҳеч қачон алоқа ўрнатишмади."[647]

Тағин Пўлша архивларидаги ҳужжатларга суяниб айтиш мумкинки, японлар прометейчилар гуруҳи фаолият юритаётган ўлкалардаги миллий муҳожирларга моддий ёрдам бермоқчи бўлганлар, аммо жамиятнинг Лахистондаги масъул ходими Рудз Смиглий бу таклифни қабул қилмаган. Шундай бўлса ҳам, Пўлша ҳукумати Харбиндаги элчихонаси ходими Станислав Пелега Япония вакиллари билан юмшоқ гаплашишни ва алоқаларни имкон қадар яхшилаш буюрилган. Бир оз муддат ўтгач, икки ўлка орасидаги расмий муносабатлар, музокаралар натижасида Токио ва

---

[646] "Сиёсий марказ Туркия", "Шарқ ўлкаларидаги фаолиятлар" бўлимларига қаранг.

[647] Targalski, *Les plans Polonais concernant l`éclatement de lURSS*, Le Movement Prométhée et le Caucase, s. 14

Варшавадаги элчихоналарда прометейчилар ҳаракатини кузатиб борадиган ва йўналтириб турадиган масъул ҳарбий атташеларга ўрин ажратилиши хусусида қарор қилинган. Пўлшадаги архив ҳужжатларида ёзилишича, японлар совет мамлакатининг беш республикага бўлинишига оид режа тузган. У режага кўра, парчаланиш қуйидагича амалга ошиши керак эди: Украина жумҳурияти, Буюк Мўғулистон (ички ва ташқи Мўғулистон, Бурят эли, Байкал ўлкаси), Ёқутистон республикаси, Буюк Туркистон (Ғарбий Туркистон, Шарқий Туркистон ва Эдил татар ўлкалари) ва Сибирия бирлашган жумҳуриятлари.[648]

Тахминимизча, Хитойнинг ишғолидан кейин амалга ошириш мўлжалланган бу режа японларнинг советлардан ажралиб чиқадиган миллатлар масаласи билан яқиндан шуғулланганини кўрсатмоқда. Аммо жаҳон уруши жараёнида Япониянинг мақсади бора-бора ўзгариб кетган ва унинг юриш йўналиши советларга эмас, Осиёнинг жанубий шарқига қаратилган.

ПЎЛШАНИНГ ИШҒОЛИ ВА ПРОМЕТЕЙ ҲАРАКАТИНИНГ ТУГАШИ

1939 йил 24 августда фашистлар Германияси билан совет давлати ўртасида битим тузилгани хабари бутун дунёга бўмба портлагандай қаттиқ таъсир қилди. Бу ҳодиса Пўлша учун интихонинг бошланғичи ҳисобланарди. Зеро, немис-совет ўзаро ҳужум қилмаслик битимининг имзоланган махфий баённомасига кўра, Пўлша, Финландия ва Болтиқ ўлкалари Совет иттифоқи ва Германия давлатлари ўртасида аллақчон бўлиб олинганди. Ана шу тарзда Пилсудскийнинг бу ҳодисаларни олдиндан сеза ва кўра билгани тағин бир бор тасдиқланди ва Пўлшанинг икки қўшни тарафидан янгидан бўлиб олиниши учун сиёсий замин тайёрланди. Советлар ва Олмониянинг бу иттифоқи натижасида фашистлар ҳукмронлиги остидаги бу мамлакатда анчадан бери шўроларга қарши фаолият юритаётган барча жамиятлар ва уларнинг нашрлари таъқиқланди. Шундай қилиб, ўн йилдан бери Берлинда босилаётган “Ёш Туркистон” журнали 1939 йил августдаги сўнгги 116-117 сонлари билан ўзининг тарихий фаолиятига чек қўйди. Таъқиқ сабабли фақат прометейчилар ва уларга тарафдор бўлган журналлар эмас, ҳатто фашистларга маслакдош ҳисобланган “Кавказ” каби нашрлар ҳам ўз ишини тўхтатди.

1939 йил сентябр ойининг илк кунида олмон қўшинлари Пўлшага бостириб кирди. Икки кундан кейин Англия ва Франция Германияга қарши уруш эълон қилди. Энди иккинчи жаҳон уруши расман

[648] Юқоридаги асар, 14 б.

бошланганди. Бир оз ўтиб, советлар ҳам Пўлшани ишғол этишга киришди. Прометей ҳаракатининг маънавий отаси Пилсудский олдиндан айтганидек, олмон ва рус қўшинлари Пўлшани эгаллади ва у бўлиб олинди. Фашистлар Германияси назоратидаги барча ўлкаларда бўлганидек бу мамлакатда ҳам советларга қарши ҳар қанақа фаолиятга, нашрларга чек қўйилди.[649]

Бу жараён бошланиши биланоқ Пўлша ҳукумати прометейчилар ҳаракати раҳбарларини дарҳол мамлакатдан чиқариб юборишга қарор қилди. 6 июл кечаси Прометей жамияти аъзоларини бир ерга олиб келиб тўплашди, ҳарбий мингбоши Дўмбровский етакчилигида барчаси Брест Литовск тарафга жўнатилди. Уларнинг мўлжалдаги манзил-макони Руминия эди. Гуруҳда Прометей жамияти раиси, украиналик профессор Роман Смал Стоттсий, озарбайжон миллий маркази бошилиғи Муҳаммадамин Расулзода, аъзоларидан Мирза Бола ва Али Озартекин, Эдил-Ўрол маркази раиси Аёз Исҳоқий, Шимолий Қафқаз ҳаракати раҳбари Саид Шомил ва аъзолардан Билатти, Қирим миллий маркази бошлиғи Эдигей Қиримол, Гуржи миллий ҳаракатидан Имнаидзе бор эди. Туркистон миллий бирлик қўмитаси раиси Усмон Хўжаўғли эса, икки ҳафта олдин Эронга жўнатиб юборилганди.

Прометейчилар гуруҳи Руминияга, ғурбатга қараб йўл оларкан, Смал Стоттский Брест Литовскдаги қариндошлари ёнида қолишга қарор берди. Бошқа муҳожирлар турли можароларни бошдан кечириб Руминияга етиб боришди. Муҳаммадамин Расулзода Бухарестда қолди. Аёз Исҳоқий, Саид Шомил, Мирза Бола, Эдигей Қиримол эса Туркияга равона бўлдилар.[650] Варшавадаги Шарқ институти директори В. Бўнжковский Исроилга кетди. Пўлшада қолган Смал Стоттский ҳам бир оз муддат ўтиб, АҚШга йўл олди. Ана шу тарзда прометейчилар жамиятининг барча раҳбарлари Лахистонни тарк этдилар. Аёз Исҳоқий бу мамлакатдан чиқиб кетаркан, туйғуларини шундай ифода қилган:

> “Сизнинг ва бизнинг ҳурриятимиз йўлидаги мужодалани давом эттираркан, ўз элимиздан ва қардош ўлкаларимиздан қувилган биз каби турк миллиятчиларини ўз паноҳига олган, бошини силаган Лахистон бугунда уруш ўтида ёнмоқда, йиқилмоқда, қонга чўкиб бўғилмоқда, кўзёшига ғарқ бўлиб инграмоқда, синграмоқда... Бизнинг, турк ўлкалари миллиятчиларининг 10-12 йилча бу дўст мамлакатда қурган янги миллий мужодала марказларимиз уруш туфайли Лахистон билан бирга ёнмоқда, йиқилмоқда. Биз ҳам энди лах аскари, лах зиёлиси каби бу ватандан айрилиб, иккинчи бор яратганимиз миллий муҳитимизни, миллий марказларимизни мажбуран тарк этиб, яна муҳожир ўлароқ ғурбату ғарибликка ва қоронғи бир мажҳулликка қараб кетмоқдамиз.”[651]

---

[649] Resulzade, *Kafkasya Meselesi*, Kafkasya dergisi (1952) №11-12, s.7
[650] İshaki, *Lehistan`dan Gidiş*, Emel Dergisi:1984, №140, s.101-104.
[651] Юқоридаги асар, 101 б.

Пўлша босиб олингач, ҳукумат аъзолари Парижга бориб, Владислав Сикорский бошчилигида сургундаги Лахистон давлатини ташкил этишди. Олмония Пўлшадан кейин Францияга қараб юраркан, бу ҳукумат 1940 йилнинг июн ойида Англияга кўчиб ўтди. Лахистон хазинаси ва архивлари ҳам ҳукумат билан биргаликда инглизлар ўлкасига олиб борилди. Бу жиҳатдан қаралганда, назарий ўлароқ, прометейчилар ҳаракати бошқаруви ҳам Лўндўнга жойлашди, дейиш мумкин.[652]

Шунингдек, Парижда босилаётган La Revue de Prométhée журнали ҳам Пўлшанинг ишғолига оид ўз қарашини билдириб, раддия эълон қилди ҳамда Франция ва Англия тарафидаги ўрнини тутди. Бу мажмуага асарлари билан қатнашаётган барча муҳожир раҳбарлар ўз юртдошларини немис-совет бирлашувига қарши битта жабҳадаги ҳамкорликка чақирмоқда эди.[653] Хориждаги гуржи ҳукумати бошлиғи Ное Жўрдания 1940 йилнинг феврал ойида, Гуржистон ҳукуматининг собиқ депутатлари йиғинида нутқ сўзлаб, Германия ҳақидаги фикру туйғуларини шундай ифодалаган:

> “Миллатларнинг ҳурриятларини катта мамнуният-ла йўқ қилган Олмония давлати Гуржистон ҳурриятининг янгидан тикланишида ҳеч бир улуш қўшолмайди. Шунинг учун ҳам тақдиримиз ўтмишда бўлгани каби бугунда ҳам бошқаларнинг озодлигини ҳурмат қилишга қодир демократик кучлар билан боғлиқдир.”[654]

Жўрдания нутқидаги Гуржистон калимаси ўрнига советлар асоратидаги ҳар бир миллат ўлкасининг номини қўйиш мумкин ва шунинг учун ҳам бу тушунча барча совет муҳожирлари қарашини ифодаламоқда. La Revue de Prométhée журналининг сўнгги сонида фашизм ва коммунизм дунё ва инсоният учун ўлат ва вабо дея талқин этилган ва Оврупо халқларини унга қарши курашга чақирилган. Шундай қилиб, 1940 йил май ойида фашистлар Францияни босиб олди ва бу нашрнинг ҳаёти ҳам ниҳоясига етди.[655]

Прометей ташкилотининг барча етакчи раҳбарлари Пўлшадан чиқиб кетганидан кейинги пайтда, олмон ҳукумати раҳбарияти бу ишларга нисбатан ғалати бир ёндошувини кўрсатди. Фашистлар

---

[652] Эдил-Ўроллик Али Оқиш 2002 йилда нашр эттирган “Эсимда қолганлар. Хотиралар” деган китобида (91 б.) Аёз Исҳоқийнинг, Варшавадан жўнаб кетганидан кейин, Пўлша ҳукумати расмийлари билан бирга аввал Руминияга, кейин Парижга, у ердан эса Лўндўнга кетганини, 1940 йилда Туркияга келганини таъкидлаган. Аммо бу маълумот Аёз Исҳоқийнинг ўз қўли билан ёзилган
‘‘Лахистондан айрилиш” сарлавҳали асарида (“Амал” мажмуаси, №140, 1984 й.) айтганлари билан терс келмоқда. Унда Аёз Исҳоқий, Лахистонни тарк этгач, Руминия орқали Туркияга келганини билдирган. Туркияга келганидан кейин унинг Англияга бориб-бормагани хусусида ҳеч қанақа белги ва билги йўқ.

[653] Олмон-рус жабҳасига қарши курашда бирлашувга чақирган етакчи шахслар Ное Жўрдания, Мустафо Чўқай, Мирёқуб Меҳдиев ва Александр Шулгиндир.

[654] Tougouchi-Caiannée, *URSS face au problémé de Nationalités*, s.349

[655] La Revue de Prométhée журналининг охирги 8-9 сонлари 1940 йил апрелда босилган.

партиясининг ташқи ишлар бўлимидан ишғолдаги Лахистонни бош волий ўлароқ бошқараётган Франкга тавсия хати келади, унда Прометей ташкилотини тарқатиб юбормаслик ва уни, сиёсий фаолиятларини чеклаган ҳолда, бир оддий уюшмага айлантириш талаби қўйилганди. Зотан, Олмония муҳофаза ташкилотининг 1939 йил 25 октябрдаги қарорига мувофиқ прометейчилар ҳаракати бўлимларига маҳаллий фаолият юритишга изн берилди.[656]

Тахминимизча, бу ердаги мақсад олмонларнинг ишғол этилган ҳудудлардаги бошқаруви билан Лахистон зиёлилари ва прометейчилар ҳаракати орасидаги алоқаларни давом эттиртириб, уларни олмонларнинг ғояларига хизмат қиладиган ташкилот ҳолига келтириш бўлган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Туркияга ва бошқа ўлкаларга тарқалиб кетган прометейчилар гуруҳининг айрим етакчилари билан Лўндўндаги Пўлшанинг сургун ҳукумати ўртасидаги муносабатлар сақланиб қолди. Масалан, Муҳаммадамин Расулзода Пўлшадан чиқиб кетганидан кейин Бухарестга, у ердан Парижга борган, Францияни фашистлар босиб олгунгача сургундаги Лахистон ҳукумати расмийлари билан бирга ишлаб юрган ва сўнгра яна Бухарестга қайтган.[657]

Уруш давридаги оғир ва мураккаб шароитга қарамасдан, Оврупода қолган ёки Туркияга келган баъзи муҳожир лидерлар ва Лахистоннинг Лўндўндаги сургун ҳукумати орасидаги алоқа давом этган. Масалан, Эдил-Ўрол ҳаракати йўлбошчиларидан Али Оқишнинг хотираларида ёзишича, у ва Аёз Исҳоқийнинг Лўндўндаги Лахистон сургун ҳукумати билан қалин муносабатлари 1944 йилларда ҳам узилмаган.[658] Худди шунингдек, Қирим миллий ҳаракати йўлбошчиси Жаъфар Саидаҳмад Қиримэр фашистлар Олмониясининг Пўлшани ишғол этиши муносабати билан раддия эълон қилган, Туркиядаги Германия элчиси фон Папун шу туфайли уни Скорскийнинг[659] жосуси дея айблаган.

ПЎЛШАНИНГ ИШҒОЛИДАН КЕЙИН ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ БИРЛИГИДАГИ АҲВОЛ

Август ойида Молотов ва Риббентроп томонидан имзоланган совет-олмон битими Прометей ҳаракатининг барча аъзолари каби Туркисон миллий бирлиги ходимларига ҳам жуда қаттиқ таъсир қилди. Зотан,

[656] Mühlen, *Gamalıhaç ile Kızılyıldız Arasında*, s. 36

[657] Расулзода иккинчи жаҳон уруши тугагунгача Туркиянинг Руминиядаги элчиси Ҳамидуллоҳ Субҳий Тангриўвар ёрдами билан Бухарестда яшади.Уруш охирлаганда, совет қўшинлари Руминияга яқинлашаркан, Олмонияга бориб, у ердаги АҚШ эгаллаган ҳудудга ўтиб, сиёсий бошпана сўради ва ўша макондан паноҳ топди. 1947 йилда Туркияга қайтди. Қаранг: M. T.E. Resulzade, *Milli Tes*anüd, Ankara, 1978, s. 9

[658] Akış, *Aklımda Kalanlar – Hatıralar*, s. 48

[659] Муҳожиротдаги Лахистон ҳукуматининг бошлиғи.

бундан олти ой илгари, март ойида ўтказилган ТМБ қурултойида ташкилот марказининг Берлинга кўчирилиши ҳақида қарор қабул қилинганди ва Мажидиддин Далил каби бир неча раҳбарлар Германияга келишганди. Бироқ 1939 йил охирларига бориб шум фалак чархининг айланиши янада тезлашди, Оврупода юзага келган фалокатлар туфайли ТМБнинг сўнгги қурултойида олинган қарорларнинг бирортасини ҳам амалга ошириб бўлмайдиган сиёсий вазият рўй берган эди.

Мустафо Чўқай бу машъум муҳитни олдиндан ҳис этгандек, 1939 йил ўрталарида, "Овруподаги курашлар сўнгида қизил шайтонлар (руслар) кучаяди шекилли," дея ёзган. Эндиликда ТМБ марказини кўчиришга мувофиқ бир ўлка топиш керак эди. Шу муносабат билан Мустафо Чўқай июн ойи ўрталарида Мажидиддин Далилга йўллаган мактубида қуйидагиларни таъкидламоқда:

> "Сиёсий вазиятнинг бизнинг олдимизга кўчиш масаласини қўяжагини олдинроқ Тоҳир ва Ўқтойга ёзгандим... Бизни Оврупода қабул қила оладиган ўлка топилармикин? Ҳарҳолда, тобора оғирлашаётган бир муаммо қаршисида турибмиз."[660]

Август ўрталарида Усмон Хўжаўғли Бағдодга кетаётганини билдирди. Чўқайга жўнатган мактубида у ерларда баъзи ишлар қилишни мўлжаллаганини айтмоқда:

> "Бу кеча соат бирда тайёрада Бағдодга учяпман... Биринчи Юнонистонга борамиз, у ердан Фаластинга учамиз. У ерда Лахистон учоғидан инглиз тайёрасига ўтамиз. Шу тарзда Бағдодга қараб борамиз... У ердан мактуб ёзаман...
>
> Дўстларимиздан эшитишимча, олмонлар сизга виза масаласида мушкулот чиқарибдилар. Нима ҳам қилардик, менга ҳам французлар худди шунақа мушкулот чиқаришди. Таассуф, Оврупода кўришмоқ насиб этмади. Умидворманки, яқинда муборак ватанда ва ёки ҳудудларига яқин бир ерда кўришиб қолармиз."[661]

Тобора кучайиб бораётган немис-фашистлар таҳликаси ва уларнинг советлар билан яқинлашуви Англия билан Пўлшани бир жабҳага бирлаштирганди. Уфқда жаҳон уруши кўриниб қолганди. Ўрташарқ, Эрон ва Афғонистон ҳам катта кучлар олишадиган майдонга айланиши мумкин эди. Ана шуларни кўзда тутиб, Прометей ҳаракати мансублари бу минтақаларда келажакда нималар юз бериши мумкинлигини муҳокама этиб, баъзи тадбирларни кўришга киришдилар. Усмон Хўжаўғлининг Эронга юборилиши ҳам ана шу тадбирлардан бири эди.

Овруподаги вазият мураккаблашиб борган сайин ТМБчиларнинг аҳволи ҳам анчагина оғирлашди. Мустафо Чўқайнинг Туркияга ёзган

---

[660] Мустафо Чўқайнинг 1939 йил 8 июнда Мажидиддин Далилга юборган хати (Аҳат Андижон архиви).

[661] Усмон Хўжаўғлининг 1939 йил 12 августда Мустафо Чўқайга ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

хатларидан ҳам бу чигал ва фожиали ҳолат яққол сезилиб туради. Чўқай, жумладан, шундай деган:

> “Олмония чегараларини беркитди. Мактуб ҳам, омонат ҳам юборолмаяпман... Тоҳир, Мажидиддин, Боту ва Аҳмаджон билан алоқам узилди... Усмон Хўжа Варшавадан Бағдодга, у ердан Эронга кетибди. Менга хат ёзди... Яқин ўртада ватанда ёки ватанга яқин ерда кўришамиз, дейди... Аёз афандидан, Токиодан мактуб келди. Мусо Жоруллоҳ Токиога борганмиш... Журнални Парижга олиб келсам дейман. Аммо Парижда араб ҳарфлари билан журнал босадиган бирорта матбаа йўқ... Туркия биз учун энг идеал ер эди, бироқ бизга у мамлакатга кириш таъқиқланган... Мисрга борсакмикин, дейман, лекин у бутунлай бегона ўлка. Дўстлар билан гаплашдим, ҳануз бир жавоб чиқмади.”[662]



ТМБчилар, уруш арафасида. Олмония, Берлин, 1939 (Аҳат Андижон архиви)

Оврупода бу воқеалар юз бераркан, ТМБнинг собиқ раиси Закий Валидий Тўғон ҳаётида ҳам ўзгариш бўлди. Отатуркнинг ўлимидан кейин унинг даврида юртдан чиқариб юборилган сиёсатчилар ва раҳбарлар яна мансабу мақомларга таклиф этила бошланди. Кўп йиллар ўлкадан ташқарида яшаган мухолифат вакилларидан доктор Ризо Нур Туркияга қайтиб келди. Бу яхши хабардан умидланган Тўғон ҳам 1939 йил 1 майда республика президенти Исмат Инўнуга, мудофаа вазири Чақмоқ ва маориф вазири Ҳасанали Южалга мактуб ёзиб, бу ўлкага қайтиш истаги ва бирорта турк университетида ишлаш орзуси борлигини билдирди. Қисқа вақтда Тўғоннинг арзу тилаги қабул қилинди ва у Истанбул университети адабиёт факултетига турк тарихи ўқитувчиси сифатида


[662] Мустафо Чўқайнинг 1939 йил 29 августда Ёқуб Элбекка ёзган хати (Аҳат Андижон архиви).

ишга таклиф этилди. Шундай қилиб, Закий Валидий Тўғон уруш бошланган куни, 1939 йил 1 сентябрда Олмониядан жўнаб кетди.

ТМБ ҳаракатининг бошқа аъзолари ҳам айни аҳволда эдилар. Абдулваҳоб Ўқтой, хотини Саида хоним, Аҳмаджон Ўқой ва Боту Қорабой Олмония Пўлшани ишғол қилмасдан анча олдин Туркияга боргандилар. Фаолият юритишга ва марказни кўчиришга мувофиқ бир ўлка топиш умиди қолмагач, Олмониядаги сўнгги икки ТМБчи Мажидиддин Далил билан Тоҳир Чиғатой ҳам сафдошларининг йўлини тутиб, 1940 йилнинг илк ойларида Туркияга келдилар.

Энди Мустафо Чўқай, худди 1920 йил бошидаги каби, Оврупода яна бир ўзи қолганди. Туркиядаги ТМБ аъзоларига ёзган сўнгги хатларидан биридаги қуйидаги сатрлар унинг нақадар умидсиз ва тушкун руҳда эканлигини билдирмоқда:

> “Айни чоғда биз туркистонликлар учун заррача ҳам дипломатик имкон қолмади... Анча пайтдан бери ичимда сақлаган баъзи сирларни сиз билан ўртоқлашсам дейман. Узун йиллардир давом этган ҳаракатимиз қисман ниҳоясига етди. Эртага ойнинг ўн учинчи куни, хурофотчилар энг ёмон кўрадиган рақам 13... Ёрдамчимиз йўқ эмас... Аммо сабр ва умид билан кутяпман. Тангрининг ёрдами билан бирор имкон чиқиб қолса, сизларни бу ёққа чақираман. У пайтда вазиятни бошдан-оёқ таҳлил этиш мумкин бўлади... Ҳозирча сизга айтадиган гапларим шу... Беш вақт намозда бизни дуо қилинг... Шунча йиллар олиб борган ҳаракатимиз манзилини ҳали тамоман йўқотмадик.”[663]


BIBLIOTHÈQUE NATIONALE

N° 16067

Départ^ts des imprimés.

M. Moustapha Tchokaieff

Titres ou profession Journaliste

Adresse 2 Square de Fontaine Nozaret-ter-Ham

Signature M. Tchokaieff

J. 10182-31.

Мустафо Чўқайўғлининг Миллий кутубхонага аъзолик гувоҳномаси
(Аҳат Андижон архиви)

[663] Мустафо Чўқайнинг 1940 й. 12 апрелда Мажидиддин Далилга ёзган мактуби (Аҳат Андижон архиви).

Чўқай, бир ёндан Париждаги ўзи учун мажҳулликка тўла эртани кутаркан, бир ёндан эса, французлар ва японлар билан муносабат ўрнатиш йўлини изламоқда эди. Бу орада Пўлшадан сўнгра Норвегия, Дания каби ўлкаларни ҳам ишғол қилган Германия эндиликда юзини жанубга ўгирган ва май ойи бошларида Голландия ва Белгияни осонгина босиб ўтиб, Францияга ҳужум бошлади. Франция 16 июнда ўт очишни тўхтатишни сўради ва таслим бўлди. Эндиликда Чўқай учун ҳодисаларни кузатиб ўтиришдан бошқа чора қолмаганди. У Лўндўн радиосини тинглаб, ташқи оламдан хабар олиб туришга интилар, баъзи дўстлари воситасида ТМБчилар билан алоқани узмасликка тиришарди.


RÉPUBLIQUE FRANÇAISE

RAVITAILLEMENT GÉNÉRAL

MODE D'UTILISATION DE LA CARTE D'ALIMENTATION

La carte se compose d'une couverture et d'un encartage dit feuille de coupons, qui comporte pour chaque mois dix coupons numérotés de 1 à 10. Chacun de ces coupons correspond à une denrée déterminée pour la consommation de six mois à l'expiration desquels la feuille de coupons est remplacée par les soins des municipalités contre remise du COUPON D'ECHANGE, par une feuille valable pour les six mois suivants.

Le Gouvernement détermine les denrées contingentées et le coupon auquel elles correspondent.

Pour les denrées achetées au jour le jour, le consommateur échange, où et quand il lui est indiqué, le coupon contre des tickets de consommation dont le total correspond à la ration allouée, pour le mois, aux consommateurs des diverses catégories suivant le taux fixé pour chacune d'elles ; ils ne sont valables qu'à la date qu'ils portent. Pour les autres denrées, elles sont acquises contre remise directe du coupon au détaillant à qui incombe l'obligation de le détacher.

Les coupons correspondant à des denrées contingentées, détachés par le consommateur, sont sans valeur.

Imprimé à l'Imprimerie Nationale.

RÉPUBLIQUE FRANÇAISE

RAVITAILLEMENT GÉNÉRAL

CARTE INDIVIDUELLE D'ALIMENTATION

Département d SEINE

Commune d NOGENT-SUR-MARNE

Nom Tchokaïeff

Prénoms Mouniaffa

Profession Journaliste

Sexe M Age 50

Né le 25 Décembre 1890

à Kazilorda (Turkestan)

Adresse 7 Square la Fontaine

Délivrée le 26 MAI 1940

Signature Cachet de la Mairie :

MAIRIE DE NOGENT-S

N° 13939

Иккинчи жаҳон уруши бошланган даврда Чўқайўғли оиласига берилган озиқ-овқат таъмини ҳужжати, 31 март 1941 (Аҳат Андижон архиви)

1941 йил апрел ойида профессор фон Менденинг даъватига кўра Чўқай Олмонияга жўнади. Менде ва АПАдаги баъзи расмий кишилар билан кўришди. Олмония зиёратидан кейин хотинига айтган гапларига қараганда, немислар ундан советларга оид маълумот истаган, икки давлат ўртасида уруш чиқса, қизил қўшин ичидаги туркистонлик аскарлар қандай ҳаракат қилиши хусусида унинг фикрини сўрашган. У сўнгра Парижга қайтган. Аммо сал кейинроқ, асло қайтмайдиган тарзда мажбуран яна Олмонияга жўнайди. Уни хас каби учирган уруш шамоллари фашистларнинг ҳарбий асирлар лагерларига, жондан ортиқ суйган ватани Туркистондан келган юртдошлари қамалиб ётган зиндонлар муҳитига олиб бориб ташлайди.

АҲАТ АНДИЖОН

ТУРКИСТОН УЧУН КУРАШ



2

Аҳат АНДИЖОН

ТУРКИСТОН УЧУН КУРАШ

Иккинчи жилд

Туркчадан **Тоҳир ҚАҲҲОР** таржимаси
Тақризчи: Сирожиддин **АҲМАД**

Тошкент 2019

Ўтган асрда турли сабаблар билан хорижга чиқиб кетган юртдошларимиз, дунёнинг қайси ўлкасида яшамасин, ватанни унутмаган. Профессор Аҳат Андижоннинг туркчада ‘‘Cedidizm`den Bağımsızlığa Hariçte Türkistan Mücadelesi’’ (Истанбул, 2003, 2008) номли Туркияда ва инглизчада Оврупода босилган “Turkestan Struggle Abroad From jadidism to Independence” (2007, Haarlem) китобининг 1-жилдини ўқидингиз, унда 1910-1940 йиллардаги миллий ҳаракатлар ҳикоя қилинганди.

Асарнинг қўлингиздаги 2-жилдида ҳам хориждаги юртдошларимизнинг 1940-1990 йиллар, яъни мустақилликкача бўлган даврдаги ватанпарварлик ҳаракатлари акс этган. Китобда ўзбек, рус, турк, инглиз, олмон, поляк, озарбайжон, гуржи, украин ва бошқа тиллардаги манбалардан, айниқса, Мустафо Чўқай, Усмон Хўжа, Закий Валидий, шунингдек, Тоҳир Чиғатой, Боймирза Ҳайит, Вали Қаюмхон ва бошқа тарихий шахсларнинг чет элларда чиқарган китобларидан, журналларидан, уларнинг мактубларидан, Туркия архивларидан, Туркистон миллий бирлиги ва бошқа туркистонликлар жамиятларининг архивларидан муаллиф жуда унумли фойдаланган. Асар ўтмишдаги ижтимоий ҳаётимизни ўрганишда, ёшларнинг ватанпарвар ва миллатпарвар бўлиб етишувларида хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Бу асарни қисман ё тўла интернет саҳифаларига қўйиб фойдаланиш, асардаги архив ҳужжатлари, хатлар, расмлардан ёзма рухсатсиз кўчирма олиш муаллифлик қонунларига кўра маън этилади.

Учинчи бўлим

И К К И Н Ч И Ж А Ҳ О Н У Р У Ш И Й И Л Л А Р И

“Вазифалари икки мустамлакачи давлат ўртасидаги шатранж тахтасида пиёдаликдан иборат эди ва уларнинг фожеаси ана шунда эди.”

(Олаф Гароенинг “Совет империяси” китобидан)

Д Е В Л А Р Ж А Н Г И Д А Г И П И Ё Д А Л А Р

БАРБАРОССА ҲАРАКАТИНИНГ БОШЛАНИШИ

1941 йил 22 июнда, соат учдан ўн беш дақиқа ўтганида, Ҳитлернинг амрига кўра, Барбаросса ҳаракати, яъни тарихдаги энг катта ҳарбий босқинчилик юриши бошланди. Туна дарёсининг Қора денгизга қуйиладиган жойдан Болтиқ денгизига қадар узанган 1600 километрлик сарҳадлар бўйлаб 600. 000 моторли ҳарбий техникаси билан 3,2 милйўн аскардан, яъни 146 тумандан иборат немис қўшинлари советлар чегарасига бостириб кирди. Фелдмаршал Риттер фон Лееб қўмондонлигидаги шимолий қўшинларнинг мақсади Болтиқбўйидаги шўро аскарларини йўқ қилиш ва Ленинградни эгаллаш эди. Олмонларнинг 400 км масофа бўйлаб ҳаракатланаётган марказий қўшинларига фелдмаршал фон Бок қўмондонлик қилаётганди. Кессерлинг бошлиқ ҳаво кучлари ва Гудериан раҳбарлигидаги пиёда гуруҳлар ҳам кўмаклашаётган марказ қўшинлари Брест-Вилнюс-Смоленск йўналишидаги совет аскарларини тор-мор этиб, у маконни олиши керак эди. Фелдмаршал фон Рундштедт тарафидан бошқарилаётган жанубий қўшинлар эса, Днепр дарёсини кечиб ўтиб, Киевни эгаллаши лозим эди. Режадаги бу ишлар амалга ошганидан кейин бу учала ўрду биргаликда ҳаракатга киришиб, ёй шаклида Москвага қараб бостириб бориб, советларнинг қалбини, бошкентини ишғол қилиши даркор эди. Барбаросса ҳаракатининг сўнгги мўлжали эса, Оқ денгиз қирғоқларидаги Архангелск шаҳридан Волга дарёсининг Хазар денгизига қуйилган маскандаги Астрахан шаҳригача чўзилган, яъни советлар ўлкасининг шимолидан жанубигача иккига бўлган йўналишни қўлга киритиш эди.[664]

Яшин тезлигида шўро тупроқларига бостириб кирган олмон қўшинлари зарбасига рус аскарлари қаршилик кўрсатолмади ва катта талофатга учради. Немислар август ва сентябр ойлари ичида режадаги барча шаҳарларни эгаллашди, аммо Ленинград ва Сталинградни истило эта олмадилар. Олмон қўшинлари режаларини бир оз ўзгартирган ҳолда Москвага ташланди ва шаҳарнинг ташқи маҳалларига қадар кириб борди. Фақат ноябр ойларидан эътиборан майдонда “маршал қиш” ва “генерал ботқоқ” пайдо бўлгач, немислар бошига бало ёғилди, улар шимолдаги Ленинград, ўртадаги Москва ва жанубдаги Сталинград орасида, улкан масофада қўл-оёғи боғлангандай ҳаракатсиз қолди. 1942 йил эса, немислар жабҳаси асосан Қафқаз томонларга қараб йўналди ва Гуржистоннинг шимол чегараларигача етиб борди.

[664] Кенгроқ маълумот учун қаранг: Paul Carrel, *Barbarossa Harekâtı*, Sinan yay. İstanbul 1973

ОЛМОНЛАРДАГИ ИРҚ ТУШУНЧАСИ ВА ШАРҚ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Барбаросса ҳаракати бошланишидан бир оз аввал, 17 июнда истило қилинадиган ўлкалардаги аҳолини бошқариш мақсадида шарқ вазирлиги[665] тузилиб, унга Алфред Розенберг вазир этиб тайинланганди. Вазирлик сиёсий, иқтисодий, бошқарув каби уч катта бўлимдан иборат эди. Сиёсий бўлим раҳбарлигига Розенбергнинг эски дўсти Лайббрандт қўйилганди ва у ҳам уч кичик бўлимдан таркиб топганди. Сиёсий бошқарувда Отто Бройтегам, Украина доирасида Вилҳелм Кинкелин, Қафқаз доирасида профессор фон Менде раҳбар эди. Туркий халқлар вакиллари учун энг муҳими ана шу Қафқаз бўлими ҳисобланарди. Табиийки, ҳарбий фаолиятлар Олмония Бош қўмондонлигига боғланганди. Ҳар ердаги қарши унсурларни битириш ва амният масалалари эса, Ҳиммлер бошқарувидаги муҳофаза ва жосуслик ташкилотларига, яъни, “SS” ва “SD’’ гуруҳларига топширилганди.

Олмонларнинг совет давлатидаги славян халқларига ва руслардан бошқа миллатларга муносабатини тўғри англаш учун, бизнингча, фашистларнинг ва олмон бошқарувининг миллатлар борасидаги мавфкуравий ёндошувлари ва тушунчаларини билиш зарур.

Фашистлар мафкурасига кўра, шарқ масаласи икки тамал нуқтага суянади. Биринчи ва бош тамал Ҳитлернинг машҳур “яшаш майдони”, яъни ‘‘Lebensraum’’ тушунчасидир. Аввало руслар доҳил ўлароқ, Олмониядан шарқда яшайдиган барча халқларнинг “олий” (!) олмон миллатига нисбатан вазияти ва ҳолати эса бу тушунча таянадиган иккинчи асосдир.

Адолф Ҳитлер “Менинг курашим” деган китобида Олмониянинг нуфусига мутаносиб бўлмаган тупроқлари хусусида фикр юритаркан, бир миллатнинг мустақил ҳаётини давом эттира олиши унинг етарли даражадаги яшаш ерларига эга бўлишига боғлиқлигини таъкидлаган. Бу “яшаш майдони” эса, фақат советлар давлатининг парчаланиши ва унга тобе ўлкаларнинг катта бир қисмини олмонлар қўлига ўтиши билангина ҳоси бўларди.

Фашистлардаги ирқ назариясига кўра, Болтиқбўйи миллатлари – эстонияликлар, латвияликлар ва литваликлар “устун” олмон ирқига тенг бўлмагани ҳолда, олмонлаштирилиши керак,[666] деган тарзда эди. Украина, Белорусия ва русияда яшаган славянлар эса тубан ирқ[667] ҳисобланарди. Фашистларнинг Қафқаз халқларига нисбатан қарашларида

[665] Ostministerium
[666] Eindeutschungsfahig
[667] Untermensch

баъзи фарқлар кўзга ташланмоқда. Масалан, арманилар яҳудийларга яқин халқ деб қаралмоқда. Шу билан бирга, гуржиларнинг "олий" ирқлиги қабул қилинмоқда ва келажакда олмонлар бошқарувига кирадиган Қафқаз ўлкаларида гуржиларнинг алоҳида мавқе қозониши билдирилмоқда.

Фашистларнинг ирқ тушунчасида осиёликлар ва жумладан турклар ҳам тубан ирқ, яъни "untermensch" дея талқин этилмоқда. Фашист мафкурачилари советлар мамлакати ичидаги яшайдиган славянлардан бошқа миллатлар ва улар орасидаги фарқларга эътибор бермасдан, барчасини "мўғул" деб қўя қолган. Олмонларнинг аввало турк халқлари ва умуман совет тузуми доирасидаги осиёлик миллатларга бундайин муносабатининг шаклланишида, аслида, Ҳитлер қарашларидаги бўлшевизмнинг майдонга чиқиши ва советлар давлатининг тузилишига боғлиқ тушунчалар катта таъсир кўрсатган. Ҳитлернинг фикрича, советлар мамлакатининг вужуди слваянлар ва мўғуллардан, боши эса яҳудийлардан иборатдир.[668] Шунинг учун советлар мамлакатидаги енгилиши қасд қилинган асл душман руслар эмас, бўлшевизм тушунчасидир. Бўлшевизм эса, советлар мамлакатига руслар, яъни славянлар томонидан эмас, балки яҳудийлар кўмаги билан осиёликлар тарафидан келтирилгандир. Кейинчалик славянлар Осиёга тарқаларкан, тубан ирқ саналгувчи осиёликлар ҳам Оврупонинг шарқий маконларига келиб ўрнашганлар – Ҳитлернинг тушунчаси шундай эди.

Хуллас, Ҳитлер бўлшевизмни Осиё ирқлари яратган ва тарқатган бир бало деб тасаввур қиларди. 1941 йил декабр ойида райхстаг[669]да сўзлаган бир нутқида у "Бўлшевиклар урушда ғолиб чиқсалар, сулҳ шартлари мўғуллар ва татарлар томонидан қўйиладики, бу бутун Оврупо миллатлари учун катта фалокатдир" деган, бу эса унинг юқоридаги фикрга нақадар берилиб кетганини билдиради.[670] Ҳитлернинг қарашига кўра, славян халқлари алданганди: яъни, кўриниши олмонларга ўхшаш, ранги сарғиш, кўзлари кўк славян ирқи қорасочли ва қорамтир мўғул шайтонлари тарафидан алдатилган ва ирқ сифатида бузилишга юз тутганди.

Ҳитлер ана шундай йўлдан оздирувчи ирқий васвасаларга берилиб, бундайин қарашалари воситасида Троцкий, Каменев ва Зиновев каби асли яҳудий инқилоб йўлбошчиларини, ўша даврда коммунизм ғояси дарғаларидан бирига айланган, гуржилардан чиққан Сталинни, шунингдек, тарихда жуда улкан империялар қурган Атилла ва Чингизхон каби осиёлик улуғ хоқонларни ершга уришга интиларди. Ана шу сабабли, ўша уруш бошланган илк кунлардаёқ берилган яширин амрларга кўра,

---

[668] Кенгроқ маълумот учун қаранг: Adolf Hitler, *Kavgam*.
[669] Reichstag - олмон ҳукумати парламенти.
[670] Müstecip Ülküsal, *İkinci Dünya Savaşında 1941-1942 Berlin Hatıralarım*, Emel mecmuası, sayı 87, İstanbul 1975, s. 42

коммунист партияси комиссарларини, яҳудийларни ва осиёликларни қатл этишга киришилганди. Бу қирғин жараёнида юз мингларча татарлар, туркистонликлар осиёлик тамғаси босилиб, ўлдириб юборилганди. Яширин буйруқларнинг осиёликлрага оид бўлимлари жаҳон урушининг иккинчи йилидагина, 1942 йилнинг 12 сентябрида, анча қаршиликларга учраган ҳолда бекор қилингани манбаларда тасдиқланган.[671] 1942 йилда эсэсчиларнинг маориф доирасида нашр этилган "Der Untermensch" номли рисолада эса, Атилла ва Чингизхон каби хоқонлар салтанатини бошқарган тубан ирқларга мансуб халқларнинг Оврупо миллатларига қарши қилган ваҳшийликлари (!) ва олмон бошқарув тизимининг миллатлар борасидаги мақкуравий ёндошувлари тушунтирилган ва бу ирқларга оид қарашлар акс этган.[672] Урушнинг охирги йилларига қадар немис пропаганда тизими шоввозлари бўлшевизмнинг тамалини осиёликлар, яъни, мўғуллар яратган деган сафсатани илгари суришдан асло чекинмади. [673]

Фашист ҳукумати томонидан шарқ вазирлиги вазири этиб тайинланган Алфред Розенберг Эстонияда туғилган бир олмон эди. Ҳитлердан ва бошқа фашист раҳбарлардан фарқли ўлароқ, у Русияни Олмония учун энг катта душман деб биларди. Розенбергнинг қарашича, миллатлар уч тоифага бўлинарди. Биринчиси инсонларни идора қилиш ва янгиликларни яратиш қобилиятига эга миллатлар эди. Олмон ирқи уларнинг бошида келарди. Яратиш ва ижод қилиш истеъдодидан маҳрум, фақат мавжуд нарсаларни келажак авлодларга етказа оладиган миллатлар эса иккинчи гуруҳ ҳисобланарди, унга турклар ҳам доҳил эди. Бор нарсаларни фойдаланиб, ғорат этадиганлар учинчи тоифа саналарди. Бу доирага руслар, яҳудийлар, лўлилар ва бошқа миллатлар кирарди.[674]

Ана шулардан келиб чиққанда, бизнингча, Олмония советлар мамлакатидаги ғайрирус миллатларни бир тоифага тиқиб ташлаш ўрнига, улар ўртасидаги фарқларни англаши ва бу миллатларнинг миллий манфаатларини ҳисобга олиши лозим эди. Ана шунда Русия ва Олмония орасида бошқарув тизими Олмонияга тобе бўлган бир ишонарли муносабат йўналишини тиклаш мумкин эди. Тасодифни қарангки, иккинчи жаҳон уруши тугаганида, Розенбергнинг Олмония учун хаёлан қургани ўша ишонарли бошқарув йўналишини совет ҳукумати ташкил эта билди ва енгилган Германиянинг бир қисмини у тарзда идора қилди.

Ўша шарқ вазирлиги яратилган пайтлардаёқ келажакка оид режаларини тузишга улгурган Розенберг советлар мамлакатини қоғоз устида етти бўлакка ажратганди. Бу бўлгалар Украина, Белорусия,

---

[671] Mühlen, *Gamalı Haç ile Kızılyıldız Arasında*, s. 41; шунингдек, Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунлари Дюсселдорфда бўлиб ўтган суҳбат (Аҳат Андижон архиви)
[672] Юқоридаги манба, 41 б.
[673] Hayit, *Sovyetler Birliğindeki Türklüğün ve İslam`ın Bazı Meseleleri*. Türk Dünyası Araştırmaları Vakfı, İstanbul 1987, s. 202
[674] Ülküsal. *İkinci Dünya Savaşında 1941/42 Berlin Hatıralarım*, s. 47

Болтиқбўйи, Қирим, Қафқаз, Дон ҳавзаси ва Туркистондан иборат эди. Бундан бошқа бўлгалар эса катта бир Русияни ташкил этиши лозим эди.[675] Шубҳасиз, олмон режаларига кўра, бу минтақанинг барчаси босиб олиниши керак эди. Олмониянинг ишғол режасини тўғридан-тўғри амалга ошириш учун Розенберг Райх комиссарлиги номи остида тўрт бошқарув тизимини ташкил этганди. Булар Болтиқбўйи ва Белорусияни қамраган Ўстланд (Ostland) бўлгаси, Украина, Москва ва Қафқаз бўлгаларидан иборат эди.[676] Аммо фашистлар партияси наздида жиддий мақом қозонолмаган Розенбергнинг ғайрирус миллатларга бошқача ёндошуви ва тушунчалари амалда унчалиқ қимматга эга эмасди. Шу боис 1941 йилда босиб олинган ўлкалар Ҳитлернинг қарашларига биноан бошқарилди.

Ҳокимиятдаги фашист бошқараувчилардан бошқа мансабдорлар, хусусан фашист бўлмаган тоифалар масалага ўзгача қарарди. Шарқ вазирлиги ходимларидан, Ташқи ишлар вазирлигидаги дипломатлардан, илм аҳлидан ва баъзи ҳарбийлардан иборат бундай тоифалар фикрича, юритилаётган мафкурадаги олий ирқ сафсаталаридан узоқ турган ҳолда, ҳақиқатга суянган тарзда масалага ёндошиш фойдали эди. Буларнинг баъзи қарашларига кўра, бўлшевизм йиқилиши, ўрнига демократик Русия қурилиши ва Олмония ўша халқпарвар Русия билан қўшничиликни ривожлантириши керак эди. Яна бир қисм гуруҳлар Олмониянинг ғайрирус миллатларни қўллаши ва улар билан алоқани мустаҳкаамлаши тарафдори эдилар. Ана шу шаклда майдонга чиққан давлатлар ўзаро ишончли муносабатлар ўрнатиб, Русия империясининг кенгайишига, Олмониягача келиб, таҳдид солишига қаршилик кўрсатиши лозим эди.

Бироқ, Олмония қўшинларининг яшин тезлигида бостириб бораётган ва кетма-кет зафарларга эришаётган бир даврда бундайин қарашларни очиқ айтиб бўлмасди. Фақат немислар ҳаракати турғунликка учраб, ҳарбий қудратига соя тушган пайтлардагина бундай қарашлар ифода этилди ва амалга ошира бошланди. Урушда орқага кетиш ортган сайин ғайрирус миллатларни қувватлаш борасидаги фикрларга ва бундай тушунча соҳибларига эътибор кучайган. Профессорлардан Герҳард фон Менде, Ҳанс Кох, Теодор Оберлендер, дипломат Отто Бройтигам ва генерал Оскар фон Бройтигамбундай тоифаларнинг илғор вакиллари ҳисобланарди.

[675] Alexander Dallin, *La Russie sous la botte nazie*. Librairie Artheme Fayard, Paris 1970, s.33
[676] Jurgen Thorwald. *Die İllusion: Rotarmisten in Hitlers Heeren*, Drömer Knauer Verlag. Zurich 1974, s. 29

РУС ЖАНГОҲЛАРИДАН НЕМИС ҚАМОҚЛАРИГА ТУТАШГАН ЙЎЛ

Советлар мамлакати кутилмаганда ҳужумга учрагач, уруш жабҳаларига милйўнларча аскарни тўплади. Уларнинг кўпчилик қисми керакли ҳарбий тайёргарликдан ўтмаган, жанговарликдан йироқ ҳисобланарди. Бунақа тартибсиз ва жангга яроқсиз оломондан жанговарлиги юксак немис қўшинларига қарши туриш тугул, ҳужум тезлигини камайтиришни ҳам кутиб бўлмасди. Шунинг учун урушнинг илк ойларидаёқ рус жабҳалари кутилмаган тарзда тор-мор этилди ва Олмония қўшинлари Бош қароргоҳи ҳам ҳадди-ҳисобига етолмаган ҳарбий асирлар қўлга олинди. Биргина Киев йўналишидаги жабҳада беш совет қўшини йўқ қилинган ва 665 минг асир қўлга тушган. Шунга ўхшаш Вязма-Брянск йўналишидаги жангларда тўққиз шўро ўрдуси енгилиб-қирилиб, қолган 663 минги тутқун этилган.[677] Хуллас, немислар ҳужумининг жуда тез кечган илк тўрт-беш ой мобайнида қўлга тушган ҳарбий асирлар сони 3 милйўндан ошарди ва бу шарқий жабҳаларда курашаётган олмон аскари сонига тенг эди.

Ҳарбий асирларнинг асосий қисми ғайрирус миллатларга оид совет аскарлари эди. Тутқунлар Лахистон ва Олмониядаги асирлар қамоғига олиб борилди. Улардан юз мингларчаси йўлларда ўлди. Қамоқа етиб борганлар ҳам жуда оғир шароитга деч келди. Олий ирқ(!) вакиллари уруш бошланишидаги зафарлардан боши айланиб, тубан ирқ дея тамғалаганлари миллатларга мансуб асирларга ғайриинсоний муносабат кўрсатдилар. Қисқа муддатда бунчалар кўп сонли асир тушгани ва булар учун етарли тайёргарлик кўрилмагани боис аҳвол бадтар ёмонлашиб борарди. Натижада уруш асирларига оид халқаро Женева битимининг бузилаётгани аён бўлди. Бошқача қилиб айтганда, тутқунлар очлик ва қаровсизлик боис ўлимга маҳкум этилганди.

Олмонларнинг расмий манбаларига қараганда, шарқ жабҳасида уруш бўйича олинган асирлар сони 5 милйўн 162 мингдир. Улардан 1 милйўн 981 минги асир қамоқларида ўлган. Кўчириш пайтида ўлганлар ва йўқолганларни қўшганда бу рақам 3 милйўндан ошмоқда. Соғ-омон қолган тутқунлардан 818 мингтаси турли легионлар сафида жангоҳларда ёки жабҳаортида советларга қарши курашда қатнашганлар. Бошқалари эса, шарқлик ишчи сифатида турли хизматларга жалб қилинган.[678]

> “1941 йил 9 августда асирга тушдим... Икки кун ўтиб, икки юзга яқин тутқунлар билан биргаликда Кировограддаги асирлар қамоғига тиқилдик... Ноябр ойининг илк ҳафтасида мингларча асир Кировограддан Уман қамоғига кўчирилдик. Сонимиз аниқ қанчалигини билмайман, аммо мингларча эдик... Оч ва кўпчилигимиз ярим яланғоч,

[677] Paul Carrel, *Barbarossa Harekâtı*, s. 153, 175
[678] Alexander Dallin. *La Russie sous la botte nazie*. s. 311

олдимизу орқамизда, ўнгу сўлимизда қуролли немис аскарлари, қор ва қор аралаш ёмғир ёғиб турганда, қамоқдан қамоққа ўла-ўла судралиб бордик... Тахминимча, ўн минг тутқуннинг атиги уч минги аранг-аранг Уманга етиб олди холос. Тоқату кучи битиб, чўккалаб, юролмай йиқилганлар орқасидан ўқ еди, ўлдирилди. Жасадлари унда-бунда йўл четида, баъзилари биз тиззагача кечиб ўтган балчиқлар орасида хор бўлганча қолиб кетди...

Ноябр ойининг охиригача тинимсиз ёққан қор баракаларни кўмиб юборди, қор ва тиканли симлар кўринади холос, телик-тешик томлардан сув сизади... юришга ҳоли келганлар ўлганларни баракдан ташқари чиқариб, йўлак четига, нарироқдаги чуқурларга ташлаб қайтишади. Ўлганлар сони кундан-кунга кўпайиб борарди. Кечаси ёнимда ётган асир тирикми-ўликми эканлигини ҳам билмайман. Ҳар кун эрталаб ташқаридаги жасадлар деворига яна жасадлар қўшилади...

Жуда озиб кетганман, бир ёнда очлик ваҳимаси, бир ёнда ўлим қўрқувси. Қамоқдаги асирлар орасида яҳудийлар ҳам бор, немис аскарлари қуролларини ўқталиб, уларни бараклардан олиб чиқиб кетишади-да, нарироқдаги тепалар тагига элтиб, отиб ташлаганини эшитиб тураман. Милтиқли немисни кўраркан, кўз ўнгим қоронғилашади... ва ичимда бир ҳайқириқ туради, “Мен жуҳуд эмасман!” деб бақиргим келади. Аммо товушим чиқмайди, дудоқларим орасида қисилиб, ичимга тушиб кетади...”[679]

Юқоридаги парчалар асирлар қамоғи азобини ўз бошидан ўтказган ёзувчи Чингиз Тоғчи хотираларидан олинди. Қуйидаги парчалар эса, ўша йилларда асир қамоқларини расман бир-бир кўриб чиққан, туркистонлик тутқунлар билан суҳбатлашган Мустафо Чўқайнинг Париждаги хотинига ёзган, яширинча жўнатилган хатидан олинган:

“Мендан ёрдам беришимни сўраб ёлворган ва менга умид кўзларини тиккан толесиз заволлиларга ҳечам кўмак беролмаганимдан изтироб чекяпман. Мен уларга ёрдам хусусида ваъдалар бердим... Аммо тасалли маъносида ёлғон гапирдим. Ортиқ чидай олмасман. Кеча ўттиз беш кишини отилишдан қутқардим. Барибир уларни битта чуқурга тиқиб қўйдилар. Ҳозир октябр ойи. Улар ёзлик кийимларда, ярим яланғоч ҳолда. Ёғиндан ва совуқдан сақланишга ертўла ясаш учун яланг қўллари билан ерни тирмалаб, кавлаш билан банд. Асирларга итга отгандай нон ташлаб туришади. Сув йўқ... Бу одамлар* ҳайвонлардан ҳам бадтар ёмон... Қуруқ сўздагина маданий миллат... Маънан нақадар чарчаганимни тахмин қилаётган бўлсанг керак... Шуларни кўргандан ўлганим яхшийди.”[680]

Асир қамоқларидаги туркистонлик тутқунлар аҳволини ўрганишга чақирилган Мустафо Чўқай расман юборилган мактубларида ҳам, гарчи

[679] Dağcı, *Hatıralarda Cengiz Dağcı*. Ötüken Yayınları, İstanbul, 1968, s. 107-114

* Немислар

[680] Çokayoğlu Maria. *Eşinin Ağzından Mustafa Çokayoğlu*. Yaş Türkistan yay. İstanbul 1972, s. 165

немисларнинг тутуми ҳақида индамаса-да, ватандошларининг оғир ҳолатини очиқ ифодалаган. Қуйидаги парчалардан буни билиб олиш мумкин:

> “Август ойи охиридан эътиборан асир қамоқларини кўра бошладик. Ноябргача ўтган вақт ичида кўпгина қамоқлардаги аҳвол билан танишдик. Ўн мингларча юртдошлар билан гаплашиш имконига эга бўлдик.
>
> Туркистонлик асирлар икки тоифага бўлинади. Биринчиси тутқун қизил аскарлар, том маъноси билан ҳарбий асирлар Иккинчиси эса, шўро ҳукуматига қарши фаолиятлари ёки умуман жиноятлари учун маълум муддатга жазога маҳкум этилган ва жабҳаорти ишларига мажбуран юборилган туркистонликлар...
>
> Барча қамоқлардаги асирлар, хусусан, Просткен, Сувалка, Деба, Дебика, Попеген турмаларидига туркистонлик ҳарбий асирлар мени дарҳол танишди... Улар менинг шахсимга боғлиқ воқеаларни, вакили бўлганим ва раҳбарлик қилганим миллий ҳаракат – Туркистон миллий бирлиги ва бошқа ташкилотларимизга қарши советлар юритган шиддатли кураш компанияларини эслашди...
>
> Туркистонлик ҳарбий асирлар уруш бошланишидан бир оз аввал қизил қўшин сафига олингандилар. Улар орасида бир неча ҳафта олдин аскар бўлганлар билан бирга икки йилдан бери хизмат қилаётганлар ҳам бор. Кўпчилиги умумий сафарбарлик пайтида урушга жалб этилганлардир... Булардан ўндан тўққизи ҳатто қурол ушлашни ҳам билмайдиган тайёргарликсиз ёшлар. Туркистонлик қизил аскарларнинг аксарияти ҳарбий хизматни аравачилик, отбоқарлик, омборчилик, ошпазлик каби ишларни бажариш билан ўтказгандилар. Уларнинг бир нечаси менга: “Бир ярим йиллик вақт мобайнида бирор марта бўлсин қўлига қурол ушламаган биздайлар қанақасига аскар ҳисобланади?” дедилар... Уруш бошланиши биланоқ умумий сафарбарлик чоғида чақирилганларнинг кўпи ўрта ва олий ўқув юртларининг талабалари ёки бошланғич ва ўрта мактаб ўқитувчилари эди...
>
> Бир гуруҳ туркистонлик асирлар менга бошларидан ўтган воқеани шундай ҳикоя қилдилар: “Педогогика институтида бир курсда ўн беш тенгдош бирга ўқирдик. 26 июнда, яъни уруш бошланганидан тўрт кун кейин мудиримиз синфга кириб, барчамизнинг урушга отланишимиз ва ҳарбий идоранинг буйруғини кутиб туришимиз кераклигини айтди. Бир соатдан сўнгра бизни тўппа-тўғри станцияга элтишди, вагонларга чиқариб, ҳарбий машқлар ўтказиш учун билинмаган бир ерга жўнатишди. Қаёққа бораётганимизни билмаймиз. Самара шаҳрида вагонлардан тушириб, бизга ҳарбий кийим ва қурол тарқатишди. Харковга борганимизда эса, қўлимиздаги қуролларни олиб қўйишди... Бир неча кундан кейин бизни яна поездга чиқариб, ўрмонлик ерга элтишди. Бу ерда уч кун машқ қилдик. Тўртинчи куни қўмондонимиз қочиб кетганини, бизни немислар ўраб олганини эшитдик. Шунда йўлда қўшилганлар билан бирга бир неча юз туркистонлик тўпланишиб, ўзимизча кенгашиб, асир тушишга қарор бердик... Балки

олмон ҳарбий учоқларидан жанг майдонларига отилган варақалар туркистонлик аскарларнинг таслим бўлишида катта таъсир кўрсатгандир."[681]

Осиёлик ҳарбий асирларнинг аҳволи ҳақиқатан ҳам жуда ёмон эди. Ирқан қараганда славянлардан ҳам паст ҳисобланганлари ва фашистларнинг "бўлшевизм балосини осиёликлар чиқарган" деган ташвиқоти сабабли мусулмон-туркий асирлар тўп-тўп ўлдирила бошланганди. Бундан ташқари, суннат қилинганлик белгиси туфайли мусулмон тутқунларни ҳам яҳудий деб ўйлаган фашистлар, хусусан урушнинг илк ойлариданоқ, ҳеч суриштириб ўтирмай, тутилган ерида шартта-шартта отиб юбораверган. Иккинчи жаҳон уруши тугагунгача Туркисттон миллий бирлик комитетининг фаол аъзоси бўлган Боймирза Ҳайит асирга олинганидан сўнгра бошига тушган воқелар, жумладан айни юқоридаги ҳодисага боғлиқ ҳолатлар тўғрисида шундай дейди:

"Уруш бошланганидан ўн кун кейин Белорусияда яраландим ва асир тушдим. Бизни катта қамоққа келтиришди. Бир неча кун ўтгач, кейинчалик эсэсчи бўлганини англаганим бир неча немис ҳарбийлари тутқунларни текшириб, ажрата бошлашди. Нимага бундай қилаётганларини тушунмадик. Биринчи куни аажратилган 150-160 чоғли тутқуннинг деярли кўпчилиги, барчаси турк қавмларидан ва мусулмонлардан эди. Уларни қамоқдан ташқарига олиб боришди, ўзларига чуқур қаздириб, ўша ернинг ўзида отиб ўлдиришди. Эртасига навбат бизга келди. Мени ҳам тўпдан айиришганида, ўлдиришларини сездим. Русча биладиган таржимон воситасида фашист субайдан икки ракат намоз ўқиб олишга изн истадим. Олдинига нима деганимни тушунмади чоғи. Кейин диний ибодат қилишга рухсат сўраётганимни тушуниб, майли дейишди. Намоз ўқирканман, ҳайрон бўлиб қараб туришди. Намозни тугатганимда, ҳалиги субай қайси миллатдан эканимини сўради. Мусулмон туркман, дедим. "Яҳудий эмасмисан?" деб сўраганди, йўқ, дедим. Субай, яҳудий бўлмаганинг ҳолда нега суннат қилингансан, деб сўради. Мен унга суннат одатининг мусулмонликдаги тамал шартлардан бири эканини, шу боис, қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, барча муслимлар суннатли бўлишини тушунтирдим. Субай бир муддат ёнидаги немислар ва таржимон билан ўзаро гаплашганидан кейин, менга ҳеч нарса демасдан, елкамга бир қамчи урди-да, нарироқда турган асирлар ёнига боришга имо қилди. Шу воқедан кейин тутқунларни ажратишни тўхтатишди. Биз ҳам шу орада немислар яҳудийларни қирғин қилиш сиёсатини юритаётганини, жуҳудларни ажратаётганда эса, уларнинг суннат қилинганига суянаётганини билиб олдик. Бу ҳолатдан сал олдинроқ хабар топсайдик, аллақанча инсонлар ўлимдан қутулиб қолармиди. Орадан шунча йиллар ўтганига қарамасдан, ўша воқеани ҳар эслаганимда, ич-ичимдан қаттиқ эзиламан. Хуллас, қатлим олдидан

[681] Мустафо Чўқайнинг сўнгги мақолаларидан бири, "*Türkistan Kurtuluş Hareketi İle İlgili Olaylardan Sahneler*", s.23

икки ракат намоз ўқишни истаганим ўз ҳаётимни ва мендан кейин ўлдирилажак яна аллақанча инсон умрини қутқариб қолди."[682]

Барча жанг майдонларида такрорланган бундайин воқеалардан немисларнинг қўшин қўмондонлиги ҳам хабар топгач, Шарқ вазирлиги билан биргаликда бир йиғилиш ўтказиб, яҳудийлардан ташқари мусулмонларнинг ҳам суннатли экани ва бунга эътибор бериш кераклиги барча махсус хизматлар ва бўлимларига (SD ва SS) расман билдирилди. Афсуски, бундайин тадбирларга қарамасдан, асирларни тўп-тўп ўлдириш жабҳаларда давом этаверди. Барбаросса ҳаракатининг илк ойларида Лахистондаги Ченсторау қамоғига ташланган ва қиш ойларида у зиндонда тутилган 30 мингга яқин туркистонлик ҳарбий асирлардан фақат икки мингтасигина тирик қолгани бу вазиятнинг ваҳшониятини исботлайдиган далилдир.[683] Бу турмада асирларни ажратиш ишлари билан шуғулланган Вали Қаюмхон ва ўша пайтда бу ерда тутқун бўлган Боймирза Ҳайит ҳам бу рақамларнинг тўғрилигини тасдиқлашмоқда. Уларнинг айтишича:

"Биз келганимизда, бу қамоқда 32 минг юртдошимиз бор эди. Биз бажараётган асирларни ажратиш иши туганга қадар (декабргача) улардан ярмиси ўлиб кетганди. 1942 йил январида улардан фақат икки мингигина соғ қолганди холос."[684]

Зотан, Шарқ вазирлигининг вазири Розенберг бир нутқида баъзи қамоқларда тутилган ва туркистонлик эканлиги аниқланган юз минг атрофидаги асирдан фақат олти минг киши тирик чиққанини айтган.[685] Кўриниб турибдики, уруш пайтида асир бўлган ҳар юз туркистонликдан атиги бештасигина тирик қолган ва бу рақамлар туркистонликларга нисбатан қирғин сиёсати юритилганига далилдир. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, асирга тушган славянлар ва насроний қафқазликларнинг ярмиси асорат зиндонларидан тирик чиққан.

ҲАРБИЙ АСИРЛАР КОМИССИЯЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

1941 йил июл ойи ичида ҳарбий асирларга миллатига қараб муносабат қилиш хусусида бир қарорга келинганди. Бу ишларни юрита оладиган шахслар Шарқ вазирлиги томонидан аниқланиб, бу вазифани

---

[682] Доктор Боймирза Ҳайит билан шахсий суҳбатдан (Аҳат Андижон архиви).

[683] Thorwald, *Die İllusion*, s. 12

[684] Қаюмхон. "Мустафо Чўқай ўғлини эслаш". "Миллий Туркистон" мажмуаси, 1951 й. 70-71 сони, 22 б.

Доктор Боймирза Ҳайит 1941 йил охирларида Ченсторау турмасида 36 минг атрофида асир тўпланганини, улардан 33 мингини 1942 йил қиш бўйи очлик, касаллик ва совуқдан ўлганини айтади. Ҳаётда қолганлардан 265 таси Туркистон легионига танлаб олинган. Бошқалари эса, қаттиқ хасталиги ва ярадорлиги боис қамоқда қолаверган. Қаранг: *Dr. Baymırza Hayit Armağanı*, s.42

[685] Alexiev, *Soviet Nationalities in Wartime*, s. 31

бажариш учун вазирликка таклиф этила бошланди. Турли кишилардан иборат аралаш комиссия асир қамоқларини бир-бир кезиб, аҳволни ўрганиб, тутқунларни тоифаларга ажратиб, барчасини ўзига хос турмалар ва баракларга жойланишини таъминлаши режалаштирилганди. Туркий қавмларга мансуб тутқунларнинг кўпчилиги туркистонликлар эди. Туркистонлик асирларга оид ишларни бажариш учун Вали Қаюмхон чақирилганди. Айни кунларда шу масаладаги ишларга жалб этиш мўлжалланган Мустафо Чўқайни Париждан олиб келиш режаси ҳам тайёрланганди. Иккинчи навбатда кўпчиликни ташкил қилувчи Эдил-Ўрол турклари масаласи билан шуғулланишга Туркия жумҳуриятдан Олмонияга туркшунослик соҳасида ўқишга жўнатилган, фалсафадан таълим кўрган мутахассис Аҳмад Темир таклиф қилинганди. Аслида ўзи ҳам Эдил-Ўрол туркларидан бўлган Аҳмад Темир бу ишнинг юртдошлари билан муносабат ўрнатишга имкон яратишини кўзда тутиб, бу вазифани бажаришни дарҳол зиммасига олди.[686]

Озарбайжонлик ҳарбий асирлар иши учун Маҳмат Тўғай, арманилар учун ака-ука Харутинянлар, гуржилар учун Тўғонидзе, Шимолий Қафқаз тутқунлари масаласи учун эса Алихон Кантемир Шарқ вазирлигига даъват қилинди. Комиссия бошилиғи этиб NSDAP,[687] яъни олмон миллий социалист ишчи партиясидан Гейбел деган бир немис тайинланди.[688] Шу сабабли илк бор тузилган аралаш комиссия Шарқ вазирлигида Гейбел комиссияси дейилганди.

Комиссия аъзолари 1941 йил август ойидан асир қамоқларидаги вазиятни ўрганишга киришди, илк зиёратда, 27 ва 28 август кунларида Ханновер атрофидаги Берген-Белсен ва Оербка турмаларига боришди. Комиссия аъзоларининг ҳар бири ўз миллатига мансуб тутқунларни рўйхатга тиза бошлади. Мустафо Чўқай ўғли ва Вали Қаюмхон барча туркистонлик гуруҳларни (ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, уйғур ва қорақалпоқларни) ёзиб олишди. Эдил-Ўрол турклари соҳасига тайинланган Аҳмад Темир анчагина оз сонли ҳисобланган бошқирд, чуваш ва финлар рўйхатини туза бошлаганди. Комиссиянинг иккинчи зиёрати 6-25 сентябрга тўғри келди, бу вақт мобайнида Шарқий Прусияда жойлашган еттита қамоқдаги ҳолат ўрганилди.[689] Учинчи зиёрат эса 38 кун давом этди ва анчагина узоқларда, хусусан, Лахистон ва Украинадаги турмалардаги тутқунлар аҳволи билан танишилди.[690] Шундай қилиб, ноябр ойи охирига келганда жами 15 асирлар турмаси текшириб чиқилди.

---

[686] Ahmet Temir, *60 Yıl Almanya (1936-1996) Bir Yabancının Gözü ile Geziler-Araştırmalar-Hatıralar*. Türkiye Cumhuriyeti Kültür Bakanlığı yay. Ankara 1998, s. 219

[687] NSDAP: Nationalsozialistische Deutsche Arbeiterpartei, олмон миллий социалист ишчи партияси

[688] Kantemir, *Mustafa Çokayoğlu Hakkında Hatıratım*, Milli Türkistan, sayı 99

[689] Яъни, Тҳорн, Просткен, Сувалки, Ширвинд, Метзикен, Погеген, Эбенроде асир қамоқлари.

[690] Лемберг, Ярослав 1, Ярослав 2, Кочановка, Деба, Самоч қамоқлари кўзда тутилмоқда.

Туткунлар миллати, ёши, маълумоти, касби-кори ва мансабу мақомига кўра ажратилиши мумкин эди.[691]

Учинчи зиёрат асносида, Эдил-Ўрол ҳарбий асирларини ажратиш пайтида Аҳмад Темир ўрнига Абдураҳмон Шофий Олмос тайинланди. Темир ўз хотираларида бу ўзгариш сабабини Туркияда мажбурий ҳарбий хизматни ўташи, ватанга қайтиши кераклиги билан изоҳлайди. Аммо бу воқеадан кейин ҳам у узоқ муддат Олмонияда яшаб турган, бу эса у ишнинг сабаби бошқалигини билдиради.

Комиссия аъзоларининг келиб чиқиши текширилганида, Аҳмад Темирдан ташқари уларнинг барчаси советлар тарафидан келгани англашилмоқда. Темир, гарчанд аждодлари Эдил-Ўролдан бўлса ҳам, ўзи Туркияда туғилган ва бу жумҳурият фуқароси эди. Демак, бизнингча, ўша ўзгаришнинг боиси Шарқ вазирлигидаги бошқарувчилар наздида расман Туркия фуқароси ҳисобланган бир одамнинг бу ҳайъатда фаолият кўрсатиши мақбул топилмаган.

Комиссия аъзолари 1941 йил сентябрида ҳарбий асирлардан саноат корхоналарида ёки қишлоқ хўжалик ишларида фойдаланишни таклиф этишди. Бироқ олмон идорасидагилар бунақа соҳаларда туткунларни қўллаш ишлаб чиқариш ва назорат савиясини пасайтириб юборишини, уларга ишониб бўлмаслигини таъкидлаб, таклифни рад қилишди.[692] Аммо, бошқа тарафдан қараганда, комиссиянинг муваффақияти ва барча туткунларнинг, жумладан, туркистонлик асирларнинг тақдири ҳам, аслида, урушнинг кетишига боғлиқ эди. Зотан, бир оз муддат ўтгач, ҳарбий туткунларнинг фақат жабҳа ортида эмас, балки жанг майдонларида ҳам қатнашиши кераклиги тўғрисида қарор чиққан. Эндиликда асирларни тоифалаштириш ишини битта комиссияга бериб қўйиш тўғри эмасди. Шунинг учун, кўп ўтмасдан, бу иш билан шуғулланадиган комиссиялар сони ўттизга, ходимлар сони эса олти юзга етди.[693]

МУСТАФО ЧЎҚАЙНИНГ ВАФОТИ

Туркистон миллий бирлиги жамиятининг раиси Мустафо Чўқай Барбаросса ҳаракати бошланган кунда Францияда фашистлар томонидан қўлга олинди ва Париж яқинидаги Компиегне (Compiégne) деган қамоққа ташланди.[694] Турмада бир ҳафта ётган Мустафо Чўқай сал кейинроқ профессор фон Менденинг аралашганаи туфайли Берлинга олиб келинди ва ҳарбий асирлар масаласи билан шуғулланиши шарти билан қўйиб

[691] Рўйхатлар қандай тузилгани борасида кенгроқ маълумот учун қаранг: Ahmet Temir, *60 Yıl Almanya (1936-1996) Bir Yabancının Gözü İle Geziler-Araştırmalar-Hatıralar*

[692] Baymırza Hayit, *Sovyetler Birliğindeki Türklüğün ve İslam`ın Bazı Meseleleri*, s.174

[693] Mühlen, *Gamalıhaç ile Kızıl Yıldız Arasında*, s. 53

[694] Compiégne. Париж шимолида жойлашган бир макон. Бу ер аввалари касалхона сифатида фойдаланилган, немислар ишғолидан кейин атрофи симлар билан ўралиб, асирлар қамоғига айлантирилган.

юборилди. Чўқайнинг ўзи таъкидлаганидек, аввалига ундан радио орқали ҳарбий асирларга мурожаат этиши талаб қилинган. Бироқ у тутқунлар билан юзма-юз кўришмагунча, уларнинг аҳволидан шахсан хабардор бўлмагунча бунақа ташвиқотга аралашмасликни истамагани учун бу таклифга кўнмаган.[695] Кейинги воқеалар ҳақида у ўз ёзувларида шундай деган:

> “Мамлакатдаги ҳақиқий вазиятни ва халқнинг ҳолати руҳиясини биз фақат ҳарбий асирлар билан учрашиб, суҳбатлашгандан кейингина тушуниб етишимиз мумкин. Бизнинг кўнглимиздаги мақсадни, жабҳаларда сўйланган ҳаяжонли фикрларимизни ҳам буларга боғлиқ ҳолда мушоҳада этиш лозим. Хуллас, Париждан жўнаганимда, Олмония Бош қўмондонлигининг рухсати билан ҳарбий асоратдаги юртдошларимиз билан кўришиб, гаплашиш зарурати пайдо бўлганини айтишим керак. Бу хусусдаги тилагим назари эътиборга олингани туфайли олмонларга миннатдорлигимни билдирдим.”[696]

Мустафо Чўқай бу ишларнинг бир ойча давом этишини ўйлаб, Берлинга етиб келади. Август ойидан Вали Қаюмхон билан биргаликда асир қамоқларини кезиб, масалани ўргана бошлашади. Айни пайтда Вали Қаюмхон Мустафо Чўқайнинг ўринбосари ҳисобланган ва унга таржимонлик қилган.[697] Афсуски, қамоқлардаги ўта ёмон шароитда иш олиб борилиши Мустафо Чўқайнинг умрига ҳам зомин бўлди.

Турмаларни текшириш бошлангунга қадар Мустафо Чўқай ҳарбий асирларнинг қамоқдаги аҳволидан кўра ҳам шўро тузуми уларни миллий руҳдан қанчалар узоқлаштира олганига, хориждаги Туркистон учун олиб борилаётган миллий курашни билиб-билмаганига, билганида ҳам, ўзи қандай фикрда эканига қизиқди. Зотан у, ҳарбий асирларнинг шароити яхши, уларга тўғри муомала қилинади, деган хаёлда эди.[698] Аммо у дуч келган аҳвол даҳшатли ва ваҳшиёна эди. Асирлар ғайриинсоний шароитда сақланмоқда ва кўпчилиги совуқдан, очликдан, касалликдан ўлиб кетаётганди. Омон қолаётганлар ҳам арзимаган хатолари туфайли отиб ташланаётганди. Чўқай асир қамоқлари зиёратидан қайтганидан кейин фикрларини ахборот сифатида ёзиб, Вали Қаюмхон воситасида олмон мутасаддиларга етказди. Бу маълумот унинг ҳақиқий аҳволдан қанчалар қаттиқ таъсирланганини, куюб кетганини, ўта ғазабланганини ва тушунчасини қўрқувсиз айтганини билдирмоқда:

> “Сиз олмонлар ўзингизни Оврупонинг энг маданий ва ривожланган миллати деб ўйлайсизлар. Агар сизнинг маданийлигингиз менинг кўрганларим билан ифода қилинса, билиб қўйинг, фикрим шу: асирларни маҳкум этганингиз фалокат, маҳвият сизнинг ҳам

[695] Çokayoğlu Maria, *Eşinin Ağzından Mustafa Çokayoğlu*, s. 138
[696] Tahir Çağatay, *Türkistan Kurtuluş Hareketi İle İlgili Olaylardan Sahneler*. Yaş Türkistan yay. İstanbul 1952, s.22
[697] Çokayoğlu Maria. *Eşinin Ağzından Mustafa Çokayoğlu*, s. 165
[698] Tahir Çağatay, *Türkistan Kurtuluş Hareketi İle İlgili Olaylardan Sahneler*, s. 23-24

бошингизга тушсин. Сиз XX асрда XIII асрда Чингизхон қўл урган ваҳшийликдан ҳам бадтарини қиляпсиз-ку. Маданий миллат эканингизни иддао этишга сизларнинг ҳаққингиз йўқ!”[699]

Бу гапларини ўқиган эсэс субайи: “Ҳаддан ошиқ журъаткорлик эмасми бу”, дея писанда қилганида, Чўқай унга: “Истасангиз отинг, истасангиз осинг, мен тайёрман, чунки бунақа маданий (!) жамиятда яшагандан кўра ўлганим яхши” деган.

Мустафо Чўқай уч ой ичида ўн бешта асирлар қамоғи билан танишган ва ўн мингларча туркистонлик тутқунни рўйхатга олган. Турмаларда кўрган-кечирганлари унинг руҳий ҳолатига қатиқ таъсир қилган, жудаям ғазаблантиганди. У ниҳоятда чарчаганди, эзилганди. Бошқа тарафдан эса, Мустафо Чўқай қисматидаги сўнгги фожеаларга, ажал манзилига қараб бормоқда эди. Бу кунларда у билан бирга бўлган Алихон Кантемир шундай дейди:[700]

“1941 йил ноябр ойи охирида Мустафо бек билан Шарқ вазирлигига бордик. Ченстохау (Çenstohau) даги турмаларга кўп миқдорда туркистонлик, қафқазлик ва бошқа асирларнинг келтирилганини, шу боис комиссия аъзоларининг дарҳол ўша ерларга боришлари кераклигини бизга анчагина ёрдам кўрсатган фон Мендедан эшитдик. Шу заҳотиёқ мустафо бек менга қараб, кетдик, жуда қизиқяпман, шу турмаларни ҳам кўрайлик, кейин ишни тўхтатамиз, деди. Тағин, аслида-ку ўлгудек чарчаганмиз, аммо шуниям кўрайлик, дея мени ҳа қамоқни кўргани боришга мажбурлади. Эртаси куни поездда Ченстохауга қараб йўл олдик.”[701]

Бир кун ўтиб Ченстохауга турмасига етиб борган комиссия аъзоларини докторлар қаршилашди ва уларга шиша идишлардаги асирлардан териб олинган битларни кўрсатиб, тутқунлар орасида тиф ва дизентерия касалликлари тарқалганини, бу юқумли хасталиклардан кўплаб одамлар ўлганини айтишди. Эҳтиёт бўлинглар, дейишди. Комиссия аъзолари бир муддатдан сўнг ишга киришдилар. Энди яна Кантемирнинг хотираларига диққатни бурайлик:

“Мустафо бек Чўқайнинг иш столи менга яқинди, у ишга киришаркан, юзларча асирлар катта хонага кириб келишди. Мустафо бек хатардан огоҳлантирилганига, касалликнинг юқиш тахликасига қарамасдан, туркистонлик тутқун юртдошларини қабул қила бошлади. Бит босган асирлар қашинганларича ҳар томондан келишиб, ҳаяжонланиб, қўлларини силкитиб гапириб турган Мустафо бекни ўраб олишди. Мен

[699] Çokayoğlu Maria, *Eşinin Ağzından Mustafa Çokayoğlu*, s. 140

[700] Kantemir, *Mustafa Bey Çokay Hakkındaki Hatıratım*, Milli Türkistan Dergisi, no: 99.A, s. 23-24

[701] Комиссия шу аъзолардан тузилганди: раҳбарлар – Ҳ. Гейбел ва У. Зетйер, туркистонликлардан Мустафо Чўқай бек, Вали Қаюмхон, озарбайжонликлардан М. Тўғай, Талъат Алпамитий, арманилардан Харутунян, Эдил-Ўролдан Шофий Олмос, гуржистонликлардан Тўғонидзе, Шимолий қафқазликлардан Алихон Кантемир ва Ботирбек Ғозий.

ўрнимдан туриб, Мустафо бекни бир неча бор ўзини эҳтиёт қилишга чақирсам ҳам, у сўзларимга аҳамият бермади.

Ўша куни иш тугагач, комиссия аъзоларининг барчаси касаллик юққанмикан дея хавфсираниб, карантинли хонага жойлаштирилдилар ва у ерда ўн икки кун сақландилар. Дори-дармон беришди, текширишди ва барча аъзонинг соғлиги, хасталик белгиси кўринмагани аниқлангач, Берлинга қайтишларига изн берилди. Кантемир қайтишдаги воқеаларни шундай хотирлайди:

"Тўғрисини айтсам, икки кун аввал Мустафо бек боши оғриётганидан шикоят қилганди. Бу орада мен ҳам ўзимни ёмон ҳис эта бошлагандим. Шунга қарамай, изн олингач, оқшом поездга чиқдик, Берлинга қараб йўналдик. Вагонда Мустафо бек ўртада, мен ва Вали Қаюмхон икки ёнида ўтирардик. Поезд бир оз юрганидан сўнгра, Мустафобек бош оғриғи ва иситмасининг кучайганини айтиб, сув беришларини сўради... 22. 12. 1941 тонгида Берлиннинг Спандау бекатига етиб бордик. Мустафобекнинг иситмаси янада юксалиб, анча оғирлашганди. Вали Қаюмхон уни дарҳол касалхонага жойлаштирди. Мен ҳам уйга борибоқ ётиб қолдим. Ичбуруғ хасталигига йўлиққандим. Бу воқеа 1941 йил 27 декабрда юз берганди. Беш кун ўтиб, яъни 27. 12. 1941 да Мустафо бек вафот этди. Бу аччиқ хабарни менга Вали Қаюмхон хўнгир-хўнгир йиғлаганича телефонда билдирди."


Вали Қаюмхон Чўқайнинг ўлими ҳақидаги хабарни ТМБнинг бошқа аъзоларига юборган мактубида шундай ифодалайди:

"Мустафо бек 1941 йил 27 декабр куни соат 18.20 да вафот этди. Мустафо бекнинг кутилмагандаги ўлими мени ва бутун дўстларни улкан мотам қайғусига чўктирди. Шу пайтгача асосан қилиниши керак бўлган ишларни қўлдан келганича бажардик. Кеча-кундуз тиним билмасдан фаолият режаларимизни тайёрлагандик. Менинг аввалги мактубларимдан ҳам маълумингизким, қиладиган ишларимиз жуда кўп. Бошқа ишларни қўя турайлик; энг зарури туркистонлик ҳарбий асирларни зиёрат этиб, кимликларини аниқлаб, рўйхатга олиш ва улар учун мумкин саналган бирор енгилликни, кўмакни таъмин этмоқ катта заҳматки, бу хусусда бу ўринда сўзлаш уйғун эмас... Фақат бир ўзим 70 мингдан ортиқ туркистонлик ҳарбий асирлар билан учрашдим ва уларнинг рўйхатини туздим. Асирларнинг ярмидан кўпи ўқитувчи, инженер, доктор, олим каби зиёлилардан иборатдир. Мустафо бек шунчалар миллий шуурли ёшларга эга эканлигимизни кўриб, ниҳоятда севинганди...

27. 11. 1941 йилда Tschenstochau қамоғида бўлиб, у ердаги туркистонлик ҳарбий асирлар масаласи билан шуғулландик. Турмада тиф касаллиги тарқалган экан, хасталик юққан дея гумон қилиниб, биз ҳам ўн беш кун шифокорлар назоратида қолдик. 21. 12 да Берлинга қайтдик. Шунда Мустафо бекнинг иссиғи кўтарилиб кетди, мен дарҳол уни касалхонага олиб бордим. Қанча уринишмасин, иситимаси 40 даражадан тушмасди. Зарур ишлар кўплигига қарамасдан, ҳар куни

касалхонага борардим, у билан кўришардик. У менга бундай кейин Туркистон ишларини қандай юритиш кераклиги борасида оғзаки ва ёзма тарзда васиятларини билдирарди. 25.12 да яна унинг ёнига боргандим. Кўринишда ҳеч қанақа қўрқувли нарса йўқдай эди. 27-куни эрталаб ҳам туруми ўзгармаганди. Фақат истимаси кўтарилганди. Олмон дўстлар кўмагида хотинини Берлинга чақиртирдим. Тушдан кейин аҳволи оғирлашди ва соат 18.00 да, эс-ҳушини йўқотмасдан, абадий уйқуга толди...

Ҳа, бизнинг тақдиримиз аён, фақт қурбон беришдан иборат. Айни пайтда энг кучли одамимизни йўқотганимиз катта бир фожиадир... Керакли ишлар қилинганидан сўнгра 2.01. 1942 да Мустафо бек иззат-ҳурмат билан мангулик маконига қўйилди."[702]



Der Führer der „Turkestanischen Nationalen Einheit" und ehemalige Präsident der ersten Turkestanischen Nationalen Regierung

Mustafa Tschokai-Oghly

ist im Alter von 52 Jahren am 27. Dezember 1941 um 18 Uhr in aufopfernder Arbeit für seine Landsleute mitten aus seiner regen Tätigkeit unerwartet abberufen worden.

In unsagbarem Schmerz

Mariam Tschokai-Oghly
geb. Gorina

Weli Kajum-Chan
als sein Vertreter in Deutschland

Berlin-Friedenau
Kaiserallee 69

Die Beisetzung findet am Freitag, dem 2. Januar 1942, um 12 Uhr auf dem türkischen Friedhof in der Hasenheide, Berlin-Tempelhof (Flughafen), Colombiastraße, statt.

Мустафо Чўқай ўғлининг ўлими ҳақидаги эълон. Жаноза маросимининг 1942 йил 2 январда бўлиши билдирилган. (Аҳат Андижон архиви)

[702] Вали Қаюмхон томонидан 12. 01. 1942 йилда Абдулваҳоб Ўқтойга ёзилган мактуб (*Türkistan Kurtuluş Hareketi ile İlgili Olaylardan Sahneler*, s. 15)

Мустафо Чўқайнинг ўлими боис хориждаги Туркистон учун кураш жабҳаси энг муҳим раҳнамосидан айрилди. Шундай қилиб, урушнинг шарқий йўналиши ва асир тушган туркистонликлар билан боғлиқ барча фаолиятлар Вали Қаюмхон зиммасида, измида қолди.


Мустафо Чўқайнинг ўлими кейинги пайтларда, хусусан совет пропаганда механизми режасига мос тарзда алоҳида мавзуга айлантирилди, яъни, у касалликдан эмас, оғуланиб ўлдирилган, деган иддао шаклида талқин этилди. Ҳатто шўролар давлати тарқагандан кейин ҳам бу масала Туркистон жумҳуриятларидаги ва Туркиядаги айрим муаллифлар тарафидан яна қаламга олинди, тортишилди. Шунинг учун бу ҳодисага боғлиқ баъзи ҳақиқатларни ўртага қўйиш фойдалидир деб ўйлаймиз.

Аввало Мустафо Чўқайнинг қайси хасталикдан ўлганини аниқ билиш керак. Зеро, олмонча ва туркчада тифо (tifo) ва тифус (tifüs) касалликларининг номидан туғилган англашмаслик бор.[703] Туркияда тифо дейиладиган, сув ёки оғиздан ўтадиган кирли овқатлар боис юқадиган касалликка олмончада тифус (typhus) дейилади. Бунга қарама-қарши ўлароқ, битлар воситасида юққан ва туркчада тифус дейиладиган ичтерлама касаллигини ҳам олмонлар Flecktyphus ёки Fleckfieber деб атайдилар.[704] Берлиннинг Шёнеберг мавзесидаги Август Виктория шифохонасидан берилган маълумотга кўра, Мустафо Чўқай ўғли ўлимининг сабаби Fleckfieber, ичтерлама, яъни тифусдир. Зотан Мустафо Чўқайнинг хотинига юборган хатида ҳам, асирлар масаласи билан шуғулланган комиссия аъзоларидан Алихон Кантемирнинг юқорида

[703] Чўқайўғлининг ҳаёти ҳақидаги бир китобда унинг тифо хасталигидан ўлган дейилган қарашга муносабат билдириш жараёнида янглиш талқинлар қилинган. Чўқайўғлининг касаллик ҳолатида тифо билан боғлиқ хусусиятлар бўлмагани сабабли унинг бу хасталикдан ўлиши мумкинмаслиги иддао этилиб, айни вазиятда унинг заҳарлаб ўлдирилгани хусусида хулоса чиқарилган (Abdulvahap Kara. Türkistan Ateşi, s.278-279). Ҳолбуки, Мустафо Чўқай тифусдан ўлган. Бу икки касаллик клиник хусусиятларига кўра бир-биридан кескин фарқ қилади (кейинги изоҳга қаранг).

[704] Tifus ёки Lekeli Humma касаллигини инглизчада ҳам қўлланиладиган яна бир номи ‘‘Jail Fever’’, яъни турма иситмасидир. Бу хасталик қаттиқ бош оғриғи, юксак даражали иситма, озмоз қонаш билан ажралиб туради. Қасаллик қўзғатувчи вирусга ўхшаш, битлар воситасида юқадиган Ricketsia деган хасталикдир. Умуман 10-14 кунлик жараёнда пайдо бўлгани учун, касаллик бор дея тахмин қилинганида, бемор 15 кунлик карантинга олинади. Даволашнинг илк даврида хастага кўп миқдорда тетрациклин ва хлорамфеникол каби антибиотиклар берилади. Афсуски, тибда илк кашф этилган антибиотик саналгувчи пенсилин, анча аввал Флеминг томонидан тавсифланганига қармасдан, фақат 1941 йил охирларидан Е. Б. Чаин (Chain) касбдошлари тарафидан аниқланган ва 1944 йиллардан кейингина кенг миқёсда қўлланила бошланган. Мустафо Чўқай ўлган пайтда тибда ҳали антибиотиклардан фойдаланишга киришилмаганди. У чоғларда бошқа юқумли касалликларда бўлгани каби тифус хасталигида ҳам ўлим эҳтимоли юксак ҳисобланарди. Тибдаги катта ривожланишга қарамасдан, ҳатто 1977 йилларда ҳам бу касалликка йўлиққан 50 ёшдан юқоридаги беморларда ўлим ҳавфи юзда олтмиш фоиз эди. (Тифус касаллиги ҳақида кенгроқ маълумот учун қаранг: Ed: Robert Berkow), Merck and Co. Inc. U. S. A., 1977)

келтирилган хотирларида ҳам Ченстохау қамоғида тифус касаллигининг тарқагани очиқча баён этилган. Турмалардан қутулиб чиққан ҳарбий асирларнинг эсдаликларига кўз ташланганда ҳам турмаларда энг кўп тарқалган хасталик тифус эканлиги маълум бўлмоқда.[705]



Städtisches Auguste-Viktoria-Krankenhaus
Berlin-Schöneberg

I.Innere Abtlg.

Postanschrift des Absenders: Städtisches Auguste-Viktoria-Krankenhaus Berlin-Schöneberg (Post Friedenau), Canovastraße 9

Fernruf: 71 01 41

Herrn
Loewin B e y ,

Minden i.Westf.,
- - - - - - - - - -
Hauptpostlagernd.

Ihre Zeiche | Ihre Nachricht vom: | Unser Zeichen: | Tag: 2.3.50.

Betrifft: Mr. Mustafa-Bey Tschokaioglu.

Zwecks Vorlage bei einer deutschen Dienststelle wird bescheinigt, daß

Herr Mustafa-Bey Tschokaioglu

vom 22.12.41 bis zu seinem Tode am 27.12.41 im Auguste-Viktoria-Krankenhause,Berl.-Schöneberg, wegen Fleckfiebers in Behandlung war.

Der Tod erfolgte unter dem Bilde eines Kreislaufkollapses, der im Anschluß an eine innere Blutung eintrat.

(Dr. Missgeld),
Ärztlicher Direktor und
Chefarzt d,I.Inn.Abtlg.

Мустафо Чўқай ўғлининг ўлими ҳақида Берлин-Шўнебергдаги Виктория шифохонаси томонидан берилган маълумотда Чўқайўғлининг тифус сабабли 1941 йил 27 декабрда вафот этгани билдирилган.

[705] Мустафо Чўқай ўғли хотинига Ченстохаудан жўнатаган хатида ҳам турмада тифус хасталиги борлигини билдирган (Maria Çokayoğlu, *Eşinin Ağzından Mustafa Çokayoğlu*, s. 141) 1943 йил феврал ойида Ченстохау турмасига келтирилган Икромхон қамоққа жойлашганидаёқ карантинга олинганини,фақат 9 кун ўтиб ташқарига чиқарилганликларини айтаркан, яна шундай дейди: “Тўққиз кундан бери қоронғи, ҳавосиз катта хонада тиқилиб, ҳаракатсиз ётган асирлар ташқарига чиқаркан, баъзиларининг тоза ҳаводан боши айланиб, ерга қулай бошлади. Олмонлар ҳаяжонланиб, дарҳол лазаретдан доктор ва ҳамшираларни чақирдилар. “Бу турмада ҳам тифус борми?” деган хавотир туфайли ерга йиқилганларга тегинмадилар’’. (*Bir Türkistanlının İkinci Dünya Savaşı Hatıraları*, s. 109)

Ўша даврнинг шоҳиди ва Чўқайўғлининг ўлимига боғлиқ маълумотлар олиш имконига эга бўлган Алихон Кантемир, Абдураҳмон Шофий Олмос ва Муҳаммадамин Расулзодалар ҳам ўз хотирлари ҳамда мақолаларида Мустафо Чўқай ўғлининг тифус касаллигидан ўлганини таъкидлашган.[706] ТМБнинг сўнгги раиси Тоҳир Чиғатойнинг 1950 йилларда босилган асарларида ҳам Мустафо Чўқайнинг тифус хасталигидан ўлгани ифодаланган.[707] Худди шунингдек, Мустафо Чўқай ўғлининг хотини Мария Яковлевна Чўқайўғли тарафидан ёзилган илк хотира китобида ҳам Мустафо Чўқайнинг юқумли касаллик туфайли вафот этганини айтган.[708]

---

[706] Мустафо Чўқай ўғлининг ҳаёти ҳақида ёзилган "*Türkistan Ateşi*" номли китобда "Чўқайнинг атрофида бўлган одамлар унинг заҳарлаб ўлдирилгани хусусида ҳамфикр эканликларига қарамай, афсуски, ким томонидан ўлдирилгани борасида бир хил тушунчага эга эмаслар" тарзидаги кескин қараш мавжуд (28 б.). Бу фикрга асосий далил, гувоҳ сифатида ҳарбий асирлардан Ҳамза Абдулин ва Алихон Кантемир номлари зикр этилган (290 б.). Ҳолбуки, аввало Алихон Кантемир ва ўша даврнинг бошқа гувоҳлари ҳам Чўқайўғлининг тифус хасталигидан вафот қилганини таъкидлашган (қаранг: Alihan Kantemir, ''Milli Türkistan'', sayı 99 A, s. 25-26; Abdurrahman Şafi Almas, Ahmet Temir`den naklen, ''60 Yıl Almanya'', s. 160; Mehmet Emin Resulzade, ''*Çokayoğlu Merhum İçin*'', ''*Türkistan Milli Hareketi ve Mustafa Çokay*'', s.52). Ҳамза Абдуллинга ўхшаш шўро давлатига қайтган ҳарбий асирлар эса, ўша пайтда Чўқайнинг атрофида бўлмаганлари билан бир қаторда, совуқ уруш даврида ташқи дунёдаги Туркистон учун кураш ҳаракатига қарши пропаганда мақсадидаги сохта гапларни тарқатишга мажбур эдилар. Совет мамлакатида бу мавзуга оид чиқарилган барча асарларда, энг аввало шўро жосуси Маҳмуд Ойқорли ва бошқаларнинг ёзганларида КГБнинг уйдирмалари, ёлғон хужжатлар қўлланилганини унутмаслик керак.

[707] A. Oktay, *Türkistan Milli Hareketi ve Mustafa Çokay*, s. 40. ("Y.T." яъни "Ёш Туркистон" рамзий тахаллуси ҳам Тоҳир Чиғатой томонидан қўлланилган бир неча тахаллусдан биридир.) 1951-1953 йиллар орасида Вали Қаюмхон раҳбарлигидаги Миллий Туркистон Бирлик қўмитасига қарши фикрий кураш олиб борган Туркэли қўмитаси ўз нашри "Туркэли" журналида Чўқай ҳақида турли асарларни босган, ҳатто журналнинг бир сонини Чўқайга бағишлаган, аммо бирор ўринда, бирорта асарда унинг заҳарланиб ўлдирилгани борасида сўз йўқ.

[708] Maria Çokayoğlu, *Eşinin Ağzından Mustafa Çokayoğlu*, s. 115

Мария Чўқайнинг бошқа-бошқа йилларда битилган икки хотира китоби бор. Булардан биринчиси 1958 йилда, иккинчиси 1963 йилда ёзилган. Кейинроқ бу икки хотира бирлаштирилиб, 1970 йилда "*Eşinin Ağzından Mustafa Çokayoğlu*" номи билан нашр қилинган. Диққат билан ўқиган китобхон асарнинг 115-бетида "хотираларимнинг охирида..."деган жумладан то 120-бетга қадар урушдан кейинги йиллар ҳақида гап кетаётганини ва биринчи китоб тугаганини, аммо яна "1939 йилдаги уруш" сарлавҳаси билан тағин орқага қайтилганини илғаб олади. Зотан биринчи китоб "1939-1944 йиллар уруш давридаги Париж хотиралари" дейилган. Асар аввалида "Эрим Мустафо Чўқай ва унинг таржимаи ҳоли, сиёсий фаолияти" каби йўналишдаги бир бўлим бор. Эсдаликларнинг биринчи қисми ёзилгач, орадан беш йил ўтиб иккинчи қисми битилган ва иккаласи бирлаштирилиб, бир китоб қилинганида, юқоридаги бўлим олиб ташланган. 1939 йилдан кейинги воқеалар эса биринчи қисмга қўшилган. Хотираларнинг биринчи китобида эрининг тифус-терлама касаллигидан ўлганини (115 б.) таъкидлаган Мария Чўқай эсдаликларининг иккинчи китобида Мустафо Чўқай ўғлининг заҳарлаб ўлдирилгани иддаосини 1960 йилда, исмини эслай олмагани бир туркистонлик тарафидан унга ёзиб билдирилганини, зотан бу қараш Тоҳир Чиғатойнинг рисоласида ҳам мавжудлигини баён этган (163 б.). Бошқача қилиб айтилганида, Мария Чўқай 1958 йилда ёзган хотира китобида эрининг ўлими хусусидаги иддаони ҳам, Вали Қаюмхонга оид гапларни ҳам тилга олмаган. Аммо Ойқорли томонидан бошланган совет пропагандаси тарқалган пайтда, яъни 1963 йилда ёзган хотираларининг иккинчи китобида бу уйдирмага

1957 йилда совет пропаганда машинаси дунёга жар солиб, Мустафо Чўқайнинг заҳарлаб ўлдирилгани мавзусини кўтариб чиқди. Тақрибан йигирма икки йилча Эрон, Афғонистон ва Покистон каби ўлкалардаги туркистонликлар орасида шўро айғоқчиси сифатида иш олиб борган Маҳмуд Ойқорли 1954 йилда совет мамлакатига қайтаркан, орадан ўтган даврда "Мурожаат" (1957), "Хоинларнинг найранглари", "Происки предателей" (1960) номли китоблар ва бир неча мақолалар нашр эттирди. Ойқорли бу ёзувлари воситасида Мустафо Чўқайнинг Вали Қаюмхон талаби билан заҳарлаб ўлдирилгани хусусидаги уйдирмани тарқатди. У бу ёлғонни бошқа алдоқ билан мустаҳкамлаш мақсадида, хусусан, 1953 йилда Покистонга келган доктор Боймирза Ҳайит тилидан бу воқеани ўз қулоғи билан эшитганини иддао қилади.[709]

Афсуски, хориждаги Туркистон учун кураш жараёнини парчалашга чоғланган КГБнинг бу фаолияти муваффақият қозонди. Туркистон миллий бирлик қўмитасининг сўнгги раиси Тоҳир Чиғатой 1959 йилда ёзган "Туркистон озодлик ҳаракатига оид воқеалар" деган китобида Вали Қаюмхон гуруҳи фаолиятини танқид қилишга уриниб, Чўқайнинг ўлимига оид юқоридаги сохта иддаоларни, ўз шарҳини бермаган ҳолда, бир изоҳда келтириб ўтди. Шундан бир йил ўтиб, уруш пайтида Миллий Туркистон бирлик қўмитасида ишлаган ва кейин советларга қайтган Султон қори бу иддаолар акс этган, Москва радиосида берилган суҳбати матнини бир мактуб ҳолига келтириб, хориждаги туркистонликларга юборди. Айни иддаолар кейинчалик Мария Чўқайнинг 1963 йилда битган иккинчи хотира китобидан ҳам ўрин олди.[710] Шўро жосуси Маҳмуд Ойқорли томонидан бошланган КГБнинг ана шу уйдирма тарғиботи 1960 йиллар давомида, хусусан иккинчи жаҳон урушида асир тушиб, сўнгра советларга қайтган тутқунлар воситасида ҳам давом эттирилди.[711]

уйғун бир ҳаво яратган. Афсуски, Абдулваҳоб Ўқтой ва Тоҳир Чиғатой икки китобнинг бир китоб ҳолига келтириилган нусхасини Мария Чўқай вафотидан икки йил ўтгач, гўё битта хотира китоби бордай нашр этишган. Бизнингча, улар бу эсдаликлардан Вали Қаюмхон гуруҳи билан ўзаро курашларида қурол ўлароқ фойдаланишган. Қўлимизда иккала китобнинг Абдулваҳоб Ўқтой томонидан тайёрланган асл нусхалари бор. (А. Андижон архиви)

[709] Доктор Боймирза Ҳайит Ойқорлининг бу гаплари мутлақо ёлғонлигини, Мустафо Чўқайнинг тиф касаллигидан ўлганини, унинг ҳаралаб ўлдирилгани хусусидаги Ойқорли тарқатган иддаолар уйдирма эканлигини ва бу шахс билан айни мавзуда ҳеч қачон гаплашмаганини айтади (Б. Ҳайит билан шахсий суҳбатдан – А.Андижон архиви). Бундан ташқари, Ойқорлининг китобида Туркистон миллий бирлик қўмитаси Мустафо Чўқай ва Вали Қаюмхон томонидан биргаликда ташкил қилингани , Мустафо Чўқайнинг 1942 йилда ўлгани каби сохта маълумотлар ҳам учрайди (T. Çağatay, *Türkistan Kurtuluş Hareketi ile İlgili Olaylardan Sahneler*, s. 18)

[710] Муаллиф ўз хотираларида бу иддаоларни унга исмини унутгани бир туркистонликнинг ёзганини таъкидлаган (163 б.). Ўша исми унутилган шахс Султон қоридир.

[711] Бу мавзуда Зиё Саид "Тарих тилга кирди", Саид Каримов "Ўргимчак", Султон қори "Қадрли туркистонли биродарларимиз ва ёшларимиз", Жумабек Оқберганов "Хоинларга ишонмангиз", Ҳамза Абдулин "Мустафо билан Мағжан Турон элининг донолари", Серик Шақибоев "Буюк Туркистоннинг йиқилиши", Раҳим Эсонов "Буюк Турон" деган асарлар ёзишган. Мустафо Чўқай ўлган пайтида баъзилари ҳарбий асирлар қамоғида бўлган,

МИЛЛИЙ ЛЕГИОНЛАР

Ҳитлер иккинчи жаҳон урушининг жуда тез тугашини ўйлаганди. Шунинг учун у шўро мамлакатининг босиб олинган ўлкалари ва ҳарбий асирлар хусусида шундай буйруқ чиқарганди:

> “Ишғол этилган ерларда олмонлардан ташқари барча қуролсиз юриши керак. Бу жуда муҳимдир. У ердаги одамларни қуроллантириб, фойдаланиш мумкин, албатта. Аммо бир кун келиб улар қуролни бизга қарши қаратишлари аниқ. Шу боис фақат олмонларгагина қурол бериш лозим. Славянлар, чехлар, рус казаклари ёки украинларни асло қуроллантирмаслик даркор.”[712]

Шубҳасизки, бундай ёндошувнинг сабаби фақат олий ирқ мафкураси эмасди. Ишғол қилинажак ўлкаларнинг бир қисми келажакда бўшатилиши ва олмонларни у маконларга жойлашуви масали бор эди. Бундан ташқари, агарда бошқа халқлар қуроллантирилса, уруш тугаган пайтда олмонлар билан бирга урушда қатнашган ўша миллатлар умумий ғалабадан ўз улушларини талаб этишлари эҳтимоли ҳам мавжуд эди. Шунинг учун немис қўшинларининг қўмондонлари ҳарбий асирлардан жангларда фойдаланишга жиддий қаршилик кўрсатишаётганди.

1941 йил куз ойларидаёқ Русияга қарши урушнинг қисқа муддатда, умуман ҳали-вери битмаслиги ойдинлашиб қолганди. Олмонлар бошқа жабҳаларда ҳам жанг олиб бораркан, йўқотилган аскарлар ўрнини тўлдириш муаммоси туғилиб, одам заҳирасига эҳтиёжи кучайди. Бу орада Шарқ ишлари вазирлиги ичидаги баъзи мансабдорлар ва омма айғоқчилик ташкилоти (SD)[713] биргаликда ҳарбий асирлардан фойдаланиш кераклигини кўтариб чиқди. 1941 йил октябрида эса, генерал Кейтел қиш ойларида совет асирларини йўл қурилишида ишлатиш масаласида Гитлурга мурожаат этиб, уни кўндирди.

Аслида, биринчи жаҳон уруши пайтида шунақа иш тутилганди. Чор Русияси жабҳаларида асирга тушган мусулмон турклар Берлин яқинларидаги Вюнсдорф (Wünsdorf) турмасига жойлаштирилганди. Бир муддат ўтгач, бу асирлар Олмония билан айни сафда биринчи жаҳон

айримлари эса ҳатто Олмониядан узоқда улоқиб юрган бу инсонлар, афсуски, ўзларини худди Чўқайга оид ҳодисаларда қатнашгандек тутиб, воқеаларни ўз манфаатлари йўналишида баён этиб, хорижда олиб борилаётган Туркистон учун курашни парчалашга қаратилган шўро тарғиботини қўллаб-қувватлаган нарсаларни битганлар. Таассуфки, бундайин ташвиқий йўналишда қилинган ҳаракатлар, ёлғон-яшиқ ифодалар хориждаги туркистонлик гуруҳлар орасидаги ўзаро келишмовчиликларда восита сифатида қўлланилиб, катта зазара келдирди; ҳатто баъзи муаллифларнинг асарларида бу уйдирмалар ҳақиқат каби баён ва таҳлил қилинди.

[712] Alexeyev, *Soviet Nationalities in German Wartime* Strategy. Бўрманн баённомасидан, 26 б.

[713] SD – Sicherheitsdienst – хавфсизлик хизмати (проф. Хуррам Раҳимов изоҳи).

урушига кирган Туркия жабҳаларида урушмоқ истагини билдиришди. Бу фикрни Туркия расмийлари маъқуллагач, асли Русия ичидаги татарлардан бўлган қози Абдурашид Иброҳим Олмонияга жўнатилди. У Олмонияда "Ал-жиҳод" газетасини чиқариб, кўнгилли ҳарбий асирларни йиғиб, Осиё қўшинини тузди. Мингга яқин аскардан иборат бу қўшин 1916 йил майида Истанбулга жўнатилди. Кейинроқ Ироққа юборилган бу Осиё қўшини урушнинг охиригасча Усмонли салтанати ўрдусида ўз вазифасини бажарди.[714]

Осиё қўшини масаласидан хабардор бўлган фон Менде мусулмон турк дунёси ва совет давлати муносабатларини яхши биларди ва ҳарбий асирлардан тузиладиган қўшиннинг муваффақиятга эришишига ишонарди. Бошқа тарафдан эса, турк аслли асирлардан советларга қарши фойдаланиш фикрини турк расмийлари ҳам ўртага қўйишганди. Хусусан, янги ишга тайинланган элчи ўринбосари Камол Нажот бейни таништириш маросимида, яъни 1941 йил 20 август куни, Шарқий Прусиядаги Бош қароргоҳда Олмония ташқи ишлар вазири Риббентроп билан учрашган Туркия Буюк элчиси Хусрав Гарада бу борадаги фикрларини шундай ифодалаган:

> "Русиядаги иркдошларимизнинг шўро истибдодидан қутулишлари биз учун жуда катта маънавий севинч бўлишлигини билдираркан, олмон дўстларимиз киришган бу улуғ урушда уларга асир тушган тутқунларни руслардан айириб қарашларини алоҳида англатиб, бу иркдошларимиздан маҳфий ишларда, йўл кўрсатувчилик каби фаолиятларда истифода этишга диққатни жалб этиб, бир пайтлар Оврупога келиб қолган Русия туркларининг илғор сиёсатчиларини чақириб, ҳарбий асирлар билан муносабат ўрнатишларини тавсия қилган эдим."[715]

Эронда узоқ йиллар элчилик вазифасида ишлаган Гарада Қафқаз ва Ўрта Осиё туркларига алоқадор чуқур маълумотга эга эди ва баъзи муҳожир турк руҳбарларини яхши танирди. Хусрав Гарада ташқи ишлар вазири ўринбосари Уизаскер (Weizsäcker) билан учрашувда ҳам бу борадаги фикрларини унга очиқ баён қилган эди:

> "Мен бу иркдошларимизнинг ҳарбий асирлар турмасидан қутулиши, улардан фойдаланиш кераклиги борасида алоҳида ҳамда ғайрирасмий тарзда шуғулланиш лозимлигини миллий, виждоний бурч деб билардим... Сиёсий жиҳатдан муштарак душманимиз ҳисобланган руслар устидан қозонилган зафардан Туркиядаги инсонлар нақадар қувонганини расман баён этиб, харита устида туриб мусулмонлар масаласини шарҳлаган эдим... Айниқса, бу ҳарбий асирлардан фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлаб, тавсиялар бергандим. Америкаликлар чиқарган маҳфий маълумотлар китобида Бош котибнинг бу қарашимизни тўла-тўкис Риббентропга етказганини

[714] N. Devlet. *Çağdaş Türkler*, s.116
[715] H. Gerede, *Harp İçinde Almanya*, s. 250

ўқидим. Келажакдага ғалабалардан сўнгра Қафқаз халқларининг бир "томпон" давлат сифатида билаштирилиши, Хазар денгизи шарқида Туркистон ва Мўғул давлатлари қурилиши мумкинлиги хусусида айтган фикрларимни ҳам бу китобни ўқиркан, яна эсладим."[716]

Туркия Буюк элчиси Гараданинг шахсан ва ғайрирасмий тарзда билдиран бу фикрларига Олмония расмийлари жиддий эътибор берганлар ва эҳтимолки, Туркия ҳукуматининг туркий халқларга мансуб ҳарбий асирларга муносабат масаласидаги бундайин қайғуришларини тўғри илғашган. Гарада, айниқса, Олмония ташқи ишлар вазирлиги Бош котибига Оврупода муҳожир сифатида яшаётган туркистонлик Мустафо Чўқай ва гуржистонлик муҳожир Чанкели каби сиёсий йўлбошчиларга эътибор бериш ва улардан фойдаланиш кераклигини тавсия этгани жуда муҳимдир.[717]

Айни чоғда, яъни сентябр ойида Олмонияга келган Нурий Киллигил пошо ҳам Германия ташқи ишлар вазирлиги сиёсий доира бошлиғи Вёрман (Woerman) билан учрашган ва олмонларнинг турк ўлкалари ва турк ҳарбий асирларига алоқадор сиёсатига оид ўз фикрларини билдирган, маслаҳатлар берган. Вёрманнинг ташқи ишлар вазири ўринбосарига ёзган билдиргисида Киллигил пошонинг тилаклари ва тавсиялари шундай акс этган:

"Наслан турк бўлган иркдошлар ва умуман мусулмон ҳарбий асирлар бошқа тутқунлардан ажратилиши ва биринчи жаҳон уруши пайтида Юнсторф (Wünstorf) яқинида қурилган турмага ўхшаш алоҳида қамоққа жойлаштирилгани мақбулдир. Кейинроқ бу тутқунлардан пантуронччи ҳаракатни шакллантириш учун махсус жанговар бўлинмалар ва қўмондонлик ташкил қилиш ёки қилмаслик хусуси ўрганилиш керак.

OKW[718] ҳарбий асирлар доираси раҳбариятидан олинган маълумотга кўра, давлат вазири Розенберг шундай эҳтиёж борлигини зотан Қуролли кучлар Бошқўмондонлигига тақдим этган. Аммо Бошқўмондонлик айни пайтда бу фаолият билан шуғулланадиган вазиятда эмас. Шу билан бирга, фурсати келганида, рус-совет ҳарбий асирларини этник ва ирқий мансублигига кўра ажратиш нияти бор. Бошқўмондонлик ташқи ишлар вазирининг ана шу истагини ҳисобга олиб, имкон туғилганидаёқ турк ва мусулмон совет асирларини ажратишга бошлашини тахмин қилиш мумкин. Бу масалани Бошқўмондонлик билан ҳал этиш учун расмий қарор кутилмоқда. Шубҳасизки, бу муаммонинг ҳал бўлишини бир неча ой кутилади...

Зотан Нурий пошо пантуронччи ҳаракатда фаол қатнашишга чоғланган. Ўзи ҳам мусулмон турк иркдош ҳарбий асирлар учун алоҳида турмалар қурилганидан кейин, бундаги инсонларни танлаш, уларни

[716] Юқоридаги асар, 252 б.
[717] Аслида у пайтда Мустафо Чўқай Олмонияга олиб келинганди ва ҳарбий асирлар комиссиясида иш бошлаганди.
[718] Oberkommando der Wermacht – Олмония куролли кучлар Бошқўмондонлиги.

ташкиллантириш ишида қатнашишни ўйлаб турибди. Буни турк ҳукумати ҳам зимдан маъқуллашини билади. Бу хусусда аввало Бошқўмондонлик билан фикран келишиб олиш учун фурсат ва изн берилиши кутилмоқда... Шунингдек, Нурий пошонинг фикрича, олдинига Берлинда бир пантурончи жамият маркази қурилиши керак. У ва дўстлари бу марказда фаолият юритишлари мумкин. Бироқ бу масала ҳозирча орқага сурилиши лозим."[719]

Нурий пошо бундан ташқари Олмония ташқи ишлар вазири ўринбосари барон Эрнст Вайзаскер билан ҳам учрашган, Қафқаз масаласида уларга маслаҳатчи, ёрдамчи бўла олишини билдирган.

Айни шу пайтда Туркия давлати томонидан юборилган икки турк генерали, яъни, Туркия ҳарбий академиялари қўмондони генерал Али Фуод Эрден ва нафақадаги генерал Ҳусни Эркилет пошо шарқ жабҳасини кўриш мақсадида Олмонияга келишди.[720] Эркилет пошо "Жумҳурият" газетасида босилган урушнинг стратегик ва техник жиҳатлари ҳақидаги мақолалари билан олмонлар тарафдори сифатида танилган шахс эди. Бу икки генерал олмон мақомлари билан учрашувлари ва суҳбатларида асосан турк-мусулмон асирлардан ҳарбий бўлинмалар ташкил этиш, улардан совет давлатининг ишғол қилинган минтақаларида фойдаланиш борасидаги қарашларини билдиришди. Шарқ жабҳасини кўриб чиққач, Берлинда Ҳитлерни зиёрат этдилар. Вали Қаюмхоннинг айтишича, турк генералларининг фикру тавсиялари олмон раҳбарлар диққатини тотртган ва бу хусусда қарор бериш жараёнини тезлаштирган.[721]

Хуллас, айтиш мумкинки, 1941 йил октябр ойига бориб, қизил қўшиндан асир тушганларни жабҳада ва жабҳа ортидаги ишларда фойдаланиш масаласи кўндаланг қўйилганди. Бу фикрни амалда синаш учун илк одим отилди ва 1941 йил октябрида "Осиёликлар" номли туркистонликлардан иборат, 30-40 кишилик бир ҳарбий бўлинма ташкил қилинди. Гуруҳ синовдан муваффақиятли ўтди ва бу лойиҳа тарафдорларига ғайрат бахш этди.[722] Шарқ ишлари вазирлигидаги бир неча расмий кишилар, бошда фон Менде ўлароқ, тутқунлардан миллатига кўра турли легионлар тузишни, уларнинг немис қўшинлари билан бирга советларга қарши жанг қилиши кераклиги истагини билдиришди. Шундан кейин профессор фон Менденинг тинимсиз ҳаракатлари ўз

[719] *Documents on German Foreign* Policy, 1918-1945, Series D, v 13, *The War years* (Washington: U. S. Government Printing Office, 1964) s.571-575. (Özdoğan. *Turan`dan Bozkurt`a*, s. 317)

[720] Вали Қаюмхон бу икки генералнинг олмонлар тарафидан даъқат этилишида Нурий Киллигил пошонинг воситачилик қилганини таъкидламоқда. Аммо фон Папеннинг мактубларидан бу зиёрат таклифи Туркия томонидан илгари сурилгани, жўнатилган кишилар ҳам турк ҳукумати томонидан йўналтирилгани оппа-очиқ кўриниб турибди.

[721] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунлари Дюсселдорфда қилинган суҳбатдан (А. Андижон архиви).

[722] "Туркистон легионининг икки ёшга кириши", "Миллий Туркистон" журнали, №30.

мевасини берди, бу истакни Шарқ ишлари вазири Розенберг ҳам қўллаб-қувватлади.

Ҳарбий асирлардан қўшинда хизмат қиладиган алоҳида бирликлар ташкил этиш режаси 1941 йил 22 декабрда Розенберг тарафидан Ҳитлерга етказилди. Ҳеч кутилмаган бир тарзда, таклиф ва режа ўша куниёқ Ҳитлер томонидан маъқулланди, қарор имзоланди ва кучга кирди. Олмония Қуролли кучлари қўмондонлиги 1941 йил 30 декабрдаги буйруққа биноаан совет асирларидан ҳарбий бўлинмалар тузишга киришди. Аввало украинлар, Болтиқбўйидан келганлар, белоруслар ва руслардан тузилган "Шарқ бўлинмалари", кейинроқ эса, бошқа миллатлардан иборат "Осиё бўлинмалари" пайдо бўлди. Сўнгра тузилган легионлар этник номлари билан атала бошланди.

30 декабрда чиққан буйруққа кўра арманилар ва гуржилар учун алоҳида легионлар, туркистонликлар ва қафқазлик мусулмонлар учун битта легион тузиш қарорлаштирилган эди.[723] Бироқ бир ой кейинги амрга асосан Туркистон-Қафқаз мусулмон легиони туркистон легиони ва Қафқаз мусулмон легиони ва туркистонлик тутқунлардан тузилган 450-бўлинма сифатида учга бўлинди.[724]

450 бўлинма маҳфий ва жосуслик ишларида фойдаланиш учун тузилганди. Оммавий истихбарот ташкилоти ишғолга учраган ерларда ва совет жабҳаси ортида қўлланиладиган маҳаллий айғоқчиларга муҳтож эди. Шу мақсадда бу ташкилот ҳарбий асирлар орасидан олий маълумотли тутқунларни танлаб олиб, уларга махсус таълим беришни ва юқоридаги мақсадга хизмат қилдиришни режалаштирганди. Зотан СД ташкилоти октябр ойидаёқ бу режасини амалга оширишга киришиб, болтиқлик асирлардан махсус айғоқчи бўлинмаларини тузганди. Бу режага мувофиқ яна турк асирлардан ҳам шундай махсус тўдалар тузишга қарор берилди ва Полтавадаги турмалардан 700 та ишга муносиб асир танланди ва ўқитиш учун Силезияга юбрилди. Улардан икки бўлинма вужудга келтирилди. Турк-татар асирлардан тузилган 450-турк бўлинмаси туркий оламни яхши билган Андреас Майер-Мадер ихтиёрига, қафқазликлар иборат Бергман бўлинмаси эса, Теодор Оберландер қўмондонлигига берилди.[725]

Шу орада Эдил-Ўрол ўлкасига мансуб асирлардан ҳам Волга татарлари легиони қурилди. Унга фин асирлари ҳам қўшиб олинганди.[726]

1942 йил ёз ойларида чиқарилган янги қарорга кўра, Қафқаз мусулмонлар легиони иккига – Озарбайжон легиони ва Шимолий

[723] Turkestanisch-Kaukasisch-Mohammedanische Legion.
[724] Turkestanische Legion, Kaukasisch-Mohammedanische Legion, Verstarkt Turkestanisches Infanterie-Batallion 450
[725] Mühlen, *Gamalıhaç ile Kızılyıldız Arasında*, s. 53
[726] Volga Tatarische legion.

Қафқаз легионига ажратилди.[727] Шундай қилиб, барча легионлар миллий асосга кўра тузиб чиқилди.[728] Шу ўртада бу легионларга кўнгиллиларни танлаб оладиган асир комиссилари сони ҳам ўттиздан ошганди. Олмонларнинг бу ишларга муносабати хусусида Хостлер шундай дейди:

> “Турк ҳарбий асирларидан советларга қарши фойдаланиш режаси Олмония ҳарбий қўмондонлиги тарафидан осонгина қабул қилинди... Чунки бу нафли иш эди. Бу режага фашистлар қарши чиқишмади. Зеро, туркларнинг советлар мамлакати ичидаги ўлкалари 3-райх томонидан тасдиқланган советлар давлатини ишғол режаси харитасининг ташқарида эди... Олмон қўмондонлиги ўзлари яратган бу махсус бўлинмлар ва уларнинг пропагандаси советлар сафида урушаётган миллатдошларига қаттиқ таъсир этишини яхши биларди. Энг муҳими, ишғолга учраган ерларда махаллий халқнинг немислар билан ҳамкорлик қилишига ҳам йўл очиларди.”[729]

Жангга қатнашмайдиган ёрдамчи гуруҳлар ташкили осонгина ҳал қилинди. *Hilfswillige* (кўнгилли ёрдамчилар) дея номланган ёрдамчи гуруҳлар тўғридан-тўғри урушга қатнашмаган ва жабҳа ортида ишлаган кўнгиллилардан тузиларди. Улар ишғолдаги ўлка аҳолисидан ёки ҳарбий асирлар ичидан танлаб олинарди. Ана шуларни кўзда тутган ҳолда дарҳол ишга киришилди. Ёрдамчи гуруҳлардаги одам сони расман кўрсатилмаган, аммо шунга қарамасдан, уларнинг бир милйўнча бўлгани тахмин қилинмоқда.

Немис қуролли кучлари орасида бундайин ирқий асосга таянган легионларнинг яратилиши бу бўлинмалар ва олмон аскарлари ўртасидаги муносабатни тартибга соладиган миллий ташкилотларни тузиш мажбуриятини пайдо қилди. Шу пайтгача ҳарбий асирларни танлаш иши билан шуғулланган космополит руҳдаги комиссия бу ишни бажаролмасди. Шу сабабли совет халқлари ва легионерлар муаммоси устида фаолият юритадиган алоқа доираси[730] қуришга қарор берилди. Илк ўлароқ Туркистон алоқа доираси қурилди. Олмонларнинг бу иш бошида Туркистон доирасини тузиши бежиз эмасди, албатта. Чунки ҳарбий асирлар орасида энг кўпи туркистонликлар эди. Бундан ҳам муҳимроқ томони эса, Туркистон минтақасининг олмонларнинг ишғол режаси харитасидан ташқарида эканлигидир. Шуни ҳам айтиш керакки, немислар уруш бошланишидаёқ босиб олинган Қирим учун бунақа ташкилот тузиш тугул, бу ҳақда ҳатто ўйлаб ҳам кўришмаганди.

Бошида жўнгина воситачилик ва алоқа ўрнатиш вазифалари билан шуғулланган бу доиралар, 1943 йил бўйича шаклланиб, олдинига

[727] Aserbeidschanische Legion, Nordkaukasische Legion.
[728] Dallin, *La Russie sous le botte nazie*, s. 375
[729] Hostler, *Turkism and The Soviets*, s. 178
[730] Mittelstelle – ўрта жой

сафарбарлик доираларига,[731] кейинроқ эса, миллий ваколат доираларига[732] айлантирилди. Туркистон алоқа доирасига Вали Қаюмхон бошлиқ қилиб тайинланганди. Озарбайжон доирасига Фатҳали бек, Эдил-Ўрол доирасига Абдураҳмон Шофий Олмос, Шимолий Қафқаз доирасига Алихон Кантемир, Гуржистон доирасига Спиридон Кадиа раҳбар бўлганди. Шунингдек, Болтиқбўйи ўлкалари ва Украина учун ҳам шундайин алоқа доиралари тузилганди.

1942 йилнинг қиш ойларида жанговар ҳаракатнинг умумий ҳолати қўмондонларни сергаклантирди, эндиликда советлар билан бўлаётган бу урушда ғолиб чиқиш учун ҳар қанақа усул ва тадбирни қўллаш заруратини ўртага қўйди. Айниқса, Олмония ташқи ишлар вазирлиги ходимлари ва профессор Мендега ўхшаш мутахассислар шўро ҳукуматиига қарши миллатларга мансуб ҳарбий асирлардан эмас, балки уларнинг Оврупога сиғинган эски сиёсатчиларидан ҳам фойдаланиш лозимлигини ўйлаб қолишди. Бу сиёсатчилар советларнинг ичида ҳам, ташқи дунёда ҳам Москвага қарши ҳаракатларни ташқил эта олишарди. Бу ишни йўлга қўйиш учун эса, урушдан олдинги даврда Прометей ҳаракати фаоллари, антибўлшевик ходимлар ва уларнинг раҳбарлари билан муносабат ўрнатишга киришмоқ даркор эди. Миллий легионлар тузилганидан кейин, ниҳоят, Олмония ташқи ишлар вазирлиги ва шарқ бўлими вакилларида ана шу тушунча тобора мустаҳкамланиб, масала сифатида кўндаланг қўйиладиган ҳолат пайдо бўлди.

ТАШҚИ ДУНЁДАГИ ТУРК ЛИДЕРЛАР БИЛАН МУНОСАБАТ

Ишғол этилган ўлкалардаги оммани бошқариш ишига масъул вазир Розенберг ҳарбий асирлардан бўлинмалар тузилиши ва улардан советларга қарши курашда фойдаланиш режасини бошидан бери қўллаб келарди. Бироқ ўша тутқунлар мансуб ўлкаларга оид сиёсий ташкилотларнинг яратилишига ва уларнинг муҳожир лидерлари билан муносабат ўрнатишга қарши эди. Ҳатто миллий легионлар билан олмон қўшинлари орасида алоқа юритадиган доираларнинг жабҳадаги ишларга тўғридан-тўғри аралашувини ҳам маъқулламасди. Унингча, бу доиралар ўша ўлкалар ишғол этилгандагина ишга киришмоғи ва фаолияти қурилижак немис бошқарувига ёрдамчилик билан чекланиши керак эди. Зотан Розенберг босиб олинган совет тупроқлари бир бутун ҳолида олмон мустамлакасига айлантирилиши лозим деб ҳисобларди. Аммо 1917 йилдан бери шўро ҳукуматига қарши курашган сиёсий лидерлардан бундайин фикрни маъқуллашни кутиб бўлмасди. Аксинча, уларнинг

[731] Leitstelle- бошқарув жойи
[732] Mühlen, *Gamalıhaç ile Kızılyıldız Arasında*, s. 77; B. Hayit, *Sovyetler Birliğindeki Türklüğün ve İslam`ın Bazı Meseleleri*, s.206

бунга қарши чиқиши аниқ. Шу сабабли Шарқ ишлари вазири Розенберг муҳожир лидерлар билан муносабат ўрнатилишига қарши эди.[733] Бунга қарамасдан, Олмония ва шарқ жабҳасидаги вазиятни, хусусан советлардаги устунликни яхши англаган шарқ вазирлиги масъуллари ва бу масалани теран тушунган вазирлик дипломатлари муҳожир лидерлар билан алоқага зарурат борлигини билиб туришарди. Уларнинг фикрича, советлар ишғол этилганидан кейин руслардан ташқари барча халқларга ўз ўлкаларида мухтор давлатлар қуриш имкони берилади ва натижада шўро салтанати парчаланади, немислар мустамлакасига айланади.

Бу қарашнинг шаклланишига муҳим улуш қўшган шахс, шарқ вазирлигидаги устун одамлардан бири профессор фон Менде эди. Менда фашистлар партияси аъзоси бўлиши билан бирга, совет давлатидаги миллатлар ҳақида энг билимдон олим ҳисобланарди. У ташқи дунёда шўрога қарши сиёсий кураш олиб бораётган муҳожир лидерлар билан ҳам қалин эди. Менде аввало шарқ ишлари вазирлигидаги Қафқаз-Туркистон бўлимига бошлиқ қилиб тайинланди. Кейинроқ, яъни 1943 йилда тузилган ёт эллар доирасига раҳбар бўлди. Ана шу тарзда Менде Олмония ҳукуматининг совет давлатидаги миллатлар масаласида чиқариладиган қарорларига катта таъсир кўрсатадиган ва уларни йўналтира оладиган бир нуқтага юксалди.

Бошқа томондан қарасак, Олмония ташқи ишлар вазирлиги ҳам Овруподаги муҳожир лидерлар билан муносабат ўрнатишга мойил эди. Вазирлик совет Русиясидаги эгалланадиган ерларни бошқариш мақсадида би ишга киришганди. Барбаросса ҳаракати бошланганидан бир ҳафта ўтгач, 1941 йил 8 июлда, вазирлик қошида Русия қўмитаси тузилди, Георг Гроскопф бошлиқ этиб тайинланди. Бу қўмита аъзоларидан бири олмонларнинг Москвадаги собиқ элчиси Конт Шуленбург эди. У узоқ йиллар давомида шўрллар мамлакатининг турли ерларида, хусусан, Москвада, Тифлисда элчилик вазифасини бажаргани учун у ерларни яхши биларди, шу боис вазирликнинг бу масалага оид ишларига масъул шахс ҳисобланарди. Яна бир тажрибали дипломат Отто Браутигам эса, 1923 йилдан кейин Боку ва Тифлисда консулхонада ишлагани, у маконлар билимдони саналгани учун Қафқаз масаласидаги фаолиятларга жалб этилганди. Бу қўмитанинг Қафқаз ва Туркистон ишлари билан шуғулланадиган тағин бир аъзоси Вернер фон Ҳентиг эди. У Истанбул, Теҳрон, Пекин каби катта шаҳарларда дипломатик вазифаларни бажарган шахс эди. У форсчани яхши биларди, биринчи жаҳон уруши даврида кўнгилли ўлароқ шарқ жабҳасидаги жангларга қатнашганди. Кейинроқ эса, Афғонистоннинг Олмония тарафида туриб урушга киришини ташкил этиш вазифаси юклатилган ҳайъатга випломат сифатида киритилган ва таҳликали можароларни бошидан кечириб, Туркия ва Эрон орқали

[733] Glasneck, *Türkiye`de Faşist Alman Propagandası*, s. 199; Ülküsal, *İkinci Dünya Savaşında Berlin Hatıralarım*, s. 5-6.

Афғонистонга борганди, бу ўлка ва одамларини яхши танирди.[734] Иккинчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг Ҳентиг зиммасига татарлар, қафқазликлар ва туркистонликлар масаласи билан шуғулланиш вазифаси топширилди. Ҳентиг ҳамкори Олимжон Идрисийга қизил қўшиндаги туркий халқларга мансуб аскарларга хитобнома ёзишни буюрди. Шу тарзда аввалига шарқ туркларига, кейинроқ Қафқаз мусулмон туркларига бағишланган хитобнома-рисолалар яратилди. Шунингдек, Ҳентиг муҳожир туркларнинг лидерлари ҳамда Нурий Киллигил пошо каби Туркиядаги туркчи давралар билан ҳам муносабат ўрнатганди.

Аввало профессор Менде ва бошқа юқорида тилга олинган дипломатлар гуруҳи ҳамда турк-мусулмон доиралар аро алоқа йўлга қўйилиб, советларни Осиёда сиқиб, ночор ҳолга келтириш режалаштирилган эди. Бу ниятни амалга ошириш учун фақат муҳожир сиёсатчиларнигина эмас, балки Туркияни ҳам жалб этиш кераклиги англанганди. Генерал Али Фуод Эрден ва Ҳусни Эркилетнинг Олмонияга чақирилиши ана шу режа йўлида қўйилган одимлардан бири эди. Бу икки генералга йигирма кунлик зиёрати давомида Отто фон Ҳентигнинг шахсан ўзи меҳмондорлик қилгани[735] ҳам бу ишга жиддий киришлганини кўрсатиб турибди.

АДЛОН ЙИҒИЛИШИ

Розенберг ва эсэсчиларнинг барча қаршилигига қарамасдан, Олмония ташқи ишлар вазирлигидаги ҳаракатлар натижасида Франция, Руминия ва Туркияда яшаёган муҳожир лидерлар билан алоқа ўрнатишга келишилди. 1942 йил баҳорида, май ойи ўрталарида Берлинда шу масалага бағишланган бир йиғилиш ўтказишга қарор берилди. Бу йиғинга боғлиқ барча ишлар элчи Шуленбург томонидан юритилди. Берлиндаги Адлон меҳмонхонасида ўтгани боис бу анжуман Адлон йиғилиши деб аталди. Унга Озарбайжон ҳаракатидан мусовот партияси раҳбари Муҳаммадамин Расулзода, “Прометей” журналида йилларча Шимолий Қафқаз вакили сифатида хизмат қилган Мирёқуб Меҳдиев, Расулзоданинг сиёсий рақиби, собиқ вазир Халил Хосмуҳаммад ва унинг дўсти Фуод Амиржонлар чақирилганди.[736] Шимолий Қафқаз гуруҳидан

[734] Ҳентигнинг биринчи жаҳон уруши даврида Эрон ва Афғонистонда қилган ишлари хусусида кенгроқ маълумот учун қаранг: Peter Hopkırk, *İstanbul`un Doğusunda Bitmeyen Oyun*, Sabah yayınları, 1995

[735] Erkilet, *Şark Cephesinde Gördüklerim*, s. 207

[736] Муҳлен ўз асарида (*Gamalıhaç İle Kızılyıldız Arasında*) “Шуленбургнинг нима учун Прометей ҳаракатига мансуб мусовотчилардан мажлисга чақирмаганини тушуниш қийин” деб ёзмоқда. Аслида мусовотчилар лидери Расулзода Прометей ҳаракати ташкилотчиларидан, Мирёқуб Меҳдиев ҳам илғор прометейчилардан эди.

Саид Шомил[737] ва тўдадаги яна икки атоқли шахс – Ҳайдар Баммат, Алихон Кантемирлар вакил бўлиб келганди. Гуржилардан миллатчи демократлар раҳбари Спиридон Кедиа, Тетри Георгий ҳаракати тузувчиларидан бири профессор Михаил Церетели, Зуроб Авалашвили бор эди.[738] Вали Қаюмхон Туркистон вакили эди. Немислар босиб олинган Қирим вакилларини бу мажлисга расман таклиф қилишмаганди. Шунга қарамай, қиримликлар йўлбошчиси Жаъфар Саидаҳмад Қиримэр икки яқин сафдошини – Эдигей Қиримол ва Мустажиб Улкусални Берлинга жўнатганди.[739] Истанбулдан чақирилганлар орасида Закий Валидий Тўғон ҳам бўлган, бироқ у аркони ҳарбияи умумия қўмондони Фавзи Чақмоққа, Ташқи ишлар вазири ўринбосари Нўъмон Манаманчиўғлига шаҳсан мурожаат қилганига қарамасдан, Туркиядан чиқиш рухсати берилмагани учун мажлисга қатнаша олмаган. Эдил-Ўрол ҳаракати лидери Аёз Исҳоқий эса, Туркиядаги Олмония элчилигин томонидан даъват этилса ҳам, унинг ўзи таклифга кўнмасдан, Эдил-Ўрол мустақиллиги расман эълон қилинмагунча бундайин анжуманларга бормаслигини билдирган.[740] Айни чоғда Берлинда турган Нурий Киллигил пошонинг мажлисга қатнашгани ё қатнашмагани эса бизга маълум эмас.[741] Аммо унинг анжуман туфайли Берлинга келган сиёсатчи муҳожирлар билан кўришиб, уларга турли маслаҳатлар берганлиги таъкидланган. Йиғинга қанча муҳожир сиёсатчи чақирилгани ва қанчаси қатнашгани хусусида аниқ далил бўлмаса ҳам, элликка яқин киши бу анжуманда иштирок этган дейиш мумкин.[742] Олмония ташқи ишлар вазирлигида ишлаган Олимжон Идрисий, Шимолий Қафқаз вакили Аҳмад Темир ва озарбайжонлик Хилол Мунший ҳам бу анжуманнинг ташкилий ишларида қатнашганлар.[743]

---

[737] Улкусал ўз асарида Саид Шомилнинг 11 майда Истанбулдан Берлинга борганини айтади (*İkinci Dünya Savaşında Berlin Hatıralarım*, s.375)

[738] Адлон йиғилишида гуржи раҳбарлардан яна Вачнадзе, шаҳзода Багратион, полковник Шалва Маглакалидзе қатнашганди.

[739] Жаъфар Саидаҳмад Қиримэрнинг Адлон йиғилишига олмонлар томонидан чақирилмаганига сабаб фон Папен уни “сакорскийчи”ликда айблаганди. Яъни, Қиримэр фон Папен истамагани учун чақирилмаганди. Эдигей Қиримол ва Мустажиб Улкусал 1941 йил декабрида Берлинга етиб келишган ва етти ой мобайнида Олмонияда қолишганди. Адлон йиғилиши ўтказилаётган пайтда улар Берлинда юришганди, аммо олмон мутасаддилар уларни мажлисга даъват этмадилар. Бироқ улар билан учрашиб, суҳбатлашганлар (тўлиқроқ маълумот учун қаранг: Ülküsal, *Kırım Yolunda Bir Ömür*)

[740] Akış, *Aklımda Kalanlar-Hatıralar*, s. 47

[741] Апрел ойи ўрталарида фон Менде Мустажиб Улкусалга “Нурий пошога барча эшикларимиз ёпилди. Сизга ҳам бугундан бошлаб у билан кўришмаслигингизни тавсия қиламан” деб ёзган. Шунга суяниб, Нурий пошо Адлон йиғилишига қатнашмаган, дейиш мумкин (қаранг: Ülküsal, *Kırım Yolunda Bir Ömür*, s. 355)

[742] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунларида ўтказган шахсий суҳбатларимда у киши ҳам шундай деганди (А. Андижон архиви).

[743] Олимжон Идрисий 1922 йилда Бухоро ҳукумати тарафидан Олмонияга юборилган талабаларга масъул раҳбар сифатида келган ва шу ерда қолиб кетган (китобнинг аввалги бўлимларида бу хусусда ёзилган). Аҳмад Темир у пайтларда Олмонияда фалсафа ва туркологиядан тахсил олаётган, аждоди Эдил-Ўрол ўлкасига мансуб, ўзи туркиялик бир

Адлон йиғилиши немисларнинг турли жабҳаларда устун пайтларида ўтказилаётганди ва анжуманда қатнашаётган эски прометейчи муҳожир лидерларнинг сиёсий талаблари билан олмонларнинг шарқ сиёсатидаги тамал йўналишлар орасида жиддий фарқлар бор эди. Ана шу сабабли йиғилиш кутилган натижага эришилмасдан якун топди. Зотан Олмония ташқи ишлари вазирлигидаги бу йиғин ташаббускорларидаги муросасозлик руҳи немис-фашист раҳбарларнинг қаттиқ тутумини юмшата олмаганди. Розенберг ва Ҳиммлер каби немис бошқарувчиларниг андишасига кўра, муҳожир сиёсатчилар билан алоқани йўлга қўйиш уларни ўзларига тенг тутиш маъносини берарди. Қудратли Олмонияга эса бундайин муҳожир лидерлар эмас, фақат буйруқни бажарувчи хизматчилар керак эди. Русия қўмитаси маслаҳатчиси Диттманн томонидан Германия ташқи ишлар вазирлигидаги сиёсий бўлим ходими Титппелскришга ёзилган хатда олмонларнинг бу хусусдаги қараши очиқ-ошкор кўриниб турибди. Унда, жумладан, шу фикрлар ифодаланган:

> “1. Ишғолга учраган Шарқ ўлкалари ҳақида сўзлаган нутқимдан кейин, хуллас, вазир Розенбергнинг Олмония ҳимояси остида мустақил Қафқаз давлатлари қурилишига қарши эканлигини англадим... Бироқ ўтган кунлар ичида вазир Розенбергнинг ҳукуматга тақдим этиш учун Қафқаз ўлкасининг келажагига оид бир меморандум тайёрлаганини... унда Қафқаз ўлкаларида ҳарбий бўлмаган бир олмон бошқаруви тузилиши маъқуллаганлигидан хабар топдим. Аммо Қафқаз ўлкаларидаги ҳукмрон олмон вакили, аввал бошда ўйланганидек империя комиссари[744] эмас, балки Қафқаз ноиби[745] ва ундан пастдаги мансабларда (Гуржистон, Озарбайжон, Арманистон ва Шимолий Қафқазда) эса бош депутат[746] унвонли шахслар фаолият кўрсатиши режалаштирилган.
>
> 2. Қирим татарларига келсак, билишимча, уларга мустақиллик ҳуқуқи берилмаган. Ҳатто уч ҳафта олдинги кунларга қадар қирим татарларини Қиримдан ҳайдаб, ўрнига бу ўлкани бутунлай немислар юртига айлантириш тушунчаси ҳукмрон эди. Бироқ уни амалга ошириш борасида бир қарорга келинилгмагани боис, бу иш орқага сурилди. Перекоп шимолидаги баъзи Украина вилоятлари билан бирга Қирим ҳам Гаулетиер Фраунфелдга боғлиқ бир комиссар томонидан бошқарилади.
>
> 3. ... Берлиндаги Қафқаз муҳожирлари катталарининг норозилиги шу ўтган кунларда янада ортди. Бу норозилик сабабини, менимча, элчи фон

талаба эди. У ҳам 1941 йил охиригача ҳарбий асирларни гуруҳларга ажратиш комиссиясида ишлаган. Хилол Мунший эса, биринчи жаҳон урушидан кейин Олмонияга бориб жойлашган, бир немис қизга уйланиб, ўша ерда қолган озарбайжонликдир. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда инглизлар билан ҳамкорлик қилган озарбайжонлар гуруҳига раҳбар бўлди, сўнгра бир муддат Олмониянинг Анқарадаги элчихонасида ишлади.

[744] Reichkommisar- унвон, империя комиссари.

[745] Statthalter.

[746] General Bevollmachtigte- фавқулодда бош мухтор элчи (проф. Х. Раҳимов изоҳилари).

Шуленбургнинг Гаулайтер Мейерга берган, ташқи ишлар вазирлиги дафтарларига тиркалган хатидаги муҳожирлардан мавқеларига муносиб тарзда фойдаланишга оид таклифнинг вазир Розенберг тарафидан рад этилишидан ахтариш керак. Вазир Розенберг ҳарбийларнинг тавсияларини эътиборга олмади, у фақат бир неча муҳожирдан ишғолга учраган шарқий жабҳадаги ўлкаларда маслаҳатчи сифатида фойдаланиш мумкин холос, дея қарор берганди. Бу қарорга кўра, муҳожирлар шарқ вазирлигининг расмий ходимига айланиб қоларди ва бу ҳолат уларнинг сиёсий манфаатларига зид эди. Шу боис муҳожирлар Розенбергнинг бу қарорини маъқулламадилар ва таклифни рад этдилар... Айниқса, озарбайжонлар бундай муносабатдан қаттиқ ғазабланишди. Улар эндиликда Олмонияда ўз фаолиятларини юритишга имкон тугади деб ўйладилар, дарҳол Туркияга қайтиш фикрига тушдиларки, мен уларни бу фикрдан зўрға қайтардим. Бугунги нозик вазиятда муҳожирларнинг Туркияга қайтиши у ўлкада ҳузурсизлик келтириб чиқариши шубҳасиздир, бу умумий аҳволга ёмон таъсир қилади деб ҳисоблайман."[747]

Кўриниб турибдики, Қафқаз ўлкаларидаги немислар эгаллаган юртларда бошқариш усули тугул, бошқарувчиларини ҳам одиндан тайин қилган Розенберг учун у ерларда олдиндан сиёсий эътиборга эга бўлган муҳожирлар ҳеч қандай фойда келтирмасди, аксинча, зарар бериши мумкин эди. Бошқа тарафдан қаралганда, ўз миллатлари тарихининг маълум даврида катта из қолдирган Муҳаммадамин Расулзода ва Саид Шомил каби лидерлар немис расмийлари билан муносабатларидаги бош муҳим шарт юртларининг мустақиллиги масаласи ҳисобланарди. Розенберг эса, уларга шарқ вазирлигида маслаҳатчилик вазифасини таклиф қилганди. Табиийки, бу таклифни рад этдилар. Ўшандан кейинги вазиятни ва бу масалага муҳожирларнинг муносабатини Муҳаммадамин Расулзода қуйидагича ифодалаган:

"Советлардаги миллий масала урушнинг кетишига таъсири кучли ва эсдан чиқарилмаслиги лозим бир куч эканлиги англашилди. Олмон ҳорижия вазирлигидаги баъзи юксак мақомли шахслар (граф фон Шуленбург) ташаббуси билан Қафқаз муҳожирлари машҳурларидан бир қисми Берлинга чақирилдилар. Уларнинг Қафқаз борасидаги фикру тушунчаларига диққат қаратилди.

Озарбайжон, Арманистон, Гуржистон ва Шимолий Қафқаз жумҳуриятларига боғлиқ вакиллар ўзлари мансуб ташкилотлар ва муҳитнинг тушунча ва қарашларини топширилган расмий баённомаларида акс эттиришди. У ҳужжатларда миллий истиқлол масаласи аниқ-равшан ўртага қўйилган, шунингдек, айни замонда Қафқаз ўлкалари бирлиги ғояси ҳам илгари сурилган... Юқорида исмини тилга олганимиз граф фон Шуленбург воситасида хорижия вазирлигига берилган ушбу васиқада Қафқаз миллатларининг чоризм даврида бўлганидек бўлшевизмга ҳам қарши доим миллий истиқлол

[747] *Türkiye`deki Alman Politikası*, 1941-1943, 25 numaralı belge.

кураши олиб боргани билдирилганидан кейин, хусусан, шундай таъкидланган: “Бу ғояларнинг амалга ошуви эса, Қафқаз вакилларининг фикрига кўра, жўғрофий-сиёсий манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда тўрт жумҳуриятнинг конфедерация шаклида бирлашувларига боғлиқдир. Шу боис Қафқаз миллатлари вакилларининг бир даврада ўтириб, бу масалани ҳал этишлари жуда ҳам зарур.”

Қафқаз вакилларининг бу талаб ва орзулари фюрер қароргоҳи томонидан рад қилинди. Бу масала ташқи ишлар вазирлигидан шарқда ишғолга учраган ўлкалар муаммоси билан шуғулланадиган шарқ вазирлигига оширилди. Розенберг бошқараётган бу вазирлик масалага унчалик эътибор бермади. Истиқлол ва миллий ҳақ-ҳуқуқ деган тушунчалар бу вазирлик наздида муҳим ҳисобланмасди. Уларнинг асосий фикри қизил қўшиндан асир тушган ҳарбийлардан миллий легионлар яратиб, Вермахтга тобе тарзда ёрдамчи бўлимлар сифатида фойдаланиш эди. Шу мақсадда ёлланган бу ҳарбийлар ичидан олинган бириси легионлар ва Вермахт орасида воситачилик вазифасини бажарарди. Бу алоқа ва муносабат миллий истиқлол ҳамда депмократия иллатларидан узоқ бўлиши режалаштирилганди.”[748]

Адлон мажлисидаги терс натижаларга қарамасдан, олмония ташқи ишлар вазирлигидаги шахслар Муҳаммадамин Расулзода ва Саид Шомил каби зотларни яна бир неча муддат Берлинда қолишга кўндиришди ва улар ўртасидаги учрашувлар давом этди. Аслида олмон масъуллари Адлон йиғилишига қатнашмаган бошқа муҳожир лидерлар билан ҳам кўришиб, вазиятни ўрганишмоқда эди. Хусусан Туркияда жойлашган муҳожир туркларнинг раҳбарлари билан муносабатга алоҳида эътибор қаратилганди. Эдил-Ўрол ҳаракати етакчиларидан бири Али Оқиш бу ҳақда шундай дейди:

“1942 йилнинг июл ойида, қайси кун эканини ҳозирда эслолмайман, Аёз бек мени уйига чақиртирди. Бордим. Анқарадаги Олмония элчихонасининг икки юксак рутбади ходими ҳам ўша ерда экан. Аёз бек улар билан бўлаётган гапларни менинг ҳам эшитишимни истади. Ҳалиги кишилар немис қўшинларига боғлиқ Эдил-Ўрол легионлари ташкил қилинишини айтишди. Эдил-Ўрол мустақиллик қўмитаси раиси сифатида Аёз Исҳоқийни бирга ишлашга таклиф этишди. Аёз бек бу таклифдан кейин улар олдига уч шарт қўйди. 1. Эдил-Ўрол давлати учун ҳуқуқий таъминот. 2. Тузиладиган легионлар идораси учун мустақил раҳбарият. 3. Эдил-Ўрол давлати учун мустақил Олий кенгаш тузиш. Олмонлар бу уч шартни қабул қилмади ва шу тарзда келишув бузилди.”[749]

Бунақа учрашувлар уч ой давом этди, бироқ Олмониянинг Қафқаз ва Озарбайжон мустақиллигини тан олганига оид бирор ҳужжатга, кутилган натижага эришилмади. Прометей ҳаракати лидерлари учун немислар диёридан чиқиб кетишдан бошқа бир йўл қолмади.

[748] Resulzade, *Kafkasya Meselesi*. Kafkasya dergisi, 1952 №11-12, s. 8.
[749] Akış, *Aklımda Kalanlar. Hatıralar*, s. 47.

Муҳаммадамин Расулзода Бухарестга,[750] Саид Шомил Истанбулга, Ҳайдар Баммат Швейцарияга, Спиридон Кедиа эса Парижга йўл олди. Бу орада қиримлик Мустажиб Улкусал ҳам, немислар уни Қиримга юбормагач, Туркияга келди. Унинг дўсти Эдигей Қиримол эса, қиримлик ҳарбий асирлар масаласи билан шуғулланишда давом этди.

Хуллас, Муҳаммадамин Расулзода айтганидек, олмонлар учун ўз шартларига кўнадиган ва мустақиллик масаласини ўртага қўймайдиган янги лидерлар яратишдан ўзга чора қолмаганди. Зотан, қисқа вақт ўтмасдан кўпчилиги асир ҳарбийлардан танлаб олинган, аввал сиёсий саҳнада танилмаган янги етакчи ходимлар пайдо бўлди ва немисларнинг шартларига уйғун тарзда миллий легионлар тузиш даври бошланди.

Бошқа томондан қаралса, Адлон йиғилиши ишғол этилажак совет ерларида қўлланиладиган сиёсий бошқарув масаласида ташқи ишлар вазирлигининг аралашувига бутунлай чек қўйди. Адлон йиғилишидан кейин Розенберг ташқи ишлар вазирлигининг ўз фаолиятига аралашаётганидан шахсан Ҳитлерга шикоят қилди. Ташқи ишлар вазирлиги қошида тузилган Русия қўмитасининг тарқатилиши кераклигини таъкидлади. Ҳитлер унинг сўзларини инобатга олмади. Фюрернинг фикрига кўра, ишғолга учраган совет ерларидаги барча ҳарбий ишлар қўшинга ва шарқ вазирлигига, оммавий масалалар эса шарқ вазирлиги зиммасига юкланишига қарор берилди. Бу қарордан сўнгра ташқи ишлар вазирлигининг эгалланган совет тупроқларида хорижия ишлари билан шуғулланишдан бўлак бир вазифаси қолмади.

ВАЛИ ҚАЮМХОННИНГ МАЙДОНГА ЧИҚИШИ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Туркистон масаласи атрофида юз берган жараёнлар бир пайтлар Германияга талаба сифатида келган ва бу ўлкада қолиб кетган Вали Қаюм деган бир туркистонликни ўртага чиқарди. 1942 йилдан эътиборан немислар сафида урушган Туркистон легиони ва сиёсий майдонда Туркистон масаласини юритган Туркистон миллий бирлик қўмитаси (ТМБҚ) ҳам Вали Қаюмхон томонидан тузилган ва бошқарилган. Бошқача қилиб айтганда, иккинчи жаҳон уруши давомида юз берган Туркистонга оид барча фаолиятлар Вали Қаюмхонга боғланади. Шу боис унинг шахси ҳақида атрофлича маълумот берилгани фойдалидир.

У Олмонияга ўқишга келгунгача бўлган ҳаётини шундай ҳикоя қилади:

[750] Муҳлен Муҳаммадамин Расулзоданинг Истанбулга қайтганини ёзган. Аммо Расулзода бутун уруш йиллари давомида яшагани Бухарестга қайтгани тўғрироқ. У уруш тугаётган пайтга Олмонияга боради ва анча кейин, 1947 йилда Туркияга қайтади.

“Мен Тошкентнинг Пичоқчи маҳалласида туғилганман. Эски мактабни битиргандан кейин Навоий номидаги мактабда ўқидим. Менга сабоқ берган ўқитувчиларимдан бири Фитрат эди. Мен каби Олмонияга келиб таҳсил олган, сўнгра Тошкентга қайтган ва ўлдирилган Саттор Жаббор билан ўша макатабда бирга ўқиганмиз. Абдурауф Фитратнинг тавсиясига кўра Тошкентдан Бухорога бордим. У Бухоро ҳукумати раҳбарларидан бири эди, унинг қабулхонасида Ғулом Айюбий ва Аҳмад Шакурийлар билан танишдим. Фитрат бизга баъзи ишларни бажаришимизни айтди. Бухоро давлати паспортини олиб, 1921 йилда Саидали Хўжа билан йўлга чиқдик. Москвада мени руслар тутиб қолди. Кейинроқ, Файзулла Хўжа Олмонияга бораётган чоғида, мени ҳам бу ўлкага олиб келди. Бу ерда қишлоқ хўжалиги ўқув юртиги жойлаштирди. 1925 йилда қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирдим. Ўшанда, Боту Ўзбекистон мадания вазири экан, Самарқандда устимиздан иш очилиб, судда бизга ўлим ҳукми чиқарилибди. Менга телеграмма келди, унда бир жумла ёзилганди: “Мамлакатга келманг”. Шундан кейин Туркистонга қайтмасликка қарор қилдим. Бу орада Олмониядаги қонунга биноан икки йилча далада ҳам ишладим. 1928 йилда ўқишни битирдим. 1930 йилда сиёсат соҳаси бўйича ўқишни давом эттирдим. Уни тугатиб, илмий ишга қўл урдим. Тадқиқотим мавзуси “XIV асрдан бугунгача Туркистон маданияти” деб аталарди. Унда “Бу асрлар орасида Туркистон маданияти араб ва форс таъсиридан сақлана олди, руслардан ҳам ўзини муҳофаза этади” деган бош йўналиш мавжуд эди. Фон Менде катта кўмак берди. 1936 йилда илмий ишим қабул қилинди. Кейинроқ, кайзер Вилҳелм институтининг топшириғига кўра, Туркистонда пахтачилик мавзусини тадқиқ этдим. Бу илмий иш устида икки йил тер тўкдим, икки жилдлик китоб яратилди ва нашр қилинди.

Бу вақт ичида халқаро журналистлар уюшмасига ҳам аъзо бўлдим. Адмирал Тротте раҳбарлигида чиқарилаётган “Яқин Шарқ” (Der Nahe Osten) журналида бош муҳаррирлик вазифасини ҳам бажардим. Ҳар ўлкадан вакиллар бор эди, давра суҳбатлари ўтказардик. Бу маданият вазирлиги рухсати ва ёрдами билан уюштириларди. Зотан журналда босиладиган ёзувлар ана шу давра суҳбатлари асосида вужудга келарди. Бундан ташқари, бошқа мавзуларда битилган мақолаларим ҳам немис газеталарида блосилиб турарди.”[751]

1924 -1933 йиллар орасида Олмонияда ўқиётган туркистонлик талабалар томонидан олиб борилган ижтимоий, маданий ва қисман сиёсий фаолиятлар жараёнида Вали Қаюмхон номининг учрамаслиги бу тарихнинг қизиқ бир жиҳатидир, бизнингча. У билан учрашганда, мулоқот пайтида унга айни шу саволни бердим. У шундай жавоб қилди:

“У йилларда туркистонликлар томонидан юритилаётган сиёсий фаолиятларга қаршийдим... Яъни, хорижий ўлкаларда фақат маданий йўналишда иш юритиш тарафдори эдим... Аҳмаджон Иброҳим (Ўқой)

[751] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбатдан (Аҳат Андижон архиви).

биз билан ишла, деганида, мен ўқишни битириб, сиёсатни ўрганайин, ундан кейин бундай ишларга қўшиламан, дегандим.”[752]

Ўша йилларда ТМБнинг Олмония бўлими (“Ёш Туркистон” жамияти) бош котиби сифатида фаолият юритган Иброҳим Ёрқин эса, бу борада қуйидаги фикрларни билдирди:

“Вали Қаюм Бухородан келган талабаларнинг энг ёшларидан ҳисобланарди. У ва Саттор Жаббор машҳур Фитратнинг ўқувчиларидан эди. ФЙитрат бухоро халқ жумҳуриятининг ташқи ишлар вазири бўлгач, иккаловини ҳам Бухорога чақиртиради, Олмонияга юбориладагина талабалар рўйхатига уларни ҳам киритиради. Олмонияда бўлган пайтларимизда, у билан айтарли муносабатимиз бўлмаган. Унинг энг яқин дўсти Саттор Жаббор эди. Саттор Жаббор совет жосуси дея шубҳаланардик. Шунинг учун иккави билан ҳам алоқа қилишдан ўзимизни тортардик. Шунга қарамасдан Саттор Жаббор биз билан муносабатни бузмасликка тиришарди. Вали Қаюмда эса, бунақа ҳаракат бўлмаган. Унинг бошқа талабалар билан алоқаси йўқдай туюларди. Саттор Жаббор билан ҳам кўришармиди-йўқми, билмайман. Туркистон милий ҳаракатида қатнашганлар, яъни бизлар билан Вали Қаюмнинг ҳеч қачон муносабати бўлмаган. Биласизки, ТМБ яширин ташкилот эди. Шу сабабли Туркистон миллий бирлик ҳаракатига қатнашадиган аъзолар ўта синчковлик билан танланарди. Вали Қаюм улар орасида эмасди. Мен Туркияга келганимдан кейин Тоҳир Чиғатой ва Абдулваҳоб Ўқтой у ерда қолишди ва “Ёш Туркистон” журналини чиқаришда давом этишди. Вали Қаюмнинг ўша йилларда бу инсонларга бирор муносабат кўрсатганини эшитмаганман. Вали Қаюм билан анчадан кейин, иккинчи жаҳон уруши даврида Туркияга келганида кўришдик...”[753]

Ўша йилларга оид ТМБ баённомалари ва жамият аъзолари хусусидаги ҳужжатлар ўрганилганида ҳам юқоридаги фикрларнинг тўғрилиги ўз тасдиғини топди. “Ёш Туркистон” журналининг Берлиндаги бошқарувчиси Абдулваҳоб Ўқтой томонидан Париждаги Мустафо Чўқайга Олмонияда олий ўқув юртини битирган Туркистон талабалари ва таҳсилни давом эттираётганлари ҳақида юборилган рўйхатларда Вали Қаюмнинг номи учрамаслиги ҳам кишини ўйга солади.

Бундан ташқари, 1933 йил 15 майда Олмония бўлими томонидан ТМБ марказига жўнатилган, Олмониядаги талабаларга берилган қарзлар ва ёрдамлар рўйхатида барча туркистонлик талабаларнинг номи зикр этилгани ҳолда Вали Қаюмнинг номи йўқлиги ҳам ғалати туюлади. Мана шу далилларга суянган ҳолда айтиш мумкинки, Вали Қаюм Олмонияга келганидан кейин бошқа ўқувчилар билан деярли учрашмаган. Яқин дўсти Саттор Жабборнинг бошига тушган ишлар унинг бошқа талабалар

[752] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбатдан (Аҳат Андижон архиви).
[753] Профессор Иброҳим Ёрқин билан шахсий суҳбатдан; 1990 йил, май, Анқара (Аҳат Андижон архиви).

билан шундоғам сийрак бўлган муносабатларининг тамоман узилишига олиб боргандир балки.[754]

1933 йил охирида “Ёш Туркистон” журналини чиқарётган гуруҳдан ташқари Олмонияда қолган биргина туркистонлик талаба Вали Қаюм эди.

У ўзи ишлаган “Яқин Шарқ” журнали қошида уюштирилган давра суҳбатларида Абдулваҳоб Ўқтой ва Тоҳир Чиғатойнинг ҳам базан қатнашиб, чиқишлар қилганини суҳбатларида таъкидлайди. Аммо бу икки ТМБ аъзосининг бир-бирларига юборган хатларида ва кейинчалик нашр этган асарларида бу хусусда ҳеч нарса дейилмаган. Зеро Вали Қаюмхон билан Мустафо Чўқайнинг танишуви 1939 йилдагина юз бергани маълум. Агарда Абдулваҳоб Ўқтой ва Тоҳир Чиғатой каби “Ёш Туркистон” журналини Берлинда нашр этиш билан шуғулланган икки яқин дўст ва ҳамкорлар Вали Қаюмхонни яхши танисалар эди, бундан Мустафо Чўқай албатта хабардор бўларди, деб ўйлаймиз.

Вали Қаюмхон фашистларнинг миллий социалист партиясига аъзо эканлиги боис Туркистон миллий бирлик ташкилот ёки “Ёш Туркистон” журналидаги гуруҳ томонидан юритилган сиёсий фаолиятга қатнашмаган, деган иддаоларни у биз билан суҳбатда кескин рад этди.[755] Аммо мулоқотимизда кечган баъзи фикрлар ва Вали Қаюмхоннинг ўша йиллардаги кечирган ҳаётини таҳлил қилган ҳолда айтишимиз мумкинки, у сиёсатшунослик институтида (Hochschule für Politik) ўқиган чоғларда у Олмонияда тобора эътибор қозонаётган миллий социализм тушунчаси билан танишган. Иброҳим Ёрқин ҳам Вали Қаюмхоннинг ўша пайтларда фашистларга тарафдор баъзи журналларга мақолалари билан қатнашганини, ҳатто ўша журналлардан бир-иккисининг ўз қўлида сақланганини, фақат кейинчалик йўқолганини таъкидлайди.[756] Лекин Вали Қаюмхоннинг миллий социалист партиясига киргани, унда фаолият юритгани ҳақидаги иддаолар исботланмаган. Бухоро жумҳурияти йўқ қилинганидан кейин ҳам бу давлатнинг паспортини олиб юрган Вали Қаюмхон кейинчалик дунё граждани статусига киритилган. Иккинчи жаҳон уруши пайтида у дипломат сифатида тан олинган ва паспорт берилган. Бироқ ўлгунгача Олмония граждани бўлмаган бир одамнинг миллий социалист партиясига аъзо эканлиги ҳам ақлга сиғадиган гап эмас. Ана шу партиянинг эътиборли кишиларидан фон Менде ва Лайббрандт билан Вали Қаюмхоннинг яқин муносабатда бўлгани маълум. Чунки Лайббрандт Қаюмхондан Туркистон сиёсати, иқтисоди ва қишлоқ хўжалиги борасида маълумот тўплашини ва унга топширишини талаб қилган.

---

[754] Китобнинг “Туркистон-Берлин йўлларида” бобига қаранг.

[755] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбат (Аҳат Андижон архиви).

[756] Профессор Иброҳим Ёрқин билан шахсий суҳбат; 1990 йил, май, Анқара (Аҳат Андижон архиви).

Ҳитлернинг буйруғига кўра советларга қарши бошланган уруш Парижда яшаётган ТМБ раиси Мустафо Чўқай ва Берлинда юрган Вали Қаюмхон учун ҳам тарихий бурилиш нуқтаси бўлди. Уруш туфайли вужудга келган шарт-шароит бу икки инсоннинг умр йўлларини маълум маънода кесиштирди, уларни учраштирди, бирга ишлашга йўналтирди. Вали Қаюмхон ўша кунларни шундай эслайди:

> “Лахистон уруши бошланган пайтларда Мустафо Чўқайнинг аҳволи анча оғирлашганди. Мен 1939 йилда Парижга, унинг олдига бориб, гаплашиб, Берлиндаги шарқ институтига ишга киришини таъминладим. У институт талабига кўра илмий тадқиқотлар қилди, вақти-вақти билан конференцияларда қатнашди. Шу тарзда маош олиб юрди. Керакли мақолаларни ёзиб, бу ёққа юборарди. Профессор фон Менде уни жуда ёқтирарди. Урушнинг иккинчи куни гестапочилар келиб, мени ҳибсга олди. Олмония ташки ишлар вазирлигидаги рутбадорлар мени ҳибсдан бўшаттиршди. Шу сирада Париждан Мустафо Чўқайнинг ҳам қамалгани хабари келди. Профессор менде ва Лайббрандт ёрдами билан парижга бордим ва Мустафо Чўқайни турмадан чиқартирдим. Украинанинг собиқ ташқи ишлар вазири Шулгин ҳам ҳибсга олинганда, унга ҳам кўмак кўрсатдим.”[757]



Вали Қаюмхон, 1942 й.

Мустафо Чўқайнинг хотини ёзган хотираларда ҳам Вали Қаюмхоннинг бу сўзлари тўғрилигини исботловчи фикрлар битилган.

[757] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбат (Аҳат Андижон архиви).

Мария Чўқайнинг ёзишича, 1939 йил кузида Олмонияда чиқадиган бир журналда ишлайдиган бухоролик бир ўзбек уларнинг Франциядаги уйига келади, Мустафо Чўқайга профессор Менденинг ишга таклиф этилган хатини беради. Шундан кейин Мустафо Чўқай вақти-вақти билан Берлинга бориб-келиб юрган. Русия билан уруш бошланганидан сўнгра Мустафо Чўқайнинг Берлиндан хотинига юборилган бир хатда шундай сўзлар битилган:

> "Қаюмхон доим мен билан бирга. Илк баҳорда Нўгентдаги уйимизда бўлган шахс шу Вали Қаюмхондир. Мен унинг воситасида туркистонлик асирларга муносабатнинг юмшатилишига уриняпман, буни немислардан илтимос қилдим."[758]

1941 йил августидан эътиборан Мустафо Чўқай ва Вали Қаюмхон қамоқлардаги ҳарбий асирларни миллатига кўра ажратиш ҳайъатида иш бошлашди. Турмаларда ўлим ва ҳасталик авж олганди. Мустафо Чўқай 1941 йил декабрида ичтерлама касаллиги юқиб, ётиб қолди ва қисқа вақт ичида вафот этди. Бу ҳодиса Вали Қаюмхоннинг мавқеини ўзгартирди. Улкан сиёсий шахс сифатида танилган Мустафо Чўқай ёнида унинг вазифаси оддийгина таржимонлик эди. Шунингдек, у Мустафо Чўқай ва олмонлар орасида воситачилик ҳам қиларди. Қиримлик сиёсий лидер Мустажиб Улкусал профессор фон Менде билан илк кўришганларида Менденинг унга айтган сўзлари, бизнингча, олмонларнинг Туркистон масаласига қандай қараганини очиқ кўрсатиб турибди:

> "Туркистон буюк ва аҳолиси милйўнлардан ортган бир ўлкадир.Сизнинг Қирим эса кичик, аҳолиси оз бир мамлакат. Биз Туркистонга ана шунинг учун алоҳида эътибор беряпмиз ва сизнинг вазиятингиз Чўқайники билан бир хил бўлмаслигини яхши биламиз. Биз сизларга фақат хайрихоҳмиз."[759]

Бу суҳбатда Вали Қаюмхон номининг ҳеч эсланмагани, бизнингча, Олмония раҳбарлари ва фон Менде Мустафо Чўқайни ягона сиёсий сифатида қабул қилганларини англатмоқда. Мустафо Чўқайнинг ўлимидан сўнгра туркистонлик ҳарбий асирлар масаласи билан шуғулланиш ўз-ўзидан Вали Қаюмхонга қолганди. Хуллас, бу қайғули ҳодиса Қаюмхоннинг умр йўлини бирданига ўзгартириб юборди ва унга сиёсий мавқе қозонтирди.

Вали Қаюмхон сиёсий йўлдаги илк фаолиятларини ўша пайтларда юзага чиқарди. Сувалки, Эбенроде, Шверин каби ҳарбий асирлар турмаларида текширишлар олиб бораркан, бу ерлардаги туркистонлик тутқунлар аҳволининг ниҳоятда ёмонлигини ёзиб, қамоқлардаги шароитни яхшилаш кераклигини таъкидлаб, олмон мақомларига раддия билдиришдек жасорат кўрсатган илк инсон у бўлди.[760] Аввалдан яхши

[758] Çokayoğlu *Maria, Eşinin Ağzından Mustafa Çokayoğlu*, s. 165
[759] Ülküsal, *İkinci Dünya Savaşında Berlin Hatıralarım*, s.33
[760] Mühlen, *Gamalı Haç ile Kızıl Yıldız Arasında*, s. 82

таниши ҳисобланган Лайббрандтнинг Шарқ ишлари вазирлигига вазир этиб тайинланиши, айни вазирлик қошидаги Қафқаз ва Туркистон бўлимининг раҳбари профессор фон Менде билан ораларидаги яқинлик ва ишонч Вали Қаюмхонни бошқа миллий ташкилотлар бошлиқларидан кўра эътиборли нуқтага кўтариб қўйди. Бундан ташқари, немисларнинг ишғол режаларида Туркистон ўлкасининг мавжудлиги Туркистон легионининг тузилишини ва Туркистонга алоқадор миллий ҳайъатнинг ташкил қилинишини ҳам тезлаштирган бир фактор эди.

Вали Қаюмхон мавқеини шакллантирган яна бир воқеа 1942 йил май ойида советларга қарши миллатларнинг муҳожиротдаги лидерлари тўпланган Адлон йиғилишидир. Бу анжуманга тайёргарлик чоғида Олмония ташқи ишлар вазирлигидаги собиқ элчи Шуленбург Вали Қаюмхонга муҳожир сиёсий лидерлар билан алоқа ўрнатиш, ўртада воситачилик қилиш вазифасини юклади. Шу боис Вали Қаюмхон Парижга борди, у ердаги прометейчи сиёсий муҳожирлар билан учрашди, улардан бир қисмини Берлинга келишга кўндирди. Бироқ Адлон йиғилиши олмон ҳукуматига ҳам, Берлинга чақирилган сиёсий муҳожирларга ҳам кутилган натижани бера олмади. Аксинча, эски сиёсий муҳожир-лидерларнинг немислар билан ҳамкорлик қилишни истамаганликлари натижасида ўртага янги сиёсий шахслар чиқди ва улар сони орта борди. Адлон йиғилишидан олдинги тайёргарлик чоғларида катта муваффақиятга эришган Вали Қаюмхон учун эса бу анжуман ютуқ келтирди, тақдирида бурилиш ясади. Энди у олмон ҳукумати наздида туркистонликларнинг сиёсий лидерига айланган, унга элчи мақоми ва алоҳида уй ҳам берилганди.

ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Вали Қаюмхон 1942 йил бошларидан эътиборан ҳарбий асирлар масаласи билан шуғулланадиган аралаш комиссиялар - ҳайъатлар ўрнига миллий комиссиялар тузиш ҳаракатига тушганди. Бу интилиши бир неча ой ичида ўз самарасини берди. Май ойида Туркистон миллий комиссияси тузиш қарори тасдиқланди. Шундай қилиб, Туркистон легиони фаолиятини, унинг немис қўшинлари ва бошқарувчилари билан алоқаларини юритадиган бир ташкилот пайдо бўлди. Туркистон миллий комиссияси, агарда муваффақиятли иш олиб бора олса, кейинчалик тузиладиган Туркистон миллий қўмитасига асос яратиши мумкин эди.

Туркистон комиссияси 1942 йил 15 июнидан эътиборан легиондаги аскарлар учун “Миллий Туркистон” номли журнал чиқаришга киришди. Мустафо Чўқай бош муҳаррирлик қилган “Ёш Туркистон”даги бу мажмуанинг илк сонида ҳам “Бизнинг йўлимиз” номли бош мақола босилган, унда журналнинг Туркистон миллий истиқлоли учун

курашадиган нашр эканлигини айтилган эди. Яъни, кирилган йўл оталар йўли эди, мақсад ва кўзланган манзил Туркистон мустақиллиги эди.

“Миллий Туркистон” журналининг бош муҳаррири ва ноширi Вали Қаюмхон эди. Туркистондаги барча қавмлардан икки кишидан танланиб, ҳайъат тузилганди. Журнал тили сифатида барча туркистонликлар тушуна оладиган эски чиғатой лаҳжаси қабул этилганди. Мажмуанинг тили хусусида махсус мақола ёзган туркиятчи Юҳанна Бензинг (Johannes Benzing), жумладан, ҳур Туркистоннинг ёзув тили битта бўлиши керак, бу “Миллий Туркистон” журналида қўлланилаётган чиғатойчадир, деган фикрни илгари сурганди.[761] Шу тарзда Туркистондаги туркий лахжалар орасидаги фарқлар туфайли муаммо чиқишининг олди олинганди. Шунга қарамасдан, мажмуада вақти-вақти билан қозоқ ёки тожик тилларида ҳам мақолалар босилгани танланган ўртача йўл барчани қониқтирмаганини кўрсатмоқда. Хуллас, 1942 йилда юз берган шаклланиш жараёнларида Вали Қаюмхоннинг ягона масъул шахс бўлгани шубҳасиз. Ундан ташқари барча комиссия аъзолари туркистонлик ҳарбий асирлардан иборатдир.

Вали Қаюмхон, бир томондан, Олмония расмийларининг ишончини қозонадирган мустақил бир сиёсий нашр яратишга интиларкан, иккинчи томондан, кирган соҳасида ўзини лидер сифатида таниттиришга ҳам бел боғлаганди. У туркистонлик ҳарбий тутқунлар наздида немислар тарафидан бир мавқега қўйилган инсон эмас, балки хорижда Туркистон учун курашаётган муҳожирлар ташкилотининг эътиборли аъзоси ўлароқ ном қозонишни муҳим деб биларди. Қисқа муддат ичида у ҳам Чўқай каби советлар мамлакати ичида ва ташқарисида яшаётган туркистонликлар орасида тилга тушди ва қисман расман танила бошлади. Аммо бу Вали Қаюмхон учун етарли эмасди. “Миллий Туркистон” журналида у шундай ёзади:

> “Бугун туркистонликлар шунақа яхши аҳволда экан, уларга олмон ҳукумати ҳурмат кўрсатаётган экан, бунга осонликча эришилмади ва бу бирданига бундай бўлиб қолмади. Бу бизнинг йигирма йиллик фаолиятимиз натижасидир.”[762]

“Миллий Туркистон” журналининг бошқа бир сонида босилган яна бир мақолада ҳам унинг мавқеини янада мустаҳкамлашга уринилаётгани сезилиб турибди:

> “Мустафо Чўқай Францияда фаолият кўрсатаркан, Вали Қаюмхон ҳам Туркистон масаласи билан шуғулланиб, Олмонияда ҳаракат қилаётганди. Ҳар икковининг мақсади ҳам битта эди: Туркистон мустақиллиги. Совет-олмон уруши бошланганида, Вали Қаюмхон Парижга бориб, Мустафо Чўқайни Олмонияга, ўз ёнига олиб келди. Қўлни қўлга бериб ишга киришдилар... Мустафо Чўқай ўлим тўшагида

[761] Benzing, *Erkin Türkistanning yazuv tili*, ‘‘Milliy Türkistan’’ mecmuası, 1942, sayı 2, s. 28.
[762] Kayyum Han, *Türkistan eli menen legionçilar birligi*. ‘‘Milli Türkistan’’ mecmuası 1942, sayı 5, s.2

ётаркан, Вали Қаюмхонга: “Сизнинг олдингизда кўп оғир кунлар бор, ёлғизсиз. Туркистоннинг барча ишларини сизга қолдиряпман. Асирлар турмасида кўрганимиз Туркистон ёшлари бор экан, Туркистон истиқлолини қозонади,” деди.”[763]

Юқоридаги гаплардан ҳам кўриниб турибдики, Вали Қаюмхон немислар билан ҳамкорликда қилаётган ишларини 1920 йиллардан бери давом этаётган Туркистон миллий ҳаракатига боғлашга, унинг давоми сифатида қаралишига алоҳида уринмоқда. ТМБнинг барча аъзолари Туркияда бўлгани боис, Туркистон миллий бирлигига аъзо эмаслиги ва унинг ҳуқуқий дастагидан маҳрумлиги учун бу давомийликни Мустафо Чўқай шахсида гавдалантиришга тиришмоқда. Агарда Чўқайнинг меросичис сифатида қабул қилинса, табиийки, туркистонликлар лидерига айланиши муҳаққақ. У ҳолда, фақат ҳарбий асирларгина эмас, айни замонда, хориждаги барча туркистонликларнинг қўллаб-қувватлашига эриша оларди.

ТУРКИСТОН ЛЕГИОНИ

“Тутқунларни кеча кечаси ёки бугун эрталаб қамоқдан чиқариб, бу ерга олиб келишгани аниқ. Баъзилари ярим ялонғоч, ялангоёқ, мадорсизликдан аранг тик туришарди. Бари жим... Бу ҳолат узоқ давом этмади.

Юк машинасида мажолсиз, гаранг борардим. Қулоғимга “Туркистон қўшини” деган сўзлар эшитилди. Шу пайт бирдан, нимагалигини ўзим ҳам унча англамаганим ҳолда, ичимда қотиб қолган туйғуларимнинг уйғонаётганини ҳис этдим, кўз ўнгимда зулматдан ёриб чиққан нурли манзара жилвалана бошлаганди: Туркистон қўшини... Ёш умримда ҳеч вақт тилга олмаганим бу икки сўз бир гулдай очилиб, сувсаган, қуруқ дудоқларимда такрорланди... Машинамиз дам олиш учун тўхтаганида, яна унга оч ва шалвираган туркистонликлар чиқариларди...

Апрелнинг қуёшли бир тонги эди, адашмасам. Машинамиз Варшавадан ўттиз километр масофадаги, жанубий шарқдаги Легинова қасабасига етиб борди. Биз ва сўнгра орқадан келган машиналардаги асирлар бирин-кетин ерга тушиб, икки четини акас дарахтлари қоплаган катта йўлда тўпландик. Қаршида икки қаватли қўмондонлик биноси, нарироқда тахтадан қурилган бараклар жойлашган. Бу ер Лахистон ўрдусунинг эски қароргоҳи эмиш. Энди Туркистон легиони қароргоҳи... Бурилиш нуқтаси. Ҳаётимда мен учун янги йўл очилмоқда эди. Бу йўл сўнгида мени нелар кутаётганини билмасдим... Аммо шу ҳолимдан ҳурсанд эдим, чунки бу йўлда ёлғиз эмасдим... Тирик қолгандим, шу борлиғимда ҳар нарса бор эди...

Ечиниб, ювиндик. Эски совет ҳарбий кийимларини ўтга ташладик. Эгнимизга олмонча либослар кийдик... Сўнгра сафга тизилдик. Ёш бир қозоқ тўкис русчада бизга хитоб айлаб, энди тутқун эмаслигимизни, Туркистон легиони сафларида аскар эканимизни ва бундан кейин

[763] *Mustafabek Çokayoğlu*, ‘‘Milli Türkistan’’ 1943, sayı 34-35, s.5

> Туркистон учун курашажагимизни таъкидлади...Мен ҳалиям туткун эдим… Ҳарбий асирлар қамоғининг ташқарисидайдим, қорним тўқ, аммо асирман…Бироқ руҳим ҳур эди…
>
> Ҳур руҳимни қувонтириш йўлини қидириб топишим керак эди, бундан бошқа бирор нарсани истамасдим...”[764]

Қирим татар ёзувчиси Чингиз Тоғчи ўша йилларни шундай эслайди. Дарҳақиқат, ўн мингларча ҳарбий асирлар учун умид эшигини очган Туркистон легиони 1942 йил январ ойида ташкил қилинганди. Умуман олганда у ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва тожикларга мансуб ҳарбий1 асирлардан тузилганди. Шунингдек, айни замонда ўз миллий легионлари тузилмаган қиримликлар ва эдил-ўроллик туткунлар ҳам Туркистон легионига юбориларди. Ташкил этилиш жараёни юқорида айтилган барча миллий легионлар генерал Оскар фон Бройтигам қўмондинлигидаги 162 туман сафига бириктирилганди.

Нийдермайер биринчи жаҳон уруши пайтида Туркия ва Эронда бўлган, кейин Афғонистонга йўлланган Олмония ҳайъатининг ҳарбий раҳбари ҳисобланарди. Ўша пайтларда у инглизларга асир тушибқолган, Хазар денгизидаги Наргин оролида қамоқда ўтирган, бўлшевиклар тўнтаришидан кейин озодликка чиқиб, юртига қайтарилган тажрибали, кўпни кўрган ҳарбий эди. У шарқ ўлкаларида бажарган хизматлари учун кайзер Вилҳелм тарафидан қаҳрамонлик нишони билан мукофотланганди. Турк халқлари билан яқиндан таниш эди.[765]

Қамоқлардаги ҳарбий асирлар, агар истасалар, Туркистон легионига бориб қўшилишлари мумкинлиги тушунтирилганди, кўнгиллилар бу ерга юбориларди. Легион аскарларидан Абдураҳмон Касанли[766] ўз хотираларида шундай ҳикоя қилади:

> “120 минг киши асирга тушдик. Бизни бир ерга тўплашди. Саккиз кеча-кундуз тартибли ҳолда юрдик. Сув йўқ, нон йўқ, ёмғир тинмасди. Ёмғир остида ётиб-туриб йўл босдик. Украинадаги кенг бир водий. Йўл четида ҳайвон тезаклари аралашган сув халқоблари учрайди. Улардан ичамиз... Сим тўрлари билан ўралган бир қамоқхонага етиб келдик. Орамизда ҳар миллатдан инсонлар бор... Туркмада жуҳудларни қидириб қолишди... Бизнинг йигитлардан кўпчилигини ўлдиришди, яҳудий деб... Ичимизда русияда ўқиган, русчани яхши биладиган ўзбек йигитлар бор эди. Улар немис қўмондонга бориб, бизнинг жуҳуд эмаслигимизни тушунтиришди. Шундан кейин ўлимдан қутулдик... Қамоқдаги аҳвол жудаям расво эди. Очликдан силламиз қуриди. 1920 йилларда

[764] Dağcı, *Hatıralarda Cengiz Dağcı*, s.121-128

[765] Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Peter Hopkirk, *İstanbul`un Doğusunda Bitmeyen Savaş*

[766] Абдураҳмон Касанли 1942 йилда немисларга асир тушган. Кейинроқ Туркистон легионига қўшилиб, Пўлша, Югославия, Можористон ва Австрияда жангларга қатнашди. Уруш охирида Италияда инглизларга асир тушиб қолди. Уруш тугагач, бир муддат Олмонияда турди. !949 йилда Туркияга келди, Нозиллига жойлашди. 1975 йилда Нозилли пахта тадқиқотлари ташкилотидан нафақага чиқди. Хотираларини китоб қилиб ёзганида Нозиллида яшаётганди.

> Олмонияга ўқигани келган ўзбеклар бор экан. Улардан Вали Қаюмхон келди ва мен сизларни қутқараман, бу ердан қутулишни истайсизми, деди. Биз ҳам кўнгилли бўлиб, ҳа, дедик. Зотан олдимизда икки йўл бор эди: ўлим ё бу ердан чиқиб кетиб қутулиш. Табиийки, қутулишни танладик... Бизни бошқа бир асирлар турмасига олиб боришди, уч ой у ерда қолдик. Немис қўшинлари ичида Туркистон бирлиги ташкилоти ибор экан. Кийимизнинг қўл тарафига "Оллоҳ билан билан" деган ёзувни тақишди..."[767]

Кўриниб турибдики, Туркистон ҳарбий асирлари учун ҳаётда қолишнинг бирдан-бир йўли Туркистон легионига қўшилиш эди. Комиссиялар тутқунлар турмасини бирма-бир кезиб, текшириб, асирлар орасидан кўнгиллиларни танлашарди. Аммо милйўнларча асирлар бор экан, ҳар бири билан яккама-якка гаплашиш, устига-устак кўнгиллиларини ҳам ажратиб олиш жуда қийин эди. Зотан бир муддат ўтгач, ҳарбий асирлардан жабҳада фойдаланиш иши юришиб кетгач, кўнгилли-мўнгиллисига қараб ўтирилмади. Киевдаги бир асирлар турмасида бўлган Туркистон легиони аскари Олим Работли хотиралари билан танишаркансиз, тутқунлар легионларга мажбуран олингани аён бўлади:[768]

> "Киевдаги бир асирлар қамоғига тушгандим. 20 минг қадар тутқун бор... Кунда 20-30 киши очликдан ўлади. Бит деганинг ғиж-ғиж. Хайрият, худо сақлади, қутулдик...
>
> 1942 йил 25 февралда бир немис зобити, ёнида оддий кийинган битта таржимон келди. "Ким Муҳаммадий, мусулмон бўлса, қўлини кўтарсин" деди. Қўқрққанлар қўлини кўтармади. Бизга ўхшаган қўрқмаган қўлини кўтарди... У ердаги 20-25 минг тутқун ичидан уч минга яқин мусулмон ажралиб чиқдик. Бизни станцияга олиб бориб, қизил поездга миндиришди. Тўрт юз километр наридаги Равли деган шаҳарга элтишди. У ердаги эски бир рус горнизонини биз учун тайёрлашган экан. Рус ҳарбий кийимларини ечиб улоқтирдик, ҳаммомга тушиб ювиндик, кейин немис кийимларини ва этикларини кийдик. Немис аскари бўлиб чиқдик... Бизни кўнгилли Туркистон аскарлари дедилар. Ўнг қўлимизга юмолоқ латтага битилган "Оллоҳ биз билан" ёзувини тақдик. Ўша ерда ҳарбий таълим олдик. Кейинроқ Русиянинг бир шаҳрига олиб боришди... Ўша ерда жангга кирдик."[769]

Бошида Туркистон легиони тўртта қисмдан, беш бўлук, яъни рўтадан иборат эди. Келтирилган ҳарбий тутқунлар иикки ҳафтача тўйдирилиб. Сал ўзига келтирилгач, ҳарбий таълим бериларди. Сабоқ икки ойча давом этарди. Таълим олганлар гуруҳ-гуруҳ ҳолида турли немис жабҳаларига жўнатиларди, ўрнига янгилари олиб келинарди.

---

[767] Hasan Altınbaş. *Özbek Türkleri Tarihi. Canlı Şahitler, Aziz Hatıralar*. Yayınlanmamış Lisans Tezi, Konya, 1996, s. 20-24.

[768] Туркистон легиони аскари бўлган Работли Русия, Руминия, Нормандия жабҳаларидаги урушда қатнашган. 1949 йилда Туркияга келган, Ойдинга жойлашган.

[769] Hasan Altınbaş, *Özbek Türkleri Tarihi*, s.34

Бошланғич даврда сабоқ олган легионичилар кўпроқ темир йўлларни ва қуро-аслаҳа омборларини қўриқлашга қўйилган. 1942 йил ёз ойларига келиб, Украина ва Пўлша каби ишғолга учраган ўлкаларда партизанчилик ҳаракати кучайгач, у ерларда қўриқловчи кучлар етишмагани боис, Туркистон легиони аскарлари муҳофаза ишларига жалб этилди. Илк бор жангга кирган ёлланма туркистонлик ҳарбий асирлар Туркистон легионининг биринчи батальонига мансубдир. Улар 1942 йил 3 майда қизил партизанлар билан урушгани Брянск ўрмонларига юборилди. Берилган топшириқ муваффақиятли бажарилди, шундан кейин Туркистон легиони аскарлари шу йилнинг ўрталаридан эътиборан бошқа жабҳаларга ҳам жангга юборила бошланди.

МИЛЛИЙ ТУРКИСТОН БИРЛИК ҚЎМИТАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТУРКИСТОН ЛЕГИОНИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Вали Қаюмхон кўп уринишларидан кейин, ниҳоят. Туркистон номидан фаолият юритишга ҳақли расмий, сиёсий бир қўмитанинг қурилиши кераклигига немис мутасаддиларини ишонтириб, кўндиришга эришди. Қаюмхоннинг айтишича, у қўмитанинг тузилиши жараёнида шарқ вазирлиги расмийлари билан асосан уч тамал масалада иш олиб борган. Биринчиси – Туркистонга оид барча сиёсий фаолият қўмита назоратида бўлиши лозим. Туркистон легиони ҳам қўмита назоратида туради ва легион аскарлари немис аскарлари билан тенг ҳуқуққа эга бўлади. Молиявий тарафдан эса, қўмита ва легионнинг барча эҳтиёжлари олмон ҳукумати томонидан қаршиланади ва Туркистон истиқлолини қозонгач, бу қарз немисларга тўланади.[770]

“Миллий Туркистон” журналининг 1942 йил ноябр ойи сонида Миллий Туркистон бирлик қўмитаси (МТБҚ) тузилгани эълон қилинган. Бошқаруви бу қўмита томонидан юритиладиган Туркистон легиони ҳам “Туркистон миллий кураш қўшини” дея танитилган. Вали Қаюмхон Ҳиммлерга ёзган хатида қўмитанинг расмий тузилиш вақтини 1942 йил 14 ноябр дея билдирган. 21 кишидан иборат Миллий Туркистон бирлик қўмитасида бошлиқдан ташқари бир бош котиб, шунингдек, аскарлик, таълим, билим, адабиёт, нашр, хабар, соғлиқ каби соҳаларга оид бўлимлар, уларнинг раҳбарлари ва ёрдамчилари мавжуд эди. Қўмитанинг тузилиши эълони билан бирга алоҳида билдирув матни ҳам босилди. Қуйидаги билдирув матни ўрганилганида, унда бошқарув ва лидерлик мавзуси аниқ-тиниқ баён этилгани маълум бўлмоқда:

> “Қўмита Туркистонга оид барча сиёсий ишларни (бугунда ва келажакда) идора этади ва Туркистон миллий кураш бирлигини

[770] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбат (Аҳат Андижон архиви).

йўналтиради. Туркистон миллий бирлик қўмитаси Туркистон миллий ҳукумати тамалини ташкил этади. Қўмитанинг тузилишидан бошлаб ягона раҳбар қонунига амал қилади ва қўмита бошлиғи Вали Қаюмхондир. Туркистонга оид бутун ишлар (бугунда ва келажакда) али Қаюмхон қўлидадир."[771]

Билдирув охирида бу қарорларнинг олмон ҳукумати тарафидан тасдиқлангани таъкидланган. Ўшандан кейинги йилларда юз берган кўпгина келишмовчиликлар ва тушунмоқчиликларга сабаб бўлган ана шу "ягона раҳбар" (фюрер) принципи, Қаюмхон айтганидек, фақатгина Олмониядаги фаолиятлар билан чекланмайди. "Миллий Туркистон" журналида босилган савол-жавоб тарзидаги бир мақолада, жумладан, бир легионернинг "келажакда Туркистондаги бошқарув қанақа бўлади" деган сўроғига "Туркистон ягона фюрер томонидан идора этилади. Раҳбар атрофида маслаҳатчилари бўлиши мумкин" дея жавоб берилган. Яъни, ягона раҳбарга қарши чиққанларга йўл қўйилмаслиги аниқ айтилган.[772]

Қўмита билан бир пайтда Туркистон миллий ёрдам сандиғи ҳам ташкил қилинган. Туркистон легионига келган ҳар бир аскарнинг ойлигидан бир марка, кичик мансабли аскарлардан икки марка, катта мансаблилардан эса ўн-ўн беш маркадан[773] бу кўмак сандиғига олиб қолинган. Қўмита тузилгани эълон қилинган "Миллий Туркистон" нусхасида легион қўмондони мингбоши Эрнескенинг бу сандиқни маъқуллаган бир мақоласи ҳам босилган. Ҳар ой бу тарзда тўпланган пул МТБҚ фаолиятлари учун сарфланиши айтилган. Олмон ҳукуматининг тўғридан-тўғри ёрдами бўлмаса ҳам, шу йўл билан қўмита ишини юрита олиши таъминланган.

Вали Қаюмхон 1942 йил декабр ойида, тўрт ҳафта давомида Туркияни зиёрат қилди. Бу саёҳат Олмониянинг Туркиядаги элчиси фон Папен истагига кўра амалга оширилди. Папен Шуленбургга мурожаат этиб, Қаюмхоннинг Туркияга келиб, турк раҳбарияти билан учрашиб, уларга легион ҳақида тушунча берса, фойдали бўлади, деганди. Эҳтимол, турк сиёсий доираларига Олмониянинг шарқ сиёсатида турк ирқларига аҳамият берилаётганини билдириб қўйишни ўйлагандир. Немислар айни шу даврда ўзаро тенглик сиёсатини қўллаётган Туркияни ўз томонига оғдириш, фойдаланиш учун ҳар турли йўлга бош ураётганди. Турк сиёсий доираларига кўрсатиш, эътибор қозониш учун Вали Қаюмхоннинг қўлига Луйббрандт имзо қўйган, Туркистон мустақиллиги тан олинган бир расмий ҳужжат ҳам берилганди.[774] Вали Қаюмхон бу зиёрати чоғида Туркия Бош қўмондонлиги ва муҳофаза мутасаддилари билан мулоқатда бўлди. Шунингдек, Мустафо Чўқайнинг яқин кишилари ва даврадошлари


[771] "Туркистон миллий қўмитасиндан". "Милилй Туркистон" журнали 1942 й. 8-сон, 1-б.
[772] Bet-Alman. *Führer Prinsip Cöninde*, ''Milli Türkistan'' 1943, sayı 25-26, s.32
[773] Reichsmark – райх маркаси, пул бирлиги.
[774] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбат (Аҳат Андижон архиви).

ҳисобланган эски ТМБчилар билан ҳам кўришди.[775] Туркиядан қайтаркан, Вали Қаюмхонга Олмония ҳукумати тарафидан дипломат мақоми ва давомли дипломатик паспорт берилган.[776]

ТУРКИСТОН ЛЕГИОНЛАРИ ЖАНГ МАЙДОНЛАРИДА

Миллий Туркистон бирлик қўмитаси (МТБҚ) расман тузилиши билан бирга Туркистон легиони ҳам қўмитанинг ҳарбий қанотига айланганди. Шу сабабли легион фаолиятида қўлланиладиган усуллар ва тимсоллар ана шу ҳолни кўрсатадиган шаклда янгиланди. Легионга қўмондонлик қилган мингбоши Ҳауптманн Эрнеске ва кейинроқ унинг ўрнига тайинланган мингбоши Оберст Моеллер миллий қўмита ишларини чин дилдан қўллаб-қувватлади, МТБҚнинг легионга таъсири ва раҳбарлигидаги кенгайиш ва кучайишни маъқуллади.

Легионга юбориладиган аскарларнинг танланиши МТБҚга боғлиқ ва тамоман туркистонликлардан тузилган кўп сонли ҳайъатлар тарафидан юритилаётган эди. Махсус таълимни тугаллаган ҳарбий асирлар ўз миллий байроқлари остида, иккитадан бўлишиб, Қуръон қаршисида, қўлларидаги қилични уриштирган ҳолда тутиб, навбат билан қасам ичишарди. Шундан кейин расман легион аскари ҳисобланишарди. [777]



Ўзбек ва туркман аскарлари тақкан “Оллоҳ биз билан ёзувли қўллик-боғич.



Қозоқ ва Қиргизлар тақкан “Тангри биз менен” ёзувли боғич.


[775] Китоб давомидаги “Иккинчи жаҳон уруши даврида Туркия” бўлимига қаранг.

[776] Вали Қаюмхон 1991 йилда ўтказган шахсий суҳбатимизда, жумладан, аслида Адлон йиғилишига тайёрлик кўрилаётган жараёнда бажараётган ишлари учун дипломатик паспорт берилганини, сиёсий муҳожирлар билан учрашувларни ана шу паспортдан фойдаланиб амалга оширганини айтганди. Сўнгра, Туркия зиёратидан кейин паспорти ҳам, дипломатик мавқеи ҳам расман давомийлик қозонганини таъкидлаганди.

[777] Hayit, *Sovyetler Birliğinde Türklüğün ve İslam'ın Bazı Meseleleri*, s.202



Қўлга тақилган Туркистон легиони туғроси.



Туркистон легиони байроқчаси.

Қўмита томонидан легион учун танланган байроқ Мустафо Чўқай тавсия этган ва ТМБнинг 1939 йилдаги қурултойида тасдиқланган байроқнинг айни ўзи эди. Аммо бунга гуржилар ва арманилар эътироз билдириб, бу байроқ пантуркизм тимсоли, дея ижирғандилар. Насронийларнинг бу эътирозларини немислар қабул қилгач, ой ва юлдуз ўрнига ёй ва ўқ шакли қўйилди.[778]

Туркистоннинг машҳур миллий шоири Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг “Гўзал Фарғона” шеъри “Гўзал Туркистон” дея ўзгартирилиб, Туркистон легионининг маршига айлантирилган.[779] Туркистонлик аскарларнинг ҳарбий кийимларида алоҳида ажралиб турадиган белгилар ҳам бўлган. Ўзбек ва туркманлар чап қўлларига

[778] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбат (Аҳат Андижон архиви).

[779] Бу ҳарбий қўшиқ матни қуйидагича:

Гўзал Туркистон, сенга не бўлди / Сабаб, вақтсиз гулларинг сўлди
Оҳ, гулларинг сўлди.

Чаманлар барбод, қушлар ҳамфарёд / Ҳаммаси маҳзунг, бўлмасмидир шод,
Оҳ, бўлмасмидир шод.

Билмам не учун қушлар учмас боғчаларингда / Оҳ, боғчаларингда,

Бирлигимизнинг тебранмас тоғи/ Умидимизнинг сўнмас чироғи,
Оҳ, сўнмас чироғи,

Бирлаш, эй халқим, келгандир чоғи / Безансин эмди Туркистон боғи,
Оҳ, Туркистон боғи

Қўзғол, халқим, етар шунча жабру жафолар / Оҳ, жабру жафолар.

Ол байроғингни, қалбинг уйғонсин / Қуллик, асорат – барчаси ёнсин,

Қур янги давлат, ёвлар утонсин / Ўсиб Туркистон, қадринг кўтарсин,
Оҳ, қадринг кўтарсин

Яйраб-яшнаб ўз ватанинг гулбоғиларинда / Оҳ, гулбоғларинда.

масжид расми ва тепасига “Оллоҳ биз билан” деб ёзилган боғич тақишарди. Қозоқ ва қирғизларнинг боғичларига эса. “Тангри биз менен” деб ёзилганди. Кийим ёқасига тикилган рангли матодаги ой ва юлдуз тасвири аскарнинг Туркистон легионига мансуб эканлигини билдирар эди.[780]



Туркистон легионида бир бўлимга байроқ бериш маросими, 1943 йил.

[780] Dr. Klietmann*, Die Deutsche Wermacht bis 1934-1945*. Die Ordensslamlung, 5 sec., s. 1-4.

Буюк Олмония радиоси[781] қошида ҳам миллий легионлар учун бўлимлар очилганди. Улардан бири Туркистонга оид бўлиб, легион аскарлари учун эшиттиришлар бераради. Эшиттиришлар бошида “Туркистон марши” айтиларди, кейин ҳарбий мавзулардаги хабарлар, диний вам аданий соҳага оид суҳбатлар, мусиқа ва қўшиқлар тақдим этиларди. Энг катта легион Туркистон легиони бўлгани боис энг узун эшиттиришлар ҳам бу бўлимга мансуб эди. Бундан ташқари, Олмония советларга қарши халқаро миқёсда тарғибот ишлари олиб бормоқда ва бу соҳага Туркистон қўмитасининг баъзи аъзолари жалб этилганди. Бу фаолиятлар Геббелс раҳбарлигидаги пропаганда ташкилоти тарафидан амалга оширилаётганди.

Айни замонда Туркистондан мингларча километр узоқларда, немислар жабҳасида олиб борилаётган бу курашни мантиқли бир асосга қўйилиши эҳтиёжи туғилганди. Легион аскарларининг ўз-ўзидан “Бу ерларда менинг нима ишим бор?” ёки “Бу урушнинг Туркистонга қанақа алоқаси бор?” деган сўроқларига жавоб тайёр турмоғи лозим эди. Худди ана шу мақсад нашрлар ва радиоэшиттиришларда, бошқа тарғибот-ташвиқот ишларида амалга оширилмоқда эди.

Легиондаги махсус таълим пайтида аскарларга немисча ўргатиларди. Уларнинг олмон жамияти ва ҳаёти билан яқиндан танишишлари учун гуруҳ-гуруҳ ҳолида Берлин каби марказий шаҳарларга саёҳатга олиб бориларди. Шунингдек, легионларда сиёсий муҳитни шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда, бундай ишлар ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда эди. Буларга ёндош Миллий Туркистон бирлик қўмитаси ҳам легион ичида, ҳам бошқа турли жабҳалардаги мустақил бўлинмалар орасида жиддий сиёсий фаолият юритмоқда эди. Миллий мустақиллик бу ҳаракатлардаги бош мавзу, энг муҳим йўналиш ҳисобланарди. Қайдсиз ва шартсиз том истиқлолни фақат советларнинг енгилиши, бўлшевизм ва рус шовенизмининг чўқиши натижасидагина қозониш мумкин, деган тушунча барчага уқтирилмоқда эди. Аскарлар онгига сингдирилаётган яна бир муҳим фикр Туркистон бирлиги ва бутунлиги ғояси эди. Хусусан, ҳар қанақа шароитда ҳам қавмчилик, маҳаллийчилик қилинмаслиги кераклиги аскарлар миясига қуйилмоқда эди. Нашрларда бўлшевизмга ва рус шовенизмига қарши кураш мавзуси доим кўтарилмоқда, немислар билан биргаликда советларга қарши олиб борилаётган бу жанглардан ягона мақсад Туркистон истиқлолидир, деган фикр илгари сурилмоқда эди:

> “Туркистон йигитларидаги миллий туйғунинг теранлиги олмон дўстларимизни ҳайрон қолдирди. Туркистон аскарлари ўз миллий ҳаракатимиз билан совет ҳукуматини таг-томири билан йўқотиш учун қуролландик. Олмон оғаларимиз билан биргаликда советларга қарши

[781] Gross Deutsche Rundfunk.

курашамиз. Туркистонда миллий истиқлол байроғини тикмоқ ғояси билан бу йўлга кирдик.”[782]



Туркистон аскарлари расмий кўрик пайтида.

Айни замонда Туркистондан мингларча километр узоқларда, немислар жабҳасида олиб борилаётган бу курашни мантиқли бир асосга қўйилиши эҳтиёжи туғилганди. Легион аскарларининг ўз-ўзидан “Бу ерларда менинг нима ишим бор?” ёки “Бу урушнинг Туркистонга қанақа алоқаси бор?” деган сўроқларига жавоб тайёр турмоғи лозим эди. Худди ана шу мақсад нашрлар ва радиоэшиттиришларда, бошқа тарғибот-ташвиқот ишларида амалга оширилмоқда эди.

[782] Легион аскари Қурол. “Туркистонда аскарий мажбурият” – “Миллий Туркистон” мажмуаси, 1942 й. 2-сон, 28 б.

Миллий қўмита тузилганидан кейин Туркистон легионининг доираси, мавқеи ва бу ерда таълим кўриб, жабҳага жўнатиладиган аскарлар сони ҳам анча ортди. 1942 йил май ойидан илгари ўқитилган аскарлар кичик-кичик гуруҳлар ҳолида ва асосан жабҳа ортидаги муҳофаза йўналишида хизмат қиларди. Энди эса, улар тўғридан-тўғри тўрт гуруҳдан, умуман олганда, бошлиқлар ва махсус вазифадаги шахсларни қўшганда, 750 кишидан иборат эди. Ҳар бир бўлимдаги бошлиқлар ва аскарларнинг 15 фоизини олмонлар ташкил этарди.

Уруш бўйича жабҳаларда жанг қилган Туркистон бўлимлари сони номаълум, айнан қайси жабҳаларда қатнашганини ҳам билиш қийин. Фельдмаршал Манстейн раҳбарлигидаги жануб қўшинларига оид тарқалган нашрлардаги бир буйруқда таъкидланишича, уларга боғлиқ шарқ легионлари рўйхатида ёзилганига кўра, марказ қароргоҳ бўлимларида, биринчи ва тўртинчи Панзер қўшинлари таркибида ва олтинчи қўшин ичида кўп сонли Туркистон легиони гуруҳлари хизмат қилган.[783]

Доктор Боймирза Ҳайит тадқиқотларида таъкидланганидек, 1944 йилга келиб, олмон жабҳаларига юборилган туркистонлик аскарлар сони 180 минг атрофида (аниқроғи 181.402 та) эди. Шунингдек, немис ҳарбий кийимини кийган, аммо ишчи сифатида хизмат қилаётган 85 минг туркистонлик ҳам бор эди.[784] 180 минг кишилик туркистонлик жангчилар орасида туркистонлик зобитлар атиги 87 та эди. Улардан 13 таси Миллий қўмитага, 51 таси олмонлар ооий қўмондонлигига ва 23 таси эсэс ташкилотига боғлиқ ҳолда вазифасини бажармоқда эди.[785]

Туркистон легионида таълим кўрган ва жабҳаларга йўлланган ҳарбийлар уруш давомида советларга қарши жуда жиддий жанг олиб борганлар. Сталинград олишувларида учта Туркистон легиони бўлимидаги аскарлар энг сўнгги нафарга қадар урушгани ва ўлгани маълум.[786] Легионнинг 450-бўлими май ойида Украинанинг Жампўл деган еридаги жангда ўзидан бир неча баробар кўп душманга қарши курашиб, уларни тумтарақай қочирган.[787] Айни пайтда бўлимда фақат икки олмон зобити бор эди ва 28 киши бой берилганди холос. Харков яқинларидаги бир жангда эса, бошқа бир Туркистон легиони аскарлари руслар билан олишаркан, қуршовга тушиб қолгач, душман ўровини ёриб чиққандан кейин, орқада бир немис қўмондоннинг жасади қолиб кетганини билиб, тағин ортга қайтиб, уни олиб чиқиб, вафо

[783] *The Organization of the Eastern Units in the area of Heersgruppe Süd, 30 April 1943*. www. Angelraybooks.com.|diewehrmacht|html.
[784] Hayit, *Sovyetler Birliğindeki Türklüğün ve İslam`ın Bazı Meseleleri*, s. 204
[785] Caroe, *Sömürülen Topraklar*, s. 346. (Др. Боймирза Ҳайит эса, туркистонлик зобитлар сонини анча кўп бўлганини билдирган, аммо аниқ рақам кўрсатмаган.)
[786] Юқоридаги асар, 348 б.
[787] Hostler, *Turkism and the* Soviets, s.179

кўрсатганлари маълум.[788] Жанг майдонларидан келган билдиришлар билан танишар экан, ҳатто Ҳитлер ҳам легионлардаги мусулмон туркларнинг жанговарлигига қойил қолган.[789]

Уруш чоғида немислар совет жабҳалари ортига қарши йўналтирилган баъзи ишларни олиб борган. Бундан мақсад Туркистон легиончиларидан танланган ва махсус хизмат ташқилоти тарафидан ўқитилган жосусларни ҳаво йўли орқали мўлжалланган ерларга ташлаш эди. Зотан 1941 йил май ойида, яъни "янги барбаросса" ҳаракати бошланишидан олдин, "Walli 1" деган махсус жосуслик ташкилоти тузилганди. Унинг вазифаси советлар давлатини ичидан чўқтиришга йўналтирилган, жабҳа ортида ишлайдиган, ҳукуматга қарши турли фитналар уюштирадиган, норозиликлар ва миллатлар орасида нафратни кучайтириб, жанжал чиқарадиган жосусларни етиштиришдан иборат эди.[790]

1942 йил ёз ойларида Қафқаз минтақаси немислар назорати остига кирди. шу муносабати билан бу ўлкадаги ҳаво майдонларидан фойдаланиш ва жабҳа ортидаги фаолиятларни юритиш имкони туғилди. Қиримлик Мустажиб Улкусал иккинчи жаҳон уруши даврига оид хотираларида, жумладан, Берлинда бир туркистонлик билан танишганини, унинг сўзларини шундай баён қилган:

> "Мен ўзбекман. Тошкентликман. Отим Усмонбек, йигирма саккиз ёшдаман. Туркистондаги таниқли зотлардан Мунаввар қорининг укаси Рустам қорининг ўғлиман. Бўлшевиклар отамни 1932 йилда ўлдирдилар. Қизил қўшин сафида заҳирадаги лейтенант сифатида урушга кирдим. Бир ҳафта ўтгач, Вязнада бир автомобилни олиб, икки туркистонлик, уч рус биргаликда қочдик ва немисларга таслим бўлдик. Эндиликда кўнгиллилар легионидаман, бошлиғимиз Вали Қаюмхон. Шу кунларда мени учоқда, хабар олиб-бериб турадиган радио жиҳозим билан бирга руслар тарафга ташлаб келишмоқчи. Мен бу томонга хабар жўнатиб тураман. Имконини топсам, Ўзбекистонга бораман, у ерда бузғунчилик тарғиботини юритаман."[791]

Ўша 1942 йилнинг ўзида, аниқ сони номаълум бўлса-да, аммо ўн икки киши дея тахмин қилинган бир гуруҳ, ясама ҳужжатлар билан Туркистоннинг турли вилоятларига жосус сифатида кириб келган. Улар Туркистонда аввалдан яширинча иш юритган махфий ташкилотлар билан муносабат ўрнатган. Тошкент, Омаота, Душанба каби шаҳарларда иш юритиб, Қафқаздаги немис раҳбарлари билан симсиз боғланиб, керакли билгиларни юборган, топшириқлар олган. Белорусияда хизмат қилаётган туркистонлик генерал Миркосим бу айғоқчиларни билиниб қолишдан сақлаб турган шахс эди. Урушда советларнинг устунлиги ойдинлашган

[788] Caroe, *Sömürülen Topraklar*, s 349
[789] Hofmann, *Die Ostlegionen*, s. 25
[790] Mühlen, *Gamalı Haç ile Kızılyıldız Arasında*, s. 178
[791] Ülküsal, *İkinci Dünya Savaşı Berlin Hatıralarım*, s. 134

1944 йилда жабҳа ортида иш кўрсатаётган жосус гуруҳлари ўз-ўзидан ғойиб бўлган.[792] Алихон Оғаўғли бошчилигидаги бир тўданинг ўшанда Қозоғистонга юборилгани ва қизиллар қўлига тушиб, ўлдирилгани ҳақида коммунистлар матбуоти 1960 йилларда баъзи маълумотларни эълон қилди.[793]

Вали Қаюмхоннинг айтишича, гарчанд аниқ исмлар ва рақамларни тилга олмаса ҳам, ўшанда Туркистонда фаолият кўрсатиш учун кўплаб жосус тўдалари ўқитилган, тайёрланган ва Қафқаздаги ҳаво майдонларидан кўтарилган учоқлар воситасида, парашютлардан жабҳа ортидаги керакли ерларга ташланган. Шунингдек, Қаюмхоннинг таъкидлашича, уруш охирлаб қолганида, бу айғоқчи гуруҳларга у "турган жойларингда изларингни йўқотиб, ғойиб бўлинглар" дея буюрган.[794]

Легиончилар шунақа ишларни бажарганларига қарамасдан, немисларнинг мусулмон туркларга қаратилган палапартиш муносабатлари давом этарди. Масалан, Туркистон легионида ёки жабҳалардаги бўлинмаларда хизмат қилаётган олмон ҳарбийлари туркистонлик зобитларнинг буйруғига қулоқ осмасди. Гарчанд хизматда бошқалар билан унвонлари тенг бўлса ҳам, туркистонлик зобитлар бу тарзда ерга урилмоқда эди. Легиончиларга берилган қуроллар ҳам немислар тарафидан советлардан қўлга туширилган аслаҳалар ҳисобланарди. Улар олмон корхоналарида тайёрланган қуролларга нисбатан анча сифатсиз эди. Бу муомала тагида коммунизмнинг келиб чиқиши осиёликларга боғлиқ деган фашистча қараш ётарди, ҳалиям эсэсчилар ёлланма аскарларга ана шу нуқтаи назарга кўра муносабат қилишарди. Немисларнинг ана шу тутуми хусусан урушнинг сўнги йилларида ўз таъсирини кўрсатмай қолмади, албатта. Шу туфайли шарқий жангоҳлардаги ғайрирус миллатларга мансуб аскарларда бошқача тушунча шаклланди.

Хуллас, бу орада, урушнинг натижаси кўриниб қолгач, немислар айрим жабҳаларда ортга чекина бошлаганди. Олмон ўрдуси бошида турганлар айни ҳолатда советлар тарафига ўтиб кетиши тахмин қилинган миллий легионларни шарқдан ғарб жабҳасига кўчириш янада ишончлироқ бўлади, деган фикрга келдилар. Зотан 1943 йил баҳорида миллий легионларни Франция ва Италия томонларга юборишга қарор берилди. Бу тадбир билан советлар аксилтарғиботининг легионларга таъсиридан қутулинди. Аммо махсус таълим олган легионларнинг ғарбга кўчирилиши бўлшевизм ва советларни йиқитиш ниятида шарқ жабҳасида курашаётган аскарларда фикрий зиддиятлар уйғотди. Буни тузатиш учун нашр этилган журналларда жиддий тарғибот-ташвиқот олиб борилди.

[792] Mühlen, *Gamalı Haç ile Kızıl Yıldız Arasında*, s. 218
[793] Oraltay, *Alaş*, s. 172
[794] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбат (Аҳат Андижон архиви).

Масалан, “Миллий Туркистон” мажмуасининг 1943 йил феврал ойи сонида босилган бош мақолада муҳаррир Вали Қаюмхон аскарларга шундай мурожаат қилган:

> “Русларнинг дўсти бўлган империалист давлатлар бизларни йўқотиш учун жангга кирган. Буни биламиз. Булар Туркистон душманларидир. Туркистон душманларига қарши душманлик туйғумиз заҳардан ҳам ўткир, қиличдан ҳам кескирдир.” [795]

Журналнинг бошқа бир сонидаги мақолада юқоридаги масала янада очиқ баён этилган:

> “Биз қаерда бўлсак бўлайлик, ким билан урушсак урушайлик, бари Туркистон озодлиги учундир. Қийматли Туркистон аскарлари! Хоҳ Францияда, хоҳ Италияда, хоҳ Шарқ жабҳасида бўл, ҳар доим қўлингдаги қуролни маҳкам тут, Туркистонни истиқлолга элтиш учун кураш. Олмон ёвлари бизнинг ҳам ёвимиздир. Тарихий душманларимизни йўқ қилайлик!”

Урушдан анча йиллар ўтиб, Вали Қаюмхон ўша пайтларда Туркистон легионини ва бир қисм легиончиларни шарқ жабҳасидан бошқа ёққа кўчириш фикри ўзидан чиққанини ва унинг иштирокида амалга оширилганини таъкидлади. Бунинг сабаби, унинг айтишича, уруш майдонларида туркистонлик кўнгиллиларнинг русларга эмас, балки уларнинг иттифоқчиларига асир тушгани яхшироқдир, деган тушунчага бориб тақалади.[796] Ҳақиқатан ҳам. Немислар сафида туриб урушган совет фуқаролари руслар томонидан “фашистлар малайи” деб қаралган ва тутилган жойида отиб ташланган. Гарчанд Вали Қаюмхон бу фикрларни ўз тили билан айтса ҳам, барибир, миллий легионларни жабҳадан бошқа ерларга кўчириш каби муҳим стратегик ва юқори мақомларга боғлиқ бир қарорнинг, бизнингча, қандайдир бир миллий қўмита бошлиғининг таклифига кўра юзага чиқишига ишониш қийин. Жабҳалардаги бу ўзгариш олмон ўрду қўмондонларининг вазиятдан келиб чиқиб биргаликда берган қарори натижасидир, дейиш тўғрироқдир. Сабаби не бўлса бўлсин, бу қарордан кейин Туркистон легиони аскарлари ҳар икки жабҳада ҳам жангларда қатнашган маълум.

1943 ЙИЛДАГИ ВОҚЕАЛАР

1943 йил Миллий Туркистон бирлик қўмитаси учун жуда муваффақиятли йил бўлиши билан бирга, айни замонда бир кўп муаммоларнинг ҳам майдонга чиққан давр ҳисобланади. Шарқ жабҳасидаги ишлар эндиликда орқага кетаётгани аниқ-тиниқ кўриниб

[795] Қаюмхон. “Кескин сўз”. “Миллий Туркистон” журнали, 1943 й. 13-14 сон, 4 б.
[796] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбат (Аҳат Андижон архиви).

қолганди; ҳатто гоҳ-гоҳ чекинишлар ҳам бошланганди. Хуллас, ишғол этилиши режаланган ерлардаги бошқарув қандай бўлиши лозимлигига оид гаплар олмон ҳукумати раҳбариятини ортиқ қизиқтирмай қўйганди. Бу вазият эса, шарқ вазирлиги мавқеини ва вазир Розенберг эътиборини тобора тушаётганини билдирарди. Бу ишлар бошида миллий қўмиталарнинг тузилишига кескин қарши чиққан Розенберг эндиликда фон Менденинг уларга кенгроқ имконлар берилиши борасидаги қарашини қувватлайдиган ҳолга келиб қолганди.



Туркистон миллий бирлик қўмитаси бошлиғи Вали Қаюмхон Туркистон легионидаги зобитлар орасида. 1943 йил октябр ойи.



Миллий Туркистон бирлик қўмитаси бошлиғи Вали Қаюмхон шарқ легионлари бош қўмондони генерал В. Ҳайгендорфф билан. Октябр ойи 1943 й



Вали Қаюмхон Темур батальони қўмондони мингбоши Хауптманн Эрнеске билан. Октябр, 1943.

Ўша пайтгача миллий қўмиталарнинг фаолияти ўз легионлари билан чекланганди. Қўмиталар ўзларига боғлиқ ҳайъатлар воситасида ҳарбий асирларни шарқлик ишчи ёки легион аскари дея ажратар, уларни

ўқитар, жангга тайёрлар эди. Таълими тугаб, жабҳага жўнаган аскарлар ва бўлинмалар билан ана шундан сўнгра миллий қўмиталарнинг алоқаси узиларди ва улар билан муносабат ўрнатиш борасида қўмиталарга изн берилмасди. Айни йилда олинган бир қарорга кўра, миллий қўми. таларга мансуб тарғиботчиларнинг жабҳадаги легионлар билан биргаликда иш олиб боришига рухсат берилди. Бундан мақсад шу тарзда аскарлар руҳини кўтариш ва жангда муваффақиятларни кучайтириш эди. Бу қарордан кейин миллий қўмиталар немислар урушаётган барча жабҳалардаги ўз юртдошлари орасида керакли фаолиятни юритиш имконига эришдилар.

Ишлар бу шаклда илгарилар экан, МТБҚ ўз фаолият доирасида жиддий бир муаммога, яъни малакали ходим етишмаслиги масаласига дуч келди. Жабҳаларга тарқалиб кетган ўн мингларча туркистонлик аскар ичида сиёсий фаолият юритиш учун кўп сонли тарғиботчилар лозим бўларди. МТБҚ буни эътиборга олиб, Потсдам шаҳрида бир курс очди ва кўп сонли туркистонлик аскарларга қайта таълим беришга киришди. Дарслар давомида уларга турли мавзулар, жумладан, “Олмония ва биз”, “Эрк недир?”, “Туркистон тарихидан”, “Эндиги урушнинг сабаблари”, “Туркистон халқи ва яҳудийлар”, “Олмониянинг ижтимоий сиёсати”, “Олмониянингг ер масаласи”, “Халқимизнинг ўтмиши ва бугунги урушнинг сабаби, легиондаги тарғиботчиларнинг вазифалари” тушунтириб берилган. Курсдаги сабоқларнинг асосий мақсади немислар сиёсатининг тўғрилиги, урушни олмонлар чиқармагани, яҳудийларнинг бу йўналишда ўйнаган роллари ва Олмония-Туркистон муносабатларини ёритишга қаратилганди. Шунингдек, бўлажак тарғиботчиларга бу легион келажакда Туркистон миллий қўшинининг тамалини ташкил этажаги уқтириларди.

Бу орада қўмита шарқ вазирлиги ёрдамида чиқараётган “Миллий Туркистон” журналига илова сифатида олий қўшин қўмондонлиги (OKW) билан биргаликда ҳафталик газета нашр этишга ҳам киришди Газета “Янги Туркистон” деб аталди. Вали Қаюмхоннинг бир пайтлар Туркистон Миллий Бирлиги (ТМБ) тарафидан хорижда[797] илк бор чиқарилган журнал номини бу газетага қўйганига сабаб, бизнингча, у ўзи бошлаган ишларни ТМБ ҳаракатининг давоми сифатида кўрсатишга интилишидандир. Газета тўрт саҳифадан иборат бўлган, асосан уруш хабарлари ёритилган. Биринчи сони 1943 йил 3 мартда босилган бу газета уруш охиригача чиқиб турган.[798]

[797] Туркияда.

[798] Вали Қаюмхон ва МТБҚ томонидан уруш даврида бир газета, икки журнал ва 28 та китоб нашр қилинган.

Жумладан. “Миллий Туркистон” журнали 15. 6. 61942 йилдан эътиборан ойда икки сони чиқиб турган. Ҳар сони 80 минг нусхада босилган. Мажмуанинг энг сўнгги сони 1974 1илда, 134 сон ўлароқ чиқарилган. “Миллий адабиёт” журнали эса, 1943 йилдан ойлик мажмуа

Вали Қаюмхон ва у атрофига тўплаган ўттиз чоғли ёрдамчисидан иборат МТБҚ бошқа миллий легионларга нисбатан анчагина муваффақиятли иш юритган. Қўмитанинг адабиёт бўлими томонидан “Миллий адабиёт” деган маданият йўналишидаги бир мажмуа нашри ҳам йўлга қўйилган, уруш тугагунгача унинг бешта сони босиб чиқарилган. Шунинггдек, турли мавзуларда кўплаб рисолалар ва китоблар ҳам чоп этилган.[i] Уларда тўғридан-тўғри Туркистонга оид мавзулар ёритилган. Шу билан бирга, уруш, онда-сонда сиёсий масалалар ҳам ифодаланган. Уруш чоғида босилган “Миллий Туркистон” журнали ва “Янги Туркистон” газетаси саҳифаларида Туркия мавзусида битта ёзув босилган холос. Яъни, Туркиянинг урушда тарафсизлик сиёсати юритиши маъқулланган ва АҚШ, Англия каби империалист мамлакатлар ўйинига аралашмаслиги таъкидланган.[799]

Вали Қаюмхон бу ишларнинг амалга оширилишида хусусан профессор фон Менденинг жуда катта кўмак берганини таъкидлайди.[800] Ўша даврдаги шарт-шароитни кўз олдига келтирсак, Вали Қаюмхон ва сафдошларининг анчагина муҳим ишларни бажаргани маълум бўлади. 1943 йилнинг ўзидаёқ бир журнал ва битта газета нашр этган ва ўз ходимларини танлаб, фаолият юрита олган ягона ташкилот Миллий Туркистон бирлик қўмитасидир. Қўмита кўмак сандиғи лойиҳасини амалга ошириб, моддий жиҳатдан жиддий имконлар қозонди. Бу туфайли ва профессор фон Менде ёрдами билан ўн беш туркистонлик талаба сифатида Олмониядаги турли дорилфунунларга жойлаштирилди. МТБҚ аъзоси Ҳусайн Икромхон ўз хотираларида, жумладан, 1944 йилда қўмитага қўшилган пайтида, фаннинг турли соҳаларига мансуб тўрт доцент, уч тиб доктори, уч шоир ва бир неча журналист ўлароқ, умуман 34 кишининг қўмитада фаолият олиб боргани таъкидланган.[801] Вали Қаюмхоннинг шахсан ташаббускорлиги ва эътибори, шунингдек, Олмониянинг Туркистонга тарафсиз муносабати боис Миллий Туркистон

сифатида чоп қилинган. “Янги Туркистон” газетаси 1942-1945 йилларда Туркистон легиони тарафидан чиқарилган.

Миллий Туркистон бирлик қўмитасидаги илмий-адабий бўлим томонидан тайёрлаб, чиқарилган китоблардан баъзилари шулардир: “Туркистон проблемаси” (Вали Қаюмхон), “Туркистон тарихи” (Боймирза Ҳайит), “Ҳинд иҳтилолчилари” (Абдурауф Фитрат), “Абай”, “Буюк Темур”, “Абилай”, “Манас”, “Жавингердин”, “Кунделик дефтерин”, “Махдумқули”, “Ёрим қолди” (Бет Алман), “Менинг туйғуларим” (М. Равшан), “Юрак тўлқинлари” (Хушнуд, шеърлар китоби), “Ўлганлар” (Қ. Қўркут), “Тўлқун жири”, “Туҳфа” (Масрур, шеърлар), “Қаюмхон” (тўплам), “Қурбон” (М. Равшан, роман), “Кўктепа” (Қурнан), “Қаюмхон ким?” (Аҳ.жон), “Туркистон миллий ҳаракат тарихи” (Аҳ.жон), “Вали Қаюмхон мақолалари” (2 жилд), “Özbekishe Gramatik” (A. Von Gobain), “Қон” (Абдуллоҳ, тарихий роман), “Балиқчи қизи” (М. Равшан, пьеса), “Сайрон” (Алманбет, роман).

[799] Қаюмхон. “Туркиянинг ташқи сиёсати.” “Миллий Туркистон” журнали, 1943 й. №29, 1 б.

[800] Қаюмхон. “Туркистонликларнинг миллий-сиёсий қуроли”. “Миллий Туркистон” журнали, 1943 й. №25-26, 3 б.

[801] Икромхон. “Бир туркистонлининг иккинчи жаҳон уруши хотиралари”, 127 б.

бирлик қўмитаси уруш даври давомида Олмонияяда фаолият кўрсатган муҳожирлар ташкилоти орасида энг кучлиси бўлиб олди.



Янги Туркистан

Чиқарувчи: О. К. W. ҳам Туркистан миллий бирлик қомитасининг президенти Вели Кайум-хан.

Туркистан Легионининг ҳафталик газетаси

№ 1 (43) 5.—Январ 1944—йил

1944 янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

Темур авлодлари

Туркистаннинг тарихи, Туркистан халқининг тарихи ўтмишда гўзал ва бўюк қаҳрамонликлар менен толқан. Оз ўртини, оз ватанини севген халқ оғланлари дунъани тоғ қалдыратурған дараҗада әҗайып ишлар қылғанлар.

Мана шунинг ўчун ҳам Туркистан ўз даврында дунъаға танылған бир давлат, бир мемлекет болған. Унинг қуҗағында туғылып, ёсип етишкен улуғ хаҗан Темўрни, бўюк әдип Навайини, улуғ аҳлн Абайни, бўюк астроном Улуғбекни, бўюк әскм Абу Алй Синаны ва шу кебі башқа бўюк кишилеримизні бўтўн дунъа танір еді. ularnıñ yilesan ishlarını eştip, jazған җығармаларını oqup, qayıl qalur edi.

Темўрнинг номі-жер ўзини тітратқан бир нам еді. Темўр-Туркістан тарихында, Туркістан тўрмішінде улкан ва бўюк ишлар көрсетген, өзінің ілмій, аскарій қомандонлиқі менен дунъада атаҗ қазанған бір кішідір. Темўр, javlarını jўrtden quvıp, Туркістан бірлігіні jerine cığarған, бір Туркістан давлаті qurған улуғ кішідір.

Оз давріндә juqarıda көрсетілгенге ataqlı, gözel, бўюк болған ўртімізге aq oruslar, kejincelik qïzıl imperializm jўrtqïcları qadam basqanlarından kejin, Туркістанның көрінўві-manzarası бўтўнлеј özgerdi. Erkinlik ornına qullıq, zulum keldi, şadlıq ornına qaҗıq - hasret, xalallık, qanlı köz jaş keldi, toqlıq ornına aclıq, gadalık keldi, jaruqlıq ornına qaranqulıq keldi.

„Uzaq ellerden muz kijip kelgen" (Colpan) oruslar, ўйбйдйer ўртімізні, халқімізні talaj başladılar, zulk kebi sora başladılar. Ular özlerinің talancılıq sïҗasatlarını mahkam ornatıp alqunlarıca, халқні türli aldav jollarï menen özlerine jeqîn, dost tўtıp keldiler. Ular göja халқпарвар bolıp ortaqa cîqdılar.

Braq ... braq, bu narsa uzaqqa cozulmadı. Oruslar, bolşevikler ўртімізге cigirtke kebi japıralıp kelgenlerinden soң, оз sïҗasatlarını mahkam ornatıp alqanlarından soң, sïҗasï ïşlarını бўтўнлеј başqa jolqa salıp jubardılar. Aldïn millij ўrўdadıstlerge, dinij ïşlarqa bir az jol qoyılqan bolsa, kejincelik bu ïşlar ajaq astï qïlindï, dinij ïşlar xorlandï. халқнің, ўртнің bajïlqları talandï. Bu bajïlqlar Russïja taman taşıldï. Kişilerni qamav, sürgin qïluv, etuv başlandï.

Lekin халқіміз, оз ватанині, оз елині sevgen kişilerimiz çim tura aldılarmï? Joq, халқімізнің оз başçılarına qarşï küresi bir minüt ham toxtamadı. Hürmetli gazetxanlarimiz, bundan aldïn bir qanca hasilqan sïҗasij maqalalarnï, atamïz Veli Kajumxannïñ sözlerini va sïҗasij maqalalarini, „Millij Türkistan" çırnalında J. Hojitnің Türkistan tarïxï haqïnda basïlaҗatqan maqalasïnï oquqan bolsizler-joki oquvlar ul vaqtda ўртімізде nimalar bolqanini va kişilerimiz nimalar ўчўн küreşkenliklerini, nimalar ўчўн qan tökkenlerini jaxşï bilip aladırlar.

Braq, biz hazir şuni keskin ajta alamizkim, uluq babamiz Temўrnің бўюк ишларіndan ilhamlanqan va unïq küreş jollarini jüregine tügip alqan Temўr avladları Temўr nabïralari Temўr başlaqan va amalge aşırqan ïşnï davam etdiruv ўчўн hamma vaqt küreşip kelgenler. Temўrdek uluq jürek egesi bolqan, оз ватанині qandan oziz-dep bilgen, unïq ўчўн küjgen, janqan, küreşken mïŋlap, mïŋlap kişilerimiz uluq vatan bajraqïnï hamma vaqt mahkam uslap, бўтўн hajatlarini dusmanqa qarşï küreşke baqïşladılar.

Jўrtimiz tinc jatmadï, ul hamma vaqt deniz tolquni kebi cajqalïp türdi. Jer islahatï vaqtïndaqï, jappasïna kolxozlastïruv vaqtïndaqï qonsuluvlar esimizden cîqmajdï. Kişilerimiz оз başçılarïqa qaşï qural menen, oraq-ketmen menen qarşï cîqdılar. Xalq başına külfet, cabr va aqïrlïqlar keltirgen sïҗasij qaşqïrlarni urdılar, öldirdiler. Köp dehqanlarimiz kolxozqa kirüvden acïqdan-acïq baş tartdılar. Cünki kolxozqa kirgec, türmisinің buzuluvini, aqïr mihnatlar başqa tüşüvin jaxşï bilip edilar.

1938 nci jïldaqï vaqïqalar-da esimizden cîqqanï joq. Bolşevizmge qarşï millij taşkïlatlarda bolqan mïŋlap kişilerimiz joq etildi.

Xoş, aytïqcï bular kimler edilerï Bularnïq hammasï Türkistan халқінің sevikli parzandılar, uluq xaqan Temўrnің avladları ediler.

Türkistannïq erkinligiï-dep, ïstiqlalï-dep maydanqa cîqqan va uluq Germanïja armïjasï menen qolïn-qoloqa berip dusmanqa qarşï küreşetqan jïgïtlerimiz! „Türkistan türkistanlïlarnïki, unda başqalarnïq jaşavqa haqlarï joqï"-dep şïqar taşlaqan va özinің бўтўн bajatïnï vatan ïşina baqïşlaqan Veli Kajumxan kim!

Bular hammasï, bizler hammamiz Türkistan халқінің oslï oqlanlarïmiz, Temўr avlodlarïmiz, Temўrnің nabïralarïmiz. Bizlernің qanïmïz-Temўr qanïdïr, bizlernің jüregimiz-Temўr jüregidir. Bizlernің küreşlerimiz Temўrnің küreşleridir. Bizler оз küreşimizde Temўrdek бўюк кишилерden ilhamlanamïz. Dusmanqa qarşï barar ekenmiz, -köz aldïmïzda hamma vaqt uluq Tanrï, gözel vatan, бўюк Temўrdek atababalarïmïz gavdalanadï va biz şularnïq namïn tilge alïp, dusman üstine hücüm jasajmïz, jutuqqa erişemiz.

Atamïz Vali Kajum-xan bir Türkistan bataliońiqa Temўr nami berilgende bundaj degen edi :

„Dunjanï titretken Temўrnің oqlanları, ulkan madanijatqa ege bolqan Türkistan jïgïtleri, hazirda ezilip jatqan jўrtimizniq balaları, qolïŋïzdaqï bajraqnï mahkam tўtïŋïz! Qolïŋïzdaqï qural javnïŋ kökregini jarsïn! Бўкўн Temўr namini sizge berўr ekenmiz, qujaz-da оz nўrini biz tamanqa sacmaqda. Havada bulut joqdïr. Bu köriniş-jutuq bizim tamanda boldïqïni körsetedir. Qorqmaŋïz! Birlikni saqlaŋïz! Temўr xaqanniq oqlanları bolqanliqïŋïz ўчўн, unïq oqlanları-dek küreşiŋiz, hazirliq köriniz, jўrtni alïŋïz!".

Mana, bizler şundaj kişilermiz. Jolïmïz aniq, tilegimiz ravşan küresimiz haqlï bolqandan soң, оз keleҗegimizge işenc menen qarajmïz. Biz tökken va tökejetqan qanlar bekarge ketmejdi.

Uluq Tanrï bizge joldaş eken, biz оз maqsad va tilegimizge jetemiz.

Temўr avladları Küreşiŋizde бўюк-бўюк jutuqlar tilejmiz.

Abil Zavqïj

Jəŋi jilde jəŋi jutuqler tilejmiz!

Немислар сафида жанг қилган Туркистон аскарлари учун нашр этилган “Янги Туркистон” газетасининг 1944 йил 5 январдаги сони.

МИЛЛИЙ ТУРКИСТОН БИРЛИК ҚЎМИТАСИДА ИЧКИ МУХОЛИФАТНИНГ ЎРТАГА ЧИҚИШИ

Миллий Туркистон бирлик қўмитасининг кучайиб, эътибор қозона боришига тенгма-тенг баъзи муаммолар ҳам кўриниб қолди. Туркистон легиони аскарлари бўлинмалар ҳолида, бир-биридан узоқ жабҳаларда курашаётгани сабабли, уларни бир йўналишда йўналтириш, бошқариш ишлари бир оз қийинлашганди. Озарбайжонликлардан ташқари барча

турк элларига мансуб асирларни Туркистон легионига юборилиши ҳам муаммони янада чуқурлаштирганди. Айниқса, Эдил-Ўрол, Қирим, Қозоқистон вакиллари ўз миллий қўмиталарини қуриш истагида эди. Шу боис 1943 йил бошларида қозоқлардан Карес Қанотбой ва Эдил-Ўрол тамсилчиси Аҳмад Темир Олмония ташқи ишлар вазири Риббентропга, Шарқ ишлари вазири Розенбергга ва эсэс раҳбари Ҳиммлерга мурожаат этиб, Қозоқистон ва Эдил-Ўролни бирлаштириб, алоҳида қўмита тузиш масаласини қўйдилар.[802] Мурожаат талаби билан бирга Вали Қаюмхонга оид турли айбномалар ҳам топширилди. Шунингдек, бу миллий қўмита Туркистонни тамсил этолмаслиги ҳақидаги иддао ҳам илгари сурилди. Қўмита ва легион битта раҳбар қонуниятига кўра Вали Қаюмхон бошқараётгани, унинг ўзбек эканлиги ва қўмита ўзбеклар ҳокимияти остида ишлаётгани, уларнинг алоҳида мавқе тутиши айб сифатида ўрташа қўйилди. Ҳокимият ҳамда бошқарув бир қўлда қолган ҳар қанақа тузумда бўлганидек, МТБҚ ичида ҳам табиий суратда муҳолифат бошланганди ва тобора кучайиб бораради.

Бу муҳолифат орқасида ҳар қалай эсэс турарди. Зеро ўша йилларда авжига чиққан Вали Қаюмхонга қарши ҳар қандай ҳаракат фақат немисларга оид бирор ёки бир неча ташқилот томонидангина юритилиш мумкин эди холос. Шарқ вазирлиги бу иддаолар ва талабларни ўрганиш учун профессор фон Менде раҳбарлигида бир ҳайъат тузди. Бу орада муҳолифатга боғлиқ фикрлар “Миллий Туркистон” саҳифаларига ҳам чиқиб борди. “Туркистон халқи ва коммунизм” деган мақола Вали Қаюмхон шундай дейди:

> “Бизлар шу чоғда Туркистон ҳуррияти учун қўлига қурол олган кишилармиз. Ўзаро фитна-фасодларга ўрин бермаслигимиз керак. Орамизда шундайлар чиқиб қолса, ишбузарлар, фитначилар, ёлғончилар ва нонкўрлар пайдо бўлса, келажагимиз қоронғилашади. Ҳар киши ўз вазифасини бажарсин. Фақат шу тарздагина миллатмиз қаршисига очиқ юз билан боришмиз мумкин.”[803]

Қаюмхон бу фикрлари билан бўлувчиларнинг зарарини очиқ кўрсатган ва легион аскарларини, қўмита ходимларини огоҳлантирган. Шунингдек, у ўзининг ўтмишда империалист ўлкалар билан муносабат ўрнатган шубҳали шахс эканлиги борасидаги айбловга бошқа бир мақоласида шундай жавоб берган:

> “Мен бу демократ, либерал ва капиталист давлатлар билан ҳеч алоқа боғламаганман. Уларга доимо қарши чиқдим ва алоқа қурганлар билан

[802] Mühlen, *Gamalıhaç ile Kızılyıldız Arasında*, s. 95 ва “Миллий Туркистон” журнали 79 сони 16 б. Аммо Аҳмад Темир ўз хотираларида бу хусусда ҳеч нарса демаган.

[803] Қаюмхон. “Туркистон халқи ва коммунизм”. “Миллий Туркистон” журнали, 1943 й. 16 сон, 12 б.

бирга бўлмадим. Бу сўзларимнинг тўғрилигини бугунда ҳар ким билиши керак.”[804]

Бошқа томондан эса, масалан, Туркистон легиони қўмондони, мингбоши Хауптманн Эрнеске ҳам бу баҳсларга аралашиб, Туркистон қўмитаси муҳолифларига қарата шундай деган:

> “Мен сизлардан ким бўлганингизни сўрамайман. Фақатгина “Туркистон учун нима қилдинг?” деб сўрайман. Қозоқмисан, қирғизмисан, ўзбекмисан ё бошқамисан деб сўрамайман, “Туркистонликмисан?” дейман. Туркистонликлар менинг ҳам дўстларимдир.”[805]

Юқоридаги сўзлардан англашилмоқдаки, Олмония қўмондонлиги Туркистонни бир бутун ўлка сифатида қабул қилган, бу билан қавмлар сиёатини юритишга изн бермаслигини билдирган. Энг муҳими, легион қўмондони бир немис ўз ҳукуматининг қарашини янада равшанлаштириб, ўзини туркистонлик демаганларни дўст санамаслигини ҳам таъкидламоқда. Бундан қавмлар йўналишида сиёсатга аралашадиганлар душман ўрнида кўрилади, деган маъно чиқмоқда.

1943 йил бошларида Берлинда ўтказилган Туркистон оқшомига олмон қўмондонлигидан вакил ўлароқ Хауптманн Эрнеске, талқи ишлар вазирлигидан элчи Шуленбург ва шарқ вазирлиги номидан сиёсий бўлим мудири Лайбрандт қатнашгани ана шу барча расмий давлат ташкилотларининг Вали Қаюмхонни, Туркистон қўмитасини қўллаб-қувватлаганини англатади.[806]

Бу уч давлат ташкилоти орқасида турган бир Вали Қаюмхонга қарши ҳаракат қилиб, ҳатто эсэс қўллаётган муҳолифлар ҳам бир нарсага эриша олмаслиги аён эди. Зотан фон Менде раҳбарлигидаги тафтиш ҳайъати Вали Қаюмхонга қўйилган барча айбларни асоссиз деб топди, алоҳида бир Қозоқ-Эдил-Ўрол қўмитасининг тузилишига лузум йўқ, дея қарор чиқарди.

1943 йилнинг октябр ойида Шарқ вазирлиги, ҳарбий қўмондонлик (OKV), эсэс (SS), партия (SD)нинг биргаликдаги қарорига кўра, миллий қўмиталарнинг миллий ваколатхоналар мақомига кўтарилди. Бу сиёсий жиҳатдан жуда муҳим қарор эди. Яъни, бу Олмония ҳукумати аввалдан тузилган миллий қўмиталарни улар мансуб мамлакатларнинг сиёсий вакили ўлароқ қабул қилаётганини билдирарди. Бу ишлар профессор фон Менденинг “Ҳар бир миллат ўз мухтор тузумига эга бўлиши керак” деган қарашига жуда мувофиқ эди. Ҳукуматнинг бу қароридан кейин

---

[804] Қаюмхон. “Ҳақ ва кураш”. “Миллий Туркистон” журнали, 1943 й. 18 сон, 1 б.
[805] “Яродорлар тузумида шодлик кечаси.” “Миллий Туркистон” журнали, 1943 й. 19-20 сон, 18 б.
[806] “ Eine weitere groβe Veranstaltung in Berlin.” “Миллий Туркистон” журнали 1943 й., 15 сон, 19 б.

Туркистон миллий ваколатхонаси раиси Вали Қаюмхон, унинг ўринбосари ўлароқ доктор Боймирза Ҳайит расман тасдиқланди

ЭСЭСЧИЛАРНИНГ ТУРОНЧИЛИГИ ВА ШАРҚ ТУРК КУЧИ

1943 йил кузига келиб, олмониянинг шарқ сиёсатида Розенберг таъсири анча сусайгани сезилмоқда. У турли зўрланишлар боис яқин дўсти Лайбрандтни шарқ вазирлиги сиёсий бўлим мудирлигидан бўшатиб, ўрнига мажбуран эсэс генерали Бергерни атади. Милатлар сиёсатида олмон ҳукумати ичидаги ташкилотларда фарқли қарашлар ўртага чиқаркан, жабҳаларда орқага чекинишлар ортаркан, бу орада эсэсчилар мавқейи ҳам кучая бошлади.

Қисқа вақт ўтмай, эсэс ташкилоти ўз қошида Бирлашган турк кучи лойиҳасини амалга оширишга киришди. Бу лойиҳани турколог Клайнов (Cleinow)нинг асиссенти доктор Райнер Ўльша (Reinier Olzscha) яратганди. Бу олимнинг қарашлари немис-фашистларнинг миллатлар тўғрисидаги фикрига анча қарама-қарши эди. Унинг тушунчасига кўра, бўлшевизимни заифлантира оладиган ягона қувват турк бирлиги эди. Чунки Рим империясининг йиқилишидан буёнга давлат қуриш ва давлатларни идора қилишда муваффақият қозонган икки ирқ бор: булар Герман ва Турон ирқларидир. Райнернинг бу тушунчасини эсэс раҳбарлари ҳам қабул қилган, айниқса бу фикр Ҳиммлерга жуда маъқул тушган. У ана шу қарашга уйғун бир ташқилот яратиш учун рухсат олиб, эсэснинг Дрездендаги марказида ишга киришади.

Турк бирлиги фикрини ўз манфаатлари учун ҳар доим таҳликали деб билган олмон раҳбариятининг бирданига бунчалик ўзгариб қолиши қизиқ албатта. Фашистлар режасига кўра, Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин ҳужум Туркияга қаратилиши мўлжалланганди. Бошқача қилиб айтганда, ўша режа амалга ошган тақдирда, турк дунёсида бирдан-бир мустақил давлат ҳисобланган Туркия ҳам фашистлар билан юзма-юз қоларди. Агарда икки давлат ўртасида тўғридан-тўғри уруш чиқмаса ҳам, барибир, тарафсизлик сиёти юритган Туркиянинг ҳам иттифоқчилар сафида жаҳон урушига тортилиши муҳаққақ эди. Ана шу вазиятда немислар сафида урушаётган турк легионларининг аввалгидай ҳаракат қилиши шубҳали эди. 1941-1943 йиллар орасида бу легионларнинг айри-айри жабҳаларга юборилиши, асло бир лаштирилмагани сабабини юқоридаги шубҳадан ахтариш керак. Бироқ 1943 йилга келиб, Туркия билан урушиш эҳтимоли йўққа чиққандай кўринди. Чунки барча жабҳаларда немислар чекина бошлаганди. Шу юздан, эндиликда олмон жабҳаларида урушаётган турк легионлари орасида турончилик ўйинини ўйнашдан ҳеч бир зарар келмасди.

Райнер фикрича, олдинига бу йўлда бир ҳарбий куч яратиш лозим эди. Бу ниятни амалга оширишда энг мувофиқ шахс 450 батальон бошлиғи Майер Мадер деб топилди. Зеро Туркистон легионидаги энг мавқели ҳарбийлардан саналган Мадер билан Вали Қаюмхон ораси анчадан бери бузилганди. Чунки Майер Туркистон қўмитасига қаршилигини ҳар ерда айтиб юрарди. Хуллас, натижада Туркистон легионидаги энг кучли бўлинмалардан бири 450 батальон ва унинг қўмондони юзбоши Майер Мадер эсэсчилар сафига алоҳида бўлинма (Waffen SS)[807] тарзида ўтиб кетди. Даражаси ҳам батальонликдан полк савиясига кўтарилди. Бунақа ишлар бошқа миллий легионларда ҳам амалга оширилди, иккита батаольондан тузилган полклар ташкил этилди. Кейинроқ эса, Туркистон, Озарбайжон, Қирим, Эдил-Ўрол легионлари бирлаштирилиб, олмон ҳарбий қўмондонлигидан мустақил, тўғридан-тўғри эсэсга бўйсунадиган шарқ турк кучи яратилди. Аскар сони унчалик кўп бўлмагани боис шарқ турк кучи ва унга қарашли полклардан 1944 йилгача, жанговар амалиётлардан кўра, асосан сиёсий ташвиқот воситаси ўлароқ фойдаланилди.[808] Бу ҳарбий қувватни бошқариш учун алоҳида сиёсий ташкилот даркор эди, шуни ҳисобга олиб, Туркистон фаолият гуруҳи тузилди. Вали қаюмхонга қаршилиги сабабли Туркистон қўмитасидан чиқарилган аъзолар бу гуруҳни шакллантирдилар.[809]

Эсэснинг бу ишлари Вали Қаюмхон ва МТБҚнинг қаттиқ норозилигини келтириб чиқарди. Вали Қаюмхон олмон раҳбарияти доираларида ва “Миллий туркистон” журнали саҳифаларида рақибларига қарши курашга киришди. Жумладан, у бир мақоласида шундай ёзган:

> “Миллий Туркистон бирлик қўмитаси қабилачилик ҳаракатларига изн бермайди... Ким бу сиёсатга бош урса, қабилачилик масаласини ўртага қўйса, демакки у ҳалиям бўлшевиклар таъсиридадир. Ундайларни орамиздан йўқотамиз. Улар бизнинг миллий борлиғимизни чиритмоқ, йўқотмоқ истайдирлар... Улар Туркистон учун микроблардир.”[810]

Вали Қаюмхон қанчалар қаршилик кўрсатса ҳам, Райнер ва Мадер иккови илк одимларида анча муваффақият қозондилар, эсэс қошида алоҳида ҳарбий ташқилотни қуриб, ишини юрита олдилар. Фақат хаёлларидаги орзуни амалга ошириш учун улар ҳам Туркистон легионидаги каби 180 минглик эътиборли бир қўшинга эга бўлишлари кераклигини яхши англашарди. Ҳолбуки, тўпланган шарқ турк кучининг умумий сони олти минг эди холос. Бу мўлжалдан жуда узоқ бир ҳолат ҳисобланарди. Бошқа миллатларнинг қўмиталари кучсиз ва легионлардаги аскарлар ҳам сон жиҳатдан оз эди. Қисқаси, икки эсэсчининг қаршисидаги энг муҳим тўсиқ Вали Қаюмхон қиёфасида

---

[807] Эсэс ҳарбий бўлинмаси.
[808] Caroe, *Sömürülen Topraklar*, s. 345
[809] Mühlen, *Gamalı Haç ile Kızıl Yıldız Arasında*, s. 101
[810] Қаюмхон. “Янги типдаги Туркистон ёшлари”. “Миллий Туркистон” журнали, 1943 й., 32 сон, 11 б.

қаққайиб тутарди. Агар уни йўқотсалар, орзуларига етишарди. Шуни кўзда тутган ҳолда, улар Туркистон масаласида ягона мурожаат нуқтаси МТБҚ эмаслигини, шарқ турк кучи ҳам борлигини Олмония сиёсий доираларига кўрсатиб қўйиш учун ҳаракатга киришидилар. Бироқ, Лайбрандт ўрнига, шарқ вазирлигидаги сиёсий бўлим мудирлигига тайинланган Бергер, эсэс генерали бўлишига қарамасдан, Вали Қаюмхон тарафини тутиб, Туркистон масаласида немислар боғланадиган ягона ташкилот МТБҚ ва ягона масъул шахс Вали Қаюмхондир, деган мазмундаги қарорини тарқатди. Шубҳасиз, бундай қарор чиқарилишида фон Менденинг катта таъсири бор. Расмий кучга эга бўлган бу қарор бутун муҳолифатчилик ҳаракатларига чек қўйди. Шу билан бирга, уруш сўнгигача Вали Қаюмхон ва сафдошларига бемалол фаолият юритиши имконини яратди.

Бу ҳодислалардан кейин Райнер Ўльша, вақтинчалик бўлса ҳам чекиниб туриш кераклигини англади. Натижада мажбуран муросага келинди. Келишувга кўра Райнер гуруҳи Вали Қаюмхонни Туркистоннинг ягона тамсилчиси эканлигини тан олади, ўз навбатида Қаюмхон ҳам эсэсчилар қошидаги Туркистон полкини қўллаб-қувватлайди. Эсэснинг Туркистон полкига қўмондон этиб Туркистон легионидаги таниқли шахслардан Ғулом Алимов қўйилди. У қизил қўшиннинг собиқ човуши (сержанти) бўлиб, Туркитсонга легионига киргач, хизматлари эвазига олмон ўрдусида бериладиган бир қанча медаллар ва темир хоч нишони билан тақдирланган, шунингдек, рутбаси ҳам оширилиб, полковник унвонини қозонган қобилиятли аскар эди.[811]

Илк тўқнашувдаёқ мағлубиятга учраган Ўльша ҳам, Мадер ҳам осонгина майдондан чиқиб кетадиган одамлардан эмасди. Қаюмхон ҳамон МТБҚ ва легион тизгинини ўз қўлида қатъий тутиб турарди. Аммо унинг ҳам бир неча жабҳага юзларча, мингларча ҳолида тарқалиб кетган Туркистон легиони аскарларини тамоман назорат қилиши мумкин эмасди, албатта. Орадан бир оз муддат ўтгач, легион бўлимлари ичида МТБҚга ва Вали Қаюмхонга қарши қаратилган, Туркистон миллий ҳукумати дея имзоланган варақалар тарқатила бошланди. Асли озарбайжон Сулаймонов ҳамда қирғиз Асан Абдуллаев бошчилигида иш юритаётган бу гуруҳни эсэсчи Майер Мадер қўллаётганди. 1944 йил мартида бу ишлар янада қизиб, Абдуллаев-Сулаймонов тўдаси томонидан Вали Қаюмхонни ўлдириш учун Берлинга бир суиқасдчи жўнатилди. Ўша пайтда Қаюмхон Берлинда эмасди. Суиқасд ошкор бўлиб қолди. Бу ҳодисалар хусусида “Миллий Туркистон” журналидан шундай ёзилган:

> “Майер Мадер 1942 йилда бир бўлинма бошлиғи эди. Хаёлпараст одам бўлгани боис Туркистон масаласига қизиқиб, ишимизга аралаша бошлади. Бироқ биз ва унинг ошналарини ўз вақтида йўлимиздан улоқтириб ташладик. У кейинроқ эсэс билан келишган ҳолда тағин ишимизга аралашмоққа

[811] Caroe, *Sömürülen Topraklar*, s. 346

киришди, атрофига миллий ҳаракатмизга алоқасиз кишиларни тўплади ва хаёлий режаларини амалга ошириш билан машғул бўлди... Майер мадерчилар Вали Қаюмхонни ўлдириш учун бир неча бор суиқасд уюштирдилар. 1943 йилда жиззахлик Жўрабоевни Вали Қаюмхонни ўлдиргани юборишди. Аммо у Вали Қаюмхонни кўриши биланоқ таслим бўлди."[812]

Бу воқелар юз берганидан сўнгра дарҳол Абдуллаев, Сулаймоновлар билан бирга жами олти киши ҳарбий қўмондонлик (OKV) томонидан қўлга олинди ҳамда отиб ташланди. Хаёлпараст Мадерга эргашганлар хомхаёллик бадалини жонлари билан ўташди. Кейинги йилларда Майер Мадернинг ҳам отилгани айтилган, аммо бу аниқ исботини топмаган."[813]

Бу икки эсэсчидан бириси Райнер Ўльшанинг тақдири қуйидагича бўлди: у уруш тугагунча Дрездендаги эсэс марказида ўз ишини давом эттирди. Сўнгра советлардан паноҳ тилади. Бу воқеа унинг советларга ишлаган жосус бўлиб-бўлмагани масаласини ҳам келтириб чиқарди. Бу хусусда Вали Қаюмхон шундай фикр билдирган:

"1943 йилда қўмитага Бурҳонов деган бир аскар келди. Бу одам 1923 йилда Олмонияга талаба сифатида юборилган ва уч йил ўтгач, қайтиб кетган экан. Унга унчалик ишонмадим, кўнглим чопмагани боис ишга олмадим. Кейин у Дрезденга кетди, Ўльшанинг ёнига бориб, у билан бирга ишлай бошлади. Охири уни авраб, Русияга олиб кетган ҳам ўша одам. Ўльша рус жлсуси эмасди, фақат хаёлпараст эди. Тахминимча, уни алдаб олиб кетишган."[814]

ГЕНЕРАЛ ВЛАСОВ ВА РУС ОЗОДЛИК ҚЎШИНИ РЕЖАСИ

Ўша йилларда Ҳиммлер эсэс томонидан бошқарилиши мўлжалланган катта кўламдаги бир ҳаракат режасини тузганди. Режа бўлшевизмга қарши кураш тамали устига қурилганди. Унда панисломизм ҳамда турк бирлиги тушунчаларидан ҳам фойдаланилганди. Лойиҳани амалга ошириш учун керакли шахслар, зарурий манбалар тайёрланди. Улардан бири ва энг муҳими собиқ қизил қўшин генерали Власовга боғланганди. Барбаросса ҳаракати пайтида асир олинган генерал Власов бўлшевикларга қарши немислар сафида курашмоққа ишонтирилганди. Власов собиқ чор қўшини аскари бўлгани боис бўлшевикларга қарши сафга ўтиши унча қийин кечмади. У биргина шарт қўйди: Советлардан асирга тушган барча миллатга мансуб аскарлар унинг қўмондонлигига берилишини истади. Бунинг амалга ошиши учун аввало генерал раҳбарлигидаги асирлардан иборат бир рус миллий қўмитаси, рус

[812] MTBK ve Sovyetlerin Taktikası, Milli Türkistan Dergisi 1966, sayı 126, s. 13
[813] Mühlen, *Gamalı Haç ile Kızıl Yıldız Arasında*, s. 97
Вали Қаюмхон билан ўтказган шахсий суҳбатимизда бу ҳодисалар сабабли Майер Мадер ҳам қўлга туширилиб, ўлдирилганини таъкидлаганди.
[814] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбат (Аҳат Андижон архиви).

озодлик қўшини тузилиши талаб қилинарди. Ана ундан кейин миллатларга оид легионлар ва қўмиталар бирлаштирилиб, антибўлшевик сиёсати соясида Власов раҳбарлигидаги қўмита иш бошларди. Шу оралда инглизларга қарши фаолияти билан шуҳрат топган Қуддус муфтиси ҳожи Амин Ҳусайн ҳам Олмонияга келтирилди ва унга Дрезденда бир имом ҳатиб мактаби очиб берилди.[815] Ана шу тарзда бўлшевиклар Русиясига қарши курашаётган мусулмонлар орасида боғланиш яратиш мўлжалланганди.

Бу режа йўлга қўйиларкан, миллий қўмиталарнинг бошлиқлари унга кескин қарши чиқишди.[816] Улар бир рус генералининг бошчилиги остида қуриладиган бундайин ташкилотга қатнашишга қаршиликларини очиқ кўрсатишди. Зотан Власовга боғлиқ режа аён бўлиши биланоқ, бу хусусдаги баҳслар, шов-шувларга ҳамоҳанг "Миллий Туркистон" журналида ҳам унга қарши мақола босилди. Унда, жумладан, шундай дейилганди:

> "Бизлар рус бўлшевик империализми ва бу давлатнинг дўстлари билан ишлашдек ҳодисани қабул қилолмаймиз... Унақа ишларга аралашадиган инсонлар ёш туркистонликлар орасида йўқ."[817]

Бироқ, бундайин эътирозларга қарамасдан, бу лойиҳани кун тартибига қўйганлар натижага эришиш учун қаттиқ бел боғлашганди. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан руслардан бошқа миллатларнинг легионларида Рус озодлик қўшинига қўшилиш борасида кенг миқёсда тарғибот бошланди. Бу ҳодисалардан кейин Миллий Туркистон Бирлик қўмитаси ҳам тутимини қаттиғлаштириб, ўз нашри орқали рақибларга ҳужум уюштирди. Жумладан, Вали Қаюмхон "Туркистон миллий аскарлари ва сиёсий йўл" мақоласида шундай ёзади:

> "Оврупода яшаётган ёки асирга тушган руслар ўз вакилларини туркистонлик ёшлар орасига, ҳарбий лагерларга йўллаб, миллий мустақиллик сиёсатимизга ва миллий бирлигимизга қарши ташвиқот юритишмоқда. Уларга жавобимиз шудир; Туркистон истиқлоли учун курашмоқдамиз. Олмония билан бир сафда эканлигимизнинг сабаби ҳам шу."[818]
>
> "Бизда интернационал характер йўқ. Шу боис, яъни интернационал империалист тушунчаси бўлмагани учун РОҚнинг рус ерлари манфаатьи йўлида қилаётган ишларига ҳам ҳеч қарши эмасмиз. Агарда

[815] Caroe, *Sömürülen Topraklar*, s. 347

[816] Олмония ташқи ишлар вазирлиги шарқ бўлими бошлиғи Отто Браутигам 1968 йилда босилга хотираларида эсэс ва Власов ўртасидаги келишув муносабати билан Украина миллий ҳаракати раҳбари Ҳетман Скоропатский, рус казаклари генерали Краснов ҳамда Туркистон миллий бирлик қўмитаси бошлиғи Вали Қаюмхонлар етакчилигида барча миллий қўмиталарнинг бу режага қаршилик қилгани таъкидланган. Шунингдек, муаллифнинг айтишича, ташқи ишлар вазирлиги аслида бу режани маъқулламаган. Қаранг: So hat es sich zugetragen (Ein Leben als soldat und Diplomat). Holzner Verlag, Würzburg 1968.

[817] Kayyum Han. *Türkistan Milli askerleri ve siyasi yol.* Milli Türkistan (1943), sayı 19/20

[818] Kayyum Han. *Türkistanlılar Dikkatige*, Milli Türkistan (1943), sayı 24, s. 1

> Власов ўз кучи, ўз руслари билан ўз халқи ва ўз тупроқларини бўлшевиклардан қутқара олса, бу иш қўлидан келса, бу унинг ўз халқи учун бажарган катта иши бўларди... РОҚ ниқоби остида ўзини сақлаётган кишилар бор эса, улар Туркистон аскарларини йўлдан чиқаришга уринаётган бўлса, ҳатто Туркистон аскарлари қўлига тақилган "Оллоҳ биз билан" ёзувли белгини олиб ташлаб, ўрнига РОҚ боғлоғичини тақ десалар... буларнинг бари бўлшевик айғоқчиларидир."[819]

"Миллий Туркистон" журнали бош мақолаларида ифодаланган бундайин қарашлари билан МТБҚ фақат бўлшевизмгагина эмас, балки рус мустамлакачилик сиёсатига ҳам қарши эканлигини очиқчасига ўртага қўя билди. Шу билан бирга мақолалардаги тагли сўзлар билан ҳам русларнинг бу сиёсатига аралашмаслик хусусида туркистонликлар огоҳлантирилди. Профессор Менденинг кейинчалик таъкидлаганига кўра, турлим миллатларнинг ҳарбий қўмиталаридаги асл мақсад бир хил эди ва улар аслида рус бўлшевизмининг ҳам, рус ҳокимиятининг ҳам тугатилиши тарафдори эдилар. Ўз миллатларининг тўла истиқлоли учун курашаётган бу инсонларнинг ҳеч бири бир рус генералининг қўли остида ҳамда руслар билан бир сафда туриб урушга киришини ҳар қанақа шарт ва шароитда ҳам қабул қилмаслиги муҳим нуқта эди. Зеро, бу хусусда ҳатто олмон генералларининг ўзи ҳам турлича фикрларди, соғлом тушунча ва қарашга эга эмасди. Жануб қўшинлар қўмондони фелдмаршал Манштайннинг дитпломат Дирксенга ёзган мактубини ўқиркансиз, аҳвол анчагина ойдинлашади. У, жумладан, шундай демоқда:

> "Руслар ва бошқа миллат вакилларининг бўлшевизмга қарши кенг миқёсдаги курашга киришуви жудаям яхши иш. Фақат уларга аниқ бир мақсад манзилини кўрсатиш қийинроқ бўлади. Чунки уларнинг манфаатлари бир хил эмас, бири-бирига қарама-қаршидир ва ҳатто бизникига ҳам мос эмас. Уларни қанча тезроқ бўлиб ташланса шунча яхши ва энг муҳими, ишғол этилган ерларда уларнинг ҳар бирига мос тарзда фаолият юритиш мақбулдир."[820]

Бундайин фикру мулоҳаларга қарамасдан, эсэс раҳбарлари бу йўналишдаги қарашлари ва фаолиятларини аввалгидай давом эттиришди. Махсус режаларга энг кўп зид фикр билдирган Вали Қаюмхонга нисбатан сиёсий босқи ҳам кундан кунга орта борди.

ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ ҲУКУМАТИНИНГ ТУЗИЛИШИ

1944 йил Олмония учун чўкишнинг тезлашган ва урушда енгилувнинг аниқлашган санаси бўлди. Энди Олмония ҳукумати

[819] Kayyum Han, *Türkistan`ın yana milli siyaseti üstünda*, Milli Türkistan (1943), sayı 31, s. 3
[820] Mannstein`in 9. 5.1943 tarihli mektübi. *Türkiye`deki Alman Politikası*, s. 90

одамларидаги мағрур қиёфа ва муросасиз муносабат йўқолган, унинг ўрнини фурсатдан фойдаланиб қолиш истагига асосланган муросасозлик кайфияти эгаллаганди. Шу туфайли миллий қўмиталар эндиликда анча эркин ҳаракат қилиш имконига эришганди. Бу турумдан ярарланиб қолиш мақсадида ўз сиёсий борлиғини мустаҳкамлашга ва кучайтиришга уринган МТБҚ 8-10 июл кунлари давом этадиган уч кунлик қурултой ўтказишга қарор берди.

Қурултой Вена шаҳрида бўлиб ўтди. Унга уруш жабҳаларидаги бирликлардан, Туркистон легионидан ва МТБҚдан сайланган 537 та вакил қатнашди. Ўттиз олти кишининг маърузаси эшитилди. Вали Қаюмхон қурултойнинг очилишидаги нутқида бу анжуманни "Миллат мажлиси", яъни парламент деб баҳолади. Қурултой кунлари Власов қўмитасининг тан олинмаслиги, унга қўшилганлар ватан хоини эканлиги, рус империализмининг барча турларига қаршилик хусусида қарорлар қабул қилинди. Бундан ташқари, русларнинг Туркистонни республикаларга бўлиш сиёсати қораланди, ягона ва ҳур Туркистон давлати тушунчаси қабул қилинди, бўлшевикларнинг Туркистонда яратган республикаларининг тан олинмаслиги таъкидланди. Туркистонда янгидан қуриладиган ягона давлатнинг замонавий республика тузумига ҳамда иқтисодий, диний эркинликлар каби халқаро тамал ҳуқуқларга асосланиши ҳам қарорларда акс этди. Бу фикрлар амалга ошган пайтда, ўлкада коммунистлар партиясининг фаолияти таъқиқланиши ҳам уқтирилди. Қурултой ўзини Қўқон мухторияти, Алаш Ўрда миллий ҳукуматлари ва 1922 йилдаги Туркистон турк мусулмонлари қурултойидан кейинги тўрттинчи қурултой эканлигини расман билдирди.[821]

Бир номзод кўрсатилган сайловда Вали Қаюмхон такроран раси қилиб сайланди. Раис томониан тавсия этилган 13 киши қўмитага аъзо ва удлардан еттитаси бўлим мудирлари бўлди. Улар доктор Боймирза Ҳайит, доктор Саид Каримий, Эргаш Шермат, Саттор Алмамбет, А. Завқий, Равшанбек ва Айитбай эди. Шундан кейин 70 кишилик Мимллат мажлиси, парламент ҳам ташкил қилинди. Шу тарзда хорижда илк марта бир Туркистон миллий ҳукумати ва миллий парламенти тузилди. Шу кунларда Адолф Ҳитлернинг қурултойга қутлов телеграммаси йўллагани ва Вали Қаюмхонни ҳукуматнинг ордени билан тақдирлагани Олмония давлатининг Миллий Туркисттон бирлик қўмитасига кўрсатаётган эътиборининг исботи сифатида жуда муҳим эди.[822]

1945 йилнинг 24 мартида олмон ҳукумати (Ostministerium) Миллий Туркистон бирлик қўмитасини муваққат Туркистон миллий ҳукумати сифатида тан олганини билдирди. Туркистон легиони ҳам расмий суратда

[821] *Milli Kongrenin 8 yıllığı*, Milli Türkistan (1952), sayı 79, s. 9
[822] Mühlen, *Gamalı Haç ile Kızıl Yıldız arasında*, s. 101

Туркистон миллий қўшини ўлароқ қабул этилди. Шу орада бошқа миллий ташкилотлар ҳам миллий қўмиталар мақомига юксалтирилди.[823]

Миллий ҳукумат мақомига эришган Миллий Туркистон бирлик қўмитаси айни замонда Олмония давлати ва унинг иттифоқчиси бўлган бошқа ҳукумаатлар билан ҳам расмий, дипломатик алоқалар қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши даври мобайнида олмонлар билан бирга бир сафда урушган миллатлардан фақат Миллий Туркистон бирлик қўмитасигагина миллий ҳукумат мақоми берилди, бу гарчанд кечроқ қабул қилинган қарор бўлса ҳам, у хорижда расман тан олинган ягона Туркистон ҳукумати эканлиги билан ўта муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

УРУШ ТУГАШИ АРАФАСИДА

1944 йилнинг 14 ноябрида Власовнинг Русия халқлари озодлик қўмитасининг (КОНР) тузилгани эълон қилинди. [824] Бундан ташқари, бу қўмитага боғлиқ тарзда рус ҳарбий асирлари ва шарқ ишчи кучларидан иборат Рус озодлик қўшини[825] ташкил қилинганди. Эсэс йўлбошчиси Ҳиммлер Шарқ ишлари вазири Розенбергни мажбурлаб, ўз лойиҳасини қабул қилдирган ва амалга оширтирган эди. Хуллас, Ҳиммлер ва Розенберг Власов билан биргаликда бир қарорга келишган, буни расман ёзувли тарзда ҳужжатлаштирган ҳам эдилар. Улар эълон қилган меморандумнинг асосий маъносини қуйидаги сўзлардан билиш мумкин:

> “Русия бўлшевизмдан қутулганидан кейин ўзи алоҳида мустақил давлат бўлади ва давлат тузумини халқ белгилайди. 1939 йилгача бўлган чегаралар сақлаб қолинади... Қирим мустақил минтақага айланади, рус казакларига ҳам аъзамий сиёсий истиқлол берилади. Руслардан бошқа халқларга эса маданий мухторият тақдим этилади.”[826]

Ҳиммлернинг режасига кўра, Туркистон, Эдил-Ўрол, Қирим қўмиталари Шарқ турк кенгашини, Озарбайжон, Шимолий Қафқаз, Гуржистон ва Арманистон қўмиталари эса Қафқаз кенгашини ташкил этиши керак эди. Кейинроқ бу икки кенгаш бирлаштирилиб, КОНРга, яъни Русия халқлари озодлик қўмитасига айланиши лозим эди.[827]

---

[823] Mühlen, Ўша асар, 137 б. B. Hayit. *Sovyetler Birliğinde Türklüğün ve İslam`ın Bazı Meseleleri*, s. 200

[824] КОНР - Комитет освобождения народов России; Россиядаги халқларнинг озодлик қўмитаси.

[825] Русская освободителная армия; рус озодлик қўшини (РОҚ).

[826] Dallin, *La Russie sous la botte nazie*, s. 417

[827] Ботир. Миллий йўлимизда тўғри ҳаракат этайлик. “Миллий Туркистон” журнали 1952 й. 79 сони, 16 б.

Бироқ бошида Вали Қаюмхон тургани ҳолда барча миллий қўмиталарнинг раҳбарлари бу режага кескин қарши чиқишди. Вали Қаюмхон ўша воқеаларни, хусусан Власов қўмитаси ва ораларидаги муносабатлар ҳақида шундай дейди:

> "Эсэс раҳбарлари бизга Власов билан учрашиб, гаплашиб олишларинг керак, дедилар. Мен, Гуржистон вакили Кедиа ва бир гестапо ходими билан биргаликда Власовнинг марказига бордик. Зал русларга тўла эди. Ичкарига кирилгач, Кедиа Власов билан саломлашиб, қўлини сиқди. Мен сиқмадим. Власов бизга ўз режалари ҳақида узоқ сўзлади. Унинг аскари оз эди, шунинг учун биздан фойдаланишни истарди. У фикрларини айтиб тугатгач, мен сўз олдим ва: "Биз сизнинг қўмитангизни тан олмаймиз, рад этамиз, шу боис ҳам сизлар билан ҳамкорлик қилишимиз мумкин эмас" дедим. Кедиа ҳам шу маънода ўз фикрини айтди. Кейин бинодан чиқдик... Эртаси кун мен ҳарбий ярадорлар жойлашган бир маконга бораётгандим. Йўлда қаршидан келаётган бир юк машинаси менинг машинамни уриб юборди. Мен яраландим ва касалхонада ётдим. Тахминимча, бу тўқнашувни, суиқасдни гестапо уюштирганди. Улар мендан қутилишса, ўз режаларини бемалол бажаришлари мумкинлигини ўйлашарди. Легиондаги аскарларимиз, агар бизни Власовга қўшилишга мажбурласангиз, биз ҳам сизларга қарши курашамиз, деб очиқ айтишгач, Власов масаласи давом этгани ҳолда, улар бизни тинч қўйишди. Афсуски, эсэс қошидаги Ғулом Алим бошлиқ Туркистон олойи бу ташкилотга боғланиб қолганди. Бу ҳолат олой аскарларига ёмон таъсир қилди ва оқибатда Ғулом Алим қўмондонлигидаги аскарларнинг маълум қисми партизанлар тарафига ўтиб кетди."[828]

Ҳақиқатан ҳам, бир рус генералининг буйруғи остида советларга қарши жангга кириш рус бўлмаган бошқа миллатларга мансуб ҳарбий асир аскарлар учун анча оғир иш эди. Шундай қилиб, эсэс раҳбариятининг бу аҳмоқона қарорида қатъий туриб олгани боис эсэсчилар қошидаги Туркистон легиони аскарларидан 900 тачаси советлар сафига ўтиб кетди. Ана шу ўтиб кетишлардан энг муҳими Баффен эсэс қуролли кучларига боғлиқ турк олойи қўмондони ва уруш қаҳрамони Ғулом Алимнинг 200 тача одами билан Чехославакиядаги коммунист партизанларга бориб қўшилгани эди.[829] МТБҚ раиси вакили доктор Боймирза Ҳайит бу ҳодисани шундай ҳикоя қилади:

> "Власов бошчилигида рус озодлик қўшини тузилганидан кейин эсэсга боғлиқ барча миллий қўмиталар унга қўшиб қўйилди. Бу ҳодисага рус бўлмаган халқларнинг миллатсеварлари, ҳусусан Туркистон аскарлари норозилик билдиришди. Айни чоғда Чехословакиядаги коммунист партизанларга қарши курашиб юрган Ғулом Алим мени ёнига чақирди.

---

[828] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбат (Аҳат Андижон архиви).

[829] Caroe, *Sömürülen Topraklar*, s. 346. Patrik Von Mühlen, *Gamalıhaç ile Kızılyıldız Arasında* номли асарида бу рақамни 400-500 дея таъкидлаган.

Декабр ўрталарида, яъни КОНР тузилганидан бир ойча сўнгра, Ғулом Алим турган Миава шаҳрига етиб бордим. У ва аскарлари билан учрашдим. Ғулом Алим ва айрим аскарлари, агарда Власовга қўшилиш буйруғи бекор қилинмаса, исён чиқарамиз, дейишди. Натижада менинг масъул шахслар билан сўнг бор бу борада гаплашишим хусусида қарор берилди. Худди шундай муаммо Озарбайжон қўмитаси аскарлари бошини ҳам қотирмоқда эди. Озарбайжон қўмитаси бошлиғи Фатҳали бек билан бирга Шарқ вазирлиги вакили, эсэс генерали Бергер ҳузурига бориб, унга вазиятни тушунтирдик. Бергер бизга қарордан қайтиш мумкин эмаслигини билдирди. Бу ташаббусдан фойда чиқмаганидан кейин Ғулом Алим немислар билан жанжаллашиб қолди, аллақанча олмон аскарини ўлдириб, қўмондонлигидаги бир қисм жанговарлар билан партизанлар сафига ўтиб кетди."[830]

Бу воқеа эсэс раҳбарларининг бутун режаларини остин-устун этиб юборди. Власов бошчилигида антибўлшевик қўшма қўшин яратиш лойиҳаси сувга тушгандай бўлди.[831]

1945 йил апрел ойида, урушнинг охирги кунлари яқинлашаркан, Миллий Туркистон бирлик қўмитаси учун ҳеч кутилмаган бир ҳодиса юз берди. Карес Қанотбой[832] раҳбарлигидаги мухолиф бир гуруҳ МТБҚдан ажралиб, Туркистон шўросини қурди. Карес Қанотбой шўро раиси, Аҳмад Умаржон ёрдамчиси этиб сайланди. Эсон Қайгин, Эшимбет Ғайратий, Раҳим Бурҳонзодалар шўро аъзоси эди. Шўро қурилганидан қисқа вақт ўтмай, бу гуруҳ Власов қўмондонлигидаги рус халқларини қутқариш ташкилотига қўшилди. Аммо уруш тугаб борарди. Олмон раҳбарияти ҳам тамоман чўкаёзганди. Бу қўшилиш қарори мисол учунга ўхшаш бир гапдан бошқа нарса эмасди.

Урушнинг охирги кунлари етиб келганди. Миллий қўмиталарнинг етакчилари бошқа ўлкаларга кетиш тараддудига тушганди. Олмон раҳбарияти бу ишда уларни қийнамасдан, керакли ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам бераётганди. Озарбайжон қўмитаси бошлиғи Фатҳали бек Мисрга, Шимолий Қафқаз етакчиси Алихон Кантемир ва Гуржистон қўмитаси бошлиғи кедиа Швейцарияга жўнатилди. Вали Қаюмхон эса, қўмита аъзолари билан биргаликда Олмонияда қолиш истагида

[830] Доктор Боймирза Ҳайит билан хусусий суҳбатдан (Аҳат Андижон архиви).

[831] Ғулом Алим уруш тугагач совет давлатига қайтган, Андижон шаҳридаги бир техникумда мудир бўлиб ишлаган. "Совуқ уруш" йилларида радиодан берилган бир қатор суҳбатларда тарғиботчилик чиқишлари билан қатнашган. Бошймирза Ҳайит уни 1961 йилда Лўндўнда кўрганини хотирлайди. Генерал Власов эса, руслар қўлига тушгач, Москвага олиб кетилган, суд қилиниб, қатл этилган.

[832] Карес Қанотбой 1911 йилда бугунги Қозоғистонда туғилган. Кончи муҳандис сифатида Қозоғистон ва Татаристонда ишлаган. Иккинчи жаҳон уруши пайтида немисларга асир тушган, Туркистон легионига қўшилган. МТБҚ котиби бўлган. Кейинроқ қўмитадан ажралиб чиқиб, Туркэли гуруҳини ташкил этган.

эканликларини билдирди ва Олмониядан ташқарига чиқиб кетиш таклифини рад этди.[833]

УРУШНИНГ ТУГАШИ ВА НЮРЕНБУРГ МАҲКАМАЛАРИ

Олмония давлатининг таслим бўлишидан бир ойча аввал, Берлин кўчаларида сўнгги тўқнашувлар авж олган пайтда, баъзи Миллий Туркистон бирлик қўмитаси аъзолари барча Туркистон легиони аскарлари жойлашган Мариенбад қасабасида[834] учрашишга келишган ҳолда пойтахтни тарк этдилар. Бошқа бир гуруҳ эса Италияга, 162-Туркистон тумани қўшинлари жойлашган маконга жўнатилди.[835] Сал олдинроқ МТБҚга қарши исён байроғини кўтариб, қўмитадан ажралган Туркитсон шўроси тўдаси эса Штутгартга қараб йўналганди.[836] Мариенбад қасабасининг марказ сифатида танланишига сабаб бу тарафдаги немис қўшинлари қўмондони генерал Вернер ва қасабанинг ҳарбий бошқарувчиси майор Ҳайпелнинг МТБҚга хайрихоҳликлари эди. Вали Қаюмхон ва ёрдамчиси Боймирза Ҳайит қасабага жўнашди. Мариенбад қасабаси америка ва рус аскарлари эгаллаган ерлар кесишган нуқтага жойлашганди. Май ойининг илк кунларида рус қўшинлари қасабадан 14 км узоқликдаги ҳудудга келиб қолганди. Чех партизанлари ҳар томонда ҳужум уюштира бошлаганди. 5 май куни америкалик аскарлар бу атрофни ишғол қилди. Вали Қаюмхон америка қўшинлари қўмондони ва СİС[837] (қарши айғоқчилик бўлими) масъуллари билан учрашиб, уларга Миллий Туркистон бирлик қўмитаси ҳақида маълмот берди. Унинг бахтига қарши айғоқчилик бўлими бошлиғи бир пайтлар Америкага кўчиб борган қафқазликнинг ўғли чиқиб қолди, Вали Қаюмхон масалани унга осонгина тушунтира олди. Шу орада Америка ҳарбий қўмондонлигига етказилган хужжатлар ҳам ўрганилган ва Эйзенхауэр имзоси билан Вали Қаюмхонни асирга олиш ҳақида буйруқ келганди. Шундай қилиб, 22 май куни Вали Қаюмхон, МТБҚнинг бошқа аъзолари ва бир гуруҳ туркистонлик аскарлар, тахминан 120 тача киши қўлга олинди. Мариенбад атрофидаги туркистонлик аскарлар ҳам қўлга туширилиб, вагонларга тўлдирилиб, рус ҳарбийларига топшириш учун советлар ишғоли остидаги Прагага жўнатилаётганди. Тутилган МТБҚ аъзолари қўлида Олмония давлати расмийлари томонидан берилган муҳожирлик васиқаси бор эди. Аслида улар хусусида, асирга олиниш борасида расмий буйруқ йўқ эди, Вали Қаюмхон қўлга олинаётган пайтда

[833] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-23 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбат (Аҳат Андижон архиви).
[834] Бугунда Чехия республикаси ҳудудларии ичида, янги номи Марианска Лазна.
[835] Ҳусайн Икром, Сайид Каримий, Рўзи Назар каби легионичилар шу гуруҳда эди.
[836] Карес Қанотбой, Умар Аҳмаджон, Аҳат Салимийлар.
[837] Counter İntelligence Corps.

тўполон чиқишининг олдини олиб амалга оширилган бир тадбир эди. Вали Қаюмхоннинг америкалик масъулларга тушунтириши ва илтимосига кўра, қарши айғоқчилик бўлими бошлиғининг ҳам хайрихоҳлиги боис МТБҚ аъзоларининг Олмонияга қайтиб кетишларига изн берилди ва барчаси қўйиб юборилди.

Қўмита аъолари Мариенбадни тарк этиши биланоқ Эйзенхауэр имзолган бошқа бир фармон келди, унда Вали Қаюмхонни русларга топшириш таъкидланганди. Худди шу чоғда чех партизанлари Вали Қаюмхон асирда сақланаётган ерга ҳужум қилиб қолишди. Муваффақиятсизликка учраган бу суиқасд ҳодисаси туфайли Вали Қаюмхоннинг русларга таслими бекор бўлди. Америкаликлар уни русларга топширишдан воз кечиб, аввал Пилсен шаҳрига, кейинроқ эса Нюренберг шаҳрига йўлладилар. Натижада у икки йилча давом этган сўроқ, қамоқ, судланиш даврини бошидан ўтказди.[838]

Иттифоқчи давлатлар ўртасида имзоланган Ялта шартномасига кўра, уруш битганидан сўнгра ҳар бир ҳукумат ўз фуқароларини қайтиб олиши керак эди. Шу боис Франция, Италия каби ўлкаларда иттифоқчиларга таслиб бўлган барча совет аскарлари тўда-тўда ҳолида Русияга жўнатила бошлади. Аммо уларнинг кўпчилиги таслимият пайтида ўлдирилиб юборилди. Озгина тирик қолганлари ҳам 20-25 йилга сургун этилди. Бу жараёнда ўн мингларча туркистонлик қирилиб кетди. Дахау атрофидаги бир қамоқхона биносига тўпланган ўттизтача туркистонлик ҳарбий асирлар русларга жонли таслим бўлгандан кўра ўлганимиз яхши деган фикрда ўзларини ёқиб юборишди, бу ана шу фожеаларнинг аччиқ бир саҳифаси холос. 1943 йилда Италия жабҳасига йўлланган 162-Туркистон тумани* Америка қўшини томонидан таслим олинганди. Туркистонлик легиончи-ҳарбий асирларнинг асосий қисми кемаларга чиқарилиб, совет тарафига йўлланди.[839]

Бир амаллаб Олмония ичида ўзини сақлаб қолганлар эса, одам овчиларининг нишонига айланди. Барча олмон шаҳарларида америкалик, инглиз, италян ва рус аскаридан иборат тўрт кишилик бўлимлар ҳарбий машиналарда шаҳар кўчаларида изғишар, қора сочлилар ва шарқлик қиёфали инсонларни излашар эди. Шу тарзда қўлга олинган совет ҳарбий асирлари дарҳол русларга топшириларди. Ўша жараёнда тузоққа тушган икки МТБҚ аъзоси, Аҳмаджон Умаржон ва Султон Мурод ўзларини туркиялик дея танитиб, шу баҳонада жонларини қутқаришга эришганлар.

Миллий Туркистон бирлик қўмитаси бошлиғи вакили Боймирза Ҳайит ва баъзи қўмита аъзолари Нюренберг орқали Мюнхенга келдилар.

---

[838] Вали Қаюмхон. “Тарих тилга кирганда”, 12-б.

* Бир туманда ўн минг аскар бўлади (тарж.).

[839] Ҳарбий асирлар тушган кемалар Истанбулдаги бўғозлардан ўтаркан, баъзи аскарлар Туркиядан бошпана тилаш истагида сувга сакраб, қутулишга уринган бўлса ҳам, бари тутилиб, советларга топширилган.

Бу ердаги қочоқ аскарларга мўлжалланган биноларда бир мунчва пайт яшаб турдилар. Бироқ Раззоқ Боқи, Бурхониддин Қосим, Қодир бек кавби қўмита аъзолари бошқалар каби толели эмасди, улар совет аскарлари қўлига тушдилар ва ўлдирилдилар. Бу орада айрим қўмита аъзолари Туркия бош ҳарбий қароргоҳининг 8-Америка қўшини наздидаги вакили, юзбоши Эҳсон Унэсон билан учрашиб, Туркистон легионидаги субайлар ва аскарларнинг Туркия масъуллари томонидан расман қабул қилинишларини сўрашди. Унэсон бу талабни ҳамда аъзолар рўйхати кўрсатилган МТБҚ номидан ёзилган аризани Анқарага юборди, бироқ ҳеч бир жавоб келмади.[840]

Уруш тугаганидан кейин бир мунча вақт ўтиб, советлар ишғол этган ўлкаларида ўзларига боғлиқ ҳукуматлар қуриш нияти борлиги ва шу тариқа коммунистлар тартиби Оврупога тарқалиши аён бўлиб қолди.

Айни шу чоғда Эйзенҳауэр бир фармонга имзо чекиб, қўлга тушган совет кишиларининг Русияга қайтиб берилиши хусусидаги амрни бекор қилди. Аммо бу пайтгача юз мингларча асирлар советларга топширилганди. Ана шу ҳодисалар сўнгида Олмониянинг ғарбликлар босиб олган қисмларида 6-7 мингтача туркий ҳарбий асирлар қолганди. Улардан мингтачаси туркистонликлар бўлиб, ораларида МТБҚ аъзолари ҳам бор эди.[841]

1941 йилдан бошлаб асирга тушган 400 000 атрофидаги туркистонлик ҳарбийлар хусусида Миллий Туркистон бирлик қўмитаси аъзоси Эргаш Шерматнинг расмий хатида шундай фикрлар бор:

> “Уруш пайтида олмонлар томонига ўтиб кетганлар ёки асирга олинганлар сони 400 мингтача эди. Асирлар қамоғида немислар оч қўйгани боис қирилганлар ёхуд яҳудий, мўғул ва коммунист дея қатл этилганлар, шунингдек, турли касалликлар сабабли ўлганлар 90-100 мингтачадир. Соғ қолганлардан 100 мингтаси асир қамоқларидан чиқарилиб, легионларга олинди ва қуроллантирилди. Қолган 200 мингтачасидан эса жабҳаларда “шарқлик ишчи” сифатида фойдаланилди. Ғарб жабҳаси очилгунга қадар аскарларимиз шарқ жабҳасида советларга қарши курашди. Ғарб жабҳаси очилиши биланоқ миллий қўмита ҳаракатга тушиб, 70-75 минга яқин аскаримизни ўша ёққа йўналтиришга эришди. Бундан асосий мақсадимиз асир туркистонликларни советлар қўлига тушиб қолишидан сақлаш эди... Бу аскарларимизнинг кўпчилиги Италия ва Францияга жойлаштирилди... Уруш тугагач, бизнинг одамларимизни русларга топшириш иши бошланди... Биз бунга қарши туролмадик ва 70 мингтача ватандошимиз мажбуран советларга берилди.

[840] Cihangir, *Baymırza Hayit`in Hayatı*, s. 47
[841] B. Hayit. *Sovyetler Birliğinde Türklüğün ve Islam`ın Bazı Meseleleri*, s. 206

> Урушдан кейин Олмонияда, бурячак-юбурчакларда қутулиб қолган юртдошларимизни қайтадан тўплашга киришдик. Натижада Оврупода мингтача туркистонлик борлиги маълум бўлди."[842]

Хуллас, урушнинг сўнги даврида 300 мингтача туркистонликнинг легионларда ёки "шарқлик ишчи" сифатида олмон жабҳаларида хизмат қилган. Уларнинг кўпчилиги шарқ ва ғарб жабҳаларида ҳаётдан айрилди. Тирик қолганларнинг мингтачасидан ташқари барчаси уруш тугаши биланоқ советларга топширилди. Тўрт йил давом этган олмон-рус урушида фақат Олмонияда қурбонга айланган туркистонликлар 400 мингга яқиндир. Руслар тарафида қурбон бўлганлар сони хусусида аниқ фикр йўқ, тахминимизга кўра, уларнинг сони юқоридаги рақамдан анча ортиқдир.

Тарихлари бўйича турклар, балки илк марта ўзларига алоқасиз бир урушда, ётлар қўлида жангга кирдилар ва ўзларига заррача муносабати бўлмаган ҳар икки жабҳада қирилиб битдилар. Қисқаси, Ўлаф Гарое таъкидлаганидай, уларнинг вазифалари иикки империя орасидаги шаҳмат тахтасида пиёда бўлмоқ эди ва бу уларнинг фожеасидир.

[842] Эргаш Шермат томонидан МТБҚ номидан ТМБ - Туркистон Миллий бирлиги вакили Абдулваҳоб Ўқтойга 8.1. 1952 йилда юборилган хат (Аҳат Андижон архиви).

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ТУРКИЯ

> “Бу турдаги масъулиятлар мени қўрқитолмайди ва ўз бурчимни бажаришдан тўхтатолмамайди. Менинг муқаддас эътиқодларим орасида турк бирлиги ҳам бор. Мен фақат ўз миллатимнинг фикридан қўрқаман.”
>
> *Закий Валидий Тўғон (1944 й. 7 сентябрда туркчилик ва турончиликда айбланиб судланганда айтган сўзидан)*

Туркия урушдан олдинги йилларда иттифоқчи ва меҳвар давлатлар ўз сафларига тортишни истаган ва бу йўлда кучли сиёсат юритган бир ўлка ҳисобланарди. 1939 йил 19 октябрда Франция, Туркия ва Англия ўртасида уч ҳукумат шартномаси имзоланди. Иккинчи жаҳон урушининг биринчи йилидаёқ немислар Болқонларни ишғол қилди ва Булғористон 1941 йил мартида меҳвар давлатларга қўшилар экан, олмон қўшинлари Туркия ҳудудларига тиғини таянтирди. Бу орада Эронни Совет Иттифоқи ва Англия босиб олди. Сурияда немислар билан ҳамкорлик юритаётган Вижҳу ҳукумати ҳукмрон эди. Ироқда ҳам Олмония ёнлиси Рашид Али бошчилигидаги ҳарбийлар тўдаси ҳукуматни эгаллаб олганди. Хуллас, Туркия ярмиси советлар ва инглизлар, ярмиси немислар таъсиридаги, икки ўт орасидаги бир давлат эди.

1941 йилнинг июни Туркия учун урушнинг тақдири белгиланган ойга айланди. Олмония ташқи ишлар вазири Риббентроп аскарлар ва ҳарбий техниканинг ўтишига йўл истаб, Туркияни қисти-бастига олди. Олмония айни пайтда муҳим муюлишга келиб қолганди. Ё Туркияни истило қилиши, ё анчадан бери тайёрланаётган Барбаросса ҳаракатига киришиб, советлар билан урушмоғи керак. Иккинчи йўл тутилгани ҳолда, Туркия билан уруш советларнинг енгилишидан кейинга суриларди. 1940 йилнинг 24 ноябрида Олмония ҳарбий бош қароргоҳи раҳбари Ҳалдернинг ёзишига кўра, Туркияга юриш бошлангани тақдирда, Русияга боғлиқ режалар орқага сурилиши лозим эди.[843]

Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, Ҳитлер бу хусусда аллақачон бир қарорга келиб бўлганди. Совет ташқи ишлар вазири Молотовни қабул қилганида, у билан суҳбатлашаркан, олддига харитани ташлаб, Истанбул

[843]Selim Deringil, *Denge Oyunu: İkinci Dünya Savaşında Türkiye`nin Dış Politikası*. Tarih Vakfı Yurt yayınları, İstanbul, 1994, s. 131

ва Чаноққалъа бўғозларида совет ҳарбий базаларининг қурилиши ва Ўрта шарққа советлар таъсирини таъқидлаганди.

Зотан Ҳитлерда “ҳаёт макони” дея тавсифланган ўлкаларни ҳам, бўғозларни ҳам, ермойи хазинаси Ўрта шарқни ҳам советларга ем қилиш фикри бўлмаган. Унинг ҳужум қилишни кўзлаган биринчи нишони советлар давлати эди. Туркия эса кутишга маҳкум. Молотов Берлиндан юртига жўнаб кетганидан уч ҳафта ўтгач, 1941 йилнинг январ ойида Ҳитлер Барбаросса ҳаракати тайёргарлигини бошлашга буйруқ беради.[844]

Ана шу ҳодисалардан кейин, хусусан Олмониянинг Туркиядаги элчиси фон Папен ташаббускорлигида барча немис масъуллари Туркияни имкон қадар иттифоқчи давлатлардан узоқда, урушдан ташқарида сақлаш сиёсатини юритишга киришди. Папеннинг таъкидлашича, Туркиянинг 50 туманга етган қўшинини тарафсиз ҳолда тутиш анчагина қийин ва бу ишни дипломатик йўл билан ҳал этиш керак эди. Ана шу мулоҳазага таяниб Туркия билан бошланган кенгашлар 1941 йил 18 июнда якунига етди ва турк-олмон ўзаро ҳужум қилмаслик шартномаси имзоланди. Бу шартнома соясида жабҳанинг жанубий соҳасини хатарсиз ҳолга келтирган Ҳитлер эндиликда советлар эгаллаб ётган, “ҳаёт макони” дейилган ўлкаларга бемалол нигоҳини қарата оларди. Бу шартнома имзоланганидан кейин бир ҳафта ҳам ўтмасдан, 22 июн тонгида Ҳитлер Барбаросса ҳаракатини бошлашга фармон берди.

Ўзига кўз тикиб ётган икки ваҳший куч бир-бири билан овора бўлиб қолганидан кейин Туркия бир оз эркин нафас олди. Ўша пайтдаги Англия элчиси томонидан ёзилган билдиргиларда Туркия ташқи ишлар вазири Сарачўғлининг бу ҳодисалар туфайли жудаям қувонгани таъкидланган. Маршал Фавзи Чақмоқ эса, Англия элчихонасининг ҳарбий атташесига немисларнинг советларга қарши урушда кучсизланишидан умид қилаётганини ва Олмония Русияни енгани тақдирда, ҳеч вақтни бой бермасдан янги қурбони Туркияга ташланишини айтган.[845]

УРУШ ДАВРИДАГИ ТУРКЧИЛИК ОҚИМЛАРИ ВА ТУРК-ОЛМОН МУНОСАБАТЛАРИ

Немис қўшинларининг совет чегараларини босиб ўтиб, яшин тезлигида илгарилаб бораётгани Туркиядаги туркчилар ва муҳожир турк етакчилари орасида ҳам жиддий бир ҳаяжон ва хушнудлик яратди. Чунки бу миллатсевар муҳитда энди советлар парчаланади ва мустақил давлатлар қурилади деган ишонч пайдо бўлганди. Олмонлар ҳужумнинг биринчи йилидаёқ Қиримни эгаллаб, Қафқаз минтақасига кириб

[844] Юқоридаги асар, 29 б.
[845] Ўша асар, 148 б.

борганди. Уларнинг ишғолга учраган ўлкаларда қай тарзда бошқарув тизимини яратиши ва бу ўлкаларни қандай келажак кутаётгани Туркия ҳукуматини ҳам қизиқтирарди, албатта. Олмониядаги Туркия элчиси Хусрав Гарада немис масъуллари билан мулоқоти жараёнида ҳарбий асирлар ва ишғол этилган турк ўлкаларига оид тушунчалари ва саволларини очиқ айтаётганди. Унинг Вейзаскер ва Риббентроп билан учрашувлари тафсилотлари олмон ҳужжатларида тўла баёнини топган. Жумладан, Вейзаскер у ҳақда шундай деган:

> "Туркия элчиси Қафқазда бу минтақа халқларини бирлаштирган бир томпон давлатни ҳамда Ҳазар денгизи шарқида мустақил Турон давлатини қуришлари мумкинлигини таъкидлади."[846]

Туркия элчиси Гарада юқоридаги учрашувдан 20 кун ўтгандан кейин Олмония ташқи ишлар вазири Риббентроп ҳузурида бўларкан, фикрларини у қадар очиқ сўйламаётгани сезилади; Риббентроп шундай деган:

> "Туркиянинг Қафқаз ҳудудига яқин ва Ҳазар денгизи шарқида яшаётган турклар ҳақида сўраган саволларимга жавобан Гарада, жумладан, ўз давлати чегараларидан ташқаридаги ўлкаларга оид уларнинг бирор аниқ режаси йўқлигини, расмий ҳукуматнинг айни вазиятдаги тутган йўли аралашмаслик эканини айтди. Унинг фикрича, турончилик оқими эндиликда фақат Туркиядагина тарқалган эмас, балки дунёга кенг ёйилган тушунча... Англия Қафқаз жабҳасини очишни истаб қолса, турк ҳукуматининг қандай йўл тутишини сўраганимда, Туркиянинг манфаатлари учун ундай бўладир, бундай бўладир дея мужмал жавоб берди... Берлинга қайтганида, ҳерр Вейзаскер билан иккинчи учрашувида ҳам Туркиянинг ҳеч бир нарсани кутмаётганини таъкидлади."[847]

Айни чоғда немисларнинг Туркиядаги элчиси фон Папен Олмония ташқи ишлар вазирлигига юборган маълумотида Туркиядаги муҳожир турклар масаласига алоқадор шахслар ва ташкилотлар хусусидаги фикрларини батафсил ифодалаган. Жумладан, бу муҳитдаги таниқли кишилардан Буюк Миллат мажлисининг Истанбул миллатвакили Шукри Йенибахча, Анвар пошонинг қардоши Нурий Киллигил пошо, профессор Закий Валидий Тўғон, Аҳмад Саид Жаъфар (Қиримэр), Кобилдаги Туркия буюкэлчиси Маҳмуд Шавкат Эсандал, Озарбайжон мусовот партияси раҳбари Муҳаммадамин Расулзода ва ёрдамчиси Мирза Бола каби шахсларнинг номини зикр этиб ўтган. Махсус маълумотнинг охирида Папен ишонарли одам дея таърифлаган бир шахснинг[848] таклифини ҳам илова этган:

---

[846] Вейзаскернинг (Weizsacker) 1940 йил 5 августда қайд қилинган фикри, қаранг: Selim Deringil, *Denge Oyunu: İkinci Dünya Savaşında Türkiye`nin Dış Politikası,* Tarih Vakfı Yurt yayınları, İstanbul 1994, s. 161

[847] Риббентропнинг 25 августда ёзган билдиргиси, қаранг: юқоридаги китоб, 162 б.

[848] Бу шахс Ҳусни Амир Эркилетдир.

> “Олмония жанубий шарқда бор имконидан фойдаланиб кучли бир давлатни қуриши ва русларни ҳар замон назорат остида тутишга асосий эътиборни қаратиши керак. Украина бу вазифани бажаришда уйғун эмас. Украинлар ҳам славянлардан, улар истаган пайтида худди булғорлар ва серблар каби руслар билан қавмдошликларини эслаб қолишлари мумкин. Турклар учун эса, бундай ҳолат мутлақо имконсиздир.”[849]

Кўриниб турганидек, Туркия ҳарбий аёнлари воситасида ҳам, элчилари томонидан ҳам ўз ҳудудлари ташқарисидаги ишларга аралашмаётганини расмий сиёсати ўлароқ англатишга интилган. Аммо норасмий тарзда Қафқаз ва Туркистон минтақаларида немисларнинг нималар қилиши кераклигини билдиришга ҳаракат қилган. Бундай муносабатдан, албатта, Туркия Қафқаз ва Туркистонда турк давлатларининг қурилишига қизиқади, деган хулосани чиқариб бўлмасди. Шунга қарамасдан, ана шу жараённи ўзича таърифлаган Риббентроп элчи Папенга юборган телеграммасида “Туркларнинг анчадан бери чуваланиб ётгандай кўринаётган империалист интилишларини жонлантиришга уринаётганига эътиборни қаратишимиз керак” дея топшириқ берган.

Бу пайтда немис қўшинлари тарафидан асирга олинган турк халқларига мансуб аскарларнинг аҳволи Оврупода яшаётган муҳожир туркистонлик етакчиларни ташвишлантиргани каби Туркиядаги туркистонлик муҳожирларни ҳам қайғуга солиб қўйганди. Туркистон учун курашаётган ватанпарварларнинг илғор шахсларидан бири Закий Валидий Тўғон бу йўналишдаги ишлар билан шуғулланадиган расмий бир ташкилот яратиш фикрида эди. Ана шу ниятда у Истанбул волийлигига мурожаат этиб, бир кўмак жамияти қуришга изн истади. Истанбул волийси Лутфи Кирдор бу мавзудаги қарашини анча кейинроқ, Тўғон туркчилик ва турончилик ҳаракатида айбланиб қамалганида, суд жараёнида унга оид фикрларини шу тарзда баён қилган:

> “1941 йил, яъни немис-рус уруши давом этаётган ва русларнинг ортга чекиниб, олмонларнинг совет қўшинлари сафидаги туркистонлик туркларнинг айримларини асирга олган бир давр эди. Бир куни доктор Ҳасан Фарид Жонсевар ёнимга келди. Закий Валидий Тўғон ва яна икки дўстининг бир кўмак ташкилоти қуриш ниятида эканлигин айтди. Қабул кунини тайинладим. Ўша куни Закий Валидий ва Аҳмад Қоратоғлик ёнларида бир хотин билан бирга келишди... Менга берган мурожаатларида немисларнинг қўлига асир тушган туркистонлик иркдошларининг Олмонияда ёмон аҳволда қолганларини билдириб, уларга ёрдам бериш истагида эканликларини ва бунинг учун бу ўлкадаги яқинларидан эҳсон тўплайдиган расмий жамият қурмоқчи эканликларини билдиришди. Мендан бунга рухсат беришимни

[849] Фон Папеннинг 1941 йил 5 августда ёзган мактуби; қаранг: *Türkiye`deki Alman Politikası*, s. 27

исташди. Мен уларга бунақа жамият жиддий сиёсий аҳамиятга моликлигини, ҳукумакт билан гаплашиб, кейин бу хусусдаги фикримни айтишимни англаттим. Филҳақиқат, уларнинг ниятини ҳукуматга билдирдим. Менга келган жавобда, хусусан, бу ёрдам истагининг немисларга асир тушганларга кўмак бўлишини ва айни пайтда, бунинг аксига, бошқа иркдошларимизнинг катта бир қисми бошига фалокат ёғилиши эҳтимоли борлигини тушунтириб, худди ана шу сабаб билан жамият зарар кўришини англатиб, бунақа жамиятнинг яратилиши мумкин эмас, дея амр берилганди."[850]

Қисқаси, асли қиримлик бўлган нафақадаги генерал, адиб Ҳусни Эркилет ва ҳарбий мактаблар қўмондони Али Фуод Эрданнинг шарқ жабҳаси зиёратини, бизнингча, шу нуқтаи назардан баҳолаш мумкин. Яъни, 1941 йил 30 сентябрда фон Гротнинг имзолаган яширин бир маълумотидан бу икки генералнинг зиёратлари маъносини уқса бўлади. Қуйидаги таклиф турк тарафидан келмоқда:

"Бир мунча олдин Туркия элчихонаси мулозими воситачилигида рейхнинг бош қўмондонлик қароргоҳига мурожаат этилиб, икки ҳарбий журналистимизнинг шарқ жабҳасига сафар қилишлари учун изн исталганди... Бош қўмондоннинг рухсатига кўра, олмонларга хайрихоҳ хабар ва мақолалари билан танилган, қалами ўткир икки турк генерали, яъни, Ҳусни Эркилет ва Али Эҳсон Сабис 1 октябрдан бошлаб шарқ жабҳасига даъват этилдилар. Бундайин жабҳа сафари шу пайтгача Бош қўмондонлик қароргоҳининг тарғибот доираси ва ташқи ишлар вазирлигининг матбуот бўлими ҳамкорлигида, бутунлай ташвиқот мавзуси ўлароқ амалга оширилган.

Аммо турк ҳукумати охирги пайтда генерал Али Эҳсон Сабис ўрнига айни чоғдаги Туркия ҳарб академияси қўмондони Али Фуод (Эрден)нинг номини тавсия этди. Генерал Фуод стратегия ва тактика соҳасида Туркиянинг энг мартабали генерали ҳисобланади. Ана шу ўзгариш туфайли бу жабҳа сафарининг моҳияти кучайди, айниқса, сиёсий ўлароқ жиддий аҳамият қозонди. Бу хусусда мухтарам элчимиз фон Папен 29 октябрда юборган 253 рақамли телеграммасида ўз фикрини айтган. Шу боис Бош қўмондон ва қўшинлар қўмондони йўли орқали фюрерга ҳам хабар берилган ва у Фуоднинг сафарини шахсан маъқуллаганди.

Сафар вақти ҳарбий вазият тақозосига кўра бир ҳафта илгарига сурилди. Элчи фон Папеннинг тавсиясига мос ўлароқ уларни бош қароргоҳда қабул қилиш, шунингдек, французларга мансуб жанг жабҳаларини кезишлари ҳам шарт эмас. Мухтарам элчи Риттер жаноби олийларига бу таклифимизни юбормоқдан мамнунмиз"[851]

Али Эҳсон Сабис Олмонияда таълим олган, Биринчи ўрдуга қўмондонлик қилган, кейинроқ жумҳурраис Исмат Инўну билан

[850] Darendelioğlu, *Türk Milliyetçiliği Tarihinde Büyük Kavga*, s. 154
[851] Mumcu, *40`ların Cadı Kazanı*, s. 39

келишолмай қолиб, истеъфога чиққан генерал эди. У “Тасвири афкор” газетасига ҳарбий мавзудаги мақолалари билан қатнашиб турар ва айни замонда немисча нашр этиладиган “Türkiche Post” газетасининг бош муҳаррири эди. Аввалига Сабиснинг Эркилет пошо билан бирга жабҳага бориши маъқуллаганди, кейинроқ эса, унинг ўрнига Эрден пошонинг бошиши тасдиқланганди. Эрден пошо ҳарбий мактаблар қўмондони бўлиб, бурчини авло бажараётган атоқли генерал эди. Ана шу ўзгариш туфайли бу немис-рус жабҳалари сафари икки нафақачи, қаламкаш генералнинг жангоҳлар саёҳатидан кўра жиддий маъно касб этиб, эндиликда Туркия ва Олмония қўшинлари орасидаги расмий муносабат кўринишига айланганди. Генерал Эрден 1941 йил октябридаги олмония сафаридан анча олдин, Барбаросса ҳаракатининг илк кунларида, немис элчиси фон Папен билан учрашиб, унга Қафқаз минтақасидаги турк халқларига мансуб ўлкаларда бир неча мустақил турк давлатлари қуриш тарафдори эканлигини билдирганди.[852]

У шарқ жабҳасига бориб келингандан сўнгра ҳам олмон раҳбарлари билан учрашувларда шундай гапларни айтган. Олмония ташқи ишлар вазири ўринбосари Вейзаскернинг вазир Риббентропга берган расмий маълумотларbда ҳам ана шу мулоқотлар хусусида, ўшандай фикрлар айтилгани борасида далиллар бор.[853] Икки қаламкаш генералнинг шарқ жабҳасига сафарини, олмон раҳбарлар билан бўлган учрашувларда турк халқларига мансуб ҳарбий асирлар хусусидаги фикрлари ва Қафқаз минтақаси келажагига оид билдирган қарашлари ва таклифларидан турк ҳукумати бехабар эди, деб ўйлаш тўғри эмас, албатта. Зотан, улар Туркияга қайтишгач, генерал Эрден Ташқи ишлар вазири Сарачўғли ва Бош қароргоҳ бошлиғи Фавзи Чақмоқнинг ҳам қатнашган бир йиғилишда жумҳурраис Инўнуга сафар хусусида батафсил маълумот берган. Олмониянинг Туркиядаги элчиси фон Папеннинг билдиргисига кўра, бу йиғилиш 6 соат давом этган, мана шу далил ҳам Инўнунинг бу жабҳа сафарига жиддий қараганини билдиради.[854]

Генерал Эркилет эса, ўлкага қайтганидан кейин Қирим етакчиси Жаъфар Саидаҳмад Қиримэр билан келишиб, унинг тавсиясига кўра Қирим миллий ҳаракатининг икки илғори Эдигей Қиримол ва Мустажиб Улкусолни Олмонияга жўнатиш ишларига киришганди. Бу икки таниқли Қирим ватанпарварининг Олмонияга юборилиши масаласини нафақат туркчи давралар, балки ташқи ишлар вазири Сарачўғли ҳам хуш қаршиламоқда эди. 1941 йилнинг сентябр ойи бошларида Анқарага келган Қирим етакчиси Жаъфар Саидаҳмаднинг ҳаракатлари ва унинг натижалари борасида Мустажиб Улкусол шундай деган:

---

[852] Deringil`den naklen, *İngiliz belgeleri*, s. 161
[853] Gerede, *Harp İçinde Almanya*, s. 252
[854] *Türkiye`deki Alman Politikası,* 1941-1943, s. 17

> “Жаъфар Қиримэр сентябр бошларида Анқарага келди. Ташқи ишлар вазири Шукри Сарачўғли ва Олмония элчиси фон Папен билан учрашиб, бизнинг Берлинга боришимиз ҳақида гаплашди ва қатъий бир қарорга келинди... Олмония консулхонасига 25 кун қатнадик. Орада Жаъфар Қиримэр ва дўстлари билан учрашдик. Шунингдек, Анвар пошонинг қардоши Нурий пошо ва Ҳусни Эркилет пошо билан ҳам кўришиб турдик. Суҳбатларимизда Берлинда нималар қилишимиз кераклиги, Қиримга бора олсак, у ерда юртдошларимиз билан бирга бажаришимиз лозим ишлар, режалар келишиб олинди.”[855]

Айни пайтда Эркилет пошо ҳам Олмония сафари давомида ўзига мезбонлик ва йўлдошлик қилган элчи фон Ҳентигга вазиятни тушунтириб, бу икки кишидан Қиримда фойдаланиш мумкинлигини таъкидлаб, жумладан, шундай деган:

> “Яқинда виза олган икки жаноб, яъни, Мустажиб Фозил ва Эдигей Камол (Қиримол) сизни кўргани келишади. Улар Қиримда олмонларга кўмаклашмоқдалар, шунингдек, айни чоғда Қирим туркларига ёрдам ва хизмат кўрсатиш учун тайинланганлар. Профессор Идрисга[856] бу хусусда ёздим ва не ёзган бўлсам, барини сизга таржима қилиб беришини сўрадим. Мустажиб ҳуқуқшунос ва ёзувчи, авваллари маҳкамада судя эди. Эдигей ҳам яхши таълим олган ёшлардан. Иккалови ҳам қиримлик, ишончли одамлардан. Сиздан иккаловини ҳам Қиримга юборишингизни ва у ерда уларнинг турк-олмон манфаатига хизмат этишлари учун имкон яратишингизни илтимос қиламан. Улар немисча билишмайди, аммо русчада яхши гаплашадилар, яқинда олмончани ҳам ўрганиб оларлар.”[857]

Ана шундай ташаббуслар натижасида Эдигей Қиримол ва Мсутажиб Улкусол 1941 йил ноябр ойида Олмонияга бориб, Қиримга алоқадор ишлар билан шуғулланишга киришдилар. Ўша кунларда элчи фон Папеннинг Олмонияга юборган хатларидан турк ҳукумати раҳбарлари билан Олмония элчихлонаси ўртасидаги муносабатларда Туркиядаги муҳожир турклар мавзуси эътиблорли ўрин тутганини билиб олиш мумкин. Жумладан, фон Папен шундай ёзади:

> “Бугун Мурсал пошо ҳузуримга келиб, маршал Чақмоқ билан узоқ суҳбатлашганини сўйлади. Маршал унга анжуманга чақирилган оддий халқ вакилларига Олмонияга боришлари учун ҳеч кечикмасдан изн берилишини айтибди. Ҳарбийлар борасида эса, ҳозирча кутиб туришга мажбурмиш. Туркия қўшинларида ўлкани яхши биладиган жуда кўп сонли эски қафқазликлар, айниқса, озарбайжонлар бисёр эмиш. Агар

[855] Ülküsal, *İkinci Dünya Savaşında Berlin Hatıralarım*, s. 40.
[856] Олимжон Идрисий.
[857] Ҳ. Эркилетнинг фон Ҳентигга 1941 йил 27 ноябрда ёзган мактубидан (*Türkiye`deki Alman Politikası*, s. 37).

ҳарбий ҳаракатлар янада муваффақиятли борса,[858] уларга ҳам рухсат бериш имкони туғилиб қолар.”

Бу хатда тилга олинган оддий халқ вакиллари, бизнингча, Олмония Ташқи ишлар вазирлигидаги Русия ҳайъати ташаббуси билан Овруподаги муҳожирлар вакилларини Берлинда ўтадиган Адлон анжуманига чақирилган кишилар бўлиши керак. Зеро бош элчи Шуленбург муҳожир вакилларнинг даъватномаларини 1942 йил аперл ойидаёқ эгаларига жўнаттирган ва йиғилиш май ойида ўтказилганди.[859] Бу йиғилишга чақирилган ҳарбийларнинг кимлар эканлиги хусусида аниқ маълумот йўқ.

САРАЧЎҒЛИ ВА ДАВЛАТ ТУРКЧИЛИГИ

Туркия Бош вазири Рафиқ Сайдамнинг вафотидан кейин, 1942 йилнинг июл ойида Шукри Сарачўғли раҳбарлигида янги ҳукумат қурилди ва Туркия Буюк Миллат Мажлисининг 5 августдаги йиғилишида овозга қўйилиб, муҳокама қилинди. Бош вазир Сарачўғлининг нутқида, яъни ҳукуматнинг расмий баёнотида бу кунгача ҳеч қулоқ эшитмаган ажойиб фикрлар бор эди. Саарчўғли мажлис минбаридан туриб туркчиликка таъриф берди, Туркия жумҳуриятининг янги ҳукумати ўлароқ бу ижтимоий оқимга муносабатлари қандай эканлигини очиқ ифода этди. Мажлис ҳужжатларида сақланган ёзувларга кўра, жумладан, у шундай деган:

“Дўстлар!

Бу каби кундалик ва ўткинчи муаммоларимиздан кейин, энди, оз-оздан доимо орта борган, доимо қувватланган ва ҳеч бир вақт ўзгармайдиган имонимиз, маънавий қадриятларимиз хусусида сўзламоқчиман.

Дўстлар!

Биз туркмиз, туркчимиз ва доимо туркчи бўлиб қоламиз. *(“Браво!” “Офарин” товушлари ва олқишлар.)* Биз учун туркчилик бир қон масаласи бўлгани каби ўшанчалик, лоақал ўшандайин бир виждон ва маданият масаласидир. *(“Браво!” “Офарин” товушлари ва олқишлар.)* Биз озайган ва озайтирган туркчи эмас, балки кўпайган ва кўпайтирган туркчимиз ва ҳар вақт бу мақомда фаолият юритамиз.”[860]

Урушда олмонларнинг дови юриб турган ва советларга қарашли баъзи турк юртларини ҳам немислар эгаллаган бир пайтда бунақа нутқнинг ички ва ташқи сиёсатда, омма онгида қанақа ҳаяжон ва умидларни тўлқинлантиришини тасаввур қилиш мумкин. Айни шу чоғда

[858] Папеннинг 1942 йил 13 майда Олмония Ташқи ишлар вазирлигига жўнатган хатидан (*Türkiye`deki Alman Politikası*, s. 57)
[859] “Адлон йиғилиши” бобига қаранг.
[860] *TBMM Zabit Ceridesi*, Devre 6, cilt 27, s. 24-25.

Туркия ҳукумати 1930 йилларда таъқиқлаб, ёптириб юборгани айрим туркчи журналларга муносабатидан ҳижолат чекишни ҳам унутиб, эндиликда ғайратли туркчилар ташаббусини-да қўллаб, янги журналлар нашрига изн берди.

Бу сиёсат натижасида 1940-1942 йиллар орасида ‘‘Çınaraltı’’ (“Чинор остида”), ‘‘Gökbörü’’ (“Кўкбўри”), ‘‘Tanrıdağ’’ (“Тангритоғ”), ‘‘Bozkurt’’ (“Бўзбўри”), ‘‘Ergenekon’’ (“Арқанақун”), ‘‘Türk Yurdu’’ (“Турк юрти”), ‘‘Orhun’’ (“Ўрҳун”), ‘‘Kopuz’’ (“Қўбиз”), ‘‘Türk Sazı’’ (“Турк чолғуси”) ва ‘‘Türk Amacı’’ (“Туркнинг мақсади”) каби журналлар нашр қилинди. Бу туркчи журналларнинг фақат бир сонигина, яъни “Бўзқурт” журналининг 11-сони йиғиб олинди холос. Бунинг сабаби, унинг муқовасида Туркия билан биргаликда Совет Иттифоқи, Чин, Афғонистон, Эрон ва Ироқ ҳудудидаги турк юртлари кўрсатилган каттагина харита босилган эди.

Бундан ҳам муҳимроғи шу эдики, ҳукмрон Жумҳурият халқ партиясининг таниқли вакиллари, хусусан собиқ адлия вазири Маҳмуд Асад Бўзқурт ва кейинги йилларда қишлоқ хўжалик вазири бўлган Шавкат Рашид Хатибўғли каби сиёсатчилар “Бўзқурт”, “Чинаралти”, “Кўкбўри” каби журналларда мавқолалари билан қатнаша бошлади. Турк матбуотида ададининг кўплиги ва сиёсий таъсири жиҳатидан эътибор қозонган “Жумҳурият” газетасининг Бош муҳаррири Нодир Нодий Олмония тарафдори сифатида ҳаммага отнинг қашқасидай таниш эди. Бошқа бир машҳур газета “Тасвири афкор”да ҳам немиспарастларнинг мақолалари босилиб турарди. Ҳусний Амир Эркилет ва Али Эҳсон Сабис каби баъзи нафақадаги генераллар ҳам Олмониянинг урушдаги юксак ҳарбий иқтидорини мақтовчи мақолалар ёзмоқда, кундалик нашрлар уларга кенг ўрин ажратмоқда эди. Бундан ташқари, Сабис Олмония ҳукумати ёрдами билан нашр этиладиган “Türkische Post” газетасида Бош муҳаррир эди. Ягона партия бошқараётган бир ўлкада юқорида таъкидланган ҳолатларга изн берилиши мавжуд ҳукуматнинг баъзи фаолиятларни кўриб-била туриб юритаётганини англатарди. Шунга кўра хулоса чиқарилирса, Туркия Бош вазирининг парламентда сўзлаган нутқидаги фикрлар, бир қараганда, туркчи давраларнинг талаб ва истакларига мос бир ҳукумат сиёсати вужудга келаётганидай ҳам туюларди.

Фон Папен ўша мажлисдан йигирма кун ўтиб, Туркия бош вазирини зиёрат қилди. Сарачўғли аввал ташқи ишлар вазири эди, шу боис улар бир-бирини яхши танишарди. Папен Сарачўғли билан суҳбатлашганидан кейин Олмония ташқи ишлар вазирлигига янги турк Бош вазирининг туркиядаги майда миллатларга ва Русиянинг келажагига муносабати мавзусидаги маълумотини юборди. Бу махсус билдиргида, жумладан, шундай фикрлар ифодаланган:

“Бугун илк бор янги тайинланган Бош вазир жаноб Сарачўғлининг ҳузурида бўлдим. Туркиядаги умумий ағвол хусусида суҳбатлашар эканмиз, олдин Нўмондан[861] сўраганим каби ундан ҳам руслар масаласи ҳақидаги тушунчаларини лутфан менга айтишини илтимос қилдим. У менга ҳам бир турк, ҳам бир Бош вазир сифатида қарашларини айтмоқчилигини билдирди.

Унинг бир турк ўлароқ фикри-зикри русларнинг барбод бўлишидир. Бу аслида турк халқининг юзларча йилдир тушига, орзусига айланган бир тушунча. Бизнинг фюрер буни амалга оширса, янги бир давр бошланади. Бошқа бирорта турк, хаттоки инглизлар тарафдори Ёлчин[862] ҳам бу борада ундан бошқача ўйлай олмасди. У Туркиянинг ирқ, миллий масала хусусидаги сиёсатига садоқатини баён этаркан, яна анча гапларни айтди...

Янги Бош вазир фюрернинг майда миллатлар масаласи келажакда қай тарзда хал қилиниши хусусидаги қароридан хабарсиз. Зотан, бу ўлка нуфусининг асосий қисми турк ирқига мансублиги боис, Туркия масаласи ҳал этилар экан, ана шу нуқтага эътибор берилиши табиийдир. Бош вазир билан мулоқотимиз давомида у, алоҳида таъкидли оҳангда, фюрернинг таълимотига асосланган ҳолда, ўз жумҳурияти раисига янгидан шаклланажак Оврупода Туркиянинг жанубий шарқда кучли бир қалъа вазифасини бажаришини, шунга боғлиқ тарзда, аввал руслаштирилган ўлкалардаги турк ирқлари манфаатлари ҳам эътиборга олиниши кераклигини айтганини эслатди. У ерлардаги зиёлиларнинг – агар бор бўлса – ё бўлшевизмга таслим бўлгани ёки ўлдирилгани тўғридир. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда, ўша ўлкалардаги ёшларнинг бир қисмини Олмонияга, бошқа бир қисмини Туркия университетларига юборилса, келажакда улар бу икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка катта хизмат қила олади.

Олмония бу ўлкаларнинг маълум миқдордаги муҳожирларини уларнинг фикрларини билиш ва уларга ёрдам бериш мақсадида салтанатга чақирган эди.[863] Улардан баъзилари туркларнинг майда миллат сифатида яшаётган ўлкаларга мустақиллик берилмаслиги, уларнинг немислар ҳукмронлиги ва полициясига қарам давлатларга айланиши борасидаги фикрлар билан юртларига қайтишди. Бош вазир ҳам фюрернинг қараши шунақа деб билади. Агарда руслар яқинда бутунлай енгилса, руслардан бошқа халқлар ўз ўлкаларининг истиқлолини ва қайтадан қурилишини биздан талаб қилишини кўрган бўлардик. Биз уларнинг ана шу умидини пучга чиқармаслигимиз керак. Акс ҳолда, улар бизнинг хаёлимизга ҳам келмаган балоларга бош уриши мумкин. Бош вазир шу нуқтагача бир турк ўлароқ фикрларини билдирди. Бош вазир сифатида эса, рус бўлмаган халқларга кўрсатиладиган ҳар қандай зулм ва ҳақсизликка қарши туриш унинг вазифаси эканлигини айтди...

[861] Туркия ташқи ишлар вазири Нўъмон Манаманчиўғли кўзда тутилмоқда.
[862] Ҳусайн Жоҳид Ёлчин кўзда тутилмоқда.
[863] Муҳожир лидерларнинг Адлон анжуманига чақирилгани эслатилмоқда.

Бош вазирнинг барча сўзларини эшитгач, унга миннатдорлигимни билдирдим, сўнгра эгалланган ўлкаларнинг тикланиши ва бошқарилишида Туркия билан қай тарзда ҳамкорлик қила олишимиз ёки бу ишда Туркиянинг манфаатларини сақлаш учун нималарга эътибор берилиши лозимлиги хусусидаги фикрини сўрадим. Аввал Нўъмон таъкидлаганидек, эндиликда Сарачўғли ҳам бу масалани алоҳида махфий тарзда гаплашилгани тузук деди; ёки бу масалани ҳал қиладиган учинчи бир кишини жалб этиш мумкин, деди. Суҳбатимиз натижасида шундай қарорга келдимки, Бош вазир Русиядаги, айниқса Қафқаздаги бутун ҳодисаларни жиддий кузатиб бормоқда ва бу масалада мен билан доимо яқин алоқада бўлишни истайди."[864]

Элчи Папен ана шу учрашувда тилга олинган мавзуларни ўша пайтда Туркияда юрган профессор Менде билан, шунингдек, Туркиядаги муҳожирларни яқиндан биладиган тағин бошқа бир олмон расмийси билан ҳам муҳокама қилиб кўрди. Уларга қуйидаги фикрларга келишган:

"Турклар, агарда ўлканинг турли вилоятларидаги элатлар, майда миллатлар билан фаол ҳамкорлик юритилса ва улар ўқитилса, тарбияланса – табиийки, бу иш олмон руҳи, ҳарбий ва иқтисодий раҳбарлиги натижасида юзага чиқарилади – улар руслар муаммосини ҳал этамиз деб ўйлашади, мен ҳам бунга ишонаман. Бу бобда тарихда аллақанча мисол бор (масалан, Бирмада япўнларнинг тутган иши), Қафқаз ва Хазар атрофидаги ўлкаларнинг ҳар бирида кўринишдан ўша юртнинг бошқарувчилари мақомига ярайдиган одамларни топишимиз керак. Уларнинг ёнида албатта бир немис бошқарувчи ҳам бўлади. Бироқ у олмон маслаҳатчидай, ҳокимиятдан четда каби туюлса ҳам, аслида ўлкани у бошқаради, қарорни у беради, барча ишларда у масъулдир. Шунингдек, бошқаришда маҳаллий вакилларнинг асосий улуши сақланиши лозим, лозим даражада маҳаллий раҳбарлар бўлиши керак. Ҳозиргача турли майда миллатлардан ташкил этилган легионлар ўзлари мансуб ўлкаларда яратиладиган қўшинларнинг асоси, тамали бўлиши даркор. Кўринишдаги ҳарбий қўшинлар ва полиция ташкилотлари имкони мавжуд ерларда маҳаллий аҳолидан таркиб топиши керак.

Ҳар бир кичик халқлар яшайдиган минтақада ўша ернинг раҳбарига лойиқ кишини танлаш жуда муҳим, буни Нўъмон ва Сарачўғли билан ўтказган суҳбатларимдан сўнгра айтганим каби, бундан кейин ҳам эътиборли турк доираларининг бу мавзуга оид фикрларини ўргана оламан. Хуллас, бу борада ўзаро манфаатга эришиш учун янги сиёсий ташкилотлар ҳам яратиш керак деб ўйлайман.

Бу фикр, албатта, Русиянинг Украина ва бошқа эгалланган ўлкаларида яратиладиган олмон ҳукумати ва бошқаруви йўналишидан тамоман фарқлидир. Бироқ Қафқаз орти ва Хазар ортидаги ўлкаларига оид фикрларимга шуни ҳам қўшимча қилишни истардимки, бу ўринда

[864] Папеннинг 1942 йил 27 августда Олмония ташқи ишлар вазирлигига юборган махсус хати; *Türkiye`deki Alman Politikası*, s. 68

алоҳида бир ташқи сиёсат юритилиши кераклигини ҳисобга олиш шарт. Агарда Туркия билан ҳам, Муҳаммад динидаги бошқа халқларнинг ҳар бири билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилмаган тақдирда, менимча, у ерларда фақат олмон полициясига таянибгина бошқарувни қўлда тута оламиз. У ҳолатда Туркия яратилажак янги Оврупони нг ташқарисида қолади. Бунақа оқсоқ ишлар, албатта, тезда ўзининг ногирон натижаларини кўрсатади. Музаффар Олмония қўшинларининг муаззам Қафқазлардан пастга қараб ёйилиб бориши билан биргаликда бу ўлкаларда янги бошқарувнинг ишлаётгани сезилиши керак. Фюрер олдин ҳам бу масалага ўз сиёсий ёндашувини билдиргани каби, энди ҳам қарорини баён этиши керак."[865]

Бу расмий хатни ўқиркан, Папен фюрернинг бу ўлкаларга оид тушунча ва қарорларини шакллантирётганига, таъсир кўрсатаётганига ишонаётгандай туюлади. Бироқ фашистлар ҳукумати ишғол этилган ўлкаларни мустамлака сифатида бошқаришга аллақачон қарор қилганди. Советлар асирига айланган миллатларга эркинлик бериш ёки Туркиянинг бу ишларга аралаштириш масаласи уларнинг хаёлига ҳам келмаганди. Зотан урушнинг бошланғич даврида, фашистлар рус жабҳаларида илгарилаб бораркан, олмон ҳукуматининг етакчи раҳбарларининг ёзишмаларида ҳам бу қараш ва қарор очиқ билиниб турарди.

Анвар пошонинг қардоши, айни пайтда тадбиркор Нурий Килигил пошо 1941 йилнинг сентябрь ойида савдо кўргазмасига қатнашиш баҳонасида Лейпциг шаҳрига боради ва у ерда Олмония ташқи ишлар вазири ўринбосари Вайзаскер, шунингдек, сиёсий бўлим бошлиғи Воерманн билан учрашган ва суҳбатлашган. Бу мулоқотлар мазмуни, хусусан Нури пошонинг бу ҳаракатидан Туркия ҳукумати хабардорлиги, Олмонияга жўнашдан аввал у Бош вазир Рафиқ Сайдамга учрагани ва маслаҳатлашгани Воерманн тарафидан Олмония ташқи ишлар вазири Риббентропга топширилган махсус маълумотда акс этган. Ана шу маълумотномада Олмониянинг ўзи эгаллаган ўлкаларда турк халқларига мансуб асирларга нисбатан тутиладиган сиёсатига боғлиқ Туркия ҳукуматининг талаб ва истаклари ҳам ўрин олган.

Воерманн таъкидлаганидек, Нурий пошо, жумладан, турк миллатига мансуб асирларни алоҳида қўрғонларга йиғиш ва уларга таълим бериш, сўнгра улардан советларга қарши курашда фойдаланиш керак; турк халқлари яшайдиган ўлкалар (масалан, Қирим, Қафқаз каби) турклар ёки мусулмонларга қолдирилиши лозим; Берлинда эса, бир тарғибот ва ташвиқот маркази қурилиши даркор, унда мен ҳам хизмат қиламан, дея тилакларини билдирган. Яна Воерманн маълумотномасида айтилганидек, Туркиядаги туркчи ҳаракатнинг Туркия ҳудудлари ташқарисида яшаётган турк халқларининг мустақил давлатлар қуриши йўлидаги жуда муҳим тадбирдир, айниқса, йиқилажак советлар иттифоқи

[865] Папеннинг юқоридаги расмий хати; *Türkiye`deki Alman Politikası*, s. 71.

эгаллаган ўлкаларда тикланиши орзу қилинаётган бу давлатларни Туркия асло ўзига боғламайди, қарам қилмайди, Туркия бу борадаги сиёсий қарашларини билдирмоқчи холос. Бу ўринда номи эсланаётган ўлкалар Озарбайжон, Доғистон, Татаристон, Туркистон, Хитой ишғоли остидаги ва айни замонда советлар таъсирида бўлган Шарқий Туркистон эди. Шунингдек, Эрондаги турк ўлкалари, Мусул ва Каркук ҳам истиқлолга муҳтож муҳим юртлар қаторида деб билинарди. Воерманн Отатуркнинг баъзи ҳудудий ўзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда, Туркиянинг мавжуд чегаралари ичида қолишини маъқуллаган ташқи сиёсатини Нурий пошога эслатиб, эътироз қиларкан, пошо унга Отатуркнинг ўша пайтда советларнинг қудратидан ҳадиксираб бундай йўл тутганини айтган. Уруш жараёнида советлар ҳукуматининг тарқалиб кетиши аён бўлгач, ўша ҳадик ҳам йўқолганди. Бундан ташқари, Туркия ўзига янги ҳудудларни қўшиб олишни эмас, балки янги мустақил турк давлатларининг қурилишини орзу қилмоқда эди. Воерманн бу фикрлар кенг тавсифланган маълумтономасига илова тарзида тилга олинган ўлкалар ва Русиянинг XIX асрда Туркистон ва Қафқазни ишғол қилганини кўрсатган иккита харита ҳам тайёрлади. Ўша маълумотноманинг муҳим томони шуки, унда сиёсий бўлим бошлиғининг бу масалалардаги қараши очиқ ифодаланган. Жумладан, Воерманн шундай фикрларни ёзган:

> “Туркиянинг шотири бўладиган янги этник турк давлатлари қурилиши масаласига бошқа ўлчовлар нуқтаи назаридан ҳам қараш керак... Туркиянинг Мусул минтақасини қўлга киритиш режасига тўғри ёндошсак ҳам, барибир, нефт борасидаги ўз манфаатларимизни кўзда тутган ҳолда, бу йўлда уларга эрк бермаслигимиз лозим. Шунингдек, Ботуми ва Бокунинг ҳам турклар ихтиёрига ўтишига асло йўл қўйиб бўлмайди.
>
> Бошқа масалаларга келганда, менимча, Қафқазлардаги* юртлар ва турк халқлари билан киришиб кетган Эдил ва Ўрол ўртасидаги минтақа билан Хазар денгизи шарқида қолган Туркистон орасида маълум бир фарқлар бор. Советлар енгилганидан кейин ўтмишда чор рус империяси эгаллаган поёнсиз ерлардаги ахоли бошқаларнинг эмас, балки олмонлар таъсири остида бўлиши керак. Бутун Қафқазда, Эдил ва Ўрол ўртасидаги ўлкаларда Туркия билан сиёсий иттифоқ қурадиган ва ҳеч шубҳасиз, шу туфайли тутумларини, ҳаракатларини унга мослайдиган, Туркия сиёсатига қарам янги давлатларни қуриш бизнинг манфаатларимизга зиддир. Аммо Туркистоннинг вазияти бошқача.
>
> Агарда Русия мутлақо заифлатилса ва инглизлар ҳалиям Ҳиндистондан чиқмаса эди; инглиз империализми Туркистон-Сибир темирйўли орқали ташқарига қисман очилган, иқтисодий (пахтаси) жиҳатдан келажаги порлоқ бўлган бу ўлкаларни албатта эгаллашга интиларди. Бу ўлкалар айниқса ўзига хос жўғрофий жиҳатлари билан ҳам келажакда Олмонияга асло боғлиқ бўлолмайди. Шуни кўзда тутиб, менимча,

Туркия билан этник иттифоқда бўладиган турк давлатларининг қурилишини ташвиқ этганимиз фойдалидир.”[866]

Очиқ кўриниб турибдики, Олмония босиб олинадиган ўлкаларга мустақиллик ёки мухторият беришни асло ўйламаган. Зотан немислар советларни ишғол этгач, навбат Туркияга келарди. Ана шу туфайли Папеннинг масалага бундай муносабати Берлиндаги раҳбариятда қаттиқ норозилик уйғотди. Бир оз ўтгач, Олмония Ташқи ишлар вазири Риббентроп Папенга қуйидаги буйруқни йўллаган:

“26 ва 28 августдаги маълумотларингиздан аён бўлишича, Туркия ҳукумати одамлари билан учрашувингиз натижаларига кўра, Қафқазда ва аввалдан советларга қарашли ўлкаларда яшаган турк эллари ва Туркия манфаатлари борасидаги масала такрор-такрор кўриб чиқилди ҳамда айни муаммо ечими устида анчагина баҳслашилди. Жаноб Нўъмон ҳам, жаноб Сарачўғли ҳам бу жараёндаги турк манфаатларини аниқ белгилаган ҳолда гоҳ очиқ, гоҳ шаъмали ўлароқ таклифларини тушунтиришди, бир одамни ўртага қўйиб, ўзлари бизга ёрдам беришларини билдиришди. Улар яна Туркиянинг бу соҳадаги маълум тарафсизлик сиёсатини эслатиб, ўлканинг айрим талабларини ҳам баён қилишди.

Эндиликда турк ҳукумати билан бу борада бирор музокара ўтказишнинг ҳеч бир нафи йўқ. Аксинча, бундайин учрашувлар айни муаммонинг ҳал этилишида тескари натижа бериши тайиндир. Муҳими, шу пайтда туркларнинг бу соҳадаги истак ва талабларини бизга арз этишларига имкон ҳам бермоқчи эмасмиз. Чунки бу йўналишдаги турк манфаатлари Туркиянинг бошқа урушаётган давлатларга боғлиқ асосий сиёсати ва муносабати таврини бизнинг фойдамизга ўзгартирадиган қадар кучли эмаслиги ҳам аён.

Шу боис бундан кейин айни мавзуда мулоқотни тўхтатишингизни ва турклар муаммони яна кавлаштирсалар, жуда эҳтиёт бўлишингизни илтимос қиламан.”[867]

Бу буйруқ Папеннинг советлар мамлакатидаги турк элларига оид ҳаракатларига сўнгги нуқтани қўйди. Аслида, Риббентроп бу жараённинг Туркия ташқи сиёсатига таъсири таҳлилида ҳақли эди. Туркия ҳукумати айни пайтда турк халқлари ўлкаларига оид сиёсатида бирор ўзгариш қилолмасди. Туркия раҳбариятининг бош сиёсати тарафсизлик бўлиб, уни муҳофаза этиш ва урушга кирмаслик бу сиёсатнинг тамали ҳисобланарди. Туркиядаги Англия элчихонаси тарафидан тайёрланган ва Foreign officein ташкилотининг жанубий доираси вакили Г. Л. Слуттон маълумотида таҳлили келтирилган, 1942 йил 22 июлда чиққан

*Кичик Қафқаз ва катта Қафқаз тоғлари назарда тутилмоқда (тарж.).

[866] *Documents on German Foreign Policy*, 1918-1945, Series D, v: 13, *The War Years 1941* (Washington: U. S. Government Printing Office, 1964), s. 571-575. (Özdoğan*, Turan`dan Bozkurt`a – Tek Parti Döneminde Türkçülük* – 1931-1946`dan alıntı).

[867] Риббентропнинг Папенга йўллаган расмий тавсияси, қаранг: *Türkiye`deki Alman Politikası*, s. 81

“Туркиянинг ҳудуд истаклари” номли қарорда турк ҳукуматининг бу борадаги қарашлари ва сиёсати йўналиши аниқ сезилиб туради:

> “Туркияда турончилик кенг тарқалган ва бу тушунчага яқин гуруҳларнинг Эронда, советлар мамлакатида тарафкашлари бор. Аммо бу ҳаракат асосан яширин иш юритмоқда, расмий ёрдам кўрмаётгандай туюлади, бироқ ҳукумат бу ҳаракатни бостириш учун имкони борича уринмаётгани аёндир.”[868]

Зотан Туркия ҳукуматининг ташқи сиёсатда бўлгани каби ички сиёсатда ҳам мувозанатни сақлашга интилган ҳолда, барча ижтимоий ҳаракатларда ҳаддан ошишга йўл қўймаётгани маълум эди. Масалан, олмонпарастлиги билан танилган шахс, Туркиянинг Олмониядаги элчиси Хусрав Гарада 1943 йил 23 апрелда “Турк клуби”да ўтказилган бир анжуманда сўзлаган нутқида, жумладан, советларга шама қиларок, туркларнинг тарихий шафқатсиз душманининг енгилаётганини таъкидлаганди. Унинг бу чиқиши ҳукуматга ёқмади ва давлат дарҳол қатъий чора кўрди. Турк-олмон сиёсий алоқаларида уста дипломат сифатида танилган Гарада ишдан бўшатилиди ва унинг ўрнига Саффат Ариқон тайинланди. Аслида турк ҳукумати ҳам советларнинг енгилаётганидан мамнун эди, фақат раҳбарият ўз туйғуларини гизли тутган ҳолда, бу мавзуда ўзаро, беркитиқча фикр юритарди. Бундан ташқари, ҳукумат Туркияни урушга тортишни мўлжаллаган олмон сиёсатини бир оз юмшатишга, советларни енганидан кейин немисларнинг Туркияга уюштиражак ҳужумини иложи борича орқага суришга интиларди. Давлатнинг фақатгина ташқи сиёсати эмас, балки ички сиёсати ҳам уруш жараёнининг боришига боғлиқ эди.

ВАЛИ ҚАЮМХОННИНГ ТУРКИЯ САФАРИ

Вали Қаюмхон 1942 йил декабрь ойида Олмония элчиси Папеннинг таклифига кўра Туркияга келди. Ўша йили немислар советларга оид Дон ҳавзасини, Шимолий Қафқазни ишғол этиб, Гуржистон ва Озарбайжон ҳудудларига қўшин тўкмоқда эди. Немисларнинг мақсади Озарбайжон нефтига эгалик қилиш эди. Жаноб Папен Вали Қаюмхонга турк расимийлари билан учрашишни, уларга Миллий Туркистон бирлик қўмитаси ва Туркистон легиони ҳақида маълумот беришни тайинлади. Вали Қаюмхон эса, Туркия ҳукумати вакилллари билан бўладиган учрашувлардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишни ўйлаб турарди. Бундан ташқари, у Туркиядаги ТМБ (Туркистон миллий бирлиги) аъзолари ва бошқа муҳожир турк давралари билан ҳам яқиндан танишмоқни ниятида эди. Қаюмхон ўша пайтларни шундай эслайди:

[868] Deringil, *Denge Oyunu*, s. 181

“Истанбулга келганимдан кейин, аввало миллий хавсизлик ташкилоти масъулларига учрадим. Олмонлар оддий кишилардай кийинган легионичиларни Туркия ҳудудлари орқали Қафқазия ичкарисига йўлламоқни истарди. Бироқ Туркия ҳукумати одамларига бу иш маъқул эмаслигини сездим. Чунки бу ҳодиса ошкор бўлиб қолса, Туркия урушга киришга мажбур эди. Мен айни чоғда шарқ жабҳасида, хусусан, немисларнинг Сталинградда эсанкираб турганидан таъсирланиб, олмонлар урушда мағлубиятга учраши мумкинлигини ўйлай бошлагандим. Ўша пайтда Туркистон легионида 100 минг аскаримиз ва 70 мингча ишчи[869] бор эди. Мен агарда немислар урушда ютқазса, ўша туркистонликларни Туркияга олиб кела оламанми-йўқми, шуни билишни истардим. Масъул кишилар билан кўришиб, суҳбатлашар эканман, шу масалага муносабатларини билишга уриндим. Улар бунга унчалик эътибор беришмади. Бироқ мен уларга бошқа бир муҳим масалани ҳам очиқ айтдим. Яъни, агарда Олмония ва Туркия ўртасида уруш бошланса, туркистонлик аскарлар немислар сафида бўлмаслигини таъкидладим.

Турк раҳбарлар бу сўзларимга ишонишмади. Сабабини билолмадим, улар Миллий Туркистон бирлик қўмитаси билан эмас, Украина ташкилоти билан алоқа боғлашни хоҳладилар. Мен Олмонияга телефон қилиб, Стечкони Туркияга юборишларини сўрадим. Стечко билан генерал Бендера хорижда Украина миллий ҳукуматини ташкил этгандилар. Стечко Истанбулга етиб келди. Икковимиз Анқарага жўнадик. У ерда Стечкони Миллий ҳавфсизлик ташкилоти бошлиғи билан учраштиргач, хонадан чиқдим. Нималарни гаплашишганини билмайман. Стечкодан ҳам сўрамадим. Ўтмишга қарасак, биринчи жаҳон урушидан кейин майдонга чиққан миллий Украина ҳукуматини илк таниган давлатлардан бири Туркия эди. Шу боис икки ўртада осонгина алоқа қурилди. Бизнинг ушбу учрашувимиз хусусида жаноб Папен жуда ижикилаб суриштириб ўтирмади. Биз нима десак, эшитди ва маъқуллади. Тахминимча, Папен Туркиянинг урушга киришини истамаётгандай туюлди...

Истанбулда туркистонлик зиёлилар билан ҳам учрашдим. Нурий пошонинг уйида кўришдик. Закий Валидий, Усмон Хўжаўғли, Ҳайдарбек, Аҳмаджон Ўқой, Тоҳир Чиғатой, Абдулваҳоб Ўқтойлар келишганди. Эски ТМБчилар сиёсий марказ шу ер бўлсин дейишди. Ҳаракатнинг маркази биз бўлсак дердилар. Бу мумкин эмаслигини айтдим... Бир-икки кун ўтгач, Турк Маданий бирлиги деган ерда йиғилиш ташкил этиб, мени ҳам қатнашишга таклиф қилдилар. Нурий пошога пантуркизм каби қарашларга қарши эканлигимни айтгандим, у менга: “Яхши. Унда йиғилишга келмай қўяқол,” деди.”[870]

Шундай қилиб, Вали Қаюмхон Туркиядаги расмий ва ғайри расмий учрашувларда ўзи истаган муаммоларга жавоб тополмасдан Олмонияга

[869] Osterarbeiter, ишчи.

[870] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-21 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбат (Аҳат Андижон архиви).

қайтди. Туркияда юрган пайтида у гарчанд ТМБчилар билан келишолмаган бўлса ҳам, бу ташкилотдан алоқани узмасликка қарор берди. “Миллий Туркистон” мажмуасида босилган ёзувларига ва ўзининг кейинчалик эслаганига кўра, у ТМБ билан уруш йиллари бўйича давом эттирган. Зотан МТБҚ тарафидан чиқарилган нашрларни Туркиядаги туркистонликлар орасида танитиш ва тарқатиш муҳим аҳамиятга эга эди. Вали Қаюмхон бу борада ТМБчиларнинг хизматларини ва улар билан муносабатларини шундай ҳикоя қилади:

> “Миллий Туркистон бирлик қўмитаси чиқарган “Миллий туркистон” мажмуаси ва бошқа нашрлар Олмония ташқи ишлар вазирлиги ходимлари томонидан Туркияга олиб келинарди. У ерда Абдулваҳоб Ўқтой нашрларни олиб, туркистонликларга тарқатарди.”[871]

Туркистон миллий бирлиги ташкилоти аъзоларидан бири Абдулваҳоб Ўқтой вафот этганида, “Миллий Туркистон” мажмуасида босилган мақоласида ҳам Қаюмхон шуларни таъкидлаган:

> “Уруш давом этаётган йилларда ҳам алоқаларимиз жуда самимий ва мустаҳкам эди... Ўша йилларда ҳам улар Берлинга келиб, миллий истиқлолимиз йўлида биргаликда ишлашни исташарди. Ҳатто Ўқтойнинг ва Тоҳир Чиғатойнинг ҳужжатларини тайёрлаб, бу истакни амалга оширишга ҳам уриндик. Афсуски, номаълум сабабларга кўра, Абдулваҳоб Ўқтой Берлинга келолмади.”[872]

Эски ТМБчиларда Иброҳим Ёркин эса, воқеаларни бошқачароқ баён этади. Унга кўра, Вали Қаюмхон билан ТМБчилар орасидаги келишмовчилик урушнинг охиригача давом этган. У ўша даврдаги ҳодисаларни шундай эслайди:

> “Вали Қаюмхон Туркияга келганида бизлар билан учрашди ва миллий ҳаракатга қатнашмоғимизни истади. Аммо биз, аввало Тоҳир Чиғатой ўлароқ, барча ТМБ аъзолари Олмониянинг ҳозиргача советлар асири бўлиб келган турк ўлкаларига нисбатан тутаётган сиёсатини маъқул деб ҳисобламасдик. Зеро немислар Қиримни ишғол этганди, бироқ Қирим татарларига истқлол бермаганди. Сўнгра фашистлар Украинани, Болтиқбўйи ўлкаларини босиб олди, аммо улар ҳам мустамлакада қолди. Тоҳир Чиғатой шу гапларни айтгач, Вали Қаюмхон немисларнинг Туркистонга озодлик беришини, бу борада ваъдалари борлигини сўйлади. Унинг қўлида Олмониянинг Туркистонни мустақил давлат сифатида тан олганини тасдиқловчи, кимдир имзолаган бир қоғоз бор эди. Бироқ биз бу нарсаларга ишонмадик. Қаюмхоннинг фикрларини қабул қилмадик. Закий Валидий қабул

[871] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-21 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбат (Аҳат Андижон архиви).
[872] Вали Қаюмхон. “Абдулваҳоб Ўқтойни эслаш” – “Миллий Туркистон” журнали, 1968 й., №125, 21-б.

этайлик дея анча тирғалди. Аммо, негалигини билмайман, Қаюмхоннинг истаклари амалга ошмади."[873]

Вали Қаюмхон ҳам ўшанда Закий Валидийнинг ўзини қўллаб-қувватлаганини айтмоқда:

"Закий Валидий МТБҚ ва легион масаласини муҳим деб ҳисобларди. У Туркистон йўлида ишлашни жудаяь хоҳларди. Мен Олмонияга қайтганимдан кейин, 1943 йилда, у Нурий пошонинг ёрдами билан Берлинга келди. Бу пайтда иттифоқчилар шаҳарга бомба ёғдиришни бошлаб юборганди. Ўта таҳликали замон эди. Валидий қисқа бир фурсат бу ерда қолиб, сўнгра қайтиб кетишга мажбур бўлди. Урушдан кейин ҳам мен билан биргаликда ишлашга истак билдирди. Бироқ мен буни қабул қилолмадим. Натижада у "Туркэли" деган гуруҳ сифатида айжралиб чиққан Қанотбой ва Қайгунга кўмаклаша бошлади."[874]

Аслида, Закий Валидий Тўғон айни асирларга ёрдам жамият қуриш тўсиққа учраган даврда, яъни 1941 йилда Олмонияга боришга анча уринди, фақат немис масъулларидан изн ололмади. Барибир у 1943 йил Олмонияга кетишга муваффақ бўлди. Немис элчиси жаноб Папен ва Нурий Килигил пошо ёрдами билан уюштирилган бу сафар давомида Валидийга Германия ташқи ишлар вазирлигининг Русия бўлими ходимлари кўмаклашди. Бош мезбон ҳар галгидек фон Ҳентиг эди.[875] Тўғон ўз хотираларида йўл-йўлакай Берлинда фашистларга меҳмон бўлганини ҳамда қуйидаги ҳодисани ҳам эслайди:

"Уруш пайтида Берлинда, Адлон меҳмонхонасида фашистлар меҳмони бўлиб турганимда, ўзим йўқлигимда жомадонларимни, нарсаларимни титишганини эшитгач, барча қўлёзмаларимни ўша замондаги Берлиндаги турк элчимиз Саффат Ариқонбекккаа топшириб, буларни Истанбулга олиб борарсан, дедим."[876]

Тўғон ўз хотираларида юқоридаги сафари ва Олмониядаги учрашувлари хусусида бошқа ҳеч нарса демайди. Ўша кунларда у Вали Қаюмхон билан яна кўришган, аммо келиша олишмагач, Закий Валидий Тўғон Туркияга қайтишга мажбур бўлган.

Қаюмхон Туркияга келган пайтида Туркистон миллий бирлиги (ТМБ) аъзолари 10 декбрь куни Истанбул йиғилиш ўтказишди. Мустафо Чўқайнинг ўлимидан кейин янги бошқарув тартибини муҳокама қилишди. Абдулваҳоб Ўқтой Чўқайнинг ўлими ва ундан кейинги юз берган вазиятни Чўқайнинг хотинига ёзган хатида шундай англатмоқда:

[873] Иброҳим Ёрқин билан суҳбатдан (Аҳат Андижон архиви).
[874] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-21 январь кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбат (Аҳат Андижон архиви).
[875] Вали Қаюмхон билан 1991 йил 17-21 январ кунлари Дюсселдорфда ўтказилган шахсий суҳбат (Аҳат Андижон архиви).
[876] Togan, *Hatıralar*, s.516

“Мустафобекнинг вафоти расмий йўллар билан бизга кечикиброқ етиб келди. Хабарни эшитибоқ, дарҳол ТМБ аъзоларини бир ерга чақирдим. Ўша кунларда Туркиядаги аҳволнинг оғирлиги ва нозиклигига қарамасдан, уч кун ичида ҳаммамиз Истанбулда тўпландик. Барчамизни ниҳоятда эсанкиратиб қўйган ва юрак-юрагимизни эзиб ташлаган бу қора хабар фақат ўша кунларда оғир бир амалиётдан кейин даволанаётган Мажидиддин бекдан пинҳон тутилди. Бир муддат бу ердаги туркистонликларга ҳам айтилмаган бу хабар матбуотда ҳам акс этмади...

1942 йил 10 декабрда ўтган йиғилишимизда Мустафо Чўқайнинг ўлими туфайли ҳосил бўлган бўшлиқни тўлдириш масаласи кўриб чиқилди. Натижада марҳумнинг ўнг қўли ҳисобланган доктор Тоҳир Чиғатой раислигида беш кишилик марказ ҳайъати сайланди ва ишларни айни вазиятга кўра давом эттиришга қарор берилди.”[877]

1943 йилнинг январида узоқ йиллардан бери Туркистон миллий бирлиги ташкилотининг бош котиби вазифасида ишлаган Мажидиддин Далил анчадан буён даволанаётгани Ҳайбали оролидаги шифо масканида вафот этди. Мустафо Чўқайдан кейин Туркистон истиқлоли йўлидаги курашга ташна, қайсар, ўчга ичи тўла бу инсоннинг ҳам йўқотилиши натижасида ТМБ фаолияти сўнишга юз тутди ва охири жимликка кўмилди.

ТУРК МАДАНИЙ БИРЛИГИ ЖАМИЯТИ ВА ЭМИНЎНИ ХАЛҚ УЙИ

Туркистон турк ёшлар уюшмасининг Турк маданият бирлиги тирноғига* айлантирилиши ҳодисаси Туркия ҳукуматининг янги чиқарган қарорига мос ўлароқ 1940 йилнинг ёз ойларида амалга оширилди. 7 июлда ўтказилган қурултойда Туркистон турк ёшлар уюшмасининг охирги бошлиғи Аҳмаджон Ўқой билан Олмониядан Туркияга қайтган Туркистон миллий бирлиги аъзолари ўртасида қатиқ тортишув юзага келди. Қизиғи шундаки, Отатуркнинг ўлимидан кейин Туркияга қайтган Закий Валидий Тўғон, анчадан буён ТМБга қарши ҳаракат қилаётганига қарамасдан, бу қурултой асносида ТМБ гуруҳига қўшилиб кетди. Икки томон орасидаги аёвсиз баҳслар натижасида сайлов ўтказиб бўлмади ва қурултой иши кечитирилди.

21 июл куни ўтган иккинчи мажлисда Тоҳир Чиғатой ва Закий Валидийлар гуруҳи енгилди ва ТТЁУнинг олдинги бошлиғи Аҳмаджон Ўқой яннги ташкил қилинган Турк маданият бирлигига раҳбар этиб сайланди. Бошқарув ҳайъатига Элхон Олғу, Муҳиддин Сарт, Аҳмад

[877] Абдулваҳоб Ўқтойнинг Мария Чўқайга 1942 йил 19 декабрда ёзилган хати (Аҳат Андижон архиви).

Пахта, Аҳмад Ичмакли каби кишилар киритилди. Қурултойдан беш ой ўтгач, Аҳмад Ичмаклининг истеъфоси туфайли унинг ўрнини тўлдириш керак бўлиб қолди. Аммо бу ўринда ишлашга Мажидиддин Далил ҳам, Ёқуб Элбек ҳам кўнишмади. Бу ҳодиса эски ТМБчилар билан Туркистон ёшлар жамияти ораси анчагина бузилганини кўрсатиб турарди. Бу қурултойдан кейин 1927 йилдан бери иш юритиб келаётган Туркистон турк ёшлар уюшмаси расман ёпилди.

Янги ташкил этилган Турк маданият бирлиги тирноғининг 43 моддали низомномасида жамиятнинг мақсадлари қуйидаги тарзда ифода қилинган:

> “Турк ирқига мансуб ва узоқ эллардан келган, ёрдамга муҳтож бўлган умуман фақир, етим ва хаста шахсларга, талабаларга ва шуларга ўхшаш кимсаларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиб, буюк турк маданияти ва маънавиятининг кенг тарқалишига хизмат қилмоқдир (модда 2)... Бирликда миллий елкадошлик ва бир-бирига хайрихоҳлик асосдир (модда 3)... Бирлик қатъий суратда сиёсий ишларга аралашмайди ва воситачилик қилмайди (модда 4)...” Бешинчи моддада эса, “турк ирқидан бўлса, оиласидан бирортаси бошқа ирққа мансубияти йўқ эса, 18 ёшдан ўтган ҳар бир турк жамиятга кириши мумкин” дейилган.



597-б. расм (расмга ёзув) Турк маданият бирлигининг 1940 йил қурултойидан кейин олинган расм. Чапдан биринчи Мажидиддин Далил, тўртинчиси Закий Валидий Тўғон ва ёнида Аҳмаджон Ўқой. *Истанбул 7 июл 1940 й.*

Давлатнинг қатъий назорати остида тайёрланган бу тузукдаги бу модда ўша йилларда ҳукуматни эгаллаган бошқарувчиларнинг дунёқарашини ҳам кўрсатиб турибди.

Турк маданият бирлиги жамияти, худди ўтмишда бўлгани каби, айни замонда ҳам маданият йўналишидаги фаолиятларини давом эттирди. Ўша йиллардан қолган, қўлимизга теккани нодир далиллардан бири доктор Абдуллоҳ Зеҳний Сўйсалнинг бир анжумандаги нутқи матни, "Хонлик даврида Қирим турк маданияти" деган рисоласидир. Ўтмишда Истанбулдаги Султон Аҳмад кўчасида жойлашган Бухоро (туркистонликлар) такяси биносида ўз фаолиятларини олиб борган жамият 1941 йил 30 ноябрда иккинчи қурултойини ўтказди ва Аҳмаджон Ўқойни яна раҳбар қилиб сайлади.

1942 йилда Турк маданият бирлиги жамиятида бир ўзгариш юзага келди. Турк дунёси билан алоқадор барча кишилар ва ташкилотлар бир анжуманга чақирилди ва уларнинг бари Турк маданият бирлиги жамиятига бирлаштирилди. Бу бирлашиш кўнгилли бўлганми-йўқми, буни аниқ билмаймиз. Масалан, Эдил-Ўрол ҳаракати раҳбарларидан бири Али Оқиш Турк маданият бирлиги жамияти хусусида шу фикрларни айтган:

> "Истанбулда 1927 йилда тузилган Туркистон турк ёшлар уюшмаси ташкилоти ҳукуматнинг талабига кўра 1940 йилда ўтказган қурултойида Турк маданият бирлиги ўлароқ номини ўзгартирди. Тирноқ конфедератив бир ташкилот ҳисобланарди. Эдил-Ўрол, Туркистон, Қафқазйа федерационлари, Озарбайжон ва Қирим ташкилотларини бир ерда жамлай олган бу марказ биз ёшларнинг миллий й руҳда улғайишимизга катта таъсир кўрсатди. Марказда ҳар йили уч марта катта тантанали оқшомлар ташкил этиларди, турлича конференциялар ва семинарлар ўтказиларди. Аёз Исҳоқий бу марказ минбаридан уч ой мобайнида ҳар бири 75 дақиқалик 9 та конференцияда маъруза қилди."[878]

Турк дунёсидан Туркияга муҳожир бўлиб келган кишиларни ва уларнинг ташкилотларини бир марказга бирлашган ҳолда фаолият юритиши ҳукуматнинг улар устидан назорат ўрнатишини қулайлаштирарди. Анвар пошонинг қардоши Нурий пошонинг ғайратлари билан Чағалўғли масканида жойлашган эски бир саройдай қўноқ Турк маданият бирлиги ташкилотига берилган ва ҳар бир хонаси бир тирноқ иш юритишига мос шаклда безатилганди. Кейинги йилда Турк маданияти бирлиги маркази аввалари Туркистон турк ёшлари уюшмасининг эски биносига, яъни Султон Аҳмад кўчасидаги Бухоро такяси ҳовлисига кўчиб ўтди.

---

[878] Akış, *Hatıralar*, s.46

* "Туркнинг мақсади" маъносида (тарж.).

Турк маданият бирлиги жамияти 1942 йилнинг июл ойидан эътиборан “Türk Amacı’’* номли ойлик журнал чиқара бошлади. Бош муҳаррир, атоқли олим Аҳмад Жаъфарўғли илк сондаги сўзбошида бу мажмуанинг мақсади дунёнинг турли ўлкаларида яшаётган туркларни бир-бирига таништириш эканлигини таъкидлаган. Профессор Фуод Кўприли, Аҳмад Жаъфарўғли, Муҳаррам Файзи Тўғай, Қодиржон Қофли каби турк дунёсига машҳур кишилар мажмуанинг фаол муаллифларидан эди. Унда кундалик сиёсатга ҳеч аралашмаган, соф фанний ва илмий мақолалар босиларди. Турк дунёсининг ҳар бир минтақасига оид алоҳида-алоҳида ёзувларда бериларди. Бу ҳолат ҳам журналнинг бош мақсади туркий олам маданиятини тарғиб қилиш эканини кўрсатиб турарди. Бундай йўналиш турк оламининг маданият бирлиги ғоясини, яъни Исмоил Ғаспралининг машҳур “Тилди, фикрда, ишди бирлик” шиорини ҳаётга тадбиқ этишдаги ҳаракат эканини ҳам билдирарди.

Афсуски, Турк маданият бирлиги жамиятининг бу фаолиятлари узоқ давом этолмади. Урушда советлар қўли баланд келаётгани аниқ сезила бошлагач, Туркия ҳукуматининг ҳам туркчи нашрларга, ташкилотларга ва оқимларга муносабати ҳам ўзгарди, уларга эътимоди озайди. Сал ўтмай эса, туркчилик-турончилик ҳаракатига ёндош тарзда ҳукуматнинг ўзи шакллантирган Турк маданият бирлиги жамияти ҳам ёпилди. Али оқиш ўз хотираларида бу ҳодиса хусусида шундай ёзмоқда:

> “Ўша пайтда бизнинг Турк маданият бирлиги жамиятидаги Туркистон ва Эдил-Ўрол бўлимларининг ўта фаол иш юритгани Анқарадаги совет элчихонасининг диққатини тортди. Уларнинг безовталиги ҳамда норозилиги боис, май ойи охирларига келиб, ўша замондаги жумҳурият раиси Исмат Инўнуга қаттиқ талаблар қўйилда ва натижада жамият ёпилди. Шу тарзда уч йил мобайнида фаол иш юритиб келганимиз марказдан маҳрум бўлиб қолдик. Айни ўша пайтда Закий Валидий ҳам қўшилган бир гуруҳ турончилар тутилиб, қаматилди.”[879]

Иши тўхтатилган Турк маданият бирлиги жамиятининг барча мулки Эминўнудаги Халқ уйига топширилди. Шундай қилиб, Турк маданият бирлиги ичида иш олиб бораётган Туркиядаги туркистонликларнинг миллий фаолиятида муҳим ўрин тутган Туркистон турк ёшлар уюшмасининг ҳам барча сиёсий ҳаракатларига нуқта қўйилди.

[879] Akış, *Hatıralar*, s. 48

ТУРКИЯ ИЧКИ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА ТУРКЧИ ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЁПИЛИШИ

1942 йил кузидан эътиборан немис-фашист қўшинларининг советлар мамлакати ичкарисидаги ҳаракатлари кенг кўламда турғунликка йўлиқди, чунки олмонлар Сталинград жангларида жуда катта мағлубиятга учраганди. Уруш натижаси советлар фойдасига ҳал бўлиши сезилиб бораркан, ўша пайтгача миллатпарвар оқимларни қўллаб келаётган Туркия ҳукумати ўз тутумини аста-аста ўзгартира бошлади. 1943 йил январ ойидаёқ сал аввалдан Ҳасан Фарид Жонсевар раҳбарлигида янгидан чиқа бошлаган “Турк юрти” журнали беркитилди. Ундан кейин Турк маданият бирлиги жамиятининг нашри “Турк мақсади” ҳам ёптирилди. Туркчилик оқимининг йўлбошчиларидан бири Ниҳол Отсизнинг “Турк сози” номли мажмуаси ҳам илк сониданоқ тўхтатилди. Яна бир туркчи журнал “Кўкбўри”нинг тақдири ҳам ана шундай фожеали якунланди. Ризо Нур тарафидан 1942 йилнинг майидан чиқарила бошлаган “Тангритоғ” журнали эса, Нурнинг сентябр ойида вафот этиши муносабати билан ўз-ўзидан нашрий ҳаётдан чекинди. 1943 йил ўрталарига келиб, 1941 йил августидан шу пайтгача чиқаётган Ўрхон Сайфи Ўрҳуннинг Чинорости” номли ҳафталик мажмуасидан бошқа барча туркчи журналлар ёптирилди.

Бундайин кескин чораларга қарамасдан, советлар Туркия ҳукуматининг туркчи оқимларга ён босишда айблайверди, бу йўналишдаги ҳар бир ҳаракатни расмий ёки ғайирасмий йўллар билан қоралашда давом этди. Советлар турончилик мақсадидаги барча фаолиятларни ўзига қарши қаратилган деб тушунар ва буни Германия ҳукумати тарафидан бевосита ёки билвосита қўллаб-қувватланаяпти дея баҳолар эди. Урушда советларнинг устунлиги аёнлашган сари уларнинг норозилиги ва Туркия ҳукуматига таъсири ҳам орта борди. Эдил-Ўрол маркази бошқаручиларидан Али Оқишнинг хотираларидан ўрин олган қуйидаги фикрлар Совет Иттифоқи ҳукумати билдирган норозиликлар ва унга Туркия ҳукумати раҳбарларининг муносабатини кўрсатиши жиҳатидан диққатга сазовордир:

> “Турк маданият бирлиги жамиятининг ёпилишидан бир неча ой олдин бир зиёфат ўтказгандик. Якка партия ҳукмронлиги даври бўлгани учун миршаблардан эмас, партия тафтишчисидан изн олиниши лозим эди. Бир дўстим билан бирга Халқ партияси тафтишчиси Суод Хайри Ургуплининг ҳузурига бордик. У рухсат бермади. Сабабини сўрагандик, “Рус элчиси мени чақиртириб, танбеҳ беради, бунақа таваккал ишга бош қўшолмайман, эҳтиёт бўлишимиз керак” деди.”[880]

[880] Akış, *Hatıralar*, s. 150

* Сўлчилар –

Урушда советларнинг ғолиб чиқиши аниқ бўлгач, Туркиядаги сўлчилар* ғимирлаб қолди. Июн ойида Истанбул университети талабалари орасида “Энг катта таҳлика” деган рисола тарқатилди. Унда туркчи оқимлар танқид остига олинган ва бу оқимлар орқасида чет элдаги баъзи кучлар мавжудлиги таъкидланганди. Рисолада айтилишича, партуркчи оқимларнинг вакиллари Туркияни босиб олишга тайёрланаётган немис-фашистлар ҳамкори бўлиб, Англия ва Совет Русиясига қарши сиёсат юритмоқда эди; ниятлари – Туркиянинг тарафсизлик сиёсатини бузиш, Туркияни Олмония ёнида урушга қатнаштириш эди. Шунингдек, рисолада бу бузғунчи ҳаракат раҳбарлари сифатида Закий Валидий Тўғон, Аёз Исҳоқий, Муҳаммад Амин Расулзода, Муҳаррам Файзи Тўғай, Аҳмад Жаъфар ўғли каби муҳожир турк раҳбарлари қораланган, улар ўз фаолияти билан Туркиянинг ташқи сиёсатига зарар келтирди, дея иддао қилинганди. Уларни қўллаб-қувватлаган Али Эҳсон Сабис ва Ҳусайн Ҳусний Эткилет каби генераллар, Пайёмий Сафо, Ниҳол Отсиз, Юсуф Зиё Ўртач, Ўрҳон Сайфи Ўрҳун каби туркчи адибларга ҳам танқид тиғи қаратилганди. Бу ёзувчилар томонидан чиқарилган “Бўзқурт”, “Кўкбўри”, “Чинорости” каби журналлар зарарли нашрлар сифатида ерга урилганди. Махфий хизмат вакиллари қисқа вақт ичида “Энг катта таҳлика” рисоласи муаллифини аниқлашади. Рисола Истанбул шаҳар ҳокимлиги ходими Форис Эркман томонидан ёзилган ва талалабаларга тарқатилган дея ҳукм чиқарилади. Бу ҳодиса анчагина ғала-ғовурга сабаб бўлди. Айниқса, рисоланинг русчага таржима қилиниши ҳамда совет ҳукуматининг расмий нашри “Правда” газетасида босилиши ҳодисага барчанинг диққатини жалб этди, бу мавзудаги баҳслар оловланиб кетди. Туркия Буюк Миллат мажлисида ҳам депутатлар рисолага ўз муносабатларини билдиришди. Жумҳуриятчи халқ партияси бош котиби Жавод Карим Инжадайи парламент минбаридан туриб рисоладаги фикрларни қаттиқ танқид қиларкан, ҳақиқатан ҳам шунақа катта таҳлика борми, дея ҳукумат аъзоларига савол берди.

Ҳукумат номидан жавоб беришга чоғланган Ташқи ишлар вазири Нўъмон Манаманчи ўғли минбарга кўтарилиб, туркчиликни фақат Туркия жумҳуриятининг мавжуд ҳудудлари ичидагина қўллаб-қувватлашларини билдириб, Туркия ташқарисидаги барча турк халқларига бахт ва саодат тилаймиз, деди. Туркияда пантуркист бир оқим бўлмаганини ҳам алоҳида таъкидлаган Мананманчи ўғли, худди Бош вазир Сарачўғли каби ўз нутқини “Туркмиз, туркчимиз”сўзлари билан якунлади.[881]

Шубҳасизки, бу ҳодисалар Туркиядаги чет элликлар давраси томонидан диққат билан кузатиб борилмоқда эди. Туркчи оқимлар,

[881] Mumcu, *40`ların Cadı Kazanı*, s. 44-47

шунингдек, Форис Эркман тарқатган рисола хусусида Анқарадаги АҚШ элчиси Лауренс Стейнхарт (Laurence Steinhart) анча муҳим фикрлар билдирган. Масалан, у шундай деган:

> “Пантуркизм ва ултра миллатчилик ҳаракатининг етакчилари, фикримча, мустабидлик тушунчасига берилган ва меҳвар кучларни қўллаб-қувватловчи кишилардир. Аммо уларнинг жамиятдаги таъсири ва эътиборини атайин орттириб баҳоламаслик керак. Чунки Туркия муҳитидаги инсонлар дунёнинг бошқа ўлкаларида яшайдиган турк иркдошларини табиий, қондошлик меҳри билан яхши кўрадилар. Бироқ, шундай бўлса ҳам, туркчи имларнинг кенг ёйилишига на омманинг, на ҳукуматнинг ёрдам бераётгани сезилгани йўқ. Ташқи давлатларда шайдиган туркларнинг истаган пайтда ватанга қайтишига, уқароликка ўтишига барча имкон бор. Муҳими, уларда чегараларни ўзгартиришга қаратилган бирор ҳаракат йўқ. Анқарадаги ҳукумат доиралари ва матбуотда айрим норозиликлар келтириб чиқарган ҳамда Ташқи ишлар вазирининг парламент мажлисидаги нутқида тилга олинган ўша сўлчиларга оид рисола анчагина шов-шув кўтарди. Гарчанд уни ёзишда молиявий кўмак олингани таъкидланмаса ҳам, бироқ совет ходимлари томонидан ёздирилгани хусусидаги гап-сўзлар кенг тарқалган. Рисоланинг русчага яхши таржима қилингани ва “Правда” газетасида нашр этилгани бунга далил дейишмоқда. Бир атоқли одамнинг матбуотда ёзишича, рисола муаллифи Закариё Сартал эмас, балки унинг сўлчилар даврасига яна-да яқин ва ундан кўракобилиятлироқ бўлган хотини Сабиҳа Сарталдир. Бу рисоланинг омма орасида кенг тарқалишида Байрам Сартал нашр этаётган “Тонг” (Tan) газетасининг алоҳида хизмати борлигини ҳам эслатиб ўтиш лозим.”[882]

Ана шу жараён охирида Форис Эркман миршаблар томонидан қўлга олинди. Туркчиларнинг коммунизм тарафдорларига қарши келажакда олиб борадиган кенг қамровли сиёсий курашининг илк ишорати бўлган бу ҳодиса эса тезда унутилди.[883]

1944 йилда немисларнинг енгилиши аниқлашди, энг муҳими, уруш тугагач, советларнинг дунё сиёсатида йўналтирувчи катта кучга айланишига шубҳа қолмади. Уруш давомида унинг боришига, бошқа давлатларнинг вазиятига кўра ички сиёсат юритаётган Туркия ҳукумати эндиликда мавжуд ҳолатга уйғун ҳаракат қилиш мажбуриятида эди. Зотан ҳукумат урушнинг оқибати аниқлашаётган 1943 йилдан эътиборан муҳожир туркларга оид ташкилотлар ҳаракатини тўхтаттирган ва туркчи журналларни ёпа бошлаганди. Бироқ айни турумда уруш бошланган илк йилларда юзага чиққан, Олмонияга нисбатан кўрсатилган яқин

[882] Стейнхартнинг АҚШ Ташқи ишлар вазирлигига 1943 йил 16 июнда юборган хати; Мумчининг юқорида эслатилган китобидан олинди.

[883] Форис Эркман 1946 йилда Турк коммунистлар партиясининг бош котиби доктор Шафиқ Ҳусни Дағмар билан бирга яна қўлга олинади ва уч йилга қаматилади.

муносабатлар изини ўчириб юбориш учун алоҳида, кескин бир чиқиш қилиш керак эди.

УЧИНЧИ МАЙ ҲОДИСАЛАРИ ВА ЗАКИЙ ВАЛИДИЙ ТЎҒОННИНГ ҚАМАЛИШИ

1944 йил март ойида Ниҳол Отсизнинг “Ўрҳун” журналида босилган, Бош вазир Сарачўғлига ёзган очиқ хати туфайли бошланган ҳодисалар бор-бора Отсиз билан Сабоҳиддин Али тимсолида миллиятчилар ва коммунистлар олишувига айланди. Сабоҳиддин Али Отсизни айблаб, маҳкамага берди, учинчи майда суд мажлиси бўлиши керак эди. Аммо мажлисдан бурун кўчаларда коммунизмга қарши оммавий намойишлар бошланиб кетди. Натижада ҳукумат чора кўриш мақсадида намойишчилардан бир гуруҳини қўлга олди. Улар орасида Закий Валидий Тўғон ҳам бор эди. 14 май куни Валидийнинг уйига биринчи бўлим мудири Закий бей ва амният бошлиғи Ҳамид Ўзан келди. Улар Тўғондан қандайдир аҳднома матнини сўрашди. Валидий уларга бунақа аҳдномадан хабарим йўқ дегач, унинг уйи тит-пит қилинади, ҳеч нарса топилмаса ҳам, Валидийни қамашади. Гумон қилинишича, туркчиларнинг бир неча етакчиси ўзаро аҳднома тузишган эди.

3 май намойишларидан кейин ҳукумат бу ишни тешириш учун Ҳасанали Южал раҳбарлигида бир ҳайъат ташкил этганди. Намойишга алоқдор дея қаматилган кишиларнинг тақдири ана шу ҳайъат қўлида эди. Раҳбарият умумий тинчликни бузиш ниятида чиқарилган бу намойишларни туркчилик мафкурасидаги кишилар оловлантирди деган фикрда эди. Ҳайъат томонидан тайёрланган расмий баённомада ана шу кишилар нашр қилаётган журналларни ёптириш ва ўзларини қаматиш кераклиги таъкидланганди. Қўлга олиниши тавсия этилган 47 кишининг рўйхати ҳам тузилганди. Унда Закий Валидий Тўғон, Жаъфар Саидаҳмад Қиримэр, Абдулқодир Инон, Аҳмад Жаъфарўғли каби муҳожир туркларга мансуб олимлар, шунингдек, Ниҳол Отсиз, Пайёмий Сафо, Қодиржон Қофли, Ўрхон Шойиқ Кўкёй, Рамз Ўғуз Ориқ, Раҳо Ўғуз Туркқон, Ҳусайн Номиқ Ўркун, Ҳасан Фарид Жонсевар, Нурулло Борман, Музаффар Эриш, Саид Билгич каби таниқли туркчилар, Ҳусни Эркилет, Алпарслон Туркаш, Фатҳи Теватўғли каби фаол ҳарбийлар ҳам бор эди. Бу баённома Ички ишлар вазирлиги тарафидан Истанбул фавқулодда ҳолатлар қўмондонлигига юборилган ва қўлга туширилган 23 киши қамалганди. Кейинги ўтган йилларда маълум бўлишича, Ҳасанали Южал бошчилигида Анқара волийси Навзод Тандўғон, Фолиҳ Рифқи Отой каби аъёнлар томонидан тайёрланган рўйхатдаги 47 кишининг бари қаматилмади. Бу ишда Жумҳурият халқ партиясининг Бош котиби

Маҳмуд Шавкат Эсандалнинг таъсири катта эди. Бу борада Самад Оғаўғли шундай ёзмоқда:

> “Ниҳол Отсизнинг мақолалари билан бошланган 19 май ҳодисалари туфайли баъзилар террор нишонига айланди. Даврнинг бошчилари “бу кимсаларнинг асл мақсади бизни ағдаришдир” дея ваҳима солиб, миллатпарварлиги боис узоқ-яқиндан танилган ҳар бир инсонни қаматиш керак, дея аюҳаннос кўтарди. Шунда Эсандал “Мен ҳам миллиятчиман, қарорингиз шундай экан, олдин мени қаматинг” деди. У дарвиш табиатли, руҳонийлардай мулойим, тажрибали ва босиқ одам бўлгани учун ҳеч ким бунақа гапни кутмаганди. Барчасини турмага отамиз деб қутуриб турган мансабдорлар ҳайрон қолишди. Сўнгра натижаси нафақат мамлакат учун, балки ўзлари учун ҳам ёмон бўладиган тубан қарорларидан қайтишди.” [884]

Шундай қилиб, Эсандалнинг мардларча қарши туриши сабабли бор-йўғи қилган ишлари туркчи журналларга мақола ёзиш, турк тарихи ва маданияти мавзусидаги илмий анжуманларга қатнашиш, китоб чиқаришдан иборат бўлган Абдулқодир Инон, Пайёмий Сафо, Самад Оғаўғли, Аҳмад Жаъфаруғли, Муҳаррам Файзи Тўғай, неъмат Ақдас Қурот, Зиёиддин Фахри Финдиқўғли, Ниҳод Сомий Баҳорли, Усмон Турон, Мукримин Ҳалил Йинонч каби олимлар ва адабиётчилар қамоқдан қутулиб қолишди. Рўйхатга кирмаса-да, зиндонга ташланганлар ҳам бор эди. Масалан, нафақадаги генерал Али Эҳсон Сабис, жумладан, ўзини бир гуруҳ ҳарбийлар етакчиси сифатида тақдим этиб, ҳукуматнинг ташқи сиёсати танқид қилинган имзосиз хатларни ёзишда айбланиб, қаматилган эди. 18 май куни нашр қилинган расмий мақолада ёзилишича, Ҳасанали Южал бошлиқ ҳайъат тарафидан тайёрланган баённомани ҳукумат маъқуллаган; 3 майдаги намойишлар оддий бир ҳаракат эмас, аксинча, ҳукуматни ағдаришни режалаштирган гуруҳлар ғалаёнидир. Мақолада, жумладан, яна шундай дейилган:

> “Ниҳол Отсизни ёқлаб уюштирилган намойишлар сабабли назорат остига олиниши зарурати туғилган айрим кимсалар хусусида тайёрланган баённомага таянган ҳолда Ниҳол Отсиз, Раҳо Ўғуз Туркқон, Закий Валидий ва доктор Ҳасан Фарид Жонсеварнинг Истанбулдаги уйлари, уларнинг айрим дўстлари Истанбул қидирув ташкилоти томонидан тинтув қилиб кўрилди ҳамда қўлга туширилган далиллар ўрганилди.
>
> Ана шу ўрганилган ҳужжатлар воситасида чиқарилган натижа ва қарорга кўра, “Ташкилот тузиш асослари” тўғрисидаги қонунимизнинг тамаласосларига зид ўлароқ, ирқчилик ва турончилик ғояларига берилган ҳамда охирги пайтларда ўз фаолиятларини кучайтирган, ўз ғоялари йўлида тегишли тадбирларга қўл урган, аҳдномалар имзолаган бу кимсалар, “Ташкилот тузиш асослари” тўғрисидаги қонунга суяниб

[884] Ağaoğlu S. *Babamın Arkadaşları*, s. 116.

> айтамизки, бугунги тузумимиз ва ватандошларимизнинг ҳақиқий миллиятчилик туйғуларига терс тушадиган ирқчилик тушунчаларини амалга ошириш йўлида яширин жамият қурганлар, режали тарзда тарғибот, ташвиқот юритганлар, махсус рақаму румузларга суяниб пинҳона иш олиб борганлар.” [885]

Аммо асосий зарба бу гаплардан бир кун ўтгач берилди. Миллий раҳнамо Исмат Инўну бу мауаммони шахсан ўзи ҳал қилишни ўйлаб қўйганди. У 19 майдаги байрам нутқини асосан турончилик масаласига бағишлади. Сўзини “турк миллиятчисимиз, аммо мамлакатимизда ирқчиликка душманмиз” дея бошлаган Инўну ўтмишда зарар берган баъзи ибратли воқеаларни хотирлатаркан, жумҳуриятнинг ватанпарвар юртдош етиштириш йўналишидаги ишларига эътиборни қаратди. Нутқининг ўртасида тағин турончилик масаласига қайтди, Туркиянинг советлар билан алоқасига ҳам алоҳида тўхталди ва жумладан, шундай деди:

> “Турончилар фикри кейинги йилларда ўртага чиққан зарарли ва хасталикли ҳолатдир. Бу хусусда ўйларкан, жумҳурият тарихини унутмаслик керак. Ўша Оврупо босқинчиларидан қутулиш учун олиб борган миллий озодлик курашимиз тугаган пайтда биз фақат советлар билан дўст эдик. Барча қўшниларимиз эса, эски душманликларини оловлантириб, ғимирлаб қолишганди. Ҳар кимнинг калласида ҳар хил хаёл, можаропараст кўп, ҳужумкор сиёсатдан сақланмасак, ўйиндан ўт чиқиши ҳеч гап эмасди... Усмонли империясининг сўнгги замонларида биздан ажралган қўшнилар билан ҳам яхши ва самимий қўшничилик муносабатларини таъмин этиш миллатимиз саодати учун зарур деб билинганди. Кўриб турганингиздек, миллий сиёсатимиз мамлакат ташқарисидан можаро қидириш зеҳниятидан бутунлай узоқдир. Бунинг муҳим томони шундаки, бу зарурат сиёсати эмас, балки вазиятни тўғри англаш ва ишонч сиёсати эканлигидир...Турончилар турк миллатини барча қўшнилари билан ўнгарилмас даражада ўчакиштирадиган, дарҳол душманга айлантирадиган бир тилсим топиб олишган. Бунчалар шуурсиз ва виждонсиз фасодчи қўлига турк миллатини тақдирини бериб қўймаслик учун жумҳурият тузуми албатта барча тадбирларни кўради.”

Инўну Туркия ҳудудлари ташқарисидаги турк халқлари тақдирига ана шу тарзда совуққонлик кўрсатиб, бунинг сабаби турончилар эканлигини таъкидларкан, туркчилар ва турончиларни йўқ қилишга қарор берилганини ҳам билдиради. Нутқининг сўнгги бўлими эса оммага қаратилган бўлиб, унда турончилар Туркия жумҳуриятини йиқитиш учун ташқилот тузган, дея иддао қилинмоқда эди. Яъни:

> “Энди юртдошларимдан икки саволга ўз зеҳнларида жавоб беришларини истардим: ирқчилар ва турончилар яширинча ташкилотлар қуриб иш юритишга киришибдилар. Хўш, нима мақсадда?

[885] Cumhuriyet Gazetesi, ‘‘*Şehrimizde meydana çıkarılan gizli cemiyet’’*, 19 Mayıs 1944 Cuma.

Қондошлари орасида пинҳона фисқу фужур тарқатиб, мамлакатда нима ҳам кила оладилар? Айтайликки, шарқу ғарбдаги ўлкалар шу яширин турончи жамиятлар билан забт этиладими? Бунақа ишлар фақат давлат қонунларига асосан, фақат давлат кучлари билангина қилинади. Бундайин ялтир-юлтур фикрлар пардаси Туркия жумҳурияти ҳукумати ва унинг Буюк Миллат мажлиси обрўсига соя солиб қўймоқдаки, биз айни пайтда катта бир таҳлика қаршисидамиз



huriyet

İSTANBUL, — CAĞALOĞLU
resi: Cumhuriyet, İstanbul — Posta kutusu: İstanbul No. 246
22366, Tahrir heyeti: 24298 İdare ve Matbaa kısmı: 24299-24290

Cuma 19 Mayıs 1944

T. Kröger - H. Tayfur Sonkur
UNUTULAN KÖY
(Sibiryada dört sene)
Geçen harb içinde Sibiryada geçirdiği tüyler ürpertici hayatını ve orada bulunan Türk esirlerinin hayatları hakkındaki hayranlık duygularını muharrir bu kitabda sürükleyici bir şekilde anlatmaktadır. 200 kuruş.
Berkalp Kitabevi — ANKARA

Şehrimizde meydana çıkarılan gizli cemiyet

Irkçılık ve Turancılık gayesile rejime aykırı hareket edenler

Nihal Adsız, Zeki Velidi, Doktor Hasan Ferid Canseverle Reha

Oğuzun İstanbuldaki evlerinde bulunan vesikalar, bu memlekete zararlı faaliyetin iç yüzünü meydana çıkardı

Zeki Velidi — Nihal Adsız — Dr. Ferid Cansever

RESMÎ TEBLİĞ

Selâhiyetli Adlî merciler işe el koydu

Suçluların imzaladıkları anlaşma, faaliyet programları; şifre ve parolaları

Ankara 18 (a.a.) — Resmî tebliğ: Son günlerce hükûmetçe kapatılan Orhun mecmuası sahibi Nihal Adsızla Konservatuvar öğretmenlerinden Sabahaddin Âlinin An-

Ирқчилик ва турончиликда айбланиб қамалганлар ҳақидаги мақола босилган “Ҳуррият” газетасининг 1944 йил 19 май сони биринчи саҳифаси (605 б)

Инўну мажлис аъзоларига берган иккинчи саволига боғлиқ жавобда турончилар билан чет эллик ёт инсонлар орасидаги муносабатларни тилга олиб, жумладан, эндиликда барча жабҳаларда мағлубиятга учраётган Олмонияни айблади:

> “Ватандошларимга иккинчи саволимни бермоқчиман. Жаҳонда юз бераётган воқеларни, бугунги вазиятни кўзда тутиб, айни пайтда Туркиянинг ирқчи ва турончи бўлиши кераклигини иддао этаётганлар қайси миллатга фойдали ва кимларга хизмат қиладилар? Турк миллатига фақат бало ва фалокат келтириши мумкин бўлган бу фикрларни ю юритаётганларнинг турк миллатига ҳеч бир нафи тегмаслиги муҳаққақдир. Бу ҳаракатлар фақат чет элликларга фойдалидир. Фасодчилар хорижликларга билиб хизмат қиляптиларми? Хорижликлар фасодчилар билан яқиндан алоқа қурганми? Бу хусусда аниқ гап айтишнинг ҳозирда имкони йўқдир.”

“Миллий шеф” нутқининг сўнгги қисми маҳкама идоралари, суд, прокурор ва жараёнга тегишли бошқа нуқталарга боғлиқ эди. Хорижий ўлкалар билан алоқалари исботланмаган бўлса ҳам турончиларни оммага зараркунанда, олабўжи қилиб кўрсатиб, судлашга ва жазолашга қатъий қарор қилинганди. Буни Инўнунинг қуйидаги фикрларилан ҳам билиш мумкин:

> “Гарчанд чет элликларга хизмат қилинаётгани ва улар билан муносабат тарзи қай даражада эканлиги ҳозирча аён бўлмаса ҳам, ҳаракатлар турк миллатига, турк ватанига зарарли эканлиги ва бундан фақат бегоналар фойдаланиши мумкинлиги ошкор ҳақиқатдир... Ишонингки, ватанимизни бу янги фасодга қарши қудрат билан мудофаа эта оламиз.”

Ҳукумат раҳбарининг бу нутқидан кейин қўлга олинган турончилар узоқ муддат сўроққа тутилди, неча ойлаб қийноқларга солинди. Айниса, сўроқ даврида миршабларнинг “тобутлик”дан фойдалангани, яъни қамоқларда бир киши тик турганича жазоланадиган махсус хоналарда миллатпарварларга зулм ўтказгани ўша давр учун тавқи лаънат бўлиб қолди. Айни чоғда Инўну нутқи барча давлат маъмурларига тарқатилди, 1944-1945 йилдан эътиборан уни мактаб дарсликларига киритиш маъқулланди. Бу жараён асносида, ҳали суд бошланмасдан туриб, сўроқ бераётган барча турончилар омма наздида айбдорга айланди.

ТУРКЧЛИК-ТУРОНЧИЛИК ДАЪВОЛАРИ

Қўлга олинганлар сентябр ойигача сўроқ қилинди. Ниҳоят 7 сентябр куни суд жараёни бошланди. Тайёрланган айбловда Закий Валидий Тўғон биринчи ўринга қўйилган, ўртага чиққан ғалаённинг, туркчилик-турончилик даъвосининг бош айбдори дея кўрсатилган эди. Фақат икки киши – Закий Валидий Тўғон ва Раҳо Ўғуз Туркқонга ҳукуматни ағдариш айби қўйилганди. Қораловчининг фикрича, Тўғон Туркия қонунида расман белгиланган, бир қадар чегараланган миллатчилиқ тушунчасини, миллиятчилик хусусидаги моддага қаршилик

кўрсатган, уни рад этганди. Шунингдек, 1941 йилда бошланган рус-немис уруши пайтида у эҳтиросга берилганидан шуурини ҳам йўқотиб, ўзининг Туркия фуқароси эканини ҳам унутиб, Олмонияга бориб русларга қарши ҳаракта бошлашига изн истаб Анқарадаги расмий идорага мурожаат этган ва истаги рад қилинган эди. Ана шундан кейин у Аҳмад Қаратоғли ва унинг хотини Нурииймон Қоратоғли билан биргаликда бир қарорга келишган, қораловда таъкидланганидек, улар қуйидаги ишларга қўл уришган:

> “Бу кимса, Туркия ўз пайтида Олмония билан дарҳол бирлашиб, Русияга қарши ҳужумга ўтмади, буюк турк бирлигининг тузилишига хизмат қиладиган тарихий фурсатни қўлдан бой берди, дея ҳукуматизмизни айблаб, уни ағдариш учун яширин жамият тузишга қарор берган. Нурииймон Қоратоғлининг Тақсимдаги уйида профессор Закий Валидий Тўғон раҳбарлигида Аҳмад Қоратоғли, Нурииймон Қоратоғли, Раҳо Ўғуз Туркқон, Жиҳод Савашфар, Нурилло Бориман ва Ҳайбатулло билан тўпланишиб, очиқчасига гуруҳ тузиб, юқорида таъкидланганидек, турк бирлигининг яратилишига тўсқинлик қилиб, тарихий фурсатни бой берган ҳукуматимизни ағдариш йўлида иттифоқ бўлишган ва бариси ўлгунга қадар бу ғоя учун курашамиз дея Закий Валидий Тўғон ҳузурида, Туркистон ва Туркия байроғи,mҚуръон китоби, тўппонча билан қасам ичганлари... маълумдир. Яширин жамият фаолиятга киришиб, Олмониядаги Туркистонлик ҳарбий асирларни душманга қарши жангга тайёрлаш, ўз ишларидан уларни хабардор этмоқ мақсадида, Истанбулда “Туркистонликлар ёрдамжамияти”ни қуришга қарор берилгани, шунингдек, бу ниятни амалга ошириш йўлида бир неча марта йиғилиб, мажлис ўтказилгани ҳам аниқланган.”[886]

Қораловчи Козим Олўч бу айбловлар билангина кифояланиб қолмасдан, маҳкама жараёнининг илк куниёқ “биз буларни ватан хоинлари ва қотиллар сифатида қаршингизга келтирдик” дейишгача борди. Аммо ҳукумат раҳбари томонидан йўналтирилган ана шун босим ва синдириш сиёсатига қарамасдан, Закий Валидий Тўғон унча-мунча босқи уни буколмаслигини, иродаси метинлигини кўрсатиб қўйди. Қораловчининг айбловларига жавобан у ўзининг тарихий шахсига муносиб жавоблар берди. Жумладан, шундай деди:

> “Анчадан бери советлардан ва қизил Чин империясидан қутулиб, Туркияга сиғиниб келган муҳожир, яъни ташқи турклар орасида ягона фикр бирлиги йўқлигини ўйлаб юрардим. Баъзилар Хазар денгизидан Буюк Хитой деворигача чўзилган ўлкалардаги иркдошларимизни қавму қабиласига қарамасдан химоя қиламиз, дерди. Баъзилар эса, Ўролда, Қафқазда, Озарбайжонда яшаётган миллатдошларимиз масаласини биринчи ўринга қўярди. Устига устак, ораларидаги айирмачилик очиқчасига кўриниб турарди. Мен ана шу фикр ва тушунча

[886] Дорандалиўғли, юқоридаги асар, 75 б.

айрилигининг, айирмачиликнинг зарарли эканини англатишга уринардим.

Бир куни Нурииймон хонимнинг меҳмонхоналарида, унинг эри Аҳмад бек, болалари билан бирга ўтирганимизда, Раҳо Ўғуз Туркқон, Нурилло Бориман ва уларнинг айрим дўстлари ҳам бор эди, мен тасодифан ана шу мавзуда гап очдим. Бу ҳеч қанақа яширин ташкилот йиғилиши эмасди. Ҳар замон бир-биримизга шикоятомуз сўйлайдиган муаммоларни тилга олгандик холос. Яъни, советлар ва Чин асорати остида бўғилаётган қондошларимиз орасида бир бирлик шуури ҳосил бўлишини хоҳлардик. Ўша гапларни ҳар ерда такрорлаганман. Истасангиз, шу ерда ҳам айтаман. Бунақа масъулиятлар мени қўрқитолмайди ва бурчимни бажаришдан тўхтатолмайди. Менинг муқаддас эътиқодларим орасида турк бирлиги ҳам бор. Ягона қўрқувим турк миллати қандай фикрда бўларкин, деган андиша холос. Қораловчи даъво қилаётганидек, мен ҳеч қачон яширин ишлар билан шуғулланмадим... Олмониядаги туркистонликларга ёрдам кўрсатиш хусусидаги фикру ғоямизни Вали яхши билади. Бунда ҳам ҳеч қанақа ёмон ният ё мақсадимиз бўлмаган.

Биз туркистонлик асир юртдошларимизга кўмак кўрсатишга ваъда бердик. Ҳукуматимизни мушкул аҳволга солиб қўймаслик учун бу ниятимизни улуғларимизга, расмий мақомларга билдирдик. Бу ишларнинг қай бирида яширинлик бор? Қай бирида фитна ёки давлатни ағдаришга йўналтирилган фикр ё ҳаракат бор? Бу айбловларнинг барини рад этаман."[887]

Суд жараёни 1945 йилнинг 29 мартига қадар чўзилди. Охири профессор Закий Валидий Тўғон ва ёзувчи Ниҳол Отсиз ўн йилданга қамоққа маҳкум қилинди. Бошқа айбланланганлар ҳам турли муддатлар билан турмаларга тиқилди. Уларнинг орасида фақат Закий Валидий Тўғон давлатни ағдаришга йўналтирилган жиноятни содир этганликда айбланганди. Бошқалар эса, яширин ташкилот тузиш (Раҳо Ўғуз Туркқон ва ўртоқлари), бузғунчи ташвиқот юритиш (Ниҳол Отсиз ва дўстлари) ва 3 май воқеаларига қатнашганликда гуноҳкор деб топилганди. Бу гуруҳдан ташқарида, яна шу каби айблар тақалиб қўлга олинган истеъфодаги генерал Али Эҳсон Сабис ҳам икки йилу саккиз ойга қаматилганди. Қамалганларнинг эътирози туфайли иш ҳарбий судга оширилди.

Бош генерал Али Фуод Эрдан раҳбарлигидаги ҳарбий маҳкама биринчи фавқулодда ҳолат суди бетарафликни сақлай олмаган деган иддао билан ишни қайтадан кўриш учун иккинчи фавқулодда судга топшириш хусусида қарор чиқарди. Айни пайтда иккинчи жаҳон уруши ҳам тугаганди. Оқибатда ўша кунгача турмада ётган маҳкумлар 1945 йилнинг 26 октябрида, яъни ўн беш ойлик қамоқдан сўнгра озодликка чиқдилар.

[887] Дорандалиўғли, ўша асар, 151 б.

1946 йил августида ишни қайта кўриш бошланди ва саккиз ой деганда ниҳоясига етказилди. Қўйилган айблар асоссиз деб деб топилди. Маҳкама қарорида айтилишича, на Тўғонга, на Туркқонга юклатилган айбларни исботлайдиган бирорта далил ўртага чиқмаган. Тўғоннинг фикрлари ва ҳаракатлари советларнинг тарқатилиши ва асир турк халқлари мустақилликка эришгач, уларга кўрсатиладиган ёрдамлар билан чегараланган, ундан нарига ўтмаган.

Ирқчиликда айбланган бошқа кишилар хусусидаги маҳкама қарорида эса, бу шахсларнинг ҳаракатлари ҳукуматнинг "Асосий қонун"идаги ватандошлик моддаларига терс эмаслиги таъкидланган. Бошқача айтганда, айбланганларнинг бутун суд жараёни бўйича собитқарорлик билан неча бор такрорлаганларидек, туркчиликнинг "Асосий қонун"га зид эмаслиги, туркчилик оқими тобора кучайиб бораётган коммунизм таҳликасига қарши майдонга тушган бир миллий ҳаракат эканлиги айтилиб, гуноҳкорлар оқланди. Маҳкама қароридаги қуйидаги жумлалар диққатга сазовордир:

> "Узоқ давом этган текширишу таҳлилдан кейин қуйидаги фикрга кенлинди: ҳукуматни ағдаришга йўналтирилган ҳеч бир ҳаракат, бунга имконият ҳам бўлмаган, бу айбни рад этганлари тўғридир, бу ҳолат волий, доктор Лутфи Қирдор доҳил тингланган барча гувоҳларнинг сўзлари, фикрлари, мактублар ва бошқа хужжатлар билан исботланди, аксинча, миршаблар ўтказган сўроқ-жавобдан бошқа васиқа мавжуд эмас; қўйилган айблар исботини топмагани учун ва билакс, миллий ғоя йўлида фаолият кўрсатганлари аниқланган Закий Валидий ва дўстларининг айбсиз эканлигига қарор берилди."[888]

Ҳукумат тарафидан атайин уюштирилган сиёсий ўйин ана шу тарзда муваффақиятсизликка учради.

Сиёсий тарихимизда "Туркчилик-турончилик даъвоси" дея ўрин олган бу воқеа шуниси билан ҳам эътиборга лойиққи, бу жараёнда дунё тарихида илк бор бир давлат ўз миллатига оид тушунчаси туфайли ўз фуқароларини судга тортиб, маҳкум этишга уринган. Агарда туркчилик атамасига асосий манба ўлароқ тортишилмаса эди, балки бу ҳодиса бошқа жўн ҳодисалардай, ҳеч бир из қолдирмасдан унутилиб ҳам кетарди. Бироқ Туркияни бошқараётган "миллий шеф" тузуми советларга ёқиш мақсадида атайин бу маҳкама жараёнини мамлакат ички ҳаётининг фавқулодда муҳим воқеаси ўлароқ талқин қилишга интилди, ҳатто халқаро доирага ҳам тарқалишини кўзлаб, "биз турк бўлсак ҳам туркчиларга омон бермаймиз", дея ўзини кўрсатишга уринди. Энг муҳими, туркчиликни, яъни турксеварликни суд қилиб, жазолашга интилди. Туркчилик суд қилинган ана шу ҳодиса туфайли Туркиядаги ижтимоий тушунчалар, қарашлар ҳам жиддий суратда задаланди. Бу сиёсий ва мафкуравий яранинг оғриғи кейинчалик ҳам узоқ йиллар

[888] Дорандалиўғли, ўша асар, 182 б.

давомида турк зиёлиларига, арбобларига ва янги етишаётган наслларга таъсир ўтказиб турди. Зотан Овруподаги сиёсий тузумлар ва иттифоқларнинг тарқалиб кетишига, яъни 1990 йилларгача турк миллиятчилиги – тукчилик ва ирқчилик битта тушунча каби қораланди.

Бу жараёнга бошқа бир тарафдан қаралса, ишнинг энг расво томони ҳам кўриниб қолади. Яъни, "миллий шеф"нинг совет реакциясини пасайтиришни кўзлаб уюштирган бу маҳкамалар натижасида советлар Туркияга бўлган муносабатини ижобий томонга заррача ҳам ўзгартирмади. Зотан совет матбуоти бу воқеа бошланиши биланоқ туркчилик ва турончилик ғояларини бир кўзбўямачилик сифатида талқин этиб келмоқда эди. Советлар итифоқи ҳукуматининг Ташқи ишлар вазири Молотов 1945 йил 19 мартдаги расмий қарорида 1925 йилдаги турк-совет дўстлик шартномасининг муддати тугаганини ва янгидан узайтирилмаслигини билдирди. Ўшандан уч ой ўтиб, 1945 йил 7 июн куни Туркия республикасининг буюк элчиси Салим Сарпер билан учрашган Молотов унга нота топширди. Бу нотада совет ҳукумати Туркиянинг Қарс ва Ардахон вилоятларини ўзига берилишини истамоқда, шунингдек, Босфор бўғозидан турклар ва советлар биргаликда фойдаланишини, ҳамкорликда денгиз ҳарбий базалари қуришни талаб қилмоқда эди.[889] Хуллас, "миллий шеф" фаол аралашган бу сценарийдан, афсуски, кутилган натижа чиқмади. Натижада туркчилик ва турончиликни суд қилган ҳукумат туркчилар ва турончиларни Туркия жумҳурияти ва дунёдаги ўзидан кучили давлатлар орасидаги рақобат курашида душманларига ем қилди, янада тўғрироғи, ёвлар ҳеч нерса йўқтмагани ҳолда турклар тарафидан анча қурбонлар берилди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ТОПШИРИЛГАН СИЁСИЙ МУҲОЖИРЛАР

Исмат Инўну раҳбарлигидаги ҳукуматнинг муҳожир турклар сийсатидаги ўзгаришлар ҳануз ўз якунини топмаганди. 1945 йил июн ойида чиқарилган қарорга иккинчи жаҳон уруши йилларида турли йўллар билан Туркияга келиб жойлашган 195 муҳожир турк советларга топширилди. Бу фожеали ҳодисанинг батафсил ёритилишини истаган, Текиртоғдан сайланган халқ депутати Шавкат Мўжон 1951 йилдаги Буюк миллат мажлисида ўша даврдаги Бош вазирга ёзувли саволлар билан мурожаат қилган. Бу мажлис баённомаларида акс этган. Мўжоннинг Бош вазирга қарата: "Туркияга сиғинган турк муҳожирлар советларга топширилганми ё топширилмаганми? Агарда топширилган бўлса, бу воқелар қандай юз берди" деган саволига Туркия адлия вазири Рукниддин Носуҳий ўғли шундай жавоб қайтарган:

[889]Deringil, *Denge Oyunu*, s. 252

“Иккинчи жаҳон уруши бошланганидан эътиборан мамлакатимизга турли давлатларга мансуб ҳарбий шахслар паноҳ истаб кириб келганди ва улар биз бетараф давлат бўлганимиз боис Йўзгатда қурилган махсус маконга жойлаштирилган эди.

1945 йил 23 февралда бизнинг Олмонияга ва Япўнияга қарши уруш эълон қилишимиз муносабати билан иттифоқчиларимиз орасидаги Русия ҳукумати ўз фуқаролари ҳисобланган ҳарбий асирларнинг топширилишини талаб қилди. Ўшандан кейин Туркия ташқи ишлар вазирлигининг 1945 йил 22 майда Вазирлар маҳкамасига йўллаган расмий хатида Олмония ва Япўнияга қарши уруш эълон қилганимиздан сўнгра, ўртадаги шартномага мувофиқ, юртимизга илтижо билан сиғиниб келган иттифоқчи давлатлар фуқароларининг уларга қайтарилиши маъқул эканлиги таклиф этилганди. Вазирлар ҳайъати мазкур таклифни ўша куниёқ ўрганиб, 3/2563 сонли қарор чиқарди, унда “Мамлакатимизда яшаётган муҳожирлардан, хусусан Олмония ва Япўния ёки ҳар иккисига қарши уруш ҳолатида бўлган давлатларга қарашли фуқаролардан фақат ҳарбийлари шартномага мувофиқ уларга топширилсин” дея таъкидланган. Ана шу қарорга биноан, Анқарадаги совет элчихонасининг бу хусусдаги нотасига суяниб, юртимизда қолган 237 та совет аскаридан 195 таси илк гуруҳ ўлароқ 1945 йил 6 августда чегарадаги Тихмис дарвозасида советларга топширилганди. Аммо советларнинг Русияга паноҳ сўраб борган бир субайимиз ва икки аскаримизни топилмади деган баҳона билан қайтариб бермагани, ана шу сабабли ўзаро шартномани бузганлиги боис йўлда қочган бир неча муҳожир ҳарбийларнинг уларга топширишдан воз кечилган эди.

Ана шундан кейин Вазирлар маҳкамаси қошида тузилган Ташқи ишлар вазирлиги, ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий мудофаа вазирлиги вакилларидан иборат ҳайъатга бу масала билан шуғулланиш юклатилди. Ҳайъат тайёрлаган маълумот Вазирлар ҳайъатининг 1947 йил 1 сентябрдаги йиғилишида ўрганилиб, қарор чиқарилди. Унга кўра Йўзгатдаги ҳарбий муҳожирлар лагери беркитилди, юртимизда қолишни истаган турк ирқига мансуб ҳарбий муҳожирларга Туркия фуқаролиги берилди. Анвар Анор (Анвар Қозиев) билан Қодир Башаран (Одам Қардошбейли) деган собиқ икки қизил қўшин субайларининг ҳам совет Русиясига топширилган 195 киши орасида эканлиги маълумдир.” [890]

Адлия вазирининг бу расмий жавоблари савол берган Текиртоғ депутатини қониқтирмаган ва Мўжон сўз олиб, бу масаладаги фикрларини шундай баён қилган:

“Муҳтарам дўстлар! Ҳузурингизда айтишни истаганим воқеалар кечмиш замонда ўтиб кетган жўнгина ҳодисалар эмас. Яраси, оғриги бугун ҳам давом этаётган тарихий масъулиятлардирки, сиз тўққизинчи Буюк миллат мажлиси аъзолари ҳузурида бу хусусда индамаслик тарих

[890] Adalet Bakanı Rükneddin Nasuhoğlu`nun cevabı, TBMM Tutanaklar Dergisi, cilt 9, Birleşim 101, 18.7.1951, sayfa 204.

олдида гуноҳ бўлиб қоларди. Шунинг учун сўзламоқчиман. Аслида, ўша воқелар Адлия вазиримиз изоҳлагани каби юз берган эмас. Мени энг кўп ўйлантириб қўйган нуқта ҳам шу...

Улар назорат остидаги аскарлар дея изоҳланди, менимча, бу тўғри эмас. Ўтинаман, бир оз шу масалани муҳокама қилайлик. Улар ҳарбиймиди, назорат остидаги одамлармиди? Ёки сиёсий муҳожирлармиди? Ҳарбий муҳожирлар деб, бизнинг тушунишимизча, ё тайёраси бузилиб, ерга қулаган ёхуд маълум бир вазиятда бизнинг ҳудудимизга киришга мажбур бўлганларга, ҳарбий идоралар ўз назоратига олган кишиларга айтилади. Бир ақида зулмидан жонини қутқариб, бизнинг ўлкамизга паноҳ истаб келганларга эса сиёсий муҳожир дейилади.

Бундан ташқари, бизнинг юртимизга ҳеч алоқаси бўлмаган ҳолда, Франциядаги ҳарбий лагерлардан олиб келинаётган пайтда Арновуткўй атрофларида жонларини сақлаш умидида кемалардан ўзини денгизга отган ва балиқчиларимиз қутқариб қолган, ўлкамизга сиғинган инсонлар ҳам бор. Булар сиёсий муҳожир эмасми?

Мухтарам дўстим Анвар ва Одам деган икки озарий зиёлиси ҳақида эслаб ўтдилар. Булар, аслида, ҳаммамиз ҳам яқиндан биладиган Қўнё депутати Зиёд бекнинг қайноғаларидир. Улар бир пайтлар рус қўшинларида субай бўлганлар, бироқ ўз миллатларини унутмаганлари боис, русларнинг ақидаларини қабул қилмасдан, олмонияга қочганлар. У ерда анча яшаганлар. Кейин мамлакатимизга келиб, сингилларининг ёнига, Зиёд бекнинг уйига бориб, паноҳ топишган. Фақат бир куни жуда уятлик иш бўлган: уларни Анқарага олиб борамиз дея комиссар Али Ризо етакчилигида чегарага юборилиб, айни мустабид маъбудга қурбон этилганлар.

Бу миллат тарихида паноҳ истаб юртимизга сиғинган биргина Швейцария қироли Шарл учун бир неча жанглар юз бергани каби шарафли ҳодисалар кўпдир; аммо сиёсий муҳожирларни бир маъбудга қурбонликка атагандек йўқ қилиб юборишдек юз қизартирувчи, кўнгил парчаловчи, шармандали воқеа бўлмаган! (Офарин садолари.)

Ибнисууд ўшандай ҳолда итоат этмади, паноҳ истаганларни душманига топширмади; фақат бизнинг давр кишилари тарихимизга бу тавқи лаънатни ёпиштирдилар, илтижо қилган одамларни золимларга элтиб бердилар, дўстлар! (Тўғри садолари.) [891]

“Миллий шеф” Исмат Инўну давридаги ҳукумат тарафидан советларга топширилган турк иркли муҳожирлар тақдири ҳам енгилган Олмонияда иттифоқчилар томонидан советларга берилган асирларники каби айни фожеа билан тугади.

[891] *Tekirdağ Milletvekili Şevket Mocanın konuşması*, TBMM Tutanak Dergisi, cilt 9, Birleşim: 101, 18.7. 1951, s. 205

ЯНА АФҒОНИСТОНДА

АФҒОНИСТОНДАГИ СОВЕТЛАРГА ҚАРШИ ҲАРАКАТЛАР

Немис-совет урушининг бошланиши ва Барбаросса ҳаракатининг илк пайтларидаги русларнинг мағлубиятлари Афғонистондаги туркистонликлар орасида катта севиниш тўлқинларини долғалантирди. Кул босган умидлар янгидан жонланди, оловланди. Совет ҳукуматининг йиқилиши ва Туркистоннинг тикланиши, истиқлол масаласи яна ўртага чиқди. Бошида Шермуҳаммад бек ўлароқ бир неча босмачилик етакчилари Шимолий Афғонистондаги турли шаҳару қишлоқларни кезиб, уйқуга кетган ташкилотларини уйғотиш, жонлантириш ҳаракатига киришдилар. Ўша йилларда ўзбек муҳожирлари тарқоқ ҳолда, турли жойларда яшарди.

Туркманлар гуруҳ-гуруҳ ҳолида истиқомат қиларди. Кобилдаги Олмония элчиси Пилгернинг (с.617) таъкидлашича, Шимолий Афғонистондаги туркман қишлоқларида 11минг атрофида қуролланган туркман бор эди. Ҳеч бир ҳукумат томонидан назорат қилинмайдиган Помир ўлкасида қанча туркистонликлар мавжудлигини эса кимса билмасди.

Барбаросса ҳаракати бошланганидан олти ҳафта ўтгач, Берлиндаги раҳбарлар Кобилдаги элчи Пилгерга советларга қарши гуруҳлар билан алоқа ўрнатиш вазифасини топширди. Аслида Кобилдаги олмон дипломатларидан бири, олмон элчихонасининг ҳарбий маслаҳатчиси мингбоши Шенк (с 617) 1936 йилдан буён Шимолий Афғонистондаги советларга мухолиф тўдалар билан муносабатда эди. Хусусан совет-афғон чегарасига яқин жойларда яшаётган туркманлар, ўзбеклар ва бир қисм белоруслар билан учрашиб турарди.[892] Ўша йилларда Афғонистондаги совет мухолифи гуруҳлар дейилганда асосан туркистонликлар тушуниларди.

Турк ва япўн дипломатияси хизматчиларининг туркистонлик гуруҳлар билан алоқалари жуда мустаҳкам эди. Пилгер 1941 йил августида Берлинга жўнатган махсус хатида Афғонистонда собиқ Бухоро амири тарафдорларидан, босмачи раҳбарларидан ва савдогарлардан иборат яширин ташкилотлар борлигини, уларнинг советлар мамлакатидаги турли ғавғолардан фойдаланиб Туркистон озодлиги йўлида ҳаракат олиб бораётганини билдирган ва хос олмон ташкилотининг улар билан алоқа ўрнатиши фойдали эканлигини таъкидлаган. Пилгер тилга олган яна бир хусус шуки, бу ўлкада фаолият

[892] Glasneck ve Kirscheisen, *Turkei und Afganistan*, s. 248

кўрсатаётган гуруҳлар Туркиядаги советларга мухолиф давралар билан боғланмасдан, ўзларича мустақил иш юритади. Шу сабабли олмонлар Кобилдаги туркистонликлар билан муносабат ўрнатилга киришдилар.

Аслида, Олмония, Италия ва Япўния ўртасида 1940 йил 27 сентябрда имзоланган Берлин шартномасига кўра, Германия ва Италия давлатлари шарқий Осиёдаги барча ишларни ҳал этишни Япўнияга топширганди. Шунинг баробарида Овруподаги барча масалалар билан шуғулланиш ҳуқуқи Олмония ва Италияга берилганди. Бу уч иттифоқчи давлат жосуслик фаолиятида ҳам ўзаро ҳамкорлик қилишга келишган эдилар. Аммо орадан бир йил ўтмасдан, 1941 йилда Япўниянинг Совет Иттифоқи билан тарафсизлик шартномасини имзолагани Берлиндаги ҳукуматни жиддий ташвишга солиб қўйганди. Яъни, энди навбат Ҳитлерга келганди. Унинг Барбаросса ҳаракати Япўния учун кутилмаган ҳодиса эди. Япўнлар анча пайтгача советлар билан тузган шартномага содиқ қолиш ё қолмасликка қарор бера олмадилар. Канойе бошлиқ япўн ҳукумати Сибир томонга йўналтирилиши мўлжалланган ҳужумни орқага суриб, жанубий Осиё тарафларга юришни маъқул кўрди. Ана шу тарзда уч иттифоқчи давлат орасидаги ҳамкорлик аста-аста бўшаша бошлади.[893]

Шундай вазиятда олмонлар Афғонистонда ҳаракат бошларкан, албатта, япўнларнинг махсус хизматига мурожаат этмагани табиийдир. Бундан ташқари, ҳар иккала давлатнинг бу минтақадаги манфаатлари ва режаларида катта фарқ юзага келганди. Япўнлар эътиборини кўпроқ Шарқий Туркистонга қаратаётганди. Чунки Манчжурияда ўзлари яратган қўғирчоқ Манчу-ку давлатини қўриқлашни ва Хитой томонга янада қаттиқроқ босим ўтказишни исташарди. Олмония ҳукумати эса, Афғонистоннинг ўзида икки йўналишли ҳаракатни режалаштирганди. Биринчиси, жанубий Афғонистон чегараларидаги турли қавмларни Ҳиндистонга қарши гиж-гижлаб, исён уюштириб, инглиз-ҳинд ҳукуматига зарба бериш бўлса, иккинчиси – ўлканинг шимолидаги туркистонликларни қўзғолтириб, Амударёнинг нариги ёғида тўполонлар чиқариб, советларнинг маълум миқдордаги ҳарбий кучини бу тарафга йўналтиришдан иборат эди. Немис-фашист ҳукуматининг босқинчилик режасига кўра, Қафқаз ва Қирим каби туркий халқлар яшайдиган ўлкалар батамом Олмонияга қарам, мустамлака ўлкага айлантирилиши керак эди.

Шуниси ҳам борки, Туркистон немислар учун биринчи даражали минтақа ҳисобланмасди. Шу сабабли, хоҳ Туркистон ичкарисида, хоҳ ташқарисида бўлсин, Туркистон мустақиллиги йўлида фаолиятга киришган гуруҳларга кўмак бериш олмон ҳукумати учун долзарб масала эмасди. Тўғри, Олмония келажакда бу тарафларда ҳам советларга қарши ҳаракат уюштиришни режалаштирганди, бироқ бу жараёнга япўнларни аралаштирмасдан, ўзича иш юритмоқчи эди.

[893] Whyte, *Japan`s Purpose in Asia*, s. 15

Пилгернинг маълумотларига кўра, Шимолий Афғонистонда ишлашга халақит берадиган иккита асосий муаммо бор эди. Биринчиси, 1930 йиллардан кейин ўтган ўн йил ичида советлар ўз чагараларини анчагина мустаҳкамлаб олган, назорат кучли эди. Бу ҳолат ҳудуддан у ёққа ўтишни қийинлаштирарди. Иккинчи муаммо эса Афғонистонга боғлиқ эди. Яъни, афғон ҳукумати ўзининг барча чегараларидаги, шаҳарларидаги советларга қарши ҳаракатларни диққат билан кузатаётганди. Албатта, жанубий ҳудудларидаги инглизларга қарши ҳаракатларни ҳам кўздан қочирмаётганди. Хуллас, Афғонистон ўзини Совет Иттифоқи ёки Англия билан қарама-қарши ҳолатга келтирадиган ҳар қандай ҳаракатга йўл қўймасликка қарор берганди. Пилгер Берлинга юборган ўша хатида яна бир нозик жиҳатни, яъни, Афғонистон шимолидаги турк халқлари кези келганда Афғонистондан ажралиб чиқишга интилиши ҳам мумкинлигини тилга олганди. 18 июлда Берлинга жўнатган хатида ҳам Афғонистондаги турклар (ўзбеклар, туркманлар) афғон миршабларининг қаттиқ назоратида эканини билдирган.[894]

СОВЕТ ЖОСУСИ ОЙҚОРЛИ ЯНА САҲНАДА

Кобилдаги Олмония элчихонаси ходимлари илк алоқа боғлаган одам Маҳмуд Ойқорли бўлди. Ойқорли ўз хотираларида немис элчихонаси номидан у билан илк танишган шахс Инга Бурке эканини айтган. Инга Беркенинг эри Кобил университети ўқитувчиси, бактериология мутахассиси, асли турк, доктор Зуҳди Берке эди. Ўшандан кейин Ҳиндистонда олмон дипломати ўлароқ 20 йил хизмат қилган Стерн деган бир ҳарбий ва яна унинг воситасида юзбоши Дайтс ҳам орага кирди. Олмон элчиси Пилгер ва Маҳмуд Ойқорлининг хотиралари солиштирилганда, мингбоши Шенк билан Стерннинг айни одам эканлиги аён бўлади. Шенк вазифаси юзасидан Стерн номи билан иш юритган.

Ойқорли билан немис элчихонаси ўртасидаги алоқалар1941 йилнинг сентябрида бошланган дейиш мумкин. Ойқорлининг турли шаҳарларда вакиллари иш юритаётган бир махсус ташкилоти бор эди, Уларнинг ёрдамида Совет Иттифоқи, Шимолий Афғонистон ва Шарқий Туркистонга оид маълумотларни Германия элчихонасига етказиб бера оларди. Бунинг эвазига олмон элчихонаси унга моддий ёрдам берар ва Афғонистондаги муҳофазасини таъминлар эди. Шу тарзда совет жосуси Ҳитлер Олмониясининг Афғонистондаги энг ишончли ва муҳим айғоқчисига айланганди. Бироқ бир ой ўтмасдан юз берган ҳодиса бу ишларни чалкаштириб юборди.

[894] Glasneck ve Kirscheisen, *Turkei und Afganistan*, s. 250.

1941 йил кузида Совет Иттифоқи ва Англия икки тарафдан кириб келиб Эронни ишғол этди, бу иттифоқчи давлатларнинг бевосита боғланишига имкон яратди. Советлар ва инглизлар Германиянинг Афғонистондаги барча фаолиятиларига чек қўйишга қарор қилганди. Зотан бу икки давалат турли жабҳаларда немис-фашистларига қарши курашмоқда ва инглизлар Ҳиндистонда, советлар Туркистонда бирор бир муаммо чиқишини истамасди. Шу боис улар 1941 йил 11 октябрда ўзаро баёнотни имзолаб, Афғонистондаги хорижий элчихонлар вакилларидан ташқари, иттифоқчи ўлкаларнинг барча фуқароларининг чиқиб кетиши лозимлиги, акс тақдирда керакли чоралар кўрилишини эълон этишди.[895] Афғон ҳукумати айни вазиятда ҳам анъанавий тарафсизлик сиёсатини давом этдириш ниятида эди. Эртаси куни Афғонистон вазирлар маҳкамасида бу баёнот муҳокама қилинди ва 18 октябрда бу хусусдаги қарор чиқарилди. Афғон ҳукумати Олмония ва Италия каби узоқдаги дўстлардан кўра кучли ва яқин қўшнилари Англия ва Совет Иттифоқини мамнун этиш ўзига фойдали, тўғри эканини бу қарори билан билдирган эди. Афғон ҳукумати элчихона мансубларидан ташқари барча немис ва италян техник ходимлар, хизматчилар, ўқитувчилар ва бошқа шахслардан икки ҳафта ичида ўлкани тарк этишларини истади. Ана шундан кейин Афғонистон ҳудудида 10 та элчихона ходимидан бошқа бирорта немис қолмади. Шунга қарамасдан, олмон ва италян дипломатлари иккинчи жаҳон урушида ўз давлатлари мағлубиятга учраётгани аниқ бўлгунга қадар советларга ва инглизларга қарши фаолиятларини давом эттиришди.

Маҳмуд Ойқорли 1942 йил кўкламигача немис элчихонасига советларга ва Шарқий Туркистонга оид маълумотларни етказиб турди. Бироқ олмон элчихонаси Ойқорлининг советларга ва Туркияга ҳам хизмат қилаётганидан шубҳалана бошлаганди. Шу боис 1942 йил майидан эътиборан унга нисбатан муносабатини ўзгартирди. Айни йилнинг июн ойида Маҳмуд Ойқорли афғон ҳукумати тарафидан яна бир бор қамоққа олинди. Унга Туркия ва Олмония фойдасига жосуслик қилаётганлик айби қўйилганди. Қизиқ томони шундаки, совет ҳукумати бу воқеага аралашмади. 1936 йилда Афғонистон ҳукумати Ойқорлини илк марта ҳибсга отганида, советлар давлат ичидаги тарафдорларини ишга солиб, дарҳол уни зиндондан бўшатилишига ва нотўғри қамалгани хусусида расмий баённома берилишига эришган эди. Бу сафар эса, диққатга лойиқ нуқта ҳам шуки, советлар ўз айғоқчиси бўлган Маҳмуд Ойқорлининг бошқа давлатлар жосуси дей айбланганига ва қаматилганига кўз юмди. Маҳмуд Ойқорли иккинчи жаҳон уруши тугагунича турмада ётди ва ана шу тарзда бундан кейин ҳам советлар фойдасига жосусликни давом эттириш имконини қозонди.

[895] Meyer, Brysac, *Tournament of Shadows*, s. 523

“ХАНСА” ИШИ

Барбаросса ҳаракатининг бошланғич даврида олмонларнинг кетма-кет қозонган ғалабалари ва советлар барча жабҳаларда жуда тез тор-мор этилгани ҳақидаги хабарлар Афғонистондаги туркистонликлар ва уларнинг етакчилари орасида совет ҳукуматининг чўкаётгани ва яқин ўртада унинг тарқалиши борасида тушунча ва ишонч туғдирган эди. Туркистоннинг истиқлолга эришувига умид уйғонганди. Айни вазиятда Мубашширхон Тарозий дарҳол сиёсий ташкилот тузиш ва тезда ҳаракатга киришиш фикрида эди. 1941 йил охирларида Мубашширхон Тарозий раҳбарлигида босмачиларнинг етакчилари ва амир тарафдорлари бирлашиб, яширин ташкилот қуришга келишдилар. Ташкилот “Ла марказия-и ҳукумат-и Туркистон” деб аталди. Бу яширин ташкилот собиқ Бухоро амири Олимхоннинг ўғли шаҳзода Умархонни янги қурилган ҳукумат бошлиғи этиб тайинлади. Бош вазирлик вазифаси Мубашширхон Тарозийнинг ўғли, Бухоро амирининг куёви Насруллохонга берилди. Босмачилар етакчиси Шермуҳаммад бек ҳарбий ишларга масъул, Акрам қори молия вазири, Ҳабибуллахон тўра маориф нозири бўлди. Ташкилотнинг асл тузувчиси Мубашширхон Тарозий эса, афғон ҳукумати таркибида расман ишлаётгани боис, бирорта вазифа олмасдан, парда ортида қолишни маъқул кўрди. Бу ташкилот ичида Тоғахон, Қудратиллахон каби таниқли шахслар ҳам бор эди. Босмачиликдаги таниқли шахслардан бири Иброҳим Лақайнинг ёрдамчиси Шамсиддин Вакил ҳам аёнлар қаторида эди. Помирлик қирғиз уруғларининг бошлиғи Қамчи бек Помир ўлкаси масъули этиб тайинланганди. Шимолий Афғонистон туркманларининг раиси Қизилоёқ Халифага ҳам бу ташкилотда мақом берилганди. Мозори шарифдан бошлаб Андхўй, Хонобод, Қундуз ва Боғлан каби Шимолий Афғонистон шаҳарларида ўта тезликда шаклланган ташкилот эски босмачиларни янгидан фаол ҳолга келтира олди. Ана шу тарзда Афғонистондаги – ТМБ ташқарисидаги – барча туркистонлик гуруҳлар ўзаро бир нуқтада бирлашдилар ва бир ташкилотга уюшдилар.

Маҳмуд Ойқорли қамалганидан кейин немислар Афғонистон Вазирлар маҳкамасида ишлаётган Сайид Тарозий билан алоқа боғлашди. Расмий учрашувлар натижасида Шимолий Афғонистоннинг бир қатор шаҳарларида қайтадан жонлантирилган ташкилот бўлимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга келишилди. Мубашширхон Тарозий раҳбарлигида “Ханса” деб номланган ҳарбий операция ўтказиш режалаштирилди. Немислар Туркистонга боғлиқ икки йўналишда ҳужум тайёрлаш ниятида эди. Биринчиси – Олмониядаги марказда, махсус хизмат ташкилоти томонидан Туркистон легионидан танлаб олинган, жосус қилиб етиштирилган гуруҳларни ҳаво йўли орқали Туркистон

ичкарисига ташлаш.[896] Иккинчиси – Афғонистондаги туркистонликлар ичида ташвиқот юритиб, туркистон ичкарисидаги юртдошлари билан улар орасида алоқа ўрнаттириб, жабҳа ортида исёнлар чиқариш. Олмониянинг ўрта элчиси Ханс Пилгер ана шу ниятларни амалга ошириш учун аввало Мубашширхон Тарозий раҳбарлигидаги ташкилотни ўрганишга киришди. Унинг жиддий изланишлар натижасида ёзилган, марказга юборилган махсус хабарида таъкидланишича, Тарозий ташкилотининг биргина Боғлан бўлимида 800 та отлиқ ва ярмиси қуролланган 1000 тача жанговар йиғилганди.[897] Хабарда бошқа шаҳарлардаги ташкилотга боғлиқ одамлар сони аниқ айтилмагани ҳолда, умуман 10-15 минг атрофида эканлиги таҳмин қилинган. Ҳаракатни назорат этиш жуда қийин бўлган Помир минтақасида ҳам уруш туфайли яна жонланиб қолган аллақанча қуролли гуруҳлар мавжуд эди.

Туркистон ташкилотининг бунчалар қуролли кучга эгалиги ва бу гапларнинг ҳаётий ҳақиқат эканлиги Олмония элчихонаси ходимлари томонидан тасдиқланганидан кейин Берлиндаги марказ Пилгерни керакли моддий ёрдам билан таъминлаб, кенг миқёсда иш олиб боришга изн берди. Тарозий ва унинг ташкилоти немислардан радиоалоқа жиҳозлари ва қурол-аслаҳа исташди. Пул бўлса, Афғонистонда қурол топиш осон эди. Хуллас, “Марказия-и Туркистон” ташкилоти аввало чегара туманларида ўзаро алоқани йўлга қўйишга, кейинроқ эса, кичик-кичик тўдалар шаклида советлар ҳудудига кириб боришга мўлжалланган ҳаракатни бошлади. Марказнинг ҳарбий масъули Шермуҳаммадбек япўнлар билан муносабатга киришган, улардан ёрдам олишни интилаётган эди. Бу ишлардан Туркия элчисининг бехабар қолиши мумкин эмасди, албатта. Зотан турк элчиси Камол Кўприли Туркистон ташкилоти раҳбарлари билан учрашиб, немислар ёрдами билан бошланган бу фаолиятнинг вазиятга уйғун эмаслигини, чунки олмонлар урушда тобора эътиборини йўқотаётганини, кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини таъкидлаганди.[898] Шу орада олмонлар немис ҳарбий учоқларининг қисқа бир пайтда Афғонистонга келиши, мингларча парашютчилар Туркистон ҳудудига ташланажаги борасидаги ташвиқотни бошлаб юборишди. Хуллас, бу ҳаракатлар натижасида, 1941-1942 йилларда кўплаб одамлар яширинча Туркистон томонга ўтишга улгурди. Афсуски, уларнинг сони, шўролар тарафда бажарган ишлари хусусида маъдумотга эга эмасмиз.

Сталинград остонасида немисларнинг қақшатқич зарбага учраши ва енгилиши Афғонистондаги Туркистон ташкилотлари ҳаракатига нуқта қўйди, деса ҳам бўлади. Юқорида айтилганидек, Шимолий Афғонистонда

---

[896] “Иккинчи жаҳон уруши даврида Олмония” бўлимига қаранг.

[897] Mühlen, *Gamalı Haç ile Kızılyıldız Arasında*, s. 216

[898] Ўша ҳодисалар шоҳиди Абдулҳамид Қўчар турк элчихонаси ходимининг туркистонликлар ва уларнинг раҳбарлари билан доимо алоқа қилиб турганини хотирлайди – А. Андижон архиви.

асосан турк эллари (ўзбеклар, туркманлар) жойлашгани боис афғон ҳукумати бу қавмлар вазиятини жиддий кузатиб келаётган эди. Айниқса, Амударёнинг у томонидан келган муҳожир туркистонликлар ҳамда уларнинг бошлиқлари, оқсоқоллари махсус назорат остидайди. Немислар Сталинградда енгилиши биланоқ афғон ҳукумати зарурий қарорни қабул қилди ва унга кўра "Марказия-и Туркистон" ташкилоти раҳбарлари, яъни Мубашширхон Тарозий, Шермуҳаммадбек, Қудариллахон тўра ва бошқалар ўша куниёқ қўлга олинди, ҳибс этилди. Афғонистоннинг бошқа вилоятларидаги туркистонлик жанговарлар ҳам қўлларига занжир урилган ҳолда, очиқ машиналарда Қобилга келтирилди. Кенг кўламли бу ҳарбий амалиёт оқибатида 700 дан кўпроқ туркистонликлар қўлга олиниб, Қобилнинг машҳур Дамазанг қамоғи зиндонларига ташланди.[899] Муқаддас Туркистон номи билан бошланган бу кураш яна бир бор кўп сонли туркистонликларнинг ўлими, зиндонларга ташланиши, сургун қилиниши билан якунланди. Сўроққа тутилганларнинг кўпчилиги қамоққа ҳукм этилди ва уруш тугагунгача озодликка чиқолмади.

[899] Собир Сайҳон. "Адашганлар", 78 б.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

СОВУҚ УРУШ ЙИЛЛАРИДА

“Коммунистлар ҳукумати панжасига тушиб қолган мазлум миллатлар озод бўлмагунча ва руслар ўзларининг қадимги чегараларига чекилиб, зарарсиз ҳолга келмагунча Америка ва дунёга роҳат йўқ.”

Эйзенхауер, АҚШ президенти

СОВУҚ УРУШ ЙИЛЛАРИДА

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин Вали Қаюмхон икки йил бўйича қамоқда қолди. Сўнгра иттифоқчи давлатлар томонидан Нюренберг шаҳрида ташкил этилган халқаро судга тортилди. Маҳкамада асосан унинг фашистлар партиясига алоқадорлиги ҳамда миллий социализм фалсафасига муносабати билан қизиқдилар. Сўроқлар шу йўналишда эди. Шунингдек, Миллий Туркистон Бирлик комитети ва Туркистон легиони яҳудийларнинг оммавий қатл этилишига қатнашиб-қатнашмагани, умуман бу ташкилотнинг уруш давомидаги фаолияти ва унинг моҳияти жиддий ўрганилаётганди. Халқаро маҳкамада советлар вакили ўлароқ қатнашаётган Руденко суднинг биринчи кунидан эътиборан Вали Қаюмхоннинг ҳарбий жиноятчи эканини ва у шўро ҳукуматига топширилиши кераклигини таъкидлади. Руденконинг айтишича, “Вали Қаюмхон ўзбек, қирғиз, қозоқ, туркман, тожик халқлари эмас, бир бутун Туркистон миллати бор деган ва одамларни алдаган; у

ўзининг кирли мафкураси йўлида ТМБКни ва Туркистон легионини ташкил қилган ҳамда иттифоқчи давлатларга қарши фаолият юритган”.[900]

Вали Қаюмхон сўроқларга жавоб бераркан, ТМБК ҳамда Туркистон легионининг низоми ҳарбий қонун-қоидаларга мувофиқ тузилгани ва Туркистон истиқлоли учун бўлшевизмга қарши курашганини; ҳар икки ташкилот ҳам уруш давомида ҳеч қандай оммавий ҳаракатларга қатнашмаганини, ҳатто Германиянинг оммавий қатл ишларига гоҳ-гоҳ қарши чиққанини ҳам билдирди. Олиб борилган текширишлар натижасида унинг фашистлар партиясига аъзо бўлмагани тасдиқланган, лагерлардаги ҳарбий асирларга оид ёзган маълумотлари ҳам топилган, оддий халқни қирғин қилаётган эсэсчи раҳбарларга қарши ҳаракатлари ва эсэснинг Вали Қаюмхонга суиқасд уюштиргани ҳам маълум бўлган. Бухоро яҳудийларидан икки кишининг бутун уруш давомида Миллий Туркистон Бирлик комитетида ошпаз ва шофёр бўлиб ишлагани аниқланганидан кейин, бу далилга суянилган ҳолда Қаюмхонга қарши деярли барча айбловлар йўққа чиқди. Вали Қаюмхон ўша маҳкама кунларини эсларкан, суҳбатимизда шундай деди:

> “Америкалик ҳарбий прокурорлардан бири мендан “Уруш вақтида генерал Власов билан ҳамкорлик қилишни рад этган экансиз. Бунинг сабаби нима?” дея сўради. Залда турли миллатлардан вакил кузатувчилар ҳам бор эди. Мен унга “Власов бир хоин эди. Чунки у ўз миллатига, яъни рус халқига қарши курашди. Мен эса, ўз миллатимнинг, ватаним Туркистоннинг ҳуррияти учун, ўлкамни мустамлакага айлантирган советлар давлатига ва бўлшевизмга қарши курашдим. Яъни, ўз халқимга қарши эмас...” дедим. Ўша куни америкаликлар келиб, мени қамоқдан чиқардилар ва шароити яхшироқ бир ерга олиб бориб қўйдилар. Бир ҳафтадан кейин маҳкама қарори билан озод этилдим.”[901]

Ўша пайтда комитетнинг бошқа аъзолари қўлга тушиб қолмаслик, изларини йўқотиш учун Германия бўйлаб тарқалиб кетганди. Урушдан кейинги олатасирлар сал тингач, 1945 йил охирларида, ТМБКнинг келажагини белгилаш мақсадида йиғилиш ўтказилди. 26 декабр куни комитетнинг 16 та аъзоси ўзаро кенгашдилар ва гуруҳларнинг янгидан тузилишига қарор қилинди ҳамда вақтинчалик бошқарув ҳайъати сайланди.[902]

Вали Қаюмхон озод бўлганидан сўнгра, 1947 йилнинг август ойида комитет аъзолар уч кун давом этган расмий анжуман ўтказишди. Йиғилишдан олдинги маслаҳат кенгашларида аввалги хафаликлар ва келишмовчиликларни унутишга, барча аъзоларнинг миллий комитет атрофида жипслашиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлашга келишилди. Натижада уруш тугашидан бир ой олдинроқ БКдан ажралиб кетган,

---

[900] Вали Қаюмхон. “Шароф Рашидовга очиқ мактуб”, “Миллий Туркистон” журнали № 99

[901] Вали Қаюмхон билан 17-21 январ 1991 йилда, Дюселдорф шаҳрида қилинган суҳбатдан (А. Андижон архиви).

[902] Ergeş Şermet, *Türkistan Kurtuluş Hareketi ile İlgili Olaylardan Sahneler*, s. 20

“Туркистон шўроси”ни тузган ва власовчиларга қўшилган Карес Қанотбой ва дўстлари ҳам йиғилишга қатнашдилар. Аммо бу ярашув бир ойга чўзилди холос, Қанатбай Миллий Туркистон бирлик комитетида қатнашмаслигини билдириб, яна ташкилотни тарк этди.

1948 йилга келиб Туркия жумҳурияти ҳукумати барча Оврупо ўлкаларида, хусусан Германияда сиғинди бўлиб юрган мусулмон туркларнинг ўз истакларига кўра Туркияга келиб яшашлари мумкинлиги борасидаги қарорини эълон қилди. Шу муносабат билан июл ойида, Мюнхен шаҳрида Вали Қаюмхон раҳбарлигида 300 киши қатнашган йиғилиш ўтказилди. Қаюмхон туркистонликарни бу фурсатни бой бермасликка чақирди. Оқибатда 1948 йил бўйинча юзларча собиқ ҳарбий асир туркистонлик Туркияга келиб жойлашди.[903]

АМЕРИКАНИНГ МАЙДОНГА ТУШИШИ

Иикикинчи жаҳон уруши тугагач, дунё харитаси бошқатдан чизила бошланди. Оврупо ва Осиёдаги айрим ўлкаларда, минтақаларда кучсиз, бўш ўлкалар вужудга келганди. Советлар иттифоқи гарчанд урушдан аранг бутун чиққан бўлса ҳам, бор-будидан айрилган Англия ва Франция каби давлатлар у билан рақобат қилишга эндиликда ожиз эди. Иккинчи жаҳон уруши давомида ўз қобиғидан ташқарига чиқмаслик авло билган АҚШ анъанавий тарафсизлик ҳолатида қоладими-йўқми, ҳамон маълум эмасди. Дунё майдонидаги бу бўшликни илғаган советлар дарҳол ҳаракатга киришиб, Ялтада керакли тайёргарликларни кўрди. Тарихни ўзига берган бу бебаҳо фурсатни бой бермасдан, дарҳол уч йўналиш бўйича ҳужумга ўтди.

Оврупода ўзи ишғол этган Пўлша, Чехославакия, Можористон, Булғористон каби давлатларда тезда коммунистик партиялар туздирди ва уларнинг мавжуд муваққат ҳукуматлардаги таъсирини орттирди. Шунингдек, Юнонистонда бошланган ички урушда коммунист исёнчиларни қувватлаб турди. Советлар ҳаракатга киришган иккинчи йўналиш Ўрта шарқда эди. Юқоридаги ўхшаш сиёсатни урушнинг илк даврида инглизлар билан бирга ишғол қилгани Эронда ҳам йўлга қўйди. Яъни, советлар қўл остида турган Жанубий Озарбайжонда (Эрон шимолида) ўзига қарам қўғирчоқ ҳукумат қуриш фитнасини бошлади. Айни пайтда Туркияни ҳам сиқувга олиб, Бўғозларда ўз ҳарбий базасини яратиш ҳуқуқини, шунингдек, Қарс ва Ардахан вилоятларини беришини талаб қилди. Советларнинг Осиёдаги, учинчи йўналишдаги мақсади Чинни ўз таъсирига киритиш бўлиб, Мао раҳбарлигидаги

[903] İkram Han, *Bir Türkistanlının 2. Dünya Savaşı Hatıraları*, s. 189

коммунистларга ўлкани эгаллаш учун ҳарбий ва сиёсий ёрдам бермоқда эди.

Совет Иттифоқининг Шарқий Оврупо, Ўрта Шарқ ва Осиё ўлкаларида йўлга қўйган бундайин кенг миқёсли ҳаракати АҚШни тарафсизлик қобиғидан чиқишга, советларга қарши сиёсат тарозисининг бир палласини эгаллашга йўналтирди. АҚШ раҳбарияти 1947 йил март ойида советлар таҳдиди остидаги ўлкаларга мўлжалланган "Трумен доктрини"ни ўртага қўйди. Ўша йилнинг июн ойида эса, Оврупо давлатларини иқтисодий ривожлантириш мақсадида яратилган "Маршал плани"ни амалга оширишга киришди. Советлар бунга қарши Югославия, Булғористон, Руминия, Чехославакия, Франция ва Италия коммунистик партияларининг раҳбарларини Пўлшанинг Шкларска Пореба (s 630) шаҳрида тўплаб, 1947 йилнинг 5 октябрида анжуман ўтказиб, Коминформ[904] ташкилотини тузди. Иккинчи жаҳон урушидан олдин яратилган Коммунистик интернационалнинг[905] давоми бўлган бу ташкилот қарорларига кўра, дунёдаги ишчиларнинг ягона ватани советлар мамлакати ҳисобланарди. Бу ташкилотнинг бутун фаолияти Америка империализмига қарши курашга, келажакда жаҳонни қамраган советлар жумҳуриятини яратишга қаратилганди.

Ана шу вазиятдан келиб чиқиб, АҚШ ҳам советларнинг дунёга тарқалишига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатишга қатъий бел боғлаганди. АҚШ ҳукумати 1947 йил 22 октябрда эълон этган расмий билдиргисида Эрон тупроқларининг бир бутунлигига кафолат берганини таъкидлади. Бу ҳужжат воситасида Америка ҳукумати советларнинг Эрон ҳудудига оид ҳар қандай аралашуви урушнинг сабаби бўлуви мумкинлигини ишора этди. Айни замонда юзага келган Берлин бухрони жаҳоннинг икки буюк давлати орасидаги муносабатни янада кескинлаштирди, бу икки куч-қудрат атрофида барча давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бирлашишга, ҳарбий-сиёсий иттифоқлар тузишга мажбур эканлигини ҳам ошкор этди. Энди сафлар аён эди, совуқ уруш даври бошланганди. АҚШ ҳукумати бошлиғи Эйзенхауэр айтганидек, "Коммунистлар ҳукумати панжасига тушиб қолган мазлум миллатлар озод бўлмагунча ва руслар ўзларининг қадимги чегараларига чекилиб, зарарсиз ҳолга келмагунча Америка ва дунёга роҳат йўқ" эди. Ана шу турумга уйғун ўлароқ, русларни босиб олинган ва қуллик бўйинтуруғи остидаги ўлкалардан ҳайдаб чиқарилишига Америка давлати қарор бериб, мазлум миллатларга кенг миқёсда ёрдам кўрсатмоққа киришди. Эндиликда эълон қилинмаган, ҳудудлари белгиланмаган белгисиз уруш бошланди. Иккала тараф ҳам рақобат ва курашнинг барча майдонларида, жабҳаларида устунликка эришиш учун бор куч-қувватини сафарбар этди.

[904] Communist İnformation Bureau.
[905] Коминтерн.

Америкаликларда тобора кучайиб бораётган коммунизм таҳликасига қарши жиддий, кенг миқёсли ташвиқот-тарғибот яратиш нияти туғилди. Совет Иттифоқи ичидаги қарам миллатларга мансуб, ташқи дунёда яшаётган мухолиф кучлардан фойдаланиш, уларни ташкилотларга бирлаштириш ана шу ниятни амалга оширишдан режалардан бири эди. Тарих яна такрорланмоқда эди. 1920 йиллар маршал Пилсудский совет давлатига шўролар мустамлакасига мансуб хорижий мухолифларни бирлаштириб, "Прометей" жабҳасини тузганди. Германия советлар билан келишгач, олмонлар "Прометей"ни махв айлашди. Бироқ иккинчи жаҳон уруши даврида немислар яна ўша усулдан фойдаланиб, совет ҳарбий асирларидан легионлар тузиб, шўрога қарши уруш олиб борди. Совуқ уруш даври бошланган пайтда эса, навбат Америкага келди. Эндиликеда АҚШ советларга қарши барча кучларни бирлаштириб, жаҳоншумул жабҳа уюштиришни режалаштирди. Шу орада Вашингтондаги "Америка овози" радиоси тўлқинларида советлар мамлакатидаги асир миллатларнинг тилларида эшиттиришлар янграй бошлади. 1948 йил ўрталарида асир миллатларнинг муҳожиротдаги вакиллари билан мулоқот олиб борилди. АҚШ масъуллари Миллий Туркистон Бирлик комитети раиси сифатида Вали Қаюмхон билан муносабат ўрнатишди. Вали Қаюмхон ўша кунларни шундай хотирлайди:

> "1947 йил ўрталарида комитет ишини янгидан йўлга қўйдик. Америкаликлар келишди. Зотан Нюренбергдаги маҳкама пайтидан бошлаб алоқамиз давом этмоқдайди. Антикоммунист бир жабҳа уюштириш керак, бу йўлда жиддий фаолият кўрсатадиган барча ташкилотларга ёрдам берамиз, дейишди. Мен уларга, агарда Туркистон мустақиллигини ва МТБКни унинг ягона тамсилчиси сифатида тан олсалар, бирга ишлай олишимизни айтдим. Аввало бу мавзуни ўрганишимиз лозим, бунга вақт даркор, дедилар. Бир йилча ҳамкорлик қилдик. Америкаликлар Овруподаги ижтимоий-сиёсий ҳолатни ҳамда советларнинг ички аҳволини, тизимини яхши билишмасди. Охири улар, айни замондаги халқаро вазият менинг талабларимни бажаришга уйғун эмаслигини билдиришди. Шу тарзда ҳамкорлигимиз ҳам тугади."[906]

Худди ўша пайтда Англия ҳам америкаликларга ўхшаб фаолиятга киришди. Аммо инглизлар америкаликлардан кўра тажрибалироқ эди. Айниқса, улар Оврупо ва Осиёдаги сиёсий вазиятни жуда яхши билишарди. Ҳар ўлкани, ҳар бир халқни ўз вазиятига кўра баҳолай олиш идрокига эга инглизлар ўзларига берилган бундайин тарихий имкондан, албатта, унумли фойдаландилар. Улар муроса ва мадоро йўлидан боришди. Бу йўналишдаги ишларга Англия ҳукуматининг узоқ йиллар давомида Осиёдаги элчиси бўлиб ишлаган Ўлаф Карое раҳбарлик қиларди. Карое ва Вали Қаюмхон учрашиб, суҳбатлашганидан кейин, Англия ҳукуматининг шарқ ишлари билан шуғулланадиган масъуллари

[906] Вали Қаюмхон билан 17-21 январ 1991 йилда, Дюселдорф шаҳрида қилинган суҳбатдан (А. Андижон архиви).

ҳам биргаликда кенгашиб, айрим кескин масалалар юзасидан бир фикрга келишди. Яъни, Англия Туркистоннинг бир бутунлигини ва мустақиллигини тан олади, Миллий Туркистон Бирлик комитетига моддий ёрдам кўрсатади, Туркистон ёшларининг таълим олишини ҳам қўллаб-қувватлайди. Бунинг эвазига МТБК Англиянинг шарқ ўлкаларига қаратилган антикоммунистик тарғибот-ташвиқотига қатнашади ва советларга қарши барча ишларига кўмаклашади.

Ана шу келишувдан сўнгра Вали Қаюмхон бошчилигидаги МТБК учун Германиянинг Вестфаллен вилоятидаги Минден қишлоғида марказ ташкил қилинди. Миллий комитет аъзолари бу марказда, бир томондан, Туркистонга боғлиқ фаолиятларини юритишди, иккинчи томондан эса, Олмониянинг урушдан олдинги даврда тутган шарқ сиёсатига оид архивларни ҳам ўргана бошлашди. Уларнинг русча, немисча ва туркий тилларни яхши билишлари бу ишларда анча қўл келди.[907] Вали Қаюмхон ўша даврни эслаб, шундай дейди:

> “Англия Ташқи ишлар вазири ва шарқ ишлари бўлими масъуллари билан учрашдим. Улар мен айтган талабларни маъқуллашди. Бизни ҳуқуқий шахс ўлароқ расмана қабул этдилар. Шу пайтда Боймирза Ҳайит ва Исмоил Тешабой каби ўртоқларимизга молиявий кўмак берилмоқдайди. Журнални янгидан чиқара бошладик... Айниқса муҳофазакор партиянинг шарқ бўлими ходими биз билан жуда қалин бўлиб кетганди. Ҳатоо ўзбекча ўрганишни истарди. Унга ёрдам бериш учун доктор Исмоилни йўлладим.”[908]

Шундай қилиб, 1947 йил сентябр ойидан эътиборан “Миллий Туркистон” журнали яна нашр этила бошланди. Олдинлари бир тилда босилган мажмуа 1950 йилдан сўнгра икки тилда – инглизча ва туркчада[909] чоп қилинди. Араб давлатларида яшаётган муҳожир туркистонликлар эҳтиёжини ҳисобга олиб, кейинчалик арабча ва араб алифбосида ўзбекча шаклида журналнинг учинчи нусхаси ҳам босилиб турди.

РУСИЯ ХАЛҚЛАРИНИ ҚУТҚАРИШ КОМИТЕТИ

Америка ҳукумати советларга қарши кучларни бирлаштириш режасини амалга ошириш мақсадида Русия халқларини қутқариш

---

[907] Бу марказда Вали Қаюмхон билан биргаликда Боймирза Ҳайит, Эргаш Шермат, Ҳусайн Икром, Малик Умарий, Исмоил Тожибой, Мўмин Тешабой, Маҳмуд Мақсудбек, Косим домла, Иноятий Ҳақсевар, Маҳкам Умарий, Омон Бердимурод, Абдулла Тўлаган, Акрам Аъзам ва бошқалар ишлаган.

[908] Вали Қаюмхон билан 17-21 январ 1991 йилда, Дюселдорф шаҳрида қилинган суҳбатдан (А. Андижон архиви).

[909] Ўзбекчада.

Америка комитети[910] дейилган ташкилотни тузди. Бу комитетнинг вазифаси Советлар иттифоқи ҳудудидаги миллатларга мансуб барча муҳожирларни бирлаштириб, улкан бир жабҳа яратилиш эди. Жабҳа раҳбарлигига энг мос шахс дея 1917 йил октябр тўнтариши даврида Русия салтанатини бошқарган социал-демократлар партияси лидери Керенский танланди. Немислар уруш йиллари шартларига кўра генерал Власовдан қандай фойдаланган бўлса, америкаликлар ҳам тинчлик даврида Керенский воситасида ўз мақсадларини юзага чиқаришни мўлжаллаганди.

Керенский ҳам ишга киришиб, илк ўлароқ Оврупода коммунизмга қарши фаолият юритган рус жамиятларини Рус халқларини қутқариш комитети номли бир ташкилотга бирлаштирди. Бу ташкилот Мелгунов гуруҳи (Русия ҳуррияти учун кураш иттифоқи), Байдалаков гуруҳи (Миллий фаолият уюшмаси), Керенский гуруҳи (Халқ ҳуррияти учун кураш жамияти), Яковлев гуруҳи (Русия халқлари ҳурлиги учун кураш иттифоқи) ва генерал Власовнинг иккинчи жаҳон уруши йилларида фаолият кўрсатган, кейинчалик ҳам Власовчилар гуруҳи шаклида ишлаётган бешта жамиятдан иборат эди. Комитет биринчи анжуманида олиб бориладиган фаолиятнинг ғоя ва мақсадларига оид айрим қарорларни чиқарди. Бу қарорлар ва уларнинг амалга ошиши натижасида юзага келган вазият муҳожир турк матбуотида шундай акс этган:

> “Бешта муҳожир рус жамиятлари бирлашиб, ўз ташкилотлари номидан чиқарган қарорларида миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари ҳал этишлари ҳуқуқини тан олганлари ҳолда, бу миллатларнинг манфаатлари ва Русиянинг парчаланиши бир-бирига терс бўлганлигини кўзда тутиб, “федерация ва миллий маданият мухторияти”га асосланиб қуриладиган Русия халқлар иттифоқи шаклидаги ҳокимият тарафдори эканлигини билдирган. Штутгард лойиҳасига кўра, Русия халқларини қутқариш комитети шўроси бир парламент каби фаолият кўрсатади ва олтмиш кишидан тузилади. Бу олтмиш кишидан 20 таси руслардан, 20 таси руслардан бошгқа миллатлардан бўлади ва яна 20 таси миллатига қарамасдан, билим ва санъат кишиларидан танлаб олинади...
>
> Бу ўринда шуни айтиш лозимки, рус сиёсий ташкилотлари хорижда бирлашган ҳолда иш юритаркан, худди ўтган ўттиз беш йил ичида ҳеч нарса бўлмагандай, Русияда 1917 йил февралидаги давлат тўнтаришидан сўнгра эълон этилган халқ ҳокимиятининг таъсис тартибларидаги каби, яъни, керенскийчилик тушунчасига суянаётгани ўта диққат талабдир. Улар ўзгариш йилларида, хусусан собиқ чор Русияси ҳудудларида вужудга келган янги давлатлар – 1918 йилда истиқлолини эълон қилган ва икки йил кейин советлар босиб олган Озарбайжон, Арманистон, Гуржистон ва Шимолий Қафқазни атайин эсламаяпти. Улар айни замонда хатто Қафқаздаги истиқлол, миллий

[910] Amerikan Committee for liberation of the peoples of Russia inc.

озодлдик йўлида кўтарилган исёнларни, дарё-дарё оққан қонларни ҳам атайин унутиб турибдилар.”[911]

Ҳақиқатан ҳам, рус жамиятларининг биргаликда чиқарган қарорлари, айниқса қуйидаги қарор Англия режалаштирган жабҳанининг шаклланишига зид эди:

“Русиядаги 1917 йил феврал инқилоби[912] томонидан эълон қилинган каби мамлакатда халқ ҳокимияти ўрнатилади. Русиядаги барча халқларга тенглик ҳақи берилади ва халқлар барча миллатлар эркин сайловларга таяниб, ўз тақдириини ўзи хал этади. Аммо Русиянинг парчаланиши, яъни Болқонлардаги каби давлатларга бўлиниши Русияга фалокат келтиради.”

Мана шу қарори билан комитет Совет Иттифоқи давлатини ташкил этган ғайрирус миллатларнинг иттифоқдан ажралиб чиқишини фалокат деб атаган, агар ажралишни истаса, бу масалани махсус комитетнинг мажлисидагина хал қилиниши мумкинлигини таъкидлаган. Натижада миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисидаги ҳақ-ҳуқуқлар, худди бўлшевиклар ҳукуматида бўлганидек, қоғоздаги гапдан бошқа нарса эмасди. Бундайин қарорларн ўз миллатларининг истиқлоли учун курашаётган ғайрирус халқларнинг вакиллари қабул қилолмасди, албатта. Шу боис ҳам, комитет қарорлари чиқиши биланоқ МТБК томонидан тарқатилган баёнотда унга муносабат билдирилди:

“Керенскийнинг 1951 йил 20 августда тузган Рус халқларининг озодлик ташкилоти билан Миллий Туркистон бирлик комитетининг (МТБК) ҳеч бир алоқаси йўқдир. МТБК у ташкилотни танимайди. У ташкилот фақат русларга алоқадор, туркистонликлар масаласига арашувга ҳаққи йўқ. Туркистон халқи рус эмас. Керенскийнинг ғояси рус империализмини қуришга қаратилган. Бизнинг мақсадимиз эса, миллий Туркистон давлатини қуришдир.”[913]

Керенскийчиларга берилган зарба фақат бугина эмасди. Уруш битганидан сўнгра Украина миллатчилари тузган АБН,[914] яъни, антибўлшевиклар жамияти ҳам ўз норозилигини дарҳол билдирди. Фақат америкаликлар советларга қарши миллатларнинг бундайин миллий ҳаяжонларини тушунмаганлари каби, умуман менсимаётган ҳам эди. Улар учун бош масала тузумга боғлиқ ҳисобланарди ва маҳв этилиши керак бўлган куч бўлшевизм эди. Улар Русия ва руслар асоратидаги миллатлар тақдири кейинчалик ҳам ҳал бўлаверади, деб ўйларди. Америка комитетининг ўша пайтда тарқатган баёнотида юқоридаги қарашлар очиқ экс этган:

---

[911] “Ички масалаларимиз” – “Қафқазя” журнали, 1952 й. №14, 2 б.

[912] Керенский раҳбарлигида амалга оширилган социал-демократлар инқилоби. Ўша йилнинг октябр ойида бўлшевиклар инқилоби рўй берган.

[913] 28.08. 1951 й.да тарқатилган МТБК билдиргиси.

[914] Anti Bolschevic Nations.

> “Америка комитети фикрича, ҳозирги Совет Иттифоқини ташқил қилган майдондаги давлат тизими ва унинг келажакдага давлат шакли бу минтақада эркин сайловлар имкони туғилгаидан кейин, шунда ҳам бу ўлкаларда яшайдиган одамлар томонидан ҳал бўлади. Шу сабабли турли гуруҳлар ёки муҳожирларнинг бир қисми тарафидан билдирилган талаблару ёрдам таклифлари мақсаднинг амалга ошувига мос эмас деб топилди ва рад этилмоқда.”[915]

ТУРКЭЛИ КОМИТЕТИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Аммо масалага бундайин совуқ қараётгандай кўринса ҳам, АҚШ ҳукумати ўзича бу жиддий сиёсий муаммони ҳал этишга қатъий бел боғлаганди. Модомики, барча ташкилотлар америкаликлар режасига қаршийди. Айни ҳолатда Керенский жамиятига қўшиладиган янги гуруҳлар ясалиши лозим эди. Ана шуни кўзда тутиб, рус муҳожир ташкилотларининг мухолиф қанотлари билан муносабатга киришилди ва ёрдамлар ваъда қилиниб, айрим-айрим ташкилотлар тузилди.

АҚШнинг бундай ёндашуви натижасида, барча миллий ташкилотларда бўлгани каби, Миллий Туркистон бирлик комитетида ҳам бўлиниш юз берди. Америкаликлар ёрдамига таянган Карес Қанотбой бошчилигидаги бир гуруҳ МТБК аъзолари алоҳида, муқобил жамият тузиш ҳаракатига тушди. А. Бердимурод. Тожимурод ва Вали Зуннун каби баъзи комитет аъзолари ҳам бу гуруҳга қўшилишди. Оқибатда, 1951 йилда Туркэли комитети деган ташкилот тузилди. Уни тузганлар бу жамиятнинг майдонга келишини шундай изоҳлашади:

> “Бу ўринда шуни айтишимиз керак, Туркистон миллий озодлик қўмитаси, яъни Турэли ташкилотининг тузилиши Америка комитети воситаси билан ва ватандошларимизнинг бир оз қисмининг ташаббуси натижасида юзага келди.”[916]

Бу гуруҳнинг шаклланишида Америка комитети қадар Закий Валидий Тўғоннинг ҳам таъсири бор. Тўғон Туркэли жамияти қурувчиларининг 1950 йил 18 сентябрда, Олмониянинг Мюнхен шаҳрида ўтган тайёргарчилик йиғилишида қатнашган ва уларни қўллаб-қувватлаганди. Унинг кейинроқ ёзилган “Туркистонликларнинг бирлашиш даволари” дейилган мақоласида Туркэли комитети ва ТМБК борасидаги фикрларини, бўлиниш сабабларини қуйидагича изоҳлаган:

> “Бугунда ягона улуғ Туркистон ўлароқ бирлашмоқ истаган Шарқ туркlари орасида тортишув бор: бир тарафда ўзбеклар, бир томонда

---

[915] “Бирлашган Қафқаз” журнали, 1953, сентябр сони, 28 б.

[916] О. Аҳмаджон. “Миллий масалаларимизга доир” – “Туркэли” журнали, 1953, № 4-5, 6 б.

* Эдил-Ўрол татарлари кўзда тутилмоқда.

> Қозон турклари* қозоқ ва қирғиз ўлкаларини ўзларининг нуфуз минтақаларига боғлаган ҳолда иккига айиришга интилмоқда...

Ўзи қозоқларга мансуб Мустафо Чўқай тирик юргандайди, рус-олмон уруши йилларидаги каби туркистонликлар жуда яхши тарзда иттифоқ бўла оларди. Бироқ руслар асоратидаги муслмонларнинг аҳқолини унчалик тушунмаган немислар урушда асирга тушган турк уруғларига ўзбеклар ва қозонликларни раҳбарлик мавқейига чиқариб, яъни қавмлар орасида бу иккисини танлашдек хатоли сиёсатга бош урмасди. Ўртада рақабат, айирмачилик чиқди. Ўзбекларнинг раҳбарлигига кўнмаган қозоқлар ёки татарларнинг бошчилигини истамаган бошқирдлар бошқалар томонидан бўлшевик аталиб, Ҳитлер ҳукуматининг таъқибу жазосига маҳкум этди...

Бугун Мюнхенда қозоқ, қирғиз, ўзбек ва туркман шеваларида “Туркэли” мажмуасини чиқарётган Карес Қанотбой ва “Туркистон” журналини чоп эттираётган Вали Қаюмхонлар ўз нашрларида бир-бирига “оқ рус” дея маломат ёғдиришмоқда. Бу ўтмишдаги келишмовчилик давомидир.”[917]

Шу тарзда Закий Валидийнинг Тўғон Туркэли комитети воситасида яна сиёсат саҳнасига чиққани маълум бўлмоқда. Бу гал тортишув майдони Олмония ва рақиб МТБК ва унинг раҳбари Вали Қаюмхон. Саба нималигидан қатъий назар, Туркэли комитетининг тузилиши натижасида 1920 йилдан бери Оврупода давом этиб келаётган Туркистон миллий ҳаракати илк жиддий парчаланишга учраганди.

Қанатбай бошчилигидаги бу гуруҳ 1951 йил сентябр ойидан эътиборан Туркистон озодлик қўмитаси номи билан шакллантирилди. Жамиятнинг расмий нашри ўлароқ “Туркэли” мажмуасини чиқаришга киришди. Журнал икки тилда – туркча ва русчада чоп қилинди. Туркистон жумҳуриятларида қўлланилаётган барча туркий алифболарда мақолалар босилишига алоҳида эътибор берилди. Сиёсий ва илмий йўналишдаги мақолаларга ёндош адабий бўлимда, хабарлар қисмида ҳам қизиқарли ёзувлар нашр этилди.

Иккинчи томондан қаралганда, Туркэли комитетининг Керенский бошлиқ рус муҳожир ташкилотлари билан биргаликда ишлаётгани аввало ТМБК, қолаверса барча Туркистон муҳожирларининг ғазабли танқидига учраганди. Туркэли комитети аъзоларини хоинлар ва бўлувчилар дея айблашди. Туркэли комитети эса ўзини қуйидаги тарзда оқлашга тиришди:

> “Бугунда барча муҳожирлар орасидаги демократик кучларни бўлшевикларга қарши курашда бир марказга тўплаш сиёсий муҳожирларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир... Туркистонда бўлшевиклар тузумисиз алоҳида миллий, мустақил ҳукумат яратиш

[917] Togan, *Türklüğün Mukadderatı Üzerine*, s. 115-116

учун чоғланган Туркэли комитети, хусусан Америка комитети бошлиғи Дўн Левиннинг сиёсий муҳожирлар орасидаги бутун демократик кучларни бирлаштириш фаолиятига мададкор бўлади...

Шуни ҳам айтиш керакки, Штутгард шаҳридаги қурултойда қатнашган бешта рус ташкилотининг миллий масалага доир қарорларини Туркэли комитети бутунлайига қабул қилмаса ҳам, бўлшевизмга қарши бирлашган куч жабҳасида бўлгани боис Туркэли комитети уларни қўллаб-қувватлайди."[918]

Керенский бошчилигида тузилган Русия халқларини қутқариш кенгаши илк кенг миқёсдаги йиғилишини 1951 йил 3-7 ноябр кунлари Весбаден шаҳрида ўтказди. Анжуманга 5 таси руслардан ва қолганлари турли халқларга мансуб муҳожир гуруҳлардан иборат жами 11 та бўлшевизим мухолифи ташкилотлар қатнашди. Туркистон вакили сифатида Туркэли озодлик комитети бошлиғи Карес Қанотбой ва Давлат Тағиберли иштирок этди. Мажлис давомида рус гуруҳлари ўз қарашларини ғайрирус миллатларнинг ташкилотларига қабул қилдиришга анча тиришдилар. Бундайин ноҳақ ҳаракат хатто руслар билан бирга ишлашга истакли ўлароқ ёндашаётган Туркэли гуруҳини ҳам қаттиқ задалаб қўйди. Буни уларнинг қуйидаги қарашидан ҳам билиш мумкин:

"Весбаден анжуманида рус ташкилотлари (НТС,[919] Мелгунов ва Керенский гуруҳлари) ўз фикрларини ва қарорларини қабул қилдириш учун ҳар йўлга бош уришди... Туркэли комитети ҳеч қачон бирор кимсанинг ёки бирор ташкилотнинг думи бўлган эмас ва бўлмайди ҳам... Туркэли комитети жаноб Керенскийнинг, Мелгуновнинг ёки Миллий меҳнаткашлар ташкилотидаги тақсирларнинг йўлбошчилиги остида ҳаракатланишни ҳеч вақт ҳоҳламайди... Биз бўлшевизмга қарши бирлик уюштириш фикрини қувватлаган ҳолда, хусусан Русия империализмини ва руслар номидан ишлашни ҳеч пайт қабул қилмаймиз... Туркистон ҳеч қачон Русиянинг бир бўлаги бўлган эмас ва бўлмайди... Кометитимиз келажакда тузиладиган координацион марказга киришга тайёрдир. Фақат бизнинг ишларимизга русларнинг аралашишини асло истамаймиз."[920]

Анжуман давом этаётган кунларда Керенскийнинг координацион марказига кирмаган ва Американинг бу йўналишдаги ҳаракатини ёқтирмаган бошқа ташкилотлар Америка ҳукумати ва Керенскийни қоралаб, ўзларининг раддияномаларини эълон этдилар. Бир неча муҳожир ташкилотларининг бу раддияномасини имзолаган раҳбарлар орасида Миллий Туркистон бирлик комитети раиси Вали Қаюмхон ва

[918] Қанотбой. "Бизнинг мақсад" – "Туркэли" журнали, 1951 й. №1, 4 б.
[919] Националный трудовой союз – миллий меҳнаткашлар ташкилоти.
[920] "Висбаденда бўлуп кечган маслаҳат тўғрусунда" "Туркэли" журнали, 1951 й., №83, 40 б.

Озарбайжон миллий ташкилоти раҳбари Муҳаммадамин Расулзодалар бор эди.[921]

МТБК ВА ТУРКЭЛИ ОРАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

Висбаден анжуманида баҳслар давом этаркан, Туркэли комитети 1952 йилнинг 29-30 август кунлари Мюнхен шаҳрида Туркистон муҳожирларининг биринчи конференциясини ўткказди. Етмиштача туркистонлик қатнашган бу йиғилишда Туркистон миллий озодлик комитети, яъни Туркэли ташкилотининг низоми қабул этилди, қилинажак ишлар белгиланди ва бошқарувчилар сайланди.

Низомноманинг илк моддасида ташкилот Туркистон миллий озодлик комитети–Туркэли дея аталиши, мақсади Туркистонни бўлшевик-коммунистлар зулмидан қутқариш, Туркистонда миллий бирликка асосланган давлат қуриш эканлиги таъкидланган. Ташкилот Туркистондаги ҳар элатдан уч киши қатнашадиган комитет тарафидан бошқарилади. Унда бир бошлиқ ва олти бўлим бошлиғи ишлайди. Сайлов натижасида Карес Қанотбой бошлиқ, Ў. Аҳмаджон унинг вакили, А. Қў (сиёсий ишлар), К. Қўшай (матбуот), Оқберган (ҳарбий), М. Эркин (молия), доктор А. Кескин (илмий) бўлим бошлиғи вазифасига қўйилди. Анжуман давомида Туркистон муҳожирларини Туркэли атрофида жипслаштириш, бўлшевизмга қарши курашни демократик кучлар билан ҳамкорликда олиб бориш, урушдан кейин Олмонияда қолган туркистонликларни бир жамият теварагида тўплаш, шунингдек, анчадан буён лотин ва рус алифболарида босилаётган “Туркэли” журналини араб ҳарфида ҳам нашр этишни йўлга қўйиш борасида қарорлар чиқарилди. Анжуманда сўзлаган нотиқлар Мустафо Чўқайни туркистонлик муҳожирларнинг ташқи дунёдаги сиёсий курашида бош шахс эканлигини таъкидлашди. Масалан, комитет аъзоси доктор Кескин нутқидаги қуйидаги фикрларида бу ҳол очиқ кўриниб турибди:

> “Туркистоннинг келажаги на Қаюмхон, на Қанотбой ва на бошқа бир кимсанинг қўлида эмас. Бу сизларнинг қўлингиздадир. Агар биз бугунда Туркистоннинг бир ор сиёсий йўлбошчисидан сўз очсак, фақат битта туркистонликни эслашимиз мумкин. У ҳам бўлса раҳматли Мустафо Чўқай ўғлидир. Бизнинг йўлимиз Чўқай йўлидир ва бўлинмас, парчаланмас, ягона, мустақил Туркистондир. Ким бу йўлдан юрмаса, у ватан халқимиз номидан қувилади. Туркэли комитети Чўқайнинг бизга қолдирга йўлини давом эттирувчи, Туркистонни империалистлардан қутқарадиган мустақиллик курашини олиб борадиган бир комитетдир.

[921] “Миллий Туркистон” журнали, 1953 й., №83, 40 б.

Шунинг учун ҳам Чўқайнинг эски душманлари бизга қарши турли найранглар ишлатмоқда. Биз уларни ёнимиздан ҳайдадик."[922]

Ана шу тарзда, аввало Қаюмхон ва МТБК ўлароқ Туркэли комитетига мухолифатда бўлган бошқа гуруҳлар ҳам бузғунчи сифатида қораланган.

Анжуман тугаганидан кейин Карес Қанотбой Туркияга кетган ва у ердаги туркистонлик муҳожирлар билан учрашувлар ўтказган. Туркиядаги туркистонлик зиёлилар орасида Туркэли комитетини қўллаб-қувватлаганлар Закий Валидий Тўғон ва унинг атрофидаги фикрдошлари бўлган. Тоҳир Чиғатой ва Миллий Туристон бирлигининг бошқа аъзолари Олмонияда фаолият олиб бораётган Туркэли комитетига ҳам, Вали Қаюмхон ташкилотига ҳам қарши эди. Шу боис улар Қанотбойни қўллаб-қувватламадилар. Ҳолбуки, айни замонда Туркэли комитети ва Вали Қаюмхон орасидаги кураш шиддат билан давом этаётганди. Туркэли раҳбарлари Вали Қаюмхонни Туркистон масаласини фақат ўзиники қилиб олишда ва бошқа фикрий ҳаракатларни бузғунчилик ўлароқ баҳолашда айблашди. Туркэличиларга кўра, иккинчи жаҳон уруши йилларидаги кураш аслида Туркистон учун олиб борилмаганди; зеро мустақилликни кўзлаган бир курашнинг юзага чиқишига Ҳитлернинг олий ирқ, тубан ирқ йўналишидаги сиёсати изн бермасди ҳам. МТБҚ қарорларидаги ягона раҳбарлик моддаси демократия шартларига зидлигини эслатган Туркэли гуруҳи бундайин бошқарув Туркистон масаласини оқсатиб қўйишини ҳам таъкидлашди.[923]

Икки ташкилот ўртасидаги бундайин кураш табиий равишда хориждаги туркистонликларга ҳам таъсир қилди, улар орасида парчаланиш юз берди. Чунончи, Саудия Арабистони, Ҳиндистон ва Покистон каби ўлкаларда яшаётган баъзи туркистонликлар Керенский комитети ва улар билан бирга ишлаётган Туркэли комитетига қарши "Миллий Туркистон" мажмуасида қатор раддиялар билдиришди.[924] Бу ана шу бўлинишнинг натижаси эди, албатта.

Мана шундай ҳолат, фақат бундан кўра ҳам шиддатли кураш Қафқаз муҳожирлари орасида ҳам юзага чиққанди. Алихон Кантемирнинг "Қафқазя" журналида Керенский гуруҳи билан ҳамкорлик қилаётганлар "қуислинглар" [925] дея аталиб, қаттиқ қораланмоқда эди. Буни қуйидаги парчада ҳам кўриш мумкин:

---

[922] "Конференс залиндан" – "Туркэли" журнали, 1952 й., №9, 5 б.

[923] Ғайратий. "Курашимиз ҳақ, йўлимиз боболар йўлидир" – "Туркэли" журнали, 1952 й.,№5, 5 б.

[924] "Миллий Туркистон" журнали, 1952 й., № 80-81, 75 б.

[925] Қуислинг (Quisling) – иккинчи жаҳон уруши даврида ўлкасини босиб олган немислар билан ҳамкорлик қилган Норвегия ҳукумати бош вазири. Ана шу ҳолат туфайли ишғолчи немислар билан ҳамкорлик юритган сиёсатчиларни қуислинг, қуислингчи дея аташ одатга айланган ва бу ибора сиёсий сўзлар луғатига киритилган.

“Пирилдоқ “Свободний Кавказ” билан “Озарбайжон” журналлари атрофида тўпланган Қафқаз қуилинглари ўз ҳомийларига – Керенскийларга, Мелгуновларга, Николайскийларга ва бошқаларга – ҳар тарафлама хизмат этишга уринмоқдалар. Булар билан ҳамкорлик қилаётган, Шимолий Кавказялик аслини русча Богданов номи билан ниқоблаб юрган битта қўрқоқ ҳам Ню-йоркда чиқадиган “Новое русское слово” газетаси саҳифаларида русларнинг оёғини ялашдан тўхтамаяпти.

Бу жанобларнинг барчаси, хўжайинларининг иродасига бўйсунган ҳолда, қафқазликларни руслар томонига ўтиш фойдали эканлигига ишонтиришга уринишмоқда. Улар турли жирканч ҳаракатлари билан аввало ўтмишимизни ва зулм чекиб эзилаётган ғайрирус миллатлар ингроғини беркитишга, совет давлатининг айни пайтдаги ҳақиқий вазиятини бўяб кўрсатишга тиришмоқда. Буларнинг рус империализмига кўрсатаётган хизматлари кўпқирралидир. Русия империясини сақлаб қолишга бел боғлаган хўжайинлари нима деса, улар ҳам шуни тўтиқушдай такрорлаб туришибди.[926]

БЎЛШЕВИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШУВЧИ КООРДИНАЦИОН МАРКАЗ

Совет Иттифоқидаги мазлум миллатларнинг миллий ҳис-туйғуларига панжа орасидан қараган Америка қўшма штатлари ҳукумати шўроларга қарши совуқ урушга киришаркан, илк ташкилот сифатида Русия милллатларини қутқариш Америка комитетини тузди. Бу билан у маълум бир маънода руслар асоратидаги барча халқларни Русия миллатлари ўлароқ талқин этмоқ истади. Совет Иттифоқи атамасини Русия билан тенглаштириш, бир англамда қўллаш, совет давлатидаги барча халқларни Русия миллатлари дея ёзиш фақат америкаликлар қила оладиган турдаги бир хато эди. Муҳожиротдаги миллий озодлик ташкилотларининг истиқлол талабларини ўша даврда умуман инобатга олмаган АҚШ совет давлати тарқалганидан сўнгра ҳам бундай талаблар ҳисобга олинишини ва замони келганида халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши мумкинлигини таъкидлаб, мажхул ва қиёфасиз сиёсатга бош урди. Комитет тузилиши биланоу бошланган танқидлар ва норозиликлар

АҚШ ҳукуматини бу масалани қайта кўриб чиқишга ва бошқача ёндашишга мажбур этди. Натижада америкаликларнинг топган чораси чорлик даврини совет даврига чоғиштириб, Русия миллатлари деган ибора ўрнига бўлшевизм сўзини қўйиш ва уни мафкуравий асослашга уринишдан иборат бўлди. Қисқаси, мақсад антибўлшевизмни бош масалага айлантириш эди.[927] Америка комитети ҳам номини

[926] Тўлабек. “Керенскийлар ҳам мутлақо итоат этишни талаб қилмоқда” – “Кавказя” журнали, 1952 й., №14, 14 б.

[927] Two sides of the coins, s.5-6.

Бўлшевизмдан қутулиш учун Америка комитети[928] ўлароқ алмаштирилди.

1952 йилнинг 16 октябрида рус партиялари ва эндиликда илк анжуманда қатнашганлари туфайли висбаденчилар деб аталаётган бешта ғайрирус гуруҳ ҳам биргаликда мажлис ўтказишди. Украина ва Белорусия гуруҳлари бу йиғинга қатнашмасликларини айтишди. Мажлис охирида янги шартнома имзоланди ва "Бўлшевикларга қарши курашувчи координацион марказ" тузилгани эълон қилинди. Бу ташкилотнинг ишини юритиши учун профессор Мелгунов раҳбарлигида ўнта аъзодан иборат марказ бюроси ҳам тузилди.[929]

Бундан ташққари, 20 та рус, 20 та ғайрирус, 20 та илм-фан кишиларидан иборат координауион кенгаш ҳам тузилиши режалаштирилди. Бироқ айни пайтда ҳам Русия халқлари комитетига оид муаммолар ўртада кўндаланг турганди. Мажлис қарорига кўра, советлар давлати иичидаги миллатлар тақдири келажакда тузиладиган халқ мажлисларига юклатилганди. Бўлшевизм йиқилиши асносида ҳеч бир миллат мустақиллик эълон қилмайди, дея белгиланганди. Истиқлолини эълон қилиш ҳуқуқи фақат Болтиқбўйи ўлкаларига берилган эди холос.

Миллатлар масаласидаги бундайин тутуми учун янги тузилган марказ қаттиқ танқидга учради. Бу марказга кирмаган ташкилотлар унинг бош мақсади Русия бутунлигини сақлаш эканлигини, 1917 йилларда юзага чиққан мустақил давлатларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилаётганини, руслардан бошқа миллатларнинг истиқлоли масаласини Русия ҳукуматининг қарор чиқарувчи кенгашларига ташлаб қўйиш мумкин эмаслигини таъкидлаб, кескин раддиялар билдиришди.

Бўлшевизмга қарши курашувчи марказ фаолияти, ҳаракатлари худди Русия миллатларини қутқарувчи Америка комитети каби қисқа вақт ичида боши берк кўчага кириб қолди. Икки йилча олиб борган бўлшевизимга қарши жабҳа яратиш уринишларидан бир нарса чиқмагач, Америка комитетининг ҳафсаласи пир бўлди. Гуруҳларга берилаётган ёрдам ҳам пасая борди. Бу ҳолат америкаликлар кўмагида яратилган ташкилотларда турли муаммоларни юзага келтирди. Натижада 1952 йилда тузилган Туркэли ташкилоти раҳбариятидаги тор доира орасида ҳам, айрим шахслар ўртасида ҳам зиддият ва келишмовчиликлар бошланди. Йил охирида Карес Қанотбой раҳбарликдан ва аъзоликдан возз кечиб, истеъфосини билдирди. Унинг ўрнига Тоғиберли сайланди. Бироқ сал ўтмасдан уҳам ўз ўрнини Қ. Қудайберганга бўшатиб берди.

---

[928] The American Committe for liberation from Bolchevism.

[929] Марказ бюроси қуйидаги аъзолардан иборат эди: Сергей Петрович Мелгунов, Василий Фёдрович Бутенко, Иван Алексеевич Курганов, Георгий Ильич Антонов, Нўй Константинович Цинцадзе (Гуржистон миллий кенгаши), Жайҳун Ҳожибейли (Озарбайжон миллий бирлик комитети), Алберт Исмоилович Хўдаров (Шимолий Қафқаз миллий бирлиги), Григорий Сахарину (Армани иттифоқи), Карес Қанотбой (Туркэли қўмитаси).

1953 ўрталарида АҚШ ҳукумати бўлшевизмга қарши кураш сиёсатида жиддий бир бурилиш ясаша қарор берди. Бу сиёсий ўзгариш оқибатида бошқа весбаденчи ташкилотлар каби Туркэли қўмитасининг фаолиятига ҳам чек қўйилди.

АМЕРИКА КОМИТЕТИНИНГ ТУГАТИЛИШИ ВА БОШҚА ҲАРАКАТЛАР

Шундай қилиб, совет давлати тизими ва ички имкониятларини, хусусан руслар асоратидаги миллатларнинг ижтимоий-сиёсий вазиятини ҳисобга олмасдан тузилган Бўлшевизмга қарши курашувчи координацион марказ лойиҳаси барбод бўлди. Зотан турли миллатларнинг вакиллари ўлароқ майдонга тушган жамиятларнинг кенг миқёсдаги режа ва мақсадлари бир-биридан фарқ қилиши боис уларни бир жабҳага бирлаштириш, фаолият юритиш жуда қийин эди. Шунинг учун ҳам илк тузилган йилиёқ координацион марказ ички бўлинишларга юз тутди. Шу орада Америка режасига қарши йўлдаги эски прометейчи гуруҳлар яна Мюнхенда тўпланишиб, Париж блоки номли янги ташкилот тузишди.[930]

Прометей ҳаракатида бўлганидек, бу ташкилотда ҳам украиналик миллатчилар тизгинни қўлга олганди. Гуржилар, Озарбайжон миллий ҳаракати, Шимолий Қафқаз миллий марказлари, Эдил-Ўрол миллий маркази, Қирим миллий маркази, Тоҳир Чиғатой раҳбарлигидаги Туркистон миллий бирлик ҳаркати бу жабҳанининг бошқа аъзолари ҳисобланарди. Париж блоки тузилган илк даврда АҚШ кўмак кўрсатган бўлса ҳам, кейинчалик, Бўлшевизмга қарши курашувчи координацион марказга рус гуруҳлари ҳам киритилгани боис ёрдам қисқартирилди.

1953 йил ўрталарига бориб АҚШ масъуллари Бўлшевизмга қарши курашувчи координацион марказ фаолиятидаги муваффақиятсизликни бутунлай илғаб етишди ва мажбуран кўмак тўхтатилишини эълон этишди. Бу хусусда “Бирлашган Қафқаз” журналида шундай ёзилган:

> “Ўта нозик бир пайтда Америка комитетининг ташаббуслари, ишлари давомли тарзда орқага кетавергач, комитет яқин замон ичида советларга қарши бирорта ҳам муҳожирлар жабҳасини ярата олмаслигини тан олишдан бошқа чора қолмаганини англаб етди... Шу пайтгача демократик кучлар ҳамкорлигини қулайлаштириш мақсадида Америка комитетининг кўрсатган ёрдамлари 1953 йил 31 августдан бошлаб тўхтатилди.”[931]

[930] Париж блоки 1953 йилда Мюнхенда, бир неча ташкилотлар, яъни Украина, Озарбайжон, Туркистон, Қирим, Шимолий Қафқаз, Эдил-Ўрол, Арманистон, Белорусия, Гуржистон ва рус казакларининг миллий жамиятлари томонидан биргаликда тузилган.
[931] “Бирлашган Қафқаз” журнали, 1953 й., №26, 28 б.

Ана шу воқеадан кейин Мюнхен шаҳрида координацион марказ учун ажратилган бино ҳам бўшатилди. Натижада Туркэли қўмитаси ҳамда унга ўхшаш бу жараёнда тузилган барча миллий марказлар ўз-ўзидан фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Бўлшевизимга қарши курашувчи координацион маркез орқали ўйланган натижага эришолмаган АҚШ ҳукумати эндиликда бу йўлдаги сиёсатини ўзгартирди. Советларга қарши кураш АҚШ ҳукумати ичида яратиладиган ташкилотлар воситасида юритилишига қарор қилинди. Ана шу мақсадга мувофиқ Мюнхен шаҳрида Озодлик радиоси[932] ва Совет Иттифоқини ўрганиш институти очилди. Озодлик радиосининг советлар асоратидаги барча миллатлар тилида эшиттиришлар тайёрлаши, институт эса, Совет Иттифоқига алоқадор тадқиқотлар олиб бориши ва нашр этиши кўзда тутилди.[933] Бунга қўшимач ўлароқ АҚШ пойтахтида Америка овози радиоси ҳам ишга туширилди. Радио рус, украин, лах, можор тиллари билан бирга гуржи, татар, озарбайжон, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман тилларида ҳам эшиттиришлар тайёрлади, унинг тўлқинлари дунёнинг ҳар бурчагига етиб борди.

Бу орада Германия ҳукумати ҳам муҳожир гуруҳлар билан аста-аста муносабат ўрнатишга киришди. Ҳар ҳолда бу йўналишдаги фаолиятга америкаликлар бош қўшган бўлиши керак деб ўйлаймиз. Урушдан кейин Олмонияда қолган легионичилар тўпланишиб, турли мавзуларда йиғилишлар ўтказа бошлади. Бу йиғилишларга уруш даврида легионларга қўмондонлик қилган генерал Ҳайгендорфф, шунингдек, уруш йиллари легионлар билан бирга иш юритган Ташқи ишлар вазирлиги ходими, дипломат Браутгам ҳам иштирок этарди. Бироқ турли миллатларга мансуб легионичиларга муносабат қаттиқлигиданми, уруш пайтидаги ишлари юзасидан сўраб-суриштиришлар таъсириданми, гарчанд олмон ҳукумати кўмак кўрсатаётган бўлса ҳам, бу йўналишдаги фаолиятлар қисқа вақтда тўхтаб қолди.[934]

Туркэли комитетининг тарқатилиши ва “Туркэли” журналининг тўхтатилиши натижасида қўмита аъзоларибан бир қисми МТБКга

[932] Radio Liberty.

[933] Совет Иттифоқини ўрганиш институти (İnstitute for theStudy of the USSR) 1950 йил 8 июлда Мюнхенда ташкил этилган бўлса ҳам, аслида фаол ишга киришуви бир неча йил кейин амалга ошган. Институтда америкаликлар билан бирга 50 тача советларга мансуб муҳожирлар ҳам ишлаган. Институт томонидан 1955 йилдан эътиборан 3 ойда бир марта Туркия туркчасида журнал, ҳар ойда бир инглизча бюлетен чиқарилган. Журнал муҳаррири Эдигей Мустафо Қиримол, бюлетен муҳаррири эса Николай Галай эди. Журналда совет давлати ичидаги барча миллатлар ҳаётига оид тадқиқотлар босилган. 1958 йилдан эътиборан Темурбек Давлетшин раҳбарлигида, фақат туркий халқлар турмушига оид ёзувларни жамлаган The East Turkic Review деган бир йиллик инглизча журнал ҳам нашр қилинган. Бундан ташқари, институт тарафидан турли китоблар чоп этилган, илмий, маданий анжуманлар ҳам ўтказилган.

[934] Қаранг: “Иккинчи жаҳон уруши кўнгиллилари” – “Бирлашган Қафқаз” журнали, 1953 й., № 23, 31 б.

қайтишди. Баъзи аъзолар эса, америкаликлар тарафидна тузилган турли ташкилотларга ишга жойлашди.

МИЛЛИЙ ТУРКИСТОН БИРЛИК КОМИТЕТИНИНГ ШАРҚ ЎЛКАЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Миллий Туркистон бирлик комитети 1952 йилнинг 9 апрелида фавқулодда қурултой ўтказди. Анжуманда МТБК сиёсий ишлар ва ташкилотлар бўлими мудири Боймирза Ҳайит, илмий бўлим мудири Эргаш Булоқбоши, матбуот бўлими мудири Вали Зуннун маърузалари тингланди, комитетнинг сиёсий йўли маъқулланди, келажакка қаратилган йўл харитаси тузилди ва қуйидагича қарор қабул қилинди:

> “Туркистонлик муҳожирларни бир байроқ остида тўплаш мажбурияти юзага келди... Комитет партия эмас, балки истиқлол учун курашувчи бир ташкилотдир. Шу боис туркистонликлар ўртасида кичик ва бошқа турли ташкилотларнинг тузилишини истиқлол ҳаракати учун зарарли деб ҳисоблайди... Комитет бирорта давлатнинг ички ва ташқи ишларига аралашмагани каби бошқа бирор давлатнинг ҳам Туркистон миллий ҳаракати ишларига аралашувини истамайди.”

МТБК бу қарори билан барча муҳожир туркистонликларни бу комитет атрофида тўпланиши мумкин бўлган бир жамият эканлигини, бундан бошқа ташкилотларнинг тузилишини рад этишини, АҚШ каби ўлкаларнинг миллий ҳаракатларга аралашувини қабул қилмаслигини таъкидлади. Комитетнинг яна бир қарори билан доктор Боймирза Ҳайитга шарқ ўлкаларида комитетга боғлиқ ишларни юритиш вазифасини топширди.

Доктор Боймирза Ҳайит 1953 йил май ойидан эътиборан беш ойлик шарқ саёҳатига чиқди. Навбати билан Туркия, Сурия, Урдун, Миср, Арабистон ва Покистонда яшаётган туркистонлик муҳожирлар билан учрашди. Ўтказилган йиғилишлар натижасида, Туркистон тернаклари тузилган ўлкаларда МТБКнинг бўлимлари очилди; бўлим бўлмаган юртларда жамиятнинг вакиллари белгиланди. Бундан ташқари, МТБК билан Туркистон муҳожирлари ўртасида доимий муносабатни сақлаб туриш учун ҳам вакиллар танланди. 1953 йилдан эътиборан Италияда М. Саид Каримий, Туркияда доктор Солиҳ Эркинқўл, Урдунда Муҳаммад Муродхон, Ироқда Муҳаммад Али, Арабистонда Зуҳуриддин Туркистоний, Покистонда Маҳмуд Ойқорли каби шахсларга ўлка вакили вазифаси юкланди.



Боймирза Ҳайит Арабистон зиёрати пайтидаТоиф волийси билан бирга; чап томонда МТБКнинг Арабистон вакили Зуҳуриддин Туркистоний. Тоиф, 1953 й.

Доктор Боймирза Ҳайитга жамият томонидан яна бир муҳим топшириқ берилганди – яъни, Мустафо Чўқай ўлимидан кейин аъзоларининг деярли барчаси Туркияда яшаётган Туркистон миллий бирлиги (ТМБ) мансублари билан суҳбатлашиш, келишиш ва уларни ҳам МТБКга тортиш. Аслида, сал аввалроқ, Америка комитети Оврупода фаолиятини бошлаган пайтда ҳам Чўқайнинг ўрнига ТМБ бошлиғи этиб сайланган профессор Тоҳир Чиғатой Олмонияга даъват қилинганди. Бироқ келишиш амалга ошмаганди. Ўшандан кейин МТБнинг яна бир аъзоси профессор Иброҳим Ёрқин МТБК томонидан Германияга чақтирилди ва бир ойча меҳмон қилинди. Мулоқот давомида ундан Туркиядаги ТМБ аъзоларини МТБКга тортишга ёки уни қўллаб-қувватлашни уюштиришга аралашувини илтимос қилишди. Аммо ўзларини Мустафо Чўқайнинг ворислари ва ҳаракатнинг ягона вакили деб ҳисоблайдиган ТМБ аъзолари билан келишиб бўлмади.[935] ТМБ раиси Тоҳир Чиғатой улар билан келишувни рад этибгина қолмасдан, 1952 йилда чиқарган “Туркистонга доир баъзи жараёнлар ҳаққинда қарашларимиз” деган асари билан ўртадаги зиддиятни янада чуқурлаштирди.[936]

[935] Эргаш Шермат билан шахсий суҳбатдан (А. Андижон архиви).

[936] Бу мавзуда қўшимча маълумот учун китобнинг “Совуқ уруш даврида Туркия” бўлимига қаранг.

Лекин бошқа бир тарафдан қаралганда, 1953 йилда америкалик сиёсатчилар яратган Бўлшевизмга қарши курашувчи координацион марказнинг муваффақиятсизликка учраши ва бу марказ қошида тузилган Туркэли комитетининг тарқалиб кетиши натижасида МТБК муҳим бир рақибидан қутилди. Оқибатда МТБК хорижда Туркистонни тамсил этувчи ягона сиёсий марказ мақомини эгаллади.

Бироқ 1953 йилда МТБК учун оғир, нохуш воқеа ҳам юз берди. Шу пайтгача инглизлар жамиятнинг нашр ишларини таъминлаб келаётганди, улар эндиликда бу ёрдамни тўхтатишини билдиришди. Вали Қаюмхон бу ҳолатни "Америка комитети фаолияти даврида улар билан ҳамкорлик қилмаганимиз учун Америка масъуллари инглизларни бизга кўмак кўрсатмасликка мажбур қилди" дея изоҳламоқда.[937]

Эндиликда МТБК ўз имконига қараб иш юритишга мажбур бўлиб эди. Бу вазиятда уч тилда журнал чиқариш мумкин эмасди, албатта. Жамият Миндендаги марказ биносини бўшатганидан кейин Дюселдорф яқинидаги Эркрат деган шаҳарчага бориб жойлашди. МТБК марказидаги аъзоларнинг бир қисми Мюнхендаги Озодлик радиосида ишлаётгани боис ўша ерда қолди. Айрим аъзолар ҳам ишлаш, тирикчилик дардида турли томонга тарқаб, марказдан узоқлашди. Ана шу пайтдан эътиборан МТБКнинг "Миллий Туркистон" мажмуаси гоҳ-гоҳ бўлса-да чиқиб турди ва ниҳоят, 1975 йилда, 134-сонидан сўнгра нашр тўхтади.

1955 йил апрел ойида Бандунг шаҳрида ўтказилган Осиё-Африка конференциясида Вали Қаюмхон Туркистоннинг тарихий ва сиёсий вазияти, статуси мавзусидаги бир баёнот билан анжуман аҳлига мурожаат қилди. Бу йиғилишда собиқ легиончи субай, МТБК аъзоси Рўзи Назар ҳам Туркистон мавзусидаги маърузаси билан қатнашди. Осиё-Африка конференциясининг якуний қарорида мустамлакачиликнинг ҳар тури қатъий қораланди, асоратдаги ўлкаларга мустақиллик берилиши талаб этилди. Ана шу анжуман ортидан, 1957 йил бошларида Индонезияда Туркистонни қутқариш жамияти[938] тузилди. Бу ишнинг қизиқ томони шундаки, Индонезиянинг собиқ бош вазири Муҳаммад Носир бошқараётган бу жамиятнинг тузувчилари ва бошқарувчилари орасида бирорта ҳам туркистонлик йўқ эди. Жамиятнинг мақсади Индонезия ва Малая учун таҳлика яратаётган коммунизм ҳаракатига қарши кураш ва Туркистоннин совет асоратидан озод қилиш дея ифодаланганди.[939]

---

[937] Ҳусайн Икром ўз хотираларида бу жараёнга "Инглизлар ишғол этган ҳудудларидан чекинаётганлари сабабли бизга ёрдамни тўхтатишди" дея мунросабат билдирган.

[938] Turkestan Liberation Movement.

[939] Жамиятни тузганлар: Муҳаммад Носир (собиқ бош вазир, масжуми партияси раиси), Анвар Тжакро (ПСИ партияси йўлбошчиси, депутат), Исхо Ансорий (депутат, антикомммунист жабҳа бошлиғи), насриддин латиф (олим), Раҳмон соҳиб (Сулевеси депутати). Бошқарув ҳайъати Ғариб Рауф (Малая ёшлар ҳаракати раиси), Исмоил Ҳасан, ҳожи Фирдавс (журналист), ҳожи Асад, М. Хаталах, Анас Байдан иборат эди. Ҳаракатнинг тузуги ва мақсадлари ҳақидаги маълумот учун қаранг: "Туркистон саси", 1957 й., №8-9, 28-33 б.

Ташқаридан келаётган кўмакнинг тўхтатилиши МТБКнинг таъсир ва фаолият доирасини кескин чеклаб қўйди. Барча ўлкалардаги туркистонлик муҳожирлар ва уларга оид доиралардан ёрдам сўраш эҳтиёжи туғилди. Ана шу вазифани бажариш учун Вали Қаюмхон туркисонлик муҳожирлар яшайдиган ўлкаларни бирма-бир зиёрат қилишга киришди. 1956 йилда Туркияга борди, ўлкадаги бир неча шаҳарда бўлиб, юртдошлар билан учрашди.

Қаюмхон Туркистон тернаклари ва халқ тарафидан катта эхтиром билан кутиб олинди, бироқ Туркия ҳукумати вакиллари билан кўришувларидан бир натижа чиқмади, ёрдам йўналишида ҳам ҳеч нарсага эришолмади.

Бир йил ўтгач, Вали Қаюмхон Саудия Арабистонини зиёрат этди. Бу сафар айни ўлкадаги туркистонликлар орасида йилларча давом этадиган айрим воқеларга сабаб бўлди. Аслида-ку, зиёрат бўйича Арабистон ҳукумати масъуллари унга жуда яхши муомала кўрсатишди. Фақат сафардан бир мунча вақт кечиб, МТБК билан муносабат юритаётган ўнта туркистонлик ҳукумат томонидан ҳибсга олинди. Мадина, Тоиф ва Жидда шаҳарларида қўлга олинган туркистонликлар икки ойча қамоқда ётишди. МТБКнинг Арабистон вакили эканглиги боис қамалган Зуҳуриддин Туркистоний бу нохуш ҳодисанинг сабаби Вали Қаюмхоннинг инглизларга ва яҳудийларга алоқаси борлиги тўғрисидаги шикоят эканлигини таъкидлайди. Унингча, бу иш советлар найранги бўлиши ҳам мумкин. Саудия ҳукумати ўтказган текшириш натижасида қамалганларнинг айбсиз эканлиги исботланди ва ўша ўн киши озод этилди.[940]

Гарчанд ҳодиса яхшилик билан якунланган бўлса ҳам, бу қама-қамаларнинг асл сабаби нима ёки ким эканлиги номаълумлигича қолди. Бизнингча, совуқ уруш бор шиддати билан давом этаётган бир пайтда, Саудия Арабистони ҳукумати советлар мухолифи МТБКнинг ўз ҳудудларида фаолият юритиши эхтимолининг олдини олган ҳолда бу ишга қўл урган, деган тахмин янада мантиқлироқ кўринади. Сабаби нима бўлишидан қатъий назар, бу ҳодисадан омма қатттиқ таъсирланди ва шу туфайли Саудия Арабистонидаги туркистонликлар сиёсий фаолиятдан мутлақо четда яшади.

Олмонияга қайтган Вали Қаюмхон моддий тўсиқлардан ошиб ўтиш ва МТБКни сақлаб қолиш учун ҳаракатини давом эттирди. Туркэли қўмитасининг тугатилиши боис Вали Зуннун, Бердимурод Тожимурод каби кишиларнинг МТБКга қайтиши ҳам ишни жилдирмади. Ўша пайтда

[940] Зуҳуриддин Туркистоний билан хусусий суҳбатимиздан. Қўлга олинган туркистонликлар Зуҳуриддин Мирза Туркистоний, Шоилҳом Тошкандий, Зиёвуддин қори Андижоний, Саид Музаффархон Марғилоний, Муборакхўжа Косоний, Аҳмадали Тўлқин Туркистоний, Абдулқодир бек, мавлавий Саид Қосим домла, Наим махдум Туркистонийлардан иборат эди.

американикаликлар МТБК билан янгидан муносабат ўрнатишга киришди. Боймирза Ҳайит бу хусусда шундай дейди:

> “1956 йилда Вали Қаюмхон билан мени Ҳайделбергдаги АҚШ ҳарбий қўмондонлиги марказига чақиришди. У ерда бизни юксак мақомдаги ҳарбийлар ва масъуллар кутиб олишди. МТБК ҳақида батафсилроқ маълумот исташди, мақсадимиз не эканлигини сўрашди. Анча суҳбатлашдик. Вали Қаюмхон ташкилотимизнинг программасини тушунтирди. Бу программа қабул қилинмагунча ҳеч ким билан ҳамкорлик қилмаслигимизни таъкидлади. Вали Қаюмхон миллий масалаларда асло ён бермасди. Тахминимча, биз уларга маъқул келмадик. Америкаликлар Олмонияда баъзи тарғибот ишларини (RIAS) бошлашганди. Бизни ҳам ҳамкорликка чорлашди. Биз уларга Ҳусайн Икром, Алижон ва Қодир Усмон каби дўстларимизни тавсия қилдик. Бу ишлар 1959 йилларга қадар давом этди.”[941]



Вали Қаюмхон (чапдан иккинчи) Саудия Арабистонини зиёрат пайтида, қирол Сууд бин Абдулазиз билан бирга. Мино, Макка, 1957 й.

1959 йил 17 июлда АҚШ конгресси тарафидан ҳукумат бошлиғига совет Русиясидаги асир миллатларга оид бир баёнот эълон қилиш вазифасини топширди. Конгрес қарорига кўра АҚШ давлати раҳбари Эйзенхауэр 19 июлда баёнотини эълон этди. Бу ҳужжатда Америка қўшма штатлари халқи ва давлатининг советлар асоратидаги миллатларнинг озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаши ва ҳар йили июл ойининг учинчи ҳафтасини Асир миллатлар ҳафтаси ўлароқ қабул қилиши, шу бир ҳафта

[941] Боймирза Ҳайит билан хусусий суҳбатдан.

ичида ўтказиладиган хотира маросимларининг советлар давлатига боғлиқ асир миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаб, мустақилликка эришгунига қадар давом этиши билдирилганди.

1960 йил охирларида МТБК анчадан буён аъзо бўлиб келгани, асосан Украина миллатпарварлари томонидан фаолияти юритилаётган ABN[942] – Антибўлшевик миллатлар ташкилотидан ҳам ажралиб чиқди. Бунинг сабаби номаълум бўлиб қолмоқда. 1970 йилларга келиб, МТБК аъзолари деярли тарқалиб кетди. Фақат гоҳ-гоҳ журнал чиқиб турарди холос. Ишлайдиган ходимларнинг етишмаслиги, оммадан узилиш ва моддий мухтожлик охири жамиятни тугатди. Туркистон миллий ҳаракатида жуда муҳим ўринни эгаллаган "Миллий Туркистон" мажмуаси 1975 йилда чиққан сўнгги сонидан кейин нашр ҳаётидан чекинди. Шундай қилиб, МТБК ўз тарихий вазифасини адо этароқ, Вали Қаюмхон тимсолида фақат бир ташкилот номи сифатида эсланадиган жамиятга айланиб қолди.

СОВУҚ УРУШ ДАВРИДА СОВЕТЛАРНИНГ ТУРКИСТОНЛИК МУҲОЖИРЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ТАРҒИБОТЛАРИ

Совуқ уруш даврида Совет Иттифоқи ташқи дунёдаги туркистонлик муҳожирларга қаратилган айғоқчилик фаолияти ва ташвиқот-тарғиботларини анча кучайтирди. Эндиликда иккинчи жаҳон урушидан олдинги даврдаги каби фақат жосуслар юбориб, ахборт тўплаш, туркистонликлар орасига нифоқ солиш сиёсати камлик қилиб қолганди. Тошкент ва Москва радиолари 1947 йилдан эътиборан ташқарида яшаётган туркистонлик муҳожирларга қаратилган русча ҳамда барча Туркистон ўлкалари тилларида эшиттиришлар тайёрлаб, эфир тўлқинларида жаҳонга тарқатишни бошлаганди. Муҳожиротда миллий Туркистон учун кураш олиб бораётган кишиларга қарши тайёрланаётган эшиттиришларда урушдан кейин советларга қайтган одамларнинг чиқишлари уюштириларди. Уруш даврида Миллий Туркистон бирлик комитетида ишлаган ва сўнгра совет давлатига қайтган Саттор Алманбетов, Султон қори, Назир Сафар, Саид Каримов, Ғулом Аббос каби кишилар, Маҳмуд Ойқорли каби узоқ йиллар туркистонликлар орасида жосуслик қилиб юрган шахслар ва турли коммунист адиблар Тошкент радиоси эшиттиришларининг доимий иштирокчилари эди. Улар баъзан-баъзан Москванинг "Голос Родини" эшиттиришларида ҳам ўзларининг тарғиботлари билан қатнашиб туришарди.

Миллий Туркистон бирлик комитетининг уруш йилларида советларга қарши қуролли кураш олиб боргани ва урушдан кейин ҳам

[942] Antibolschevic Nations.

сиёсий фаолиятни давом эттираётгани совет ҳукумати учун жиддий муаммога айланганди. Зеро бу ишлар фақат Туркистон жумҳуриятлари* ичида советларга қарши тушунча-туйғуларни уйғотиши билан бирга чет элларда ҳам шўролар юритаётган коммунистик ташвиқот ҳаракатларининг кучсизлантираётганди. Шу сабабли советлар совуқ уруш йилларида ҳар қандай йўл билан ҳам МТБК фаолиятини тўхтатишга, оммага таъсирини заифлатишга, аъзолар орасига нифоқ солиб, уларни парчалашга ва Туркистон муҳожирлари доирасида обрўсизлантиришга тиришди.

Советларнинг Туркистон муҳожирларига[943] қарши тарғибот кураши радио эшиттиришлари, газета ва журналлардаги мақолалар, турли рисолалар ва китоблар, театр асарлари, сохта мактублар жўнатиш каби воситалар билан амалга оширилди. Масалан, Вали Қаюмхон турмадан озод этилиши биланоқ Москва радиоси "Хоин Вали Қаюм қамоқдан чиқди" деган хабарни эшиттирди. Шундан кейин ҳам бундай хабарлар Тошкент ва Москва радиолари орқали йиллар бўйича бериб борилди. "Қизил Ўзбекистон", "Ўзбекистон маданияти", "Ўзбекистон коммунисти", "Ёш ленинчи", "Правда Востока", "Совет Туркманистони", "Қирғизистон коммунисти", "Туркманистон коммунисти" каби Туркистон жумҳуриятларида босиладиган газета ва журналлардаги мақолалар орқали хориждаги шўроларга қарши миллий ҳаракатлар қораланди, ерга урилди ва миллатпарвар кишиларга ҳақоратлар ёғдирилди.

Хориждаги Туркистон учун олиб борилаётган миллий курашни Туркистон халқи орасида назардан тушириш, таъсирини пасайтириш мақсадида 1950 йиллардан эътиборан тарғибот йўналишидаги кўплаб китоблар чиқарилди. "Туркистон миллий аракатига доир", "Мурожаат", "Хитобномалар", "Халқлар дўстлиги ва социалистик интернационализм коммунизм қурув учун буюк кучдир", "Совет Ўрта Осиёси ва Қозоқистон тарихини сохталаштирувчиларга жавоб", "Ўрта Осиё тарихини буржуача сохталаштирувчиларга қарши", "Туркистонни озод қилмоқчи бўлганларнинг ҳақиқий башараси", "Ўрта Осиёда миллий масала қандай ҳал этилди – туҳматчиларга жавоб" каби китоблар шўро ташвиқот машинасининг маҳсули ҳисобланган "илмий" асарлардан баъзиларидир.[944]

---

[943] Шўро даврида Ўрта Осиё республикалари дейиларди; биз муаллиф услубини сақлаш учун Туркистон ўлкалари, Туркистон жумҳуриятлари каби атамаларни сақлаб қолдик (тарж.).

[944] "Туркистон миллий ҳаракатига доир" – китоб муаллифи номаълум, Тошкент 1957; "Мурожаат" – Маҳмуд Ойқорли, Тошкент 1957; "Хитобномалар" - китоб муаллифи номаълум, Тошкент 1957;
"Халқлар дўстлиги ва социалистик интернационализм коммунизм қурув учун буюк кучдир" - китоб муаллифи номаълум, Тошкент 1961; "Совет Ўрта Осиёси ва Қозоқистон тарихини сохталаштирувчиларга жавоб" – Х. Ш. Иноятов, Тошкент 1962; "Ўрта Осиё тарихини буржуача сохталаштирувчиларга қарши" – К. А. Новоселов, Ашхобод 1962; "Туркистонни озод қилмоқчи бўлганларнинг ҳақиқий башараси" – муаллифи номаълум, Тошкент 1963;

1950 йиллор охирларида Истанбулда яшаётган туркистонлик муҳожирларнинг баъзиларига Туркистон жумҳуриятларида нашр этилаётган совет газета ва журналлари юборила бошланди. Улар Берлиндан, яъни шарқий Олмониядан почта воситасида юбориларди ва кимларнинг жўнатаётгани номаълум эди. Натижада адресларига газета келаётган кишилар кўнглига ваҳима тушди. Чунки у пайтлар совет давлати ва ғарбдаги иттифоқчилар ўртасидаги совуқ уруш айни авжига кўтарилган йиллар эди. Зотан кирил алифбосида босилган бу газеталардан Туркиядаги масъул шахслар хабар топгач, уларга жавоб бериш осон иш эмасди. Туркистонликлар ёрдам жамиятининг қурувчиси ва илк раиси Комил Чўқай ана шу таҳликани кўзда тутиб, бу ҳодиса хусусида миллий амният ташкилотига билдирги ёзган ва жамият аъзоларини ҳам огоҳлантирган.[945]

Совет газеталарининг фақат Туркистонликлар ёрдам жамияти дафтарларида адреслари кўрсатилган кишиларга юборилаётгани, балки бу ташкилотда ҳам шўроларнинг одамлари бордир, деган шубҳани уйғотди. Жамият бу ишнинг олдини олишга қанчалик уринмасин, айрим шахсларга шўро матбуоти намуналарининг, ташвиқот воситаларининг почтада келиши давом этаверди.

1950 йилларнинг охирларида хориждаги Туркистон ҳаракати ва уни шакллантирган кишиларга қаратилган шўро ташвиқоти билан совет раҳбариятининг энг юқори мақомдаги шахслари ҳам шуғуллана бошлади. Бу мавзу ҳатто Ўзбекистон республикаси коммунистик партияси бош секретари Шароф Рашидов каби зотларнинг нутқларида ҳам тилга олинди.[946] Орадан бир муддат ўтгач, совет раҳбарияти тарғибот курашининг янада кенг миқёсда ва ташкилотлар воситасида олиб борилиши кераклигига қарор берди. 1958 йилда Тошкентда чет ўлкалар билан дўстлик ва алоқа ўрнатиш жамияти, қисқача Дўстлик жамияти тузилди. Бу ташкилот қошида хорижий давлатларда яшаётган ватандошлар билан алоқа ўрнатадиган махсус гуруҳ ҳам яратилди. Ана шу тарзда Совет Иттифоқи ўз тарихида илк марта хорижда яшаётган туркистонликлар билан очиқдан-очиқ алоқа ўрнатиш мақсадидаги расмий сиёсатни амалга ошира бошлади.

"*How the National Question Was Solved in Soviet Central Asia: A Reply to Falsifiers*" – R. Tuzmuhammedov, Progress Publishers, Moscow 1973.
Қўшимча маълумот учун қаранг: Вали Қаюмхон. "Шароф Рашидович Рашидовга очиқ мактуб" – "Миллий Туркистон" журнали, 1963 й., №99, 21-22 б. Вали Қаюмхон. "Шароф Рашидович Рашидовга очиқ мактуб"– "Миллий Туркистон" журнали, 1964 й., №100, 18-19 б.

[945] Комил Чўқайнинг 1955 йил 4 августда ёзган мактуби – Аҳат Андижон архиви.

[946] Шароф Рашидовнинг МТБК раиси Вали Қаюмхон ва унинг ўринбосари Боймирза Ҳайитни туҳматчи, хоин, совет душмани, империализм малайи каби иборалар билан ерга урган нутқи 1958 й. 27 сентябрда босилган. Матбуотдаги бундайин ҳужумлар кейин ҳам давом этган. (доктор Б. Ҳайит билан хусусий суҳбатдан).

1960 йилдан эътиборан юқорида тилга олинган гуруҳнинг фаолияти натижасида “Ватандош радиоси” ташкил этилди.[947] Аввалambор Туркия, қолаверса туркистонликлар кўпчилик ҳолда яшаётган бошқа барча ўлкаларга қаратилган бу радио воситасида ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз каби тилларда совет давлати ва шўро мафкурасини мақтовчи, хориждаги миллий ҳаракатларни ерга урувчи эшиттиришлар тарқатилди.

Советлар хорижда олиб борилаётган Туркистон миллий ҳаракатларининг Туркистон жумҳуриятларида яшаётган халқларга таъсирини пасайтириш учун ҳар қандай йўлдан фойдаланарди. Коммунист адибларга Туркистон миллий ҳаракатларини қораловчи, шу билан бирга, шўро тузуми ва мафкурасини улуғловчи драмалар ёздириб, Туркистон ўлкалари ва Москва театрлари саҳналарида қўйдириб, бу хусусда мақолалар уюштириб, ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтирмоқда эди. Хориждаги Туркистон миллий ҳаракатларига қарши ёзилган асарлардан энг машҳурлари Зиё Саид ва Назир Сафаровнинг “Тарих тилга кирди”[948] ҳамда Сарвар Азимовнинг “Қонли сароб”[949] драмаларидир. Азимовнинг “Қонли сароб” драмаси барча Туркистон жумҳуриятилари пойтахтлари театрларида томошабинларга тақдим этилгач, 1964 йил 3 апрелда Москва театрида ҳам саҳнада намойиш қилинди.[950] 1965 йилда эса, махсус ташкилот тарафидан уюштирилган ҳолда Э. Арбенов ва Л. Николаев каби рус адиблари асари асосида “Феникс” деган фильм ҳам яратилди.[951]

Бу ишларга қўшимча ўлароқ совет жосуслари ҳам хориждаги туркистонликларга қарши ўзларининг бузғунчилик фаолиятларини давом эттирмоқда эди. Туркистонликларнинг уйларига, ишхоналарига советларга қарши миллий ҳаракат қатнашчилари, уларнинг раҳбарлари ҳақидаги ёлғону бўхтонга тўла имзосиз мактублар оқиб келарди. Худди шу тарзда миллий ҳаракат иштирокчилари ва уларнинг фаоллари хусусидаги қораловчи хатларнинг муҳожирлар яшаётган ўлкаларнинг расмий ташкилотларига ҳам жўнатилмоқда ва кўп инсонлар ҳукумат наздида шубҳали шахсларга айлантирилмоқда эди.

1968 йилга келиб, совет ҳукумати муҳожирларга қаратилган бир газета чиқаришга қарор берди. Анчагина аввал тузилган “Дўстлик” жамияти қошида лотин ва араб ҳарфларида “Ойдин” номли ойлик газета чиқарила бошланди. Бу нашр Туркия, Олмония, Сурия, АҚШ, Миср, Арабистон, Иордания, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон каби

[947] Хайитов Ш. А., Собиров Х Ж. “Хориждаги ўзбеклар”, “Фан” нашриёти, Тошкент 1992, 44-б.
[948] Бу асар 1957 йилдан саҳналарда ўйнала бошланган.
[949] Бу драма илк бор 1964 йилда саҳнага қўйилган.
[950] Юртчи. “Миллий Туркистон ғояси Кремл саройигача етди – “Қонли сароб” – “Миллий Туркистон” журнали, 1964, №102, 3-б.
[951] Вали Қаюмхон. “Туркистон миллий ҳаракати совет матбуотида” – “Миллий Туркистон” журнали, 1966, №112, 3-б.

туркистонлик муҳожирлар яшаб турган барча ўлкаларга етказиб турилди. “Ойдин” газетаси 1970 йилларда 15.000 нусха атрофида босиларди.[952] 1975 йилда эса, чет элларда яшаётган ватандошлар билан алоқани мустаҳкамлаш мақсадида, Ўзбекистон жумҳурияти марказий комитети қарори билан “Ватан” жамияти тузилди ва Совет Иттифоқи тарқалиб кетгунгача фаолият кўрсатди.

ТУРКИСТОН ТУШУНЧАСИНИ ЯШАТГАН ОДАМ – ДОКТОР БОЙМИРЗА ҲАЙИТ

Иккинчи жаҳон урушидан кейин хорижда олиб борилган Туркистон учун курашнинг энг ёрқин сиймоси доктор Боймирза Ҳайитдир. У Миллий туркистон бирлик комитетидаги фаолияти билан ҳам, Туркистон мавзусида ёзган асарлари билан ҳам халқаро миқёсда шуҳрат қозонган, энг муҳими, Туркистон тушунчасини яшатган ва янги бўғимларга улашган бир инсон эди.

Боймирза Ҳайит бўлшевиклар тўнтаришидан сал кейин, 1917 йил 17 декабрда Наманган вилоятининг Ёрқўрғон қишлоғида туғилган. Мактабни тугатгач, Тошкентдаги педогогика институтининг тарих бўлимида тахсил олади ва уни 1937 йилда битириб, ўқитувчилик қилади. Иккинчи жаҳон уруши бошланганида у ҳам ҳарбийга чақирилади. Немис-фашистлар советлар юртига бостириб киргач, урушнинг илк кунларидаёқ яраланиб, асирга тушади. Бир мунча вақт ҳарбий асирлар лагерида қолади, кейин немис қўшинлари сафида тузилаётган Туркистон легионига киради. 1942 йили МТБК раиси Вали Қаюмхон тарафидан Берлинга олиб борилади, Миллий Туркистон бирлик комитетига аъзо бўлади. Оз ўтмасдан у юзбоши рутбасини олади ва комитет ҳарбий бўлими бошлиғи сифатида ишга киришади. Уруш даврида комитетнинг барча нашр ишларида фаоллик кўрсатган Боймирза Ҳайит 1944 йилда ўтказилган Прага конференциясида Миллий Туркистон бирлик комитети раисининг ўринбосари этиб тайинланади.[953]

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин у МТБКдаги ишларини давом эттириш билан бирга Мунстер университетининг фалсафа факултетида ҳам ўқийди. Таниқли турколог фон Менде ва Jaeschke каби олимларнинг маслаҳатига кўра “Қўқон ва Алашўрда миллий ҳукуматлари” мавзусида тадқиқот яратади ва 1950 йилда фалсафа доктори илмий унвонига эга бўлади.

[952] Хайитов Ш. А., Собиров Х Ж. “Хориждаги ўзбеклар” , 59-б.
[953] Тўлароқ маълумот учун китобнинг учинчи бўлимига қаранг.



Доктор Боймирза ҲАЙИТ (1990 йиллар)

Доктор Боймирза Ҳайитнинг илк илмий асари Олмония тадқиқотлар жамиятининг хомийлигида ёзган “ХХ асрда Туркистон”[954] тадқиқотидир. Ана шу асар босилганидан кейин доктор Боймирза Ҳайит битта ўзи бутун бир Туркисон институти ўлароқ ишлади ва ўттиз йиллик бир фаолияти давомида олмон, турк ва инглиз тилларида 8 та илмий китоб, 13 рисола, юзларча мақола нашр эттирди.[955] Бу ишлари туфайли

[954] “*Türkistan im XX Jahrhundert*”.

[955] Боймирза Ҳайитнинг китоблари асаримизнинг илова бўлимида берилган.

халқаро миқёсда шуҳрат қозонган доктор Боймирза Ҳайит Ҳарвард (1966), Ҳожаттепа (1974), Мармара (1986) университетларида фахрий ўқитувчи сифатида дарслар ҳам берди ва жуда кўп халқаро анжуманларга қатнашиб, Туркистон масаласини турли томонлама англатиб, кўламли шаклда дунё оммасига етказа олди.

Доктор Боймирза Ҳайит Миллий Туркистон бирлик комитетида хизмат қилган йилларида илмий ишлари билан бирга сиёсий фаолиятини ҳам тенг олиб борди. У 1953-1963 йиллар орасида Туркия, Миср, Арабистон, Иордания, Сурия ва Покистон каби давлатларда яшаётган Туркистон муҳожирларини МТБК атрофида жипслаштиришга интилди. МТБК фаолияти сусайган даврда эса, ўз имкони доирасида, кўнгилли ўлароқ ўша ишларини давом эттирди. Доктор Ҳайитнинг сиёсий ва илмий фаолияти бошидан бошлаб совет ҳукуматидаги бошқарувчилар ва сиёсатшунос олимларни жиддий безовта қилган ва улар Боймирза Ҳайитга қарши жуда кўп ҳужумлар уюштиришган.*

СОВУҚ УРУШ ДАВРИДА ТУРКИЯ

Урушдан кейинги йилларда, Туркиядаги туркистонликлар фаолияти фақат бу ўлканинг кўп партиялилик тизимга ўтиши туфайли янгидан бошланди. 1950 йилга қадар Туркияда бирорта ҳам очиқ иш олиб борган жамият йўқ эди. Тоҳир Чиғатой раҳбарлигидаги Туркистон миллий бирлиги аъзоларининг кўпчилиги Истанбул ва Анқара университетларида ишларди ва тарқоқ ҳолатда эди. ТМБ 1953 йилда Мюнхенда тузилган Париж блокига аъзо бўлди. Бироқ Париж бирлашмаси Прометей ҳаракати қадар кучли ва таъсирли жамиятга айлана олмади. Урушдан кейинги даврда Вали Қаюмхон раҳбарлигидаги гуруҳнинг МТБКдаги ҳаракатни жонлантириши, журнал чиқариши ва “Миллий Туркистон” мажмуасининг таъсири натижасида Туркистон миллий ҳаракати яна асосан Олмония тарафга оғгандай кўринарди. Аммо шу орада МТБК ва Туркэли жамияти ўртасида юз берган зиддиятлар Туркиядаги муҳожирларнинг ҳам гуруҳларга ажралиб кетишига йўл очганди.

ТМБни энг муҳим миллий ташкилот ҳолига келтиришни истаган Тоҳир Чиғатой ва маслакдошлари эса, туркистонлик муҳожирларнинг Олмонгиядаги жамиятларга йўналиши эҳтимолини сезиб, жиддий ташвишга тушганди. Профессор Тоҳир Чиғатой 1952 йилда босилиб чиққан бир китоби билан ҳар икки рақиб жамиятга зарба берди. “Туркистонга оид баъзи ҳаракатлар ҳақидаги фикрларимиз”.* “Ёш

Туркистон” нашриётида босилган бу асарга Тоҳир Чиғатой ўз номини ёзмаган, Истиқлолчи деган тахаллусни қўйган.[956]

Туркистон миллий бирлиги жамиятининг раиси Тоҳир Чиғатойнинг фикрича, иккинчи жаҳон уруши давридаги фаолиятлар Туркистон мустақиллиги учун миллий курашларда авввалдан рол ўйнаган ташкилотлар (ТМБ кўзда тутилмоқда) иштирокисиз, мавжуд сиёсий муҳит таъсирида юз берган ҳодисалардир. Ана шу даврда ТМБ аъзолари Туркияда йиғилдилар ва аҳволни кузатиб турдилар. Профессор Тоҳир Чиғатой яна шуни ҳам таъкидлайдики, айни замонда баъзи шахсларнинг ўзларини Олмониядаги ташкилотларнинг бирортасига алоқадорлигини рўкач қилгани натижасида бу мавзуга қўл урилган. Муаллиф шундан сўнг, масалан, Вали Қаюмхон чиқараёгган журналларда ўзбек тилининг қўлланилишини танқид остига олиб, шундай дейди:

> “Барча туркистонликлар тушунадиган бир ёзув тилини шакллантириш келажакни ўйлаган зиёлиларимизнинг муқаддас ғояси бўлиши лозим... Барча туркистонликлар тушунадиган бир ёзув тилини шакллантирмасдан туриб, ҳозиргача ишлатилаётган бирор тилни туркистонча деб аташ, уни биринчи ўринга чиқариш миллий ҳаракатимизга зарар беради... Ўзаро алоқаларда барча Туркистон шеваларидан фойдаланиш истиқлол ҳаракатимизга ижобий таъсир кўрсатади...”[957]

Туркистонда раҳбарлик масаласига Вали Қаюмхоннинг қараши ва Туркэли комитетининг Ғарбий Туркистонни* бўликлар ҳолида бирлаштириб, федерация тарзида бошқариш режасини ҳам Тоҳир Чиғатой шундай танқид қилади:

> “Туркистон истиқлолга эришганидан кейин давлатимизнинг қурилиши, ҳукумат ташкилоти, идора тақсимоти жиҳатидан қай тарзда бўлишини ҳозирдан тасаввур қилиш қийин масала... Бу хусуслар миллат иродасига кўра ҳал этилади, қай тарзда бўлишини истаса, унга кўра шаклланади... Ғарбий Туркистонни Ўрта, Ғарбий, Жанубий Туркистон шаклида ажратиш фикри бирорта соғлом асосга таянмаган, сунъий ва маъносиз тушунча эканини айтишдан бошқа иложимиз йўқ.”

Олмониядаги ҳар икки ташкилотнинг, яъни, МТБК ва Туркэлининг шу пайтгача ТМБни кўрмасликка олиши, ўзларини гўё улардан аввал бошқа миллий ҳаракат бўлмагандай тутиши, аммо, зарурати туғилганида Мустафо Чўқайни рўқач қилишлари телба-тескарилик ўлароқ Тоҳир Чиғатой тарафидан жиддий танқид қилинади:

> “Уларнинг ТМБ ташкилотини билмагандай иш тутишлари ва худди ўзлари биринчи бўлиб миллий фаолиятни бошлаётгандай иш

[956] Бунинг сабаби, бизнингча, профессор Тоҳир Чиғатой Туркия давлат университетида дарс бераётган бир ўқитувчи сифатида, ўша пайтдаги сиёсий вазиятга кўра шундай йўл тутишга мажбур бўлган (тарж.).

[957] İstiklalci, *Türkistan`a dair Bazı Cereyanlar Hakkında Görüşlerimiz’*, Yaş Türkistan yay. İstanbul 1952

юритишлари бошқа халқларга ва Туркистонда юз берган истиқлол ҳаракатидан бехабар ёки уни яхши билмаган юртдошларимизга миллий озодлик курашимизнинг ўтмиши ва юрт ичида тамали бўлмаган бир ҳаракат каби таасурот қолдиришига сабаб бўлади.”

Китобнинг охирги бўлимида муаллиф Туркистон муҳожирларига шундай хитоб этган:

> “Дунёдаги бугунги вазият, шарту шароит мултажий ва муҳожир юртдошларимиз орасида янада жипсликни, фаолиятимизни муқаддас ғоя асосида, бирлашган ҳолда олиб боришни тақазо этмоқда. Бу бирлашиш маркази юрт ичида (Туркистон кўзда тутилмоқда-А.А.) истиқлол ғоямизнинг тамалини отган ТМБ бўлиши, бизнингча, энг маъқул ишдир.”[958]

Тоҳир Чиғатой ва йўлдошлари айни шу даврда алоҳида бир ишга қўл урди –Туркияда жойлашган бошқа муҳожир турк гуруҳлари ва миллий ташкилотлари, уларнинг раҳбарлари ҳамкорликка чорланди. 1952 йил апрел ойида Озарбайжон, Эдил-Ўрол, Қирим, Шимолий Қафқаз ва Туркистон миллий марказларининг раҳбарлари йиғилишди, “Русия асоратидаги истиқлолчи турк жабҳаси” деб аталган яширин ташкилот тузишга қарор берилди. Имзоланган баёноманинг кириш қисмида шу фикрлар бор:

> “Озарбайжон, Эдил-Ўрол, Қирим, Шимолий Қафқаз ва Туркистон миллий марказлари вакилларининг биргаликда ўтказган йиғилишида ўзаро кенгашиб, Бирлашган миллатлар аҳдномаси моддаларидаги маъно-мазмунга таянган ҳолда, ўзлари мансуб бўлган миллатларнинг дунё инсонлари жамиятида тинч ва фаровон яшай олишларини кўзда тутиб, уларнинг ўз она юртларида тўла истиқлолга эришишлари кераклигига мутлоқ бир эхтиёж борлигини бир овоздан маъқуллашди. Бу ғояни амалга оширишда, умумий ва тарихий душманлари рус империализмига қарши курашда, ҳар нарсадан ҳам аввал ўзлари мансуб халқлар орасидаги тил, дин, тарих ва миллий руҳ жиҳатидан бирлик ва яқинликни ҳисобга олиб, бундан келиб чиқадиган сиёсий манфаатнинг ҳам бир хиллигини тушунарак, 1936 йил 26 апрелдаги Париж анжуманида таъкидланган асосларга амалан ўзаро ҳамкорлик қилишга қарор берилди.”[959]

Бу жамиятнинг таркиби, иш юритиш тартиби 1936 йилда Парижда тузилган Турк жабҳасиникига ўхшаш эди. Яъни, Миллий марказлар томонидан сайланган вакиллар режалари асосида йиғилишлар ўтказади ва қарорлар чиқарилади. Умумий котиб барча ишларга раҳбарлик қилади. Жабҳа бошланғичда бир журнал чиқаради, кейинроқ Асоратдаги турк ўлкаларини ўрганиш институти ташкил этилади. Бироқ сўнгра юз берган ҳодисалар шуни кўрсатмоқдаки, бу гаплар амалга ошмаган, қоғозда қолиб

---

[958] İstiklalci. *Türkistan`a dair Bazı Cereyanlar Hakkında Görüşlerimiz*, s. 1-28.

[959] 1952 йил 4 апрелда имзоланган ҳужжат; “ Rusya Mahkûmu İstiklalci Türk Cephesi Protokolü”(А. Андижон архиви).

кетган. Яъни, қарорда кўрсатилган ўша журнал чиқарилмаган, жабҳанинг бирор иш қилганини исботловчи хужжат ҳам сақланмаган.

1952 йил ўрталарида ТМБ аъзолари Шарқий Туркистон йўлбошчиларидан бири Муҳаммадамин Буғро[960] билан биргаликда журнал чиқаришга киришдилар.

Тоҳир Чиғатой ва ўртоқларининг бу каби барча уринишларига қарамай, Туркияда энг фаол бўлган йилларида ҳам ТМБ мажбуран яширин иш юритди, Мустафо Чўқай ва Мажидиддин Далил каби шахслардан айрилиш, иккинчи жаҳон уруши давридаги оғир шароит боис жамият оммага етарли даражада таъсир ўтказолмади. Хуллас, 1950 йилларнинг ўрталарига келиб, Туркистон миллий бирлик жамияти, аввалги "Ёш Туркистон" журнали гуруҳи ва улар атрофидагилар озгина кишидан иборат бир ташкилотга айланиб қолди. Ана шу сабабли ҳам Тоҳир Чиғатой китобида янграган ТМБнинг чорлови туркистонликлар орасида кутилган акс садони уйғота олмади.

ТМБ аъзоси бўлган Париж бирлашмаси ҳам айни аҳволда эди. У 1966 йилдан эътиборан қоғоздаги ташкилотга айланди. 1986 йилда бу ташкилот ёпилганини билдирди.[961] Журнал чиқариш ва дернак қуриш ишларининг узоққа чўзилиши сабабли 1950 йилларнинг ўрталаридан эътиборан ТМБ ташкилотининг фаолияти Тоҳир Чиғатой ва Абдулваҳоб Ўқтойнинг шахсий ташаббуслари билангина чегараланиб қолди. Бу икки шахс умрларинингохиригача "Ёш Туркистон" нашрлари номи билан жуда кўп китоб, рисола ва мақолалар чиқаришди.

ТУРКИСТОН ТЕРНАҚЛАРИ ВА ЯНГИДАН ТАШКИЛОТЛАНИШ ДАВРИ

Урушдан кейинги даврда муҳожирларнинг Туркиядаги расмий жамиятларини тузиш фаолияти яна аввалги йўлбошчилар томонидан

[960] Муҳаммадамин Буғро 1901 йилда Хўтанда туғилган. 1924-1931 йиллар орасида мадрасада бош мударрис бўлган. 1933 йилда Хўтан ва Ёркент вилоятларида қурилган муваққат истиқлол ҳукуматида Бош вазир ва Бош қўмондон вазифасини бажарган. Бир йил ўтиб, мажбуарн Ҳиндистон орқали Афғонистонга борди, афғон давлатидан паноҳ тилади. 1943 йил яна Шарқий Туркистонга қайтиб, озодлик курашига қўшилди. Шарқий Туркистонда қурилган бошқарувда қатнашди, вилоят ҳокими ўринбосари бўлди. 1949 йилда ҳукуматни коммунистлар эгаллагач, мажбуран Ҳиндистонга сиғинди. Сўнгра Туркияга келди. Туркияда "Туркистон", "Туркистон саси" журналларини чиқарди. Шарқий Туркистон ҳақидаги кўплаб асарлар нашр эттирди. 1965 йил 14 июлда Анқарада дунёдан ўтди.

[961] Париж блокининг 1969 йилдаги Мюнхен конгрессида Украина вакили Ливикти раис, Белорусия вакили Бортник раис ўринбосари, Эдил-Ўролл миллий маркази вакили Али Оқиш Бош котиб этиб сайланганди. 1973 йилдаги қурултойда ҳам ўша раҳабрият сақлаб қолинди. 1986 йилда Совет Иттифоқида бошланган ошкоралик ва қайта қуриш сиёсати таъсирида Париж блоки ўз ишини тўхтатди.

бошланди. Бу ишга бир вақтнинг ўзида профессор Закий Валидий Тўғон ва таниқли “Ёш Туркистон”чи профессор Иброҳим Ёрқин киришдилар.

Закий Валидий Тўғон Олмониядаги Туркэли комитетининг тузилиши ва ишлашига катта ёрдам берган, фақат бу жамият узоқ яшай олмаган эди. Олмониядаги туркистонликларнинг озлиги у ерда тузилган сиёсий ташкилотларнинг муҳожиротдаги Туркистон аҳли билан муносабат ўрнатишига ҳам имкон ярата олмасди. Бошқа тарафдан қараганда, Туркияда демократик партиянинг ҳукуматни эгаллаши туфайли сиёсий вазият ўзгарганди ва муҳожир туркларнинг бу ўлкада фаолият юритишига эшиклар очилгандай кўринарди. Ана шу ҳолатни яхши илғаган Закий Валидий Тўғон дарҳол ишга киришди ва 1952 йил 28 мартда Туркистон маданият тернағини* қурди. Жамият қурувчилари орасида 1920 йилларда Туркистонда сиёсий-миллий ташкилотларнинг тузилишида ёрдам берган Туркия фуқароларидан бири, собиқ миллат вакили – депутат Исмоил Ҳаққий Сўйсалли ўғли ҳам бор эди.[962] Тернақнинг ишлаш режасида қуйидагиларга эътибор берилган:

> “Ватанларидан ажралган туркистонликлар тўда-тўда ҳолида турли ўлкаларда яшашмоқда. Улар орасида фақат Шарқий Туркистон ҳукумати аъзоларигина муҳожиротда ўз ғоялари йўлида фаолиятни давом эттиришмоқда. Тернағимиз ғояси эса, Волгага қадар чўзилган ва эндиликда Туркэли деб атаётганимиз Улуғ Туркистон ғоясидир...
>
> Туркистонликларнинг умумий дардларидан бири адабий тил масаласидир. Эндиликда Улуғ Туркистон юртларида руслар тарафидан қозоқ, ўзбек, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, уйғур, бошқирд ва татар лахжалари ўлароқ саккизта мустақил адабий тил яратилгандир...
>
> Муҳожир туркистонликларга ёрдам хусусига келганда... Ўқиш учун ёки ёхуд муҳожир сифатида келган туркистонликларга Туркиядаги маданият ва маориф муассасаларидан ёрдам олиш режага киритилган. Бизнинг тернағимиз тўғридан-тўғри ёрдам ташкилоти эмас... Тернақ сиёсат билан шуғулланмаслик учун бирор мамлакат, бирор қавм вакили ёки уларнинг бирор жамияти сифатида ғоявий фаолият кўрсатмайди... Тернақ аъзо кўпайтириш билан ҳам машғул бўлмайди.”[963]

Шунингдек, жамият тузугида туркистонликларнинг тиллари ва маданиятларини сақлаб қолиш учун ҳам айрим ишлар бажарилиши, жумладан, нашр фаолиятлари олиб борилиши ва турли йиғилишлар ўтказилиши таъкидланган.

---

*Тернақ – ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Туркистонда, хусусан Тошкентда очилган кичик жамиятлар “тирноқ”, тернақ (термоқ сўзидан олинган; 1924 йилгача араб ёзувида тарқалган Туркистон матбуотига оид китобларда тирноқ деб ёзилган-Т.Қ.) деб юритилган; Туркияда эса ўғуз шевасига уйғун дарнақ (dernek) дейилган (тарж.).

[962] Тернақнинг бошқа қурувчилари Мурод Халил ўғли, Эрали Сундубой, Аднан Ўзбек, Аҳат Беккул, Собиржон Ўзтуркдир.

[963] Türkistan Kültür Derneği Tüzüğü (А. Андижон архиви).

*Татарлар кўзда тутилмоқда (тарж.).

Закий Валидий Тўғон шарқ турклиги етиштирган атоқли олим ва сиёсатчи шахслардан бири эди. Фақат муҳожиротда омманинг етарли даражада қувватлашига эга бўлмагани боис ўзи истагандай таъсирли фаолият кўрсата олмади. Маслан, унинг муҳожиротдаги давраларга сингдирмоқ истагани “Бишқирдистон Татаристондан бошқа бир юртдир ва у Туркистоннинг бир парчасидир; Бошқирдистон ва Туркистон биргаликда Туркэлидир” деган қараши туркистонликлар тарафидан маъқулланмади ва қувватланмади. Бундан ташқари, чор империяси даврида Русия асоратидаги турк мусулмонлар муҳитида миллий онгнинг яралишида улкан хизмат қилган Эдил-Ўрол турклари* бундай қарашни бўлувчилик дедилар ва Закий Валидийни бошқирдчилик қиляпти, туркларни парчалаяпти, дея айбладилар.

Закий Валидий Тўғон ана шу Туркэли маданият тернағини қурган пайтида ҳам бутун шарқ туркларини бирлаштирган Улуғ Туркистон ғоясига ёки Буюк Туркэли тушунчасига таянганди. Аммо 1928 йилда Туркистон ва Озарбайжонни ўрганиш институтини очганида ҳам омма уни қўллаб-қувватламаганини билгани боис, жамият тамалини мустаҳкамлаш мақсадида қилинадиган аъзолар сонини кўпайтиришдек бир даҳмаза билан тернақ шуғулланмайди деган моддани атайин тузукка қўйганди. Тўғон ўзи университетда ўқитувчи бўлгани учун тернақ раҳбарлигига мурод халил ўғлини сайлаттирди. Туркистон маданият тернағидан тарихда қолган ягона далил бир конференция таклифномасидир. Унда Закий Валидий Тўғоннинг “Сўнгги йиллардаги ғарб матбуотида Туркистон ва Русия мусулмонлари мавзусининг ёритилиши” номли маърузаси тингланган. Фақат бино тор бўлгани учун йиғилишда кам одам қатнашгани ҳам маълум. Бироқ, афсуски, бу жамият қисқа вақтда фаолиятини тўхтатган. Бу интилиш Закий Валидий Тўғоннинг муҳожир туркларга алоқадор сиёсий фаолиятидаги сўнгги уриниш эди.

Закий валидий Тўғоннинг уринишига ўхшаш бир ишга айни чоғда ТМБ аъзолари ҳам бош қўшдилар. Профессор Тоҳир Чиғатой, профессор Иброҳим Ёрқин, Аҳмад Наим Ўктам, Темур Ўзбек ва Иброҳим Мутли каби ТМБ аъзолари, маркази Анқара ўлароқ, Туркистонликлар ёрдамлашиш тернағини қурдилар. 1952 йил 24 майда ўтказилган қурултой натижасида Иброҳим Ёрқин тернақ раиси бўлди. Тернақнинг Истанбулдаги бўлимини Абдулваҳоб Ўқтой бошқариши режалаштирилди. Тузукда жамиятнинг мақсади оммага Туркистонни танитиш, Туркистон тарихи ва маданиятига оид нашрлар билан шуғулланиш, туркистонликлар ўртасидаги алоқалар ва жипсликни орттириш дея таъкидланган. Жамият тузилганидан кейин туркистонлик зиёлилар орасида бир неча бор йиғилиш ўтказилди ва тернақнинг нашри сифатида бир мажмуа чиқаришга келишилди. Вали Қаюмхон бошқараётган МТБКнинг нашри “Миллий Туркистон”га муқобил равишда чиқарилгувси журналга “Ёш Туркистон” даврида анчагина

тажриба орттирган Абдулваҳоб Ўқтой ва Шарқий Туркистон раҳбарларидан Муҳаммадамин Буғро масъул этиб тайинланди.

Янги мажмуага кенг омманинг эътиборини тортиш ниятида фақат Туркиядаги зиёлиларга эмас, балки Миср, Покистон, Арабистон, Иордания, Афғонистон каби давлатларда яшаётган кўп сонли туркистонлик муҳожирлар билан муносабат ўрнатилди.[964] 5-6 ой давом этган тайёргарликдан сўнгра, 1953 йил апрел ойидан "Туркистон" номли журнал чиқарила бошланди. Ажмуанинг бош муҳаррири Шарқий Туркистон истиқлол ҳаракати йўлбошчиларидан бири Муҳаммадамин Буғро эди. Аммо журналнинг таҳрир ҳайъатидаги шахслар асосан Туркистон миллий бирлиги аъзоларидан тузилганди. Ўттизинчи йилларда "Ёш Туркистон" журналида ва яна сўнгроқ "Ёш Туркистон" нашрларида барча техник ишларни юритган Абдулваҳлоб Ўқтой бу мажмуада ҳам муҳаммаамин Буғрога ҳамкорлик қилмоқдайди. Шунингдек, таҳрир ҳайъатидан Тоҳир Чиғатой ва Иброҳим Ёрқин каби эски ТМБчилар ўрин олганди. Ана шу далиллар"Туркистон" журнали аслида ТМБнинг нашри эканини англатмоқда.

Журналнинг илк саҳифаларидан "Туркистон" мажмуаси чиқаркан" номли мақола ўрин олган. Унда Туркистон зиёлиларининг ўттиз йилдан бери турли ўлкаларда жуда кўп журнал қиаргани, фақат улар асосан сиёсий моҳиятда бўлгани, аммо бу мажмуа маданият йўналишидаги нашр эканлигиги билдирилган. Албатта, бу фикрлар Туркиядаги расмий ташкилотларни, сиёсий вазиятни кўзда тутиб айтилган. Зотан,

[964] Журнал масаласида алоқа ўрнатилган кишилар, ўша даврда Туркияда ва бошқа шарқ ўлкаларида яшаган, Туркистон миллий бирлик жамияти билан муносабати мавжуд туркистонлик зиёлилар турлича шахслар бўлгани жиҳатидан диққатни тортади. Бу ишга Туркиядан Анқара гуруҳи ўлароқ проф. Тоҳир Чиғатой, проф. Иброҳим Ёрқин, доктор Солиҳ Эркинқўл, проф. Мажид Ўқой, Иброҳим Мутли, Темур Ўзбек, проф. Саидали Анқара ҳамда Истанбул гуруҳи сифатида доктор Аҳмад Наим Ўктам, Афдол Вансурал, проф. Аҳмаджон Ўқой, Элхон Мусобой, Абдулла Ражаб Бойсун, доктор Мақсуд Торим, шунингдек, Туркиянинг бошқа шаҳарларидан Собир Туркистонли (Алпуллудан), доктор Росиҳ Ўзган (Аданадан), доктор Восий Мирзатош (ҳарбий, Сариқамишдан), Нодир Рижолўғли (Бурсадан), доктор Зоҳид Ўзбулоқ (Силивкадан), Аҳмад Шакурий Атаман (Аксекидан) каби шахслар жалб қилинганди. Туркиядан ташқаридаги ўлкалардан бу ишга бош қўшганлар Исо Юсуф Алптегин (Кашмирдан), Саттор Чўпон (Кашмирдан), Пўлат Қодирий (Кашмирдан), Иброҳим Восилий (Мисрдан), Саид Мубашширхон Тарозий (Мисрдан), Саид Маҳмудхон Тарозий (Мисрдан), Муҳаммадамин Исломий (Мисрдан), Аъзам Ҳошимий (Қарачидан), Саид Қосим Андижоний (Қарачидан), Маҳмуд Ойқорли (Пешовардан), Ҳамидулла Муҳаммадий (Маккадан) эди.

Туркиядан бу рўйхатга кирганларнинг барчаси аввалги ТМБ аъзолари эканлиги кўриниб турибди. Қизиғи шундаки, бу рўйхатга Пешовардан Маҳмуд Ойқорли ҳам киритилган. Бу ҳолат унинг совет жосуси эканлиги борасидаги шубҳа-гумонлардан асосан қутилганини ва туркистонлик зиёлилар орасида қайтадан ишонч қозонганини билдирмоқда. Шўро махсус ташкилотининг "Маҳмуд Ойқорли Туркия айғоқчисидир, шунинг учун Афғонистон ҳукумати томонидан қамоққа ташланганди; агар у совет жосуси бўлсайди, советлар уни ҳибсдан чиқарарди" деган ташвиқотининг муҳожир туркистонликлар ўртасида қабул этилганини англатмоқда.

журналнинг мақсадлари хусусидаги моддаларда “миллий озодлик ҳаракатига оид кўрганимиз ва билганимиз маълумотларни ифода этамиз” деган иборалар ҳам бор. Ана шу сўзлар журналнинг сиёсий йўналишдаги ёзувларга эътибор беришини билдирмоқда.

Журнал мазмунан жиддий қиёфага эгадир. Кейинги сонларида босилган “Туркистонда жадидчилик” (Аҳмаджон Ўқой), “Туркистон қандай истило этилди?” (Тоҳир Чиғатой) каби тадқиқотлар, Муҳаммадамин Буғронинг бош мақолалари, Иброҳим Ёркиннинг “Туркистондаги суғориш ишлари ва деҳқончилик” каби мақолалари диққатни тортади. Афсуски, 1953 йил сентябрда чиққан 6-сони билан мажмуа ўз нашрий фаолиятини тўхтатган.

“Туркистон” журнали қисқа умрли бўлганига қарамасдан Шарқий Туркистон ва Ғарбий Туркистон зиёлиларининг ҳамкорлиги натижасида чиқарилган илк ва сўнгги нашр эканлиги билан муҳим тарихий аҳамиятга эгадир. Бундан кейинги йилларда Шарқий Туркистон муҳожирлари ҳам ўз миллий марказларини тузишган ва кўплаб газета-журналлар, китоблар нашр этишган.

Ўша пайтда ТМБчилар томонидан Туркистонликлар ёрдам тернағининг маркази Анқара ўлароқ тузилгани бирмунча ноқулайлик яратганди. Зеро Туркиядаги туркистонлик муҳожирлар асосан Истанбул ва Ааданада жойлашганди. Бундан ташқари, тернақ раҳбариятидаги ТМБчилар Оврупода таълим олган, у қитъада фаолият юритганлари боис интеллектуал жиҳатдан маҳаллий муҳитдан кескин фарқланарди, бу уларнинг омма билан муносабат ўрнатишида халақит берарди. Натижада бу тернақ ҳам, худди Закий Валидий Тўғон тузган Туркистон маданият тернағи каби, омма билан етарли алоқа ўрнатолмагани учун қисқа вақтда ёпилишга мажбур бўлди.

Туркияда демократ партиянинг иқтидорга келиши, ҳукуматни бошқариши натижасида ўлкадаги муҳожир туркларга нисбатан сиёсат ҳам, муносабат ҳам ўзгарди; Туркияга бошқа давлатдардан кўчиб келаётган туркий муҳожирларга қўйилган айрим тўсиқлар ҳам олиб ташланди. Ана шу ўзгариш туфайли, жумладан, Афғонистондан Туркияга хижрат қилишни истаган, бироқ ё уруш туфайли, ёки Инўну ҳукуматининг бюу хусусдаги совуққонлиги сабабли бу орзуларини амалга оширолмаган туркистонликларга Туркияга келишларига изн берилди. Ҳукуматнинг расмий қарорига кўра 1952-1954 йиллар орасида туркистонлик кўчманчиларнинг бир неча карвони Туркияга етиб келди ва бошида Аданага, кейинчалик Жайлонпинар, Нозилли,Оқшаҳар каби шаҳарларга жойлашди. Ана шу кўчманчиларнинг бир қисми Истанбулни ҳам ватан тутди. “Жумҳурият” газетасининг 1952 йил 14 май сонида босилган хабарга кўра, Туркия Вазирлар маҳккамаси 1805 та туркистонлик муҳожирнинг Туркияга кўчиб келишига изн бериш хусусида қарор чиқарган. Улар ҳукумат томонидан ажратиладиган ер

аниқ кўрсатилган кўчманчилар ҳисобланарди. Лекин эркин кўчиб келаётганлар сонига оид аниқ бир рақам номаълумдир. Ана шу ижобий вазият Туркиядаги муҳожир туркистонликларнинг жипслашувига, турли жамиятларни тузишига йўл очди.

1952 йилда иккита тернақ қурилгани ва қисқа вақтда муваффақиятсизликка учраганидан кейин, бу тажрибадан хулоса чиқарган, ҳеч қандай илмий ва сиёсий даражага эга бўлмаган йигирматача туркистонлик бирлашиб, 1954 йил 27 январда, Истанбулда Туркистонликлар ёрдамлашиш тернағини қурдилар. Уларнинг тузугидаги мақсад ва вазифалар борасидаги моддалар бу жамият ҳам аввалги жамиятларга ўхшашлигини кўрсатиб турибди. 21 февралда ўтказилган қурултойда Комилжон Ўқой тернақ бошлиғи этиб сайланган. Жамиятнинг илк иши Истанбулдаги туркистонликларнинг рўйхатини олган, Истанбул ташқарисида яшаётган ватандошлар билан алоқа ўрнатишга киришган. Бундан ташқари, жамият томонидан ўтмишдаги Туркистон турк ёшлар бирлиги ташкилотининг меросига эга бўлиш йўлида ҳам маълум бир одимлар отилди. Туркистонликлар ёрдамлашиш тернағининг раиси Солиҳ Эркинқўл 1956 йил июн ойида Туркия жумҳурияти Вазирлар маҳкамасига мурожаат этиб, 1943 йилда беркитилган Турк Маданият бирлигининг Эминўну халқ уйига топширилган барча ашёларини ва кутубхонасини тернаққа берилишини талаб қилди. Бу талабга ўша замоннинг Молия вазири томонидан 1955 йил 25 июнда шундай жавоб берилди:

> “1928 йилда Истанбулда қурилган Туркистон турк ёшлар уюшмасининг 1938 йилда Туркистон турк маданият тернағи номини олароқ 1943 йилда беркитилганини ва ашёларининг Эминўну халқ уйига топширилганини билдириб, янги тузилган тернағингиз ёпилган тернақнинг вориси эканини ва шу боис 1943 йилда беркитилган тернақнинг ашёсини унга қайтариш талаб қилинмоқда.
>
> Эминўну халқ уйидаги ашё 5830-сонли қарорга кўра хазинага топширилгандир. Хазина мулкининг ҳеч бир тернаққа берилишига бизнинг имконимиз етмаслиги сабабли таклиф ва талабингизни қондира олмаслигимизни билдирамиз.”[965]

Туркияга янги кўчиб келган муҳожир туркистонликларнинг турли-туман муаммолари бор эди ва тернақ буларни хал этишда нималардир қилишга мажбур эди. 1955 йилдаги тернақ қурултойинда раҳбарликка сайланган доктор Солиҳ Эркинқўл Жайлонпинар* туманига жойлаштирилган туркистонликларнинг ер масалалари билан жиддий фаолият кўрсатди. Жайлонпинарда макон тутган 92 туркистонлик оила кенгашиб, тернақнинг ҳам кўмагига таянган ҳолда, Абдулҳай Туркистонли бошчилигида “Туркистонликлар ишлаб чиқариш ва савдо уюшмаси”ни ташкил этишди. Шунга ўхшаш ширкат Оқшаҳардаги

[965] Туркия жумҳурияти Молия вазирлигининг жавоби (А. Андижон архиви).

туркистонликлар тарафидан ҳам тузилди. Афсуски, Туркиядаги муҳитга етарлича мослаша олмаган бу ташкилотлар, бир муддат ўтиб, иқтисодий қийинчлиилкларни енга олмай, ўз фаолиятини тўхтатди.



1952 йилда Туркияга келган муҳожирлардан бир гуруҳи. Адана, 1953 йил.
(Аҳат Андижон архиви)

Айни йилларда Шарқий Туркистонни мустамлака чилиб олган коммунист Чин ҳукуматига қарши озодлик кураши жараёнида ватанни мажбуран тарк этган бир гуруҳ инсонлар ўз миллий раҳнамолари Исо Юсуф Алптекин ва Муҳаммад Амин Буғронингҳаракатлари натижасида олдин Истанбулга, кейинчалик Туркиянинг бошқа бир неча шаҳар ва вилоятларига жойлаштирилганди. Туркистонликлар ёрдам тернағи ва Шарқий Туркистон муҳожир гуруҳлари раҳбарлари 1955 йилнинг 7 августида қўшма мажлис ўтказишди ва барча муҳим гаплар муҳокама қилинди. Йиғинда тернақ бошлиғи Солиҳ Эркинқўл, жумладан, туркистонликларнинг мавжуд тернағи ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиши кераклиги, маҳаллийчиликка йўл қўймаслик, Туркистон жамиятини бўлишга уринишларга қатъий зарба бериш хусусида сўзлаб, Шарқий Туркистон масаласидаги ишлар Туркистонликлар ёрдам тернағи доирасида юритилишига ишонч билдирди. Шарқий Туркистон мааласини анча вақтдан бери халқаро миқёсга олиб чиқишга интилаётган Исо Юсуф Алптекин бу фикрга қарши чиқиб, Шарқий Туркистон озодлиги ғоясининг ўзига хос томонлари борлигини, шу боис у ўзи алоҳида ташкилот сифатида иш юритиши лозимлиги таъкидлади. Оқибатда Солиҳ Эркинқўлнинг фикри қабул қилинмади. Зотан қисқа бир муддат ўтгач, Алптекин ва дўстлари Шарқий Туркистон муҳожирлари тернағини тузиб, ишга киришиб кетдилар.

1956 йилдаги қурултойда ўша давр учун нодирбир ҳодиса юз берди, яъни, Туркистонликлар ёрдам тернағига илк бор аёл – Холида Ахиска раҳбар этиб сайланди. Ундан кейинги даврларда навбати билан Нашат Тоҳирўғли, баҳодир Ўту, 1960 йилда такроран Солиҳ Эркинқўл, 1964 йилда эса Зиёвуддин Бобоқурбон тернақ раҳбари бўлиб фаолият кўрсатишди. Бу йиллардаги тернақ ишлари, ўша даврдаги муҳитга уйғун ўлароқ, турли тантанали кечалар, саёҳатлар уюштириш, фолклор анжуманлари ўтказиш билан чегараланган эди. Янги нашр ишларига оид қарорлар чиқарилган бўлса ҳам, бу йўналишда муваффақият қозонилмаган.

ИСТАНБУЛ ТАШҚАРИСИДАГИ ФАОЛИЯТЛАР

Афғонистондаги муҳожир туркистонликларнинг Туркияга кўчиши натижасида Адана шаҳри уларнинг энг кўп йиғилган марказига айланди. Зотан Адана Туркияга кўчиб келган туркистонликларнинг илк тўхташ жойи, илк паноҳ ҳисобланарди. Янги муҳожирларнинг бир-бирларидан хабардор бўлиб туриш, ўзаро муносабатларини давом эттириш истаклари, шунингдек, яшаш жойи ва иш ахтариш каби ҳар хил эҳтиёжларини ҳал этиш учун бир жамият тузиш зарурати ҳам юзага келганди. Ана шу сабабли 1952 йилда Адана Туркистонликлар ёрдам тернаги тузилди. Бу ташкилот муҳожир туркистонликларнинг Туркияга мослашувларини осонлаштириш билан бирга, улардан кейин келган ватандошлари учун ҳам қулай имкониятлар яратди. Тернақ бир неча йил ғайрат кўрсатиб, кутабхонаси ва мажлисхонаси мавжуд бинога эга бўлди. Адана Туркистонликлар ёрдам тернаги 1955-1970 йиллар орасида Туркияда яшаётган туркистонликларнинг энг танилган ташкилоти сифатида диққатга сазовор ижтимоий-маданий ишларни бажаришга эришди.

Аданадаги бу жамият 1959 йилдан бошлаб “Булоқ” номли журнал чиқаришга киришди. Бадри Хўжанд ва Аҳмад Туркэли томонилан чиқарилган бу нашр ўз мақсадини, жумладан, “темирпарда ортида қолган Ўрта Осиёда ҳокимлик қилаётган рус ҳукумати зулмидан, коммунизм дейилган динсиз ва ахлоқсиз тузум исканжасидан қочиб, муҳожир ўлароқ турли мамлакатларга сиғинган Туркистон туркларининг фикр ва туйғуларига таржимон бўлиш” дея ифодалаган. Бу журнал ҳаваскорлар томонидан тайёрлангани туфайли мундарижаси ва мазмуни ҳам шунга яраша эди. Журналнинг атиги 7 сони чиққан, ўша йилиёқ фаолияти тўхтаган.

1960 йилларнинг ўрталарига келиб Туркияда иқтисодий ҳаёт оғирлашди, ишсизлик янада кўпайди, шу боис айрим туркистонликлар Истанбулга, баъзилари АҚШ ва бошқа турли ҳорижий мамлакатларгага кўча бошлади. Натижада Адана Туркистонликлар ёрдам тернаги аъзолари

ҳам, кўмак ҳам озайиб кетди, 1970 йиллардан кейин юзага чиққан анархия ва террор ҳодисалари жараёнида, жамиятнинг биноси ашаддий сўлчилар томонидан ёқиб юборилди. Бу воқеадан сўнгра ҳукумат расмийлари қарорига кўра тернақ ёпилди.[966]

Туркистонлик муҳожирлар жойлашган яна бир макон Солиҳлидир. Бу ерда ҳам улар ижтимоий ва маданий ишларини давом эттиришди. Шарқий Туркистон муҳожирлари раҳнамоларидан Алибек Ҳакимнинг[967] маънавий қувватлаши ва Ҳамза Учар раҳбарлигида тузилган Туркистонликлар маданият ва ёрдам тернағи бу вилоятда яшаётган Туркистон муҳожирлари орасида бирдамлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш билан бир қаторда, нашр эттирган "Коммунизмга қарши жанг", "Туркэли" каби журналлари билан хусусан советларга ва коммунизм ғояларига қарши курашда ўзига хос из қолдирди.[968] 1962 йилдан эътиборан Алибек Ҳакимнинг ўғли Ҳасан Ўролтой ташаббуси билан чиқарилган "Буюк Туркэли" журналининг 10 та сони муваффақиятли тарзда босилди. 1965 йилдан ойлик тарзда чоп этилган "Коммунизмга қарши жанг" газетасининг ўнта сони босилди, кейинчалик журналга айлантирилди, тўртта сони ўқувчилар қўлига тегди. Бу нашрлар ўз фаолиятини тўхтатгач, Ҳасан Ўролтой асосан Шарқий Туркистон, хусусан қозоқ турклари билан боғлиқ мавзулардаги турли рисола ва китоблар нашри билан шуғулланди. Унинг ташаббуаи билан "Буюк Туркэли нашрлари" номи остида турли муаллифларнинг асарлари босилиб чиқди.[969]

ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ БИРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТУГАТИЛИШИ

1958 йилда ТМБ ва МТБК орасида жиддий баҳс бўлиб ўтди ва бу воқеа хориждаги туркистонликлар ўртасида анчагина шов-шув келтириб чиқарди. ТМБ раҳбари Тоҳир Чиғатойнинг янги босилган

---

[966] 1980 йилда тернақнинг ўша номда қайтадан очилиши ва фаолият юритишига давлат томонидан изн берилди. Эндиликда жамият Алишер Навоий номидаги тернақ сифатида ишини давом эттирмоқда.

*Солиҳли – Туркиянинг Маниса вилоятидаги туман ва шаҳар (тарж.).

[967] Алибек Ҳаким ва Шарқий Туркистон миллий мужодаласи ҳақида кенгроқ маълумот учун қаранг: 1) Godfrey Lias. Kazakh Exodus. 2) Hasan Oraltay. Hürriyet Uğrunda Doğu Türkistan Kazak Türkleri ve Büyük Türkeli 1985/86.

[968] Türkdoğan, *Salihli'deki Türkistan Göçmenlerinin Yerleşmeleri*, s.20.

[969] 1990 йилгача ана шу ном билан қуйидаги китоблар босилган: 1. Hürriyet Uğrunda Doğu Türkistan Kazak Türkleri. 2. Büyük Türkçü Mağcan Cumabayoğlu. 3. Abilayhan Destanı. 4. Alaş, Türkistan Türklerinin Milli Parolası. 5 Kazak Türklerinin İstanbul`daki Yeni Kenti ve Bazı Gerçekler. 6. Doğu Türkistan Tarihinde Bazı Meseleler ve İthamlara Cevaplar. 7. Göçten Sonra. Бу мавзуда тўлиқроқ маълумот учун қаранг: Büyük Türkeli 1985/86.

“Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатига боғлиқ баъзи воқеалар” номли китобида икинчи жаҳон уруши давридаги айрим ҳодисалар қаламга олинганди. Бўлиб ўтган воқеалар тасвири ва шарҳида Вали Қаюмхон, у бошлиқ МТБК қаттиқ танқид қилинганди, жумладан, шу фикрлар билдирилганди:

> “Совет Русияси ҳукумати фуқаролари ҳисобланган туркистонликларни ҳарбий таълим олмаган катта-катта гуруҳлар ҳолида жанг майдонларига тўкиб ташларкан, ўз вазиятини миллий тушунчаларига зид деб билган ёшлар тўда-тўда ҳолда қарши томонга ўтиб кетди. Ана шундан кейин туркистонлик ёшлар қарши тарафда туриб урушмоқ мажбуриятида қолди. Бир тараф уларни мажбуран ҳарбий хизматга олиб, жангга йўлларкан, кейинчалик, улар ўз истагига кўра қўшилган бошқа тараф ҳам бу ёшларнинг эътиқод ва миллий тушунчаларига зид муносабат кўрсатди...
>
> Бу ҳодисалар Туркистон ёшларининг ўз миллий ғоясига на қадар теран туйғу билан боғлиқ эканлигини ва бу йўлда ўз ҳаётини жон-жон деб фидо қилишга тайёрлигини кўрсатиб турибди. Кимлардир ёшларимизнинг бу самимий туйғу ва тушунчаларидан ўзларининг тубан манфаатлари йўлида фойдаланаркан, бунинг масъулияти, жавобгарлиги ҳам ўша алдамчиларнинг бўйнидадир.
>
> ...Уруш оқибати аёнлашгач, умидлари пучга чиққан Туркистон жангчилари, ҳеч қурса душман қўлига асир тушмаслик йўлини ахтараркан, уларнинг катта бир қисмини ғарб жабҳасига қайтариш имкони туғилди. Овора жангчилар кўнглида ҳам маданиятли ғарбнинг инсонпарвар, ахлоқий жамиятлари соясида жонларини сақлаб қолиш умиди учқунланди, бироқ яна умидлари пучга чиқди. Чунки улар худди қўй подасидай совет ҳукумати жаллодларига топширилди...
>
> Ўша туркистонлик ҳарбийларнинг иккинчи жаҳон уруши даврида бошига тушган энг қаттиқ зарба, ҳеч шубҳасиз, Мустафо Чўқайўғлининг ўлими ҳодисаси билан боғлиқдир... Ана шу бевақт келган ўлим катта меҳнат билан тикланган бир неча ғоявий тиргакларимизнинг йиқилишига, аллақанча гап-сўзу ғавғоларга сабаб бўлди...
>
> Юқоридаги қайдлардан кўриниб турибдики, туркистонликлар учун ниҳоятда бесамар тарзда якунланган иккинчи жаҳон уруши ҳодисаларига ҳар томонлама баҳо бериш керак ва бу жуда ҳам муҳим. Афсуски, орадан шунча йиллар ўтганига қарамасдан, биз бу йўналишда бирор иш қила олмадик. Балки урушга тўла баҳо бериш, ҳисоб-китоб қилиш Туркистон аҳли учун ҳеч қачон мумкин бўлмас. Чунки бу борада алдамчилик, тарафкашлик, ўринсиз эҳтиросга берилиш ва яна бошқа кўпгина сабабу ғовлар бор.”[970]

Юқорида айтилган сўзлардан кейин Тоҳир Чиғатой Мустафо Чўқайўғлининг ўлими хусусида фикр юритиб, совет тарғиботчиларининг

[970] Çağatay, *Türkistan Kurtuluş Hareketi ile İlgili Olaylardan Sahneler*, s.6

бу ҳодисага оид бир иддаосини далил сифатида ўртага қўймоқда.[971] Кўп йиллар давомида Эрон, Афғонистон ва Покистонда, туркистонликлар орасида совет жосуси бўлиб ишлаган Маҳмуд Ойқорли, совет давлатига қайтганидан кейин, Мустафо Чўқайўғлининг тиф касаллигидан вафот этмагани, балки заҳарлаб ўлдирилгани ҳақидаги иддаосини эълон қилганди.[972] Совет тарғиботчилари бу ёлғон иддаодан Вали Қаюмхонга ва у бошлиқ МБКга қарши ғоявий курашда фойдаланмоқда эди. Тоҳир Чиғатойнинг бу тарғибот маҳсулини, худди ҳақиқат каби манба ўлароқ китобида келтириши Туркияда ва Олмонияда яшаётган туркистонликлар ўртасида жиддий норозлик уйғотди. Зиёвуддин Бобоқурбоннинг Туркистонлик ёшлар номидан ёзган раддиясида, жумладан, шу фикрлар билдирилган:

> “Совет мустамлакачилик сиёсати тактик мақсадларидан бири Туркистон миллий истиқлоли йўлида жонини қалқон қилиб хизмат этаётган кишиларни ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам йўқотиш, жабҳаларини синдириш, уларни ёмонлашдан ибратдир. Тоҳир Чиғатой буни жуда яхши билгани ҳолда...
>
> Иккинчи жаҳон уруши даврида олмон қўшинлари сафида, ўз миллий байроқлари остида рус мустамлакачилигига қарши курашган Туркистон қўшини ва у туфайли майдонга келган Миллий Туркистон бирлик комитетининг шарафларга тўла кураш тарихида унинг номи йўқлиги боис туғилган кин ва ғараз туфайли;
>
> Миллий Туркистон бирлик комитетининг раиси Вали Қаюмхоннинг Нюренберг қамоқхонасида ётган бир пайтда, қаҳрамон ва мужоҳид Туркистон фарзандларининг фалокатлардан қутулиши йўлида ҳеч бир ҳаракат қилмаганининг жавобгарлигидан холис бўлиш учун марҳум Мустафобек Чўқайўғлининг ўлими ҳақида... тиббий ва расмий васиқаларга асосланмаган бир туҳматни ёзиш натижасида душманнинг туркистонликларни парчалаш сиёсатига восита бўлган... Туркистон ёшлари ўлароқ биз бу рисолани лаънатлаймиз.”[973]

Бу ҳодисалар боис хориждаги туркистонликлар муҳити анчагина чайқалди. Бу баҳсларни изчил кузатаётган, бундан фойдаланган совет тарғиботчилари яна оловга ёғ қуйишди. “Мюнхендаги Вали Қаюмхоннинг собиқ ёвари Султон қорининг мактуби” дейилган варақани муҳожир туркистонликлар орасида тарқатилди. Унда Мустафо Чўқайўғлининг ўлимига оид ўша иддаолар такрорланган, шу билан бирга, Вали Қаюмхонни йиқишга қаратилган турли янги иддаолар ҳам келтирилганди.

Тоҳир Чиғатойдек жиддий бир олим одамнинг ана шу аслсиз иддаолардан китобида фойдалангани кейинги узун йиллар давомида Вали

---

[971] Чиғатой, юқоридаги китоб, 16 б.

[972] Бу мавзу китобимизнинг “Девлар жангидаги пиёдалар” бўлимида тадқиқ этилганди; қаранг: Мустафо Чўқай ўғлининг вафоти”.

[973] Зиёвуддин Бобоқурбон томонидан ёзилиб, бостирилган варақа (А. Андижон архиви).

Қаюмхон мухолифларига ҳам дастак сифатида хизмат қилди. У иддаоларнинг ёлғон экани хусусидаги шоҳидларнинг фикрлари ва хотиралари комитет тарафидан “Миллий Туркистон” мажмуасида эълон қилинган бўлса ҳам, мавзу билан таниш бўлмаган кўпчилик оммада Қаюмхонга нисбатан туғилган манфий тасаввур ғуборини кеткиза олмади.[974] Бу ҳодисалар натижасида, Тоҳир Чиғатой туфайли ТМБга нисбатан омманинг эътибори ва аъзолари ҳам озайди, фаолияти ҳам чегараланиб қолди.



ТМБнинг сўнгги вакиллари: Тоҳир Чиғатой, Абдулваҳоб Ўқтой, рафиқалари Саодат Чиғатой ва Саида Ўқтой билан биргаликда. Истанбул, 1976 й. феврал ойи. (А. Андижон архиви)

Бу жараёнда Истанбулдаги Туркистонликлар ёрдам тернағи марказий ташкилот сифатида ўз фаолиятини изчил давом эттиришга интилди. 1966 йил 20 декабрда совет ҳукумати бош вазири Косигин Туркияни расмий равишда зиёрат этди. Косигинга ва совет ҳукуматига қарши раддия билдириш учун Истанбул ва Аданадаги юзларча туркистонликлар Анқарага йўл олишди. Туркия ҳукумати советлар билан алоқани бузмаслик мақсадида туркистонлик муҳожирларнинг расмий раддия билдиришига изн бермади.

Тернақнинг 1967 йилдаги сайловида доктор Аҳмад Наим Ўктам раҳбарликка сайланди. Ўктам ТМБнинг эски аъзоларидан бири бўлиб, айни замонда “Турк кўчманлар ва мултажийлар федерацияси” бошлиғи

[974] Kantemir, *Mustafa Çokay Hakkında Hatıralar*. Milli Türkistan (1963) sayı 99: s. 23

сифатида ҳам иш юритмоқда эди. Бу федерация Туркияда демократик партия ҳукуматни эгаллаганидан кейин бу ўлкада тузилган бир неча муҳожир туркларнинг тернақларининг бирлашган марказий ташкилоти ҳисобланарди. Бу сиёсий ўзгаришлар Туркия ҳукумати томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда, мамлакатга кўчиб келган муҳожир туркларнинг барча ташкилот ва уюшмаларини битта марказдан бошқарилишида хизмат қилмоқда эди. У 1954 йилда тузилганди, барча ишларини Истанбулдаги Чағалўғли мавзесида ажратилган биносида олиб борарди. Федерация тузилган илк қурултойда раҳбарликка сайланган Аҳмад Наим Ўктам 1970 йилгача ўз вазифасини муваффақият билан бажарди. Федерация 1966 йилдан "Турк дунёси" журналини (мажмуа аввалдан чиқарилаётганди) ўз номидан нашр этишга киришди. Ўктамнинг иккала ташкилотда ҳам раислик пайтида Туркистонликлар ёрдам тернағи ҳам федерация биносида, унинг қаноти остида иш юритди.

1971 йил 7 декабрда ўтказилган сайловда доктор Солиҳ Эринқўл тернақ раҳбарлигига сайланди. Бу пайтга келиб федерация ва тернақ ўртасида зиддият пайдо бўлган, шу сабабли федерация биносини бўшатиш мажбурияти туғилганди. Туркистонликлар ёрдам тернағи аввалдан туркистонлик талабалар ётоқхона сифатида фойдаланаётган қадимги Бухоро такясига кўчирилди. Бир пайтлар Туристон турк ёшлар уюшмаси қурилган ва иш олиб борган бу бино, ўша замондаги ҳукумат раҳбари Мустафо Камол Отатурк имзолаган қарорга кўра, муҳожир талабалар учун ажратилганди. Олдинги даврда Турк Ўчоқлари ташкилоти мулки ҳисобланган бу бино кейинчалик Вақфлар идорасига ўтказилганди. 1960 йиллардаги бир ёнғин туфайли уст қаватлар ва том анчагина зарар кўрган, хароб ҳолатда эди. Пастки қаватлар турли вилоятлардан Истанбулга келган туркистонлик талабаларга ётоқхона сифатида хизмат қилаётганди. Солиҳ Эркинқўлнинг ташаббуси билан бино жиддий таъмирланди ва тўлалигича фойдаланиладиган ҳолга келтирилди.

1974 йилда доктор Солиҳ Эркинқўлнинг вафоти сабабли тернақда сайлов ўтказилди ва доктор Ҳакимжон Қайнар раисликка сайланди. Ўша йилларда тернақда фолклор йўналишидаги ишлар анчагина авж олди, бунда ўзи ҳам ҳаваскор фолклорчи бўлган Қайнарнинг хизмати диққатга сазовордир. Унинг раҳбарлигида туркистонликларнинг бир фолклор дастаси ҳам тузилди, омма орасида маданий фаолият олиб борди.

Бу даврда эсда қоладиган иш, бизнингча, тернақ раҳбариятининг ҳам қўллаб-қувватлаши натижасида Зиёвуддин Бобоқурбон томонидан "Ҳур Туркистон учун" номидаги ойлик газетанинг чиқарилишидир. 1975 йилдан нашри бошланган газетанинг илк сонидаги "Газета нима учун чиқарилмоқда" номли бош мақолада унинг мақсади шундай ифодаланган:

> "Йиллардир кутдик. Туркияда Туркистон масаласини майдонга қўядиган нашрга эҳтиёж борми-йўқми, дея ўйландик. Кейинги пайтда

ана шу эҳтиёжнинг ортганини ҳис этдик... Газетамиз Туркистон истиқлоли ғояси хизматидаги на илк, на сўнги нашр... Биз бўлинмас, ягона Туркистон ғояси хизматидамиз."[975]

Тўрт саҳифали газетада турли хабарлар, хотиралар, фан ва маданият мавзусидаги турли мақолалар босилган. Афсуски, нашр изчил давом этмаган, 12 та сонидан сўнгра фаолиятини тўхтатган. Охирги сонидаги хайрлашув мақоласида шундай дейилган:

"Бугунларга қадар имконимиз етганича хизмат қилишга интилдик. Бироқ бугунги вазият тақозосига кўра, ҳозирча нашримизни тўхтатишга мажбур эканимизни, ўзимиз ҳам истамаган ҳолда, билдирмоқчимиз... Келажакда янада қувватли бўлиб ва бир-биримизни янада яхши тушунган тарзда бир даврада кўришиш умидида сизлар билан хайрлашамиз."[976]

1970 йиллар Туркияда анархия ва террор бошланган давридир. Бошбошдоқлик кучайган бир муҳитда умумга фойдали иш қилиш ниҳоятда қийин. Шу боис 1975 йиллардан кейин тернақ ишини юритиш имкони ҳам қолмади. 1980 йил 12 сентябрдаги давлат тўнтаришидан кейин Туркиядаги бошқа тернақлар қатори Туркистонликлар ёрдам тернағи ҳам ёпилди. Ана шу тарзда, 1954 йилдан бери Туркиядаги туркистонликларнинг миллий ва маданий эҳтиёжларига хизмат қилаётган ягона ташкилот ўз фаолиятини тўхтатди.

ШАРҚ ЎЛКАЛАРИДАГИ ҲОДИСАЛАР

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнгра Осиёдаги сиёсий мувозанат кескин ўзгарди. Уруш давом этаётган бир пайтда, 1942 йилда Англия ҳукумати Ҳиндистонга мустақиллик беришини эълон қилди. Жаҳон уруши битгач, мустамлакачи инглизларнинг Ҳиндистонни тарк этиши оқибатида чегаралар янгидан чизилди. Натижада 1947 йилда Ҳиндистон ва Покистон республикалари қурилди. Бошқа бир томонда эса, Япўниянинг таслим эканлиги билдирилганидан кейинок, уларнинг ҳукмронлигидан қутулган Чинда Мао Цзу Дунг раҳбарлигидаги коммунистлар ва Чан Қай Ше бошчилигидаги хитой миллатпарварлари ўртасида ички уруш бошланди. Бир неча йил урушгач, устунликни қўлга киритган коммунистлар 1949 йилнинг 1 октябрида Хитой халқ республикаси тузилганини эълон қилдилар. Ана шу йилларда Шарқий Туркистонда мустамлакачи хитойларга қарши янгидан бошланган миллий озодлик ҳаракати ҳам, республика тузган чинликлар томонидан бостирилди. Мустақил Шарқий Туркистон ҳукумати махв этилди. Ана шу жараён оқибатида Шарқий Туркистондан мажбуран хижрат қилганлар

[975] *Hür Türkistan İçin*, sayı 1.
[976] *Hür Türkistan İçin*, sayı 12

оқими Ҳиндистон ва Покистон орқали ташқи дунёга йўналди. Покистон мустақил мусулмон мамлакати бўлгани учун ўтмишда инглизлар мустамлакаси Ҳиндистонга ўтиши таъқиқланган қўрбошилар эндиликда Афғонистондан чиқиш ва Покистон орқали бошқа матлуб ўлкаларга кетиш имконига эришдилар. Уруш тугаган йилларда Афғонистон ҳукумати 1942 йилда қамоқларга тиқилган туркистонликлардан соғ қолганларини озод этди. Ана шундан кейин Шермуҳаммад бек ва Мубашширхон Тарозий ҳамда "Ла марказияйи ҳукумати Туркистон" ташкилотининг эски раҳбарлари ҳам 1950 йилларда Афғонистондан чет элларга кетаётган карвонларга қўшилишди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Афғонистондаги туркистонликлар орасида ҳам жиддий жонланиш сезилди. Зотан 1950 йилда Туркия ҳукуматини бошқараётган демократик партия ўтказган ислоҳотлар натижасида мамлакат хорижидаги туркий халқларнинг бу ўлкага эркин келиб ўрнашиши мумкинлиги хусусида қарор чиқарилганди. Ана шунга кўра, Афғонистондаги золимона муҳитда эзилган туркисонликларнинг бир қисми Туркияга кўчиб боришга изн истаб мурожаат этишди. Икки йилга чўзилган ташкилий ишлар натижасида иккита катта муҳожирлар карвони Покистон орқали Туркияга кўчиб борди. Худди шу тарзда иккинчи бир катта туркистонликлар карвони Саудия Арабистонига ва бошқа араб давлатларига кўчиб боришди. 1955 йилларда эса, Ҳиндистонга ва Покистонга ўтган Шарқий Туркистон муҳожирлари Туркияга қараб йўл олишди.

Покистоннинг Қарачи шаҳрига ўрнашган туркистонлик муҳожирлар 1948 йилда ўзаро тўпланишиб, мавлоно Саид Қосим Андижоний раҳбарлигида бир ташкилот тузишди. Уни "Туркистон турк муҳожирлар бирлиги" деб аташди. Бу ташкилот чиқарган бир рисоладан маълум бўлишича, улар Қарачидан бошқа ўлкаларга кетган туркистонликларга ёрдам бериш, фақирларни қўллаб-қувватлаш каби ишлар қаторида, советларнинг ёлғончи нашрларига муносабат билдириш, Туркистон масаласига оид анжуманлар ва конференциялар ўтказиш каби фаолиятлар билан ҳам шуғулланганлар. Бундан ташқари, бу жамият "Туркистон турк муҳожирлари илм маркази"ни ҳам тузиб, бу марказда туркистонликлар эҳтиёжини қондирадиган маданий ва маорифий ишлар олиб боришган.

1949 йилда Қарачидаги бу жамият раҳбари этиб Туркистон босмачилик ҳаракатининг атоқли бошлиқларидан бири ҳожи Парпи (Ўзган) сайланди. Жамият раҳбарларидан бири бўлган Аъзам Ҳошимий ташаббуси билан 1951 йилнинг январидан эътиборан "Таржимони афкор" номли ойлик мажмуа чиқарила бошланди. Бу журнал муҳожир туркистонликларнинг Деҳлидаги "Анжумани иттиҳоди муҳожирин" деб аталган ташкилоти тарафидан 1938 йилдан нашр этилган ва уруш туфайли 11-сонида тўхтаб қолган "Таржимон" мажмуасининг давоми

ҳисобланган. “Таржимон” мажмуасининг ноширн ҳам Аъзам Ҳошимий эди. “Таржимони афкор” турк ва урду тилларида чоп қилинган. Нашрда Туркистон ва муҳожиротдаги туркистонликлар, ислом дини мавзусидаги мақолалар, хабарлар босилган. Бошида ойлик журнал сифатида, кейинчалик эса, уч ойда бир чоп этилган. 1960 йилгача нашри давом этган бу мажмуанинг неча сони чиққани маълум эмас. Аммо шу нарса маълумки, “Таржимони афкор” миллий ғояга борлиғи билан берилган Аъзам Ҳошимий ўлгунига қадар чиқиб турди, сўнгра эса, тарихда унинг маънавий ҳайкалига айланиб қолди.



“Туркистон турк муҳожирлар уюшмаси”нинг Қарачида, Мустафо Чўқай хотирасига бағишланган анжуманда қатнашган муҳожир туркистонликлардан бир гуруҳи. Иккинчи қаторнинг (сўлдан) бошида ўтирган қалпоқли ва соқолли одам Аъзам Ҳошимий. Расмдаги гуруҳ ортида кўринаётган, деворга осилган миллий Туркистон байроғи, Туркия ва Покистон байроқлари диққатга сазовордир. (Аҳат Андижон архиви)

Афғонистондан ўтаётган туркистонлик муҳожирларнинг сони озая боргани ва Покистондан хорижга кетаётганлар орта бошлагач, бу ўлкадаги туркистонликларнинг гуруҳи камайиб, таъсир кучини йўқотди. Қарачи шаҳридаги дамият Ҳайбатилла эшон бошчилигида 1964 йилгача фаолиятини юритди. Пешовардаги жамият эса, ундан кейин узоқ йиллар

ишлаб турди, фақат фаолияти шу вилоятдаги туркистонликлар билан чекланиб қолди.



Аъзам Ҳошимий томонидан чиқарилган “Таржимони афкор” мажмуасининг муқоваси.

СОВЕТ АЙҒОҚЧИСИНИНГ ОХИРГИ ИШЛАРИ

1948 йилда афғон қамоқхоналаридан озод қилинганлар орасида Маҳмуд Ойқорли ҳам бор эди. Совет КГБси Ойқорлини ўз вақтида осонгина Афғонистон қамоғидан чиқара олиш мумкин эди, бироқ буни бажармади ва унинг етти йил ҳибсда ётишига кўз юмди. Аслида, бу иш ортида, ана, агарда Ойқорли совет жосуси бўлсайди, советлар уни бунақа хор қилиб ташлаб қўймасди, демакки, у айғоқчи эмас, деган ффикрни оммага сингдириш мақсади яширинганди. Бу ҳол Маҳмуд Ойқорли ҳақидаги шубҳалару гап-сўзларнинг унутилишига замин ҳозирлади. Советларнинг бу минтақада энг узоқ вақт иш юритган ва энг кўп муваффақият қозонган нодир жосуси бўлган Ойқорли, ҳақиқатан ҳам, бу ўлкада сувда сузган баликдай осон ва силлиқ иш юритган, эндиликда эса, озодликка чиқибоқ, дарҳол эски танишлари билан муносабатга кириша бошлаганди. Жумладан, у Абдулваҳоб Ўқтойга ёзган хатида шундай дейди:

> “Мен етти йиллик қамоқ муддатининг беш илини ҳужрада ўтказдим. Ёмон касал бўлдим. Айни пайтда доктор Халил Гурун бей мени даволаяпти... Менинг Туркияга борганим яхшими ё бу ерда қолганимми? Бу энди сизларга боғлиқ. Аммо бу ерда сиёсий фаолиятлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу ерда албатта бир киши бўлиши керак...”[977]

Қамоқдан чиққанидан кейин, “ЁшТуркистон” гуруҳининг атоқли вакили доктор Абдулваҳоб Ўқтойга юборилган Ойқорлининг бу илк хатидан маълум бўлмоқдаки, совет махсус хизмати ўз жосусининг шу ўлкада қолишини истамоқда. Доктор Халил Гурун Афғонистондан Туркияга кўчишни истаган туркистонликлар билан бу ердаги турк элчихонаси ўртасида муносабат ўрнатилишида ёрдам берган туркиялик шифокордир. Доктор билан апоқ-чапоқ бўлиб олган Ойқорли унинг воситасида Туркия элчихонаси билан муносабатни тиклашга киришган эди. Элчига ариза ёзиб, Туркия фуқаролиги хужжатини янгилашни сўраганди. Бироқ Туркия Ташқи ишлар вазирлиги бу хусусда қатъий қарорга борганди. Яъни, унинг Ўқтойга юборган иккинчи мактубидан аризасидаги истагига манфий жавоб олгани билиниб турибди:

> “Масаланинг қандай ҳал этилиши, менинг бу ерда қолиб-қолмаслигим ҳам Туркия элчисининг таврига боғлиқдир. Мени бу ерда яна тутиб қамашлари осон... Туркия Ташқи ишлар вазирлигидан келган мактуб ва элчихонанинг унга муносабати хусусида сизга бошқа алоҳида хат

[977] Маҳмуд Ойқорлининг 1949 йил 5 мартда Абдулваҳоб Ўқтойга юборган хатидан (А. Андижон архиви).

ёзаман... Мени таниган икки-уч эътиборли шахс кафолат берса, Туркия Ички ишлар вазирлиги менга нуфус қоғози[978] юбориши мумкин бўларди.”[979]

Аммо ҳаёт Ойқорли истаганидай давом этмади. Ниҳоят, Афғонистонда қолиши имконсизлигини англаган Ойқорли 1950 йил январ ойида Покистондаги туркистонлик муҳожирлар ўрнашган энг муҳим марказ ҳисобланган Пешовар шаҳрига етиб борди. Фаолиятга киришиб кетди.

Урушдан олдинги даврда бўлгани каби кейинги йилларда ҳам Пешовар туркистонлик муҳожирлар учун энг мақбул паноҳ бўлиб қолганди. Урушдан кейинги кўчишлар оқибатида гавжум бир соҳил шаҳри саналадиган Қарачи ҳам Пешовар каби туркистонлик муҳожирлар кўп йиғиладиган жойга айланганди. Пешовардаги “Туркистон муҳожирлар бирлиги” урушдан сўнгра яна фаолиятга киришганди. ТМБнинг собиқ раиси Усмон Хўжа урушдан кейин Покистонга ўтиб, Пешоварга жойлашганди. Туркистон босмачилик ҳаракатининг энг атоқли вакили Шермуҳаммад бек ва унинг укаси ҳам, қамоқдан чиққанидан кейин Афғонистонни тарк айлаб, Пешоварга келишганди. Бундан ташқари, Бухоро амирининг болалари, урушдан олдинги даврда Афғонистонда олиб борилган Туркистон миллий озодлик ҳаракатининг баъзи йўлбошчилари ва Шарқий Туркистон озодлик курашинингайрим раҳбарлари ҳам шу шаҳарга келиб жойлашганди. Ана шу сабаблар туфайли Пешовар жосус Ойқорли учун энг иш қайнаган шаҳар ҳисобланарди. Ойқорли эндиликда хорижий дунёдаги туркистонлик раҳбарлар билан, хусусан Олмониядаги Миллий Туркистон Бирлик ҳаракати ва Туркэли ҳаракати билан муносабат ўрнатиш пайида эди.

Маҳмуд Ойқорлининг Туркиядаги ТМБ аъзолари Тоҳир Чиғатой ва Абдулваҳоб Ўқтойга ёзган хатлари ва уларнинг жавоб мактубларидан англашилганига кўра, у 1952 йилдан ТМБчилар томонидан чиқарилган журнал ва рисолалар нашрида қатнашган. Айни йилнинг декабрида Маҳмуд Ойқорли “Овора” тахаллуси билан хорижда Туркистон учун қандай курашиш кераклиги мавзусида каттагина мақола ёзиб, уни туркли ўлкаларда яшаётган туркистонликларнинг танилган одамларига юборган. 1953 йилда МТБК вакили сифатида Покистонга келган доктор Боймирза Ҳайит билан танишган, унинг ишончини қозонган ва натижада МТБКнинг Покистондаги вакилига айланган. Ана шу тарзда бу ҳақиқий совет жосуси яна бир бор бу минтақадаги сиёсий ҳаракатнинг марказида муҳим нуқтани эгаллаган, ўзининг муваффақиятли фаолиятини давом эттирган.

[978] Нуфус қоғози – Туркия фуқароларига бериладиган, ўлка ичида паспорт ўрнида ишлатиладиган ҳужжат (тарж.).
[979] Маҳмуд Ойқорлининг 1949 йил 2 апрелда Абдулваҳоб Ўқтойга юборган хатидан (А. Андижон архиви).

Доктор Боймирза Ҳайит Ойқорлининг ўша йилларда нашр этилаётган “Миллий Туркистон” журналига ўз ёзувларини юборганини ва минтақадаги ҳодисалардан хабардор қилиб турганини таъкидлайди. Кейинги йилларда Маҳмуд Ойқорли олдинига Туркияга, кейинчалик Олмонияга бориш учун жон-жаҳди билан тиришди. Боймирза Ҳайитнинг эслашича, Ойқорли 1955 йилнинг ўрталарида Туркияга бориш учун оиласи билан бирга йўлга чиққан. Бироқ Эронга кириши биланоқ, йўлдан қайтиб, фикрини ўзгартириб, совет мамлакатига ўтиб кетган. Нима учун фикрини ўзгартиргани номаълум.

Шундай қилиб, 1931 йилда советлар махсус хизмати томонидан Эронда Маҳмуд Ойқорли воситасида бошланган, узоқ йиллар давом этган жосуслик фаолияти 1955 йилга келиб яна Эронда якунланди. Ойқорли совет мамлакатига ўтганидан кейин унинг ишлари хусусида китоб ёзилди, “Махсус топшириқ” деб аталган ана шу китобда у ўз мақсадини шундай ифодалаган:

> “Вазифам Садриддинхон ёнига жойлашиб олиб, туркистонликлар ва уларнинг раҳбарлари орасига нифоқ солишдан иборат эди. Тажрибали душман мени у ерда кутмаганди. Мен ўшанда йигирма тўрт ёш баҳорини яшаётган бир ёш йигит эдим...”[980]

Ойқорли ҳақиқатан ҳам вазифасини аъло даражада бажарган, йигирма тўрт бўйича нифоқ уруғларини сепган, юзларча туркистонликнинг ўлимига сабаб бўлган. Совет Иттифоқига қайтганидан кейин у Маҳмуджон Содиқов қифатида КГБнинг Ўрта Осиё бўлимида юқори лавозимда ишлаган. Улуғ ватан урушининг йигирма йиллиги муносабати билан унга Ленин ордени берилган. Ўшандан кейин ҳам у радиодаги ва матбуотдаги чиқишлари воситасида хориждаги туркистонликларга қарши ёлғон ташвиқот ва туҳмат ёғдириш шаклида тарғибот ишларини давом эттирган.

ЎРТА ШАРҚ ЎЛКАЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТЛАР

Совуқ уруш даври бошланар экан, араб ўлкаларига бориб яшаётган туркистонлик муҳожирлар фаолиятида ҳам сезиларли силжиш сезила бошланди. 1950 йилда Тоифда туркистонлик оилаларнинг болалари ўзликларини унутмасликлари учун таълим бериладиган илк мактаб очилди. Бу Туркистон муҳожирларининг маориф соҳасидаги илк диққатга сазовор иши эди.

Диндор ва миллатпарвар инсон Порсо ҳожининг ташаббуси билан қурилган мактабнинг биринчи қаватида 6-14 ёш орасидаги 60 тача ўғил

[980] Борис Пармузин. “Махсус топшириқ”, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт нашриёти, Тошкент 1976 й., 74 б.

болалар, устки қаватда эса, 30 тача қиз болалар ўқитила бошланди. Болаларга Туркистон ва турк тарихидан дарслар берилган, она тиллари ўргатилган бу мактаб 1952 йилдан миллий Туркистон мактаби деб атала бошланди.[981] Бу йилларда Иорданиянинг пойтахти Аммон шаҳрида "Туркистон жамияти хайрия" ташкилоти, Суриянинг пойтахти Шом шаҳрида ҳам "Туркистон ёрдам жамияти" каби туркистонликлар томонидан тузилган ташкилотлар иш олиб бормоқда эди. Миср бошкенти Қоҳирада ҳам "Мусулмон халқларни қутқариш жамияти" коммунист-мустамлакачи давлатларга қарам бўлиб қолган ислом динидаги миллатлар озодлиги учун фаолият юритмоқда, унинг раҳбари

Мубашширхон Тарозий* эди. У Афғонистондаги маҳкумлик муддати тугагач, у ўлкани тарк этиб, Покистон орқали Мисрга келиб жойлашганди. Саудия Арабистони давлатида муҳожирларнинг тернақ ёки турли ташкилот тузишларига расман рухсат берилмасди. Шу боис бу ердаги туркистонликлар айни соҳадаги ишларини яширин юритишга мажбур эди.

1949 йилдан эътиборан янгидан нашри йўлга қўйилган "Миллий Туркистон" мажмуаси ва унинг ноширн Миллий Туркистон Бирлик комитети фаолиятлари натижасида араб ўлкаларида яшаётган туркистонлик муҳожирлар онгига жиддий таъсир қилди, улар орасида миллий ҳаракатнинг шаклланишига йўл очди. Комитет раиси ўринбосари доктор Боймирза Ҳайит араб давлатлари пойтахтлари зиёрати ва у ерлардаги туркистонликлар билан учрашувлар ўтказиш пайтида МТБКнинг Шом ва Аммо бўлимларини очди; бўлимлар очиш имконсиз жойларда эса вакиллар тайинланди. Хатто расмий ташкилот тузилмаган Саудия Арабистонида ҳам Боймирза Ҳайитнинг учрашувлари жуда гавжум ўтди, омма уни ҳаяжон билан кутиб олди.

Ўша йилларда Мисрдаги вазият муҳожирларнинг сиёсий ва маданий иш юритишига, фаолиятнинг маркази бўлишга мос ўлка ҳисобланарди. Бу ерда 1953 йилда Қашқардан келган Иброҳим Восил томонидан "Савт ал Туркистон" ("Туркистон овози") номли ойлик журнал чиқарила бошланди. Мажмуа араб тилида бўлиб, ёзув ишлари мудирлигини Садриддин ал Вакилий бажарган. Журнал муқовасига Хитойдан Хазар денгизигача чўзилган, чегаралари айрилмаган бир бутун Улуғ Туркистон харитаси, унинг остига эса, қўллари кишанланган, Қуръон ўқиши таъқиқланган туркистонлик бир йигит расми қўйилган эди. Илк сондаги муқова орқасида Мустафо Чўқайнинг сурати ҳам босилган. Мажмуада Шарқий Туркистон жумҳурияти ва у ўлкадаги миллий истиқлол ҳаракатлари, Ғарбий Туркистон хусусидаги мақолалар

[981] "Миллий Туркистон" журнали, №82, 28 б.


*Тароз – бугунги Қозоғистондаги Жамбул шаҳри . Советлар уни Жамбул деб аташган; уламо Мубашширхон Туркистоннинг озод пайтидаги бир шаҳри номини яшатиш мақсадида ўзига Тарозий тахаллусини олган деб ўйлаймиз (тарж.).

ва хабарлар бериб борилган. Афсуски, бу мажмунинг ўнта сони чиққан холос. Миср ҳукумати ўлкадаги туркистонлик муҳожирлар мурожаатига кўра, 1954 йилда араб алифбосида, Туркистон туркчасида журнал чиқаришга рухсат берганидан кейин, “Озод Туркистон” номли мажалла чоп қилина бошланди. Муҳаммад Амин Исломий томонидан нашри амалга оширилган бу журналда хабарлар ва турли мақолалар қаторида Туркистон такяси шайхи Юнус афанди, Мубашширхон Тарозий каби таниқли диний раҳнамоларнинг ёзувлари ҳам босилган. Мажалла сиёсий, диний, адабий ва хабарлар ўлароқ тшртта бўлимдан шакллантирилган. Уч йил давомида босилиб турган.

1950 йилларда Мисрда мингтача туркистонлик муҳожир яшарди. Саудия Арабистонида эса улар сони бир неча юз минг эди. Мисрдаги муҳожирларнинг бир қисми савдогарлик билан шуғулланарди, бир қисми эса Ал-азҳар каби дорилфунунларда ўқирди. Аммо шунчалар оз сонли бўлганига қармасдан, уларнинг фаол тарзда ижтимоий-маданий ишларни бажаргани диққатга сазовордир.

1957 йилда Вали Қаюмхон Саудия Арабистонини зиёрат этганидан сўнгра ўлкада ўнта туркистонлик муҳожир ҳибсга отилди. Бу ҳодиса бир неча юз минг туркистонлик муҳожир яшаётган бу ўлкада сиёсий фаолият юритишга қаттиқ зарба берди.[982] Олиб борилган сўроқ ва суриштирувлар натижасида қўлга олинганларнинг тузумга қарши ҳеч бир иш қилмагани аниқлангач, улар қамоқдан бўшатилган. Бироқ бу ҳодиса ўлкадаги муҳожирларга қаттиқ таъсир қилган. Бундан кейин улар бутун хорижий ўлукаларда юритилаётган Туркисон истиқлол ҳаракатига тўғридан-тўғри боғланишдан тортинишган, фақат моддий ёрдам кўрсатиш билан чекланишган.

[982] Китобимизнинг “Шарқ ўлкаларидаги ҳодисалар” бобига қаранг.



“Савт ал Туркистон” мажмуасининг муқоваси. Муқованинг уст қисимида Шарқий ва Ғарбий Туркистоннинг бир бутун ҳолида кўрсатилган харитаси бор.



آزاد

تورکستان

(ترکستان الحرة)

علمی ، دینی ، ادبی ، تاریخی ، اجتماعی ، توجیهی ، آیلیق مجله دور .

صاحبی وناشری : محمد امین اسلامی . ورئیس تحریری : محمد صادق افندی عاشور دور .

اهل فضل تورکستان لیق لر دین برنچه ذات لر هیئت تحریر اعضا لری دور

ییل (۱) محرم وصفر ۱۳۷٤ هجری . سبتمبر واوکتوبر ۱۹۵٤ برنجی سان

		صفحه
آزاد تورکستان چیقیشی مناسبتی بیله	اداره	۱
تورکستان تأریخی (باش سوز)	محمد امین اسلامی	۳
جلالتلو ملك سعود حضرتلرینه تحیه	» »	۵
اسلام نظر نیده استقلال	سماحتلوسید مبشر طرازی	۷
عائله ده خاتون	فوزیه خانیم نافذ	۸
دینی تأریخمیز نه اوچون هجری ؟	م . ا . اسلامی	۹
حدیث شریف قسمی (دینی بولوم)	فضیلتلوشیخ محمد یونس	۱۳
قوتاتقو بیلیك ومؤلفی یوسف خاص حاجب .	م . ا . اسلامی	۱٤
قورچاق حاجی لر .	» »	۱۷
ملی شعر واتالر سوزی وقسقه حکایه لر ادبیات بولومی	» »	۲۱
اخبار بولومی ـ اسلام دنیاسی وتورکستان خبر لری دین	اداره	۲٤
مصرده کی تأریخی اثر لر دین عمرو بن عاص جامعی	م.ا. اسلامی	۳۰
قایغولوق خبر (عیاض بگ اسحاق وفاتی)	اداره	۳۲
مصر ده تورکستان محله سی حالیدین	اداره	۳۳

“Озод Туркистон” мажалласининг муқоваси.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

М У С Т А Қ И Л Л И К С А Р И

“Боймирза Ҳайит ва Аҳат Андижон Туркистон аҳлининг арз-доди Москвадан нарига ўтмай турган пайтда бу халқнинг имдодини қитъалардан қитъаларга етказиб, аждодларимиз руҳини шод айладилар...”

(Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Тарғибот марказининг йиллик Чўлпон мукофоти берилиши ҳақидаги эълондан, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 20 март 1992 й.)

ТУРКИЯ, ЭРОН ВА АФҒОНИСТОН ҲУДУДИДАГИ ДАВЛАТ ТЎНТАРИШЛАРИ ВА БОШҚА ЎЗГАРИШЛАР

Иккинчи жаҳон уруши натижасида жаҳонда юзага келган сиёсий-ижтимоий вазият йигирманчи асрнинг сўнгги чорагида жуда катта миқёсда ўзгарди. 1970 йиллардан кейин шарқ ва ғарб сиёсий иттифоқлари орасидаги муносабат тобора кескинлашди. Советлар учинчи дунёда ўз таъсири ва мавқеини орттиришга интиларкан, АҚШнинг коммунизмга қарши кураш сиёсати ҳам янада кучайди. Совет мамлакати жанубидаги уч ўлка – Туркия, Эрон ва Афғонистон бу ўзгаришлардан энг кўп таъсирланган давлатлар ҳисобланарди. Мақсадлари ва сабаблари фарқли бўлишига қарамасдан, бу уч ўлканинг ҳар бирида ҳам ўзига хос сиёсий зиддият ва ички келишмовчиликлар мавжуд эди.

Туркия 1968 йилдан эътиборан мафкуравий майдонда олишаётган сўлчилар ва соғчилар жанжали туфайли сиёсий беқарор муҳитга айланганди. 70-йиллар бўйича тобора бошбошдоқлик кучайиб, ахири вазият ички уруш эшигига бориб қолганди.

Эронда аҳвол бундан ҳам ёмон эди, монархия топтаган халқнинг норозилиги учига чиққанди; 1925 йилдан бери ўлкани бошқарган Паҳлавий хонадонига қарши жуда катта мухолифат ҳаракати майдонни эгаллаганди. Бу юртдаги коммунистик партия тарафдорлари, шоҳ режими мухолифлари ва оятуллоҳчилар бир иттифоққа бирлашганди. 1973 йилда давлат тўнтариши қилган генерал довутхон учун ҳам хун тўлаш вақти яқинлаб қолганди.

Афғонистонда 1960 йиллардан бошлаб тобора кучайиб борган коммунист гуруҳлар учун ҳокимиятни муваққатан эгаллаш, бошқача қилиб айтганда, Керенский даврига эҳтиёж туғилганди. Ана шу мақсад йўлида Эронда тахтни эгаллаш учун от чоптираётган генерал Довудга мадад кўрсатилди. Саксонинчи йилларга келиб, бу гуруҳларда эндиликда ўлкани ўзлари идора қила олишларига том ишонч пайдо бўлганди.

Етмишинчи йиллар охирида вазият бутунлай ўзгарди, советлар иттифоқи жанубидаги уч мамлакат сиёсий зилзилалар сабабли тебрана бошлади. Илк ўзгариш Афғонистонда юз берди. 1978 йил апрел ойида генерал Абдулқодир қўллаб-қувватлаган коммунист гуруҳлар мавжуд афғон ҳукуматини ағдаришди ва Нурмуҳаммад Таракий раҳбарлигида Афғонистон демократик жумҳурияти эълон этилди. Бу янги даавлатни илк тан олган ўлка, шубҳасизки, советлар бўлди. Орадан бир йил ўтгач, Эрон шоҳи тахтини ва юртини мажбуран тарк этди. Бу тўнтаришнинг руҳоний раҳнамоси Оятуллоҳ Хумайний хориждан ўлкага кириб келаркан, Эрон ислом инқилобида қатнашган гуруҳлар орасида ўзаро жанглар бошланиб кетганди. Қисқа олишувлардан кейин коммунист

партияси Тудеҳ гуруҳлари Афғонистон пойтахти Кобилга, муросасоз гуруҳлар эса Франция ва бошқа Оврупо давлатларига қочди.

Занжирнинг охирги ҳалқаси Туркия эди; бу ўлкадаги ғавғолар юқоридаги икки мамлакатдагига нисбатан анча сокин кечди. 1980 йил 12 сентябрда Бош қўмондон Канон Эвран пошо ва яна беш генерал раҳбардигидаги ҳарбий давлат тўнтариши юз берди ва мамлакатда анчадан бери давом этаётган соғчи-сўлчи олишувларига чек қўйилди. Ҳарбийлар ҳукуматни эгаллагач, эски раҳбарлар билан ҳисоб-китоб амалга оширилди. Сўнгра ҳарбийлар ўз талабларига мувофиқ оммавий сиёсат ва вазиятни шакллантиришди.

Афғонистонда ҳукумат тепасига келган Таракий бошқарувда муваффақиятсизликка учрагач, совет давлати эндиликда бу ўлка ишларига бевосита аралашишга қарор берди. Совет қўшинлари Афҳонистонга киритилди. Аммо бир оз муддат ўтганидан кейин Брежнев ва унинг сафдошлари советларнинг ташқи ишлар тарихидаги энг расво қарорга имзо қўйганларининг фарқига боришди. Афғонистон советларнинг Веътнами бўлди. Афғонистон ботқоқлиги шундоғам оғир аҳволдаги совет иқтисодини бадтар ботирди. Орада Брежнев ўлди, унинг ўрнига тайинланган Черненко ва Андропов каби кекса, касалванд раҳбарлар ҳокимияти ҳам қисқа давом этди. Шундан сўнгра ҳукуматга раҳбарлик қилган Горбачев бир ҳақиқатни – совет давлати учинчи дунё ўлкалари, Шарқий Оврупо ва Афғонистондаги коммунист тузумларни қўллаб-қувватлашда давом этаверса, кўп нарса барбод бўлишини англаб қолди. Буни юксак мавқедаги ҳарбийлар ҳам билишарди, жумладан, совет атоқли ҳарбийларидан маршал Оргаковнинг айтишича, “Советлар қайтадан ташкил этилмаса, 2000 йилларга боргунга қадар жуда орқада қолиб кетади. Яъни, йигирма биринчи асрда советлар мамлакати ривожланмаган давлатлар ичидаги энг ривожланган ўлкага айланади.” Бу фикр советларнинг қандай аҳволда эканлигини очиқ кўрсатиб турарди.[983]

Горбачев совет ҳукумати раҳбарига айланганидан кейин, қисқа муддат ўтгач, унинг ташаббуси билан қайта қуриш ва ошкоралик сиёсати бошланди. Бу мамлкат миқёсида амалга оширишга мўлжалланган улкан лойиҳа эди. Унга кўра, коммунизм мафкурасидан бошлаб сиёсат, иқтисод ва жамиятнинг барча соҳаларида қайта қуриш олиб борилиши ва бу ошкора бажарилиши керак эди. Мақсад советлар мамлакати муҳитидаги нуқсонларни аниқлаш ва тузатиш эди. Яъни, ўтказиладиган ислоҳотлар натижасида совет давлати дунёнинг энг кучли ўлкасига айланиши, билим ва техника соҳасида ғарб давлатларидан ўтиб кетиши кўзда тутилганди.

Бир нечайил ўтгач, Горбачевнинг умидлари пучга чиқа бошлади. Чунки ошкоралик жамиятга қаттиқ таъсир қилган ва ўзига хос ўзгаришлар рўёбга чиққанди, аммо қайта қуриш ғоялари кутилган

[983] Andican, *Değişim Sürecinde Türk Dünyası*, s. 78.

натижани бермаганди. 1990 йилларга келиб, Совет Иттифоқидаги етмиш йиллик марказлашган тузум ўрнини эндиликда тартибсизлик ва бошбошдоқлик эгаллаганди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин советларга қарам бўлиб қолган Шарқий Овруподаги республикалар олдинма-кейин ўз мустақилликларини эълон этдилар. Совет Иттифоқини ташкил қилган деярли барча республикаларда ҳам мустақиллик ҳаракати кучайиб борди. 1989 йилдан эътиборан бошланган тарқалиш жараёни аввало Варшава шартномасининг, сўнгра Совет Иттифоқининг бекор қилиниши, иттифоқдаги ўн тўртта республиканинг мустақил давлатга айланиши билан якунланди.

1991 йил 18 декабрда Совет Иттифоқи раҳбарлари ба давлатнинг тугатилгани ҳақидаги Олма-Ота декларациясини имзолашди. Етмиш йил давомида келажак учун бугунини фидо қилган хаёлий коммунизм салтанатининг, миллионларча инсонлар ҳаёти махв этган қонхўр тузумнинг ўлими эълон қилинди.

Бу тарих айни замонда, аввало туркий халқлар ва яна бир неча Оврупо халқларининг қарийб юз йил давомида қулга айлантирган мустамлакадаги 15 республиканинг қайта туғилиши ҳам ҳисобланади. Совет Иттифоқининг тарқалиши ва Туркистон жумҳуриятларининг мустақилликка эришуви жараёни хориждаги Туркистон ҳаракати учун ҳам янги даврнинг бошланганини билдирарди.

Шуни айтишимиз керакки, мустақиллик йўли очила бошлаган 80-йилларда хориждаги миллий туркистон учун кураш ҳаракати, ўтмишда бўлгани каби уч асосий нуқтада, яъни, Туркия, Афғонистон ва Олмонияда олиб борилаётганди. Шунингдек, АҚШга кўчиб борган туркистонликлар ҳам у ўлкада ўз фаолиятларини кучайтираётганди. 90-йиллар яқинлашаркан, советлар ўлкасидаги сиёсий иқлимнинг юмшиши натижасида Туркистон республикаларидаги зиёлилар билан хориждаги миллий ҳаракатлар ўртасида ўзаро боғланиш ва таъсир вужудга келдики, бу ўша даврга оид муҳим хусусият ҳисобланади.

ТУРКИСТОНЛИКЛАР ЯНА МАЙДОНДА

Туркияни чайқатган 1980 йил 12 сентябридаги давлат тўнтаришидан кейин ўлкадаги барча жамиятлар каби Туркистонликлар маданий-ижтимоий ёрдам тернаги* фаолиятлари ҳам тўхтатилди ва жамият ёпилди. 1982 йилда давлат раҳбар Канон Эвран Покистонга расмий ташриф билан борди. Бу зиёрат пайтида 4500 атрофидаги туркистонлик муҳожирнинг Туркияга исканли кўчиши, яъни кўчиш ва уларга ер-юрт берилиши хусусида келишилди. Ўша йили учта муҳожирлар гуруҳи Туркияга олиб келинди. Ҳожи Раҳмонқулхон

раҳбарлигидаги қирғизлар гуруҳи 310 оиала эди.[984] Улар Ван ва Эржиш туманларидаги Улуғпомир қишлоғига жойлаштирилди. Афғонистон туркманларининг улуғларидан Қизилоёқ халифанинг ўғли Абдукарим махдум ҳам орасида бўлган минг кишилик туркманлар гуруҳи Тўқот элидан маскан тутди. Асосан ўзбеклардан иборат гуруҳлар эса Хатай, Ғозиантеп, Шонлиурфа вилоятларига тарқатилди. Улар сони икки мингтача эди. Уч кишилик қозоқлар тўпи Қайсарига жойлаштирилди.[985]

Шунингдек, Туркия жумуҳриято томонидан ўлкага расман исканли кўчиш шарти билан олиб келинган 4500 кишидан ташкари, мингларча туркистонлик муҳожирлар турли йўллар билан Эрон, Покистон ва бир неча араб давлатлари орқали эркин равишда Туркияга келиб ватан тутдилар. Улар асосан Истанбулдан ёки қариндошлари, танишлари бўлган маконлардан паноҳ топишди.

1983 йилда Туркияда сайлов ўтказилди. Бу чоғда 12 сентябр тўнтаришидан кейин юзага келган таранг вазият бир оз юмшаганди. Парламент томонидан янгидан чиқарилган тернақлар хусусидаги қонунга кўра омма ичида қайтадан турли ташкилотлар ва тернақлар тузиш бошланиб кетди. 1977 йилда ёпилган Туркистон тернағини қайтадан очиш ва жонлантиришнинг айни пайти эди. Бу илғаган доктор Аҳат Андижон ва яқин дўстлари кенгашиб, 1984 йилда Туркистонликлар маданий-ижтимоий ёрдам тернағини тузишди. Аҳат Андижон тернақ раиси этиб сайланди. У айни замонда жаҳон ва Туркиядаги умумий вазият анча ўзгарганини, энди тернақчилик фаолиятида ўтган даврдаги усулда иш юритиш етарли эмаслигини тушунганди. Ташкилотнинг илк қурултойида, раҳбарликка сайланганидан кейинги нутқида келажакда бажариладиган ишлар қайси мақсадларда ва қайси йўналишларда олиб борилиши юзасидан, жумладан, шундай деганди:

> “Тернағимиз тузилганидан буён роса ўттиз йил ўтди. Жамият у даврда туркистонликлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва муносабатларни шакллантириш, мустаҳкамлаш йўналишида иш қилган, турли йиғилишлар, саёҳатлар уюштирган, фолклор фаолиятларини ҳам олиб борган. Агарда бу ишларни 1925 йиллардан иккинчи жаҳон урушигача кечган даврда Туркистон турк ёшлар уюшмасининг(ТТЁУ) очиқ-ошкор бажарган фаолияти ҳамда Туркистон миллик бирлиги (ТМБ)нинг Оврупода ва Туркияда амалга оширган ишлари билан қиёсласак, Туркистонликлар ёрдам тернағи ўттиз йиллик фаолиятини етарли даражада дейиш мумкин эмас.
>
> 1952 йилларда Туркияга кўчиб келган гуруҳлар учун турли йиғинлару тантанали кечалар, саёҳатлар уюштириш уларнинг ўз маданий турмушларини сақлаб қолиш учун, балки керак эди ва бу жамият учун етарли ҳисобланар. Бироқ орадан ўтган ўттиз йил ичида Туркия

*Türkistanlılar Kültür ve Sosyal Yardım Derneği.

[984] Тахманан 1137 киши.

[985] D`or, *Kırgız Mültecileri Hakkında Kısa Bir Bilgi*, s.1.

жумҳурияти анча ўзгарди, учинчи насл майдонга келди. Бугунги жаҳоний ўсиш ва ўзгариш жараёнида юқоридаги каби “классик” усулда тернақ фаолиятини юритиш етарли бўлолмайди. Албатта.

Дунёнинг турли ўлкаларида яшаётган туркистонликларнинг ягона мақсади фақат ўз тирикчилиги эмас, яшаркан, ўз миллатдошлари ўртасидаги муносабатни сақлаш ва давом этдириш ҳам бўлиши лозим. Шубҳасиз, бу йўналишда иш юритиш фойдалидир. Фақат асл мақсад Туркистон муҳожирлари мавжуд ўлкаларда бундай фаолиятлар маълум ижтимоий-сиёсий мақом, эътибор қозона олиши керак. Бу фикрни амалга ошириш йўли эса, илм-фан, маданий соҳаларда иш юритаркан, самарали сиёсат олиб бормоқдир. Туркистонликлар эндиликда фақат ўз каасби-кори билан шуғулланиш ва бошимга бир фалокат тушмасин, деган ҳадик туфайли сиёсий-ижтимоий ишларга арашашишдан қўрқадиган инсон қиёфатидан бир он аввал бўлса-да тез қутулишлари даркор.

Советлар мамлакатида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Темир парданинг йиртилиш эҳтимоли тобора кучаймоқда. Бу вазиятда хориждаги туркистонликлар зиммасига тушадиган вазифа она ватанимиз Туркистонда яшаётган миллатимиз овозини, масалаларини “коммунистлар у қилди-бу қилди” дегандай йиғлоқилик билан эмас, балки жиддий, ҳуқуқий ва ҳаққоний, илмий-сиёсий асосларга суянган ҳолда жаҳон афкор оммасига дадил билдиришдан иборат бўлиши керак. Бугунда доктор Боймирза Ҳайитлар сонини кўпайтиришимиз лозим. Мустақиллик куни келганида эса, ўзлари яшаётган ўлкалар билан уларнинг тезда алоқа ўрнатишига кўмак бериш хориждаги туркистонликларнинг асл вазифаси бўлиши даркор.

Тернақ бошлиғи сифатида қанча ишласам, хизмат борасидаги тушунчам шундай бўлиб қолади. Ҳеч ким мендан ва дўстларимдан бу ташкилотда эскича ишлашни кутмасин. Аввало тернағимизни Туркистонга оид ҳар қандай масала бўйича йўқланадиган марказ ҳолига келтиришга мажбурмиз. Бунга эришмоқ учун эса, бир бинога ва бу ишларни юритишга қобил ходимларга эҳтиёж бор. Туркистон ва турк дунёси мавзусини ёритадиган бир илмий-ижтимоий йўналишдаги журнал ва халқаро миқёсдаги фаолият бизни ниятимизга етказа олади. Қаерда Туркистон масаласи мавжуд экан, журнал ўша ерда бўлиши керак. Буни амалга оширишга мажбурмиз”.[986]

Ана шу фикрлар асосида ишга киришган тернақ аъзолари икки йил тиришиб, 1986 йилда ўз биносига эга бўлди: Оқсарой кўчасидаги уч қаватли бинони сотиб олди. Бу йилларда икки йўналишда ҳаракат қилинди. Биринчидан, туркистонликларнинг ўзаро муносабатлари кучайтирилиб, тернақ теварагида янада жипслаштирилди, иккинчидан эса, Туркиядаги илмий ва сиёсий доиралар билан тернақ орасида яхши алоқа ўрнатилди. Масалан, ўша чоғда қилинган муҳим ишлардан бири Туркия миллий таълим вазирлиги ходимлари билан муносабат

[986] Тернақ раиси доктор Аҳат Андижоннинг қурултой ёпилишидаги нутқидан.

натижасида ўрта таълим мактабларининг тарих ва жўғрофия дарсликларига “Ғарбий Туркистон” сарлавҳали бўлим киритилди. Яна бири,1986 йилда, Туркия телевидениеси орқали буўлкадаги туркистонлик муҳожирлар ҳаёти ҳақида илк телевизион кўрсатув тайёрланди. Оқибатда туркистонлик мухожирларнинг ижтимоий-маданий турмуши, турли соҳалардаги ибратли ишлари, шунингдек, Туркистон жумҳуриятларининг эътиборли хусусиятлари ҳақида афкор оммага тушунча берилди.[987]



Туркистонликлар маданий-ижтимоий ёрдам тернағи аъзоларидан бир гуруҳи. 1987 йил, Истанбул. (А. Андижон архиви)

Ўша йилларда Совет Иттифоқида олиб борилаётган кескин ислоҳотлар ва ўзгаришларга ҳамқадам ўлароқ тернақ тарафидан бу мавзуларни ёритадиган қатор илмий анжуманлар ўтказилди. Туркиянинг мухожир туркистонликларнинг таниқли олимлари қатнашган бу йиғилишлар тернақ номини оммага ва ҳукуматга янада танитди. Бундан ташқари, тернақ раиси доктор Аҳат Андижон университетлар, вақфлар, жамғармалар, тернақлар томонидан ўтказилган турли илмий-маданий анжуманларга совет мамлакати ва Туркистон жумҳуриятларидаги муҳим ўзгаришлар мавзусидаги маърузалари билан қатнашди. Айни мавзудаги мақолалари Туркия матбуотида, радио ва телевидениесида доим

[987] ТРТнинг биринчи канали орқали 1986 йил 12 майда берилган кўрсатув.

ёритилди, шунингдек, дунёга машҳур “Америка овози”, “Озодлик” “Бибиси” радиоларида ҳам фаол чиқишлар қилди.[988]



Аҳат Андижон (1997 йил бошлари)

“ТУРКИСТОН” ЖУРНАЛИНИНГ ЧИҚАРИЛИШИ ВА “ТУРКИСТОН ТАДҚИҚОТЛАРИ ВАҚФИ”НИНГ ТУЗИЛИШИ

Сиёсат оламида, хусусан шарқий иттифоқда ва турк дунёсида майдонга келган муҳим ўзгаришларни ёритиб бориш мақсадида Аҳат Андижон томонидан, 1988 йил аввалидан “Туркистон” номли журнал чиқарила бошланди. Уч ойда бир марта босилган сиёсий-иқтисодий ва маданият йўналишидаги бу нашр ўз мақсадини илк сонидаги бош мақолада шундай ифодалаган:

> “1927 йилда “Янги Туркистон” журнали билан бошланган нашриёт ишлари “Туркистон саси” каби журналлар воситасида 1955 йилгача давом этди... Афсуски, Туркистон масалаларига бағишланган бу интилишларнинг, нашрларнинг бирортаси ҳам кунимизгача етиб кела оладиган даражада узун умрли бўлолмади... Бугун вазият кескин ўзгарди... Туркистонда ва хорижда яшаётган туркистонликлар ва ёки

[988] Бу хусусда тўлароқ маълумот учун муаллифнинга айни мавзудаги китобига (Dr. Ahat Andican, *Değişim Sürecinde Türk Dünyası*) қаранг.

> турк дунёсига боғлиқ умумий ўзгаришлар, воқе-ҳодисалар ва тушунчаларни кенг ёритиб борадиган бир нашрга бугунда эҳтиёж туғилди. Ана шу ишларни ўз зиммамизга олиб, “Туркистон” журналини чиқармоқдамиз”.[989]

Журнал таҳрир ҳайъати ўн кишидан иборат бўлиб, еттиса асли туркистонлик олимлар ва зиёлар эди.[990] “Туркистон” журнали қисқа вақт ичида Туркиядаги илмий доиралар эътиборини қозонди, унда чиққан мақолалар манба сифатида фойдаланила бошланди ва ҳам нашрнинг кенгроқ танилишига туртки берди. Айниқса, Афғонистонда советларга қарши курашда туркларнинг ўрни, турк дунёсидаги халқ ҳаракатлари (Озарбайжондаги “Халқ жабҳаси”, Ўзбекистондаги “Бирлик” ҳаракати ва бошқалари) мавзусидаги энг муҳим хабар ва мақолаларни нашр этган ва бу хусусдаги тушунчаларни Туркияга ва дунё афкор оммасига илк танитган манба “Туркистон” журнали эди. 1990 йилда А. Андижон ташаббуси билан “Туркистон тадқиқотлари вақфи” тузилди ва журнал соҳиблиги, нашр масъулияти бу жамғармага ўтказилди.[991]

АФҒОНИСТОН УРУШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОДИСАЛАР

Афғонистондаги уруш жараёнида совет ишғолчи қўшинларига ва улар қувватлаган коммунист афғон ҳукуматига қарши курашган афғон жиҳодида туркистонликлар томонидан яратилган ягона сиёсий ҳаракатнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Шимолий Афғонистон вилоятлари ислом иттиҳоди партияси номли бу ҳаракат Покистондаги туркистонликлардан Озодбек раҳбарлигида иш юритмоқда эди. Ҳаракатнинг бошқарув маркази Пешовар шаҳрида бўлиб, афсуски, ташқи дунёга яхши таниш эмасди. Чунки Покистондаги мужоҳид партиялар сони еттидан ошмаслигига оид қарор туфайли у расман тан олинмаганди. Бошқа партиялар каби Покистон ҳукумати воситасида АҚШ бераётган кўмаклардан ҳам фойдалана олмасди. Дунё туркларининг оммаси Шимолий Афғонистон вилоятларида асосан ўзбеклар ва туркманлар яшашидан, бу

---

[989] “Туркистон” журнали, 1988 й. №1, 1 б.

[990] Доктор Аҳат Андижон томонидан чиқарилган журналнинг расмий эгаси “Туркистон нашр маркази” номидан доктор Эмин Миндон ҳисобланарди. Таҳрир ҳайъати доктор Боймирза Ҳайит, доктор Аҳат Андижон, доцент Темур Хўжа, профессор Аҳмад Бежон Эржиласун, доцент Абдулқодир Дўнуқ, Ашраф Бенги Ўзбилан, Иклил Қурбон, доцент Қиёмиддин Барлос, доцент Ўрхон Қовунчи ва Рашид Шашиҳусайнўғлидан тузилганди. Журнал 1994 йилгача фаолият кўрсатди, жами 22 сони чиқди.

[991] “Туркистон тадқиқотлари вақфи” 1990 йил 9 августда, ҳукумат “Расмий газета”синининг 20600 сонидаги эълон ва Фотих биринчи аслия ҳуқуқ маҳкамасининг1990 йил 13 сентябрдаги 499 рақамли қарорига биноан тузилган. Вақфни қуйидаги шахслар қурган: проф. Аҳат Андижон, Эмин Миндон, доцент Темур Хўжа, проф. Шобон Қоратош, проф. Абдулқодир Дўнуқ, проф. Мустафо Эркол, Акбар Ясса, Зоҳир Хўжа, Муҳаммад Юлдуз, Шавкат Ойнурал, Ҳисомиддин Сабрий, Фатҳуллоҳ Тўра, Шавкат Ўзулу, Қобил Жайноқ, Жалолиддин Адиўғли, Акбар Тўлқин, Собир Коргар, Эрўл Қаймоқ.

минтақадаги курашни улар олиб бораётганидан умуман хабардор эмасди. Фундаментал диндор доиралар таъсири остида Афғонистондаги курашни фақат пуштулар ва тожиклар олиб боряпти, деган тушунча тарқалганди. Зотан ўша йилларда, масалан, Туркияда ашаддий пушту миллатчиси Гулбиддин Ҳикматёр билан тожиклар раҳнамоси Бурҳониддин Раббоний энг кўп танитилган жиҳод йўлбошчилари эди.

Вазият Озодбек тимсолида Шимолий Афғонистон вилоятлари ислом иттиҳоди ҳаракатини ва Афғонистон туркийларини танитиш мақсадида Туркияда нималардир қилишни тақозо этмоқда эди. Доктор Аҳат Андижон даъватига кўра Озодбек ва баъзи қўмондонлар 1988 йил Туркияга келишди. Ташкилий йўриққа асосан меҳмонлар билан Истанбулда турли учрашувлар ўтказилди, улар икки кун давомида матбуот ва радио-телевидение воситасида халққа кенг миқёсда танитилди. Ундан кейин Озодбек ва йўлдошлари Анқарага олиб борилди, навбати билан Миллий маориф вазири Ҳасан Жалол Гўзал, Ташқи иишлар вазири Масъуд Йилмаз, давлат вазири Жамил Чечак, Бош вазир Турғут Ўзал билан учраштирилди. Шу тарзда Афғонистондаги вазият ва муаммолар, Афғонистондаги туркларнинг аҳволи ва жиҳод сафларидаги ўрни Туркия ҳукумати раҳбарларига илк ўлароқ кенг миқёсда тушунтириб берилди. Бу мулоқотлар пайтида турк ҳукумати расмийлари Афғонистон туркларига ва уларнинг жамиятларига ёрдам хусусида ваъдалар беришди. Ана шу учрашувлар, нутқлар, суҳбатлар турк мабуотида кенг ёритилгани боис омма Афғонистондаги уруш ва у ўлкадаги қавмдошлари вазиятидан огоҳ бўлишди.

Бу ҳодисалардан сўнгра, бу масалаларни АҚШ ҳукумати расмийларига билдириш мақсадида Озодбек, унинг икки ёрдамчиси ва Аҳат Андижон Америкага жўнашди. Вашингтонда АҚШ расмийлари билан бўлган мулоқотларда туркларнинг Афғонистон урушидаги роли англатилди. Бундан ташқари, айрим халқаро ташкилотларда ҳам учрашувлар ўтказилиб, муҳим фикрлар ўртага ташланди. Бу мулоқотларда АҚШдаги Туркистон жамияти раиси Абдулла Хўжа ҳам фаол қатнашди ва дилдан ёрдам берди.

АҚШ зиёратидан кейин ҳам бу ҳаракатлар давом этди. Истанбулдаги Туркистон дернағи аъзолари кенгашиб, жамият раиси Аҳат Андижон раҳбарлигида афғон урушидаги қавмдошларга ёрдам тадбири ўтказиш хусусида қарор қабул қилдилар. Аммо бутун Туркия бўйлаб бундай тадбирни ўлканинг барча шаҳар ва туманларида бўлимларига эга бир ташкилотгина амалга ошира оларди. Туркистонликлар жамиятлари эса оз. Бу таклиф билан Туркиянинг барча шаҳару туманларида бўлимлари мавжуд Турк Ўчоқлари марказига мурожаат этилди. Турк Ўчоқлари ҳайъати таклифни қабул қилгач, 1988 йил июл ойида, Асир миллатлар ҳафтаси кунларига баробар тарзда тадбир бошланди. Турк ўчоқлари бошлиғи профессор Ўрхон Дузгунаш 1988 йил 16 июлда

ўтказган матбуот конференциясида компания бошланганини Туркия халқига эълон қилди. Тадбирни ўтказиш ҳайъатига Туркистонликлар маданий-ижтимоий ёрдам тернағидан унинг раиси доктор Аҳат Андижон, Турк Ўчоқлари ташкилотидан доцент Ўрхон Қовунчи, Жалол Эр, доктор Меҳмет Шоҳинкўз тайинланди ва улар шиддат билан ишга киришдилар.

Ҳайъат аъзолари 1988 йил август ойидан эътиборан, ҳар ҳафтада энг камида икки вилоятда омма билан учрашувлар ўтказиб, Туркияни айланиб чиқдилар ва Афғонистондаги аҳволни халққа тушунтирдилар. Ҳам тарғибот, ҳам кўмак уюштириш йўналишидаги бу тадбир декабр ойигача давом эттирилди ва элликка яқин вилоятда йиғилиш ташкил қилинди. Ана шу тадбир жараёнида, ўлкадаги турк душманлигига берилган баъзи кимсалар, гуруҳлар "жиҳод парчаланяпти" деган гапни тарқатиб, Аҳат Андижонга қарши жиддий ҳужум компанияси уюштирди.

Аммо Туркиядаги асосий турк халқининг масалани тўғри англагани боис бўхтончилар хужуми кутган натижасини бермади. Туркистонликлар жамиятлари ва Турк Ўчоқлари ўтказган бу тушунтириш ва кўмак тадбири, хусусан Қизилой ёки Диёнат ишлари каби давлатнинг расмий жамиятларидан холис, бутун Туркия бўйлаб амалга оширилган халқаро миқёсдаги компания эканлиги билан муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

Тўпланган моддий ёрдам билан биргаликда турли тиббий ва маданий-маорифий ашёлар 1989 йил бошида, етти кишилик бир гуруҳ томонидан Шимолий Афғонистон вилоятлари ислом иттиҳоди партиясининг Пешовардаги марказига элтиб топширилди.[992]

Ҳайъат аъзолари ҳаракатнинг Покистон ва Афғонистондаги бир неча ҳарбий қароргоҳларида бўлишди, мужоҳидларнинг бошлиқлари билан мулоқот юритшди. Шунингдек, улар Покистондаги турк мултажийлари – хориждан паноҳ истаб келган туркийлар тўпланган маконлардаги аҳвол билан танишдилар.

Ҳайъат сафардан қайтгач, Афғонистондаги вазият, Покистондаги мужоҳид партиялар ва муҳожир туркларнинг аҳволи, Афғонистоннинг келажагида Туркиянинг роли хусусидаги фикрларини бир рапорт шаклида Туркия ҳукумати расмийларига топширишди.

Айни йилда Озодбек раҳбарлигидаги ҳаракат тавсия этган етти талаба Аҳат Андижон ташаббуси билан Туркия университетиларига жойлаштирилди.[993]

---

[992] Бу гуруҳ Туркистонликлар маданий-ижтимоий ёрдам тернағи раиси доцент Аҳат Андижон, Турк Ўчоқлари Анқара бўлими бошлиғи доцент Ўрхон Қовунчи, доктор Меҳмет Шоҳинкўз, тадбиркор Ўғуз Йайан , журналистлардан Эмин Пазарчи ва Мустафо Кўкардан иборат эди.

[993] Бу ёшларнинг исми шарифлари қуйидагича: Баҳовуддин Абдуолим ўғли, Абдурашид Чориқул ўғли, Абдуқуддус Султонқул ўғли, Хонмуҳаммад хожи Мажид ўғли, Шамсиддин Халил Шариф ўғли, Худойназар Абдураҳим ўғли, Раҳимуллоҳ хожи Ҳасан ўғли.

1992 йил баҳор ойларида ўз қўшини билан мужоҳидларга қўшилган генерал Рашид Дўстим май ойида Афғонистон миллий исломий ҳаракатини тузди ва унинг раҳбари этиб сайланди. Ана шу тарзда Афғонистондаги кураш жараёнида туркистонликлар томонидан яратилган иккинчи бир сиёсий-ҳарбий марказ майдонга келди. Генерал Дўстим ҳаракати билан Туркия давлати ўртасида муносабат ўрнатилиши керак эди. Аҳат Андижон ташаббуси билан бу ишлар бошланди ва Дўстим юборган вакиллар 1993 йил февралида Туркия президенти Турғут Ўзол ҳузурида қабул қилинди.

Бу учрашув 1993 йил 17 февралда Истанбулда, президентнинг Мудофа вазирлигининг Ўрду уйидаги қабулхонасида ўтказилди ва икки соат давом этди. Унда Дўстимнинг вакиллари Ҳошим Зарий, генерал Абдулмалик ва доктор Аҳат Андижон қатнашди. Мулоқот пайтида Афғонистондаги умумий вазият ва туркийларнинг аҳволи, Мозори шарифда бошқарувни ўз қўлига олган генерал Рашид Дўстим билан муносабат ўрнатиш, у ерда Туркия консулхонасини очиш каби мавзуларда фикр алмашилди. Ана шу қабулдан сўнгра Дўстим ва Туркия ўртасида илиқ муносабат қурилди. Кўп ўтмай, генерал Дўстим ҳукумат тарафидан расман Туркияга даъват этилди.

ХАЛҚАРО ТУРКИСТОН ҚУРУЛТОЙЛАРИ

Совет Иттифоқидаги кескин вазият келажакда жиддий ўзгаришлар юзага келишидан мужда бермоқда эди. Москва мустамлаканинг маркази ўлароқ тобора ўз таъсирини йўқотаркан, Шарқий Оврупода ва совет республикаларида бирин-кетин халқ жабҳаси ҳаракатлари майдонни эгаллади. Бу ўзгаришлар жараёнида хориждаги туркистонликларнинг қандай йўл тутиши ҳам, албатта, замоннинг муҳим нуқталаридан бири эди. Ана шуни кўзда тутган ҳолда, 1989 йилнинг сентябр ойида, доктор Аҳат Андижон раислигида Туркиядаги барча туркистонликлар ташкилотларининг вакиллари қатнашган Туркистон қурултойи ўтказилди. Турк дунёси тадқиқотлари вақфининг мажлислар залида ўтган икки кунлик бу қурултой хориждаги Туркистон аҳлининг айни замондаги аҳволи ва келажаги хусусидаги барча масалаларни қамраб олиши нуқтайи назаридан муҳим бир анжуман бўлди.[994]

Совет матбуоти бу қурултой хусусида ғазабли хабар ва мақолалар уюштирди ва унинг ташкилотчиларига қарши қоралов тадбирини бошлаб юборди. Ўзбекистонда чиқадиган “Совет Ўзбекистони” газетасида “Мурдани тирилтирмоққа уринаётганлар” деган мақолада доктор Боймирза Ҳайит ва доктор Аҳат Андижонга қарши қаратилган ёлғон ва

[994] “Туркистон” журнали, 1989 й. №8, 14 б.

бўхтонлар ифода этилганди. КГБ томонидан ёздирилгани сезилиб турган бу мақолада Аҳат Андижоннинг охирги Қўқон хонининг невараси эканлиги таъкидланиб, унинг мақсади Туркистонни бир давлат ҳолига келтириш, сўнгра ўзи хон бўлиш эканлиги баён қилинганди.[995]

1990 йил советлардаги парчаланиш ва тарқалиш даври аниқлашган сана бўлди. Энди фақат муҳожир туркистонликлар эмас, балки Туркистоннинг ўзида яшаётган туркистонликлар ҳам қатнашадиган бир халқаро миқёсдаги қурултой ўтказиш замони келганди. Аҳат Андижон ташаббуси билан Туркистонликлар маданий-ижтимоий ёрдам тернағи, Туркистон тадқиқотлари вақфи фаоллари бу анжуман тайёрлигини бошлаб юборишди. 1990 йилнинг 3-5 декабр кунлари Истанбулдаги Отатурк маданият маркази биносида бўлиб ўтган Халқаро Туркистон қурултойи муҳим уч нуқтанинг илк бор ўртага қўйиши жиҳатидан диққатга сазовордир.

Етмиш йилли муҳожирот ҳаёти бўйича Америка, Олмония, Афғонистон, Покистон, араб давлатлари ва Туркияда яшаб келган туркистонлик муҳожирларнинг вакиллари илк бор ана шу қурултой сабабли бир анжуманга тўпланишди. Бу биринчи жиҳат. Қурултойнинг иккинчи муҳим томони шуки, Совет Иттифоқи пайдо бўлганидан бери советлар ичидаги Туркистон жумҳуриятларидан келган вакиллар илк марта муҳожир туркистонликлар қурултойида расман иштирок этишди.[996] Учинчиси шуки, туркистонликлар уюштирган бир қурултойда Туркия ҳукумати вакиллари вазир, давлат маслаҳатчиси, депутат мақомида илк бора расман қатнашди.[997]

Уч кун давом этган I Халқаро Туркистон қурултойи сўнгида барча илтирокчиларнинг умумий қарашлари мужассамланган 13 моддалик қурултой якуний билдиргаси қабул қилинди. Бундан ташқари, бутун жаҳон бўйлаб бу ишларни давом эттириш ва муқобиллаштириб туриш учун Дунё Туркистонлилкр конгресси тузишга ҳам қарор қилинди. Ҳар ўлкадан биттадан вакил қатнашган конгресда доктор Аҳат Андижон раис, доктор Боймирза Ҳайит фахрий раис этиб сайланди.[998]

Қурултойдан кейин қисқа бир муддат ўтиб, Ўзбекистон Давлат матбуот комитети раиси ва Қирғизистон маданият вазири каби расмий шахслар Туркияга даъват этилиши билан бошланган ўзаро алоқалар ўса

---

[995] Дарвиш Али. “Мурдани тирилтирмоққа уринаётганлар”, “Совет Ўзбекистони” газетаси, 1989 й. 19 декабр.

[996] Туркистондан қурултойга қатнашганлар: Ўзбекистон республикаси давлат кенгаши аъзоси Шукрулло, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Одил Ёқубов, ижодкорлардан Жамол Камол ва Тоҳир Қаҳҳор.

[997] Қурултойда давлат вазири Анжуманд Қўнуқман, Туркиядаги Оврупо комитети бошлиғи Булант Оқарчали, депутатХалил Ўзсўй, Туркия президенти бош маслаҳатчиси Эртан Юлак иштирок этди ва нутқ сўзлади.

[998] *Türkistan Dergisi (*1991), sayı 13, s. 72.

бориб, давлат раҳбарлари даражасида давлатлараро алоқалар йўлга қўйилди.

ТЕРНАҚНИНГ БАРЧАГА ФОЙДАЛИ ТАШКИЛОТ ҲОЛИГА КЕЛТИРИЛИШИ ВА ОВРУОСИЁ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Туркистонликлар маданий-ижтимоий ёрдам тернағи фаолиятини янада кенгайтириш ва эътиборини ошириш ва давлат берадиган кўмакдан фойдаланиш учун “барча оммага фойдали тернақ” мақомига эга бўлиш керак эди.

Ана шуни кўзда тутиб 1984 йилдан бери қилинган ишлар ҳақида расмий хужжатлар йиғилди ва давлаининг расмий мақомларига тавсия этилди. Бу хужжатлар давлат вазирликларида тўрт ой давомида ўрганилди ва талаб уйғун деб топилди, сўнгра Туркия Вазирлар маҳкамасининг қарорига кўра Туркистонликлар маданий-ижтимоий ёрдам тернағига барча оммага фойдали тернақ мақоми берилди.[999]

Ана шундан сўнгра бошқа хорижий турк тернақлари билан кенгашиб, алоҳида бирлашган тернақ тузиш ишига киришилди. Доктор Аҳат Андижон ташаббуси билан Шарқий Туркистон тернағи, Ироқ маданият тернағи ва Туркистонликлар маданий-ижтимоий ёрдам тернағи биргаликда Овроосиё тернақлари федерцияси тузилди. Биринчи анжуманини 1995 йилда ўтказган федерация йиғилишида навбатли раислик тартиби қабул қилинди. Бу вазифа ҳар йили бир тернақ тарафидан бажарилиши белгиланди.

1984 йилда Туркистонликлар маданий-ижтимоий ёрдам тернағининг тузилишидан бошлаб 1991 йилгача ўтган давр орасида Туркистонликлар маданий-ижтимоий ёрдам тернағи ва Туркистон тадқиқотлари вақфи анчагина диққатга сазовор ишларни амалга оширди. Америкалик олим Лоуэл Безанис “Туркия республикасидаги совет мусулмон муҳожирлари” номли тадқиқотида, унинг “Ғарбий Туркистон муҳожирлари” бўлимида тернаққа доктор Аҳат Андижон раислик қилган йилларда бажарилган ишларга баҳо бериб, жумладан, шундай деган:[1000]

> “Туркистонликлар маданий-ижтимоий ёрдам тернағининг раҳбари (Аҳат Андижон) ўнларча йил давом этган қоронғилик ва жимлик давридан сўнгра, Туркистонликларни Туркияда кўринадиган ҳолга келтирди.”[1001]

---

[999] Туркия Вазирлар маҳкамасининг 2 /3 1995 ва 95/6683 рақамли қарори.

[1000] Bezanis. *Soviet Muslim Emigrés in the Republic of Turkey*, s. 161.

[1001] “TKSYD`s present leader put the Turkistanis in Turkey `on the map` after decades of obscurity.” Бу мавзуда маълумот учун қаранг: Lowell Bezanis, *Soviet Muslim Emigrés in the Republic of Turkey*. – Central Asian Survey (1994), 13 (1), s. 159-161.



Доктор Боймирза Ҳайит ва доктор Аҳат Андижон. Б. Ҳайит туғилганининг 75 йиллик қутлама анжуманида. Истанбул, 1993 й. 27 ноябр.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Тарғибот марказининг Чўлпон мукофоти 1991 йилда доктор Боймирза Ҳайит, доктор Аҳат Андижон ва ёзувчи Мамадали Маҳмудовга берилди. Мукофотга нима учун лойиқ кўрилгани қуйидагича изоҳланган:[1002]

> “1991 йили жумҳуриятимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Жумҳуриятимиз ўз мустақиллигини эълон қилди. Мустақиллик давоси учун юртимизда ва хорижий ўлкаларда Жон куйдирган арбобларимиз ҳали кўп қадрланажак.
>
> Боймирза Ҳайит ва Аҳат Андижон Туркистон аҳлининг арз-доди Москвадан нарига ўтмай турган пайтда бу халқнингимдодини қитъалардан қитъаларга етказиб, аждодларимиз руҳини шод айладилар...”

Совет Иттифоқининг тарқатилиши ва Туркистон жумҳуриятлари ўз мустақиллигини қозонганидан кейинги даврда, тарихий шароит тақозосига кўра, Туркистон учун фаолият кўрсатиш ҳам янги йўналишидан бориши табиий эди.[1003]

[1002] “Халқаро танлов якунланди” - “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 20 март 1992 й. 7 б.

[1003] Доктор Аҳат Андижон 1995 йилги сайловларда Онаватан партиясидан Истанбул халқ депутати бўлиб сайланди ва тернақ раҳбарлигини тарк этди. Тернақнинг 1996 йилги

ТУРКИСТОН МУҲОЖИРЛАРИНИНГ АМЕРИКАДАГИ ФАОЛИЯТИ

Туркистонлик муҳожирларнинг Америкага йўналиши асосан иккинчи жавҳон уруши тугаганидан кейин бошланган. Туркистон легионларида хизмат қилган ва уруш битганида тирик қолганлардан баъзилари АҚШга бориб жойлашган. Улар 1959 йил ноябрида бир йиғилиш ўтказиб, ўттиз учта туркистонлик бевосита ва йигирма иккита туркистонлик ваколатан қатнашган бу анжуман Туркистон Америка жамиятини[1004] тузишди. Жамиятнинг 44 моддалик тузуги тасдиқланди. Исоқжон Назирқул жамият раиси, Ҳусайн Икром, Меҳмет Гўклан, Норим Ўроз, Алижон Орифхон бошқарув аъзолари этиб тайинланди.

Жамиятнинг асосий мақсади сифатида АҚШда яшаётган туркистонликларнинг ўзаро алоқаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, муҳожирларнинг миллий-маданий турмушларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, янги келган ватандошларга моддий ва маънавий кўмак уюштириш каби фаолиятлар белгиланганди. Зотан ана шу йилларда Туркистон Америка жамияти ташаббуси билан Оврупо давлатларида ва Туркияда яшаётган жуда кўп туркистонликлар АҚШга бориб жойлашиш имконига эга бўлди. 1961 йилда раис Исоқжон Назирқул ўрнига Ҳусайн Икром тайинланди ва у 1968 йилгача ўз вазифасини бажарди. Америка конгресси томонидан эълон қилинган Асир миллатлар ҳафтаси тадбирига таянган ҳолда, жамият Туркистон истиқлоли масаласига Америка сиёсатчилари диққатини тортишга интилди. Бу жамиятнинг яна бир иши шуки, АҚШ конгресси қарори билан беркитилган “Америка овози” радиосининг ўзбек бўлими туркистонликлар жамиятининг талаби туфайли қайтадан тикланиб, ўзбекча эшиттиришларини давом эттирди. Афсуски, илк йилларда фаол ишлаган жамият кейинги даврда анчагина сустлашиб қолган.

1970 йилларда Туркиядан АҚШга кўчиб борувчилар сони янада ортди. Коммунист ҳукуматлар омонидан ишғол этилган ўлкалардан келган муҳожирларга алоҳида ҳуқуқлар берилгани боис, ундан фойдаланишни истаган жуда кўп туркистонликлар оиласи Туркянинг Адана, истанбул каби шаҳарларидан АҚШнинг Нью Жерси, Нью Йорк каби шаҳарларига кўчиб бориб жойлашди.

1979 йилда Афғонистонга советлар бостириб киргач, мамлакатда оловланган ички уруш туфайли хорижга кўчишлар бошланди. Жумладан АҚШга ҳам кўпчилик бориб макон тутди. Муҳожирлар сонининг ортиши Туркистон Америка жамияти зиммасига янги вазифалар юклади.

йиғилишида Турон Оқин раисликка сайланди. Бу китоб босилаётган 2003 йилда тернақ Хоқон Темир раҳбарлигида иш юритмоқда эди.

[1004] Turkestan American Association.

1984 йилда ўтказилган йиғилишда жамият тузуги қайтадан кўриб чиқилди ва тўлдирилди. Анжуманда Абдулла Хўжа раислигида янги бошқарув ҳайъати сайланди. Ўша йилдан эътиборан ташкилот аъзолари янада фаоллашгани, биргаликда уюшқоқлик кўплаб ишлар амалга оширилгани маълум. Бу жамият ўлкадаги Америка турк тернақлари федерациясининг фаол аъзоси сифатида танилди, турли халқаро анжуманларда қатнашди, туркистонликлар масаласи доимо минбарлардан билдириб турилди.



Туркистон Америка жамияти аъзолари “Турк куни” намойиши пайтида Нью Йорк, 1991 й. май ойи.

Муваффақиятли иш юритган жамият раҳбари Абдулла Хўжа коммунист мустамлакачилар асирига айланган миллатлар вакиллари томонидан АҚШда тузилган Асир миллатлар комитетига[1005] раис этиб сайланди. Бу комитет 1959 йилда АҚШ президенти Эйзенхауэр имзолаган қарорга кўра, унга боғлиқ “Асир миллатлар баённомаси”га таяниб тузилган ва ҳар йили асир миллатлар ҳафтаси тадбирини ўтказиб келмоқда эди. Туркистон Америка жамияти 1985 йилдан “Туркистон бирлик овози” номли бюлетен чиқара бошлади. Кейинги йилларда, Неъматилла Бегиш раислик даврида “Умид-Норе” деган инглизча журнал

[1005] Captive Nations Committee.

ҳам нашр этилди.[1006] Айни пайтда жамият Нъмон Ўқуйан раҳбарлигида ишлаб турибди.

ОЛМОНИЯДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИШЛАР

Иккинчи жаҳон урушидан аввалги ва кейинги йилларда бўлгани каби Олмонияда 1970-йилларда ҳам Туркистон ва туркистонликларга боғлиқ фаолият давом этди. Совуқ уруш усулларининг ўзгариши ҳамда АҚШ ва бошқа коммунизм душмани давлатлар советларга, коммунистик минтақага қарши ишларини ўз ташкилотлари воситасида йўналтиришга киришганидан кейин, 1950-йилларда фаолият кўрсатаётган Миллий Туркистон бирлик комитети ва Туркэли ташкилотларига эътибор сусайди. Веьтнам урушидан тугаганидан сўнгра ғарбий ва шарқий ҳарбий иттифоқлар орасидаги зиддият юмшай бошлаганди, аммо русларнинг Афғонистонга бостириб кириши ва АҚШнинг у ўлкадаги русларга қарши кучларга ёрдам беришга киришгани туфайли вазият яна таранглашди. АҚШ Вашингтондаги "Америка овози", Олмониянинг Мюнхен шаҳридаги "Озодлик" радиолари воситасида советлар мамлакати ичкарисидаги ғайрирус миллатларга қаратилган, коммунистик тузумни фош қилувчи эшиттиришларини янада кучайтирди. Турли миллатлар тилида берилаётган эшиттиришлар марказга қарам республикаларда яширин мухолифатнинг пайдо бўлишига замин яратди.

"Озодлик" радиоси советлар ишғоли остидаги республикалар учун алоҳида-алоҳида тилларда эшиттиришлар тайёрлайдиган бўлимлардан таркиб топганди. Радионинг ўзбек бўлим, қозоқ бўлими, туркман бўлими каби шўъбаларида бир неча туркистонлик ходимлар хизмат қиларди. Бўлим мудирлигини аввалдан бу ташкилотда ишлаган тажрибали кишилар юритарди. 1980 йиллардан эътиборан радиода Туркистон жумҳуриятларига қаратилган эшиттиришлар сиёсий-мазмуний жиҳатдан янада жиддийлашди.

1984 йил март ойида Мюнхенда Буюк Туркэли тернағи иш бошлади. У Исмоил Пинар раҳбарлигида тузилган бу жамият ўзини Карес Қанотбой бошчилигида 1950 йил 20 мартида яратилган Туркэли комитетининг давомчиси деб майдонга тушди. Тернақнинг бош мақсади Туркистон маданиятини танитиш ва Туркистон озодлиги учун фаолият кўрсатиш, дея белгиланганди. Бу жамият бир неча йил давомида тарихий кунлар ва тарихий шахсларни эслашга бағишланган қатор хотира кечаларини ўтказди.

1984 йилда Мюнхен шаҳрида "Туркистон саси" номли бюллетен ҳам чиқарила бошланди. У Чиғатой Қўчэр, Темур Хўжа ва Меҳмет Исо

[1006] 1992 йил баҳоридан бошлаб икки йил давомида тўртта сони нашрдан чиқди.

Оролдан иборат уч кишилик гуруҳ томонидан нашр этилди. Нашр “Туркистонликларнинг халқаро хабар бюллетени” сифатида жаҳоннинг турли ўлкаларида яшаётган муҳожир туркистонликлар ва Туркистон ташкилотларига оид хабарларни ёритарди. Бундан ташкари, ундаТуркистон жумҳуриятларига боғлиқ хабарлар ва шарҳларга ҳам ўрин ажратилган. Гоҳ уч, гоҳ олти ойда бир чиқарилган бу бюллетен, афсуски, олтинчи сонидан кейин нашрини тўхтатди.

1990 йилларда, совет давлатининг тарқалишидан кейин,”Озодлик” радиосининг турли бўлимларида ишлаган кишилар турли номларда бюллетенлар чиқаришди. Темур Хўжа тайёрлаган “Бугунги Туркистон”, Хорун Ўзган ташкил этган Бутун турк элларидан” номли бюллетенлар ўша давр маҳсулларидир. Туркистон жумҳуриятлари мустақилликка эга бўлганидан кейин чоп этилгани боис, бу нашрлар аввалги даврлардаги бюллетенлардан фарқ қилади. Яъни уларда кўпроқ Туркистон жумҳуриятлари ва Россия федерацияси ичидаги туркий халқларга оид маълумот ва масалаларга асосий эътибор қаратилган.

1992 йилдан сўнгра Туркистон жумҳуриятларига боғлиқ хабарлар ва мақолалар босиладиган ахборо воситалари сони анча ортди, дунё миқёсидаги нашрлар ҳам кўпайди. Шу боис ҳам юқоридаги каби бюллетенлар чиқариш унчалик самара бермаслиги аён бўлиб қолди. Жаҳон сиёсат майдонида ғарб иттифоқининг таназзули ва совет давлатининг тарқалишидан кейин АҚШ ҳукумати коммунизмга қарши сиёсатини бошқатдан кўздан кечириб, бу борадаги ишини янги йўналишга бурди. Натижада “Озодлик” радиоси Мюнхендан Прагага кўчирилди, радионинг баъзи бўлимлари ёпилди, фаолиятни давом эттираётган бўлимлар эса, иш усулларини давр талабларига мослашди; қисқартириш туфайли айрим ходимлар бўшатилди. Хуллас, бу радионинг Прагага кўчирилишидан кейин Мюнхенда шаклланган Туркистон ва туркистонликларга оид мақкуравий фаолиятлар ҳам тугатилди.

АФҒОН ТУРКИСТОНИДАГИ УРУШ

1979 йилда Афғонистон халқ демократик партияси раҳбари Нур Муҳаммад Таракий бошчилигидаги давлат тўнтаришидан кейин ўлкадаги сиёсий гуруҳлар ўртасида кураш кескинлашди ва ички уруш бошланиб кетди. Коммунистлар Афғонистонда ҳокимиятни барқарор сақлай олмай қолди, ҳукуматдаги раҳбарлар орасидаги зиддият, кураш кучайди. Таракийнинг совет ҳукумати раҳбариятига мурожаатидан кейин совет қўшинлари Афғонистонга кириб борди. Москва, Брежнев раҳбарлигидаги ҳукумат совет қўшинлари қисқа вақт ичида Афғонистондаги исёнларни бостириб, бошбошдоқликка чек қўяди деган фикрда эди. Бу билан советлар Афғонистонни ўз таъсир доирасига киритиши, Москванинг

қўғирчоғига айлантириши, чор подшоси биринчи Пётрдан бери давом этиб келаётган Россиянинг энг улуғ орзусини амалга ошириши мумкин эди. Натижада Россиянинг жанубдаги денгизларга эркин чиқиб боришига бир одим қоларди холос.

Аслида АҚШ каби дунёнинг кучли давлатлари масалани шу шаклда тахлил этиб, коммунист Афғонистон келажагига оид ўз режаларини тузишга киришганди. Бироқ совет қўшинлари кутилганидек, олдиндан ўйланганидек, муаммони қисқа вақтда ҳал қилолмади. Афғонистон шаҳар ва қишлоқлари ўзига хос нотекис жўғрофий майдонда ўрнашган, йўллари ҳам ибтидоий тоғлик бир ўлка эди. Бунинг устига, аҳолиси ҳам турли тилларда сўзлашувчи элу элатлардан таркиб топганди. Улар ўзларининг ҳар қарич ерини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилишга одатланган жанговар қавмлар эди. Мужоҳид гуруҳларнинг қақшатқич қаршилиги боис совет қўшинлари тобора ортиб борди ва 150 мингдан ошди. Совет кучлари фақат катта шаҳарлар ва асосий йўлларнигина эгаллай олганди холос. Урушнинг иккинчи йилида афғонистон советлар учун иккинчи Вьетнамга айлангани аён бўлди. Бу ҳақиқатни англаган АҚШ ҳукумати Покистон воситасида мужоҳидларни қўллаб-қувватлашга киришди. Бу ўлка томонидан етказиб берилган “стрингер” ракеталари совет ҳаво кучаларининг қаттол кушандасига айланди ва улар осмондаги ҳокимиятдан айрилишди.

Ўша пайтда Покистон ва Эронда советларга қарши курашаётган мужоҳидларнингмарказлари яратилди. Пуштулар, тожиклар, туркийлар асосан Покистонга, шиа эътиқодидаги ҳазоралар Эронга қараб йўналишди. 1980 йилда Пешовар шаҳрида Покистон ҳукумати рухсати билан расман еттита партия тузилди. Буларнинг олтитаси асосан пуштулардан таркиб топганди, барчасининг раиси ҳам пушту эди.[1007] Тожик раҳбар Бурҳониддин Раббонийнинг жамияти исломий партияси эса тожиклар ва туркийлардан тузилганди. Ҳазоралар эса, Эрон ҳудудларида 8 та партия тузганди. Барига Эрон ҳукумати кўмак берарди. Уларни асосий мақсад йўлида бошқариш учун ҳизби ваҳдат номли юқори ташкилот ҳам Эронда яратилганди.

Бу партияларнинг барчаси Афғонистон ичида олиб борилаётган урушда қатанашётган мужоҳидларни сиёсий жиҳатдан бошқариш ва йўналтириш, қурол-яроғ, ўқ-дори ва пул билан таъминлаш мақсадида тузилганди. Бошқача қилиб айтганда, бу партиялардан ҳар қайсиси ўз сафида қанча кўп қўмондон тўплай олса, унинг сиёсий эътибори ҳам шунга кўра ошиб борарди.[1008]

[1007] Бу партиялар қуйидагилардан иборат: ҳизби исломийнинг Юнус Холис гуруҳи, ҳизби исломийнинг Гулбиддин Ҳикматёр гуруҳи, Абдурасул Сайёфнинг иттиҳоди исломий партияси,

[1008] Тўлароқ маълумот учун қаранг: 1) Edvard Girardet, *Rusya`nın Afganistan`daki Savaşı*. 2) Marie Broxup, *Sovyetler Afganistan`da – Bir İşgalın Anatomisi*. 3) Borje Almqwist, *Sovyetlerin*

Бу партиялар учун Покистон ҳукумати томонидан расман танилиш жуда муҳим ҳисобланарди. Зеро, АҚШ ва бошқа жаҳон давлатларидан келган, тўпланадиган ёрдамлар асосан Покистон ҳукумати тарафидан тарқатиларди ва тўғридан-тўғри кўмак олиш учун ҳам Покистоннинг маъқуллаши зарур эди.

Афғон Туркистони шундоққина совет чегарасида бўлгани боис урушдан кўп талофот кўрди. Советлар мужоҳидларга қарши шиддатли ҳаво ҳужумлари уюштириб, бомбалар ёғдириб, мужоҳидларни оғир аҳволга солиб қўярди. Зарба еган мужоҳидлар эса, нафас ростлаш учун чекинаркан, Афғонистоннинг бу бошидан у бошигача босиб ўтсагина Покистон ҳудудларига ета оларди. Аммо бу амалга ошириб бўлмас бир иш эди.

Бундан ташқари, Покистондан юбориладиган ҳарбий ва моддий ёрдамлар ҳам бу минтақага етиб келиши анча вақтни оларди, хусусан қиш пайтида бир-икки ой ўтиб кетарди. Ана шу оғир уруш йилларида энг кўп зарар кўрган афғон Туркистони, яъни Шимолий Афғонистон бўлди. Зотан, 1988 йилда бу ўлкада демографик тадқиқиот ўтказган Женева университети мутахассисларининг фикри ҳам бу сўзимизни тасдиқлайди.

“Афғонистон 1978-1987: Уруш. Демография ва жамият” деб номланган тадқиқотга кўра, ўн йиллик уруш давомида Саманган, Фарёб, Қундуз, Балх, Жузжон каби турк вилоятларида ҳар 1000 кишидан 300 таси урушда ўлдирилган. Бунга қарама-қарши ўлароқ, Жанубий Афғонистондаги пушту вилоятларида минг кишидан ўттиз киши уруш қурбонига айланган. Бу тадқиқотда Афғонистондан хорижга кўчишлар ҳам ўрганилган. Бу ўринда ҳам туркларга боғлиқ муҳим ҳодисаларга дуч келамиз. Ўлка умумий аҳолисининг бешдан бири туркдардир, аммо бунга қарамасдан, улар (ўзбеклар ва туркманлар) Покистонга ўтган афғонистонликларнинг жудаям оз қисмини ташкил этади. Женева университети тадкикотчилари таъкидлаганидек, ўша йилларда Покистонга тўрт милйўн афғонистонлик сиғиниб борган. Бу мултажий афғонистонликларнинг 85 фоизи пуштулар, 6 фоизи тожиклар, 3,6 фоизи белужийлар, 1,5 фоизи нуристонийлардир. Улар орасида туркманлар бир фоиз, ўзбеклар ярим фоиз холос.[1009]

Юқоридаги далиллар ва рақамлардан маълумки, Афғонистондаги урушда ўзбеклар ва туркманлар бошқалардан кўра фаол қатнашган ва хорижга ўтиб кетганлари энг озни ташкил қилади. Зотан шимолдаги уруш жараёнлари афғон тилидаги манбаларда ҳам ҳар тарафалама ўрганилган, уларда ҳам юқоридаги нуқталар акс этган. Масалан, жимияти исломий

Kullandığı Nazi Taktiklerine Karşı Güçlenen Mücahit Direnişi. 4) Ahat Andican, *Değişim Sürecinde Türk Dünyası.*

[1009] Sliwinski, *Afghanistan 1978-1987 War. Demography and Society*, s.18

лидери Бурҳониддин Раббонийнинг ҳарбий маслаҳатчиси Масъуд Халилий 1989 йилда журналда босилган мақоласида шундай деган:

> “Шимол биз учун жуда аҳамиятлидир. Аҳолининг тўқсон фоизи ҳозиргача ўз юртларида яшаб келмоқда, тарк этгани йўқ. Бу минтақа инсонлари Совет Иттифоқининг Ўрта Осиё республикалари билан айни тилда гаплашадилар (ўзбеклар, туркманлар, тожиклар кўзда тутилмоқда- А.А.). Маданияти ҳам, дини ҳам бир. Шу сабабли советлар ўзларига қарши таҳдид пайдо бўлишидан қўрқувга туша бошлади. Чунки минтақада жуда кўп мужоҳид гуруҳлар мавжуд, улар олти йиллик уруш тажрибасига эга жанговарлардир.”[1010]

Шимолдаги саккиз вилоятда курашнинг асосий ҳаракатини уюштирувчи, йўналтирувчи куч бўлган турклар, афсуски, урушнинг илк йилларида ўз сиёсий ташкилотларини ярата олмаган, турк гуруҳларнинг сиёсий фаолиятини бажарадиган бирор партия тузишга интилмаган. Турк қўмондонларнинг кўпчилиги Раббонийнинг жамияти исломиясига, озроқ бўлаги эса ҳизби ислом ва бошқа партияларга боғланган ҳолда уруш майдонларида ҳаракат қилмоқда эди. Аммо қисқа вақт ичида, хусусан икки йўналишда, яъни, Покистондан келадиган ёрдамнинг тарқатилишида ва бошқаришда мансабу мақом олмоқ масаласида турк гуруҳларининг ҳуқуқлари поймол этилаётгани билиниб қолди. Ана шундан кейин алоҳида турк партияси тузилиши кераклиги долзарб муаммога айланди.

ШИМОЛИЙ АФҒОНИСТОН ВИЛОЯТЛАРИ ИСЛОМ ИТТИҲОДИ ҲАРАКАТИ ВА ОЗОДБЕК

1981 йил бошида Покистоннинг Пешовар шаҳрида Туркистон мужоҳидлари қурултойи ўтказилди. Унинг ташаббускорлари Тоҳир Мутаҳҳар, Абдул Маннон, Абдулкарим махдум[1011] ва Нуриддин Толлиқоний каби шахслар эди. Январ ойида ўтган бу анжуманда Покистонга ҳижрат қилган туркий сиёсатчилар ва Афғонистон ичидаги урушда қатнашаётган қўмондонларнинг вакиллари иштирок этди. Турк партиясининг ташкили йиғилишди кўрилган энг долзарб масала эди. Аммо иштирокчилар бу масалада якдил эмасди. Вакилларнинг бир қисми турк партияси тузилиши зарур деб ҳисобласа, айримлари партия барча қавмларни қамраса яхши бўлади деб ўйларди. Озроқ қатнашчилар эса,

[1010] Khalili, *A Change in the North – The Central Asian Newsletter* (1986). Vol. 5, № 6, s.9

[1011] Абдулкарим махдум 1942 йилда Шибирғоннинг Қизилоёқ қишлоғида туғилган. Отаси Афғонистон туркманларининг йўлбошчиларидан эди. Афғонистон парламентига13-чақириқ сайловларида Жузжон вилоятидан сайланган депутатдир. Муҳаммад Довутхон ҳукумати пайтида сиёсий сабабларга кўра 14 ой қамоқда ётди. Бабрак Кармал даврида авф туфайли озодликка чиқди. Кейингроқ Покистонга ўтган Абдулкарим махдум Пешоварда турк партиясини тузишда бош-қош бўлди. 1981 йилдаТуркияга кўчиб келиб, Тўқот шаҳрига жойлашди.

алоҳида турк партияси кераксиз, курашни аввалгидек давом эттиравериш керак, деган қарашда эди. Ана шу озчиликнинг қайғуси, аслида, Покистон ҳукумати янги тузиладиган партияни расман тан олмайди, ёрдам бермайди, натижада у иш юритолмайди деган ҳадик боис туғилганди. Аммо бу ҳадик анжуманда қатнашаётганларнинг барчасининг ҳам ичини кемириб турарди. Шунинг учун ҳам бу илк қурултойда барча бир фикрга кела олмади ва масалани иккинчи қурултойда ҳал этишга келишилди.

Орадан бир мунча вақт ўтиб, иккинчи қурултой ўтказилди. Йиғилишда Шимолий Афғонистон вилоятлари ислом иттиҳоди партиясини тузишга қарор қилинди. Партиянинг вақтинчалик раислигига Абдулкарим махдум, раис ўринбосарлигига Озодбек[1012] сайланди. Ўша пайтдаги ҳодисалар борасида Озодбек, жумладан, шундай дейди:

> “1981 йилнинг илк куни Иброҳим Пахта менга Америкадан телефон қилди, эртаси куни Пешоварда Туркистон мужоҳидлари йиғилиши бўлишини, унда менинг ҳам қатнашишим исталганини айтди. Унга бу анжуман ташкилотчилари томонидан расман даъват этилмаганимни айтдим. Менга бу йиғинга фақат Афғонистон фуқаролари бўлган шахслар чақирилаётгани хусусидаги бир қоғоз келганди холос. Шу боис илк йиғилишга қатнашмадим. Зотан вакиллар бир қарорга келолмасдан тарқалишди. Кўпчилик Покистон ҳукумати бу партияни тан олмайди деган фикрда эди. Бу ҳам йиғилишда бир қарорга келинишида тўсиқ бўлган.
>
> Аслида, Пешоварда афғон партиялари тузилган дастлабки пайтда Раббоний билан учрашгандик. Ўшанда у менга ўз партиясига таклиф этганди. Раббоний Покистон қўшини полковниги тоғам, шаҳзода Камолбекнинг яқин дўсти эди. Тоғам айни замонда ҳарбий ўқув юртида ўқитувчилик қиларди. Покистон мудофаа вазирлиги ва махсус хизмат ташкилотларида ўзига яраша обрўга эга шахс ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам у Раббонийнинг партиясига ёрдам берилишида маълум ишларни бажарганди. Раббоний шу сабабли мени ёнига чақирганди. Аммо мен ўша пайтда бу таклифни қабул этмаганидм.
>
> Туркистон мужоҳидлари йиғилиши натижасиз тугаганидан кейин тоғам билан учрашиб, унга вазиятни тушунтирдим, агарда алоҳида партия тузилса, ёрдам берасизми, дея сўрадим. У барча ишларда кўмак кўрсатишини айтгач, мен мужоҳидлар анжумани ташкилотчилари билан суҳбатлашдим. Орадан йигирма кун ўтгач, иккинчи қурултойга тўпландик. Барчамиз кенгашиб, қурултой қарорига кўра Шимолий Афғонистон вилоятлари ислом иттиҳоди партиясини туздик. Абдулкарим махдум раис, Тоҳир Мутаҳҳар бош котиб, қори Ҳусайн молия ишлари мудири этиб сайланди. Доктор Аъзам Додфар бошқарув ҳайъатида, мен сиёсий бўлим бошлиғи сифатида ишга киришдик.

[1012] Озодбек Каримий 1952 йилда Исломободда туғилган. Отаси доктор Ворис Каримий. Онаси сўнгги Қўқон хони Худоёрхоннинг невараси. Ҳуқуқшунослик бўйича таҳсил кўрди. Афғон уруши бошлангач, Афғонистондаги туркларнинг сиёсий ва ҳарбий-ташкилий ишлари билан шуғуллана бошлади.

Ҳарбий тузилмаларни тартибга солиш, қурол ва пул топиш масаласи менинг зиммамга юклатилганди. Илк моддий ёрдамни Равалпиндидаги фабрика соҳиби Акбарбекдан олдик. Уч минг рупия миқдоридаги ақча эди. Урушда қатнашадиган мужоҳидлар ҳаракати учун бу бир томчидай гап эди...

Бир ҳафта ўтгач, феврал бошларида Абдулкарим махдумни Исломободга олиб бордим. Тоғамнинг етагидан керакли алоқаларни ўрнатдик. ISI[1013] қошида Афғонистион жиҳодига ёрдам комитети тузилганди. Бутун қурол-яроғ, ўқ-дори, озиқ-овқат ва бошқа нарсалар ана шу ташкилот воситасида тарқатиларди. 8 феврал куни 350 та калашников автомати ва ўқ-доридан иборат илк кўмакни олдик. Афғонистон ичидаги қўмондонлар билан муносабат ўрнатдик. Бундан ташқари, Покистондаги афғон муҳожирлари орасидан ҳам урушга борадиган мужоҳид гуруҳлари тузишга киришдик.

Ёрдам-ку кела бошлади, бироқ, афсуски, партия раҳбарияти ичида баъзи зиддиятлар ҳам пайдо бўлди. Уч ўтиб, партия бош котиби Тоҳир Мутаҳҳар доктор Карим Зорийнинг қардоши Набижон ва дўстлари томонидан ўлдирилди. Ҳаракатнинг бу машъум ҳодисадан задаланмаслиги учун роса тиришдик, аммо низо ва адоват уруғлари ерга сепиб бўлинганди. Зотан бизнинг партия тузганимиздан ижирғанган бир неча пушту партиялари тишларини қайраб, аллақачондан қарши тарғиботга киришиб кетганди. Булар миллатчилик қиляпти, ишлари исломга зид дегандай туҳматлар билан бизга боғлиқ мужоҳидларни совутишга, орамизга нифоқ солишга интилишарди...

Худди ана шу жараёнда яна бир ишкал юзага чиққан: турк партияси раиси Абдулкарим махдум билан унинг ўринбосари Озодбек ўртасида келишмовчилик бошланган. Абдулкарим махдумнинг турк партиясини Пирсаид Аҳмад Жайлон партияси билан ҳамкорликка ундаши зиддиятни янада кучайтирган. Махдум Озодбексиз партияни бошқара олмаслигини билган. Афсуски, кейинчалик ўзича шу йўналишдаги бошқа бир ишга қўл уриб ҳам муваффақият қозонолмади. Айни кунларда Туркия республикаси президенти Канон Эвраннинг Покистонни зиёрат этди, Туркия 4500 та муҳожирни қабул қилиш ҳақидаги сўзлар чиқди. Абдулкарим махдум Туркияга кўчиб кетишга қарор берди ва 1982 йил ўрталарида ўз атрофидаги одамлари билан Туркияга йўл олди.

Шундай қилиб, Озодбек Шимолий Афғонистон вилоятлари ислом иттиҳоди партиясининг ягона раҳбарига айланиб қолди. Ўшандан кейинги воқеалар хусусида Озодбек шундай дейди:

“Уруш жуда қимматга тушадиган жараён. Покистон ҳукуматидан маълум миқдорда қурол-яроғ ва ўқ-дори олиб турдик. Аммо биз ўзимизга боғлиқ қўмондонлар ва аскарларининг харажатларини ҳам қоплашимиз керак эди. Ана шу жиҳатдан жуда кўп қийналдим. Бизда пул йўқлиги боис Афғонистондаги мол-мулкли одамларнинг

[1013] Покистон махфий хизмат ташкилоти.

бирортаси ҳам яқинимизга келмади. Бари оғирликларга қарамай, Пешоварда эътиборли бир марказ тузгандик. Бундан ташқари, бошқар партияларнинг қурол-яроғ омборлари жойлашган Мироншоҳ шаҳрида бизнинг ҳам омборимиз ва қароргоҳимиз бор эди. Покистондаги қочқинлар масканида жон сақлаётган инсонлар билан ҳам мулофот олиб бордик ва жиҳодда қатнашишни истаганларини ўз қароргоҳимизга тўплаб, ҳарбий таълим бериб, Афғонистон ичкарисига, бизга боғлиқ қўмондонлар ихтиёрига юбора бошладик. Урушда яраланганларни қароргоҳимизга келтириб, касалхонамизда даволар эдик. Покистон ҳукуматидан ва ўз топган маблағимизга олинган қурол-аслаҳани Шимолий Афғонистонга жўнатардик. Ашур Паҳлавонга ўхшаш қўмондонларимиз партиямизга боғлиқ суратда урушда фидорлик кўрсатмоқда эди. Қисқаси, Шимолий Афғонистон вилоятлари ислом иттиҳоди партияси 80-йилларнинг ўрталаридан эътиборан бу минтақадаги урушнинг энг муҳим сиёсий унсурига айланганди.

Турк партияси аввал Саманган вилоятининг Татар деган жойида бир қароргоҳ қурди. Кейинроқ Бомён шаҳрига яқин Кўҳимардда иккқинчи қароргоҳини, Саманганнинг маркаўий шаҳри Ойбекда учинчи қароргоҳини тиклади. Фарёб, Жузжон, Балх ва Саманган каби туркий вилоятлардаги жанглар ана шу жойлардаги қароргоҳлар раҳбарлиги остида олиб борилди. Имом Бухорий, Термизий номли икки қўшин* ҳам тузилганди. Афғонистон Туркистонидаги урушда, хусусан Саманган вилоятида мавлавий Абдулқуддус, мавлавий Ислом татар, Қундузда машҳур босмачи Иброҳим лақайнинг жияни Ҳолиддин, Боғлонда Айитмурод, Жузжонда Ашур Паҳлавон каби қўмондонлар шуҳрат қозонганди. Улар турк партияси раҳбарлигида курашни давом эттирмоқда эди. Айниқса Ашур Паҳлавон ва мавлавий Абдулқуддус қўшинларининг жанговарлиги ва муваффақиятлари тилга тушганди. Уларнинг кураши ашаддий турк душмани, пушту миллатчиси Ҳикматёрни ҳам тонг қолдирганди. 1988 йилда, Туркия телевидениясининг бир кўрсатувида, хизби ислом лидери Ҳикматёр “Туркларнинг жиҳоддаги ўрнини қандай баҳолайсиз?” деган саволга шундай жавоб берган:

> “Туркийлар шимол вилоятларимизда жуда яхши уюшқоқлик билан ташкилотлар қуриб, душманга қарши жиддий зарбалар беришди. Ҳозир сизларга номларини бирма-бир санаб беришим мумкин бўлган аллақанча туркий қўмондонлар раҳбарлигида урушни давом эттирмоқдалар.”[1014]

Афғон урушининг яна бир лидери Жайлоний ҳам Туркиянинг ТРТ-2 каналидаги ўша суҳбатда шу фикрни билдирган:

*Матнда қўлўрду дейилган. Қўлўрду уч-тўрт минг аскардан тузилади (тарж.).

[1014] Жавод Тайланнинг “Профил” программаси, ТРТ-2, 1988 й.

> “Озодбек дўстимиз туркман ва ўзбекларнинг лидеридир. Биз биргаликда, елкама-елка туриб жанг олиб боряпмиз.” [1015]

Озодбек раҳбарлигидаги партияга кириш учун турк ирқидан бўлиш асосий шарт ҳисобланарди. Ана шу сабабли Озодбек ва Шимолий Афғонистон вилоятлари ислом иттиҳоди партиясига рақиблар ва душманлар “миллатчи”, “жиҳодни бўлувчи” каби тамғаларни ёпиштиришга уринарди.[1016] Зотан, бошқа бир томондан қаралганда, Озодбекнинг Шимолий Афғонистон туркларини бирлаштиришга уринишлари, ортиб бораётган эътибори бу минтақада ўз таъсир кучини йўқотиб қўйишдан ҳадикка тушган пушту миллатчи партияларини ташвишга солиб қўйганди. Айниқса, Озодбекнинг тез-тез айтадиган бир сўзи – Афғонистонни ёвлардан қутқарганимиздан кейин навбат Туркистонга келади, дегани Совет Иттифоқини ҳам ҳуркитиб юборганди. Шу туфайли совет пропагандачилари Озодбекни пантуркист дея аюҳаннос солишди. Уни синдириш, партиясига ғов бўлиш мақсадида Озодбекни ғарб давлатлари ва Покистон жосуси дея тарғибот-ташвиқотни кучайтиришди.[1017]


1987 йил Афғонистондаги урушнинг муҳим бир бурилиш нуқтаси бўлди. Москвадаги раҳбарият бу ўлкада олиб борган урушининг муваффақиятсизликка учраганини мажбуран тан оларкан, зудлик билан ботқоқдан чиқишга интилди. Оқибатда Москва совет қўшинларининг Афғонистондан биринма-кетин олиб чиқиб кетилишини, аммо Нажибуллоҳ ҳукуматига иқтисодий ва техник кўмак кўрсатилиши тўхтамаслигини дунёга эълон қилди. Айни йилнинг декабр ойида Москва ва Кобил ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик битими тузилди. Афсуски, бундайин тадбирга қарамасдан, 150 мингдан ошиқ аскар билан ҳам Афғонистонни назорат қилолмаган советлар эндиликда фақатгина иқтисодий ва техник ёрдам билан Нажибуллоҳ тузумини сақлаб қолиши имконсиз эди, албатта. Қўғирчоқ ҳукумат эртами-кеч йиқилиши равшан бўлиб қолганди. Шунинг учун келажакда Афғонистонда қандай давлат қуриш муаммоси долзарб масалага айланганди.

[1015] Юқоридаги манба.

[1016] Roy, *Ethnic Identity and Political Expression in Northern Afghanistan*. (Jo-Ann Grass) s.81

[1017] Француз тадқиқотчиси Оливер Рўй “Шимолий Афғонистон аҳолисининг этник қатлами ва сиёсий аҳвол” деган асарида турк партиясига нисбатан аллақанча асоссиз гапларни қоғозга тўкканидан сўнгра, “Озодбекнинг партияси Кобилдаги Нажибуллоҳ тузумини сақлашга интилаётган кучларни бўлиш учун яратилган бир Троя отидир” деган ғоятда кинли фикрни ўртага ташлаб, муҳитни лойқалатган. Ўша муаллиф кейинчалик нашрдан чиқарган “Афғонистонда қаршили к ҳаракати ва ислом” номли китобида Эрон томонидан қувватланган барча партияларга, шиаларга оид энг кичик ҳодисаларга ҳам эътибор бергани ҳолда, Озодбекнинг партияси ва ҳаракати борасида бир оғиз ҳам сўзламаган. Бу минтақа мутахассиси дейишаётган бу Рўй Афғонистон жиҳодида пушту партиялари ва Аҳмадшоҳ Масъудни оғиз кўпиртириб васф этаркан, Шимолий Афғонистон турк халқларининг урушдаги ўрни ва ҳаракати хусусида индамаслиги – унинг айни китоби, бу минтақа ҳақида ёзган бошқа асарларининг ҳам бирёқлама, саёз нарсалар эканини англатмоқда.

1988 йил Афғонистонда ички кураш билан кечаркан, унга боғланган ўлкаларда афғон масаласи тортишувларию дипломатик бордикелди билан ўтди. Шу жараёнда АҚШ, Буш ҳукумати афғон жиҳоди учун 500 милйўн доллар ёрдам беришини эълон қилди. Бу кўмакдан барча мужоҳид гуруҳлар ва партиялар ўз улушини оларди. Аввал айтганимиздек, АҚШ ёрдами фақат Покистон воситасида тарқатиларди. Покистон ҳукумати эса, ўзи тан олган расмий партияларга ёрдам ажратарди. Шуни ҳам айтишимиз керакки, бу кўмакнинг бир қисмини Саудия Арабистони берарди. 1989 йил февралидан эътиборан совет қўшинлари қўлларидаги қурол, оқ-дори ва ҳарбий техниканинг катта бир қисмини афғонларга қолдириб, чекиниш фаолиятини тамомлади.



Афғонистон шимол вилоятлари ислом иттиҳоди партияси лидери Озодбек ва доктор Аҳат Андижон Афғонистон-Покистон чегарасидаги қароргоҳда. (Мироншоҳ, 1989 й. январ ойи)

Русларнинг чекинишидан кейинги вазиятда Афғонистондаги уруш коммунист Нажибулло ҳукумати ва унга қарши партиялар орасидаги курашга айланиш эҳтимоли яралди. Покистондаги мужоҳид партиялар

советларнинг чекинишидан 4 кун сўнгра, Равалпинди шаҳрида 437 вакил қатнашган бир шўро анжуманини ўтказишди. Шўрога делегатлар сайланаркан, Афғонистондаги миллатларнинг умумий нуфусдаги ўрни ҳисобга олинмаганди. Турклар ва ҳазораларга жуда оз ўрин ажратилганди. Шу туфайли Озодбекнинг Шимолий Афғонистон вилоятлари ислом иттиҳоди патрияси ва ҳазоралар партияси шўрога бойкот эълон қилди ва қатнашмади.

Пуштуларнинг мутлоқ ҳокимлиги остида ўтказилган шўрода Мужаддидий ҳукумат бошлиғи, Сайёф бош вазир,Ҳикматёр ташқи ишлар вазири, Юнус Холис мудофаа вазири, Раббоний ички ишлар вазири этиб тайинланди. Бу ҳукумат аъзолари орасида пушту бўлмаган вазир биргина Раббоний эди.

Бу ўзгаришлардан кейин Озодбек ёнидаги қўмондонлари ва икки минг қадар мужоҳид билан бирга 1989 йил январида Афғонистонга ўтди. Саманган вилоятидаги қароргоҳга бориб жойлашди. Энди уруш йўналиши Афғонистон ичкарисига қаратилиши аниқ эди.

Советлар чекиниши биланоқ қурилган вақтли ҳукуматнинг қуролли кучлари Покистон билан чегарадош манзилларга ва Кобилга ҳужумни бошлаб юборди. Жуда катта куч муҳим стратегик нуқта ҳисобланган Жалолободга ташланди. Узоқ муддат қамалга олинганига қарамасдан, марказий ҳукуматнинг ҳаво кучлари Кобилнинг қатъий қувватлаши туфайли душманни шаҳарга киритмади. Бу муваффақиятсизлик мужоҳидларга ёрдам бераётган давлатларда шубҳа ва умидсизлик уйғотди. Мужоҳидларнинг бош ҳомийлари АҚШ ва Покистон давлатлари афғон муваққат ҳукуматини ҳали расман тан олмаганди. Бошқа тарафда эса, совет ҳукумати ҳар куни 25 та ИЛ учоғи тўла қурол-яроғ ва техник ёрдамни Нажибулло ҳукуматига етказиб тураётганди.[1018]

Мужоҳид гуруҳлари бирлашмаси советлар чекинганидан кейин Нажибулло ҳукумати тезда тарқалиб кетади, деган фикрда эди, аммо бу амалга ошмагач, улар ораси бузила бошлади. Айниқса, Аҳмадшоҳ Масъуд ва Ҳикматёр қўшинлари ўртасидаги зиддият кучайиб борарди. 1989 йил июл ойида ораларида турк қўмондонлар ҳам бўлган ўттизтача юқори мақомдаги ҳарбийлар Ҳикматёр гуруҳлари томонидан тузоққа туширилиб, ўлдирилди. Бу ҳодисадан сўнгра мауваққат ҳукуматга боғлиқ мужоҳидлар бирлашмаси парчаланди. Ўшандан кейин Аҳмадшоҳ Масъуд пушту вилоятларида қолган барча мужоҳид қўмондонларни тўплаб, ислом жиҳод кенгашини тузди. Унинг нияти АҚШ ва Покистон каби ҳомий давлатлар билан бевосита боғланиш, Пешоварда марказ қурган муваққат ҳукуматни ўйиндан чиқариб юбориш ва бундан кейин уруш жиловини ўз қўлига олиш эди. У ўз ташкилотини тузиш Озодбек билан

[1018] Dilip Hiro, *Between Marx and Muhammad*, s.255

ҳам жараёнида бир неча бор учрашди, аммо Озодбек Масъуднинг таклифларига кўнмади ва унга қўшилмади.[1019]

Мужоҳидлар тарафда бу жараён давом этаркан, Кобилдаги Нажибулло ҳукумати улар билан муроса йўлини ахтарарди. Советлар мамлакатидаги сиёсий таназзул боис Нажибулло Афғонистон халқ демократик партияси номини ватан партияси дея ўзгартирди. Шу тарзда ўз партиясини миллатпарвар ўлароқ кўрсатишга, Москванинг қўғирчоғи эмаслигига урғу бермоққа интиларди.

Нажибулло пуштулардан бошқа миллатларнинг Кобил ҳукуматини қўллаб-қувватлашига эришмоқ учун турклар ва ҳазоралар яшайдиган минтақаларга мухторият эълон қилди. Бундан ташқари, собиқ қирол Зоҳиршоҳ ва муросасоз мужоҳид гуруҳлар билан бирга Женевада бир анжуман ўтказиш ҳаракатига тушди.

1991 йил бошбошдоқлик билан ўтди. Йил охирига бориб Нажибулло ҳукумати, мужоҳидларнинг барча ҳужуму тиранишларига қарамасдан, аввало Кобилни, шунингдек, Мозори шариф, Жалолобод, Қандахор, Ҳирот каби энг катта шаҳарларни ва уларни бир-бирига боғлайдиган йўлларни тамоман ўз ҳукмига олишга қодир ҳолга келганди. Бироқ 1991 йил 18 декбрда совет давлатининг тарқатилиши ҳодисаси Нажибулло ҳукумати тақдирини ҳам олдиндан ҳал этиб қўйди.

НАЖИБУЛЛО ҲУКУМАТИНИНГ ТУГАТИЛИШИ ВА ГЕНЕРАЛ ДЎСТИМНИНГ МАЙДОНГА ЧИҚИШИ

Совет Иттифоқининг тарқалиши ва мустақил Туркистон жумҳуриятларининг пайдо бўлиши бу минтақалардаги аввалги вазиятни бутунлай ўзгартириб юборди. Афғонистон билан бир минг беш юз километр чегарага эга уч жумҳурият, яъни, Туркманистон, Ўзбекистон ва Тожикистон афғонларнинг ички урушидан, албатта, безовта эди. Айниқса, Ҳикматёр каби ашаддий жанговарларнинг исломий жиҳодни мамлакат хорижига ҳам ёйиш эҳтимоли борлиги бу уч давлатни ўйлантириб қўйганди.

Советларнинг таназзули аввало Америка, қолаверса Покистон ва Эрон каби ўлкаларни бу минтақага нисбатан ҳисобларини ва муносабатини кескин ўзгартирганди. Эрон ва Покистон Ўрта Осиёга ўз таъсирини ўтказиш йўналишида тириша бошлади. Айни пайтда АҚШ учун советларни Афғонистон ботқоғига янада чўқтириш сиёсатини давом эттиришига эҳтиёж қолмаганди. Шунинг учун Америка эндиликда бу

[1019] Озодбек билан шахсий мулоқотдан (А. Андижон архиви).

минтақадаги иқтисодий бойликларни ўз миллий манфаатларига боғлаш йўлига кирди.

1992 йилда Бирлашган миллатлар ташкилоти ташаббуси билан Афғонистонда замонага мос давлат ташкил этиш ҳаракати бошланди. Нажибулло ҳукумати бу чоғда қўшнилари – туркий жумҳуриятлардан ҳар тарафлама ёрдам олишга интилаётганди. Аммо ўзлари эндигина мустақиллик сари йўналган бу давлатлар собиқ советлар давридаги каби кўмак кўрсатишга қодир эмасди. Бундан ташқари, бунақа фаолият юритишга уларда истак ҳам йўқ эди.

Бу орада Кобил ҳукуматининг сиёсий асосини ташкил этувчи Ватан партияси ичида келажаккаа оид масалаларда ўзаро тортишувлар юзага келганди. Марказий ҳукумат қўшинлари ва мужоҳидлар ўртасида ўзаро кенгашлар ўтказилиб, тўп-тўп ҳолда тарафларга ўтиш бошланганди. Айни пайтда ўт очишни тўхтатиш, сулҳ тузиш учун вақт келди деган фикрдаги Бирлашган миллатлар ташкилоти вакили Бенон Саван Нажибулло билан учрашди. Мулоқот давомида Нажибулло БМТ вакили фикрларини қабул этди, даврга мос муваққат ҳукумат тузилишига рози бўлди, бу ҳукумат тузилиши биланоқ барча масъулиятни унга топширилишини айтди.

18 мартда эълон қилинган бу қарор Кобил ҳукумати билан муносабат юритаётган барча давлатлар учун ўз сиёсий ўринларини бунга кўра ишғол этиш заруратини яратди.

Айни қарордан қўнгра марказий ҳукумат қўшинларидаги атоқли қўмондонлар – ўзбек генерал Абдурашид Дўстим, тожик генерал Абдулмўмин, исмоилийлар тариқатига мансуб генерал Сайид Мансур Нодирий йиғилиш ўтказиб, Нажибулло ҳукуматига қарши биргаликда кураш бошлашга қарор беришди. Генерал Дўстим раҳбарлигида ташкил топган бу ҳарбий иттифоқнинг илк мақсади Мозори шарифни эгаллаш эди. Март ойида шаҳарни қўлга олган бирлашган қўшинлар зудлик билан Кобил сари йўналишди ва апрел ойининг илк кунларида пойтахта кириб боришди. 15 апрелда Кобил ҳаво майдони Дўстим қўшинлари томонидан қўлга олинди. Нажибулло Кобилдаги Бирлашган миллатлар ташкилотидан паноҳ сўраб, уларга сиғинди. Бу ҳодисадан бир ҳафта ўтгач, Нажибуллонинг ёрдамчиси Хатиф ҳеч қандай шарт қўймасдан Кобил шаҳрини генерал Абдурашид Дўстим ва Аҳмадшоҳ Мансур бошчилигидаги қўшинларга топширди.

МУЖОҲИДЛАР ҲУКУМАТИ ВА КОБИЛДА ҲУКМРОНЛИК УЧУН КУРАШЛАР

Пойтахтнинг Дўстим раҳбарлигидаги қўшинларга таслим этилиши ўз қўшинлари билан шаҳар ташқарисида қолган Ҳикматёр томонидан шиддат билан қораланди. Бир оз муддатдан сўнгра Пешовардаги

Афғонистон муваққат ҳукумати бошлиғи Мужаддидий Кобилга келди, раҳбарликни ўз қўлига олди ва 51 аъзодан иборат бошқарув кенгашини тузди. Энди Афғонистонда янги давр бошланганди.

Янги ҳукуматнинг илк иши республика номини Афғонистон ислом давлати тарзида ўзгартириш бўлди. Энди мамлакат шариат қонунлари асосида бошқарилиши керак. Хотин-қизлар ҳижобга киритилди, қизлар ва ўғил болаларнинг аралаш ўқитилиши, шунингдек, қимор, ичкилик ичиш, гуноҳ ҳисобланган барча ўйин-кулгилар ҳам таъқиқланди. Афғонистонда юзага келган янги сиёсий вазиятни, айрим ўзгаришларни радикал фикрдаги Ҳикматёр хазм этолмади. Кобилни ўзбек, тожик ва ҳазора қўшинлари томонидан эгалланиши пуштулар эътирозининг пасайганини билдирарди. Бундан ғазабланган Ҳикматёр қўшинларини шаҳар ташқарисида тўплаб, Кобилга бўмба ёғдирди. Ҳикматёр генерал Дўстимни “Нажибулло ҳукуматини қўллаб-қувватлаш ва коммунистлар билан ҳамкорлик қилиш” айблари билан қоралади, зудлик билан Кобилни тарк этишини талаб қилди. Май ойи охирларида Дўстим бошлиқ қўшинлар Кобилдан ташқарига чиқди. Олти ой ичида давлат раҳбарлиги учун сайлов ўтказилишига, Ҳикматёр истаган шахснинг бош вазири бўлишига оид аҳднома имзоланди. Аммо бу аҳдноманинг амалга ошиши маҳол кўринарди. Зеро Дўстим муваққат ҳукумат раҳбари Мужаддидий томонидан генераллик мақомига юксалтирилгани боис катта имкониятга эришганди. Мужаддидийдан ҳукуматни қабул қилиб олган Раббоний ҳам Дўстимни қатъий қўллаб-қувватлаб турганди. Ҳукумат раҳбари ва мудофаа вазири Шоҳмасъуднинг бир миллатдан экани Афғонистон бошқарувида тожиклар таъсирини ғоятда орттириб юборганди. Оқибатда июн ойи ўрталарига бориб Ҳикматёрнинг пушту қўшинлари ва Кобилдаги ўзбек, туркман, тожик, ҳазораларнинг бирлашган қўшинлари орасида янгидан жанглар бошланди.

АФҒОНИСТОН МИЛЛИЙ ИСЛОМИЙ ҲАРАКАТИ – ЖУНБУШИ МИЛЛИЙНИНГ ТУЗИЛИШИ

Генерал Дўстим Шимолий Афғонистон ҳарбий кенгаши раиси мақомига юксалганди. Аммо Афғонистонда ҳар бир ҳарбий ташкилотнинг ўз ўрни ва у боғлиқ бир сиёсий куч мавжуд эди. Ана шуни яхши тушунган Абдурашид Дўстим 1992 йил май ойининг сўнгги кунларида, Мозори шариф шаҳрида Шимолий Афғонистонни идора этаётган барча қўмондонлар ва атоқли уламолар иштирокида бир кенгаш тузди. Бу сиёсий ташкилот Афғонистон миллий исломий ҳаракати – жунбуши миллий деб аталди. Анжуманнинг очилиш нутқида генерал Дўстим бу ҳаракатнинг майдонга келиши сабаблари ва сиёсий мақсадлари хусусида, жумладан, шундай деди:

“Балх вилоятимиздаги қуролли кучларимизга боғлиқ қаҳрамон аскарларимиз ва жасур мужоҳидларимиз коммунист Нажибулло ва унинг тарафдорлари ҳокимиятини тугатиш учун бошлаган жангларини зафар билан якунладилар. Бу музаффарлик исломий кучларнинг бирлашуви ва ислом инқилобининг натижасидир... Миллий аскарлар ва мужоҳидлар ўлкамизнинг шимол минтақасидаги мазлум халқимизнинг орзу-истаклари йўлида иттифоқ бўлдилар ва... Кобил фатх этилгунга қадар жангни давом эттирдилар. Ҳаракатимиз қуролли ватанпарварлар ва ҳақиқий мужоҳидлар томонидан қўллаб-қувватланди. Халқнинг бу ҳаракати айна кунларда бутун Афғонистон миллий исломий ҳаракатига айланиш арафасида турибди... Миллий исломий ҳаракат ҳарбий кучлар, партиялар, турли мужоҳид ташкилотлар, шунингдек, миллий ва мазҳабий соҳада танилган шахслардан таркиб топган.

Бу ҳаракат қисқа пайтда ўлка шимолидаги урушни тўхтатди, тинчликни барпо этди, оға-иниларнинг бир-бирини ўлдиришига барҳам берди, одамларнинг ер билан яксон қилинган қадрини тиклади, инсон ҳуқуқларига риоя этишни, ижтимоий адолатни таъминлади. Бундан ташқари, шўройи назай ва ҳизби ваҳдат билан иттифоқ сақлаб, Кобилнинг эгалланишида ва исломий ҳукумат тузилишида катта хизмат қилди...

Афғонистон кўпмиллатли мамлакат. Бу ерда яшайдиган халқлар миллат ва мазҳаб жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Бироқ яқин-яқинларгача бу халқлар ирқчи бир қабила ҳукмронлиги остида яшадилар. Бу ирқчи қабила ўз ҳокимиятини давом эттириш учун ташқаридаги кучларнинг ёрдамига суяниб, мусулмон халқларни бир-бирига қирдириб келди ва бу қабоҳатини ҳалиям тўхтатгани йўқ...

Халқнинг қаршилиги ва кураши натижасида ишғолчи рус қўшинлари чекинишга мажбур бўлди, аммо бу ҳолат уруш тугади дегани эмас. Чунки ҳокимиятни тиш-тирноғи билан тутиб турган ирқчи гуруҳ яратган асосий қонун, сиёсий партиялар қонуни ва сиёсий партиялар сони – барчаси ххжакўрсинга. Ўлкадан ташқарида тузилган муваққат ҳукуматнинг ҳам ҳеч бир ишга ярамагани оппа-очиқ кўриниб қолди...

Афғонистон миллий исломий ҳаракатининг асосий ғояларидан бири ўлкамизда ижтимоий адолатни тиклашдир, бу ерда яшаётган барча миллатларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашдир. Бунинг ягона йўли федерал давлат бошқарувини ташкил қилишдир...

Миллий исломий ҳаракатнинг ватандошларимизга айтадиган гапи шундай. Афғонистоннинг дини муқаддас ислом динидир. Бу ўлка шариат қонунларига кўра бошқарилади. Шаръий ҳукмлар сунний ва шиа мазхабларига мувофиқ тадбиқ қилинади. Мусулмон бўлмаган бошқа инсонлар ўз диний эътиқодлари ва ибодатлари борасида эркиндирлар...

Халқнинг ҳур иродаси билан сайланган ва шариат қонунларига кўра бошқариладиган бир федерал давлат қурилади. Давлат бошқарувида миллатларнинг ўз нуфусларига кўра қатнашуви таъминланади.

Сайловда ҳар бир юртдошнинг тўғридан-тўғри иштирок этишига имкон яратилади... Кейин мунтазам миллий-исломий қўшин тузилади... Исломий ва миллий бирликни сақлаш мақсадида ўлкадаги барча халқлар ва қабилаларга тенг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳақ-ҳуқуқлар берилади. Хотин-қизлар исломий ҳукмларга биноан ҳақ-ҳуқуққа эга бўлади. Инсон ҳуқуқлари баённомаси ва Бирлашган миллатлар ташкилоти қарорлари ҳам ислом дини асосларига суянган ҳолда қўллаб-қувватланади."[1020]

Генерал Дўстим бу нутқида Миллий исломий ҳаракатнинг асосий ғоя ва амалларини тушунтириш билан бирга, ўзи ва тарихий кураш йўлини биргаликда босиб ўтган сафдошларини танитгани ҳолда, барчаларини ҳарбий қўшиннинг асоси эканлигини таъкидламоқда. Шу фикри билан рақиби Ҳикматёрнинг "Булар Нажибулло билан ҳамкорлик қилган, жиҳодда қатнашмаган. Ана шу сабабли янги ҳукуматда уларга ўрин йўқ" деган айбловига қарши жавоб бермоқда. Кобилнинг эгалланишида ва Нажибулло ҳукмронлигининг тугатилишида асосий вазифани биз бажардик, мужоҳидлар йиллардир уриниб қилолмаган ишни биз қилдик, дея эслатиб қўймоқда. Бундан ташқари, Афғонистонда тинчликни сақлаш учун энг зарур шарт – миллатларнинг нуфусига кўра ҳокимиятда иштироқ этадиган бошқарув эканини, эндиликда Афғонистонни аввалгидагидек бир қавмнинг, яъни пуштуларнинг бошқаришига изн берилмаслигини ҳам таъкидламоқда.

Афғонистон миллий исломий ҳаракатининг 31 май-1 июн кунлари давом этган анжуманида ва олинган қарорларда генерал Дўстимнинг очилиш нутқидаги ғоя ва мақсадлар қўллаб-қувватланди. Бундан ташқари, ҳаракатнинг ғоя ва мақсадлари, фаолият юритиш тартиби хусусидаги низомнома ҳам қабул қилинди.

Низомномада, жумладан, қуйидаги фикрлар баён этилган: Афғонистон миллий исломий ҳаракати мустақил сиёсий ташкилотдир. Юқори кенгаш ҳаракатни йўналтирувчи қарорлар чиқарадиган энг устки бошқарув ташкилоти бўлиб, унда 313 вакил қатнашади. Ҳар уч ойда бир бор йиғилади. Унинг тўртдан учи қуролли кучлар ва мужоҳид гуруҳларнинг вакилларидан, қолган қисми эса, мустақил диний ва миллий вакиллардан тузилади. Кенгаш ўз раисини сайлайди. Шунингдек, вакиллар орасидан 32 кишилик домий ишлайдиган ижро ҳайъатини ҳам сайлайди. Бу ижро ҳайъати ўлканинг шимолий вилоятларини бошқариш учун ўша ерларда турли соҳаларга оид раҳбар ташкилотлар тузади. Бошқарувда қарорлар овозга қўйилиши натижасида олинади.

Қабул қилинган қарорларда генерал Дўстим Афғонистон миллий ҳаракати томонидан Шимолий Афғонистондаги сиёсий ва ҳарбий аҳамиятга молик ягона шахс сифатида баҳоланган. Бу қараш кенгаш

[1020] Нутқнинг тўла матни ва Афғонистон миллий исломий ҳаракати хусусида тўлароқ маълумот учун қаранг: "Туркистон" журнали, Истанбул 1993, №17-18, 47-50 б.

қарорларида равшан ифодаланган ва шундан келиб чиқиб, бошқа партияларга қарата турли фикрлар ҳам билдирилган. Масалан:

> “Ўлкада ислом инқилобининг зафар қозониши ва қўғирчоқ ҳукуматнинг тугатилишида Афғонистон миллий исломий ҳаракати аҳамиятини инкор этиш мумкин эмас. Зотан марказдаги сиёсий бошқарувда, ҳукумат ишларида ҳаракат вакилларигa ўзларига лойиқ вазифалар ажратилиши керак... Партиямиз исломий ҳукуматнинг юртимизда яшаётган барча миллатлар ва қабилаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади, шунингдек, юртимизнинг шимолий вилоятларидаги инсонлар билан бошқа барча вилоятлардаги аҳолининг ҳуқуқлари тенг бўлишини таъминлайди... Ўтган даврларда ўлкамиз ҳукумати адолат қоидаларига риоя этмади. Шунинг учун ижтимоий адолатнинг тикланиши энг муҳим муаммодир... Афғонистонда кўплаб миллатлар яшайди. Ана шуни ҳисобга олиб, ўлкани федератив асосга таянган бир ҳукумат бошқариши зарурдир... Миллий исломий ҳаракат исломий ҳокимият яратилишини, тўла мустақилликни ва Афғонистоннинг бутунлигини истайди, бу йўлда курашади."[1021]

Ҳақиқатан ҳам, Шимолий Афғонистонда яратилган бу ҳарбий ва сиёсий ҳаракат ўз даврида ўлкадаги энг кучли ташкилот ҳисобланарди. Афғонистон миллий исломий ҳаракати қисқа пайтда бу минтақани ўз назоратига олди, унда тинчлик ва барқарорликни барпо этди. Ўза пайтда Шимолий Афғонистонга бориб, ўз кўрганларини қаламга олган ёзувчи ва журналист Дилип Хиро, холис ижодкор сифатида қуйидагиларни ёзган:

> “Кобилдаги раҳбарларнинг муросасиз қаттиқ муносабатлари ўзини миллий исломий ҳаракат бошлиғи ва Шимолий иттифоқ қўмондони деб атаётган генерал Дўстимни анча таъсир қилмоқда. Миллий исломий ҳаракат (МИҲ) ўлканинг жаъми 29 вилоятидан Ўртаосиё жумҳуриятларидан бошлаб то Кобилгача чўзилган тўққизтасида вазиятга ҳукмронлик қилмоқда. Уларнинг вакиллари минтақада олиқ-солиқ ва божхона ишларини юритмоқда, давлат ичида бир давлат ҳолига келиб қолган. Шимол иттифоқининг пойтахти ҳисоблангувчи Мозори шарифда электр, ичимлик суви, турли алоқа воситалари ва бошқа оммага хизмат турлари яхши йўлга қўйилган. Бунга қарама-қарши ўлароқ, давлатнинг пойтахти Кобилда анчадан буён бошбошдоқлик ҳукм сургани, кўпчилик уни тарк этгани боис аҳолининг сони ярим милйўнга тушиб қолган, энг ёмони, шаҳар йўқчиликдан қийналмоқда. Афғонистондаги энг катта ҳарбий қўшин ҳам мана шу Шимол иттифоқига боғликдир. 1993 йил баҳоридан бошлаб иттифоқнинг 120 минг атрофида аскари, 1000-2000 орасидаги танки, юздан ортиқ ҳарбий учоғи, вертолёт ва юк учоқлари мавжуд эди. Асосан ўзбек, тожик ва туркманлардан тузилган Шимол иттифоқида собиқ коммунист пушту зобитлари ҳам хизмат қилмоқда.”[1022]

[1021] Afganistan Milli İslami Hareketi Nizamnamesi, Türkistan dergisi, 1993: sayı 17/18, s. 49
[1022] Hiro, *Between Marx and Muhammed*. S. 267.

Афғонистон ислом жумҳуриятига айланган пайтда ўлкадаги турли миллатлар ўз ҳокимиятини эълон қилганди. Панжшир водийси марказ ўлароқ Бадахшон ва Тоҳар вилоятлари жойлашган жанубий-шарқий Афғонистон тожик генерал Аҳмадшоҳ Масъуд назоратида эди. Кобилнинг шимолий шарқида, қирқ чақирим нарида жойлашган Чорикор деган ергача унга қарарди. Масъуд сиёсий жиҳатдан Бурхониддин Раббонийнинг жамияти ислом ташкилотига боғлиқ эди. Шунингдек, Ҳирот вилояти ҳокими Исмоилхон ҳам шу жамиятдан саналарди. Афғонистон ўртасидаги тоғликларда, Ҳазоржат вилояти эса ҳазораларнинг хизби ваҳдат партияси назоратига киритилганди. Мозорий раҳбарлигидаги хизби ваҳдат бир неча шиа партияларининг бирлашуви натижасида майдонга чиққанди. Жанубдаги пушту вилоятларида эса, пушту партиялари таназзулга юз тутгач, Ҳикматёр бошлиқ хизби ислом партияси бу маконда ҳам от ўйната бошлаганди. Хуллас, пойтахт Кобил ана шу учта партия таъсири остида қолган ва йўналиши бошқа-бошқа бўлган партиялар томонидан бошқаришга киришилганди. Яна аллақанча озчилик қавмлар, жумладан, нуристонийлар, исмоилийлар ва бошқа элатлар ҳам ўз маконларида ўзларини бекдай тута бошлаганди. Шимолий Афғонистон иттифоқига оид қўшинлар, гарчанд Кобилнинг айрим қисмларини, ҳатто учоқ майдонларини эгаллаганига қарамасдан, ҳокимияти кучсиз эди. Чунки шимолдаги туркийлар макони ва Кобил орасида жуда олис эди, ўртада ошиб бўлмас Ҳиндикуш тоғлари чўзилиб ётарди. Генерал дўстим тузган иттифоқ, бошқа гуруҳлардан фарқли ўлароқ, турли миллат ва аэлатлардан иборат эди. Бошланғич даврда Дўстимга имконият эшикларини очган бу ҳолат, бир мунча вақт ўтиб, иттифоқнинг заифлашувига йўналтирди.

Афғонистондаги кураш миллий асосларга таяниш нуқтасига етгач, турли миллатлар орасидаги муносабатлар, бирлашуву иттифоқлар вақтинчалик эканлиги ҳам аён бўлиб қолди. Барча миллатдару элатларни қамраб олувчи ягона ташкилот яратиш учун бел боғлаган Дўстим бу ҳақиқатни анча кеч, бир оз тажриба орттирганидан кейин англади.

1993 йил бўйи генерал Дўстим аввал бошда Туркия ва бошқа давлатлар билан алоқа боғлаб, халқаро муносабат яратишга киришди. Шимолий Афғонистон маркази саналган Мозори шарифда Эрон консулхонаси, кейинроқ Туркия консулхонаси очилди. Булар Дўстим бошқарувидаги жиддий муваффақиятлар эди. Дўстимнинг ҳукумат

Генерал Дўстим билан ўтказган суҳбатимизда айтишича, бу рақамлар тўғриликка тўғри, аммо бу ерда нозик бир ҳолат бор. Яъни ўлкадаги миршаблар ва турли мужоҳид гуруҳларнинг Мозори шарифдаги ҳукуматга садоқатлари ипдан ҳам ингичка, салга узилиши ва улар бир онда сафларини ўзгартириши мумкин, дея таъкидлаган эди. Генерал ўз қўшинларининг ўртача50-60 минг кишидан иборатлигини ҳам билдирганди. Шунингдек, сон жиҳатидан кўплигига қарамай, аллақанча ҳарбий учоқлар, танклар ва вертолётларнинг тузатиш қисмлари йўқлиги сабабли ишлатиб бўлмас ҳолга тушганини ҳам айтганди.

бошқарувидаги фаолияти қўшни Туркистон жумҳуриятлари тарафидан Афғонистондаги ашаддий исломчи партияларни қувватлоқчи ҳаракатдай қабул қилинганди. Зотан бу даврда Тожикистондаги ҳукумат ва диндорлар ҳаракати орасида жиддий тўқнашувлар бошланганди. Афғонистондан диндор исёнкорларнинг Ўзбекистонга кириб келиш хавфи хусусидаги муаммолар ҳам ҳукуматни ташвишга солаётганди.

Бурҳониддин Раббоний 1993 йил ўрталарида навбатли президентлик вазифасини топшириши керак эди, аммо Афғонистондаги ички вазият, бошбошдоқлик баҳона қилиниб, унинг аҳвол тузалгунгача раҳбарликни давом эттириши масаласи ўртага қўйилди. Бу истак сиёсий мувозанатни янада таранглаштирди. Бошқа гуруҳлар бунга кўнгилсиз бўлса-да, мажбуран розилик билдиришди. Айни чоғда Покистон бош вазири Навоз Шариф ташаббусига кўра, март ойи охирларида, Исломободда афғон сиёсий кучларининг анжумани ўтказилди. Унга 6 та пушту партияси, Раббоний бошчилигидаги тожиклар партияси ва шиаларнинг хизби ваҳдат партияси чақирилди. Бироқ Ҳикматёр ҳамда радикал пушту партияларининг эътирози туфайли Шимолий Афғонистонни бошқариб турган генерал Дўстим ва унинг миллий исломий ҳаракат партияси анжуманга атайин даъват этилмади. Анжуман олти кун давом этди, натижада Покистон, Эрон ва Саудия Арабистони вакиллари ҳузурида бир аҳднома тузилди.

Бу аҳдномага кўра, Гулбиддин Ҳикматёрга бош вазирлик мансаби берилди ва ҳукуматни ташкил этиш вазифаси топширилди. 8 та партияга тенг ҳуқуқли ўларок ҳукуматдан ўрин ажратилди. Кейинги йил ўртасига қадар умумхалқ сайлови ўтказиш шарти қўйилди. Ҳикматёрнинг тинимсиз қаршилиги боис генерал Дўстим ва партиясига ҳукуматдан жой ажратилмади. Шубҳасизки, Афғонистондаги ҳақиқий вазиятга номувофиқ бу аҳдноманинг амалга ошиши мумкин эмасди.

Аҳмадшоҳ Масъуд Ҳикматёрнинг бунчалар олий мақомга қўйилишидан мамнун эмасди. Генерал Дўстим ҳам ўзининг бутунлай четлаштирилгани боис, муносабатларни янада қатъийлаштирганди. Ҳазоралар эса, ҳукуматни этник асосга эмас, партиялар асосига суяниб қурилишидан норози эди. Хуллас, айни пайтда 6 та партияга эга пуштуларнинг қўли баланд эди. Шунингдек, баъзи пушту партиялари Қонуни асосийда шиа мазҳабига расмий ҳуқуқлар берилган моддаларга қарши чиқишди. Охир-оқибатда Кобилдаги хизби ваҳдат қўшинлари кўприкларни бузишга қарор беришди ва давлат бошлиғи Раббоний ва одамлари мавжуд маконларга ҳужум уюштирди. Ҳодисалар давом этаркан, Аҳмадшоҳ Масъуд ҳам ҳазора қўшинлари ҳамда Ҳикматёрнинг жанговарлари билан урушмоққа мажбур бўлди. Дўстим эса, учоқ майдонларидаги назоратини сақлаган ҳолда, қўшинларини Кобил ташқарисига олиб чиқиб, вазиятни кузатмоқ билан кифояланди.

1993 йил декабр ойининг охирларида юз берган бир ҳодиса Афғонистондаги ички уруш мувозанатига қаттиқ таъсир кўрсатди. Дўстимнинг Мозори шарифдаги ёрдамчиларидан бири, тожик генерал устод Ота баъзи турк қўмондонлар билан биргаликда Дўстим бошқарувига қарши исён кўтарди. Олишув бир ҳафтага чўзилди, охири исёнчи қўмондонлар таслим бўлди. Энг муҳим нуқта – бу исён Аҳмадшоҳ Масъуднинг хабари бўлган ҳолда юзага келгани эди. Бу ҳодиса янги бир таназзулга йўл очди ва 1994 йил январ ойи ичида Кобилда катта жанглар бошланди. Шу тарзда икки йилдан буён давом этаётган Дўстим-Масъуд иттифоқи якунланди, Афғонистондаги барча катта-кичик этник гуруҳлар бир-бирига қарши уруш ҳолатига кирди.

ТОЛИБОН ҲАРАКАТИНИНГ МАЙДОНГА КЕЛИШИ

Афғонистондаги ички уруш атрофдаги барча давлатларни ҳам ташвишга солиб қўйганди. Покистон пушту гуруҳлари ҳукмрон бир Афғонистоннинг яралишига интиларди. Аммо Покистонга бош оғриғи бўладиган буюк Пуштуистон муаммосини ҳам асло истамасди. Покистон ўз манфаатларига уйғун сиёсат юритишга, энг муҳими, Ўрта Осиё республикалари билан дўстона муносабат ўрнатишга, Афғонистоннинг бу алоқалар ривожига хайрихоҳ ўлкага айланишига интиларди. Қўшни Эрон эса, пуштулар эмас, ҳазораларнинг тепага чиқишини орзу қиларди; пуштулар ёки туркийлар ҳукуматини истамасди. Форс маданияти доирасидаги тожиклар ҳам қўшилсалар, айни тилда гаплашадиган сиёсий майдонда Эрон-Афғонистон-Тожикистон чамбари яраларди. Туркманистон ва Ўзбекистон эса, ўз чегараларининг шундоққина у томонида яшаётган иркдошларининг афғон ҳукуматида ўзининг эътиборли ўрнига эришувини истаган ҳолда, Афғонистондаги урушнинг етакчи йўналишига айланган исломий жиҳод ўтининг ўз ўлкаларига туташиб кетишига кескин қарши эдилар. Айниқса, ўзбек ҳукумати раҳбарияти Фарғона водийсида бошланган диний йўналишдаги ижтимоий ҳаракатлардан ташвишга тушганди. Қўшниси Афғонистон ва Тожикистонда давом этаётган фуқаролар урушининг Ўзбекистонга ҳам зарар беришининг олдини олиш чораларини кўрмоқда эди. Зотан Ўзбекистонда исломий давлат қуришни мўлжаллаган, ашаддий динчилиги билан танилган мухолиф гуруҳ Афғонистонга ўрнашган ва бу ўлкада туриб сиёсий фаолиятини юритаётганди.[1023] Ўзбекистон Афғонистонга туташ чегараларини назорат этгани ҳолда Тожикистон ичидан ўтиши гумон қилинаёган бошибузуқлардан хавотирда эди. Қўшни Тожикистон эса, мустақиллик эълонидан сўнграёқ бошланган ички уруш панжасига тушиб қолганди. Марказий ҳукуматга қарши курашаётган

[1023] IMU: İslamic Movement of Uzbekistan.

динчилар гуруҳи аъзоларининг асосий қисмини хорижда ҳарбий тайёргарликдан ўтказмоқда, яъни Афғонистоннинг тожиклар ўрнашган вилоятларида фаолият юритиб, Афғонистонда урушаётган мужоҳидлардан ҳам кўмак олмоқда эди.

Шўро даврида бу минтақанинг хўжайини бўлган Русия айни замондаги нотинчлик ва бошбошдоқликдан имкон қадар зарар кўрмасликка тиришгани ҳолда ундан фойдаланиб қолишга интиларди. Туркий жумҳуриятларда ҳаракатга тушган исломчи гуруҳлар ва уларга ён босиш Русия нуқтайи назаридан нохуш ҳолат ҳисобланарди. Аммо мустақиллигини эълон қилган бу ўлкаларнинг ўз чегараларини қўриқлашга ҳали тайёр эмаслиги Русияга бу минтақада жандармалигини давом эттириши учун имконият яратганди. Зеро Тожикистон ҳокимият заифлиги боис чегараларни қўриқлаш ва бошқа муҳофаза ишларини Русияга топшириш ҳолатига келиб қолганди. Аввалги иттифоқдош қўшни давлатлар ҳам муҳофаза ва мудофаа борасида Русия билан ҳамкорлик тузишга эҳтиёж ҳис этмоқда эди.

Афғонистондаги бошбошдоқлик ва уруш вазияти Русияга яна бир фойдали имкон яратганди. Туркистондаги жумҳуриятлар ўз табиий бойликларини, хусусан нефт ва табиий газ каби маҳсулотларини уруш давом этаётган Афғонистон орқали Ҳинд океанига олиб чиқиш ва денгиз йўлидан фойдаланишдан маҳрум эди. Бу ҳолатда ўша маҳсулотларни четга сотиш соҳасидаги ишлар яна аввалгидак Русияга боғлиқлигича қолмоқда эди. Ана шу муаммо Афғонистон масаласида АҚШнинг ўрнини белгиловчи муҳим нуқта ҳисобланарди. Бу муаммони ечиш йўлида Американинг бир неча ширкатлари Ўрта Осиё нефтини Афғонистон ва Покистон орқали Ҳинд океанига, ундан Узоқ шарққа узатиш лойиҳалари устида ишни қизитиб юборганди. Улар Туркманистоннинг табиий газини Покистон ва Ҳиндистон бозорларига олиб чиқишга интилишарди. Хуллас, натижа нима бўлса бўлсин, Афғонистонда тинчликни сақлай оладиган бир кучга эҳтиёж туғилганди ва унга шубҳасиз ёрдам кўрсатиларди.

Афғонистондаги уруш жаҳоннинг айрим давлатларини ҳам комига тортганди. Урушнинг советларга қарши жиҳод тарзида бошлангани боис, аввало Саудия Арабистони, сўнгра бошқа баъзи араб ўлкалари ўз диндошларини қўллаб-қувватлашга киришганди. Шимолий Афғонистонда асосан туркий халқлар яшагани сабабли Туркия уларга елка тутиб, тиргак бўлмоққа интилди. Ўлканинг бошқа бир катта қўшниси Хитой эса, жиҳод алангаси Шарқий Туркистондан ташқарида экан, пинагини бузмасдан урушаётган тарафларга қурол сотиш кайфини сурди. Афғонистондаги жанговар гуруҳлар ҳам Хитойнинг тинчини бузмасдан, ўз ишларини битириш билан овора эди.

1994 йил охирига бориб, афғон урушида бирор гуруҳ мутлақо устунлигини кўрсатолмагани сезилди. Ўша пайтгача Покистонга суяниб

майдонда от сурган пашту партияларининг бирортаси ҳам Афғонистонда назоратни ўз қўлига ололмади ва кутилмаганда бу партиялар орасида ҳукмронлик учун ўзаро олишувлар бошланиб кетди. Айниқса, Ҳикматёр гуруҳи бошоғриққа айланди. Ана шу вазиятда Покистон ўз ташаббуси билан майдонни эгаллайдиган куч яратишга қарор берди. Асосий қисми Покистонда таълим кўрган афғонистонлик талабалардан тузилган бир ҳаракат бошланди. Толиблар беб аталган бу гуруҳ Покистон махфий ташкилоти (ISI) ва АҚШ махфий ташкилоти (CIA) томонидан ўқитилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Ҳаракат раҳбарлари Афғонистонда танилган кишилар эмасди.

АҚШ ёрдамида, Покистон қўшинлари зобитлари томонидан бошқарилган толиблар ҳаракати қисқа вақт ичида Афғонистоннинг пуштулар яшайдиган вилоятларини эгаллади. Бу маконда ҳукмронлик қилаётган пушту партиялари, агарда Покистон кўмаги бўлмаса ҳеч нарса қилолмасликларини яхши билганлари учун, толибларга қарши чиқишмади. Ҳикматёр гуруҳи бир оз қарши курашса ҳам, ҳеч нарсага эришолмади. Зотан Ҳикматёр гуруҳи ҳам қурол-яроғ ва маблағни Покистондан оларди. Авваллари бу тўдаларга кўмак кўрсатган араб ўлкалари эса, Покистон билан баравар ёрдамни давом эттиришга қодир эмасди. 1996 йил охирига бориб толиблар пойтахт Кобил ҳам ўлканинг ярмидан кўпроғини ўз назорати остига ола билди. Кобилни қўлга киритиш жараёнида толиблар шаҳарни ҳимоя қилаётган туркийлар (ўзбек, туркман), ҳазора ва тожик лашкарларни қириб ташлади. Ўша пайтда давлат раҳбари Нажибулло ҳам ўлдирилди. Кобилдан кейин толибларнинг мақсади тожиклар, туркийлар ва ҳазоралар ихтиёридаги вилоятларни, яъни Шимолий Афғонистон ва Панжшир водийсини босиб олиш эди.

Афғонистонни шимол ва жанубга ажратган Ҳиндикуш тоғларида икки нуқтада ўтиш жойи эди. Биринчиси ва табиийси Саланг кечиши бўлиб, унинг Кобил томонини толиблар босиб олганди. Нариги тарафи эса Шимол иттифоқи қўшинларига қararди. Шу сабабли толиблар лашкари тарихан Шимолий Афғонистоннинг кечиш йўли сифатида фойдаланилган Ҳирот-Боғдис ёққа йўналди. Агарда Боғдис минтақасидаги қаршилик синдирилса, тоибларга Шимолий Афғонистон йўли очиларди.

ОЗОДБЕКНИНГ ЎЛИМИ

1989 йилда Покистондан Афғонистонга ўтган Озодбек олдинига Татардаги қароргоҳидан, кейинроқ Саманганнинг Ойбек шаҳридан туриб рус-шўро қўшинларига қарши курашга раҳбарлик қилди. Нажибулло даврининг сўнгги пайтларида Озодбек генерал Дўстим билан муносабат

ўрнатиб, уни мужоҳидлар томонга оғдиришга интилди. Озодбек ва генерал Дўстим ўртасидаги алоқа Нажибуллони анча ташвишга солиб қўйганди. Натижада Шимол ўлкалари мудофаасига масъул этилган генерал Тожмуҳаммад генерал Дўстим Озодбекнинг одами деган мазмунда Нажибуллога маълумот юборди ва генерал Дўстимнинг ҳибсга олиниши хусусида қарор чиқарилди.[1024]

Шимол иттифоқининг тузилиши пайтида Озодбек генерал Дўстим томонидан Мозори шарифга таклиф қилинди. У Афғонистон фуқароси бўлмагани сабабли "Жунбуши миллий" ташкилий ҳайъатига киритилмаса ҳам, унга боғлиқ баъзи қўмондонлар ҳаракатни яратишда фаол қатнашди.[1025] Масалан, кўп йиллар Озодбекнинг ёрдамчиси бўлиб ишлаган доктор Элмурод Арғинга марказий қўмитадан масъул вазифа берилди. Зотан "Жунбуши миллий"га кирган ҳар бир гуруҳ раҳбарини генерал Дўстим ўзига ёрдамчиликка тайинларди. Ана шу анъанага кўра Шимол вилоятлари ислом иттиҳоди бошлиғи Озодбекка ҳам ҳаракат раиси ёрдамчиси мақоми берилди. Афсуски, икки туркий раҳбарнинг биргаликда ишлаши узоққа бормади, бир муддат ўтгач, Озодбек Мозори шарифни мажбуран тарк этди. Озодбек ўша пайтни шундай эслайди:

> "Жунбуши миллий" ҳаракати бошқарув ҳайъатидан барча қавмий гуруҳлар вакилларига, хатто эски коммунистларга ҳам ўрин берилганди. Улар орасида рақиб партияларга яқин қўмондонлар ҳам бор эди. Бу ҳол ҳаракат келажагини жиддий таҳлика остида қолдирганди. Бу хусусдаги андишаларимни генерал Дўстимга айтдим ва бошқарувда, ходимлар орасида туркий гуруҳ нуфуси орттирилиши керак, акс тақдирда катта муаммолар келиб чиқади, дедим. Ким ва қандай қилганини билмадим-у, бу гапларим турк бўлмаган бошқа гуруҳларга етказилибди. Ана шундан кейин бу ерда қолишим ҳаётимга қаттиқ зарар бериши мумкинлиги боис тезда шимолни тарк этдим."[1026]

Генерал Дўстим Мозор шарифда ўз мавқеини тамоман мустаҳкамлаб олгач, Озодбекка боғлиқ барча қўмондонлар унинг ёнига боришга мойил кайфиятда эди. Афғонистон шароитида ҳарбий қувватга эга бўлмаган раҳнамо ҳеч қачон сиёсий муваффақиятга эришолмайди. Ана шу жараёнда Озодбек бутун кучини, эътиборини йўқотгандай, ўзини бир бурчакка улоқтирилгандай ҳис этаётганди. Дўстим раҳбарлигидаги жабҳа эса кучайгандан кучайиб бормоқда эди. Буни қуйидаги фикрлар ҳам тасдиқлайди:

[1024] Rauf Beg, *Adı Afganistan`dı*, s.35.

[1025] "Жунбуши миллий" тузугининг аъзолик бўлимидаги биринчи моддада ҳаракатга аъзо сифатида кириш учун Афғонистон фуқароси бўлиш шарти қўйилган.

[1026] Озодбек 1994 йилга Туркияга келганида у билан орамизда бўлиб ўтган суҳбатдан. Озодбек бундан олдинги йилларда турк матбуотида босилган хабар ва суҳбатларда ҳам миллий исломий ҳаракат ичида турли қавмий гуруҳлар мавжудлиги ва бу ҳаракатга зарар бераётганини билдирганди. Масалан, қаранг: "Yeni Hafta'' газетаси, Озодбек билан қилинган репортаж, 9 ноябр 1992.

> “Дўстим Туркияга келганида, унга ҳамроҳлик қилаётган Озодбек ўз фойдасини кўзлаб, раҳбарлигидаги Шимолий Афғонистон вилоятлари ислом иттиҳодини кучайтириш ниятида “Миллий жунбуш” ҳаракатини назорат остига олишга интилди. Аммо буни сезиб қолган генерал Дўстим ундан олдинроқ одим отди ва Озодбекнинг йўлини тўсиб қўйди.”[1027]

Аслида нима бўлса бўлиб ўтган ва икки йўлбошчининг ораси бузилганди. Озодбек хафа ҳолда Мозори шарифни тарк этиб, Покистонга қайтди. Сўнгра, Раббонийнинг президентлик даврида, Кобилдаги ҳукумат ва ҳазоралар ўртасидаги низонинг ҳал этилишига ёрдам бериш ниятида Афғонистонга келди, бир неча муддат Раббоний билан биргаликда ҳаракат қилди. Кейинроқ ҳазоралар вилоятининг маркази Бомёнга келди. Мақсади Афғонистондаги ички урушни, беҳуда оқаётган конни тўхтатишга сиёсий жиҳатдан туртки бериш эди. 1997 йилда, генерал Дўстим Афғонистонни тарк этганидан сўнгра, унинг ўрнинин эгаллаган генерал Маликнинг даъватига жавобан, янги раҳбарият билан ҳамкорлик қилишни кўзда тутиб, Озодбек Бомёндан Мозори шарифга ўтишга карор берди. Бироқ у минган тикучар Мозори шариф йўлида, Шўлгар туманида Ффалокатга йўлиқиб ерга қулади, Озодбек борлиғини атагани, мустақиллиги учун курашаётгани ўлка тупроқларида шаҳид бўлди. Тикучардаги яна ўн иккита кишининг фалокатдан омон чиққани, ўша ҳодиса гувоҳларининг фикрларига қараганда, бу шунчаки фалокат эмас, балки Эрон махсус хизмати уюштирган суиқасд эканлиги сезилиб қолди. Зотан бошидан бери Озодбекнинг бу ўлкада мустақил турк давлати қуриш йўлида курашаётгани аввало Эронга, шунингдек, бу масалага боғлиқ бошқа баъзи давлатларга ҳам ёқмагани маълум эди.[1028]

МИЛЛИЙ ИСЛОМИЙ ҲАРАКАТНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА ШИМОЛИЙ АФҒОНИСТОНДА УРУШНИНГ ТУГАШИ

1997 йилда юз берган ҳодисалар исломий ҳукумат қурилгандан бери Шимолий Афғонистонни эгаллаб турган генерал Абдурашид Дўстим ҳокимиятига кескин таъсир қилди. 1992 йилдан бери ўтган вақт мобайнида генерал Дўстим Мозори шариф шаҳрини марказ қилиб, Афғонистон ичида алоҳида давлат қурган эди. Мозори шарифда Туркия,

---

[1027] Rauf Beg, *Adı Afganistan`dı*. s.147.

[1028] Рауф Бекнинг юқоридаги хотираларида (322-323 б.) Озодбекнинг Дўстимдан ажралишганидан кейин Покистонга бориб, Дўстимга қарши ишлар қилгани, генерал Малик унинг ўрнини эгаллагач, Покистондаги марказ Озодбекни унинг ёнига маслаҳатчи этиб жўнатмоқчи бўлганини ёзган. Ана шу тарзда толибонларга йўл очиш ва Шимолий Афғонистонда ҳокимиятни мустаҳкамлаш ниятида Мозори шарифга жўнаркан, тикучар ерга қулаганини таъкидлаган. Бизнингча, Озодбекнинг сиёсий кураш тушунчасидан, турклик ва Туркистон истиқлолига муносабатини билганлар юқоридаги фикрга қўшилмайдилар. Бу балки ўзаро рақобат ва ўтмишдаги келишмовчиликлар натижасида айтилган гаплардир.

Эрон, Россия, Япўния каби давлатлар ўз расмий ваколатхоналарини очганди. Шунга кўра Дўстим ҳам бир қатор ўлкаларда ваколатхоналарини очишни режалаштирганди. Дўстим бошчилигида ҳукумат ўз пулини бостирган, шунингдек, солиқ тўплаш, шаҳару қишлоқлардаги бошқариш ишлари билан шуғулланаётган эди.

Толибон қўшинлари Кобилни қўлга олганидан кейин қонуний ҳукуматнинг давлат бошлиғи Бурҳониддин Раббоний ҳам Шимолий Афғонистон томон йўналди. Бу ҳодиса Мозори шарифдаги Дўстим ҳокимиятининг халқаро саҳнадаги эътиборини янада орттирди. Аммо бу ютуқларга қарама-қарши ўлароқ, Шимол иттифоқидаги умумий вазият, яъни, унинг турли элату миллатлардан тузилгани ва улар орасидаги доимий келишмовчилигу зиддиятларни ҳам кучайтириб юборди. Турклар, тожиклар ва ҳазоралар ўртасидаги иттифоқ ўша йиллардаги тарихий эҳтиёж боис яралган бир уюшув эди. Иккинчи тарафдан қараганда, бу иттифоқнинг тамал унсури Абдурашид Дўстим тузган Жунбуши миллий асосан туркий халқлардан иборат бўлса ҳам, улар ичида бошқа миллатлар ҳам бор эди. Зотан партия бошқаруви ҳам, қўшиндаги ҳарбий бўлинмалар ҳам вилоятлар ва қавмларнинг вакилларидан тузилганди. Бу ҳолат боис қавмлар ва вилоятлар ўртасида ўзаро зиддиятлар, ҳатто олишувлар ҳам юз бериб турарди. Ана шу нозик нуқталар рақиб партияларга қўл келар, хусусан Покистон махфий хизматининг турли фитналар чиқаришига қулайлик яратганди.

Абдурашид Дўстим-ку, табиатан қўрқмас ва закий аскар, асл жангчи эди. Бироқ унга мавжуд вазиятда энг керакли ҳисобланган сиёсий тажрибали кишилар етишмаётганди. Бундан ташқари, унинг бошқарув ҳайъатида ғайри фикрли шахслар, хатто Дўстимдан айрилишни истаган баъзи генераллар ҳам бор эди.

1997 йилнинг май ойида кутилмаган бир воқеа юз берди. Миллий исломий ҳаракат қўмондонларидан бири генерал Абдулмалик толибонлар билан келишиб, Боғдис жабҳасидаги Абдурашид Дўстимга боғли генераллардан бир нечасини бир жойга тўплаб, ҳибсга олдириб, толибонларнинг жабҳани ёриб киришига имкон яратди. Толибон қўшинлари зудлик билан Мозори шарифга қараб юрди. Бу фалокатдан сўнгра генерал Дўстим ўлкани тарк этиб, Тошкент орқали Туркияга жўнаб кетишга мажбур бўлди.[1029]

Толибон Мозори шарифга кирар-кирмас, миллий исломий ҳаракатга боғлиқ барча кишилиарни қуролсизлантиришни бошлаб юборди. Айни пайтда генерал Муҳаққиқ раҳбарлигидаги хизби ваҳдат қўмондонлари толибонга қарши қақшатқич жанглар олиб бормоқда эди.

[1029] Генерал Дўстим ўша пайтдаги Туркия давлат вазири Аҳат Андижон билан Анқарада учрашганида айтганидек, у ўзи каби туркий бўлган бир генералнинг уюштиргани бу исёнга қарши курашиш бу мамлакатдаги турк халқларининг ўзаро қирғинига сабаб бўлишини кўзда тутиб, сотқинларга қарши урушмоқдан воз кечган.

Генерал Абдулмалик толиблар бу минтақани қўлга киритгач, уни ҳам гумдон қилишини сезиб, уларга қарши жангга киришди ва жуда кўп толибон аскарини асир олди.[1030]



Генерал Абдурашид Дўстим ва Туркия давлат вазири Аҳат Андижон. Анқара, 4 ноябр 1998 й

Май ойи охирига бориб миллий исломий ҳаракатни генерал Абдулмалик бошқара бошлади, аввало Мозори шарифни, сўнгра толиблар эгаллаган жуда кўп аҳоли яшайдиган маконларни ўз назорати остига олди. Бироқ ҳалиям Қундуз шаҳрида, Мозори шарифнинг қирлик

[1030] Генерал Абдулмалик бир мунча вақт ўтгач, ўзига йўналтирилган хоинлик айбларига қарши сўзлаб, толиблар билан келишганини "мен уларни тузоққа тушириш учун шундай қилдим" деганди. Генерал Абдулмалик Афғонистонни тарк этишга мажбур бўлиб қолганида, Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош котибига ёзган мактубида 1997 йил май ойидаги ҳодисаларни шундай баён этган:
"1997 йил май ойи бошларида урушни тугатиш ва бутун Афғонистон халқини тинчи бошқара оладиган бир ҳукуматнинг тузилишига имкон яратиш мақсадида толибларнинг вакилларига Мозорига шарифга кириш изни берилди. Бироқ толибларлар қўшини аҳдни бузиб, минг-мингларча лашкари, покистонлик ҳарбийлари билан еру кўкдан ҳужумни бошлаб юборди... Халқ толибларга қарши бош кўтарди, қонли уруш бошланди... Аллақанча толиблар ва Покистон субайлари маҳаллий халққа асир тушди."
Генерал Абдулмалик бу фикрларни таъкидларкан, афсуски, миллий исломий ҳаракат йўлбошчиси генерал Абдурашид Дўстимнинг, тожиклар раҳбари Аҳмадшоҳ Масъуднинг, ҳазоралар бошлиғи Карим Халилийнинг, Афғонистоннинг расмий раҳбари Раббонийнинг толиблар билан барқарор ҳукумат қуриш бобида олиб бораётган кенг миқёсдаги фаолиятига нега қўшилмагани сабабини айтмаган.

қисмида толиблар фитнали ҳаракатини давом эттирмоқда эди. Қисқасини айтганда, толиблар анчадан бери ният қилган орзуларига эришганди, яъни, Шимолий Афғонистонга сизиб кириб олганди. Аммо генерал Абдулмаликнинг бу нохуш ишлари боис Шимолий Афғонистон иттифоқидаги туркийлар кучи ва эътибори сусайиб қолганди. Зотан генерал Абдулмалик бу минтақа халқи наздида у қадар хурматга лойиқ бўлмаганидек, Аҳмадшоҳ Масъуд ва устод Муҳаққиқ каби иттифоқнинг бошқа қўмондонлари назарида ҳам генерал Дўстим каби эхтиромга эга эмасди. Охир-оқибатда, бу воқеалардан кейин Мозори шарифда ҳазоралар гуруҳи асосий кучга айланди, шаҳар бошқаруви устод Муҳаққиқ қўлига ўтди.

Генерал Дўстим 1997 йил сентябр ойида мамлакатга қайтди. Ўзига боғлиқ қўмондонлар билан бирга Шибирғонда марказ ташкил этиб, курашни янгидан бошлади. Октябр ойида Пули Қумри шаҳрида иттифоқ раҳбарлари ҳукумат бошлиғи Бурҳониддин Раббоний раислигида бир анжуман ўтказишди. Бу йиғинда генерал Дўстим ва генерал Абдулмалик муросага келтирилди. Дўстим давлат раҳбари ўринбосари, Абдулмалик ташқи ишлар вазири этиб тайинланди. Генерал Дўстим айни пайтда Шимолий Афғонистон қўшинларининг Бош қўмондони лавозимини ҳам эгаллади. Абдулмалик эса, ҳозирча иттифоқ бошида толибонлар муаммоси ҳал этилгунча курашни давом эттирадиган, масала ҳал қилинганидан кейин иттифоқ раҳбарини халқ сайлайдиган бўлди.

Бошқа бир тарафдан қаралганда, толибон лашкарлари Покистон давлати ва ҳарбийлари кўмагида Шимолий Афғонистонда қўлга киритган мавқеларини мустаҳкамлаш билан бандлиги кўзга ташланарди. Шимолий иттифоқ ичидаги зиддиятлар боис айрим вилоят қўмондонлари толиблар томонга ўтиб кетганди. Шу сабабли иттифоқ аскарлари фақат Боғдис жабҳасида эмас, балки Шимолий Афғонистоннинг барча нуқтасида жанг олиб боришга мажбур эди. 1997 йилнинг куз ойларида, атиги уч ой ичида Мозори шариф икки марта қўлдан қўлга ўтди. Ноябр ойида генерал Абдулмалик ёнидаги қўмондонлар Абдурашид Дўстим тарафга ўтиб кетди, Абдулмалик қардоши генерал Гулмуҳаммад паҳлавон ва Фарёб волийси билан бирга Туркманистон орқали Эронга қочишга мажбур бўлди. Шу орада, Афғонистонда сиёсий барқарорликни сақлаш ва мустакҳкам ҳукумат қуриш мақсадида, сентябр ойида, аввал Олмонияда, сўнгра Истанбулда йиғинлар ўтказилди. Собиқ қирол Зоҳиршоҳ вакиллари ва барча гуруҳлардан тамсилчилар қатнашган бу анжуманларда, афсуски, толиблар иштирок этмагани учун ҳеч бир натижага эришилмади.

1998 йил ўрталарига бориб Шимолий Афғонистонда толиблар таъсири бир мунча озайди. Қундуз волийси толибларга қўшилган пайтда жуда муҳим учоқ қўналғасини қўлга киритган толиблар ҳаво жанги миқёсида катта имконга эришди. Июл ойида Балх шаҳрини идора

этаётган пушту генерал Жумахон ва араб генерал Шерараб қўмондонлигидаги аскарлар ҳам толиблар томонга ўтди. Натижада толиблар ва Шимолий Афғонистон лашкари ўртасидаги посонги ўйнаб кетди. Толиблар август ойи яримлаганида Мозори шарифни эгаллади. Сўнгра кетма-кет Боғлон, Саманган, Бадахшон вилоятларини ҳам қўлга олди. Сентябр ойида Ҳазоражат вилояти маркази Бомён ҳам таслим бўлди, ҳазораларнинг қаршилиги синди. Эрон ҳарбийлари Афғонистондаги бу жараёндан келиб чиқиб унинг чегараларига яқин ерларда "зулфиқор" деб аталган ҳаракатни уюштирди, бироқ бундан бир натижа чиқмади, вазият ўзгармади. 1998 йил охирига борганда Афғонистоннинг Аҳмадшоҳ Масъуд бошқараётган Панжшир водийсидан ташқари барча минтақаси толиблар назоратига ўтиб бўлганди.

Икки йил бўйича вазият шундайича қолди. Панжшир водийсида Масъуд раҳбарлигидаги толибларга қарши кураш давом этаверди. Генерал Абдурашид Дўстим, устод Халилий ва устод Муҳаққиқ бошчилигидаги лашкарлар ҳам қир-адирликларда ёвга зарба бериш тараддудига тушганди. Бошқа тарафда эса, Афғонистон масаласини ҳал этиш ниятида жаҳон сиёсат майдонида уюштирилган халқаро 6+2 гуруҳига кирган ўлкалар ғайрату ташаббусларини орттирмоқда эди.[1031]

Толиблар ҳукумати бошқарувидаги Афғонистон бора-бора халқаро қорадори савдоси ҳамда аввало Усома бин Лодин бошчилигидаги "Ал-қоида" тўдаси ва кўплаб террорчи диндор гуруҳлар марказига айланиб олди.

11 СЕНТЯБР ҲОДИСАЛАРИ ВА АҚШНИНГ АФҒОНИСТОНГА КИРИШИ

2001 йил сентябр ойида "Ал-қоида"нинг АҚШдаги қўш миноралар ва пентагон биносига ҳужуми аввало Америкада, қолаверса барча дунё ўлкаларида мудофа ва террор тушунчасини ўзгартириб юборди. Натижа ўлароқ "Ал-қоида" тўдасига бағрини очган толиблар ҳаракати ва Афғонистон тақдири ҳал этилди. "Ал-қоида" тажовузидан бир мунча вақт ўтгач, АҚШ раҳбарлигида Афғонистондаги тажовузкорларга қарши ҳарбий ҳаракат бошланди, Шимолий Афғонистондаги кучлар ҳам уларни қўллаб майдонга тушди, қисқа муддатда толиблар бошқаруви тор-мор этилди. Бу ҳарбий ҳаракат зафаридан сўнгра урушда қатнашган барча қўмондонлар ва ҳарбий гуруҳлар толиблардан аввалги даврдаги каби ўз минтақаларида ҳокимликни қўлга киритди. Генерал Дўстим бошчилигидаги ўзбек-туркийлар Мозори шарифни марказга айлантириб, ўлкадаги бутун туркий маконларга, генерал устод Ота ва генерал Фаҳим

[1031] Бу гуруҳ Покистон, Эрон, Тожикистон, Ўзбекистон, Туркманистон каби Афғонистонга тўғридан-тўғри қўшни давлатлар ҳамда АҚШ ва Россия каби давлатлардан иборат эди.

бошқарувидаги тожиклар эса Бадахшон вилояти ва ҳамма тожиқ вилоятларига, Карим Халилий раҳбарлигидаги ҳазоралар эса Бомённи марказ қилиб, ўз минтақаларида ҳокимиятни қўлга олишди. Афғонистоннинг пуштулар яшайдиган қисмида ҳам анъанага мувофиқ пушту раҳбарлар ҳокимиятни эгаллади. Кобилда АҚШ ташаббуси билан Корзай бошчилигидаги муваққат ҳукумат қурилди. Лоя Жирганинг 2002 йилда ўтган йиғинида бу ҳукумат расман тасдиқланди ва Ҳамид Корзай Афғонистон раҳбари этиб сайланди. Бу ҳукуматга Афғонистондаги 2004 йил сайловларига қадар оммани бу сиёсий жараёнга тайёрлаш вазифаси ҳам юклатилди. Мақсад–Афғонистонда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган демократик сиёсий бошқарувга эришмоқ.

ХУЛОСА

Буюк Британия империяси давридаги атоқли сиёсатчилардан бири лўрд Курзўн дунё сиёсатига бағишланган китобининг кириш қисмида шундай деганди:

> “Туркистон, Афғонистон, Қафқаз ва Эрон. Бу ўлкалар кўпчиликда узоқлик туйғусини уйғотиши ва ўтмишда қолган хаёлий хотираларни эслатиши мумкин. Эътироф этайинки, улар шатранж тахтаси устида, жаҳон ҳокимияти учун ўйналаётган ўйинда, менимча, ўйиндан ташқарида қолган тошлардир.”

Ҳақиқатан ҳам, Туркистон 19-аср давомида ўша замоннинг икки буюк салтанати ўйинида пиёда ҳисобланган ўлкалардан бири эди. 20-аср бошларидан эса, ўйиндан ташқарида қолди, чор Русиясининг мустамлакасига айланди.

Бўлшевикларнинг давлат тўнтариши Туркистонга яна саҳнага чиқиш имконини яратди. Мустақил Туркистон хаёли билан йўлга чиққан туркистонликлар бўлшевикларга қарши улкан кураш олиб борди. Босмачилик ҳаракати дея тарихга киритилган кураш, жаноб Ўлаф Гаройе (Olaf Caroe) нинг айтишича, Ўрта Осиё турк халқларининг ҳали миллат бўлиб шаклланмаганини кўрсатди. Зотан уларнинг қаршисидаги душман дунё тарихида нодир учрайдиган зулм мафкурасининг ижрочилари эди. Шу боис енгилдилар.

Туркистон бутунлай шўролаштирилган 20-йилларга келсак, Туркистонни бошқараётган ходимларнинг кўпчилиги махв этилди, тирик қолганлари эса советлар билан ҳамкорлик қилишга мажбур бўлди. Бироқ, римликлар таъкидлаганидек, советларнинг муваффақияти улар учун урушдан ҳам бадтар ўлимчил офат эди. Яъни, янги тузумга хизмат қилаётган бошқарувчи ходимлар бир неча йил сўнгра ўз давлати ўтказган шафқатсиз қатағон қурбонига айланди.

Юртдан ташқарига чиқа олган туркистонликлар эса, Афғонистондан то Оврупо ва Осиё қитаъаларидаги турли маконларга тарқалиб кетди. Муҳожирликдаги туркистонликлар учун бирдан-бир йўл қолганди, яъни, хорижда туриб Туркистон озодлиги учун курашни давом эттириш. Шу боис, дунёнинг қайси ўлкасида яшамасинлар, ҳар имкондан фойдаланиб, бу ишни йўлга қўйдилар.

Бу тарихий курашнинг илк даврида хориждаги Туркистон мужодаласини юритган кишилар асосан тўрт гуруҳдан иборат эди.

Буларнинг биринчиси ва шуҳасиз энг муҳими, Туркистон минтақасида Қўқон мухторияти, Алаш Ўрда мухторияти, Туркистон мухтор совет республикаси, Бухоро халқ республикаси, Хива халқ республикаси каби расмий давлат тузумларини шакллантирган сиёсий

раҳбарлар ва уларнинг атрофидаги ходимлар эди. Улар чет элларга чиқиб кетгач, Оврупо ўлкаларига ва Туркияга йўналишди, хусусан Париж, Берлин ва Истанбул каби маркзий шаҳарларда Туркистон миллий бирлиги жамиятларини тузиб, ўз фаолиятларини юритишди.

1920-йилларда юқорида зикр этилган туркистонлик раҳбарлар томонидан аввало Олмония ва Туркияга, сўнгра бошқа турли давлатларга таҳсил олиш учун талабалар юборилган – улар иккинчи гуруҳни ташкил этади. Бу талабалардан шўро салтанатига қайтиб кетмаганлари юртдош сиёсий раҳбарлар билан ҳамкорликда ватан озодлиги учун курашни давом эттиришган, Туркистон миллий бирлик ҳаракатининг давомийлигини таъминлашган.

Ватанда мустамлакачиларга қарши курашда енгилиб, бир қисм жанговарлар билан Афғонистонга, Шарқий Туркистонга ўтиб кетган қўрбошилар ва уларнинг лашкарлари хорижда Туркистон учун курашни давом эттирган учинчи гуруҳдир. Улар Шимолий Афғонистондаги вазият берган имкон доирасида Аму дарёнинг бу тарафига, яъни Туркистонга гоҳ-гоҳ сафар уюштириб, ўз курашларини давом эттиришди. Бироқ ўттизинчи йиллар бошида вужудга келган оғир сиёсий вазият туфайли улар мажбуран сукутга берилдилар, миллий озодлик ҳаракати тарихга кўмилгандай бўлди.

Туркистон миллий мужодаласининг, эҳтимол, энг кўп ҳақсизликка учраган ва бошқалар томонидан доим четлатилган охирги гуруҳ эса, собиқ Бухоро амири Саид Олимхон ва унинг атрофидагилардан иборатдир. У Афғонистондаги сургун йиллари бўйича, бир бутун Туркистон учун бўлмаса ҳам, ўзи ҳукмронлик қилган ерлар учун халқаро миқёсда айрим ҳаракатларни амалга оширди.

1920 йилларнинг ўрталаридан эътиборан Париж, Берлин, Варшава ва Истанбул каби икки қитъанинг марказий шаҳарларида сиёсий фаолиятларини юритган Туркистон миллий бирлик ҳаракати ва Туркистон истиқлоли олиб борилган изчил кураш, раҳбарлар орасидаги айрми зиддиятларга қарамасдан, ўз даврида теран из қолдирди. Бу ҳаракат аъзолари шўро асири бошқа миллатларнинг муҳожир вакиллари билан бирганликда, Пўлша ҳукуматинингг кўмаги билан прометей жабҳасини яратишди. У йилларда демократик дунё ўлкалари ҳалиям советлар тузумини қабул қилмаганди. Прометейчилар халқаро миқёсда шўро тузумига қарши курашди, улар бир кун келиб бу тузумнинг йиқилишига ишонарди.

Прометей жабҳаси шўро мазлумлари мажбуран яратган бир ҳаракат эди. У истиқлол йўлидаги бир ёғду эди. “Янги Туркистон”, “Ёш Туркистон” журналлари атрофида шаклланган Туркистон миллий бирлиги ҳаракати Овруподан Узоқ шарққа қадар чўзилган улкан минтақага ўз таъсирини ўтказди. Баъзи Оврупо марказларии томонидан

қўллаб-қувватланган бу сиёсий ҳаракатни советлар ўзига душман дея эълон қилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, хорижда Туркистон учун кураш олиб борган гуруҳлар ўртасидаги айрим зиддиятлар, ўзаро олишувлар бу ҳаракатнинг энг заиф жиҳати ҳисобланади. Туркистон миллий бирлик аъолари амир Саид Олимхонни ўз тахту тожини ўйлаган бир хоин деб биларди. Қўрбошилар амир билан муносабатда бўлгани боис, уларга қараш ҳам ўзгарганди.

Бир бошқа тарафдан қаралганда, масалан, Туркистон миллий бирлик гуруҳидаги инсонлар амирни тахтдан туширган жадидлар ва уларнинг тарафдорлари эди. Шу туфайли амир уларни душман деб биларди. Босмачиларнинг раҳбарлари, қўрбошилар эса, Туркистон миллий бирлик ҳаракати аъзоларини бисмиллосиз бошланган бир мажмуа теварагида йиғилган имони заиф кишилар деб ҳисобларди. Ана шунинг учун улар советларга қарши курашларини ўз ҳолларича, айри-айри тарзда олиб боришди.

Туркистон миллий бирлик гуруҳи демократик дунё миқёсида матбуот ва нашр ишларига асосланган сиёсий кураш йўлини тутди. Амир ўз муаммосини Жамияти ақвомга етказди, Туркистон ичкарисида ўзига тарафдорлар яратишга интилди. Босмачи раҳбарлар эса, ўзлари ўрганган ишни қилишди, яъни, қуролли кураш йўлидан боришди. Афғонистондаги ички урушда қатнашдилар, пайти келганда, Амударёдан кечиб, Туркистон ичида жангга киришдилар.

1930 йилларда дунёдаги вазият остин-устун бўлиб кетди. Эсган шабадалар янги уруш хабарини бераётганди. Совет иттифоқидаги коммунистлар тузумини Бирлашган миллатлар ташкилотида тан олингач, бу ҳодиса шўрога қарши курашаётган барча муҳожирлар ҳаракатига, жумладан Туркистон миллий бирлигига ҳам қаттиқ таъсир этди. Ўша йиллар, ТМБ аъзоси бўлган ёш бир талаба айтганидек: “Не-не умидлар, не орзу-хаёллар билан келгандик, энди уларнинг бари пучга чиқдими? Биз, Туркистон истиқлолчилари, қаердамиз ва нималар қиляпмиз?” деган саволларни ўртага қўйган давр эди.

ТМБчиларнинг Туркияда фаолият юритиши таъқиқланди, Оврупода чиқарилаётган китоб ва мажмуалари Туркияга киритмай қўйилди, бундан улар анча умидсизланишди. Сўнгра Пўлша немислар томонидан босиб олинди, Прометей ҳаракати тугатилди, бу эса, бўлшевиклар тўнтаришидан бери советларга қарши давом этаётган сиёсий курашнинг тўхтаганини англатарди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида майдонни янги кучлар эгаллади. Улар йигирма йилдан ортиқ шўро тузумида яшаган, немисларга асир тушиб қолган туркистонлик ҳарбийлар эди. Улар етарли ҳарбий тайёргарлик кўрмаган, бунинг устига, кутилмаганда олдинги жабҳага

юборилганди. Юз мингларчаси ўлиб кетди, юз мингларчаси эса асирга олинди. Улар фашистларнинг ўлим лагерларига тиқилганида, олдиларида икки йўл қолганди: ё очлик ва касалликдан қирилиш, ёки немисларнинг ёлланма аскари ҳолида Туркистон легионларига кириб, тирик қолиш.

Уруш пайти тузилган Туркистон легионларини сиёсий жиҳатдан Миллий Туркистон бирлик қўмитаси бошқариб борди. Ягона раҳбар тартибига кўра иш юритган бу сиёсий гуруҳнинг, Туркистон ёлланма қўшинининг ўз олдига қўйган мақсади очиқ ва кескин эди: Россияни енгиш ҳамда Туркистон истиқлолига эришиш. Бироқ бу ишни уддалаш мумкинмиди? Демократия душмани немис-фашист ҳукумати билан бу мақсадни амалга ошириб бўлармиди? Олмония барча жабҳаларда устунлик қилаётган бир даврда бу саволга “балки” ёки “эҳтимол” дея жавоб бериларди.

Хуллас, Туркистон легионлари совет давлатига қарши урушга кирди. Жабҳанинг ҳар икки томонида ҳам туркистонликларнинг қирилиши давом этди. Уруш тугаганида, омон қолган туркистонлик ёлланма аскарларнинг кўпчилиги шўрога топширилди. Ғарбда қочиб қутулганлар мингтача эди.

Урушдан кейинги йилларда асир тушган аскарларнинг фашистлар билан ҳамкорлик қилиши қаттиқ танқид қилинди, легионларда қатнашган барча миллатлар қатори туркистонлик ҳарбий асирлар ҳам қораланди. Советларга қарам шарқ халқларидаги миллатсеварлик мавзусида тадқиқотлар яратган Патрик фон Муҳленнинг қуйидаги фикрлари ана шу танқидларга энг боп жавоб деб ўйлайман:

> “Бу оғир қораловлар айрим шахсларга нисбатан тўғри, бироқ умуман олганда ҳақсизликдир. Аввал ҳам айтилганидек, аскарларнинг легионларга ёлланиб ёзилишига хоинона номуссизлик эмас, балки тирик қолиш умиди мажбур этган... Муҳожирлардан фашистлар тузуми билан ҳамкорлик қиласанми-йўқми дея сўраш, дейликки, асирга тушган юртдошларга ҳар қандай ёрдам беришдан воз кечиш демакдир. Халқаро ташкилотлар ҳарбий асирларга баҳо бераркан, оқловчилик ё қораловчилик ишига уринаркан, албатта, бу фожиона сабабни унутмаслиги керак... Бош ролдаги актёрнинг сиёсий ва хусусий нуқсонлари танқид қилинаркан, унинг ҳаракату ҳолатини белгилаган инсоний вазиятини ҳам ҳисобга олиш лозим.”[1032]

Бу даврдаги Туркистон учун кураш фақат Олмония билангина чегараланиб қолмаган. Туркияга 1944 йилда шов-шув солган туркчилик ва турончилик намойишлари боис кўтарилган калтак Туркистон миллий бирлик ҳаракатини тузганлардан бири Закий Валидий Тўғоннинг бошида синди. Урушда омади келган советларга яхши кўриниш учун туркчилар ва турончилар маҳкамаси жараёнлари ҳаддан ортиқ пуфлаб шиширилди.

[1032] Mühlen, *Gamalıhaç ile Kızılyıldız Arasında*, s. 138-139

Бу Туркияга сиғинган муҳожир туркларнинг миллий фаолиятига ғов ташлади.

Афғонистонда эса, урушдаги вазиятдан фойдаланган ҳолда Туркистонга қайтиб киришни режалаштирган жанговарлар яна бир бор мағлубиятга учрашди. Жуда кўпи қўлга тушди. Иккинчи жаҳон уруши тугагач, Афғонистондаги зиндонлардан омон чиққанлар бу ўлкани тарк этди.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин дунёда икки қутбга бўлинди ва маққуравий кураш асосий ўринни эгаллаган янги давр бошланди. Советларга қарши жабҳа байроқдори АҚШ эди.

Уруш битгач, Олмонияда шаклланган Туркистон миллий ҳаракати вазият тақозосига кўра, ўз марказига айланган бу ўлкани тарк этиб, Туркияга ва бошқа шарқ давлатиларига кўчирилди. Туркистон учун кураш асосан тарғибот-ташвиқот тарзида давом эттирилди.

1980 йилларда Туркистон мужодаласини юритган инсонларнинг кўпчилиги мухожирликда туғилган авлод эди. Аввалги йўлбошчилар эндиликда деярли қолмаганди, янги авлод эса, ўзлари умрида кўрмаган бир ўлка ва муқаддас ғоя йўлида курашга киришганди.

Афғонистонни шўро тарафидан ишғоли босмачиларнинг невараларини яна советларга қарама-қарши ҳолга келтирди. Афғон уруши туркисонлик муҳожирларни тағин кўчишга мажбурлади.

Советлар мамлакатини янги дунё шартларига мослаштириш мақсадида Горбачов томонидан бошланган қайта қуриш ва ошкоралик сиёсати кутилгандан кўра бошқа натижани келтириб чиқарди. Юқоридаги сиёсат оқибатида зўравонлик ва қирғин усутунлари билан тикланган салтанатнинг музхоналари эриб, тўнгиб ётган миллатлар масаласи бирдан жонланиб кетди. Республикалар ўз ҳуқуқларини талаб қила бошлади. Марказ аллақачон назоратни йўқотиб бўлганди.

Айни пайтда хориждаги туркистонлик зиёлилар Туркистон ўлкасида майдонга келган халқ ҳаракатларини ва ижтимоий ўзгаришларни ташқи оламга таништиришга интилди.

1990 йилларга келиб, совет давлати тарқалиши жараёнида Туркистон ўлкасида бешта мустақил республика пайдо бўлди. Шундай қилиб, етмиш йилдан бери хорижда олиб борилаётган Туркистон учун кураш сўнгига етди.

Бугунда қаршимизда кўндаланг турган энг муҳим савол Русия федератив давлати ва Хитой ўртасида сиқилиб қолган туркий жумҳуриятлар келажаги қандай бўлиши масаласидир.

Улар ўз ҳолларича, ёлғиз ҳаракат қилиб, қўшнилари катта давлатларнинг боғчалигига айланиб қоладиларми, йўқса, сиёсий ва иқтисодий қудратларини бирлаштириб, Туркистон жумҳуриятлар

иттифоқига, бақувват бир Туркистон федератив республикасига айлана биладиларми?


Хуллас, 21 аср кўндаланг қўйган бу муаммо фақат бешта туркий жумҳуриятда яшаётган инсонлар учунгина эмас, балки хорижда Туркистон истиқлоли учун курашган ва бу ғояга боғланган минг-мингларча ватандошлар учун ҳам бош масаладир.

Айни замонда бу масала башарият тарихида беш минг йиллик маданият бешиги ҳисобланган Туркистон келажагига ҳам чамбарчас боғликдир.

Яқин тарихнинг бу саволга берилажак жавоби эса, бизнингча, хорижда Туркистон учун кураш давом этиши ёки этмаслигини ҳам белгилаб беради.

И Л О В А Л А Р

1. Қўқондаги Туркистон мухторияти билдиргаси



ياشاسون تركستان مختاريتي!

تركستان مسلمانلاري نڭ دورتونچي فوق العاده قوروليتايي
تركستان اولكه سيده بولغان خلق لار نڭ خواهش
لري بوينچه بيوك روسيه انقلابي طرفيدن برپا ايگان اساسلر
بناءً فيدير اتسيه اساسيگه قورولغان روسيه جمهوريتي ايله
برليكده قالغاني حالده تركستانني بير ليك مختاريتلي يعني
((تيرريتوريالني آفتونوميه لك)) اعلان قيلادور .
بو مختاريت نڭ نه صورتده وجوده كلتيرلماغيني ياقن آراده
يغيلادورغان عموم تركستان خلقي نڭ اوچريديتيلني صابر ايتيگه
(تركستان مجلس مؤسساني) كه بشورا دور .
شونڭ ايله برابر تركستان اولكه سيده اقليت تشكيل قيلغان
ملت لرنڭ حقوقلري نڭ هر جهتدن ساقلانيلماغيني هم طنطنه لي
صورتده بيان ايتيه دور .

((شهر خوقند))

هجريه ١٣٣٦ سنه ٢٥ صفر الخير ميلاديه ١٩١٧ ٢٧ نويابر

1 илова матни

Яшасун Туркистон мухторияти!*

Туркистон мусулмонларининг дўртунчи фавқулодда қурултойи Туркистон ўлкасида бўлғон халқларнинг хоҳишлари бўйинча, буюк Русия инқилоби тарафидан берилган асосларга биноан, федератсия асосига қурилғон Русия жумҳурияти ила биргаликда қолғони ҳолда, Туркистонни ерлик мухториятли, яъни “территориялний афтономиялик” эълон қиладир.

Бу мухториятнинг суратда вужудга қўйулмасини яқин орада йиғиладирғон умум Туркистон халқининг учредителний собраниеси – Туркистон мажлиси муассисонига топшурадур.

Шунинг ила баробар Туркистон ўлкасида ақаллият** ташкил қилғон миллатларнинг ҳуқуқларининг ҳар жиҳатдан сақланилмоғини ҳам тантанали суратда баён этадур.

Шаҳри Хўқанд

Хижрий 1336 сана 25 сафар-ул хайр,
милодий 1917 27 ноябр

* Матн тепасидаги яримой ичига “Ло илоҳо иллаллоҳ, Муҳаммадун Расулуллоҳ” дея ёзилган.

** Озчиликни ташкил қиладиган халқлар.

2. Туркистон Миллий Бирлиги низомномаси



برودسکی

«تورکستان میللی بیرلیگی» نك نظامنامه سی.

۱) ابتدا اوزبیك ترقیپرور حلقه لری، بخارا کمالیاری، خیوه کنجاری فرقه لری، قازاقستان، آلاش اوردا فرقه سی، باشقورتستان ملی فرقه سی، تورکستانده کی یرلی کاشف لیلر وتاراپچیلر تشکیلاتی، چاره جوی تورکمن ملی جمعیتی، تورکستان سوسیالیست نه جه الیست تورك وعدم مرکزیت فرقه سی مسئوبینی طرفندن برفه ده راسیونه تشکلنده «اورتا آسیا مسلمان اختلال وعوامی جمعیتاری اتحادی» نامیله تشکیل ایدیلن جمعیت بوکون «تورکستان ملی برلگی» نامی آلمشدر. و تمامیله تورکستان آزادلیغی یولنده مجادله ایدن ده موقوت فرقه لری وفرقه سز جماعت خاد ملرینی برله شدیرمش وتورکستانلیلر بوتون دنیاده تمثیل ایدن عمومی ملی سیاسی یکانه تشکیلاتدر.

۲) «تورکستان میللی بیرلیگی» مستقل تورکستانی اسکی جاره «تورکستان والی عمومیلکی» نه داخل ولایتلر، سابق بخارا، خیوه خانلقلری، سابق قازاق - صحرا ولایتاری والی عمومیلکی» نه داخل ولایتلردن عبارت کینش بر اولکه اوله رق تصور ایدیور. مملکتك اوشکلده کسب احیاسی یولنده چالیشمه جقدر. بو کینش تورکستانك روسیه یه - سیبریا واورال حدودلرینه ملاصق ولایتاری حدودلرینی روس اکثریتیله مسکون قسملرینی تورکستان هیئتندن اخراج و یرلی تورکلرله مسکون اولان قطعه لرینی تورکستان هیئتنه ادخال صفتیله تنسیق ایده رك یرلی اهالینك نفوس اعتباریله اکثریت مسئله سنی غایه ایدنمشدر و تشکیلاتده اوکا مترتبدر.

تنبیه: قازاق اولکه سنك («بوکای اوردا» و «بوختارما» کبی) باشقورتستانك قازاقستانه متصل اولان وتورك اکثریتیله مسکون اولان قطعه لری «مستقل تورکستان» نه داخل هیئته ادخالی تصوریله مذکور اولکه لرك ملی تشکیلاتی تورکستان ملی برلکینك لاینفك عضوی اولارق کیرمشدر. روس مهاجرك استیلا سندن واقتصادی اسارتدن آنجق تورکستان استقلالیله قورتیله بیلمسی متصور اولان بوتومشو ولایتلرك روس اکثریتی اورتا سنده قالان قسملرنده «تاتارستانلی» وسیبریا تورکلری آراسنده تورکستان استقلالنه یاردیمچی تشکیلاتلرك وجوده کتیرمکه چالیشیلیر.

۳) تورکستان ملی برلکینك عمومی پروغرامی کندیسنه داخل اولان فرقه لرك همسی اتفاق ایده بیلدکلری ماده لردن (شمدیلك یدی ماده) عبارتدر که بونك داخلنده کی مسئله لرده فرقه لرکندی باشلرینه مستقل تصمیم اتخاذ ده بولونمازلر. پروغرامن خارجنده کی مسئله لرده فرقه لر مختاردرلر.

۴) تورکستان ملی برلکینك مرکز قومیته وشعبه لری مملکت داخلنده قومیت اعتباریله دکل، بیر ولایت اعتباریله تاسیس ایدلمشدر. شیمدیکی روسیه حکومتی طرفندن تشکیل ایدیلن رك جمهوریت تقسیماتی ده برامر واقع صفتیله ایلریده تشکل ایده جك فرقه راسیونك مشروط عضولری اولهرق موقتا قبول ایدیلیور و هر بریك تشکیلاتی ده آیری بر «اوقروغ» (منطقه) صفتیله کندیسنه تابع ولایت تشکیلاتلرینی برله شدیرر. بو اعتباریله تشکیلاتك یکدیکریله باغلانیشی بو شکلده در: «عمومی تورکستان ملی برلکی مرکز قومیته سی»، اوکا بغیر واسطه تابع اولمق اوزره «ملی برلکك اوزبکستان جمهوریت قومیته سی»، «تورکستان ملی برلکك قازاقستان جمهوریت قومیته سی»، «تورکستان ملی برلکك تاجیکستان جمهوریت قومیته سی»، «تورکستان ملی برلکك

قرغزستان جمهوریتی قومیته سی » ، « تورکستان ملی برلیگی باشقورتستان جمهوریت قومیته سی » در .
بو جمهوریت قومیته لری کندیلرینه داخل ولایت ، شهر ، اویه ، (کانتون) ، اولوس (ڤولست ، تومه ن) قومیته لرینه ، قشلاق (آول ، اوبا) محله « اویوم » لرینه انقسام ایده رك آشاغیدن یوقاری یه تابع اولورلر . بوقومیته لرك واویومللرك هیسی ده اوزبك ، قازاق ، قرغز ، باشقورت ، تورکمه ، تاتار ، تاجیك ، تارانچی ودیگر قبائلك هپسنه مشترك اولمق سبه صفتیله تاسیس ایدیلیر .

5) تورکستان استقلالنه جبا صمیمی طرفدار اولان دیگر ملت ممثلاری ده « تمب » یه داخل اولا بیلیرلر . مثلا قاملوق ، یرلی یهودی ، ایرانلی ، افغان ، هندلی ، اوقرائینالیلر ، روسلرك ده استقلالمزه تام معنا سیله خیرخواه اولان شخصیتلری کبی .

6) تورکستان ملی برلیگی مستقبل مستقل تورکستان پارلامنتوسینك ودیگر اداره تقسیمات هیئت تمثیلیه لرینك نسبه سی اولمقله برابر آیروم کیزلی جمعیتلری مجبور تیسنده اولدیغی زمان کندی اعضاریی چوغالتمامز وکندیسنه داخل اولان فرقه لرك بوتون اعضاریی استیعاب ایتمه یوب عمومی تشکیلات ایچون لزومی وفائده سی حقنده دیگر فرقه اعضاریدن ده قناعتی اولان ذواتدن عبارت اولور .

7) اعضالر « کاندیدات » و « حقیقی » نامیله ایکی اولور . اعضا اولاجق ذاته ایکی اعضا طرفندن تقدیمله صلاحیتی مسئله سی فرقه قومیته لرنده حل ایدلدکدن صوکرا اعضالرك برسیی طرفندن پروغرام ونظامنامه تلقیه ایدیلیر ، حاضرلایر ودراسله آلینیر . برسنه کاندیدات اولدقدن صوکرا صلاحیتدار قومیته قراریله دیگی تقدیرده حقیقی اعضا اولور .

8) اعضا اولارق قبول ایدیلمك ذاتك قبول مراسمی بولندن عبارتدر : قبول ایدیلمك ذات مناسب تنهایرده ایکی اعضا طرفندن جمعیتك پروغرام ونظامنامه سنی بالذات کندیسندن اوقوتوب (سوادسز ایسه اوقوب) هرماده سنه « قبول ایدرم » جوابنی آلدیقدن صوکره تفنك یاخود طپانچه ویاخود یمانچ قویولور . اعضااولاجق ذات بوکا صاغ الینی قویار . متبعه آدم ایسه صول الله مقدس کتابی آلیر ، متبعه دکلسه ملی بایراغی آلیر . حاضرلان اعضالردن برسیی آشاغیده کی جمله لری سویلر واعضا اولاجق ذات کلمه وجمله لری تکرار ایدر . وصوکره سلاحی ، بایراغی (یاخود مقدس کتابی) اوپر وحاضرلان اعضالرله قوجاقلاشوب کوریشیر .

قسم صورتی بودر :

« وجدانم برله آنط ایچه من کیم تورکستان آزاد لیغینا ، اولوغ وآزاد تورکستان مقصدی ایچون بیل باغلاغان تورکستانلیلرنك ملیت وقبیله فرقه لریله قارامای بربولیب تورکستان میللی بیرلیگی یولی بیرلان آزادلیق بخت وسعادتکه یتوشمه کیگه بوتون جانم ایلان خدمت ایته رمن . جمعیتنك سریی صاقلارمن . بربولغه جانم فدا بولسون . ملطیقه ملی بایراقمزا (یاخود قرآن کریمگه) قولیم صالیب جمعیت اعضالرن آلدیدا ایچکه ن آنطمغه خیانت قیلسام قانم شول ملطیقه حلال بولسون » (دیندار ذات بالله والله تالله کلمه لرینی سویلر) .

تنبیه : فرقه یه کیرمك ایچون طوقیلان مراسم و بوکا مشابه مراسم وياخود بونك عینی ایسه ده یله جمعیت ایچون کافی اولامازلر .

9) کیزلی چالشمق مجبوریتی رمانده قومیته لك اعضاری محدود اولوب مرکز قومیته یدی اعضا ، جمهوریت و ولایت قومیته لری بش ، قالانلری اوچه ر اعضادن عبارت اولمق و آشاغی اویومارك اعضاری یوقاریده کیسدن آنجق براعضا سی - رئیسلری - واسطه سیله طاینیلر . رئیسلك آنی برصورتده غیابنده مقابل دیکر اعضا لردن رئیسه نیابت ایده جك اولان بری ده طاینیشیر . قومیته لرك داخل اولمایه اعضالر اوچه رکشیلك اویومارده داخل اولورلر وبویله « اویوم » لر تشهیر لرده احتیاجه کوره چوغالتیلیر . بوندن ماعدا مرکز قومیته ، جمهوریت و ولایت قومیته لری هرهانکی بر دولت موسسه سنده اقتصادی ، علم و معارف موسسه لرنده ، حاکم ملتك فرقه لرنده کیزلی فراقسیونی (« اویوم » لرینی) بولوندیرر و مجادله سا عتلرنده تشکیلاتك قان دامارلری اولراسی اولوب اصل مجادله یو فراقسیونلر صاسیتیله یاپیلاجغندن بونلره اعضا انتخاب ایده جك اعضا کوستریلیر .

10) « تورکستان ملی برلکی » نك قوت منبعی هرسنه طوپلانان قونغره لریدر . بویله قونغره لرك دیکرینی متعاقب اولمق اوزره کیزلیجه ولایت ، جمهوریت و مملکت تعیین ایده جك و تابع قومیته متبوعنه اقل ایکشر اعضا کوندرمك اصولیله طوپلانیر . مملکت قونغره سی « قورولتای » ینه جمهوریت قومیته لرندن ایکشر یا خود اوچه ر اعضا و ممکنه اولورسه بلاواسطه حواله ایدرك ر اعضا اولمق اوزره طوپلانیر .

11) « تمب » مرکز قومیته سی عمومی قونغره طرفندن ممکنه اولدقجه هرجمهوریت و قومیته لرك اعضا آلمق وعینی زمان اهلیت وصلاحیته دها زیاده دقت ایتمك اوزره انتخاب ایدیلیر . ریاستك بنه صلاحیت برلکی موقعده . اولمق اوزره مخالف قبیله ده اولمسنه وبر قومك امتیازی شکلنی آلماسنه دقت ایدیلیر .

12) « تمب » مرکز قومیته سی عمومی قونغره لرآرا سنده بوتون تورکستانك عمومی سیاسی ایشلرینی اداره ایدر ، خارجده ممثل هیئتلر بولوندیرر ، نشریات یاپار ، جمعیتك مدنی وسیاسی قوتلرینی تقسیم ایدر ، جمعیتك مالیه سنی طوپلار وصرف ایدر ، سیاسی هیاته فراقسیونلر « اویوم » لر ، مطبوعات وبوتون سیاسی موسسه لرینی وآیری اعضالری واسطه سیله اجرای تاثیر ایدر . کندی فعالیتنی جمهوریت ، ولایت ، شهر واویه لرنده قومیته لریله اقل اوچ آیده بر دفعه منتظم مکتوبلرله وياخود ممثللرواسطه سیله بیلدیرر . کندی ایشلرینی اداره ایچون « تشکیلات » ، « مالیه » ، « نشریات » و « تشویقات » کی شعبه لرآچار واولاری تعیینه ایتدیکی ذوات واسطه سیله اداره ایدر . اهمیتلی مسئله لرظهورنده فوق العاده قونغره وياخود مهم اعضالرك قومیته رئیسلریله جلبیله قونفرانس طوپلایوب مذاکره ایدر .

13) عمومی قونغره مرکزی قومیته ایله برابر تشکیلاتك سیاسی فعالیتنی مراقبه ایچون « کونترول قومیسونی » و مالیه ایشلرینی تفتیش ایچون « تفتیش قومیسونی » انتخاب أیلر . کونترول قومیسونی اعضالری مشاوره حقوقی ایله مرکز قومیته مجلسلرینه اشتراك ایدرلر .

14) جمهوریت تشکیلاتی جمهوریت قوتغره سندن وجمهوریت قومیته سندن عبارتدر. جمهوریت قوتغره سی جمهوریت قومیته سندک تعیینه ایدیکی مقداره ولایتلردن انتخاب ایدیلب کونده بر یرده اعضا لردن تشکل ایدر. سنه ده بر دفعه طوپلانیر. داخلی مسئله لری مذاکره ایدر. جمهوریت قومیته سی انتخاب ایدیلک اوزی مرکز قومیته نک تصدیقنه عرض ایدر. جمهوریت قومیته سی هیئتنده مرکزک بر ممثلی اولوب هرمسئله رأی حقیله اشتراک ایدر. جمهوریت قومیته سی اقل هر آیده بر دفعه مرکزه حساب ومعلومات کوندیرر. جمهوریت تشکیلاتنک بوتون ایشلریله، شعباتنی ونشریاتنی اداره ایدر. ولایتلره تعلیمات لر کوندیرر.

15) ولایت تشکیلاتی اویه لر وبویوک قومه ن (رایون) وشهر تشکیلات رئیسلرندن ویاخود ممثللرندن عبارت اولمق اوزره طوپلانان ولایت قونغره سندن وولایت قومیته سندن عبارتدر. ولایت قومیته سنی جمهوریت مرکزی تعیین ایدر ویاخود ولایت قونغره سی طرفندن انتخاب اولونوب جمهوریت قومیته سی طرفندن تصدیق ایدیلیر. ولایت قومیته سنده جمهوریت قومیته سی طرفندن تعیین اولونان ممثل بولونور. اویه ر، شهر، قومه ن، ولوست تشکیلاتی ده بویله در. هربری یوقاریسنه اقل آیده بر دفعه سیاسی فعالیت حسابی کوندیرر، بولنرجمهوریت مرکزنده طوپلانیر. جمهوریت مرکزی بولنرک مهم اولانلرینی کوپیه ایدرک مرکز قومیته یه کوندیرر. ولایت رایورلری ایسه بلا استثناء هرآیده جمهوریت قومیته لرک طرفندن مرکزه منتظما هرآی کوندیریلیر.

16) تشکیلاتک مالیه سی اعضالق بدللرندن، تبرعاتدن، نشریات حاصلاتندن ویاخود مکمل لردن عبارتدر. مرکز معلی نسبتده لرواسطه سیله معینه صالیقلر (ویرگیلر) دن تشکیل ایدر. تشکیلاته داخل اولان هر فرقه لرک «تمب» اعضالق بدللری تادیه مجبوریتنده در. «تمب» اعضالق بدللری هرآیده برلیرا ویرمیه کوره اوندن فضله اولور. مخصوص صالیقا (ویرکی) ایسه آنجق ولایت جمهوریت ومرکز قونغره لری قراریله صالنا بیلیر. اعضالق بدللریدن ودیگر وارداتدن منتظما استحصالی وصرفی ایچون هر قومیته نزدنده بر مالیه مدیری ولزومنه کوره معاون ویاکاتبی بولونور. اعضالق بدللری بلاسبب آلتی آی زرمیه ن اعضا تشکیلاتدن چقمش عد اولونور.

17) تشکیلاتده نظام دیسیپلینی قومیته لر وقونترول قومیسیونلری طرفندن تعقیب ایدیلیر. تشکیلات قراریلی اجرادن امتناع ایدن ویا تشکیلاته قارشی اهانت ایدن هرهانکی اعضا حقنده قونغره منعقد تعیینه اتیکی جزایه محروض قالیر وبو نظام دیسیپلینه تعلیماتی نظامنامه یه آیریجه علاوه ایدیلیر. تشکیلاتک برتواری قبولنه قادر هرهانکی فکر عرض ایدیلیر، قرار قبولندن صوکرا دیگر قونغره یه قادار مناقشه ایدیلمز. مهم مسئله لرک مذاکره وحلی ایچون اعضالرک وفرقه لرک ⅔ قادارینک طلبیله فوق العاده قونغره طوپلانیر.

18) جمعیتک فرقه لره مناسبتی آیری علاوه ایدیلنه تعلیماتله تعیین ایدیلیر.

19) جمعیت بوکون تورکستان داخلنده کیزلی اولمقله برابر ده موقراسی غلبه سی کونده لازم اولان بوتون تعلیماتی شیدیدن نشرایدر. بولنرمرکزده جمهوریت وولایت قومیته لری آلنده مناقشه ایدر، تاکه امکان حاصل اولدیقی کون بوتون جمهوریت، ولایت، اویه ر (قانتون)، شهر، وولست (تومه ن) تشکیلاتی فی الحال رسمیته چقوب ایشلرینه باشلایه بیلسنلر.

20) «تب» ك مملكت خارجنده مركز قوميته نك كنديسي طرفندن تعيين اولونوب اوكا تابع اولان ممثلي و ممثلاري بولونور. بو ممثلار برقاچ اولديغي تقدير ده لزومي اولانده عمومي ممثله تابع طوتولور.

21) مملكت خارجنده تركستانلي مهاجرلر چوق بولوندیغي برادە استثنائي زمانده «تركستان ميللي برلگي نك خارجي قوميته سي» و مهاجرلرده ديگر اعضا لري بولونان مملكتلرده مذكور خارجي قوميته يه تابع اولمق اوزره تالي قوميته لر تشكيل ايده بيلير لر. كيرك خارجي قوميته مركزي وكرك تالي قوميته لر مضله ضرورت اولمدقجه كي اعضادن زياده اولمامالر. قوميته لره كيرمه دن قالان اعضا اوچه ركشيدن عبارت اولمق اوزره بنه خارجي قوميته نك تعييني وجهله «اويوم» لر تشكيل ايدرلر. مملكته دونوب كيزلي چاليشاجق اولانلر خارجده ده داخلدكي كيزليلك اصولنه رعايت ايدوب آيري «اويوم» لر تشكيل ايدرك خارجده كي مركزه تابع اولورلر. بويله بر ضرورتي اولميانلر و چكشمك «اويوم» لره داخل اولميوب منفرد اكتيفي ايشلريله مشغول قالان اعضالرك ده عمومي ملي حركاتدن خبدار طوتولمالري لازمدر. بونك ايچون هر برك قوميته سي بويله اعضالري ده آيده و ياخود ايكي آيده بردفعه طوپلايوب عمومي وضعيته عائد معلومات ويرر و مصاحبه لر ترتيب ايدر. خارجده كي مركز قوميته مقتدر اعضالرلمك چوق بولونديغي تقدير ده آي ويا ايكي آيده بردفعه منتظماً طوپلانمق و مركزي قوميته يه عائد اساسي مسئله لري مذاكره ايتمك اوزره بر «پلينوم» عمومي قونغره طرفندن تشكيل ايديلير.

22) ملي برلگك تركستان خارجنده كي تشكيلاتي تركستانك عمومي وحدتي تمثيل ايتمسي ضروري اولديغندن قومي جمهوريتلره توافق ايدن قوميته لرك (اوزبكستان، تركمنستان، تاجيكستان، قازاقستان، باشقورستان ديغري قوميته لري كبي) تشكيلي آنجق مركزك قبول ايتديكي بر ضرورت اولديغي تقدير ده مساعده ايديلير.

23) خارجده قونغره لر مملكت داخلنده كي مركزك تعيينيله و ياخود داخلده كي مركز قوميته ايله مناسبتي ادامه سي مشكل اولديغي زمان تركستان داخلنده كي مركز طرفندن تعيينه ايديلمه ممثلك ياخود ممثلاري تعيينيله خارجده كي اعضا لردن عبارت اولمق طوپلانيرلر. قونغره خارجي مركز قوميته سي انتخاب ايدر. «تب» لر خارجي ممثلي اولمق قوميته يه اعضا صفتيله داخل اولور. آيري مملكتلرده ده بويله قونغره خارجي مركز قوميته نك و ياخود اراده سي ممثلك تعيينيله چاغيريلير و او قونغره طرفندن خارجي مركزلرك تصديقنه عرض ايديلير. واو مملكته كي ممثلده بو قوميته يه اعضا اولمق داخل اولور. خارجي قوميته بردفعه تشكلندن صوكرا قونغره لري كندي قراريله عقد ايدر.

24) خارجي قونغره و قوميته مملكت داخلنده كي تشكيلات دوام ايتديكجه اونك تعليماتنه تابع اولور، اوپروغرامي و نظامناميلري دكيشديره مه ز. داخلده كي مركز مستولي قونك تضييقيله و ياديگر بر سببله كندينسي كشف ايدرك داغيتمسي بو خصوص او داغيلان مركز قوميته نك هيئت عموميه سي و ياخود منفرد اعضالرك اكثريتي طرفندن خارجه اعلان ايديلير. خارجده كي قونغره طوپلانديغي زمان اجرا ايتمش اولدقلري كندي اعمالرني قونغره عرض ايدرلر. اوپروغرام و نظامناميلر مسئله لريني مستقلا حل ايدر. ممثلكاري الغا و ياتجديد ايدر و تركستان ملي برلگي مركز قوميته سي انتخاب ايدر. و مملكت داخلنده كندي تشكيلات يا پوب اونلري مملكت داخلنده (خارجده) تشكيل ايدن مركزك ممثلاري نك ده اشتراكيله عمومي قونغره عقد ايدينه قادار اداره ايدر.

25) «تب» لر اتحاديه داخل اولان اوقه لر و يا قوم و قبيله لري خارجده آنجق عمومي پروغرامه داخل اولميان مسئله لري حل و تسوه ايتمش كوره بيلير لر.

2 илова матни*

ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ БИРЛИК ТАШКИЛОТИ НИЗОМНОМАСИ

1. Ибтидоан ўзбек тараққийпарвар жадидлар, Бухоро ганжлари, Хива ганжлар фирқалари, Қозоқистон Алаш Ўрда фирқаси, Бошқуртистон миллий фирқаси, Туркистондаги ерли Кошғарлилар ва таранчилар ташкилоти, Чоржўй миллий туркман жамияти, Туркистон сосйалист, федералист турк ва адам марказият фирқаси мансубияти тарафиндан бир федерасйўн шаклинда “Ўрта Осиё мусулмон ихтилол ва авомий жамиятлари иттиҳоди” номила ташкил этилган жамият бугун “Туркистон миллий бирлиги” номини олмишдир. “ТМБ” Туркистон озодлиғи йўлинда мужодала этувчи демоқрат фирқаларни ва фирқасиз жамоат ходимларини бирлаштирган ва Туркистонни бутун дунёда тамсил этган умумий, миллий, сиёсий ягона ташкилотдир.

2. “Туркистон миллий бирлиги” мустақил Туркистонни, эски чор Туркистон умумий волийлиги ва унга боғлиқ вилоятлар, собиқ Бухоро, Хива хонликлари, собиқ Қозоқ саҳроси вилоятлари, Умумий волийликка доҳил вилоятлардан иборат кенг бир ўлка ўлароқ тасаввур этиладир. Мамлакатнинг у шаклда янгидан жонлантирилиши йўлинда ишлайдир. Бу кенг Туркистоннинг Русия, Сибирия ва Ўрол ҳудудларина туташ вилоятлари ҳудудларини, рус аскариятила маскун қисмларини Туркистон ҳайъатиндан ихрож ва ерли турклар-ла маскун қитъаларини Туркистон ҳайъатина идхол сифатила тартиблаб-тузган ҳолда, ерли аҳолини нуфус эътиборила аксарият масаласи билан шуғулланиш унинг ғоясидир, ташкилот бу ғояга боғлиқ, унга масъулдир.

Эслатиш: Қозоқ ўлкасининг (“Букай ўрда” ва “Бухтарма” каби), Бошқуртистоннинг Қозоқистонга туташ бўлган ва турк халқлари яшаётган барча ерлари “Мустақил Туркистон” федерасйўн ҳайъатига киритилиши тасаввури ила мазкур ўлкаларнинг миллий ташкилоти Туркистон миллий бирлигининг айрилмас аъзоси ҳисобланадир. Рус муҳожир истилосиндан ва иқтисодий асоратдан фақат Туркистон истиқлоли ила қутула олиши кўзда тутилган ҳолда, бу қўшни вилоятларнинг рус аҳоли кўпчиликни ташкил қилган қисмларинда, хусусан, Татаристон ва Сибирия турклари орасинда Туркистон истиқлолига ёрдамчи ташкилотларни вужудга келтирмак учун фаолият кўрсатади.

3. Туркистон миллий бирлигининг умумий прўғрами унга дохил

---

* Матн ҳужжатнинг аслидан табдил этилди; бугунги ўқувчига тушунилиши қийин ҳисобланган баъзи ўринлар таржима қилинди – тарж.

бўлган фирқаларнинг ҳаммаси итифоқ эта билдиклари моддалардан (ҳозирча 7 та модда) иборатдирки, бунинг дохилиндаги масалаларда фирқалар ўз бошларича мустақил ташаббусларда бўла олмаслар. Прўғрам хорижиндаги масалаларда фирқалар мухтордирлар.

4. Туркистон миллий бирлигининг марказ қўмита ва шўъбалари мамлакат доҳилинда қавмият эътибори ила эмас, балки ер ва вилоят эътибори ила таъсис этилмишдир. Энди Русия ҳукумати тарафиндан ташкил қилинаётган жумҳуриятлар тақсимоти ҳам бир амривоқе сифати ила келажакда ташкил этиладиган федерасиянинг шартларига боғлиқ ўлароқ вақтинча қабул қилинмоқдадир ва ҳар бирининг ташкилоти ҳам айри-айри "ўқруғ", минтақа сифати ила ўзига тобе вилояларни бирлаштирир. Бу эътибор ила ташкилотнинг бир-бирига боғланиши шу шаклдадир: "Умумий Туркистон миллий бирлиги марказ қўмитаси", унга тўғридан тобе бўлгани ҳолда "Миллий бирлик Ўзбекистон жумҳурият қўмитаси", Туркистон миллий бирлигининг Қозоқистон жумҳурият қўмитаси, Туркистон миллий бирлигининг Туркманистон қўмитаси, Туркистон миллий бирлигининг Тожикистон қўмитаси, Туркистон миллий бирлигининг Қирғизистон жумҳурият қўмитаси, Туркистон миллий бирлигининг Бошқуртистон жумҳурият қўмитасидир. Бу жумҳурият қўмиталари ўзига тобе бўлган вилоят, шаҳар, уез (кантўн), улус (волост, туман) қўмиталарига, қишлоқ (овул, ўба), маҳалла "уйумлари"га тақсим этилгани ҳолда пастдан юқорига бўйсунарлар. Бу қўмиталарнинг ва уйумларнинг ҳамммаси ҳам (ўзбек, қозоқ, қирғиз, бошқурт, туркман, татар, тожик, таранчи ва бошқа қавмларнинг) барчаси учун муштарак муассаса сифатида ташкил этилади.

5. Туркистон истиқлолига жиддан самимий тарафдор бўлган бошқа миллат вакиллари ҳам ТМБга киришлари мумкин. Масалан, қалмуқ, ерли яҳудий, эронли, афғон, ҳиндли, украйналилар, русларнинг ҳам истиқлолимизга том маъноси ила хайрихоҳ бўлган шахсиятлари ТМБга кира олади.

6. ТМБ, келажакда мустақил Туркистон парламенти ва бошқа бошқарув идораларининг тақсимоти ҳайъати вакилларининг тимсоли бўлиши билан бирга, бугунда яширин ишлашга мажбурлиги туфайли, ўз аъзоларини кўпайтирмайди ва ўзига қамраган фирқаларнинг барча аъзоларини ҳам ичига ололмайди; умумий ташкилот учун керакли ва фойдали зотлардан иборат бўлади холос.

7. Аъзолар икки тур бўлади: аъзоликка номзод ва ҳақиқий аъзо. Аъзоликка олинадиган зотнинг салоҳияти англатилган тақдимнома икки аъзо тарафидан фирқа қўмитасига топширилади, қўмита маъқуллагач, аъзолардан бири томонидан прўғрам ва низомнома аъзоликка олинаётган шахсга англатилади. У тайёр бўлгач, маросим билан аъзоликка номзод ўлароқ қабул қилинади. Бир йил номзод бўлганидан кейин, масъул қўмита қарор берган тақдирда ҳақиқиқй аъзога айланади.

8. Аъзолика олинадиган шахсни қаъбул қилишдаги маросим шундай: қабул этиладиган киши муносиб, танҳо бир ерда, икки аъзо тарафидан жамиятнинг прўғрами ва низомносаи билан таништирилади. Яъни ё ўзи шахсан ўқиб, билиб олади, ёки, ўқиш-ёзишни билмаса, унга ўқиб берилади. Шахс ўз тили билан ҳар бир моддани "қабул этдим" дейиши керак. Кейин унинг олдига милтиқ ёки тўппонча, ёки қилич қўйилади. Аъзо бўладиган шахс қуролга ўнг қўлини қўяди. Чап қўлига муқаддас китобни олади. Агар бошқа динда бўлса, миллий байроқни тутади. Ёнида турган аъзолардан бири қасамни бир бошдан ўқийди, у сўзма-сўз, жумлама-жумла такрорлайди. Қасам ичганидан кейин қурол ва муқаддас китобни ёки байроқни ўпади. Сўнгра маросимда қатнашаётган барча аъзолар билан қучоқлашиб кўришади. Қасам қуйидагичадир:

> "Виждоним бирла онт ичаманким, Туркистон озодлиғига, улуғ ва озод Туркистон мақсади учун бел боғлаған туркистонликларнинг миллият ва қабила фарқларига қарамай, бир бўлиб, Туркистон миллий бирлиги йўли билан озодлиқ, бахт ва саодатга етушмакликка бутун жоним ила хизмат этарман. Жамиятнинг сиррини сақларман. Бу йўлға жоним фидо бўлсун. Милтиққа, миллий байроққа (ёхуд Қуръони Каримга) қўлим солиб, жамият аъзолари олдида ичкан онтимға хиёнат қилсам, қоним шул милтиққа ҳалол бўлсун. (Диндор зот биллоҳи, валлоҳи таллоҳи калималарини сўйлар.)

Эслатма: фирқага кириш учун қилинган маросим ёки бунга ўхшаш маросим ёки расм-русумнинг ўзи жамиятга киришга кифоя қилмайди.

9. Яширин ишлаш мажбурий замонда қўмиталарнинг аъзолари сони чегараланади. Марказ қўмита етти аъзо, жумҳурият ва вилоят қўмиталари аъзолари беш, қолганлари уч аъзодан иборат бўлади. Пастдаги ташкилотларнинг аъзолари юқоридагиларни фақат бир киши, яъни раис орқали танийди. Раис бўлмаган тақдирда, раиснинг вакили воситасида таниши мумкин. Қўмиталарга кирмаган кишилар уч кишилик гуруҳлар ҳолида иш кўради. Бундай гуруҳлар шаҳарларда, эҳтиёжга кўра кўпайиши мумкин.

Бундан ташқари, марказ қўмита, жумҳурият ва вилоят қўмиталари ҳар қандай давлат муассасасида, иқтисодий, илмий ва маориф соҳаларида ҳоким миллатнинг фирқаларига кириб, яширинча ўзига уйғун фраксийўн (уйум) уюштириши керак ва у мужодала пайти келганида, ташкилотнинг қон томирлари ўша уюмлар бўлади, асил кураш бу фраксийўнлар воситачилигида амалга ошириладики, жамиятга аъзо танлашда бунга катта эътибор берилади.

10. Туркистон миллий бирлигининг қувватли манбаи ҳар йили тўпланадиган қурултойдир. Бундайин қурултойлар навбатма-навбат ўтказиларкан, яширин ҳолатда, вилоят, жумҳурият ва мамлакат миқёсида ҳар бир қўмитадан энг оз икки кишидан аъзо юбориш усулида қурултойга йиғилинади. Мамлакат қурултойига яна жумҳурият қўмиталаридан икки

ваё уч аъзо, мумкин бўлса, вилоятлардан ҳам бирор аъзо чақирилиб ўтказилади.

11. ТМБнинг марказ қўмитаси, умумий қурултой тарафидан, мумкин қадар ҳар жумҳурият ва қавмиятдан аъзо олмоқ ва айни замонда аҳлият ва салоҳиятга янада диққат қилинган тарзда сайланади. Раёсат кенгаши аъзоларида салоҳият биринчи мавқеда туришига, турли қавмлардан бўлишига ва бирор қавмга имтиёз берилмаслигига диққат қилинади.

12. ТМБ марказ қўмитаси умумий қурултойлари орасида бутун Туркистоннинг умумий сиёсий ишларини бошқаради. Хорижда вакил ўлароқ махсус ҳайъати иш юритади. Нашриёт ишлари билан шуғулланади. Жамиятнинг маданий ва сиёсий қувватларини керакли ўринларга тақсимлайди. Жамиятнинг молиясини тўплайди ва сарфлайди. Сиёсий ҳаётда фраксийўнлар (уюмлар) матбуот ва бутун сиёсий муассасалар ва бошқа аъзолар воситасида қарорларини ижро этади. Жамият ўз фаолиятини жумҳурият, вилоят, шаҳар, уез қўмиталари билан энг оз уч ойда бир дафа, мунтазам мактублашиш ваё вакиллар воситасида билдиради. Ўз ишини юритиш мақсадида ташкилот молия, нашриёт, тарғибот-ташвиқот каби бўлимларни очиб, уларни бошқаришга тайинлаган зотлар воситасида раҳбарлик қилади. Муҳим масалалар юзага чиққанида, фавқулодда қурултой чақирилади ёки муҳим аъзолар, қўмиталар раислари иштирокидаги қўнфрансда музокара этади.

13. Умумий қурултой, марказий қўмита билан баробар, ташкилотнинг сиёсий фаолиятини текшириш ва назоратда тутиш ниятида, назорат қўмиссийўни ва молия ишларида тартибни сақлаш учун тафтиш қўмиссийўнини тузади. Назорат қўмиссийўни аъзолари маслаҳат овозига эга ва улар марказ қўмита мажлисларида қатнашади.

14. Жумҳурият ташкилоти жумҳурият қўнғраси *(конгресси-тарж.)* ва жумҳурият қўмитасидан иборатдир. Жумҳурият қўнғраси жумҳурият қўмитаси тайин этган миқдорда вилоятлардан сайлаб жўнатилган аъзолардан ташкил этилади. Йилда бир бор тўпланади. Ички масалаларни муҳокама қилади. Қарорини жумҳурият қўмитаси кўриб чиқиб, марказий қўмита тасдиғига юборади. Жумҳурият қўмитаси ҳайъатида марказнинг бир вакили бўлади, у ҳар мажлисда қатнашишга ва овоз бериш ҳуқуқига эга. Жумҳурият қўмитаси ҳар ойда бир марта марказга ҳисоб ва маълумот жўнатади. Жумҳурият ташкилотининг бутун ишларини, шўъбалари ва нашриётларини бошқаради. Вилоятларга таълимотлар юборади.

15. Вилоят ташкилоти, уез ва катта туман ва шаҳар ташкилоти раисларидан ёки вакилларидан иборат ўлароқ вилоят қўнғрасидан ва вилоят қўмитасидан иборатдир. Вилоят қўмитасини жумҳурият маркази тайинлайди. Ёки вилоят қўнғраси тарафидан тавсия этилиб, жумҳурият қўмитаси томонидан тасдиқланади. Вилоят қўмитасида жумҳурият

қўмитаси тарафидан тайинланган вакиллар ишлайди. Уез, шаҳар, туман, вўлист ташкилоти ҳам шундайдир. Ҳар бири юқоридаги ташкилотга ҳар ойда энг оз бир марта сиёсий фаолиятига оид ҳисобот юборади. Бари ҳисобот жумҳурият марказий ташкилотида тўпланади. Марказ улардан муҳимларининг нусхасини марказий қўмитага юборади. Вилоят маълумотлари эса, истисносиз, ҳар ойда марказга мунтазам топшириб турилади.

16. Ташкилотнинг молияси аъзолик бадалларидан, бағишлардан ва нашриётлар тушумидан ва ёки, мумкин бўлган пайтда, маҳаллий шўъбалар воситаси ила муайян солиқлардан ташкил топади. Ташкилотга кирган фирқалар ТМБга аъзолик билети бадалини тўлашга мажбурдир. ТМБга аъзолик бадали ҳар ойда бир лира ва ерига кўра ундан ортиқ бўлуви ҳам мумкин. Махсус солиқ эса, фақат вилоят, жумҳурият ва марказ қўнғралари қарори билан солинади. Аъзолик бадаллари ва бошқа тушумларнинг доимийлигини ва сарфини бошқариш учун қўмита наздида бир молия мудири, ўринбосари ва котиби ишлайди. Аъзолик бадали сабабсиз олти ой тўланмаган тақдирда, шахс ташкилот аъзолигидан чиққан ҳисобланади.

17. Ташкилотдаги низомни сақлаш тартиб қўмиталари ва назорат қўмиссийўнлари тарафидан амалга оширилади. Ташкилот буйруғи ва қарорини бажармаган ё хиёнат қилган ҳар қандай аъзо умумий қурултой тайин этган жазони тортишга мажбурдир. Ташкилот низоми, тартиб-интизом унсурлари алоҳида ҳолда низомномага илова этилади. Ташкилотнинг бир қарори қабул қилингунига қадар ҳар қанақа фикрни айтиш мумкин. Бироқ қарор қабулидан сўнгра кейинги йилдаги анжумангача мунозара қилинмайди. Муҳим масалаларнинг музокара ва ҳал этилиши учун аъзоларнинг ва фирқаларнинг учдан бири талабига кўра фавқулодда қўнғра тўпланир.

18. Жамиятнинг фирқалар билан муносабати айри илова этилган таълимотда тайин этилир.

19. Жамият букун Туркистон дохилинда гизли ўлмақ-ла баробар демўқраси ғалабаси кунига лозим бўлган бутун таълимотини ҳозирдан нашр қилиб тарқатадир. Таълимотни марказда, жумҳурият ва вилоят қўмиталарида муҳофаза этадир. Токи имкон ҳосил бўлган кунда бутун жумҳурият, вилоят, уез, шаҳар, туман ташкилотлари феълий ўлароқ ҳаракатга кириша билсинлар.

20. ТМБнинг мамлакат хорижинда, марказ қўмитанинг ўзи тарафидан тайинланган, унга тобе вакили ёки вакиллари бўлади. Бу вакиллар бир неча бўлгани тақдирда, керакли пайтда умумий вакилга бўйсунади.

21. Мамлакат хорижинда, туркистонлик муҳожирлар кўп бўлган ерларда, истиснойи замонда, “Туркистон миллий бирлигининг хорижий

қўмитаси” ва муҳожирлар, бошқа аъзолар бўлган мамлакатларда мазкур хорижий қўмитага тобе ўлароқ ёндош қўмиталар ташкил қилиниши мумкин. Хорижий қўмита маркази ҳам, ёндош қўмита ҳам, зарурат туғилмаган ҳолатда, учта аъзодан ортиқ бўлмаслиги керак. Қўмиталарга кирмай қолган аъзолар эса, яна хорижий қўмита тайинлаши шарти билан, ёндош ташкилотларда бирлаша оладилар.

Мамлакатга қайтиб, яширинча иш юритишни истаганлар эса, хорижда ҳам, ватан ичкарисида ҳам гизлилик усулига содиқ қолароқ, кичик ташкилотлар қургани ҳолда, хориждаги марказга тобе шаклда фаолият юрита олади. Буларга зарурат сезмаган ва уч кишилик ташкилотларга ҳам бирикмаган ва ўз-ўзича ишлашни истаган аъзолар умумий миллий ҳаракатдан узилмаслиги, ҳолатидан марказни хабардор қилиб туриши даркор. Бунинг учун ҳар ернинг қўмитаси бундай аъзоларни бир ойда ёки икки ойда бир тўплаб, суҳбат ўтказиши, умумий аҳволдан хабардор этиб туриши керак. Хориждаги марказий қўмита, агарда аъзолар кўпайиб кетса, бир ойда ёки икки ойда бир бор мунтазам йиғилиш ўтказиши, марказий қўмитага оид асосий масалаларни музокара қилиши лозим. Пленум умумий қўнғра томонидан ташкил этилади.

22. Миллий бирликнинг Туркистон хорижидаги ташкилоти, хусусан, Туркистоннинг умумий бирбутунлигини тамсил этиши зарурий бўлгани учун, қавмий жумҳуриятларга боғлиқ қўмиталарни (Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоқистон, Бошқуртистон ва бошқаларнинг қўмиталари каби) ташкил қилиш фақат марказ қўмита зарур деб ҳисоблаган ҳолатдагина мумкиндир.

23. Хориждаги қўнғралар мамлакат ичкарисидаги марказнинг тайинлаши ваёхуд ичкаридаги марказий қўмита билан муносабатнинг давом эттирилиши мушкул бўлиб қолгандагина, Туркистон ичкарисидаги марказ томонидан тайинланган вакилнинг ёки вакилларнинг тайинланганига кўра, хориждаги аъзолардан иборат ўлароқ йиғилиши мумкин. Қўнғрани хориждаги марказий қўмита бошқаради. ТМБнинг хорижий вакили хориждаги қўмитага аъзо бўлиш орқали фаолиятга киришади. Бошқа мамлакатларда ҳам, бундайин қўнғра, хориждаги марказий қўмитанинг ёки у ердаги вакилнинг тайинланиши билан чақирилади ва у қўнғра тарафидан хориждаги марказнинг тасдиғига кўра амалга ошади. Вакил ўша мамлакатдаги марказий қўмитага аъзо ўлароқ ишга киришади. Хорижий қўмита бир дафа ташкил бўлганидан кейин қўнғраларни ўз қарорига биноан ўтказа олади.

24. Хорижий қўнғра ва қўмита мамлакат ичкарисидаги ташкилот фаолиятини давом эттираркан, унинг таълимотига тобе бўлади, эски программа ва низомномаларни ўзгартира олмайди. Ичкаридаги марказ ишғолчи кучлар тазйиқи ила ёки бошқа сабабларга кўра ўзини ўзгартирса, тарқатиб юборса, бу хусус ўша тарқалган марказ қўмитасининг ҳайъати умумияси ва ёки аъзоларнинг кўпчилиги тарафидан хорижга эълон


қилинса, у ҳолатда, хориждаги қўнғра тўпланиб, марказлик масъулиятини ўз зиммасига олиши мумкин. Программа* ва низомнома масалаларини у мустақил ҳал эта олади. Вакилларни ишга тайинлайди ёки вазифасидан бўшатади. Туркистон милий бирлиги марказ қўмитаси бу ишларни йўналтиради. Мамлакат ичкарисида ўз ташаббуси билан ташкилот тузиб, уларни ўлка дохилинда (хорижда шаклланган марказ вакилларининг ҳам иштироки ила) умумий қўнғра чақирилганига қадар идора қилади.

25. ТМБ жамиятига кирган фирқалар ёки қавм ва қабилалар хорижда фақат умумий программага кирмаган масалалар бўйича мустақил иш юрита олади.

* Матнда прўғрам, программа шаклида ёзилган (тарж.).

Илова 3.

Закий Валидий Тўғон тарафидан Мустафо Чўқайўғлига 1924 йил 13 майда ёзилган мактуб



محترم مصطفی افندی چوقای اوغلی!

بزنگ تورکستان دخیرًا روسیا تابعلگنده قالغان اورتا آسیا مسلمان لرینگ مهم جمعیتی بیگ مرکزی قومیته سی سزنی اورینگ آورو پادافی وکیلی دیه طانی ایدی. هم حاضرده ده طاینیر دیب بلامن. اوشبو جهتدن سزگه آورو پاده جمعیت متصدی بایده ه خدمتلرگن که صرف قیلمق، خراشسوز وباشقه تللرده تورکستان احوالیگه عائد مجموعه وکتابلار حیقارمق، تورکستان وبخارا الشریفنی الحالینی یلو اورو پاغه توشونتوروب طورمات اوچون سزگه پول یبیه رو حقنده بزنگ مرکز قومیته مجلسی نده کوب مذاکره لونا روقرار جیقار یلو رایدی. آخر ۱۹۲۲ مجی سنه دیسامبر ال ۲۵ نده مین قریشی طرفندن بخارا خه کیلگانده وفاری هاشم ها کابل گه کیتده طورغان بولغانده مرکز جمعیت نگ اجتماعی بولب سزگه افغانستان واسطه سی ایلان بلرمی قداق (یعنی روسچه بلرمی فونتگ یارم پود) آلتون یبیه رو شکه قرار قیلونوب هم ۱۹۲۳ مجی سنه گه مارت آیند ه بو پول کابل گه یوبارلدی. کابل ده بو پول بیرلین دیگی احتلال اسلام جمعیتی اعضالارندن وانور پاشانگ رفیقلرندن بهرد یگ قولینه تاپشرلغان. بهرد یگ نگ وفاتیگه قدر اول پول همیشه کابل ده بهرد یگ قولیده اتالغان بهرد یگ اول پولنی بیرلین دیگی احتلال اسلام جمعیتی وکیلاری واسطه سیله اول پولنی سزگه یبیا رمک بولغان یعنی اول پولدن هم سز مصطفی چوقای اوغلی هم بیرلین دیگی جمعیت اعضالاری استفاده ایتمکو ایچه ور دیوگان. فقط ۱۳۲۳ رمضان آیی ده بهرد یگ کابل ده اعلیحضرت غازی سرایی ده وفات الرثه خسته لگندن وفات تابدی. بهرد یگ نگ پولاری واشیاسی افغانستان حکومتی قولیغه کروب کیتگان مین کابل ده وقت محمان بولغانم سببیدین بوحسئله نی حکومت آلیغه عرض اعمک بوخصوصده سوویتلاشمک امکانی بولمادی. یئه بهرد یگ بو پولنگ برقسمین بیرلین دیگی جمعیت اعضالاری غه یو بارو یتکنده بولغانی معلوم ایدی. بوجهتدن تورکیه وبیرلین دیگی جمعیت اعضالارندن بوخصوصده تحقیق وتفتیش ایتوب بلمک یعنی الالازم بهرد یگدن افغانستان واسطه سیله پول کیلمه یی یوقی بلمک لازم ایدی. امدی تحقیق ایتلدی. جمعیت اعضالارندن نورد پاشا وغیرلرگه بهرد یگ دن بز پول دیگانی یوق هم پول بهرد یگ قولنده اتالغان بنا علیه هم پول حاضر افغانستان حکومتی قولنداردور. جمعه پارسی ده گی افغانستان حکومت علیه سینگ سفرالیسی محمد خان طرزی غه کیچه ۱۲ نچی مایس ده یازغان مکتوبده بوخصوصده تنبیه ایتدم سنجا یازدم امدی بوخصوصده احوال سز اورگن افغانستان حکومتی ایلان قیلیرگه کراردسز دیب سزگه بومکتوبنی یازدم. بوسئله گه تعلقی اولغان واول خصوصده خبردار بولغان وبهرد یگ کابل ده وقتده کابل ده طورغان میان بزرگ خان، عثمان خواجه، حاجی عصام لار حاضر استانبولده دورلار. بگر بوخصوصده بونلارغام خبردار دور. میان بزرگ معلومگز تاشکند لیک. کابل ده جمعیت طرفندن وکیل بولب طوردی. عثمان خواجه سابق بخارا حکومتی رئیسی، حاجی عصام ایسه یئه بخارالیک و بخارانگ کابل سفارت هیئتی نگ سابق اعضاسی

(8 آپریل-ماي

ایدی . عسکره بروقت نائب سفیر بولب طوردی . اگر افغانستان حکومت خلیه سیرین بو پولنی یولاب آلوش اوچون
بولارنگ شها دنیگه لزوم بولسه حاجت ایتارسیز . بنه پولنی بخارادن کابل گه یوبارگانده بخارالیک (قرشی یوک)
ملا رحمت الله ده بارایدی برابر بارغان . اولکشی ایدی بخاراگه قایتب کیتمان . بو مسئله گه تعلقلی
اولفاظ قاریه هاشم ده بار . لکن اول بوکوندی افغانستان حکومت حزمتنده اولفای سبیدین بو حالا افغانستان
حکومتیگه یاغلیق اولفانیدین البته بوحصوصده شاهد بولب اراعه کرماکدین اجتناب ایتمکی مجبور ایتمده قالور
دیه اویلایمن . اگر مینگ شهادتنامه لزوم بولسه البته اوشبو مکتوب شهادتدر . و یوقی جمعیتمزنگ سابق
رئیس صفتی ایله رسمی یازدم و رسمی مهر باصدم

اورتا آسیا (تورکستان ، بخارا ، قراقستان و باشقردستان) ملی
عوامی مسلمان جمعیت لرینگ مرکز قومیته سی نینگ
سابق رئیسی
احمد زکی ولیدی

۱۳ مایس ۱۹۲۴
برلین

Reichskanzlerstrasse 102 I
Berlin NW 65

3 илова матни

Мухтарам Мустафо афанди Чўқайўғли!

Бизнинг Туркистон ва умуман Русия тобелигинда бўлғон Ўрта Осиё мусулмонларининг миллий жамиятларининг марказий қўмитаси сизни ўзининг Овруподағи вакили дея танир эрди, ҳозирда-да танир деб биламан. Ушбу жиҳатдан сизга, Оврупода жамият мақсади бобида хизматларингизга сарф қилмоқ, франсуз ва бошқа тилларда Туркистон аҳволига оид мажмуа ва китоблар чиқармоқ, Туркистон ва Бухоро ва Хива аҳволини Оврупоға тушунтуруб турмоқ учун сизга пул юборув ҳақинда бизнинг марказ қўмита мажлисинда кўп музокара қилунар ва қарор чиқарилур эди. Охири 1922 нчи сананинг феврал 25 инда, мен Қарши тарафиндан Бухороға келганимда, қори Ҳошим* Кобулга кетатурғон бўлғанида, жамият марказининг мажлиси бўлуб, сизга Афғонистон воситаси ила йигирма қадоқ** (яъни Русия йигирма фунти, ярим пуд) олтун йибарушга қарор қилунди. 1922 нчи сананинг март ойинда бу пул Кобулга юборилди. Кобулда бу пул Берлиндаги ихтилоли ислом жамияти аъзоларидан ва Анвар пошонинг рафиқларидан Бадри бекнинг қўлина топширилган. Бадри бекнинг вафотига қадар ул пул ҳамиша Кобулда, Бадри бекнинг қўлинда қолғон. Бадри бек ул пулни Берлиндаги ихтилоли ислом жамияти вакиллари воситаси ила сизга йибармак бўлғон. Яъни, ул пуллардан ҳам сиз, Мустафо Чўқай ўғли, ҳам Берлиндаги жамият аъзолари истифода этарлар дейилган. Фақат 1923 рамазон ойида Бадри бек Кобулда, аълоҳазратнинг саройида,*** затурра ҳасталигиндан вафот топди. Бадри бекнинг буюмлари ва ашёси Афғонистон ҳукумати қўлиға кируб кеткан. Мен Кобулда у вақт меҳмон бўлғоним сабабидин бу масалани ҳукумат олдиға арз этмак, бу хусусда сўйламак имкони бўлмади. Яна Бадри бек бу пулнинг бир қисмини Берлиндаги жамият аъзолариға юбору нияти бўлғони маълум эди. Бу жиҳатдан Туркия ва Берлиндаги жамият аъзоларидан бу хусусда таҳқиқ ва тафтиш этуб билмак, яъни аларға Бадри бекдан Афғонистон воситаси-ла пул келдими-йўқми, билмак лозим эди. Эмди таҳқиқ этилди. Жамият аъзоларидан Нурий пошо ва ғайриларига Бадри бекдан бир пул-да келгани йўқ, ҳамма пул Бадри бек қўлинда қолғон. Биноаналайҳ, ҳамма пул ҳозир Афғонистон ҳукумати қўлиндадур. Париждаги Афғонистон ҳукумати олиясининг сафири олийси Маҳмудхон Тарзийға кеча 12 нчи майда ёзғон мактубимда бу хусусда танбиҳ этдим, ёздим. Эмди бу хусусда эҳтимол сиз ўзингиз Афғонистон ҳукумати ила мунозарага кирарсиз деб сизга бу мактубни ёздим.

---

*Ҳошим Шоиқ, Бухоро халқ жумҳуриятининг Афғонистондаги элчиси.

** Салкам 400 грамм; оғирлик ўлчови. Яъни, 8 кило олтин.

*** Афғонистон амири Омонуллохон.

Бу масалага тааллуқи бўлғон ва ул хусусда хабардор бўлғон ва Бадри бекнинг Кобулда вақтида Кобулда юрғон Миён Бузуркхон, Усмонхўжа, ҳожи Асҳомлар ҳозир Истанбулдадурлар. Бу хусусда бунлар том хабардордур. Миён Бузурк, маълумингиз, тошкандлик. Кобулда жамият тарафиндан вакил бўлиб турди. Усмонхўжа, собиқ Бухоро ҳукумати раиси, ҳожи Асҳом эса яна бухоролик ва Бухоронинг Кобул сафорат ҳайтъатининг собиқ аъзоси эди. Сўнгра бир вақт ноиби сафир бўлиб турди. Агар Афғонистон ҳукумати олиясидан бу пулни йўллаб олиш учун буларнинг шаҳодатига лузум бўлса, мурожаат этарсиз. Яна пулни Бухородан Кобулга юборганда, Бухоронинг (Қаршидан) мулла Раҳматилла-да бор эди, баробар борғон. У киши эмди Бухорога қайтиб кеткан. Бу масалага тааллуқли ўлғон қори Ҳошим-да бор. Лекин ул бу кунда Афғонистон ҳукумати хизматинда ўлғони сабабидин, ҳарҳолда Афғонистон ҳукуматига боғлиқ ўлғонидин, албатта, бу хусусда шоҳид бўлиб ораға кирмакдан чекинмак мажбуриятинда қолур дея ўйлайман.


Агар менинг шаҳодатимга лузум бўлса, албатта, ушбу мактуб шаҳодатдир. Ва буни жамиятимзнинг собиқ раиси сифати илан расми ёздим ва расмий муҳр босдим.

Ўрта Осиё (Туркистон, Бухоро, Қозоқистон ва Бошқирдстон) миллий авомий мусулмон жамиятларининг марказ қўмитасининг собиқ раиси Аҳмад Закий Валидий

(икки муҳр босилган) 13 майис 1924 Берлин Reinekendorfer strasse 102, Berlin, № 65

Илова 4

Ўрта Осиё миллий авомий ихтилол жамиятлари иттифоқининг Туркистон хорижидаги илк қурултойи (1924 Берлин) баённомаси



مضبطه ۱

برلینده گی ۱۹۲۴ نچی سنه ۸ نچی نویابرده مصطفی چوقایف کیلگه ن صوڭ اوز آرا اوزاق صحبتلردن صوڭ ۱۹۲۴ نچی سنه ۲۳ نچی نویابر یکشنبه کون ساعت ۱۰ ده ساعت اورتا آسیا مسلمان ملی جمعیتلر بلڭ اعضالری جیولوب رسمی جلسه آچدیلر . مجلسده اوشبو اعضالر حاضر ایدی : احمدزکی ولیدی ، مصطفی چوقای اوغلی ، تاشکندلی عبدالوهاب مراد ، تاشکندلی طاهرشاکوزاده ، قازاقستاندن عظم بك برمجان ینه باشقردستاندن فتح القدیرسلیمان اوغلی . وتو بنده ترتیب ایله سانالغان مسئله لر خصوصنده تو بنده کی قرارلر بیرولدی :

I وضعیت حاضره جمعیت ، مسئله سینه عائد مذاکره لردن صوڭ اوشبو اساسلر قبول ایتلدی .

۱) دوسلرده ملی جبهه کوچه یو نتیجه سنده ، تورکستاندده اختلال حرکتلری سکته گه اوغرادی . ومونڭ نتیجه سنده بر طرفدن اورتا آسیا مسلمان ملی جمعیتلری آراسنده خواه داخلده وخواه خارجده کی جمعیت اعضالرینڭ افرادی آراسنده فکری پریشانلیق طاغمقلق حتی وضعیت حاضره گه جدی بر بها بیره بلمه وچیلڭ ، نومیدلڭ ، مادی صیقنتی لر تاثیرینه بیرلو وهتی اورتا آسیا نڭ اویه ن نده بولوب یاتقان احوالڭ اوزینه لاابالی قاراو علامتلری کورله باشلادی . ایکنچی طرفدن بالشویکلر ودوسلر بزنڭ شول پریشان احوالمزنی بلوب استفاده اپتوبی تلاب تورکستاندده اوز حاکمیتلرینی محکمله شدیرو چاره لرینی کوره باشلادیلر . وبو بابده ایلڭ برنچی واجبڭ مهم چاره لری قازاق ، اوزبك ، تاجیك ، قرغز تورکمن وغیر کوچك ملت وقبیله لرگه گویا آیری جمهوریت بیره من دیمب آرالرینه اختلاف سالوب XVIII نچی عصر میلادی نصف اوللرنده اورنبورغدا قازاق وباشقرد حقنده ، XIX نچی عصرده قافقاسیه ده تطبیق اپتلگه ن خالص روس ایمپیریالیست دسیسه سیاستی اوگلگیدن طاغه آرتق حیثیت برصورتنده دوام اپتوگه باشلادیلر در . جمعیت اچنده مبادله افکارنڭ یو قلیغی نتیجه سنده ، حتی جمعیت " اعضالری بو دسیسه لردن یوغاری طورا آلماسلار و بعضًا اوزلری بوحالده بولغان صوڭ اوتکه ن یلاردانی کی جمعیت برری قازاق بری اوزبك بولب بو صنفی قبیله نزاعلری آراسینه کروب کیته لر ، جمعیت اعضالری اوزلری بوحالده بولغان صوڭ اوتکه ن یلاردانی کی جمعیتنڭ جمعیت خارجنده قالغان مسلمانلرکا همویستلری وسیاسی کشیلرینه وحکومت اشلرینه آرالاشب دوسلرغه آلت بولب یودوگان آدملرگه تاثیر ایتوی هیچ بر امکان بولمادی قالادور ، وضعیت موندای بولغان حالده بو آغر وضعیتدن چقشقه برچاره جمعیتی احیا ایتمك دور . صنکره اگر بزبوحالده بارساق دنیا نڭ تورلی طرفلرنده دوسیه نڭ اچنده وتورکستانده وعالم اسلامده نینده ی حرکتلر واقعه لرچقب قالسا آشما اوزمزنڭ متشکل برملت صفتی ایله ن مناسبتمزنی تعیین اینه واشتراك واستفاده اینه آلاچاق ایمسمز .

۲) تورکستانده دوسیه ده بالشویکلرنڭ حاکمیتی قسقه یاکه اوزون مدت دوام ایتسون خواه بالشویك کیتوب باشقه پارتیه دوسیه ده حاکم اولسون بهرحال تورکستانده ملی جمعیت مطلقًا لازمدر ، وتورکستان قوملرنده بو جمعیت حاضرگی شرائطده فقط برگنه جمعیت بولا آلادور . وجمعیت پراغرامی نڭ ۱۹۲۲ نچی سنه ستنبرده تاشکنده تورکیه ودوسیه اوزبك وقازاق وباشقرد نڭ ایڭ مسئول اعضالری آراسنده محاکمه اینب قبول ایتکه ن آخرنی صورتی بزنڭ هرتورلی احتیاجمزغه جواب بیره آلادور . وشول پراغرام برملی جمعیت نڭ بروگانه پراغرامی بولا آلادور . اوشبو نڭ اوچون یکی بر پراغرامها تورزوگه هیچ لزوم یوقدر . اوشاندای جمعیت نڭ نظامنامه لرینی تعدیل ایتمك نگه ده لزوم یوقدور . فقط شول پراغرامها ونظامنامه نی ایلده ن آلدرب عائله معلوم قیلمق ودهر ایتوب توقتملازمدر . ومحکم اولسه شرحلری ایله نشر ایتمك لازمدر .

۳) اوتکه ن سنه لری تورکستان کلمه سی اغلب تورکستان نڭ اون بکلر ایل مسکون قسمنه اطلاق اولنب ، تورکستان نڭ حتی قازاق قسمی ده اصل قازاقستان قازاقلری ایله ن برگه حرکت ایتوگه تله گه نی ، بخارا ایله ن خیوه ایسه باش باشدن اوزلرینی روسچه رسمی تورکستانغه داخل حسابلا ماغانی جهتلریدن جمعیت نڭ عمومی مرکزینه اورتا آسیا مرکزی اسمی بیرلگه ن ایدی . ایمدی احوال اوزگاردی . رسمی تورکستان رسمًا اوزبك

تاجیك ، قازاق ، قرغز ، تورکمن اولکه لریگه بولندی . تورکستان کلمه سی اغلب تطبیقات قیلو نقان اوز بکلر اولکه سی اوزی ایچون اوز بکستان دیه اطلاق اولنا جقندن تورکستان کلمه سن موندن صوڭ شمولی برصورتده سابق بیش تورکستان ولایتی بخارا وخیوه جمیع قازاقستان ولایتلریه اطلاق اینوگه یول قالدی . یعنی تورکستان کلمه سینڭ اوّلکی رسمی دائره سی اوزگه ردی . ایکنجی جهتدن دوسلر اصل تورك کلمه سینه تورك قومینه دوشمانلغی ، تورکلر اتحادندن قورمه قوی سببندن تورکستان کلمه سینی آرادن بترو ب یرگه اورتا آسیا کلمه سی هم کچوك اولکه اوزبکستان ، قازاقستان قرغزستان ، تاجیکستان ، تورکمنستان اصطلاحلرینی قوپاڭی مسلمان اهالی وجمعیت اعضالرینه قاشنده تورکستان کلمه سینی حقیقی ، تاریخی وشمولی معناسی ایله استعمال اینوگه یول آچادور . وتورکستان کلمه سینی اولکیدن تاخر آرتقراق مقدس قیلادور . حاضر دوسلر ینڭ سیاستی اصل تورکستان قومله رینڭ اتحادینه مقابل قوپلغانلقدن تورکستان کلمه سی موندن صوڭ پانتورکیزم کبی ممنوع سوزلر قطارینه کوه دور . تورکستان کلمه سی موندن صوڭ اورتا آسیادا اوتورغان تورك قومله رینڭ اتحاد شعاری وعمومًا شرقی روسیه مستملکه مسلمانلرینه برلك شعاری بولب قالاچقدور . اوشبو لارنی ملاحظه ایتب موندن صوڭ تشکیلاتمن دن اورتا آسیا کلمه سینی قالدروب فقط تورکستان کلمه سینی قوللانوبنی تیوش کوره مز . تورکستان کلمه سینڭ قازاقستان وغیر سابق روسیه اورتا آسیا اولکه لری داخل بولادور . وباشقردستان جمهوریتی وقومی ده موقع جغرافیسی جهتدن تورکستان دفعه بوکوندہ داخل بولمانی فعلا مشکل بولسادا عمومًا اقتصادی مسئله لرده وخصوصًا بز بانده مهاجر روس بویوندریلی دان قوطلو مسئله سنده تورکستان وقازاقستان دفعاتمامًا بانغلی بولغانلقدن وبهرحال حسن توجه ونیتی وایدیالی جهتدن اوشبو کیڭ تورکستان دفعه داخل بولب برابر حرکت قیلادور . صنکره تشکیلاتمز نڭ تورکستان نڭ هر طرفلرنده آرتق تانولغان اسمی " جمعیت " کلمه سی بولغانلقدن بوسوزگو یا بزنڭ تشکیلاتمز نڭ هر یرده مقبول عمومی اساسی اسمی اولاراق یورودور . صنکره تشکیلاتنڭ مقصدینی ایفا جهتدن ایکی شمولی سوز " آزادلق " دور . بو جهتدن تشکیلاتمز موندن صوڭ " تورکستان آزادلق جمعیتی " آتالور . وجمعیت نڭ تورکی اولکه لرده کی شعبه لری همیشه شول اسم ایله آتالوب اولکه اسمی قوشالور . مثلاً " تورکستانده آزادلق جمعیتی نڭ اوزبکستان اولکه قومیته سی " ، " تورکستان آزادلق جمعیتی نڭ تورکمنستان اولکه قومیته سی " ، " تورکستان آزادلق جمعیتی نڭ خارجی وکالت هیئتی " ، " تورکستانده آزادلق جمعیتی نڭ اورتا آسیاده کی خارجی هیئتی " . امّا جمیع اولکه لر اوستیده تورغان مرکزی قومیته فقط " تورکستان آزادلق جمعیتی " دیب آتالور . وشول اساسده مهرلریا سالور . مرکزی قومیته مهری اصل تورکستان نڭ اچنده قالوب خارجده کی هیئتلر اوچون فقط خارجی هیئت مهرلری بولور .

٤ ، جمعیت نڭ ایکی مهم وایکی آغر مسئله سی خط حرکت مسئله سیدر . بومسئله البته جمعیت اعضالرینڭ خارجده قالغانلری داخلدن خبر آلوب کلیتلی برصورتده اجتماعلری نتیجه سنده حل اینلور . واجتماع هیچ ممکن بولماسه خارجی مرکز هیئت بوخصوصده اطرافلی صورتده هر طرفدانی اعضالرایله ن مکتوب ایلدن مبادله ٔ افکار قیلور . فقط شول قدر یسنی ایتماك لازم که جمعیت دوسیه ده محلی مسلمان جمعیتلرینڭ آزادانه حرکتلرینه سایلاو و دائره وسیاسی اشارگه آچق اشتراك ایتولرینه امکان آچلغانده ساعتکه قدر تورکستان داخلنده یاشرون مخفی تشکیلات بولب قالادور .

صنکره جمعیت نڭ یدی ماده لك عمومی پروغرامندن خارج مسئله لرحقنده — 1921 نچی سنه غنوار 9 نده بخارادہ ایکی پروغرامها (19 ماده لك ، 28 ماده لك) محاکمه اینکه نده تعیین اینکه ن جریانلرنڭ قایوسینه حسن توجهی بولوو یقه قارایب جمعیت نڭ خارجده قالغان اعضالری آوروپا وآسیاده کی تورلی حقیقی عوامی سیاسی جمعیتلری ایله ن مناسبتکه کره بیلولر . امّا اساسی یدی ماده لك پروغرامها دائمی هیچ قید وشرطسز اساس بولب قالور . وآندان انحراف قطعیا ممکن بولماسی .

٥ جمعیت اعضالری آراسنده طارقاولق علامتاری کورلگانلکدن جمعیت اشارینی یکودن تشکیل ایتوب تجربه لر

نتیجه سنده بولونمی بلغاریا نلرنی چغاروب دوستینی یکیدن آلوب جمعیت نی تمیزله مک یا ثکار تمعت وترکز ملک یتوشدر. اوشاندای جمعیت اعضالری فوق العادی شرائط اچنده یاشادکمز سببندن تجدید قسمی قبیلو لازم. جمعیت ملک تورکستان خارجنده قالغان اعضالریغه بو مطلق لازم. امّا مملکت داخلنده گیلر تشکیلات ملک مرکزی، اولکه وولایت قومیته لری اوچوده لازمدر. امّا عادی افراد اوچوده مملکت داخلنده حاضرگه لزومی یوقدر.

۶) اوشبو کون بیرلیمزده اجتماع اینکه نن اعضالر تجدید قسم اینه ملک. وتجدید قسم صورتی وعمومًا قسم اینه اوچوده اوشبو اساسنی قبول اینه ملک. جمعیت اعضالرندن ۳ یا ۳ اعضا آلنده قسم اچیلور آلغه ملطقه یاکه طپانچه یاکه پچاق طوتلور، بو مطلق لازمدر. صنکره دینی عقیده سی ایجاب اینکه نکشی استه سه احتیاطًا قرآن توتار. صنکره جمعیت اعضالرندن برسی اوشبو توتوبنده گی صورتی آیتور. قسم اچکه نذات کلمه وجمله لرنی تکرار اینار وصنکره ملطقه ویا طپانچه یاکه پچاق اوپار.

قسم صورتی اوشبو دور: "تورکستان آزادلغی نه اولوغ وآزاد تورکستان مقصدی اوچون بیل یا غلاغان اوزبک، قازاق، تاجیک، تدرکمن وباشقه مسلمانلرنک بر بولوب ملی جمعیت یولی ایله ن آزادلق بخت وسعادتکم تیا کینه بتوده جانم ایله ه خدمت اینه رمن. وبو یولغه جانم فدا بولسون. ملطقا قانونلم سالب جمعیت اعضالری آلدیده اچکه نآنطیمه العیاذ بالله خیانت اینسه م قانم حلال بولسون. والله بالله تالله."

۷) تورکستان اوچوده بر ملی بایراق مسئله سی محاکمه قیلنب بو خصوصده بیرلیمزده کی هیئت بر ویکت حاضرلاب تورلی طرفلرده کی اعضالرغه تاراتیب فکرلرنی آلیب اکثریت آرا غه قاراب بایراق اعلان اینه ر.

۸) جمعیت مرکز عمومیسی رئیسی احمدزکی ولیدی صوگنی سنه بجرانلی واقعه لر نتیجه سنده مرکز قومیته هیئتی مطلق یا ثکار لق لازم دیب مفصل بر مکتوب یازوب اوزی شخصًا ریاستدن استعفا ایتدی. بو مسئله محاکمه اینلوب استعفا قبول ایتلمه دی. ومرکز قومیته ملک اساسی هیئتی اوزگه رتوگه لزوم یوق دیب تابدی ورئیسی همیشه احمدزکی افندی قالب خارجی وکالت هیئتی ملک باشقه اعضالری مصطفی چوقایف، عبدالحمید عارف، صدرالدین خان، میان بزدک بولسونده دیب قرارلاشیلوندی. مصطفی چوقای رئیس معاونی در.

جمعیت ملک اورتا آسیا هیئتی مشهده ده اوشبو کشیلردن عبارت بولور: رئیس عبدالحمید عارف اوغلی، اعضالر صدرالدین خان، وتراب بیک. اورتا آسیا هیئتی اصل تورکستان ملک اوزگه یا قن بولغانی اوچون تورکستان ملک اوزی ایله ن مشغول بولور. صنکره ایران، افغانستان وهندستانلر ایله مناسبتده بولور. اوشبو ملک اوچوده اورتا آسیا هیئتی گه مذکور مسئله لرنی بنده ه البته فوق العاده بر وکالتکه مالکدر.

تورکیه وآنداغی اعضالرمز اوچوده مخصوص اوچ کشیلک هیئت بولب رئیس میان بزدک اعضالرمحمود بیک واوچنچی سی شوایکی اعضا اوزلرنگه قاراب تعیین اوچوده مرکزی هیئت گه کورسه تسونلر.

بیرلیمزده بیش کشیلک بر هیئت بولب اوشبو کشیلردن: ۱) احمدزکی ولیدی ۲) عبدالوهاب مراد ۳) عظیم بیک برمیان ۴) طاهر شاگرزاده ۵) احمدجان تاشکندی. طاهر شاگرزاده نه اورنباسار فتح القدیر سلیمان اوغلی.

۹) تورکستان خارجنده قالغان مهاجر اعضالرنی جیوب قونغره یاساو ممکن بولمغانلقدن بیرلیمزده گی اجتماع اوزبک جلسه سیگه فوق العاده برصورتده بیرده دی. بیرلیمز بوکون تورکستان وشرق روسیه مسلمان مستملکه لرندن کیلگه ن نماینده لرنیک طولق بر بری دور. اوشبو ملک اوچون پاریس ولوندره دن یوروب مخصوص کیلگه ن مصطفی افندیک معروضه لرندن صوک اوشبو جلسه سین فوق العاده اعلان ایتدی. مع مافیه تورکیه ده جیولورمز دیه امید ایتب بو اجتماعمز اساسی خط حرکت مسئله لرینی تعیین اینه دی، شو اجتماع ملک قرارلری احمدزکی ولیدی ومصطفی افندی چوقای اعضالری ایله ن باشقه مملکتلرده کی جمعیت اعضالریغه خبر ایتلور. حاضرگی اجتماع غه اشتراک ایتکه ن اعضالرملک اکثریتی اسملری نی

(x) عبدالقادر کیمی

خارجی مخابرہ کردہ ذکر ایما سالک لازم تا بلدی ،

اجتماع احضار

احمد زکی ولیدی

ماتحی سطردہ برچی صحیفہ دہ " بو حالدہ بولغان صوئش اونکن یلادائی کبی جمعیت " دیگن صوزلر اوچرلنگا نفوذ ،
واوچرلنگا نکیسنگ حقیقی گے

یازدوچی : قیام الدین سلیمان

4 илова матни

БАЁННОМА*

Берлинга 1924 инчи сана 8 инчи ноябрда Мустафо Чўқайиф келган сўнг, ўзаро узоқ суҳбатлардан сўнг, 1924 инчи сана 23 ноябр якшанба кун соат 10 да собиқ Ўрта Осиё мусулмон миллий жамиятларининг аъзолари жийулуб, расмий жаласа очдилар. Мажлисда ушбу аъзолар ҳозир эди: Аҳмад Закий Валидий, Мустафо Чўқай ўғли, тошкентли Абдулваҳоб Мурод, тошкентли Тоҳир Шокирзода, Қозоқистондан Азимбек Беримжон, яна Бошқирдистондан Фатҳулқодир Сулаймон ўғли. Ва тубанда тартиб ила саналғон масалалар хусусинда тубандаги қарорлар берилди:

I. Вазияти ҳозира, жамият масаласина оид музокаралардан сўнг, ушбу асослар қабул этилди.

1) Русларда миллий жабҳа кучаюви натижасинда Туркистонда ихтилол ҳаракатлари сактага уғради. Ва мунинг натижасинда, бир тарафдан, Ўрта Осиё мусулмон миллий жамиятлари орасинда, хоҳ дохилда ва хоҳ хориждаги жамият аъзоларининг афроди орасинда фикрий паришонлиқ, тағиниқлиқ *(тарқоқлик),* ҳатто вазияти ҳозирага жиддий бир баҳо бера билмавчилик, ноумидлик, моддий сиқинтилар таъсирина берилув ва ҳатто Ўрта Осиёнинг ўзинда бўлуб ётқон аҳволнинг ўзина лоуболи қараш аломатлари кўрила бошлади. Иккинчи тарафдан, болшевиклар ва руслар бизнинг шул паришон аҳволимизни билуб, истифода этувни тилаб, Туркистонда ўз ҳокимиятларини маҳкамлашдуру чораларини кўра бошладилар. Ва бу бобда энг биринчи ва энг муҳим чоралари қозоқ, ўзбек, тожик, қирғиз, туркман ва ғайри кичук миллат ва қабилаларга гўё айри жумҳурият берамиз деб, ораларина ихтилоф солуб, XVIII инчи аср милодий нисфи аввалинда, Ўринбурғда, қозоқ ва бошқирд ҳаққинда, XIX инчи асрда Қофқосияда тадбиқ этилган холис рус империалист сиёсатини аввалгидан тағи ортиқ бир суратда давом этувга бошловларидир.

Жамият ичинда мужодалаи афкоринг (*фикрий кураш*) йўқлиғи натижасинда ҳатто жамият аъзолари бу дасисалардан юқори тура олмаслар ва баъзан ўзлари, бири қозоқ, бири ўзбек бўлиб, бу сунъий қабила низоълари орасина кируб кеталар. Жамият аъзолари ўзлари бу ҳолда бўлғон сўнг, ўткан йиллардағи каби жамиятнинг жамият хорижинда қолғон мусулмон коммунистлари ва сиёсий кишиларина ва ҳукумат ишларина ааралашиб, русларға олат бўлиб юрадиган одамларга таъсир этуви ҳеч мумкин бўлмай қоладур. Вазият мундоқ бўлғон ҳолда, бу оғир вазиятдан чиқишқа бир чора жамиятни иҳё этмакдур *(тирилтирмакдир)*. Сўнгра, агар биз бу ҳолда борсақ, дунёнинг турли

---

* Аслидан табдил этилди ва қавс ичида, эгик ҳарфларда эски сўзларга изоҳ берилди – тарж.

тарафларинда, Русиянинг ичинда ва Туркистонда ва олами исломда бундай ҳаракатлар, воқеалар чиқиб қолса, ўзимизнинг муташаккил бир миллат сифати илан муносабатимизни тайин ва иштирок ва истифода эта олажақ эмасмиз.

2) Туркистонда ва Русияда болшевикларнинг ҳокимияти қисқа ёки узун муддат давом этсун, хоҳ болшевик кетуб, бошқа партия Русияда ҳоким ўлсун, баҳарҳол Туркистонда миллий жамият мутлоқ лозимдир. Ва Туркистон қавмларинда бу жамият ҳозирги шароитда фақат биргина жамият бўла оладур. Ва жамият прўғраминнинг 1922 инчи сана сентабр, Тошкандда, туркча ва русча, ўзбек, қозоқ, бошқирднинг энг масъул аъзолари орасинда муҳокама этилиб қабул эткан охирғи сурати бизнинг ҳар турли эҳтиёжимизға жавоб бера оладур. Ва шул прўғрам бир миллий жамиятнинг бир ва ягона прўғрами бўла оладур. Ўшанинг учун янги прўғрамма тузуга ҳеч лузум йўқдир. Ўшандоқ жамиятнинг низомномаларини тадил этмакнинг-да лузуми йўқдур. Фақат шул прўғрамма ва низомномани элдан олдириб, оммаға маълум қилмоқ ва раҳбар этуб тутмоқ лозимдир. Ва мумкин ўлса, шарҳлари ила нашр этмак лозимдир.

3) Ўткан саналари Туркистон калимаси умуман, кўпинча, Туркистоннинг ўзбеклар яшайдиган қисмига тааллуқли қўлланилиб, Туркистоннинг ҳатто қозоқ қисми ҳам Қозоқистон қозоқлари илан бирга ҳаракат этуга тилагани, Бухоро илан Хива эса, бош-бошдан ўзларини русча расмий Туркистонға дохил ҳисобламағони жиҳатларидан жамиятнинг умумий марказига Ўрта Осиё маркази исми берилган эди. Эмди аҳвол ўзгарди. Расмий Туркистон расман ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ўлкаларига бўлинди. Туркистон калимаси умуман тадбиқ қилунғон ўзбеклар ўлкаси ўзи эмди Ўзбекистон деб аталаётгани учун, Туркистон калимасин мундан сўнг умумий бир суратда собиқ беш Туркистон вилояти – Бухоро ва Хива, жамиъ Қозоқистон вилоятларига қўллаш мажбурий бўлиб қолди. Яъни, Туркистон калимасининг аввалги расмий доираси ўзгарди. Иккинчи жиҳатдан, руслар асли турк калимасига, турк қавмиға душманлиғи, туркларнинг иттиҳоди (*бирлашуви*) ва иттифоқидан қўрқуви сабабиндан Туркистон калимасини орадан битируб, ерига Ўрта Осиё калимаси ҳам кичук ўлка Ўзбекистон, Қозоқистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон истилоҳларини қўйғони мусулмон аҳоли ва жамият аъзоларимиз қошинда Туркистон калимасини ҳақиқий, тарихий ва умумий маъноси илан истеъмол этуга йўл очадур. Ва Туркистон калимасини аввалгидан тағи ортуқроқ муқаддас қиладур. Ҳозир русларнинг сиёсати асл Туркистон қавмларининг иттиҳодига (*бирлашувига*) муқобил (*қарши*) қўйилғонликдан Туркистон калимаси мундан сўнг панисломизм, пантуркизм каби мамну *(йасақ, таъқиқланган)* сўзлар қаторига кирадур.

Туркистон калимаси мундан сўнг Ўрта Осиёда ўтурғон турк қавмларининг иттиҳод *(бирлашув)* шиори ва умуман шарқий Русия мустамлака мусулмонлариға бирлик шиори бўлиб қолажақдур.

Ушбуларни мулоҳаза этиб, мундан сўнг ташкилотимиздан Ўрта Осиё калимасини қолдириб, фақат Туркистон калимасини қўлланувини лозим кўрамиз. Туркистон калимасига Қозоқистон ва бошқа собиқ Русия Ўрта Осиё ўлкалари дохил бўладир. Ва Бошқирдистон жамияти ва қавмида жуғрофий мавқеи жиҳатиндан Туркистонға бу кунда-да дохил бўлмоқи феълан мушкул бўлса-да, умуман иқтисодий масалаларда ва хусусан ер бобинда, муҳожир рус бўйинтуруғиндан қутулув масаласинда Туркистон ва Қозоқистонға тамоман боғли бўлғонлиқидан, баҳарҳол ҳусни таважжуҳ ва нияти ва идеали жиҳатиндан ушбу кенг Туркистонға дохил бўлиб, баробар ҳаракат қиладур. Сўнгра ташкилотимизнинг Туркистоннинг ҳар тарафларинда ортуқ танулғон исми “жамият” калимаси бўлғонликдан, бу сўз гўё бизнинг ташкилотимизнинг ҳар ерда мақбул умумий, асосий исми ўлароқ юрур.

Сўнгра, ташкилотнинг мақсадини ифо жиҳатиндан энг умумий сўз “озодлиқ”дур. Бу жиҳатдан ташкилотимиз мундан сўнг “Туркистон озодлиқ жамияти” аталур. Ва жамиятнинг турли ўлкалардаги шўъбалари ҳамиша шу исм илан аталуб, ўлка исми қўшилур. Масалан, Туркистон озодлиқ жамиятининг Ўзбекистон ўлка қўмитаси, Туркистон озодлиқ жамиятининг Туркманистон ўлка қўмитаси, Туркистон озодлиқ жамиятининг хорижий ваколат ҳайъати, Туркистон озодлиқ жамиятининг Ўрта Осиёдаги хорижий ҳайъати. Аммо жамиъ ўлкалар устида турғон марказий қўмита фақат Туркистон озодлиқ жамияти деб аталур. Ва шул асосларда муҳрлар ясалур. Марказий қўмита муҳри асл Туркистоннинг ичинда қолуб, хориждаги ҳайъатлар учун фақат хорижий ҳайъат муҳрлари бўлур.

4) Жамиятнинг энг муҳим ва энг оғир масаласи хатти ҳаракат *(фолият доираси, тутиладиган йўл)* масаласидир. Бу масала, албатта, жамият аъзоларининг хорижда қолғонлари дохилинда олуб, куллиятли бир суратда ижтимоълари *(йиғилишлари)* натижасинда ҳал этилур. Ва ижтимоъ ҳеч мумкин бўлмаса, хорижий ҳайъат маркази бу хусусда атрофли суратда ҳар тарафдағи аъзолар илан мактуб илан мубодалаи афкор қилур (*фикр алмашади*). Фақат шул қадарисини айтмак лозимки, жамият Русияда маҳаллий мусулмон жамиятларининг озодона ҳаракатина, сайлов ва сиёсий ишларға очиқ иштирок этувларина имкон очилган соатга қадар Туркистон дохилинда яширин махфий ташкилот бўлиб қоладур. Сўнгра, жамиятнинг етти моддалик умумий прўғраминдан хориж масалалар ҳаққинда – Туркистон озодлиқ жамиятининг Ўзбекистон ўлка қўмитаси, 1921 инчи сана ғанвар 9 инда Бухорода икки прўғрам (19 моддалик ва 28 моддалик) муҳокама этканда тайин эткан жараёнларнинг қаюсина ҳусни таважжуҳ бўлувига қараб

жамиятнинг хорижда қолғон аъзолари Оврупо ва Осиёдаги турли ҳақиқий авомий сиёсий жамиятлар илан муносабатка кира билурлар. Аммо асос етти моддалик прўғрамма ҳеч қайд ва шартсиз асос бўлиб қолур. Ва ундан оғиш қатъиян мумкин бўлмас.

5) Жамият аъзолари орасинда тарқовлик аломатлари кўрилганликдан жамият ишларини янгидан ташкил этуб, тажрибалар натижасинда бузуғи билинганларни чиқоруб, дурустини янгидан олуб, жамиятни тамизламак, янгиртмак ва тиргизмак керакдир. Ўшандоқ жамият аъзолари фавқулодда шароит ичинда яшадигимиз сабабиндан бошқатдан қасам ичиши лозим. Жамиятнинг Туркистон хорижинда қолғон аъзолариға бу мутлоқ лозим. Аммо мамлакат дохилиндагилар ташкилотнинг маркази, ўлка ва вилоят қўмиталари учун лозимдир. Аммо оддий афрод *(аъзо)* учун мамлакат дохилинда, ҳозирга лузум йўқдур.

6) Ушбу кун Берлинда йиғилган аъзолар янгидан қасам ичдик ва онт ичиш русумини қуйидаги асосда қабул этдик. Жамият аъзолариндан 2 ё 3 аъзо олдинда қасам ичилур. Оллиға милтиқ ёки топпонча, ёки қилич тутулур. Бу мутлақо лозимдир. Сўнгра диний ақидаси ижоб эткан киши истаса, эҳтироман Қуръон тутар. Сўнгра жамият аъзолариндан бириси ушбу тубандаги сўзларни айтур. Қасам ичкан зот калима ва жумлаларни такрор этар ва сўнгра милтиқ ваё топпонча ваёки қилич ўпар. Қасам сурати ушбудир:

“Туркистон озодлиғина, улуғ ва озод Туркистон мақсади учун бел боғлағон ўзбек, қозоқ, тожик, туркман ва бошқа мусулмонларнинг бир бўлуб, миллий жамият йўли илан озодлиқ, бахт ва саодатига етмагига бутун жоним илан хидмат этарман. Ва бу йўлға жоним фидо бўлсун. Милтиққа қўлим солиб, жамият аъзолари олдида ичкан онтима, алйаъзи биллоҳ (Оллоҳ сақласин), хиёнат этсам, қоним ҳалол бўлсун. Валлоҳи, Биллоҳи, Таоллоҳи.”

7) Туркистон учун бир миллий байроқ масаласи муҳокама қилиниб, бу хусусда Берлиндаги ҳайъат прўйект ҳозирлаб, турли тарафлардаги аъзоларға таратиб, фикрларин олиб, аксариятининг фикрига қараб, байроқни эълон этар.

8) Жамият маркази умумийси раиси Аҳмад Закий Валидий сўнгги сана буҳронли воқеалар натижасинда марказий қўмита ҳайъати мутлоқ янгиланиши лозим деб, муфассал бир мактуб ёзуб, ўзи шахсан раёсатдан истеъфо этди. Бу масала муҳокама этилуб, истеъфо қабул этилмади. Ва марказ қўмитанинг асос ҳайъатини ўзгартуга лузум йўқ деб топди ва раис ҳамиша Аҳмад Закий Валидий қолиб, хорижий ваколат ҳайъатининг бошқа аъзолари, Мустафо Чўқайиф, Абдулҳамид Ориф, Садриддинхон, Миён Бузурк бўлсун деб қарор қилунди. Мустафо Чўқай раис муовинидир.

Жамиятнинг Ўрта Осиё ҳайъати Машҳадда ушбу кишилардан иборат бўлур: раис Абдулҳамид Ориф ўғли, аъзолар Садриддинхон ва Туроббек. Ўрта Осиё ҳайъати асли Туркистоннинг ўзига яқин бўлғони учун Туркистоннинг ўзи илан машғул бўлур. Сўнгра Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонлар ила муносабатда бўлур. Ушбунинг учун Ўрта Осиё ҳайъатига мазкур масалалар бобинда албатта фавқулодда бир ваколатка моликдир.

Туркия ва андағи аъзоларимиз учун махсус уч кишилик ҳайъат бўлиб, раис Миён Бузурк, аъзолар Маъмур бек ва учинчиси шу икки аъзо ўз фикрларига қараб, тайини учун марказий ҳайъатга кўрсатсунлар.

Берлинда беш кишилик бир ҳайъат бўлиб, ушбу кишилар дохилдир: 1) Аҳмад Закий Валидий. 2) Абдулваҳоб Мурод. 3) Азимбек Беримжон. 4) Тоҳир Шокирзода. 5) Аҳмаджон Тошкандий. Тоҳир Шокирзодаға ўринбосар Фатхулқодир Сулаймон ўғли.

9. Туркистон хорижинда қолғон аъзоларни жийуб (*йиғиб*), қурултой ясов мумкин бўлмағонликдан Берлиндаги ижтимоъ ўзининг жаласасига (*мажлисига*) фавқулодда бир сурат берди. Берлин бу кун Туркистон ва шарқий Русия мусулмон мустамлакаларидан келган намоёндаларининг тўлиқ бир еридир. Ушбунинг учун Порис ва Лўндрадан юруб махсус келган Мустафо афандининг маърузаларидан сўнг ушбу жаласасин фавқулодда эълон этди. Мамофиҳ, Туркияда жийилурмиз (*йиғилурмиз*) дея умид этиб, бу ижтимоъ асос хатти ҳаракат масалаларини тайин этмади. Шу ижтимоънинг қарорлари Аҳмад Закий Валидий ва Мустафо афанди Чўқай имзолари илан бошқа мамлакатлардаки жамият аъзолариға хабар этилур. Ҳозирги ижтимоъға иштирок эткан аъзоларнинг аксарияти исмларини хорижий мухобараларда зикр этмаслик лозим топилди.

Ижтимоъ имзолари:


Аҳмад Закий Валидий (имзо)

Мустафо Чўқай ўғли (имзо)

Ёзувчи: Фатхулқодир Сулаймон (имзо)

Илова 5

Жанубий Олмония Туркистон талабаларининг совет раҳбариятига мурожаати



تورکستانده تحصیلنی تنظیم ایدن گیده جات آرقداشلرمز عمومی سفعت اساسه نظراً
گونده ۵ یلدن زیاده اولمایان خارجنده اولدیغی حقنده گی دوشونجه لرمزی گوسترمه یه لزوم
برنجی قسمده آیرمه ایجاب ایدیور: ۱- دارالمعلماتده گی تحصیلر.
۲- عالی مکتبلر ۳- ته خنیقوملیلر ۴- اورتا مکتبلر.
۱- دارالمعلماتده اوقومقده اولان قیزلرمزك مکتبی اکمال ایتمه دن کیتمه لری قطعیاً
موافق دگلدر. چونکه اوچ سنه دنبری چالیشوب، خلقمزك پاره سنی صرف ایده رك
حاضرلانمه و مکتبه کیرمشلردر. اوزولوب برابریم سنه ده مکمل بره معلم اولمه رجه هیچ
بیقالدر. مملکتمز وخلقمزك احتیاجی ده بوندن کی آز مقداره ده بولنان قادینلرمزدن
برآن آول حاضرلانوب خلقمزك درد لرینه چاره بولمالرینی طلب ایدیور.
اگر بو اراده گی قیزلرمز تورکستانده دوزلرسه بو وقتده اوقومه لری دوشونیلیورسه
بونلرده بیلمه کلرندن ایکی - اوچ سنه ده بوجه اوگره نمك ایجاب صرف ایتمه لی. صوکره ده
ایشه باشلایوب ۳-۴ سنه ده براختصاص مکتبنی بتیرمه لیدرلر. بزم کبی بوتون خلقی
بلاخاصه قادینلغی گریده قالان برملتك بیوشکده اولان برقاچ نفر قیزینك ۱-۱½ سنه لك
تحصیلنی ۵-۶ سنه یه اوزاتمه نك شورالر حکومتی کبی اکثریتی خلقك منافعنی دوشونمه
ختمك برحکومتك نقطه نظرندن نه درجه ده دوغرو اولدیغنی حکومتمزه مداراتك بوفکره

نه درجه ده اشتراك ایده بیله جکلرینی قطعیاً دوشونه بیلیورز. ایشته خلقمزه گوسترمگه
منافعی وحکومتمزك ده برآن آول تبیشره کده اولان ایشجی یاردمجیلرینك آلدن
هیچقایبلمه سی و بوگونه قدر صرف اولنان خلوه پاره سنك هدر اولاجغنی دوشونجه لریله بز
قیزلریمزك آلمانیاده قالوب تحصیلرینی اکمال ایتمه لرینی قطعی اولاره طلب ایدیورز
و حکومتمزه لازم اولان تشبثاتده بولونیلماسنی قومیسیونمزدن رجا ایدیورز.
۲- عالی مکتبلرمزدن برقاچینك اسمی ده ذکر اولنیوردی. برقاچ سنه دن عبارت اولان
تحصیل زمانك پارهسنی کیچیرمه سه اولان بولطلبه لرك دیگر برمحیطه کوتورمك دیمك اولدیغی
اولدیرمك دیمك دگلمیدر؟! باشده آیاغه قدر صایسه ۵/ تورکستان، روسیه و آلمانیا-
ده گی لر بریده ۵۰-۶۰ نفر دارالفنون کبی یوکسك علمی مؤسسه لره کیره بیلمه
یاقیه براستقباله علمی سعیلرینك میوه سنی عواملره چوللانده سوره نه خلقمزه ویره جك
وبوصورتله حیات اجتماعیه ده برآدیم ایلری کیتمه ده یول آچاجاغنی امید ایتدیگمز
گنجلگمزك ده برقسمنی گندی یاره ده مزله، قربان ایده جك اولورسه ده، بوقاریده گی پارلاق
امیدلری صویه آتمه اولمایه جقمی یز؟! بوذکر ایدیلنلرك اکثریتی روسیه ده بروبنره
حیات علمیه سنی دوام ایتدیره جك کیمسه لردر. چونکه فوره قدر روسجه بیلمیورلر.
هپسی بوگون یاریم تحصیلی تبروب خلوه آره سنده ایشه باشلایه جغی امیدیله گزه رکه
بردهاء الفه باغلانوب باشلامه مجبور تینده قالیرلرسه، طبیعی روحاً متأثر اولاجه اولدن

بوگنجلرك حیات علمیه سنه خاتمه چكدك ویكمه ز . بویله اولدیغی تقدیرده بز گنجلك ده ،
اوطرفده « علمی پول گوستریجی ! » دییه دائمی صورتده صایقیر مقده اولان خلقمز ده
بوعزیز فداكار جوجوقلرك حقنده گی امیدینی آرتوه رخیالار دریاسنه آتمالیدر .
بونلرك درس مدتنك اوزونلغی ادعا ایدیلدیگی زمان اقتصادیات علمیه سنك
بعضه آرتمه واسطه سیله اوصیره - سیاهیه - گیرمسه اولاسی بوفكرمز قوتلندی دوشونیورز .
خلاصه بونلر حقنده گی قرارك بنه كی اُساس استناد ایتمسه اولدیغنی بیلدیرمكسزین
هر اساس مسئله اولدیغی اولسون مملكتمزك استقبال امیدیاتك برر جزئی تشكیل
ایدن بوآرقداشلرك گری گونده یلمه سنی مملكتمز ، خلقمز و حكومتمزك منافع علمیه ، اقتصادیه
و حیاتیه سی نقطهٔ نظرندن هیچ بر صورتله موافق بولمایورز . واونكیونه رضا گوسترمه یورز . بز
طلبه لك ده وار قوتمزله چالیشاجغز كبی قومیسیونمزك ده هر ورلو قطعی آدیملر آتمه سنی
طلب ایدیورز .

٤ - تحصیلنه ده گی طلبه مز حقنده گی قراره عیه درجه ده گولونج برشیدر !
چونكه بویازیلمه گنجلر بوقدر فداكارلقله چالیشوب اُلك یاقیمه زمانده مملكتی ایچیه
بره رصنعتكار - اولمه اوزره ایكیه بویله معصوم - معصوم بوغازلانماسنك سببی
نه اولا بیلیر ؟! ...

تورکستانلك دوستی كبی گورونه ، مملكتمز نامنه مأموریتا كتیرن خیرخواهلرك (؟)

تحصیلنی بویازیلمه معصوم گنجلرمزی اولاحقدر . یوقاریده گی غرضلرحقنده سویله دیگمز
دلائل دهاشدتلی وده هاجانلی اولاره بونلرك حقنده ده نظر اعتباره
آلنمالی ایدی . بونلر صرف حیاتی احتیاجلرمزدن اُلك برتجسس نه بزده ونه
روسیه ده بولونمایه جه اولان صنایعلك اُلك عملی وجانلی قسمنی اوگره نمكله
جانلرینی قومیسه فداكار گنجلردر .

نهایتا كوسلیه ده گی طلبه اوقاداشلرمز گلیورلر . بونلر حقنده نه كبی دلیللر
ایراد ایده جكلرینی بیلمیورز . آنجق شوقدری ذكر ایدوب گیدیلم كه بونلری
روسیه یه گوتوروب ده هاجوزه اوقوندیراجقلرینی تخمین ایدیورلرسه فوقالعاده
یانلیشلره یاپیورلر . چونكه بوجوجوقلرده اوچ سنه بورادهٔ خلوتهٔ تأمیناتیله
آلمان دیلنی اوگره ندیلر . آلمان جوجوقلریله برابر درسلری تعقیب ایده جك
برحاله گلمشلردر . روسیه یه دونرلرسه بردها یكیدن باشلامالیدرلر كه بو
اونلرك غایه لرینی آلده ایده بیلمك دورینی اُلك آزی ۳-٤ سنه
اوزاتمه جقدر . عیه زمانده كه اونلر ایچیه بوراده صرف اولنان اوچ سنه لك مصارفده
هم زاده لنمه اولاجقدر . دییك بوآلتی سنه لك مصارفی روسیه ده گی طبیعی
مصارفلری اوزرینه قویه جه اولورسه حكومتمزك مالیه سی نقطهٔ نظرندن
دها بویوك برمصرفه گیریلمه اولاقدر . برده بوراده شوحاله ایله

VI

اوقوقده بولغان بولغلیه گلگان بوصورتده گی وحشی برمعامله یه معروضه قالماسی
اونارلرنی رنجنده قتاتیرآتجه ایده جکده رکه بونگله اکثر سینف علمی حیاتی بتیشه دیکده
بونارلرنی هیس اوزرینه بولغلیه گلگان دیگر بر روحده تیشه جکی نظر اعتباره آلنیوب
بوده دوغرو دگلدر. چونکه روسیه ده ویریله بیلیه سیاسی دیسلر بوراده ده
ویریله بیلیور. ذاتاً بوگونکی شورالرکمی سنده دوامنی اداره ایدنلر باشلرنی
هیسنلرک روسیه فابریقاسنده چیقمسه اولدیغنی ادعا ایده بیلمه کلری حالده
اکثریتی آلمان مکتبلری محصولی اولدیغنی ده انکار ایده مزلر.

ایشته بوراده سویله مسه اولدیغنی دلائللر بزه بوایلری سوردیلمقده اولان فکرلرنی
مملکتمز منافعی نقطهٔ نظرندن پاکلمسه وحضه اولدیغنی ادعا ایدیورز. واداغمچون ده
قطعی اعتراضلرمزی تکرار ایدیورز.

اگر ده بوراده گی قیصه دوشونجه لی برقاچ نفر مأمور بویاکلمیش حرکتلرله عموم
شورالر اداره سنه فائده تأمین ایتمکده اولدقلرینی دوشونیورلرسه بزجه بودهایاکلمیشدر
چونکه بویله حرکتلرله شورالرک رقیبلرینه بویوك برمادیال ویرمسه اولدقلرینی
توركستان ودیگر شوره شورا مملکتلرنده گی هرقاچی گوروه ملاقلانمقده اولان دیگر
شوره خلقلرینك آورویاده گی نمایندهلرینك وبالواسطه شوره افکارعامه سنك
سقوطنه سبب اولدقلری مقدردر. بونك اوزرینه توركستان خلقی نظرنده ده

VII

ویرو - ویرلو نارا ضیلقلر دوغورا جقلاردر.

اگر آلمانیا راگی توركستان طلبه لرینی روسیه یه قاچیرماقلرینی/؟/
تصحیح ایتمك دوشونجه سنده ایسه لر بوده یاکلمیشه برحرکتدر. چونکه برقاچ نفر
مأمورك زور بالغلیله هیئت ملیه سی، شخصی بنلگی تاتیتلاشمه بوگنجلگلرك قلبنده
صاغالماز بریاره آچمسه اولدقلرینی واوندن صوکره گی هربرحرکتلرینك تداوینك
عکس نتیجه ویره جکنی خاطرلرندن هیچ برصورتله چیقارمامالیدرلر!

خلاصه انقلابجی شورالر دولتلرك عمومی منافعی نقطهٔ نظرندن ده بوحرکتلر
پاکلمسه وخطرلیدر؛ اونکچون بریروتستولرنی بردهاتکرار ایدیورز.

جنوبی آلمانیا توركستان طلبه لگی.

هایدلبرغ بر آوغوست ۱۹۲۵.

5 илова матни

Ўзбекистон шўро жумҳуриятининг Берлиндаги маориф ваколатина ва Олмониядаги умум Туркистон талаба уюшмасина*

Биз, жанубий Олмониядаги Туркистон талабалари, Олмониядаги талаба ўртоқларимиздан бирортасининг ҳам ўқишини битирмасдан мамлакатга қайтиб кетишини истамаймиз. Чунки ўқишни тугатмасдан мамлакатга қайтиш ватанимиз манфаати нуқтаи назаридан зарарли бўлиши билан бирга, бугунгача сарфланган халқ пулини увол қилиш, беҳудага совуришдир. Шунингдек, бу ҳол талабалар руҳига ҳам ёмон таъсир қилади. Зотан, қайтиш масаласи эртага талабаларнинг бошига ёғиладиган фалокатларнинг бошланғичи каби туюлмоқда. Бизнинг фикримизча, бу иш билан шуғулланаётган комиссия, барча талабалар билан биргаликда ҳаракат қилиб, бу муаммони ҳукуматимизга англатиши, шунингдек, бошқа жамоат ташкилотлари ҳам ташаббус кўрсатиши, талабаларнинг бу ҳодисага қарши эътирозини ҳам ҳукуматга, ҳам матбуот орқали бутун оммага тушунтириши керак. Зеро, бизнинг ўйлашимизча, бу воқеадан Ўзбекистон ҳукуматининг ҳам, халқимизнинг ҳам хабари йўқ.

Туркистонга ўқишни битирмасдан қайтариб юборилаётган талаба ўртоқларимизнинг қандай манфаат асосларига назаран мажбуран жўнатилаётганларини англаш имкон хорижидадир. Бу борадаги фикрларимизни тушунтириш ниятимиз бор. Талабаларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: 1) дорулмуаллимот(ўқитувчилар мактаби)даги қизларимиз; 2) олий ўқув юртларидаги талабалар; 3) техникумдагилар; 4) ўрта мактабдагилар.

1) Дорулмуаллимотда ўқиётган қизларимиз тахсилни тугатмасдан кетишлари қатъиян мувофиқ эмас. Чунки уч йилдан буён ишлаб, тайёргарлик кўриб, халқнинг пулини сарфлаб, бу ўқишга кирганлар. Улар кўпи билан бир ярим йилдан сўнг етук ўқитувчи бўлиб чиқадилар. Мамлакатимиз ва халқимизнинг эҳтиёжи ҳам буларга ўхшаш оз миқдордаги хотин-қиз муаллимлар ва раҳбарларнинг тезроқ элимизнинг дардларига чора ва малҳам бўлишини талаб этмоқда.

Агар бу ердаги қизларимиз Туркистонга қайтсалар, яна у ердаги мактабларда ўқий олмаслар, сабаби эса ошкордир. Москва ёки Туркистондаги рус мактабларида ўқишлари мумкин-ку, дейилса, бу ҳам мантиқсиз, чунки булар русча билмаганлари учун яна 2-3 йил русча ўрганишлари керак бўлади ва ўшандан 3-4 йил ўтибгина бир ихтисосни эгаллайдилар. Биз каби бутун халқи ва хусусан хотин- қизлари орқада қолган бир миллат ўз талабаларининг 1-1,5 саналик таҳсилини 5-6 йилга

---

* Матн таржима қилинди – тарж.

чўзиб юборишини, айниқса, шўролар ҳукумати каби кўпчилик халқнинг манфаатини ҳимоя қиладиган ҳукумат нуқтаи назаридан нақадар тўғри бўлишини, давлатимиз раҳбариятининг бу ҳодисада қандай иштирок эта олишини ҳеч ақлимизга сиғдира олмаяпмиз.

Хуллас, халқимиз манфаатини ва ҳукуматимизнинг ўзига хизмат этишга чоғланган ишчи-ёрдамчи ходимларини қўлдан чиқармаслигини, агар талабалар қайтарилса, шу пайтгача сарфланган халқимизнинг пули бекорга кетишини ўйлаб, биз, қизларимизнинг Олмонияда қолиб, ўқишларини битиришларини қатъий талаб қиламиз ҳамда ҳукуматимиз наздида лозим бўлган фаолиятга киришувини комиссиядан сўраймиз.

2) Олий ўқув юртлари талабаларидан бир қанчасини қайтариб олиб кетилишини эшитдик. Бир неча йиллик таҳсилнинг ярмини ўтказган бу талаабаларни бошқа бир муҳитга олиб бориш уларни ўлдириш эмасми ахир? Уларнинг барини санаб чиқсак (Туркистон, Олмония, Русиядагиларни қўшганда), атиги 50-60 кишигина юксак илмий даргоҳларга ўқишга кира олган холос. Яқин келажакда уларнинг самарасини кўришни, авомлик чўлларида судралиб яшаётган халқимизга қиладиган хизматини ва ижтимоий ҳаётда бир одим бўлса-да илгарига қадам ташлай олишга умид-ишонч бериб турган бу ёшларимизнинг бир қисмини ўз қўлимиз билан қурбон этсак, юқоридаги умид-ишончларни сувга отган бўлмаймизми? Буларнинг аксарияти Русияда илмий ҳаётларини давом эттира олмайдиган ёшлардир. Чунки улар рус тилини заррачаям билишмайди. Буларнинг бари эртага ўқишни битириб, халққа қўшилиб, бир ишнинг бошини тутиш ва элга хизмат қилиш умидида тиришиб ўқиркан, таҳсилини тўхтатиб, орқага қайтиб, ўқишни яна алифбени ўрганишдан бошлаш, табиийки, уларнинг эсини оғдириб, издан чиқариб юбориши ҳеч гапмас. Энг ёмони, бу уларнинг илмий ҳаётига чек қўйиш демакдир. Шундай бўлган тақдирда, биз ёшлар ҳам, у тарафда “илмий раҳнамо” дея ҳайқираётган халқимиз ҳам бу азиз, фидокор болалари ҳақидаги орзу-умидларидан айрилиб, ора йўлда қоламиз-ку. Буларнинг дарс муддати ҳам унчалик узун эмас. Ихтисослари назари диққатга олинган, десак, бунда ҳам уларни орқага қайтаришга йўллайдиган бир нуқта кўринмайди. Хуллас, бу қарорнинг нимага асосланганини билмаганимиздек, аслида, қандайин тушунчага таянса-таянсин, мамлакатимизнинг келажакка умидининг бир парчасига айланган бу ёшларнинг орқага қайтарилиши, бизнингча, мамлакатимиз, халқимиз ва ҳукуматимизнинг илмий, иқтисодий ва ҳаётий манфаатлари жиҳатидан мувофиқ эмас ва шу боис бунга розилик билдирмаймиз. Биз талабалар бор кучимизни сарфлаб яхши ўқишга ҳаракат қилганимиздек, комиссиядан ҳам бу муаммони ечишда тўғри ва қатъий одим отишини талаб этамиз.

3) Техникумлардаги талабаларимиз ҳақидаги қарор ҳам юқоридаги ўхшаган кулгилидир. Чунки бу заволли ёшлар шунчалар фидокорлик билан заҳмат чекиб, ўқиб-ўрганиб, эртага мамлакат манфаати учун ишлайдиган ходим бўлиб етишаётган бир паллада, бунақа пахта билан сўйишнинг сабаби нима экан?

Туркистоннинг дўсти каби кўринган, мамлакатимиз номидан қозикалонлик қилаётган бу “хайрихоҳлар”нинг қурбони шу заволли, маъсум ёшлар бўлиши керакми? Юқорида айтилган сўзларимиз, далиллар бу ёшларнинг тақдири ҳал қилинаётганда, қарор чиқарилаётганда назари эътиборга олиниши керак эди. Ахир булар бутун ҳаётини замонавий техникани ўрганишга бағишлаган, на бизда ва на Русияда топилмайдиган саноатнинг энг амалий ва жонли қисмини билишга жонини бериб интилаётган ёшларимиз-ку.

4) Ниҳоят, Гўслингда ўқиётган талаба ўртоқларимизга келайлик. Буларнинг ҳам орқага қайтиб кетишлари учун қанақа далиллар илгари сурилишини биз ҳали билмаймиз. Фақат шуни айтиб қўйишимиз керакки, агарда буларни Русияга элтиб, арзонга ўқитамиз деб ўйласалар, қаттиқ хато қиладилар. Чунки бу ёшлар ҳам уч йил давомида бу ерда, халқимизнинг маблағига олмон тилини ўргандилар. Олмон болалари билан баробар бир синфда дарсларни тингаб, ўзлаштира оладиган ҳолга келишди. Булар Русияга қайтсалар, русчани ўрганишга яна уч-тўрт сана сарф бўлиши шубҳасиз. Айни замонда булар учун бу ерда сарфланган маблағ ҳам ҳавога учади. Демакки, бу олти йиллик сарфу ҳаражатни Русияда юзага чиқадиган табиий ҳаражатларга қўшилса, ҳукуматимиз молияси нуқтаи назаридан анчагина ортиқча рақамлар пайдо бўлади.

Шунингдек, Оврупода шавқ ва ишонч билан ўқиётган талабаларнинг бундайин ваҳшийларча муомалага дуч келуви уларнинг руҳида шундай яра қолдирадики, шунинг ўзи билангина баъзиларининг илмий ҳаёти тугайди.

Устига устак, бу талабаларнинг бошқача руҳда тарбия топиб, овруповорий савияда инсон бўлиб етишувларини ҳисобга олсак, орқага қайтиршнинг нақадар нотўғри эканлиги аён бўлади. Зеро, Русияда бериладиган сиёсий дарслар бу ерда ҳам ўқитилиши мумкин. Зотан, шўролар ҳукуматини бошқараётганларнинг кўпларини Русия фабрикаларида етишганини иддао эта олмаганларидек, аксарият раҳбарларнинг олмон мактаблари маҳсули эканлигини ҳам инкор эта олмайдилар.

Шундай қилиб, юқорида айтган гапларимиз ва келтирган далилларимиз билан биз, талабаларни орқага қайтариш борасида қарор мамлакатимиз манфаати нуқтаи назаридан янглиш ва зарарли эканлигини такрорлаймиз ва бунга қатъий эътирозларимизни яна изҳор қиламиз.

Агарда бу ердаги саёз фикрли бир неча мансабдор, бу янглиш ҳаракатлари билан умум шўролар маъмуриятига фойда келтираётганликларини ўйлаётган бўлсалар, бизнингча, бу янада жиддий хато. Чунки, улар бу тутумлари билан шўроларнинг рақибларига тайёр ем бўлганлари баробарида, Туркистон ва бошқа шарқ мамлакатларидаги жараёнларни кўриб таъсирланаётган бошқа шарқ халқлари, уларнинг Овруподаги вакиллари олдида шармандаликка учрашлари муқаррардир. Шу билан бирга, Туркистон халқи назарида ҳам турли-туман хушнудсизликлар ўртага чиқажакдир.

Агар Олмониядаги Туркистон талабаларини Русияга қайтариб олиб бориш билан ёшларнинг фикрини тузатмоқчи (!) бўлсалар, бу ҳам хато ишдир. Чунки бир неча мансабдорнинг зўравонлиги натижасида миллий ғурурлари, ўзликлари задаланган бу ёшлар қалбида тузалмас яралар очилишини, бундан кейинги ҳар қандайин даволаш ва малҳамлар акс натижа беришини эсдан чиқармаслик керак.

Хулоса шуки, инқилобчи шўролар давлатининг умумий манфаати нуқтаи назаридан ҳам бу ҳаракат янглиш ва зарарлидир. Шунинг учун биз раддиямиз ва норозилигимизни яна бир бор такрорлаймиз.

Жанубий Олмония Туркистон талабалари бирлиги

Ҳайделбурғ, 1 август 1925

Илова 6

Ҳайделберг мажлиси баённомаси



روسیه ده سوسیالیست سیاسی دوام ایتدکجه پرلیمان شدیدجه ایشلانده
شورا خانه لرندن استفاده ایتمک و بوحقده اوقرانیلیرکن عبرت آلمق
بوگونکی تورکستان یولی قومونیستلرینک آنی برنجی وظیفه لری اولمالی ایدی. (X)

II. عبدالوهاب رادن بگلر: ۱- فرقه ایشلری حقنده معروضاتی.

۲- ایران ، فرقه سی حقنده ۲- تورکستانده یاپلجه ایشلری (پرلیمان شدیدجه
مکتبلرده سیورت ، اوردده زراعت مکتبی تشکیلی ، طبابت اوقرانیلی ، گورجستان و
آذربایجانه سیاحت ترغیب مسئله لری ، آلمانیاده کی طلبه حقنده . روسیه ده فعالیتده تحصیل
و اختصاص ؛ شرکت و پول چیقارماق). ۴- تورکستانده یاپلمقده و بوغدای ایکیشی حقنده
(چوقای افندینک وادهٔ اخطاری ؛ بالاستوفیث یاپلمق حقنده گی نظریه سنه طاهر الزاهدینک؟
عبدالوهاب رادن Badenkultur نقطهٔ نظرندن یاپلمق جایز قارشولمق).

III. مصطفی چوقای افندینک مجمع چیقارماق حقنده دیر دیگی معروضاتی خلاصه سی:
چوقای افندی خصوصی برمنبعدن برسنه لک حیاتی تأمین ایده جک برمقدار پاره تدارک
ایده بیلمشدر. بومقدار پاره یی ده مملکتدن منفعتنه صرف ایتمک ایچون استانبولده بولونجه
چیقارماق فکرینده بولمشدر. چوقای افندی تورکستان ملتجیلرینک افکارینی خلاصه
بیلدیرمک تورکلرک مقصدیله تورکیه شیوه سیده بر مجمع تشکیلی فکرینی التزام ایدیورلردیمه ده
بعضی اساسلره استناداً آذری قارداشلرله بیرلکده ، یکی قافقاسیا مجمعی
تشکیلی تحت قاره آلدق.

۱- استانبولده مجمعه یی اداره ایده جک معنوی و مادی قوتلرک آزلغی ؟
۲- بزله برلکده استقلال دعوا سنده بولونان آذری قارداشلرله دشمنه قارشو واحد
جبهه تورماق ؟
۳- هر ایکی تورلی اولکه سنک استقلالی اوغروندہ مجادله سنی تورکیه ، آذربایجان و
تورکستانده گی قارداشلرینه برآغزدن ایشیتدیرمک ایچون ، یکی قافقاسیا جمعیتی جبهه لرینک
واذهارک ناشر افکاری اولان مجمعه یی ، یکی قافقاسیا و یکی تورکستان ، نامیله بولونمق
قرارینه گلدک .

یوقاریده گی فکرلرمزی حقیقته کیچه مک ایچون مصطفی بک تورکیه سیاحتی یاپاجق
و تورکستان Asie ملتجیلرینک باشلوجی صفتیله مجمعنک تورکستان قسمی باشه
محرریلک وظیفه سنی درعهده ایده جکدر .

(X) پرلیمان شدیدجه یکلمه لرینی پوسته و تلغراف ، صناعی و دیپلومات ، مأمور و سیاسی ، گلمکده اولان
پرلیمانی اداره تمک بزم ایچون اساسدر . بونک استقلال یاپانی آنکارا فعالیتنه بعضا لزوم
یوق اولدینی و آذربایجان تورکستان تورکیه سیاسی دیوانی تشکیلی تحت قاره آلدق.

6 илова матни

1927 йил февралдаги Ҳайделбурғ қурултойи баённомаси

Йиғилишга Мустафо Чўқай, Абдулваҳоб Мурод, Тоҳир Шокир ва Абдулваҳоб Исҳоқий қатнашдилар.

I. Мустафо Чўқай афандининг “Совет иттифоқи ва унинг ҳозирги ички сиёсий вазияти” мавзусидаги маърузаси тингланди. Маърузадаги муҳим нуқталар қуйидагичадир:

Иттифоқда сталинчиларнинг мухолифат устидан ғалабаси ва ҳокимиятдаги барча ишларни ўз қўлига олиши Туркистон ўлкаси учун қисман фойдали бўлди. Чунки энди бу давлатдаги фабрика ишчилари ҳокимияти бир оз озаяди ва давлат назарида қишлоқ аҳли ҳуқуқи ҳам бир оз ошадики, бу ҳол Туркистон халқининг сал-пал жонланишига имкон яратади. Агарда бу давлатда Зиновев ва Троцкий тарафдорлари устун чиқиб, сиёсий ҳокимиятни эгалласайди, унда жаҳон инқилобини амалга ошириш хаёллари ва васвасаси билан мамлакатни ва бутун аҳолини яна нотинчлик ботқоғига ботирарди. У ҳолда советлар ичидаги ўлкалар орасида энг кўп зарар Туркистон бошига ёғиларди ва Туркистон халқи мудҳиш офатга йўлиқарди.

Оврупо давлатлари, хусусан, ғарбнинг катта давлатлари билан советлар иттифоқининг муносабатлари ҳақида Чўқай афандининг берган маълумотларига кўра, Англиядан бошқа барча давлатлар, айниқса, Олмония Русиядаги совет тузумини ўз манфаати нуқтаи назаридан мувофиқ ҳисоблайди. Англия ҳукумати ҳам, советларга қарши бўлиши билан бирга, бугунги кундаги сиёсий вазият тақозосига кўра, севетларга қарши жиддий курашишга қодир эмас. Лахистоннинг Украина ва Гуржистонга бераётган моддий ва маънавий ёрдами ҳам уларнинг советлардан ажралиб чиқа олишига кифоя қилмайди. Бундан ташқари, Овруподаги рус муҳожир гуруҳларидан, масалан, Милюков тўдаси ҳам, Керенский гуруҳи ҳам советлар ичидаги рус бўлмаган миллатларнинг миллий манфаатларига қарши тушунчада экани ҳам маълумингиздир. Шуларга кўра, Русияда советлар тузумининг бир муддат давом этиши Украина, Қафқаз ва Туркистон халқлари учун зарарли бўлмайди.

Русияда совет тузуми давом этаркан, маҳаллийлаштириш ишларида иттифоқ қонунларидан фойдаланиш ва бу борада украиналиклардан ибрат олиш бугунги Туркистондаги маҳаллий коммунистларнинг энг биринчи вазифаларидан бўлиши керак эди.*

II. Абдулваҳоб Мурод бекнинг 1)фирқа ишлари хусусидаги маърузаси; 2)эрк фирқаси ҳақида; 3)Туркистонда қиладиган ишлари тўғрисида (маҳаллийлаштириш, мактабларда спорт, ўрта деҳқончилик мактабларини ташкил этиш, талабаларни Украина, Гуржистон, Озарбайжон саёҳатига йўналтириш, Олмониядаги талабаларнинг масалалари борасида, Русия ичидаги таҳсил ва ихтисос, ширкат ва пул босиш масаласи); 4)Туркистонда пахта ва буғдой етиштириш ҳақида (Чўқай афандининг Муродга огоҳлантириши, Балашовнинг пахта масаласидаги назариясига Тоҳирнинг зиддий қарашлари, Абдулваҳоб Муроднинг "Боден култур" нуқтаи назарига суяниб пахтачиликка қарши чиқиши).

III. Мустафо Чўқай афандининг журнал нашр этишга оид маърузасининг хулосаси:

Чўқай афанди хусусий йўл билан бир йиллик ҳаётини таъминлайдиган маблағ топибди. Бу маблағни мамлакат манфаати йўлида сарфлаш учун Истанбулда бир мажмуа чиқариш фикрига келибди. Чўқай афанди Туркистон муҳожирларининг фикрларини халқимизга билдириб туриш мақсадида ўзбекча бир журнал нашр қилишни илгари сурса ҳам, баъзи асосларга таяниб, озарбайжон қардошларимиз билан биргаликда "Янги Қақазя" журналига қўшилишга қарор берилди.

1. Истанбулда журнал талабини қоплайдиган моддий ва маънавий қувватимиз оз.

2. Биз бирга мустақиллик учун курашаётган озарбайжон қардошларимиз билан душманга қарши битта жабҳа қуришимиз керак.

3. Ҳар икки турк ўлкасининг истиқлол йўлидаги курашини Туркия, Озарбайжон ва Туркистондаги ўқувчиларимизга бир оғиздан эшиттирмоқ учун "Янги Қафқаз" ҳаракатига қўшилиш ва унинг нашри афкори саналган журнални "Янги Қафқаз ва янги Туркистон" номи остида каттароқ қилиб чиқаришга қарор қилинди.


Юқоридаги фикрларимизни амалга ошириш учун Мустафо бек Туркияга боради, Туркистон миллиятчиларининг бошлиғи сифатида журналнинг Туркистон қисмини тайёрлаш ва чиқариш вазифасини ўз зиммасига олади

---

* Маҳаллийлаштиришда, яъни, почта ва телеграф, темирйўли, саноат ва ҳарбий соҳалардаги муассасаларда ишлаш учун Туркистоннинг ерли халқини жалб этиш, давлат ишларини маҳаллий халққа ўргатиш биз учун энг биринчи асосдир. Бу бажарилмаса, келажакда миллий истиқлол яратмоқ имконсиздир, бир хаёлдир. Буни Украина, Гуржистон ва Озарбайжон коммунистлари яхши англаганлари ҳолда, бизнинг Туркистондаги шуурсиз маҳаллий коммунистлар тушунмаяптилар. Бизнингча, фалокатнинг энг каттаси мана шу нуқтададир (изоҳ ҳужжатнинг ўзида мавжуд).

7 илова

Туркистон миллий бирлигининг программаси (1926)



تورکستان ملی برلکی نک پروغرام ونظامنامه سی

ده ۱ — تاریخی واقعه لرك جریانلری، اجتماعی حادثه لرك صیرو رتلری؛ بالخاصه شو بولوندیغمز یکرمنجی عصرك ربع اولنده ادراك ایتدیکمز (حرب عمومی) نی متعاقب تورکستانده باشلنان کتلوی استقلال جویانه ، ظلمه ، حرکتلری ، کذا امرو ، ایده قابلی واقعه لرایله برابر ضروری استحاله لرك تعاقبی (تورکستان ملی برلکی) نامنده کی تعضو وتشکلی میدانه قویمشدر .

ده ۲ — تورکستان ملی برلکی نک مقصد وغایه سی ، تورکستان ملیت - پروری لکیدر . تورکستان ملیت پروری : جغرافی واقتصادی ، ادبی وبدیعی ، اخلاقی وفنی ، وصری مقدوحه وتام سیاسی استقلال

2

اساسلری اوزرینه مستند اولاره ده موقراتیک وطنپرور لکدر.

ده 3 - تورکستانده ملی برلکی و بنك ایجابات زمانه کوره، داخلده وخارجده اولان

2

تشکیلاتی شمدیلك کیفیتده، رسمی یا اختصاری «تعب» و «شبیه»

مختصراسمك صوکنده «مرکز» و «شعبه» کلمه لری علاوه ایدیلیر.

تعب بنك عهد فلری

ع-ع-ع - بوکونه تورکستانده مستولی روس عمله سی طرفنده اورتایه قونمالیکن

آتیلاره «قومونیزم» نامنده کوره سی، تورکستانه حرثی اوزرینده ایکیلك

(دوآلیزم) نظریه سنی تطبیقه اتمکده در: یعنی بر طرفده تورکستانك

جغرافی واقتصادی، حقوقی وسیاسی کذا تکنیکی (واخلاقی) منظومه لری اوزرینده

عمله

مستقره پر ایشاری سنك اختراصلرینی حاکم قیلمقده؛ دیکر

طرفده مذکور عمله نك صیقی مراقبه سی آلتنده باقی قالان ادبی

3

وبدیعی منظومه لر ایله تورکستانلیلری قناعت ایتدیرمکه چهد ایلمکده در.

حالبوکه (حرانت ادبیه وبدیعیه)، وحالت اجتماعیه) حقنده

«تعب» نك علمی قناعتی شو مرکزده در: قابلیت وانکشافات ادبیه

وبدیعیه یه معین براستقامت ویرمه آنجه حیات اجتماعیه نك

نزاظیدر. تشکیلات اجتماعیه نك وجوده کتیرمه سهاب میانده

آك عمده سبب تاثیرات متوالیه سیله تظاهر ایدن سعی - اقتصادی

در. براولکه نك سعی ذاتی - اقتصادیاتیله، انکشافات ادبیه وبدیعیه نك

آراسنده ملحوظ اولان نسبت عیناً بدن ایله روح میانده فناً مشهود

بولونمه مناسبتك کیفیدر.

«یشته شو علمی قناعتله کوره، «تورکستانه حرثی اوزرینده» ایکیلك

د د و آ ایزم) نظریه سنی تطبیعه ایتمك، طوغرودن طوغرویه وسیله
توركستانه حرتمك امحا ایلمكه یلتنمكدر. بنائً علیه، ،، تعب ،، خارج
بر مملكت دیگر دولتك، توركستانه حرنی اوزرنده یاپمه ایستدیكی ایكیلك
عملیه سنه تحمل ایتمدیكی كبی، ولوكه مزبور عملیه توركستانه داخلنده
برصنف اهالنده بیله اولسون اصلا اونی تجویز ایتمز؛ بوتون بو اجراءات
لغیله شبه امحاكار عملیه یه محل براقمازدن عبارت روس سلطه سنه
و ،، قومونیزم ،، مفكوره سنه قارشی مبارزه دن كیری دورمازلر.

ك — ،، تعب ،، اوغرنده چالیشقده وسائقه ایتمكده اولدیغی
تام سیاسی واقتصادی استقلالی الده ایدنه دكین، توركستانه حرتمك
روس سلطه سی واستیلاسنه بوسی آلتنده قورتارلمه قدر، روسیه

هرهانكی رژیم حاكم اولورسه اولسون بلااستثنا اوقارشی
اولان ملی كین وعداوتندن واز كچمز. یعنی زمانده روسیه جارحنه
بولونان روس پاتریوطلری وسوسیالیستلری ایله دخی اصطلا
تشریك مساعی ایلمز.

ج — ،، تعب ،، نك مملكت داخلنده یاپاجغی ایش، داخلده كیزلیجه
چالیشمقده اولان عركلاتشكیلاتك محالی شرائطه كوره،
الدقلری وضعیتلری حصیله قاراماسه؛ ایكی آراده بوكونه قدر
اعمال ایده یلمكده اولان مناسبتی یكیدن صیقی برصورتده
تجدید ایلمك چاره لرینه توسل ایتمكده بولنمقدر.

ج — ،، تعب ،، نك فاعلیت كیده كیده ضعف كسب ایدنه تشكیلات

6

دشتویاتنی، کذا دیکر قومیته لوایله روسلانه مناسباتنی تقویه

وتشدید ایلمك چاره لرینی دخی بولمقدر.

تاریخی و جغرافی حدود و فعالیت صحه سی

اده سی - a - تمبتك جغرافی حدودی: شمالاً بالخاش کولی، گالادونی (ایسیب)

(قاراصلتاو ایله) وکونکا اوزبکستانه، تورکستانه، قرغز و قازاقستانه (وقاراقالپاق) قدر.

بعدنا محاذی اولان قره قوم ویجر حزر ساحلنده کائن بوزاجی آطه سی دن

شرقاً قطای محلکتی؛ جنوباً افغانه و ایرانه محلکتلری؛ غرباً بحر حزر

دن.

b - نارنه و قره دریا دن باشلاب، آهنکران و جرجوه ایرماقلرینك

تشکیل ایتدکلری سر دریا یه قدر، سمرقند افغانه و قاشقادریا،

واخش، کافرنهان، سورخانه نهرلرینك وجوده کتیردکلری آمودریا،

مرغاب وتجن نهرلری، علی العموم آمو نهر و دریالرك فیضیله وجوده کلن

7

مدنیت، تورکستانه مدنیتیدر،

c - مزبور نهر و دریالرك اطرافنده یاشایوب عصردیده اوراد

واستاعجلیه سمنده بولونانلر، بویوك وکوچك زرعیات یاپانلر،

اوفاده و بویوك دستکاه ر، صنایع ر، قورانلر، یوللر بویوك وکوچك

کویلر وشهرلر وجوده کتیرنلر تاآوده ایکی ملیونه قدر اولوب

بونلر طائفه بلا تفریق جنس وعرجه، دیانه ومذهب تورکستانه

ملیتنی تشکیل ایدرلر.

d - تورکستانه اولکه سی عموماً یوللر، نهر و دریالر، ومعدنلر علی الخصوص

زرعیات، نباتات، حیوانات یله جهانه اقتصادیاتنده بیوك

وظیفه لر ایفا ایتمکله وعصری تکنیکه چوق دخی انکشاف ایلمکله

در. حقیله انکشاف ایتمیچون طوغرودن طوغریه اوروپا
دامِ رقابت سرمایه لری ایله مناسبت تاسیس قیلمسی کوکدر.
جنوبنده اولان ایران و افغانستان طرقلری، غربنده بولونان
بحر خزر و قافقاسیا لری دخی شمال یولری کبی توركستانك
اوروپا دامِ رقابت ایله تاسیس مناسبت ایلمسنده یك بویوك
قیمتلری حائز در لر.

ماده 5 — تب « یکپاره توركستان اولكه سنك داخلنده ایریلمز
اوزیك، توركمن، تاجیك جمهوریتلرینی بر قره قالپاغه وقره
قیرغیز مختاریتلرینی، ایجابات طبیعیه سنك وضروریات
اجتماعیه سنك طوغوردیغی تشکیلات دخل، حقیقتده بویله

روسلرك ایجاد کرده لری اولان صنیعه لرودن غیری، کذا اخرل
امپریالیستلرك dirvide et empera
دایره وحکومت سوریه قاعده سنی تجلی ایتمه ملدر. بناء
برتکلده اولدقجه قناعتنده در. « تب » نك توركستانده
دولت تشکیلاتی حضنده کی قناعتی شو مرکزده در: توركستان
ایجابات طبیعیه وضروریات اجتماعیه سنه کوره تام سیاسةً
واقتصاداً مستقل برکل حالنده تعضو وتشکل ایلمليدر.
دولت تشکیلاتی جمهوری وعصری ده موقراتیك تشکلنه نظاهر
ایلمليدر.

تب نك انارادوسلره قارشی اولان نقطه نظری
ماده 6 — « تب » روسیه ده ایریلمغی، تام مستقل وعصری دولت

[redacted] تفوق و تسلط ایلکی مقصد و غایه اتحاد ایدیه انارو و سلو
قارشی اولاره هر تورلو مظاهر تده و مقابله معاونته بولو
نقدیه، روسیه قارشی اولاره نظری و عملی جبهه لرنده قشون سائی
ایلکدیه کیری دورماز.

تعب نك مملکتك اجتماعاتی حضرده کی قناعتی

طرابزون

ماده ۲۶ - تعب، ملکیت، توارث، برلسی تصرفات حصری عائله تشکیلاتنه
مرتکز اولمقله بربر (اقتصادی سوسیالیزم) مسلکنی
ترویج ایلر.

طرابزون

8 - تورکستانلیلر اوزرنده ولایت و نفوذ (اوتوریته) یی حائز
اولانه قوت آنجمن، تورکستان جامعه سی و تورکستان ملیتچیلر تورکیدر.

طرابزون

9 - تورکستان جامعه سنی داخله و خارجده تمثیل ایتمکده اولانه
یکانه تشکیلات، تعب تشکیلاتیدر، بونه تشکیلاتك چهار
دیفی قرارلرینه بلا تردد قانونه ماهیتنی حائز اجتماعاری
بیانده مجبوری الرعایه در.

7 илова матн таржимаси

ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ БИРЛИГИНИНГ ПРЎҒРАМИ ВА НИЗОМНОМАСИ

Модда 1. Тарихий воқеаларнинг жараёнлари, ижтимоий ҳодисаларнинг ўзгаришлари, билхосса, шу булундиғимиз йигирманчи асрнинг илк чорагида идрок этганимиз ҳарби умумийдан сўнгра Туркистонда бошланган истиқлол орзусидаги халқ ҳаракатлари, қонли воқеалар ила баробар зарурий ўзгаришларнинг бирин-кетин юз бериши, Туркистон миллий бирлиги номидаги ташкилотни майдонга қўймишдир.

Модда 2. Туркистон милллий бирлигининг мақсад ва ғояси Туркистон миллатпарварлигидир. Туркистон миллатпарварлиги: жуғрофий ва иқтисодий, адабий ва бадиий, ахлоқий ва фанний, ҳуқуқий ва том сиёсий истиқлол асосларига суянган том демократик ватанпарварликдир.

Модда 3. Туркистон миллий бирлигининг ичкарида ва хорижда бўлган ташкилотлари, айни замондаги шароит тақозосига кўра, яширин фаолият кўрсатади. Расмий аталиши “ТМБ”дир. Ушбу қисқа номидан кейин “марказ” ва “шўъба” калималари илова этилир.

ТМБнинг мақсадлари ва ички қонуниятлари:

Модда 4.

А) Бугунда Туркистонда истилочи русларнинг ишчилари тарафидан ўртага отилган “қоммунизм” мафкураси, Туркистондаги оммавий тушунчага нисбатан иккилик “дуализм” назариясини тадбиқ этмактадир. Яъни, бир тарафдан, Туркистоннинг жуғрофий ва иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий, хусусан, техникий ва озиқ-овқат соҳаларида Москўва пролетарининг манфаатларини ҳоким қилмоқда. Бошқа тарафдан эса, мазкур ишларни амалга ошириши баробарида, адабий ва бадиий манзумалар воситасида Туркистон халқини бу вазиятга қаноат қилишга, кўникишга йўллаб, жаҳд айламакдадир. Ҳолбуки, адабий ва бадиий маҳсуллар ва ҳолати ижтимоия ҳаққинда ТМБнинг илмий қаноати, тушунчаси қуйидагичадир: қобилият ва унинг адабий, бадиий маҳсуллар яратиши фақат ижтимоий ҳаёт шартларига боғликдир. Ижтимоий ташкилотни вужудга келтирган сабаблар орасида энг тамал қувват ҳисобланган, доим давом этгувчи меҳнат ва иқтисоддир. Бир ўлкадаги меҳнат, иш, иқтисод билан адабий-бадиий тараққий ўртасидаги

муносабат, айтайликки, худди бадан билан руҳ орасидаги алоқанинг ўзидир.

Шу жиҳатдан қараганда, бу илмий тушунчага кўра, Туркистон маданияти ва маънавиятига муносабатан дуализмни тадбиқ этиш, шубҳасиз, Туркистон маданиятини маҳв айлаш билан тенгдир. Биноаналайҳ, хорижий бир мамлакат ва бошқа бир давлатнинг Туркистон маданиятига нисбатан иккилик назариясини қўллашига ТМБ қаршидир. Ҳатто бу жараён Туркистон ичидаги бир табақага фойдаси теккан тақдирда ҳам ТМБ бунга асло йўл қўймайди. ТМБ бутун борлиғи билан бу маҳв этувчи жараёнга қарши туради, рус таъсирига ва коммунизм мафкурасига қарши курашишдан чекинмайди.

Б) ТМБ Туркистоннинг том сиёсий, иқтисодий истиқолга эришгунга қадар бу йўлда тинимсиз ҳаракат қилади, уни рус таъсири ва истило тўридан қутқаришга интилади, Русияда қанақа тузум ҳоким бўлишидан қатъий назар, истисносиз, унга қарши миллий кин ва адоватиндан воз кечмас. Айни замонда Русия хорижидаги муҳожир рус потрийўтлари ва сосйалистлари билан ҳам асло муносабат ўрнатмайди.

В) ТМБнинг мамлакат ичкарисида қиладиган иши; ичкарида яширинча фаолият кўрсатиш баробарида ташкилотларнинг маҳаллий шароитга кўра вазиятларини тўғри англаш ва таҳлил этиш; бугунгача йўл қўйилган нуқсонларни тузата бориб, янги чора-тадбирларни ўз пайтида қўллашдан иборат.

Г) ТМБнинг айни замонда тобора заифлашиб бораётган ташкилотланиш ва нашриёт ишларини, хусусан, бошқа жамиятлар билан муносабатларини жонлантириш, кучайтириш чораларини топиш ва йўлга қўйиш.

ТМБнинг жуғрофий ҳудуди ва фаолият соҳаси

Моддда 5.

А) ТМБнинг жуғрофий ҳудуди: шимолан Балхаш кўли, голодний степ, шу йўналишда жойлашган Қоракум ва Ҳазар денгизи соҳилларидан Бўзачи оролигача. Яъни, тарихий Туркистоннинг руслар тарафидан қабилаларга ажратиб бўлинган ерлари: бугунги Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоқистондан иборатдир. Шарқда Чин мамлакати, жанубда Афғонистон ва Эрон мамлакатлари, ғарбда Ҳазар денгизи билан чегараланади.

Б) Норин ва Қорадарёдан бошланиб Охангарон ва Чирчиқ дарёларидан тўйинадиган Сирдарё (Сайҳун), Зарафшон, Қашқадарёлар ва Вахш, Кофирниҳон ва Сурхон дарёлари вужудга келтирган Амударё,

Мурғоб ва Тажан дарёлари баракати билан пайдо бўлган маданият Туркистон маданиятидир.

В) Юқорида таъкидланган дарёлар(оқар сувлар)нинг атрофида яшаб, неча юз йиллардан бери суғориш, экин экиш, ҳосил олиш ишлари билан шуғулланиб келаётганлар, катта-кичик шаклда деҳқончилик, қишлоқ хўжалиги ва саноат бобида фаолият кўрсатган, овуллар, қишлоқлару кентлар, йўллар қурганлар, уларнинг авлодлари ўлароқ бугунда яшаётган 12 милйўнлик аҳоли, бу халқ жинси, ирқи, дини ва мазҳабидан қатъий назар Туркистон милллатини ташкил этадилар.

Г) Туркистон ўлкаси умуман йўллар, наҳрлар ва дарёлар ва бутун сув йўллари ила, хусусан, деҳқончилик, ўрмон ва чорвачилик соҳалари билан дунёда ўз ўрнига эга, улуғ фаолиятларни бажарган, янги техника ва тараққиётни ўз турмушига тадбиқ эта оладиган минтақадир. Янада тараққий қилиши учун ўз ҳаққи ва ҳуқуқига таяниб, Оврупо ва Амриқо сармоялари ва сармоядорлари билан муносабатга киришуви керакдир. Жанубинда ўлан Эрон ва Афғонистон тарафлари, ғарбинда бўлган Ҳазар ва Қафқазия йўллари ҳам, худди шимолдаги йўллари каби Туркистоннинг Оврупо ва Амриқо ила муносабат қуришида жуда муҳимдир.

Д) ТМБ бир бутун Туркистон ўлкасининг ичинда айрилган ўзбек, туркман, тожик жумҳуриятларини ва қорақалпоқ ва қорақирғиз мухториятларини, хусусан, табиий ва ижтимоий заруратлар натижасида пайдо бўлган давлатлар эмас, балки, русларнинг сохтакорона ижоди ҳисобланувчи, яъни, қизил империалистларнинг “парчала ва ҳукм юрит” усули оқибатида яратилган республикалар деб билишини таъкидлаш керак. ТМБнинг Туркистондаги давлат ташкилоти ҳақидаги тушунчаси қуйидагичадир: Туркистон табиий ва ижтимоий заруратларга кўра сиёсатан ва иқдтисодан тамоман мустақил, бир бутун ҳолида шаклланиши шарт бўлган бир ўлкадир. Унинг давлат ташкилоти жумҳурият ва модерн демократик бир шаклда тузилиши шарт.

ТМБнинг инородусларға* муносабати

Модда 6. ТМБ Русиядан айрилмоғни, тамоман бир мустақил, замонавий давлат сифатида шаклланиш ва тараққий топишни мақсад ва ғоя қилган; инородусларга нисбатан ҳар қанақа ёрдам, ҳамкорлик йўналишида фаолият юритади, Русияга қарши барча назарий ва амалий жабҳаларда қатнашишдан асло чекинмайди.

Модда 7. ТМБ мулк, мерос, эркин оила ташкилотига ҳурмат билан қарайди, бир-бирини иқтисодий қўллаб-қувватлашни маъқуллайди.

Модда 8. Туркистонликларни идора этишдаги мавқе, нуфуз ва ҳуқуққа эга қувват фақат Туркистон халқи ва Туркистон миллатпарварлигидир.

Модда 9. Туркистон халқи номидан юрт ичкарисида ва ташқарисида иш юритадиган ягона ташкилот ТМБ ташкилотидир. Унинг чиқарган қарорлари қонун моҳиятига эга ва бажарилиши шартдир; аъзолари унинг қарорларига риоя қилишга мажбурдир.

---

*Инородус – инородец, Русиядаги рус бўлмаган халқлар (муаллиф изоҳи).

8 илова

Закий Валидий Тўғоннинг Туркистонга қайтган Абдулваҳоб Муродга эрк фирқасига боғлиқ ва Туркистонга қайтганидан кейин қилиши лозим бўлган ишлар ҳақида ёзган мактуби



بو فرقه نك اسمی " ایرك " قیلدوق . بو فرقه كه منسوب كشیلرنی « ایركچی » دیه جمله در .
" ایرك " كلمه سی بوتونه تورك دهجه لرنده مستعمل و ərk صورتنه سویله نور (یالكز عثمانلجه
ده مرادف ایدلمه یدر . معناسی قدرت واختیار ، Die Kraft ، der Wille ، Gewalt ،
der freie Wille ایسه تازا قلمده eifrig ، Gewaltig ، Stark
معناسنه مستعمدر . نوایی دن مثال :

بیجه افغانه دیه ایتسا آغزینی بیرك × یوق ایردی ناله چیكمكده انگا ایرك

یاكه خواجه احمد یسوی دیوانچه سنده دیه رلر ، قاعشی قاتیغی بولدی اُت یوعشاق بولدی . ایرك یوقدیه یوكورمز .
یعنی بزنی اوروب صوقمقلاری وقتنه قاعشی قاتیغی كیلدر اُت یوموشاق كیلدر تحمل قیلا آكلایمز چارصنه دن
قاچامز » دیمكدر . تازا قلمده « ایرك آلدی » دیه دورلر یعنی آتاسینك مساعده سنه
باقمادن استه گه ن یكتیكه باروب اُویله نمك گه اویه ر ناچالنیك دن مساعده آلدی دیمكدر . دیوانه لغات الترکده
« آرك نیك ایرنی یاغلیغ ، آرمكو نیك باشی قانلیغ » دیو لمش . یعنی اوز اوزیكه مالك وغیر تلی حمیتلیك
قوتلیك آدمنك آمزی یاغ بولور غیرت ودولتی كوب بولور . ارمكو یعنی شُس وتوقاق وهركمكه اطاعت
قیلوب طورمغانه غیر تسز آدمنك هروقت باشی قانلی بولور دیمكدر . بوتونه اسكی ویكی كتا بلرده خلق ادبیاتنه
مستعمل بر كلمه در . یالكز عثمانلجه ده كورنمایدور . بزده فرقه نك قوت واختیار اوزگه اوزگه مالك بولماق
معناسی ایله بو صورتی قبول قیلدوق . سوسیالیست اسمنی آجیقدن آلمق لازم كورلدی . چونكه باشقه جه بین الملل
تشكیلاتی یوقدور . بز بو فرقه گه بوكونه یاكا اسم قویغانه بیله برگه پروغرامینك اساسلری بیله ۱۹۲۱ سنه
بخارادن قوزولگانه پروغرامنك عینی در . یالكز بیله ده پروغرامنی طبع ایتدرمدن . روسچه وآلمانچه سنی برابر ده
طبع قیلدرارمدن ، مصطفی چوقای وارشاوه نه قاعیتقا میه سزلی كورمه گه نه بولسه كیرك ، اتا احمد جانی كوركه نه بولور ،
بلكه اول سویله گه نه ركنی استانبولده اوزبك شیوه سنده « تورکستان » اسمنه برمجموعه چیقدراجاقمن (۱) . یل
باشنده قالمای چیقسه كیرك دیب امید قیلامن . سیاسی بولغانه بلانه علی واداری واجتماعی مسئله لرگه كوبراك
اهمیت بیرماكچی من . مملكتنك اقتصادی واجتماعی احوالی حقنده بالشو یكلر غازته لریغه یازغانلری طورغانه
خبرلرنك حمله سنه بارلمه كینی البته ضرور كورمن . بایراق مسئله سی ده اویشمین یاخشیلاندی ، تورگیه
حكومتی بك كوب آرمایاصاندی . چونكه برسینی بزكه آلعرمن . وبایراقنی اوكا كوره یاصاتارمن .
انقره گه بارساق معارف وكالتنه اول آرمالنگ برسنه صوراب آلاجاقمن .

ایدی سه پروغرامینی یاخشی اوقوك یادگه آلگ ویاشاراسنه تشكیلات قوزماكنه صلاحیت
واقتداری بولغانه اضیاط ظهار لكه متقدروجسور بولغانلر برسنی طابوب آلوب بوتونه اشنی
اوكا طابشرمك ، بزنكچه سمرقند ، تاشكند ، خوقند ، فرغانه ، خنجا نه ، اندیجانه ، كاتته قورغانه
بخارا ، خیوه ، تمزل اوردا ، پشمكه كبی یرلرده اوچه ركشیلك حتی مواقع آدملر طابولمغانلغیدن
بره ر كشیلك تشكیلاتی بولسه كافی بولور . محكم بولسه باشقه لرندن ده اوچ كشیلك برهیئت بولسه ده ،

(۱) تورکستان آسی ۵ جزئی عالم احمد . مونداوقوك ایچون برلین اجتماعنده وارقیلغان ایدیك . ۵ تورکستان بریگیه اورتاآسیا
قزاقستانی البته مضمر میاسیدر . بونی مكلكته ده ۱۹۲۰ ده بیلیك گیردیك . اورتاآسیا نی بوتون جزایرلری ، افغانستان كاشمیر ،
تبت ، چینی تورکستان ومغولستان داخلدر . تورکستان دیمكدا سیم قدیم تورکستان دكلدر . چونكه تورکستان اسكی یرلرنی
اویغور ، ختا ، خنوا ، بی را ، تورکان ، افغان تورکستانی ، قازاقستان كبی . شرقی تورکستان نوچینی تورکستان كاشغر ، چولغانیا
كبی ۵ ، اسمیه بجهیت ، اورتاآسیا كلسی تورکستان كلسی لغزنیلغانی ایریتیم اورتاآسیا كلسی الغانی نوچون اورتاآسیا دیه دوام

یا «قیله ایرك» فرقه سی تاحنده بعض نشریات ویا مقاله لر باصدیلرمز ، اوز مجموعه مزده ده یازارمز ، اول مناسبت برله ده باشقه یکلر یازارلر . تاشکند تورکستانده غزته لری بزی صوکوب یازارلر ، اول مناسبت ایله ده هرکم اشتورر .

بو فرقه نك خارجده قیلجق امیشی آوروپاده کی سیاسی فرقه لرنك آراسیغه کروب اشله شمك اوزره دنیا یه طانوتوب آوروپا فرقه لری آراسنده دوست خیشون طاپمقدر ، اثنا داخلده یعنی تورکستانده (۴) قیلیچ اشی ! حاضرکه طاوشمز طنسز فکر نشر ایتمك تورکستانه نك داخلنده وخارجنده یا لکز برقوتلیك عن ملیك اختلال فرقه سی اشله کاسی فکرینی یرله شدرمك ، تاینکه عن ملی کمبارك پیشوالری قایدا بارغانلرینی وبی گه استناد ایتکا نلرینی یاخشی اکلاسونلر ، بزه بتکانمز ، بزطوزغونمز ، پریشانمز ، دیه سونلر ، امیدسزله نمه سونلر ، الحاصل ده بودر .

۲) ایکنجی سی هرولایته بر ویا اوچ شیلك حقیقی نماینده بولوندرب هر ولایتنك یاشری ایله تماسده بولونمق ، بالشویکلکه تماما روحا بیرولوب کتماسکلر یکه محکمه بولغانه قادارچا لشمق وولایت اچنده الك نفوذلیك واقتدارلیك یاشارنی فرقه گه کرگزمه ده سه ده نفوذا ستیفه کرگزمك کی طرشماق وکیره کی بولغانه وقتنده فرقه کرگزمکده ایسه قیلیچه حضور یاشارنی حاضرله مك (۳) هرولایته ۱۹۲۲ سنه ده باشلاب روسلرك وطانی حقنده باقناصه بولونکی یاخشی ویاخانه وقایع وحلقنك وضعیتی اقتصادیات ومعارف حقنده معلومات طوپلاب بزکه خارجکه چیقارمق ، بزایسه حوزنی بویرده تورکی واجنبی تلاوده نشر ایتدیرمز ، ٤) خارجده نشر یات اوچون پول طاپمق وبزگه یبارمك ٥) وقت وقت خارجکه تجارت ویاحج بهانه لری ایله آدم یبارتك ، معلومات وپول یبارمك اوچون یاخشی پول صاچودر ، تورك وافغانه ستارتخانه لری واسطه سی ایله مکتوب کتاب پول چیقارمق محکمه توركیه سفیری زکی بکنی بالذات کوروب سویله شدم ، وعده ایتدی ، موسی جارالله یکیف افندینی ده کوروب سویله شدم ، اول ذاتده یولینی طاپوب یبارمه آلور ، یالکز پول طاپوب بیرلسونه ، اوّل نوبته ٥ - ١٠ دك قادار بوباله قادار پول یبارلسه ایکاله ، احتیاط قیلسنه هیچ خوف یوقدر ،

اثنا بونیکی فرقه نك موجود بتیندن اسکی جمعیت اعضاری خبردار بولسه ده اول جمعیت نك تورکستانده کی اعضالرندن وقیلغانه ایشلرندن خبردار بولماسونلر ، بری دیگرینی طانوماسونلر ، چونکه اسکی جمعیت اعضالرینك هیچ کمسه نك کوبی اوزه چیقماغه معلوم بولوب هرحرکتلری تعقیب ایتلوب طوراور ، داوزلری ده البته کوبسی قورقاق بولوب قالغانلر ، وهرنه ایش صادر بولسه اورص اونلرده کوروب تضییقات استیفه آلوب اونلرنی قورقتادر واونلرده کیلرنی منع قیلادورلر ، اونداایچون اونلرنك هیچ بیله گه نی یاخشی ،

بنه برمسئله بار ، ایرك فرقه سی طرفنده آوروپاده برنماینده بولندرمق مسئله سیدر ، سزنك آلمانیاده کی یولداشلرکزدن برقه سی آلمانیا ده برر خدمت طاپوب روسیه گه قایتمای طوروب قالا آماسمی ؟ آچیق صورتده سیاسی اشلر ایله مشغول بولمق ، اوروپاده کی سیاسی اختلال سوسیالیست فرقه لری ایله ده برگه نشر یاتده بولنمق قونغرایلرغه اشتراك قیلمه اچون ، باشقه دلقلرنك کمه سنه موناغ آدملرنك کوبیکی اورنلرنگه معلوم ، باقدك ملی سوسیالیستلرنك پارسه کی هیئه المللی قونغره سنده اوکرا ینا وکرجیلرده قادار مقتدر آدملرائته اك قیلغانلر ، واوزلرینی بیه المللی تشکیلاته تلرغه سویدره بیلگانلر ، بزده قونغره ، آدرباییجانده اسکیده چارزمانیده بیتوشکه نه ضیالیلرکوب یوزلرجه بورژوا ضیالیلری بار ، مساوات فرقه سی اونلرنی تشکیلیر قیلادور ، اونلر داخلده مخفی غزته چیقارالار ، وخارجده پارس ده فراضرچه غزته وبرمجموعه چیقارادورلر ، تاازاقارده ده اول نوع ضیالیلر بر طالای بار ، بزده ایسه وضعیت باشقه بزده چارزمانیه قیتوشکه نه ضیالیلرمز یوق قبیلندر ،

اونلر برفرقه ویاغروب تشکیلاته آلمایدورلر بزده هم سیاسی آدملر ۱۹۱۷ ده صوك یعنی اختلال دورنده باقناصه بالشویزم دورنده سوسیالیزم ، مارکسیزم قرپه سی آستنه یتوشدیلر ، اوسبدن تورکستانده وباشقردلرده قوتلی سیاسی

ملی تشکیلات مطلقا کورمی واوکرا اینلر وبیلد روس ، پولشه لرده بولغانه کبی سوسیالیزم یولی ایله کیته جک بو محقق ر ، اونلر بوخصوصیاتلری
~~حکومتیه آلیب~~ آوروپاده کی احتلالچی مابقی سوسیالیست فرقه لر میانده اوز ملی تمثیل ایتک ضرورتی بوبوکدر ، بزنگ
آرماس طالماس یولداشمز مصطفی چوقایف بار . اول کوبره ک اسکی آق اوردوسلر ایله اشلاب کیتکانه . امدی
اول اول دائره ده چیقوب استقلالچی احتلالچی ملی سوسیالیستلر ترمه سنده چالیشه آلماس هم انک حاضر توتقانه
یولی اوزی اوچون ده وبزنگ اوچون ده ~~یاخشیدر~~ . اول آوروپاده بزنگ "ایرک" فرقه سنی ایماس
"جمعیت" ی تمثیل ~~میلی طورغانه~~ (اما آوروپاده کی سوسیالیست فرقه لر/ آزاده شعوبه جمعیتلری تمثیل طورغانی کبی) لازم "ایرک" فرقه سنه صنوبی بولمق
~~جمعیت~~ ~~تمثیل میلی طورغانه~~ برسی لازم . سز نگ آلمانیاده کی طلبه لرنگ "ایرک" فرقه سنه صنوبی بولمق
استه گه نلری بولسه آرالرنده بویله آوروپاده قالمق استه گه لری یازو تحریر غه نگه صلاحیتلی بولغانلری چیقاروبی تاشکنده مراج
دیگانه بروگرس یازاسی . ویا باشقه براری یازاسی . آلمانیاده تعلیم اساسلی صورتده قالمق (استه سه آلمانیه نی أولی لوب قالسه)
یا خشی بولور ایدی . اگر خوندغ آدم طابلماسه بره ربهانه ایلاه تورکستانده یشاره گه طرشوگز مطلوبدر . تورکستانلنگ بردر
الی مستعد طلبه ، محرر ویا شاعرلرنده برسی استانبول دارالفنون فیکولته ادبیات خاکولته سیده چالشسه اوچون دیب کاشغرلیه
بیبالسه کوپر یلی زاده فواد بک خوندغ حقیقی مستعد طلبه نگ آوروپاده اکمال تحصیلنی ده تاءمینه ایتمه آلامه دیلر .
آذربایجانده ده احمد جفری دارالفنونده یشاردی . اگر اوز بنگ وقارزاقده بولسه بره ردده ایکی یکت پکله وآوروپاده
تحصیل بولوشه اولیرده فرقه نی تمثیل قیلا آلور ایدی . حاضرگه بزنگ خوندغ اشی ایلاه رسما وجهی اوغراشه آلمایور ،
حتی شول یاقینه آیلاردده بولیده ده پروغرام وبعض مقاله لرطبع ایتدره جکمن . آوروپا فرقه لریکه بر آدرس کورساته جکمن
اول اشنی التزام قیلا جقمن کشی یوق . امدنیم بار . واول استقلالچی قیلماسه ، جمعیت گه داخل بولماسه ده فرقه نگ
خلقی ~~حکومتی~~ (بعض تیمنچیک اشلرنی) ~~خلقی حکومتی~~ اشلار ایدی . لکن بو بابده تجربه سی وصلاحیتی بارحیدر . دیگر طرفده اولداق اوزینی تاءمینه
ایتمه آلماغانیده آوروپاده قاچقه وقت قالاجاغینی معلوم ایمس ، مع مافیه بره ر تورلی مکاتبه قیلوب کوره جکمن . استقامتده
بولیه ایشنی اوچون بک جدی وآغیر باشلیغ تعیین اخلاقیلیغ تحمللیک وصبور آدم لازم بولاچقه ، تاینکه اوزینی اوغا میله
ایچینه اداره قیلا بیلسون . وبزنی شرمنده قیلا طورغان بولماسون . بزسنگ (عبدالوهاب نگ) شول "ایرک"
فرقه سی پروغرامیکه تماما اشتراک قیلوب تیکانگنی بیلمه آلمایمن . فرقه گه کیرمه گانلرده جمعیت اعضاری کوپ بولور .
اوشانداق فرقه گه کروب ده جمعیت کورمه گانلرده بولور . مع مافیه بو خصوصده بوتون سزنی سز عبدالوهاب
برادرمزگه یازدق . واوز ایشکز بیلوب ایغا ایتمه گلکز گه قانعمز . اوزکز کیسه کز بو مسئله لرکه جمعیت
وفرقه مسئله لرینی کمکه طابشیرسز احمد جان می بولور ؟ ینه سزکه اوتگه یل قاید لیرغ گه باروب
طلبه ایلاه فرقه مسئله سینی کی قرارنامه لرکز بوکونه هم قبولزده در . آنداد یگه ایدکز : جمعیت ایلاه
ایشتی بتمه سن فرقه کیرمه گانلرگه ایدکز وبنه فرقه نگ اسمی مسئله سی قارالوب یکی اسم بیرلسونه دیگانه
ایدکز . مونا کیم فرقه بولدی ، پروغرامی حاضر اسمی ده بار ، یا قیمه ده آوروپا سوسیالیست فرقه لری
ایلاه مناسبتکه ده کرگوسیدر . البته طلبه نگ آکسیف ، احتلال روحلی نوکرلاری بولغانلاری بومسئله ده
مناسبتلاه آتخلا تورلر . اوزکز کیسه کز بخی طلبه لرنگ آق واوکرا کی کاملی بولغانلری آراسنده بومسئله لرنی
مذاکره قیلا رسکز دیه امید ~~ایتامن~~ .

برلین دن قالغان برادرلرکز : ایمدی آراکزده پاروس توریب کیتکنی ، مسئله لرنی موفق بولسون م خوندغ وخوندغ
کبی فولاندرمه دیه رک . منیک اسمم خریدخ بولور . خریدمسئله بزنگ مکتوبلرده کی مسئله لرنی باجارا بیلمه طورغان بولسه ک
خریدخ بولغان بولاچاق منی ~~بولور~~ یا نینده داوتمه دیب . اگر صحیح براتنی قیلا آلساک بوراجاق منی اوتگه آلمایمن دیب ~~خوف~~ ایب هرنی
بولسه یازگز .

باقی اقرانگز

هر اوقوتاشلرنا دعوت لطفا رک

1926 دیسامبر 10

برلین طوقسان طوقوز نمره (۳۶ یاکه جفر)

Geschrieben 1926 ۳۶ یاکه جفر

بوسکه ده 17.9.34 ده بوتونیه کی طرفندن گه:

8 илова матни*

Мухтарам Абдулваҳоб.

Мамлакатка кета турғон бўлғонингизни Аҳмаджон ёзуб эди. Йўлингиз муборак бўлсун. Ҳаммангизнинг таҳсилингизни битируб, эсон-омон қайтуб, мамлакат учун ишлашингизга дуочимиз. Билхосса, сенинг эсанлик-ла боруб етмакингни тилаб қоламиз.

Жамият аъзоларимиздан тошкентлик мулла Таваккул Абдуллоҳзода деган бириси (домлалардан) Кобилга қочуб келган. “Янги Қофқосё”ға ўз исми илан босдурмоқ учун Туркистон аҳволи ва ул тарафлардаги тазйиқот ҳаққинда бир мақола юборган. Бу зот воситаси илан ва бу ерга келган Самарқанд мужоҳидлар раиси мулла Ҳамроқул бек воситалари илан ўграндикки, миллат руҳи кўп қувватлидир ва жамият бор ва айни ерларда қўлидан келганча иш қилуб ётубдур. Лекин бир-бирлари бирлан ҳеч бир нормал муносабатлари йўқ. Чунки таъқибот кучлик бўлуб, икки-уч дўст орасинда сўйланган сўз-да “чека”га етишуб турар эмиш. Мулла Таваккул, “Билмадим, деворларимиз-да болшевикка жосуслиқ қиладурми?” дея ёзадур. Туркистондаги мунаввар одамлар агар Русияда, Московда таҳсил қилғон бўлсалар, “зиёли” деб, аммо Олмониё ва Туркияда таҳсил қилғон бўлсалар, “зиёнли” деб аталур эканлар. Демак, сиз-да ватанға қайтқондан сўнг, агар тинч қўйсалар, ўз бошингиз илан машғул бўлурсиз. Чунки хорижда юрган пайтингизда олдинлари турк пошолари билан муносабатда бўлувингиз ва Олмонияда кўпрак турувингиз жиҳатларидан назоратлари қувватли бўлур. Шундоқ бўлса ҳам қўммунист фирқасига мансуб бўлмоққа ва мумкин бўлғони қадар ўз йўлимизда туришмоққа керак.

Мамлакатка қайтқоч, энг биринчи қилатурғон ишинг: 1) ҳақиқий фидокор ихтилолчи ва ташкилотчи йўлдошлардан бирисини энг диққати назар илан интиҳоб қилуб, ўзакка сардор қилуб олиб, бутун сирни ва таълимотни унга беруб, ишни уларга қилдурмак. 2) Улар ўз тарафидан вилоят ва катта шаҳарларга ўзларидан бирар муқтадир зотни муаллим ваё бошқа бир иш билан юбориб, энг гизли, аъзоси энг оз ташкилот қурарлар. Қозоқлардан Динша ҳам Бухорбойеф, Валихон Умаров кабилар бор эди. Улар сизинг билан сирдош бўлурлар. Буларнинг ҳеч бириси билан ўзинг кўрушуб юрмасдан, бутун ишни бояғи бир ташкилотчи йўлдошингга қилдирув керак. Ҳатто уларнинг не қилғон тафсилотини ўзинг кўп билмасанг-да бўлур. Ташкилот ҳаққинда бизнинг бирга йиғилуб чиқарғон қарорларимиз будур:

---

*Тўғоннинг қўлёзмасидан асосан табдил этилди, баъзи сўзлар ва жумлалар соддалаштирилди – тарж.

1.“Жамият” миллий озодлиқ йўлида фикрлари бирлашган айри-айри кишилар ва фирқалар ва группаларни тўплағон умумий миллий муассасадир. Аввал қандоғ бўлғон бўлса шундоғ қолур. Ва “Туркистон миллий жамияти” исмини муҳофаза этар. Бу бизнинг парламентимиз еринда бўлур. Аммо бунга дохил бўлғон грулларнинг ганж, фидокор ва халққа яқин қисмини биз “Туркистон халқ сосйалист фирқаси”, “Эрк” дея мустақил фирқа этуб ташкил қилдиқ. Прўғраммасининг қисқа ва муфассал икки шакли шунга илова юбориладур. Бу прўғрамни кўп вақтдан музокара қилдиқ. Прўғрам музокараси июн 4 ида бошланган ва яқинда тамом бўлди. Ва жиддий ишланиб, иттифоқ аро ила қабул этилди. Бу ерда жамиятнинг Туркистондан келган аъзоси 32 киши бўлуб,* маркез идораси 5 кишидир. Усмонхўжа, Маъмур, Абдулқодир, Аҳмад Закий, Аҳмад Нофиздир (унга ўринбосар Мустафо Шоқули бўлур). Маркез жамият аъзолари ҳаммамиз эрк фирқасига-да дохилмиз. Аммо бошқаларға “эрк” ҳақинда сўйлаганимиз йўқ. Чунки лузуми йўқ.

Бу фирқанинг исмини “эрк” қўйдуқ. Бу фирқага мансуб кишиларни “эркчи” деб аталадир. Эрк калимаси бутун турк лахжаларинда мустамалдир ва erk суратинда сўйланур. Фақат усмонличада қўлланилмайди. Маъноси қудрат, ирода (gewalt, der Wille, die Kraft, Stark, Gewaltig, eitrig). Қозоқларда эса, der fraie Wille маъносинда мустамалдир. Навоийдан мисол:

Неча афғондин этса оғзини берк/ Йўқ эрди нола чекмакда анга эрк.

Ёки Хўжа Аҳмад Яссавий ва Боқирғонда:

Эски-ўсқи бўрким бор,
Сўниқ, сарсуқ кўркум бор.
Шайхим ўтунға йиборса,
Бормасқа не эрким бор.

Кошғар туркчасинда дерлар: “Қамиш қаттиқ бўлди, эт юмшоқ бўлди, эрк йўқдин югурамас.” Яъни, бизни уруб-сўққанлари вақтта қамиш қаттиқ келадир, эт юмшоқ келадир, тахаммул қила олмаймиз, чорасиздин қочамиз, демакдир.

Қозоқлар “Қиз тўрадан эрк олди” деядурлар. Яъни, отасининг фикрига қарамасдан, гўё шаҳар ҳокимидан, тўрадан изн олгандай, ўзи истаган йигитга эрга тегиб кетган қизга нисбатан айтилган гап. “Девони луғат-ут турк”да “Эркнинг айрони ёғлиғ, эрмагининг боши қонлиғ” дейилмиш. Яъни, ўз сўзига эга, ғайратли, ҳамиятли ва қувватли одамнинг оғзи доим ёғли бўлади, неъмат ва давлати кўп; эрмаки, яъни жим

* Маълумингиз бўлса керакки, собиқ жамият аъзоси Миён Бузург бундан 4-5 ой аввал умумий ижтимоъ қарори илан жамиятдан билкул чиқарилғондир. Чунки сабабларини жамиятнинг шаъни ва ҳайсиятига мухолиф, алоний-очиқ ҳаракатларини ва Озарбайжон мусавот фирқасига ва умуман миллиятчиларга қарши нолойиқ афкори раъйини сизга ёзилғон эди. Гўё олмаған эмишсиз. Азимбек воситаси илан юборилган бўлса керак эди. Миён Бузургнинг менинг шахсимга муносабати ёмон эмас, келуб-кетуб юрадир.

юрадиган, қўрқоқ, ҳар кимга итоат қилуб турғон иззатсиз одамнинг боши ҳар вақт қонайди деган маънода. Бутун эски ва янги китобларда, халқ адабиётинда ишлатилган бир калимадир. Фақат усмонличада бу сўз йўқ. Биз ҳам фирқамиз ўз йўлига эга, қувватли, иродали бўлсин дея бу сўзни қабул илдик.

Сўсйалист номини очиқ олмоқ лозим кўрилди. Чунки бу ҳолатда қўллайдиган бошқа байналмилал атама йўқдир. Биз бу фирқага букун янги ном қўйғонимиз билан бирга, прўғраминнинг асослари яна 1921 сана Бухорода тузилган прўғрамнинг айнисидир. Яқинда прўғрамни таъб қилдирармиз. Мустафо Чўқай Варшавадан қайтқонида сизни кўрмаган бўлса керак. Аммо Аҳмаджонни кўрган бўлур. Балки у сўйлагандир. Истанбулда ўзбек шевасинда "Туркистон" исминда бир мажмуа чиқаражакмиз.* Йил бошига қолмай чиқса керак деб умид қиламиз. Сиёсий бўлмоқ билан илмий ва адабий ва ижтимоий масалаларга кўпрак аҳамият бермакчимиз. Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи ҳақинда болшевик ғазиталариға ёзилмай турғон хабарларнинг мамлакатдан юборилмакини албатта зарур кўрамиз. Байроқ масаласида ишимиз яхшиланди. Туркия ҳукумати жуда кўп арма, байроқ расмини ясатти. Бунинг бирисини биз олурмиз ва байроқни унга кўра ясаттирамиз. Анқарага борибоқ маориф ваколатинда ул арманинг бирисини сўраб олажакман.

Эмди сиз прўғрамни яхши ўқунг, ёдга олинг ва ёшлар орасинда ташкилот тузмагига салоҳият ва иқтидори бўлғон эҳтиёткор, лекин муқтадир ва жасур бўлғон бирисини топуб олуб, бу ишларни унга топшурунг. Бизнингча, Самарқанд, Тошкент, Хўқанд, Марғилон, Наманган, Андижон, Каттақўрғон, Бухоро, Хива, Қизилўрда, Пишпак каби ерларда уч кишилик, ҳатто мувофиқ одамлар топилмағон ерда бир кишилик ташкилот бўлса, кифоя бўлур. Мумкин бўлса, бошқирдлардан-да уч кишилик бир ҳайъат бўлсун. Яқинда эрк фирқаси номиндан баъзи нашриёт *(маҳсуллари)* ваё мақолалар босдирармиз. Ўз мажмуамизда-да ёзармиз. Ул муносабат бирлан болшевиклар ёзарлар. Тошканд, Туркистон ғазиталари бизни сўкуб ёзарлар. Ул муносабат илан ҳар ким эшитур. Бу фирқанинг хорижда қилажак иши Овруподаги сиёсий фирқаларнинг орасиға кируб ишлашмак, ўзимизни дунёға танутуб, Оврупо фирқалари орасинда дўст, хеш топмоқдир. Аммо, дохилда, яъни, Туркистонда қилинажак иш:

---

* Туркистон номи умумий бир атамадир. Буни ўтган йил Берлиндаги йиғилишимизда қарорлаштирган эдик. Туркистон ерига Ўрта Осиё исмини қўлланмоғи, албатта, зарарли сиёсатдир. Буни мамлакатда сўйланмаги керакдир. Ўрта Осиёға бутун Хуросон, Афғонистон, Кашмир, Тибет, Чин Туркистони ва Мўғулистон дохилдир. Туркистон демак асир туркларнинг маскани демакдир. Ғарбий Туркистонға эски беш вилоят, Хива, Бухоро, Туркман, афғон Туркистони, Қозоқистон кирадир. Шарқий Туркистонға чин Туркистони, Кошғар ва Жунғория кирадир. Эскидан жамият "Ўрта Осиё" калимасини қўллар эди. Чунки у вақт руслар Туркистон калимасини лағв қилғони ва ерига Ўрта Осиё калимасини

олғонлари йўқ эди. Энди эса улар Ўрта Осиё калимасини эски Туркистон сўзини унуттирмоқ учун ишлатмоқдалар.

1) Товушсиз, кимсага билдирмасдан иш юритиш, асосан фикр тарқатиш; Туркистон ичида ва Русия хорижида қувватли, азмли, ихтилолчи бир фирқа ишлаётгани тушунчасини яратиш. Тоинки азмкор ёшларнинг пешволари қайга борганларини ва нима қилаётганларини яхши англасинлар. Биз битканмиз, биз тўзғунмиз, паришонмиз демасинлар. Умидсизланмасунлар. Энг муҳими ҳам будир. 2) Иккинчиси, ҳар вилоятда бир ва ёки уч кишилик ҳақиқий намоёнда тайинлаб, ҳар вилоятнинг ёшлари билан алоқа ўрнатиш. Болшевикка, ўрисга тамоман руҳан берилуб кетмасликларига мумкин бўлғони қадар ҳаракат қилмоқ ва вилоят ичинда энг нуфузлик, иқтидорлик ёшларни танлаб, уларни фирқага киришга тайёрлаб бориш ва керак пайтда уларни фирқага олмоқ. Ҳар вилоятда 1922 санадан бошланган русларнинг зулми ҳақинда, билхосса, бугунги яхши ва ёмон воқеа ва халқнинг вазияти, иқтисодиёт ва маориф ҳақинда маълумот тўплаб, бизларга, хорижга чиқармоқ. Биз эса, уларни бу ерда туркча ва ажнабий тилларда нашр этармиз. 4) Хорижда нашриёт учун пул топмоқ ва бизга юбормак. 5) Вақт-вақт хорижга тижорат ва ё ҳаж баҳоналари илан одам юбармак. Маълумот ва пул юбормак учун энг яхши йўл Москвадир. Турк ва афғон сафоратхоналари воситаси ила мактуб, китоб, пул чиқармоқ мумкин. Туркия сафири Закойи* бекни биззот кўруб, сўйлашдим. Ваъда этди. Мусо Жоруллоҳ Бегиеф афандини-да кўруб, суҳбатлашдим. Ул зот-да йўлини топуб, юбора олур. Ишқилиб пул топуб берилсун, етар. Бошланишига беш-ўн минг рубла қадар бўлса кифоя. Эҳтиёт қилинса, ҳеч хавф йўқдир.

Аммо бу янги фирқанинг маавжудиятиндан эски жамият аъзолари хабардор бўлса-да, ул жамиятнинг Туркистондаги аъзолари ундан ва қилғон ишлариндан хабардор бўмасунлар. Бири бошқасини танимасунлар. Чунки эски жамият аъзолари буюкларининг кўпи ўрусға, “чека”ға маълум бўлуб, ҳар ҳаракатлари таъқиб этилуб турадур. Ва ўзлари-да, албатта, кўписи қўрқоқ бўлуб қолғонлар. Ва ҳарна иш содир бўлса, ўрус улардан кўруб, тазйиқот остиға олуб, уларни қўрқутадур ва улар ҳам бу аҳволда ёшларга тўсиқ бўладилар. Унинг учун бу гапларни уларнинг ҳеч билмагани яхши.

Яна бир масала бор. Эрк фирқаси тарафиндан Оврупода бир намоёнда бўлиши масаласи. Сизнинг Олмониядаги йўлдошларингиздан биттаси, Олмонияда бирар хизмат топуб, Русияга қайтмай, туруб қола олмасми? Очиқ суратда сиёсий ишлар ила машғул бўлмоқ, Овруподаги сиёсий ихтилол сосйалист фирқалари илан матбуот ишларида ҳамкорлик қилиш, уларнинг анжуманларида қатнашиш масаласи ҳам муҳим.

---

* Туркия эллчихонасининг буюк элчиси Закойи Опойдин.

Бошқа миллатларнинг ҳаммасинда бундоғ одамарнинг кўплиги ўзингизга маълум. Қаранг, миллий сосйалистларнинг Париждаги байналмилал қурултойига Украина ва гуржилардан на қадар муқтадир одамлар иштирок қилғонлар, ўзларини байналмилал ташкилотларға севдира билганлар. Бизда йўқ. Озарбайжонда эскидан чор замонинда етушгон зиёлилар кўп, юзларча буржува зиёли-мунаввар миллиятчилари бор. Мусовот фирқаси уларга суянади. Улар мамлакат ичкарисида махфий ғазита чиқарадурлар. Ва хорижда, Парижда ҳам франсузча бир ғазита ва бир мажмуа чиқарадурлар. Қозоқларда-да ул навъ зиёлилар бир талай бор. Бизда эса вазият бошқа. Бизда чор замонинда етушгон зиёлиларимиз йўқ қабилиндадир. Улар бир фирқа ваё ғруп ташкил эта олмайдурлар. Бизда ҳам сиёсий одамлар 1917 дан сўнг, яъни ихтилол давринда, билхосса, болшевизм давринда, сосйализм, марксизим тарбияси остинда етушдилар. У сабабдан Туркистонда ва бошқирдларда қувватли сиёсий ташкилот мутлақо гуржи ва украинлар ва белоруслар ва пўлшаликларда бўлган каби сосйализм йўли илан кетажак. Бу муҳаққақдир. Овруподаги ихтилолчи, миллатчи сосйалист фирқалар орасида ўзимизни танитиш зарурати жуда каттадир. Бизнинг хормас-толмас йўлдошимиз Мустафо Чўқайеф бор. Ул кўпрак эски оқ ўруслар илан ишлаб кеткан. Эмди ул ул даврадан чиқуб, истиқлолчи, ихтилолчи миллий сосйалистлар йўлида ишлай олмас. Ҳам унинг ҳозир тутқон йўли ўзи учун-да, бизнинг учун-да яхшидир. Оврупода бизнинг эрк фирқасининг эмас, жамиятнинг вакилидир. Аммо Овруподаги сосйалист фирқалар орасинда расмий суратда Туркистонни тамсил қилар тузғун бириси лозим. Сизнинг Олмониядаги талабаларнинг эрк фирқасига мансуб бўлмоқ истаганлари бўлса, ораларинда бўйла Оврупода қолмоқ истагани, ёзув, таҳрир фалонга салоҳиятлик бўлғонлари чиқмасми? Тошкандли Солиҳ деган бириси бор эди. Ва ёхуд бошқа бирилари бор эди. Олмонияда қолса, асосли суратда қолса (истарса, олмон қизиға уйланиб қолса), яхши бўлур эди. Агар бундоғ одам топилмаса, бирар баҳона илан Туркистонга юбармакка тиришунгиз. Туркистондаги истеъдодли талаба, муҳаррир ваё шоирлардан бирисини Истанбул дорилфунуни адабиёт факултасига ишлаш учун деб юборилса, Кўприлизода Фуод бек ундоғ ҳақиқий истеъдодли талабанинг Оврупода таҳсилини, ўқишни битиришини таъмин эта олурман демоқда. Озарбайжондан Аҳмад Жаъфарни дорилфунун юборди. Агар ўзбек ё қозоқлардан бир-икки ана шундай йигит келса, Оврупода ўқишни битирса, ул ерда фирқанинг вакили бўла оларди. Ҳозирда бизнинг бундоғ одамларимизнинг бўлмағони кўп мушкул. Русияга қайта турғон талабалар мундоғ иш билан расман ва жиддий шуғуллана олмаслар. Шул яқин ойларда Берлинда прўғрам ва мақолалар нашр эттирмоқчимиз. Оврупо фирқаларига бир адрес кўрсатмоқчимиз.

Аммо бу ишни уддалай оладиган бир киши йўқ. Аҳмад Наим бор. У тортинмасин, жамиятга аъзо бўлмаса-да, фирқанинг баъзи ишларига

аралашмоқда. Лекин бу бобда тажрибаси ва салоҳияти бормидир? Бошқа тарафдан, у зот ўзини таъмин эта олмағонидан Оврупода қанча вақт қолажаги маълум эмас. Мамофиҳ бир турли мактублашиб кўрамиз. Истиқболда бўйла иш учун пек жиддий, оғирбошлиғ, тамиз ахлоқлиғ, таҳаммуллик ва жасур одам лозим бўлажак, тоинки ўзини у муҳит ичинда идора қила билсун. Ва бизни шарманда қилатурғон бўлмасун. Биз сизнинг (Абдулваҳобнинг) шул эрк фирқаси прўғрамига тамоман иштирок қилуб-қилмаганини била олмаймиз. Фирқага кирмаган жамият аъзолари кўп эрур. Ўшандоқ фирқага кируб-да, жамиятга кирмаганлар-да бўлур. Мамофиҳ бу хусусда биз бутун сирни Абдулваҳоб биродаримизға ёздиқ. Сизнинг ўз ишингизни билиб қилишингизга аминмиз. Ўзингиз кетсангиз, бу масалаларни, жамият ва фирқа масалаларини кимга топширарсиз, Аҳмаджонми бўлур?

Яна сизга ўткан йил Ҳайделберғга боруб, талабалар илан фирқа масаласига оид *(қилган)* қарорларномаларингиз букун ҳам қўлимиздадир. Унда жамият билан иш битмас, фирқа керак дейилган. Ва яна фирқанинг исми масаласи қаралуб, янги исм берилсун дейилган эди. Мана, фирқа қурилди, прўғрами тайёр, исми-да бор. Яқинда Оврупо сосйалист фирқалари илан муносабатка-да кирилгусидир. Албатта, талабанинг актиф, ихтилол руҳли, фидокор бўлғонлари бу масалага муносабатларини англатурлар. Ўзингиз кетганингиз боис, талабаларнинг онгли ва идрокли, комил бўлғонлари орасинда бу масалаларни музокара қиларсиз дея умид этармиз.

Берлинда қолғон биродарларингиз билан алоқа қилиб туриш учун бир парўл ясаб, кейин кетинг. Масалаларда муваффақ бўлсам, мундоғ-мундоғ калималар қўллайман, денг. Менинг исмим Фредериғ* бўлур. Бизнинг мактубимиздаги масалаларни бажара билатурғон бўлсак, “Фредериғга бўлғон қарзларимни яқинда ўтарман” деб, агар ҳеч бир иш қилолмасангиз, “қарзларимни ўтай олайман” деб, фалон деб, ҳар не бўлса, ёзинг.

Боқий эҳтиром.

Ҳамма орқадошлар номидан Аҳмад Закий

1926, 10 декабр**

---


*Мактуб Олмониядан ёзилганидан, гўё у ердаги бир олмондан қарз олинганидан, шундайин шартли махфий ибора ишлатилмоқда.

** Мактуб остидаги ёзувда ТМБнинг бош котиби Мажидиддин Далил имзоси билан “17. 9. 1934 да бир нусхаси Мустафо бекга юборилди” сўзлари бор.

Варақ четига Аҳмад Закий тарафидан “бугун туғилғон куним, 36 ёш тўлиб, 37 ёшга чиқдим” деб ҳам ёзилган.

Илова 9

Туркистон миллий бирлигининг “Прометей” журнали вакили учун таълимотномаси (10 сентябр 1927)



// بخارہ امیرینڈ جمعیت اقوامنہ میمورانڈومی بیرو بینہ دہ سیاستہ کسب حیات ایتمک تجریبہ لری "ملی برلک" نڈہ آدرو یا نومایندہ لیکی و "پروپیتہ" دہ گی مثل طرفندن "پروپیتہ" مجموعہ سندہ رہ ایتولور. و بخارہ صنوملی ینڈہ و سیاسی قوتلر ینڈہ "توركستان ملی برلک" هیئتنہ داخل بولغاندہ "بخارہ ملی برلک" یندہ تمثیل ایتولگانلیگی موندن باشقہ هیچ بر شخص و موسسہ بخارہ دلکہ سنی و خلقنی تمثیل قیلا آلماغانلغی، روس مونارخیستلری ایله بر بولغاندہ بخارہ امیری اوز ینڈہ سیاسی چیقشلری ایله ده یالکز عمومی ملی ایشکه ضرر کیتروب نفاق صالمقدن باشقه بر نتیجه گه واصل بولا آلماياجغی ایضاح ایتیلور.

(امضا)

توركستان ملی برلکی رئیسی

احمد ذکی ولیدی

9 илова матни*

“Миллий бирлик” марказ аъзоларининг 10 сентабр 1927 сана мажлисининг қарорларидан

I. “Миллий бирлик”нинг Париждаги “Прометей” мажмуаси наздиндаги вакилига таълимотнома.

1) Асос масалаларга оид мақолалар билхоссса марказдан ёзилажақдир. Вакил марказдан келган ёзувларни “Прометей” журнали идорасида мудофаа ва изоҳ этар.

2) Вакил журналга ҳаётий фактларга таянган ва долзарб мавзудаги мақолаларни тавсия қилади. Бу мақолаларнинг руҳи “Миллий бирлик” жамиятининг етти моддалик прўғрами ва ўн икки моддалик хатти-ҳаракат прўғамига мувофиқ бўлмоқи шартдир.

3) Вакил тарафиндан асосий масалаларга оид ёзилажақ мақолалар жамиятнинг прўғраммалари илан изоҳ этилмаган масалаларга боғлиқ бўлса, ул мақоланинг босилиши шошилинч бўлмаса, марказга юборилсин, ёхуд асослар ҳақинда муфассал мактуб ила билдирилиб, натижаси сўралсин. Билхосса, хориж Оврупо ва шарқ давлатларининг Туркистон ҳақиндаги фикрлари ва сиёсатлари нозик масалалар эканлигига диққат этилсун.

4) Хорижда “Прометей” мажмуасининг ва ёхуд вакилининг ижрои таъсир эта билажаги ҳар қанақа матбуот нашрига Туркистон ҳақинда юборилган мақолалаларда зараримизға бир иш бўлуб-бўлмағони жиҳатини назорат этмак. “Прометей”да зарарли фикрларнинг тўсулиб қолдирилмоғи ҳақинда вакилнинг сўзи қабул қилиниши керак.

5) “Прометей” ва бошқа матбуотда “Янги Туркистон” журналини тарғиб қилиш, Туркистон бўлшевик матбуотини ўрганиш, хусусий мактубларни йиғиш, “Прометей” мажалласининг ҳар нумирига Туркистонга оид сиёсий воқеаларни ёзуб бермоқ, буларни “Миллий бирлик” марказига ҳам юбормак. Мундан бошқа, вакил “Прометей”га ёзуб берган ҳар мақоласининг-да бир нусхасини марказ идорага ёзуб юборар.

6) “Прометей”даги вакил “Миллий бирлик”нинг Оврупо намоёндаси ила бирликда “Миллий бирлик”ка ва “Янги Туркистон” идорасига Оврупо аҳволиндан тўлуқ хабарлар ёзуб турар; ғазиталарға ёзилмай, оғиздан эшитилган хабарларни ва ғазита хабарларинда марказнинг таъқиб қилолмай турғон тафсилотни ёзуб турадирлар. Туркистон ғазиталарини ва Туркистонга оид Оврупо матбуотиндаги мақолаларни, конференциялар ҳақидаги фикрларни тўлиқ, тўхтовсиз, вақти-соатида ёзуб турадир.

---

* Матн асосан табдил этилди; баъзи ўринлари таржима қилинди – тарж.

7) “Янги Туркистон” мажмуасига мақолалар ёзар.

Бу таълимот мухтасаран “Прометей” журнали идорасига ҳам билдирилади.

II. Бухоро амирининг “Жамияти ақвом”га* меморандумлар беруб, янгидан сиёсатга аралашмоқ йўлидаги тиришувларини “Миллий бирлик”нинг Овруподаги вакили ва “Прометей”даги вакили тарафиндан “Прометей” журналида рад этилур. Бухоро мунавварларининг ва сиёсий қувватларининг “Бухоро миллий бирлиги” шаклида “Туркистон миллий бирлик” ҳайъати ичида бўлғони, хусусан, бундан бошқа ҳеч бир шахс ёки ташкилот Бухоро ўлкаси ва халқининг вакили ва намоёндаси бўлолмаслигини билдиради; рус монархистлари ила бир бўлғон Бухоро амири ўзининг сиёсий чиқишлари ила фақат миллий ишга зарар кетируб, нифоқ солмоқдан бошқа бир натижага восил бўлмаяжағи изоҳ этилур.

(имзо)

Туркистон миллий бирлиги раиси


Аҳмад Закий Валидий


---

* Қавмлар, миллатлар жамияти – тарж.

Илова 10

Туркистон турк ёшлар уюшмаси ва Озарбайжон ёшлар уюшмаси ўртасидаги федератсийон баённомаси





Илова 10 Матни*

Қўшни ва қардош Озарбайжон ва Туркистон ўлкаларининг бу кун таъқиб эттиги ғоя ва мақсадлари айни ва манфаатлари муштаракдир. Бу икки ўлка мустамлакачи шимол рус варварларининг мустабид чорлик истилоси остинда ҳозиргача бир асрдан ортиқ замонда ингради. Бу асоратни турклик шаънига ярашмаслигини билган бу икки ўлка турли сабаблар оқибатида босқинчиларга қарши доим исён қилдилар ва бу маҳкумиятга асло бўйун эгмадилар. Сўнгги рус инқилоби чоғида ўз истиқлоли учун курашди ва унга эришди ҳам. Фақт бу дафъа бу севикли турк ўлкалари эски чорлик Русияси ўрнига болшевик маскаси остидаги қизил русларнинг қаҳбача *(маккорона*) истилосига учрадилар. Ёшлар қўлдан кетган бу муқаддас истиқлолни қайтиб олишга қатъиян азм этмиш, маҳкумият ва асорат занжирида яшагандан кўра ўлимни афзал кўрди ва русларға қарши курашмоққа қасам ичди.

Бўлшевикларнинг сўнг даврдаги истилоси натижасида ҳар икки ўлкадан турли сабаблар билан хорижга чиққан мунаввар ёшлардан бир қисми букун ҳур ва мустақил қардош Туркия байроғи остида асир юртларининг истиқлоли, тарбия ва тараққийси йўлида буюк бир азм ва букилмас иймон билан ҳаракат қилмоқдалар. Ҳар икки ўлка ёшларининг нияти айнидир, мақсад ва манфаати муштаракдир.

Туркка ва турк тупроғига ярашмайдиган бундайин истило исқотини бу икки турк ўлкаси устидан даф этмак ва ўрнига ҳуррият ва озодлик келтирмак керак. Зотан бу икки ўлка ёшлари бир жабҳада иттифоқчидирлар. Бу вазиятда орзу-амалнинг тез юзага чиқиши ва ғоянинг жадал амалга ошуви учун қардош Озарбайжон ва Туркистон ёшларининг қўлни қўлга бериб, иттифоқчи бўлиб ҳаракат қилиши мувофиқдир. Фақат озодлик йўлидагина эмас, айни замонда илм, фан ва тарбия борасида ҳам ёнма-ён боришлари керак. Биноаналайҳ, муштарак манфаатларни назари диққатга олинганда, ҳар икки ўлка ёшлари

---

* Матн асосан табдил этилди, баъзи ўринлар таржима қилинди – тарж.

** Бу ёзув бошқа сиёҳдадир ва бошқа дасхатга оид – тарж.

иштирокидаги бир федерасйўн ташкилининг лузумига қаноат ҳосил қилдик.

Федерасйўн қуйидаги тартибда иш юритади:

1. Федерасйўн ҳар икки ўлка ва ёшларига алоқадор масалалар билан шуғулланади. Фақат Озарбайжон ёшлар уюшмаси ҳам, Туркистон турк ёшлар уюшмаси ҳам ўз ички ишларида мустақил фаолият юритадилар, федерасйўн ишлари эса алоҳида олиб борилади.

2. Федерасйўн Туркия жумҳурияти ҳукумати тасдиқлаган прўғрам асосида фаолият кўрсатади.

3. Федерасйўн ҳар икки ўлкадан иккитадан вакил қатнашиши баробарида тўрт аъзодан иборат бўлади.

4. Ушбу юқорида зикр этилган ҳайъат уч сана муддатда вазифасини бажаради ва ҳар йил бошида ўтказиладиган мажлисда фаолияти ҳақида ҳисобот беради. Йиғилиш ҳар икки ўлка ёшлар уюшмасининг умумий ҳайъати қарорига кўра тўпланади.

5. Ушбу ва юқорида зикр этилган моддалар муваққатдир, улар ўзгартирилиши, зарурий моддалар қўшилиб, кенгайтирилиши мумкин.

6. Ушбу келишув шартномаси икки нусха ўлароқ ёзилди ва имзоланди.

Қайд: федерасйўн шуғулланадиган баъзи муваққат ишлар ва вазифалар:

а) ҳар икки ёшлар уюшмаси учун фаолият юритишга мувофиқ ва муносиб бино олиш;

б) ёшлар ушмаси аъзоларининг конференциялари ва турли йиғилишларини ўтказишни ташкил қилиб, ҳар икки ўлка ёшларини бир-бири билан алоқасини мустаҳкамлаш;

в)Туркия жумҳурияти ичидаги ва ажнабий мамлакатлардаги илмий, фанний муассасаларини кўриш, уларнинг маданият соҳасидаги тараққийлари ва юксалишлари йўлидаги ташаббуслари билан яқиндан танишишни ташкил қилади; айни замонда ўзимизни уларга танитиш мақсадидаги учрашувлар ва саёҳатларни тартиб этади.

Илова 11

Туркия республикаси президенти Мустафо Камол Отатуркнинг фармонига биноан Туркистон турк ёшлар уюшмасига бино ажратилишига оид ҳужжатлар

12/ 6/ 1929

Туркия жумҳурияти Истанбул вилояти ҳокимияти хатлар бўлими. Сони: 3392/ м.с. 1883

Туркистон турк ёшлар уюшмаси раёсатига,

Хулоса: Туркистонлик фақир талабаларга яшаш жойи ажратиш.

Уюшмангиз тарафидан қаландархона ва ё мусофирхона номи остида қўлланилган такянинг туркистонлик фақир талабаларга ётоқхона сифатида фойдаланишга берилишига, у Истанбул Турк ўчоғи жамияти идорасига боғланишини маълум қиламиз.

(имзо) Фозил Худойи

Туркия жумҳурияти бош ваколат муомалот мудурлиги Бўлим... сони: 6/ 3761 – 12/ 10/ 1929

Истанбул ҳукумат қўноғи қаршисида, Кумушхона кўчасида, 9 рақамли манзилда жойлашган Туркистон турк ёшлар уюшмаси марказига

Раиси жумҳур ҳазратларига тақдим этганингиз илтимосномага жавобдир.

Султон Аҳмад мавзесидаги Маҳмат пошо кўчаси энишида жойлашган Туркистонликлар такяси биносида, шайх яшаган қисмидан Мариф вазирлиги назорати ва Турк ўчоқлари марказий ҳайъатининг бошқаруви остида, Истанбулга таҳсил учун келган хориждаги турк мамлакатлари талабаларининг яшаб туриши учун ажратиш ва уларга берилиши ҳақида Вақфлар умумий мудирлигидан Истанбул вақфлар мудирлигига ёзилди.

Мазкур умумий мудирликдан билдирилмакда, афандим.

Бош вакил ўринбосари номидан

(имзо) Амруллоҳ (имзо) М. Ризо

Туркия Буюк Миллат Мажлиси. Арзиҳол анжумани. Ҳафталик қарор жадвали.

Сони: 27. 22/ 6/ 1929

Арзиҳол № 1187

Арзиҳол берганнинг оти, адреси: Истанбул, Ҳукумат қўноғи қаршиси, Кумушхона кўчаси 3, Туркистон ёшлар уюшмаси раиси М.Аҳмад афанди.

Арзиҳол хулосаси: ўзларига ётоқхона таъмини

Анжуман қарори ва нима сабабдан берилгани хусусида: Туркистон ёшлар уюшмаси раиси М. Аҳмад имзоси билан юксак раислик мақомига сунилган арзиҳол анжуманимизга юборилган. Тилаги: анчадан буён туркистонлик фақир талабаларнинг яшаб келаётгани Туркистон такяси ва қаландархонаси ва мусофирхонаси деб аталган бир неча бино чиқарилган қонунга мувофиқ беркитилган ва талабалар тураржойсиз қолган, бир тураржойга муҳтож эди. Дохилия ваколатига ёзилган маълумотда юқорида зикр этилган бинолар туркистонлилар томонидан такя сифатида фойдаланилган ва шу боис беркитилгандир. Бу ерларда яшаган Туркистон талабаларининг катта бир қисми дорилфунунда таҳсилини давом эттираётган ва ирқан турк бўлганини ва бир қисми ҳам мактабларимизда ўқиётган талабалар эканлигини, барчаси тураржойга муҳтожлигини ҳисобга олган ҳолда, бу биноларнинг Турк ўчоғига боғлиқ бир талаба юрти (ётоқхонаси) тарзида фойдаланилиши мувофиқ кўрилиб, Истанбул вилояти ҳокимиятига ёзилган эди, дея таъкидланмоқдадир. Бу масала кўриб чиқилди ва анжуманимиз тарафидан мақбул топилди, унга кўра Истанбул вилояти ҳокимиятига мурожаат айламак кераклигини арзиҳол эгаларига билдиришга қарор берилди.

Қ. № 685 вақти 19/ 5/ 1929

Истанбул Турк ўчоғи

Сони: 341 Истанбул, 20/ 8/ 1929


Туркистон ёшларига тураржой сифатида берилиши тўғрисидаги вакиллар ҳайъати қарори билан Турк ўчоғига берилган Султон Аҳмаддаги Ўзбеклар такяси, Вилоят ҳокимлигидан олганимиз буйруққа кўра, эндиликда мазкур бинода Туркистон ёшларининг истиқомат этиши мумкинлигига доир васиқадир.

Умумий котиб (расмий муҳр ва имзо)

Доктор Фатҳи

Илова 12

Закий Валидий Тўғон ва Абдулқодир Иноннинг Туркистон миллий бирлик маркази ҳайъатидан истефоси



تمب خارجی مرکز قومیته سنه .

جمعیتك اسبق اعضاسی چوقای اوغلی مصطفی بك بو سنه 8 نیسان تاریخیله مرکز قومیته یه (تمامی محمد امین بك نامنه) یازدیغی مکتوبنده کوریلدیکی وجهله تمب تشکیلاتنه علناً قبیله افتراقی صوقمه ایسته ییلیور ، حتی 1922 سنه قونغره سی بیله بو جهتدن کویا باشقرد اکثریتی تحلیبی آلتنده اداره اولونان برقونغره اولارق طعنه ایدیلیور ؛ دیکر طرفدن چوقای بك وقبیله کندیسی حقنده تمب مرکزی نزدنده کی قومیسیون طرفندن قبول وصوکرا لفوایدیلمه قراری یاکز تمب مرکزنده کی باشقرد اعضالرینك کندیسنه قارشی اهانتی نتیجه سی اولارق کوسترلدیکی بو قرارك دها بوندن صوکرا ده باشقرد اعضالری حقنده هرنوع اتهامانده بولونمق و تمب دنك دیکر اعضالریله آرالرینی بوزمق ایچون بهانه اولارق قوللانا جغنی آکلاتیور . کرك مذکور مکتوبده و کرك 9 مارت تاریخیله عبد القادر نامنه یازدیغی مکتوبده ۱۰ استانبوله کلیرسه اوراده کی باشقرد ممثللرینه اُل ویرمیه جك وکوروشمیه جك برشکلده خالص دشمانه بر وضعیت آلدیغنی سویلیور . بز بوکبی وضعیتلك - اورتا آسیاده بویله مهم حادثه لر ظهوراندن مسئولیتی زمانده تشکیلاتی جورو تمسنه شاهد اولدیغمز اوطورامیز . وچوقای بك تمب ایله متفقاً چالیشمانی مهم وضرورکوردیکزدن وبزم قومیته ده بولونمامز بو مقصدك حصولنه مانع تشکیل ایتدیکی آچیقجه آکلاشیلدیغندن تمب خارجیه مرکز قومیته سنده کی باشقردستان هیئتی وظیفه دن چکیلیورز وبوندن لازم اولان یرلرینه بیلدیریورز ،

عبد القادر ولیدی

استانبول 4 مایس سنه 1929

12 илова матни

ТМБ хорижий марказ қўмитасига

Жамиятнинг собиқ аъзоси Чўқайўғли Мустафо бекнинг бу сана 8 нисон *(апрел)* тарихи-ла марказ қўмитага (котиби Мажидиддин бек номига) ёздиғи мактубинда кўрилдиги важҳи ила ТМБ ташкилотида алонан қабила айирмачилиги қилинмоқдадир. Ҳатто 1927 санадаги қурултой ҳам бу жиҳатдан, гўё бошқирд аксариятининг оғирлиги остида ўтказилган бир анжуман сифатида таъна қилинмоқа. Бошқа тарафдан эса, Чўқай бек вақтида ўзи ҳақида чиқарилган ТМБ маркази тафтиш ҳайъати қарорини ва сўнгра у қарорнинг бекор қилинишини ҳайъатдаги бошқирд аъзоларнинг унга қарши хоинлиги деб талқин қилмоқда. Бу қарорнинг бундан кейин ҳам бошқирд аъзоларни айбламоқ учун ва улар билан ТМБнинг бошқа аъзолари орасини бузиш учун рўкач қилиниши бизга аён бўлмоқда. Хоҳ мазкур мактубда ва хоҳ 9 мартда Абдулқодир номига ёзган мактубида Чўқай бек, Истанбулга келганида, у ердаги бошқирд вакилларга кўришмоқ учун қўл узатмайдиган даражада холис бир душманона вазиятда эканини сўйлаган. Биз бу каби вазиятнинг, Ўрта Осиёда бунчалар муҳим ҳодисалар зуҳур этиб турган масъулиятли бир замонда ташкилотни чиритишига шоҳид бўлиб ўтиролмаймиз. Чўқай бекнинг ТМБ ила иттифоқда ишлашини муҳим ва зарур кўрганимиздан ва бизнинг қўмитада бўлишимиз бу мақсаднинг амалга ошишига монелик қилаётгани очиқча англашилганидан, ТМБнинг хорижий марказ қўмитасиндаги Бошқирдистон ҳайъати вазифамиздан чекиламиз ва буни лозим бўлган ерларга билдирамиз.

(имзолар)


Аҳмад Закий Валидий, Абдулқодир Сулаймон

Истанбул 1929 сана 4 май

Қайд: 4.5. 1929 йилдаги ТМБ марказ қўмитаси мажлисида музокара этилган ва қабул қилинган.

Илова 13

Туркистон миллий бирлигининг 1929 йилда тузилган ички тузуги



YÉNI TURKESTAN
REVUE MENSUELLE
STAMBOUL, Babi-Ali Carchousinda
Gumuchhané Sokagghi No 5
(TURQUIE)

یکی تورکستان
آیده بر عیقاره، ادبی علمی سیاسی اقتصادی مجموعه
استانبول - باب عالی قارشوسنده کوموشخانه سوقاغی نومرو : ٥

1 نجی صحیفه

مدخل :

أ - تورکستان ملی برلکی ۱۹۲۲ سنه سی استانبوله عقد اولونان بیوک قوریلتای قبول و تصدیق ایتدیکی مقدس اساس نظامنامه نوعیله تشکیلات اساسیه سنی تعیین ایتمشدر.

ب - بو تشکیلات اساسیه نظامنامه سنه توفیقاً تورکستان استقلالی یولنده جالیشمه و جالیشدیرمه عزم ایدن تورکستانلیلر کرک داخلده و کرک خارجده بر تشکیلات ویرمکله جالیشیرلر.

ج - بو تشکیلات ایکی قسمدر. ۱ - تشکیلات مرکزیه ۲ - تشکیلات محلیه

د - تشکیلات مرکزیه تورکستانلیلرک عمومی قوریلتایی طرفندن انتخاب اولنان مرکز اعضاسندن تشکیل اولنور.

ه - تشکیلات محلیه کرک خارجده کرک داخلده بولنان تورکستانلیلرک محلی قوریلتایلرندن انتخاب اولنان محلی مرکز اعضاسندن تشکیل اولنور.

و - مرکز اعضاسی مرکز ریاستی انتخاب ایدر. مرکز ریاستی رئیس، نائب رئیس، کاتب عمومی، نائب کاتب عمومی، امین صندوق و نائب امین صندوقدن عبارتدر.

ز - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله انتخاب اولنور. مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک ریاست و نیابتنی و کتابت عمومیه و نائبلکلرینی و امانت صندوقلرینی عهده سنه آلور.

ح - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله عزل اولنه بیلور.

ط - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تبدیل اولنه بیلور.

ی - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

ک - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

ل - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

م - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

ن - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

س - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

ع - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

ف - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

ص - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

ق - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

ر - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

ش - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

ت - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

ث - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

خ - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

ذ - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

ض - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

ظ - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

غ - مرکز ریاستی مرکز اعضاسنک اکثریت آراسیله تعیین اولنور.

YÉNI TURKESTAN
REVUE MENSUELLE
STAMBOUL, Babi-Ali Carchousinda
Gumuchhané Sokagghi No 5
(TURQUIE)

یکی تورکستان
آیده بر مجموعه ادبی علمی سیاسی اقتصادی
استانبول - باب عالی قارشوسنده کوموشخانه سوقاغی نومرو : ٥

§ ملاحظات : مرکز اساسی ایشبو فقره لرینی شرح و تفسیر ایدر .

أ - شعبه لری و مرخصلری علاقه دار اولدقلری مسائل و مضبطه جریده لری تهیه و مکاتیب و مراسلاتی بیورلدقجه تنظیم ایدر .

ب - اطراف کوندرلمه جک مرخصلر اکثریه مرکز طرفندن تعیین ایدیلر و مرخصلره امر ویرمک صلاحیتی یالکز مرکزه عائد در .

ج - تحت تشکیلاتده بولونان نشریات مرکزه عائد در . شعبه بولونمایان یرلرده کتب نشریاتی اوکلده کی شعبه نظارتیله توزیع ایدیلر . اساسی عموماً داخلده حرکت اتخاذ ایدیلمه صلاحیت ویریلمز . مع هذا مرکز هر نه قدر اخباراتی عمومیه تعمیم اتمیه صلاحیتنی حائز ایسه ده

§ شعبه لرك وظائفی :

أ - شعبه لر تحت ادارهٔ اساسی عمومی داخلده حرکت اتمیه مجبور در لر .

ج - کندی آرالرنده منتخب بر مرکز جمعیت اوچ کیشیدن مرکب اداره هیئتی تشکیل ایدر لر .

ج - بر هیئت اداره کندی آراسنده تقسیم وظائف ایدرلر و بر صورت کاتب تعیین ایدر لر . بو ذات تعیین زمانه مرکز اعضای و شعبه نزدیک تحت نظارتده بولونان مرخص صفتیله حائز اولمق مرکز ایله شعبه لر آراسنده کی ارتباطه نامزد ایدر .

§ ملاحظات : هر هانکی بر سبب و معذرتدن طولایی مرکزه یازی یازمیه جق اولان شعبه لر کاتب تعیین ایدیلمه ذاتی مرکز مرخصلرندن بری طرفندن وظیفه لری ایفا ایدیلنجه یه قدر هیئت اداره کندی آراسنده دیگر بر ذاتی مرخص اولارق قبول ایدر .

أ - شعبه لر هر هانکی سیاسی حرکتدن مرکزی معلومات داخلده اولمسی لازم در .


ب - مقتضا احواله اوامر آنیه یه بر دخی عموم دایره و مخصوص مرکزی ضبط دار اقتدار لازم در .

ج - شعبه لر ایچنده کوره محیط نفوذ اعضالرله عموم اجتماع طلب ایدیلدکده و تحت اساسی عمومیه لرینی نظر دقته آلمه داخلده ویسیله مخابره ایچون قرار اتخاذ ایتمه صلاحیتدار در لر .

د - شعبه لرك سنه لق صاباتلرنی جلاصه مرکزه گوندیرلر .

§ مرخصلر :

أ - مرخصلر فعالیتلری دعوی مسائل خصوصیه مرکز تزدنده مسئول اولدقلری کبی بولوندقلری محله قشلاقلرنده علاقه دار ایدیلمه مسائل متعلقه یی ایضاح ایدرلر .



YÉNI TURKESTAN

REVUE MENSUELLE

STAMBOUL, Babi-Ali Carchousinda
Gumuchhané Sokagghi No 5
(TURQUIE)

يكى تورکستان

آيده بر جيقارى ادبى علمى سياسى اقتصادى مجموعه

استانبول - باب عالى قارشوسنده كوموشخانه سوقاغى نومرو : ٥

13 илова матни таржимаси

I. Кириш

1. Туркистон миллий бирлиги, 1927 санада Истанбулда ўтказилган Биринчи қурултойида қабул қилинган ва 1929 санаси сентабрида яна Истанбулда тўпланган фавқулодда қурултой тарафидан кенгайтирилиб, қабул ва тасдиқ этилган, маълум асосий ғоя ва мақсадларига кўра Туркистон учун фаолият кўрсатадиган бир ташкилотдир; унинг қисқартирилган номи ТМБ шаклида бўлади.

2. ТМБга фақат Туркистон истиқлоли йўлида ишлаган ва бунга азм этган туркистонликлар кира билади.

3. ТМБ ташкилотига кирадиган шахс учун марказ аъзоларидан бирининг таклиф ва кафолати лозимдир.

Эслатиш: бўлимларда идора ҳайъати аъзоларидан бирининг таклифи ва кафолати шартдир.

4. ТМБ ташкилотининг хорижда қурултой тарафидан сайланган бир маркази бўлиб, ўз эҳтиёжига кўра турли ерларда бўлимини очишга, уларда ишлайдиган вакиллар тайинлашга ҳақлидир. ТМБ маркази ва бўлимларининг бошқарув ҳайъатлари бир йил муддатга сайланади.

5. ТМБ бир йилда бир умумий қурултой ўтказади. Қурултой марказ томонидан белгиланган вақтда ўтказилади. Қурултойга ҳар бир бўлимдан нисбий, кўрсатилган вакиллар қатнашгани каби, марказ аъзоларининг барчаси иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

6. Русиядан ажралиб чиқишни истаган миллатлар билан тузиладиган федератсийўн шартномаларининг таъсисини фақат қурултой ҳал этади.

7. Муҳим масалалар ва муаммолар пайдо бўлганида, бўлимлардан бирининг ва марказ аъзоларидан уч кишининг таклиф ва талаби билан умумий қурултой чақирилиши мумкин.

8. ТМБ ташкилотлари орасидаги боғланишлар ва муносабатлар, хабарлашувлар ва расмий ёзишмалар ҳайъат номидан юритилади.

II. Марказнинг вазифалари

1. Марказ аъзолари ораларидан уч кишилик бир котибият ҳайъатини сайлайдилар. Бу котибият ҳайъати бош котиб, молия ишлари

ходими, бошқарув ишлари ходими тарзида уч мансабга йўналтирилади. Котиблар бу вазифаларга одамларини тайинлагандан кейин, марказдан буни тасдиқлатадилар.

2. Марказ ҳар ўн беш кунда бир бор мажлис қилиб, миллий масалаларимизга алоқадор барча муаммоларни музокара қилиб ҳал этади ва қарор чиқаради. Қарорни котибият ҳайъатининг ижро этиши учун унга топширади.

3. Турли мамлакатларга юбориладиган вакилларга бериладиган махсус топшириқларни ижро қилиш, қурултой чақириш ва уни назорат этиш, якунлаш ҳам марказнинг вазифасига киради.

Мулоҳаза: марказ асосий масалалар юзасидан ва муҳим ишлар ҳақида бўлимларнинг фикрини ҳисобга олиши керак.

4. Бўлимлар ва уларга алоқадор шахсларнинг фаолиятига оид масалалар ва муаммолар котибият ҳайъати томонидан кўрилади ва ўз вақтида ҳал этилади.

5. Атрофга юбориладиган вакиллар фақат марказ томонидан тайин этилади. Вакилларга фақат марказдангина буйруқ берилади.

6. ТМБ ташкилотининг нашр ва матбуот ишлари фақат марказга оид. ТМБнинг бўлимларда амалга ошириладиган нашриёт ишлари ўша бўлимлар томонидан бошқарилади. Марказ бўлимларни ҳар томонлама, жумладан, нашр ва молия соҳаларида ҳам алоҳида тафтиш этишга ҳақлидир.

III. Бўлимларнинг вазифалари

1. Бўлимлар ТМБнинг асосий ғоя ва мақсадлари йўналишида ҳаракат қилмоққа мажбурдир.

2. Бўлимлар ўз ораларида сайланган ва марказ тарафидан тасдиқланган уч кишилик бир идора ҳайъати томонидан бошқарилади.

3. Бу уч кишилик идора ҳайъати ўзаро вазифаларини белгилаб олади, бир кишини бош котибликка тайинлайди. Бош котиб айни пайтда марказ ва бўлим орасидаги алоқаларни юритади, бўлимнинг ТМБдаги вакили ўлароқ барча вазифаларни адо этади.

Мулоҳаза: қандайдир сабаб билан бу бош котиб ТМБга вакил сифатида киролмай қолса, бўлимдан унинг ўрнига бошқа бир делегат кўрсатилади.

4. Бўлимларнинг барча муҳим сиёсий ҳаракатлари марказни хабардор қилган ҳолда амалга оширилиши керак.

5. Бўлимлар ойда бир марта марказга умумий маълумот топшириб туради.

6. Бўлимлар ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, аъзолари билан умумий мажлис қилиши мумкин. ТМБ тузугидаги асосий шартларга ва умумий тартибга риоя қилган ҳолда қарор қабул қилишга ҳақлидир.

7. Бўлимлар марказга бир йиллик фаолияти тўғрисида қисқача маълумот топширади.

IV. Делегатлар

1. Делегатлар, ўз фаолиятлари ва умумий масалалар хусусида марказ наздида масъул ҳисоблангани учун, ўз жойларидан туриб ташкилотимизга алоқадор масалалар ҳақида муфассал маълумот тўплаб, марказга билдирмоқ ва унга кўра тайинланган ишни бажаришга мажбурдирлар.

V. Қўшимча

1. ТМБ ташкилоти аъзоларилан бири ТМБ ташкилоти бор жойларга борганида, у ердаги ташкилот йиғилишларида қатнаша олади. Марказга келган аъзолар марказ йиғилишида овозга эга эмас. Аммо марказ аъзолари бўлимларнинг идора ҳайъати мажлисида овоз беролмаса ҳам, умумий йиғилишларда овоз бериши мумкин.


2. Марказ ва бўлимлардаги молиявий ишлар, ёзишувлар ва баённомалар тартибли, мунтазам олиб борилади. Махсус дафтарга қайд этилади ва қатнашчиларнинг имзолари билан доим муҳофаза қилинади. Марказ ва бўлимлар ўз расмий муҳрларига эгадир.

3. ТМБ ташкилотининг нашриёт, ташвиқот ва тарғибот ишлари, ижроси ва керакли бошқа хусуслар марказда котиблар ҳайъати, бўлимларда эса, идора ҳайъати тарафидан юритилади.

Илова 14

Мустафо Чўқайўғлига берилган Оврупо вакили гувоҳномаси

(16. 12. 1929)



Yeni Türkistan
İlmî, Edebî, Siyasi, Milliyetperver
Aylık Mecmua
İstanbul
Babıâli-Hükümet konağı karşısında
Gümüşhane sokağında No. 3

16/12/1929.
No.

ماندات

1929 نجی یل سنتابر آیده استانبولده طوپلونجاق تمثیلنڭ فوق العاده
کیچه یغیلشی تاماندان آوروپاسیی مثللگیلگه بیلگولرنگدن تمثیل مرکز اعضای
یوقاری اوغلی مصطفی بکنڭ اویوشمیز نامیغه ایسه کورینمی اوچون
اوشبو ماندات برلدی.
تمثیل مرکز رئیسی:

Мандат


1929 инчи йил сентабр ойида Истанбулда тўпланғон ТМБнинг фавқулодда кенг йиғилиши томонидан Оврупо сиёсий мумасиллигига белгиланган ТМБ маркази аъзоси Чўқайўғли Мустафо бекнинг уюшмамиз номига иш кўрмағи учун ушбу мандат берилди.

ТМБ марказ раиси (муҳр)

ТМБ котиби (Мажидиддин Далил

Илова 15

Туркистон миллий бирлиги билан Эдил-Ўрол миллий ташкилотлари орасидаги советларга қарши биргаликда жабҳа уюштириш ҳақида имзоланган ҳамкорлик баённомаси



II

4) مختلف مملکتاره کونه ریلر جلب ایکنجی درجده کی مرخصلرده هیئت مرخصلرنگ چیزدیکی یولله کیده جکدر.

II. پروپوغانده وسائطنگ صورت اداره سی حقنده.

1) برنجلرنگ ناشر افکاری اولان مجموعه لرنگ بوکونکی حالنده مستقلاً دوامی موافق کورلدیکی کبی بونلرک یاسه دن هر برینگ دیکر برلکه و قومیته (منافعی کوزه ده جلب برشکلده نشری لازم بولونیور.

2) پارسی و جمعیت اقوامنگ مقری اولدیغی جنوه کبی مهم بر مرکزده عمومی منافعی تمثیل ایتمک اوزره هیئت مرخصه طرفندن برآی یا ایکی هفته دن بر دفعه چیقاجق فرانسوزجه سیاسی بر بللیوتنه نشری لازم کورولیور.

III. حدود لرمسئله سی.

1) قویمنگ طبیعی حدودی قبول ایدلمشدر.

2) ایدل-اورالنگ آوروپا روسیه سنه قارشو حدودی سوره یلغه سی منبعندن منصبنه قدر وسیعبر شهری جوارندن ایدل یلغه سیله هزر دیکزینه قدر اوزالیور.

3) تورکستانگ جنوب وشرقنده کی حدودلرنگ آسکی روسیه ایله برطرفده کی قومشودولتلرنگ حدودی اولدیغی قبول ایدیلیور. بودولتلرنگ حق و حقوقلرینی حرمت و رعایت ایدیلمکدر.

4) برنجلرنگ تمثیل ایتدکلری اولکلرآرا سنده کی حدود مسئله سی داخلی مسئله تلقی ایدیلرک حلی صورتنده بوراقلماسی موافق کورلدی.

5) شمال حدودمزنگ تحدیدی تشکیلی متصور بولنان مستقل سبریا دولتی مرخصلریله آکلاشمایه وابسطه در. مستقل سبریا دولتی تشکیلی مسئله سنه مظاهر قالاجغز. مجلس اشتراکنگ ایدنلر بوقراریگ منسوب اولدقلری برنجلر طرفندن قبولنه چالشمق کندیلرجه بیمین قدسی بر وظیفه تلقی ایدرلر.

آلتنده بتون اشتراکنگ ایدن ذوات ایمضادر.

اصلینه مطابق هیئت ریاست نامینه یازدیم ابراهیم حاقی خان

15 илова матни*

Эдил-Ўрол қўмитаси номига Аёз Исҳоқий бекнинг даъватига кўра, 21. 5. 1929 йилда Туркистон томонидан Мустафо Чўқайўғли, Аҳмад Наим ва Тоҳир Шокир; Эдил-Ўрол томонидан Аёз Исҳоқий, дўқтур Лабиб Салим бекларнинг иштирокила бир мажлис ўтказилди. Делегатлари келолмаган Қирим миллий қўмитаси номидан ҳам Аёз Исҳоқий бек қатнашди.

Мажлисни олиб бориш учун Аёз Исҳоқий бек раис, Тоҳир Шокир котиб этиб сайланди.

Мажлиснинг мақсади ҳақида Аёз Исҳоқий бек, бирликларимизнинг хатти-ҳаракат ва фаолиятларида баробар бўлмоқлари ва хорижга қаршу бир жабҳа ташкил этарак қувватли бир борлиқ ҳолинда чиқмоқлари лузуми ва муштарак душманга қаршу истиқлолларимизни олгунга қадар бир-биримиздан айрилмасдан ҳаракат қилишимиз лузуми мазмунидаги изоҳоти тингланганидан сўнгра тарафларидан ҳозирланган бир лойиҳанинг тақдим этилиши билан баробар масаланинг музокарасига киришилди.

Мустафо бек сўзларкан, Туркистон номидан иштирок этганларнинг бу мавзуда бирлик маркази билан айни пайтда алоқа ўрнатишда муаммолар борлиги сабабли, бу ердаги музокаралар ва қарорларни фақат ўз шахслари номидангина имзо ва ижро эта олишларини уқтириб, бу хусусда бирлик марказига илова этишларини билдирди. Бу фикр қабул қилинганидан кейин, тайёрланган лойиҳа дўқтур Лабиб бек тарафидан ўқилди ва моддама-модда музокарага қўйилди.

I. Туркистон, Эдил-Ўрол ва Қирим миллий бирликларининг бу кунга қадар ишлаб келган, айрим ташкилотлар ҳолинда давом этмак-ла баробар, эндиликда хорижий сиёсат жабҳасинда биргаликда ҳаракат қилишлари ҳақинда келишилди. Мустафо бек аввало асос эътиборила бундоғ бир жабҳа бирлигининг ташкилига эҳтиёж бор-йўқлиги хусусида сўзлади, кейин бу жабҳани қандай ташкил қилиш лозимлиги борасида фикрларини билдирди.

1. Музокара натижасинда истиқлол йўлинда, барча хорижий ҳаракатда бундай бир жабҳа бирлиги ташкил этишга қатъиян эҳтиёж борлиги ва бу борада умумий бир делегатлар ҳайъати ташкил қилишга қарор берилди.

2. Бу делегатлар ҳайъати айрим-айрим марказлардан келган делегатлардан ташкил топади. Бу ҳайъатга вакил юбориш ҳар бир миллий бирлик марказининг ўз ишидир.

3. Делегатлардан иборат ҳайъатнинг барча аъзоси бир ерда

---

* Асосан табдил қилинди, баъзи ўринлар таржима этилди – тарж.

тўпланишига моддий шароит етишмаса, улар ўзларини таъмин эта оладиган мамлалакатларда қолишлари мумкин. Бу делегатар ҳайъати йилда икки бор бир ерда тўпланиб, умумий масалаларни музокара қилиши керак.

Делегатлар ҳайъати аъзоси ўзи яшаб турган ерда учала бирлик маркази манфаатини ҳимоя қиларок анжуманларда қатнашади. Эҳтиёж ва имконга қараб, лозим кўрилган тақдирда, ҳар бир бирлик маркази ўз номидан ёрдамчи делегатлар юборишга ҳақлидир.

4. Турли мамлакатларга юбориладиган ёрдамчи делегатлар ҳам делегатлар ҳайъатига бўйсуниши шарт.

II. Тарғибот унсурларини бошқариш шакли

1. Миллий бирликларнинг нашри афкори ҳисобланган журналларнинг бугунги кундагидек мустақилан давоми мувофиқ кўрилганидек, бу нашрларнинг ҳар бири бошқа бирлик ва қўмиталарнинг фойдаси учун ҳам иш олиб бориши керак.

2. Париж ва Жамияти ақвом ташкилоти жойлашган Женева каби муҳим марказларда умумий манфаатларни ҳимоя қилиш баробарида, делегатлар ҳайъати тарафидан бир ой ваё икки ҳафтада бир марта чиқадиган французча сиёсий брошюра нашр қилиш ҳам лозим топилди.

III. Ҳудудлар масаласи

1. Қиримнинг табиий ҳудуди қабул этилгандир.

2. Эдил-Ўролнинг Оврупо Русиясига қарши ҳудуди Сура дарёси

бошланадиган ердан қуйилган жойгача ва Симбир шаҳри атрофидан Эдил дарёси билан Хазар денгизига қадар чўзилади.

3. Туркистоннинг жануб ва шарқидаги ҳудудлари эски Русия билан ва бу тарафдаги қўшни давлатларнинг ҳудудлари билан чегараланади. Бу давлатларнинг ҳақ ва ҳуқуқларига ҳурмат ва риоя этилади.

4. Миллий бирликлар мансуб ўлкалар орасидаги ҳудудлар уларнинг ички масаласи ҳисобланади ва унинг ҳал қилинишини келажакда музокара этилиши мувофиқ кўрилди.

5. Шимолий ҳудудларимиз бўлажак мустақил Сибирия давлати вакиллари билан тузиладиган шартномага боғлиқдир. Мустақил Сибирия давлатининг ташкили эса алоҳида масаладир.

Мажлисда қатнашганлар бу қаарорларнинг ўзлари мансуб миллий бирликлар томонидан қабул қилинишини таъминлашни ўзларининг муқаддас вазифаси деб биладилар.

Бу баённома матни остига мажлисда қатнашган барча зот ўз имзосини қўйди.


Аслига мувофиқ

Раёсат ҳайъати номидан ёзиб олган

Иброҳим Орифхон

Илова 16

Туркистон миллий бирлиги раиси Усмон Хўжаўғлининг Оврупо вакили Мустафо Чўқайўғлига “Прометей” мавзусида ёзган мактуб (26. 6. 1929)



محترم قارداشم مصطفی چوقای بك،

29/ح/29 تاریخلی رتب هیئت محترمه سنه خطاباً یازیلمه مکتوبکز رتب مرکزی مجلسنده اوقولدی. ایکی ماده لك مطلوبکز قبول ایتلدی. ۱- پروه‌ته یه در حال وه حزیرانده تعهدلی مکتوب یازیلدی. قاچقاسی قومیته سنه ایسه سولزاده ایمین بکدن سوردم. سولزاده ایمین بك پروه‌ته یه یازمه دیکلرندن دولایی بیان معذرت ایتدی. چونکه حزیرانده سولزاده ایمین بك و سعید شامل بکلرك اولری استانبول پولیس برنجی شعبه سی طرفندن باصیلوب اوراقلری آلنمش بك فنا کوکلرك واقعه بولوب اوتدی. بوکاده سبب کندی فرقه لری آراسندن آیریلوب جیقان بعضی آذربایجانلی و داغستانلیلر دانوس وشکایت ایتکلرن بونلری کویا انکلیز منفعتنه خدمت ایدرلر دیوب پولیس مرکزینه دانوس ده بولونمشلر!

امید ایده رم که بوکوکلرك واقعه فنا نتیجه ویرمس عاقبتی خیر اولور،

ق — ویژه خصوصنده استانبول مبعوثی جلال ساحر بکه انقره یه مکتوب یازمشدم. بوکونلرده انقره دن استانبوله کلهن استانبول مبعوث محترمی ودیک اداغی مرکزی رئیس حمدالله صبحی بک ایله کورشدم ونزک ویژه کزحقنده «پاریس» سفیری محترم فتحی بک افندیه ویژه ویرلمک ایچین توصیه ده بولونجغنی وعد ایتدی. بوخصوصه دائر «پاریس» مکتوب یازاجغنی بیلدردی. همده شونی علاوه ایتدی که مصطفی چوقای بک پاریس سفیرینه بندن [illegible] مصطفی چوقای بک حقنده یازدیغم مکتوبی سورسونلر. وسزه [یعنی بنده یه] نتیجه سنی بیلدیرسونلر.

قاردشم سز درحال کیدوب پاریس سفیری ویاخود مستشاری دن «حمدالله صبحی بک استانبول مبعوثی دن مکتوب آلوب ویاخود آلمادقلرینی بیلدوب بانا یازملیسکز.

قونفرانس ایله سزک استانبوله کلمکزه قدر تأخیر ایدیلدی قراری ملفوفاً کوندریسوردم.

اوچیوزدوللار حقنده یازمشسکز. بو پاره بوشیره صرف ایدیلمشدر. اولا: احمد زکی ولیدی بک وعبدالقادر بکلرک «یکی توران» حقنده قرضدار بولوب کوستریلن قرضلرینه برقسمی ویرلدی. وبرقسمیده مجموعه نک نشریه واوکرا واداره مدیری کبی ضروری شیلره صرف اولدی. حسابلرینی قونفرانسه کوره جکسز.

استانبوله بولوندیغی زمان «قوب مرکزی» قراری موجبنجه بشیوزدوللار سورمشدم قونفرانس مصارفی ایچین: ایکیوز دوللاردن تورت یوزدوللار پاریس وبرلین دن کله جک وکیللر ایچین یوزدوللاردن استانبوله قونفرانس خرجی ایچین جمعاً بشیوزدوللار فقط [illegible] بوخصوصده کورشوب جواب ویرجکنی تکرار آسویلمشدی. پاریس وحریران آیلرنده مجموعه یه یاردم کسیلدی شمدی آلمزده پاره ده قالمدی. باشقه بریدن معاونت اولمادیغی ایچین وضعیتمزی تکلشدی.

احمد زکی ولیدی نک ایشلدیکی جنایتنه کوره «رتب» نک عادی
اعضالغندن «رتب مرکزی» چیقاریلوب توتون شعبه لرده حسن قبول
ایله قارشیلاندی؛ حتا شعبه لردن «رتب مرکزی» نه کلمه معروضه
لره کوره شعبه ری «رتب» داخلنده تسانه و برلک قوت بولدیغنی
یازیسورلر.

احمد زکی ولیدی مسئله سی داها قونفره ده کوروله جکدر
بو آدم بزی ایشی ایله اعمالایشلر یاپمقدن دائما آله قویدی
مملکت یقینده کی و داخلده کی شعبه لری ده بیقدیردی
شعبه لره یول کوسترمك یرینه نفاق صالوب حتا شعبه لرده کی
اعضالری بر برینه اد ردشتوردی، به کندم بالذات «مشهد» گی
واخفانستانه کیدوب یکیدن شعبه لری توزوب محلکت داخلنده
ایشلری کورمك أمدن کلدیکی قادار جانلاندیرمق ایستردم
فقط، مرکز بوزدوق بولوب توروب [احمد زکی ولیدی زمانده]
ایشی قیلمق کوچ ایدی، اولسون احمد زکی ولیدی

ریاستی آلتنده کی مرکزی تاسیسدن ایشی قیلمق لازم ایدی
بوایشی ایسه آثار بشی اولوردی؛ بنائ علیه مرکزده کی ارقادارلر
تصویبلریله سهتابولده قالمایغیم موافق کورولدی، وحال آنکه
«مشهد» و «افغانستانه» به بالذات کیتمك آرزو سنده ایدیم
چونکه: مشهد ده محلکت داخلنده ایشی کورمك یاخود
ایدی، حال حاضرده «مشهد» ده محترم مفتی صدرالدین
ایشی قیلوب تورو بدر، «لطف آباد» ده جرخلی عبدالکریم
مینك باشی «سمقه» مجاهدلرندن، اخطابا ایشی قیلوب تورو بدر،
پوکشی مفتی صدرالدین خانك یول کوسترمسیله بنه تورابه ك
اسمنده جرخلی مجاهدلرده کیزلی صورتده محلکت داخلنه
کیتمك داها یرخبرویق بهمحال یقینده برخبر کلمه کرك،

همراه قل، شیر محمد بیك ایله مرغابه کیدوب چترال
واسطه سیله مخابره ایلهطه یاپمق ایستیورلردی فقط،

افغانستان ایشاری او قادار قارشیدی که بو خبر الحق
قابل او لمیور، برتاج دفعه مکتوبلاریازیلدی واصل اولوب
واو لماديغندن بوخبر یوق.

قارداشم، سزدن شونی تمنی ایدردم که
یازسکز دشمنلر نزدنده بزی محجوب ایتمیوب مجموعه یاپاجغی
معاونتی برآن اول کوندرسون چونکه احمد زکی ولیدی طهریده
مجموعه یی به چیقاره بیلیردم وپاره یی به بولوردم وخرجی بانا
اعتماد ایدردی دیمیوب تورکیوردن وتورکستانلیلرك آلدن
برایشی کلمیوردیه صاتاشیور،

برده سزدن شونی وهللی دخی رجا ایدردم که تورکستان غزته
لرینی بزه کوندرسکز.

دبرده نجارا امیری حقنده بیرومه نه یه برمقاله یازوب
اونی تورکستان داخلنده صحیح بر اعتباری قالمادیغنی وطهرانیلی یالکز
اوانتوره دن عبارت اولدیغنی نشر قیلسکز ایی اولوردی،

وصولنی هرکتاری دخی عقاسنه محکوم اولوب مملکت داخلنده کی خلق
صحیح برزمان اونا ظهیراولمایاجغی بیلدیرسکز ایچشی بولوردی،
سوءتیاره قارئلرك اولان خلق عصیانلری ایله نجارا امیری نك
هرکتاری آراسنده کی فرقلری اوروپا افکار عامه سنه کوسترولسه
لازمدر،

●

کتابلکدن برتاج دانه کوندرسکز ایی اولوردی بورادہ برتاج معتبر
کشیلره وعدایتمهم خصوصا استانبول مبعوثی وتورك اوجاقلری مرکزی
رئیس حمدالله صبحی یکه برداده ویرملك لازم در،

● محمد کاظم بك خاطراتنی [تورکستانه عاید] یازمشدی
سویمیورکه اوروپاده نشر قیلمق قابل میدر، خیرسزی
سزه تقدیم ایدیورم، صحیه ارقداشلرك عرض احترامانی دار
باشقه احترامله آلکزی صیقار وکوزلرکدن
اوپارم قوجاوغلی عمکلکز

16 илова матни 29/ VI/ 29, Истанбул

Ҳурматли қардошим Мустафо бек,

15. 6. 1929 й.даги “ТМБ муҳтарам ҳайъатига” хитобан ёзган мактубингиз ТМБ маркази мажлисида ўқулди. Икки моддалик талабингиз қабул этилди.

1. Прометей жамиятига дарҳол 23 июнда огоҳлантирувчи мактуб ёзилди. Қафқаз қўмитасига эса, фикримиз май ойи охирларида билдирилган эди. Мен шахсан ўзим биззот Расулзода Амин бекдан масала ҳақида сўрадим. Расулзода Амин бек Прометей жамиятига ёзмаганини билдирди ва маъзурлигини баён этди. Чунки биринчи июнда Расулзода Амин бек ва Саид Шомил бекларнинг уйлари Истанбул пўлиси биринчи бўлими тарафиндан босилуб, авроқлари олинмиш. Жуда ёмон, кўнгилсиз воқеа бўлуб ўтди. Бунга-да сабаб ўз фирқалари орасиндан айрилуб чиққон баъзи озарбайжонли ва доғистонлилар шикоят этканлар. Буларни англиз манфаатига хизмат этарлар, деб пўлис марказига хабар етказганлар.

Умид қиламанки, бу кўнгилсиз воқеа ёмон натижа бермас ва оқибати хайрли бўлур.

2. Виза хусусинда Истанбул маъбуси *(депутати)* Жалол Соҳир* бекка, Анқарага мактуб ёзмишдим. Бу кунларда Анқарадан Истанбулга келган Истанбул маъбуси муҳтарами ва Турк ўчоғи маркази раиси Ҳамидуллоҳ Субҳий* бек ила кўришдим. У сизнинг визангиз ҳақинда Париж сафири муҳтарам Фатҳий**бек афандига ҳам сўйлашини, виза беришлари учун Парижга тавсия мактуби ёзажагини ваъда этди. Ҳамда шуни илова этдики, Мустафо Чўқай бек Париждаги элчидан мендан борган хат хусусида сўрасинлар ва натижасини сизга билдирсинлар, деди.

Қардошим, сиз дарҳол Париждаги элчихонага бориб, элчидан ёки ўринбосаридан Истанбул маъбуси Ҳамидуллоҳ Субҳий бекнинг хати борасида суриштиринг ва менга ёзинг.

Қурултой эса, сизнинг Истанбулга келгунингизга қадар қолдирилди. Қарори мактубга илова қилинди.

Уч юз доллар ҳақида ёзган экансиз. Бу пул беҳуда сарфлангани йўқ. Аввало Аҳмад Закий Валидий бек ва Абдулқодир бекларнинг “Янги Туркистон” борасида қарздор бўлиб қолганларини кўзда тутиб, бир қисми унга берилди. Ва қолган бир қисми ҳам мажмуанинг нашри, ижараси ва идора мудирлиги каби заруратларга сарфланди. Ҳисоботини қурултойда эшитасиз.

---

* Эрўзан. ** Ўқйар.

...Истанбулда* экан, ундан ТМБ маркази қарорига кўра, беш юз доллар сўрагандим. Қурлутой ҳаражатлари учун икки юз доллардан жами тўрт юз доллар. Париж ва Берлиндан келадиган вакиллар учун юз доллар ва ҳаммаси бўлиб беш юз доллар сўралганди. ... у бу борада керакли мақомлар билан маслаҳатлашиб, кейин жавобини айтишини сўйлаганди. Май ва июн ойлари учун журналга ёрдам келмади. Энди қўлимизда пул ҳам қолмади. Бошқа ердан келадиган бир кўмак бўлмагани учун вазиятимиз мушкулдир.

Аҳмад Закий Валидийни, қилган жиноятига кўра, ТМБнинг оддий аъзолиғиндан ТМБ маркази чиқаражағи қарори бутун бўлимларда ҳусни қабул ила қаршиланди. Ҳатто бўлимлардан ТМБ марказига келган хатларда, хусусан, "Энди ТМБ маркази ичида аҳиллик, бирлик-баробарлик ва қувват пайдо бўлди" деб ёзишмоқда.

Аҳмад Закий Валидий масаласи қурултойда яна алоҳида кўрилади. Бу одам бизни иш қилишимизга доим халақит берди. Мамлакат яқинидаги ва ичидаги бўлимларимизни ҳам безор қилди. Бўлимларга йўл кўрсатиш ўрнига нифоқ солуб, ҳатто аъзоларни бир-бирига гижгижлаб, орасини бузди. Мен шахсан ўзим Машҳадга ва Афғонистонга бориб, бўлимларни янгитдан тузуб, мамлакат ичидаги ишларни қўлимдан келгани қадар жонлантиришни истардим. Фақат марказ бузуқ бўлуб туруб, (Аҳмад Закий Валидий замонинда) иш қилмоқ қийин эди. Аҳвол шундоғ эди ва Аҳмад Закий Валидий раёсати остидаги марказга бўйсунмасдан иш қилиш лозим бўлиб қолганди. Аммо шундай қилинса, анархия бўларди. Биноаналайҳ, марказдаги орқадошларнинг тавсиясига кўра, Истанбулда қолмоғим мувофиқ кўрилди. Аслида Машҳад ва Афғонистонга бориш орзусида эдим. Чунки Машҳадда туриб, мамлакат ичида иш қилиш жуда қулай эди. Ҳоли ҳозирда Машҳадда муҳтарам муфти Садриддин иш қилуб турубдир. Латифободда ҳам жиззахлик Абдулкарим (Самарқанд мужоҳидларидан) иш қилуб турубдир. Бу киши муфти Садриддинхоннинг йўл кўрсатиши ила яна Туроббек исминда, жиззахлик мужоҳидлардан, яширин суратда мамлакат ичига кетди. Ҳозирча ундан бир хабар йўқ. Ҳар ҳолда яқинда бир хабар келса керак.

Ҳамроқул қўрбоши билан Шермуҳаммад бек биргаликда Читрал воситаси ила ўтиб, жангга киришмоқчи эди. Аммо Афғонистон шунчалар тўс-тўпалонки, тузук бир хабар олиш қийин. Бир неча бор мактуб юборилди, аммо жимжитлик.

Қардошим, сиздан шуни таманни этаманки, *(...га – тарж.)* ёзингиз. Душманларимиз олдида бизни уялтирмасдан, журналга кўрсатиладиган моддий ёрдамни тезроқ жўнатишсин. Чунки Аҳмад

---

*Шахснинг исми сир тутилиб, ёзилмаган.

Закий Валидий ҳар ерда “мажмуани мен чиқарардим ва пулни мен топардим ва ҳар ким менга ишонарди”, деб ҳар ерда айтиб юрибди, бунинг устига, “туркистонликларнинг қўлидан бир иш келмайди” дея бизни мазах ҳам қилмоқда.

Бир-да сиздан шуни ҳам сўрайманки, Туркистон ғазиталариндан бизга юборингиз.

Тағин бир иш: Бухоро амири ҳақида “Прометей”га бир мақола ёзуб, унинг Туркистон дохилинда ҳеч бир эътибори қолмагани ва ҳар иши ёлғиз авантурадан иборат эканини билдирсангиз, яхши бўлурди. Ва сўнғи ҳаракатлари ҳам муваффақиятсизликка маҳкум бўлуб, мамлакат ичкарисидаги халқ ҳеч бир замон уни қўлламаслигини ёзсангиз, яхши бўлурди. Советларга қарши бўлган халқ исёнлари ила Бухоро амири ҳаракатлари орасидаги фарқларни Оврупо афкори умумиясига кўрсатмоқ лозимдир.

Китобингиздан бир неча жўнатсангиз яхши бўларди, бу ердаги баъзи муҳтарам зотларга улашишни ваъда қилиб қўйдим. Хусусан Истанбул маъбуси ва Турк ўчоқлари маркази раиси Ҳамидуллоҳ Субҳий бекка битта китоб беришимиз керак.

Муҳаммад Козим бек хотиротини (Туркистонга оид) ёзганди. Оврупода нашр этсак, мақбулми, деб сўрамоқда. Маъно-мундарижасини сизга юборяпман.

Бутун дўстлар эҳтиромларини арз этдилар.

Боқий эҳтиромлар ила

қўлларингизни сиқаман, бағримга босаман.

Хўжаўғли Усмон

Илова 17

Туркистон миллий бирлиги Ўрташарқ вакили гувоҳномаси


Yeni Türkistan
İlmî, Edebî, Siyasi, Milliyetperver
Aylık Mecmua
İstanbul
Babıâli-Hükümet konağı karşısında
Gümüşhane sokağında No. 3
17/5/1930.
No.
UNION NATIONALE TURKESTAN

(матн таржимаси)

Мандат

ТМБ марказининг 28.3.1930 й. мажлиси қарорига кўра, Эрон ва Афғонистонда Туркистон миллий бирлиги (ТМБ)нинг вакили ўлароқ мамлакат ичкарисига алоқадор вазифаларни бажариш, Афғонистонда ТМБ ташкилотини тузиш ва фаолиятини юритиш учун биринчи вакил сайланган ва бу ишга тайинланган Абдуллоҳзода Таваккул бекга ушбу васиқа берилди.

(муҳр ва имзолар) ТМБ маркази раиси: Усмон Хўжаўғли

ТМБ маркази котиби: Мажидиддин Далил

Илова 18

ТМБ тарафидан Япония ҳукуматига топширилган меморандум*

(1932 й. ноябр)

Жаноби олийлари.

Бу қисқа мурожаатимизда Туркистон миллий бирлиги ташкилотининг Улуғ Туркистонда юритаётган умумий фаолиятини шарҳлаш ва изоҳлашга имкон йўқдир, албатта. Туркистон халқи айни ҳис-туйғу ва орзу-амалга эга. Бирлашган ва ягона Туркистоннинг ҳар бир бурчагида у яратган маданият излари мавжуд. Илмий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда эришган муваффақиятлар ва унинг дунёдаги ўрни, таъсири Туркистон тарихларида акс этган. Биз бу ўринда фикримизни, дарёдан бир томчи дегандек, қисқача ифодаламоқчимиз.

Туркистон халқи Япон миллатини ва шавкатли Япон давлатини 1904-5 йилларда таний бошлади. Рус қамоқхоналарида ва сургун ерларида эзилганлар, умуман ғайрирус миллатлар Русия-Япония урушини диққат билан кузатаркан, японларнинг зафарини, русларнинг енгилишини чин қалбдан истар эдилар. Хусусан Туркистон зиёлилари, японларнинг ҳам Олтой ирқига мансубиятини ва Туркистон туркlари билан ўзаро ирқий яқинлиги ва қардошлиги борлигини илгари сурган ҳолда, япон қўшинларининг руслар устидан ғалаба қозонишини Олтой ирқига мансуб бир миллатнинг юксалиши, бошқа ирқдошларига кўмак кўрсатиши деб билди, бундан қувонди ва ғурурланди.

Японларга бўлган бу рағбат ва муҳаббат ифодасини бир неча соҳаларда кўриш мумкин. Ўша йилларда японлар зафарини тилаб, русларни ҳажв қилган Туркистон шоирларининг шеърлари, мустамлакачи ҳукуматнинг тадбир ва тазйиқига қарамасдан, халқ орасига яширинча кенг ёйилди ва у шеърлар ҳозиргача эл тилида яшамоқда.

Япон миллатининг Узоқ шарқдан қалқароқ рус империализмининг манхус башарасига туширган мушти шарқ элларини сиёсан уйғонтирди, ҳаракатга солдики, бу маънавий таъсир ва ёрдамнинг қадру эътибори жуда буюкдир. Бу уруш Туркистон туркlари онгидаги русларнинг сиёсий ва ҳарбий қудрати ҳақидаги тасаввурини чил-чил синдириб юборди. Шу туфайли япон миллатига бўлган миннатдорлигимиз ва рағбатимиз Туркистонннинг йигирма биринчи асрга туташган сиёсий уйғониш ва ҳаракатлари тарихларида ёзилди ва ёзилажакдир.

Биринчи жаҳон урушининг бошланиши (1914) чор Русияси бўйунтуруғи остида эзилган миллатларнинг миллий ва сиёсий истиқлол

---

*Ҳужжатнинг асли матни Туркия туркчасида ва французчада ёзилган.

ҳаракатларини яна бир бор тўлқинлантирди, қувватлантирди. Ниҳоят, 1917 йилда бошланган рус инқилоби боис ғайрирус миллатларнинг сиёсий истиқлол ҳаракатини авж олдирди.

Жумладан, собиқ Туркистон хонлиги маркази Хўқанд шаҳрида ўтказилган Тўртинчи Туркистон қурултойида Туркистон мухторияти эълон этилди (10. 12. 1017). Қуйидаги зотлардан иборат марказий ҳукумат сайланди: Тинишбой ўғли Муҳаммаджон (ҳукумат раиси ва ички ишлар вазири), Ўрозбой ўғли Абдурраҳмон (ички ишлар вазири ўринбосари), Асадуллаўжа ўғли Убайдулла (мудофаа вазири), Чўқай ўғли Мустафо (ташқи ишлар вазири ва Туркистон муассислар мажлиси қўмитасининг раиси), Шоаҳмад ўғли Ислом (молия вазири), Маҳмуд ўғли Обиджон (таъминот ва озиқ-овқат вазири), Миродил (қурилиш вазири), Оға ўғли Ҳидоят (қишлоқ хўжалиги вазири), Носирхон Тўра (маориф вазири).

1918 йил февралида бўлшевиклар Туркистон миллий ҳукумати маркази Қўқон шаҳрига ҳужум бошлади ва ўн икки кун мобайнида қонли, фожеали жанг бўлди, натижада марказий ҳукумат тарқалди, шаҳар қирғинга учради, вайрон қилинди. Аммо кураш бу билан тўхтамади, исёнчи қаҳрамонларимиз 1923 йил охиригача босқинга қарши курашди. Олти йиллик бу уруш бир-икки шаҳарда эмас, балки Туркистоннинг барча вилоятларида, тарқоқ ҳолда давом этди ва ўлканинг иқтисодий томирлари қуриди, халқ жуда оғир кунларни бошдан кечирди.

Миллий ҳукумат улуғ орзу ва ғоялар билан туғилганди, аммо бўлшевик келгиндиларнинг номардларча ҳужумига, афсуски, дош беролмади, унга қарши кураша оладиган кучни дарҳол тўплай олмади. Миллий ҳукумат тарқатилганидан кейин у сиёсий фаолиятини яширинча давом эттиришга киришди. Миллий ташкилот анчадан бери ўзига энг самимий ва яқин дўст деб билгани иркдош япон давлатининг Туркистонни озодлик йўлидаги курашда ёлғиз ташлаб қўймаслигига ишонар ва умид боғларди. Ана шу самимият натижаси ўлароқ бир ҳайъатнинг Токиога юборилишига қарор берилди. Аълам ўғли Садриддинхон билан Карим ўғли Орифдан иборат бу ҳайъат 1920 йил кўклам бошида йўлга чиқди. Аммо улар манзилга етиб боролмади, чегарада қўлга тушдилар ва ташаббус натижасиз қолди.

Ватан озодлигидан асло умид узмаган Туркистон миллатпарварлари тоймасдан мужодалани давом эттирдилар.

10. 12. 1921 йилда собиқ Бухоро жумҳурияти раиси Хўжаўғли Усмон тарафидан Душанба вилояти (бугунда Тожикистон совет республикаси) марказида русларга қарши бошланган урушда собиқ Туркия давлати мудофаа вазири ва бошқўмондони Анвар пошо ва қаватидаги бир неча турк зобитлари ҳам иштирок этди.

1922 йил 19 февралда, Беҳбудий шаҳрида (собиқ Бухоро жумҳурияти вилояти) Хўжаўғли Усмон бек раҳбарлигида “Туркистон

миллий бирлиги” қурултойи ўтказилди, бутун қўрбошиларга қарата бир баёнот тарқатилиб, эндиликда барча босмачиларнинг бирлашиб, Анвар пошо қўмондонлиги остида курашни давом эттирилиши билдирилди. 1922 йил 4 августда Болчиванда Анвар пошо шаҳид бўлганидан сўнгра, Туркистон миллий бирлиги маркази тарафидан Сомий пошо бошқўмондон этиб тайинланди. 1922-1923 йиллардаги урушлар қақшатқич олиб борилгани туфайли бўлшевиклар Русия марказидан қўшимча қувватлар жалб этишга мажбур бўлди. Ниҳоят, жанглар тўхтади, 1923 йил 25 июлда Сомий пошо мажбуран Афғонистонга ўтиб кетди, Туркистон миллий бирлиги маркази аъзолари ҳам қисман Афғонистонга, баъзилари Эрон ва Туркияга тарқалдилар.

Туркистонда рус босқинчилари ва бўлшевикларга қарши ҳаракатлар йилларча давом этгани ҳолда, афсуски, ҳеч бир тарафдан моддий ва маънавий ёрдам ололмасдан, кучсизликдан охир-оқибатда тарқалди. Аммо халқ орасидаги исён ва истиқлол руҳи сўнмасдан давом этиб турибди ва кундан-кунга жонланмоқда.

Туркистон миллий бирлиги 1927 йил мартидан эътиборан Туркистон хорижида шаклланган фаолиятга янгидан киришди. Ўша йил мартидаги қурултойдан кейин Истанбулда “Янги Туркистон” ва Берлинда “ Ёш Туркистон” номли журналларни нашр эттира бошлади. Хўжаўғли Усмон бек бошчилигида яна фаолиятга киришган бу даврада олиб борилаётган ишлар шулардир: Афғонистон, Эрон, Туркия, Шарқий Туркистон, Париж, Берлин ва бошқа ерлардаги Туркистон муҳожирларини яна истиқлол ғояси атрофида бириктирмоқ ва мамлакат ичидаги дўстлар билан алоқани тиклаш, юртдаги ватандошлар онгида умид ва руҳ уйғотиш. Бугунда, барча йўқсилликларга қарамасдан, ана шу орзу-истакларга эришилди. Бундан ташқари, Русиядан ажралиб чиқишни истаган Украина, Қирим, Қафқаз ва бошқа миллат вакиллари билан биргаликда “Прометей” журнали нашрига ва прометейчилар ҳаракатига қатнашилмоқда. Бу ҳаракат Русиядан айрилмоққа жаҳд этган миллатларнинг янги иттифоқи ва муштарак ҳаракатидирки, келажакда ғайрирус миллатларнинг мустамлакада бирлашиб, битта жабҳа ташкил қилишларига йўл кўрсатади.

Туркистон миллий бирлиги маркази аввалдан Шарқий Туркистон масаласи билан шуғулланиб келади. Шарқий Туркистон зиёлилари ва у ўлкага кўчиб борган Ғарбий Туркистон ватанпарварларини юқорида зикр этилган журналлар ва Туркистон турк ёшлар уюшмаси фикран бирлаштира олди.

Туркистон милллий бирлиги маркази Шарқий Туркистон масаласи билан шуғулланаркан, аввало у ерда миллий онгнинг ва миллий маорифнинг ривожланиши учун ҳаракат қилди. Чинликларга қарши сиёсий жабҳада эса, фақат назарий ва фикрий, “пассив” вазиятда турмоқни танлади. Аммо 1931 йил сентябрида Манчжурияда бошланган

япон-чин уруши ва натижада ўша йили Манчжурияда мустақил “Манчу-қу” номи билан янги давлат ташкил этилиши Туркистон миллий бирлиги марказининг Шарқий Туркистон масаласига муносабатида кескин ўзгариш ясади.

ТМБ маркази Чин давлати ички аҳволида юз берган остин-устунликлар ва бошбошдоқликка кўра, Шарқий Туркистонда истиқлол масаласи ва унинг имконларини таҳлил этаркан, у ерда мустақил бир давлат тузиш мумкин, деган фикрдадир. Фақат, тажрибамиз билан собиттирки, тузиладиган давлатнинг яшаб кетиши учун иттифоқчиларга эҳтиёж бор. Ана шуни эътиборга олиб, ТМБ маркази ирқан қардош бўлган нажиб Япон миллати ва шавкатли Япон давлатининг Шарқий Туркистон масаласи билан яқиндан шуғулланишига ва ёрдам қўлини чўзишига умид ва ишонч билдиради.

Туркистон миллий бирлиги маркази бу соҳадаги ишларни қуйидаги икки модда атрофида юритишга қарор берди:

1. Шарқий Туркистонда шаклланган миллий ва сиёсий истиқлол фикрларини муайян бир суратда жараёнга солиш ва йўналтириш учун Шарқий Туркистонга яқин бир ерда сиёсий газета ва рисолалар нашр этади.

2. Шарқий Туркистондаги барча шаҳар ва қасабаларга ташкилотчи ва тарғиботчи одамларни юбориб, ҳар ерда ташкилотлар тузади.

Зоти олийларига ушбу меморандум билан бирга Шарқий Туркистонга оид жуғрофий, тарихий, иқтисодий ва бугунги сиёсий вазиятнинг умумий хулосаси акс этган бир рисолани ТМБ маркази номидан тақдим этиш билан шараф туйганимизни билвасила арзу ҳурмат этармиз.

1932 й. ташринуссоний (октябр)

Туркистон милллий бирлиги маркази


(имзолар)

ТМБ раиси: Хўжаўғли Усмон

ТМБ котиби: Мажидидддин Далил

Илова 19

ТМБ ва Ёқубхонзода Мустафо томонидан Англия қиролига жўнатилган Шарқий Туркистон масаласига оид мактуб



ادینا شده؛ از جمله مذکور ایکی دولت میانده معاهده یا عهد صمیمی
و دستلطر وجوده کیتر بلکه موفق او لمشدر. بابام یعقوب خان بنه، بویوک پدیشاهنا
حکمداری قاطرینه حضرتلری ایله ترکیه حکمدای سلطان عبدالعزیز خان آرالرنده کی
سیاسی قرابت و دوستلقلرین بالاستفاده، مصردن لوازم حربیه و
استانبولدن عسکری برهیئت میرآلای اسماعیل بک ریاستی التنده هندستان
طریقیله شرقی تورکستانه گوندریلمک خصوصنده دخی چالشمش و موفق اولمشدر.
آل صوک گوندریلن ده بولونمش و قاطرینه حضرتلری طرفندن قبول نظر
اولاراق بویوک نشانله تلطیف ایدلمشدر.

بابام یعقوب خان ۱۸۶۰ سنه سی وفاتنه ایندیکی بسی وقت
خبرینی ایشیتدیکم زمانه قدر ازمیرده یاشایوب مملکتمک وضعیتلرینی
دائما تعقیبدن خالی قالمدم. بو صوک زمانلرده شرقی تورکستانده پیدا اولان
وضعیتلرک خلاصه سنی شوندرمک عبارتدر: شرقی تورکستان جنوب منطقه
لرنده بنی یارکند و ختون و لایتلرنده ملاثابت آخوند و اوزکند لی
جان بکلر حاکمدر لر. شمال منطقه لرنده ایسه تیمور و طرفدارلری

حکمرانلر لر. شرقی تورکستانک وسطی و لایتلرنده ایسه صابر خان
حاجی، احمد جان قاضی کبی روحانی شخصیتلر حاکمدر لر. کرک جنوب و کرک شمال و
کرک وسطده کیلر برتورلو برشیمور لر. بالعکس آرالرنده اختلاف ظهور
ایدیب دوره مقدده در. مملکتی یاواش یاواش هرطرفدن آنارشی اقتصادی
قاصوب صاوورمق احتمالاری کورونمکده در.

برمیلیون دوت یوزبیک کیلومتره لک وسعتی میلیون نفوس حاوی
اولان شرقی تورکستان اولکه سی اداره جهتنه زنگین در. خدا نا کرده بوکونکی
آنارشی اوراده پک چوق زمان دوام ایده جک اولورسه مملکتک
زراعی، اقتصادی و تجاری دامارلری قوروپ پارچه پریشان
اولاجاقدر. اوراده کی خلق کرک داخلی حرب و کرک اجلوج و مأجوج
لریله بالآخره محو اولوب گیده جکدر. دیگر طرفدن شرقی تورکستانک آل یقین قومشوسی اولان بوشه ویکلرین یروپا-
غاندهلرینه کرک کیرلی و کرک آشکارا صورتده اشتراک ده در.
قورقولور که آنارشی دوام ایتدیکجه آل صوک بوشه ویک

19 илова матни таржимаси

Муҳташам Англия қироли ва Ҳиндистон императори Георг ҳазратларига

Тарихий шароит тақозосига кўра она ватаним бўлган Шарқий Туркистонда бугунги кунда юз бераётган алғов-далғовлар мени сиз зоти олийларига мурожаат қилишга ва аввалдан мавжуд сиёсий яқинликни эслаб, уни жонлантиришдек юксак фикрларга ташвиқ этди.

Зоти давлатмандларига маълум бўлғони каби, оталиқ Ёқуббек (асли фарғоналикдир) 1862 йилда Шарқий Туркистонда ташкил айлаган ҳукуматнинг тамал тошлари, менинг отам Ёқубхоннинг (асли туғилган ери Ёркенд шаҳридир) буюк фидокорликлари билан бунёд бўлгандир.

Отам Ёқубхон Англия қироличаси ва Ҳиндистон императори Катерина* ҳазрати олиялари замонида Ҳиндистон қироллик волийси билан Шарқий Туркистон ҳукмдори Ёқуббек оталиқ ўртасида сиёсий алоқаларнинг пайдо бўлишида муҳим хизматни бажарган. Жумладан, мазкур икки давлат орасида битим тузилишига ва самимий дўстликни вужудга келтиришга муваффақ бўлган. Отам Ёқубхон яна Буюк Британия ҳукмдори Катерина ҳазрати олиялари ва Туркия ҳукмдори Султон Абдулазизхон ораларидаги сиёсий яқинлик ва дўстликлардан билистифода, Мисрдан бир лавозими ҳарбия ва Истанбулдан бир аскарий ҳайъат миралай Исмоилбек раислигида Ҳиндистон йўли билан Шарқий Туркистонга юборилиши борасида ҳам иш олиб борган ва бунга муваффақ бўлган. Ниҳоят отам Ёқубхон Лондонга борганда, қиролича Катерина ҳазрати олиялари тарафидан қабулга мушарраф бўлган, Англия ҳукуматининг олий нишони билан тақдирланган.

Отам Ёқубхон 1900 йилда вафот этди. Мен бу хабарни Измирда олдим. Ўша замондан бери Измирда яшаяпман, мамлакатимнинг вазиятини доим кузатиб, ўрганиб келяпман. Сўнгги пайтларда Шарқий Туркистонда пайдо бўлган ҳолат хулосаси қуйидагилардан иборатдир: Шарқий Туркистоннинг жанубий минтақаларида, яъни Хўтан ва Ёркент вилоятларида мулла Собит охунд ва ўзгандлик Жонбек ҳокимдирлар. Шимол минтақаларда эса, Темур ва тарафдорлари ҳукмрондирлар. Шарқий Туркистоннинг ўрта вилоятларида Собирхон ҳожи, Аҳмаджон қози каби руҳоний шахслар ҳукм юритмоқда. Шарқдагилар ҳам, шимолдагилар ҳам, жанубдагилар ҳам, ўртадагилар ҳам бир турли бирлаша олмаяптилар. Аксига олиб, ўрталарида доим ихтилоф, жанжал бор. Мамлакатнинг ҳар тарафида бошбошдоқлик балоси оғзини очиб турибди, қўйиб берса, бутун элни ютиб юбориши мумкин.

---

*Мактубда қиролича Виктория Катерина дея янглиш ёзилган.

Бир милйўн тўрт юз минг квадрат-километрлик ерга ва беш милйўн аҳолига эга Шарқий Туркистон мамлакати жуда ҳам бойдир. Худо кўрсатмасин, бугунги тартибсизлик, анархия у ерда узоқ давом этса, ўлканинг деҳқончилик, иқтисодий ва тужжорий томирлари қуриб битади, ҳаёт тугайди. У ердаги халқ ички уруш ва очлик сабабли охир-оқибатда йўқ бўлиб кетади.

Бошқа тарафдан қараганда, Шарқий Туркистоннинг энг яқин қўшниси бўлган бўлшевикларнинг таршвиқот-тарғиботлари ҳам гоҳ яширин, гоҳ ошкор ўз ишини қилмоқда. Қўрқулурки, анархия давом этаркан, энг охири бўлшевик тузуми тарафдорлари кўпайиб, ўлкани истило этиши ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас. Фикри ожизимга кўра, Шарқий Туркистонда сулҳ ва тинчликнинг барпо бўлишини чинликлар асло истамайди.

Шарқий Туркистонда сулҳ ва сукунатнинг пойдор бўлиши, менимча, у ерда фақат кучли бир марказий ҳокимиятнинг ташкил қилинишига боғлиқ. Шукрлар бўлсинки, ёнимда камолга етган, Низомиддин деган ўғлим бор, у давлат ташкилоти борасида керакли билимга молик. Шунингдек, мамлакат хорижида улғайган ёшларимиз ҳам анчагина.

Сиз шавкатли зоти олийларига инсонпарварлик ва қўшничилик ҳурмати мурожаат этарканман, зоти давлатларидан аввалги сиёсий яқинликни жонлантиришларини орзу қилиб, Шарқий Туркистон халқига инглиз миллатининг ёрдам қўлини узатишига далолат ва ҳидоят айласинлар, дея сўраб қоламан. Менинг ва ўғлим Низомиддиннинг ягона орзу-амалимиз тезроқ Шарқий Туркистонга бориш ва у ерда хизмат қилмоқдир. Бу хусусда ҳам бизларга кўмак беришингизни алоҳида сўрайман.

Билвасила сиз зоти олийларига эҳтиромимни билдираман.

Ёқубхонзода Мустафо

(Мактуб ТМБнинг 28. 8. 1933 й.даги мажлисида ўқилиб, тасдиқланганидан кейин бир нусхаси доктор Мажид Иброҳим бекга берилган, у Измирга бориб, Низомиддинга учрашиб, отангга етказ, дея хатни топширган. Сўнгра мактуб Ёқубхонзода Мустафо тарафидан маъқулланиб, расмийлаштирилиб, Англия қиролига юборилган.)

Илова 20

Русия асоратидаги турк эллари орасида жабҳа бирлиги таъсисига оид баённома*

Умумий ва тарихий душман Русия империализмига қарши кураш, советлар истилосидан қутилиш ва истиқлолга эришиш мужодаласини олиб бориш мақсадида Озарбайжон, Эдил-Ўрол, Туркистон, Қирим, Шимолий Қафқаз вакиллари 1936 йил 17-26 апрелда Парижда қурултой ўтказди. Унда иштирокчилар айни тил, дин, тарих ва миллий маданиятга мансуб халқлар орасидаги иттифоқ ва яқинлик хусусиятлари ва бундан келиб чиқадиган манфаатлар бирлигини назари эътиборга олароқ, қуйидаги асослар доирасида ҳамкорлик қилишни ўз бурчлари деб билишларини таъкидладилар.

1.Озарбайжон, Эдил-Ўрол, Туркистон, Қирим ва Шимолий Қафқаз вакиллари барча қардош халқларнинг истиқлол ҳақларини тан оладилар ва бу ғоянинг амалга ошиши учун сиёсий муносабат ва фаолиятларни, нашр ишларини олиб боришда бир-бирларига ёрдамчи бўладилар.

2. Русия асоратидаги турк эллари жабҳаси деб аталган бу ташкилотга кирган вакиллар:

а) сиёсий ғояларига, фаолиятларига ва ташкилотларига тааллуқли фойдали ва зарарли маълумотлардан ўз вақтида хабардор этилишлари учун;

б) сиёсий имконларини муштарак жабҳа нуқтаи назаридан тадқиқ этиб, сиёсий муносабатларда ва нашр ишларида бир-бирларига кўмак беришлари учун;

в) мазкур ташкилотлар билан алоҳида вакиллар ва шахслар ўртасида чиқадиган ихтилофларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун ўз вақтида қарор қабул қилиш ниятида, ҳар бир мамлакат тамсилчиси жамиятларнинг раислари ваёки улар кўрсатган вакиллардан иборат бир ҳайъатнинг яратилишини маъқуллайдилар. Бу ҳайъат ҳар ойда бир йиғилиш ўтказиб, мамлакатлардаги вазиятдан бир-бирларини хабардор қиладилар, келолмаганлар фикрларини етказадилар ва ҳайъат керакли қарорни чиқаради.

Доимий ҳаёъат аъзолари бир йилда бир бор алоҳида тўпланиб, қурултой ўтказадилар.

Доимий ҳайъат ишларини бошқариш учун барча мамлакатлар ташкилотлари раислари орасидан бир киши бош котибликка сайланади.

3. Турли ерларда марказларга эга бўлган Русия асоратидаги турк

---

* Ҳужжат Туркия туркчасида ёзилган.

эллари жабҳаси ташкилотларига мансуб вакилларнинг ушбу баённома кўрсатмаларига риоя этароқ ҳаракат қилишларини таъминлаш учун доимий ҳайъат томонидан тадбирлар олинади ва таълимотлар юбориб турилади.

4. Русия асоратидаги турк эллари жабҳаси умумий душманга қарши фаолиятларда айни жабҳада бўлган Русия асоратидаги барча миллатлар билан муносабат ўрнатишини ва ҳар соҳада бир-бирига ёрдам қилишини маъқуллайди. Мавжуд Прометей жамиятининг кучайиб бориши ва унинг чиндан ҳам фойдалик ташкилот ҳолига келиши учун зарур бўлган ҳар қандай алоқа ва фаолиятларни амалга оширишга қарор қилади.

5. Қафқазя конфедератсийўни ташкилотининг тарихан ижобий бир иш бажарганини маъқулаган Русия асоратидаги турк эллари жабҳаси бутун сиёсий фаолиятларида ва нашр ишларида бу қарашида туради уни мудофаа этади.

6. Русия асоратидаги истиқлолчи турк халқларининг барча журналларида турк элларига ва умуман Русия асоратидаги миллатлар тақдирига оид бўлимлар ажратилади, мажмуалар бир-бирларининг мақолаларидан фойдаланадилар. Айниқса, ажнабий матбуотда имконга эга турк муҳожирларининг журналлари ўз фаолиятларида бутун турклик жабҳаси ҳақида маълумот беришни ўзига бурч билади.

7. Русия асоратидаги турк истиқлолчи ташкилотлари ва вакиллари ўзаро, халқларимиз билан бирга йиғилишлар, сиёсий ва маданий анжуманлар ўтказадилар. Ҳар бир мамлакатга мансуб ташкилотларда ёшларнинг тарбиясига, уларнинг учрашувларга, анжуману тантаналарда қатнашишига аҳамият берилади ва мажлисларда уларнинг турк эллари ҳақида маълумотга, тушунчага эга бўлишига алоҳида диққат қаратилади.

8. Турк эллари жабҳаси нуқтаи назаридан эътиборли ҳар бир масала, сиёсий ва маданий жиҳатдан аҳамиятга молик ҳар бир мавзу ва муаммо жабҳага боғлиқ ташкилотлар тарафидан музокара қилинади, коллектив ҳолда қарор чиқарилади ва баённомалари нашр этилиб, тарқатилади.

Имзолар: Раис: Жаъфар Саидаҳмад (Қирим номидан)

Котиби умумий: Чўқайўғли Мустафо (Туркистон номидан)

Муҳаммадамин Расулзода (Озарбайжон номидан)

Муҳаммад Гирай (Шимолий Қафқаз номидан)

Аёз Исҳоқий (Эдил-Ўрол номидан)

Илова 21

ТМБ тарафидан Мустафо Чўқайўғлига берилган Гувоҳнома

Mandat

Le présent mandat a été délivré a Monsieur Moustapha Tchokayoğlu, Chef de notre Organisation Nationale, demeurant aktuellement a Nogent-sur-Marne, Franke, par L`Union Nationale du Turkestan, (T.M.B.), certifiant qu`il a, comme dans le passé, pleins pouvoirs pour représenter en Europe ou bien ailleurs ou besoin en est, notre Union Nationale et d`agir en son nom. İstanbul, Mai 1940

Le Président a.i. du Comite Exécutif de T.M.B.

Tahir Çağatay

Le Secrétarie Cénéral de T.M.B.

Mecdiddin Delil

Салоҳиятнома

Францияда, Нўгент сур Марне манзилида муқим яшаб турган ташкилотимиз бошлиғи, Чўқайўғли Мустафо бекнинг аввалгидай Оврупода ва бошқа ерларда Туркистон миллий бирлигининг вакили ўлароқ Туркистон номидан иш юритишга салоҳиятли ва масъул экани хусусидаги бу васиқа Туркистон миллий бирлиги (ТМБ) томонидан берилди. Истанбул май 1940

ТМБ ижро ҳайъати раиси ўринбосари :Тоҳир Чиғатой

ТМБ умумий котиби: Мажидиддин Далил

ИЛОВА 22

ДОКТОР СОЛИҲ ЭРКИНҚЎЛНИНГ ТУРКИСТОНЛИКЛАР ТУРК ЁШЛАР БИРЛИГИГА ОИД МОЛ-МУЛК ТАЛАБИ ВА УНГА ТУРКИЯ ҲУКУМАТИ ТАРАФИДАН БЕРИЛГАН РАСМИЙ ЖАВОБ

Ҳурматли Бош вазир жанобларига, Анқара

1928 йил Истанбулда тузилган Туркистон турк ёшлар бирлиги 1938 йилдан кучга кирган жамиятлар қонунига кўра турк маданият жамияти тарзида ишлаб келаётган эди. 1943 йилда жамият беркитилда, кутубхонаси, барча нарсалари, миллий кийим-кечагу чолғу асбоблари, пианиноси ўша пайтдаги Истанбул Эминўну халқ уйига топширилганди. Бу кутубхона ва Туркистон миллий-маданий мулклари бугунда эски Эминўну халқ уйида бус-бутун мавжуддир.

Жамиятимиз янгидан талкил этилди. У Туркистон турк ёшлар бирлигининг ворисидир. Эхтиёжимиз тақозосига кўра, юқорида зикр этилган кутубхона ва миллий асбоб-анжомларни жамиятимизга қайтиб берилиши учун юксак амрингиз ва рухсатингизни сўраймиз.

Истанбул Туркистонликлар Кўмак жамияти бошлиғи

Доктор Солиҳ Эркинқўл, 14 июн 1955, Истанбул

Молия вазирлигининг жавоби

Миллий маориф вазирлиги, 25.06. 1955 й. 1 бўлим: сони 3126-107/ 13762)

Туркистонликлар Кўмак жамияти бошқарувига Истанбул, Чаршиқапи, Девоний олий кўчаси № 18, доира: 10/3.

1955 й. 14.06 даги 24-хатга жавоб

1928 йилда Истанбулда тузилган Туркистон турк ёшлар бирлиги 1938 йилда Туркистон маданият жамияти дея аталгани ва 1943 йилда беркитилгани ва нарсалари Эминўну халқ уйига топширилгани билдирилмоқда. Янги тузилган жамиятингиз беркитилган жамиятнинг вориси бўлгани учун унга оид нарсаларнинг қайтарилиши исталган.

Эминўну халқ уйидаги нарсалар 5830 сонли қарорга кўра хазинага биркитилган бўлиб, хазина ҳисобидаги нарсаларни бирор ташкилотга беришга ҳаққимиз йўқлиги боис, таклифингизни амалга ошириш имконсиз эканлигини билдирамиз. Эхтиром билан

Молия вазири: имзо

ИЛОВА 23

ВАЛИ ҚАЮМХОН ТАРАФИДАН БАНДУНГГА, ОСИЁ-АФРИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ЮБОРИЛГАН МЕМОРАНДУМ[1033]

Осиё-Африка конференциясига қатнашган давлатларнинг ҳукумат вакилларига;

Фақатгина Туркистон халқининг анча замондан бери давом этиб келаётган мустақиллик кураши анъанасини эмас, балки айни чоғда Туркистон ичидаги миллий қаршилик ҳаракати ва унинг илғор вакилларининг орзу-умидларини, мақсадларини чет элларга билдириш вазифаси юкланган ва Туркистон халқи миллий озодлик ҳаракатининг энг юқори органи Миллий Туркистон бирлик қўмитаси Балдунгда ўтказилаётган Осиё-Африка конференциясига қуйидагиларни билдиради.

1. 25 милйўнлик ахолиси ва 5 милйўн квадрат километрлик ери бўлган, Ўрта Осиё марказига жойлашган Туркистон тили, дини, маданияти, иқтисоди, тарихи ва жўғрофияси жиҳатидан миллий бирликка эга турк-мусулмон бир ўлкадир.

2. Туркистон мустақиллиги Русия ва Чин томонидан тортиб олинган. Ғарбий Туркистонни 19 асрнинг сўнгги чорагида руслар, Шарқий Туркистонни 1877 йилда хитойликлар ишғол этган. Узоқ йиллар давомида босқинчиларга қарши олиб борилган курашлар, исёнлар натижасида Ғарбий Туркистон 1917-1922 йилларда, Шарқий Туркистон 1933-1934 йилларда қисман бўлса-да мустақиллик имконига эришдилар. Афсуски, рус ва чин мустамлакачилари қурол кучи билан уларнинг мустақиллигини тортиб олди. Бугунда Туркистоннинг ҳар икки парчасида ҳам қизил терроризм ҳукумати сиёсий, маданий ва иқтисодий зулм воситасида талончилик қилмоқда.

3. Москва Туркистонда чор даврининг мустамлакачилик йўналишини юритмоқда, аввалги пайтдаги каби босқинчилик сиёсатини давом эттирмоқда.

4. Чор Русияси подшоҳлари халқни қулайгина бўйсундириш ва омманинг қаршилигини, миллий шуурини йўқотиш учун Туркистонни беш бўлакка парчалаб, ҳукмронлигини ўрнатганди. Бу сиёсатни давом эттирган совет Русияси 1924 йилда, айни тартибга асосланиб, Туркистонни бешта совет республикасига айлантиришни режалаштирди ва бу тадбирни амалга ошира бошлади. Туркистон сўзи таъқиқланди, ўлкадаги уруғлар, қавмлар “халқ”, “миллат” деб эълон этилди. Бу

[1033] Баёнот инглиз тилидан ёзилган.

республикалар Туркистон халқи иродаси билан қурилмаган ва улар Москванинг идорий бўлимларидир.

5. Ҳукумат таркиби ва бошқарувдаги барча мансабларнинг юзда етмишини руслар эгаллаган.

6. Туркистонда на эркин тушунча, на матбуот эркинлиги бор. Ер давлатга оид, диний ҳаёт таъқиқланган. Фақат тарғибот-ташвиқотни юритиш мақсадида баъзи масжидлар очиб қўйилган, аммо бу масжидларга кириб чиқувчилар махфий тарзда ҳисобга олиб борилади. Қисқаси, миллий ва диний турмуш йўли беркитилган. 1924 йилдан эътиборан худосизлар-атеистлар мактаблари ва марказлари очилган. Русия қарам ўлкаларда араб алифбосини таъқиқлаган, ўрнига кирил алифбосини киритган. Муқаддас китоб Қуръон ва бошқа диний китоблар йиғиштирилиб, ёқиб юборилган.

7. Совет терроризми оқибатида олти милйўндан ортиқ Туркистон халқи қурбон бўлган:

а – 1918-1920 йилларда амалга оширилган янги иқтисодий сиёсат ва қизил қўшиннинг қирғини туфайли 1,5 милйўн туркистонлик ўлдирилган;

б – 1932-1934 йиллардаги қаҳатлик ва мажбурий кўчирилиш натижасида уч милйўндан ортиқ туркистонлик ўлган;

в – 1937-1939 йилларда 500 мингдан ортиқ туркистонлик миллатчиликда айбланиб, қатағон қурбонига айланган;

г – Москва юритган синфий кураш назарияси натижасида халқ бой ва камбағалга ажратилиб, 500 мингдан зиёд туркистонлик қулоқ, “капиталист” аталиб, Сибирга сургун қилинган;

д – коллективлаштириш даври бошланганидан эътиборан 400 минг ер эгаси ва деҳқон оиласи билан бирга еридан ҳайдалган, мулкидан айрилган ва ўлдирилган;

е – иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ҳам Русия ва Чин қўллаган сиёсий тозалаш натижасида милйўнларча Туркистон аҳли қурбонга айланди; мустамлакачи рус ва хитой ҳукуматлари инсониятга қарши жиноят содир қилди;

ё – бугунгача руслаштириш сиёсати давом эттирилмоқда, 1954 йилдан буён, русларнинг ўзлари эътироф этганидек, Туркистонга руслар жайлаштирилмоқда, мақсад – туркистонликларни ўз юртида ер-мулксиз қолдириш.

Туркистон халқи Туркистондаги терроризмни тўхтатишни, Русия ва Чин империализмига қарши курашда Осиё ва Африканинг ҳур халқларидан ёрдам берилишини, қўллаб-қувватланилишини кутмоқда.

Туркистон миллий бирлик қўмитаси конгресс иштирокчиларидан

Туркистонга бориб вазият билан тинишиш, аҳволни ўрганиш ва баёнот ёзиб, жаҳон оммасига билдириш учун тарафсиз бир ҳайъат тузишни талаб қилади.

Агарда, руслар таъкидлаганидек, Туркистонда ҳақиқатан ҳам озодлик, тараққиёт ва миллатларнинг ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи бор бўлса, улар тузилажак ҳайъатни Туркистонга киришига изн бермаслиги мумкин ва киритмаслиги ҳам керак.

Мабодо ўзларининг сохта тарғиботу ташвиқотларининг очилиб қолишидан ҳадиксирасалар, халқаро ҳайъатни Туркистонга киришига рухсат бермасалар, у тақдирда Осиё-Африка конференцияси қатнашчилари иккала ҳукуматни ҳам империалист ва террорчи дея баҳолаши, буни матбуот, радио ва турли йиғилишлар воситасида дунёга эълон қилиши лозим.

Туркистон халқининг ҳақиқий ва қонуний вакили бўлган Миллий Туркистон бирлик қўмитаси бу конференциядан Туркистон масаласига ва Туркистон халқининг тақдирига муносабат билдиришини кутмоқда.

Миллий Туркистон бирлик қўмитаси раиси

Вали Қаюмхон

1 апрел 1955 йил, Бандунг, Индонезия

ИЛОВА 24

1990 ЙИЛДАГИ ХАЛҚАРО ТУРКИСТОН ҚУРУЛТОЙИНИНГ ХУЛОСА БАЁНИ ВА ҚАРОРЛАРИ

Қурултой қарори:

Йигирманчи аср охирлашиб қолди, дунёда катта ўзгаришлар юз бераётган даврда яшаяпмиз. Сўнгги бир неча йил ичида айниқса шарқий иттифоқ давлатларида муҳим ҳодислар бўлди, бир неча ўрта Оврупо давлатлари иттифоқдан ажралиб, ўз мустақиллигини эълон қилди. Айни пайтда советлар иттифоқи ҳам жиддий ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда ва бу мамлакатдаги жараёнлар Туркистон жумҳуриятларига таъсир этиш билан бирга, уларнинг келажагини ҳам белгилаши мумкин.

1990 йилнинг 3-5 декабр кунлари Туркистон тадқиқотлари вақфи ҳамда Туркистонликлар маданий ва ижтимой кўмак терноғи тарафидан Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган I халқаро Туркистон қурулотойи йигирманчи асрнинг бошларидан эътиборан ҳар хил сабабларга кўра Туркистондан четга чиқиб, турли ўлкаларга тарқалган

Муҳожир туркистонликларнинг вакиллари қатнашган энг катта қурултой ҳисобланади. Бу анжуманда Туркия, АҚШ, Олмония, Арабистон, Афғонистон каби давлатларда тузилган Туркистон жамиятларининг вакиллари билан бирга 70 йиллик муҳожирот тарихи бўйича илк бор Туркистондаги совет жумҳуриятларидан келган делегатлар ҳам иштирок қилди.

Уч кун давом этган қурултойда юқорида тилга олинган ўзгаришлар, Туркистон жумҳуриятларининг келажаги, муҳожиротдаги туркистонликларнинг бу жараёнга муносабати каби мавзулар ўртага қўйилди, кўпчиликнинг муҳокама ва мунозарасидан ўтказилди.

Уч кунлик йиғилиш сўнгида қурутой қатнашчилари бир овоздан қуйидаги қарорларни қабул қилишди:

1. Овруподаги шарқий иттифоқ ва советлар мамлакатида юз бераётган жараён Туркистон жумҳуриятлари аҳлининг ва бевосита Туркистондан ташқарида яшаётган барча муҳожир туркистонликларнинг ҳам диққат марказида турибди. Туркистонликлар бу жараён натижасида юз берадиган ўзгаришларга тайёр туриши даркор.

2. Муҳожир туркистонликлар қайси давлатда яшамасинлар, ўша ўлка билан Туркистон жумҳуриятлари ўртасида ўзаро муносабатлар пайдо бўлишига ва ривожланишига жиддий ҳаракат қилишлари керак.

Бу йўналишдаги ишларни турли юртлардаги Туркистон жамиятлари воситасида амалга ошириш, кутилган натижага эришиш мумкин эмас. Шу туфайли бу ишларни бажара оладиган координацион олий марказ қурилишига эхтиёж бор.

3. Ҳар бир давлатдаги Туркистон жамиятлари номидан икки кишилик вакиллар иштирокида “Дунё Туркистонликлар қонгресси” қурилишига қарор берилди. Бу конгресс юқорида таъкидланган ишларни амалга оширадиган олий кенгашдир. Бундан кейин чақириладиган халқаро Туркистон қурултойлари бу конгресс томонидан ўтказилади.

4. Дунё Туркистонликлар конгресси раиси этиб доцент Аҳат Андижон сайланди. Атоқли олимимиз доктор Боймирза Ҳайит конгресснинг фахрий раиси этиб тайинланди.

5 декабр 1990 йил, Истанбул

Биринчи халқаро Туркистон

Қурултойи Вакиллари

БАЙРОҚЛАР

Бухоро халқ жумҳуриятининг илк байроғи




Бухоро халқ жумҳурияти қурилган 1920 йилдан 1922 йилгача фойдаланилган байроқ. Қизил ранг эски турк салтанатлари байроқларидан олинган. Яшил ранг исломият тимсолидир. Туркликнинг белгиси бўлган ой ва юлдуз сариқ рангдадир.

Бухоро халқ совет республикасининг байроғи




Бухоро халқ жумҳуриятида маҳаллий жадид раҳбарлар йўқотила бошланган 1923 йилдан эътиборан, давлат номи Бухоро халқ совет республикасига айлантирилгандан кейин қўлланилган. Аввалги байроқдаги араб ҳарфлари ўрнини рус ҳарфлари, ой ва юлдуз жойини ўроқ ва болға эгаллаган.

Туркистон миллий байроғи



Ўрта Осиё миллий авомий жамиятлари иттифоқининг 1922 йилда Самарқанддаги йиғилишида қабул қилинган ва хориждаги Туркистон мужодаласи даврларида қўлланилган Туркистон миллий байроғи. Қизил ранг қадимги турк давлатлари байроқларида кенг тарқалган. Ой ва юлдуз тарих бўйича турклик тимсоли бўлган. Байроқ санжоғига ўрнатилган бўри боши эса Кўктурклар салтанати (Буюк турк хоқонлиги) давридан мерос қолган.



Иккинчи жаҳон уруши йилларида Миллий Туркистон бирлик қўмитаси ва Туркистон легионлари томонидан қўлланилгшан Туркистон миллий байроғи. Танланган ранглар Бирлашган Туркистон байроғидаги ранглар билан бир хил.

ХОРИЖДАГИ ТУРКИСТОНЛИКЛАРНИНГ ТУРКИСТОНГА ОИД НАШРИЙ ФАОЛИЯТИ

(китоблар ва даврий нашрлар)[1034]

A. Ahat Andican

- Türkistan (Dergi). 1988-1995 (22 та сони чиққан).
- Değişim Sürecinde Türk Dünyası. Emre yayınları, İstanbul, 1996.
- Cedidizm`den Bağımsızlığa Hariçte Türkistan Mücadelesi. Emre yayınları, İstanbul, 2003.
- Emir Timur: Tarih, Siyaset, Miras. Selenge Yayınları, İstanbul, 2019
- Baymırza Hayit: Türkistan Kavramını Yaşatan Adam, Türk Kültürüne Hizmet Vakfı Yayınları, İstanbul, 2023

Abdullah Khwaja

Türkistan Birlik Avazı (Bülten). 1984-1985 (5 та сони чиққан, АҚШ).

Abdullah Recep Baysun

Türkistan Milli Hareketleri. Zaman kitabevi, İstanbul, 1945.

Abdulvahap Kara

Türkistan Ateşi. Mustafa Çokay`ın Hayatı ve Mücadelesinde Yayıncılık – İstanbul, 2002.

Ayfer Kaynar

Dr. Baymırza Hayit`in Eserleri ve Faaliyetleri Hakkında Bildirilen Fikirler. Cilt I – B. Avrupa, ABD ve Şark. Atatürk Kültür Merkezi, Ankara, 1994.

Dr. Baymırza Hayit`in Eserleri ve Faaliyetleri Hakkında Bildirilen Fikirler. Cilt II – Eski Sovyetler Birliği. Atatürk Kültür Merkezi, Ankara, 1996.

[1034] Китобимиз сўзбошисида таъкидлаганимиздек, бу асар хажмидан келиб чиқиб хориждаги Шарқий Туркистон миллий кураши мавзусига қўл урмадик ва унга оид асарларни ҳам бу рўйхатга киритмадик. Мавзуга қизиққанлар Исо Юсуф Алптекин, Муҳаммадамин Буғро ва бошқаларнинг асарларига қараши мумкин.

Azadbek Kerimi

“Ватан” (газета). Пешовар, Покистон, 1986-1990 (нечта сони чиққани номаълум).

Azam Haşimi

“Таржимон” (журнал). Деҳли, Ҳиндистон, 1938-1940. 11 та сони чиққан.

“Таржимони афкор” (журнал). Қарачи, Покистон, 1950-1959. 44 та сони чиққан.

Baymırza Hayit

“Туркистоннинг қисқа тарихи”. Берлин, 1944.

Türkistan ün XX Jahrhundert. Darmstadt, 1956.

Documents: Soviet Russia`s Anti-İslam Policy in Turkestan

(Part II). Forschungsdiyenst Osteuropa. Düsseldorf, 1959.

“Тошкент руҳи.” Миллий Туркистон нашриёти, Дюселдўрф, 1959.

Turkestan und Der Orient. Forschungsdienst Osteuropa, Düsseldorf, 1960.

Sowjetrussische Orientpolitik am Beispiel Turkestans. Verlag Kiepenheuer-Witsch, Köln, 1962.

Some Problems of Modern Turkestan History. East European Research İnstitute, Düsseldorf, 1963.

Sovjetrussischer Kolonialismus und Imperialismus in Turkestan

Oosterhout – Holland, 1965.

Die Türkvölker in der Sovjetunion seit 1917. Zeitschrift

Die Orientierung, Munih, 1966.

Komünizm ve Türk Dünyası. Altınok Matbaası, Ankara, 1971.

Turkestan Zwischen Russland und China. Philopress, Amsterdam, 1971.

Türkistan Rusya ve Çin Arasında. Otağ, Yayınları, İstanbul, 1975.

Türkistan`da Öldürülen Türk Şairleri. Kardeş Matbaası, Ankara, 1971.

Türk Dünyasında Rus Emperyalizminin Ayak İzleri. Sabah Gazetesi Yayınları, 1973.

Turkestan im Herzen Euroasiens, Schriftenreihe des instituts für Turkestan-Forschung. Studienverlag, Köln, 1980.

İslam and Turkestan Under Russian Rule. Can Matbaası, İstanbul, 1977.

Sovyetler Birliğindeki Türklüğün ve İslam`ın Bazı Meseleleri. Türk Dünyası Araştırmaları Vakfı, İstanbul, 1987.

Basmacılар. Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları, Ankara, 1997.

Some Thoughts on the Problem of Turkestan. İnstitute of Turkestan Research, New york, 1983.

Bedri Hocent

“Булоқ” (журнал). Адана, Туркия, 1959, 7 та сони чиққан.

Çağatay Koçar

Türkistan İle İlgili Makaleler. Kültür Bakanlığı Yayınları, Ankara, 1971.

Türkistan Sesi (Bülten). 1985-1990. (Темур Хўжа ва М. Исо Орол билан бирга) 14 та сони чиққан.

Hüseyin İkram Han

Bir Türkistanlının İkinci Dünya Savaşı Hatıraları. Bedir Yayınevi, İstanbul, 1999.

İbrahim Yarkın

Türkistan`da Hayvancılık. Osmanbey Matbaası, İstanbul, 1938.

İbrahim Yüksel

Ümid – Hope (Bülten). АҚШ, 1992, 2 та сони чиққан.

Kares Kanatbay

Türkeli (журнал). Олмония, Мюних, 1951-1953. 21 та сони (Аҳмаджон Ўқой билан биргаликда) чиқарилган.

Mecdeddin Delil

Mustafa Çokay Albümü. İstanbul, 1942.

Maria Çokayoğlu

Eşinin Ağzından Mustafa Çokayoğlu. İstanbul, 1972.

Mustafa Çokayoğlu

Chez les Soviyets en Asia Centrale. Paris, 1928.

“Туркестан под властю советов”. Париж, 1935.

“1917 йил хотира парчалари”. Париж-Берлин, 1937.

“Ёш Туркистон” (журнал). Берлин, 1929-1940. 117 та сони чиққан.

Nazir Özcengiz

“Эслак” (журнал). Туркия, Адана, 1949 (Бойхон Алпэр билан бирга), 19 та сони чиқарилган.

Nimet Turğun Uluğtuğ

Kımız. Ankara Halkevi Yayını, Ankara, 1939.

Osman Kocaoğlu

Yeni Türkistan (dergi). İstanbul, 1927. Журнал, 31та сони чиққан.

Türkistan (китоб). Türkistan Türk Gençler Birliği Yayını, İstanbul, 1936.

Sabır Seyhan

“Адашганлар”. Тошкент, “Чўлпон” нашриёти, 1996.

Said Ali Hoca

“Кўмак” (журнал). Берлин, 1923. Битта сони чиққан.

Said Alim Han

Le voix dela Boukhaerie Oprimee. Paris, 1929.

Şahabiddin Yesevi

“Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари” (тўплам, араб алифбосида, ўзбекча ва дарийча). Истанбул, 1984.

Şekür Turan

Türkistan Bibliyografyası. Ayyıldız Matbaası, Ankara, 1972.

Tahir Özgen

Türkistan`dan Türkiye`ye. Yeni Kitap Basıevi, Konya (босилган йили кўрсатилмаган).

Prof. Dr. Tahir Çağatay

Grundzüge der Nomadenwirstschaft. Berlin, 1934.

“Туркистон пахта хўжалиги” (араб алифбосида). Берлин, 1934.

“Туркистон миллий адабиёти ва адиблари фожиасига доир” (араб алифбосида). Берлин, 1935.

“Туркистон турк миллий мафкураси ва Алишер Навоий” (араб алифбосида). Берлин, 1939.

Türkistan Milli Hareketleri ve Mustafa Çokay. Yaş Türkistan Yayınları, İstanbul, 1950.

Türkistan`a Dair Bazı Cereyanlar Hakkında Görüşlerimiz. İstanbul, 1952 (Истиқлолчи тахаллусини қўллаган).

Türkistan`da Türkçülük ve Halkçılık. İstanbul, 1954 (Y.T. – Й.Т. рамзий белги қўлланилган).

Kızıl Emperyalizm. İstanbul, 1958.

Türkistan Kurtuluş Hareketiyle İlgili Olaylardan Sahneler. Yaş Türkistan Yayınları, İstanbul, 1959.

Kızıl Emperyalizm III. Yaş Türkistan Yayınları, Ankara, 1967.kistan Seyahatnamesinin Ortaya Koyduğu Gerçekler. Yaş Türkistan Yayınları, İstanbul, 1960.

Kızıl Emperyalizm II. Türkistan’da İstismar Vasıtası Olarak Geliştirilen Pamukçuluk. Yaş Türkistan Yayınları, İstanbul, 1962.

Kızıl Emperyalizm III. Yaş Türkistan Yayınları, Ankara, 1967.

Kızıl Emperyalizm IV. Yaş Türkistan Yayınları, Ankara, 1969.

Sovyet Rusya’da Esir Milletler Meselesi Çözülmüş müdür? Yaş Türkistan Yayınları, Ankara, 1971.

Kızıl Emperyalizm V. Yaş Türkistan Yayınları, Ankara, 1975.

Kızıl Emperyalizm VI. Yaş Türkistan Yayınları, Ankara, 1979.

Kızıl Emperyalizm VII. Yaş Türkistan Yayınları, Ankara, 1986.

Timur Kocaoğlu

Türkistan (bülten). New York, 1973 (2 та сони чиққан).

Bugünkü Türkistan (bülten). Münih, 1989 (3 та сони чиққан).

Türkistan`da Yenilik Hareketleri ve İhtilaller, 1900-1924. Türkistan-Azerbaycan Araştırma Merkezi, Harlem, 2001.

Veli Kayyum Han

Yeni Türkistan (“Янги Туркистон”, газета). Берлин, 1943-1945, сони номаълум.

“Миллий адабиёт” (журнал). Берлин, 1943-1945. 10 та сони чиққан.

“Миллий Туркистон”, журнал. Берлин-1950 йилдан Дюселдорф, 1942-1975, 134 сони чиққан.

“Шум ола қарғалар” (сиёсий рисола). Миллий Туркистон бирлик қўмитаси нашри, Дюселдорф, 1985.

Zeki Velidi Togan

1929-1940 Seneleri Arasında Türkistan`ın Vaziyeti. Türkiye Basımevi, İstanbul (йили кўрсатилмаган).

Türkili Haritası ve Ona Ait İzahlar. Alaeddin Kral Matbaası, İstanbul, 1943.

Bugünkü Türkili (Türkistan) ve Yakın Tarihi. Türkiye Basımevi, İstanbul, 1947.

Türk ve Türkistan. Toprak Yayınevi, İstanbul, 1960.

Hatıralar. Türkistan ve Diğer Müslüman Doğu Türklerinin Millî Mücadeleleri. Hikmet Gazetecilik yay. İstanbul, 1969.

Türklüğün Mukadderatı Üzerine. Yağmur Yayınları, İstanbul, 1970.

Umumi Türk Tarihine Giriş. Enderun Kitabevi, İstanbul, 1981.

Ziyaeddin Babakurban

Türkistan (журнал). Истанбул, 1953, 6 та сони чиққан.

Dış Türkler ve Türkistan. Doğan Güneş Yayınevi, 1962.

Hür Türkistan İçin (газета). Истанбул, 1975-1977, 12 та сони чиққан.

МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

(1915-2001)

1915

- Муқимиддин Бекжон аъзо бўлган Русия туркларининг ҳайъатининг Можористон-Австрия ва Олмония раҳбарлари билан учрашувлари (январ ойи).

1916

- Лўзанда ўтказилган Миллатлар конгрессига Муқимиддин Бекжон ва Сафо Аҳмад ўғлининг Туркистон делегати сиқатида қатнашуви (27-29 июн).
- Еттисув қўзғолонларининг бошланиши (8 июл).

1917

- Тошкентда илк Мусулмонлар қурултойининг ўтказилиши ва Миллий марказнинг қурилиши (16-23 апрел).
- Биринчи Бутун Русия мусулмонлари конгрессининг Москвада бошланиши (14 май).
- Бўлшевикларнинг давлат тўнтариши (7 ноябр)
- Тошкентда бўлшевиклар исёни (7-14 ноябр).
- Қўқонда мухторият эълони (13 декабр).
- Алаш Ўрда мухториятининг эълони (18 декабр).

1918

- Қўқон мухториятининг бўлшевиклар томонидан йиқитилиши ва босмачилик ҳаракатининг бошланиши (18 феврал).
- Туркистонга автоном совет республикаси мақоми берилиши ва Россия совет федератив социалистик республикасига боғланиши (20 апрел).
- Шерали Лапиннинг “Уламо” жамияти вакили сифатида Олмонияга бориши (окбябр ойи).

1919

- Мадаминбек қўрбошининг Эргаштомга ўтиши ва Фарғона ҳукуматининг эълон қилиниши (24 сентябр).

1920

- Хива хонлигининг йиқилиши (25 январ).
- Хоразм халқ жумҳурияти эълони (1 феврал).
- Шермуҳаммадбек қўрбоши томонидан Туркистон муваққат ҳукуматининг эълон қилиниши (3 май).
- Турар Рисқулов ва сафдошларининг ишдан бўшатилиши (29 июн).
- Закий Валидий Тўғоннинг Москвадан кетиши (29 июн).
- Жамол пошонинг Тошкентга келиши (август ойи).
- Бухоро амирлигининг йиқилиши (1 сентябр).
- Бухоро халқ жумҳуриятининг эълони (6 октябр).

1921

- Бўлшевикларнинг Гуржистонни ишғол этиши натижасида Мустафо Чўқай ўғлининг Истанбул орқали Парижга кетиши.
- Закий Валидий, Тўрақул Жонузоқов ва Абдулҳамид Орифовларнинг Туркистон социалистлар фирқасини қуриши (15-18 март).
- Саид Олимхоннинг Афғонистонга ўтиши (21 март).
- Анвар пошонинг босмачиларга қўшилиши (8 ноябр).
- Бухоро халқ жумҳурияти элчиларининг Анқарага келиши (31 декабр).

1922

- Бухоро халқ жумҳурияти раиси Усмон Хўжа ўғлининг Афғонистонга бориши (10 апрел).
- Анвар пошонинг Балживанда шаҳид тушиши (4 август).
- Афғонистондаги Ўрта Осиё Миллий авомий ихтилол жамиятлари иттифоқи аъзолари билан қўрбошиларнинг қўшма йиғилиши, ҳожи Сомига пошолик унвони берилиши ва унинг Туркистонга юборилиши (25 август).

- Бухоро халқ жумҳурияти ва Туркистон совет социалистик республикасидан талабаларни Олмонияга юборилиши (сентябр).
- Файзулла Хўжаевнинг Олмония зиёрати (сентябр-октябр).
- Шермуҳаммадбек ва укаси Нурмуҳаммадбек қўрбошиларнинг Афғонистонга ўтиши (сентяб).

1923

- Ҳожи Сомининг Туркистонни тарк этиши (4 июн).
- Закий Валидий Тўғоннинг Эрон орқали Афғонистонга ўтиши

(18 июн).

- Бухоронинг собиқ амири Саид Олимхоннинг Миллатлар ташкилотига меморандум юбориши (июн).
- Ўрта Осиё Миллий авомий ихтилол жамиятлари иттифоқи аъзоларининг Афғонистондан чиқиб кетиши (июл-сентябр).
- Қўрбоши Фузайл махсумнинг яраланиб, Афғонистонга ўтиши (12 август).
- Берлинда “Кўмак” журналининг нашр этилиши (сентябр).
- Шермуҳаммадбек қўрбошининг ёрдам истаб Ҳиндистонга бориши (октябр).
- Турар Рисқуловнинг Олмония зиёрати (ноябр).

1924

- Шермуҳаммадбекнинг Қашқар орқали Афғонистонга қайтиши (17 март).
- Бухоро халқ жумҳурияти тарқатилди (14 сентябр).
- Хоразм халқ жумҳурияти тарқатилди (29 сентябр).
- Туркистон мухтор совет жумҳурияти тарқатилди (29 сентябр).
- Совет социалистик республикалар иттифоқи марказий ижроия қомитети Туркистонни элатларга кўра парчалашга қарор берди (27 октябр).
- Ўрта Осиё миллий авомий ихтилол жамиятлари иттифоқи хорижда – Берлинда илк қурултойини ўтказди ва унинг номи Туркистон озодлик жамияти дея ўзгартирилди (29 ноябр).

1925

- Туркистон озодлик жамияти аъзолари Берлинда иккинчи анжуманни ўтказди ва сиёсий марказни Туркияга кўчиришга қарор берилди (19 май).
- Закий Валидий Тўғон Туркияга келди (20 май).

1926

- Маршал Пилсудскийнинг ҳарбий тўнтариш натижасида Пўлша ҳукуматини қўлга олди (май ойи).
- Қўрбоши Иброҳим Лақайнинг Афғонистонга ўтди (21 июн).
- Пўлша парламенти аъзоси Халўвкў Истанбулга келди ва ТМБ раҳбарлари билан учрашди (сентябр).
- Парижда "Прометей" журналининг илк сони чиқди (ноябр).

1927

- Туркистон озодлик жамияти марказий комитети аъзоси Миён Бузрукнинг совет давлатига қайтди (январ).
- Туркистон озодлик жамияти Олмония бўлимининг Ҳайделберг қурултойи ўтказилди (феврал).
- Туркистон озодлик жамиятининг Истанбул қурултойи ўтказилди ва жамият номи Туркистон миллий бирлиги (ТМБ) дея ўзгартирилди, Усмон Хўжа ўғли ТМБ раиси этиб сайланди (15-26 март).
- "Йени Туркистон" журнали чиқди (июн).
- Усмон Хўжа ўғли ўрнига Закий Валидий Тўғон ТМБ раиси этиб сайланди (24 июн).
- Туркистон миллий бирлик ҳаракати прометейчиларга қўшилди (сентябр).
- Собиқ Бухоро амири Саид Олимхоннинг вакили Юсуфбой Муқимбой бошчилигидаги ҳайъат Женевага юборилди (сентябр).
- Истанбулда Туркистон турк ёшлар уюшмаси (ТТЁУ) ташкил этилди (29 сентябр).
- Жунайдхон мажбуран Эрондан паноҳ тилади (27 октябр).

1928

- Туркистон-Озарбайжон тадқиқотлари тернағи қурилди (май ойи).

1929

- Баччаи Сақо Афғонистон ҳукуматини эгаллади (17 январ).
- Фузайл махсум қўшини билан Афғонистондан Туркистонга кирди; Хумб қалъаси, Душанба ва Гарм каби шаҳарларни қўлга олди (12-23 апрел).
- Фузайл махсум Туркистонда яраланиб, яна Афғонистонга қайтди (3 май).
- Закий Валидий Тўғон ва Абдулқодир Инон ТМБдан истефо этди (4 май).
- ТМБ, Эдил-Ўрол ва Қирим миллий ҳаракатлари раҳбарларининг Берлин анжумани, ҳамкорлик ҳақидаги битимнинг имзоланиши (21 май).
- ТМБнинг иккинчи қурултойи, Усмон Хўжа ўғлининг иккинчи бор раис этиб сайланди (13 сентябр-2 октябр).
- Босмачилар ҳаракати раҳбарларидан Жунайдхон Афғонистонда вафот этди (октябр ойи).
- Пешоварда “Анжумани саодати Бухоро ва Туркистон” жамияти қурилди (октябр).
- Деҳлида “Анжумани иттиҳоди муҳожирин” жамияти қурилди (ноябр).
- “Ёш Туркистон” журнали Берлинда босила бошлади (декабр).

1930

- Ражабқули қўрбоши Эрондан Туркистонга ёриб кирди, Кушкали ва Марв теварагида советга қарши жанглар уюштирди (феврал).
- Пешоварда “Садои муҳожирин” журнали чиқди (апрел).
- Шўро аскари совет-афғон чегарасидан ўтиб, Иброҳим Лақай қароргоҳига ҳужум қилди (июн ойи).
- Шимолий Афғонистонда ҳукумат қўллаётган пушту қароқчи тўдаларининг туркистонликларга қарши босқин ва талони бошланди (йил бўйича).

1931

- Сардор Маҳмудхоннинг Шимолий Афғонистонда Иброҳим Лақай ва бошқа босмачи тўдаларига қарши ҳаракатининг бошланиши (январь).
- Эроннинг Машҳад шаҳрида ТМБ бўлимининг қурилиши.
- Иброҳимбек Лақайнинг афғон қўшинлари билан жангда енгилиши, мажбуран Туркистонга ўтиши, бўлшевикларга қарши янгидан кураш бошлаши (3 март).
- Иброҳимбек Лақай ва дўстларининг русларга асир тушиши (23 июн).
- “Янги Туркистон” ва бошқа муҳожир турк журналларининг Туркия ҳукумати томонидан беркитилиши (октябр).

1932

- Биринчи турк тарих қурултойи ва Закий Валидий Тўғоннинг Туркиядан чиқиб кетиши (2-11 июл).
- Англия, Совет иттифоқи, Эрон ва Афғонистон бошқа давлатларнинг қуролли кучларини ўз ўлкаларига киритмаслик хусусида Лондон битимини имзолади (3 июл).
- Иброҳимбек Лақай Тошкентда қатл этилди (31 август).

1933

- ТМБ бош котиби Мажидиддин Далил Шарқий Туркистондаги миллий курашга қатнашиш мақсадида Туркияни тарк этди (сентябр).

1934

- Муфти Садриддинхон Эрондан Афғонистонга ўтди (8июл).
- Совет давлатининг Миллатлар иттифоқи ташкилотига аъзо бўлди (сентябр).
- Турк ҳукумати “Ёш Туркистон” ва бошқа Оврупода босилган барча муҳожир турк журналларининг Туркияга киритилишини таъқиқлади (7 октябр).

1935

- Муфти Садриддинхон афғон ҳукумати томонидан Ҳиротга сургун этилди, Маҳмуд Ойқорли ТМБнинг Афғонистондаги вакили бўлди (17 июн).

1936

- Парижда Русия асири турк эллари жабҳа бирлиги қурилди (17-26 апрел).

1937

- ТМБ раиси Усмон Хўжа ўғли Афғонистонга келди (март).

1938

- Аъзам Ҳошимий “Таржимон” журналини Деҳлида чиқара бошлади (апрел).
- Усмон Хўжа ўғли ва бошқа турк дунёси сиёсий йўлбошчилари Туркия жумҳурияти вазирлар маҳкамаси қарорига кўра фуқароликдан маҳрум этилиб, ўлкадан чиқарилди (24 сентябр).
- “Прометей” журналининг номи ўзгартирилиб, “La Revue de Promethee” шаклида чиқарила бошланди (октябр).

1939

- ТМБнинг Берлин қурултойи ўтказилди, Мустафо Чўқай раис этиб сайланди (24 март).
- Усмон Хўжа ўғли Пўлшадан Эронга борди (12 август).
- Германия-Совет иттифоқи ўртасида битим имзоланди, Олмонияда босилаётган “Ёш Туркистон” журнали ва шунга ўхшаш барча советларга қарши нашрлар тўхтатилди (24 август).
- Германиянинг Пўлшага ҳужуми ва иккинчи жаҳон урушининг бошланиши (1 сентябр).
- Закий Валидий Тўғон Олмониядан Туркияга қайтди (1 сентябр).
- Пўлшадаги Прометей ҳаракати раҳбарларининг бу ердан чиқиб, Руминия, Франция, Туркия каби давлатларга тарқалиши

(6 сентябр).

- “La Revue de Promethee” журналининг нашри тўхтатилди (октябр).

1940

- Олмониядаги ТМБ аъзоларининг бу ўлкани тарк этиб, Туркияга келиши (январ).

1941

- Туркистон турк ёшлар уюшмасининг охирги қурултойи ва унинг ўрнига Турк маданият ушюшмасининг қурилиши (21 июл).
- Немис-совет урушининг бошланиши (22 июн).
- Ҳарбий асирлар ҳайъатининг тузилиши (август).
- Турк генерал Али Фуод Эртан ва генерал Ҳусний Амир Эркилэтнинг немис жабҳалари зиёрати (октябр).
- Афғонистонда “Марказия-и ҳукумати Туркистон” ташкилотининг яширин равишда тузилиши (ноябр).
- Ҳарбий асирлардан миллий легионларни ташкил этиш қарори ва Туркистон легионининг тузилиши (22 декабр).
- Мустафо Чўқай ўғлининг ўлими (27 декабр).

1942

- Туркистон легионининг урушга кириши (3 май).
- Адлон йиғилиши (15 май).
- “Миллий Туркистон” журнали нашр этила бошланди (июн).
- Миллий Туркистон бирлик комитетининг тузилиши ва Вали Қаюмхоннинг раисликка тайинланиши (14 ноябр).
- Афғонистонда “Марказия-и ҳукумати Туркистон” ташкилоти аъзоларининг ҳукумат томонидан қаматалиши (ноябр).
- Вали Қаюмхоннинг Туркия зиёрати (декабр).
- ТМБнинг сўнгги қурултойи, Тоҳир Чиғатойнинг раис этиб сайланиши (10 декабр).

1943

- ТМБ бош котиби Мажидиддин Далилнинг ўлими (31 январ).

- Турк маданият уюшмаси нашри “Турк амачи” журналининг ҳукумат томонидан беркитилиши (январ).
- Турк маданият уюшмасининг ёпилиши (апрел).
- МТБК тарафидан “Йени Туркистон” газетаси нашр этила бошланди (3 март).
- Туркистон миллий бирлик комитетининг миллий тамсилчи мақомига юксалиши (октябр).

1944

- Закий Валидий Тўғонни 3 май ҳодисалари боис Истанбул полицияси қўлга олди (17 май).
- Туркчилик-турончилик намойишларининг бошланиши (7 сентябр).
- МТБКнинг Венада ўтган конгрессида Туркистон миллий ҳукумати тузилди (8-10 июл).
- Власов раҳбарлигида Русия халқлари озодлик комитети тузилди (14 ноябр).

1945

- ТБКга мухолиф туркистонликлар тарафидан Туркистон шўроси тузилди (апрел).
- Америка ҳарбийлари Вали Қаюмхонни Олмониянинг Мариендбад қасабасида қўлга олди (5 май).
- Закий Валидий ва бошқа туркчилик-турончилик ҳаракати боис қамалганлар ҳибсдан чиқди (26 октябр).

1947

- Вали Қаюмхон озод бўлди ва МТБК янгидан ишга киришди (август).

1948

- Қарачи шаҳрида Туркистон турк муҳожирлар жамияти тузилди (январ).

1949

- “Миллий Туркистон” журнали Олмонияда қайтадан чиқа бошлади (сентябр).

1950

- Америкаликлар томонидан Мюниҳ шаҳрида бўлшевикларга қарши координацион марказ тузилди (8 июл).

1951

- Туркэли ташкилоти тузилди, “Туркэли” журнали нашр этила бошлади (сентябр).

1952

- Закий Валидий Тўғон Туркистон маданият тернағини тузди (28 март).
- МТБКнинг фавқулодда қурултойи ўтказилди, шарқ ўлкаларида ташкилотлар тузишга қарор берилди (9 апрел).
- ТМБ аъзолари тарафидан Анқара марказли Туркистонликлар кўмак тернағи тузилди (24 май).
- Аданада Туркистонликлар тернағи қурилди (ноябр).

1953

- Қарачидаги Туркистон муҳожирлар жамияти томонидан “Таржимони афкор” журнали чиқарилди (январ).
- Қоҳирада “Савти Туркистон” (“Туркистон овози”) мажмуаси Иброҳим Восил томонидан нашр этила бошланди (феврал).
- Муҳаммадамин Буғро “Туркистон” журналини чиқарди (апрел).
- Париж иттифоқи тузилди.

1954

- Истанбулда туркистонлик муҳожирлар томонидан Туркистонликлар ёрдам тернағи тузилди (24 январ).
- Қоҳирада Муҳаммадамин Исломий “Озод Туркистон” журналини чиқарди (июл).

- Туркияга кўчиб келганлар ва сиғинганлар федерацияси тузилди, Аҳмад Наим Ўктам раисликка сайланди.

1956

- Муҳаммадамин Буғро “Туркистон овози” журналини чиқарди (июл).

1957

- Вали Қаюмхон туркия ва Ўрта шарқ ўлкаларидаги муҳожир туркистонликларни зиёрат қилди.
- Саудия Арабистони ҳукумати ўнтача туркистонлик муҳожирни МТБК билан алоқадорлик туфайли ҳибс этди.
- Усмон Хўжа ўғли Туркияга қайтди.

1958

- Советлар мамлакатида дунёдаги муҳожир туркистонликлар билан алоқа ўрнатиш мақсадида “Дўстлик” жамиятлари тузилди.

1959

- АҚШ ҳукумати бошлиғи Эйзенхауэр томонидан Асир миллатлар ҳафтаси эълон этилди (19 июл).
- Аданадаги Туркистонликлар тернаги “Булоқ” журналини нашр этди.

1960

- АҚШда Туркитон-Америка жамияти тузилди.
- Тошкентда “Ватандош” радиосининг эшиттиришлари бошланди.

1962

- Солиҳлида (Туркия) Ҳасан Ўролтой “Туркэли” журналини чиқарди.

1965

- Ҳасан Ўролтой “Коммунизмга қарши кураш” журналини нашр эттирди.

1968

- Усмон Хўжа ўғли вафот этди (28 июл, Истанбул).
- Совет ҳукуматининг хориждаги Туркистонликларга қаратилган “Ойдин” газетаси чиқа бошлади.

1970

- Босмачилик ҳаракати раҳбари Шермуҳаммадбек қўрбоши вафот этди (10 март, Адана).
- Закий Валидий Тўғон вафот қилди (26 июл, Истанбул).

1975

- Зиёвуддин Бобоқурбон Истанбулда “Ҳур Туркистон учун” газетасини чиқара бошлади.
- Совет ҳукумати “Ватан” жамиятларини тузди.

1979

- Афғонистонда коммунистлар давлат тўнтариши ясади, советлар ишғол қилди.

1980

- Туркияда 12 сентябр тўнтариши юз берди, Туркистонликлар ёрдам тернағи беркитилди (сентябр).

1981

- Пешоварда Туркистон муҳожирлари конгресси ўтказилди, Шимолий Афғонистон вилоятлари ислом иттиҳоди тузилди, Абдулкарим махдум раисликка сайланди.

1982

- Афғонистондан Туркияга кўчиб келган 4500 туркий жойлаштирилди.
- Озодбек Шимолий Афғонистон вилоятлари ислом иттиҳодига раҳбари этиб сайланди.

1984

- Мюниҳда Буюк Туркэли жамияти тузилди (март).
- Истанбулда Аҳат Андижон ва ўртоқлари томонидан Туркистонликлар маданият ва ижтимоий ёрдам жамияти янгидан тузилди (ноябр).

1988

- Аҳат Андижон муҳаррирлигида “Туркистон” журнали чиқарила бошланди (январ).
- Озодбек ва сафдошлари Туркияни зиёрат этди, ҳукумат масъуллари билан учрашди (апрел).
- Туркистонликлар маданият ва ижтимоий ёрдам тернағи Турк ўчоқлари жамияти билан биргаликда Афғонистонга кўмак компаниясини бошлатди (16 июл).

1989

- Туркистонликлар маданият ва ижтимоий ёрдам тернағи Турк ўчоқлари жамияти билан биргаликда Туркияда тўпланган ёрдамни Шимолий Афғонистондаги ислом иттиҳоди жабҳаларига етказди (январ).
- Туркияда Биринчи миллий Туркистон қурултойи ўтказилди (сентябр, Истанбул).

1990

- Истанбулда Туркистонни ўрганиш вақфи тузилди (9 август).
- Биринчи халқаро Туркистон қурултойи ўтказилди (3-5 декабр, Истанбул).

1991

- Русияда Горбачевга қарши давлат тўнтариши ва натижада туркий жумҳуриятларнинг мустақиллик эълони (19 август).
- Олмаотада қабул қилинган деклорацияга кўра советлар давлати тарқатилгани расман билдирилди (18 декабр).

1992

- Афғонистонда генерал Дўстим мужоҳидлар сафига ўтди (18 март).
- Дўстим Кобул аэропортини қўлга олди, Нажибулло ҳукумати йиқилди (15 апрел).

1993

- Мозори шарифда Афғонистон миллий исломий ҳаракати (жунбуши миллий) тузилди (31 май).
- Шимолий Афғонистонда генерал Дўстим раҳбарлигида минтақавий бошқарув ташкил этилди.
- Вали Қаюмхон вафот этди (13 август, Дюселдорф).

1995

- Толибон ҳаракати майдонга чиқди.

1997

- Генерал Абдулмалик генерал Дўстимга қарши исён уюштирди, Дўстим Туркияга борди (май).
- Озодбек учоқ ҳалокатида шаҳид бўлди.
- Генерал Дўстим Афғонистонга қайтди (сентябр).

2001

- АҚШ толибон ҳаракатини тугатди, Афғонистонда Корзай бошчилигида муваққат ҳукумат тузилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБААЛАР

КИТОБЛАР

Agabekov, George. *OGPU. The Russian Secret Terror* – Hyperion, London, 1929.

Ahmetbeyoğlu, Ali. *Afganistan Üzerine Araştırmalar*, Talay Yayın, İstanbul, 2002.

Akıner, Şirin. *Sovyet Müslümanları* – İnsan Yayınları, İstanbul, 1995.

Akış, Ali. *Aklımda Kalanlar (Hatıralar-Konuşmalar)*, Neyir Matbaa, Ankara, 2002.

Alexiev, Alex. *Soviet Nationalities in German Wartime Strategy 1941-1945* – Rand, August, 1982.

Almqvist, Borje. *1983`te Afgan Savaşı: Sovyetlerin Kullandığı Nazi Taktiklerine Karşı Güçlenen Mücahit Direnişi*, ODTÜ Yay., Ankara, 1986.

Alptekin, İsa Yusuf. *Doğu Türkistan Davası*, Marifet Yayınları, 1981.

Altınbaş, Hasan. *Özbek Türkleri Tarihi. Canlı Şahitler, Aziz Hatıralar* – Yayınlanmamış Lisans Tezi. Selçuk Ü. Tarih Bölümü, Konya, 1996.

Allworth, Edward. *A Conversation with Ahmad Naim Nasratullah Bek,Bukharan Jadid (Reform Movements and Revolutions in Turkistan)* – Ed. Timur Kocaoğlu, SOTA, Haarlem, 2001.

American Committee for Liberation Bolshevizm. *Two sides of the coin* – Waldon Press, New York, 1953.

Andican, A. Ahat. *Değişim Sürecinde Türk Dünyası*, Emre Yayınları, İstanbul, 1996

Aslan, Yavuz. *Türkiye Komünist Fırkasının Kuruluşu ve Mustafa Suphi* – Türk Tarih Kurumu Yayınları, Ankara, 1997.

Armaoğlu, Fahir. *20. Yüzyıl Siyasi Tarihi* – Türkiye İş Bankası Kültür Yayınları, Ankara, 1991.

Atatürk`ün Milli Dış politikası – Kültür Bakanlığı Yayınları, Ankara, 1981.

Atatürk`ün Söylev ve Demeçleri- Türk Tarih Kurumu Yayınları, Ankara, 1959.

Atsız, Nihal. *Sart Başına Cevap* – Arkadaş Matbaası, İstanbul, 1933.

Aydemir, Şevket Süreyya. *Makedonya`dan Orta Asya`ya Enver Paşa* – Cilt III. Remzi Kitabevi, İstanbul, 1985.

Bademci, Ali. *Korbaşılar* – Kutluğ Yayınları, İstanbul, 1975.

Bakü 1920, Birinci Doğu Halkları Kurultayı Belgeleri – Koral Yayınları, İstanbul, 1975.

Bala Mirza, Mehmetzade. *Milli Azerbaycan Hareketi* – Azerbaycan Kültür Derneği Yayınları, Ankara, 1991.

Bailey, Frederick. *Mission To Tashkent* – Oxford University Press, New York,1992.

Baytugan, Barasbi. *Kuzey Kafkasya 1917-1970*, Yedi Yıldız Yayınları, Samsun, 1998

Baykara, Tuncer. *Zeki Velidi Togan* – Kültür Bakanlığı Yayınları, Ankara, 1989.

Baysun, Abdullah Recep. *Türkistan Milli Hareketleri* – İstanbul, 1945.

Bayur, Y. Hikmet. *Hindistan Tarihi*, Türk Tarih Kurumu Yayınları, Ankara, 1950.

Bayur, Y. Hikmet. *XX. Yüzyılda Türklüğün Tarih ve Acun Siyasası Üzerindeki Etkileri* – Türk Tarih Kurumu Basımevi, Ankara, 1974.

Bek Alişir, **Derya Azim**. *Büyük Cihad – Büyük Mücahid* – Taşkent, 1992.

Beningsen, Alexandre A., Wimbush S. Enders. *Muslim National Communism in The Soviet Union: A Revolutinary Strategy For The Colonial World* – The University of Chicago Press, Chicago, 1970.

Quelquejay C.L. *Sultan Galiyev: Üçüncü Dünyacı Devrimin Babası* –Sosyalist Yayınlar, İstanbul, 1995.

Quelquejay C.L. *Sultan Galiyev ve Rusya Müslümanları* – Hür Yayın A A.Ş., İstanbul, 1981.

Berberoğlu, Enis. *Öbür Türkler* – Doğan Kitapçılık A.Ş., İstanbul, 1999.

Berzeg, Sefer. *Kafkasya ve Çerkesler Bibliyografyası* – Samsun, 1996.

Berzeg, Sefer *Gurbetteki Kafkasya`dan Belgeler* – Şafak Matbaası, Ankara, 1985.

Bıçakçı, Ahmet Salih. *Türkiye`ye Göç Eden Özbeklerin Kimliklerinin Muhafazası*, Doktora tezi, Marmara Üniversitesi, Türkiyat Enstitüsü, İstanbul, 1996.

***Birinci Türk Tarih Kongresi**, Konferanslar-Münakaşalar* – Maarif Vekaleti, Ankara, 1932.

Birleşik Türkmenistan Tarihi – Türkiye -Türkmenistan Dostluk Derneği Yayını, №2, Ankara, 1994.

Burnaby, Frederik. *A Ride To Khiva* – Oxford University Press, New York, 1997

Brautigam, Otto. *So hat es sich zugetragen – Ein Leben als Soldat und Diplomat* – Holzner Verlag, Wüzburg, 1968.

Broxup, Marie. *Basmacılar* – ODTÜ Yayınları, Ankara, 1984.

Broxup, Marie. *Sovyetler Afganistan'da-Bir İşgalin Anatomisi*- ODTÜ Yayınları, Ankara, 1984.

Cagnat, Rene Jan Michel. *İmparatorluklar Beşiği*, Alan Yayıncılık, İstanbul, 1992.

Caroe, Olaf. *Sömürülen Topraklar* – Tercüman, 1001 Temel Eser, İstanbul, 1972.

Carr, E. Hallett. *The Bolshevik Revolution 1917-1923* – Penguin Books, Middlessex, 1976.

Carrel, Paul. *Barbarossa Harekâtı* – Sinan Yayınları, İstanbul, 1973.

Carrere, d`Encausse Helene. *Central Asia: 120 years of Russian Rule* – Ed. Edward Altworth, Duke University Press, Durham, 1989.

Carrere, d`Encausse Helene. *Lenin* – Doğan Kitapçılık, İstanbul, 2002.

Castagne, Joseph. *Türkistan Milli Kurtuluş Hareketi* – Orkun Yayınevi, İstanbul, 1980.

Cebesoy, Ali Fuat. *Moskova Hatıraları* – Kültür ve Turizm Bakanlığı Yayınları, Ankara, 1982.

Cihangir, Erol. *Dr. Baymırza Hayıt`ın Hayatı (*Dr. Baymirza Hayıt Armağanı*)* Turan Kültür Vakfı, İstanbul, 1999.

Copeaux, Etienne. *Prometeci Hareket (Unutkan Tarih)* – Ed. Semih Vaner, Metis Yayınları, İstanbul, 1996.

Coşkunaslan, Hakan. *Türkistan Bağımsızlık Tarihinde Münevver Kari ve İttihat Tarakki* – (Dr. Baymirza Hayit Armağanı.) Turan Kültür Vakfı, İstanbul, 1999.

Çağatay, Tahir (İstiklalçi). *Türkistan`a Dair Bazı Cereyanlar Hakkında Görüşlerimiz* – Yaş Türkistan Yayınları, İstanbul, 1952.

Çağatay, Tahir (İstiklalçi*). Türkistan Kurtuluş Hareketi ile İlgili Olaylardan Sahneler,* Yaş Türkistan Yayınları, İstanbul, 1959.

Çağatay, Tahir (İstiklalçi). *Kızıl Emperyalizm IV: Sovyet Tenkitlerine Cevaplar* – Yaş Türkistan Yayınları, sayı 19, Ankara, 1969.

Çağatay, Tahir (İstiklalçi). *Kızıl Emperyalizm VI*– Yaş Türkistan Yayınları, sayı 26, Ankara, 1980.

Çağatay, Saadet, Akış Ali. *Muhammed Ayaz İshaki, Hayatı ve Faaliyetleri,* Ayyıldız Matbaası, Ankara, 1979.

Çetişli, İsmail. *Memduh Şevket Esendal* – Kültür Bakanlığı Yayınları, Ankara, 1984.

Çokayoğlu, Maria. *Eşinin Ağzından Mustafa Çokayoğlu* – Yaş Türkistan Yayınları, İstanbul, 1972.

Çokayoğlu, Mustafa. Merhum Enver Paşa Hakkında Hatıra Parçaları – Yaş Türkistan dergisi, 1933, sayı 33, s.9.

Devlet, Nadir. *Rusya Türklerinin Millî Mücadele Tarihi* – Türk Kültürü Araştırma Enstitüsü Yayınları, Ankara, 1985.

Devlet, Nadir. *Çağdaş Türkler. Doğuştan Günümüze Büyük İslam Tarihi* – Ek cilt, Çağ Yayınları, İstanbul, 1993.

Dağcı, Cengiz. *Hatıralarda Cengiz Dağcı* – Ötüken Yayınları, İstanbul, 1998.

Dallin, Alexander. *La Russie sous la botte nazie* – Librairie Artheme Fayard, Paris, 1970.

Darendelioğlu, İlhan. *Türk Milliyetçiliği Tarihinde Büyük Kavga* – Oymak Yayınları, İstanbul, 1976.

Debicki, Roman. *Foreign Policy of Poland 1919-1939* – Pall Mall Press, London, 1963.

Deringil, Selim. *Denge Oyunu: İkinci Dünya Savaşında Türkiye`nin Dış Politikası* – Tarih Vakfı Yurt Yayınları, İstanbul, 1994.

D`or, Remy. *Kırgız Mültecileri Hakkında Kısa Bir Bilgi* – ODTÜ Yayınları, Ankara, 1984.

Dr. Rıza Nur`un Moskova-Sakarya Hatıraları – Boğaziçi Yayınları, İstanbul, 1991.

Erer, Tekin. *Enver Paşa`nın Kurtuluş Savaşı* – Mayataş Yayınları, İstanbul, 1971.

Erkilet, Hüseyin Emir. *Şark Cephesinde Gördüklerim* – Hilmi Kitabevi, İstanbul, 1943.

Fraser-Tytler, W.K. *Afghanistan* – Oxford University Press, London, 1953.

Fromkin, David. *Barışa Son Veren Barış* – Sabah Kitapları, İstanbul, 1998.

Gaucher, Roland. *Sovyet Rusya`da 50 Yıllık Muhalefet ve Siyasi Cinayetler* – Yeni Yayınları, İstanbul, 1980.

Gerede, Hüsrev. *Harb İçinde Almanya (1939-1942)*, ABC Ajansı Yayınları, İstanbul, 1994.

Girardet, Edvard. *Rusya`nın Afganistan`daki Savaşı* – ODTÜ Yayınları, Ankara, 1984.

Glasneck, Johannes. *Türkiye`de Faşist Alman Propagandası* – Onur Yayınları

Glasneck, Johannes. Kirscheisen, İnge. *Turkei und Afghanistan-Brenupunkte der Orientpolitik im Zweiten Weltkrieg* – VEB Deutscher Verlag der Wissenschaften, Berlin, 1968.

Gros, Jo-Ann (ed.) *Muslims in Central Asia* – Duke University Press, Durham, 1992.

Gürün, Kamuran. *Türk-Sovyet İlişkileri*, Türk Tarih Kurumu Yayınları, Ankara, 1991.

Haksever, Kasım. *Hatıra* – (қўлёзма) Münih, 1960.

Холбоев, Сотимжон. *Мунавварқори. Хотираларим*–Турон тарихи "Мағфират" институти нашри, Тошкент, 1992.

Ҳасанов, Мажид. *Файзулла Хўжаев*–"Ўзбекистон" нашриёти, Тошкент, 1990

Hayit, Baymırza. *Basmacılar* – Türk Diyanet Vakfı Yayınları, Ankara, 1997.

Hayit, Baymırza. *Sovyetler Birliğindeki Türklüğün ve İslam'ın Bazı Meseleleri* Türk Dünyası Araştırmaları Vakfı, İstanbul, 1987.

Hayit, Baymırza. *Türkstan Rusya ile Çin Arasında* – Otağ Yayınları, İstanbul, 1975.

Хайитов Ш.А., Собиров Х.Ж. *Хориждаги ўзбеклар* – Ўзбекистон фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1992.

Hıro, Dilip. *Between Marx and Muhammad* – Harper Collins Publishers, London, 1995.

Hızal, Ahmet Hazar. *Kuzey Kafkasya Hürriyet ve İstiklal Davası* – Orkun Yayınları, Ankara, 1961.

Hikmet, Adil. *Asya`da beş Türk* – Ötüken Yayınları, İstanbul, 1998.

Hofmann, Joachim. *Die Ostlegionen 1941-1943*, Verlag Rombach, Freiburg, 1986.

Hopkrik, Peter. *İstanbul'un Doğusunda Bitmeyen Oyun*–Sabah Yayınları, 1995.

Hopkrik, Peter. *The Great Game. On Secret Service in High Asia* – John Murray Publishers Ltd., London, 1990.

Hopkrik, Peter. *Setting The East Ablaze. On Secret Service in Bolshevik Asia* – Oxford University Press, Oxford, 2001.

Hostler, Charles Warren. *Turkism and The Soviets* – Praeger Publications, London, 1957.

İlkul, Ahmet Kemal. *Türkistan ve Çin Yollarında Unutulmayan Hatıralar* – İstanbul, 1955.

İkram Han, Hüseyin. *Bir Türkistanlının İkinci Dünya Savaşı Hatıraları* – Bedir Yayınları, İstanbul, 1999.

İybar, Tahsin. *Sibirya`dan Serendib`e* – Ulus Yayınevi, Ankara, 1950.

Қаххор, Тоҳир. *Ҳур Туркистон учун* – Чўлпон нашриёти, Тошкент, 1994.

Karabekir, Kazım. *İstiklal Harbimizde Enver Paşa ve İttihat Terakki Erkanı* – Tekin Yayınevi, İstanbul, 1990.

Kara, Abdulvahap. *Türkistan Ateşi. Mustafa Çokay`ın Hayatı ve Mücadelesi,* Da Yayıncılık – İstanbul, 2002.

Karakoç, Ercan. *Atatürk'ün Dış Politikası* – IQ Kültür Sanat Yayıncılık, İstanbul, 2002.

Карим, Иброҳим. *Мадаминбек* – "Шарқ" нашриёти, Тошкент, 2000.

Kaynar, Ayfer. *Baymırza Hayit`in Eserleri ve Faaliyetleri Hakkında Bildirilen Fikirler* – 2 cilt. Atatürk Kültür Merkezi, Ankara, 1996.

Kayyum Han, Veli. Tarih Tilga Kirganda – Düsseldorf, 1986.

Kazak-Sovyet Ansiklopedisi – Kazakistan Fenler Akademisi, Alma Ata, 1967.

Klietmann, D. *Die Deutsche Wermacht bis 1934-1945* – Die Ordensslamlung, 5 sec, s.1-4.

Kocaoğlu, Timur. *Türkistanlı Göçmenlerin Siyasi Faaliyetleri Tarihine Bir Bakış* – (Dr. Baymirza Hayit Armağanı) Turan Kültür Vakfı, İstanbul, 1999.

Komatsu, Hisao. *20.Yüzyıl Başlarında Orta Asya`da Türkçülük ve Devrim Hareketleri* – Kültür Bakanlığı Yayınları, Ankara, 1993.

Kurat, Nimet Akdes. *Türkiye ve Rusya*, Kültür Bakanlığı Yayınları, Ankara, 1990.

Kut, Halil (Paşa). *İttihat ve Terakki`den Cumhuriyete: Bitmeyen Savaş* – Derleyen: Taylan Sorgun. Yaylacılık Matbaası, İstanbul, 19972.

Landau, M., Jacob. *Pantürkizm* – Gündüz Yayınları, İstanbul, 1999.

Lenczowski, George. *Russia and The West in Iran 1918*-1948 – Cornell University Press, New York

Lenin, Vladimir İlyiç. *Ulusal Sorun ve Ulusal Kurtuluş Savaşları* – Sol Yayınları, İstanbul, 1979.

Lenincilik ve Ulusal Sorun – SBKP Marksçılık-Lenincilik Enstitüsü Konuk Yayınları, İstanbul, 1979.

Lewis, Bernard. *Modern Türkiye`nin Doğuşu* – T.T.K. Yayınları, Ankara, 1984.

Lias, Godfrey. *Büyük Kazak Göçü* – Nebioğlu Yayınevi, İstanbul, 1958.

Marque-Riviere J. *L`U. R.S.S. dans le monde* – Payot, Paris, 1934.

Metel, Raşit. *Atatürk`ün Türkiye Büyük Millet Meclisindeki Konuşmaları ve Nedenleri* – Türk Deniz Kuvvetleri Matbaası, Ankara, 1983.

Meyer, Karl. Brysac, Shareen. *Tournament Of Shadows – The Great Game and the Race for Empire in Asia-Litte* – Brown and Company, London, 2001.

Monteil, Vincent. *Sovyet Müslümanları* – Pınar Yayınları, İstanbul, 1992.

Mumcu, Uğur. *40`ların Cadı Kazanı* – Tekin Yayınevi, İstanbul, 1990.

Mühlen, Patrik von Zur. *Gamalı Haç ile Kızıl Yıldız Arasında* – Mavi Yayınları, Ankara, 1984.

Nahaylo, Bohdan. Svoboda, Victor. *Soviet Disunion, A History of the Nationalities Problem in The USSR* – The Free Press, New York, 1990.

Makashidze, Niko. *The Trutx About Antibolshevik Nationis* – A.B.N. Press İnformation Bureau, Berlin, 1960.

Nazaroff, Paul. *Hunted Through Central Asia*–Oxford University Press, New York, 1993.

Nollau, Günther, Wiehe, Hans Jürgen. *Russia`s South Flank* – Frederick A. Praeger Publisher, New York, 1963.

Olcott, Martha Brill. *The Kazakhs* – Hoover Press Publication, Stanford, 1987.

Olufsen, O. *The Emir of Bokhara and his country* – London, 1911.

Özcan, Kemal. *Dr. Baymırza Hayit`in Türkistan Araştırmaları ve Milli Mücadelelerindeki Rolü* – Turan Kültür Vakfı, İstanbul, 1996.

Özgen, Tahir. *Türkistan`dan Türkiye`ye* – Yeni Kitap Basımevi, Konya, 1975.

Пармузин, Борис. *Махсус топшириқ* – Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976.

Pipes, Richard. *The Formation of Soviet Union* – Harvard University Press, Cambridge, 1954.

Pomaranski, Stefan. *Jozef Pilsudski Hayatı ve Faaliyeti* – Resimli Ay Matbaası, İstanbul, 1933.

Rauf Beg. *Adı Afganistan`dı, Taliblerin Eline Nasıl Düştü* – Turan Kültür Vakfı, İstanbul, 2001.

Raşid, Ahmet. *Orta Asya`nın Dirilişi* – Cep Kitapları, İstanbul, 1995.

Resulzade, M. Emin. *Milli Tesanüd* –Azerbaycan Kültür Derneği Yayınları, Ankara, 1978.

Rorlich, Azade-Ayşe. *The Volga Tatars: A Profile in National Resilience* – Hoover Institution Press, Stanford, 1986.

Roux, Jean Paul. *Orta Asya: Tarih ve Uygarlık* – Kabalcı Yayınevi, İstanbul,2001.

Roy, Oliver. *Yeni Orta Asya* – Metis Yayınları, İstanbul, 1997.

Rywkin, Michael. *Asya`daki Rusya* – Boğaziçi Yayınları, İstanbul, 1975.

Saray, Mehmet. *Atatürk ve Türk Dünyası* –Türk Tarih Kurumu Yayınları, Ankara, 1995.

Saray, Mehmet. *Rus İşgali Devrinde Osmanlı Devleti ile Türkistan Hanlıkları Arasındaki Siyasi Münasebetler (1775-1875)* – Türk Tarih Kurumu Yayınları, Ankara, 1994.

Sarıhan, Zeki. *Kurtuluş Savaşımızda Türk-Afgan İlişkileri* – Kaynak Yayınları, İstanbul, 2002.

Сайхон, Собир. *Адашганлар* – Чўлпон нашриёти, 1996.

Sonyel, R. Salahi. *Kurtuluş Savaşı Günlerinde İngiliz İstihbarat Servisinin Türkiye`deki Eylemleri* – Türk Tarih Kurumu Yayınları, Ankara, 1995.

Shalinsky, C. Audrey. *Long Years of Exile, Central Asian Refugees inAfghanistan and Pakistan* – University Press of America, Lanham, 1994.

Şimşir, N. Bilal. *Atatürk ile Yazışmalar 1920-1923* – Kültür Bakanlığı Yayınları, Ankara, 1981.

Şimşir, Sebahattin. *Azerbaycan`ın İstiklal Mücadelesi* – IQ Kültür Sanat Yayıncılık, İstanbul, 2002.

Tapper, Nancy. *Abd-al Rahman`s Northwest Frontier. The Pasthun Colonization of Afghan Turkestan (The Conflict of Tribe and State in Iran and Afghanistan)* – Ed. Richard Tapper, s. 233-261. St. Martin`s Press, New York, 1983.

Taymas, Abdullah Battal. *Rus İhtilalinden Hatıralar* – Ötüken Yayınevi, İstanbul

Temir, Ahmet. *60 Yıl Almanya (1936-1996). Bir Yabancının Gözü ile: Geziler, Araştırmalar, Hatıralar* – T.C. Kültür Bakanlığı Yayınları, Ankara, 1998.

Thorwald, Jurgen. *Die İllision: Rotarmisten in Hitlers Heeren* – Drömer Knauer Verlag, Zurich, 1974.

Togan, Zeki Velidi. *1929-1940 Seneleri Arasında Türkistan`ın Vaziyeti* – Türkiye Basımevi, İstanbul. 1940.

Togan, Zeki Velidi. *Hatıralar* – İstanbul, 1969.

Togan, Zeki Velidi. *Türklüğün Mukadderatı Üzerine* – Yağmur Yayınları, İstanbul, 1977.

Togan, Zeki Velidi. *Bugünkü Türkili Türkistan ve Yakın Tarihi* – Enderun Kitabevi, İstanbul, 1981.

Tougouchi-Caiannee, Marc. *U.R.S.S. face au probleme de Nationalites* – Luttich, 1947.

Türkdoğan, Orhan. *Salihli`deki Türkistan Göçmenlerinin Yerleşmeleri* – Atatürk Üniversitesi Yayınları, Erzurum, 1969.

Türkistani, Musa Muhammed. *Kaybolan Vatan: Türkistan Faciası* – Hilal Yayınları, İstanbul, 1983.

Türkiye`deki Alman Politikası *1941-1943. Alman Dışişleri Belgeleri* – Havass Yayınları, İstanbul, 1977.

Tuzmuhammedov, R. *How the National Question Was Solved in Soviet entral Asia: A Reply to Falsifiers* – Progress Publishers, Moscow, 1973.

Ülküsal, Müstecip. *Kırım Yolunda Bir Ömür. Hatıralar* – Kırım Türkleri Kültür ve Yardımlaşma Derneği Yayınları, Ankara, 1999.

Werner, Ingeborg. *Die Afghanistan Politik des Deutschen Imperialismus vom Beginn des ersten dis zum Ende des zweiten Welikrieges*, Inaugural Dissertation, Hohen Philosophischen fakultat, Martin Luther Univ. Halle, Wittenberg, 1964

Whyte, Frederick. *Japan`s Purpose in Asia* – The Royal İnstitute of International Affairs, London, 1941.

Wimbush, S. Enders (ed.). *Stratejik Açıdan Sovyet Müslümanları ve Diğer Azınlıklar* – Yeni Forum Yayınları, Ankara, 1988.

Yaman, Ertuğrul. **Bolaç, A.Kemal** ve **Esatoğlu Ahsen**. *Türkiye`deki Türk Dünyası,* Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları, Ankara, 1998.

Yamauchi, Masayuki. *Hoşnut Olmamış Adam-Enver Paşa* – Bağlam Yayınları, İstanbul, 1995.

Zenkovsky, Serge. *Rusya`da Pantürkizm ve Müslümanlık* – İpek Matbaası, Ankara, 1971.

MAKALELER, даврий нашрлар

Abdullayev, Kemal. *Central Asian Emigres in Afghanistan: First Wawe 1920-1931,* Part 1. Central Asia Monitor (1994), №4, s.28-32.

Abdullayev, Kemal. *Central Asian Emigres in Afghanistan: First Wawe 1920-1931,* Part 2. Central Asia Monitor (1994), №5, s.16-27.

Afganistan Milli İslami Hareketi Genel Kurul ve Tüzük Çalışmaları – Türkistan Dergisi, 1993, sayı 17-18, s. 47-50.

Ahmetcan, O. *Milli masalalarimizga dair* – Türkeli dergisi, 1953, sayı 4-5, s.3-10.

Alim Han, Mir Said. *Buhara Halkın Hasret-i Tarihi* – Türkhaber, Yıl 1, sayı 4-6, s. 2002.

Bala, Mirza. *Azerbaycan Muhacirlik Matbuatının 30 Yıllığı (1923-53)* – Eylül 1953, №26, s. 4-10.

Batur, M.H *Milli yo`lımızda to`ğrı harakat etaylik* – Milli Türkistan (1952), №79, 14-24 b.

Başlamış, Cenk. Sabolev, Sergey. *Belgelerle Osmanlı Rus İlişkileri* – Milliyet Gazetesi, 16 Haziran, 1997.

Benzig, Johannes. *Erkin Türkistanning yazuv tili* – Türkistan mecmuası (1942), sayı 2, s. 28-30.

Bet-Alman, Sattar. *Führer Prinsip Çöninde* – Milli Türkistan (1943), sayı 25-26, s. 29-32.

Bet-Alman, Sattar. *Türkistan azadlığı üçün*,Milli Türkistan (1943), sayı 32, s.39-40

Bezanis, lowell. *Soviet Muslim Emigres in The Republic of Turkey* – Central Asian Survey (1994), Vol: 13(1), s. 59-180.

Саттор, Жаббор. *"Германияда Ўрта Осиё талабаларининг иккинчи йили"* – "Туркистон" газетаси, 2 сентябр, 1924.

Chokayev, Mustafa. *The Basmaji Movement in Turkestan* – The Asiatic Review, Vol: XXIV (1928), №78, s. 273-278.

Chokayev, Mustafa. *The Bolsheviks And Afghanistan* – The Asiatic Review, Vol: XXV (1929), №83, s. 497-516.

Chokayev, Mustafa. *Turkestan And The Soviet Regime* – Journal of The Royal Central Asian Society, Vol: XVIII (1931), Part III, s.4003-420.

Чўқай ўғли, Мустафо. *"Туркистон ленинчиларига жавоб"* – "Ёш Туркистон" журнали, 1930 й. 5-6 сон, 6 б.

Çokayoğlu, Mustafa. *La Question D'un Etat Touranien* – Promethee, №38, s. 9-14.

Çakıröz, Raci. *Türkistan`da Türk Subayları* – Yazan Timur Kocaoğlu. Türk Dünyası Tarih Dergisi, sayı 1-11.

Чўлпон, Абдулҳамид Сулаймон. ... – “Қизил байроқ” газетаси, 2 сентябр, 1922 й. 215 сони.

Dağpınar, Mehmet Ali. *Afganistan`da Mülkiye* – Mülkiyeliler Birliği Dergisi, 1976 y. sayı 43, s.10-15.

Эски чекист Агабекоф хотираларидан – “Ёш Туркистон” журнали, 1930 й. 11 сон, 19 б.

Fraser, Glenda. *Basmatchi-I* – Central Asian Survey, Vol: 6 (1987), №1, s. 1-73.

Fraser, Glenda. *Basmatchi-II* – Central Asian Survey, Vol: 6 (1987), №2, s. 7-42.

Fraser, Glenda. *Alim Khan and the Fall of the Bokharan Emirate in 1920* – Central Asian Survey, Vol: 7 (1987), №4, s. 47-61.

Gayratiy, S. *Küraşimiz hak, yolımız babalar yolidir* – Türkeli mecmuası (1952), sayı 5, s.5.

Халқаро танлов якунлари – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 20. 03. 1992 й. 7 б.

Ilgar, İhsan. *Atatürk`ün Dışişleri Bakanı Yusuf Kemal Tengirşenk`in Anıları,* Akşam Gazetesi, 4 Mayıs 1970.

İshaki, Muhammed Ayaz. *Lehistan`dan gidiş* – Emel (1984), №140, s. 87-104.

Қаюмхон, Вали. *“Ўқтойни эслаш”* – “Миллий Туркистон” (1968), 125 сон, 21-22 б.

Қаюмхон, Вали.*“МТБҚ ва советларнинг тактикаси”* – “Миллий Туркистон” (1969), 126 сон, 8-15 б.

Қаюмхон, Вали.*“Шараф Рашидовга очиқ мактуб”*– “Миллий Туркистон” (1963), 99 сон, 3-22 б.

Kayyum Han, Veli. *Türkiye`nin Dış Siyaseti*,Milli Türkistan (1943), sayı 29, s. 1-4.

Қаюмхон, Вали. *“Туркистонликларнинг миллий сиёсий қуроли*“Миллий Туркистон” (1943), 25-26 сон, 1-6 б.

Қаюмхон, Вали. *“Туркистон халқи ва коммунизм”*–“Миллий Туркистон” (1943), 16 сон, 1-12 б.

Қаюмхон, Вали. *“Ҳақ ва кураш”* – “Миллий Туркистон” (1943), 18 сон,1-8 б.

Қаюмхон, Вали. *“Янга типдаги Туркистон ёшлари”* – “Миллий Туркистон” (1943), 32 сон, 3-14 б.

Қаюмхон, Вали. *“Туркистон миллий аскарлари ва сиёсий йўл* –“Миллий Туркистон” (1943), 19-20 сон, 1-9 б.

Қаюмхон, Вали. *“Туркистонликлар диққатига”* – “Миллий Туркистон” (1943), 24 сон, 1-7 б.

Қаюмхон, Вали. *“Туркистоннинг яна миллий сиёсати устинда”* – “Миллий Туркистон” (1943), 31 сон, 1-12 б.

Қаюмхон, Вали. *“Туркистон эли минан легиончилар бирлиги”* – “Миллий Туркистон” (1942), 5 сон, 1-6 б.

Қаюмхон, Вали. *"Кескин сўз"*–"Миллий Туркистон" (1943), 13-14 сон, 1-5 б.

Қаюмхон, Вали. *"Шараф Рашидовга очиқ мактуб"* – "Миллий Туркистон" (1963), 99 сон, 1-22 б.

Қаюмхон, Вали. *"Туркистон миллий ҳаракати совет матбуотинда"* "Миллий Туркистон" (1966), 112 сон, 1-22 б.

Қаюмхон, Вали. *Миллий Туркистон бирлик қўмитаси нашрлари, улар ҳақидаги рўйхат қўлёзмаси, фотонусхалар, 1991.*

Қамчибек, А. *"Чет мамлакатларга ўқувчи жўнатилмасин"* – "Фарғона" газетаси, 8 июл 1923.

Kanatbay, Kares, *Bizning maksat* – Türkeli mecmuası (1951), sayı 1, s. 4-6.

Kantemir, Ali. *Mustafa Çokay hakkında hatıratım* – Milli Türkistan (1963), sayı 99, s. 23-26.

Kara, Abdulvahap. *Türkistan Türklerinin Kurtuluş Savaşına ve Cumhuriyete Katkıları* – MSÜ Fen-Edebiyat Fakültesi Dergisi, sayı 3, Kasım 2000, s. 71-82.

Khalili, Massood. *A Change in the North, The* Central Asian Newsletter (ed. Marie Broxup) 1986, Vol: 5, № 6, s. 9-11.

Kunter, Halim Baki. *Tarsus`taki Türkistan Zaviyelerinin Vakfiyeleri*- Vakıflar Dergisi (1965), cilt 6, s. 31-49.

Қурол.*"Туркистонда аскарий мажбурият"* – "Миллий Туркистон" журнали, 1942 й. 2 сон, 28 б.

Меросимизнинг бир саҳифаси – "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 3 март 1989 й.

Mocan, Şevket. *TBMM Tutanak Dergisi* – Cilt 9, Birleşim 101, 18.7.1951, s.205.

Nasıhoğlu, Rükneddin. *TBMM Tutanak Dergisi* – Cilt 9, Birleşim 101, 18.7.1951, s.204.

Nicosia, Francis. *Arab nationalism and national socialist Germany 1933-1939: ideological and strategic incompatibility* – Journal of Middle East StudiesXII (1980), Cambridge University Press, s. 362.

Oraltay, Hasan. *Alaş-Türkistan Türklerinin Milli İstiklal Parolası* – Büyük Türkeli Yayınları, İstanbul, 1973.

Oraltay, Hasan. *Hürriyet Uğrunda Doğu Türkistan Kazak Türkleri* – Büyük Türkeli Yayınları, İstanbul, 1976.

Ўктам, Аҳмад Наим.*"Усмон Хўжа ўғлининг ортиндан"*–"Миллий Туркистон" журнали (1968), 125 А сони, 18 б.

Olson, Robert. *Foreign Policy of The Soviet Union Toward thr Turkoman Rebellion in Eastren Iran in 1924-1925 and the Kurdish Rebellion of Shaykh Said in Eastern Turkey in 1925: A Comparison* – Central Asian Survey (1990), №4, s. 75-83.

Pstrusinska, Jadwiga. *Afghanistan 1989 in Sociolinguistic Perspective* – Central Asian Survey, Incidental Paper Series, №7, London, 1990.

Resulzade, Mehmet Emin. *Parlamentarizm Devri* – Odlu Yurt, 1930, №20, s. 3-30.

Resulzade, Mehmet Emin. *Kafkasya Meselesi* – Kafkasya Dergisi, 1952, №11-12, s. 5-9.

Рисқулов, Турар. *"Германияда ўқувчиларимиз"* – "Туркистон" газетаси, 19 декабр 1922.

Сирожий, С. *"Германияда ўқувчи мусулмонлар"* – "Қизил байроқ" газетаси, 21 август 1922.

Sliwinski, Marek. *Afghanistan 1978-87 War, Demography and Society* – Central Asian Survey, Incidental Paper Series, №6, London, 1988.

Sahrani, M. Nazif. *Resisting The Taliban and Talibanizm in Afghanistan: Legacies of a Century of Internal Colonialism and Cold war Politics in a Buffer State* – Perceptions, December 2000-February 2001, s. 121-140.

T.B.M.M. Zabıt Ceridesi, Devre 6, Cilt 27, İçtima: 3, s. 24-25.

Targalski, Georges. *Les plans Polonais concernant L`eclatement de L`URSS, Le mouvement ''Promethee et le Caucase* – Bulletin de L`observatoire de L`asie centrale et du Caucase, № 3, Mart 1997, s. 9-14.

Тошкентли. *"Қонли сароб"* – "Миддий Туркистон" журнали, 1964 й. 101 сон, 18-22 б.

Taylan, Cevat. Profil Programı – TRT 2, Ankara, 1998.

Tilabeg, Tarion. *Kerenskiler de mutlak itaat talep ediyorlar* – Kafkasya Dergisi, 1952, №14, s. 14-17.

Turan, M. Aydın. *Kafkasya Mülteci Yayınlarında Mareşal Pilsudski ve Cenaze Töreni* – Tarih ve Toplum (1997), İstanbul, №163, s. 13-16.

Turan, M. Aydın. *Promete Hareketinde Kuzey Kafkasya Mültecileri – Kafkasya Dağlıları Partisi (1926-1940)* – Kafkas.org.tr/bgkafkas/in-dex.html.

Турдиев, Шерали. *"Германияда ўқиган ўқувчилар изидан"* – "Ўқитувчи" газетаси, 6 апрел 1991.

Турдиев, Шерали. *"Германияда таълим олган Туркистонлик талабалар"* – "Ёшлик" журнали, 1989, 7 сон, 65 б.

Турдиев, Шерали. *"Улар Германияда ўқиган эдилар"* – "Ёш ленинчи" газетаси, 30 март 1990.

Ülküsal, Müstecip. *İkinci Dünya Savaşında 1941-1942 Berlin Hatıraları* – Emel Mecmuası, №87 Mart-Nisan 1975 sayından itibaren tefrika, İstanbul, 1975.

Vaçnadze, D. *Hariçte Kafkasya Birliği Hareketi Tarihi* – Birleşik Kafkasya, №3-4, s. 9-11.

Юртчи, В. *"Миллий туркистон давоси Кремл саройинда: "Қонли сароб"* – "Миллий Туркистон" журнали, 1964 й. 102 сон, 26-28 б.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....3

Биринчи жилд

Биринчи бўлим

Ҳаракатнинг тамали….....7
Жадидлик…….....10
Чорлик Русиясидаги сиёсий ҳаракатлар ва унинг Туркистонга таъсири….....14
Бўлшевикларнинг миллатлар сиёсати….....18
Тўнтариш йилларида ва кейинги даврда Туркистон.....23
Миллий мухтор ҳукуматлар: Қўқон мухторияти 28
Туркистон автономияси…….....31
Алаш ўрда мухтор ҳукумати.....36
Бошқирдистон автономияси.....39
Эдил-Ўрол мухторияти.....45
Туркистон хонликларининг тугатилиши ва халқ жумҳуриятларининг қурилиши.....52
Хива хонлиги..... 53
Бухоро амирлиги.....54
Хоразм халқ жумҳурияти.....60
Бухоро халқ жумҳурияти.....62
Туркияга ёрдам.....64
Анадўлу ҳукуматининг Туркистон сиёсати.....68
Бухоро жумҳуриятининг тугатилиши.....72
Усмонли империясининг таъсирлари.....76
Ҳарбий асирлар ва кўнгиллилар.....77
Иттиҳод ва тараққий ташкилоти билан муносабатлар.....86

Жамол пошо Афғонистонда.....96
Анвар пошонинг фаолиятлари.....105
Анвар пошо Туркистонда.....110
Ҳожи Сомий ва бошқа иттиҳодчилар.....113
Ўрта Осиё миллий авомий ихтилол
жамиятларининг иттифоқи.....114
Босмачилик ҳаракати.....120
Туркистондан чет элларга кўчишлар.....128
Биринчи кўчиш: 1916 йилги қўзғолон даври.....130
Иккинчи кўчиш: босмачилик даври.....131
Учинчи кўчиш: коллективлаштириш даври.....133

Иккинчи бўлим

1917-1941 ЙИЛЛАР ОРАСИДАГИ МУҲОЖИРОТ

Амударёнинг у тарафида.....138
Амир Омонуллонинг тушлари.....144
Бухоро амирининг сургун йиллари.....149
Ўрта Осиё миллий авомий жамиятлари иттифоқининг
хориждаги илк фаолиятлари.....156
Босмачи бошлиқларининг Афғонистондаги фаолияти 161
Бачаи Сақо ҳодисаси ва туркистонликлар 163
Босмачиларнинг ҳудудорти юришлари.....168
Қўрбошиларнинг тугаши.....172
Туркистонликлар Оврупода.....178
Сиёсий ташкилотларга бирлашиш ва йўлбошчилар.....182
1924 йилдаги берлин қурултойи: Ўрта Осиё мусулмонлари
миллий авомий ихтилол жамиятларидан Туркистон
озодлик жамиятига ўтиш.....189
Асир миллатлар жабҳаси: Прометей.....195
Прометей ҳаракатининг илдизлари.....195
Оврупода паноҳ топган гуруҳлар.....198
Прометей ташкилотининг тузилиши.....200

Прометей ташкилотининг қиёфаси.....203
Прометей Журнали ……..207
Пўлша ва Прометей ҳаракати: илмий ва сиёсий кўмак…….211
Туркистон-Берлин йўлларида.....213
Туркистонлик талабалар Олмонияда.....216
Хорижга талаба юборишнинг сўнги.....223
Туркистонга қайтганлар.....230
Юртга қайтмаган талабалар.....239
Сиёсий марказ – Туркия..... 242
Муҳожир туркий лидерлар Туркияда.....243
Муҳожир турклар товуши – “Янги Қафқаз”.....245
Туркистон миллий бирлик ташкилоти.....247
Туркистон озодлик жамиятининг 1927 йилдаги Истанбул қурултойи.....250
“Янги Туркистон” журнали ва прометейчиларга қўшилиш 254
Туркистон турк ёшлар уюшмасининг тузилиши.....259
ТТЁУ билан Озарбайжон ёшлар бирлиги иттифоқи.....262
Чўқай, Валидий, Усмон Хўжаўғли ўртасидаги зиддиятлар ва Валидийнинг яна раис бўлиши.....263
Чўқайнинг ТМБдан ўчирилиши..... 266
Закий Валидий Оврупода.....269
Закий Валидийнинг ТМБдан кетиши.....272
1929 йилдаги Истанбул қурултойи.....275
“Ёш Туркистон” журнали.....278
Озарбайжон миллий ҳаракати билан Эдил-Ўрол ҳаракати орасидаги воқеаларнинг ТМБга таъсирлари.....283
“Янги Туркистон”да раҳбарият ўзгариши ва Усмон Хўжаўғлининг журналдан кетиши.....285
Варшава-Истанбул-Теҳрон доирасидаги тўқнашувлар.....290
Шарқ вакилининг можароси.....293
Агабеков воқеаси.....296
Совет жосуслари Истанбулда.....300
ТМБ фаолиятларининг совет мамлакатидаги акс садоси.....303
Туркия ички сиёсатидаги ўзгаришлар ва

“Янги Туркистон”нинг ёпилиши.....305
“Ёш Туркистон” ва “Отсиз мажмуа” ғавғоси.....311
Биринчи турк тарих қурултойи ва Закий Валидийнинг Туркиядан кетиши.....316
ТМБнинг Шарқий Туркистон сиёсати ва Япония билан алоқалар……..321
Англия билан муносабат.....323
Мажидиддин Далил Шарқий Туркистонда.....326
Туркияда муҳожир турк журналларининг таъқиқланиши……328
Туркистон турк ёшлар уюшмасидан турк маданияти бирлигига ўтиш.....333
Шарқ ўлкаларидаги фаолиятлар......339
Бўлшевиклар давридаги Эрон.....339
ТМБнинг Эрондаги фаолияти.....342
Ўттизинчи йиллар, Афғонистонда.....351
Муфти Садриддинхоннинг ўйиндан чиқарилиши.....356
“Ҳукумати илоҳий” йўлида.....361
ТМБнинг японлар билан муносабат ўрнатишга уринишлари.....363
Усмон Хўжаўғли Афғонистонда.....365
Ҳиндистондаги туркистонликлар ва фаолиятлари.....368
Уруш арафасида.......373
Армани масаласи ва унинг Прометей жамиятига таъсирлари….373
Туркистон, Қафқаз ва Украина дўстлик жамиятининг тузилиши……376
Совет иттифоқининг Бирлашган миллатлар ташкилотига кириши ……..378
Маршал Пилсудскийнинг ўлими.....380
Коминтерннинг қарорллари ва Оврупо социализмидаги ўзгаришлар.....382
Русия асири турк элларининг жабҳа бирлигининг қурилиши……..383
“Прометей” журналидаги ўзгаришлар.....385
Туркистон миллий бирлигидаги янгиликлар.....388
Муҳожир лидерларнинг Туркиядан чиқарилиши.....389

1939 йилдаги Берлин йиғилиши ва Чўқайнинг раҳбарлик даври...……...392
Олмония-Япония йўналишидаги совет муҳожирлари ва Прометей ҳаракати.....394
Пўлшанинг ишғоли ва Прометей ҳаракатининг тугаши.....400
Пўлшанинг ишғолидан кейин ТМБдаги аҳвол.....403

Иккинчи жилд……408

Учинчи бўлим

Иккинчи жаҳон уруши йиллари

Иккинчи жаҳон уруши йиллари.......410
Девлар жангидаги пиёдалар.....411
Барбаросса ҳаракатининг бошланиши.....411
Олмонлардаги ирқ тушунчаси ва шарқ вазирлигининг тузилиши.....412
Рус жанггоҳларидан немис қамоқларига туташган йўл.....415
Ҳарбий асирлар комиссияларининг ташкил этилиши……420
Мустафо Чўқай ўғлининг вафоти….....422
Миллий легионлар.....431
Ташқи дунёдаги турк лидерлар билан муносабат.....437
Адлон йиғилиши…….....439
Вали Қаюмхоннинг майдонга чиқиши.....444
Туркистон миллий қўмитасининг тузилиши.....450
Туркистон легиони.....452
Миллий Туркистон бирлик қўмитасининг тузилиши ва Туркистон легионининг шаклланиши.....455
Туркистон легионлари жанг майдонларида.....457
1943 йилдаги воқеалар.....465
Миллий Туркистон бирлик қўмитасида ички муҳолифатнинг ўртага чиқиши.....470
Эсэсчиларнинг турончилиги ва шарқ турк кучи.....472

Генерал Власов ва рус озодлик қўшини режаси.....476
Туркистон миллий ҳукуматининг тузилиши.....478
Уруш тугаши арафасида 480
Урушнинг тугаши ва Нюренберг маҳкамалари.....483
Иккинчи жаҳон уруши даврида Туркия 487
Уруш давридаги туркчилик оқимлари ва турк-олмон муносабатлари 488
Сарачўғли ва давлат туркчилиги.....494
Вали Қаюмхоннинг Туркия сафари…….501
Турк маданий бирлиги жамияти ва Эминўни Халқ уйи.....505
Туркия ички сиёсатидаги ўзгаришлар ва туркчи журналларнинг ёпилиши.....509
Учинчи май ҳодисалари ва Закий Валидий Тўғоннинг қамалиши 512
Туркчилик-турончилик даъволари.....516
Совет Иттифоқига топширилган сиёсий муҳожирлар.....520
Яна Афғонистонда…….523
Афғонистондаги советларга қарши ҳаракатлар 523
Совет Жосуси Ойқорли яна саҳнада……..525
“Ханса” иши.....527

Тўртинчи бўлим

Совуқ уруш йилларида

Совуқ уруш йилларида.....530
Американинг майдонга тушиши.....532
Русия халқларини қутқариш комитети.....535
Туркэли комитетининг тузилиши.....538
МТБК ва Туркэли орасидаги муносабатлар 541
Бўлшевикларга қарши курашувчи координацион марказ.....543
Америка комитетининг тугатилиши ва бошқа ҳаракатлар.....545
Миллий Туркистон бирлик комитетининг шарқ ўлкаларидаги фаолияти.....547

Совуқ уруш даврида советларнинг туркистонлик муҳожирларга қаратилган тарғиботлари.....552
Туркистон тушунчасини яшатган одам – доктор Боймирза Ҳайит.....556
Совуқ уруш даврида Туркия.....558
Туркистон тернақлари ва янгидан ташкилотланиш даври.....561
Истанбул ташқарисидаги фаолиятлар.....568
Туркистон Миллий Бирлик Жамиятининг тугатилиши……569
Шарқ ўлкаларидаги ҳодисалар.....574
Совет айғоқчисининг охирги ишлари.....578
Ўрта шарқ ўлкаларидаги фаолиятлар.....580

Бешинчи бўлим

Мустақиллик сари

Мустақиллик сари......585
Туркия, Эрон ва Афғонистон ҳудудларидаги давлат тўнтаришлари ва бошқа ўзгаришлар.....586
Туркистонликлар яна майдонда.....588
“Туркистон” журналининг чиқарилиши ва Туркистон тадқиқотлари вақфининг тузилиши.....592
Афғонистон уруши билан боғлиқ ҳодисалар.....593
Халқаро Туркистон қурултойлари.....596
Тернақнинг барчага фойдали ташкилот ҳолига келтирилиши ва Овроосиё федерациясининг тузилиши.....598
Туркистон муҳожирларининг Америкадаги фаолияти.....600
Олмонияда олиб борилган ишлар.....602
Афғон Туркистонидаги уруш......603
Шимолий Афғонистон вилоятлари ислом иттиҳоди ҳаракати ва Озодбек.....606
Нажибулло ҳукуматининг тугатилиши ва генерал Дўстимнинг майдонга чиқиши.....613
Мужоҳидлар ҳукумати ва Кобилда ҳукмронлик учун курашлар.....614

Афғонистон миллий исломий ҳаракати – жунбуши миллийнинг тузилиши.....615

Толибон Ҳаракатининг майдонга келиши……..621

Озодбекнинг Ўлими…….623

Миллий исломий ҳаракатнинг тарқалиши ва Шимолий Афғонистонда урушнинг тугаши.....625

11 сентябр ҳодисалари ва АҚШнинг Афғонистонга кириши…...629

Хулоса.....631

Иловалар

1. Қўқондаги Туркистон мухторияти билдиргаси 636

2. Туркистон Миллий Бирлиги низомномаси.....639

3. Закий Валидий Тўғон тарафидан Мустафо Чўқайўғлига 1924 йил13 майда ёзилган мактуб.....651

4. Ўрта Осиё миллий авомий ихтилол жамиятлари иттифоқининг Туркистон хорижидаги илк қурултойи (1924 Берлин) баённомаси.. 655

5. Туркистон талабалаарининг совет ҳукуматига мурожаати……664

6. Ҳайделберг мажлиси баённомаси 672

7. Туркистон миллий бирлигининг прўғрами ва низомномаси….676

8. Закий Валидий Тўғоннинг Абдулваҳоб Муродийга мактуби....686

9. ТМБнинг Пометей вакилига таълимотномаси.....696

10. Туркистон-Озарбайжон ёшлар бирлиги федерацион Баённомаси…… 700

11. Туркия республикаси президенти Мустафо Камол Отатуркнинг фармонига биноан Туркистон турк ёшлар уюшмасига бино ажратилишига оид ҳужжатлар.....703

12. З. В. Тўғон ва А. Иноннинг истеъфоси матни.....705

13. ТМБнинг қайта ишланган ички тузуги.....707

14. Мустафо Чўқайўғлининг Оврупо вакили гувоҳномаси.....713

15.Туркистон-Эдил-Ўрол ташкилотлари жабҳа бирлиги Баённомаси…… 714

16. Усмон Хўжаўғлининг Мустафо Чўқайўғлига мактуби 716
17. ТМБнинг Ўрта Шарқ вакиллиги гувоҳномаси.....726
18. ТМБ томонидан Япония ҳукуматига топширилган меморандум ……..727
19. ТМБ томонидан Англия қиролига юборилган мактуб.....731
20. Русия асири турк эллари орасида жабҳа бирлиги тузиш хусусида қарор……...736
21. Мустафо Чўқайўғлининг ТМБ раиси гувоҳномаси.....738
22. Доктор Солиҳ Эркинқўлнинг Туркистонликлар турк ёшлар бирлигига оид мол-мулк талаби ва унга Туркия ҳукумати тарафидан берилган расмий жавоб.....739
23. Вали Қаюмхон тарафидан Бандунгга, Осиё-Африка конференциясига юборилган меморандум.....740
24. 1990 йилдаги халқаро Туркистон қурултойининг хулоса баёни ва қарорлари.....743
Бухоро халқ жумҳурияти байроғи (1920)..... 745
Бухоро халқ совет республикаси байроғи (1923).....745
Туркистон миллий байроғи (1922).....746
Миллий Туркистон бирлик қўмитаси байроғи……...746

Хориждаги туркистонликларнинг Туркистонга оид Нашрий фаолияти (китоблар ва даврий нашрлар).....747

Муҳим воқеалар (1915-2001).....753

Фойдаланилган манбаалар…….....767

Мундарижа……779